

## • ГАРРИ ПОТТЕР ВА ҚАҚНУС ОРДЕНИ

### БИРИНЧИ БОБ. ДУДЛИНИНГ ДЕМЕНЦИЯСИ

Ёзнинг яна бир ўта жазирама кўни ниҳоясига етишига оз қолди. Одамовилар хиёбонидаги ҳовлилар-у, квадрат шаклида қурилган катта уйлар худди уйқуга кетгандай жимжит. Деярли ҳар бир бино ёнида, одатда, тозалигидан ялтираб турадиган машиналар ҳозир чанг босиб, хира тортган. Зумрад-яшил майсазорлар қуриб, сарғайиб кетган. Шаҳар маъмурияти томонидан қўрғоқчилик даврида сув сарфига оид чекланишлар жорий этилганлиги боис, боғ шлангидан машина ювиш, экинзор парвариш қилиш каби, мақсадларда фойдаланиш ман этилган. Маҳаллий аҳоли бундай қувноқ, одатда, қий-чув, тўполон-ла кечадиган ишларидан воз кечишга мажбур бўлиб, йўқ шамолни чорлаш умидида дераза тавақаларини ланг очганча, салқин хонадонларида вақт ўтказмоқда. Шундай иссиқ, ҳавоси дим кўчада биттагина одам бор, у ҳам бўлса, 4- уй деворининг ёнгинасида яратилган тўгарак гулзорда ётган ўспирин.

Қисқа муддат ичида ушбу озғин, кўзойнак таққан қорасоч боланинг бўйи анчагина ўсиб кетгани учун бўлса керак, ранг-рўйига қараганда бироз бетоб кўринадди. Уй соҳиблари йигитчанинг эгнига ирkit, йиртиқ жинси шим, ўнгиб кетган беўхшов футболка ва тагчарми ажралиб кетишига сал қолган эски спорт шиппагини раво кўришган. Шундай қилинса, Гарри Поттер ўз ташқи қиёфаси билан қўшнилари кўзига жозибадор кўринмайди. Улар эса кишининг сифати паст кийим кийиб юриш одатини жиноий жазога лойиқ хатти-ҳаракат сифатида эътироф этиб, бундай тамойилни қонуниятдай кўришади. Хайриятки, бугунги оқшом маҳалида Гаррини мулоҳаза юритилаётган кўзлардан гортензиянинг каттагина бутаси тўсиб турибди. Умуман айтганда, ҳозир уни фақат ўз амакиси билан холасигина, агар деразадан бош чиқариб, девор тагига қарашса, кўриши мумкин. *(Гортензия – йирик гулли декоратив ўсимлик).*

Қизиб кетган тош ерда ётиш бироз ноқулай бўлса ҳам, айнан шу ерда биқиниб олишни Гарри маъқул топди. Негаки бола ҳар сафар телевизор кўрмоқчи бўлиб Дурсллар ўтирган хонага кирса, ҳамма унга бўридай қарайди, бири тишини ғижирлаб сухандоннинг сўзларини эшитишга ҳалал беради, бошқа бири қабиҳ саволлар ёғдиради.

Гаррининг фикри гўё деразадан хонага учиб киргандай бўлди. Негаки, ичкаридан Гаррининг амакиси, аниқроқ айтиладиган бўлса, холасининг эри Вернон Дурслнинг овози эшитилди.

- Яхши ҳам-ки, анави етим хонага кирмай қўйди. Айтгандай, қаерда юрибди у?

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - лоқайд жавоб қайтарди Петунья хола, - Уйда йўқлиги аниқ.

- Қаранг-ки, энди уни янгиликлар қизиқтириб қолибди... - заҳар қилди Вернон амаки ғўнғирлаб, - Яна қанақанги ўйинга жазм қилмоқчи у, қандай янгиликларни кутяпти экан-а?! Ёш болани, агар соғ бўлса, албатта, жаҳонда рўй бераётган ҳодисалар қизиқтириши мумкинми?!... Жа ишондим-да! Ўзимизнинг Дудлимизни олайлик. Мутлақо дунёбеҳабар. Оламни сув босса ўрдакка нима ғам, деб ўғлимизга ўхшаганларга қараб айтган бўлишса, ажаб эмас. Дудли ҳатто давлатимизнинг Бош вазири кимлигини, исмини ҳам билмаса керак, а, Петунья?... Умуман айтганда, анави нусхага ўхшаганлар элати ҳақида бизнинг янгиликларимизда гапиришмас... деган умиддаман...

- Вернон, ш-ш-ш! - эрининг гапини бўлди Петунья хола, - Дераза очиқ!

- Ҳа-я... Маъзур кўрасан, азизам.

Дурсллар унини ўчиришди. Гарри мева ва буғдой унининг кепадиган тайёрланган мюсли ҳақидаги ашъорларни эшитиб, қўшни Печакгул кўчасида яшайдиган, айни вақтда қовоқ солиб, нималарнидир вайсаганча, ҳовлида санқиб юрган, қариб миясини еган мушукбоқар кампир миссис Фиггнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб ётди. Гарри бута остига бекиниб олишга ақли етгани учун ўзидан мамнун. Негаки, сўнги вақтда миссис Фигг Гаррини учратиши билан қўярда-қўймай уйига, чойхўрликка қистаб чорлайдиган одат чиқариб олибди. Ичкаридан Вернон амакининг

овози боз эшитилганда, миссис Фигг муюлиш ортига ўтиб кетди. (*Мюсли (немис. Müsli, (Bircher) müsli*) – нонушта тайёрлаш учун яримфабрикат маҳсулот. Одатда, овқатга ишлатиладиган ҳар хил ўтлар ва мева бўлакларидан ташкил топади. Ишлов бермай йогурт билан бирга истеъмол қилиш тавсия этилади).

- Демак, Дудличани чойга таклиф қилишибди дегин?

- Ҳа, Полукисслар, - жавоб берди Петунья хола нозик оҳангда, - Дўсти кўп, боламизнинг. Ҳаммаси бирдай яхши кўришади уни...

Гарри кулиб юборишдан ўзини базўр тийиб олди. Ўғиллари ҳақида гап бошланиши ҳамано, эр-хотин Дурсллар ақлан сўқир бўлиб қолиши Гаррини таажжублантиради. Бутун таътил давомида Дудли, гўё дўстларининг хонадонларида ҳар оқшом навбат билан ўтаётган чойхўрлик ҳақида гапириб, ўз ота-онасининг қулоғига лағмон осиб келмоқда. Дудли ҳеч қайси ўртоғиникига бормаётгани, ҳеч қандай чойхўрлик қилмаётгани, аксинча ўз тўдасига бошчилик қилиб, истироҳат боғида кўлига кирган, кўзига кўринган нарсани абжақ қилаётгани ёки атрофда изғиганча, йўлда ўтаётган машиналар-у, кўчада сайр қилаётган болаларга тош отиб юришини Гарри жуда яхши билади. Гарри Дурсллар истиқомат қиладиган Сюррей графлигининг Литтл Уингинг шаҳарчаси кўчаларида сўнгги вақтда кўп сандироқлаб юрадиган, одамлар ташлаб юборган газеталарни олиб, ўқиб ўтирадиган одат чиқарган. Ана шундай кунлардан бирида Дудлининг қилмишларини кўриб қолган эди.

Кечки соат еттида етказиладиган янгиликлар бошланганлигини англатадиган мусиқий лавҳа янгради. Илк ноталарни эшитган Гаррининг қорин соҳасида нимадир сиқилиб қолгандай бўлди. Эҳтимол бугун... бир ой ўтиб... балким бугун.

«Испания аэропортларида мушкул аҳволга тушиб қолган сайёҳлар сони рекорд даражага етгани қайд этилди. Мана икки ҳафтадир-ки, ҳаммолларнинг иш ташлари давом этмоқда...»

- Мен уларга кўрсатиб қўяр эдим, тушлиқдан сўнгги уйқу қанақа бўлишини, - наъра тортди Вернон амаки, суҳандоннинг сўзларини босиб.

Энди бунинг аҳамияти йўқ. Тўгарак гулзорда ётган Гаррининг қорин соҳасидаги тугун аста бўшаша бошлади. Агар бирор-бир фожиа рўй берганида, бу ҳақда биринчи навбатда айтилган бўлиши турган гап. Ўлим ва ҳалокатлар сайёҳларнинг мушкул аҳволдан олдин айтилиши муқаррар. Гарри узоқ нафас чиқариб, кўзни қамаштирадиган даражада кўм-кўк осмонга қаради. Бу йилги ёзнинг ҳар бир куни бола учун бир хил кечди: дастлаб машаққатли зўриқиш, янгилик кутиш дамлари, вақтинча тинчланиш, сўнг, яна ташвишга тушиш... ва ҳар сафар кундан-кунга кучайиб бораётган таажжуб. Нега энди ҳеч нарса рўй бермаяпти?

Янгиликлар давом этмоқда. Гарри ҳар эҳтимолга қарши эшитиб ётиб, маглар тўғри баҳо бера олишга қодир бўлмаган, чунончи, улар тушуниб етмайдиган ҳодиса ёки сирли можарога ўхшаш бирор-бир шамани илғаб олишга умид боғламоқда. Лекин сайёҳлар ҳақидаги маълумотлардан сўнг, жанубий-шарқий минтақадаги қурғоқчиликка доир мавзу бошланди.

- Мана бу гапларни қўшни ҳам эшитаётган бўлса керак, - ўқирди Вернон амаки, - Тонг саҳар, соат учда сув сепиш мосламасини ишга тушираётгани бизга эшитилмайди, деб ўйлайди чоғи! Шундан сўнг, Сюррей графлигида ҳалокатга учрашишига бир баҳя қолган вертолёт ҳақида, донгдор артист аёлнинг машҳурликда қолишмайдиган эри билан ажрашаётгани ҳақида гапирилди.

- Уларнинг кир чойшаблари билан нима ишимиз бор, - вайсади Петунья хола.

Тили бошқа-ю, дили бошқа хола, машҳур эр-хотинлар ҳақидаги мақолаларни қидириб, чўп-устухон қўли билан варақламаган газета-ю, журнал қолмайди.

Кунботар осмон кўзни тиндирди. Гарри кўзини юмиб, суҳандоннинг сўзларини эшитмоқда.

«... сўнги янгилик. Майнабоз Патта салқинлаб олишнинг янги усулини ихтиро қилибди. Барнслидаги «Бешта пат»да яшайдиган Патта лақабли жингалак патли тўтича сув чанғисида учишнинг ҳадисини олибди! Тафсилотлари билан муҳбиримиз Мэри Доркинс...» (**Барнсли** (Barnsley) – Буюк Британиядаги Йоркшир графлиги, Фарбий Райдинг, Дирн дарёси соҳилида жойлашган шаҳар-графлик. Ушбу шаҳарга XII асрда асос солинган. Бугунги кунда машинасозлик, тўқимачилик ва шиша саноати ривожланган бўлиб, тошқўмир ҳавзасининг маркази саналади).

Гарри кўзини очди. Модомики, улар, сув чанғисида учадиган тўтиқушларга етиб борди-ми, давомини эшитмаса ҳам бўлаверади. Бола астагина қорнига юмалаб, тизза ва кафтларини ерга тираганча, деразадан нари эмаклай кетди. Икки дюйм босиб ўтмай, бирин-кетин бир неча ҳодиса рўй берди.

Жимжит кўчада худди ўқ узилгандай қарс янграб, қулоқ битди. Уй яқинидаги машина остидан ўтакаси ёрилиб кетган мушук ўқдай отилиб чиқди-да, ажал қувгандай боши оққан томон қочиб қолди. Дурсллар меҳмонхонасидан дастлаб чинқириқ, сўнг сўкиниш ва чинни синган товуш эшитилди. Шунга ўхшаш сигнал қутаётган Гарри шамшир чиқарган каби, шимининг орқа томонига қистириб олган сеҳрли таёқчасини қўлига олди-да, ўрнидан туриш учун қаддини кескин ростлар экан бошини деразанинг очиқ тавақасига қаттиқ уриб олди. Деразанинг қарсиллаганини эшитган Петунья хола баттар ўкириб юборди.

Гаррининг боши оғриқдан иккига бўлиниб кетгандай бўлиб, кўзи ёшланиб кетди. Турган жойида тебраниб қолган Гарри кўриш қобилиятини тиклаш, қарс қайси томондан янграганини идрок этишга уринди. Мувозанатини тиклашга улгурмай, деразадан бир жуфт алвон тусли гўштдор қўл чиқиб, боланинг бўғзидан тутиб олди.

- Қани биров кўриб қолмасдан йўқот-чи, анави таёғингни! - ўкирди Вернон амаки Гаррининг қулоғига, - Тез бўл!

- Тинч... қўйинг... мени! - хириллади бўғилган Гарри.

Бир неча сония давомида амаки ва жиян ўртасида қаттиқ кураш кечди. Гарри чап қўли билан амакининг ҳар бири сосискадай келадиган бармоқларидан халос бўлишга, ўнг қўли билан эса юқорига кўтарилган таёқчасини қўлида тутиб қолишга уринди. Дафъатан Гаррининг боши қаттиқ оғриб, танаси орқали, унга дахл қилиш имконини бермайдиган аллақандай кўринмас куч ўтгандай бўлди. Вернон амаки эса худди ток ургандай қаттиқ ангиллаб, жиянни қўйиб юборди.

Гортензия бутасига қулаб тушишига бир баҳя қолган Гарри, ҳансираганча, қаддини ростлаб, атрофга аланглади. Эшитилган қарс манбасини англатадиган бирон-бир аломат йўқ. Лекин деразадан бош чиқариб, қизиқсиниб қараётган уч-тўрт нафар одам кўринди. Гарри шу заҳоти сеҳрли таёқчасини яшириб, бегуноҳ қиёфа ясаб олди.

- Хайрли оқшом! - кичқирди Вернон амаки рўпарадаги еттинчи уйнинг нафис тўр тўқима пардаси ортидан ўқрайиб қараётган аёлга, - Қандайдир қарс янгради, эшитдингиз-ми? Петунья иккаламиз ўтирган ўрнимизда бир сапчиб тушдик!

Қўшнилари деразадан нари қочиши ҳамано, Вернон амакининг иршайиб турган башараси, қутурган итнинг тумшугидан фарқ қилмай қолди. У йўғон бармоқлари билан Гаррини имлади.

Бола бир неча қадам олға босди-ю, Вернон амакининг узатилган қўли бўғзидан тутиб, яна бўғиб қолмаслиги учун хавфсиз масофа қолдирди.

- Нима қиялсан, ҳой, мараз? - сўради Вернон амаки дарғазаблигидан овози узилиб-узилиб.

- Нима қилибман? - совуқ оҳангда сўради Гарри, қарс урган одамни кўриш илинжида атрофга аланглаб.

- Ёнгинамизда туриб пистолетдан ўт очгандай шовқин солялсан...

- Мен солганим йўқ шовқинни, - қатъий рад этди Гарри.

Қизил лавлагига ўхшаш йирик башара ёнида Петунья холанинг от бошидан кўп фарқ қилмайдиган жуда домангир «чеҳраси» пайдо бўлди.

- Нега изғиб юрибсан бу ерда?

- Ҳа-я... Петунья, тўғри айтасан! Хўш, саволга жавоб бер, ҳой сен. Дераза остида нима қилаётган эдинг?

- Янгилик эшитиб ётдим, - иқрор бўлди Гарри.

Жаҳли чиққан амаки билан хола бир-бирига қараб қўйишди.

- Янгилик эшитиб ётдим? Яна-я?! Яна янгими?

- Умуман айтганда, улар ҳар куни янги, - деди Гарри.

- Ўзингни ақлли кўрсатма, ҳой бола! Бошимни айлантормасдан муддаонгни айт. Яна нималарни ният қилиб юрибсан? «Янгилик эшитиб ётдим» миш-а! Жуда яхши биласан, ёронларинг ҳақида...

- Секинроқ, Вернон! - аста вишиллади Петунья хола.

Вернон амаки овозини фақат Гаррининг ўзи базўр эшитадиган даражада пасайтирганча, фикрини охирига етказди:

- ... сенинг ёронларинг ҳақида бизнинг теледастурларимизда гапирилмаслигини яхши биласан!

- Сиз шундай деб ўйлайсиз, - деди Гарри.

Эрининг сўз топа олмай, бақрайганча қолганини кўрган Петунья хола қатъий оҳангда эътироз билдирди.

- Ярамас ёлғончи. Анави... - деди ўзи ҳам гапини фақат лабининг ҳаракатидан ўқиб олса бўладиган даражада овозини пасайтириб, - Анави бойқушларинг янгилик келтирмай қўйди-ми?

- Ҳа-ҳа! - вишиллади Вернон амаки, башарасида музаффарият барқ уриб, - Қулоққа лағмон осма!

Ўз дунёнг янгиликларини анави жирканч қушлардан олаётганингни билишмайди, деб ўйлама!

Гарри тараддудланганча, жим қолди. Гарчи амаки билан хола болага қанчалик аламли эканлигини тасаввур қила олишмаса-да, ҳақ гапни айтиш у қадар осон кечмади.

- Бойқушлар... менга янгилик келтирмай қўйишган, - ифодасиз айта олди у.

- Ишонмайман, - деди Петунья хола.

- Мен ҳам ишонмайман, - шу заҳоти маъқуллади Вернон амаки.

- Аллақандай шум ниятни кўзлаб юрганингни сезиб юрибмиз, - деди Петунья хола.

- Биз сен ўйлаган даражада аҳмоқ эмасмиз, - баёнот қилди Вернон амаки.

- Мана бу гап, мен учун чиндан ҳам янгилик бўлди, - жеркиб берди ғазаби ич-ичидан қайнаб чиқаётган Гарри.

Дурсллар гапнинг мағзини чақиб, жавоб қайтариш учун оғиз жуфтлашга улгурмай, бола кескин бурилди-да, майсазорни кесиб ўтиб, пастак тўсиқни ошиб ўтгач, катта кўча бўйлаб нари кетди.

У ўз бошига нохушлик орттириб олганини яхши билади. Кечқурун уйга қайтгач, қўпол муомаласи учун қариндошлар ундан хун олишлари муқаррар. Фақат бу муаммо болани ўйлантиргани йўқ. Ҳозир уни бошқа нарса ташвишга соляпти.

Бояги қарс товуши кимдир Одамовилар хиёбонига ҳавода пайдо бўлгани ёки аксинча даф бўлгани сабабли янграган. Гарри бунга шубҳа қилмайди. Уй эльфи Добби ҳам худди шу тарзда гум бўлар эди. Ёки чиндан ҳам Добби пайдо бўлди-ми? У айна пайтда изма-из келаётган бўлса-чи? Гарри кескин ортга бурилиб, атрофга диққат билан разм солди. Одамовилар хиёбони бўм-бўш. Добби кўзга кўринмас бўла олмаслигини эса Гарри аниқ билади.

Бола боши оққан томон бораверди. Сўнги вақтда у шаҳарча кўчаларида шу қадар кўп сандироқлаб юридики, оёқлари беихтиёр ўзи ёқтирган жойларга етаклаб кетмоқда. Ҳар беш-ўн қадам босгач, елка узра ортга қараб қўйди. Петунья холанинг сўлиётган бегониялари орасида узала тушиб ётганида, унинг яқинида сеҳргарлар дунёсининг вакили бўлгани аниқ. Нега у (ёки улар) Гарри билан мулоқот қилмади?

Унинг вужудидаги қатъият сўниб, умидсизлик тобора ортиб бораверди. Чиндан ҳам ўша товуш

шубҳасиз сеҳрли эканлиги аниқ эмас-ку. Гарри узоқ вақт ғафлатда қолиб, ўз дунёси ҳақида бирорта бўлсин, хабар кутгани сабабли оддий товуш ҳозир унга сеҳрли эшитилгандир? Эҳтимол қўшнининг бирор нарсаси портлаб ёки ёрилиб кетгандир? Ушбу хаёл Гаррининг юрагини эзиб, вужудини ёз бўйи таъқиб қилиб келган умидсизлик боз қамради.

Эртага «Башорат-у, каромат газетаси»ни ташийдиган бойқушга ҳақ тўлаш учун тонг саҳар бешда соат қўнғироғи янграб, Гаррини уйғотади. Хўш, бундан нима наф? Сўнги вақтда Гарри газетанинг биринчи саҳифасига қараб, четга итқитадиган бўлиб қолди. Вольдемортнинг қайтганлиги ҳақидаги хабарлар турган гапки, бош мақола бўлиб, биринчи саҳифада чоп этилиши керак. Ёвуз Лорднинг чиндан ҳам қайтганини нашриётда ўтирган анави нодонлар қачон тушуниб етади? Қолган янгиликлар эса Гаррини қизиқтирмайди.

Агар омади чопса, почта бойқушлари Рон билан Гермионадан хат келтиради. Қолаверса, Гарри иккала ўртоғидан бирорта бўлсин аниқ ва мулоҳазали гап кутмай қўйди.

*«Ўзинг-Биласан-Нима ҳақида ёза олмаймиз, бунга тўғри тушунсанг керак... Почта бойқушлари тутиб олиниши мумкинлиги боис, жиддий янгиликлар ҳақида сенга ёзмасликни буюришди... Ҳозир ҳаммамиз бандмиз, бироқ бу ҳақда батафсил баён эта олмаймиз... Бу ерда шундай ҳодисалар рўй беряпти-ки, фақат учрашганимизда сўзлаб беришимиз мумкин...»*

Хўш, қачон бўлар экан, ўша учрашув? Санани тайинлашга негадир ҳеч ким шошилмаяпти. Туғилган кунга Гермионадан келган откриткада «ўйлашимча, тез орада учрашсак керак», деб ёзилган, албатта. Бироқ ўша «тез ора» масаласи яқин орада ҳал бўладими? Дўстларидан келган мактубларда тарқоқ баён этилган мужмал шамаларга қараганда, Рон билан Гермиона бир жойда, чамаси Роннинг уйига йиғилиб олишган. Гарри Одамовилар хиёбонида серрайиб юрса-ю, иккала ўртоғи Бошпанада хурсандчилик қилиб ўтиришса. Бундай фикрга Гарри аранг кўникапти. Агар очиғини айтадиган бўлса, у дўстларининг бундай қилмишларидан шу қадар куфр бўлдики, ҳатто «Роҳат-луқум» қандолат дўконининг, иккаласи юборган икки қути шоколадини очмай, улоқтириб юборди. Лекин ўша оқшомнинг ўзидаёқ, Петунья хола кечки овқатга узатган сўлғин газакдан сўнг, роса афсус қилди. Аразлаган бўрининг хуржуни бўш қолар, деб шунга айтишса керак.

Қизиқ, нима билан банд экан улар, а? Нега энди Гарри банд эмас? Иккаласидан кўра кўпроқ ишларга қодир эканлигини Гарри исбот қилмади-ми? Наҳотки Гаррининг ишларини ҳамма осонгина унутди-қўйди? Ахир ўша қабристонда улар эмас, Гарри бўлган, Седрик қандай ҳалок бўлганини улар эмас, Гарри кўрган, даҳмага уларни эмас, Гаррини боғлашган, улар эмас, Гарри базўр омон қолган...

«Бу ҳақда ўйлама», ёз бўйи юзинчи бор буюрди ўзига ўзи Гарри. Ҳар кеча кўраётган тушларингда ўзингни ўша қабристонда кўрганинг камлик қилиб, ўнгингда ҳам ўйлашинг шартми?

У Магнолия тор кўчасига бўрилиб, хаёл ўтмай ўзининг чўқинтирган отаси билан илк бор учрашган гаражлар оралиғи ёнидан ўтди. Сириус тушунади-ку, Гаррининг кечинмаларини! Аммо у ҳам, бирон-бир маънили нарса ёзгани йўқ. Ҳар қалай, унинг хатлари анави иккаласининг гўё мазмундор ёзишгандай аҳмоқона гаплардан холи. Сириуснинг мактублари ғамхўрлик ва юпатиш сўзларига тўлиб-тошган: *бетинчлигинг, ташвишланаётганингни биламан... эсли бола бўлиб юр... эҳтиёт бўл, бемуроҳаза иш тутма...*

Гарри Магнолия тор кўчасидан бир хил номланган катта кўчага чиқиб, осмони қорайиб бораётган истироҳат боғи томон йўл олди. Жўяли ўйлаб қараганда, фикр юритди у, менинг хулқим айнан Сириус тайинлаган каби, кечмоқда. Ахир сандиғимни сўпурғига боғлаб, Бошпана томон учиб кетмадим-ку, гарчи бу ишни жуда кўп мартаба бажаришни истаган бўлсам-да. Ҳозир оз бўлса ҳам, Лорд Вольдеморт қилмишлари ҳақида бирон-бир шама эшитиш илинжида, Одамовилар хиёбонининг буталари орасида ҳашарот каби, ивирсиб юришга мажбур бўлганидан дарғазаб

бўлаётганини инобатга оладиган бўлса, Гарри ўз хулқини ниҳоятда ройиш боланинг хулқидан қолишмайди, деб билади. Жиноятчи сеҳргарлар қамаладиган Азкабандай жойда ўн икки йил ноҳақ ўтириб, содир этмаган қотиллигини содир этиш учун ҳибсдан қочган, ҳозирда ўғирланган гиппогриф билан бирга қочқинликда юрган одамнинг бемулоҳаза иш тутмаслик, мўмин-қобил бўлиш борасида берган маслаҳатлари эса боадаб айтганда, Гаррининг қонини қайнатиб юбормоқда.

Бола ёпиқ дарвозасидан ошиб ўтган истироҳат боғи, худди шаҳарча кўчалари каби, кимсасиз. Дудли ва унинг ошналари томонидан синдирилмай, бутун қолган ягона арғимчоққа ўтирган Гарри бир қўлини занжирга ўраб, ерга тикилганча, ўйланиб қолди. Энди у гортензия бутаси орасида бекина олмайди. Эртанги янгиликларни эшитиш учун бошқача усул ўйлаб топиши керак. Ҳозир эса уни яна бир мудҳиш тундан бошқа нарса кутмайди. Кечалари аллақандай алоғ-чалоғ, дам Седрик фожиаси билан боғлиқ тушлар, дам узундан-узоқ, қоп-қоронғи, боши берк, ёпиқ эшикка олиб борадиган йўлакларни кўрадиган бўлиб қолди. Гарри бундай туш кўришининг сабаби ўнгидаги умидсиз чорасизлик, деб билмоқда. Пешонасидаги чандиқ тез-тез ловуллаб турибди. Лекин энди Рон билан Гермиона, умуман айтганда, Сириус ҳам, ушбу ҳолатга аҳамият қаратиши амри маҳолга ўхшайди. Илгари пешонасидаги оғриқ Вольдеморт кучга тўлиб бораётганидан далолат берар эди. Энди-чи? Унинг қайтгани шундоқ ҳам маълум-ку! Дўстлари нима ҳам дейиши мумкин? Чандиқ бўлгандан кейин оғриши керак-да... ташвиш тортма... Хуллас, ўша ҳаммом, ўша тос...

Бу гапларнинг бари нақадар адолатсизлик эканлигини ўйлаган Гаррининг вужудини алам ёндирмоқда. Ахир Гарри бўлмаганда, Вольдемортнинг қайтганини ҳеч ким билмас эди-ку! Эвазига мана тўрт ҳафтадир-ки, сеҳргарлар дунёсидан тамомила яккалатиб қўйилганча, Литтл Уингинг шаҳарчасига қамашиб, ташқарига чақиришни пайсалга солишяпти! Бу ҳам камлик қилгандай, аллақандай тўтиқушлар ҳақидаги арзимас янгиликларни сўлиб қолган бегония орасида эшитиши керак! Наҳотки Дамблдор Гаррини осонликча унутиб юборган? Вақтни бирга ўтказаётган Рон билан Гермиона-чи? Гаррини чақириш, уларнинг хаёлларига ҳам келгани йўқ! Сириуснинг ўгитларига яна қанча бардош бериш керак? Яна қанча вақт тек ўтириши, эсли боладай юриши, газетага: ҳой болалар, Вольдеморт қайтди, деб хат ёзиб юборишдан ўзини тийиб бориши керак? Гаррининг миясини дарғазаб ўйлар қамраб олган, ичидаги бор нарса нафратдан ағдар-тўнтар бўлиб кетмоқда. Атрофга бахмални эслатадиган майин қоронғилик тушди. Қуруқ ҳаво майса бўйига тўйинган. Истироҳат боғининг нариги девори ортидан элас-элас эшитилаётган машиналар товушини инобатга олмаганда, теварак-атрофда сукунат ҳукм сурмоқда.

Гарри арғимчоқда қанча вақт ўтирганини билмайди-ю, одам овози маъюс хаёлини бўлгач, нигоҳини ердан узди. Қўшни йўлак бўйидаги дарахт таналари орасидан, одатда, пойга велосипедлари чиқарадиган чир-чир товуш, фонусларнинг хира нури ва истироҳат боғи орқали келаётган йигитлар шарпаси кўринди. Улардан бири баланд овозда уятсиз кўшиқ айтиб, қолганлар эса ҳиринглаб келмоқда. Бола уларни таниди, албатта. Олдинда йўл бошлаётган ҳеч шубҳасиз, Дудли, қолганлар унинг жанговар дўстлари.

Дудли баҳайбатлигича қолган, лекин бултурги қатъий парҳез ва яқинда кашф этилган истеъдоди, унинг ташқи қиёфасида тегишлича ўзгаришлар шаклланишига сабаб бўлибди. Яқинда Дудли жанубий-шарқий графлик ҳудудидаги мактабларнинг оғир вазни ёшлари ўртасида бокс бўйича ўтказилган чемпионат ғолиби бўлди. Бу ҳақда Вернон амаки ҳаммага жар солиб юрибди.

Спортнинг, Вернон амаки таъбири билан айтилганда, «олижаноб» тури билан шуғулланган Дудлининг танаси, иккаласи бошланғич мактабга бирга қатнаган, Гарри холаваччасининг биринчи бокс грушаси бўлган кезларга нисбатан янада даҳшатли бўлиб кетган. Гарри энди Дудлидан ҳайиқмайди, албатта, бироқ холаваччаси илгаригига нисбатан аниқ ва оғритиб уришни ўрганиб олганидан хурсанд ҳам бўлгани йўқ. Қўшни болачалар ота-оналари қўрқитадиган, ёмон бола бўлгани учун тузалмас-жиноятчи нусхалар учун қатъий режим жорий этилган муқаддас Грубус

муассасасида тарбияланаётган «бандит Поттер»дан кўра, Дудли Дурслдан кўпроқ қўрқишади. Гарри велосипедчилар шарпасига қараб, бугунги кимнинг пўстагини қоқиб қайтишаётгани ҳақида ўйланиб қолди. Бирдан у, ушбу йўлтўсарларни ўзига хаёлан чорлаётгани, ҳой мен томон ўгиришлар... мана мен, ёлғиз ўзим турибман... қани келинг, хиралик қилинг, деб унсиз бақираётганини идрок этди.

Агар Дудлининг оғайнилари Гаррининг ёлғиз турганини кўришса, Гарри томон бурилишлари муқаррар. Нима ҳам қила олар эди бечора Дудли? Тўдабоши сифатида тан олган ўртоқларининг кўз ўнгида ўз обрўсини сақлаб қолишга, Гаррининг ғазабини ўзи учун ниҳоятда хавfli даражада кўзғатишга мажбур бўлади... Ўзи билан ўзининг ички курашини кузатиш... уни ўртоқлари олдида мазах қилиб, жавоб қайтаришга қўрқинини кўриш жуда қизиқ кечса керак... Агар унинг хушомадгўйларидан бирортаси Гаррига ҳамла қилиш истагини билдирса, ўзларидан кўришсин. Гарри жангга тайёр. Сеҳрли таёқчаси ёнида. Қани уриниб кўришсин-чи... Гарри аламининг лоақал бир қисмини мана шу, қачонлардир унинг ҳаётини тоқат қилиб бўлмас даражага етказган бадбахтларга сочиш имконидан хурсанд бўлади холос.

Бироқ тўда бурилмади, Гаррини кўрмай, деяри боғ деворига етиб борди. Гарри уларнинг кетидан ростакмига бақириб, ёнига чақириб олишдан ўзини базўр тийиб олди... ёқалашиб, ўзига нохушлик орттириш ғирт аҳмоқона иш... сеҳр-жоду билан шуғулланиш эса унга ман этилган... мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлатиб юборишади...

Овоз босилди. Магнолия кўчаси томон йўл олган тўда кўздан ғойиб бўлди. Мана, марҳамат, Сириус, маъюс фикр юритди Гарри, айтганингни қилиб, бемулоҳаза иш тутмадим ва сендан фарқли ўлароқ, эсли бола бўлиб юрибман.

У ўрнидан туриб, керишиб олди. Қайтадиган вақт бўлди. Вернон амаки билан Петунья хола таъкидлаб ўтишганидек, уларнинг ўғли уйга қайтган вақтдан бир сонияга бўлсин, кечикмаслик керак. Агар Гарри Дудлидан кеч қайтадиган бўлса, Вернон амаки уни саройга қамаб қўйишни ваъда қилган. Шу боис, эсноғини енгиб, юзидаги норози қиёфани сақлаб қолган Гарри боғ дарвозаси томон йўл олди.

Магнолия кўчаси Одамовилар хиёбонидан деяри фарқ қилмайди. Бу ерда ҳам, ўша катта квадрат уйлар, ўша йирик, квадратсимон қўшнилари ва уларнинг ёғ тегса ялагудек тоза машиналари бор. Гарри Литтл Уиннинг шаҳарчасида тунда, парда тортилган деразалар қоронғиликда ёрқин, чиройли ёришиб турадиган, «жинояткорона» қиёфасига доир бирорта қўшнининг навбатдаги ифлос шарҳини эшитиш хавфи бўлмайдиган пайтда юришни ёқтиради. У тез одимлаб, Магнолия кўчасининг муюлишида тўдага етиб олди ва сирень бутасининг ортига ўтиб, безорилар галасининг хайрлашиб олишини кутди.

- Чўчқадай роса чийиллади, а? - деди Малькольм, ўртоқларини кулдириб.

- Ўнг биқинига зўр туширдинг, Босс, - мақтаб қўйди Пьерс Полукис.

- Эртага ҳам ўша вақтдами? - сўради Дудли.

- Уйимизда учраша қолайлик, ота-онам бўлмайди, - таклиф қилди Гордон.

- Келишдик, кўришгунча, - деди Дудли.

- Кўришгунча, Дуд!

- Кўришгунча, Босс!

Гарри Дудлининг ўртоқлари нари кетиб, тарқалишини бироз кутгач, сирень ортидан чиқиб, йўлини давом эттирди. Овозлар тинган пайтда, у, Магнолия кўчасига бурилиб, кўп ўтмай, ниманидир хиргойи қилиб, шошилмай кетаётган Дудлини кўрди.

- Ҳой, Босс!

- А, - ўгирилди Дудли, - Ҳа, сен-ми.

- Қачондан буюн сен «Босс»имиз бўлиб қолгансан, а?

- Овозингни ўчир, - ириллади Дудли, тескари ўгирилиб.

- Нима ҳам дердим, яхши лақаб, - деди Гарри холаваччасини қувиб етиб, - Фақат сен мен учун доимо «парик кийган йирик» бўлиб келгансан ва шундайлигин-ча қоласан.

- Овозингни ўчир, ДЕДИМ СЕНГА! - қўлини мушт тугди Дудли.

- Ойинг сени нима деб чақиришини ҳамтовоқларинг биладими?

- Ҳаром оғзингни ёп.

- Ойижонингга «Ҳаром оғзингни ёп» демайсан... Сени «Думба» ёки ойинг каби, «Динки-дуди-дум» деб чақирсам бўладими?

Афтидан, Гаррига ташланмаслик учун ўзини базўр идора қилаётган Дудли индамади.

- Ҳўп, майли, қани айт-чи, бугун кимни дўппосладинг? - сўради Гарри кулишни бас қилиб, - Навбатдаги ёш боланими? Билишимча, икки кун олдин Марк Эвансни калтаклаган эдинг...

- У ўзига-ўзи қилди, - ғулдиради Дудли.

- Ах, шунақа дегин?

- Мени мазах қилди!

- Йўғ-е! Наҳотки у сени орқа оёқда юришга ўргатилган чўчқа дейишга журъат этган бўлса? Шу ҳам масхара бўлди-ми, Думба? Бунини холисона айтилган ҳақ гап дейишади.

Дудлининг башарасидаги ғурралари нари бориб, бери келганча, лорсиллай бошлади.

Холаваччасини қутуриб кетгудай ҳолатга келтира олгани Гаррига ҳузур бахш этмоқда. Ичидаги аламнинг маълум қисмини Дудли билан ўртоқлашгандай ҳис этди ўзини. Нима қилсин, ўртоқлашадиган бошқа ҳеч ким йўқ.

Икковлон Магнолия кўчасидан Печакгул кўчасига ўтиладиган, бир вақтлар Гарри Сириус билан илк бор учрашган кунжакка бурилди. Бу ер бир томони панжара, иккинчи томони гараж деворларидан иборат, қадам товуши сўнадиган хилват йўлак бўлиб, кўча фонуслари йўқлиги сабабли, нисбатан қоронғи.

- Ўйлайсан-ки, ёнингда анави нарсанг бўлса, демек сенга ҳеч ким бас кела олмайди, шундайми? - деди Дудли бироз ўйланиб.

- Қанақа нарсани айтяпсан?

- Анави... анави... ёнингда яшириб юрган нарсанг.

Гарри кулиб қўйди.

- Дуд, кўринишингдан ғирт аҳмоқ бўлсанг ҳам, калланг сал ишлайдиган кўринади! Зотан, онгинг қиёфанга мос кела туриб, калланг ҳам ишламаганида, чиндан ҳам бир вақтнинг ўзида ҳам юриш, ҳам гапиришнинг уддасидан чиқишинг даргумон бўлар эди.

Сеҳрли таёқчасини қўлига олган Гарри Дудлининг кўзи ола-кула бўлиб кетганини кўрди.

- Ман этилган сенга, - тез эслатган бўлди Дудли, - Мен бунини аниқ билман. Итоат қилмайдиган бўлсанг анави аҳмоқона мактабингдан қувиб солишади.

- Қоидаларимиз ўзгарган бўлса-чи? Сен қаердан ҳам билар эдинг?

- Ҳеч нарса ўзгаргани йўқ, - деди Дудли, оҳангида иккиланиш сезилиб.

Гарри кулиб юборди.

- Нима қилганда ҳам мана шу нарсанг бўлмаса, менга бас кела олмас эдинг.

- Сен ўзингга қиё боқ. Тўртта ёрдамчинг бўлмаса, ўн ёшли болага қўл кўтаришга журъат эта олмайсан. Мана сен бокс бўйича разрядли бўлибсан. Рақибинг неча ёшда эди? Етти ёшлими? Саккизми?

- Ўн олти ёшли эди, билмоқчи бўлсанг, - наъра тортди Дудли, - Гарчи мендан икки чандон оғирроқ бўлган бўлса ҳам, уни бир ёқли қилганимда, йигирма дақиқача қилт эта олмай ётди. Қараб тур, мана шу нарсангни боз қўлингга олганингни дадамга айтиб бераман...

- Ана, дадажонимизга арз қилиб йиғлайдиган ҳам бўлдик. «Думба-чемпион» жирканч таёқчадан кўрқиб кетди.

- Тунда бу қадар жасур эмассан, - мурдор иршайди Дудли.



- Тун – «Дудли Дурсль»дай гап. Атрофни зулмат қоплаган ҳолатни биз шундай деб атаймиз.

- Каравотингда ётган тунни назарда тутмоқдаман! - акиллади Дудли, ҳаракатини тўхтатиб.

Гарри ҳам тўхтаб, холаваччасига тикилди. Қоронғида яхши кўринмаяпти-ю, афтидан, башарасида музаффарият барқ урмоқда.

- Нима дединг? Тунда ётган жойимда бу қадар жасур эмасман? Бу билан нима демоқчисан? Нимадан қўрқар эканман? Ёстиғимданми?

- Ўтган кеча ҳаммасини эшитдим, - деди Дудли паст овозда, - Инграб, босинқираганча, алланарса вайсадинг.

- Инградим? - сўради Гарри, ичи музлаб бораётганини ҳис этиб.

Кеча унинг тушига яна ўша қабристон кирган эди. Дудли итга ўхшаб йўталиб олди-да, ингичка овоз билан вакиллади бошлади:

- «Седрикни ўлдирма! Седрикни ўлдирма!» Седрик деганинг ким? Йигитингми?

- Мен... Ёлғон айтганман, - ғайриихтиёрий эътироз билдирди Гарри, оғиз бўшлиғи қуриб бораётганини ҳис этиб.

Дудли ёлғон гапирмаётгани аниқ. Акс ҳолда Седрикни қаердан билсин у?

- «Дада! Дадажон, ёрдам беринг! Дадажон, у мени ўлдирмоқчи, у-у-у!»

- Овозингни ўчир! - буюрди Гарри, паст овозда, - Унингни ўчир, Дудли, акс ҳолда ўз ҳаракатини идора қила олмай қолишим мумкин!

- «Дада! Дадажон! Ойижон, ёрдам беринг! У Седрикни ўлдирди! Дадажон мени қутқаринг! У мени»... Ўқтама менга таёғингни!

Юрагига таёқча қадалган Дудли орқага тисланиб, панжарага қапишиб олди. Узоқ ўн тўрт йил давомида холаваччасига нисбатан тўпланиб келган жамики нафрат Гаррининг томирларида қайнаб кетди. Энг даҳшатли қарғиш афсунини қўллаш ижозати учун ҳозир у бор нарсасини беришга тайёр! Аянчли ҳашаротга айланиб, ёлғоноёқлари билан уйига ўрмаласин...

- Бу ҳақда қайта оғиз оча кўрма, - вишиллади Гарри ғазаб тўла оҳангда, - Уқдинг-ми?

- Таёғингни ол!

- Уқдинг-ми, йўқми?

- Таёғингни ол!

- УҚДИНГ-МИ, ЙЎҚМИ?

- ТАЁҒИНГНИ ОЛ!

Кутилмаганда, Дудли, худди муздай сувга шўнғиб чиққандай беихтиёр оҳ урди.

Қандайдир муҳмал ҳодиса рўй берди. Ҳозиргина юлдузлар сочилган тўқ кўк осмон бирданига қоп-қора бўлиб қолиб, теварак-атрофни зимистон қамради. Ой ҳам, юлдузлар ҳам, милтиллаб турган кўча фонуслари ҳам, кўздан ғойиб бўлди. Дарахт барглари шитирлашлари, автомобилларнинг шовқини эшитилмай қолди. Гўё теварак-атрофни кимнингдир на товўш ва на ёруғликни ўтказадиган улкан қўли тўсиб қўйган каби, Гарри билан Дудлини мутлақ, енгиб бўлмас, қоп-қора сукунат ўраб олди.

Дастлаб Гарри, ўзи идрок этмаган ҳолда, бирон-бир сеҳр-жоду қўллаб юбордим, деган хаёлга борди. Сал ўтиб, онг ҳиссиётдан устун келди. Нима бўлганда ҳам юлдузларни ўчириб қўйишни у уддалай олмайди. У бирон-бир нарсани кўриш илинжида бошини айлантирди. Бироқ кўз олдида ййнаётган зим-зиёлик пардасидан бошқа ҳеч нарса кўринмади.

Қулоғига ўтакаси ёрилгудай бўлиб қолган Дудлининг овози эшитилди.

- Ним-малар қил-либ қўйдинг? Тай-ёғингни ол!

- Ҳеч нима қилганим йўқ! Унингни ўчириб, қилт этмай тур!

- М-мен ҳеч н-нима к-кўрмайман! К-кўзим кўр бўлиб қолди! Мен...

- Унингни ўчир дедим!

Гарри худди ерга қоқилган қозиқ сингари турган жойида қолиб, ҳеч нарсани кўрмаётган кўзи

билан боз атрофга қаради. Танаси шу қадар совқотмоқда-ки, бошдан-оёқ дағ-дағ титрай бошлади. Совуқдан эти ғудда-ғудда бўлиб, бошининг орқасидаги сочи ҳурпайиб кетди. Гарри кўзини катта очганча, кўр-кўрона аланглади.

Ақл бовар қилмайди... бўлиши мумкин эмас... қандай қилиб улар бу ерга... Литтл Уингинга-я?... Литтл Уингинга-я?... Литтл Уингинга-я?...

Гарри қулоғига зўр берди... уларни кўришдан кўра, яхши эшитиш мумкин...

- Д-дад-дамга айтиб б-бер-раман! - ангиллади Дудли, - Қанисан? Қаердасан? Нима қиляпсан?

- Бир пас ўчириб турсанг-чи, овозингни! - пичирлади Гарри, - Эшитишга имкон бера...

Гарри ўз гапини ўзи бўлди. Зеро, у айнан эшитишни истамаган товушни эшитиб қолди. Кунжақда, иккаласидан ташқари яна нимадир бор. Ўша нимадир ҳуштак чалган каби, ҳаво сўряпти.

Гаррининг вужудини даҳшат истило қилди.

- Б-бўлди, б-бас қил! Ур-ураман, т-тушундинг-ми...

- Дудли, жим...

ТАРС.

Дудлининг мушти Гаррининг боши ва биқинига етиб, оёғи ердан узилди. Кўзидан оппоқ мушак отилиб кетган Гаррининг боши, шу бугуннинг ўзида иккинчи маротаба икки бўлингандай бўлиб кетди. Ерга қулаб тушган боланинг қўлидан сеҳрли таёқчаси учиб чиқди.

- Сен галварс, Дудли! - бақириб берди Гарри эмаклаганча таёқча қидириб.

У Дудлининг деворга урилиб-туртинганча югуриб кетганини эшитди.

- ДУДЛИ, ТЎХТА! ҚАЙТ! СЕН ТЎҒРИ УНИНГ ОЛДИГА КЕТЯПСАН!

Сукунатни юракни эзиб юборгудай чийиллаш бузиб, оёқ товуши эшитилмай қолди. Айни шу пайтда, Гарри, судралиб келаётган совуқни орқа мияси билан ҳис этди. Бу эса УЛАР КЎП эканлигини англатади

- Дудли, оғзингни очма! Энг асосийси, оғзингни очма! Қани у... - ғудуллади Гарри, худди ўргимчак сингари ер пайпаслаб, - Таёқча қани... люмос!

У беихтиёр афсун ўқиб юборди. Ҳозир ёруғлик ниҳоятда керак. Ўнг томонда учидан нур таралган таёқча ёришгач, бола таърифга сиғмас даражада енгил тортди. Гарри таёқчани олган ҳамоно, ўрнидан сакраб туриб, атрофга назар солди-ю, ичида бор нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетди.

Бошига қайтарма қалпоқ ташлаб олган, қора жуббали, юзсиз-оёқсиз, новча шарпа ердан бироз баландда, ҳавода муаллақ осилиб олганча, тунги ҳавони сўриб яқинлашмоқда.

Гарри қоқинганча, орқага тисланиб, таёқчасини қўтарди.

- Экспекто патронум!

Таёқча кумуш тусли буғ чиқарди. Дементорнинг ҳаракати секинлашди, бироқ афсун талаб даражасида кор бермади чоғи, махлуқ яқинлашишни давом эттирди. Бола эса ўз оёқларига чалишганча, даҳшатдан орқага тисланмоқда. Қўрқув фикрини тўхтатиб қўйган... хаёлни жамлаш керак...

Жубба остидан кул ранг, ялтираб турган шилимшиқ нарсага беланган, қорақўтир, худди сувда ириган ўлаксага ўхшаб қолган қўл чиқиб, Гарри томон чўзилиб келди. Боланинг қулоғи шанғиллай бошлади...

- ЭКСПЕКТО ПАТРОНУМ!

Унинг овози худди узоқдан эшитилгандай бўғиқ чиқди. Таёқча учидан кумуш тусли, олдингисидан анча заиф булутча чиқди... Тамом! Билганини эсдан чиқариб қўйибди. Энди у, афсунни ижро эта олмайди!

Миясини баланд эшитилаётган, қулоқни кар қилаётган қаҳқаҳа қамраб олди... дементорнинг бадбўй, ажал келтирадиган нафаси Гаррининг ўпкасини тўлдирди бошлади. Гарри ушбу қўлансага ғарқ бўлиб кетмоқда... тезроқ... бахтиёр хотира...

Лекин Гаррининг миясига бирорта бахтиёр хотира келмаяпти... муздай бармоқлар бўйнини тобора маҳкам сиқмоқда. Қаҳқаҳа янада баланд эшитилмоқда, бошининг ичида кимдир пичирляпти: «Ўз

ажалинга таъзим қил, Гарри... Балки жонинг ҳам оғримас... билмадим, ўлиб кўрганим йўқ...»  
Наҳотки энди у Рон билан Гермионани ҳеч қачон кўра олмайди?...

Гарри оз бўлса ҳам нафас олиш учун тушкун курашмоқда ва шу тобда унинг кўз ўнгида  
дўстларининг юзлари аниқ гавдаланди.

- ЭКСПЕКТО ПАТРОНУМ!

Сеҳрли таёқча учидан йирик, кумуш тусли буғу отилиб чиқди-да, дементорнинг кўкрак қафасига  
қарата шохи билан кучли зарб берди. Зулмат каби, вазнсиз дементор нари учиб кетди. Буғу  
ҳужумини давом этар, мағлуб дементор эса кўршапалак каби, қўлларини икки томон узатганча,  
нари сузиб кетар эди.

- БУ ТОМОНГА! - бақирди Гарри буғуга ва кескин бурилиб, таёқчасини қия тутганча, югуриб кетди, -  
ДУДЛИ? ДУДЛИ!

Гарри ўн қадам ҳам югурмай, иккаласини кўрди: Дудли қўли билан юзини бекитиб олганча, ерга  
гувала бўлиб олган, дементор эса унинг устига энгашиб, шилимшиқ қўли билан Дудлининг қўлини  
ушлаганча, аста четга тортмоқда. Қайтарма қалпоқ ташлаб олган боши бўлса олиш учун тобора  
пастлаб бормоқда. Сўқир дементорнинг боши билан Дудлининг юзи орасида қолган бўлса, бир  
фут масофа қолган.

- УР УНИ! - бақирди Гарри.

Буғи шиддат билан Гаррининг ёнидан югуриб ўтиб, дементорга чунонам зарб бердики, йирик  
махлуқ пирпираганча, шу заҳоти юқорига кўтарилиб кетди. У ҳам шериги каби, жуфтакни ростлаб,  
қоронғида ғойиб бўлди. Буғу тор кўчани тарк этганча, кумуш тусли туманга кириб кетди.

Ой ҳам, юлдузлар ҳам, кўча фонуслари ҳам хаёл ўтмай ўз жойига қайтди. Илиқ шабада сезилди.  
Атрофдаги дарахт баргларининг шитирлаши, Магнолия кўчасидан эса дунёвий ва ниҳоятда  
қадрдон машина шовқинлари боз эшитила бошлади. Ҳис-туйғулари фавқулодда кескинлашиб  
кетган, меъёрий воқеликка бу қадар тез қайтганини ҳеч идрок эта олмаётган Гарри қилт этмай  
турди. Муайян вақт ўтгач, терлаб кетганидан жиққа ҳўл бўлиб кетган футболкаси танасига ёпишиб  
қолганини ҳис этди. Ҳеч ишонгиси келмаяпти. Дементорлар шу ерда, Литтл Уингинг шаҳарчаси  
кўчаларида.

Дағ-дағ титраётган Дудли инграганча, ерда тиришиб ётибди. Гарри эгилиб, Дудлининг юришга  
мадори бор-йўқлигини аниқламоқчи бўлди. Айни шу пайтда, орқа томонда, кимдир югуриб  
келаётгани эшитилди. Гарри таёқчасини беихтиёр олдинга узатиб, ким бўлишидан қатъи назар,  
уни юзма-юз қарши олишга аҳд қилганча, турган жойида кескин бурилди. Қоронғилиқдан  
ҳансираб қолган, қариб миясини еб қўйган миссис Фигг чиқиб келди. Кампирнинг соч турмаклаш  
тўридан ҳар томон оқ соч тутамлари туртиб чиққан, тирсакида раззоқ халтаси тебранмоқда, катак  
гулли шиппаги эса оёғидан чиқиб кетишига сал қолган. Гарри шоша-пиша таёқчасини бекитишга  
ошиқди, бироқ...

- Ҳой, тўпори, нима қиляпсан?! Қўлингга ушлаб тур уни! - бақирди миссис Фигг, - Яна бирортаси  
бекиниб олган бўлса-чи? Анави Мундугнус Флетчер кўзимга кўринсин, ўлдираман!

## **ИККИНЧИ БОБ. ЖОН ТЕГДИ БОЙҚУШЛАРИНГА**

- Нима? - сўради ҳеч нимани тушунмаган Гарри.

- Ғойиб бўлди! - куйиниб вайсади миссис Фигг, - Супургисидан қандайдир қозонлар тушиб  
кетибди, аллақандай учрашуви бор эмиш! Кетиб қолсанг терингни шилиб оламан, деган эдим  
унга, у эса... Мана оқибати! Дементорлар! Яхши ҳам-ки, мистер Тибблни навбатчиликка қўйиб  
келган эканман! Хўп, майли вақт йўқ! Нима лаллайиб турибсан, тез бўл. Сизларни уйгача кузатиб  
қўйишим керак! Оҳ, нима бўлар экан энди, а?! Кўзимга кўринсин, ўлдираман!

Дементорларнинг бу ерда пайдо бўлгани каби, мушукбоқар кампир ўша махлуқлардан бохабарлиги Гаррини таажжублантирди.

- Сиз... Сиз... афсунгармисиз?

- Йўқ, мен швахман. Анави Мундугнус эса буни жуда яхши билади! Дементорларга қарши нима чора кўра олишим мумкин, мен, а? Сени муҳофазасиз қолдириб, ўзи гум бўлганини кўрмайсан-ми, огоҳлантирган эдим-а, уни...

- Демак, Мундугнус деганингиз мендан кўз-қулоқ бўлиб юриши керак экан-да? Бундан чиқди... уйимиз яқинида ҳавода даф бўлган...

- Ҳа, ҳа, ўша! Ҳар эҳтимолга қарши мистер Тибблни машина остига қўйиб келганим яхши бўлибди. Менга хабар бергани югуриб келди. Уйларингга етиб борганимга қадар кетиб қолибсан... Дамблдор нима дейди энди, билмайман?! Ҳой, сен! - чийиллаб берди у, ҳанузгача ерда узала чўзилиб ётган Дудлига, - Кўтар энди ёғ босган думбангни!

- Сиз Дамблдорни танийсизми? - бақрайиб қолди Гарри.

- Танийман, албатта. Уни танимаган одам борми ўзи? Кетдик энди. Анави махлуқлар қайтадиган бўлса, ёрдамим тегмайди. Кучим биттагина чой пакетини сиқишга етади холос.

Миссис Фигг эгилиб, ажин босган кучсиз қўли билан Дудлининг семиз билагидан тутиб силтади.

- Тўр ўрнингдан, лузумсиз хари, тўр дедим сенга!

Бироқ юзи кул ранг тус олган, лабларини маҳкам қимтиб олганча, қалтираб ётган Дудли ё қилт эта олмаяпти, ё жойидан қўзғалишни истамаяпти.

- Қани менга қўйиб беринг-чи, уни, - деди Гарри Дудлининг қўлини ушлаб.

У зўр бериб, холаваччасини оёққа турғизишга базўр эришди. Деярли беҳуш, юзидан тер оқаётган Дудлининг митти кўзлари косасидан чиқиб кетар ҳолатга келиб қолган. Гарри уни бир сонияга қўйиб юборган эди ҳам-ки, ерга қулаб тушишига сал қолди.

- Тезроқ! - асабийлашди кампир.

Гарри Дудлининг оёқдай келадиган қўлини елкасига ташлаб, ниҳоятда вазмин танасини кўтарганча, йўл томон етаклади. Миссис Фигг ўзининг бедана юриши билан олдинда пилдираб кетди.

- Таёқчангни яширма, - огоҳлантирди Печакгул кўчасига чиққан миссис Фигг, - Махфийлик Мақомини унутсанг ҳам бўлаверади. Бари-бир бошинг кетди сени. Тўлаш керак бўлса, гринготтчасига тўламоқ даркор. Мана сизга «Балоғатга етмаганлар орасида сеҳргарлик фаолиятини оқилона чеклаш тўғрисидаги декрет» оқибати. Дамблдор айнан шундан чўчиб юрган эди. Кўчанинг охиридаги нима? Ах, мистер Прентис-ку. Таёқчани яширма дедим сенга. Мендан наф йўқ, деб неча маротаба айтиш керак?

Таёқчани зарурий ҳолатда тутиш баробарида Дудлининг танасини судраб юриш осон кечаётгани йўқ. Тоқати тоқ бўлган Гарри тирсаги билан холаваччасининг қовурғасига зарб берди. Шунга қарамай, шалвираган оёқлари ерда судралганча, Гаррининг елкасига жасаддай осилиб олган Дудлининг мустақил ҳаракатланиш истаги ҳеч бир тарзда намоён бўлмади.

- Миссис Фигг, нега швах эканлигингизни ҳеч қачон айтмагансиз? - сўради Гарри ҳарсиллаб, - Болалигимдан уйингизда кўп бўлганман... Нега шунча вақтдан буён ҳеч нима демагансиз?

- Дамблдорнинг амри ила. Сенга кўз-қулоқ бўлиб юришим, ҳали ёш бўлганинг учун ҳеч нарса айтмаслигим керак эди. Сени болалигингдан буён ёмон овутиб келганим учун маъзур санайсан, Гарри. Уйимда бўлиш сенга ёқишини Дурсллар сезиб қолгудай бўлса, қайта киритмай қўйишган бўлар эди. Буларнинг бари мен учун осон кечмаган, болам, сўзларимга ишонавер... О Худойим, - кутилмаганда боз куйина бошлади миссис Фигг, - Дамблдор қачон хабар топади энди бу ишлардан... Нега Мундугнус соат ўн иккига қолмай постни ташлаб кетди, а? Қаерларда сандироқлаб юрибди у? Бўлиб ўтган ишлар ҳақида Дамблдорга қай тарзда билдирув бераман энди, а? Ахир мен ҳавода даф бўла олмайман!

- Бойқушим бор, олишингиз мумкин, - ингради Гарри, Дудлининг вазнидан умуртқаси синиб кетгудай ҳолатда.

- Тушунмаяпсан шекилли, Гарри! Дамблдор имкон қадар тезроқ чора кўриши керак.

Ғайриқонуний сеҳр-жоду содир этилган ҳамоно, вазирликда қайд этилади. У ернинг ходимлари аллақачон бор гапдан хабардор. Гапларимга ишонавер.

- Ахир дементорларни қувиб юборишим керак эди-ку. Сеҳр-жоду қўлламасликнинг иложи йўқ эди. Мени қўйиб, дементорлар Печакгул кўчасига қандай келиб қолишганини ўйлаб кўришсин яхшиси! Ё нотўғрими, гапим?

- О, Худойим, Худойим-а, тўғри бўлса, гўрга эди. Бироқ... МУНДУГНУС ФЛЕТЧЕР! КЎЗИМГА КЎРИНГИН, ЎЛДИРАМАН!

Қаттиқ қарс эшитилиб, спиртли ичимлик ва тамакининг қўланса ҳиди билан бир вақтда, ҳавода калтабақай, соқоли олинмаган, эгнига жулдур пальто кийган, калта оёқлари қийшиқ, узун малла сочи чигаллашиб кетган, солқиган қизил кўзи ғамгин бассейн-хаунд қиёфасини эслатадиган киши пайдо бўлди. Унинг қўлидаги кумуш тўсли бўҳчани кўрган Гарри кўринмас плаш эканлигини дарҳол фаҳмлади. (*Бассет-хаунд* (ингл. «bass» – пакана ва «hound» – този) келиб чиқиш юрти Буюк Британия саналадиган ит зоти).

- Нима гап, Фигуля? - сўради у, айбсиз кўзини пирпиратганча, миссис Фиггдан Гаррига, Гарридан Дудлига олиб ўтиб, - Бекинмай қўйдик-ми энди?

- Лаҳадга бекинасанми энди?! - бақира кетди миссис Фигг, - Бизга дементорлар ҳамла қилди, ярамас, эшакмия!

- Дементорлар? – телбаланди Мундугнус, - Дементорлар? Шу ерда-я?

- Ҳа, шу ерда, товуқ гўнги, шу ерда! - чириллашини қўймади миссис Фигг, - Дементорлар айнан сенинг навбатчилигинг вақтида болага ҳамла қилди!

- Вой ойижон, - шалвираб қолди Мундугнус, кўзини дам кампирга, дам Гаррига олиб ўтиб, - Вой ойижон... мен ахир... мен...

- Сен! Сен бу вақтда ўғирланган қозонларнинг арзон олди-соттиси билан шуғулланиб юрган эдинг. Жойингда босиб ўтир деган эдим-ку, айтганмидим?

- Мен... ҳа, энди... - ғудуллади хижил бўлиб қолган Мундугнус, - Бунақа имконият камдан кам бўлади-да... бизнес, тушунасанми?...

Миссис Фигг қўлидаги раззоқ халтаси билан Мундугнуснинг рўпара келган жойига, бўйни-ю, башарасига ура кетди. Эшитилаётган тақир-туқурга қараганда, халтада мушук еми консерва банкалари борга ўхшайди.

- Вой жоним! Бўлди... вой... бўлди дедим сенга, қутурган сичқон! Дамблдорни огоҳлантириб қўйиш керак-ку!

- Жуда тўғри, керак! - савалашини қўймади миссис Фигг, - Буни – ўзинг – айтганинг – маъқул. Жойингдан – кетиб – қолганингни ҳам – ўзинг айт!

- Бўлди дедим сенга! Бошингдан тўринг тушиб кетади ҳозир! - бақирди Мундугнус, ўтириб олиб, - Кетдим мана, кетяпман!

Яна бир қарс эшитилгач, Мундугнус кўздан ғойиб бўлди.

- Умид қиламан-ки, Дамблдор терингга сомон тикади, - орқасидан бақириб қолди миссис Фигг, - Нимани кутяпсан, Гарри, кетдик!

Дудлининг новвосдай келадиган танаси остида юришга мадори қолмаганини тушунтириш учун беҳуда куч сарфламасликка аҳд қилган Гарри чалажон қариндошини бир силтади-да, гандираклаганча, ҳаракатни давом эттирди.

- Сизларни остонагача кузатиб қўяман, - деди миссис Фигг, Одамовилар хиёбонига етишгач, - Ҳар эҳтимолга қарши... агар улар ўша ерда... О Худойим... уларга қарши ёлғиз ўзинг курашишга мажбур бўлдинг, а! Ҳалокатнинг ўзгинаси-ку, бу... Дамблдор эса сенга сеҳр-жоду қўллашга йўл

қўймасликни тайинлаган эди-я... майли, тўйдан кейин хинани...

- Демак Дамблдор буюрган экан-да, менга кўз-қулоқ бўлиб юришни? - ҳансиради Гарри.

- Албатта, - деди миссис Фигг, - Июнда бўлиб ўтган ҳодисадан сўнг, қаровсиз қолдирармиди сени? Сен ақлли бола эканлигинга мен ҳеч қачон шубҳа қилмаганман! Энди уйга киргин-да, қимирламай ўтир, - қўшиб қўйди у, 4- уйга яқин келишгач, - Сен билан яқин орада алоқа боғлашса керак.

- Сиз-чи, сиз нима қиласиз? - сўрашга ошиқди Гарри.

- Уйимга қайтаман, - деди кампир сесканганча қоронғиликка қараб, - Кўрсатмалар кутаман. Хайрли тун.

- Тўхтанг, кетманг! Бир нарсани сўраб билмоқчи эдим...

Бироқ катак гулли шиппаги билан тап-тап одимлаган миссис Фигг раззоқ халтасини шалдиратганча, пилдираб кетиб қолди.

- Тўхтанг, кетманг! - боз бақирди Гарри.

Кампир Дамблдор билан мулоқот қилади. Гаррининг эса унга берадиган миллиондан ортиқ саволи бор... лекин таассуфки, икки сония ўтар-ўтмай қоронғиликка кириб кетган миссис Фигг кўздан ғойиб бўлди. Қовоғини солган Гарри Дудлининг қўлини тўғрилаб олди-да, йўлак бўйлаб уй томон базўр юриб кетди.

Даҳлиз чироғи ёниқ. Гарри таёқчасини яшириб, эшик тугмасини босди. Кўп ўтмай эшик ойнаси орқали Петунья холанинг ғалати бузилиб кўринаётган танаси ўсиб келаётгани кўринди.

- Диддик! Худога шукур. Мен жиддий хавотирланиб... хавотир... Дидди, сенга нима қилди?!

Кўзини қийшайтириб Дудлига қараган Гарри унинг остидан аранг қочишга улгурди. Ранги хира яшил тус олган Дудли муайян вақт тебраниб турди-да, оғзини катта очиб, остона шолчасига қайт қилиб юборди.

- ДИДДИ! Дидди, сенга нима қилди?! Вернон? ВЕРНОН!

Йирик, бесўнақай Вернон амаки ҳар бир босган қадамида сал ирғиб қўйганча, меҳмонхонадан югуриб чиқди. Ҳар сафар нимадандир ҳаяжонланганида юз берадиган каби, ҳозир ҳам унинг морж мўйлови ҳар қадам босганида бир ҳилпираб қўймоқда. Амаки Петунья холанинг ёнига тез келиб, оёғида зўрға турган Дудлини остона шолчасидаги кўлмакни босмай киритишга ёрдамлашиб юборди.

- Унинг мазаси йўқ, Вернон!

- Нима бўлди, ўғлим? Сенга нима қилди? Миссис Полукис чой билан бирор-бир айниган нарса узатди-ми?

- Болагинам, ерга юмаладинг-ми? Нега эгнинг лой?

- Шошма... Мабодо сенга ҳамла қилишгани йўқми, а, ўғлим?

- Вернон, полицияга қўнғироқ қил! Полицияга! - қичқирди Петунья хола, - Диддик, ёқимтойгинам, ойингнинг саволига жавоб берсанг-чи! Нима қилишди сени улар?

Қий-чув орасида ҳеч ким Гаррига эътибор қаратгани йўқ. Шуниси ҳам маъқул. Вернон амаки эшикни ёпиб қўймасдан олдин уйга кириб, Дурслар учлиги ўзи билан ўзи овора бўлган фурсатда даҳлиздан ошхона томон юрди-да, зинапоядан юқорига кўтарилишга тараддудланди.

- Ким қилди бу ишни, ўғлим? Исmlарини айтсанг бўлди, биз уларни топамиз, ишончинг комил бўлсин.

- Т-с-с! У бир нима демоқчи, Вернон! Хўш, Диддича? Айта қол, ойингга!

Дудли ниҳоят тилга кирганида Гарри зинапоёга эндигина оёқ қўйган эди.

- Анави.

Гарри оёғини кўтарганча, портлаш рўй беришини кутиб, тек қотди.

- ҲОЙ! СЕН! ҚАНИ БУ ЁҚҚА КЕЛЧИ!

Гарри қўрқув ва нафрат уйғунлашиб кетган ҳиссиёт-ла, оёғини зинадан нари олиб, Дурслар

кетидан ошхонага эргашди.

Зим-зиё кўчадан сўнг, тозалигидан ярқираб турган ошхона боланинг кўзига ғайритабиий кўринди. Петунья хола ранги ҳалигача яшил, елимшак терга ботган Дудлини курсига ўтқизди. Вернон амаки идиш қуритиш токчаси ёнида туриб, митти кўзларини қисиб олганча, Гаррига, танасини тешиб юборгудай қараб турибди.

- Ўғлимни нима қилдинг? - таҳдидли ириллади у.

- Ҳеч нима, - жавоб берди Гарри, унга ҳеч ким бовар қилмаганига ишончи комил бўлиб.

- Дидди, нима қилди у сени? - титроқ овози билан сўради Петунья хола, ўғлининг чарм курткасини тозалашга киришиб, - У... у... ўзинг биласан нима қилди-ми? Анави... нарсасини чиқарди-ми? Дудли аста, кўрқиб-писиб бош ирғиди. Петунья хола чўзиқ чинқирди. Вернон амаки эса муштини силтай кетди.

- Асло ундай бўлгани йўқ! - бақирди Гарри, - Унга ҳеч нима қилганим йўқ, мен эмас...

Шу пайт деразадан бойқуш отилиб кириб, Вернон амакининг бошига тегар-тегмас ошхонадан учиб ўтди-да, Гаррининг оёғи остига каттагина пергамент конверт ташлаб, музлаткич узра бурилганча, ташқарига чиқиб кетди.

- БОЙҚУШЛАР! - ўқирди чаккасидаги томири ўйнаб кетган Вернон амаки, деразани маҳкам ёпиб, - ЯНА БОЙҚУШЛАР! УЙИМГА БОЙҚУШ КИРМАСИН ДЕГАН ЭДИМКУ!

Бироқ конверт йиртиб, ичидаги хатни чиқараётган Гарри амакининг гапига эътибор ҳам қаратгани йўқ. Унинг кекирдак олмаси соҳасига кўтарилиб олган юраги қутуриб кетгандай ўрмоқда.

*Муҳтарам мистер Поттер! Бугун оқшом, тўққиздан йигирма уч дақиқа ўтганида маглар турадиган ҳудуд ва улардан бирининг гувоҳлигида Ҳимоячи афсунини қўллаганингиз ҳақида хабар олинди.*

*Бундай хатти-ҳаракатингиз ила Сиз, 1875 йили қабул қилинган «Балоғатга етмаганлар орасида сеҳргарлик фаолиятини оқилона чеклаш тўғрисидаги декрет»ни қўпол равишда буздингиз ва шу сабабли, маълумингиз бўлсинки, «Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактаби ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилдингиз. Ихтиёрингиздаги сеҳрли таёқчани белгиланган тартибда йўқ қилиш мақсадида турар жой манзилингизга Буюк Британия Сеҳргарлик вазирлиги ходимлари тез орада етиб боради.*

*Бундан ташқари, Бутун Жаҳон Сеҳр-жоду Конфедерацияси Махфийлик Мақомининг 13-бўлимида баён этилган талабларни бузганингиз учун муқаддам огоҳлантирилганингиз инобатга олинган ҳолда, жорий йилнинг ўн иккинчи август кунини ишингиз интизомий жиҳатдан кўрилиши ҳақида хабардор қилиб қўйишга мажбурмиз.*

*Соғ-омон бўлинг.*

*Эҳтиром ила, Мафальда Хопкирк*

*Сеҳргарлик вазирлиги Сеҳргарлик ва афсунгарлик фаолияти устидан назорат бўлими.*

Гарри хатни икки маротаба ўқиб чиқди. Вернон амаки билан Петунья хола унга нималардир ҳақида вайсаётганини онгининг аллақайси чети билан идрок этмоқда. Вужудида муздай бўшлиқ ҳосил бўлган. Ягона бир хаёл камоннинг захарланган ўқи каби, мияга санчилиб турибди. У «Хогварц»дан қувиб солинди. Ҳаммаси тамом. Энди у ҳеч қачон қасрга қайтмайди.

Бола нигоҳини Дурслларга қаратди. Муштарини ҳанузгача туширмаган Вернон амаки алланима деб бақиряпти. Петунья хола яна кўнгли айниётган Дудлини маҳкам қучиб олган.

Гаррининг вақтинча ўчиб қолган мияси уйқудан уйғонгандай бўлди. «Ихтиёрингиздаги сеҳрли таёқчани белгиланган тартибда йўқ қилиш мақсадида турар жой манзилингизга Буюк Британия Сеҳргарлик вазирлиги ходимлари тез орада етиб боради». Ягона бир йўл – қочиш, бироқ қаёққа қочиш керак, Гарри ҳали билмайди. У фақат бир нарсани билади: «Хогварц»дами, бошқа

жойдами, сеҳрли таёқчасиз қолиб бўлмайди. Худди туманда қолгандай, таёқчасини қўлига олди-да, ошхонани тарк этишга тараддудланди.

- Мен сенга гапиряпман, қаёққа кетяпсан? - ўқирди Вернон амаки.

Саволига жавоб олмаган амаки ошхона бўйлаб югуриб, чиқиш эшигини тўсиб олди.

- Ҳой, сен. Қаёққа кетяпсан? Мен гапимни тугатганим йўқ ҳали!

- Йўлимдан қочинг!

- Шу ерда қолиб, тушунтириш берасан, қандай қилиб менинг ўғлим...

- Йўлимдан қочмас экансиз, қарғиш қўллайман, - деди Гарри таёқчасини кўтарганча, таҳдид солиб.

- Йўқ, сен бу ишни қила олмайсан! - боз ўқирди Вернон амаки, - Сизлар мактаб, деб атайдиган тентакхона ташқарисида сеҳр-жоду билан шуғулланиш ман этилган!

- Ҳозиргина мени, ўша тентакхонадан ҳайдаб юборишди, - маълум қилди Гарри, - Шундай экан, энди мен ўзимга хон, ўзимга бекман. Кўнглим тусаган ишни қилишим мумкин. Йўлимни бўшатиб қўйишингиз учун уч сония муҳлат бераман. Бир... икки...

Айни шу фурсатда нимадир титраб кетди. Петунья хола чириллаб юборди. Вернон амаки ҳам чинқириб, эгилиб олди. Гарри эса атрофга олазарак бўлиб, шу бугуннинг ўзида учинчи маротаба ўзи чиқармаган шовқин манбасини қидирди. Бу гал ушбу манба тез топилди. Ташқи токчада ҳозиргина очиқ турган деразага таҳайюр қараб, ҳурпайиб олган омбор бойқушини кўрди. Вернон амакининг «Бойқушлар!», деганча, уқубатли инграшига эътибор қаратмаган Гарри, ошхонадан югуриб ўтиб, деразани очди. Бойқуш кичкинагина пергамент парчаси боғланган панжасини узатди. Гарри мактубни ечиб олиши билан бир силтаниб олди-да, яна фалакка кўтарилиб кетди. Гарри титраётган қўли билан иккинчи, шоша-пиша битилган, сиёҳ томизилиб доғ қилинган хатни очди.

*Гарри,*

*Дамблдор ҳозиргина вазирликка этиб келиб, юзага келган муаммони ҳал этишга уринмоқда.*

*Уйдан чиқиб кетма. Сеҳр-жоду қўллама. Таёқчангни ҳеч кимга топширма.*

*Артур Уэсли.*

Гарри ўйланиб қолди. «Муаммони ҳал этишга уринмоқда», дегани нима бўлди? Вазирликка сўз ўтказа оладиган ваколоти борми уни? «Хогварц» масаласида умид пайдо бўлди, деб тушуниш керакми бунга, йўқми? Боланинг қалбида умид учқунга лип этиб ёнди-ю, шу заҳоти ўчди.

«Таёқчангни ҳеч кимга топширма», деганини қандай тушуниш керак? Вазирлик ходимларига қаршилиқ кўрсатиб, ёқалашиши керакми? Бундай иш учун «Хогварц»дан ҳайдаш у ёқда турсин, Азкабанга равона бўлиш мумкин-ку!

Бир-бирига зид келаётган хаёллар каллага ҳеч сиғмади. Вазирлик ходимлари томонидан қўлга олиниш хавфи бўлса ҳам таваккал қилиб қочиш мумкин. Лекин шу ерда қолиб ҳам, уларнинг қўлига тушиш мумкин. Али хўжа, хўжа Али. Хатти-ҳаракатларнинг биринчи варианты кўпроқ маъқул келмоқда, бироқ масалага бошқа томондан ёндашадиган бўлса, мистер Уэсли биринчи навбатда Гаррининг манфаатларини ўйлаб ёзган, албатта. Умуман айтганда, Дамблдор бундан-да баттар ишларни тинчитиб келган.

- Хўп, майли, фикримдан қайтдим. Мен шу ерда қоламан.

У Дудли билан Петунья холанинг қаршисидоги курсига толиқиб ўтирди. Гарри ўз фикрини кутилмаганда ўзгартиргани Дурсларни хурсанд қилмади, чамаси. Петунья хола чаккасидаги томирлари тобора кучли ўйнаб кетаётган эрига ноумид қараб қўйди.

- Кимдан келди жин урсин анави бойқушлар? - даҳшат тўла овоз билан сўради амаки.

Гаррининг вужуди қулоққа айланганча, вазирлик вакилларининг шовқини эшитилишини



кутмоқда. Шу боис уйда ортиқча бақир-чақир бўлмай туриши учун қўйилган саволга жавоб беришни афзал топди.

- Биринчиси, сеҳргарлик вазирлигидан. Мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилганим ҳақида хабарнома, - хотиржам тушунтириш берди Гарри, - Иккинчиси дўстим Роннинг ўша вазирликда ишлайдиган отасидан.

- Сеҳргарлик вазирлигида? - ўкирди Вернон амаки, - Сенга ўхшаганлар ҳукуматда ишлайди-ми? О, энди тушунарли! Мамлакатимиз бадар кетаётганининг сабаби мана энди тушунарли!

Гарри индамай қўя қолди. Вернон амаки бир мунча вақт дарғазаб ўқрайди-да, тупуриб юборгандай сўради:

- Нима сабабдан ҳайдаб юборишибди сени?

- Сеҳр-жоду қўллаганим учун.

- А-АҲА! - бақириб юборди амаки музлаткичга мушт уриб.

Музлаткичнинг эшиги очилиб кетиб, ичидан Дудли учун атайин харид қилинган паст калорияли шоколад батонлардан бир нечтаси полга тўкилиб кетди.

- Иқрор бўлдинг-ку, ниҳоят! Дудлини нима қилдинг, айт!

- Ҳеч нима, - такрорлади Гарри, тоқати тоқ бўлиб, - Мен эмас эдим... Шахсан мен унга ҳеч нарса қилганим йўқ.

- Сен, - кутилмаганда тилга кирди Дудли.

Вернон амаки билан Петунья хола Гаррига қўл силтаб, овозини ўчиришни имо қилишди.

- Гапир, ўғлим, гапир, - деди Вернон амаки, - У сени нима қилганини айтиб бер.

- Айт, болагинам, - пичирлади Петунья хола.

- Менга ўзининг ходасини ўқтади, - минғирлади Дудли.

- Ўқтаган бўлсам нима қилибди. Ҳеч нима қилмадим-ку... - аччиқланди Гарри.

- ОВОЗИНГНИ ЎЧИР! - баралла ўкирди эр-хотин.

- Давом эт, ўғлим, - деди Вернон амаки, мўйловини дарғазаб силтаб.

- Атроф қоп-қоронғи бўлиб қолди, - хириллади Дудли, - Ҳамма ёқ қоронғилашиб кетди. Кейин қулоғимга... миямда ҳар хил гаплар эшитилди.

Вернон амаки билан Петунья хола даҳшатга тўлиб-тошган нигоҳлари ила бир-бирига қараб қўйди.

Бу ёруғ оламда, эр-хотиннинг фикрича, энг охирги, паст одамлар сеҳр-жоду билан шуғулланадиган кишилар саналади. Ундан сал олдинроқ сув сарфига оид чекланишлар жорий этилганлигига қарамай, боғ шлангидан фойдаланиш учун ҳар хил важ-баҳоналар топишга уринган қўшнилари туради. Бўлар-бўлмас овозларни эшитадиган одамлар эса унвон ва даражалар жадвалидаги сўнги ўнталик доирасига кирадиган кўринади. Фарзандлари ақлдан озиб қолганлиги ҳақидаги хаёл иккаласининг ҳам миясига баробар келганлиги башараларидан кўриниб турибди.

- Қанақанги овоз эшитдинг, дўмбоққинам? - сўради кўзи ёшга тўлиб, юзи мурдадек оқариб кетган Петунья хола.

Бироқ Дудли қанақанги овоз эшитганини айтиб бера олмади. У қаттиқ сесканиб кетиб, оқ сариқ сочли бошини силтай кетди. Биринчи хатдан кейин вужудини лоқайд умидсизлик қамраб олган бўлишига қарамай, Гаррининг хаёлида Дудлининг ўшанда ҳис этган туйғуларига нисбатан муайян қизиқиш уйғонди. Дементорлар инсонни ўз ҳаётидаги энг ёмон, даҳшатли фурсатларини янгитдан ҳис этишга мажбур қилади. Қизиқ, бу ҳаётда ёғ ичидаги мойга ўхшаб яшаб келаётган, ҳаддан ортиқ талтайиб ўсган, муттаҳам Дудли қанақанги даҳшатли фурсатни бошдан кечирди экан?

- Ерга қандай йиқилдинг, а, ўғлим? - аста сўради Вернон амаки, худди дарди бедаво бемор кўрпаси ёнида ўтиргандай паст овозда.

- Қ-қоқилиб кетдим, - титроқ овозда жавоб қайтарди Дудли, - Сўнг...

У ўзининг кенг кўкрагига бармоқ ўқтади. Нима бўлганини Гарри тушуниб етди. Дементорлар инсон қалбидаги бахт ва умидни сўриб борган сари, ўрнини ниҳоятда даҳшатли, елимшак совуқлик

тўлдириб бораверади. Дудли айна шу ҳолатини эсламоқда.

- Ваҳима, - хирилдоқ ингради Дудли, - Совуқ. Жуда қаттиқ совуқ.

Петунья хола Дудлининг пешонасига кафтини босиб, тана ҳароратини текширган бўлди.

- Яхши, - деди Вернон амаки сохта хотиржамлик билан, - Кейин-чи, Дудли, кейин нима бўлди?

- Назаримда... назаримда... худди... худди...

- Худди энди ҳеч қачон бахтли бўла олмайсан, - ифодасиз гапни тугатди Гарри.

- Ҳа, - пичирлади титроғи тўхтамаган Дудли.

- Демак! - хулоса чиқарди қаддини ростлаган Вернон амаки ўзининг одатий овози билан, - Сен ўғлимга нисбатан аҳмоқона афсун қўллаб, уни ҳар хил овозлар эшитиш ва ўзини бахтсиз ҳис этишга мажбур қилгансан, шундайми?

- Неча маротаба айтиш керак, сиз гап уқмас магларга? - аччиқ қилди Гарри, - Буни мен эмас дементорлар қилди!

- Де-кимлар? У қанақа қабоҳат бўлди?

- Де-мен-тор-лар, - такрорлади Гарри, бўғинларга ажратиб.

- Хўш, ким бўлди, ўша дементорлар?

- Азкабан, жиноятчи сеҳргарлар сақланадиган қамоқхона қўриқчилари, - деди Петунья хола.

Икки сония давомида ошхонада мутлақ сукунат ҳукм сурди. Шундан сўнг, Петунья хола худди бехосдан ниҳоятда уятсиз, беадаб сўз айтиб қўйгандай, кафтини оғзига маҳкам босиб олди.

Хотинига бақрайиб қолган Вернон амакининг кўзи косасидан отилиб чиққудай бўлиб турибди. Ҳеч нарсани тушунмай қолган Гаррининг мияси гувиллаб кетди. Миссис Фигг, хўп ўз йўлида, бироқ Петунья хола?...

- Сиз қаердан биласиз? - сўради Гарри, ҳаяжонини идора қила олмай.

Петунья хола ўзидан ўзи жирканиб кетган қиёфа касб этиб, эрига, узр сўраётган каби, чўчиб юзланиб, от тишини яланғочлатганча, кафтини бироз туширди.

- Анави мудҳиш йигит... ўшанда, ёшлигимизда... синглимга айтиб берганини эшитган эдим, - узук-юлуқ тушунтирган бўлди у.

- Агар гап ойим билан дадам тўғрисида бораётган бўлса, исмларини айтсангиз, нима қилади? - зарда қилди Гарри.

Лекин хаёли паришон хола жиянининг эътирозига эътибор қаратмади. Гарри ҳам ич-ичидан холасига қойил қолди. Агар бир неча йил муқаддам денгизда, қоя чўққисидаги кулбада Хагриднинг ташрифи туфайли эс-хушини йўқотиб қўйган Петунья хола Гаррига онаси телба бўлгани ҳақида бақиргани инobatга олинмаса, ўз синглисининг исмини тилга олганини ҳеч эслай олмайди. Бинобарин, сеҳргарлар дунёсига оид бу қадар ғайриоддий маълумотларни ёдида сақлаб юрганини ақлга сиғдириш, ҳозир Гарри учун қийин кечмоқда. Ахир Петунья хола бир умр сеҳргарлар оламини инкор этиб келган-ку.

Нимадир демоқчи бўлган Вернон амаки оғзини очишга очди-ю, фикридан қайтиб, ёпди. Сўнг яна очди. Йўқ, гап топа олмади шекилли, яна ёпди. Одам қандай гапиришини эслашга анчагина куч сарфлади чоғи, оғзини учинчи бор очгач, ниҳоят қариллаб юборди:

- Дем... демак... м-м-м... демак чиндан ҳам... м-м... бўлар экан-да, анави... демен... нима эди?

Петунья хола бош ирғиди. Вернон амаки ҳаммага навбат билан ҳозир кимдир «Биринчи апрель билан!», деб қичқириб юборишини кутгандай кўз югуртириб чиқди. Бироқ умиди пучга чиққач, яна оғиз очди-ю, бу сафар уни гапириш азобидан шу кечанинг ўзида учиб келган учинчи бойқуш халос этди. Очиқ қолган деразадан замбаракнинг пахмоқ ўқи каби, учиб кирган бойқуш тўс-тўполон-ла ошхона столига келиб қўнди. Қути ўчиб кетган Дурслар турган жойида сапчиб тушишди. Гарри қушнинг тумшуғидаги, кўринишидан расмий хатни тортиб олди-да, конвертни шартта йиртди. Почта бойқуши эса ортиқ шовқин солмай, кўчага, зимистон қарига учиб чиқди.

- Етар, бас! Жирканч бойқушлар оқимига чек қўймоқ даркор, - деди руҳий ларзага дучор бўлган

Вернон амаки.

У дераза ёнига судралиб бориб, яна бекитиб қўйди.

*Ҳурматли мистер Поттер!*

*Ихтиёрингиздаги сеҳрли таёқчани йўқ қилиш борасида сеҳргарлик вазирлиги томонидан қабул қилинган қарор ҳозирча бекор қилингани бугун, тахминан йигирма дақиқа муқаддам Сизга йўлланган хатга қўшимча равишда маълум қилинади. Ишингиз интизомий жиҳатдан муҳокама қилиниб, Сизга нисбатан расмий чора кўриладиган сана, яъни жорий йилнинг ўн иккинчи август кунига қадар, ушбу таёқчага эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолдингиз. Шунингдек, маълумингиз бўлсинки, Сиз таҳсил кўраётган «Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактаби директори билан ўтган суҳбатдан сўнг, вазирлик, Сизни, мазкур мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштириш масаласини кейинга, юқорида зикр этилган санага қадар қолдиришга розилик берди. Айти вақтда Сиз, навбатдаги кўрсатмалар олингунга қадар машғулотлардан четлаштирилган ўқувчи сифатида эътироф этиласиз. Сизга энг яхши тилаклар тилаб қоламиз.*

*Соғ-омон бўлинг.*

*Эҳтиром ила, Мафальда Хопкирк*

*Сеҳргарлик вазирлиги Сеҳргарлик ва афсунгарлик фаолияти устидан назорат бўлими.*

Гарри хатни кетма-кет уч маротаба ўқиб чиқди. Мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштириш масаласи ҳали ўзил-кесил ҳал бўлмаганини тушунган Гаррининг руҳи енгиллашиб, кўкрак қафасини сиқиб қўйган тугун бироз бўшашганини ҳис этди. Шундай бўлса-да, вужудини қўрқув тарк этгани йўқ. Энди ҳамма нарса ўн иккинчи август кунини ўтказиладиган интизомий жиҳатдан муҳокама натижасига боғлиқ бўлиб қолди.

- Ҳўш? - эслатиб қўйди Вернон амаки ўзининг шу ерда эканлигини, - Нима янгиликлар бор экан? Қамашар эканми сени? Ўлим жазосига ҳукм қилинадими сизларда? - қувончли умид-ла сўради у, бироз ўйлангач.

- Ишим интизомий жиҳатдан кўриладиган бўлибди.

- Ўшанда ҳукм қилишадими сени?

- Шунга ўхшайди.

- Демак, умид-ла яшашимиз керак экан, - деди Вернон амаки мурдор башара ясаб.

- Бўпти, агар бор гап шу бўладиган бўлса... - деди Гарри ўрнидан туриб.

Гарри ҳозир танҳо ўзи қолишни, бўлган ишларни ўйлаб кўриш, эҳтимол Рон, Гермиона ёки Сириусга хат ёзишни истади.

- БЕКОРЛАРНИ АЙТИБСАН! ЎТИР ЖОЙИНГГА! - ўкирди Вернон амаки, - ҲАЛИ ГАП ТУГАГАНИ ЙЎҚ!

- Яна нима?

- НИМА БЎЛАР ЭДИ, ДУДЛИ! - бақирди Вернон амаки, - Ўғлимга нима бўлганини аниқ билмоқчиман!

- ЖУДА СОЗ! - жавобан бақирди тоқати тоқ бўлган Гарри ва шу заҳоти таёқчасининг учидан қизил ва тилла түсли учқунлар отилиб чиқди.

Учала Дурсль қўрқиб кетганидан ғужанак бўлиб олди.

- Дудли иккаламиз Печакгул кўчасига олиб чиқадиган Магнолия тор кўчасида бирга келаётган эдик, - тушунтириш бера бошлади Гарри, ғазабини идора қилиш учун тез гапиришга уриниб, - Дудли кекирдагини чўзиб, жиғимга тега бошлади. Мен таёқчамни чиқардим, бироқ пўписадан нари ўтганим йўқ. Айти шу пайтда иккита дементор пайдо бўлиб келди...

- Ким ўзи... ўша демент деганинг? - нафрат-ла гапни бўлди Вернон амаки, - Нима иш қилишадиган УЛАР?

- Боя айтдим-ку, киши ичидаги бахтиёрлик туйғуларини сўриб олишади, деб. Хоҳласа бўса олиши ҳам мумкин.

- Бўса? - кўзи чаноғидан чиқиб кетгудай бўлди Вернон амаки, - Бўса?

- Ҳа, бўса. Оғиз орқали киши руҳининг сўриб олиниши шундай деб аталади.

Инграб юборган Петунья хола ўғлини елкасидан ушлаб, гўё ичидаги руҳнинг шақир-шуқурини эшитмоқчи бўлгандай, силтай бошлади.

- Руҳини? Улар сўриб олишмаган-ку... шундайми... унинг руҳи... қолган, тўғрими, а?

- Йўқ, улгурмади сўриб олгани. Улгурганда буни аллақачон сезган бўлар эдингиз, - тушунтирди Гарри ниҳоятда толиққан оҳангда.

- Демак, уларнинг адабини бериб қўйибсан-да, а, ўғлим? - баланд овозда, суҳбатни ўзининг одатий тарзида олиб боришга уриниб, - Ёмонлик қанақа бўлишини кўрсатиб қўйдинг-ми?

- Дементорларга ёмонлик қанақа бўлишини кўрсатиб бўлмайди, - ғижиниб тушунтириш берди Гарри.

- Нега бўлмаса, унга ҳеч нима қилмаган? - ўдағайлади Вернон амаки, - Нега унинг ҳеч нарсасини ичиб қўйишмаган? А?

- Чунки мен Ҳимоячи афсунини қўлла...

В-У-УШШШШ. Камин қувурида қуш қанотларининг питирлаши эшитилиб, хаёл ўтмай ўчоқ мўрисида тўртинчи бойқуш отилиб чиқди.

- О, МАРҲАМАТЛИ ТАНГРИМ! - бақириб юборди Вернон амаки, ғазаб ичра мўйловининг тукларини юлиб, - МЕНГА БОЙҚУШ КЕРАК ЭМАС! БУНГА БАРДОШ БЕРА ОЛМАЙМАН! ТУШУНАРЛИМИ?!

Амакининг бақир-чақирига эътибор қаратмаган Гарри бойқуш панжасига боғланган хатни ечиб, яна камин мўриси орқали чиқиб кетган қуш кўтарган чанг туфайли кўзини қисиб олди. Хат Дамблдордан келганига, ҳозир ҳамма нарса, хусусан дементорлар масаласи ҳам, миссис Фигг масаласи ҳам, ойдинлашишига, вазирликда нима гаплар бўлаётгани, юзага келган муаммоларни Дамблдор қандай ҳал этмоқчи бўлганини билишга комил ишонч билдирган Гарри Сириуснинг дастхатини таниб, ҳафсаласи пир бўлди. Чўқинтирган отасининг қисқагина ёзилган хатини тез ўқиб чиқди.

*Бўлиб ўтган ишларни Артур айтиб берди менга. Уйдан кўчага зинҳор чиқа кўрма. Зинҳор.*

Бугун оқшом бўлиб ўтган ишларга оид бундай жавоб Гаррига шу қадар кам кўриндики, давомини топиш илинжида ўроғлик хатнинг орқа томонини ўгириб кўрди. Таассуфки, номанинг давоми йўқ. Ғазаб Гаррининг вужудини яна қамраб олди. Бирон-бир зот бугун унга «Яша, Гарри!» дейдими-йўқми?! Ахир у, якка ўзи, бир эмас иккита дементорнинг адабини бериб қўйди-ку! Сириус билан мистер Уэсли-чи, мақташ ўрнига, худди Гарри ёмон иш қилиб қўйган-у, бунинг оқибати қанчалик жиддий эканлигини ҳозирча билмаганликлари учун койиш-койимасликни билмай, бошлари қотган кўринади.

- ... ЖОН ТЕГДИ БОЙҚУШЛАРИНГГА... тўф-а, бойқушларинг жонга тегди! У ёққа, бу ёққа учгани-учган. Уйимни каптархонага айлантириб юбординг! Охирги маротаба огоҳлантиряпман сени, ҳой бола, охирги марота...

- Бу масалада мен ҳеч нарса қила олмайман, - ўшқириб берди Гарри, Сириуснинг хатини ғижимлаб.

- Бугунги ҳодиса ҳақида бор гапни билмоқчиман! - вакиллади Вернон амаки, - Модомики, Дудлига думбулдурлар ҳамла қилишган экан, нима сабабдан сени мактабдан қувиб солишяпти? Қани айтчи, ўзинг-биласан-нимани амалга оширдинг-ми? А? Боя ўзинг иқрор бўлдинг-ку!

Гарри ўзини босиб, тинчланиб олиш учун чуқур нафас олди. Унинг бошига яна оғриқ кирди. Қани энди бу ерлардан, мана бу ошхона-ю, Дурсллардан узоқ-узоқларга бош олиб кетса.

- Дементорларни қувиб солиш учун Ҳимоячи афсунини қўллашга мажбур бўлдим, - деди у, хотиржамлигини сақлашга уриниб, - Уларга қарши фақат шу йўлни тутиш мумкин холос. Қолган ҳар қандай бошқа усул бефойда.

- Ўша думбулдорларга нима керак эди бизнинг Литтл Уингингимизда? - эътирозли ўкирди Вернон амаки.

- Билмайман, - ҳорғин оҳангда жавоб қайтарди Гарри, - Тасаввур ҳам қила олмайман.

Кўз олдини қоронғилаштириб юборгудай даражадаги кучли оғриқдан боланинг боши гўё тарс ёрилиб кетадигандай. Ғазаб ўти аста чекинмоқда. Ҳориб, мадори қолмаганини ҳис этмоқда. Дурсллар эса нафратга тўлиб-тошган нигоҳ-ла, еб қўйгудек қараб ўтиришибди.

- Буларнинг бари сенинг касофатингдан, - баёнот қилди Вернон амаки, тазйиқ оҳангида, - Бари сен билан аллақандай тарзда боғлиқ, буни жуда яхши сезиб турибман. Бу ерда пайдо бўлишларининг бошқа сабабини кўрмаяпман? Бошқа кимни ҳам қидириб келишар эди улар? Ахир сен шу яқин атрофда яшайдиган одамлар орасида ягона... ягона... ўзинг биласан нимасан-ку... - деди «сеҳргар» сўзини талаффуз этишга тили айланмай.

- Нима сабабдан пайдо бўлишганини билмайман.

Бироқ Вернон амакининг сўзлари Гаррининг толиққан миясига туртки бериб, куч билан ишлатиб юборди. Чиндан ҳам, нима учун дементорлар Литтл Уингинг шаҳарчасига келишди? Гарри юрган кўчада пайдо бўлишганини тасодиф, деб айтса бўладими? Ким юборди уларни бу ерларга? Наҳотки улар Азкабанни тарк этиб, Дамблдор олдиндан кўра билгандай, Вольдеморт томонга ўтиб олишган бўлса?

- Демак ўша дерменторлар аҳмоқона қамоқхоналарингни қўриқлайди, шундайми? - сўради Вернон амаки, худди Гаррининг мулоҳазалари кетидан бораётгандай.

- Ҳа.

Бош оғриғи қачон қолар экан-а? Қачон хонасига кўтарилади-ю, бўлиб ўтган ҳодисаларни бемалол, танҳо ўзи мушоҳада қилиб кўради?!

- О! Демак улар сени қамоққа олишгани келишган! Тўғрими? - қувонч-ла тушуниб етган бўлди Вернон амаки, - Бундан чиқди, йигитча, ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этиб, жавобгарликдан қочиб юрибсан экан-да!

- Йўқ, албатта, - деди Гарри, хира пашшани қуваётган каби, ҳар хил фикр-хаёлларга тўлиб кетган бошини силтаб.

- Унда нега?...

- У юборган, - деди Гарри, Вернон амакига эмас, ўзига жавоб бергандай паст овозда.

- У? Ким у?

- Лорд Вольдеморт, - тушунтирди Гарри.

Ушбу хонадонда «сеҳргар», «сеҳр-жоду» ёки «сеҳрли таёқча» сўзлари талаффуз этилганида Дурслларнинг афти буришиб, сесканиб кетишади. Бироқ ҳозир жаҳон халқлари тарихида ўтган сеҳргарлар орасидаги энг золим ва энг қудратли сеҳргар номи тилга олинганида, ушбу магларнинг пинаги ҳам бузилмагани, Гарри учун таажжубли кўринди.

- Лорд... шошма...

Алланима эшлашга уринган Вернон амакининг башараси тиришиб, чўчқа кўзида ниманидир англаб етган ифода пайдо бўла бошлади.

- Бу исмни қаердадир эшитгандай бўляпман. Мабодо у...

- Менинг ота-онамни ўлдирган сеҳргар, - ҳис-туйғусиз тасдиқлади Гарри.

- Ахир денгизда, қоя чўққисидаги кулбага ёпирилиб келган анави давангир ўша лордни гўм бўлди, сени ўлдиришга уринган кечанинг ўзида ер ютгандай йўқ бўлиб кетди, деган эди-ку, - бетоқат оҳангда эътироз билдирди Вернон амаки, Гаррининг ота-онаси ҳақида қайғуришни хаёлига ҳам келтирмай.

- Топилиб келди, - деди Гарри, ғамгин оҳангда.

Петунья холанинг касалхонадаги операция хонасидек тоза ошхонасига ўрнатилган сўнгги русумга мансуб музлаткич ва экрани кенг форматли телевизор орасида туриб Вернон амаки билан Лорд Вольдеморт ҳақида хотиржам суҳбат қуриб ўтириш, Гаррига ниҳоятда ғайриоддий туюлди. Дементорлар Литтл Уингинг шаҳарчасида пайдо бўлгач, Одамовилар хиёбонининг мутлақо меъёрий дунёсини оламнинг қолган қисмидан ишончли ажратиб турган улкан, кўзга кўринмас ғов ҳам барҳам топгандай бўлди. Гаррининг ҳаётидаги иккита параллель борлиқ бир бутун бўлиб, тўнкарилиб қолгандай гўё. Бу қанақаси бўлди? Дурсллар сеҳргарлар ҳаёти ҳақида суриштирмоқда, миссис Фигг Дамблдорни танир экан, Литтл Уингинг узра дементорлар сузиб юрибди, Гаррига «Хогварц»ни ўз қулоғини кўра олмагандай, қайта кўрмаслик хавфи таҳдид солмоқда. Боланинг бош оғриғи икки чандон кучайиб кетди.

- Топилиб келди? - пичирлаб сўради Петунья хола.

Ҳозир холанинг Гаррига қаратилган нигоҳи ниҳоятда ғалати кўриниб, бола, онасининг опаси борлигини ҳаётда илк бор идрок этди. Ушбу ҳақиқатни шунча йиллар ўтиб, нима сабабдан энди тушуниб етганини ўзи билмайди. Эҳтимол, айнан шу нигоҳ сабаб бўлгандир, Гарри бир нарсани аниқ тушунди, у ҳам бўлса, ошхонада ўтирганлар орасида Вольдемортнинг ҳаётга қайтганлиги яхши ҳолат эмаслигини идрок этган ёлғиз ўзи эмас. Петунья хола ҳали ҳеч қачон Гаррига бундай қарамаган. Раҳматли синглисининг кўзига мутлақо ўхшамаган йирик, кул ранг кўзи ҳозир одатдагидай дарғазаб қисилган эмас. Аксинча, унинг катта очилган кўзида, Гарри, ўзига нисбатан аллақандай хавотир учқунини кўриб турибди. Боланинг назарида ҳозир Петунья хола риёкорлигини, Вернон амаки билан яшаётган ўз дунёсидан ташқари, бошқа ҳеч қандай сеҳр-жоду дунёсини тан олмайдиган қиёфасини бир четга йиғиштириб қўйган. Ваҳоланки, мулоҳаза юритилаётган масалага оид мунофиқлик шу кунга қадар Дурсллар оиласининг меъёрий ҳаёт тарзи бўлиб келган эди.

- Ҳа, - жавоб берди Гарри, холасининг саволига, - Бир ой олдин. Ўз кўзим билан кўрдим.

Гарридан кўзини узмай ўтирган Петунья хола бармоқлари билан ўғлининг елкасини пайпаслаб топиб, маҳкам ушлаб олди.

- Бир дақиқа, - деди Вернон амаки, нигоҳини дам хотини, дам Гаррига олиб ўтганча, хола-жиан ўртасида кутилмаганда юзага келган ҳамфикрликдан ҳайрон бўлиб, - Бир дақиқа. Демак, сўзларингга қараганда, анави Вольд... исми нима эди... қайтибди-да?

- Ҳа.

- Сенинг ота-онангни ўлдирган кас?

- Ҳа.

- Энди эса десертларни сенга солган?

- Шунга ўхшайди.

- Тушунарли, - чўзди Вернон амаки.

У дам ранги бўздай оқариб кетган хотини, дам Гаррига қараб турди. Лавлагидай қизил башараси шиша бошлаб, кўйлагининг кўкрак соҳасидаги тугмаси тарс узилиб кетди.

- Ундай бўлса, - эълон қилди у, иштонини кўтариб, - Масала ҳал. Кўтар тугун-терсагингни. Кўзимга кўринма, йўқол уйимдан!

- Нима?! - ҳайрон бўлди Гарри.

- Эшитганинг! Йўқол уйимдан! Йўқол!

Вернон амаки шундай қаттиқ бақирдики, Петунья хола билан Дудли ҳам ўтирган ўринларида сапчиб кетишди.

- Йўқол! Йўқол! - ўкирди Вернон амаки, - Аллақачон ҳайдаб юборишим керак эди сени.

Бойқушларнинг тунаши, пудинг портлаши, деворнинг ёрилиши, Дудлининг думи, Маржорининг шифт остида учиб юриши, учар форд! Ҳаммаси, ҳаммаси жонга тегди! Етар, бас! Кўргани кўзим,

отгани ўқим йўқ сени! Модомики, пайингга аллақандай савдойи тушибди-ми, бўлди, қури бу ердан! Мен ўз хотиним, боламни эҳтиёт қилишим керак! Сенинг касрингга ҳар хил бахтсизликларни бошдан кечиришни истамайман! От изини той босган каби, ота-онанг йўлидан боришни, ўшалар қисматини танлаган экансан, марҳамат! Фақат менинг хонадонимни тинч қўй! ЙЎҚОЛ ДЕДИМ СЕНГА!

Гарри, худди устидан биров бир челак муздай сув қуйиб юборгандай таҳайюр бўлиб қолди. Болага қўйиб беришганда аллақачон «Уйингни елкаминг чуқури кўрсин», деб чиқиб кетган бўлар эди. Бироқ ҳозир қўлида вазирлик, мистер Уэсли ва Сириусдан келган хатларни ёғимлаб турган Гарри ўйланиб қолди. Ахир унга: Уйдан кўчага зинҳор чиқа кўрма. Зинҳор, деб тайинлашган. Хўш, энди нима қилиш керак?

- Эшитяпсан-ми? Кўтар тугун-терсагингни! - такрорлади сўлаги сачраб етадиган масофага энгашган Вернон амаки, - Йўқол бу ердан! Ярим соат олдин чиқиб кетишни орзу қилиб турган эдинг-ку! Марҳамат, мен қарши эмасман! Жўна! Сендан илтимос, қайта остонамни ҳатлаб ўтиб, уйимни ҳаром қилма! Сени нимага олиб қолдик, ўзим ҳайронман. Маржори ҳақ экан: «Кисининг қони нопок, бузук бўлса, илож қанча, ҳеч ким ҳеч нарса қила олмайди». Чиндан ҳам ўшанда етимхонага топшириб юборишим керак эди сени! Оиламизга қабул қилиб олганимизда, ҳар қандай бемаънигарчиликка чек қўямиз деб онт ичган... НИМА?! БОЙҚУШ?!

Камин мўрисидан катта тезликда кириб келган бойқуш гумбурлаб полга тушди. Сўнг ўрнидан туриб, норози оҳангда гўрсиллаб қўйганча, боз ҳавога кўтарилди. Гарри қўлини кўтариб, қуш тумшугидаги қизил конвертни олмоқчи бўлди-ю, аммо бойқуш хатни болага бермай, кафтлари билан юзини тўсиб олган Петунья хола томон учиб ўтди. Конвертни холанинг бошига ташлаган почта бойқуши яна мўри орқали ташқарига чиқиб кетди. Гарри шу заҳоти конвертга ташланди, аммо Петунья хола чаққонлик қилди.

- Истасангиз очишингиз мумкин, - деди Гарри, - Бари-бир хат мазмуни менга ҳам эшитади.

- Ташлаб юбор хатни, Петунья, - ўкирди Вернон амаки, - Қўлингни теккизма, хавfli нарсага ўхшайди!

- Лекин у менга йўлланган экан, - йиғламсираб эътироз билдирди Петунья хола, - Менинг номимга! Қара, Вернон! Одамовилар хиёбони, 4- уй, ошхона, миссис Петунья Дурслга... Қизил конвертнинг тутай бошлаганини кўрган Петунья холанинг дами ичига тушиб кетди.

- Очинг тезроқ! - шошилтирди Гарри, - Истайсизми-йўқми бари-бир рўй беради! Тезроқ қутулган маъқул.

- Йўқ, кўрқаман!

Ўзини йўқотиб қўйган Петунья хола қўли дағ-дағ титраганча, худди чиқиш йўлини қидираётган каби, атрофга аланглади. Кеч бўлди. Конверт ўт олди. Чинқириб юборган Петунья хола хатни стол устига улоқтирди.

Олов тилга кириб, бутун ошхонани қамраб олганча, момақалди роқ каби, гумбурлаган овоз янгради:

- ПЕТУНЬЯ, ЁДИНГДАН ЧИҚАРМА МЕНИНГ СЎНГИ!...

Беҳушлик ҳолатига яқин келган Петунья хола юзини кафтлари билан тўсганча, оёғи букилиб кетиб, Дудлининг ёнига ўтириб қолди. Конвертнинг қолдиқлари товуш чиқармай охиригача ёниб, кулга айланди.

- Нима эди у? - руҳий ларза зўрлик қилиб, хириллаб қолди Вернон амаки, - Нима... мен... тушунмаяпман... Петунья...

Дағ-дағ титраётган Петунья хола эрига юзланиб, ютиниб қўйди.

- Бола... бола шу ерда қолади, Вернон, - деди у, бўшашиб кетган овози билан.

- Ним-нима?

- У ҳеч қаерга кетмайди. Шу ерда, уйда қолади, - такрорлади Петунья хола, ўрнидан туриб.

- У... аммо... лекин... бироқ... Петунья... ахир...

Ранги ҳаддан ташқари оқариб кетганига қарамай, Петунья хола ўзини дарҳол қўлга олиб, одатий оҳангини тез тиклаб олишга муваффақ бўлди.

- Уни кўчага чиқариб юборганимизни қўшнилар кўрса, нима дейди? - деди у, - Ҳар хил бўлар-бўлмас саволлар бера бошлашади. Қаёққа юборганимиз билан қизиқишади. Йўқ, уни шу ерда қолдирган маъқул.

Вернон амаки шу заҳоти машинанинг ёрилган покришкаси каби, бўшашиб қолди.

- Бироқ Петунья... азизам...

Петунья хола эрининг гапини охиригача эшитмай, Гаррига юзланди:

- Хонангда қилт этмай ўтирасан. Уйдан бирор қадам бўлсин, ташқарига чиқмайсан. Ҳозироқ бориб ёт.

Аммо Гарри турган жойидан қўзғалмади.

- Қичқириқнома кимдан келди?

- Ортиқча савол берма, - эслатиб ўтди хола, Дурсллар ҳаётининг бир маромда кечадиган энг асосий қоидасини.

- Сиз сеҳргарлар билан ёзишиб турасизми?

- Бориб ёт, дедим сенга!

- Ёдиндан чиқарма, дегани нима? Сўнги нимани ёддан чиқармаслик керак сизга?

- Зудлик билан хонанга кириб кет!

- Қаердан?...

- ХОЛАНГНИНГ АМРИНИ ЭШИТДИНГ-МИ, ТИРРАНЧА? ЙЎҚОЛ ХОНАНГА!

## **УЧИНЧИ БОБ. АВАНГАРД**

*Менга дементорлар ҳамла қилишди. Энди эса мени мактабдан ҳайдаб юборишлари мумкин экан. Нималар бўлаётганини билиш ва бу ерни тезроқ тарк этишни истайман.*

Гарри ўзининг ёзув столига етиб келиши билан, ушбу сўзларни учта алоҳида пергамент бўлақларига ёзиб, биринчисини Сириусга, иккинчисини Ронга ва учинчисини Гермионага йўллашга аҳд қилди. Хедвиг овга чиқиб кетган бўлиб, қафаси стол устида бўш турибди. Қўшнинг қайтишини кутаётган Гарри хонанинг у бурчагидан, бу бурчагига юра бошлади. Бошдаги минг хаёл мияни ёриб юборгудай бўляпти. Буқадай келадиган Дудлини уйга ташиб келтириб бели дод деётган, бошидаги ғурралари оғриётган, толиққанидан кўзи ачишаётган бўлса-да, бугун ухлай олмас керак.

Вужудини ғазаб ва алам қамраб олган Гарри тишини қисиб, қўлини мушт қилиб тугиб олганча, у ёқ, бу ёқ юрар экан, ҳар сафар дераза ёнидан ўтиб, ситоралар сочилиб кетган осмонга қаҳр-ла қараб қўймоқда. Дементорлар ҳамла қилса, миссис Фигг билан аллақандай Мундугнус уни пинҳон кузатиб юришган бўлса, машғулотлардан четлаштирилган ўқувчи сифатида эътироф этилса, ўн иккинчи август кунини эса иши интизомий жиҳатдан кўрилса-ю, дўст деган бирон-бир зот нима гаплигини унга тушунтириб беришни хаёлига ҳам келтирмайди!

Анави сирли Қичқириқнома нима деди? Кимнинг ваҳимали овози янгради ошхонада?

Нима учун у ахборотдан маҳрум қилиниб, қафасга қамаб қўйилган бойқушдай ўтириши керак мана бу уйда? Нега терс бола билан муомала қилингандай муносабат билдирилмоқда унга? Уйдан чиқиб кетма. Сеҳр-жоду қўллама. Бу нима деган гап бўлди?



Мактаб жиҳозлари жойланган сандиғига кўзи тушган Гарри уни келиштириб тепди. Бироқ бу билан ҳовуридан тушмади, аксинча беш баттар бўлди. Шундоқ ҳам толиққан танасининг дардига, ўлганнинг устига тепгандай, бош бармоқ оғриғи қўшилди.

Шу аҳволда дераза ёнига каловланиб борган эди ҳам-ки, хонага, қанотларини шитирлатган кичкина арвоҳ каби, Хедвиг кириб келди.

- Ниҳоят! Топилиб келдинг-ми? - вайсади Гарри, - Бир четга қўй уни, иш бор сенга.

Ўлик қурбақани тумшугига қисиб олган Хедвиг хафа бўлиб, йирик, қаҳрабо ранг кўзини Гаррига ўқрайтирди.

Гарри стол устидан учта хат билан чарм тасмани олиб, Хедвигнинг панжасига боғлашга киришди.

- Мана бунди олиб, Сириус, Рон ва Гермionaга тез элтиб бер. Токи ҳар бири узун-узун хат ёзиб беришмас экан, қайтиб келма. Дурустроқ хат ёзишмайдиган бўлса, чўқиб кўзини ўйиб ол.

Түшундинг-ми?

Тумшугидаги қурбақани қўймаган Хедвиг мубҳам гурсиллаб қўйди.

- Ундай бўлса, тез жил бу ердан, - буюрди Гарри.

Оппоқ қутб бойқуши шу заҳоти ҳавога кўтарилди. Хедвиг кўздан ғойиб бўлгач, Гарри, устки кийимини ечмай ўзини каравотга ташлаб, шифтга тикилиб ётди. Шунча куйинишларига қўшимча, Хедвигга кўрсатган дағал муомаласидан ўзини айбдордай ҳис этди. Ахир қуш мана бу Одамовилар хиёбонида Гаррининг сеҳр-жоду оламига мансуб ягона дўсти-ку. Майли, қайтиб келсин, хаспўшлаб қўяман, хаёлдан ўтказди Гарри.

Сириус, Рон ва Гермiona тез жавоб ёзишга мажбур. Дементорлар ҳамласи ҳақидаги хабарни назар-писанд қилмай қолдиришмас ахир. Эртага тонг саҳар туришига хайрихоҳона битилган, уни Бошпанага зудлик билан эвакуация қилиш режаси баён этилган учта қалин хат кутади... Ўзига ўзи таскин бериб, барча ташвишларини миясидан қувиб солган Гарри шу тариқа қаттиқ уйқуга кетди.

\*\*\*

Бироқ Хедвиг эртасига эрталаб қайтмади. Фақат вақти-вақти билан ваннага чиққан Гарри хонасига қамалиб ётди. Уч йил муқаддам Вернон амаки кириш эшигининг пастки қисмига, одатда, мушук кириб-чиқиши учун очиладиган тўйнуқ очган бўлиб, хола, ушбу тўйнуқ орқали кунига уч маҳал овқат киритиб турди. Холасининг қўлини кўрган Гарри ҳар сафар Қичқирикнома ҳақида сўраб билмоқчи бўлди-ю, лекин Петунья холадан сўради нима-ю, эшик дастасидан сўради нима, фарқи бўлмади. Умуман айтганда, Дурслар, Гаррининг хонасига яқин келишмади. Гарри ҳам уларга қўшилиб ўтиришга ошиқаетгани йўқ. Чунки бундан маъни йўқ. Уларга шерик бўлиб ўтирган билан ўртада яна бирон-бир жанжал кўтарилади. Оқибатда Гаррининг тоқати тоқ бўлиб, яна сеҳр-жоду қўллаб қўйиши мумкин.

Уч кун шу тариқа узоқ чўзилди. Гарри дам жонсарак бўлиб, хонанинг у бошидан бу бошига иложсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйган дўстларидан дарғазаб бўлиб юрди, дам ҳафсаласи ўлиб, шифтга соатлаб термилганча, иши вазирликда интизомий жиҳатдан кўрилишини ваҳима ила ўйлаб каравотда чўзилиб ётди.

Вазирликдагилар унга қарши чиқишса нима бўлади? Мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлатилса, сеҳрли таёқчаси икки бўлиб ташланса нима бўлади? Қаёққа боради? Ахир энди у мутлақо бошқа дунё, ўз дунёси борлигини била туриб, Одамовилар хиёбонида яшай олмайди-ку! Сириуснинг уйига кўчиб ўтса бўлармикан? Бир йил муқаддам, ҳаммадан қочиб кетишдан олдин, Сириус Гаррига уйига кўчиб ўтишни таклиф қилган эди. Балоғат ёшига етмаган бўлса ҳам ўша уйда ёлғиз яшашга ижозат берилармикан? Ёки бу масалани ҳам кимдир ҳал қиладими? Мабодо у Бутун Жаҳон Сеҳр-жоду Конфедерациясининг Махфийлик Мақомини жиддий бузган бўлиб, Азкабанга, қамоқ жазосига ҳукм қилинса-чи? Бундай хаёл болани яна каравотдан сирпаниб тушиб, хонанинг у бошидан бу бошига юришга мажбур қилди.

Хедвиг учиб кетганидан сўнг ўтаётган тўртинчи кечада, Гарри руҳсизлик кайфиятида, бирон нарса ҳақида ўйлашга қурби етмай, шунчаки шифтга термилганча ётган хонага, кутилмаганда, эгнига расмий тадбирларда киядиган костюмини кийиб олиб, басавлат бўлиб олган Вернон амаки кириб келди.

- Кетяпмиз, - маълум қилди у.

- Тушунмадим.

- Биз, яъни холанг, Дудли ва мен кетяпмиз.

- Яхши, - лоқайд жавоб қайтарди Гарри, боз шифтга тикилиб.

- Уйда бўлмаганимизда хонадан чиқиш сенга ман этилади.

- Яхши.

- Телевизор, мусиқий стереотизим, умуман, бирон-бир нарсамизга тегиш сенга ман этилади.

- Яхши.

- Музлатгичдаги егуликни ўғринча ташиб ейиш ҳам сенга ман этилади.

- Яхши.

- Мен устингдан қулфлаб қўяман.

- Яхши.

Вернон амаки мутлақо эътироз билдирмаётган жиянга бақрайиб, бироз эсанкираб турди-да, бирон нарса дейишга сўз топа олмай, хонадан каркидонга ўхшаб чиқиб, эшикни ёпиб қўйди. Калит айлангани ва амаки оғир қадам ташлаганча, пастга тушиб кетганини Гарри эшитиб ётди. Яна бир неча дақиқа ўтгач, ҳовлидаги машина эшикларининг қарсиллаб ёпилгани, двигатель ишга туширилгани ва ҳаракат бошлаб, уйдан нари кетаётган автомобиль шинасининг шитир-шитири эшитилди.

Гарри чиндан ҳам, Дурслларнинг уйни тарк этиб кетишига нисбатан ҳеч қандай муносабат билдирмади. Уларнинг уйда борлиги ҳам, йўқлиги ҳам, бир гўр. Бола ҳатто ўрnidан туриб, хона чироғини ёқишни истамай ётибди. Осмон қорайиб бормоқда. Гарри эса очиқ деразадан эшитилаётган тунги шовқинга қулоқ тутиб, Хедвиг қайтадиган бахтиёр фурсатни кутиб ётибди. Қувурларнинг шовқини эшитилиб, бўм-бўш уй ҳам, ўзига хос товуш чиқармоқда. Гарри бирон нарсани ўйламаган, мияси тўлиқ ўчган ҳолатда, ҳаракатсиз, тамомила бахтсиз ётибди.

Кутилмаганда ошхонада нимадир гүмбурлагани эшитилди. Гарри яшин тезлигида ўрnidан туриб, каравотига ўтириб олди. Йўқ, Дурсллар эмас. Ҳали эрта. Умуман айтганда, дастлаб машина товуши эшитилган бўлар эди. Бир неча сония давом этган сукунатни одам овози бузди.

Ўғрилар, хаёлдан ўтказди Гарри, каравотдан сирпаниб тушганча, қаддини ростлаб. Лекин яна бир неча сония ўтгач, фикри ўзгарди. Уй ўмаришга кирган ўғрилар бундай баланд, бамайлихотир гаплашмайди. Ошхонада юрган киши эса паст гапиришни хаёлига ҳам келтиргани йўқ.

Вужуди қулоққа айланган Гарри жавончадаги сеҳрли таёқчасини қўлига олиб, эшикка юзланди-ю, қулф ширқ этиб, эшик ланг очилиши билан ортга тисланди..

Қоронғи зина майдонига термилган бола ҳаракатсиз туриб, бирон-бир товуш илғаб олишга уринди, лекин атроф сув сепгандай жимжит. Бироз иккиланган Гарри шовқин солмай тез зинапоя бошига чиқди.

Юраги кўкрак қафасида эмас, бўғзига кўтарилиб кетгандай гўё. Пастда, даҳлиз қоронғилигида аллақандай одамлар турибди. Уларнинг қоматларини кириш эшигининг ойнаси орқали уй ичига сингиб кираётган хира нур ёритиб турибди. Тахминан саккиз-тўққиз киши. Ҳаммаси бирдай Гаррига юзланиб олишган.

- Бировнинг кўзини ўйиб олмасингдан олдин таёқчангни тушир, йигитча, - эшитилди паст гүмбурлаган овоз.

Овоз соҳибини таниган Гаррининг юраги баттар қутуриб кетди ва айнан шунинг учун бўлса керак, таёқчасини туширмади.

- Профессор Хмури? - иккиланиб сўради у.

- Профессорлигимни билмадим-у, Хмури эканлигим рост. Ўқитувчилик насиб қилмаганини ўзинг яхши биласан. Қани туш пастга. Сени дурустроқ кўрайлик.

Гарри таёқчасини сал туширди-ю, маҳкам ушлаб турганча, жойидан қилт этмади. Гумондор бўлиш учун боланинг асослари етарли. Гарри Ўйноқкўз Хмури, деб билган киши билан тўққиз ой бирга бўлиб, кейинчалик аниқланишича, у ҳеч қандай Хмури эмас, қаллоб экан. Бунинг устига, ўша қаллоб, фош этилгунга қадар, Гаррини ўлдиришга уринган. Бола қандай иш тутиш кераклигини ҳали ҳал этмай туриб, пастдан яна бир кишининг хирилдоқ овози эшитилди.

- Гарри, ишлар жойида. Сени олиб кетгани келдик.

Боланинг нафаси тўхтаб қолишига сал қолди. Бир йилдан ортиқ эшитмаган бўлса-да, ушбу овоз соҳибини ҳам, Гарри дарҳол таниди.

- П-профессор Люпин? - сўради Гарри, қулоғига ишонмай, - Сизми?

- Нега биз қоронғида турибмиз? - сўради учинчи, мутлақо нотаниш аёл овози, - Люмос.

Кимнингдир сеҳрли таёқчаси, даҳлизни сеҳрли нур воситасида ёритди. Гаррининг кўзи пирпираб кетди. Пастда турган одамлар зина бўсағасида тўпланиб олиб, болага синчковлик билан назар солишмоқда. Уларнинг айримлари дурустроқ кўриш учун бўлса керак, бўйнини чўзиб олган.

Ҳаммадан олдинда Рэм Люпин турибди. Ёш бўлишига қарамай у қандайдир ҳорғин, бетоб кўринмоқда. Ўтган йил давомида унинг оқ сочи кўпайибди, коржомасидаги ямоқлар сони ҳам анча ошибди. Шунга қарамай, Люпин Гаррига самимий кулиб боқмоқда. Кутилмаган ҳолатдан ҳанузгача ўзига кела олмаётган Гарри ҳам, табассум-ла жавоб қайтаришга уринди.

- Қандай тасаввур қилган бўлсам, худди ўшандай-я, - деди ёришиб турган сеҳрли таёқчани тутиб турган, бинафша рангли сочи ҳар томон тўзғиган, оқ юзи юракча шаклига эга ёш афсунгар аёл, - Салом, Гарри!

- Нимани назарда тутганингни энди тушундим, Рэм, - баланд овозда, шошилмай фикр билдирди ортда турган тепа кал, қулоғига тилла ҳалқа тақиб олган қора танли сеҳргар, - Қуйиб қўйгандек, Жеймсга ўхшайди.

- Йўқ. Кўзи, - ҳарсиллаб эътироз билдирди орқа қаторда турган кумуш сочли сеҳргар, - Кўзи Лилиники.

Узун сочи оқарган, бурнинг бир бўлаги етишмайдиган Ўйноқкўз Хмури ҳар хил кўзларини қисиб олиб, Гаррига диққат билан разм солмоқда. Унинг битта кўзи митти мунчоққа ўхшайди. Каттагина, тангага ўхшаш юмалоқ иккинчи кўзи эса электр ёруғидай мовий тус бериб кўринади. Ушбу кўз соғлом одамнинг меъёрий кўзига мутлақо ўхшамай, пирпирамай, ҳар томон тинмай ҳаракатланганча, чаноғида гир айланади. Энг муҳими Хмури ўзининг сеҳрли кўзи воситасида девор, ёпиқ эшик ва ҳатто ўзининг боши ортидаги нарсаларни ҳам кўра олади.

- Люпин, бу ўша бола эканлигига ишончинг комилми? - дўриллади Хмури, - Тағин Гаррини олиб келдик деб, Ўлимдан мириқувчини етаклаб бормайлик. Қани, фақат Поттерга маълум бўлган бирон-бир савол бериб кўринглар-чи. Балки бирортангизнинг ёнингизда истиффор келтиришга мажбур қиладиган Иқрор бўлиш дамламаси бордир?

- Гарри, сен яратадиган Ҳимоячи қайси ҳайвон қиёфасида пайдо бўлади? - сўради Люпин.

- Буғу қиёфасида, - ҳаяжонланиб кетди Гарри.

- Ишлар жойида, Ўйноқкўз, ваҳима қилма. Бу Гарри, - ишонтирди Люпин.

Гарри тўпланиб олган одамларнинг нигоҳларини жисмонан ҳис этганча, пастга тушиб, сеҳрли таёқчасини жинси шимининг орқа чўнтагига жойлади.

- Эсингни еб қўйганмисан, йигитча? - ўқирди Хмури, - Қаёққа тиқяпсан? Ишга тушиб кетса нима бўлади? Сендан ақллироқ сеҳргарлар ҳам думбасиз қолиб кетган!

- Ким экан ўша думбасиз, билсак бўладими? - шу заҳоти қизиқиб қолди бинафша сочли аёл.

- Ишинг бўлмасин, - вайсади Хмури, - Энг асосийси сеҳрли таёқчани орқа чўнтақдан нари сақлаш

керак, тушунарлими? Бу оддий сеҳрохавфсизлик техникаси. Фақат кўпчилик негадир бунга амал қилмайди, - деди у, вайсаганча ошхона томон йўл олиб, - Мен ҳамма нарсани кўриб турибман, - қўшиб қўйди Хмури, орқада қолган қиз кўзини шифтга кўтарганига шама қилиб.

Люпин Гарри билан қўл сиқишиб саломлашди.

- Ишлар қалай? - сўради у, боланинг юзига диққат билан разм солиб.

- Ж-жойида...

Гарри ҳамон ишонмаяпти. Тўрт ҳафта, тўрт ҳафта давомида ҳеч ким унга Одамовилар хиёбонидан олиб кетишига зиғирдай бўлсин, шама қилмади. Энди бўлса, марҳамат, сеҳргарларнинг бутун бошли гуруҳи, гўё айнан шундай бўлиши керакдай, ташриф буюрган. У Люпиннинг ёнидаги одамларга қараб чиқди. Улар ҳалигача болага бақрайиб туришибди. Шунда Гарри тўрт кундан буён сочига тароқ теккизмаганини хаёлдан ўтказди.

- Мен... Омадларинг бор экан. Дурсллар шу бугун жўнаб кетишган эди, - ғудуллади у.

- Омадимиз бор экан! Ха! - хитоб қилди бинафша сочли қиз, - Мен алдаб чиқардим, ўша лақма қариндошларингни. Фамилиялари «Энг ибратли ҳовли майсазори» умумбритания конкурси ғолибларининг рўйхатига киритилганлиги ҳақида маглар почтаси орқали хабарнома йўладим. Улар ҳозир соврин олгани... ҳар қалай шундай хаёлда кетишяпти.

Гарри бундай конкурс ҳеч қачон ўтказилмаганлигидан хабар топган Вернон амакининг ўсал башарасини кўз олдига келтириб кўрди.

- Кетамизми? - сўради у, - Тез орадами?

- Йўлда ғов йўқлиги ҳақида сигнал олишимиз билан, - жавоб берди Люпин.

- Қаёққа борамиз? Бошпанагами? - умид-ла сўради бола.

- Йўқ, Бошпанага эмас, - деди Люпин, ошхонага киришни имо қилиб.

Иккаласининг кетидан қолган сеҳргарлар ҳам, кўзини Гарридан узмай ошхонага киришди.

- Ҳозир Бошпанага бориб бўлмайди. Хавfli таваккалчиликка йўл қўйган бўламиз. Қароргоҳимиз топиб бўлмайдиган жойда жойлашган. Бундай жой топишга муайян вақт керак бўлди...

Ўйноққўз Хмури аллақачон ошхона столи ортига жойлашиб олиб, сувдонини сўрганча, Дурслларнинг уй меҳнатини енгиллаштириш мосламаларини томоша қилиб ўтирибди. Бундай мосламалар ошхонада бир дунё.

- Танишиб ол, Гарри, бу Аластор Хмури, - деди Люпин, Ўйноққўз томон имо қилиб.

- Ҳа, танийман, - ўнғайсиз жавоб берди Гарри.

Қарийб бир йил бирга бўлган одам билан қайтадан таништиришса, сал ғалатироқ бўлар экан, хаёлдан ўтказди Гарри.

- Бу, Нимфадора...

- Нималар деяпсан, Рэм, қанақа Нимфадора, - сесканиб кетди афсунгар қиз, - Мен Бомсман.

- Фақат фамилиясини айтиб чақиришларини афзал биладиган Нимфадора Бомс, - таъкидлаб қўйди Люпин.

- Сен ҳам афзал билган бўлар эдинг, агар эси паст онанг исмингни Нимфадора, деб қўйганида, - вайсади Бомс.

- Бу Кинсли Кандайер, - деди Люпин, таъзим қилиб қўйган қора танли новча сеҳргарни кўрсатиб, - Униси Эльфиас Дож, - имо қилди Люпин, ҳарсиллаб нафас олганча, Гаррига бош эгиб қўйган сеҳргарга, - Бу эса Дедал Диггл...

- Биз танишимиз, - ҳаяжон-ла чийиллади Диггл, гунафша ранг шляпасини тушириб юбориб.

- Эммелина Ванс, - таништиришни давом этди Люпин, бошини виқор-ла эгиб қўйган зумрад-яшил шолрўмол ўраган хушбичим аёлни кўрсатиб, - Стуржис Подмор, - оч сариқ сочи қалин ўсган, бош суяги квадратсимон сеҳргар кўзини қисиб қўйди, - Ва ниҳоят Хестия Жонс, - тостер олдида турган лунжи қизил қора сочли аёл қўл силтаб қўйди. (**Тостер** – нондан сухари тайёрлайдиган электр асбоби).

Танишиш жараёнида, Гарри, ўзини худди баланд саҳнага чиқиб олгандай ҳис этиб, ҳар бир меҳмонга хижолат билан бош ирғиганча, унга бақрайишини бас қилишларини истади. Қизиқ, нега битта болани олиб кетишга бунча кўп одам келган, хаёлдан ўтказди Гарри.

- Жуда кўп киши сени олиб кетиш истагини билдирди, - деди Люпин, худди Гаррининг фикрини уқиб олгандай, кулиб қараб.

- Нима қилибди, - дўриллади Хмури, - Сени қўриқлаш гуруҳи, бу, Поттер, авангард (*Авангард – франц. avant – олдиндаги ва garde – қўриқлаш, маъноларини англатади. Авангард (ҳарбий маънода) асосий кучлардан олдинга юбориладиган бўлинма, марш юриш давомидоги қўриқлов органи саналиб, асосий кучларнинг душман қаршилигига учрамай олға илгарилашлари, душманнинг ушбу кучларга дафъатан ҳужум қилишига йўл қўймаслик, қўшинларнинг тизилиши ва жангга киришиши учун қулай шарт-шароит яратиш вазифасини бажаради*).

- Йўлда ғов йўқлиги ҳақида сигнал кутяпмиз, - деди Люпин, дераза томон қараб, - Ўн беш дақиқача қолди.

- Бирам нозиктабиат эканки, бу маглар, а? - деди Бомс, ошхонани қизиқиш билан кўздан кечириб, - Дадам ҳам маглар оиласида туғилган сеҳргар, лекин палпислар орасида ундан ўтадиган ислиқи йўқ! Демак, маглар ҳам, биз сеҳргарлар каби, ҳар хил бўлар экан-да, а?

- М-м-м... ҳа, - тасдиқлади Гарри, - Бирортангиз айтиб берасизми, оламда нима гап? - мурожаат қилди у Люпинга қараб, - Дунёбеҳабар бўлиб қолганман. Менга ҳеч ким ҳеч нарса ёзмайди. Анави Вольдем...

Баъзи бировлар тисс-тисслаб қолишди, Дедал Диггл боз шляпасини йиқитиб юборди, Хмури эса пўписа қилиб қўйди:

- Жим бўл-е!

- Тинчликми? - тушунмади Гарри.

- Бу ерда ҳеч нарса муҳокама қилинмайди, жуда хавфли, - деди сеҳрли кўзи шифтга қаратилганча, соғ кўзини Гаррига бақрайтирган Хмури, - Жин урсин, - сўкинди у қўлини сеҳрли кўзига келтириб, - Анави ярамас дурагай тақиб юрганидан сўнг, қадалиб қолгани-қадалиб қолган...

Хмури сувга тўла ваннанинг қопқоғи олинганда чиқадиган товуш каби, товуш чиқариб, сеҳрли кўзини чаноғидан суғуриб олди.

- Ўйноқкўз, ҳозир кўнглим айниб, қайт қилиб юбораман, - деди Бомс.

- Гарри бир стакан сув бер, илтимос, - деди Хмури.

Гарри идиш ювиш машинасидан тоза стакан чиқариб, крандан сув қуйиб тўлдирди. Унинг ҳаракатлари сеҳргарлар гуруҳи томонидан диққат билан кузатилмоқда. Бу эса Гаррининг ғашига тега бошлади.

Хмури стаканни қўлига олиб, сеҳрли кўзини ичига ташлади-да, обдан чайқатди. Стаканда айланаётган кўз эса ҳаммага навбат билан қарашни давом этмоқда.

- Йўлда менга уч юз олтмиш градусли кўриш майдони керак бўлади, - таъкидлаб қўйди Хмури, қилаётган ишини изоҳлаб қўйгандай.

- Қандай етиб борамиз... ўша жойга? - сўради Гарри.

- Супургида, - деди Люпин, - Бошқа усул йўқ. Ҳавода йўқ бўлиб, керакли жойда пайдо бўлишга ҳали ёшлиқ қиласан. Саёҳат уни воситасида ҳаракатладиган йўл тармоқлари назорат остига олинган. Ғайриқонуний портшлюс яратадиган бўлсак, тамом бўламиз.

- Рэмнинг айтишига қараганда, супургида учишни эшиб қўяр экансан, - деди Кинсли Кандальер, бўғиқ овози билан.

- Зўр учади, - тасдиқлади Люпин, соатига қараб, - Нима қилганда ҳам, Гарри, нарсаларингни йиғиштирадиган вақт бўлди. Сигнал олишимиз билан ҳавога кўтарилишга шай бўлишимиз керак.

- Сенга қарашиб юбораман, - иштиёқ-ла ташаббус кўрсатди Бомс.

Қиз Гаррининг ортидан даҳлиз орқали эргашар экан, ҳар томон қизиқсиниб қараб борди.

- Ҳаддан ортиқ тоза, ғалати жой экан, - таъкидлаб ўтди у, - Агар нима демоқчи эканлигимни тушунаётган бўлсанг, албатта. Бундай тозалик қандайдир ғайритабиий кўринмоқда. О, мана бу хона, ҳар қалай одам яшайдиган жойга ўхшайди, - деди Бомс, Гаррининг хонасида чироқ ёнган. Уйнинг қолган қисми билан солиштириладиган бўлса, Гаррининг хонаси нисбатан пала-партишроқ, албатта. Бола кайфияти бузуқ ҳолатда тўрт кун қамалиб ўтиргани учун бўлса керак, хонани тартибга келтириш кўнглига сиғмаган. Ҳар хил хаёллардан чалғиш учун қўлга олган китоблари полда сочилиб ётибди. Хедвигнинг қафаси анчадан буён тозаланмагани учун ҳидланиб қолган. Қопқоғи очик сандиқдан эса маглар-у, сеҳргарлар кийими аралашиб, осилиб тушган. Гарри шошиб-пишганча, китобларини полдан териб, сандиққа ташлай бошлади. Бомс эшиги очик турган жавоннинг ёнида тўхтаб, тавақанинг ички томонига маҳкамланган кўзгуга қараб қолди.

- Бинафша ранги менга ярашмайдиган кўринади, - ўйчан чўзди у, сочини орқага тортиб, - Шу боис ҳам ҳаддан ортиқ қиррабурун бўлиб қоляпман шекилли, а?

- Э-м-м, - деб қўйди Гарри, «Британия ва Ирландия квидиш жамоалари» китоби узра қараб.

- Йўқ, ярашмагани аниқ, - қатъий хулоса чиқарди Бомс.

Нимфадора, худди бир нарсани эслаётган каби, кўзини зўриқиб қисди. Сония ўтар-ўтмас қизнинг сочи чайналадиган пушти сақич тусини касб этди.

- Вой, қандай қилдингиз бунни? - бақрайиб қолди Гарри.

- Мен метаморфоафсунгарман, тушунтириш берди кўзгуга қараб, бошини айлантирганча, у ёқ, бу ёғига қараган Бомс, - Яъни ўз қиёфамни ўзим истаган бошқа қиёфага ўзгартира оламан, - қўшиб қўйди у, кўзгуда Гаррининг ҳеч нарсани тушунмаган аксини кўриб, - Мен шундай туғилганман. Тасаввур қиляпсан-ми, мен аврорликка ўқиб юрган кезларимда бекиниш ва ниқобланиш тайёргарликлари бўйича, гарчи мутлақо шуғулланмаган бўлсам-да, олий балларга эга бўлганман! Зўр эди. (**Метаморфоза** сўзидан олинган бўлиб, ривожланиш натижасида бошқа кўринишга ўтиш, бошқа тусга кириш, айланиш маъноларини англатади).

- Сиз аврормисиз? - сўради кучли таъсирланган Гарри.

Аврор, яъни ёвуз сеҳргарларга қарши курашадиган агент касби болани қизиқтирган ягона касб эди.

- Ҳа, - жавоб берди Бомс, мағрур қиёфа ила, - Кинсли ҳам аврор. У мендан олдин эгаллаган ушбу касбни. Менга бундай малака берилганига атиги бир йил бўлди. Рақибни таъқиб қилиш ва ҳийла-найранг ишлатиш тайёргарликлари бўйича имтиҳонлардан йиқилишимга сал қолди, тасаввур қиляпсан-ми? Жа бесўнақайман-да. Уйга кириб келганимизда ликоп синдириб қўйганимни эшитгандирсан?

- Метаморфоафсунгарликни ўзлаштириб олса бўладими? - сўради Гарри.

Бола қизиқ сўхбатга берилиб, лаш-лушларини йиғиштириш кераклигини аллақачон эсидан чиқариб бўлди. Саволни эшитган Бомс ҳиринглаб қўйди.

- Чандиқ жонга тегди-ми дейман? Баъзан ундан халос бўлгинг келса керак, а?

Бомснинг кўзи Гаррининг пешонасидаги яшин зигзаги шаклидаги чандиқда тўхтаб қолди.

- Ниҳоятда, - деди чандиқига тикилишларини ёқтирмаган Гарри, тескари ўгирилиб.

- Ўзлаштириб олишинг иложи бўлган тақдирда ҳам, жуда қийин кечса керак, - саволга жавоб берди Бомс, - Метаморфоафсунгарлар фавқулудда кам учрайди. Бундай афсунгар бўлиб шаклланиш эмас, туғилиш керак. Аксарият сеҳргарлар ўз қиёфаларини сеҳрли таёқча ёки сирка воситасида ўзгартирадилар. Ҳой, Гарри, нима қилиб турибмиз? - деди қиз, полда ётган нарсаларга қараб, - Нарсаларингни йиғиштирмаймиз-ми?!

- Ҳа-я, кетишимиз керак-ку, - шошиб қолди Гарри, яна бир нечта рисола териб.

- Кел, бемаъни иш билан шуғулланмайлик. Нарн тур. Мен, ҳозир... Жойлан! - овоз кўтарди Бомс, сеҳрли таёқчасини хона бўйлаб узун айлантирганча, сандиққа ўқтаб.

Кийим-кечак, китоб-дафтар, телескоп, тарози хуллас, Гаррининг барча буюмлари ҳавога бирдан

кўтарилди-да, тўғри сандиққа бориб тушди

- Жа батартиб бўлмаса ҳам, ҳар қалай... - деди сандиқ ёнига бориб, ичига назар солган Бомс, - Бу ишни ойим эшиб қўяди-да. Ҳамма нарсани жой-жойига, ҳатто пайпоқларни пойини пойига ажратганча, тахлаб қўяди. Мен эса ҳеч эплай олмаяпман. Ойим мундоқ қилади-да...

Бомс таёқчасини яна силтади. Пайпоқларнинг бири аранг юқорига чиқди.

- Йўқ, бўлмади, - сандиқ қопқоғини ёпди Бомс, - Нима қилганда ҳам, нарсаларингни йиғиштирдик-ку. Айтгандай, тозалаш ишлари ҳам ортиқчалик қилмас экан, - деди у, таёқчасини қафасга ўқтаб, - Скоблифай! - қафас ичига тўпланиб қолган пат ва гўнг йўқ бўлди, - Ана энди нисбатан яхши бўлди. Рўзғор афсунларини яхши уддалай олмайман... Хўш, ҳеч нарса эсдан чиққани йўқми? Қозонми? Супургиними? Ўҳў!... «Чақмоқ»ку, а?!

Қизнинг кўзи Гаррининг ўнг қўлидаги супургига қараганча, катта очилиб кетди. Сириус совға қилган ушбу суперзамонавий супурги боланинг энг асосий қувончи-ю, фахри саналади.

- Мен эса «Комета-260» русумли супургида ўрмалаб юраман, - ҳасад-ла ҳасратланди қиз, - Хўп яхши... Таёқ орқангдами? Думбанг жойидами? Иккала ярми ҳам-ми? Жуда соз... ундай бўлса, кетдик. Локомотор сандиқ!

Сандиқ ҳавога кўтарилди. Чап қўлига Хедвигнинг қафасини олган Бомс таёқчасини сандиққа ўқтаганча, ит етаклаб кетаётган каби, хонадан чиқариб, пастга туширди. Супургисини кўтарган Гарри эса қиз кетидан эргашди.

Ошхонада сеҳрли кўзини тақиб олган Хмури ўтирибди. Техник хизмат кўрсатилган кўз шу қадар тез айланмоқдаки, бунини кўрган Гаррининг кўнгли ғалати бўлиб кетди. Кинсли Кандальер билан Стуржис Подмор микротўлқин печкасини зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқишмоқда, Хестия Жонс эса яшиқлардан бирининг ичидан топилган картошка тозалаш машинкаси устидан кулавериб, қорнини ушлаб қолган. Люпин Дурсларга битилган хатни конвертга жойлаб, елимламоқда.

- Жуда соз, - деди у, ошхонага кириб келган Гарри билан Бомсга юзланиб, - Назаримда, ихтиёримизда яна бир дақиқа бор. Ҳамма сафарга шай. Шундай экан, аста боққа чиқсак ҳам бўлаверади. Гарри, қариндошларинг ташвиш тортишмасин деб, уларга икки энли хат ёзиб...

- Улар ташвиш тортишмайди, - гапни бўлди Гарри.

- ... ишларинг жойида эканлигини...

- Айнан мана шу гап уларни ранжитади.

- ... келаси ёзда қайтиб келишингни ёздим.

- Қайтишим шартми?

Люпин кулиб юборди-ю, жавоб бермади.

- Ёнимга кел, йигитча, - хириллади Хмури, сеҳрли таёқчаси билан имлаб, - Сени тиндириб қўйишим керак.

- Тинчитиб қўйишингиз керак? - қўрқиб кетди Гарри.

- Тиндириш афсунини қўллаيمان, - тушунтирди Хмури, таёқчасини кўтариб, - Люпиннинг айтишича, кўринмас плашинг бор эмиш. Бироқ парвоз давомида плаш ҳилпираб, очилиб кетади. Афсун таъсири ишончлироқ... Мана бундай...

Хмури таёқчаси билан боланинг бошига тарс этиб қўйиб юборди. Гарри худди бошида тухум синдирилиб, зарб берилган жойдан бутун танаси бўйлаб муздай нарса оқиб кетгандай ғалати ҳис этди ўзини.

- Зўр, - маъқуллади Бомс, Гаррининг қорин соҳасига қараб.

Гарри пастга, танасига, аниқроқ айтиладиган бўлса, бир неча сония олдин тана бўлган жойга қаради. Унинг танаси кўринмас бўлиб қолмади-ю, орқасида турган ошхона асбобининг ранги ва сиртини касб этди. Қисқаси бола буқаламун одамга айланиб қолди.

- Кетдик, - буюрди Хмури, сеҳрли таёқча воситасида орқа эшикни очиб.

Жамики гуруҳ Вернон амакининг беназир парвариш қилинган ҳовли майсазорига чиқди.

- Кеча ойдин. Булут бўлса халал қилмас эди, - вайсади Хмури, сеҳрли кўзи билан осмон ҳолатини ўрганиб чиқиб, - Гапимга қулоқ сол бола, - хириллади у Гаррига мурожаат қилиб, - Парвоз сафи қуйидагича тизилади: Бомс олдинда боради, ундан узоқлашма. Мен ортингда учиб бораман. Люпин пастдан ҳимоя қилади. Қолганлар атрофимизда гир айланиб учади. Вазият қай тарзда ўзгариб кетишидан қатъи назар, саф бузилмасин. Агар бирортамизни ўлдиришган тақдирда ҳам...  
- Шунақаси ҳам бўлиши мумкинми? - чўчиб кетди Гарри.

Бироқ Хмури ўзини эшитмаган кўйга солди.

- ... қолганлар ҳеч нима бўлмаган каби, парвоз сафини бузмай, ўз ҳаракатини давом эттираверади. Агар ҳамма ўлдирилиб, ёлғиз ўзинг тирик қолсанг, Гарри, ишга арьергард киришади. Шарқ томон учавер, улар сени қувиб етишади. (*Арьергард – франц. arriere – орқа томондаги, ортдаги ва garde – қўриқлаш, маъноларини англатиб, асосий кучларнинг чекинишини ҳимоя қилиб бориш, таъқиб қилаётган душман йўлини тўсиб, асосий кучларнинг душмандан узоқлашишини таъминлаш вазифасини бажаради*).

- Ҳаддан ортиқ қувноқ эмасмисан, мабодо, Хмури, - пичинг қилди Бомс, боланинг сандиғи ва Хедвигнинг бўш қафасини ўз супургисига боғланган тўр ичига жойлаб, - Сўзларингни эшитган Гарри нотўғри фикрга бориши, ўз ишимизга жиддий ёндашмаётганимиз ҳақида хулоса чиқариши мумкин, ахир.

- Йигитчага хатти-ҳаракатларимиз режасини тушунтириб ўтпаман, - ўшқирди Хмури, - Олдимизга болани штабга етказиш вазифаси қўйилган. Иттифоқо, операция давомида ҳалок бўлсак...

- Ҳеч ким ҳалок бўлмайди, - тинчлантирди Кинсли Кандайер, бўғиқ жаранглаган овози билан.

- Биринчи сигнални кўряпман! Супургиларни эгарланг, - қичқирди Люпин осмонни кўрсатиб.

Баланд осмондаги ситоралар орасида қизил учқунлар фаввораси кўринди. Ушбу учқунлар Гаррига яхши таниш. Уларни фақат сеҳрли таёқча воситасидагина яратиш мумкин. Бола оёғини «Чақмоқ» ўзра олиб ўтиб, бетоқатликдан титраётган сопни маҳкам ушлаб олди.

- Иккинчи сигнал узатилди! Учдик! - қичқирди Люпин осмонда яшил тусли учқунлар дастаси кўрингач.

Гарри куч билан ер депсинган эди ҳам-ки, туннинг салқин шабадаси сочини тўзғитиб юборди.

Юқорига кўтарилар экан Одамовилар хиёбонидаги тўғрибурчак шаклига эга батартиб боғлар тобора кичрайиб, охири бир-бирига уланган қийқимлардан тайёрланган яхлит кўрпага ўхшаб қолди. Ишининг интизомий жиҳатдан кўрилиши борасидаги ваҳимали хаёллар худди қудратли ҳаво оқими учуриб юборгандай Гаррининг миясидан бир зумда чиқиб кетди. Яна ҳавога кўтарилган, манфур Одамовилар хиёбонини тарк этиб кетаётган боланинг юраги ҳузур-лаззатдан ёрилиб кетаётгандай. Ушбу онни Гарри ёз бўйи кутди. У ўз уйига, қадрдон дунёсига учиб кетмоқда... Атиги бир неча сония давом этган бахт ҳозиргина вужудини қамраб олган қайғуларини мана бу ажойиб, бепоён тунги осмонга нисбатан арзимас қум заррасидек қилиб қўйди.

- Чапроқ ол, Бомс, чапроқ. Пастда аллақандай мағл кечалар юлдуз санаб, осмонга анқайиб турибди! - янгради Хмурининг ўкириги.

Бомс парвоз йўналишини чап томон ўзгартирди. Қизнинг супургисида осиб қўйилган бўлиб, кучли тебранаётган сандиғидан кўзини узмаётган Гарри ҳам Бомсининг изидан бурилди.

- Яна чорак милга бўлса ҳам, юқориноқ кўтарилиш керак! - бақирди Хмури.

Юқоридаги ҳаво ҳарорати анча совуқ бўлгани боис, Гаррининг кўзи ёшланиб кетди. Пастда, афтидан, машиналарнинг фаралари ва кўча фонуслари бўлса керак, тўғноғич бошидек келадиган ёришувчи доғлардан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди. Эҳтимол ўша машиналар орасида тарвузи қўлтиғидан тушган, хатда зикр этилган конкурс ҳаётда бўлмаганидан хабар топиб, қутурганча, кимсасиз қолган уй томон елиб бораётган Дурсларнинг машинаси ҳам бордир... Буни ўйлаган Гарри хандон отиб юборди. Лекин унинг қаҳқаҳасини ҳеч ким эшитгани йўқ. Кучли эсаётган шамол учувчиларнинг коржомаларини қаттиқ қарсиллатмоқда, сандиқ билан қафас жойланган тўр



ғирчилламоқда, чийиллаётган шамол эса боланинг қулоғини битказиб қўйган. Гарри анчадан буён ўзини бунчалик бахтиёр, бунчалик... серғайрат ҳис этмаган эди!

- Жануб томон бур! - бақирди Хмури, - Қаршимизда шаҳар!

Учувчилар гуруҳи чироқлардан ҳосил бўлган ўргамчик уяси каби, кўринаётган шаҳарни четлаб ўтиш учун ўнг томон бурилди.

- Жанубга бурилиб, юқориоқ, янада юқориоқ кўтариламиз, - ўкиришини давом этди Хмури, - Тепадаги пастқам булутлар орасида бекиниб учамиз.

- Кирмайман булутлар орасига! - баджаҳл ўкирди Бомс, - Эгнимиз шалаббо бўлади!

«Чақмоқ»нинг сопини маҳкам ушлаб олган қўли уюшиб қолган Гарри Бомснинг сўзларини эшитиб энгил тортди. Совуқдан дағ-дағ титраганча, нимчасини кийиб олмаганига афсусланди.

Ўйноққўзнинг кўрсатмаларига амал қилаётган учувчилар гуруҳи парвоз йўналишини мунтазам ўзгартириб борди. Муздай эсаётган шамол кўзни қисиб олишга мажбур қилиб, қулоқни оғритмоқда. Гарри супургида учиб, фақат бир маротаба, учинчи синфда ўқиб юрган кезларида «Хуффльпуфф» жамоаси билан бўронда ўтган квидиш ўйини давомидагина бу қадар совқотган эди. Йирик йиртқич қушларни эслатаётган қўриқлаш хизмати лип-лип кўринганча, боланинг ён-атрофида учиб бормоқда. Гарри вақт ҳисобидан адашиб кетди. Қизиқ, қанча вақт учишмоқда улар. Парвоз кам деганда бир соат давом этгани аниқ.

- Жанубий-ғарб томон буриламиз! - бақирди Хмури, - Катта йўлни четлаб ўтиш керак!

Гарри шу қадар совқотиб кетдики, пастдаги автомобилларнинг шинам, қуруқ салонлари ҳақида, сал ўтиб, саёҳат уни ҳақида ўйлай бошлади. Бировларнинг каминлари ичида гир айланиб юриш у қадар қулай бўлмаса-да, ҳар қалай ўша усул осмон-у фалакка нисбатан анча илиқроқ кечади...

Гаррининг ёнидан кал боши билан қулоғига тақиб олган тилла ҳалқасини ялтиратган Кинсли Кандальер ўтиб кетди... ўнг томонда таёқчасини шай тутганча, атрофга диққат билан разм солиб бораётган Эммелина Ванс кўринди... у юқорига кўтарилиши билан ўрнида Стуржис Подмор пайдо бўлди...

- Бироз ортга қайтиб, орқамизда дум бор-йўқлигини текшириб кўришимиз керак! - бақирди Хмури.

- Миянг ҳам ўйнаб қолди-ми, Ўйноққўз! - чийиллаб юборди Бомс, - Супургимгача музлаб бўлдим-ку! Бунақа жилпанглаб юрадиган бўлсак, бир ҳафтада ҳам учиб етмаймиз! Умуман айтганда, манзилга деярли етдик!

- Пастлаймиз! - янгради Люпиннинг овози, - Бомснинг кетидан пастла, Гарри!

Нимфадора тикка пастлаб кетди. Гарри ҳам худди шундай иш тутди. Парвоз давомида дуч келган энг йирик чироқлар тўплами, ҳар томон тарқаб кетган, у ер, бу ерида қоп-қора ямоқлар кўринаётган ёришувчи ўргимчак уя томон йўл олди. Пастлаб бораётган Гарри фара ва фонуслар, телевизор антенналарини фарқлай бошлади. Музлаб, ёпишиб қолган супургисининг сопидан ўзи мустақил туша олмаслигига шубҳа қилмаса-да, тезроқ ерга қўнишни истади.

- Етиб келдик! - қичқирди Бомс.

Дақиқа ўтар-ўтмас Гарри Бомс кетидан қаровсиз қолган майса майдончасига қўнди. Бомс сандиқни супургисидан ажратишга улгурибди. Дағ-дағ титраётган бола теварак-атрофга назар солди. Биноларнинг олд томонлари хунук кўринмоқда. Баъзи уйларнинг дераза ойналари синган. Қоронғи ойналарда кўча фонусларининг акси кўринмоқда. Кириш эшикларининг бўёғи кўчган. Асосий зинапояларнинг бўсағаларида эса чиқинди уюмлари қалашиб ётибди.

- Қаерга келиб қолдик? - сўради Гарри.

- Сабр қил, - деди Люпин паст овозда.

Хмури совуқдан уюшиб қолган қўли билан плашининг чўнтақларини титкиламоқда.

- Топдим, - ниҳоят ғудуллади у, ички чўнтақларидан бирининг ичидан боядан бери қидирган кумуш зажигалкага ўхшаш буюмни чиқарганча, шиқиллатиб.

Бироздан сўнг яқин орадаги кўча фонуси дарз кетгандай ўчиб қолди. У закигалкасини яна бир бор чақди. Кейинги фонус ҳам бироз милтиллаб ўчди. Парда тортилган хонадондаги чироқ билан осмондаги Ой ягона ёруғлик манбаи бўлиб қолиб, жамики майдон зулмат қаърига чўккунга қадар закигалкасини шиқиллатишни давом эттирди.

- Дамблдордан вақтинча олдим, - дўриллади Хмури фонус ўчиргични кассасига яшириб, - Ана энди ўткир кўзли маглар кўнглига сиққунча деразадан кўчага қарашлари мумкин. Бари-бир ҳеч нарсани кўра олишмайди. Ҳўш, энди ҳаракатни тезлаштирамиз.

У Гаррини қўлтиғидан тутиб, майдончадан катта йўлга, у ердан эса пиёдалар йўлагига олиб чиқди. Люпин билан Бомс Гаррининг сандиғини кўтариб олишган. Қўриқлаш хизматининг қолган қисми эса ярим доира ҳосил қилганча, сал нарида, сеҳрли таёқчаларини шай ҳолатда тутиб эргашди. Яқин орадаги ўйнинг юқори қаватидаги деразасидан мусиқий стереотизимнинг бўғиқ товуши эшитилмоқда. Бузуқ дарвоза ортида бадбўй ҳид таратаётган чиқиндига тўлдирилган қоплар уюми ётибди.

- Мана, - деди Хмури пичирлаб.

У Гаррининг тиндирилган қўлига пергамент бўлагини тутқазиб, ёритилган таёқча билан қоғозга битилган маттни ёритди.

- Тез ўқигин-да, ёд ол.

Бола қоғозга тикилиб, жуда таниш дастхат билан битилган маттни ўқиди:

*Лондон шаҳри, Пинҳонийлик майдони, 12- уй. Қақнус ордени қароргоҳи.*

## **Тўртинчи БОБ. ПИНХОНИЙЛИК МАЙДОНИ, 12- УЙ**

- Орден дегани нима? - сўради Гарри.

- Жим, йигитча, сабр қил! Бу ерда эмас! - ириллади Хмури, - Уйга кирайлик, ёғдираверасан саволларингни!

У боланинг қўлидан пергамент бўлагини тортиб олиб, сеҳрли таёқча воситасида ёқиб юборди. Олов тиллари тез бўжмайтириб юборган қоғоз бўлаги ерга ўчиб тушди. Гарри майдон атрофидаги ўйларга разм солди. Ҳозир улар 11- уй рўпарасида турибди. Чап томондаги ўй деворида «10» рақами, ўнг томондаги ўй деворида эса «13» рақамини кўрди.

- Тушунмадим, қани?...

- Ҳозиргина сенга кўрсатилган манзил ҳақида ўйла, - боланинг саволини бўлди Люпин, паст овозда.

Гарри манзил матнидаги «Пинҳонийлик майдони, 12- уй» сўзларини ичида талаффуз этгани ҳамано, ўн биринчи ва ўн учинчи ўйлар орасида ниҳоятда кўримсиз эшик, унинг ортида эса кир девор-у, ойналари анчадан буён артилмаган дераза ғойибдан пайдо бўла бошланди. Янги ўй худди ҳаво шари сингари шишиб, қўшни ўйларни нари сурганча, боланинг кўз ўнгида катталаша борди. Ҳайрон қолган Гаррининг кўзи катта очилиб кетди. Бироқ 11- уйдаги мусиқий стереотизимнинг бўғиқ товуши қандай янграётган бўлса, шундай эшитилмоқда. Афтидан, ўша хонадонда истиқомат қиладиган маглар ҳеч нарсани пайқагани йўқ.

- Бўл тез, лаллайма, - шоширди Хмури, Гаррининг белидан туртиб.

Гарри ҳозиргина пайдо бўлган нақшинкор эшикни томоша қилганча, йўнилган тош зинапоя бўйлаб кўтарилди. Кумушдан кулала тушиб ётган илон шаклида ясалган эшик болғасига эга кириш эшиги эскириб, сиртидаги қора бўёқ чатнаб кетибди. На калит солинадиган тешик ва на хат ташланадиган тирқиш бор бу эшикда.

Люпин сеҳрли таёқчаси билан астагина эшик қоқди. Металлнинг бир неча бор шақиллагани, занжирнинг жаранлагани эшитилиб, эшик ғичирлаб очилди.

- Гарри, ичкарига, тезроқ, - пичирлади Люпин, - Фақат узоқ кириб кетма ва энг асосийси ҳеч нарсага қўл теккизма.

Остона ҳатлаган Гарри зим-зиё даҳлизга кириб қолиб, чанг, чиринди, зах ва ибтидой, одам яшамайдиган хонадон ҳидини сизди. У елка узра ортга қараб, қолганлар ҳам кириб келаётганини кўрди. Люпин билан Бомс Гаррининг сандиғи билан Хедвигнинг бўш қафасини олиб киришмоқда. Хмури зинапоянинг устки поғонасига чиқиб олиб, кумуш зажигалкадан кўча фонусларининг колбалари томон шиддат билан учиб кетаётган ёруғлик шарларини чиқармоқда. Пинҳонийлик майдонини оч сариқ нур яна ёритди. Хмури каловланганча уйга кириб, эшикни ёпиши билан даҳлизни зулмат батамом қамраб олди.

- Қани, йигитча...

Қоронғида ҳам яхши кўрадиган Хмури сеҳрли таёқчаси билан Гаррининг бошига бир туширди. Боланинг белидан илиқ оқим ўтиб, Тиндириш афсунининг таъсири барҳам топди.

- Ана энди, токи мен чироқни ёқмас эканман, қилт этмай туринглар, - пичирлади Хмури.

Ҳамма пичирлаб гапиришидан, Гарри, худди ўлим тўшагида ётган кишининг уйига келиб қолгандай ҳис этди ўзини. Бўғиқ вишиллаган товуш эшитилиб, девордан кўчаётган гулқоғоз-у, узун, қоронғи даҳлизнинг куя еб, илма-тешик бўлиб кетган гиламига хира, милтиллаган нур сочган қадимий газ фонуслари ёнди. Шифт остида ўргимчак уяси чирмаб олган йирик чилчироқ, деворларда эса илгакларга илиниб, вақт қорайтириб юборган портретлар кўринди. Чилчироқ ҳам, лиқиллаб қолган столча устидаги шамдон ҳам, худди эшик болғаси каби, илон шаклига эга.

Илдам босилаётган қадам товуши эшитилиб, даҳлизнинг нариги томонидаги эшикдан Роннинг онаси миссис Уэсли чиқиб келди. У қувончдан яшнаб, хонадонга ташриф буюрганлар томон ошиқди. Сўнгги учрашувларидан кейин, миссис Уэсли рангидан қон қочиб, жуда озиб кетибди.

- О, Гарри, сени кўрганимдан бирам хурсандман, - пичирлади у, болани маҳкам қучоқлаб.

У Гаррини ўзидан нари олиб, диққат билан қарагач, давом этди:

- Озиб кетибсан. Сени яхшилаб боқиш керак. Фақат кечки овқат кечга суриладиган кўринадди.

Сўнг, Гаррининг ортида турган сеҳргарларга юзланиб, ҳаяжон-ла пичирлади:

- У эндигина етиб келиб, мажлис бошлади.

Боланинг ортида ҳаяжонли хитоблар эшитилиб, ҳамма ҳозиргина миссис Уэсли чиқиб келган эшик томон йўл олди. Гарри ҳам улар кетидан кирмоқчи бўлди-ю, миссис Уэсли уни тўхтатди.

- Йўқ, Гарри, мажлис фақат Орден аъзолари учун. Сен юқорига чиқ. У ерда сени Рон билан Гермиона кутмоқда. Дўстларинг билан бирга ўтириб, мажлис тугашини кутасан. Сўнг, ҳаммамиз биргаликда овқатланамиз. Даҳлизда пичирлаб гапиргин, хўпми? - қўшиб қўйди у, қатъий шивирлаб.

- Нима учун?

- Бирон нарсани уйғотиб юбормаслик учун.

- Нарсани ҳам уйғотиб бўлар эканми?

- Ҳозир мавриди эмас, кейин тушунтириб бераман. Мен ҳам мажлисга киришим керак. Дастлаб қаерда ётишингни кўрсатиб қўяман.

Кўрсаткич бармоғини лабига босган миссис Уэсли оёқ учида юрганча, Гаррини иккита узун, кую еб тугатган ва тахминга кўра орқасида эшик бўлган парда ёнидан олиб ўтди. Шундан сўнг, троллинг чопиб олинган оёғига ўхшайдиган соябон таглигини айланиб ўтиб, панжарасининг устига қуритилган бошлар ўрнатилган безак ликоплари терилган зинапоя бўйлаб юқорига етаклади. Яқинроқ қараган Гарри, ушбу бошлар бир-бирига жуда ўхшаб кетадиган, бурни чўққанинг тумшугини эслатадиган уй эльфларининг боши эканлигини англади. Зинапоя поғоналарига кўтарилган сари боланинг таажжуби ҳам ошиб борди. Нега энди ҳамма аллақандай ёвуз сеҳргар уйига тўпланиб олган?

- Миссис Уэсли, нима учун?...

- Қадрдоним, Рон билан Гермиона бор гапни сенга тушунтириб беришади. Мен эса чиндан ҳам, шошилишим даркор, - пичирлади хаёли қочган миссис Уэсли, - Мана, - деди у, иккинчи қаватнинг зина майдонига етиб келишгач, - Ўнг томондаги эшик, хонанга кириш эшиги. Мажлис тугаши билан келаман.

Миссис Уэсли пастга югуриб кетди.

Гарри зинанинг кир майдонини кесиб ўтиб, илон бошига ўхшаш дагани айлантирганча, кўрсатилган хона эшигини очди.

Бола шифти баланд хонага кириб, иккита бир хил каравотни кўришга базўр улгурди ҳам-ки, баланд қирқираган товуш ва янада баланд айюҳанносни эшитди. Хаёл ўтмай кўз олдини қўнғироқ сочларнинг қалин тутами тўсиб қўйди. Қучоқ очиб қарши олган Гермиона Гаррини йиқитиб юборишига бир баҳя қолди. Роннинг миттигина бойқуши Чўчринстель эса қутуриб кетгандай иккаласининг боши ўзра гир айланмоқда.

- ГАРРИ! Рон, у келди, Гарри келди! Уйга кириб келганингизни эшитмабмиз! О-о, Гарри қалайсан? Соғлигинг яхшими? Роса аччиқланаётган бўлсанг керак биздан, а? Биламан аччиқланаяпсан. Хатларимизнинг мазмуни ҳам бемаъни эди... Дамблдор биздан сенга ҳеч нарса ёзмасликни талаб қилиб, туриб олди. Шу боис, сенга бамаъни хат ёза олмадик... О-о, биз сенга жуда кўп нарсаларни айтиб беришимиз керак. Сен ҳам бизга... Дементорлар! Бу ҳақда хабар топиб... Устига устак ишинг интизомий жиҳатдан кўрилиши... Ўтакетган расвогарчиликдан бошқа нарса эмас, бу... Қисқаси, мен амалдаги қонун ҳужжатларининг ҳаммасини кўриб чиқдим. Сени ўқувчилар рўйхатидан четлаштира олишмайди. Бунга ҳақлари йўқ. «Балоғатга етмаганлар орасида сеҳргарлик фаолиятини оқилона чеклаш тўғрисидаги декрет»да вояга етмаган сеҳргарлар ҳаёт учун хавф туғилган фавқулудда ҳолатларда сеҳр қўллашлари мумкин дейилган...

- Гермиона, бўғиб қўясан уни, - деди табассуми ёйилиб кетган Рон, Гаррининг ортидан эшик ёпиб.

Бир ой ичида у кам деганда яна бир неча дюймга ўсиб, баттар найнов бўлиб қолибди. Узун бурни, малла сочи, сепкиллари эса ўзгаришсиз қолибди.

Қувончдан яшнаб кетган Гермиона Гаррини қўйиб юборди. Бироқ қиз яна бир оғиз сўз айтишга улгурмай қуш қанотининг ҳилпираши эшитилиб, кийим жавони устидан қандайдир қордай оппоқ нарса учиб тушганча, Гаррининг елкасига қўниб олди.

- Хедвиг!

Қутб бойқуши тумшугини қарсиллатиб, соҳибининг қулоғини аста чимдий бошлади. Гарри қушнинг зийнатли пат қопламасини силаб қўйди.

- Бойқушинг шунақанги томоша кўрсатдики, қўяверасан, - деди Рон, - Сўнги хатингни етказгач, бизни ўларча чўқиб ташлади, мана, ўзинг кўр...

У Гаррига ўнг қўлининг у қадар жиддий бўлмаган, битиб кетишига оз қолган кўрсаткич бармоғини кўтарди.

- Қаранг-а, қандай нохушлик, - пичинг қилди Гарри, - Кечирасан-у, мен Хедвигдан бамаъни жавоб олиб келишни талаб қилган эдим.

- Биз ёзмоқчи эдик, чин сўзим, - ишонтира кетди Рон, - Агар сен бамаъни хат-хабар олмайдиган бўлсанг бирон-бир аҳмоқлик қилиб қўйишинг мумкинлигингни ўйлаб, Гермиона роса бўғилди, лекин Дамблдор...

- ... менга ҳеч нарса ёзмасликни талаб қилиб, туриб олди, - Роннинг ўрнига гапни тугатди Гарри, - Эслаб қолдим.

Энг яқин дўстларини кўрган Гаррининг юрагидаги илиқлик бирдан барҳам топиб, ўрнини муздай ғазаб эгаллади. Шу бугунга қадар улар билан юз кўришишни жуда орзу қилган эди, энди-чи... хонадан чиқиб кетишларини, танҳо ўзи, ҳоли қолишни истаяпти.

Орага оғир сукунат чўқди. Гарри ҳеч кимга қарамасдан, Хедвигнинг патини титиб ўтирибди.

- Шундай қилинса яхши бўлади, деб ўйлаган, - деярли унсиз фикр билдирди Гермиона, - Мен Дамблдорни назарда тутмоқдаман.

- Ҳа, албатта, яхши бўлади, - деди Гарри, Гермионанинг бармоғидаги Хедвиг етказган жароҳатга оз бўлса-да, ачинмай қараб.

- Назаримда у, ўша магларнинг уйида хавфсизроқ бўласан, деб билади... - гап бошлади Рон.

- Йўғ-е? - қошини кўтарди Гарри, - Шу ёз давомида бирортангизга бирорта дементор ҳамла қилди-ми?

- Йўқ, лекин... шунинг учун ҳам сени мунтазам кузатиб, муҳофаза қилиб боришлари учун Орден аъзоларидан бир неча нафарини тайинлаган...

Гаррининг ичидаги борки нарса, худди зинапоя поғонасини ўтказиб юборгандай, шув этиб кетди. Демак, кимлардир кузатиб юрганани ҳамма билади-ю, фақат Гаррининг ўзи билмайди

- Бироқ фойдаси бўлмади, - баёнот қилди Гарри, бақариб юбормасликка уриниб, - Охир-пировардида ўзимни ўзим ҳимоя қилишимга тўғри келди, шундайми?

- Мундугнус мундугнусдан олдин қоровуллик сменасини ташлаб кетганини эшитган Дамблдорнинг роса жаҳли чиқди, - деди Гермиона, иззат-ҳурматни ифодалайдиган ваҳима оҳангида, - Ўзимиз кўрдик. Жуда қўрқинчли бўлиб кетар экан.

- Мундугнуснинг кетиб қолгани бир томондан яхши бўлди, - совуққина жавоб қилди Гарри, - Акс ҳолда менга сеҳр-жоду билан шуғулланишга тўғри келмас эди. Демакки, Дамблдор мени ёз фаслининг охиригача Одамовилар хиёбонига қамаб қўйганидан хурсанд бўлиб юраверарди.

- Сен... ишинг интизомий жиҳатдан кўрилишидан қўрқмайсан-ми? - аста сўради Гермиона.

- Йўқ, - гердайганча алдади Гарри.

Елкасида бахтиёр Хедвиг ўтирган Гарри Рон билан Гермионадан нари кетиб, хонани кўздан кечиришга киришди. Таассуфки, қоронғи ва зах хонадаги ҳолат боланинг кайфиятини кўтариши даргумон. Бўёғи кўчиб бораётган деворни биттагина ўймакор ҳошияга олинган бўш расм безаб турибди холос. Гарри унинг ёнидан ўтар экан қулоғига расм қаъридан эшитилган ҳиринглаш чалинди.

- Нима учун Дамблдор, мени, дунёбеҳабар ҳолатда қолдиришни афзал топди? - сўради Гарри, овози одатдагидай эшитилишига уриниб, - Бу масалада... қизиқиб кўриш... сизларга малол келмади-ми, мабодо?

У нигоҳини Рон билан Гермионага айна зарурий фурсатда кўтарган экан. Иккаласи бир-бирига қараб, Гаррининг хулқи айнан ўзлари кутгандай кечаётганидан чўчиб туришибди.

- Сенга бор гапни ёзиб юбормоқчи эканлигимизни Дамблдорга айтган эдик, чин сўзим, - ўзини оқлашга уринди Рон, - Аммо у ҳозир жуда банд. Бу ерга келганимиздан буён уни атиги икки маротаба кўрдик холос. Шунда ҳам биз билан гаплашишга етарлича вақт ажрата олмади. Фақат хат орқали сенга бирон-бир хабар етказмаслигимизни талаб қилиб, бу масалада онт ичишга мажбур қилди. Почта бойқушлари йўлда тутиб олиниши мумкин экан.

- Мен билан боғланиш учун бойқуш почтасидан бошқа усул йўқ эди, деб ишонтиришга уринманг, илтимос, - кесатди Гарри, - Мулоқот қиламан деса, бойқушларсиз ҳам мулоқот қилиши мумкин эди у.

- Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим, - деди Гермиона Ронга қараб қўйиб, - Аммо у, бирон нарсадан бохабар бўлишингни истамади.

- Балки менга ишонмай қўйгандир? - сўради Гарри, ўртоқларининг қиёфасига синчковлик билан қараб.

- Эсингни еб қўйдинг-ми, нима бало? - довдираб қолди Рон.

- Демак, мен ўзимни ўзим ҳимоя қилишга қодир эмасман, деб ўйлаган.

- Йўқ, у бундай деб ўйламайди! - овоз кўтарди Гермиона.

- Нега бўлмаса сизларга ҳамма ишларда иштирок этиш мумкин-у, мен Дурсллар билан ўтиришим керак? - тутилиб гапира бошлади Гарри, ҳар бир кейинги сўзида оҳанги кўтарилиб, - Нима учун

сизларга ҳамма нарсадан бохабар бўлиш мумкин-у, мен эса яккамоховга ўхшаб, дунёбехабар юришим керак?

- Ундай эмас! - гапни бўлди Рон, - Ойим бизни мажлисга яқин йўлатмаяпти. Айтишича, биз ҳали ёшлик қила...

Бироқ ўзини идора қила олмай қолган Гарри ўкира бошлади:

- ШУНАҚА-МИ, МАЖЛИСГА ЯҚИН ЙЎЛАТМАЯПТИ, ДЕНГ?! ҚАНДАЙ ҚАЙҒУЛИ ҲОЛАТ-А! ЛЕКИН СИЗЛАР ШУ ЕРДАСИЗ! БИРГАСИЗ! МЕН ЭСА БУТУН БОШЛИ ЁЗ ОЙИНИ АНАВИ ЛАЪНАТИ ДУРСЛАР БИЛАН ЎТКАЗИШГА МАЖБУР БЎЛДИМ! ҚЎЛИМДАН, ҲАР ҚАЛАЙ, НИСБАТАН КЎПРОҚ ИШ КЕЛСА КЕРАК! ДАМБЛДОР ҲАМ БУНИ ЖУДА ЯХШИ БИЛАДИ! ФАЛСАФИЙ ТОШНИ КИМ БАЛОДАН САҚЛАБ ҚОЛДИ? РЕДДЛНИ ЙЎҚ ҚИЛГАН КИМ? ИККАЛАНГИЗНИ ДЕМЕНТОРЛАРДАН КИМ САҚЛАБ ҚОЛДИ?

Гаррининг ичидан ой давомида тўпланиб қолган барча аламлар, хусусан, янгиликсиз юриб, ташвишга тушган кунларидан, иккала дўсти биргаликда вақтичоғлик қилишганидан, ўзи бехабар-у, бироқ уни кимлардир кузатиб юришганидан алам қилгани отилиб чиқа бошлади. Ўзи тортиниб юрган ички ҳиссиётлар кутилмаганда назорат остидан чиқиб кетди. Гаррининг қичқириқларидан ҳуркиб кетган Хедвиг юқорига кўтарилиб, яна ўша кийим жавонига қўниб олди. Бечора Чўчринстель эса қаерга қочишни билмай янада баланд чириллаб, шифт остида гир айлана кетди.

- КИМ АЖДАР, СФИНКС ВА ШУ КАБИ, БОШҚА ҚАБОҲАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДИ? КИМ ВОЛЬДЕМОРТНИНГ ҲАЁТГА ҚАЙТИШИГА ШОҲИД БЎЛДИ? КИМ УНДАН ҚОЧИБ ҚУТУЛИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИ? МЕН! МЕН! МЕН!

Ўзини йўқотиб қўйган Рон оғзи ланг очилганча, нима дейишни билмай донг қотиб қолди. Германионинг кўзи бир зумда ёшга тўлди.

- ШУНДАЙ ЭКАН, МЕНДАН ХАВОТИР ОЛИШГА, НИМАЛАРНИДИР ЁЗИБ ЮБОРИШГА НЕ ҲОЖАТ?

- Гарри, биз сени бохабар қилиб бормоқчи эдик, рост... - гап бошлади Германиона.

- ДЕМАК ИСТАКЛАРИНГ У ҚАДАР ЗЎР БЎЛМАГАН! АКС ҲОЛДА БИРОН НИМА ЙЎЛЛАГАН БЎЛАР ЭДИНГИЗ! ҲА-Я ДАМБЛДОР СИЗЛАРНИ ОНТ ИЧИШГА МАЖБУР ҚИЛГАН ЭДИ-КУ...

- Бироқ у, чиндан ҳам...

- ОДАМОВИЛАР ХИЁБОНИДА ТЎРТ ҲАФТА ИЗҒИБ ЮРДИМ! ДУНЁДА НИМА ГАП БЎЛАЁТГАНИНИ БИЛИШ УЧУН ОДАМЛАР АХЛАТДОНГА ТАШЛАБ ЮБОРГАН ГАЗЕТАЛАРНИ ОЛИБ ЎҚИШГА МАЖБУР БЎЛДИМ!...

- Биз...

- ҲА, СИЗ! МЕНСИЗ ВАҚТНИ ЧОҒ ЎТКАЗИБ, МАЗА ҚИЛГАН БЎЛСАНГИЗ КЕРАК?

- Гапимизга ишон...

- Гарри, биз жуда, жуда ачинамиз! - ҳўнграб юборди Германиона, кўзидан шашқатор ёш оқиб, - Агар шундай муносабат билдиришганида мен ҳам қутуриб кетган бўлар эдим, бироқ минг афсус...

Гарри Германионага маълум вақт баджаҳл қараб турди-да, орқа ўгирилиб, хона бўйлаб юра бошлади. Орага узоқ давом этган жимжитлик чўкди. Фақат кийим жавони устидаги Хедвигнинг

маъюс гурсиллаши-ю, Гаррининг оёғи остидаги пол тахтасининг нохуш ғичир-ғичири эшитилмоқда.

- Қанақа жой бу? - узук-юлуқ сўради у, Рон билан Гермionaдан.

- Қақнус орденининг қароргоҳи, - шоша-пиша жавоб берди Рон.

- Бирортангиз ушбу Орден ҳақида тушунтириш берасизми ёки буни ҳам билишим шарт эмасми?...

- Дамблдор бошчилигидаги, ўзи таъсис этган яширин жамият, - ҳовлиқиб тушунтириш бера бошлади Гермiona, - Орден таркибига ўтган сафар Ўзинг-Биласан-Кимга қарши жанг олиб борган шахслар киради.

- Ким улар? - сўради хонанинг ўртасида, қўлини чўнтакка солиб олганча, тўхтаган Гарри.

- Уларнинг сони анчагина...

- Биз тахминан йигирма кишини биламиз, - деди Рон, - Лекин аслида Орден аъзолари кўпчиликдан ташкил топганлигига шубҳа йўқ.

Гарри ўртоқларига ҳамон баджаҳл қараб турибди.

- Хўш? - талаб оҳангида сўради у, нигоҳини бирининг юзидан иккинчисининг юзига олиб ўтиб.

- Э-м-м, - латта чайнади Рон, - Н-нима, хўш?

- Вольдемортни сўраяпман! - бақирди Гарри иккаласини чўчитиб юбориб, - У ҳақда нима гап бор? Ҳозир қаерда у? Нима... еяпти? Хатти-ҳаракатларининг оқибатларини зарарсизлантириш учун қандай чоралар кўриляпти?

- Айтдик-ку, сенга, Орден аъзоларининг мажлисига яқин йўлатишмаяпти бизни, деб, - ҳаяжон-ла, тушунтириш бера кетди Гермiona, - Бинобарин, кўриляётган чора-тадбирлар тафсилотлари бизга қоронғи... лекин умумий тасаввурга эгамиз, - тез қўшиб қўйди у, Гаррининг юзида шаклланаётган важоҳатни кўриб.

- Гап шундаки, Фред билан Жорж пинҳонқулоқ ихтиро қилишган, - маълумот берди Рон, - Жуда фойдали буюм.

- Пинҳонқулоқ?

- Одамлар орасида ўтаётган сўхбатни пинҳона эшитиб бориш учун мўлжалланган махсус қулоқ. Фақат ундан фойдаланишни бас қилишга тўғри келди. Ойим кўриб қолиб, қутуриб кетди. Ҳаммасини чиқиндига улоқтирди. Бироқ эгизаклар айрим қулоқларни сақлаб қолишга муваффақ бўлишди. Лекин пинҳонқулоқ ишлатилишига қадар ҳам, баъзи маълумотларни истиҳборот қилишга улгурдик. Орден аъзоларининг айримлари Ўлимдан мириқувчиларнинг фаолиятларини кузатиб, тегишли маълумотларни йиғиб, умумлаштириб бораётганидан хабар топдик...

- Яна баъзилари Орденга янги аъзоларни жалб этишмоқда, - давом этди Гермiona.

- Айримлари эса ниманидир кўриқлашмоқда, - сўзини якунлади Рон, - Навбатчилик ҳақида кўп гап боради.



- Ниманидир эмас, кимнидир бўлса керак? - истехзо оҳангида сўради Гарри, - Улар мени кўриқлашган.

- Чиндан ҳам, - чўзди Рон, ваҳий келгандай қиёфа ясаб.

Гарри кинояли пишқириб қўйди-да, Рон билан Гермионага қарамасликка уриниб, атрофга аланглаганча, хона бўйлаб боз изғий бошлади.

- Модомики, иккалангизни Орден аъзоларининг мажлисига яқин йўлатишмаган экан, нима билан машғул бўлдингиз? - сўради Гарри жанжалкашлик оҳангида, - Ҳозир ҳаммамиз бандмиз, бироқ бу ҳақда батафсил баён эта олмаймиз... деб ёзар эдингиз-ку, ҳар хатингизда?

- Чиндан ҳам шундай, - шоша-пиша жавоб қайтарди Гермиона, - Уй тозаладик. Бу уй кўп йиллардан буён эгасиз, бўш қолган. Шу боис, кимсасиз хоналарида ҳар хил қабоҳатлар қўним топган. Ошхонага ва деярли барча ётоқхоналарга ишлов бердик. Энди ўйлашимча, меҳмонхона билан шуғуллансак керак... А-А-А-А!

Икки маротаба баланд янграган қарс эшитилиб, хонанинг ўртасида Роннинг эгизак акалари Фред билан Жорж пайдо бўлишди. Ўтакаси ёрилиб кетган Чўчринстель қулоқни битказиб юборгудай чириллаб, Хедвиг томон ўқдай учиб ўтди.

- Бас қилинг одам қўрқитишни! - деди овози бўшашиб қолган Гермиона, худди Рон каби, малла соч, лекин у қадар новча бўлмаган бақувват эгизакларга.

- Салом, Гарри, - қувонч-ла кўришди Жорж, - Ширали овоз кимга тегишли экан, деб ҳайрон бўлибмиз. Сен экансан-да, бақирган?

- Тўғри қиласан, Гарри, - фикр билдирди яшнаб кетган Фред, - Ҳазабни ичингда сақлаб юрмай, ташқарига чиқариб юбор. Теварак-атрофнинг элик миля келадиган радиусида яшайдиган одамлар орасида сени эшитмай қолган бир-икки нафар кар қолган бўлса керак.

- Ҳавода даф бўлиб, пайдо бўлиш имтиҳонини топширдингиз-ми? - вайсақи оҳангда сўради Гарри.

- Аъло баҳога, - бош ирғиди қўлида тана рангли ғалати арқон тутган Фред.

- Зинапоядан тушсангиз, атиги ярим дақиқа кўпроқ вақт сарф этасиз холос, - эътироз билдирди Рон, норози қараб.

- Вақт – галлеондир, укагинам, - деди Фред, оқил қиёфа ясаб, - Ўқириб, қабул сигналларини сўндириб юбординг, Гарри. Мана буни пинҳонқулоқ, дейдилар, - эшиқдан чиқиб кетган арқонни силтаганча, тушунтириш берди у, Гаррининг қоши кўтарилганини кўриб, - Улар нима ҳақда гапиришаётганини билиб олмоқчи бўлиб турган эдик.

- Эҳтиёт бўлинг, - огоҳлантирган бўлди Рон, пинҳонқулоққа қараб, - Ойим яна кўриб қолгудай бўлса борми...

Эшик очилиб, узун малла соч кўринди.

- Вой, салом, Гарри! Сенинг овозинг бўлса керак, деб ўйлаган эдим, адашмабман, - кўришди Роннинг синглиси Жинна ва эгизак акаларига юзланди, - Пинҳонқулоқ кор бермайди энди. Тасаввур қиялмасиз-ми, ойим шартта олибди-да, ошхона эшигига Товуш ўтказмаслик афсунини қўллабди-қўйибди.

- Сен қаердан биласан? - ҳайрон бўлди Фред.

- Текшириш усулини Бомс ўргатган эди менга, - деди Жинна, - Бирон нарсани олиб, эшик томон улоқтириш керак. Агар жисм эшикка қадар етиб бормаса, демак унга Товуш ўтказмаслик афсуни қўлланилган. Амалда синаб кўриш учун гўнг бомбаларини улоқтириб кўрдим. Эшикка етиб бормаи, ҳар томон сапчиб кетди. Демак, пинҳонқулоқ ҳам эшик остига кириб бора олмайди.

Фред оғир хўрсиниб қўйди.

- Бемаънигарчилик бўлибди. Мен эса Снегчамиз нимани ният қилганини билиш иштиёғида эдим.

- Снегг! - овоз кўтарди Гарри, - У ҳам шу ердами?

- Аҳа. Ўта махфий маълумот келтирган, албатта, - деди Жорж, эшикни қия очиқ қолдирганча, каравотга ўтириб.

Фред билан Жинна ҳам унинг ёнига жойлашиб олишди.

- Серка, - эринчоқ оҳангда чўзди Фред.

- У биз томонда-ку, - ўпка-гина қилди Гермiona.

- Нима энди, бу билан у серка бўлмай қоладими? Бизга ўқрайиб қарашларини кўрсанг эди!

- У Билга ҳам ёқмас эди, - маълум қилди Жинна, худди унинг сўзи ҳамма нарсани узил-кесил ҳал қиладигандек.

Гаррининг вужудини қамраб олган ғазаб ҳали тўла-тўкис босилгани йўқ. Аммо бирон-бир аниқ ва тушунарли маълумотга эга бўлиш истаги жанжалкашлиқдан устун келди чоғи, у ҳам болаларнинг рўпарасидаги каравотга жойлашиб олди.

- Билл ҳам шу ердами? - сўради Гарри, - Мен уни Мисрда бўлса керак, деб ўйлаган эдим.

- Уйда яшаб, Орден манфаатларида фаолият юритиш учун идора ишига ўтиб олди, - деди Фред, - Турбатларни соғинибди эмиш-у, - истеҳзоли кулиб қўйди у, - Бироқ бу ерда ўзига хос афзалликлар бор экан.

- Қанақанги афзалликлар?

- Флёр эсингдами? Флёр Делакёр-чи? - сўради Жорж, - Ўша кампир инглиз тилида сўзлашишини такомиллаштиғиш мақсадида юғтимизга ташғиф буюғиб, ўзига иш қидиғиб топибди. Тасаввуғ қил, ҳозиғ у «Гғинготтс»да ишлаяпти, - деди у, Флёрга тақлид қилиб.

- Билл эса унга инглиз тилидан якка тартибда ва тез-тез дарс бериб турибди, - кишнаб юборди Фред.

- Чарли ҳам Орден аъзоси, - маълум қилди Жорж, - Фақат у ҳозирча Руминияда. Дамблдор сафларимизга хорижлик сеҳргарларни кўпроқ ёлламоқчи. Бинобарин Чарли ўзининг дам олиш кунларини маҳаллий сеҳргарлар билан алоқа боғлашга сарф этмоқда.

- Бу масалада Персининг нафи кўпроқ тегмайди-ми? - сўради Гарри.

Гарри билишича, Уэслиларнинг учинчи акаси Перси Буюк Британия Сеҳргарлик вазирлигининг Халқаро сеҳргарлик ҳамкорлиги департаментида ишлайди. Лекин Гаррининг саволини эшитган Уэслилар бир-бирига маънодор қараб қўйишди.

- Энг асосийси, Гарри, ота-онамиз олдида Персини тилга олмасанг бўлди, хўпми? - ийманиб илтимос қилди Рон.

- Ие, нима учун?

- Чунки унинг номини тилга оладиган бўлсанг, дадам албатта қўлидаги нарсани пачақ қилиб юборади. Ойим эса кўз ёш тўқади, - тушунтирган бўлди Жорж.

- Даҳшат, - деди Жинна маъюс оҳангда.

- Тушунтириб гапирсангиз-чи, тинчликми? - сўради Гарри.

- Перси дадам билан аразлашиб қолди, - тушунтира бошлади Фред, - Дадам бирон-бир киши билан бу даражада сўкишишини ҳали ҳеч кўрмаган эдим. Бақриш-у, ўкиришни оймизга қўйиб бериш керак, деб юрган эканман...

- Ўқув йили тугаши билан нохушлик рўй берди, - давом этди Рон, - Оиламиз Орден қароргоҳи томон йўлга чиқишга ҳозирланиб бўлган эди. Перси уйга келиб, мансаб поғонаси бўйича кўтарилганини маълум қилди...

- Ҳазиллашяпсан-ми? - хитоб қилди Гарри.

Перси иззати нафсини ниҳоятда юқори қўядиган кишилар тоифасига киришини, бироқ иш жойида ниҳоятда фаросатсиз эканлигини намоён этган тарзда ўзини фақат салбий томондан кўрсатганлигини Гарри билади, албатта. Гарчи вазирлик реал воқеликка бовар қилмай, мистер Сгорбсни ақлдан озиб қолган, деб эътироф этган бўлса-да, Персининг қобилияти ўз бошлиғи мистер Сгорбснинг хатти-ҳаракатлари Лорд Вольдеморт томонидан идора қилиб борилганини идрок этишга етмаган.

- Хабарини эшитиб биз ҳам худди сен каби, таажжубландик, - бош ирғиди Жорж, - Негаки акам Сгорбснинг дастидан кўп нохушликлар, шу жумладан, тергов тадбирларини бошдан кечирди. Перси бошлиғининг томи жилиб қолганини дарҳол пайқаши ва бу ҳақда юқори поғонага мансуб идораларга зудлик билан билдирув бериши кераклигини вазирликда анча гапириб юришди. Персини биласан-ку! Сгорбс унга раҳбарлик юганини топширган, бу эса ўз навбатида, Персига жуда ёққан.

- Хўп, мансаб поғонаси бўйича қандай кўтарилиб қолди у?

- Ушбу масала бизга ҳам қизиқ туюлди, - деди Рон, Гаррининг қичқирмай қўйгани ва у билан одамга ўхшаб, бемалол суҳбатлашиш мумкинлигидан хурсанд бўлиб, - Ўша куни Перси уйга ўзидан ўзи фавқулудда мамнун бўлиб қайтиб, дадамга, шахсан Фуж ҳузуридаги мансабга, хусусан, сеҳргарлик вазирининг кичик ёрдамчиси лавозимига тайинланганини маълум қилди. Мактабни тамомлаганига эндигина бир йил бўлган йигит учун бу супермавқе-ку! Перси, афтидан, хушxabарни эшитган дадам қувончдан беҳуш йиқилишини кутган кўринади.

- Лекин дадам хурсанд бўлмади, беҳуш йиқилмади, - ғудуллади Фред.

- Сабаб? - сўради Гарри.

- Гап шундаки, сўнги вақтларда Фуж, вазирликнинг бирон-бир ходими Дамблдор билан мулоқот қилишига йўл қўймаслик учун оёғи куйган товукдай хонама-хона югуриб юрибди, - деди Жорж.

- Энди вазирликда Дамблдор билан мулоқот қилиш у ёқда турсин, унинг исмини ҳам тилга олиш мумкин бўлмай қолди, - деди Фред, - Эмишки Дамблдор, Ўзинг-Биласан-Кимнинг ҳаётга қайтганлиги тўғрисидаги гаплари билан тинч кечаётган ҳаёт тарзини издан чиқариб, одамларнинг кўнглига ғул-ғула соляпти.

- Дадамнинг сўзларига қараганда, Фуж, ким-ки Дамблдор билан яқдил экан, тугун-терсагини кўтариб, вазирликдан даф бўлсин, деб баёнот қилибди, - қўшимча қилди Жорж.

- Ҳамма бало Фужнинг дадамдан гумонсирашида, - давом этди Фред, - Дадам Дамблдор билан азалдан яхши муносабатда бўлганини Фуж билади, албатта. Устига устак дадамнинг магларга бўлган ҳурматини Фуж руҳий носоғлик сифатида қабул қилади.

- Бу гапларнинг Персига нима дахли бор? - сўради Гарри ҳеч нарсани тушунмай.

- Мен гапни шунга тақаб келяпман, - деди Фред, - Дадамнинг фикрича, Фуж Персини ўз ҳузуридаги лавозимга айнан бизнинг оиламизни, оиламиз орқали эса табиийки, Дамблдорнинг фаолиятини кузатиб бориш ва бу масалада акамдан жосус сифатида фойдаланиш ниятини кўзлаб тайинлаган.

Гарри аста ҳуштак чалиб қўйди.

- Ҳа, бундай лавозимга тайинланганидан Перси ниҳоятда мамнун бўлиб, ғурурланса керак.

Рон ҳасрат-ла кулиб қўйди.

- Бахтиёрлигидан ақлини йўқотиб қўйишига сал қолди, - деди у, - Лекин Перси... қисқаси унинг оғзидан ҳар хил бемаъни гаплар чиқди. Эмишки у, дадам ёмон отлиқ бўлгани боис вазирликка ишга кирганидан буён азият чекар экан. Персининг фикрича дадамда зиғирдай бўлсин, иззати нафс йўқ ва айнан шу боис оиламиз доимо... нима десам экан... қисқаси пулимиз кам бўлиб келган экан...

- Нима?! - ўз қулоғига ўзи ишонмади Гарри.

Жинна эса аччиқланган мушук каби, вишиллаб қўйди.

- Ҳа, - тасдиқлади Рон, - Бу ҳам майли, бироқ Персининг баёнотига қараганда, дадам Дамблдорнинг кетидан нодон каби, эргашиб юрар экан. Тез орада Дамблдор, унинг кетидан эса дадам ҳам чирпирак бўлиб тушар эмиш. Демак Перси, вазирликка нисбатан холисона иш тутмоғи даркор бўлиб, модомики, ойим билан дадам хоинлик йўлини танлашган экан, бундай оила билан алоқани батамом ўзганини ҳамма билиб қўйиши керак эмиш. У ўша кунни тугун-терсагини кўтариб, ўйни тарк этди. Ҳозир у шу ерда, Лондонда яшамоқда.

Гарри паст овозда сўкиниб қўйди. У ҳеч қачон Персини хуш кўрмаган, лекин мистер Уэслига бундай аҳмоқона сўзларни гапиришини ҳеч қачон кутмаган.

- Ойим қайғурмоқдан жуда эзилиб кетди, - ифодасиз давом этди Рон, - Ўзинг тушунасан, она... йиғлагани-йиғлаган. Лондонга келиб, Перси билан бафуржа гаплашиб кўришга уриниб ҳам кўрди. Аммо акам ойимни уйга киритмай, эшикни ичкаридан ёпиб қўйибди. Вазирликда дадам билан рўбару бўлиб қолганда нима қиляпти, билмайман... Кўрмаган қўйга солиб, тескари ўгирилиб кетаётган бўлса керак...

- Перси у қадар аҳмоқ эмас-ку, ахир. Вольдеморт чиндан ҳам ҳаётга қайтганини яхши тушуниши керак, - аста фикр билдирди Гарри, - Ота-онаси жамики топганини ўртага қўйиб, исбот-далилларсиз кўр-кўрона таваккалчилик қилмаслигини билар.

- Ҳа, айтгандай. Гап орасида сен ҳам тилга олиндинг, - деди Рон, Гаррига кўз қири билан қараб, - Персининг айтишича, сенинг сўзларингдан ташқари, бошқа ҳеч қандай исбот-далил йўқ экан. Умуман айтганда... м-м-м... нима десам бўлар экан... қисқаси сенинг сўзларинг етарли эмас экан.

- Перси кўпроқ «Башорат-у, каромат газетаси»га ишонади, - пичинг қилди Гермиона, заҳарлигина оҳангда.

Ҳамма бош ирғиб, тасдиқлаб қўйди.

- Бу билан нима демоқчисиз? - сўради Гарри, ҳаммага бир бошдан қараб чиқиб.

Хонада ўтирганлар бир-бирига ташвишли қараб қўйди.

- Сен... «Башорат-у, каромат газетаси»ни ўқиб бормадинг-ми? – хавотир оҳангида сўради Гермиона.

- Нега энди, ўқиб бордим, - деди Гарри.

- Сен уни... м-м-м... диққат билан ўқидинг-ми? - янада хавотири ошиб сўради Гермиона.

- Бошидан охиригача ўқимас эдим-у, - муҳмал жавоб қайтарди Гарри, - Агар гап Вольдеморт тўғрисида борадиган бўлса, бу ҳақда биринчи саҳифадаги бош мақолада ёзилади-ку, шундай эмасми?

Даҳшатли исмни эшитганларнинг барчаси сесканиб кетди. Гермиона шоша-пиша фикрини давом эттирди:

- Шундайликка шундай-куя, лекин ҳозир гап нима ҳақида бораётганлигини тушуниш учун газетанинг барча сонларини бошидан охиригача ўқиб боришинг керак эди. Исминг... м-м-м... газета сонларида ҳафтада кам деганда икки мартаба тилга олиб борилди.

- Мен буни пайқамадим...

- Агар фақат биринчи саҳифани ўқиган бўлсанг, пайқамансан, албатта, - деди Гермиона, бош чайқаб, - Ҳозир мен бош мақолаларни назарда тутаётганим йўқ. Мақола муаллифлари исмингни у ер, бу ерда, қистирилган гап ёки кундалик ҳазил сифатида қўллашган.

- Бу нима деганинг?...

- Айтмоқчиман-ки, буларнинг бари Рита Вритернинг қаламига мансуб мақолаларнинг давоми сифатида эътироф этилиши лозим бўлган жирканчликдан бошқа нарса эмас, - деди Гермиона атайин хотиржам ясалган оҳангда.

- Ахир у, ўзининг мурдор табиатига хос мақолаларни ёзмай қўйган-ку, шундай эмасми?

- Ҳа, тўғри, ёзмай қўйган. У ўз ваъдасига вафо қилиб юрибди... бошқа чораси ҳам йўқ, - кулиб қўйди Гермиона, ўзидан ўзи мамнун бўлиб, - Бироқ Рита матбуотда юзага келган бугунги бемаъ依ликнинг пойдеворига ўз вақтида асос солиб қўйган.

- Аниқроқ гапирсанг-чи, нима гап? - бетоқат бўла бошлади Гарри.

- Эсингдами, ўша Вритер чандиғинг оғриганидан ҳушингни муттасил йўқотиб боришинг ва шу кабилар ҳақида ёзган эди.

- Эсимда, албатта.

Бундай жирканч паскивилларни унутиб бўлар эканми, хаёлдан ўтказди Гарри. (*Пасквиль – ҳақоратнома, яъни ҳақорат ёки тухмат қилиб ёзилган мақола, асар*).

- Энди сени газета саҳифаларида худди ақли ноқис, ўзини фожиавий қаҳрамон деб билиб, шахсига кўпроқ эътибор қаратишга уринаётган бола сифатида кўрсатишмоқда, - деди Гермiona, худди сўзларининг ноҳушлиги Гаррига камроқ таъсир қиладигандек, жуда тез гапириб, - Гап келганда, у ёки бу мақолада сен назарда тутилган турли истеҳзо ва пичинглар қистириб ўтиладиган бўлиб қолди. Чунончи, агар ақлга тўғри келмайдиган бирон-бир мавзу ҳақида гап борса: «Гарри Поттерга оид миш-мишлар руҳидаги гаплар», деб ўтишади. Мабодо бирон кишига бирор кор-ҳол бўлиб, жароҳатлангани баён этилса: «Жароҳати чандиқсиз битиб кетишига умид билдирамиз. Акс ҳолда унга ҳам сажда қилишга мажбур бўлиб қоламиз», деб ёзишади.

- Менга биров сажда қилишини истамайман, - бақириб юборди Гарри, қони қайнаб.

- Биламан, - гапни бўлди чўчиб кетган Гермiona, - Биламан, Гарри. Мен шунчаки, матбуотда юзага келган ҳолат ҳақида умумий тасаввурга эга бўлишинг учунгина айтиб беряпман холос. Уларнинг мақсади аён – сенга ҳеч ким ишонмаслиги керак. Бошимни кундага қўйиб айтаман-ки, бундай бемаъниликлар ортида Фуж турибди. Сени оддий одамларга ҳаммининг диққат-эътибор марказида, машҳур бўлиб юришни ёқтирадиган ва шу боис атайин сирли воқеалар тўқиб чиқараётган калтафаҳм, гўл бола сифатида кўрсатиш – вазирлик кўзлаётган асосий мақсаддир...

- Вольдеморт ота-онамни ўлдиришини истаганим йўқ... илтимос қилганим йўқ...! - нафратдан дудуқланиб бақирди Гарри, - Ўша қотил оиламни ўлдириб, мени ўлдира олмагани учунгина донгдор бўлганман! Кимга керак экан бундай машҳурлик? Ҳеч ўйлаб кўришмади-ми, мен бажонидил...

- Гарри, биз биламиз, - деди Жинна жиддий оҳангда.

- Сенга дементорлар ҳамла қилишгани ҳақида, табиийки, газета саҳифаларида бирон оғиз сўз айтилмади, - давом этди Гермiona, - Таҳририят бу ҳақда оғиз очмаслик борасида буйруқ олгани аниқ. Негаки, бу гап сеҳргарлик вазирлигига обрў келтирмайдиган ортиқча шов-шув кўтарилишига сабаб бўлади! Ўзинг ўйлаб кўр, назорат остидан чиқиб, вазирликка итоат қилмай қўйган дементорлар! Ишларнинг бундай ҳолати одамларнинг кўз ўнгида вазирлик нуфузига путур етказса етказди-ки, обрўйига обрў қўшмайди. Бутун Жаҳон Сеҳр-жоду Конфедерациясининг Махфийлик Мақомини бузганинг ҳақида ҳам лом-мим дейишмади. Савлатга зўр берганлар қиёфасига жуда мос келадиган ушбу ахборот эълон қилинишига ишончимиз комил эди. Таассуфки, чоп этилмади. Фикримизча, улар қулай фурсат кутишмоқда. Мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлатилсанг, агар четлата олишса, демоқчи эдим, - шоша-пиша қўшиб қўйди у, - Табиийки, бу гаплар юзага чиқади. Бунга эса улар йўл қўя олишмайди, агар улар ўз қонунларига амал қилишса, албатта. Хуллас, сенга қарши ҳеч нарсалари йўқ, уларнинг.

Яна Гаррининг иши интизомий жиҳатдан кўриб чиқилишига оид мавзу очилди. Гарри эса бу ҳақда ўйлашни ҳам истамаяпти. Мавзуни алмаштиришни энди ўйланган эди ҳам-ки, зинапояда қадам товуши эшитилиб, бирон нарса ўйлаб топишга ҳожат бўлмади.

- Вой-вой-вой, - шошиб қолди Фред, пинҳонқулоқни тортиб.

Қаттиқ қарс янграб, эгизаклар ҳавода даф бўлишди. Яна икки сониядан сўнг, остонада миссис Уэсли кўринди.

- Мажлис тугади, юринглар овқатланамиз. Гарри, ҳамма сен билан дийдор кўришиш иштиёқида. Ҳа, айтгандай, ошхона яқинига гўнг бомбаларини ким улоқтирди?

- Маймоқоёқ, - деди Жинна, юзи қизармай, - Бирам яхши кўради ўша бомбалар билан ўйнашни.

- А, - деди миссис Уэсли, - Мен Тараққоснинг иши бўлса керак, деб ўйлабман. У доимо бирон-бир қилиқ кўрсатиб юради. Хўш. Даҳлизда баланд овозда гапириб бўлмаслигини унутманг. Жинна, қўлингнинг кирлигини қара-я! Қиз болага ярашадими шу аҳволда юриш? Овқатланишдан олдин яхшилаб ювиб тозала.

Жинна миссис Уэслига билдирмай башара ясади-да, онасининг кетидан бориб, хонани тарк этди. Гарри яна дўстлари Рон ва Гермиона билан қолди. Иккаласи Гаррига, афтидан, ҳамма чиқиб кетгач, боз қичқира бошлашдан хавфсираб қараб туришибди. Дўстларининг чўчиган юзига эътибор қаратган Гарри ўзини бироз ноқулай ҳис этди.

- Қулоқ солинг... - гап бошлади у, бироқ Рон бош силтаб, гапиргани қўймади.

- Жаҳлинг чиқишини билар эдик, Гарри, - деди Гермиона, паст овозда, - Биз сендан хафа эмасмиз. Лекин Дамблдорни кўндиришга уринганимизга ишонишинг шарт.

- Ишонаман, - қисқа қилди Гарри.

У бошқа мавзу қидира бошлади. Негаки, Дамблдор ҳақида ўйлаши билан Гаррининг вужуди боз ғазабдан ёна бошламоқда.

- Тараққос деганлари ким бўлди? - сўради у.

- Уй эльфи, - деди Рон, - Шунақанги васвос-ки, бунақасини кундуз кун чироқ ёқиб топа олмайсан.

Гермиона қовоқ солиб олди.

- Ҳеч қанақанги васвос эмас у, Рон.

- Зинапоя панжарасига терилган безак ликопларидан бирига қўйиб қўйилгани онасининг боши каби, боши кесилишини ҳаётий мақсад, деб билганидан кейин васвос демай, нима деб аташ керак уни?

- Тўғри... у сал ғалатироқ. Лекин бундай бўлишида уни айблаб бўлмайди.

Рон Гаррига юзланди-да, кучаниб, кўзини чақчайтирди.

- Бошланди. Сассиқ. Анчадан буён эшитганимиз йўқ эди.

- Ўзинг сассиқсан! - чийиллади Гермиона, - Неча маротаба айтиш керак, сассиқ эмас САССИҚ! Яъни, Сабабсиз абгор-у, саргардон сеҳргарлар истибдодига қаршиман! Жамият номи, Уй

эльфларини хурриятга чиқариш фронтининг шиори! Бунинг устига нафақат мен, Дамблдор ҳам Тараққоснинг қилиқларига чидамли бўлиш кераклигини таъкидлаб ўтди.

- Ҳа, албатта. Дамблдор таъкидлаган бўлса, илож қанча, чидаймиз-да. Юринглар, қорним очиб, ичакларим умуртқамга ёпишиб қолди.

Рон биринчи бўлиб остона ҳатлаб чиқди-да, зина поғонасига ҳали оёқ қўймай, қўлини ён томонга узатиб, пичирлади.

- Жим! Улар даҳлизда экан. Келинлар, сўхбатларини эшитиб кўрамиз.

Учовлон зинапоя панжараси узра аста пастга боқди. Қоронғи даҳлизга алланима ҳақида ҳаяжон-ла шивирлашаётган кўплаб сеҳргар эркаклар-у, афсунгар аёллар тўпланган. Улар орасида авангард ҳам тўла таркибда турибди. Ўртада Гарри ёмон кўрадиган ўқитувчи, сочи ёғли, бурни узун профессор Снегнинг қора боши кўринди. Снег Қақнус орденида нима иш қилиши билан қизиққан Гарри панжара орқали янада пастроқ эгилди.

Айни шу фурсатда тана рангли қандайдир арқон Гаррининг юзига тегиб-тегмай пастга тушди. Тепага қараган Гарри юқори қаватдаги зина майдонида даҳлизга тўпланган сеҳргарлар тўдаси томон пинҳонқулоқ тушираётган эгизакларни кўрди. Таассуфки, ушбу тўда кўп ушланиб қолмай, чиқиш эшиги томон ҳаракат бошлаб, хаёл ўтмай кўздан ғойиб бўлди.

- Жин урсин, - эшитилди пинҳонқулоқни тортиб олаётган Фреднинг эйтирозли овози.

Даҳлиздан чиқиш эшигининг очилиб, ёпилгани эшитилди.

- Снег ҳеч қачон овқатланмайди бу уйда, - маълум қилди Рон Гаррига, - Худога шукр! Шуниси ҳам яхши. У билан бир дастурхонда овқатланаман деб қошим учиб тургани йўқ. Тушдик пастга.

- Гарри, шивирлаб гапириш кераклигини унутма, - пичирлаб эслатди Гермiona.

Учовлон эльф бошлари терилган безак ликоплари ёнидан аста юриб, чиқиш эшигини сеҳрли таёқча билан кўплаб қулф ва тамбалар воситасида қулфлаётган Люпин, миссис Уэсли ва Бомсни кўрди.

- Ошхонада овқатланамиз, - пичирлади миссис Уэсли, зинапоя бўсағасига етган болаларни кўриб, - Гарри, болагинам, оёқ учида юриб, анави эшикка кир...

ГУМБУР!

- Нима қилиб қўйдинг, Бомс! - қўлини умидсиз силкитиб юборди миссис Уэсли ортга ўгирилиб.

- Маъзур сананг! - ингради полда юз тубан чўзилиб ётган Нимфадора, - Аҳмоқона таглик! Иккинчи маротаба қоқилиб кетишим...

Бироқ қизнинг қолган сўзларини киши қонини музлатиб юборадиган даражада ваҳимали, ақлга тўғри келмайдиган дод-фарёд босиб юборди.

Даҳлиздаги иккита узун, куя еб тугатган ва Гаррининг тахминига кўра орқасида эшик бўлган парда икки томонга кескин очилиб кетди. Дастлабки сонияларда боланинг кўзига эшик эмас дераза, деразадан эса бошига қора чепец боғлаб, даҳлизга бош суққан кампир кўринди. Кампир шу қадар дод солдики, худди уни биров қийноққа солгандек. Сал ўтиб Гарри кўриб тургани дераза ҳам



эмас, балки табиий ўлчамда солинган жонли, ҳаёти давомида кўрган портретлар ичида энг нохуш портрет эканлигини англади. (**Чепец** – европалик аёлларнинг энгил, иссиқ бош кийими).

Бақир-чақир қилиб, кўзи орқага тортилган, юзининг сарғиш тери қопламаси кучанмоқдан таранг тортилиб кетган кампирнинг оғзидан ҳар томон сўлак сачрамоқда. Унинг айюҳанносини эшитган бошқа портретлар ҳам уйғониб, қичқириққа жўр бўлганча, қий-чув кўтарди. Бечора Гарри кўзини қисиб олиб, қўлини қулоғига маҳкам босиб олишга мажбур бўлди.

Люпин билан миссис Уэсли пардани ёпишга уринишди-ю, аммо пардалар итоат қилмади. Иккаласининг ҳаракатини кўрган кампир баттар бақириб, даҳлизда турганларнинг юзини тимдалаб, кўзини ўйиб олмоқчи бўлгандай, ўткир тирноқли қўли билан ҳаво тирнай кетди.

- Ифлослар! - ўкирди кампир, - Мурдорлар! Разолат ва қабоҳат ҳосилалари! Чала зотлар, ақли ноқис дурагайлар, йўқолинглар бу уйдан! Аждодларим хонадонининг остонасини ҳаром қилиб ҳатлаб ўтишга қандай журъат этдинглар...

Троллнинг чопиб олинган оёғига ўхшайдиган соябон таглигини жойига тиклаётган Бомс узр сўрашини қўймади. Миссис Уэсли парда ёпиш ҳаракатини қўйиб, сеҳрли таёқчаси билан бошқа портретларни тинчлантиришга уринганча, даҳлиз бўйлаб у ёқ, бу ёқ югурмоқда.

Бирдан даҳлизнинг нариги бошидаги эшик очилиб, қора сочи узун ўсган киши шиддат билан чиқди-да, миссис Уэсли уддалай олмаган пардани чангаллаб кампирнинг тасвирига бақира кетди:

- Ўчир унингни, қари алвасти! Ёп оғзингни, дедим сенга!

Кутилмаганда кампирнинг ранги бўздай оқариб кетди.

- Се-е-е-ен! - чириллаб юборди у, кўзи чаноғидан чиқиб кетгудай бўлиб, - Оила анъаналарини таҳқирлаган, насл-насабимизга иснод келтириб, шарманда-ю шармисор қилган сен ҳам шу ердამисан!

- Ўчир овозингни! - боз бақирди қорасоч киши, Люпиннинг ёрдами билан зўр берганча, пардани ёпишга базўр эришиб.

Бақир-чақир тиниб, даҳлизда мудҳиш жимлик қарор топди.

Сочининг пешонасига тушган тутамларини орқага олган Сириус ҳансираб, чўқинтирган ўғли билан саломлашиш учун Гаррига юзланди.

- Салом, Гарри, - деди у маъюс оҳангда, - Мана, ойим билан ҳам танишиб олдинг.

## **БЕШИНЧИ БОБ. ҚАҚНУС ОРДЕНИ**

- Ойинг билан?... - ҳайрон бўлди Гарри.

- Ҳа, ҳа, менинг дилрабо, мунис ойим билан, - бош ирғиди Сириус, пардага имо қилиб, - Бир ойдир-ки, портретини ечишга уринмоқдамиз. Барча ҳаракатларимиз зое кетмоқда. Афтидан, ойим

портрет матосининг орқасига Елим кўчмас афсунини қўллаган кўринади... Юринлар, кампирнинг портретлари яна уйғонмасдан олдин пастга тушайлик...

- Онангнинг портрети нима қилади бу ерда? - сўради ҳеч нарсани тушунмаётган Гарри Сириуснинг ортидан бориб.

Ҳамма даҳлизни тарк этиб, торгина тош зинапоядан пастга туша бошлади.

- Ҳеч ким айтмади-ми? Бу уй ота-онамнинг уйи, - жавоб берди Сириус, - Модомики, Блэklar хонадонининг вакили сифатида ёлғиз ўзим қолган эканман, уй энди меники. Ундан қароргоҳ сифатида фойдаланиш таклифини эса ўзим киритдим. Ягона фойдали ишим шу бўлди.

Нисбатан илиқроқ қабул қилинишини кутган Гарри Сириуснинг овозида алам оҳангини пайқади. Чўқинтирган отасининг ортидан уйнинг ертўла қаватига тушиб, ошхонага кириб қолди.

Девори дағал тошдан кўтарилган бўлиб, ғорни эслатадиган ушбу хона ёруғлик борасида юқори қаватда қолган даҳлиздан кўп фарқ қилмайди. Залнинг нариги бурчагидаги ўчоқда ёнаётган олов ёруғликнинг ягона манбаи сифатида хизмат қилмоқда. Ҳавода тамаки тутунининг паға-паға булутлари муаллақ осилиб қолган бўлиб, бу ер ошхона эмас ҳозиргина қирғин-барот уруш ўтган жанг майдонига ўхшаб қолган. Тутун пардаси орасидан эса шифтдан осилиб тушган улкан чўян қозонлар-у, товалар базўр кўринмоқда. Мажлис ўтказилиши учун жуда кўп курсилар олиб кирилибди. Ушбу курсилар хона ўртасидаги узун ёғоч стол атрофига тартибсиз терилган. Стол устида бир олам қадахлар, бўшаган вино шишалари ва пергамент ўрамлари аралашиб кетган бўлиб, ўртасида аллақандай латта уюми ётибди. Столнинг нариги бошида мистер Уэсли ва унинг тўнғич ўғли Билл бошларини бир-бирига яқин келтириб олганча, паст овозда ниманидир муҳокама қилиб ўтиришибди.

Миссис Уэсли йўталган бўлиб, овоз берди. Озғин, малла соч, мугуз гардишли кўзойнак таққан эри бошини кўтариб, шу заҳоти ўрнидан ирғиб турди.

- О, Гарри! - хитоб қилди у, қўлини узатганча, болани шашт билан қарши олиб, - Сени яна кўрганимдан беҳад хурсандман!

Сочини йиғиб, отнинг думи каби, орқага ташлаб юрадиган Билл, мажлисда ишлатилган пергамент ўрамларини шоша-пиша йиғиштиришга киришиб кетди.

- Авангард қалай етиб келди, Гарри? - қичқирди у, бир дунё пергамент ўрамини қучиб олишга уриниб, - Уйноққўз сизларни Гренландия орқали учиб келишга мажбур қилмади-ми, ишқилиб? *(Гренландия – Шимолий Американинг Атлантика ва Шимолий Муз океанлари туташган жойида жойлашган орол, Дания мулки).*

- Уриниб кўрди-ю, удалай олмади, - жавоб берди Бомс.

Нимфадора ёрдамлашиб юбориш мақсадида бўлса керак, Биллнинг ёнига борди-ю, табиийки, ёниб турган шамлардан бирини пергаментнинг сўнгги варағи устига онтариб юборди.

- Вой, яна бесўнақайлик қилиб қўйдим шекилли!... Маъзур сананг...

- Ҳеч қиси йўқ, - хўрсиниб қўйди миссис Уэсли иложсизлик оҳангида.

У сеҳрли таёқчасини силтаб, хонадаги нарсаларни жой-жойига келтириб қўйди. Миссис Уэсли қўллаган афсуннинг яшини чақнаган фурсатда Гаррининг кўзи сўнгги пергаментда тасвирланган,

аллақандай бино лойихасига ўхшаш чизмани илғаб олди. Боланинг қизиқувчан нигоҳини пайқаб қолган миссис Уэсли варақни столдан чангаллаб олиб, Биллнинг шундоқ ҳам қоғозга тўлган қучоғига суқиб жойлаштирди.

- Бундай нарсаларни мажлис тугаши билан йиғиштириб қўйиш керак, - койиб берди у ва идиш сақланадиган қадимий жавонга яқин бориб, ичидан ликоп чиқаришга киришди.

Билл ҳам сеҳрли таёқчасини қўлига олди-да, сал силтаб:

- Эванеско! - деб, ғудуллаб қўйди.

Унинг қучоғидаги пергамент ўрамлари шу заҳоти кўздан ғойиб бўлди.

- Ўтир, Гарри, - таклиф қилди Сириус, - Мундугнус Флетчер билан таниш бўлсанг керак, а?

Гарри стол ўртасидаги латта уюмига ўхшатган нарса бирдан жонланиб кетиб, хириллаб қўйди-да, сесканиб уйғонди.

- Га? Кимчақди? - мубҳам ғудуллади уйқусираган Мундугнус, - Сириуснинг фикрига тўла-тўқис қўшиламан... - деди у ва қип-қизил кўзи ҳар томон мотамсаро аланглаганча, овоз берган бўлиб, ўта кир қўлини кўтариб олди.

Буни кўрган Жинна ҳиринглаб юборди. Ҳамма стол атрофига тўплана бошлади.

- Мажлис ўтиб бўлди, Мундугнус, - ўшқириб берди Сириус, - Ана қара, ким келди. Танияпсан-ми, Гаррини?

- Га? - минғирлади Мундугнус, тароқ кўрмаганига анча бўлган малла сочи орасидан болага бақрайиб, - Ё тавба, ростдан ҳам Гарри! М-ҳа... Ишларинг қалай, Гарри? Жойидами?

- Жойида, - бош ирғиди Гарри.

Боладан кўзини узмаган Мундугнус киссаларини шоша-пиша титкилаб, кирлигидан қорайиб кетган сархонали мундштуқини чиқарди-да, оғзига солиб сеҳрли таёқчаси воситасида ўт олдириди ва бир-икки бор чуқур-чуқур тортгач, яшил тутун ортида деярли кўринмай қолди. Бироздан сўнг бадбўй тутун ичида овози эшитилди:

- Қариб, миясини еган чолдан хафа бўлмагин, хўпми?

- Мундугнус, неча маротаба айтишим керак сенга, ошхонада чекма, деб. Айниқса, овқатланишдан олдин! - қичқириб берди миссис Уэсли.

- Вой! - деди Мундугнус, - Ёдимдан кўтарилибди, кечир мени, Молли.

Қария мундштуқини киссасига солиб қўйгани билан куйган пайпоқнинг ҳидига ўхшаш ҳид ҳавода қолди.

- Тун яримламасдан овқатланишни истасангиз, менга ёрдам беришларинг керак бўлади, - эълон қилди миссис Уэсли, ҳаммага баробар мурожаат қилиб, - Йўқ, Гарри, сен йўлдан чарчаб келдинг. Ўтириб дамнингни ол, ёқимтойгинам.

- Нима қилиш керак, Молли? - завқ-ла ташаббус кўрсатди Бомс, ўтирган жойида олдинга энгашиб.

- Э-м-м-м... йўқ, Бомс, сен ҳам яхшиси дам олганинг маъқул, - деди миссис Уэсли, Нимфадорага хавфсиреганча қараб, - Қилган ишларинг бугунга етар, - қўшиб қўйди у, бироз ўйланиб.

- Мен чарчаганим йўқ, бажонидил ёрдам бераман! - деди Бомс.

У курсини тарақлатиб ағдарганча, ўрнидан ирғиб турди-да, ошхона анжомларини жавондан чиқараётган Жиннанинг ёнига ошиқди.

Кўп ўтмай ўткир пичоқлар тўплами мистер Уэслининг назорати остида гўшт тўғраб, сабзавот арча бошлади. Ўчоқ устида энгашган миссис Уэсли қозон аралаштиришга киришиб кетди. Қолганлар жавондан ликоп ва қадаҳлар, омборчада сақланаётган егуликларни чиқаришди. Гарри стол атрофида ўтирган Сириус ва Мундугнус билан қолди. Қария кўзини гуноҳқорона пирпиратганча, болага қараб ўтирди.

- Ўша кечадан кейин кампиршони кўрмадинг-ми? - қизиқди у.

- Йўқ, - деди Гарри, - Хонамга қамалиб ўтирганим боис ҳеч кимни кўрмадим.

- Постдан кетиб қолмаган бўлар эдим-у, лекин бундай имконни қўлдан бой бергим келмади. Тўшуняпсан-ми? - деди Мундугнус ўтинч оҳангида, - Буни бизнес дейдилар, нима ҳам қила олар эдим...

Тиззасига нимадир урилган Гарри сесканиб кетди. Дурустроқ эътибор бериб, Германионанинг тўқ сариқ мўйнаси мисли йўқ зичлиги ва мулойимлиги билан ажраб турадиган, лекин оёғи қандайдир эгри, ясси башараси домангирлик қиёфа касб этган Маймоқоёқ лақабли мушугини кўрди. Мушук Гаррининг оёғи атрофидан бир бор айланиб ўтди-да, Сириуснинг тиззасига сакраб чиқиб, гувала бўлиб олганча, катта ёстиққа ўхшаб жойлашиб олди. Жониворнинг қулоғини паришонлик билан қашлаб қўйган Сириус Гаррига юзланди.

- Таътил яхши ўтди-ми?

- Аксинча, жуда бемаъни ўтди, - деди Гарри.

Ниҳоят чўқинтирган отанинг юзида табассумга ўхшаш ифода кўрингандай бўлди.

- Кўнглинг нимадан тўлмаганини, ҳеч тушуна олмаяпман.

- Нима? - ўз қулоғига ўзи ишонмади Гарри.

- Масалан мен, агар дементорлар ҳужумига дучор бўлганимда роса хурсанд бўлар эдим. Зеро, ўлар даражада олиб бориладиган ҳаёт учун кураш ҳаммиша бир хил кечадиган турмушнинг зерикарли маромига оз бўлса ҳам ранг-баранглик бағишлайди. Фикрингча, таътил бемаъни ўтди-ми? Ахир сен кўчага чиқиш, оёқ чигилини ёзиш, ҳа, айтайлик тенгқурларинг билан хумордан чиқиб муштлашиш имконига эга бўлгансан-ку... Мен эса бутун бошли ой давомида уй қамоғида ўтирибман!

- Нима учун? - қошини чимирди Гарри.

- Чунки мен, биринчидан, қидирувдаман. Иккинчидан, анимаг эканлигимни Вольдеморт Чувалчангдумдан аллақачон билиб олгани муқаррар. Бу эса ўз навбатида, ит қиёфасига кириб ниқоблана билиш қобилиятимдан энди ҳеч қандай наф йўқлигини англатади. Бинобарин, Орден манфаатлари учун мен ҳеч нарса қила олмайман... ҳар қалай Дамблдор шундай деб ўйлайди.

Дамблдорнинг исми ифодасиз талаффуз этилганини эшитган Гарри Сириус «Хогварц» директори томонидан кўрсатилаётган муносабатдан мамнун эмаслигини англади.

- Мендан фарқли ўлароқ, атрофда бўлаётган ишлардан бохабар бўлиб ўтиргансан, - овунтирган бўлди Гарри.

- Ҳа, албатта, - истеҳзоли оҳангда жавоб қайтарди Сириус, - Снегнинг билдирувларини тинглаб, гап орасида: «Мен ҳаётимни хавф остига солиб юрибман, баъзилар салқингина ўйида жон сақлаб ўтирибди» деган маънодаги қоғозга ўралган таналарни эшитиб воқиф бўлгандан кўра, дунёбеҳабар ўтган минг бор афзал... Тозалаш ишлари билан қизиққанига ўлай-ми...

- Яна қанақанги тозалаш ишлари? - ҳайрон бўлди Гарри.

- Мана бу ўйни инсон яшаши учун яроқли ҳолатга келтиряпмиз, - тушунтириш берди Сириус, ошхонанинг аҳволига дағал имо қилиб, - Ахир севикли ойижоним қазо қилганидан бўён ўн йил давомида, ушбу кошонада бирорта инсон яшамаган, остонасидан ҳатлаб ўтмаган! Қариб қолган уй эльфини ҳисобга олмаганда, албатта. Бироқ эльфнинг ҳам томи сал силжиб, уй тозалаш ишларини бажармай қўйган.

- Сириус, дўстим, - кутилмаганда аралашди Мундугнус, қўлидаги бўш қадаҳни диққат билан ўрганиб ўтирган ҳолатда, - Мана бу соф кумушми?

- Ҳа, - деди Сириус, қадаҳга жирканиб қараб, - Аралашмаларсиз, олий навли соф кумуш. Ўн бешинчи асрда тайёрланган буюм. Гоблинлар томонидан болғаланган. Босма нақши – Блэклар хонадонининг гербини англатади.

- Негадир ушбу нақш тез емирилиб кетяпти, - ғудуллади қадаҳга енги билан сайқал бераётган Мундугнус.

- Фред! Жорж! ЙЎҚ! ЎЗИНГИЗ КЎТАРИБ КЕЛИНГ! - бақирди миссис Уэсли.

Гарри, Сириус ва Мундугнус эгизаклар томон ўгирилиб... ярим сония ўтар-ўтмас стол остига кириб кетишди. Гап шундаки, Фред билан Жорж қайноқ жаркопга тўла қозон, ҳузур-лаззат ичимлиги қуйилган металл кўза ва ёғочдан тайёрланган зил-замбил нон кесиш тахтасини, устида ётган каттагина пичоқ билан бирга сеҳрлаб, ҳавога кўтаришганча, стол томон имлашмоқда. Ўчоқдан эндигина олинган қозон катта тезликда учиб келиб столга қўнди-да, сиртида қоп-қора куйган из қолдирганча, нариги чеккасига бориб аранг тўхтади. Столга урилган кўза ичидаги суюқликнинг ярми тўкилиб, ҳамма жойни расво қилди. Тахтадан сирпаниб тушган пичоқ эса ҳозиргина Сириуснинг ўнг қўли ётган жойга санчилиб, таҳдидли титраб қолди.

- МУҚАДДАС ФАЛАК ҲАҚИ! - ўкирди миссис Уэсли, - БУНДАЙ ЁРДАМ СЎРАГАНИМ ЙЎҚ! БАС, ЕТАР!... СИЗЛАРГА СЕҲР-ЖОДУ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛГАНИ СЕҲРЛИ ТАЁҚЧАНИ ТЎҒРИ КЕЛГАН ТЕШИККА МАЪНИ-БЕМАЪНИ СУҚИШ КЕРАКЛИГИНИ АНГЛАТМАЙДИ!

- Биз вақтни тежамоқчи эдик! - бақирди Фред, югуриб келганча, тикка санчилиб қолган пичоқни столдан суғуриб, - Сириус, дўстим... узр... бундай бўлишини хоҳламаган эдик...

Гарри билан Сириус кулавериб, қорниларини ушлаб қолишди. Ўтирган курсиси билан бирга белига ағанаган қария Мундугнус етти қават сўкинганча, оёққа туришга уринди. Ўтакаси ёрилган Маймоқоёқ вишиллаганча, кийим жавонининг остига кириб кетиб, сап-сариқ кўзини пирпиратмай қоронғилиқдан домангир қараб турибди.

- Болалар, - деди мистер Уэсли, жаркопга тўла қозонни стол марказига базўр тортиб, - Ойингиз ҳақ гапиряпти. Энди кап-катта бўлиб қолдингиз. Бундан буён масъулиятлироқ бўлишингиз керак...

- Акаларингиздан бирортаси бу қадар ташвиш келтирмаган! - чийиллади миссис Уэсли.

У ҳузур-лаззат ичимлигига тўла бошқа кўзани тарақлатганча столга қўяр экан, эгизаклар қанча тўккан бўлса, яна шунча ичимлик тўқди.

- Билл икки қадам жойга етиб бориш учун сизларга ўхшаб ҳавода даф бўлмаган! Чарли сизлардан фарқли ўлароқ қўлига кирган нарсани сеҳрламаган! Перси...

Навбат Персининг фазилатларига келганда миссис Уэсли тутилиб қолиб, эрининг тошдай қотган юзига чўчиб қараб қўйди.

- Келинлар, яхшиси овқатланайлик, - зудлик билан таклиф киритди Билл.

- Таомнинг кўринишидан беназирлиги билиниб турибди, Молли, - деди катта қошиқ воситасида жаркоп солиб, стол узра узатган Люпин.

Ҳамма ўз жойини эгаллаб, овқатланишга киришгунга қадар, ошхонада, бир неча дақиқа давомида, курсиларнинг ғичир-ғичири бузиб турган сукунат қарор топди.

- Сенга анчадан буён айтаман, деб юрган эдим, Сириус, - ниҳоят гап бошлади миссис Уэсли, - Меҳмонхонадаги ёзув столининг тортмасига алланима кириб олганга ўхшайди. Столни тарақлатгани-тарақлатган. Боггарт бўлса керак. Лекин уни чиқариб юборишдан олдин, ҳар эҳтимолга қарши Аласторга кўрсатиб қўйган маъқулми, дейман.

- Нима десанг шу, - елка қисди Сириус.

- Ҳа, айтгандай, пардалар орасида куюсоҳиралар жуда кўп экан, - давом этди миссис Уэсли, - Фикримча, эртага ўша зараркунанда ҳашаротлар билан шуғулланганимиз маъқул.

- Жуда яхши бўлар эди, - деди Сириус.

Гарри Сириуснинг жавобида қандайдир истехзо оҳангини эшитгандай бўлди-ю, қолганлар ҳам эътибор қаратганига иккиланди.

Гаррининг рўпарасида овқатланаётган метаморфоафсунгар Бомс жаркопнинг ҳар бир қошиғидан сўнг, бурнининг шаклини алмаштириб, Жинна билан Германионани кулдириб ўтирибди. Нимфадора қиёфасини алмаштириб борар экан, ҳар сафар худди Гаррининг Одамовилар хиёбонидаги хонасида зўриққан каби, зўриқмоқда. Бурни дам Снегнинг бурнига ўхшаб қирғийбурун бўлиб қолар, дам миттигина қўзиқорин салласининг ўлчамини касб этар, кутилмаганда ҳар бир катагидан қалин соч чўтқаси ўсиб чиқар эди. Афтидан, ушбу томоша биринчи маротаба кўрсатилмаётган чамаси. Негаки, Жинна билан Германиона ўзлари ёқтириб қолган бурун шаклини кўрсатишни сўрашмоқда.

- Бомс, чўчқа тумшугини кўрсат!

Бомс қизларнинг буюртмасини бажарди. Кўзини кўтариб қараган Гарри, рўпарасида, аёл жинсини касб этганча, иржайиб ўтирган Дудлининг қиёфасини кўрди.

Мистер Уэсли, Билл ва Люпин гоблинлар масаласида қизғин баҳс олиб боришмоқда.

- Ҳозирча улар ҳеч қандай муносабат билдиришгани йўқ, - деди Билл, - Ёвуз Лорднинг ҳаётга қайтганига бовар қилишди-ми, йўқ-ми, ҳеч тушуна олмаяпман. Улар мутлақо бетараф қолишлари ҳам мумкин, албатта.

- Лекин ишончим комилки, гоблинлар Ўзингиз-Биласиз-Ким томонига ўтмайди, - бош чайқади мистер Уэсли, - Улар ҳам бир вақтлар жабр кўрган. Эсингиздами, Ноттингем яқинида гоблинларнинг бутун бошли оиласини ўлдириб кетган эди? (*Ноттингем (инг. Nottingham) Буюк Британия, расмий Ноттингемшир графлиги (Англия) ҳудудидаги шаҳар ва унитар маъмурий бирлик. Трент дарёсининг соҳилида жойлашган*).

- Ўйлашимча, ҳамма гап Ўзингиз-Биласиз-Ким гоблинларга нимани таклиф қилишига боғлиқ, - фикр билдирди Люпин, - Мен пулни назарда тутаяётганим йўқ. Элатимиз кўп асрлардан буюн уларни маҳрум қилиб келаётган эркинликларни таклиф қилса борми, тамом, сотилишлари муқаррар. Айтгандай, Билл, Рагнок билан олиб бораётган музокараларинг қалай кечмоқда? Бирон қадам одимладинг-ми?

- Рагнокнинг онгида сеҳргарларга нисбатан ниҳоятда турғун фобия шаклланиб қолган кўринади, - деди Билл, - Шульман билан боғлиқ анави ишдан сўнг, ҳеч ўзига кела олмаяпти. Айтишига қараганда, ўша ишлар вазирлик томонидан атайин уюштирилган эмиш. Шульман билан бас боғлаган гоблинлар ўз олтинларини қайтара олишмади... (*Фобия (грек. φόβος – қўрқув) мантиқан тушунилиши деярли қийин кечадиган, идора қилиб бўлмайдиган қўрқув ёки турли кўринишдаги қўрқувларнинг турғун шаклда намоён бўлиши. Психиатрияда фобия, деб у ёки бу қўзғовчига нисбатан патологик жиҳатдан юқори даражада намоён бўладиган қўрқув аломатига айтилади*).

Баланд янраган қаҳқаҳа Биллнинг сўзларини босиб юборди. Стол марказида ўтирган эгизаклар, Рон ва қария Мундугнус кулмоқдан қорниларини ушлаб олишган.

- ... шундан сўнг, - деди кўзидан ёш чиқиб кетган даражада кулаётган Мундугнус, - Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, олдимга келиб, талмовсираб қолса бўладими: «Менга қара, Мундугнус, мана бу қурбақаларни қаердан олдинг? Ҳозиргина аллақандай ярамаснинг боласи менинг бақаларимни олиб, жилибди!» Ақл-фаросати панд бераётганини кўриб ўзимни жинниликка солдим-да, ундан: «Ҳаммасини-я?! Бунга қандай йўл қўйдинг, Уилл?! Энди нима қиласан? Бошқа қурбақа харид қиласанми?» деб сўрадим. Айтсам, ишонмайсиз, у аҳмоқ ўз қурбақаларини мендан йириккина пулга сотиб олди!...

- Бас қил, Мундугнус. Корчалонлик қобилятинг ҳақида эшитиб тўйдик, - деди миссис Уэсли, қариянинг гапини қатъий оҳангда бўлиб.

Кулавериб ўтиргани мадори қолмаган Рон столга ётиб олди.

- Кечир мени, Молли, қизим, - деди Мундугнус, кўзини артиб, - Аслида Уилл ҳам оппоқ эмас. Ўша қурбақаларни у Бўжама Харрисдан ўғирлаган эди. Шундай экан, менинг хатти-ҳаракатларимда ҳеч бир ёмонлик йўқ. Ўғрини қароқчи урибди, деб шунга айтсалар керак-да.

- Нима яхши-ю, нима ёмонлигини сенга ким, қаерда ўқитганини билмайман-у, бир-иккита муҳим дарсларни ўтказиб юборганинг аниқ, - совуқина эътироз билдирди миссис Уэсли.

Фред билан ҳиқичоғи тутиб қолган Жорж ҳузур-лаззат ичимлиги қўйилган қадахларни қўлга олишди. Миссис Уэсли фақат ўзига маълум сабабларга кўра Сириусга ғалати қараб қўйиб, ўрнидан

турди-да, пудинг тайёрлаш учун ровоч қиришга киришиб кетди. Нима гаплигини тушунмаган Гарри чўқинтирган отасига юзланди.

- Молли Мундугнусни ёқтирмайди, - паст овозда тушунтирди Сириус.

- Орденга қанақасига аъзо бўлиб қолди у? - сўради Гарри ҳам пичирлаб.

- Умуман айтганда, Мундугнус фойдали одам, - ғудуллади Сириус, - У жинойи элементларнинг аксарияти билан яхши таниш. Ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас, зеро ўзи ҳам ўшалардан бири саналади... Бундан ташқари, у, Дамблдорга итдай садоқатли инсон. Чунки қачонлардир Дамблдор оғир аҳволга тушиб қолган Мундугнусни қутқариб, ниҳоятда катта нохушлиқдан сақлаб қолган. Бундай одам ёнингда бўлса, баъзан нафи тегиб туради, негаки у, ўша доираларда истиҳборот олиб бориб, биз ҳеч қачон била олмайдиган нарсаларни билиб келиши мумкин. Бироқ Молли Мундугнуснинг кечки дастурхон атрофида биз билан қолиб овқатланишини нотўғри, деб билмоқда. Сени қаровсиз қолдириб, навбатчилик постини ташлаб кетганини эса ҳеч кечира олмаяпти.

Қайнатма кремга қўшиб паққос урилган ровоч пудингнинг уч порциясидан сўнг, янгилигида Дудлига тегишли бўлган жинси шимга ўтказилган камар қорнига бота бошлагач, Гарри қошиғини четга суриб қўйди. Дастурхон атрофида ўтаётган қизғин сўхбатда танаффус қарор топди. Қорни тўйиб, мамнун бўлган мистер Уэсли танасининг вазнини креслонинг сўянчиғига ташлади. Бурнини ўз ҳолатига келтириб олган Бомс эснагани-эснаган. Юрагини олдириб қўйган Маймоқоёқни жавон остидан чиқара билган Жинна эса полда чордана қуриб ўтирганча, ҳузур-лаззат ичимлигининг тиқинлари билан мушук ўйнатмоқда.

- Ухлаш вақти бўлди, назаримда, - деди миссис Молли эснаб.

- Йўқ ҳали, Молли, - деди Сириус, бўшаган ликопни нари сурганча, Гаррига юзланиб, - Мени бир нарсадан ҳайрон бўляпман, Гарри. Нима учун сен Вольдеморт ҳақида ҳеч нарса сўрамаяпсан?

Фурсат ўтмай, ошхонадаги вазият тубдан ўзгариб кетди. Гарри ушбу ҳолатни кутилмаганда дементорлар пайдо бўлган ҳолатга ўхшатди. Бир сония муқаддам ҳамма ўйқусираган осойишталик ҳукм сурган бўлса-ю, дафъатан киши вужудини хавотирга тўлдирган қўрқинчли кескинлик юзага келса. Вольдемортнинг исми тилга олиниши билан ошхонадаги одамларнинг деярли барчаси сесканиб кетди. Эндигина вино хўпламоқчи бўлиб турган Люпин қадаҳни оғзига келтирган жойида қотиб қолиб, бироздан сўнг, сергак тортганча, идишни жойига қайтариб қўйди.

- Нега энди, сўрадим! - эътироз билдирди Гарри, - Рон билан Гермионадан сўрадим. Бироқ улар Орден фаолиятида иштирок этиш ҳозирча бизга мумкин эмаслигини айтишди ва...

- Ва улар мутлақо ҳақ эди, - гапни бўлди миссис Уэсли, - Сизлар ҳали жуда ёшсизлар.

Миссис Уэсли бармоқлари билан креслонинг тирсакқўйгичларини маҳкам чангаллаб олганча, қаддини ростлаб олган. Унинг юзидаги ўйқусираш аломатидан асар ҳам қолмади.

- Қачондан буён савол бериш учун Орден аъзоси бўлиш шарт, деган талаб қўйилган? - қизиқсинди Сириус, - Гарри бутун бошли ой давомида худди қамоқда ўтиргандай магларнинг ўйида дунёбеҳабар ўтирди. Ўйлашимча у, ушбу давр мобайнида нималар бўлиб ўтганини билишга ҳақли...

- Бир дақиқа! - ўкирди Жорж.



- Нега энди унинг саволларига жавоб бериш мумкин экан-у, бизнинг саволларимиз жавобсиз қолиши керак? - жаҳл қилди Фред.

- Айна мана шу бутун бошли бир ой давомида оғзингизга қараб юрдик! Сизлар эса арзимас саволчамизга ҳам жавоб беришни раво кўрмадингиз! - бақирди Жорж.

- Эшитган жавобимиз: «Сизлар ҳали ёшсиз, Орден таркибига кирмайсиз», бўлди - чийиллади Фред, қанчалик жирканч ва даҳшатли эшитилмасин, онасининг овозига тақлид қилиб, - Гарри эса ҳали балоғат ёшига етгани ҳам йўқ!

- Сизлар Орден фаолияти ҳақида бохабар қилинмаган бўлсангиз, мен айбдор эмасман, - хотиржам жавоб берди Сириус, - Демак, ота-онангиз шундай қарор қилган. Гарри эса, агар билмоқчи бўлсангиз...

- Гаррига нима яхши-ю, нима ёмонлигини, нима мумкин-у, нима мумкин эмаслигини сен ҳал қилмайсан! - хитоб қилди, одатда, меҳр барқ уриб турадиган юзи айна пайтда хавfli қиёфа касб этган миссис Уэсли, - Дамблдор нима деганини эсингдан чиқардинг-ми?

- Нима деган эди? - одоб билан, бироқ оҳангидан курашга шай эканлиги яққол билиниб турган Сириус.

- Билиши мумкин бўлган нарсалардан ортиқ нарсаларни Гаррига айтиш мумкин эмас, деган эди, - эслатиб қўйди миссис Уэсли, «мумкин эмас» сўзларига алоҳида урғу бериб.

Рон, Гермиона, Фред ва Жорж худди теннис ўйинини томоша қилишаётган каби, бошларини дам Сириус, дам миссис Уэсли томон буриб ўтиришибди. Шиша тиқинларини четга қўйган Жинна ҳам оғзини ланг очганча, тиззасига туриб олиб, баҳсни диққат билан эшитмоқда. Люпин эса кўзини Сириусдан узмай ўтирибди.

- Гаррига билиши мумкин бўлган нарсалардан ортиқ нарсаларни айтмоқчи ҳам эмасман, Молли, - деди Сириус, - Бироқ Лорд Вольдемортнинг ҳаётга қайтганига айнан Гарри шоҳид бўлгани инобатга олинадиган бўлса, Орденнинг бошқа аъзоларидан кўра...

- Гарри Қақнус орденининг аъзоси эмас! - эътироз билдирди миссис Уэсли, - У атиги ўн беш ёшга...

- ... ва у кўрган нарсалар Орденнинг бошқа аъзоларидан кам эмас, агар кўпроқ бўлмаса! - овоз кўтарди Сириус.

- Бу масалада ҳеч ким эътироз билдираётгани йўқ! - овоз кўтарди ҳанузгача бармоқлари билан креслонинг тирсаққўйгичларини маҳкам чангаллаб олган миссис Уэсли, овози титраб, - Шундай бўса-да, у ҳали...

- Ёш бола эмас! - гапни бўлди жаҳли чиққан Сириус.

- Балоғатга етган ҳам эмас! - ғазабдан қизариб кетди миссис Уэсли, - Тушун, Сириус, у сенга Жеймс эмас!

- Эслатиб қўйганинг учун раҳмат, Молли. Мен жуда яхши биламан Гаррининг кимлигини, - муздай оҳангда жавоб қайтарди Сириус.

- Бу масалада эса мен иккиланиб бормоқдаман! - хитоб қилди миссис Уэсли, - У билан гаплашиб ўтиришинг тарзидан, худди қадрдон дўстингни қайтадан топиб олгандай кўринасан, баъзан!

- Буни нимаси ёмон? - гапга аралашди Гарри.

- Гап шундаки, Гарри, - жавоб қайтарди миссис Уэсли, Сириусдан кўзини узмай, - Қиёфанг отангга қанчалик ўхшамасин, сен Жеймс эмассан. Сен атиги мактаб ўқувчисисан. Сен учун жавоб берадиган ҳар бир шахс эса буни унутмаслиги шарт!

- Айтмоқчисан-ки, мен ўта масъулиятсиз чўқинтирган отаман, шундайми? - хитоб қилди Сириус.

- Айтмоқчиман-ки, Сириус, сен табиатан кети ўйланмай қилинган хатти-ҳаракатларга мойил кишисан. Бинобарин, Дамблдорнинг амри ила ўйда тек ўтиришинг ва...

- Ижозатинг билан, Молли, ҳозир биз Дамблдорнинг шахсан менга тааллуқли буйруқларини муҳокама қилмаймиз, - вишиллади Сириус.

- Артур! - овоз кўтарди миссис Уэсли, эрига шашт билан юзланиб, - Оғзингга толқон солиб олганмисан? Нега индамайсан?

Мистер Уэсли хотининг саволига жавоб беришга шошилмади. У аста кўзойнагини ечиб, шишасини коржомасининг этагига миссис Уэсли томон қиё боқмай артиб, боз тақиб олгачгина, тилга кирди.

- Молли, вазият ўзгарганини Дамблдорнинг ўзи ҳам жуда яхши билади. Гарри бугундан эътиборан Орден қароргоҳида истиқомат қилар экан, унга баъзи нарсаларни айтиб бериш зарурлигига ўзи иқрор бўлди. Маълум чегаралардан чиқиб кетмаган тарзда, албатта.

- Ҳа, бироқ чегара бошқа-ю, мияга келган ҳар қандай саволни бериш бошқа-да! - ғулдиради эрининг жавобидан ҳайрон қолган миссис Уэсли.

- Шахсан мен қуйидагича фикрдаман, - гап бошлади Люпин, нигоҳини Сириусдан ўзиб.

Миссис Уэсли ҳамфикр иттифоқчи топганига умид қилди шекилли, шу заҳоти Люпинга юзланди.

- Гарри бор гапни, ҳаммасини эмас-у, вазиятнинг бугунги кунга келиб юзага келган умумий ҳолатига оид маълумотларни бошқа бировлардан... бузиб кўрсатилган мазмунда эшитиб билганидан кўра, биздан эшитгани маъқул, - деди Люпин, ўз фикрини одатига кўра мулоим оҳангда билдириб.

Пинҳонқулоқларнинг муайян қисми йўқ қилинмай, ўз эгаларининг тасарруфида қолиб кетганини ҳеч ким билмаса ҳам, Люпин билишига шубҳа қилмаса бўлаверади, хаёлдан ўтказди Гарри.

- М-м-м...ҳа, - бош чайқади миссис Уэсли, фикрини қўллаб-қувватлаб, тарафдор бўладиган одам топилиш илинжида ҳаммага бир четдан қараб чиқиб, - М-м-м... ҳа. Ёлғиз ўзим ҳаммангизга бас кела олмайман, албатта. Бироқ бир гапни айтишиб қўйишим шарт. Модомики, Дамблдор, Гарридан гап бекитиш зарур, деб билар экан, демак унинг бу масалада ўз асослари, фикр-мулоҳазалари бор. Мен эса Гаррининг манфаатларини муҳофаза қилувчи шахс сифатида...

- У сенинг ўғлинг эмас, - аста эслатиб қўйди Сириус.

- У менга ўғлимдай бўлиб қолган, - ўшқириб берди миссис Уэсли, - Мендан бошқа яна кими бор?

- МЕН БОР!

- Ҳа, албатта, - истехзоли кулиб қўйди миссис Уэсли, - Агар боланинг тарбияси билан шуғулланишга Азкабанда ўтган йиллар сенга тўсқинлик қилгани ҳисобга олинмаса.

Сириус аста ўрнидан тура бошлади.

- Молли, Гарри ҳақида қайғураётган ёлғиз сен эмассан, - деди Люпин етарлича кескин оҳангда, - Сириус, ўтир жойингга.

Миссис Уэслининг пастки лаби титрай бошлади. Юзидан қон қочган Сириус эса Люпинга итоат қилиб, аста-секин креслосига ўтирди.

- Ўйлашимча биз, - давом этди Люпин, - Гаррининг мунозара мавзусига оид фикрини тинглаб кўришимиз керак. У энди ёш бола эмас. Ўзига нима кераклиги юзасидан қарор қабул қиладиган ёшга етган.

- Мен ҳамма гапдан бохабар бўлмоқчиман, - шу заҳоти фикрини баён этди Гарри.

Гарри миссис Уэсли томон қарамади. «У менга ўғлимдай бўлиб қолган», деган сўзлари кўнглидан жо олди, албатта. Аммо гўдак сифатида кўраётгани йигитлик ғурурига тегиб кетмоқда.

- Жуда яхши, - дўриллади миссис Уэсли, - Ундай бўлса, Жинна, Рон, Гермiona, Фред, Жорж! Қани, кўрпага! Чиқинг бу ердан!

Шу заҳоти эътироз бўрони кўтарилиб, тўполон бошланди.

- Биз балоғат ёшига етганмиз! - баралла ўқиришди эгизаклар.

- Нега энди Гаррига мумкин-у, менга мумкин эмас? - бақирди Рон.

- Ойи, мен ҳам эшитишни хоҳлайман! - чириллади Жинна.

- МУМКИН ЭМАС! - бақирди кўзи ўт олиб кетган миссис Уэсли, ўрнидан туриб, - Мен қатъиян ман этаман.

- Молли, Фред билан Жоржга энди ҳеч нарсани ман эта олмайсан, - ҳорғин оҳангда эслатиб ўтди мистер Уэсли, - Улар балоғат ёшига етган.

- Ахир улар ҳали мактабни тамомлагани йўқ-ку!...

- Шунга қарамай, иккаласи расман ёши катта сеҳргарлар тоифасига киради, - такрорлади мистер Уэсли ўша оҳангда.

Миссис Уэслининг ранги лавлагидай қизариб кетди.

- Мен... менга... Хўп, яхши. Фред билан Жорж қолсин, майли. Аммо Рон...

- Шу ерда ўтириб эшитдим нима-ю, кейин эшитдим нима? - бақирди Рон, - Чунки Гарри менга ҳам, Гермionaга ҳам бор гапни айтиб беради! Тўғрими, Гарри? Гарри, тўғрими? - такрорлади у, Гаррининг кўзига қараганча, ҳақлигига иккиланиб қолиб.

Гарри бир-икки сония давомида шартта тескари ўгирилиб, «Дунёбехабар бўлиб юриш қандай бўлишини сенлар ҳам билиб қўй! Бирор оғиз бўлсин, сўз айтмайман!» деганча, ўч олмоқчи бўлди-ю, иккаласи бир-бирининг кўзига тик қараб ўтирар экан, миясида шакланган аблаҳона фикр барҳам топди.

- Тўғри, айтиб бераман, - бош ирғиди ниҳоят Гарри.

Гаррининг жавобини кутиб, кўзи мўлтиллаганча қараб ўтирган Рон билан Гермiona Гаррининг жавобидан яшнаб кетишди.

- Жуда соз! - ириллади миссис Уэсли, - Жуда соз! Жинна! Кўрпага!

Жинна ҳам осонликча итоат қилмади. Она-бола ошхонадан бир-бири билан баланд овозда баҳслашганча, чиқар экан, даҳлизга кўтарилган Жиннанинг қичқириқларига портретга тасвирланган миссис Блэкиннинг акиллашлари жўр бўлди. Сокинликни тиклаш учун юқорига югуриб кетган Люпин қайтиб келиб, ошхона эшигини ёпганча, ўз жойини эгаллаганидан сўнггина, Сириус тилга кирди.

- Хўш, Гарри... Гапир, нимани билмоқчисан?

Бола чуқур нафас олиб, сўнги ой давомида уни таъқиб қилиб келган саволдан бошлади.

- Вольдеморт қаерда? - сўради у, бошқаларнинг юзида шакланган қўрқувни писанд қилмай, - Ҳозир у нима қилиб юрибди? Мен магларнинг янгиликларини кузатиб бордим. Телетомошабинларга бирон-бир пичоққа илинадиган хабар етказилмади. Сабабини тушунтириш қийин кечадиган ўлим ҳолатлари ҳақида ҳам гап бормади. Умуман бирон-бир ўхшаш ахборот берилмади.

- Тўппа-тўғри. Чунки ҳали ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади, айтарли гап бўлмади, - деди Сириус, - Билишимизча, албатта. Биз билган нарсалар эса оз эмас.

- Ҳар қалай у ўйлагандан кўра кўпроқ биламиз, - қўшиб қўйди Люпин.

- Нима сабабдан у қотиллик қилмай қўйди? - сўради Гарри.

Вольдеморт ўтган йилнинг ўзида бир неча кишини асфаласофилинга йўллаганини бола яхши билади.

- Эътиборни ўзига жалб этмоқчи эмас, - тушунтирди Сириус, - Акс ҳолда унга нисбатан хавф туғилиши мумкин. Негаки, ҳаётга қайтиши ўзи режалаштиргандай силлиқ кечмади.

- Сен туфайли, - гап қўшди Люпин, мамнун табассум қилиб.

- Нега энди мен туфайли? - тушунмади Гарри.

- Чунки Вольдемортнинг режасига мувофиқ сен ўша қабристоннинг ўзида ўлишинг керак бўлиб, унинг ҳаётга қайтгани сир тутилиши, бундан фақат Ўлимдан мириқувчилар бохабар бўлиши кўзда тутилган эди! - хитоб қилди Сириус, - Сен эса тирик шоҳид бўлиб қолдинг.

- Айниқса, Вольдеморт ҳаётга қайтганидан Дамблдор зудлик билан хабар топишини мутлақо истамаган, - деди Люпин, - Сен эса ушбу хабарни биринчи навбатда айнан Дамблдорга етказдинг.

- Нима қилибди? Нима фойда берди хабарчилигим? - бари-бир тушунмади Гарри.

- Ҳазиллашяпсан-ми? - таажжубланди Билл, - Ахир Дамблдор Ўзинг-Биласан-Ким қўрқадиган ягона сеҳргар-ку!

- Айнан сенинг хабарчилигинг туфайли Дамблдор, Вольдеморт ҳаётга қайтганидан сўнг, бир соат ичида Қақнус орденини оёққа турғизиб, қайтадан тўплади.

- Нима билан шуғулланади ўзи бу Орден? - сўради Гарри ҳаммага бир четдан қараб чиқиб.
- Қақнус ордени Вольдемортнинг режалари ҳаётга татбиқ этилиши, у кўзда тутган тадбирларнинг амалга оширилишига йўл қўймасликка қаратилган чоралар кўриб боради, - жавоб берди Сириус.
- Унинг режаларини қаердан биласиз? - шу заҳоти сўради Гарри.
- Бу борада Дамблдор ақл югуртириб, олдиндан фаҳмлаб боради ва одатда, янглишмайди, - жавоб берди Люпин.
- Хўш, Дамблдорнинг фикрига кўра Вольдеморт нималар қилишни ният қилган?
- Авваламбор, Вольдеморт ўз армиясини қайтадан йиғишга киришади, - хотиржам баён қила бошлади Сириус, - Бир замонлар унинг армияси етарлича қудратли бўлган. Ёвуз Лорд тасарруфидаги ўша армия таркибига биринчи навбатда қасамига содиқ қолган Ўлимдан мириқувчилар, сўнг, турли-туман ёвуз сеҳр қабоҳатлари ва Вольдеморт тарафига сеҳр ёки зўравонлик воситасида мажбурий ўтказилган оддий сеҳргарлар кирган. Бундан ташқари, Вольдемортнинг гигантларни ҳам ўз томонига ўтказиш ниятидан ўзинг бохабар бўлгансан. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ёвуз Лорд сеҳргарлик вазирлигини сони жами бўлиб юз кишига ҳам етмайдиган Ўлимдан мириқувчилар кучи билан ишғол қилишга уринадиган аҳмоқ эмас.
- Демак, тўғри тушунган бўлсам, ўша армиянинг қайтадан йиғилишига Орден тўсқинлик қилмоқда, шундайми?
- Имкон қадар, - жавоб берди Люпин.
- Ҳозир энг асосийси оддий сеҳргарларни Ўзинг-Биласан-Ким ҳаётга чиндан ҳам қайтганига ишонтириб, юзага келган хавф ва таҳдидлар ҳақида уларга хабар беришдир, - қўшимча қилди Билл, - Бироқ аниқланишича, бунга эришиш у қадар осон кечадиган иш эмас экан.
- Нима учун?
- Сеҳргарлик вазирлиги томонидан олиб борилаётган сиёсат туфайли, - деди Бомс, - Ўзинг-Биласан-Ким ҳаётга қайтгани ҳақидаги хабарга Корнелиус Фужнинг билдирган муносабатини ўзинг кўргансан. Ўша кундан буён унинг фаолиятида ижобий томонга бурилиш юз бергани йўқ. Аксинча, реал ҳолатни идрок этишни, ҳақиқатни тан олишни ҳанузгача рад этмоқда.
- Нима учун? - хитоб қилди Гарри, - Нима сабабдан у бу қадар қовоқбошлик қилади? Модомики, Дамблдор...
- Ҳамма гап шунда, - истехзоли кулиб қўйди мистер Уэсли, - Ҳамма гап Дамблдорда.
- Тушуняпсан-ми, Фуж ундан қўрқади, - деди Бомс маъюс оҳангда.
- Қўрқади? - ишонмади Гарри.
- Калтафаҳм Фуж Дамблдор томонидан амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларга ўз нуқтаи назаридан баҳо бермоқда. Бинобарин, вазир Дамблдорнинг ниятларидан қўрқади, - деди мистер Уэсли, - Фужнинг ишончи комилки, Дамблдор сеҳргарлик вазири бўлиш учун уни қулатишни режалаштирган.
- Аммо Дамблдор вазир бўлмоқчи эмас-ку...

- Йўқ, албатта, - тасдиқлади мистер Уэсли, - Собиқ вазир Миллисент Багнолд пенсияга чиқиб кетганидан сўнг, кўпчилик ушбу лавозимда Дамблдорни кўриш иштиёғида юрган бўлса ҳам, у ҳеч қачон вазирлик курсисига интилмаган. Ўшанда вазирлик лавозимини Корнелиус Фуж эгаллади. Бироқ ўз номзодлигини илгари сурмаганига қарамай, Дамблдор, ўша давр сайловчилари томонидан қанчалик қўллаб-қувватланганлигини Фуж эсдан чиқармаган кўринади.

- Сеҳргар сифатида Дамблдор анча оқил ва қудратли эканлигини ҳам, Фуж жуда яхши билади, - давом этди Люпин, - Ўз фаолиятини бошлаган дастлабки йилларда Фуж ҳар кўни бўлмаса ҳам, кўн ора Дамблдордан маслаҳат, баъзан ёрдам сўраб борди. Энди эса афтидан, ҳокимият таъмини тушуниб қолди, вазирлик лавозимида ўзини нисбатан ишончли сеза бошлади. Мансаби ўзига ёқиб қолиб, доимо ҳақ эканлигига ўзини ўзи ишонтириб олди. Назарида энди, Дамблдор, турли ноҳушликларни юзага келтираётган, сув лойқалатаётган кишига айланди.

- Қандай журъат этди бундай хаёлга боришга? - жаҳл қилди Гарри, - Юзага келган бундай вазиятни Дамблдор тўқиб чиқарди, дея олишга тили қандай айланади? Нега мен ҳақимда ёмон хаёлга боради?

- Жуда осон. Борди-ю у, Вольдемортнинг ҳаётга қайтганини эътироф этса, вазирлик ўн тўрт йилдан буюн кўрмаган қийинчиликларга дуч келади, - деди Сириус аламли оҳангда, - Фуж ҳақиқатга тик қараб, уни тан оладиган кишилар тоифасига кирмайди. «Нуфузимни бадном қилишни кўзлаган Дамблдор кўрқинчли эртакларни тўқиб чиқармоқда», - деган хаёлга бориш унга осонроқ кечади.

- Гап шундаки, - деди Люпин, - Сеҳргарлик вазирлиги томонидан «Ҳеч қанақанги Вольдеморт йўқ», мазмунидаги сиёсат қанчалик жадал илгари сурилар экан, бизга, яъни Орден аъзоларига, оддий сеҳргарларни Вольдемортнинг ҳаётга қайтганига ишонтириш шунчалик қийин кечаверади. Умуман айтганда, одамларнинг ўзи бунга ишонгиси йўқ. Устига устак, вазирлик «Башорат-у, каромат газетаси»га, Дамблдор томонидан тўқиб чиқарилаётган «жирканч миш-миш гаплар» газета таҳририяти томонидан чоп этилмаслигига умид боғламоқда ва бунга йўл қўймаслик учун қўлдан келганча ҳаракат қилмоқда. Оқибатда, сеҳргар элатимиз юз берган ҳодиса ҳақида ҳанузгача беҳабар қолмоқда. Бу эса ўз навбатида, оддий сеҳргарлар Қарам қилиш қарғишининг таъсирига осонликча берилиб қолишига олиб келади, агар Ўлимдан мириқувчилар ушбу қарғишни қўллашни ният қилишса.

- Орден аъзолари ўша оддий сеҳргарларга Вольдемортнинг ҳаётга қайтганини айтиб беришмоқда-ку, тўғрими? Одамларни хабардор қилиш чораларини кўряпсиз-ку, а? - деди Гарри мистер Уэсли, Сириус, Билл, Мундугнус, Люпин ва Бомсга бир четдан қараб чиқиб.

Уларнинг барчаси болага маъюс табассум-ла жавоб қайтаришди.

- Агар гап шахсан мен ҳақимда борадиган бўлса, - деди Сириус, асабий оҳангда, - Кенг омма орасида ниҳоятда хавfli савдойи-қотил, одамларнинг оммавий ўлимида айбдор, деб топилган жиноятчи сифатида доврўқ қозонганман. Бошим учун эса ўн минг галлеон мукофот ваъда қилинган. Шундай экан, кўчама-кўча юриб варақа тарқатиш ишларига ярашим даргумон.

- Агар гап мен ҳақимда борадиган бўлса, хушхулқ хонадонлар мени кечки овқатга таклиф қилишни ўзларига эп кўрмайди, - деди Люпин, - Биз, яъни махлуқ тусига кирадиган одамлар орасида бундай ҳолат «касб машаққатлари», деб аталади.

- Бомс билан Артур эса, - давом этди Сириус, - Агар ортиқча вайсаб юришадиган бўлса, вазирликдан учиб кетишганини ўзлари сезмай қолишади. У ерда ўз одамларимиз бўлиши жуда зарур. Шубҳа йўқ-ки, вазирликда, Вольдемортнинг ҳам жосуслари бор.

- Шунга қарамай, - деди мистер Уэсли, - Бир-икки кишини ишонтиришга эриша олдик. Мана Бомсни олайлик. У ҳали ёш. Ўтган сафар Орден аъзолигига қабул қилишнинг иложи бўлмаган. Бироқ Бомс аврор. Бу қанчалик муҳимлигини ўзинг тушунсанг керак. Кинсли Кандальер ҳам сафимизга қўшилгани жуда яхши бўлди. Вазирлик раҳбарияти унинг зиммасига Сириусни таъқиб қилиб, тутиб келтириш вазифасини юклаган. Айти вақтда, Кинсли Сириус Тибетда кўриниш берганлиги ҳақида миш-миш тарқатиб юрибди. (*Тибет – Марказий Осиёнинг Тибет тоғлигида жойлашган ҳудуди*)

- Модомики, Вольдеморт ҳаётга қайтганлиги ҳақида очиқдан-очиқ гапирилмас экан, демак... - гап бошлади Гарри.

- Ким айтди сенга очиқдан-очиқ гапирилмайди, деб? - гапни бўлди Сириус, - Дамблдорнинг бошига шунча ташвиш ва нохушликлар қаердан тушди, нима деб ўйлайсан?

- Қандай нохушликлар? - сўради Гарри.

- Уни ҳар томондан бадном қилишга уринишмоқда, - тушунтириш берди Люпин, - «Башорат-у, каромат газетаси»нинг ўтган ҳафта чиққан сонини ўқидинг-ми? Унда Дамблдор кексайиб, ишбилармонлик қобилиятини йўқотиб қўйгани учун Бутун Жаҳон Сеҳр-жоду Конфедерациясининг раиси лавозимидан четлаштирилгани ҳақида хабар берилган. Лекин бу ғирт ёлғон. Аслида Вольдемортнинг ҳаётга қайтганлигига бағишланган нутқидан сўнг, вазирликнинг аксарият сеҳргарлари Дамблдорга қарши овоз беришган. Бундан ташқари, у, Оқил Суднинг Олий Қозиси лавозимидан ҳам четлаштирилди. Бу сеҳргарлар дунёсидаги энг олий трибунал. Шунингдек, Дамблдор биринчи даражали Мерлин орденидан маҳрум бўлишига оид миш-миш гаплар ҳам йўқ эмас.

- Дамблдорнинг ўзи ишларнинг бундай ҳолатига мутлақо лоқайд қарамоқда. Унинг фикрича, энг асосийси, сурати шокобақа дасталари ичига солиниши тўхтатилмаса бўлди, қолгани аҳамиятсиз эмиш, - кулиб қўйди Билл.

- Бунинг кулгили жойини кўрмаяпман, - гапни бўлди мистер Уэсли, - Агар Дамблдор вазирликнинг жиғига тегишни шу зайлда давом этаверса, Азкабанга қамалиши турган гап! Бу эса бизга ҳеч ҳам қўл келмайди. Токи Дамблдор ҳамма нарсадан бохабар бўлиб, ўз хатти-ҳаракатларини ҳеч қандай тўсқинликсиз амалга ошира олар экан, Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши ўзини тийиб юради. Дамблдорнинг йўқ қилиниши Ўзингиз-Биласиз-Ким учун шаҳар дарвозаси катта очиб берилиши билан баробардир.

- Вольдеморт ўзига тарафдор бўладиганларни ёллар экан, эртами-кечми ҳамма билиб олади-ку, ҳаётга қайтганини, шундай эмасми? - умид-ла сўради Гарри.

- Гарри, Вольдеморт иона варақалари билан уйма-уй юргани йўқ, - жавоб берди Сириус, - У ўз режаларини ҳийла-найранг, товлаш ва сеҳр-жоду йўли билан амалга оширади. Кўзга ташланмай ишлаш борасида унга бас келадиган зот топилиши қийин. Нима қилганда ҳам, тарафдорларни ёллаш тадбирлари у кўзлаган режанинг бир қисми холос. Бундан ташқари, Вольдеморт кўзлаган бошқа мақсад ҳам бор. Ўша мақсадга эса ортиқча шовқин-суронсиз ҳам эришиши мумкин. Хусусан, ҳозир у, айнан шу иш билан машғул.

- Яна қандай мақсадни кўзлаган у? - шу заҳоти қизиқди Гарри.

Сириус, боланинг саволига жавоб беришдан олдин Люпинга сезилар-сезилмас қараб қўйгани Гаррининг назаридан четда қолмади.

- Айтайлик, ўғирлаш мумкин бўлган нарсани.

Гаррининг юзида таажжуб қиёфаси сақланиб қолаётганини кўрган Сириус қўшиб қўйди:

- Ўша нарсани шартли равишда, ўтган сафар ихтиёрида бўлмаган қурол, деб атаймиз.

- Ўз ҳукмини суриб юрган даврдами?

- Ҳа.

- Қанақанги қурол экан у? Авада Кедаврандан ҳам қудратлими?...

- Етар, бас!

Кўзида ғазаб олови ёниб турган Миссис Уэсли қўлини кўкрагига қовуштириб, кириш эшиги томонидан, қоронғилиқдан чиқиб келди.

- Зудлик билан кўрпага! Ҳамма, истисносиз, - қўшиб қўйди у, эгизаклар, Рон ва Гермионага юзланиб.

- Сиз бизга буйруқ бера олмайсиз... - эътироз билдирмоқчи бўлди Фред.

- Эҳтимол сенга шундай туюлгандир. Ҳозир яхшилаб кўрсатиб қўяман буйруқ бера олиш-олмаслигимни, - бақириб берди миссис Уэсли ва титраганча, Сириусга мурожаат қилди, - Сен Гаррини етарлича хабардор қилдинг. Яна бир оғиз сўз айтадиган бўлсанг, болани Орден аъзолиги ёзиб қўйсанг ҳам бўлаверади.

- Нима қилибди? - овоз кўтарди Гарри, - Бажонидил ёзиламан! Мен буни хоҳлайман! Мен курашаман!

- Мумкин эмас.

Бироқ бу сафар ушбу тақиқни миссис Уэсли эмас, Люпин айтди.

- Орденга, - давом этди Люпин, - Фақат ёши катта, мактабни тамомлаган, - қўшиб қўйди у, эндигина оғиз жуфтлаган Фред билан Жоржга қараб, - Сеҳргарлар аъзо бўлиши мумкин. Бу қанчалик хавfli фаолият эканлигини тасаввур ҳам қила олмайсиз... бирортангиз ҳам... Сириус, назаримда Молли ҳақ. Биз чиндан ҳам болаларга етарлидан ортиқ маълумотлар бериб ўтдик.

Сириус елка қисиб қўйди-ю, баҳслашмади. Миссис Уэсли ўз ўғиллари ва Гермионага қатъиятли имо қилди. Болалар бирин-кетин ўрниларидан туриб, чиқиш эшиги томон йўл олишди. Гарри ҳам енгилганини тан олиб, ўртоқларининг кетидан эргашди.

## **ОЛТИНЧИ БОБ. ҚАДИМИЙ ВА АСИЛЗОТ БЛЭКЛАР ХОНАДОНИ**

Қовоғидан қор ёғилаётган миссис Уэсли болаларни юқорига бошлаб кетди.

- Дарҳол кўрпага. Ҳеч қанақанги пичир-пичир эшитмай, - буюрди у, биринчи қаватга



кўтарилишлари билан, - Ухланг. Эртага катта иш бошлаймиз. Ўйлашимча, Жинна ухлаб қолди, - қўшиб қўйди миссис Уэсли, Гермионага қараб, - Уни уйғотиб юбормасликка ҳаракат қил.

Гермиона ҳаммага хайрли тун тилаб, пастда қолди. Болалар эса юқорига кўтарилишни давом этди.

- Жа ишондик-да, ухлаб қолганига, - ғудуллади Фред, шивирлаб, - Кўзини мошдай очиб олганча, бўлган гапларни айтиб бериши учун Гермионани кутиб ётмаган бўлса, демак мен Фред эмас Хитойда тарқалган флорбер чувалчангиман.

- Рон, Гарри, - деди навбатдаги қаватга кўтарилган миссис Уэсли, - Иккалангиз мана бу хонада ётасиз.

- Хайрли тун, - тилак билдириб қолишди Гарри билан Рон, юқорига кўтарилишда давом этаётган эгизакларга.

- Донг қотиб ухланг, - кўзини қисиб қўйди Фред.

Гаррининг ортида қолган миссис Уэсли эшикни ташқаридан қарсиллатиб ёпиб қўйди. Рон иккаласи кирган хона овқатланишга чиқилган пайтдагидан ҳам баттар зах ва ваҳимали кўринди. Деворга осилган расмининг бўм-бўш матоси бир маромда чуқур нафас олмоқда. Рон жавон устида гурсиллаганча, шовқин солаётган Хедвиг билан Чўчринстелни тинчлантириш учун қоғоз халтачага қадоқланган «Бойқуш қувончи» емини қўлга олиб, қушларга улоқтирар экан, Гарри пижамасини кийиб, кўзойнагини ечди-да, муздай кўрпага кирди.

- Уларни ов қилишлари учун ҳар куни чиқариш мумкин эмас экан, - тушунтирди Рон, тўқ қизил пижамасини кийиб, - Бойқушлар Пинҳонийлик майдони узра тез-тез учиб юришини Дамблдор истамаяпти. Бегоналар орасида шубҳа туғилишига сабаб бўлар эмиш. Ҳа-я, унутиб қўйишимга сал қолибди...

Рон хона эшигини тамбалаб қўйди.

- Нима учун?...

- Тараққос кирмаслиги учун, - тушунтирди Рон, чироқни ўчириб, - Биринчи кеча ётганимда, соат учда адашиб, кириб қолибди. Ўша пайтда уйғониб, мудҳиш эльфнинг хонада изғиб юрганини кўрдим-у... Хуллас, гапимга ишонавер, сенга ҳам ёқмаган бўлар эди. Хўш...

Кўрпасига ётган Роннинг танаси хона деразасининг чанг қоплаган дераза ойнасидан сингиб кирган Ой нурида базўр кўринмоқда. У Гаррига юзланганча, ёнбошлаб олди.

- Нима деб ўйлайсан?

Рон нимани назарда тутаетганини Гарри шу заҳоти тушуниб етди.

- Умуман айтганда, ўзимиз фаҳмлаб олишимиз қийин кечадиган бирон-бир янгилик айтишгани йўқ, шундай эмасми? - гап бошлади у, кечки овқат давомида айтилган гаплар ҳақида ўйлаб, - Улар фақат Орден аъзолари Вольде...

Даҳшатли исм талаффуз этилишини билган Рон сесканиб кетиб, чуқур нафас олди.

- ... мортга янги тарафдорларни жалб этиш масаласида халал беришга уринаётганини айтишди холос, - қатъий оҳангда давом этди Гарри, - Унинг исмини қачон талаффуз эта бошлайсан? Сириус билан Люпин, агар эътибор қаратган бўлсанг, ҳеч қўрқинмайди.

Рон ўртоғининг танбеҳига эътибор қаратмади.

- Тўғри, - деди у, - Бу гапларни пинҳонқулоқ воситасида эшитиб, билиб бўлган эдик. Биз учун ягона янгилик...

Қарс.

- ВОЙ!

- Жим, Рон, бақирма, ойим эшитиб қолади.

- Оёғим устида пайдо бўлдинг!

- Қоронғида ҳавода даф бўлиб, пайдо бўлиш осон кечмайди.

Гарри Роннинг каравотидан сакраб тушаётган Фред билан Жоржнинг шарпаларини кўрди. Хаёл ўтмай ўзининг каравоти ҳам анча букилиб, оёқ томонига Жорж ўрнашиб олганини англади.

- Хўш, анави нарсага етиб келдингиз-ми? - ҳовлиқиб сўради Жорж.
- Сириус тилга олган қурол масаласигами? - аниқлик киритди Гарри.
- Назаримда оғзидан, ўзи билмаган ҳолда гуллаб қўйди, - ҳузур-ла тузатиш киритди Фред, Роннинг каравотига жойлашиб, - Чунки пинҳонқулоқ орқали бундай гапни ҳали эшитганимиз йўқ эди.
- Нима экан ўзи у, а? Бирон фикрингиз борми? - сўради Гарри.
- Ҳар нима бўлиши мумкин, - деди Фред.
- Авада Кедаврандан ҳам баттар нарса бўлиши мумкинми? Ўлдириш қарғиши-ку, у, - хитоб қилди Рон, - Ажалдан ҳам ёмон нарса бўладими?
- Кўп одамни бирданига ўлдириш имконини берадиган нарса бўлса керак, а? - тахмин қилди Жорж.
- Ёки киши жонини қаттиқ оғритиб ўлдирадиган нарса, - қўрқиб-писиб қўшиб қўйди Рон.
- Киши жонини оғритиш учун Қийноққа солиш қарғиши бор, - эътироз билдирди Гарри, - Бу эса етарлидан ортиқдир.

Орага сукунат чўқди. Ҳамма Гарри сингари ўша сирли қурол нимага қодир экани ҳақида ўйлашиб қолгани аён.

- Нима деб ўйлайсиз, кимда экан ҳозир ўша қурол? - сўради Жорж.
- Умид қиламан-ки, биз тарафдаги бирон-бир кишининг қўлида, - хавотир-ла жавоб қайтарди Рон.
- Демак Дамблдорнинг ихтиёрида, - тахмин қилди Фред.
- Қаерда? - шу заҳоти сўради Рон, - «Хогварц»дами?
- Эҳтимол! - хитоб қилди Жорж, - Ҳар қалай фалсафий тош айнан ўша ерда сақланган.
- Бироқ қурол, ўша майда тошга нисбатан анча йирик бўлиши керак, - деди Рон.
- Ўлчамининг аҳамияти йўқ, - эътироз билдирди Жорж, - Ана, Жиннага эътибор қарат.
- Нимани назарда тутяпсан? - тушунмади Гарри.
- Унинг Қўрқитиш қарғишларини танангда синаб кўрмаганинг билиниб турибди...
- Жим! - деди Фред, оёққа туриб, - Эшитяпсиз-ми?

Ҳамма жим бўлиб қолди. Кимдир зинапоя бўйлаб юқорига кўтарилмоқда.

- Ойим, - деди Жорж.

Шу заҳоти қарс эшитилиб, Гаррининг каравоти кўтарилиб, тўғриланди. Икки сония ўтар-ўтмас эшик ортидаги пол тахтаси ғарсиллади. Миссис Уэсли болалар гаплашиб ётибди-ми, ухлапти-ми, яширмай текшириб юрибди.

Хедвиг билан Чўчринстель маъюс гурсиллаб қўйди. Пол тахтаси боз ғарсиллаб, миссис Уэслининг юқори қаватга, Фред билан Жоржнинг хонаси томон йўл олгани эшитилди.

- Ҳеч ишонмайди бизга, - ғамгин таъкидлаб қўйди Рон.

Оқшом зудлик билан англаб етилиши лозим бўлган ҳодисаларга шу қадар бой бўлдики, Гарри ухлаб қолишига кўзи етмади. У Рон билан яна бироз гаплашишни истади-ю, пастга тушаётган миссис Уэслининг оёғи остида зина поғоналари ғичирлаётгани, бироздан сўнг, қолганлар кўтарилаётгани эшитилди...

... чиндан ҳам эшик ортида аллақандай кўп оёқли махлуқлар юргани, сал ўтиб, сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани ўқитувчиси Хагриднинг сўзлари эшитилди: «Кўркамлигини қара, Гарри, буларнинг кўркамлигини қара. Ёқди-ми, сенга? Ахир биз бу йил қурол-аслаҳаларни ўзлаштиришга киришамиз-ку...». Шунда Гарри, ушбу кўп оёқли махлуқларнинг танасида бош ўрнига замбарак, оёқ ўрнига ғилдирак борлигини, ҳаммаси бирдай ўгирилиб қараётганини кўрди... бола дарҳол энгашиб олди...

Кейинги фурсатда адёл остида гувала бўлиб ётгани, ёнида Жорж вайсаётганини идрок этди.

- Ойим тайинлади, турасан экан. Нонуштанг ошхонада. Ҳадемай меҳмонхонада керак бўласан. У ерда куясоҳиралар сони ўзи тасаввур қилаётганидан ҳам кўплигини, бундан ташқари, диван остида ўлик момиклар уяси борлигини ойим ҳали билмайди.

Тез кийиниб, нонушта қилган Гарри билан Рон ярим соат ўтар-ўтмай иккинчи қаватдаги меҳмонхонага киришди. Шифти баланд, ўта кир гобелен осилган девори зайтун-яшил тусли ушбу хона жуда узун бўлиб, полига тўшалган гиламга босилган ҳар бир қадам остидан паға-паға чанг кўтарилади. Узун, кул ранг яшил бахмал парда қатларида эса кўзга кўринмас аллақандай ҳашаротлар ғиж-ғиж қайнамоқда. Парда ёнига кўздан пастки қисмини газлама ниқоб билан тўсиб олишган миссис Уэсли, Гермiona, Жинна, Фред ва Жорж тўпланиб ивирсимоқда. Ҳар бирининг кўлида аллақандай қора суюқликка тўла пуркагич бор.

- Юзингизга ниқоб тақиб, биттадан пуркагич олинг, - деди миссис Уэсли, Гарри билан Ронга кўзи тушиши ҳамоно, устида қора суюқликка тўла шишалар турган ингичка оёқли столчага имо қилиб, - Антикуюсоҳирин. Бу дунёга бино бўлганимдан буён ҳали шунча куясоҳира кўрмаган эдим. Анави уй эльфи ўн йилдан буён нима... еди бу уйда, ақлим етмаяпти.

Гермiona юзига ошхона сочиғини ниқоб қилган бўлса-да, миссис Уэслига хафа бўлиб қарагани билинди.

- Тараққос жуда қариб қолган, унга осон эмас...

- Агар ўзи истаса, қандай ишлар бажара олишини билсанг, Гермiona, таажжубдан оғзинг очилиб қолади, - деди кўлида қонга беланган қоп ушлаганча, меҳмонхонага кириб келган Сириус, - Каламуш ўлиги. Отбургутни боқиб чиқяпман, - тушунтириш берди у, Гаррининг қизиқсинган нигоҳини кўриб, - Уни юқори қаватга, ойижонимнинг ётоқхонасига қамаб қўйганман. Хўш, демак... ёзув столи...

У кўлидаги қопни креслога ташлаб, столнинг енгилгина титраб турган тортмаси устига энгашиди.

- Ишончим комилки, Молли, бу боггарт, - деди у, қулфнинг калит солинадиган тешиги орқали тортма ичига қараб, - Шундай бўлса-да, онамнинг табиатини билган ҳолда таъкидлаб ўтишим жоизки, боггартдан ҳам баттар нарса бўлиши мумкин. Шу боис, уни чиқариб юборишдан олдин Хмурига кўрсатиб қўйган маъқул, албатта.

- Сен мутлақо ҳақсан, Сириус, - деди миссис Уэсли.

Сириус билан миссис Уэсли ўз хушмуомалаликларини бир-бирига бўрттириб намоён этаётганидан, кеча кечқурун ўтган даҳанаки тўқнашув иккаласининг ёдидан ҳали чиқмагани билиниб турибди. Айни шу фурсатда эшик қўнғироғи ва шу заҳоти кеча оқшом маҳалда, Бомс, троллнинг чопиб олинган оёғидан тайёрланган соябон таглигини йиқитиб юборганидан сўнг эшитилган ёқимсиз овозлар янгради.

- Юз маротаба айтдим эшик қўнғироғини чалманг, деб! - аччиқланди Сириус, хонани тез тарк этиб.

Миссис Блэк портрети айюҳанноси остида Сириуснинг қадамлари деярли эшитилмади.

- Иснод доғлари, жирканч чала зотлар, зино ҳосилалари, разиллар...

- Гарри, эшикни ёпиб қўй, илтимос, - деди миссис Уэсли.

Гарри пастда нима бўлаётганини билиш илинжида эшик олдида имкон қадар узоқ ушланиб қолишга уринди. Афтидан, Сириус портрет пардаларини ёпишга муваффақ бўлди шекилли, ойисининг бақир-чақир тинди. Даҳлизда Сириуснинг қадам товуши, эшик занжирининг жаранглагани, сал ўтиб одам овози эшитилди. Гарри Кинсли Кандальер келганини англади:

- Хестия хабар етказганидан сўнг, сал тинчландим. Хмурининг плаши унда экан. Дамблдорга хабар қолдириб кетиш учун кириб ўтмоқчи эдим...

Миссис Уэслининг нигоҳини бели ила ҳис этган Гарри армон-ла эшикни ёпиб, куясоҳираларга қарши курашчилар сафига бориб қўшилди.

Миссис Уэсли Сверкароль Чаруальднинг қаламига мансуб, диванга қўйиб ўқиётган «Уй зараркунандаларининг таърифномаси» устида энгашиб олган.

- Болалар, эҳтиёт бўлинглар. Китобда ёзилишича, куясоҳиралар чақар экан, куни биткурларнинг тишлари эса заҳарли экан.

У қаддини ростлаб, парда олдида ҳар томон ташлаган оёқларига тиралиб олганча, болаларни

яқинроқ келишлари учун имлаб чақирди.

- Менинг командам бўйича пуркай бошлайсиз, - амр этди у, - Ўйлашимча, ҳашаротлар галаси тўғри бизга қараб ёпирилади. Лекин бу ерда ёзилишича, антикуясоҳириннинг яхшигина дозаси уларни зарарсизлантиради. Ҳашарот ўлигини мана бу челакка ташлайсиз.

Миссис Уэсли пуркагичлар оқимиға мубтало бўлмаслик учун бироз ортга чекинди-да, қўлидаги шишасини баланд кўтарди.

- Қани... ўт оч!

Сония ўтмай парда қатидан учиб чиққан йириккина куясоҳира тўғри Гаррига қараб яқинлаша бошлади. Майда танасини қора тук қоплаган, игналарга ўхшаб кетадиган митти тишларини яланғочлатиб олган, тўртта кафтчасини мушт қилиб тугиб олган ҳашаротнинг қўнғиз қанотига ўхшаш ялтироқ қаноти қаттиқ қарсилламоқда. Гарри куясоҳирани антикуясоҳириннинг дурустгина заряди билан қарши олди. Ҳашарот бироз ҳавода муаллақ осилиб турди-да, емирилиб, ипи қолган гилам устига гупиллаб тушди. Гарри куясоҳира ўлигини қўлига олиб, челакка ташлади.

- Нима қиялпсан, Фред? - қулоқни битказиб юборгудай қичқирди миссис Уэсли, - Тез заҳарла-да, челакка ташла уни!

Фред халос бўлишга уринаётган куясоҳиралардан бирини бош ва кўрсаткич бармоғи билан маҳкам ушлаб олибди.

- Хўп бўлади, ойи, - қувонч-ла бақирди у, ҳашаротнинг башарасига дори сепиб.

Лекин Фред ойиси тескари қараши билан ҳушсиз ҳашаротни киссасига яширди.

- Куясоҳира захри воситасида бадният газакларимиз билан тажриба ўтказмоқчимиз, - аста пичирлаб тушунтириш берди Жорж.

Бурнининг рўпарасига келиб қолган иккита куясоҳирани юксак маҳорат-ла бир ёқли қилган Гарри Жоржнинг олдига аста келиб, оғзининг бир чети билан паст овозда сўради:

- Бадният газак, деганинг нима?

- Ширинликлар туркуми. Есанг касал бўлиб қоласан, - пичирлади Жорж, орқа ўгириб турган ойисини диққат билан кузатишини қўймай, - Чиндан касал бўлмайсан-у, дарсдан жавоб сўраб чиқиб кетиш учун етарли бўлади. Фред иккаламиз ёз бўйи ўша газак устида ишляпмиз. Икки тусли сақичга ўхшайди. Чунончи, қайт қилдириш чаноғини олайлик. Унинг тўқ сариқ қисмини обдан чайнасанг, кўнглинг айнийди. Ўқитувчи сени дарсдан чиқариб, қасрнинг касалхона жойлашган қанотига йўллаши билан чаноқнинг бинафша ранг қисмини чайнайсан...

- «Ва соғлигинг шу заҳоти тикланади. Натижада, дарсда, ўларча зерикарли ва бефойда ўтадиган бутун бир соатни ўзинг билганча эркин ўтказишинг мумкин». Ҳар қалай реклама варақаларида биз шундай деб ёздик, - пичирлаб, қўшимча қилди Фред.

У миссис Уэсли кўрмайдиган жойга астагина ўтиб, киссасини гиламга тушган куясоҳира ўлигига тўлдириб олди-да, Гаррининг олдига қайтиб, фикрини давом этди:

- Фақат ўша газаклар устида яна бироз ишлаш керак бўлади. Ҳозирча қайт қилишдан ўзини тўхтата олмайётган синовчиларга чаноқнинг бинафша ранг қисмини чайнаш учун вақт оралиғи камлик қиялпти.

- Синовчиларинг ҳам борми?

- Ҳа, бор. Ўзимиз, - деди Фред, - Маҳсулотларимизни навбат билан синовдан ўтказяпмиз. Жорж ҳушдан кетиш бодроқларини еб кўрди. Сўнг иккаламиз бурундан қон чиқариш ёнғоққолвасини едик...

- Ойим дуэль жангига тушганимизда айблаб, тинчлик бермади, - маълумот берди Жорж.

- Бундан чиқди, кулгили моллар дўконини очиш фикридан қайтмабсиз-да, а? - паст овозда ғудуллади Гарри, гўё қўлидаги шишани тўғрилайётган бўлиб.

- Ҳозирча, дўкон учун бўш хона топа олмаяпмиз, - жавоб берди Фред, пешонасини артганча, янгитдан ҳужумга киришган миссис Уэслидан кўзини узмай, - Шу боис, почта каталоги орқали

ишляпмиз. Ўтган ҳафтада эса «Башорат-у, каромат газетаси»да эълон бердик.

- Буларнинг бари сенинг шарофатинг билан, дўстим. Хижолат бўлма, ойим ҳеч нарсани билмайди. Сен билан Дамблдор ҳақида турли уйдирмалар ёза бошлагани учун «Башорат-у, каромат газетаси»ни ўқимай қўйган.

Гарри кулиб қўйди. Уч сеҳргар беллашувидан сўнг, минг галлеон мукофотини кулгили моллар дўконини очишдек ушалмас орзуларини ҳаётга татбиқ этишлари учун эгизаклар қўлига деярли куч ишлатиб ушлатиб қўйганини эслаш мароқли кечди. Айниқса, бу гаплардан миссис Уэслининг беҳабарлиги янада қувонч бағишлади. Миссис Уэслининг тасаввурида кулгили моллар дўкони эгизакларининг келажагидай жиддий масалага дахл қилмайди.

Меҳмонхона пардаларини декуясоҳиразация қилиш тадбирлари куннинг биринчи ярмини эгаллади. Тушлик вақти етгач, миссис Уэсли ниҳоят юзига ўраган шарфни ечиб креслога ўтирди-да, қичқирганча, ўлик каламушлар солинган қоп устидан шу заҳоти ирғиб турди. Кўп соат дори пуркалган нам пардалар энди ёнғилламай, ҳаракатсиз, тек осилиб турибди. Полда куюсоҳира ўлигига тўла челақ, ёнида эса Маймоқоёқ ҳидлаётган, эгизаклар эса шаҳвоний қараб турган қора пиллага тўла тоғора турибди.

- Анали билан тушлиқдан сўнг шуғулланамиз, шекилли, - деди миссис Уэсли каминнинг икки томонидаги чанг қоплаган ойна эшикли жавонларни кўрсатиб.

Жавонлар турли-туман буюмларга тўла. Улар орасида занг босган ханжарлар тўплами, аллақандай тирноқлар, ҳалқасимон ўралган илон пўсти, сиртидаги ёзуви ўймакорлик усулида ишланган бўлиб, тушуниб бўлмайдиган тилда битилган, вақт ўтиб хиралашиб кетган кумуш қутилар, бўғзи тор, қопқоғи опалдан тайёрланган чиройли биллур кўза кўринмоқда. Кўза ичидаги қип-қизил суюқлик одам қони эканлигига Гарри шубҳа қилмади.

Пастда яна эшик қўнғироғи ва миссис Блэкнинг айюҳанноси эшитилди. Болалар миссис Уэслига юзланди.

- Шу ерда қолинг, - деди у, қатъий оҳангда, каламуш ўлиги солинган қопни қўлига олиб, - Сэндвич тайёрлаб келаман. *(Сэндвич – икки бўлак нон орасига, одатда, гўшт ёки бошқа масаллиқ жойланиб тайёрланадиган бутерброд тури).*

У хонани тарк этиб, эшикни ёпиб кетди. Ҳамма шу заҳоти, ташқарида ким турганини кўриш учун деразага ташланди. Бўсағада кимнингдир малла соч боши ва қўлида тутган қозонлар пирамидаси тебраниб тургани кўринди.

- Мундугнус! - хитоб қилди Гермiona, - Қозонларини нимага кўтариб келди бу ерга?

- Уларни ишончлироқ жойга яшириб қўйишни ният қилган кўринади, - тахмин қилди Гарри, - Мени кузатиш ўрнига мана шу қозонлар билан банд бўлиб юрмаганмиди у? Қозон савдосига кетиб қолган эди-ку, шундайми?

- Тўппа-тўғри! - деди Фред, ўйнинг кириш эшиги очилиб, Мундугнус кўзга кўринмай қолгач, - Унинг нияти ойимга ёқмаслиги аниқ...

Миссис Блэкнинг қичқириқлари тингач, эгизаклар эшик олдида бориб, даҳлизда ўтаётган суҳбатга қулоқ тутишди.

- Мундугнус Сириус ва Кинсли билан суҳбатлашмоқда, - ғудуллади Фред, қулоғига зўр берганидан пешонаси тиришиб, - Яхши эшитилмаяпти... пинҳонқулоқ ишлатишга таваккал қиламизми, а?

- Тўғри айтасан. Ҳозир юқорига кўтарилиб, бир жуфтини олиб келаман...

Лекин пинҳонқулоққа эҳтиёж йўқлиги шу заҳоти аён бўлди. Миссис Уэсли нима ҳақда дод солаётгани шундоқ ҳам аниқ эшитилмоқда.

- БУ ЕР ЎҒИРЛАНГАН МОЛ БОЗОРИ ЭМАС!

- Ойим бошқаларга бақирганини эшитсам, қалбим ёришиб кетади, - деди Фред, мамнун иршайганча, эшикни қия очиб, - Бирам завқли хилма-хилликки, қўяверасиз.

- ... МИСЛИ ЙЎҚ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК, ХУДДИ ЎҒИРЛАНГАН ҚОЗОНЛАРНИ УЙГА КЕЛТИРИБ,

САҚЛАШДАН БОШҚА ҚИЛАДИГАН ИШИМИЗ ЙЎҚ...

- Аҳмоқлар. Ойимнинг жағини очиб қўйишди. Энди куни билан бақриб юради, - бош чайқади Жорж, - Уни ўз вақтида тўхтатиб қолиш керак. Умуман айтганда, анчадан буюн Мундугнусдан аламини олишга баҳона топа олмай юрган эди. Навбатчилик постидан кетиб қолганини ҳеч унута олмаяпти... Ана, Сириуснинг онаси ҳам ойимга жўр бўлди...

Миссис Уэслининг қичқириқларини портретларнинг афғонлари босиб юборди. Жорж эшикни ёпиб қўймоқчи бўлган пайтда меҳмонхонага, яғири чиққан сон боғичини ҳисобга олмаганда, мутлақо яланғоч уй эльфи суқилиб кирди.

Эльф шу қадар кексаки, танасининг тери қопламаси ўзига катталик қилаётган сингари кўринади. Бошқа эльфлар каби, у ҳам кал, лекин кўршапалакнинг қулоғига ўхшаш катта қулоқларининг ичидан узун оқ туклар тутами ўсиб чиққан. Бундан ташқари, у, майда қон томирлари яққол кўриниб турган серсув кўзи ва чўчқанинг тумшугига ўхшаб кетадиган бурни билан элатдошларидан ажраб турар экан.

Махлуқ худди ҳеч кимни кўрмаётган каби, Гаррига ҳам, бошқа болаларга ҳам эътибор қаратмай гандираклаганча, хирилдоқ овози билан алланима ҳақида тўхтамай ғудуллаб, хонанинг нариги бурчагига равона бўлди. Унинг овози нимаси биландир буқа-қурбақа чиқарадиган товушга ўхшаб кетмоқда. *(Буқа-қурбақа (Rana catesbiana), асл қурбақалар оиласига мансуб, Rana турининг энг йирик вакилларида бири саналадиган, сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшайдиган қуйруқсиз ҳайвон. Танасининг узунлиги 20 см, вазни 600 граммга етади. Шимолий Америкада кенг тарқалган бўлиб, Жанубий Америка ва Японияга олиб кирилган. Буқа-қурбақанинг эркаги маъраганга ўхшаш овоз чиқаргани учун ҳам, унга шундай ном берилган).*

- ... оқава суви туриб қолган зовурдай сасийди-я... турган-битгани ўғри... Бири иккинчисидан қолишмайди, қадрдон соҳибамнинг уйига ҳаромзодаларини етаклаб келган анави рўдапо сотқин сигир ҳам ҳамма жойни расво қилди... Оҳ, бечора соҳибам, соҳибам, кунлар ўтиб, ушбу муқаддас хонадонда кимлар кўним топишини билганда борми, кекса Тараққосни нималар деб сўккан бўлар эди-я... Оҳ, қандай шармандалик, қандай иснод, маглвачалар, насли бузуклар, махлуқ тусига кирадиганлар, ўғрилар, ҳаромилар... бечора қари Тараққос нима ҳам қила олади...

- Салом, Тараққос, - баланд овозда сўрашди Фред, эшикни қарсиллатганча ёпиб.

Уй эльфи жойида тек қотиб, ғудуллашини бас қилди-да, ҳайрон бўлгандай сохта сесканиб қўйди.

- Тараққос ёш хўжайинни пайқамай қолибди, - деди у, Фред томон ўгирилганча ва кўзини гиламдан узмай: - Ишимизга хоинлик қилган каснинг жирканч боласини, - деб ғудуллаб қўйди.

- Нима дединг? - сўради кўзи катта очилиб кетган Жорж, - Охири айтган сўзларингни яхши эшитмай қолдим.

- Тараққос айтарли ҳеч нима дегани йўқ, - жавоб қайтарди эльф, Жоржга таъзим қилиб ва паст овозда: - Мараз эгизи ҳам шу ерда эканда. Бир жуфт сассиқ мартишкалар, - деб қўшиб қўйди. Гарри кулишини ҳам, куйишини ҳам билмай қолди. Эльф қаддини ростлаб, ҳаммага дарғазаб нигоҳи ила назар солиб чиқди-да, афтидан, ҳеч ким унинг сўзларини эшитмаётганига ишончи комил бўлди шекилли, давом этди:

- ... аҳа, анави жирканч, муттаҳам маглвачча қиз ҳам шулар билан. Худди унга, ушбу хонадонда бўлиши табиий ҳолдай чақчайиб турибди. Соҳибам билганида борми, бечоранинг кўзидан дув-дув ёш оққан бўлар эди. Яна қандайдир янги бола пайдо бўлибди. Тараққос унинг исмини билмайди. Унга нима керак экан бу ерда? Тараққос билмайди...

- Танишиб ол, Тараққос, бу Гарри, - иккиланиб таништирди Гермiona, - Гарри Поттер.

Эльфнинг хира кўзи катта очилиб, янада дарғазаб оҳангда, тез ғудуллай кетди:

- Маглвачча Тараққос билан худди эски қадрдонлардай гаплашади-я. Соҳибам Тараққосни бундай даврада турганини кўрганида борми, нималар деб ҳақорат қилган бўларди-я...

- Маглвачча дема уни! - баралла қичқирди Рон билан Жинна нафрат тўла оҳангда.

- Ҳеч қиси йўқ, - пичирлади Гермiona, - У жуда кекса, ақли бироз ноқис бўлиб қолган, ўзи билмайди нима деётганини...

- Ўзингни ўзинг алдама, Гермiona. У жуда яхши билади нима деётганини, - гапни бўлди Фред Тараққосга ўқрайиб.

Гаррига бақрайиб қолган Тараққос ғудуллашини қўймади:

- Наҳотки бу рост бўлса, наҳотки бу ўша Гарри Поттер бўлса? Тараққос боланинг пешонасидаги чандиқни кўриб турибди. Демак рост. Бу ўша, Ёвуз Лордга халал берган бола. Қизиқ, гўдак бўла туриб қандай уддалади экан...

- Бу ҳаммага қизиқ, - гапни бўлди Фред.

- Умуман айтганда, сенга нима керак ўзи бу ерда? - қизиқди Жорж.

Эльф йирик кўзини Жоржга қаратди.

- Тараққос уй йиғиштиряпти, - муҳмал қилди у.

- Янги эртак, - деди Гаррининг ортидан эшитилган овоз.

Эшик кесақисига суюниб олган Сириус эльфга ҳазар-ла қараб турибди. Даҳлиздаги шовқин тинган. Афтидан, Мундугнус билан миссис Уэсли ўз машмашаларини ошхонага кўчириб ўтказишган кўринади. Сириусни кўрган Тараққос яшин тезлигида таъзим қилиб, тумшуғини чанг гиламга тиради.

- Тўғри тур, - амр қилди Сириус, - Гапир, нимани ният қилиб юрибсан?

- Тараққос уй йиғиштиряпти, - такрорлади эльф, - Тараққос ҳаётининг асосий мазмуни – қадимий ва асилзот Блэклар хонадонига хизмат қилишдир...

- Айнан шу сабаб асилзот хонадон баттар кир бўлиб кетмоқда, - гапни бўлди Сириус, - Ва кун сайин ифлос молхонага айланиб бормоқда.

- Соҳиб жуда ҳазилкаш, - боз таъзим қилди эльф ва паст овозда қўшиб қўйди: - Соҳиб онасининг юрагини чилпарчин қилган кўрнамак чўчқа...

- Онамда юрак бўлмаган, - муздай оҳангда жавоб қайтарди Сириус, - Юрак ўрнида қаҳр бўлган. Тараққос таъзим қилиб, нафрат-ла овоз чиқарди:

- Қадрли соҳиб нима деса, шу, - ва паст овозда давом этди: - Соҳиб ўз онасининг пойафзалига теккан чангни артишга муносиб эмас. О, бечора соҳибам, Тараққос нонкўр фарзандга хизмат қилишга мажбур бўлаётганини кўрса, нималар деган бўлар эди-я...

- Такрор сўраяпман, нимани ният қилиб юрибсан? - эльфининг ғудуллашини бўлди Сириус, - Ҳар сафар, гўё уй йиғиштириб юргандай бўласан-у, биз ташлаб юбормаслигимиз учун ниманидир ўз хонанга кўтариб кетасан.

- Тараққос соҳиб уйдаги бирон-бир буюмни қонуний жойидан олиб кетишга ҳеч қачон журъат этмайди, - эҳтирос-ла хитоб қилди эльф ва тез гуврана кетди: - Етти асрдан буён уйда сақланган гобеленни мана булар ташлаб юборадиган бўлса, соҳибам Тараққосни у дунё-ю, бу дунё кечирмагай. Бундай буюмларни сақлаб қолиш Тараққос зиммасидаги бурчдир. Тараққос соҳибга ҳам, ҳаромзодаларга ҳам, жирканч насли бузукларга ҳам талон-торож қилишга...

- Ниятинг борасида шубҳа қилмаган эдим, - деди Сириус орқа деворга ўгирилиб, - Ишончим комилки, бунга ҳам Елим кўчмас афсуни қўлланилган. Ҳа, ойижоним-а! Имкон топилиши билан ушбу гобелендан халос бўламан. Боравер, Тараққос.

Буйруққа итоат қилишга мажбур Тараққос хонани тарк этиб, соҳибига нафрат-ла қарар экан, гувранишини қўймади:

- ... ўзи ҳозиргина Азқабандан қайтган бўлса-ю, Тараққосга буйруқ беришини қаранг... Оҳ, бечора соҳибам, соҳибам... уйи нимага айланиб кетаётганини кўрса, нималар деб сўккан бўлар эди-я...

Насли бузуклар кўчиб кириб, бойликларимизни улоқтириб юборишяпти... Анави эса энди соҳибамнинг ўғли эмас. Соҳибам уни оқ қилган. Айтишларига қараганда, у қотил ҳам эмиш...

- Ортиқча вайсайдиган бўлсанг, чиндан ҳам эльф қотилига айланаман! - дарғазаб бақирди Сириус,

Тараққоснинг ортидан эшикни қарсиллатиб ёпиб.

- Сириус, эътибор қаратма, илтимос. У қариб, мияси айниб қолгани кўриниб турибди-ку, - деди Гермiona ўтинч оҳангида, - Назаримда, хаёлдан ўтказаетган гапларини талаффуз қилаётгани-ю, унинг сўзлари бизга эшитилаётганини идрок этмаяпти.

- Ойимнинг портретлари берган ақлга сиғмас буйруқларни бажарганча, ўзи билан ўзи гаплашиб юриб, фавқулодда кўп яшаб юборгани тўғри, - деди Сириус, - Бироқ у доимо жирканч, пакана...

- Агар уни ҳурриятга қўйиб юборсанг, - деди руҳланиб кетган Гермiona, - Балким ўшанда...

- Уни қўйиб юбора олмаймиз. Негаки у, Орден ҳақидаги гаплардан ҳаддан ортиқ хабардор, - гапни бўлди Сириус, - Иккинчидан, агар уни ҳурриятга чиқарадиган бўлсак, руҳий изтиробдан ўлиб қолади. Уйни тарк этишни унга ўзинг таклиф қилиб кўр, ана ўшанда сўзларингга қандай муносабат билдириши, қайтарадиган жавобини билиб оласан.

Сириус Тараққосни ташвишга солган гобелен рўпарасида туриб қолди. Гарри ҳам, қолганлар билан биргаликда Сириуснинг атрофига йиғилди.

Гобелен ниҳоятда эскириб, ранги ўчиб кетган, куюсоҳиралар деярли еб тугатган. Шундай бўлса-да, зар ипаклари етарлича ярқираб, унда акс эттирилган, ўрта асрлардан бошланаётган кўламдор шажарани ўқиб олса бўлади. Юқори қисмида йирик ҳарфлар билан ёзув битилган:

Қадимий ва асилзот Блэклар хонадони

«Абадий тоза қон»

- Сени кўрмайман! Исминг акс эттирилмаган! - деди Гарри, шажарани диққат билан ўрганиб чиқиб.

- Илгари бўлган, - деди Сириус, худди сигарета билан биров куйдириб тешгандай куйган нуқтани кўрсатиб, - Уйни тарк этиб, қочиб кетганимдан сўнг, ойим мени юрагидан ҳам, шажарадан ҳам куйдириб йўқотган. Айтгандай, буни Тараққосдан сўрасанг, чиройли қилиб айтиб беради.

- Уйдан қочиб кетгансан?

- Ёшим ўн олтига етган эди ўшанда, - деди Сириус, - Бу уйда яшаб, кўрган нарсаларим етарлигини тушуниб етдим.

- Қочиб қаёққа бординг? - сўради, бақрайган қолган Гарри.

- Отаннинг уйига, - жавоб берди Сириус, - Раҳматли бувинг билан буванг менга ниҳоятда меҳрибон бўлишган. Ўғил қилиб олишган, десам муболаға бўлмайди. Ёзги таътилни уларникида ўтказдим. Ўн етти ёшга тўлгач, ўзимга уй топдим. Альфарда амаким менга каттагина мерос қолдириб кетган эди. Қара, уни ҳам бу ердан йўқ қилишган. Афтидан, айнан шу иши учун бўлса керак. Нима қилганда ҳам, ўзимга хон, ўзимга бек бўлиб қолдим. Мистер ва миссис Поттерларнинг якшанба кундаги тушлик дастурхони атрофида менга доимо жой топилар эди.

- Нима учун сен?...

- Уйни тарк этдинг? - саволни охирига етказди Сириус, табассум-ла, бармоқларини сочининг орасига суқиб, - Чунки уларнинг ҳаммасини ёмон кўрар эдим. Ота-онамнинг қон тозалигига оид васвос гаплари, «Блэк» деярли «Қирол», деган маънони англатишига комил ишонч билдиришлари, аҳмоқ укамнинг, мана у, ушбу гапларга лаққа тушиб юриши жонга тегди.

Сириус шажаранинг энг пастки қисмидаги «Регулус Блэк» исмига бармоқ тақади. Туғилган санасидан кейин ўн беш йил олдинги вафотининг санаси ҳам кўрсатиб ўтилган.

- У ёш, ота-онам учун, иккаласи менга муттасил таъна қилишгандай, муносиб ўғил бўлган, - давом этди Сириус.

- Бироқ у вафот этибди-ку, - деди Гарри.

- Ҳа, - бош ирғиди Сириус, - Айтдим-ку, аҳмоқ бўлган, деб. Ўлимдан мириқувчиларга қўшилиб кетди. Ит қисматига ит ажали ёзилган. У ҳам итдай ўлим топди.



- Бўлиши мумкин эмас!
- Қўйсанг-чи, Гарри! Бу ерда кўраётганинг камлик қияпти-ми? Ота-онам қанақанги сеҳргар бўлишганини тушуниб етмадинг-ми?
- Ота-онанг... улар ҳам Ўлимдан мириқувчи бўлишганми?
- Йўқ, бўлишмаган, бироқ Вольдеморт томонидан илгари сурилган ғояларни маъқул топишган. Улар ҳам сеҳргарлар ирқини тозалаш, маглар оиласида туғилган сеҳргардан халос бўлиш, ҳукуматни фақат асилзот сеҳргарлардан ташкил топтириш тарафдори бўлишган. Умуман айтганда, Вольдемортнинг асл башараси фош бўлгунча, унинг ғоялари кўп жиҳатдан тўғри, деб топганлар орасида ота-онам ёлғиз бўлишмаган. Кейинчалик, Ёвуз Лорд ҳукуматни қўлга киритишига бир баҳя қолгандагина кўпчилик қатори қўрқиб кетишган. Лекин ишончим комилки, ота-онам Регулюсни Вольдемортга қўшилиб кетгани учун ҳақиқий қаҳрамон, деб билишган.
- Уни аврорлар ўлдиришди-ми? - тортиниб сўради Гарри.
- О, йўқ, - жавоб берди Сириус, - Уни Вольдеморт ўлдирди. Ёки унинг амрига биноан бошқа биров ўлдирган. Регулюс у қадар муҳим шахс бўлмаган-ки, Вольдеморт уни шахсан ўзи ўлдирса. Ўлимнинг сабабини қўлдан келганча ойдинлаштиришга уриниб кўрдим. Фикримча, укам гуноҳларга анчагина ботиб кетган. Вақт ўтиб, ундан яна нималар талаб қилинишини тушуниб етиб, саросимага тушиб қолганча, ўйиндан чиқишга уринган. Бироқ Вольдеморт ҳеч кимни ишдан бўшатмайди. Унга ё бир умр хизмат қилиш керак, ё ўлиб қутулиш керак. Укам буларнинг ҳаммасини жуда яхши билган.
- Тушлик, - янгради миссис Уэслининг овози.
- Сеҳрли таёқчасини баланд кўтариб олган, ҳанузгача қип-қизил юзида дарғазаб қиёфа сақланиб қолган миссис Уэсли сэндвич билан пирожнийга тўла патнисни ҳавога кўтарганча, бошқариб келмоқда. Қувониб кетган болалар егуликка ташланди. Лекин Гарри гобеленга термилиб турган Сириуснинг ёнида қолди.
- Уни анчадан буён кўриб чиқмаган эдим... Мана бу Пиний Нигеллий, кўряпсан-ми?... бобокалоним бобокалонининг бобокалони... «Хогварц» директорлари орасидаги энг ёмони бўлган... Мана буниси Арамина Мелинорма... оймнинг тоғаваччаси... магл овига рухсат берилишига доир қонун лойиҳасини вазирлик муҳокамасига ҳавола этишга уриниб кўрган... суюкли Эллadora холам... ўй эльфларининг бошини чопишдек ажойиб оилавий аънанани айнан шу аёл бошлаб берган. Эльф қариб, патнисдаги чойни келтиришга ярамай қолса борми, тамом, боши кесиб олиниб, зинапоя панжараси устидаги безак ликопларидан бирига қўйилади... Оиламизда хушхулқ одамлар ҳам туғилган, албатта. Бироқ қавм-қариндошлар бундайлардан тез юз ўгиришар эди. Масалан, Бомс, бу ерда акс эттирилмаган. Шунинг учун бўлса керак, Тараққос унга итоат қилмайди. Аслида эльф оиламизнинг барча аъзоларига бўйсунуши керак...
- Бомс қариндошинг бўладими?
- Ҳа, унинг онаси Андромеда менинг суюкли холаваччам, - тасдиқлади Сириус, кўзини гобелендан узмай, - Айтгандай, уни ҳам бу ердан олиб ташлашибди, мана қара.
- Сириус «Беллатрикс» ва «Нарцисса» ёзувлари орасидаги куйдирилган тешикни кўрсатди.
- Бироқ опа-сингилларининг номлари ўз жойида қолган. Улар Андромедадан фарқли ўлароқ тўғри мулоҳазали бўлиб, асилзот сеҳргарларга турмушга чиқишган. Бечора Андромеда эса маглар оиласида туғилган сеҳргар Тэд Бомсни севиб қолган ва табиийки...
- Сириус худди гобеленни сеҳрли таёқчаси билан куйдириб тешаётган бўлиб, кулиб юборди. Гарри эса кулишни истамади. У Андромеда ўрнидаги тешиқдан ўннга, Нарцисса Блэкини Люциус Малфой билан боғлаб турган бир жуфт тилла тусли чок ва улардан пастга тушиб, «Драко» исми билан яқунланган битта чокка қараб қолди.
- Малфойлар ҳам қариндошинг бўладими?
- Асилзот сеҳргарларнинг ҳаммаси бир-бирига қариндош, - елка қисди Сириус, - Агар

фарзандларинг фақат асилзот сеҳргарлар билан турмуш қуриши шарт бўлса, танлаш имконияти ниҳоятда чекланган. Жуда озчилик қолганмиз. Масалан, Молли иккаламиз амакиваччамиз. Артур ҳам икки-уч қорин нари қариндошим бўлади. Бироқ уларни мана бу шажарада қидириб топа олмайсан. Агар «насли бузуқ сеҳргар» тушунчаси чиндан ҳам бўлса, Уэслилар оиласи ўшандай сеҳргарлар тоифасига киради.

Бироқ Гарри энди Андромеда ўрнидаги тешиқдан чапга, Беллатрикс Блэки Родольф Лестранг билан боғлаб турган бир жуфт тилла тусли чокка қараб қолди.

- Лестранг, - деди Гарри хотирасига зўр бериб.

Қаердадир эшитган бу фамилияни. Ҳеч эслай олмаяпти. Нима қилганда ҳам, ушбу фамилия яхши хотира билан боғлиқ эмаслиги аниқ.

- Иккаласи ҳам Азкабанда, - узуқ-юлуқ маълумот берди Сириус.

Гарри Сириусга қизиқсиниб қаради.

- Беллатрикс ва Родольфни ёш Сгорбс ва Родольфнинг укаси Рабастан билан бирга қамашди, - деди Сириус одатий лоқайд оҳанги билан.

Ана шундагина Гаррининг эсига тушди. Уларни Дамблдорнинг хонасида турадиган, директорнинг хотиралари сақланадиган ғалати асбоб – дамблхотира чаноғида кўрган. Ўшанда суд залининг бурчагидаги эшик очилиб, олтита дементор тўрт кишидан иборат маҳбуслар гуруҳини олиб кирган эди. Гарри, маҳбуслардан бирининг нигоҳи бўм-бўш, бақувват киши, иккинчиси озғин, нисбатан безовта эркак, учинчиси йирик қовоқли, қалин сочи қоп-қора, худди тахтга ўтирган каби, виқор-ла креслога жойлашиб олган аёл, тўртинчиси эса даҳшатдан серрайиб қолган ёшгина йигитча эканлигини кўрган эди. Суд ниҳоясида йирик қовоқли маҳбуса: «Ёвуз Лорд яна бош кўтаради. Биз уни кутамиз! У олдинги ҳолатидан ҳам буюк, янада даҳшатли ҳолатда қайтади ва бизни, энг садоқатли хизматкорларини муносиб тақдирлайди! Зеро, фақат биз унга содиқ қолдик! Фақат биз уни қидириб топишга уриндик!» - деб қичқирган эди.

- Беллатрикс сенга қариндош бўлишини ҳеч айтмаган эдинг...

- У менга қариндош эканлиги бирон-бир аҳамиятга эгами? - ўшқирган бўлди Сириус, - Мен ўз оиламдан воз кечганман. Айниқса, Беллатриксдан. Ёшим сендай бўлганидан буён кўрмаганман уни, агар Азкабанга олиб келишганида бир лаҳза давомида кўрганим ҳисобга олинмаса, албатта. У билан қариндошлигимдан ғурурланаётганим йўқ, агар сен шундай хаёлга бораётган бўлсанг.

- Узр, Сириус, - шошиб қолди Гарри, - Мен бундай хаёлга... кўриб ҳайрон бўлдим холос...

- Қўйсанг-чи, кечирим сўрайдиган гап бўлгани йўқ, - ғудуллади Сириус, гобеленга тескари қараганча, қўлини чўнтакка солиб, - Мен бу ерда ўзимни жуда ёмон ҳис этяпман. Бу уйга яна қайтаман, деб ҳеч ўйламаган эдим.

Гарри Сириусни жуда яхши тушунди. Улғайиб, энди қутулдим деб ўйласа-ю, тақдир тақозоси билан яна ўша Одамовилар хиёбонида яшашга мажбур бўлса, ўзини қандай ҳис этишини ниҳоятда аниқ тасаввур қилиб кўрди.

- Орден қароргоҳи бўлиши учун бу уй беназир жой, албатта, - деди Сириус, - Дадам, уни фараз қилиб бўладиган ва бўлмайдиган усуллар қўллаб ҳимоя қилиб ташлаган. Ичкарига кириш осон кечмайди. Уй маглардан, худди улар бу ерга киришга қоши учиб тургандай, жуда ишончли ҳимояланган... Энди эса дадам қўллаган усулларга Дамблдорнинг муҳофазаси қўшимча қўлланилгач, бутун Ер юзида бу ердан ҳам хавфсиз жой топилиши қийин. Дамблдор Орденнинг Сир сақловчиси бўлиб олган. Токи Дамблдорнинг ўзи манзилни айтмас экан, ҳеч ким бу ўйни топиб кела олмайди. Кеча сенга Хмури кўрсатган қоғозга битилган манзилни Дамблдор ўз қўли билан ёзган... Уйдан қандай мақсадда фойдаланилаётганини ота-онам билишганида эди... - хандон отди у, - Қолаверса, ойимнинг портрети билдирган фикр-мулоҳазаларни ўзинг эшитдинг ва бу масалада муайян тасаввурга эга бўлиб олдинг. Шундай экан...

Сириус қовоғини солганча, бироз жим турди-да, чуқур хўрсиниб, давом этди:

- Қани энди вақти-вақти билан ташқарига чиқиб, бирон-бир фойдали иш қилсам. Биласанми, ишинг интизомий жиҳатдан кўриладиган куни сен билан бирга бориш учун Дамблдордан ижозат сўрадим. Дайди қиёфасига кириб олган ҳолда, албатта. Сени маънан қўллаб-қувватлаб туриш керак-ку, ахир. Нима дейсан?

Гаррининг юраги қорин бўшлиғига, аниқроғи мана бу чанг босган гилам орқали пастки қаватга юмалаб тушгандай бўлди. Кеча оқшомдан буён иши интизомий жиҳатдан кўрилишини бирор маротаба бўлсин, эсга олмай, ўзи суйган одамлар орасига боз қайтгани, бир олам янгиликлардан бохабар бўлганидан жуда хурсанд бўлиб юрган эди. Сириуснинг сўзларини эшитиб, вужудини дилгир даҳшат яна қамраб олди. У иштаҳа билан бутерброд кавшаётган Гермiona ва ака-ука Уэслиларга қарар экан, уларни «Хогварц»га кузатиб, ўзи қоладиган куни нималарни ҳис этишини фараз қилиб кўрди.

- Қўрқма, - деди Сириус.

Гарри кўзини кўтариб, Сириус уни диққат билан кузатиб турганини тушунди.

- Ишончим комилки, - давом этди Сириус, - Ўша Бутун Жаҳон Сеҳр-жоду Конфедерациясининг Махфийлик Мақомида, болага, ўзини ўзи оқилона мудофаа қилиш мақсадида сеҳр қўллаш имкони кўзда тутилган бирорта банд бўлиши керак.

- Шунга қарамай, бари-бир мен мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлатилсам, сен билан шу ерда қолишим мумкинми?

Сириус маъюс кулиб қўйди.

- Кўрамиз.

- Дурсллар ўйига қайтмаслигимни аниқ билсам, муҳокама давомида ўзимни анча дадил тутган бўлар эдим, - сабот-ла кўндиришга уринди Гарри.

- М-ҳа... Шу ерда-ки, яшашга рози экансан, қанақанги одамлар экан-а, ўша Дурсллар? - деди Сириус, ғамгин оҳангда.

- Ҳой, иккалангиз! - овоз кўтарди миссис Уэсли, - Вайсаб ўтирадиган бўлсангиз, қорин-хуржунингиз бўш қолади.

Оғир хўрсиниб қўйган Сириус яна бир бор гобеленга қараб қўйгач, Гарри билан бирга бориб, қолганларга қўшилди.

Тўшлиқдан сўнг, ойна эшикли чанг қоплаган жавонларни тозалаш давомида, Гарри, муҳокама ҳақида имкон қадар ўйламасликка уринди. Хайриятки, жавон тозалаш ишлари ундан хаёлни бир жойга йиғиб олишни тақозо этди. Аксарият буюмлар ўрганган жойини тарк этишни мутлақо истамади. Қадимий тамакидонлардан бири Сириуснинг қўлини қаттиқ тишлаб олди. Бир неча сония ўтар-ўтмас, қўлини жигар ранг камбар қўлқопни эслатадиган ёқимсиз қарсилдоқ пўстлоқ қоплади.

- Қўрқинчли жойи йўқ, - деди Сириус, қўлини сеҳрли таёқчасини ишлатганча, меъёрий ҳолатга келтиришдан олдин тери қопламасини диққат билан ўрганиб чиқиб, - Афтидан, тамакидонга сўгал кукунни билан ишлов берилган кўринади.

Сириус тамакидонни чиқинди ташлаш қопига улоқтирди. Бир-икки дақиқа ўтгач, Гарри, қўлига латта ўраб олган Жорж, ушбу тамакидонни куясоҳирага тўла киссасига базўр тиқиб, бекитганини кўриб қолди.

Бироздан сўнг, улар кўп оёқли қисқичга ўхшаш, кўриниши жуда хунук кумуш асбобга рўбару бўлишди. Гарри уни эндигина қўлига олмоқчи бўлган эди ҳам-ки, асбоб сакраб боланинг қўлига ёпишиб олди-да, тишлаб, терисини тешиб юборишга уринди. Хайриятки, Сириус уни вақтида тортиб олиб, «Асилзотлик сарчашмаси: сеҳргарлар шажараси» деб номланган вазмин китоб билан қаттиқ уриб, мажақлаб ташлади. Шундан сўнг, турли-туман буюмлар орасидан мусиқа қутиси чиқди. Ишга туширилган ушбу қути мудҳиш жиринглаган товуш чиқариб, ҳамманинг ўйқусини келтирди. Хайриятки, Жинна қутининг қопқоғини ёпиш кераклигини англаб етди. Уйқу қочгач,

қопқоғини ҳеч ким очишга эриша олмаган оғир медальон ҳамда Сириуснинг бобоси «вазирлик олдида кўрсатган алоҳида хизматлари учун» тақдирланган биринчи даражали Мерлин ордени жойланган, сиртини қалин чанг қоплаган қути топилди.

- Бобомнинг кўрсатган хизмати вазирликка бир олам олтин буюм ҳадя этгани бўлган, - деди Сириус, башарасини буриштирганча орденни чиқинди ташлаш қопига улоқтириб.

Тараққос баъзан бировга билдирмасдан хонага кириб, бирон-бир буюмни исқирт сон боғичи орасига бекитганча, олиб кетишга уринар, бироқ ҳар сафар жиноят устида қўлга олинар экан ҳаммага мудҳиш лаънатлар ёғдириб борар эди. Сириус унинг қўлидан Блэklar хонадонининг герби тасвирланган каттагина тилла узукни тортиб олганда эса эльф дарғазаб ҳўнграб, хонадан қочиб чиқар экан, Сириусни шундай сўзлар билан ҳақорат қилдики, Гаррининг оғзи очилиб қолди.

- Дадамнинг узуги, - деди Сириус, тилла узукни яна қопга ташлаб, - Тараққос дадамдан кўра ойимга кўпроқ содиқ эди. Шундай бўлса-да, ўтган ҳафта дадамнинг шимини ўғирлаётган жойида тутиб олдим.

\*\*\*

Кейинги бир неча кун давомида болалар, миссис Уэслининг ҳушёр кузатуви остида зўр бериб ишлашди. Меҳмонхонани охиригача тозалаб, тартибга келтиришга уч кун кетди. Ниҳоят, фақат иккита номақбул буюм қолди. Улардан бири кўпчиликнинг девордан узиб олишга қаратилган бисёр чиранишига бардош берган Блэklar хонадонининг шажараси акс эттирилган гобелен бўлса, иккинчиси ҳамон гулдураётган ёзув столи. Хмури уйга келмаётгани боис, тортма ичига нима бекиниб олгани ҳанузгача номаълум қолмоқда.

Меҳмонхонадан сўнг, биринчи қаватдаги овқатланиш хонасига навбат етди. Бу ердаги жавон ичида ҳар бирининг катталиги ликопдай келадиган ўргимчаклар қўним топган экан. Чой ичкиси келиб қолган Рон шу заҳоти ошхонага тушиб кетганча, қайтиб келмади. Блэklar хонадонининг герби ва шиори билан зеб берилган чинни идишлар тўплами Сириуснинг қўлига кириши ҳамона, чиқинди ташлаш қопига тушди. Кумуш рамкаси хира тортган эски фотосуратлар қисмати ҳам шу бўлди. Рамкаларнинг ойнаси синаётган фурсатда суратдаги одамлар тасвири дод-вой солишди. Снегг ушбу тадбирни «Тозалаш ишлари», деб атаган, бироқ Гарри бу ишларни «Тараққоснинг воситачилиги ва ғаламислиги ила ниҳоятда фаол қаршилиқ кўрсатаётган уйга қарши олиб борилаётган аёвсиз кураш», деган бўлар эди. Болалар қаерда тўпланиб олишмасин, ўша жойда эльф ҳам пайдо бўладиган, чиқинди ташлаш қопига ташланган буюмларни сурбетларча ўғирлаб кетадиган, минғирлашлари эса нафсониятга қаттиқ тегадиган бўлиб борди. Тоқати тоқ бўлган Сириус эльфта кийим ҳадя этишини айтиб, дўқ-пўписа қилди. Бунга жавобан серсув кўзини лўқ қилиб қараган Тараққос «Соҳибнинг раъйи вожиб», деди-да, тескари ўгирилиб тўнғиллай кетди: «Соҳиб Тараққосни қувиб сола олмайди. Зеро, Тараққосга уларнинг бузук ниятлари маълум. Ҳа, ҳа, соҳиб ҳам, маглвачча ҳам, анави насли бузуклар ҳам, бошқа газандалар ҳам Ёвуз Лордга қарши дасисалар уюштирмоқда...»

Жаҳли чиққан Сириус, Гермионанинг эътирозларига эътибор қаратмай Тараққоснинг сон боғичидан шартта тутиб олди-да, хонадан ташқарига улоқтириб юборди.

Кириш эшигининг қўнғироғи қунига бир неча бор жиринглар, бунга жавобан миссис Блэкнинг портрети чирқирар, болалар эса ким ва нима билан ташриф буюрганини эшитиб қолишга уриниб боришар эди. Бироқ даҳлизга кўз қири билан қарашлар-у, қулоққа чалинган жумла парчалари бирон-бир маънили маълумот олиш имконини бермади. Миссис Уэслининг ҳар сафар жеркиб бериши эса болаларни ўй тозалаш ишларига қайтариб борди. Уйга бир неча бор ташриф буюрган Снегг ҳеч қачон узоқ ушланиб қолмас, бинобарин, Гарри у билан бирон мартаба бўлсин, юзма-юз келмас эди. Кунлардан бир кун, Гарри, «Гриффиндор» коллежининг мудирини, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани ўқитувчиси, магларнинг қўйлаги билан шляпасини кийиб, жуда

ғайриоддий қиёфа касб этган профессор Макгонагаллни кўрди. У ҳам жуда шошилаётгани боис, узоқ қолмади.

Меҳмонларнинг айримлари уй тозалаш ишларига яқиндан ёрдам бериб боришди. Жумладан, юқори қаватдаги ҳожатхонада ниҳоятда тажовузкор қонхўр кўршапалак топилганда Бомс ёрдамга келди. Ўша кун болаларнинг эсидан ҳеч чиқмаса керак Уйда истиқомат қиладиган, лекин Орден ишлари билан одатда, бир неча кунлаб йўқ бўлиб қоладиган Люпин полда турадиган, ёнидан ўтаётган одамларга оғир деталь улоқтириш одатини чиқариб олган баланд соатни тузатишга қарашиб юборди. Мундугнус эса Ронни қутқариб қолиб, оз бўлса ҳам, миссис Уэслининг кўзи олдида ўзини оқлаб олишга эришди. Ўшанда Рон алмисоқдан қолган аллақандай бинафша ранг коржомани кийим жавонидан чиқараётган эди. Коржома кутилмаганда Роннинг танасига чирмашиб, болани бўғиб олди.

Хуллас, уйқулари нотинч кечиб, тунги босинқираши қолмаётган бўлса ҳам, Гарри, ёз бошланганидан буён илк бор ҳаётдан завқланди. Иш билан банд экан, бола ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этар, бироқ бекор қолиши ёки чарчаб, кўрпасига кирганча, шифтда қимирлаётган ноаниқ шарпаларга қараб ётиши ҳамона, ҳимоя сустлашиб, вужудини боз ваҳима қамраб олмоқда. Мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилиши мумкинлигини ўйласа, қўрқув игна каби, танасига санчилади. Мактабдан ҳайдалиш хаёли шу қадар қўрқинчлики, ҳатто дўстлари билан ўртоқлашишга ҳам журъат эта олмаяпти. Улар эса ўз навбатида, гарчи ўзаро пичирлашганча, қараб-қараб қўяётганларини Гарри сезиб юрган бўлса-да, иш интизомий жиҳатдан кўриладиган кун ҳақида оғиз очишмаяпти. Баъзан Гаррининг кўз олдида, ғайриихтиёрий равишда, сеҳрли таёқчасини вазирликнинг аллақандай юзи кўринмаётган ходими икки бўлиб синдириб, Дурслларнинг уйига қайтишни буюраётгани келмоқда... Йўқ, нима қилганда ҳам, Гарри Дурслларнинг хонадонига қайтмайди. Қарори қатъий. У Пинҳонийлик майдонига қайтиб, шу ерда, Сириуснинг уйида яшайверади.

Чоршанба кун кечқурун, кечки овқат вақтида, миссис Уэсли Гаррига юзланиб:

- Эртага киядиган кийимингни дазмоллаб қўйдим, - деди паст овозда, - Илтимос, Гарри, бугун бошингни ювиб ол. Нима қилганда ҳам, кишини, одатда, эгнидаги кийими-ю, ташқи кўринишига қараб қарши олишади.

Гарри худди харсанг тош босиб қолгандай ҳис этди ўзини. Рон, Гермiona, Фред, Жорж ва Жинна жим бўлиб, Гаррига бақрайиб қолишди. Гарри бошини ирғиб, оғзидаги котлетни базўр чайнаб, юта олди.

- Вазирликка қандай бораман? - овқатини четга сурганча, пинагини бузмасликка уриниб сўради у.

- Артур билан бирга кетасан, - мулоим жавоб қайтарди миссис Уэсли.

Гаррининг қаршисида ўтирган мистер Уэсли далда бергандай кулиб қўйди.

- Менинг хизмат хонамда ўтириб, вақт етишини кутиб турасан, - деди у.

Гарри Сириусга юзланиб, энди оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, миссис Уэсли боланинг савол беришига йўл қўймади:

- Профессор Дамблдорнинг фикрича, Сириуснинг сенга ҳамроҳ бўлиши калтафаҳмлиқ бўлар экан. Таъкидлаб ўтишим жоизки...

- ... профессор мутлақо ҳақ, - истехзо қилди Сириус, тиши орасидан миссис Уэслининг фикрини яқунлаб.

Миссис Уэсли лабини қимтиб олди.

- Қачон айтишга улгурди? - сўради Гарри Сириусдан.

- Кеча тунда, сизлар ухлаб ётган пайтда келиб кетди, - жавоб берди мистер Уэсли.

Сириуснинг зардаси қайнаб, қўлидаги санчқини картошкага куч билан суқиб юборди. Дамблдор уйга келиб, учрашмай кетганидан ўзини янада баттар ҳис этган Гарри кўзини пастга тушириб, ликопига тикилганча қолди.

## ЕТТИНЧИ БОБ. СЕХРГАРЛИК ВАЗИРЛИГИ

Эрталаб, соат беш яримда Гарри, худди биров қулоғига овози борича қичқиргандай, уйғониб кетиб, кўзини катта очганча, бир неча сония қилт этмай ётди. Шу қисқа вақт давомида ишининг интизомий жиҳатдан кўрилиши ҳақидаги фикр-хаёллар миясининг жамики катакларини эгаллаб олишга улгурди. Вужудини зўриқтириб юборган ўйларга бардош бера олмаган Гарри, кўп ўтмай ўрнидан шартта туриб, юмалоқ кўзойнагини тақиб олди. Адёлининг оёқ томонида миссис Уэсли ювиб дазмоллаган футболка билан жинси шим ётибди. Девордаги расмининг бўм-бўш матосидан ҳиринглаган овоз эшитилди.

Белида ётиб, оёқ-қўлини ҳар томон ташлаб олган Рон оғзини катта очиб олганча, тарашадай қотиб ётибди. Гарри хонадан зина майдонига чиқиб, эшикни ёпар экан, дўсти қилт этмай ётганини кўрди. Ронни янаги сафар кўрганида иккаласи бир-бирини синфдош дея олмаслиги мумкинлиги ҳақида ўйламасликка уринган Гарри Тараққос аждодларининг кесилган бошлари ёнидан бориб, зинапоядан даҳлизга тушди, у ердан эса ошхонага йўл олди.

Айни маҳалда кимсасиз бўлса керак, деган хаёлга борган Гарри ошхонадан чиқаётган одам овозини эшитиб, эшикни очди. Ичкарида мистер ва миссис Уэсли, Сириус, Люпин ва Бомс ўтирибди. Эгнига бинафша рангли қавима халат кийиб олган миссис Уэслидан ташқари ҳамма тўлиқ кийиниб олган. Гаррини кўрган миссис Уэсли ўрнидан ирғиб турди.

- Нонушта, - деди у, сеҳрли таёқчасини қўлига олар экан, жиддий оҳангда.

- Ҳа... ҳа... хайрли тонг, Гарри, - эснади, оқ-сарик сочи фатила қиз қиёфасига кириб олган Бомс, - Яхши ухлаб турдинг-ми?

- Ҳм, - бош ирғиб қўйди Гарри.

- Мен эса тунни билан ухла-а-а-ама-а-ай, юриб чиқдим, - арз қилди Бомс, боз узук-юлуқ эснаб, - Кел, ўтир...

У стол остидаги курсилардан бирини тортиб чиқариб, табиийки, иккинчисини онтариб юборди.

- Гарри, нима ейсан? - қичқирди ўчоқ бошида ивирсиётган миссис Уэсли, - Сули бўтқами? Оладья-ми? Сур балиқми? Тухум билан бекон-ми? Тостми? (*Оладья – товада, ун билан тухум сув ёки сутда аралаштирилиб тайёрланган суюқ хамир қовурилиб пиширилган қалин нон. Оладьянинг қуймоқдан (блиндан) фарқи таркибига сода ёхуд хамиртуруш солингани боис сўлқиллаб туришидир. Тост (инг. toast) – ғовак оқ ноннинг ингичка, одатда, квадрат шаклида кесилиб, икки томони қизартириб қовурилган бўлаклари*).

- Мен... менга тостнинг ўзини берсангиз, етади, раҳмат, - жавоб қайтарди Гарри.

Люпин Гаррига қараб қўйиб, Бомсга мурожаат қилди.

- Скримж тўғрисида нима деб турган эдинг?

- А... ҳа... у билан эҳтиёт бўлиб муомала қилган маъқул. Кинсли иккаламизга ғалати-ғалати саволлар бериб юрибди...

Гарри суҳбатда иштирок этишга мажбур бўлмаганидан хурсанд. Ҳозир унинг ички аъзолари кўрқувдан тугилиб қолган. Миссис Уэсли унинг олдига мармелад билан бир жуфт тост қўйди. Бола нонуштага киришди-ю, овқат еяпти-ми, гилам кавшаяпти-ми, билмайди. Миссис Уэсли Гаррининг ёнига жойлашиб, футболкасининг ғижимланиб қолган жойини текислаб қўйгандай ўтирибди. Гарри эса ҳозир унга ҳеч ким тегмаслигини афзал кўрмоқда.

- ... эртага тунги навбатчиликка чиқа олмаслигимни Дамблдорга айтиб қўйишга тўғри келади. Мен жуда... жуда.. то-о-олиқиб кетдим, - деди Бомс, оғзини ниҳоятда катта очганча, эснаб.

- Йўқлигингни билдирмайман, - деди мистер Уэсли, - Мен ҳали чарчаганим йўқ. Шундоқ ҳам ҳисоботимни якунига етказиш билан овора бўламан...

Мистер Уэсли эгнига магларнинг нафис йўл-йўл шими билан эскириб кетган ёзги нимчасини кийиб олган. У Гаррига юзланиб, сўради:

- Ўзингни яхши ҳис этяпсан-ми?

Гарри елка қисиб қўйди.

- Ҳадемай барча ташвишлар ортда қолади, - тинчлантирган бўлди мистер Уэсли, - Бир неча соатдан сўнг, оқланасан.

Гарри индамай қўя қолди.

- Муҳокама мен ишлайдиган қаватда, Сеҳрли ҳуқуқни муҳофаза қилиш департаменти бошлиғи Амелия Боунснинг хизмат хонасида бўлиб ўтади. Сен билан савол-жавобни ўша аёл ўтказади.

- Яхши аёл у, Гарри, - деди Бомс, жиддий қиёфа касб этиб, - Адолатли. Муҳими, жавобларинг, фикр-мулоҳазаларингни охиригача эшитади.

Гарри ҳалигача нима деб жавоб беришни билмай, бошини ирғиб қўя қолди.

- Энг асосийси, қизишмасдан, ўзингни идора қилиб ўтир, - насиҳат қилган бўлди Сириус, - Одоб сақлаб, бўлган ишни бир четдан, рўйи-рост гапириб бер.

Гарри боз бош ирғиб қўйди.

- Қонун сен томонда, - аста фикр билдирди Люпин, - Ҳаёт учун хавfli вазият юзага келган фурсатда сеҳргарга, балоғатга етмаган бўлса ҳам, сеҳр-жоду воситасида ҳимояланишга йўл қўйилади.

Гаррининг бошига қандайдир совуқ нарса тегиб ўтиб, унга нисбатан яна Тиндириш афсуни қўлланиляпти, деган хаёлга борди. Кейин билса, миссис уэсли ҳўл тароқ билан саркаш сочини тарашга уринмоқда экан. У Гаррининг сочини маҳкам босиб, иложсиз сўради:

- Сочинг ҳеч текис ётадимми?

Гарри бошини силтаб қўйди.

Мистер Уэсли соатига қараб, нигоҳини Гаррига қаратди.

- Ўйлашимча, вақт бўлди, - эълон қилди у, - Ҳали эрта, албатта, бироқ бу ерда ўтиргандан кўра вазирликда кутган маъқул.

- Яхши, - деди Гарри ғайриихтиёрий равишда, қўлидаги тостни қўйиб.
- Гарри, ишлар жойида бўлади, - деди Бомс, боланинг қўлига уриб қўйиб.
- Омад ёр бўлсин, - тилак билдирди Люпин, - Ишончим комилки, ҳаммаси яхшилик билан тугайди.
- Агар яхшилик билан тугамайдиган бўлса, - деди Сириус таҳдидли оҳангда, - Ўша Амелия Боунснинг ҳузурига ўзим ташриф буюраман...

Гаррининг юзига кулги югургандай бўлди. Миссис Уэсли эса болани маҳкам қучиб олди.

- Ҳақингга дуо қилиб, бармоқларимизни чалиштириб ўтирамыз, - деди у.
- Яхши, - деди Гарри, - Хўп, майли... Кўришгунча.

Мистер Уэслига эргашган Гарри зинапоя бўйлаб юқорига кўтарилиб, даҳлизга чиқди. Парда ортида Сириуснинг онаси уйқусираб, тўнғиллаётгани эшитилмоқда. Мистер Уэсли чиқиш эшигини очгач, муздай, кул ранг тонг ҳавоси уларни қарши олди. Иккаласи майдон бўйлаб юрганча, йўлга чиқишди.

- Ишга пиёда бормайсиз-ку, одатда, шундайми? - сўради Гарри.

- Ҳа, ҳавода даф бўлиб, ишхонада пайдо бўламан, - жавоб қайтарди мистер Уэсли, - Сенга ҳавода даф бўлиш мумкин эмаслиги учун бугун ишхонага сеҳр-жоду қўлламай, магласига етиб борамиз. Муҳокамага чақирилганинг сабаблари инobatга олинadиган бўлса, бундай амал сен тўғрингда ижобий фикр шаклланишига омил бўлади...

Йўл давомида мистер Уэсли қўлини нимчасининг остидан чиқармай юрди. У сеҳрли таёқчасини ушлаб кетаётгани тушунарли, албатта. Ғарибона кўчалар деярли кимсасиз, бўм-бўш. Лекин эскириб, таъмир талаб бўлиб қолган метро станцияси гавжум экан. Мистер Уэсли, одатига кўра, кундалик ҳаёт ташвишлари билан банд юрган магларни кўриб, завқини бекита олмади.

- Ажойиб, - пичирлади у, чипта сотиш автоматига бармоқ ўқтаб, - Ақлни шоширадиган нарса экан. Зўр истеъдоди бор-да, магларнинг.

- Бузилиб қолибди, - деди Гарри, «Ишламайди» ёзуви битилган эълонни кўрсатиб.

- Шундайми... бари-бир ажойиб, - деди мистер Уэсли, кўзини автоматдан уза олмай.

Мистер Уэсли магларнинг пулини яхши фарқлай олмагани боис, уйқусираб ўтирган чиптачининг олдида Гаррининг ўзи борди. Беш дақиқадан сўнг, иккаласи, гулдурлаганча, тебраниб кетаётган поездда Лондон маркази томон йўл олди. Мистер Уэсли вагон деразасининг устига маҳкамланган йўналиш чизмасидан кўзини узмай борди.

- Яна тўртта бекат бор, Гарри... Энди учта бекат қолди... Иккита қолди, Гарри...

Бекат Лондоннинг қоқ марказида. Иккаласини костюм кийган эркалар-у, портфель тутган ишбилармон аёлларнинг оқими вагондан туртиб чиқарди. Улар эскалатор воситасида юқорига кўтарилиб, назорат жойидан ўтишди. Қўлидаги чиптасини турникет сўриб олганини кўрган мистер Уэсли завқланиб кетди. Икковлон ташқарига, серҳашам, улўвор бинолар кўтарилган кенг кўчага чиқди. Ҳали эрта бўлишига қарамай, кўча ниҳоятда гавжум.

- Қаерга келиб қолдик? - аланглади мистер Уэсли, бошини ҳар томон айлантириб.



Наҳотки чизмага қараб келган бўлишимизга қарамай, нотўғри жойга чиқдик, хаёлдан ўтказди Гарри, вужудини ваҳима қамраб. Хайриятки, мистер Уэсли кейинги фурсатда мўлжал ола билди.

- Тушундим, Гарри, бу томон юрамиз, - деди у, болани тор кўча томон бошлаб, - Маъзур санайсан мени, Гарри, - давом этди мистер Уэсли, - Ишга ҳеч қачон метрода келмаганман. Маглар дунёси томонидан яқинлашганда, кўча батамом бошқача кўринар экан. Умуман айтганда, вазирлик биносига, меҳмонлар учун очилган кириш эшигидан ҳеч кирмаган эдим.

Тор кўча бўйлаб қанчалик узоқ юришса, биоларнинг бўйи ҳам шу қадар пасайиб, кўримсиз бўлиб бормоқда. Ниҳоят, бир жуфт ҳеч қандай кўрки йўқ идора билан аллақандай паб биноси ва чиқинди ташлаш бакларига тўлган кичик тор кўчага етгач, тўхташди. Гарри ҳайрон. Унинг тасавурида сеҳргарлик вазирлигининг биноси сал бўлса ҳам, нуфузлироқ жойда бўлиши керак эди.

- Етиб келдик, - қувонч-ла эълон қилди мистер Уэсли, турли-туман расмлар солинган девор ёнидаги, ойнаси синган қизил телефон будкасини кўрсатиб, - Марҳамат, Гарри.

Будка ичида афтидан, аллақандай жоҳил девордан юлиб олишга урингани боис қинғайиб кетган телефон аппарати кўринди. Ҳеч нарсани тушунмай, ҳайрон бўлган Гарри будкага кирди. Унинг кетидан мистер Уэсли кириб, эшикни ичкаридан зич ёпди. Жуда ноқулай аҳволга тушган Гарри телефон аппаратига ёпишиб қолди.

- Мистер Уэсли, назаримда ушбу аппарат ҳам ишдан чиққан кўринади, - фикр билдирди Гарри.

- Йўқ, йўқ, Гарри, ишлар жойида. Қани тер-чи, - деди мистер Уэсли телефон аппаратининг гўшагини Гаррининг боши устида тутиб, - Олти... икки... тўрт... яна тўрт... ва яна бир бор икки...

Телефон аппаратининг рақам териш тўғараги паст тириллаганча айланиб, ўз жойига қайтгач, будка ичида аёл кишининг бир маромда гапираётган овози эшитилди. Лекин унинг овози гўшакдан эмас ҳамма жойдан, худди кўзга кўринмас аёл ҳам будка ичида турган сингари баланд ва аниқ эшитилди.

- Сеҳргарлик вазирлигига хуш келибсиз. Илтимос, исмингиз ва ташриф буюришдан кўзлаётган мақсадингизни айтинг.

- Э-м-м-м... - тутилиб қолди мистер Уэсли, гўшак микрофони гапириш керакми-йўқми, билмай.

Ниҳоят у гўшакнинг микрофонини қулоғига босиб олганча гапиришга аҳд қилди.

- Артур Уэсли, Магларнинг рўзғор буюмларидан нотўғри фойдаланиш бўлими. Бугун иши интизомий жиҳатдан кўрилиши тайинланган Гарри Поттерга ҳамроҳ бўлиб келдим...

- Раҳмат, - ташаккур билдирди аёл овози, - Меҳмон, илтимос, вазирликка ташриф буюрган меҳмонлар учун жорий этилган кўкрак нишонини олиб, коржомангизга қадаб олинг.

Дахлаб чертки, сўнг гўмбурлаган товуш эшитилиб, телефон аппаратининг танга қайтариш тарновидан кумушдан тайёрланган тўғри бурчак шаклидаги, сиртига «Гарри Поттер, интизомий жиҳатдан муҳокама» сўзлари битилган кўкрак нишони отилиб чиқди. Гарри уни қўлига олиб, футболкасининг кўкрак соҳасига қадаб олди.

- Муҳтарам меҳмон, - боз янгради аёл овози, - Сиз Атриум бурчагида турган стол ёнига бориб, хавфсизлик хизматининг текширувидан ўтишингиз ва ихтиёрингиздаги сеҳрли таёқчани рўйхатдан

Ўтказишингиз керак бўлади. (**Атриум** ёки **атрий** (лат. *ater* сўзидан олинган *atrium* – «дуд босган», «қорайиб кетган», яъни қурум таъсиридан қорайиб кетган хона маъносини англатади) каведиум – қадимий Рим ва қадимий Италия истиқоматгоҳларининг марказий қисмини англатади. Бундай жой табиий ёруғлик воситасида ёритилган бўлиб, деворларида бинонинг бошқа хоналарига олиб кирадиган эшиклар очилган ички ҳовли кўринишига эга бўлган. Бугунги меъморчиликда ҳам атриум деб, жамоат биносининг марказий, одатда, табиий ёруғлик воситасида яхши ёритилган, тақсимлаш бўшлиғига айтилади).

Хаёл ўтмай оёқ тагидаги пол титраб, телефон будкаси аста-секин ер остига туша бошлади. Гарри кўрқиб-писиб тўхтовсиз кўтарилаётган тош йўл сатҳига қараб қолди. Бир неча сониядан сўнг, ер, уларнинг боши устида туташганча ёпилиб, атрофни зулмат қоплади. Гарри бир текис янграётган гүмбур-гүмбур товушни эшитиб, ер қаърига пастлаб боришаётганини ҳис этди. Гўё бир соатдай чўзилган бир дақиқа ўтгач, Гаррининг оёғига тилла тусли ингичка ёруғлик нури тушди. Нур тобора кенгайиб, қамашиб кетган кўзини қисиб олган Гаррининг танасини қамраб олганча, юзига қадар кўтарилди.

- Сеҳргарлик вазирлиги. Кунни дилкаш ўтказишингизни тилаймиз, - эшитилди сүхандон аёл овози.

Мистер Уэсли эшиги ланг очилган телефон будкасидан чиқди. Ҳайратдан оғзи будканинг эшигидай очилиб қолган Гарри ҳам олға қадам ташлади.

Гарри қорамтир паркет поли сайқал берилганидан ялтираб кетган, узун, ниҳоятда серҳашам вестибюлга кириб қолганини идрок этди. Товланаётган кўм-кўк шифтда қадама нақшли тилла рамзлар узлуксиз ўзгариб, ҳаракатланмоқда. Боланинг диққат-эътиборини ўзига жалб этган ушбу рамзлар ҳаракати бино шифтини ниҳоятда улкан самовий таблога ўхшатиб қўймоқда. Деворларига силлиқланган ёғоч қопланган вестибюлнинг иккала томонида тилла суви югуртирилган каминларнинг узундан-узоқ қатори жойлашган. Чап томондаги ҳар бир каминдан сония ўтар-ўтмас қандайдир сеҳргар эркак ёки афсунгар аёл учиб чиқаётган бўлса, ўнг томондаги каминлар олдида вазирлик биносини тарк этишга ошиқаётган одамлар навбати шаклланган.

Зал марказида думалоқ бассейн кўринишига эга фаввора бўлиб, унинг қоқ ўртасига табиий ўлчамлардан анча катта олтин ҳайкаллар гуруҳи ўрнатилган. Сеҳрли таёқчасини боши узра баланд кўтариб турган улуғсифат сеҳргар қомати, ушбу ҳайкалтарошлик ансамблида марказий ўрин тутган. Унинг атрофида ниҳоятда барно афсунгар аёл ҳайкали, эркак билан аёлга сидқидил-ла қараб турган кентавр, гоблин ва уй эльфининг ҳайкаллари қад кўтарган. Сеҳргар эркак билан афсунгар аёлнинг қўлидаги сеҳрли таёқчалар учидан, кентавр қўлидаги камон ўқи, гоблиннинг бошидаги шляпа чўққиси ва эльфнинг иккала қулоғидан шиддат-ла сув отилиб чиқиб, фаввора ҳосил қилган.

Атриумда ҳавода пайдо бўлаётган сеҳргарлар чиқараётган қарс товушлари-ю, юзлари эрталабки иш кайфиятини ифода этганча, вестибюлнинг нариги томонидаги олтин дарвоза томон одимлаб бораётган юзлаб вазирлик ходимларининг қадам товушлари сувнинг шилдираётган шовқинига жўр бўлиб, уйғунлашмоқда.

- Бу томонга юрамиз, Гарри, - йўл бошлади мистер Уэсли.

Бир дунё пергамент ўрамини маҳкам қучоқлаб олган ёки эски портфелини силтаб, хаёлга берилиб кетаётган ёхуд юрган йўлида «Башорат-у, каромат газетаси»ни ўқиб бораётган одамлардан иборат халойиқнинг зич оқимига сингиб кетганча, фаввора ёнидан ўтар экан, Гарри, сув тубида қумуш склатлар-у, бронза нутлар уюми ялтираб ётгани, бассейн четига эса эълон маҳкамланган бўлиб,

унга: СЕХРГАР ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ФАВВОРАСИГА ТАШЛАНГАН ХАЙРИЯ ПУЛЛАРИ МУҚАДДАС РЕЗГИ КАСАЛХОНАСИ – ҒАЛАТИ ЖАРОҲАТ ВА ПАТОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИГА ЙЎЛЛАНАДИ, сўзлари йирик бош ҳарфлар билан битилганини кўрди.

Агар мени «Хогварц»дан қувиб солишмаса, ният қилди Гарри, сувга ўн галлеон ташлайман.

- Энди бу томонга, Гарри, - такрорлади мистер Уэсли.

Иккаласи чапга бурилиб, олтин дарвоза томон одимлаб бораётган халойиқ орасидан чиқди-да, «Хавфсизлик хизмати» ёзуви остига ўрнатилган столга яқинлашди. Сочини тақир қилиб олдирган сеҳргар уларни кўриб қўлидаги «Башорат-у, каромат газетаси»ни туширди.

- Мен вазирлик меҳмонининг ҳамроҳиман, - деди мистер Уэсли Гаррига имо қилиб.

- Яқинроқ келинг, - деди посбон эринчоқ оҳангда.

Тақир бошли сеҳргар қўлига узун, автомобиль антеннасига ўхшаш ингичка, эгилувчан тилла хивич олиб, яқин борган Гаррининг иккала ёнидан бошдан-оёқ югуртирди.

- Сеҳрли таёқчангизни чиқаринг, - деди у, хивични четга қўйганча, қўлини узатиб.

Хавфсизлик хизматининг ходими Гаррининг таёқчасини олиб, бир паллали тарозига ўхшаш ғалати мис асбоб устига дағал ташлади. Асбоб бироз титраб тургач, асосидаги тирқишидан ингичка пергамент тасма чиқди. Қоғоз бўлагини йиртиб олган сеҳргар овоз чиқариб ўқиди:

- Найзабарг билан қақнус пати, ўн бир дюйм, тўрт йилдан буён муомала қилинмоқда. Тўғрими?

- Ҳа, - асабий бош ирғиди Гарри.

- Бу менда қолади, - деди қўриқчи, пергамент тасмани стол устига ўрнатилган мис найзагадан ўтказиб, - Бу эса сизга қайтариб берилади, - қўшиб қўйди у, сеҳрли таёқчани Гаррининг қўлига ушлатиб.

- Ташаккур.

- Шошманг... - деди қўриқчи чўзиб.

Унинг нигоҳи Гаррининг футболкасига қадалган кўкрак нишонидан пешонасидаги чандиққа сакраб ўтди.

- Раҳмат сенга, Эрик, - деди мистер Уэсли, Гаррининг елкасидан ушлаганча, олтин дарвоза томон шиддат-ла одимлаб бораётган одамлар оқими томон буриб.

Халойиқ дам у томон, дам бу томон туртиб чиқарса ҳам, Гарри мистер Уэслидан орқада қолмай, етишиб юрди. Кўп ўтмай дарвозадан ўтиб, кам деганда йигирматача эшиги тилла панжарали лифт билан жиҳозланган, ўлчами нисбатан кичикроқ залга киришди. Гарри билан мистер Уэсли, лифтлардан бирининг олдида шакланган навбатга бориб қўшилишди. Одамлар орасида қўлига каттагина, ичидан аллақандай хирилдоқ товуш эшитилаётган картон қути ушлаб олган соқолли сеҳргар турибди.

- Ишлар қалай, Артур? - кўришди соқолли киши мистер Уэслига бош ирғиб.

- Қўлингдаги нима, Боб? - қизиқди мистер Уэсли, қутига қараб.

- Ростини айтсам, ўзимиз ҳам дурустроқ англаб етмадик ҳали, - жавоб қайтарди Боб, ташвишли оҳангда, - Аввалига жўжа, деган хаёлга бордик. Кутилмаганда олов пуркаб қолса бўладими. Соқолим ёниб, қутим учиб кетди. Қисқаси, буни, ман этилган экспериментал селекция амалиёти, деб таснифлаш мумкин.

Жаранг-журунг, гулдур-гулдур қилганча, тепадан лифт тушиб, тилла панжара очилиши билан хаёлини йиғиб олишга ўлгурмаган Гарри лифт кабинасининг орқа деворига қапишиб қолганини идрок этди. Аксарият йўловчилар унга қизиқиб қарашаётганини кўрган Гарри пешанагажагини тушириб олиб, одамларнинг кўзига қарамаслик учун нигоҳини полга қаратиб олди. Панжара даранглаб ёпилгач, занжирларини жаранглатган лифт аста юқорига кўтарилди бошлади. Телефон будкасида эшитилган аёл овози шу ерда ҳам янгради.

- Еттинчи қават. Сеҳргарлик ўйинлари ва спорт департаменти, шу жумладан, Британия ва Ирландия квидиш лигасининг қароргоҳи, Шақилдоқлар клуби ҳакамларининг кенгаши ҳамда Эрмакбоп патентлар бюроси.

Лифт эшиги очилиб, Гаррининг кўзига турли квидиш жамоаларининг расмлари қинғир-қийшиқ осилган исқирт йўлак кўринди. Қўлига бир қулоч супурги ушлаган йўловчи қолганлар орасидан бир илож қилиб чиқиб, кўздан ғойиб бўлди. Эшик боз ёпилиб, лифт, зириллаганча, юқорига кўтарилишни давом эттирди.

- Олтинчи қават, - эълон қилди аёл овози, - Сеҳрли йўллар департаменти, шу жумладан, Саёҳат йўллари бошқармаси, Супургиларни қайд этиш бўлинмаси, Портшлюслар бўлими ҳамда Ҳавода даф бўлиб, пайдо бўлиш бўйича имтиҳон комиссияси.

Эшик яна очилиб, тўрт-беш киши кабинадан чиқиб кетди. Айни вақтда, ичкарига оч бинафша ранг қоғоз самолётчалар галаси отилиб кирди. Гарри муҳр босилган митти қанотларини ҳилпиратаётган ушбу самолётчаларга ҳайрон бўлиб қараб қолди.

- Идора ичида йўлланадиган хабарлар, - паст овозда тушунтириш берди мистер Уэсли, - Илгари бойқушлар хизматидан фойдаланилган. Тасаввур қиялсан-ми, ҳамма жой қуш гўнгидан расво бўлган.

Лифт гўмбўрлаб яна кўтарилди бошлади. Идора ичида йўлланадиган хабарлар кичик қанотларини қоқиб, шифтдан осилиб тушган фонус атрофида гир айланишмоқда.

- Бешинчи қават. Халқаро сеҳргарлик ҳамкорлиги департаменти, шу жумладан, Халқаро савдо стандартлари бўлими, Халқаро сеҳр-жоду қонунлари бошқармаси ҳамда Халқаро сеҳргарлар конфедерациясининг Британия бўлинмаси.

Кабина эшиги очилиши билан бир неча нафар сеҳргар эркак ва афсўнгар аёл билан бир вақтда иккита хабар ҳам чиқиб кетди. Уларнинг ўрнига яна икки-учта хабар отилиб кириб, пирпираб ёнган фонус атрофида айлана бошлади.

- Тўртинчи қават. Сеҳрли махлуқлар устидан назорат департаменти, сеҳрли мавжудот ва руҳлар бўлинмалари, Гоблинлар билан алоқалар идораси ҳамда Санитария жиҳатидан сеҳрли ишлов беришга доир маслаҳатлар маркази.

- Маъзур сананг, - ғудўллади олов пуркайдиган жўжа ушлаган соқолли киши, бир неча хабарлар таъқибни остида кабинани тарк этиб чиқар экан.

Эшик қарсиллаб ёпилди.

- Учинчи қават. Сеҳрли ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисалар департаменти, шу жумладан, Фавқулудда ҳолатларда сеҳр-жодуга барҳам бериш отряди, Хотира ўзгартириш мутахассисларининг штаби ва Сеҳр жиҳатидан мақбул тушунтиришлар қўмитаси.

Ушбу қаватда мистер Уэсли, Гарри ва иккинчи учи кабина полига етган пергамент ўрамини диққат билан ўқиётган афсунгар аёлдан ташқари ҳамма чиқиб кетди. Қолган озгина хабарлар ҳам фонус атрофида гир айланмоқда. Лифт силтаниб юқорига кўтарилди.

- Иккинчи қават, - эълон қилди аёл овози, кабина эшиги очилганида, - Сеҳрли ҳуқуқни муҳофаза қилиш департаменти, шу жумладан, Сеҳргарлик ва афсунгарлик фаолияти устидан назорат бўлими, Аврорлар қароргоҳи ва Оқил Суд котибияти.

- Бу томонга юрамиз, Гарри, - деди мистер Уэсли, аёл ортидан иккала томонида эшиклар қатори кўринган йўлакка чиқиб, - Хонам йўлакнинг нариги бошида.

Гарри қуёш нури чарақлаб турган дераза ёнидан ўтар экан, роса таажжубланди.

- Мистер Уэсли, - сўради у, - Биз ер остида эмасмиз-ми?

- Ер остидамиз, - жавоб берди мистер Уэсли, - Деразалар сеҳрланган. Қандай об-ҳаво кўришиб туриши кераклиги хўжалик ишлари бўлими ходимлари томонидан ҳал қилинади. Улар ойлик маошлари кўтарилишини талаб қилишганида икки ой давомида шундай довуллар бўлдики, қўяверасан... Бу ёққа, Гарри.

Иккаласи муюлиш ортига ўтиб, салмоқдор эман эшиқдан майда бўлмаларга бўлиб юборилган, ҳаддан ортиқ айқаш-уйқашлик ва кулги билан вати-кути уйғунлашиб, ёнғиллаш қарор топган катта хонага киришди. Идора ичида йўлланадиган хабарлар бўлмаларга митти ракеталар каби, шиддат билан кириб-чиқиб турибди. Кириш эшигининг яқинидаги бўлма деворига «Аврорлар қароргоҳи» ёзуви битилган тахта қийшиқ осиб қўйилган.

Гарри бўлмалар ёнидан ўтар экан, тахта деворларга қидирилаётган сеҳргарларнинг портретлари, оилавий фотосуратлар, квидиш жамоаларининг тасвири туширилган плакатлар, «Башорат-у, каромат газетаси»дан қирқиб олинган парчалар шу каби, кўплаб бошқа нарсалар ёпиштириб юборилганини кўрди. Эгнига тўқ қизил коржомга кийган, сочи Билнинг сочидан ҳам узун аллақандай сеҳргар оёғини стол устига қўйиб олганча, пергамент юзасида шиддат-ла югуриб юрган пат-қаламига билдирув ўқиб ўтирибди. Сал нарида йўқотилган бир кўзини боғич билан боғлаб олган афсунгар аёл тўсиқ орқали Кинсли Кандайер билан сўхбат қурмоқда.

- Хайрли тонг, ҳой, Уэсли, - қўпол оҳангда кўришди Кинсли, яқинроқ борган Гарри билан мистер Уэслини кўриб қолиб, - Сиз билан гаплашиб олишим керак. Бир дақиқа ажрата оласизми?

- Чиндан ҳам фақат бир дақиқагина ажратишим мумкин, - деди мистер Уэсли, - Вақтим жуда танг.

Иккаласи бир-бири билан яхши таниш бўлмаган кўзошнардек гаплашмоқда. Гарри оғиз жўфтлаб, Кинсли билан саломлашмоқчи бўлган фурсатда эса мистер Уэсли боланинг оёғини босиб, гапиргани қўймади. Икковлон Кинслининг ортидан бориб, бўлмалар қаторидаги энг охириги ҳужрага киришди.

Ичкарига кирган Гарри ҳайратдан серрайиб қолди. Бўлма деворларини Сириуснинг юзи тасвирланган расмлар худди девор гулқоғози каби, айланасига эгаллаган. Газетадан қирқиб олинган Сириусга оид мақолалар, унинг эски фотосуратлари, шу жумладан, Поттерларнинг тўйида куёв жўра сифатида тушган фотосурати ҳам деворга ёпиштирилган. Сириуснинг тасвиридан ягона бўш жой дунё харитаси бўлиб, унда, кичкина тугмачалар лаъл каби, ярқирамоқда.

- Мана, - деди баланд овозда Кинсли, бир даста қоғозни мистер Уэслининг қўлига дағал тутқизиб, - Менга магларнинг ўтган йил давомида учган ҳаракат воситаларига доир умумлаштирилган ахборот керак. Олинган маълумотларга қараганда, Блэк илгаригидек, ўзининг учар мотоциклидан фойдаланаётган эмиш.

Кинсли Гаррига кўз қисиб қўйиб, пичирлади:

- Унга даста ичига бекитилган журнални обориб бер. Бир дунё қизиқарли маълумотлардан бохабар бўлади, - сўнг баланд овозда давом этди: - Уэсли, ушбу ишни имкон қадар тезроқ бажаришингизни сўрайман. Чўғотар қурол борасидаги анави ҳисоботингиз тергов тадбирларини бир ойга чўзиб юборди.

- Агар ҳисобот билан чиндан ҳам танишиб чиққанингизда, қурол чўғотар эмас, ўқотар деб аталишини билар эдингиз, - баланд овозда эътироз билдирди мистер Уэсли, - Сўраётган ушбу маълумотларингизни ҳам, анча кутишингизга тўғри келади. Ўзимизнинг ташвишимиз бошдан ошиб ётибди, - сўнг овозини анча пасайтириб, қўшиб қўйди: - Соат еттигача кетишга уриниб кўр. Молли бугун фрикаделькали шўрва тайёрлайди. (*Фрикаделька (umal. frittatella – қовурилган) – гўшт ёки балиқ қиймасидан тайёрланган соққалар ва ушбу маҳсулотдан иборат таом*).

Мистер Уэсли Гаррини имлаб, ортидан эргаштириб кетди. Улар Кинслининг бўлмасини тарк этиб, залнинг нариги томонидаги эман эшикдан йўлакка, чапга бурилиб, бошқа йўлакка чиқишди. Сўнг ўннга бурилиб, анчадан буён таъмирдан чиқарилмаган тор йўлак бўйлаб бориб, ниҳоят боши берк, икки томонида биттадан эшик билан якунланган жойга етиб келишди. Чап томондаги эшик қия очиқ бўлиб, ичида супурги ва челақлар сақланадиган қазноқ эканлиги маълум бўлди. Ўнг томондаги эшикка эса сиртига «Магларнинг рўзғор буюмларидан нотўғри фойдаланиш бўлими» сўзлари битилган хира тортган мис тахта маҳкамланган.

Гаррининг кўзига Мистер Уэслининг путурдан кетган хизмат хонаси супурги ва челақлар сақланадиган қазноқдан ҳам тор кўринди. Хонада иккита ёзув столи аранг жойлашган. Лекин хона ҳужжатлар жилдига лиқ тўлган китоб жавонлари билан айланасига жиҳозлангани боис, столларни айланиб ўтиш амри маҳол. Жавон тоқчаларига сиғмаган жилдлар жавонлар устига бетартиб уюб қўйилган. Деворнинг жавон тўсмай қолган озгинагина бўлаги мистер Уэслининг ишқибозликлари ҳақида яққол далолат бермоқда. У ерга ҳар хил машиналар, қисмларга ажратилган автомобиль двигателининг чизма кўринишидаги тасвири туширилган бир нечта кичик ўлчамли плакатлар, афтидан, магларнинг болалар нашриётида чоп этилган китобдан қирқиб олинган ҳар хил почта қутилари расмлари ва штепсель йиғиш чизмаси ёпиштирилган.

Мистер Уэслининг столи устидаги кириш ҳужжатларига тўлиб-тошган қоғоз тоқчасида тинимсиз ҳиқиллаётган тостер турибди. Унинг ёнида эса бош бармоқларини айлантириб ўйнатаётган бир жуфт чарм қўлқоп ётибди. Қоғоз тоқчасининг ёнига оилавий фотосурат ўрнатилган. Фақат унда Персининг тасвири йўқ. Афтидан, у оила даврасида қолишни истамаган чоғи, фотосуратни тарк этибди.

- Афсуски, деразамиз йўқ, - деди эгнидаги ёзги нимчани курсининг суянчиғига осаётган мистер Уэсли, узр сўраган оҳангда, - Ўрнатиб берилишини сўрадик. Лекин хўжалик ишлари бўлимининг фикрича, хонамизда дераза бўлиши шарт эмас экан. Ўтир, Гарри, Перкинс ҳали келмаган кўринади.

Гарри Перкинснинг столи ортига базўр ўтиб олди. Мистер Уэсли эса Кинсли Кандальердан ҳозиргина олган қоғоз дастасини кўздан кечириб чиқишга киришди.

- Аҳа, - мийиғида кулиб қўйди у, муқовасига «Ҳақиқатгўй» сўзи битилган журнални даста ичидан чиқариб, варақлаганча, - Хўш-хўш... Ҳа, тўғри айтибди, бу нарсалар Сириусга чиндан ҳам, жуда қизиқ кўринса керак... Эй, Худойим, буниси нима бўлди энди?

Очиқ қолган эшиқдан идора ичида йўлланадиган хабар шиддат билан хонага отилиб кириб, қанотларини ҳилпиратганча ҳиқичоғи тўхтамаган тостер устига қўниб олди. Мистер Уэсли хабарни қўлига олди-да, овоз чиқариб ўқиди:

- «Бетнел Гриндаги умумий ҳожатхонада қайт қилаётган унитаз борлиги ҳақида хабар келди. Илтимос, тергов тадбирлари кечиктирилмай, зудлик билан ўтказилсин». Буниси энди ҳаддан ортиқ... *(Бетнел Грин (Bethnel Green) – Лондон шаҳрининг Ист-Энд сайлов округидаги (borough) кўча номи).*

- Қайт қилаётган унитаз?

- Магларни таҳқирлашга қаратилган аҳмоқона қилиқлардан бири, - қовоқ солди мистер Уэсли, - Ўтган ҳафта иккита шунақа унитаз топилган эди. Улардан бири Уимблдонда, иккинчиси Элефант-энд-Каслда. Маглар унитаз сувини оқишилади-ю, бироқ ҳеч нарса оқиб кетмайди, аксинча... тасаввур қиялсан-ми. Бечоралар қувур тузатиш устасини чақиравериш қийналиб кетишди. Ҳодиса жойига етиб келган уста ҳам, ҳеч нарсани тушунмай, боши қотади. Бундай ҳолатдан қутулишнинг ягона йўли ўша безориларни қўлга олишдир. *(Уимблдон (Wimbledon) Буюк Британиядаги Суррей графлигининг собиқ шаҳри. 1963 йилдан эътиборан Уимблдон Катта Лондон таркибидаги Мертон округи тасарруфига киритилган. Уимблдонда ҳар йили норасмий жаҳон биринчилиги – теннис бўйича халқаро Уимблдон турнири ўтказилади. Элефант-энд-Каслда – Лондон метрополитенининг Шимолий Бакерлоо йўли бекатларидан бирининг номи. Ушбу бекат Лондон жанубидаги, Вестминстер ва Ситидан Темза дарёси билан ажралиб қолган Саутварк (Саутварк; Southwark) ҳудудига олиб чиқади).*

- Уларни аврорлар таъқиб қилишадими?

- Йўқ, албатта. Аврорлар жиддийроқ ишлар билан шуғулланади. Сеҳрли ҳуқуқни муҳофаза қилиш бригадасининг афсунгарлар батальони томонидан олиб бориладиган патруллик хизматининг ўзи етарли... Ана, Гарри, Перкинс келди.

Хонага қомати букчайган, кўринишидан журъатсиз, оқ сочи майин сеҳргар ҳансираб кирди.

- Артур! - хитоб қилди у, Гаррига эътибор қаратмай, - Худога шукур! Сени шу ерда кутишни ёки... хуллас нима қилишни билмай, бошим қотди. Уйдан чиқиб кетганинг аниқ бўлса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши бойқуш йўллаган эдим... Қисқаси ўн дақиқа олдин шошилиш хабар келди...

- Қайт қиладиган унитаз ҳақида бўлса, хабарим бор.

- Йўқ, йўқ, унитаз ҳақида эмас, Поттернинг иши кўрилиши хусусида... Улар тадбир ўтказиладиган вақт ва жойни ўзгартирибди! Мўхокама эрталаб саккизда, пастда, суд мажлисларининг эски, ўнинчи залида бошланадиган бўлибди.

- Пастда, эски залда?... Бироқ мен ўйлаган эдим-ки... О, Мерлин соқоли!

Мистер Уэсли соатига қараб хитоб қилганча, курсидан ирғиб турди.

- Тезроқ, Гарри, беш дақиқа олдин ўша ерда бўлишимиз керак экан!

Перкинс жавонга қапишиб олгачгина, мистер Уэсли билан Гарри хонадан чиқишга муваффақ бўлишди.

- Нима сабабдан мўхокама вақти ўзгартирилди? - сўради Гарри йўлакда югуриб кетишар экан.

Икковлон аврорлар қароргоҳи орқали ҳаллослаб кетишди. Хайрон бўлган аврорлар бўлмалардан бошини чиқариб, югуриб кетаётганлар орқасидан қараб қолди. Гарри худди ички аъзолари Перкинсининг столи устида қолиб кетгандай, ўзини жуда ғалати ҳис этмоқда.

- Билмадим, Гарри! Нима қилганда ҳам эртароқ келганимиз яхши бўлибди. Акс ҳолда мўхокамани ўтказиб юборган бўлар эдик. Бу эса ҳақиқий фожиа бўлар эди!

Мистер Уэсли лифт олдида кескин тўхтаб, бетоқат бўлганча «пастга» тугмасини босди.

- Бўлсанг-чи, ТЕЗРОҚ!

Жаранг-журунг қилган лифт етиб келиб, эшик очилгач, икковлон кабинага кирди. Лифт ҳар бир қаватда тўхталар экан, мистер Уэсли шайтон сўзи билан сўқиниб, «9» рақамини босиб борди.

- Суд мажлисларининг ўша заллари анча йиллардан буён очилмаган эди, - дарғазаб бўлди у, - Нима сабабдан мўхокама ўша ерга тайинланди, ҳеч ақлим етмаяпти... агар... йўқ, бўлиши мумкин эмас...

Шу фурсатда қўлига тутун чиқараётган аллақандай қадаҳ ушлаб олган ниҳоятда семиз афсунгар аёл кабинага кириб, мистер Уэслининг гапи оғзида қолиб кетди.

- Атриум, - эълон қилди бир маромда эшитиладиган сухандон аёл овози.

Тилла панжара очилиб, Гаррининг кўзига фаввора ўртасидаги олтин ҳайкал кўринди. Семиз аёл кабинани тарк этиб, унинг ўрнига касалманд юзи мотамсаро қиёфа касб этган сеҳргар эркак кириб келди.

- Хайрли тонг, Артур, - кўришди у, ер тагидан гапираётган каби, мудҳиш овози билан, - Сени пастда, бизнинг қаватимизда кўриш кўп насиб этавермайди.

- Шошинч иш, Бедоу, - деди мистер Уэсли.

У танасининг оғирлигини дам у, дам бу оёғига солиб турганча, Гаррига кўз қирини ташлаб бормоқда.

- Тушундим, - деди кўзини пирпиратмай, Гаррига бақрайиб қолган Бедоу, - Ҳа, ҳа, албатта.

Гаррининг ҳис-туйғуларга бериладиган мадори қолмаган бўлса-да, Бедоунинг нигоҳидан ўзини ноқулай ҳис этди.



- Сирли сеҳр бўлими, - эълон қилди овоз, бошқа ҳеч нарса айтмай.

- Гарри, тезроқ, - деди мистер Уэсли, лифт эшиги очилиши билан.

Иккаласи юқори қаватдаги йўлакларга мутлақо ўхшамайдиган йўлак бўйлаб югуриб кетишди. На эшик бор, бу ерда, на дераза. Яхлит девор. Йўлакнинг охирида оддий қора эшик кўринди. Мистер Уэсли ўша эшик томон ошиққан Гаррининг қўлидан ушлаб қолиб, чапга, зинапоя томон бурди.

- Пастга, пастга тушишимиз керак, Гарри, - ҳарсиллади мистер Уэсли, иккитадан поғона ошиб, - Лифт бу қадар пастга тушмайди... Нима жин тортди уларни бу ёққа, ақлим етмаяпти...

Улар зинапоянинг охиригача тушиб, девори дағал тошдан кўтарилган, Снегнинг «Хогварц»даги ерости хоналари жойлашган йўлак сингари, машъалалар воситасида ёритилган йўлак бўйлаб югуриб кетишди. Бу ердаги салмоқдор эшиклар негадир қулф ва темир тамбалар билан жиҳозланган.

- Мажлислар зали... ўнинчи... назаримда... биз деярли... ҳа...

Қоқилиб йиқилишига бир баҳя қолган мистер Уэсли кўкрагига қўлини босиб, деворга бемадор сўянганча, катта темир қулф ўрнатилган мудҳиш эшик олдида тўхтади.

- Кир, - деди у, базўр эшитилган овозда, бош бармоғини эшикка ўқтаб, - Ичкарига кир.

- Сиз-чи... сиз кирмайсиз-ми...

- Йўқ-йўқ, менга мумкин эмас... Омад ёр бўлсин!

Гаррининг бўғзига қадар кўтарилиб олган юраги қутуриб кетгандай урмоқда. Бола бир ютиниб олди-да, эшикнинг вазмин темир дастасини буриб, суд мажлислари залининг остонасидан ҳатлаб ўтди.

## **САККИЗИНЧИ БОБ. ИНТИЗОМИЙ ЖИҲАТДАН МУҲОКАМА**

Зал ниҳоятда таниш кўринаётганини англаган Гаррининг оғзи ҳайратдан очилиб қолди. Хона Гаррига нафақат таниш, балки илгари бу ерга келган ҳам. Дамблдорнинг хонасидаги дамблхотира чиғаноғига қараб, айнан шу залга тушган ва эр-хотин Лестранглар айнан шу залда Азкабанга умрбод қамалган.

Суд мажлислари залининг қорамтир тош деворлари машъалалар воситасида хира ёритилган. Иккала томонда юқорига кўтарилиб кетган курсилар қатори ҳозир бўм-бўш. Юқорида, болохона айвонида эса ўзаро суҳбат қурган, ярим қоронғилиқда яхши кўринмаётган одамлар гуруҳи ўтирибди. Гаррининг ортидаги эшик тарақлаб ёпилгач, мажлислар залида мудҳиш сукунат қарор топди. Хаёл ўтмай муздай овоз янгради:

- Сиз кечикдингиз.

- Маъзур сананг, - узр сўради Гарри, асабий оҳангда, - Мен... мен... муҳокама вақти ўзгартирилганидан беҳабар эдим.

- Оқил Суднинг айби йўқ бунда, - жавоб берди ўша овоз, - Бугун тонгда сизга бойқуш йўлланган. Ўтиринг.

Гаррининг нигоҳи зал ўртасида танҳо турган, тирсаққўйгичларидан занжирлар осилиб тушган қора курсига тушди. Ушбу занжирлар жонланиб, курсига ўтирган кишини кишанлашга қодир эканлигини бола яхши билади. Гарри курси томон одимлар экан, тош полга босаётган қадам товуши акс садо бериб эшитилди. Бола қўрқиб-писиб курси четига ўтиргач, занжирлар таҳдидли жаранглаб қўйди-ю, Гаррини кишанламади. Бола бошини юқорига кўтариб, болохонада ўтирган одамларга қаради.

Айвонда тахминан эллик киши ўтирибди. Бари эгнига пишиб етилган олхўри рангидаги, кўкракнинг чап томонида кашта қилиб қумуш тусли «ОС» ҳарфлари тикилган бир хил коржома кийган. Уларнинг баъзилари Гаррига қатъий қараб ўтирган бўлса, айримлари қизиқсиниб бақрайган.

Биринчи қаторнинг қоқ ўртасида тўладан келган, одатда, жўка рангли қозон шляпа кийиб юрадиган, бироқ бугун ўша шляпасини афтидан, хонасига, худди ҳар гал Гаррини кўрганида юзида пайдо бўладиган табассумини қаёққадир ташлаб келган каби, қолдирган сеҳргарлик вазири Корнелиус Фуж ўтирибди. Унинг чап томонига оқ оралаган сочини қисқа олдирган, бош суяги квадрат шаклига ўхшаш, танаси ҳажмдор, бир кўзига монокль таққан, юзи ниҳоятда жиддий қиёфа касб этган афсунгар аёл жойлашган.

- Жуда яхши, - деди Фуж, - Ниҳоят айбланувчи топилиб келди. Келинлар, бошлайлик бўлмаса. Сиз тайёرمىсиз? - сўради у, қатор охирида ўтирган кишидан.

- Тайёрман, сэр, - шайлик-ла, жавоб қайтарди Гаррига таниш эшитилган овоз.

Олд қаторнинг бир четида Роннинг акаси Перси ўтирибди. Гарри эътибор қаратилиш илинжида Персига юзланди-ю, умиди пучга чиқди. Кўзини мугуз гардишли кўзойнак билан бекитиб олган Перси қўлига пат-қалам тутиб, олдида ётган пергаментга қараб ўтирибди.

- Демак, - жарангдор овоз-ла гап бошлади Фуж, - Сюррей графлиги, Литтл Уингинг шаҳарчаси, Одамовилар кўчаси, 4- уйда истиқомат қиладиган Гарри Жеймс Поттер 1875 йили қабул қилинган «Балоғатга етмаганлар орасида сеҳргарлик фаолиятини оқилона чеклаш тўғрисидаги декрет» ҳамда Сеҳргарлик фаолиятини сир тутиш тўғрисидаги халқаро битим талабларини қўпол равишда бузганликда айбланиб, иши, жорий йилнинг ўн иккинчи август куни интизомий жиҳатдан муҳокама қилинаётган суд мажлиси.

Персининг ёзиб бораётганига қараб қўйган Фуж давом этди:

- Дастлабки тергов тадбирларини ўтказганлар: сеҳргарлик вазири Корнелиус Освальд Фуж, Сеҳрли ҳуқуқни муҳофаза қилиш департаменти раҳбари Амелия Сьюзан Боунс ва вазирнинг катта ўринбосари Долорес Жейн Амбриж. Суд мажлисининг мирзаси Перси Игнациус Уэсли.

- Ҳимоя томонидан гувоҳ Альбус Персиваль Ульфрик Брайан Дамблдор, «Хогварц» мактаби директори, - паст эшитилди Гаррининг ортида овоз.

Бола шу қадар тез ўгирилдики, бўйнини қайириб олишига сал қолди. Зал бўйлаб беташвиш, юзи мутлақо вазмин қиёфа касб этган, эгнига тўқ кўк рангли коржома кийган, машъала оловининг шуъласи қумуш тусли узун соч-соқолида ялтираётган, илмоқсимон қайрилма бурни устига ярим ой

шаклига эга шиша кўзойнагини тушириб олган Дамблдор юриб келиб, мовий кўзини Фужга тикиб турди.

Оқил Суд аъзолари орасида шу заҳоти ҳаяжонли кайфият қарор топди. Энди уларнинг ҳаммаси Дамблдорга тикилиб қолди. Айримлари ранжиган бўлса, бошқалари бироз чўчиб кетган кўринди. Орқа қаторда ўтирган икки нафар кекса аёл эса Дамблдорга қўл силтади.

Мактаб директорини кўрган Гарри бир вақтлар қақнус хонишини эшитиб, ўзини енгил ҳис этгандай, энди ишончли ҳимоя остида эканлигини англади. Бола Дамблдорнинг юзига қаради-ю, бироқ директор юқорига, ўзини йўқотиб қўйган Фужга қараб тургани боис, кўзини кўришга эриша олмади.

- А, - деди Фуж, нима қилишни билмай қолиб, - Дамблдор. Ҳа. Демак, сиз... м-м-м... муҳокама жойи ва вақти ўзгаргани ҳақидаги... м-м-м... хабаримизни олибсиз-да, а?

- Йўқ, бундай хабар менга етиб бормади, - қувноқ оҳангда жавоб берди Дамблдор, - Аммо, бахтли англашилмовчилик туфайли вазирликка уч соат олдин келиб олибман. Шундай экан, бу масалада ташвиш тортмасангиз ҳам бўлаверади.

- Ҳа... м-м-м... билишимча, бизга яна битта курси керак бўлади... Мен... Уэсли, курси олиб келмайсиз-ми?

- Қўйинг, овора бўлманг. Ўзим, - хушмуомалалик-ла тўхтатди Дамблдор.

У қўлига сеҳрли таёқчасини олиб, сал силтаган бўлди-да, Гаррининг ёнида сиртига чит сирилган кресло пайдо қилди. Астойдил жойлашган Дамблдор қовуштириб олган узун бармоқлари узра Фужга боадаб тикилди. Ҳеч тинчлана олмаган Оқил Суд аъзолари ўтирган жойларида типирчилаб, Фуж боз гапира бошлаганидан сўнггина, жим бўлишди.

- Шундай қилиб, - деди Фуж, қоғоз титиб, - Бошлаймиз. Хўш. Айблов. Ундай бўлса...

У қаршисида ётган қоғоз дастаси орасидан пергамент варағини чиқариб, чуқур нафас олди-да, ўқишга киришди:

- ... ақли-ҳуши жойида, хотираси ҳам яхши бўла туриб, хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний эканлигини тўла-тўқис англаб, бир вақтлар сеҳргарлик вазирлиги томонидан ўхшаш қилмишларга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида ёзма равишда расман огоҳлантирилганига қарамай, жорий йилнинг иккинчи август куни, соат йигирма бирдан йигирма уч дақиқа ўтганида, маглар турадиган ҳудуд ва улардан бирининг гувоҳлигида 1875 йили қабул қилинган «Балоғатга етмаганлар орасида сеҳргарлик фаолиятини оқилона чеклаш тўғрисидаги декрет»нинг «С» банди ҳамда Бутун Жаҳон Сеҳр-жоду Конфедерацияси Махфийлик Мақомининг 13- бўлимида баён этилган талабларни қўпол равишда бузган ҳолда Ҳимоячи афсунини ғайриқонуний тарзда қўллаган.

Фуж кўзини қоғоздан узиб, Гаррига мурожаат қилди:

- Қани айтинг-чи, айбланувчи, Сюррей графлиги, Литтл Уингинг шаҳарчаси, Одамовилар кўчаси, 4- уйда истиқомат қиладиган Гарри Жеймс Поттер сизми?

- Ҳа, мен, - жавоб берди Гарри.

- Уч йил муқаддам сеҳргарлик қобилиятингизни ғайриқонуний қўллаганингиз ҳақида сеҳргарлик вазирлиги томонидан расман огоҳлантирилгансиз, шундайми?

- Ҳа, бироқ ўшанда...

- Шунга қарамай, жорий йилнинг иккинчи август куни сеҳр қўллаб, Ҳимоячи яратдингиз, шундайми? - давом этди Фуж.

- Ҳа, бироқ...

- Ўн етти ёшга тўлмаган экансиз, ўқув муассасасидан ташқари ҳар қандай жойда сеҳр қўллаш ҳуқуқига эга эмаслигингизни яхши била туриб, шу ишни қилдингиз, шундайми?

- Ҳа, бироқ...

- Ўша фурсатда маглар турадиган ҳудудда эканлигингизни идрок этгансиз, шундайми?

- Ҳа, бироқ...

- Маглардан бири ёнингизда турганини ҳам идрок этиб тургансиз, шундайми?

- Ҳа, - аччиқланди Гарри, - Бироқ бу ишни иккаламиз...

Монокль таққан аёл кутилмаганда жарангдор овози ила сўроққа тутиб қолди:

- Сиз тўлақонли Ҳимоячи яратдингиз-ми?

- Ҳа, - яна бир бор тасдиқлади Гарри, - Чунки...

- Яъни моддий тус олган Ҳимоячи ярата олдингиз, шундайми?

- Э-э... нима олган? - тушунмади Гарри.

- Сиз яратган Ҳимоячи аниқ шаклга эга бўлганми? Айтмоқчиман-ки, у, шунчаки булутча бўлмаганми?

- Йўқ, - жавоб қайтарди тоқати тоқ бўлаётган Гарри, вужудини умидсизлик қамраб олаётганини ҳис этиб, - Буғу. Менинг Ҳимоячим доимо буғу қиёфасини касб этиб келган.

- Доимо? - гурсиллади сўроқ қилаётган аёл, - Демак сиз илгари ҳам ўз Ҳимоячингизни яратиб келгансиз, шундайми?

- Ҳа, - деди Гарри, - Ушбу афсун ижросини ўзлаштирганимга бир йилдан ошди.

- Ёшингиз ўн бешда-ми?

- Ҳа...

- Ушбу афсун ижросини сизга мактабда ўргатишганми?

- Ҳа. Уни менга профессор Люпин ўргатган. Учинчи синфда ўқиб...

- Ажойиб маҳорат, - деди аёл, болага юқоридан диққат билан тикилиб, - Бундай ёшда тўлақонли Ҳимоячини ярата билиш... Ниҳоятда зўр, фавқулодда кам учрайдиган қобилият.

Аёлнинг ёнида ўтирганлар ғовур-ғувур қила бошлади. Уларнинг айримлари бош ирғиди. Бошқа бирлари эса қовоқ солиб, бош чайқади.

- Ҳозир гап унинг маҳорати тўғрисида бораётгани йўқ, Боунс хоним, - эътироз билдирди Фуж, - Ушбу маҳоратни магнинг кўз ўнгида намоён этгани хусусида боряпти!

Қовоғидан қор ёғилаётган айрим сеҳргарлар Фужнинг гапини маъқуллаб ғудуллашди. Перси эса бошини тавфиқли ирғиб қўйди. Унинг айна шу қилиғи Гаррини гапиришга мажбур қилди.

- Мен бу ишни, ўша тор кўчада дементорлар пайдо бўлгани боисгина қилдим! - қичқирди у, биров гапини бўлиб юбормасдан олдин.

Гарри яна ғовур-ғувур кўтарилишини кутди. Бироқ аксинча, залга кутилмаган сукунат чўқди.

- Дементорлар? - сўради қоши кўтарилиб, монокли тушиб кетишига сал қолган Боунс хоним, - Бу билан нима демоқчисан, йигитча?

- Айтмоқчиман-ки, ўша жойда иккита дементор пайдо бўлиб, мен билан холаваччамга ҳамла қилишга уринди!

- А, - деди Фуж, ҳаммани мириқиб кулишга таклиф қилгандай, атрофга қараб, - Ҳа, албатта. Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим.

- Литл Уиннинг шаҳарчасида дементор нима қилади? - ҳайрон бўлди Боунс хоним, - Мен ҳеч нарсани тушунмай қолдим...

- Наҳотки, Амалия? - деди иршайишини қўймаган Фуж, - Ундай бўлса, ижозатингиз билан ўзим тушунтириб ўтаман. Боланинг ихтиёрида қилган қилмишини оқлаш учун етарлидан ортиқ вақт бўлган. Дементорларни рўқач қилиш ва бу билан ўзига яхшигина важ-баҳона топишга аҳд қилган. Маглар дементорларни кўриш қобилиятига эга бўлмаслигини бола яхши билади, шундайми, йигитча? Бу эса унга жуда қўл келади. Ҳеч қандай гувоҳ йўқ, фақат унинг сўзлари...

- Мен ёлғон гапираётганим йўқ!

Гаррининг баланд янграган овози ҳакамларнинг ғулдирашни босиб юборди.

- Тор кўчанинг икки томонидан биттадан, иккита дементор пайдо бўлди. Ҳамма жой қоронғилашиб, ҳаво совиб кетди. Холаваччам уларни ҳис этиб, қочишга уринди...

- Бас, етар! - деди Фуж, такаббур оҳангда, - Астойдил тўқиб келган ҳикоянгни бўлиш ачинарли албатта, аммо...

Дамблдор томоқ қириб қўйди. Оқил Суд аъзолари жим бўлишди.

- Тасодифни қаранг-ки, Дудли Дурслдан ташқари, ўша тор кўчада дементорларнинг пайдо бўлганини кўрган гувоҳ бор экан, - маълум қилди Дамблдор.

Шу заҳоти, худди биров дамани чиқариб юборгандай, Фужнинг лўппи юзи сўлжайиб қолиб, бир-икки сония лом-мим демай ўтирди.

- Дамблдор, - деди вазир ниҳоят, башараси маҳкум қилинган маҳбус қиёфасини касб этганча, ҳиссиётини идора қилишга мажбур бўлиб, - Ёлғон-яшиқ гапларни эшитиб ўтиришга вақт йўқ. Ушбу ишни имкон қадар тезроқ охирига етказмоқчиман.

- Мен янглишаётган бўлишим мумкин, албатта, - мулойим оҳангда эътироз билдирди Дамблдор, - Бироқ назаримда, Оқил Суд томонидан қабул қилинган Ҳақ-ҳуқуқ тўғрисидаги хартияда

«Айбланувчи ўз ишига тааллуқли гувоҳларнинг кўрсатмаларини суд ҳукмига ҳавола этишга ҳақли», дейилган, шундай эмасми? Боунс хоним, наҳотки ўша ҳужжат қабул қилинишидан олдин, унинг лойиҳаси Сеҳрли ҳуқуқни муҳофаза қилиш департаменти билан мувофиқлаштирилма бўлса? - мурожаат қилди у, монокль таққан афсунгар аёлга.

- Сиз ҳақсиз, - жавоб берди Боунс хоним, - Мутлақо ҳақсиз.

- Хўп, яхши, яхши, - ўшқирди Фуж, - Қани ўша киши?

- Аёл, - аниқлик киритди Дамблдор, - Уни ўзим билан бошлаб келдим. Эшик ортида кутиб турибди. Таклиф қилай-ми?...

- Йўқ... Уэсли, боринг, сиз бошлаб келинг, - акиллади Фуж.

Перси шу заҳоти ўрнидан ирғиб туриб, болохонанинг зинапоясидан ўқдай учиб тушганча, Гарри билан Дамблдорнинг ёнидан қиё ҳам боқмай, ўтиб кетди.

Бир-икки сония ўтар-ўтмас, Перси қайтиб келди. Унинг ортидан эса чўчиган, ақли одатдагидан баттар ноқис бўлиб қолгандай кўринаётган миссис Фигг судралиб кирди. Оёғидаги бошмоғини дурустроқ пойафзалга алмаштиришга фаросати етмабди, хаёлдан ўтказди Гарри.

Дамблдор ўрнидан туриб, кекса аёлга жой бўшатди-да, бир зумда ўзига бошқа кресло яратиб олди.

- Тўлиқ исмингизни айтинг, - баланд овозда талаб қилди Фуж, миссис Фигг креслонинг четига қўрқиб-писиб ўтиргач.

- Арабелла Дорин Фигг, - жавоб берди миссис Фигг, кексаларга хос титроқ овози билан.

- Хўш, ким бўласиз? - эринчоқ такаббурлик ила сўради Фуж.

- Мен Литтл Уингинг шаҳарчасида истиқомат қиламан. Гарри Поттернинг қўшниси бўламан.

- Ихтиёримизда мавжуд маълумотларга кўра Литтл Уингинг шаҳарчасида Гарри Поттердан ташқари ҳеч қандай бошқа сеҳргар эркак ёки афсунгар аёл яшамайди, - гапга аралашди Боунс хоним, - Бу масалани биз диққат билан кузатиб борамиз... маълум вазиятни инобатга олган ҳолда.

- Мен швахман, - тушунтириш берди миссис Фигг, - Бинобарин, сизнинг рўйхатингиздан ўтмаганман.

- Ах, демак, швахман денг? - диққат билан назар солди Фуж, - Бунини текшириб кўрамиз. Ота-онангиз ҳақидаги маълумотларни ёрдамчим Уэслига тақдим этишингиз керак бўлади. Айтгандай, швахлар дементорларни кўриш қобилиятига эга бўладими? - сўради у, атрофда ўтирганларга мурожаат қилиб.

- Албатта кўра олади! - эътироз-ла хитоб қилди миссис Фигг.

Қоши кўтарилиб кетган Фуж боз пастга, кекса аёлга қаради.

- Яхши бўпти, - ўшқирди у, - Хўш, бизга нималарни айтиб бермоқчисиз?

- Иккинчи август кунини, кечқурун, тахминан соат тўққизда мушукларимга егулик харид қилгани Печакгул кўчасидаги дўконга бордим, - ёд олгандай ғудуллай кетди миссис Фигг, - Кутилмаганда,

Печакгул кўчаси билан Магнолия кўчасининг орасида аллақандай шовқин эшитилди. Овоз томон бориб, ўша ерда югуриб юрган дементорни кўриб қолдим...

- Югуриб юрган? - тешиб юборгудай ўқрайди Боунс хоним, - Дементорлар югурмайди, сирпанади.

- Ҳа, мен айнан шундай демоқчи эдим, - тез гапани ўнглаб олди, ажин босган юзида пушти доғ кўринган миссис Фигг, - Тор кўчада икки нафар ўспирин томон сирпаниб бораётганини кўрдим.

- Кўриниши қандай эди уларнинг? - сўради кўзини қаттиқ қисиб олганидан, бир кўзидаги монокль қовоғининг қатлари орасида деяри кўринмай қолган Боунс хоним.

- Бири жуда семиз, иккинчиси эса аксинча, ниҳоятда озғин...

- Йўқ, йўқ, мен ўспиринларни сўраётганим йўқ. Дементорларни сўраяпман. Кўринишини тасвирлаб беринг бизга.

- А, - деди ёқаларининг остида ҳам пушти доғ кўрина бошлаган миссис Фигг, - Йирик, жуда йирик. Эгнига плаш кийиб олган.

Гаррининг ичи жуда ғалати бўлиб кетди. Миссис Фигг кўрган бўлса, дементорнинг расмини кўрган. Бироқ ҳеч қандай расм нариги дунё вакиллари саналадиган ўша даҳшатли махлуқлар ер устида бир неча дюйм баландликда сирпанганча, ҳаво сўриб яқинлашишини ҳақиқий дементорга рўбару бўлган, оғзининг бадбўй ҳидини сезган кишининг ҳис-туйғусини етказа олмайди...

Орқа қаторда ўтирган аллақандай бақувват, шоп мўйловли киши олдида ўтирган афсунгар аёлнинг қулоғига бир нима деди. Қўнғироқ сочли аёл истехзоли кулиб, бош ирғиди.

- Эгнига плаш кийган, йирик, денг? - ҳовриқмай такрорлади Боунс хоним, - Тушундим. Хўш, иннайкейин-чи?

- Ҳа, - бош ирғиди миссис Фигг, - Мен уларни ҳис этдим. Бирдан, ёз фаслининг оқшоми илиқ бўлса ҳам, атроф совиб кетди ва назаримда... назаримда... жамики яхши, қалбларга қувон бахш этадиган туйғулар дунёмизни мангу тарк этгандай бўлди... Мен эса фақат ҳаётимда кечган энг даҳшатли фурсатларимни эсладим...

Кампирнинг овози титраб, жим бўлиб қолди.

Боунс хонимнинг кўзи катта очилиб кетди. Қовоғининг монокль ботган қатларида қизил из қолгани кўринди.

- Дементорлар нима қилишди? - сўради Боунс хоним.

Ушбу савол Гаррининг қалбига умид бағишлади.

- Иккаласи болаларга ҳамла қилди, - жавоб берди юзидаги қизил доғ барҳам топа бошлаган миссис Фигг, баланд, дадил оҳангда, - Улардан бири ерга йиқилди. Иккинчиси эса мен Гаррини назарда тутяпман, дементорни қувиб юборишга икки бор уриниб кўрди. Иккала сафар ҳам кумуш тусли булутча ҳосил қила олди холос. Учинчи уринишида у ҳақиқий Ҳимоячини яратди. Ўша Ҳимоячи биринчи дементорни қувиб солди. Сўнг, Гаррининг амри ила иккинчисига ташланди. Ҳа, воқеа шундай кечди... - ҳикоясини тугатди миссис Фигг.

Боунс хоним лом-лим демай гувоҳга қараб қолди. Фуж эса аксинча, кампирга эътибор қаратмай, қоғоз титиб ўтирди. Ниҳоят у кўзини қоғоздан узиб, таҳдидли оҳангда сўради:

- Демак кўрганингиз шу бўлган?

- Воқеа шундай кечган, - деди миссис Фигг.

- Яхши, - деди Фуж, - Бўлди. Сизни ортиқ ушлаб қолмаймиз. Кетишингиз мумкин.

Мисс Фигг чўчиган нигоҳини Фуждан Дамблдорга олиб ўтди-да, ўрнидан туриб, чиқиш эшиги томон йўл олди. Кампир чиқиб кетган эшик даранғлаганча ёпилди.

- У қадар ишонарли бўлмаган шоҳидлик, - менсимамай хулоса чиқарди Фуж.

- Билмадим, - жарангли овозда эътироз билдирди Боунс хоним, - Гувоҳ аёл дементор пайдо бўлган жойда ҳис этиладиган туйғуларни ниҳоятда аниқ баён этди. Агар дементорлар пайдо бўлишмаган бўлса, аксини айтиб, нима наф кўришини билмайман.

- Тўғри... бироқ маглар шаҳарчасида изғиб юрган дементорлар тўғри сеҳргарга дуч келиши? - пишқириб қўйди Фуж, - Бундай эҳтимоллик даражаси фавқулудда паст. Ҳатто Шульман ҳам бу масалада гаров ўйнамаган бўлар эди...

- Наҳотки ораларингда дементорлар ўша кўчага тасодифан кириб қолган, деган хаёлга борадиганлар топилса? - гап қистирди Дамблдор.

Фужнинг ўнг томонида, юзи ним қоронғиликда қолган афсунгар аёл ўтирган ўрнида қўзғалиб қўйди. Қолганлар эса сўз айтмай, тек қотди.

- Нимани назарда тутяпсиз? - сўради Фуж муздай оҳангда.

- Ўша ерга боришни уларга кимдир буюрган, демоқчиман.

- Агар кимдир бир жуфт дементорга Литтл Уингинг шаҳарчасига бориб, сайр қилиб келишни буюрганида, бу ҳақда тегишли ёзувлар бўлар эди! - вакиллади Фуж.

- Агар дементорлар яна бошқа бировнинг амрини бажарадиган бўлса, бундай ёзувлар бўлиши амри маҳол, - хотиржам эътироз билдирди Дамблдор, - Бу масалада мен ўз фикр-мулоҳазаларимни айтганман, Корнелиус.

- Ҳа, айтгансиз, - жавоб қайтарди Фуж, - Фақат ўша мулоҳазаларингизга ишониш учун менда, зиғирдай бўлсин, асос йўқ. Буларнинг бари қуруқ сафсатадан ўзга нарса эмас, Дамблдор. Дементорлар илгаригидек Азкабанда бўлиб, фақат бизга итоат қилади.

- Ундай бўлса, - деди Дамблдор паст, лекин аниқ эшитилган овозда, - Ўзимизга ўзимиз: вазирликнинг қайси бир ходими жорий йилнинг иккинчи август куни дементорларга ўша тор кўчага боришни буюрган, деган савол бериб, жавоб излашимизга тўғри келади.

Ушбу сўзлардан кейин қарор топган мутлақ сукунатда Фужнинг ўнг томонида ўтирган афсунгар аёл олдинга энгашди.

Танаси миқти, бўйни Вернон амакининг бўйни каби, кўринмайдиган, рангида қони йўқ, энли юзининг мушаклари шалвираган, ниҳоятда узун оғзининг бурчаклари пастга тушган, йирик, юмалоқ кўзи чақчайиб тургани боис башараси бақага ўхшаб кетадиган ушбу аёлни Гарри аниқ



кўрди. Ҳатто қисқа олинган, зиғирпоянинг титилган толасига ўхшаш сочининг устига қадалган миттигина, қора бахмалдан тайёрланган бант ҳам, Гаррининг кўзига мана бу бақа-аёл беўхшов оғзидан узун, ёпишқоқ тилини чиқариб ялаб ютиб юбориши керак бўлган қора пашшадай кўринди.

- Мажлис иштирокчиларига сеҳргарлик вазирининг катта ўринбосари Долорес Жейн Амбрижни таништираман, - деди Фуж.

Бақанинг қуриллашини эшитишга шай бўлиб ўтирган Гарри афсунгар аёлнинг ёш қизга хос ингичка, ҳаяжонли овозини эшитди:

- Фикрингизни яхши уқмадим чоғи, профессор Дамблдор, - деди Амбриж, йирик, юмалоқ ва ниҳоятда совуқ кўзида оз бўлса ҳам, ўз аксини топмаган ноз-истиғно оҳангида, - Эҳтимол бу, ақлсизлигим бўлса керак, бироқ қисқагина сония давомида сиз, назаримда, мана бу болага ҳамла қилишни дементорларга сеҳргарлик вазирлиги буюрган, деган фикрни илгари сургандай бўлдингиз!

Амбриж шу қадар жарангдор кулдики, Гаррининг сочи қимирлаб кетгандай бўлди. Оқил Суднинг бир неча нафар аъзолари ҳам унинг кулгисига жўр бўлди. Бироқ улардан бирига Амбрижнинг ҳазили аслида кулгили эмаслиги аён кўриниб турибди.

- Агар дементорлар фақат вазирлик амрига итоат қилиши чин бўлса, икки ҳафта олдин ўша махлуқлар Гарри билан унинг холаваччасига ҳамла қилгани ҳам рост бўлса, демак дементорлар ўз хатти-ҳаракатларини вазирлик ходимларидан бири томонидан берилган буйруққа асосан бажарган, деган хулоса – мантиқан тўғри чиқарилган хулоса саналади, - хушмуомала оҳангда жавоб қайтарди Дамблдор, - Табиийки, мулоҳаза юритилаётган ҳолатнинг ўзгача талқини ҳам бўлиши мумкин. У ҳам бўлса, ўша иккита дементор вазирликка итоат этишдан бош тортган...

- Вазирликка итоат этишдан бош тортган дементорлар йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас! - қичқирди юзи пишган ғишт тусини касб этган Фуж.

Дамблдор енгил таъзим қилгандай, бош ирғиди.

- Ундай бўлса, умид қиламан-ки, дементорлар Азкабандан ниҳоятда олис ҳудудда пайдо бўлиши, шу жумладан, уларнинг одамларга ижозатсиз ҳамла қилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни ойдинлаштириш мақсадида тергов тадбирлари ўтказилиши учун вазирлик томонидан барча зарурий чоралар кўрилади.

- Вазирлик қандай чора кўриши ёки кўрмаслигини сиз ҳал қилмайсиз, Дамблдор! - ириллади Фуж.

Агар Вернон амаки Фужнинг кўкимтир-бинафша тус олган юзини кўрганда борми, ранг ўзгартириш масаласида роса ҳасад қилган бўлар эди, хаёлдан ўтказди Гарри.

- Йўқ, албатта, - хушмуомала жавоб қайтарди Дамблдор, - Мен фақат, ушбу жиноят очилмай қолмайди, деган умид билдирдим холос.

Дамблдор Боунс хонимга қараб кўйди. Моноклини тўғрилаб олган хоним ҳам қошини чимирганча, Дамблдорга қараб қолди.

- Бугун биз дементорларнинг, агар улар мана бу йигитча тасаввурининг ҳосиласи бўлмаган тақдирда ҳам, хулқини муҳокама қилгани йиғилмаганимизни, мажлис иштирокчиларига яна бир

карра эслатиб ўтмоқчиман! - баёнот қилди Фуж, - Биз бу ерга «Балоғатга етмаганлар орасида сеҳргарлик фаолиятини оқилона чеклаш тўғрисидаги декрет» талабларини қўпол равишда бузганликда айбланаётган Гарри Жеймс Поттернинг ишини интизомий жиҳатдан муҳокама қилгани йиғилганмиз!

- Албатта, - тасдиқлади Дамблдор, - Аммо, дементорларнинг ўша тор кўчада изғиб юргани, кўрилатган ишнинг ниҳоятда жиддий жиҳати саналади. Сиз тилга олган декретнинг 7-моддасида: «*Фавқулодда вазият юзага келган бўлиб, тегишли чора кўрилиши зарур бўлган жойда маглар бўлса ҳам, сеҳр-жоду қўлланилишига йўл қўйилади*» дейилган. «*Фавқулодда вазият*» тушунчаси остида эса сеҳргар эркак ёки афсунгар аёл ҳаёти, шу жумладан, сеҳр-жоду қўлланилган жойда ҳозир бўлган бошқа сеҳргар эркак, афсунгар аёл ёхуд магнинг ҳаётига таҳдид солинган вазият...

- Миннатдорман, Дамблдор, - ириллади Фуж, - Еттинчи модда таҳрири ҳам, унга келтирилган шарҳлар ҳам, бизга яхши маълум!

- Албатта, - мисли йўқ хушмуомалалик-ла тасдиқлади Дамблдор, - Демак, Гаррининг хатти-ҳаракатларини, яъни шахсан ўзининг ва маг бўлмиш холаваччасининг ҳаётига нисбатан хавф туғилган вазиятда Ҳимоячи афсунини қўллаганини «*Фавқулодда вазият юзага келган ҳолатда амалга оширилган хатти-ҳаракат*» сифатида таснифланишини эътироф этамиз, шундайми?

- Ҳа, эътироф этамиз, агар чиндан ҳам ўша тор кўчада дементорлар пайдо бўлган бўлса. Бироқ бу масалага шахсан мен шубҳа ила қарайман...

- Сиз гувоҳ кўрсатмаларини тингладингиз, - гапни бўлди Дамблдор, - Агар берилган кўрсатмалар тўғри эканлигига шубҳаланаётган бўлсангиз, уни ортга қайтариб, қайтадан сўроқ қилинг. Ишончим комилки, кампир эътироз билдирмайди.

- Мен... нима... йўқ... - ўшқирди Фуж, қоғоз титиб, - Нима... мен... қисқаси, бу ишни шу бугун ниҳоясига етказмоқчиман, Дамблдор!

- Лекин сиз, адолат поймол бўлишига йўл қўймаслик ва ҳақиқатни аниқлаш мақсадида гувоҳлар шохидлигини неча маротаба керак бўлса, табиийки, шунча маротаба тинглашга тайёрсиз, шундай эмасми? - деярли тасдиқ оҳангида сўради Дамблдор.

- Адолатнинг поймол бўлиши! Э, шляпа илгагига осдим, ўша адолатингизни! - ўқирди Фуж, - Дамблдор, мана бу боланинг ўтакетган бадкирдорликларини муттасил хаспўшлаш ўрнига, қанчадан-қанча ақлга сиғмас уйдирмаларни тўқиб чиқарганини санаб кўришга сиз бирон маротаба бўлсин, уриниб кўрдингиз-ми? Унутмаган бўлсангиз керак, уч йил муқаддам, ушбу бола Вазнсизлик тилсимини қўллаб...

- Мен қўллаганим йўқ, ўша тилсимни! - қичқирди Гарри, - Уй эльфи қўллаган эди!

- КЎРДИНГИЗ-МИ? - ўдағайлади Фуж, - Уй эльфи эмиш! Маглар хонадонида-я! Бас қилинг, Дамблдор!

- Тилга олинган эльф бугунги кунда «Хогварц» мактаби хизматида, - эълон қилди Дамблдор, - Кўрсатма бериши учун мажлис иштирокчиларининг ихтиёрига ҳозироқ келтиришим мумкин.

- Мен... йўқ... аллақандай уй эльфини сўроқ қилиб ўтиргани вақтим йўқ! Қолаверса, бу ягона ҳолат бўлмаган... Эсингизда бўлса, бола ўз аммасини ишириб юборган эди! - ўкириб юборди Фуж, стол муштлаганча, сиёҳдонни онтариб юбориб.

- Ахир ўшанда шахсан ўзингиз боланинг аҳволини идрок этиб, агар тўғри тушунган бўлсам, киши қанчалик сара бўлмасин, баъзан ўз ҳиссиётларини идора эта олмаслигини эътироф этган эдингиз-ку, - хотиржам эслатиб ўтди Дамблдор, ёзувларига теккан сиёҳни бартараф этишга уриниб ўтирган Фужга қараб.

- Мактабда қилган қилмишларини санаб ўтирмадим...

- Таълим муассасасидаги интизом устидан назорат юритиш масъулияти вазирлик ваколатига кирмаслиги боис, Гаррининг мактаб ҳудудидаги хулқ-атвори суд мажлисининг иштирокчиларини қизиқтирмаслиги лозим, - одатдагидай мулоим, аммо бироз совуқ оҳангда эслатиб ўтди Дамблдор.

- Эҳ-ҳа! - хитоб қилди Фуж, - Демак, мактабда қарор топган аҳвол-у, йўл қўйилаётган ишлар устидан назорат ваколатимиз доирасига кирмайди? Шундай тушуниш керакми, сизни?

- Вазирлик ўқувчини «Хогварц» ўқувчилари рўйхатидан четлатишга ҳақли эмас. Бунни жорий йилнинг иккинчи август куни оқшом маҳалида ёдингизга солиш бахтига муяссар бўлган эдим, - деди Дамблдор хотиржам, - Шунингдек, вазирлик, соҳибининг айби исбот қилингунга қадар ҳеч кимнинг сеҳрли таёқчасини мусодара қилишга ҳам ҳақли эмас. Бунни ҳам жорий йилнинг иккинчи август куни оқшом маҳалида ёдингизга солишга журъат этганман. Қонунга амал қилишдек мақтовга муносиб интилишларингиз жараёнида шахсан ўзингиз ҳам айрим қонун ҳужжатларида баён этилган талабларнинг бузилишига йўл қўйгансиз. Ишончим комилки, бунни қасддан қилмагансиз.

- Қонунларни ўзгартириш мумкин, - дарғазаб ўшқирди Фуж.

- Албатта, - бош ирғиб қўйди Дамблдор, - Ва сиз, Корнелиус, бу масалада ошиқатганингиз яққол кўзга ташланмоқда. Қаранг, Оқил Судни тарк этганимга бир неча ҳафта бўлмай туриб, балоғатга етмаган сеҳргар боланинг оддий ишини муҳокама қилиш учун тўла миқёсли суд мажлисини ўтказиш – Оқил Суд амалиётининг одатий тусига кириб қолишига улгурибди-я!

Суднинг айрим аъзолари безовта бўлиб, қимирлаб қўйишди. Фужнинг юзи жигар ранг қизил тус касб этди. Бироқ унинг ўнг томонидаги бақага ўхшаш аёл Дамблдорга хотиржам, бирон-бир ифодасиз қараб ўтирибди.

- Билишимча, - давом эттирди Дамблдор, - Гаррини, унинг жамики гуноҳлари учун биратўла жазолашга имкон берадиган қонун ҳали қабул қилинмаган. Унга муайян айб қўйилган эди ва у, ўз ҳимояси учун исбот-далилларни ҳукмингизга ҳавола этди. Энди болага, ҳурматли суд мажлиси томонидан қабул қилинадиган қарорни итоаткорлик билан кутишдан бошқа чора қолмади.

Дамблдор фикрини якунлаб, узун бармоқларини боз қовуштириб олди. Ҳазабдан тутаб кетаётган Фуж Дамблдорни нигоҳ-ла тешиб юборгудай бўлиб ўтирди. Гарри хотиржамлик топиш илинжида Дамблдорга юзланди. Оқил Судни ҳозирнинг ўзида қарор чиқаришга мажбур қилиб қўйган директорнинг хатти-ҳаракатлари тўғри эканлигига бола бироз иккиланди. Бироқ Дамблдор Гаррининг нигоҳини боз пайқамади. У юқорига, ҳакамлар қаторига, Оқил Суд аъзолари ўртасида кечаётган ниҳоятда қизғин, деярли эшитилмаётган муҳокама жараёнига тикилиб қолган.

Гарри кўзини оёғининг учига қаратиб олди. Унинг юраги мисли кўрилмаган ўлчамга қадар шишиб кетгандай бўлиб, қовурғасини оғритиб урмоқда. Суд аъзоларида яхши таассурот қолдиргани борасида шубҳа қилаётган бола муҳокама анча чўзилишини кутди. Жўяли мулоҳаза юритиладиган бўлса, у деярли ҳеч нима демади. Дементорлар ҳақида, ерга йиқилганим, махлуқлар сал бўлмаса Дудли иккаламиздан бўса олишлари хусусида батафсилроқ айтиб беришим керак эди, хаёлдан ўтказди у...

Бола бошини икки маротаба кўтариб, Фужга мурожаат қилиш учун оғиз жуфтлади-ю, пуфак сингари шишиб кетган юраги халал бериб, иккала сафар ҳам чуқур нафас олганча, кўзини ботинкасининг ипига боз тушириб олди.

Бирдан шивир-шивир тўхтади. Гарри ҳакамлар томон бир қараб қўйди-ю, ботинкага қараб ўтиришни маъқул топди.

- Айбланувчини айбсиз деб ҳисоблаганлар қўлини кўтарсин, - янгради Боунс хонимнинг овози.

Гарри бошини кескин юқорига кўтарди. Ҳакамлар қўл кўтарди... кўп қўл кўтарилди... Ҳакамларнинг ярмидан кўпи қўл кўтарди! Нафас олиш жараёни тезлашиб кетган Гарри санашга уринди. Бироқ охиригача етишга улгурмай, яна Боунс хонимнинг овозини эшитди.

- Айбланувчини айбдор деб ҳисоблаганлар қўлини кўтарсин.

Фуж, унинг кетидан Оқил Суднинг тахминан ўн икки нафар аъзоси, шу жумладан, бақа-аёл, шоп мўйловли киши ва унинг рўпарасида ўтирган қўнғироқ сочли афсунгар аёл қўл кўтарди.

Рухсоридан бўғзига аллақандай нарсанинг каттагина бўлаги тиқилиб қолгандай бўлиб қолгани кўриниб турган Фуж, ҳаммага қараб чиққач, қўлини туширди. У икки маротаба чуқур нафас олиб, ғазабини базўр идора қилганча, Оқил Суд қарорини эшиттирди:

- Жуда яхши, жуда соз... Айбланувчи барча моддалар бўйича оқланди.

- Ажойиб, - деди ўрnidан енгилгина турган Дамблдор, таёқчасини чиқарганча, креслоларни гум қилиб, - Хўш, мен бораё бўлмасам. Ҳаммага хайрли кун тилайман.

Гаррига қиё ҳам боқмаган директор суд мажлисларининг ерости залини тарк этди.

## **ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. МИССИС УЭСЛИНИНГ ТАШВИШИ**

Гарри Дамблдорнинг суд залидан мана шундай, шартта чиқиб кетишини ҳеч кутмаган эди. Қаттиқ ҳаяжонланиб кетган ва айна вақтда мисли кўрилмаган енгиллик ҳис этаётган бола бақувват занжирлар осилиб турган қора курсида ўтирар экан, вужудини айқириб, батамом қамраб олган ҳис-туйғуларни идора қилиб олишга уринмоқда. Ўзаро суҳбат қураётган Оқил Суд аъзолари ўринларидан туриб, қоғозларини йиғишмоқда. Гарри ҳам ўрnidан турди. Дамблдорга қандай ўқрайган бўлса, энди Гаррига ҳам шундай бақрайиб турган анави бақа-аёлдан ташқари, бошқа ҳеч ким болага эътибор қаратаётгани йўқ. Бақа-аёлга хаёлан тупурган Гарри кетишга ижозат сўраш учун Фуж ёки Боунс хонимнинг нигоҳини тутиб олишга уринди. Бироқ Фуж, афтидан, Гаррини шу бугундан эътиборан назар-писанд қилмасликка аҳд қилган кўринадиди, бола томон қиё ҳам боқмади. Боунс хоним эса ўзининг портфели билан овора. Бола чиқиш эшиги томон аста одимлаб

кўрди. Ҳеч ким уни тўхтатишга ҳаракат қилмаганини англагач, қадамини тезлатди. Сўнгги икки фут масофани югуриб ўтган Гарри чиқиш эшигини ланг очиб, ранги оқариб кетган мистер Уэслига рўбару бўлди.

- Дамблдор менга ҳеч нима демай...

- Оқландим, - эълон қилди Гарри, эшикни ёпар экан, - Барча моддалар бўйича оқландим!

Мистер Уэсли яшнаб кетиб, Гаррининг елкасидан ушлаб олди.

- Зўр-ку, Гарри! Улар сени айбдор деб топа олишмас эди, албатта. Бунинг учун уларнинг ҳеч қандай асоси бўлмаган. Бироқ шундай бўлса ҳам, бекитмайман, мен бироз...

Шу ерга келганда, мистер Уэслининг гапи бўлинди. Эшик очилиб, ичкаридан Оқил Суд аъзолари чиқа бошлашди.

- О, Мерлин соқоли! - ҳайратланди мистер Уэсли, Гаррини йўлдан четга тортиб, - Улар сени тўлиқ таркибда суд қилишди-ми?

- Шунга ўхшайди, - аста жавоб берди Гарри.

Бир-икки нафар сеҳргар Гаррининг ёнидан ўтар экан, бош ирғиб қўйди. Боунс хоним эса мистер Уэсли билан саломлашиб ўтди. Лекин ҳакамларнинг аксарияти кўзини олиб қочди. Корнелиус Фуж билан бақа-аёл суд мажлислари залидан деярли охирги бўлиб чиқишди. Фуж учун Гарри билан мистер Уэсли афтидан, деворнинг бир қисмидай кўринди. Аёл эса аксинча, Гаррига диққат билан разм солиб ўтди. Зални охирги бўлиб қўлига бир қучоқ пергамент ўрами-ю, пат-қаламлар захирасини ушлаган Перси тарк этди. У ҳам Фуж каби, на отаси ва на Гаррига қиё боқмай, қаддини виқор-ла ростлаб, бурнини баланд кўтарганча, нари кетди. Мистер Уэслининг оғзи атрофидаги ажинлар яққол кўзга ташланганлиги эътиборга олинмаса, ҳозир у, ўз фарзандларидан бирини кўргани билинмади. Тўққизинчи қаватга кўтарила бошлаган Персининг товони кўринмай қолиши билан мистер Уэсли Гаррига мурожаат қилиб, ортидан юришни имо қилди:

- Энди уйга кетамиз. Зўр янгилик билан ўртоқлашишга ошиқётган бўлсанг керак, ахир. Хабаринг бор, мен зудлик билан Бетнел Гринга етиб боришим керак. Йўл-йўлакай сени ташлаб ўтаман.

Кетдик...

- Анави унитазни нима қиласиз энди? - қизиқди Гарри.

Боланинг оғзи қулоғига етган. Кутилмаганда унга ҳамма нарса одатдагидан беш карра кулгили ва қувноқ кўриниб кетди. Оқлангани, энди «Хогварц»га қайтиб боришини аста-секин идрок эта бошлади.

- Арзимаган иш, - жавоб қайтарди мистер Уэсли зинага етгач, - Буюм бузилишига қарши оддий афсун қўлланилади. Гап уни тузатишда эмас жоҳилликнинг асл сабабларини ойдинлаштиришда. Баъзи сеҳргарларга бундай қилиқлар беғараз ҳазилдай кўринади. Бироқ назаримда, магларни хўрлашга қаратилган ўхшаш хатти-ҳаракатлар замирида қандайдир чуқур маъно, жирканч мақсад бор. Фикримни билмоқчи бўлсанг...

Тўққизинчи қаватга етганда мистер Уэслининг гапи бўлинди. Йўлақда, зина майдонидан бир неча фут нарида Корнелиус Фуж новча бўйли, узун оқ сариқ сочи силлиқ, юзи рангпар аллақандай киши билан паст овозда гаплашмоқда.

Қадам товушини эшитган киши ҳам гапини бўлиб, муздай нигоҳини Гаррига қаратганча, кул ранг кўзини қисиб ўгирилди.

- Хўш-хўш-хўш... Ҳимоячи яратувчи Поттер, - деди Люциус Малфой таҳқир оҳангида.

Гарри худди катта тезликда югуриб келиб, қандайдир йирик, қаттиқ нарсага урилиб кетгандай нафас олишга қийналиб қолди. Ушбу пўлат тусли бир жуфт кўз сўнгги бор Гаррига Ўлимдан мириқувчининг қайтарма қалпоғидаги кўз учун кесиб очилган тирқиш орқали қараган эди. Айнан маша шу киборли овоз Лорд Вольдеморт томонидан қийноққа солинаётган Гаррини хўрлаган, мазах қилиб кулган эди. Гарри бир нарсани ҳеч ақлига сиғдира олмаяпти, қандай қилиб Люциус Малфой боланинг кўзига қарагани журъат эта олади? Атиги бир неча ҳафта олдин Гарри

Малфойнинг Ўлимдан мириқувчи эканлигини Фужга айтган эди. Қандай қилиб вазир мана бу Малфой билан хотиржам гаплашиб туриши мумкин?

- Вазир яна қутулиб қолганини айтди, Поттер, - тишлари орасидан вишиллади Малфой, - Қизиқ, қандай қилиб доимо жазодан қочиб қутулишга эриша оласан, а?... Бирам силлиқсан-ки, Поттер! Илоннинг ўзгинасисан-а!

Мистер Уэсли Гаррининг елкасини огоҳлантирган бўлиб, маҳкам сиқиб қўйди.

- Ҳа. Мен шунақаман. Силлиқман. Қочиб ҳам қутула оламан, керакли жойга ўтиб ҳам оламан, - яширин маъноли жавоб қайтарди Гарри, пинагини бузмай.

Люциус Малфой нигоҳини мистер Уэслига олиб ўтди.

- Артур Уэсли ҳам шу ерда! Сен нимангни йўқотиб қўйдинг бу ерда, Уэсли?

- Мен шу ерда ишлайман, - узук-юлуқ ўшқирди мистер Уэсли.

- Шу ерда? - қошини кўтарди Малфой, мистер Уэслининг ортидаги эшикка қараб, - Мен эса иккинчи қаватда ишлайсан деб ўйлаган эдим. Фаолиятинг мазмунан нимадан иборат, эслатиб ўтмайсан-ми менга, Уэсли? Магларнинг рўзғор буюмларини уйингга ташиб, устахонангда сеҳрлайсан чоғи, шундайми?

- Янглишяпсан, - жавоб қайтарди мистер Уэсли Гаррининг елкасини дарғазаб сиқиб.

- Сиз-чи, ўзингиз нима қилиб юрибсиз бу ерда? - сўроқ қилди Гарри.

- Бу менга ва сеҳргарлик вазирга тааллуқли, Поттер, сенга эмас, - деди Малфой, қўлини кийими устидан югуртирганча, киссаларидаги тилла тангаларни жаранглатиб, - Дамблдорнинг эрка ўқувчиси бўлганинг, кўнглинг тусаган хулқ-атвор намоён этишинг мумкинлигини англатмайди... Эҳтимол юқорига, хизмат хонангизга чиқармиз, вазир?

- Албатта, - деди Фуж, Гарри билан мистер Уэслига орқа ўгириб, - Марҳамат, Люциус, бу ёққа юрамиз.

Сўхбатни паст овозда давом этишган Фуж билан Малфой нари кетишди. Улар лифт кабинасига кириб кетгунга қадар мистер Уэсли Гаррининг елкасини қўйиб юбормади.

- Модомики, Фужда иши бор экан, нега унинг хизмат хонаси ёнида кутиб турмади? - нафрат-ла, сўради Гарри, - Бу ерда, пастда нима иши бор экан унинг?

- Суд залига кирмоқчи бўлган чоғи, - фикр билдирди мистер Уэсли, худди биров уларнинг сўхбатини эшитиб қолиши мумкиндай, атрофга ҳаяжон-ла аланглаб, - Сени мактабдан ҳайдашган-ҳайдашмаганини шахсан билмоқчи бўлган шекилли. Уйга етиб борсак, бу ҳақда Дамблдор учун хабар қолдириш кераклигини унутиб қўймаслик лозим. Фуж Малфой билан боз учрашиб юрганини Дамблдор билиб қўйиши шарт.

- Фуж иккаласини қандай иш боғлаши мумкин?

- Тахминимча, молиявий ишлар, - деди мистер Уэсли дарғазаб оҳангда, - Малфой кўп йиллардан буён ҳар хил хайриялар қилиб келмоқда... Шу тариқа ўзига керакли мансабдор шахслар билан зарурий муносабатлар ўрнатади... Келгусида эса уларга у ёки бу ноқулай қонуннинг қабул қилинишини вақтинча тўхтатиб туриш каби, ҳар хил илтимослар билан мурожаат қилади... Эҳ, нимасини айтасан. Люциус Малфойнинг танишлари саналадиган каслар доираси анча кенг. Агар идора ичида йўлланадиган хабарлар галаси бош узра гир айлангани ҳисобга олинмаса, бўм-бўш лифт келди. Мистер Уэсли «Атриум» тугмасини босиб, қўл силтаганча, хабарларни юзидан нари ҳайдади.

- Мистер Уэсли. Модомики, Фуж, анави Малфойга ўхшаш Ўлимдан мириқувчилар билан муносабат ўрнатиб, яккама-якка сўхбатлашар экан, - аста фикр билдирди Гарри, - Қарам қилиш қарғиши таъсирига дучор бўлмаганига қандай қилиб ишонч билдиришимиз мумкин?

- Бундай хаёлга борган ёлғиз сен эмассан, Гарри, - оғир хўрсинди мистер Уэсли, - Бироқ Дамблдорнинг фикрича, айна дамда Фуж, ўз ақли-ҳуши билан иш тутаетган эмиш. Аммо ўзинг кўриб турибсан, бу ҳам таскин берадиган ҳолат эмас. Фақат, Гарри... бундай нарсалар ҳақида

вазирликда гаплашиш мумкин эмас.

Кабина эшиги очилиб, икковлон кенг, кимсасиз қолган, фақат хавфсизлик хизмати ходими Эрик юзини газета билан тўсиб олган Атриумга чиқди. Кутилмаганда фаввора ёнидан ўтаётган Гарри ўз ниятини эсига олди.

- Шошмай тулинг... - тўхтатди у мистер Уэслини, йўл-йўлакай ҳамёнини чиқарганча, ортга, фаввора ёнига қайтар экан.

Сеҳргарнинг чиройли қиёфасига разм солиб, яқиндан қараганда, ушбу ҳайкалнинг юзи Гаррининг кўзига қандайдир иродасиз, ноқис кишининг юзидай кўринди. Афсунгар аёл ҳайкалининг лабларида эса гўзаллик конкурси иштирокчисининг бирор-бир маъно ифодаламаган табассуми қотиб қолган. Маънавий сифатларидан қатъи назар, сўлаклари оқиб турган гоблин билан кентавр сеҳргар одамларга ҳеч қачон бундай хушомадомуз қарамаган бўлар эди. Фақат қулларча бош эгиб, ялтоқлик қилаётган уй элфининг сермулозамат қиёфаси ишончли чиқибди. Эльфнинг бундай қиёфасини кўрган Гермiona нима деган фикр билдиришини тасаввур қилган Гарри ҳамёнининг тасмасини ечиб, фаввора бассейнига ният қилгандай ўн галлеон эмас, бор пулини онтариб ташлади.

\*\*\*

- Шундай бўлишини билар эдим! - қичқирди Рон, стол муштлаб, - Сени одатдагидай, Худо сақлади.  
- Нима ҳам қила олишар эди. Ахир сенга қарши ҳеч нима бўлмаган уларда, - деди Гермiona йиғламсираб.

Гарри ошхонага кириб келганида бечора қиз ҳушидан кетар даражага келиб қолган экан. Ҳозир эса титраётган қўли билан кўзини бекитиб ўтирибди.

- Худо сақлашига ишончингиз шунчалик комил бўлган экан, нега бўлмасам бунчалик енгил тортиб қараяпсиз? - кулиб қўйди Гарри.

Миссис Уэсли юзини фартук билан артиб олди. Фред билан Жорж эса ўрниларидан ирғиб туриб, оҳанг берилган овозда бақаришди:

- Худо сақлади, Худо сақлади, Худо сақлади...

- Жим! Тинчланинг! - овоз кўтарди мистер Уэсли, ўзи иршайиб турган бўлса ҳам, - Айтгандай, Сириус, вазирликда биз Люциус Малфойга рўбару келдик...

- Нима?! - қошини кўтарди Сириус.

- Худо сақлади, Худо сақлади, Худо сақлади...

- Ҳой, учовинг, гапни гапга қўшасанми, йўқ-ми! Уни тўққизинчи қаватда, Фуж билан сирлашиб турганини кўриб қолдик. Биз билан «салом-алик» қилгач, иккаласи Корнелиуснинг хизмат хонасига кириб кетди. Дамблдор бу ҳақда билиши керак.

- Ҳа, тўғри айтасан, - деди Сириус, - Биз унга етказиб қўямиз, ташвиш тортма.

- Яхши. Мен борай. Бетнел Гринда қайт қилавериб қийналиб кетган унитаз кутяпти мени. Молли, мен кеч қайтаман. Бомснинг ўрнига навбатчилик қиламан. Кечки овқатга Кинсли келиши мумкин...

- Худо сақлади, Худо сақлади, Худо сақлади...

- Фред, Жорж, Жинна! Жим бўлинглар! - қичқирди миссис Уэсли эрини ошхонадан кузатиб қўйиб, - Гарри, ёқимтойгинам, ўтир тезроқ, овқатланиб ол. Ахир сен нонушта қилмадинг, деярли.

Рон билан Гермiona Гаррининг рўпарасига ўтириб олишган. Гарри Пинҳонийлик майдонига келганидан буён иккаласи бу қадар бахтиёр қиёфа касб этишмаган эди. Люциус Малфой билан учрашганидан сўнг, деярли сўниб қолган қувонч Гаррининг вужудини боз қамраб олди. Ваҳимали Блэклар хонадони кўзига илиқ кўринди. Ҳатто ошхонага ўзининг чўчка тумшугини сўқиб кетган, ҳар ерда ҳозир-нозир Тараққос ҳам, у қадар хунук эмаслигини хаёлан таъкидлаб ўтди.

- Дамблдор тарафдоринг эканини кўришлари билан сени айблашга журъат этиша олмаган, - хулоса қилди Рон, ликопига картошка бўтқасидан аямай солиб.

- Ҳа, қутқариб қолди у мени, - тасдиқлади Гарри.

«Агар мен билан гаплашганида ёки лоақал қиё боқиб кетганида янада яхши бўлармиди», деб қўшиб қўймоқчи бўлди-ю, бироқ бу гап ношукурлик бўлиши ёхуд бундан-да баттар, ёш болаларча мулоҳазадай эшитилишини ўйлаб, индамай қўя қолди.

Ушбу фикр хаёлидан ўтиши билан пешонасидаги чандиққа кучли оғриқ кириб, қўли беихтиёр пешонасига югурди.

- Нима қилди? - хавотирланди Гермiona.

- Чандиқ, - базўр жавоб бера олди Гарри, - Ҳеч қиси йўқ... ўтиб кетади... Бу энди тез-тез бўлиб турибди...

Қолганлар Гаррининг чандиғи оғриганини пайқашмади. Ҳамма овқатланиш ёки Гаррининг муаммоси ижобий ҳал бўлгани шарофатига хурсандчилик қилиш билан овора. Фред, Жорж ва Жинна хиргойини ҳеч қўйишмади. Гермiona ташвиш тортиб, оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, Рон бахтиёр овози ила хитоб қилгани боис, сўз айтгани улгурмади.

- Бас боғлашамизми, Дамблдор бугун пайдо бўлиб келади! Бугунги кунни биз билан нишонлаши керак-ку, у, ахир!

- Йўқ, Рон, у вақт ажрата олмайди, деб қўрқаман, - эътироз билдирди миссис Уэсли, Гаррининг олдига каттагина қовурилган товуқ гўштини қўйиб, - Дамблдор ҳозир ниҳоятда банд.

- ХУДО САҚЛАДИ, ХУДО САҚЛАДИ, ХУДО САҚЛАДИ...

- Ҳой, жим бўласизлар-ми, бугун, йўқ-ми?! - бақириб берди миссис Уэсли.

\*\*\*

Пинҳонийлик майдони, 12- уйда ўтган кейинги бир неча кун ичида, Гаррининг «Хогварц»га қайтишидан у қадар хурсанд бўлмаган одам ҳам борлиги аста-секин билина бошланди. Қувончли хабарни илк фурсатда эшитган Сириус ўз хурсандчилигини зўр ифода эта олди, албатта. Боланинг қўлини узоқ вақт сиқиб, юзи яшнаганча, эл қатори кулиб турди. Бироқ вақт ўтган сари унинг хурсандчилиги барҳам топди, кун сайин кайфияти тушиб, ҳеч ким, ҳатто Гарри билан ҳам гаплашмай қўйди. Ойисининг юқори қаватдаги ётоқхонасига қамаб қўйилган Отбургутнинг ёнига кириб, ўша ерда кун ўтказадиган бўлиб олди.

Гарри бу борадаги кечинмаларини дўстлари Рон ва Гермiona билан ўртоқлашди. Гаррининг иши интизомий жиҳатдан муҳокама қилинган кундан эътиборан бир ҳафта ўтган бўлиб, ҳозир улар учинчи қаватдаги жавонни тозалаш билан овора.

- Фақат ўзингни айблашни хаёлингга ҳам келтира кўрма! - деди Гермiona қатъий оҳангда, - Сенинг ўрнинг «Хогварц»да. Буни жуда яхши биладиган Сириус, назаримда, ўз худбинлигини намоён этмоқда.

- Ошириб юбординг, Гермiona, - эътироз билдирди Рон, бармоғига ёпишиб қолган пўпанакдан халос бўлишга уриниб, - Бу уйда ёлғиз қолиш ўзингга ҳам ёқмаган бўлар эди.

- Қанақанги ёлғизлик ҳақида гапиряпсан, Рон? Қақнус ордени-чи? - хитоб қилди Гермiona, - Гарри ҳам шу ерда яшаб қолишига умид қилган холос. Умиди эса пучга чиқди.

- Бўлиши мумкин эмас, - деди Гарри, қўлидаги латтанинг сувини сиқиб, - Мабодо ишлар чаппасидан кетса, шу ерда яшаб қолишим мумкинлигини сўраган эдим. Маънили жавоб бермади.

- Чунки сени умидвор қилишни истамаган, - доно ҳикмат билдирган бўлди Гермiona, - Бундан ташқари, сени ўқувчилар рўйхатидан четлатишларини ич-ичдан орзу қилгани учун ўзини айбдор ҳис қилаётган бўлса керак. Негаки, мактабдан ҳайдалганинда иккалангиз ҳам радди маърака одамга айланиб қолган бўлар...

- Бас қил! - баралла гапни бўлишди Гарри билан Рон.

- Марҳамат, - елка қисди Гермiona, - Фақат мен, Рон, баъзан, онанг ҳақ эканлиги ҳақида ўйланиб қоляпман. Сириус вақти-вақти билан чалғиб кетяпти чоғи. Чиндан ҳам у Гаррини аслида Гарри



сифатида эмас, унинг отаси сифатида қабул қиляпти.

- Томи сал силжиб қолган, демоқчисан, шундайми? - тутай бошлади Гарри.

- Йўқ, ундай демоқчи эмасман. У узоқ вақт танҳо ўзи, ёлғиз қолган, демоқчиман, - ифодасиз жавоб берди Гермiona.

Шу пайт хонага миссис Уэсли кириб, тартибга келтириладиган жавон ичига бош суқиб кўрди.

- Ханузгача мана шу билан овора бўлиб ўтирибсиз-ми? - деди у.

- Бироз дам олишни таклиф қиласиз, деб умид қилган эдим! - аччиқ қилди Рон, - Шунча вақтдан буён неча тонна чиқинди чиқариб ташлаганимизни биласизми?

- Орденга яқиндан ёрдам беришни ўзингиз орзу қилган эдингиз, шекилли, - елка қисди миссис Уэсли, - Шундай экан, унинг қароргоҳини тартибга келтиришдек шарафли иш насиб қилганидан фахрланишингиз даркор.

- Ўзимни уй эльфидек ҳис этяпман, - ғудуллади Рон.

- Ана энди билиб олдинг-ми, эльф ҳаёти қанчалик машаққатли кечилини? - умид-ла овоз кўтарди Гермiona, миссис Уэсли хонани тарк этиши билан, - САССИҚ фаолиятида янада фаол иштирок этишинг кераклигига амин бўлдинг, шундайми? «Гриффиндор» коллежининг умумий меҳмонхонасида хайрия ҳашари уюштирилиб, олинган фойда САССИҚ жамиятининг ҳисобига ўтказилса, ёмон бўлмас эди. Шундай қилинса, жамият бюджетини тўлатиб, фуқароларнинг воқифлигини оширамыз...

- САССИҚ жамияти ҳақида ҳеч нарса эшитмаслик учунгина ўзимнинг жамики даромадларимни садақа қиламан, - дарғазаб ғудуллади Рон фақат Гаррига эшиттириб.

\*\*\*

Таътилнинг сўнгги куни яқинлашмоқда. Гарри «Хогварц» ҳақидаги хаёлларга тез-тез бериладиган, Хагрид билан боз учрашиш, квидиш ўйнаш, экинзорлар орқали иссиқхоналарда ўтадиган гербология дарсига бориш фурсати етиб келишини интизорлик билан кутадиган бўлиб қолди. Гарри Гарри бундай орзулари ҳақида Сириуснинг олдида гапирмаса-да, чанг босган мана бу кир уйдан, охиригача тозаланмаган жавонлар-у, Тараққоснинг лаънатларидан нари кетишнинг ўзи катта бахт!...

Орден аъзолари уйга мунтазам ташриф буюриб туришига қарамай, Вольдемортга қарши ҳаракат штабининг қароргоҳида яшаш у қадар қизиқ кечмаяпти. Меҳмонлар баъзан биргаликда овқатлангани қолса, баъзан атиги беш дақиқага, пичирлашганча ўзаро ахборот алмашилиб, тез кетиш учун кириб ўтади. Бироқ миссис Уэсли, ушбу ахборот алмашинувининг бирон оғиз сўзи Гарри ва унинг атрофидаги болаларнинг қулоғига бевосита ҳам, пинҳонқулоқ воситасида ҳам, чалиниб қолмаслиги учун қўлдан келганча уринмоқда. Энди ҳеч ким, ҳатто Сириус ҳам, Гаррига, биринчи оқшомда айтиб берилган гаплардан ортиқ маълумотлардан воқиф бўлиши кераклиги ҳақида фикр билдирмади.

Мактабга қайтишдан бир кун олдин Гарри курси устига чиқиб олиб, жавон устини Хедвигнинг гўнгидан тозалаётган фурсатда хонага иккита конверт ушлаган Рон кириб келди.

- Китоблар рўйхати, - деди у, конвертлардан бирини Гаррининг қўлига тутқазиб, - Унутиб қўйишди деб ўйлаган эдим. Одатда, ушбу рўйхат эртароқ йўлланар эди...

Гарри гўнг қолдиқларини чиқинди ташлаш қопига супуриб, Роннинг боши узра ётоқхонанинг бурчагида турган сават ичига улоқтирди. Сават қопни ютиб юбориб, қорни тўйган кишидай кекириб қўйди. Гарри конвертни очиб, ичидан иккита пергамент бўлагини чиқарди. Улардан бири ўқув йили биринчи сентябрда бошланиши ҳақидаги одатий эслатма бўлса, иккинчиси, ушбу ўқув йилида зарур бўладиган дарсликлар рўйхати.

- Иккита янги дарслик қўшилибди холос, - деди Гарри рўйхатга кўз югуртириб, - Миранда Гошок «Афсунлар тўплами (бешинчи қисм)» ва Уилберт Уиляйл «Муҳофаза қилувчи сеҳр-жоду

назарияси»

Қарс.

Рон билан Гаррининг ёнида Фред ва Жорж пайдо бўлишди. Эгизакларнинг дафъатан пайдо бўлиб, йўқолиб қолишларига Гарри шу қадар кўникиб қолди-ки, ҳатто курсидан қулаб тушмади.

- Манави Уиляйл деганларининг китоби қаердан пайдо бўлиб қолгани ҳақида ўйланиб қолдик, - деди Фред, худди аллақачон бошланган суҳбатни давом этаётган бўлиб.

- Дамблдор ёвузлик кучидан ҳимоя фанининг янги ўқитувчисини топганини англатади бу, - тушунтириш берган бўлди Жорж.

- Улгурибди-да, демак, - деди Фред.

- Қайси маънода? - сўради Гарри, курсидан сакраб тушиб.

- Пинҳонқулоқ воситасида ота-онамининг суҳбатини эшитиб қолган эдик, - жавоб берди Фред, - Уларнинг сўзларига қараганда, Дамблдор, ушбу лавозимга одам топа олмай юрган эди.

- Ушбу фаннинг сўнгги тўрт нафар ўқитувчисини эсга оладиган бўлсак, бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ, - таъкидлаб ўтди Жорж.

- Бири ҳалок бўлди, иккинчиси хотирасини йўқотиб қўйди, учинчисини ишдан бўшатишди, тўртинчиси эса тўққиз ой сандиқда қамалиб ётди, - бармоқ букиб, санаб ўтди Гарри, - Ҳа, бундай қисматларга ҳавас қилиб бўлмайди.

- Сенга нима қилди, Рон? - қутилмаганда сўраб қолди Фред.

Рон жавоб қайтара олмади. Гарри ўгирилиб, оғзини катта очган, Рон «Хогварц»дан келган хатга бақрайиб қолганини кўрди.

- Нима гап, тинчликми? - овоз кўтарди бетоқат бўлиб бораётган Фред.

У Роннинг ёнига келиб, елкаси узра хатга қаради.

- Синфбоши? - ишонқирамай сўради у, хатдан кўзини уза олмай, - Синфбоши?!

Иккаласининг олдига сакраб келган Жорж Роннинг қўлидаги конвертни юлқиб олиб, оларди.

Конверт ичидан Жоржнинг қўлига тўқ қизил-тилла тусли кўкрак нишони тушди.

- Бўлиши мумкин эмас, - хириллаб пичирлади Жорж.

- Қандайдир англашилмовчилик рўй берган кўринади, - деди Роннинг қўлидаги хатни тортиб олиб, юқорига кўтарган Фред, худди ёруққа тутганда кўринадиган белгини кўрмоқчи бўлгандай, қоғоз таркибини ўрганишга уриниб, - Кишининг фикри соғлом бўлса, Ронни ҳеч қачон синфбоши этиб тайинламайди.

Эгизаклар Гаррига юзланди.

- Айнан сен синфбоши бўлишингга юз фоиз ишонган эдик! - овоз кўтарди Фред, худди Гарри аллақандай йўсинда ҳаммага фириб бергани учун сўкаётган оҳангда.

- Дамблдор сени танлайди, деб ўйлаган эдик! - эътироз-ла қичқирди Жорж.

- Уч сеҳргар беллашуви-ю, шунга ўхшаш нарсаларни инobatга олган ҳолда, - қўшимча қилди Фред.

- Афтидан, телбалиги ҳақидаги гап-сўзлар ўз таъсирини кўрсатган кўринади, - фикр билдирди Жорж.

- Тўғри, - чўзди Фред, - Сен бола, ҳақиқатан ҳам кўп ташвиш келтирасан. Нима ҳам дердим, ҳеч йўқ, биттангиз ўз ор-номусингизни сақлаб қолишга эришибсиз-ку.

У Гаррининг ёнига келиб, белига уриб қўйди-да, Ронга еб юборгудек ўқрайди.

- Синфбоши... Ажабо, сичқонча Лонни энди кимсан, синфбоши бўлди-ми!

- Уҳ, ойим хабар топса борми, нима бўлишини тасаввур қиляпман, - ингради Жорж, худди юқимли касаллик вируси теккан нарсадан ҳазар қилгандек, Роннинг қўлига кўкрак нишонини ушлатиб қўйиб.

Ҳанузгача лом-мим дея олмаган Рон қўлидаги кўкрак нишонига муайян вақт қараб турди-да, унинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлаб бериши учун бўлса керак, индамай Гаррига узатди. «Гриффиндор» шери устига битилган «С» ҳарfli ялтироқ кўкрак нишонини, Гарри, «Хогварц»га келган илк куни,

Персининг кўкрагида кўрган эди.

Шу фурсатда хона эшиги ланг очилиб, қўлида конверт ушлаган, сочи ёзилиб, юзи қизариб кетган Гермiona отилиб кирди.

- Сизлар... сизлар ҳам олдиларингми?...

У Гаррининг қўлидаги нишонини кўриб қолиб, айюҳаннос солди.

- Ўзим ҳам шундай бўлади, деб ўйлаган эдим! - ҳаяжон-ла бақирди у, қўлидаги хатни силтаб, - Мен ҳам, Гарри, мен ҳам!

- Йўқ, - деди Гарри, нишонни Роннинг қўлига тез ушлатиб қўйиб, - Бу меники эмас, Роннинг нишони.

- Кимнинг... нишони?

- Синфбоши мен эмас, Рон, - такрорлади Гарри.

- Рон? - сўради Гермiona, оғзи очилиб қолиб, - Аммо... Ишончинг комилми? Яъни... айтмоқчи эдим-ки...

- Конвертга менинг исмим ёзилган, - хўмрайиб қўйди Рон Гермionaга юзланиб.

- Мен... менга... - гангиб қолди Гермiona, - Яъни... Умуман айтганда, зўр бўпти! Баракалла, Рон! Бу шунчалик...

- Кутилмаган ҳолат, - Гермionанинг фикрини яқунлади Жорж, маъқуллаганча бош ирғиб.

- Йўқ, - баттар қизариб кетди Гермiona, - Мен ундай демоқчи эмас эдим... Рон кўп яхши ишлар қилди... у чиндан ҳам...

Унинг ортидаги эшик кенг очилиб, хонага бир қулоч дазмолланган кийим кўтарган миссис Уэсли кириб келди.

- Ҳозиргина Жинна китоблар рўйхати келганини айтиб турган эди менга, - деди у, кийимларни тўп-тўп қилиб тақсимлаб чиқар экан, болаларнинг қўлларига конвертларга кўзи тушиб, - Уларни менга йиғиб беринг. Сизлар сафарга ҳозирлик кўриб тургунларингга қадар, Диагон хиёбонига зинғиллаб бориб келаман. Рон, сенга, китоблардан ташқари, янги пижама ҳам олиш керак. Мана буниси кам деганда олти дюймга калта бўлиб қолибди. Кун эмас, соат сайин ўсяпсан-ми, нима бало. Қанақа рангисини олай?

- Кўкрак нишонининг рангига монанд бўлиши учун қизил-тилла тусли пижама олиб беринг унга, - истехзо қилди Жорж.

- Ниманинг рангига монанд бўлиши учун? - тушунмай сўради миссис Уэсли, бир жуфт тўқ қизил пайпоқни Ронга тегишли буюмлар тўпига қўшар экан.

- Синфбошининг янгигина, ялтироқ кўкрак нишони рангига, - такрорлади Фред, нохуш гапни тезроқ айтиб қутулмоқчи бўлгандай.

Фреднинг сўзлари миссис Уэслининг пижама ҳақидаги хаёлларга берилган онгига етиб боргунга қадар муайян вақт ўтди.

- Унинг?... Бироқ... Рон, ахир сен?...

Рон қўлидаги кўкрак нишонини кўтариб кўрсатди. Миссис Уэсли худди Гермionaга ўхшаб, шу заҳоти айюҳаннос солди.

- Бўлиши мумкин эмас! Бўлиши мумкин эмас! О, Рон, қандай ажойиб! Синфбоши! Қолган барча оила аъзолари каби, синфбоши!

- Фред иккаламиз-чи? Оила аъзоси бўлмай, қўшнининг боласимиз-ми? - эътироз билдирди Жорж. Бироқ она унинг кўкрагидан итариб, кенжа ўғлини қучиб олди.

- Даданг эшитса, роса суюнади! Рон, мен сен билан фахрланаман! Ажойиб янгилик! Яна бироз ҳаракат қилсанг, Билл билан Перси каби, энг ибратли ўқувчи номига сазовор бўласан. Ахир бу илк қадам-ку! Шунча ташвишларимиз орасида ажойиб совға бўлибди-да! Мен ниҳоятда бахтиёрман, о, Ронни...

Онасининг ортида турган эгизаклар қайт қилаётган қилиқ қилишди. Бироқ ҳеч нарсага эътибор

қаратмаган миссис Уэсли Ронни маҳкам қучиб олганча, синфбошининг кўкрак нишонидан ҳам баттар тўқ қизил тус олган юзини ўпа кетди.

- Ойи... бўлди... ойи, тинчланинг... - ғудуллади у, онасининг қучоғидан халос бўлишга уриниб.

Ҳансираб қолган миссис Уэсли боласини ниҳоят қўйиб юборди.

- Хўш, нима қиламиз? - сўради у, - Персига биз бойқуш совға қилган эдик. Сенинг бойқушинг бор...

- Ним-ма де-демоқчисиз, ойи? - тутилиб сўради Рон, қулоқларига ишонмай.

- Сен мукофотга сазовор бўлдинг! - хитоб қилди миссис Уэсли, ўғлига меҳр ила қараб, - Янги парад коржомо олиб берайлик-ми?

- Биз олиб берганмиз унга, - фожиали оҳангда маълум қилди Фред, худди кетини ўйламай қилган сахийлигидан ачинаётган каби, қиёфа ясаб.

- Ундай бўлса, янги қозон олиб берамиз. Қозонинг эскириб, занглаб кетган. Уни бир вақтлар Чарли тутган ахир... Ёки янги каламуш олиб берайлик-ми? Қасмоқни жуда яхши кўрар эдинг-ку...

- Ойи, - тортиниб гап бошлади Рон, - Янги супурги олиб бера оласизми?

Супургиларнинг нархи жуда қиммат бўлгани учун миссис Уэслининг юзи бироз хира тортди.

- Зўр супурги олиб беришингизни сўраётганим йўқ! - шоша-пиша қўшиб қўйди Рон, - Шунчаки... шунчаки, янгисини... ҳар хил бўлсин учун...

Миссис Уэсли бироз иккиланиб турди-да, табассум қилди.

- Олиб бераман, албатта... Хўш, супургига ҳам киришим керак экан, демак шошишим керак экан.

Учрашгунча... қаранг-а, кичкинтой Ронни синфбоши!... Сандиқларингни сафарга тайёрлаш ёдларингдан кўтарилмасин... Синфбоши... ҳозир ўлиб қоламан!...

У яна бир бор ўғлини ўпиб, кулиб қўйди-да, хонадан югурганча чиқиб кетди.

- Рон, агар сени ўпиб қўймасак, хафа бўлмайсан-ми? - сохта хижолат-ла сўради Фред.

- Агар истасанг, чуқур таъзим қиламиз, - таклиф киритди Жорж.

- Овозларингни ўчирсаларинг, шунинг ўзи кифоя, - дарғазаб ўқрайди Рон.

- Ўчирмасак-чи, жазога тортасанми? - мудҳиш иржайди Фред.

- Жазога тортишини бир томоша қилар эдим-да, - истеҳзоли кулиб қўйди Жорж.

- Хулқ-атворингиз шундай кечадиган бўлса, тортиши ҳам мумкин, - домангир қиёфа ясади Гермиона.

Фред билан Жорж хандон отиб юборишди.

- Қўй, Гермиона, шулар билан тенг бўлма, - ғудуллади Рон.

- Бундан буён ҳар бир қадамимизни ўйлаб босишимиз керак, Жорж, - ғўлдиради Фред, ўзини кўрқувдан қалтираётган кўйга солиб, - Негаки, энди, бир эмас икки нафар золим синфбоши бизни алоҳида назорат остига олади...

- Ҳа, олтин дамларимизга чек қўйиладиган бўлди, - ифодали дилабгор қиёфа ясади Жорж.

Эгизаклар қаттиқ қарс чиқариб, ҳавода даф бўлишди.

- Оҳ, бу иккаласи! - аччиқланди Гермиона, хандон эшитилаётган шифтга қараб, - Эътибор қаратма, Рон, улар сенга ҳасад қилишяпти!

- Йўқ, ундай деб ўйламайман, - шубҳа ила бош чайқади Рон, шифтга қараб, - Улар доимо

«Синфбоши этиб фақат чала жиннилар тайинланади» деб таъкидлаб келишган... Аммо улар, -

қувноқ оҳангда қўшиб қўйди у, - Ҳеч қачон янги супургили бўлишмаган! Афсус, ойм билан бирга бориб, «Нимбус» танлай олмайман. «Нимбус»га қурби етмайди, лекин ҳозир «Соф ғалаба»

русумининг янги модели чиққан... Ана ўшандан олиб беришса зўр иш бўлар эди... Ҳа... Мен бориб, шама қилиб келай...

У Гарри билан Гермионани ёлғиз қолдириб, хонадан югуриб чиқди.

Гарри негадир Гермионанинг кўзига қарашни истамай, каравотига юзланди. Миссис Уэсли олиб келган тоза кийим уюмини олиб, сандиғи томон одимлади.

- Гарри? - тортиниб чақирди Гермиона.

- Зўрсан, Гермiona, - деди ханузгача Гермionaга қарамаган Гарри овозини ўзи танимаган хайрихоҳона оҳангда, - Зўр иш бўлди. Жуда зўр.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гермiona, - Э-м-м-м... Гарри... Хедвигнинг хизматидан фойдалансам майлими? Ота-онамга хат йўллаيمان. Улар жуда хурсанд бўлишади... Синфбоши сўзини улар яхши тушунишади...

- Албатта, - ижозат берди Гарри, ўша оҳанги билан, - Ол!

У сандиқ устига энгашиб, тубига кийимларини жойлади-да, ўзини нимадир қидираётган кўйга солди. Гермiona жавон ёнига бориб, Хедвигни чақирди. Бир неча сониядан сўнг, Гарри, қаддини ростламай турган ҳолатида эшик ғирчиллаб ёпилаётганини эшитди. Хонада бўш расмнинг ҳиринглаётгани-ю, чиқинди ташлаш савати бойқушнинг гўнгини қайт қилаётгани эшитилди холос. Шундагина Гарри қаддини ростлаб, орқага ўгирилди. Гермiona Хедвигни олиб, чиқиб кетибди. Гарри эшик ёнига тез бориб, ёпди-да, каравоти томон аста одимлаб, ўзини кўрпага ташлади. Нигоҳсиз кўзини оёқ томондаги каравот тахтасига тикди.

Ўз ташвишлари билан овора бўлиб, бешинчи синфга ўтган ўқувчилар орасидан синфбошилар танланишини мутлақо унутиб юборган экан. Мактабдан қувиб юборилишидан шундай кўрқиб юрган экан-ки, каллада аллақандай аҳмоқона кўкрак нишонлари ҳақидаги ўйларга жой қолмаган. Нишонлар эса аста-секин янги соҳиблар томон йўл очиб борган. Хўп, ўйлаганда-чи... нимани кутган бўлар эди?

- Бундай ҳолатни эмас, ҳар қалай, - деди мияда базўр эшитилган, ҳақиқатгўй овоз.

Гарри бефойда буришиб кетган юзига иккала кафтини босиб олди. Киши минг уринмасин, ўзини ўзи алдай олмайди. Агар кўкрак нишони иккаласидан бирига тегиши кераклигини билганда, Ронга эмас ўзига насиб қилишига ишончи комил бўлар эди. Наҳотки у Драко Малфойдан фарқ қилмаса? Наинки ўзини бошқалардан аъло кўрса? Наҳот у чиндан ҳам Рондан зўр эканлигига ишонса?

- Йўқ, - мудҳиш фикрни инкор этди мияда базўр эшителиётган ҳақиқатгўй овоз.

- Ростданми? - ўзига ўзи савол берди Гарри, ўз ҳиссиётларини ҳайрат-ла титкилай бошлаб.

- Мен квидиш ўйинини яхши ўйнайман, - деди ҳақиқатгўй овоз, - Қолган масалаларда эса Рондан фарқли фазилатларим йўқ.

- Бу ҳақ гап, - хаёлдан ўтказди Гарри, - Ўқув материални ўзлаштириш масаласида Рондан зўр эмасман. Бироқ... дарсдан ташқари масалалар-чи? Рон билан Гермiona учаламиз бошдан кечирган муаммолар-чи? Мактабдан ҳайдалишдан ҳам даҳшатлироқ кечган ҳодисалар-чи?

- Рон билан Гермiona деярли доимо ёнимда бўлган, - деди Гаррининг миясидаги ҳақгўй овоз.

- Ҳамма вақт эмас, - баҳслашди Гарри, ўзи билан ўзи, - Биринчи синфда Белкага қарши, иккинчи синфда Реддль билан Василиска қарши якка ўзим олишаётганимда ёнимда бўлишмаган. Сириус қочиб қутулган ўша тунда мен каби, дементорлардан қутулишга мажбур бўлишмаган. Вольдеморт ҳаётга қайтган тунда эса қабристондаги даҳмага менинг ёнимда боғланган ҳолда туришмаган... Гаррининг вужудини яна ўша, бу уйга келган биринчи оқшомда қамраб олган туйғулар, хусусан унинг қобилиятига ҳеч ким муносиб баҳо бермагани, унга нисбатан адолатсиз муносабат кўрсатилгани билан боғлиқ туйғулар қамраб олди.

- Мен кўрсатган хизматлар аслида анча кўпроқ, - ўзига ўзи эътироз билдирди Гарри, - Иккаласидан ҳар бирига нисбатан анча кўп иш кўрсатганман!

- Эҳтимол Дамблдор синфбошиларни аҳмоқлик туфайли бошдан кечирилган хавfli вазиятлар сонига қараб танламас? - адолат-ла, таъкидлади тўғриси ўз овоз, - Балки мутлақо бошқа мезонларга бўйича танлар?... Балки Роннинг табиатида сенда йўқ фазилат бордир?...

Гарри кўзини очиб, бармоқлар орасидан жавоннинг ўткир тирноқли оёғига қараб, Фред айтган: «Кишининг фикри соғлом бўлса, Ронни ҳеч қачон синфбоши этиб тайинламайди» сўзларни эслаб, қисқа хандон отиб қўйди. Сония ўтмай, ўз қилиғидан ўзи жирканди.

Рон синфбошилик кўкрак нишонини Дамблдордан сўраб олмаган. Шундай экан, синфбоши этиб

тайинлангани учун айблаб бўлмайдими уни. Нега энди Гарри, Роннинг яқин дўсти бўла туриб, ҳасад қилиши, эгизакларга қўшилиб, Роннинг устидан кулганча, хурсандчилигига путур етказиши керак? Қайсидир жиҳати билан Гарридан яхшироқ бўлгани, устун келгани учунми?

Шу пайт ташқаридан Роннинг қадам товуши эшитилди. Гарри ўрнидан туриб, думалоқ кўзойнагини тўғрилаб олди-да, юзида табассум ясаши билан хонага Рон кириб келди.

- Улгуриб қолдим! - қувонч-ла маълум қилди у, - Қурби етса, «Соф ғалаба» олиб келадиган бўлди.

- Зўр иш бўлибди, - деди Гарри, ғайритабиий хайрихоҳона оҳанги ўз ўзидан йўқолганига эътибор қаратиб, - Биласанми, Рон... сен чиндан ҳам зўрсан.

Роннинг юзидаги табассум барҳам топди.

- Умуман айтганда, синфбоши этиб тайинланишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, - деди у, бош чайқаб, - Айнан сен бўлишингга ишончим комил эди!

- Қўйсанг-чи, мен кўп ташвиш келтираман, - жавоб қайтарди Гарри Фреднинг таъбири билан.

- Ҳа... - чўзди Рон, - Эҳтимол шу сабабдир... Хўп, майли. Нарсаларимизни йиғиштириш вақти етди чоғи, тўғрими?

Қизиқ, уларнинг нарсалари бутун уйга тарқалиб кетибди. Куннинг иккинчи ярми китоблар-у, бошқа бисотларни топиб, йиғиб, сандиқларга жойлашга кетди. Рон ўзининг кўкрак нишонини дам у ёққа, дам бу ёққа қўйиб борди. Дастлаб уни каравотининг ёнидаги жавонча устига ўрнатиб қўйди, сал ўтиб, жинси шимининг чўнтагига солиб юрди, яна чиқариб, қора тусда қандай кўринишига баҳо бериш учун бўлса керак, тахланган коржомасининг устига қўйди. Фред билан Жорж кўкрак нишонини Елим кўчмас афсуни воситасида Роннинг пешонасига ёпиштириб қўйишга уринишгандагина, Рон, ўз хазиначисини тўқ қизил пайпоғига солиб, сандиқ ичига жойлаб қўйди. Бир олам китоб-у, қалин жигар ранг қоғозга ўралган узун буюм кўтарган миссис Уэсли Диагон хиёбонидан кечқурун соат олтида қайтди. Бетоқат инграб юборган Рон бўҳчани онасининг қўлидан тортиб олди.

- Уни ҳозир очишинг шарт эмас. Кечки овқатга меҳмонлар келади. Ҳаммангиз менга пастда керак бўласиз, - деди миссис Уэсли.

Бироқ у остона хатлаб чиқиб кетиши билан Рон қадоқни йиртиб, қаттиқ ҳаяжон-ла, янги супургисининг ҳар бир дюймиди ўрганиб чиқди.

Пастда, ошхонада, миссис Уэсли ноз-неъматларга тўлиб-тошган дастурхон УЗРА «ГРИФИНДОР»НИНГ ЯНГИ СИНФБОШИЛАРИ РОН БИЛАН ГЕРМИОНАНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ сўзлари битилган тўқ қизил плакат осиб қўйибди.

Гарри таътил давомида миссис Уэслини бундай яхши кайфиятда ҳали кўрмаган эди.

- Бугунги кечки овқат одатий эмас фуршет тарзида ўтгани маъқул, деган қарорга келдим, - эълон қилди миссис Уэсли болаларга, - Даданг билан Билл йўлга чиқишди, Рон. Иккаласига бойқуш йўллаган эдим. Улар роса суюнишибди, - қўшиб қўйди у, яшнаб. (*Фуршет (франц. fourchette – санчқи) таклиф қилинган меҳмонлар ўзи устаган таом ва ичимликларни танлаб, ўзига ўзи хизмат кўрсатганча, тик туриб истеъмол қиладиган, овқатхона асбоби сифатида асосан санчқидан фойдаланиладиган, стол ва курсилар бирон киши учун атайин банд қилиниши кўзда тутилмайдиган биргаликда овқатланиш усули*).

Фред кўзини тепага қаратиб олди.

Сириус, Люпин, Бомс, Кинсли уйда. Гарри эндигина ўзига ҳузур-лаззат ичимлигини қуйган эди ҳам-ки, ошхонага каловланиб ўйноққўз Хмури кириб келди.

- Аластор, келганингдан жуда хурсандман, - хитоб қилди миссис Уэсли, елкасини силтаб, плашини ечаётган ўйноққўз Хмурига, - Анчадан буён сендан бир нарсани илтимос қилмоқчи эдик...

Меҳмонхонадаги ёзув столига қараб, ичига нима бекиниб олганини кўриб бера оласанми? Бошқа бирон-бир хавфлироқ махлуқ бўлмасин, деб ўзимиз очиб кўргани чўчипмиз.

- Муаммо бўлиши мумкин эмас, Молли...

Хмури сеҳрли кўзини айлантириб, юқорига, шифтга қаради-да, диққат билан ўргана бошлади.  
- Меҳмонхона... - ғудуллади Хмури, мовий кўзининг қорачиғини кичрайтириб, - Бурчақда турган столни айтяпсан-ми? Ҳа, кўряпман... тўғри... бу боггарт... Юқорига чиқиб, бир ёқли қилай-ми уни?  
- Йўқ, овора бўлма, ўзим эплайман, фақат сал кейинроқ, - ўша қувончли оҳангида жавоб қайтарди миссис Уэсли, - Сен ҳозирча бирон нарса ичиб тур. Бугун хонадонимизда кичик байрам... - деди у, плакатга имо қилганча, Роннинг сочини тўзғитиб қўйиб, - Оиламизда тўртинчи синфбоши!  
- Синфбоши, дегин? - гурсиллади Хмури, соғлом кўзини Ронга, сеҳрли кўзини ўзининг чаккасига қаратиб.

Гарри сеҳрли кўз ўзига қараб турганини пайқаб, сал нарига, Сириус билан Люпин томон чекинди.  
- Нима ҳам дер эдим, табриклайман, - деди Хмури, соғлом кўзини Рондан узмай, - Ҳокимият абзалини қўлига тутган киши турли нохушликлар учун ҳақиқий миқнотисдир. Модомики, Дамблдор сени танлаган экан, демак сен ёмон афсунларнинг асосий турларига қарши тура олишинга ишонч билдирган...

Бундай талқин Ронни ҳайратда қолдиргани башарасидан яққол кўриниб турибди. Лекин, ушбу фурсатда ошхонага отаси билан катта акаси кириб келишгани боис, жавоб қайтариш учун оғиз жуфтлашга улгурмади. Миссис Уэсли шундай яхши кайфиятда эди-ки, улар Мундугнусни етаклаб келишганидан аччиқланмади. Мундугнус эгнидаги узун, у ер, бу ери бўртиб турган пальтони ечиб, Хмури ечган плаш ёнига осиб қўйиш таклифини қатъий рад этди. Ҳамма қўлига ичимлик олгач, мистер Уэсли қадаҳини кўтариб, сўз олди:

- Келинлар, «Гриффиндор»нинг янги синфбошилари Рон ва Гермиона учун қадаҳ кўтарайлик!  
Рон билан Гермиона яшнаб кетишди. Ҳамма иккаласи учун қадаҳ кўтариб, қарсақ ургач, стол атрофига тўпланиб, газакларга ёпирилди.  
- Мен эса синфбоши бўла олмадим, - эшитилди Гаррининг ортида турган Бомснинг мамнун овози. Бугун Бомс помидор-қизғиш сочини белигача ўстириб олибди. Уни танимаган киши Жиннанинг опаси, деб билиши аниқ.  
- Коллежимиз мудирининг фикрича, айрим сифатлар менда етишмас эмиш.  
- Масалан? - қизиқди Жинна, қўрда пиширилган картошкалардан бирини танлаб.  
- Масалан, боадаб хулқ-атвор сифати, - жавоб берди Бомс.

Жинна кулиб юборди, Гермиона эса кулиш-кулмасликка иккиланиб, ҳузур-лаззат ичимлигидан ҳўплади-да, ўзини тиқилиб қолган кўйга солди.

- Сен-чи, Сириус? - сўради Жинна, Гермионанинг белига уриб.

Гаррининг ёнида турган Сириус ўзининг одатий, итнинг акиллашига ўхшаб кетадиган кулгиси билан қисқа хандон отиб қўйди.

- Мен, синфбоши? Нималар деяпсан! Мени синфбоши этиб тайинлаш бировнинг хаёлига ҳам келмаган! Жеймс иккаламиз доимо қандайдир жазо ўтаб юрганмиз. Орамизда Люпин эсли бола бўлган. Шу боис ҳам синфбошилиқ кўкрак нишони унга буюрилган.

- Фикримча, Дамблдор, агар мен синфбоши этиб тайинлансам, бебош дўстларимга ижобий таъсир ўтказа олишимга ич-ичдан умид қилган, - жавоб қайтарди Люпин, - Унинг умиди пучга чиққанини таъкидлаб ўтиш ортиқча бўлса керак.

Отаси ҳам синфбоши бўлмаганидан хабар топган Гаррининг кайфияти кескин кўтарилди! Ўтаётган кеча шу заҳоти кўзига қувноқ, йиғилган меҳмонлар эса икки чандон қадрли кўриниб, ликопини турли-туман мазали таомларга тўлдириб олди.

Рон, уни эшитишни истаган ҳар бир кишига ўзининг янги супургисини мақтаб, кўкларга кўтарди:

- ... ўн сония ичида соатига етмиш милягача тезлик олади! «Сизнинг янги супургингиз» каталогига ёзилишича, агар «Комета-290» русумли супургининг тезлиги кучли шамол дум томондан эсган ҳолатда нари борса, соатига олтмиш миляга етиши инobatга олинса, ёмон эмас, а?

Гермиона Люпин билан эльфларнинг ҳақ-ҳуқуқларини жиддий оҳангда муҳокама қиляпти.

- Ахир бу, махлуқ тусига кирадиган одамларни таҳқирлаш каби, ғирт аҳмоқлик-ку, шундай эмасми? Бундай мудҳиш ижтимоий ҳолат замирида эса сеҳргар одамлар ўзларини ҳар қандай мавжудотдан устун кўриши кузатилади...

Миссис Уэсли билан Билл поёни йўқ мавзуни, у ҳам бўлса, Биллинг ихтилоф объекти саналадиган сочини муҳокама қилишиб, ҳанузгача ягона фикрга келиша олишмаяпти.

- ... сочинг ҳаддан ортиқ ўсиб кетган. Ўктам йигит бўлсанг, ўғлим, сал қисқартирсак, чиройли кўринади, тўғрими, Гарри?

- Э-м-м-м... билмадим.

Ушбу масалага оид муайян фикрга эга бўлмаган Гарри, кутилмаган саволдан эсанкираб қолиб, Мундугнус билан бир бурчакка биқиниб олганча, ниманидир муҳокама қилаётган эгизаклар томон астагина одимлаб кетди.

Яқинлашиб келаётган Гаррини кўрган Мундугнус унини ўчирди. Фред кўзини қисиб қўйиб, Гаррини имлади.

- Ташвиш тортма, Мундугнус, - тинчлантирди у, - Гаррига ишонса бўлади. У бизнинг молиявий ҳомийимиз.

- Қара, Мундугнус нима олиб келди бизга, - мақтанди Жорж, буришиб кетган қора нўхатга ўхшаш, мутлақо ҳаракатсиз бўлса ҳам, аллақандай овоз чиқараётган нарсага тўла кафтини Гаррига узатиб,

- Бадният газаклар тайёрлаш учун керак бўладиган заҳарли пайпаслагич уруғи. Биз буни қўлга кирита олмай юрган эдик. Негаки, ушбу уруғ савдога чиқарилиши ман этилган, «С» тоифага мансуб моддалар сирасига киради.

- Демак, ҳаммасига ўн галлеон берамиз, келишдик-ми, Мундугнус? - савдосини давом эттирди Фред.

- Шунча қийинчилик билан топилган мол учун-а? - эътироз билдирди қизил кўзи торайиб кетган Мундугнус, - Йўқ йигитлар, бир нут ҳам кам бўлмаган йигирма галлеон тўлайсиз.

- Мундугнус жуда ҳазилкаш-да, - деди Фред, Гаррига.

- Ҳа, унинг бугунги энг зўр ҳазили бир қоп қуш пати учун олти склат сўрагани бўлди, - қўшиб қўйди Жорж.

- Эҳтиёт бўлинг, - паст овозда огоҳлантирди Гарри.

- Ҳа, тинчликми? - ҳайрон бўлди Фред, - Ишлар жойида, ойим синфбошича Рон билан ғуриллаяпти.

- Аммо Хмурининг кўзи кўриб қолиши мумкин, - мантиқли эътироз билдирди Гарри.

- Тўғри, - ғудуллаб қўйди Мундугнус, ортга елкаси узра чўчиб қараб, - Майли, йигитлар, агар ҳаммасини оладиган бўлсангиз, беринг ўн галлеон.

- Яшасин Гарри! - хитоб қилди Фред, Мундугнус киссасидаги уруғларни эгизакларнинг кафтига бўшатиб, нари кетгач, - Буни тезроқ юқорига олиб чиқишимиз керак...

Эгизакларнинг ортидан қараб қолган Гарри бироз хижолат тортди. Мистер ва миссис Уэслилар эртами, кечми болалари очмоқчи бўлган кулгили моллар дўконидан хабар топиши, табиийки, Фред билан Жорж дўкон очиш учун пулни қаердан олишди, деган савол туғилиши ҳақидаги ўй унинг хаёлига энди келди. Ютуқ пулини эгизакларнинг қўлига ушлатиб қўйиш у қадар қийин кечмади, бироқ бу ёғи неча пулга тушади? Яна оилавий можаро ва яна бир юз ўгириш ҳолати юзага келса-чи? Фред билан Жоржга ўзларига ярашмайдиган иш билан шуғулланишга айнан Гарри имкон яратганини миссис Уэсли билиб қоладиган бўлса, Гаррини ўз ўғлидай кўришни давом этармикан?

Бурчакда танҳо ўзи виждон азобида турган Гарри кутилмаганда одамлар орасида ўз исмини эшитиб қолди. Ошхонада шовқин ҳукм сураётганига қарамай, Кинсли Кандальернинг жарангдор овози аниқ янгради.

- Нега Дамблдор синфбоши этиб Поттерни тайинламади?



- Асосли сабаблар бор, - жавоб қайтарди Люпин.

- Ҳа, лекин у, Поттерни синфбоши этиб тайинлаб, унга ишонишини ҳаммага кўрсатган бўлар эди, - фикрини маъқуллаб туриб олди Кинсли, - «Башорат-у, каромат газетаси» Поттерни ҳар куни бадном қилиб бориши инobatга олинадиган бўлса, мен айнан шундай қилган бўлар эдим... Сўхбатлари эшитилиб қолганини Люпин билан Кинсли тушуниб қолмаслиги учун Гарри улар томон ўгирилмади. Иштаҳаси бўлмаса-да, Мундугнус каби, стол томон одимлади. Байрамона кайфияти қанчалик тез пайдо бўлган бўлса, шунчалик тез барҳам топди. Тезроқ юқорига кўтарилиб, кўрпага қулашни истади.

Стол ёнида Ўйноққўз Хмури бурнининг омон қолган парчаси билан товўқ гўштини шубҳа ила обдан ҳидлаб чиқиб, заҳар аломатлари йўқлигига ишонч ҳосил қилди чамаси, оёқ мушакларининг бир тилимини тишлаб юзди.

- ... дастаси испан эманидан тайёрланган бўлиб, афсунга қарши қоплама югуртирилган. Бундан ташқари, силтаниш даражасини назорат қилиб борадиган ички имкони мавжуд... - супурги мақташини қўймади Бомс билан сўхбатлашаётган Рон.

Миссис Уэсли чуқур эснади.

- Бўлди, юқорига чиқиб боггартни бир ёқли қиламан-да, уйқуга ташлайман!... Артур, ушбу жамоа ўзоқ қолиб кетмаслигини назорат остига ол, хўпми? Гарри, хайрли тун, болагинам.

Миссис Уэсли чиқиб кетгач, Гарри қўлидаги ликопни стол устига қўйиб, ҳеч кимнинг эътиборини ўзига жалб этмаган тарзда ошхонани тарк эта олишини билиш учун аста атрофга аланглади.

- Қалайсан, Поттер? Ишларинг жойидами? - вайсади Хмури.

- Жойида, - алдади Гарри.

Хмури сувдонидаги ичимлигидан симираар экан, сеҳрли кўзини ёнида турган Гаррига қаратди.

- Бу ёққа кел, - чақирди у, Гаррини, - Бир нарса кўрсатаман. Ўйлайман-ки, сенга қизиқ бўлади. Хмури коржомасининг ички чўнтагига қўл солиб, сеҳргарларнинг эски фотосуратини чиқарди.

- Қақнус орденининг илк таркиби, - гурсиллади у, - Кеча оқшом захира кўринмас плашимни қидираётиб, топиб олдим. Виждонсиз Подмор энг яхши плашимни ҳанузгача қайтариб бергани йўқ. Ўйлайман-ки, бу ерга тўпланган аксарият одамларга, ушбу фотосуратни кўриш қизиқ бўлса керак.

Гарри суратни қўлига олди. Кам сонли одамлар гуруҳи. Кимдир қўл силтаса, кимдир қадаҳ кўтариб қўймоқда...

- Мана бу мен, - кўрсатди Хмури.

Бурни ҳали бутун, сочи оқармаган бўлса ҳам, танимасликнинг иложи йўқ.

- Ёнимда Дамблдор турибди. Бу ёнимдаги Дедал Диггл... Мана бу Марлена Маккиннон, ушбу аёл бир ҳафтадан сўнг, ўлдирилган эди, бутун оиласи билан бирга. Мана булар Фрэнк ва Алиса Лонгботтом...

Гаррининг кайфияти шундоқ ҳам бузилиб бўлган эди, Алиса Лонгботтомнинг суратини кўриб, баттар эзилди. Уни ҳеч қачон кўрмаган, лекин кулчаюз, очиқ чехрасидан боласи Невилль билан икки томчи сувдай ўхшаш экан.

- ... бечоралар, - ғудуллади Хмури, - Улар кечираётган ҳаётдан ўлим афзал... Мана бу Эммелина Ванс, кўргансан уни, мана бу Люпин, тушунарли... Бенжи Фенвик бу ҳам... бўлаklarини қидириб, йиғиб-терганмиз. Ҳой, қани нари сурилини-чи, - деди Хмури, суратдаги одамларнинг биринчи қаторига чертиб.

Одамлар тасвири нари силжиб, иккинчи қаторда турганлар олдинги қаторга ўтиб олишди.

- Эдгар Боунс, - давом этди Хмури, - Уни ҳам оиласи билан... Моҳир сеҳргар эди... Стуржис Подмор... ё тавба, ёшлигини қара уни!... Карадок Милорд, ушбу санадан кейин ярим йил ўтгач, дараксиз кетди... топа олмадик... Хагрид... башараси ҳеч қачон ўзгармайди... Эльфиас Дож, уни ҳам кўргансан... бунақа аҳмоқона шляпаси борлигини унутиб юборибман... Гидеон Преветт...

иккаласини ва Гидеоннинг укаси Фабианани ўлдириш учун беш нафар Ўлимдан мириқувчи роса овора бўлган. Ҳақиқий қаҳрамонлар... Хўп, майли, сизлар ҳам нари сурилинг...

Одамлар тасвири нари силжиб, учинчи қаторда турганлар олдинги қаторга ўтиб олишди.

- Мана бу Дамблдорнинг укаси Аберфорс, уни фақат бир маротаба кўрганман, ғалатироқ киши... Доркас Мидоуз, шахсан Вольдемортнинг ўзи ўлдирган... мана бу ҳали сочи ўсмаган Сириус... ҳа, мана, қара! Сенга мана булар қизиқ бўлиши керак!

Боланинг юраги мисли кўрилмаган сальто бажариб юборгандай бўлди. Фотосуратдан яшнаб, кулиб турган ойиси билан дадаси Гаррига қараб туришибди. Уларнинг ўртасида эса пакана бўйли, кўзи серсув киши турибди. Гарри уни дарҳол таниди. Бу ота-онаси бекиниб олган жойни Вольдемортга айтиб бериб, ўлимига сабабчи бўлган хоин Чувалчангдум.

- Хўш, қалай? - сўради Хмури.

Гарри Хмурининг чандиқ қамраб, буришиб кетган юзига қаради. Афтидан, Хмури, Гаррига шоҳона совға қилганига ишончи комилга ўхшайди.

- Ҳа, - Гарри юзида табассум яшашга уриниб кўрди, - Э-м-м-м... биласизми, нарсаларимни охиригача йиғиштириб улгурмаганим эсимга тушди...

Хайриятки, бошқа тушунтиришлар беришга тўғри келмади. Негаки, шу фурсатда Сириус келиб:

- Ўйноқкўз, қўлингдаги нима? - деб сўраб қолди.

Хмурининг эътибори Сириусга чалғигач, Гарри чиқиш эшиги томон аста чекиниб, ошхонани тарк этди. Биров уни чақириб, ортга қайтармаслиги учун шоша-пиша зинапоя бўйлаб юқорига кўтарила кетди.

Нега фотосурат бу қадар қаттиқ таъсир кўрсатганини Гарри тушунмади. Ахир у илгари ҳам ота-онасининг фотосуратларини кўрган, Чувалчангдум билан ҳатто учрашган ҳам... Бироқ бундай ҳолат ҳозиргидай, кутилмаганда рўй берса... Кимга ёқади бу, жаҳл-ла, хаёлдан ўтказди Гарри... Бундан ташқари, ота-онасини шунча бахтиёр кишилар даврасида кўриш!... Бўлакларга бурдалаб ташланган Бенжи Фенвик, қаҳрамонларча ҳалок бўлган Гидеон Преветт, ақл-ҳушини йўқотиб қўйишгунга қадар қийноққа солинган Лонгботтомлар... Уларнинг ҳаммаси ҳалокатга маҳкум этилганидан ғафлатда қолиб, бахтиёр қиёфалари ила, фотосуратдан қўл силтаб қолишаверади... Хмури учун чиндан ҳам қизиқ кўринар, бироқ Гарри буни даҳшатли манзара сифатида қабул қилди...

Ниҳоят ёлғиз ўзи қолганидан суюнган Гарри панжарасига уй эльфларининг чопилган бошлари терилган зинапоядан кўтарила бошлади. Бироқ биринчи қаватнинг зина майдончасига яқин борар экан, қулоғига аллақандай ғалати товушлар эшитилди. Меҳмонхонада кимдир жониқиб ҳиқилламоқда.

- Ким бор бу ерда? - сўради Гарри.

Жавоб эшитилмаса-да, ҳиқиллаш тинмади. Зинапоянинг ҳар икки поғонасидан сакраб югурган Гарри зина майдончасига етиб бориб, эшикни ланг очди.

Қўлига сеҳрли таёқча ушлаган аёлнинг букчайган қомати меҳмонхонанинг қорамтир деворига қапишиб олган. Аёлнинг танаси йиғламоқдан дағ-дағ титрамоқда. Чанг босган эски гилам устида оёқ-қўлини ҳар томон ёзганча, Роннинг, Ой нурида яққол кўринган жасади ётибди.

Гаррининг ўпкасида борки ҳаво бир зумда чиқиб кетди. Назарида оёғи остидаги пол тарс ёрилиб, ер қаърига кириб кетаётган, мияси музлаб қолгандай бўлди... Рон ўлди? Йўқ, бўлиши мумкин эмас... Йўқ, чиндан ҳам бўлиши мумкин эмас. Рон пастда, ошхонада қолди-ку...

- Миссис Уэсли? - хириллаб чақирди Гарри.

- Р... р... ридикулус! - ҳиқиллади миссис Уэсли, титраётган таёқчасини Роннинг жасадига ўқтаб. Қарс.

Роннинг жасади Биллнинг, қўли бургут қаноти каби, икки томон ёзилган, нигоҳсиз очиқ кўзи шифтга қараган жасадига айланди... миссис Уэсли баттар ҳўнграб юборди.

- Р... р... ридикулус! - базўр талаффуз эта олди у.

Қарс.

Биллнинг жасади ўрнига мистер Уэслининг кўзойнаги кўзидан нари сүрилиб қолган, лунжидан қон оқаётган жасадига айланди.

- Йўқ! - инграб юборди миссис Уэсли, - Йўқ... ридикулус! Ридикулус! РИДИКУЛУС!

Қарс. Эгизаклар жасади. Қарс. Персининг жасади. Қарс. Гаррининг жасади...

- Миссис Уэсли, тез чиқиб кетинг бу ердан! - қичқирди Гарри, ўзининг жасадига қараб, - Бошқа бировни чақириб керак...

- Тинчликми, нима бўляпти бу ерда?

Хонага Люпин, унинг кетидан Сириус, бир неча сония ўтиб каловланган Хмури кириб келди.

Люпин дастлаб миссис Уэслига сўнг, Гаррининг полда ётган жасадига қараб, гап нимада эканлигини шу заҳоти фаҳмлади. Шундан сўнг, қўлига сеҳрли таёқчасини чиқариб, қатъий ва аниқ эшитилган оҳангда:

- Ридикулус! - сўзини талаффуз этди.

Гаррининг жасади гум бўлиб, ҳавода сут-кумуш тусли каттагина шар пайдо бўлди. Люпин таёқчасини боз силтагач, шарнинг дами чиқиб, кўздан ғойиб бўлди.

- О!... о!... о!... - уввос сола кетди юзини бекитиб олган миссис Уэсли.

- Молли, қўйсанг-чи, - саросимага тушиб қолди Люпин, миссис Уэсли томон одимлаб, - Молли...

- Мен... менинг... кўзимга доимо уларнинг жасади кўринаверади, - йиғлади миссис Уэсли, бошини Люпиннинг елкасига ташлаб, - Доимо-о-о-о... ҳатто тушимда ҳам кўраман ўлиб қолишганини!...

Сириус ҳозиргина боггарт ётган жойга, Хмури эса кўзини олиб қочаётган Гаррига қаради.

Ошхонадан чиққан фурсатдан бошлаб сеҳрли кўз уни диққат билан кузатганига Гарри шубҳа қилмади.

- Ар... Ар... Артурга айта кўрманг, - илтимос қилди миссис Уэсли, кўз ёшини енгига артишга уринганча, нафаси қисилиб, - Қа... қа... қанақанги аҳмоқ хотин эканлигимни билишини истамайман...

Люпин узатган дастрўмолга бурун қоқиб олгач, титраётган товўши билан давом этди:

- Гарри, оддий боггартни уддалай олмай, сенинг олдингда уятда қоладиган бўлдим... мен ҳақимда қандай фикрга борасан энди?

- Қўйсангиз-чи, миссис Уэсли, - жавоб қайтарди Гарри, кулиб қўйишга уриниб.

- Мен ниҳоятда қат... қат... қаттиқ ташвишдаман. Оила аъзоларимизнинг яр... яр... ярми Орден аъзолари, - базўр гапира олди миссис Уэсли, кўзидан боз ёш оқиб, - Ҳам... ҳам... ҳаммамиз омон қолсак, мўъжизанинг ўзгинаси бўлади... П... П... Перси эса биз билан муносабатларини узган...

Даҳшатли нарсалар юз... юз... юз берса-ю, биз ярашиб олишга улгурмай қолсак нима бўлади? Ар...

Ар... Артур иккаламиз ҳалок бўлсак-чи? Р... Р... Рон билан Жиннага ким қарайди?

- Бўлди энди, Молли, бас қил бундай гапларни, - қатъий оҳангда гапни бўлди Люпин, - Бўлар-бўлмас сўзларни тўқиб чиқарма. Ҳозирги вазият илгаригидай эмас. Орден энди дурустгина ҳозирлик кўрган, ўтмишдан етарлича сабоқ олган. Вольдемортнинг ниятларидан бохабар... Қўрқиб кетган миссис Уэсли инграб юборди.

- Бас қил, Молли, унинг исмига кўникиш вақти етди... Мен ҳеч ким жабр кўрмайди, деб ваъда бера олмайман, албатта. Бундай ваъдани ҳеч ким бера олмайди, бироқ ҳозирги вазият илгаригига қараганда биз учун анча қулай тарзда юзага келмоқда. Ўтган сафар сен Орденда бўлмагансан, шунинг учун ҳам билмайсан. Ўшанда ҳар бир Орден аъзосига кам деганда йигирма нафардан ўлимдан мириқувчи тўғри келган. Шу боис улар бизни кетма-кет енгиб боришган...

Гарри яна ота-онасининг бахтиёр кайфиятда тушган фотосуратини эслаб, Хмурининг диққат билан кузатиб турган нигоҳини ҳис этиб турди.

- Перси масаласида эса ташвиш тортма, - тинчлантирган бўлди Сириус, - У ақлини йиғиб олади.

Вақт ўтсин, Вольдеморт ўзини фош эттириб қўяди. Ана ўшанда тиз чўкиб, ҳаммамиздан узр сўрайди. Кечира олишимга ишончим комил бўлмаса ҳам.

- Артур иккаларинг асфаласофилинга йўл олишга аҳд қилсаларинг-у, Рон билан Жинна кимга қолиши масаласига келсак, - қўшиб қўйди Люпин кулиб, - Нима учун биз жамоа сифатида йиғилганмиз, нима деб ўйлайсан? Наҳотки биз уларни очдан ўлиб кетишларига йўл қўйсак? Миссис Уэсли бўшгина кулиб қўйди.

- Жуда аҳмоқ жувонман, а? - яна ғудуллади у, кўзини артиб.

Бироқ ўн дақиқадан сўнг, ётоқхонасининг эшигини ичкаридан ёпган Гарри миссис Уэслининг ушбу таъкидига хаёлан эътироз билдирди. Унинг кўз ўнгида эски фотосуратдан қараб турган ота-онасининг қувончли, бошқа кўплаб дўстлари каби, куни битганини хаёлга ҳам келтирмаган қиёфалари боз гавдаланди. Ички кўзига одамларнинг боггарт айланган жасадлари кўринди... Дафъатан пешонасидаги чандиғига оғриқ кириб, қорин соҳаси сиқилиб қолди.

- Қани бас қил, - амр этди бола оғриққа мурожаат қилган бўлиб.

Оғриқ аста барҳам топди.

- Кишининг ўз калласи билан суҳбат қуриши – ақлдан оза бошлаётганининг илк аломатидир, - истехзоли ҳикмат қилди бўш расмдан чиққан овоз.

Гарри овозга эътибор қаратмади. Ҳозир у ўзини катта ёшли, деярли кекса кишидай ҳис этиб, атиги бир соат олдин кулгили моллар дўкони ва аллақандай кўкрак нишони кимга насиб қилди-ю, кимга буюрилмаганлиги ҳақида ташвиш тортганини эслаб, ўзини ўзи койиди.

## **ЎНИНЧИ БОБ. ЛУНА ЛАВГУД**

Кечаси ёмон ухлаган Гаррининг тушига лом-мим демай пайдо бўлиб, чурқ этмай ғойиб бўлган ота-онаси ва бошларига тож кийган Рон билан Германионнинг кузатуви остида Тараққоснинг жасади устида хўнграб ўтирган миссис Уэсли кирди. Тонга яқин эса ўзини яна вазирлик биносининг йўлагида, ёпиқ эшик томон одимлаб бораётганини кўрди. Пешонасидаги чандиқ кутилмаганда санчиб оғриганидан уйғонгач, ёнида тўла-тўқис кийиниб олганча, нималардир вайсаятган Рон турганини англади.

- ... яхшиси шошилганинг маъқул, акс ҳолда поездга кечикишимиз мумкинлигидан хавотирланаётган ойим ёрилиб кетади...

Уйнинг тўс-тўполони чиқиб кетибди. Гарри апил-тапил кийинар экан Фред билан Жоржнинг қилмиши ҳақида хабар топди. Эгизаклар ортиқча куч сарфламаслик учун сандиқларини зина узра даҳлизга тушириш мақсадида сеҳр қўллабди. Оқибатда сандиқлар Жиннага борилиб урилиб, бечора қиз зинапоянинг иккита оралиғидан копток сингари думбалоқ ошиб тушибди. Шу боис, миссис Блэкнинг тасвири билан миссис Уэсли иккаласи ўйни бошга кўтариб, овозлари борича айюҳаннос солишмоқда:

- АҲМОҚЛАР, СИНГЛИНГИЗГА ЖИДДИЙ ЖАРОҲАТ ЕТИШИ МУМКИН ЭДИ-КУ...

- АЖДОДЛАРИМ ХОНАДОНИНИ ҲАРОМ ҚИЛГАН НАСЛИ БУЗУҚ ИФЛОСЛАР...

Гарри кедасининг боғичини боғлаётган пайтда, хонага, елкасида базўр мувозанат сақлаётган Хедвиг ўтирган, қўлида йўлбарснинг боласидай келадиган Маймоқоёқ типирчилаётган, юзи эса телбанамо қиёфа касб этиб қолган Германиона отилиб кирди.

- Ойим билан дадам Хедвигни дарҳол ортга қайтаришибди. Сизлар тайёрмисиз сафарга?

Фаросатли бойқуш Гермионанинг елкасидан кўтарилиб, қафас устига қўнди.

- Деярли. Жиннанинг аҳволи қалай? - сўради Гарри, кўзойнагини тақар экан.

- Миссис Уэсли унинг бошидан оёғигача малҳам мато ёпиштириб чиқди, - жавоб берди Гермиона,  
- Бироқ энди бошқа муаммо чиқиб қолди. Стуржис Подмор етиб келмас экан, Ўйноққўз йўлга чиқишдан бош тортяпти. Унинг фикрича, қўриқлаш гуруҳининг таркиби бир кишига бўлсин, кам бўлмаслиги шарт эмиш.

- Қўриқлаш гуруҳи? - ҳайрон бўлди Гарри, - Биз энди ҳатто темир йўл вокзалига ҳам қўриқлаш гуруҳи кузатувида борадиган бўлдик-ми?

- Биз эмас сен, - тузатиш киритди Гермиона.

- Нега энди? - ачиқ қилди Гарри, - Билишимча, Вольдеморт айна дамда сувга ботгандай писиб олган, деб эътироф этилган-ку! Фикрингча у, кўча йўлакларигадаги бирон-бир чиқинди бакидан шартта чиқиб менга ташланиб қоладими?

- Менинг нима алоқам бор бу ишга? Ўйноққўзнинг гапини етказдим холос, - деди Гермиона хаёли қочганча, соатига қараб, - Нима қилганда ҳам, тез орада уйдан чиқмасак, поездга кечикишимиз муқаррар...

- ҲАММА ПАСТГА ТУШИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛАМАН! - янгради пастда турган миссис Уэслининг овози.

Гермиона худди ларзага келгандай сесканиб кетиб, хонадан ўқдай учиб чиқди. Хедвигни чангаллаб, қафасга шартта тиқиб ташлаган Гарри ҳам, сандиғини тортганча, Гермионанинг кетидан пастга ошиқди.

Миссис Блэкнинг тасвири бақиравериб хириллаб қолган бўлса ҳам, ҳеч ким унинг унини ўчириш, портрет пардасини ёпиб қўйишга урингани йўқ. Даҳлизда шу қадар кучли шовқин кўтарилганки, тасвир бари-бир боз уйғониб кетган бўлар эди.

- Мен ва Бомс билан бирга юрасан, Гарри. Сандиғинг-у, бойқушингни қолдир. Юк билан Аластор шуғулланади... О, Муқаддас фалак ҳақи, Сириус! Дамблдор «йўқ» деди-ку, сенга! - чинқирди миссис Уэсли, миссис Блэк тасвирининг қайта ва қайта: «МАГЛВАЧЧАЛАР! ИФЛОСЛАР! ЗИНО ҲОСИЛАЛАРИ!» деган бақариқларини босиб.

Сандиқлар орасидан миссис Уэсли томон базўр ўтиб бораётган Гаррининг ёнида айиққа ўхшаб кетадиган улкан ит пайдо бўлди.

- Нима қилса бўлади сени, а?... - иложсиз вайсади миссис Уэсли, - Хўп, майли... Лекин жавобгарлик ўз зиммангда қолади! - деди у, эшикнинг барча қулфларини осонгина уддалаб.

Гарри ит билан бирга миссис Уэслига эргашиб, сентябрь қуёшининг хира нурлари ёритган кўчага чиқди. Ортда қолган уй эшиги қарсиллаб ёпилиб, миссис Блэкнинг айюҳанноси бир зумда тинди. Учаласи пиёдалар йўлагига оёқ қўйишлари ҳамоно, зинапоя ҳавода гүм бўлди.

- Бомс қани? - сўради Гарри, атрофга аланглаб.

- У бизни ҳў анави ерда кутяпти, - зўриқиб жавоб берди миссис Уэсли, домангир нигоҳини Гаррининг ёнида бамайлихотир лўкиллаб бораётган итдан узиб.

Муюлишга етганда, тепа қисми юмалоқ ясси, четлари тепага қайрилган бинафша ранг шляпа кийган, зич ўсган гажакларига оқ оралаган кекса аёл салом берди.

- Салом, Гарри, - кўзини қисиб қўйди кампир ва соатига қараб қўшиб қўйди: - Молли, шошилмасак бўлмади.

- Биламан, биламан, - ингради миссис Уэсли, - Шу топда Ўйноқкўзнинг инжиқлиги тутиб қолиб, Стуржиснинг келишини кутиш керак, деб туриб олди... Қани энди Артур вазирлик тасарруфидаги машиналардан бир-иккитасини олишга муваффақ бўлганда... Фақат Фуж, бундан бўён эримга, машина нарида турсин, ишлатилмай ётган бўш сиёҳдонини ҳам бермаса керак... Маглар керакли жойга сеҳр-жодусиз қандай етиб олишади, ҳайронман...

Йирик қора ит ўйноқлаб акиллади-да, Гаррининг кулгисини қистаганча, дам каптарларни ҳуркитиб, дам ўзининг думини қувиб, югура кетди. Уйда анчадан бўён қамалиб ўтирган Сириус яйрамоқда. Унинг хулқини кўриб, жаҳли чиққан миссис Уэсли лабларини маҳкам қимтиб олди.

Кингс-Кросс темир йўл вокзалига етиб бориш учун йигирма дақиқа пиёда юришга тўғри келди. Бу вақт ичида Гаррини кулдириб борган Сириус бир жуфт мушукни ўтакаси ёрилиб кетадиган даражада қўрқитиб юборгани ҳисобга олинмаса, диққатга сазовор бирон-бир ҳолат рўй бермади. Вокзал биносига киргач, улар, тўққизинчи ва ўнинчи платформалар орасидаги тўсиқ ёнида, киши ўзидан ўзи ғойиб бўлганлигини магларга сездирмаслик талаб этиладиган, қурумга аралашиб булғанган буғ пуркаётган «Хогварц-Экспресс» ёнида мактаб ўқувчилари-ю, уларни кузатаётган қавм-қариндошларга тўлиб-тошган тўққиз бутун тўртдан учинчи платформага навбат билан ўтиб олиш учун қулай фурсат келишини кутиб, сандироқлаб юришга мажбур бўлишди. Таниш ҳидни сезган Гарри, руҳланиб кетди...

- Умид қиламан-ки, ҳеч ким кечикмайди, - хавотирланиб вайсади миссис Уэсли, йўловчилар платформага чиқадиغان бурама чўян аркага қараб.

- Зўр итинг бор экан, Гарри, - бақириб ўтди сочи африкаликларга хос ўрилган новча бўйли йигитча.

- Мақтов учун ташаккур, Ли, - кулиб жавоб қайтарди Гарри, думини ликиллатаётган Сириусга қараб.

- Худоба шукур, - енгил тортди миссис Уэсли, - Ана, Аластор ҳам юкларимиз билан етиб келди...

Арка остида ҳаммол фурашкисининг соябони билан бир кўзини тўсиб олган, каловланганча, бир нечта сандиқ ортилган аравани итариб келаётган Хмури пайдо бўлди.

- Атроф тоза, - тез айтиш тарзида билдирув берди у, миссис Уэсли билан Бомсга, - Ортимиздан ҳеч қандай дум эргашмади чоғи...

Бир неча сония ўтгач, мистер Уэсли ҳамроҳлигида Рон билан Гермiona пайдо бўлишди. Арава юқдан халос этилган эди ҳам-ки, платформага Люпин ҳамроҳлигидаги Фред, Жорж ва Жинна кириб келишди.

- Муаммо бўлмади-ми? - гурсиллади Хмури.

- Йўқ, - жавоб қайтарди Люпин.

- Нима қилганда ҳам, Стуржис ҳақида Дамблдорга билдирув бериб қўйишга тўғри келади, - деди Хмури, - Шу билан иккинчи маротаба навбатчиликка келмаслиги. Мундугнусдан кўп фарқ қилмай, ишончни йўқотиб бормоқда.

- Хўп, майли, ўзингизни эҳтиёт қилинг, - хайрлаша бошлади Люпин, болалар билан қўл сиқишиб, - Сен ҳам, Гарри, эҳтиёт бўл, - деди у, Гаррининг елкасини маҳкам сиқиб.

- Тўғри, лаллайиб юрмасдан зийрак бўл, - қўшиб қўйди Хмури, Гаррининг қўлини сиқиб, - Ҳаммангизнинг ёдингизда бўлсин, гап экан деб, тўғри келган нарсани хатда ёзиб юрманг. Иккиландингиз-ми, демак ёзманг.

- Ҳаммангиз билан танишиш менга ўларча қувонч бағишлади, - деди Бомс, Жинна билан Германиони қучар экан, - Тез орада учрашгунча.

Дастлабки ҳуштак янгради. Ҳанузгача платформада турган ўқувчилар шошиб қолиб, ўзини поездга урди.

- Тезроқ, тезроқ, - шошилтирди миссис Уэсли, болаларни бир четдан ўпиб чиқиб (кўпчилик ичида Гарри икки маротаба ўпич олди), - Ёзинглар... хушахлоқ тутинг ўзингизни... Ким-ки бирон нарсасини унутган бўлса, ташвиш тортманг, ортингиздан юборамиз... Бўлинг, шошилинг...

Айиқдай келадиган қоп-қора ит шартта орқа оёққа туриб, олд панжаларини Гаррининг елкасига қўйиб олди.

- Сириус, ўзингни итга ўхшаб тутсанг-чи! - вишиллади миссис Уэсли, Гаррини вагон эшиги томон туртиб.

- Кўришгунча хайр! - қичқирди Гарри, вагоннинг очиқ деразасидан.

Поезд ҳаракат бошлади. Гаррининг ёнида турган Рон, Германиа ва Жинна қўл силтади. Мистер ва миссис Уэсли, Бомс, Люпин ва Хмури катта тезлик олаётган поезд ортида қолиб кетишди. Қора ит эса думини ликиллатганча, поезд ёнида узоқ югуриб борди. Платформада қолиб, қиёфалари хиралашиб бораётган одамлар поездни таъқиб қилаётган итга қараб, кулишди. Кўп ўтмай, поезд муюлиш ортига ўтиб, Сириус ҳам кўздан ғойиб бўлди.

- Вокзалга келиши шарт эмас эди, - ташвиш тортди Германиа.

- Қўйсанг-чи, - қўл силтади Рон, - Бечора кўп ойлاردан буён энди чиқди кўчага.

- Хўш, - деди Фред, қарс уриб, - Сизлар билан лақиллашиб тургани вақтимиз йўқ. Биз Ли билан баъзи нарсаларни муҳокама қилиб олишимиз керак. Кейин учрашамиз.

Эгизаклар вагон йўлаги бўйлаб нари кетишди. Поезд тезлик олиб, турган жойларида тебранаётган болаларга деразадан лип-лип ўтаётган уйлар кўринди.

- Хўш, бўш купе қидириб кўрамиз-ми? - таклиф киритди Гарри.

Рон билан Германиа бир-бирига қараб қўйишди.

- Э-м-м-м... - чўзди Рон.

- Биз... бизга... Қисқаси, Рон иккаламиз синфбошилар вагонига боришимиз керак, - ўнғайсиз ғудуллади Германиа.

- А. Ундай бўлса, майли, - деди Гарри.

- Манзилга етгунга қадар ўша ерда ўтиришимиз шарт, деб ўйламайман, - тез қўшиб қўйди Гермиона, - Хатда ёзилишича, энг ибратли ўқувчи йигит билан қизнинг ҳузурига бориб, тегишли йўл-йўриқ олиш, поезд вагонларининг йўлакларида навбатчилик хизматини ўташ кераклиги ёзилган. Навбатчилик ҳам узлуксиз эмас.

- Майли, - боз такрорлади Гарри, - Ундай бўлса, кейинроқ учрашар эканмиз, шундайми?

- Ҳа, албатта, - деди Рон, Гаррига аста қараб, - Умуман айтганда, ўша ерга боргим йўқ... лекин мажбурмиз... Айтмоқчиман-ки, бундан ҳузур қилаётганим йўқ, ахир мен Перси эмасман-ку, - гапини тугатди у, хижолат тортиб.

- Биламан, - тинчлантирди Гарри.

Ниҳоят Роннинг юзига кулги югурди. Бироқ Рон билан Гермиона ўз сандиқлари, Маймоқоёқ, Чўчринстелнинг қафасини олиб, поезднинг бош томонига қараб йўл олишлари ҳамона, Гарри, кутилмаганда ёлғизликни ҳис этди. У ҳали бирон маротаба бўлсин, «Хогварц-Экспресс»да Ронсиз йўл юрмаган.

- Кетдик, - деди Жинна, - Тезроқ ҳаракат қилсак, уларга ҳам жой эгаллашимиз мумкин.

- Тўғри, - хаёлини йиғиб олди Гарри, бир қўлига Хедвиг қамалган қафас, иккинчисига сандиғининг дастасини ушлаб.

Улар эшик ойналари орқали ҳар бир купе ичига қараганча, вагон йўлаги бўйлаб олға илгарилаб кетишди. Купелар банд. Гаррини кўриб қолганлар унга очиқдан-очиқ қизиқсиниб қарар, айримлар эса ҳатто тирсаги билан қўшнисини туртиб, эътиборини Гаррига қаратар эди. Бешта купеда аҳвол шундай бўлганидан сўнггина, Гарри, «Башорат-у, каромат газетаси» бутун ёз бўйи Гарри Поттернинг муттаҳам ёлғончи эканлиги ҳақида жар солганини эсга олди. Қизиқ, хаёлдан ўтказди у, наҳотки кўзини олайтириб, бетакаллуф қараётганлар ўша гапларга ишонади?

Энг охири вагонда Жинна иккаласи Гаррининг синфдоши Невилль Лонгботтом билан учрашиб қолишди. Кулча юзи жиққа терга ботган Невилль бир қўли билан оғир сандиғини тортиб, иккинчисида қўлдан чиқиб кетишга уринаётган Тревор лақабли қурбақасини базўр тутиб келмоқда.

- Салом, Гарри, - ҳансиради у, - Салом Жинна... Ҳамма ёқ банд... Жой топа олмаяпман...

- Нега энди топа олмайсан? - хайрон бўлди Жинна, Невиллнинг ёнидан сиқилиб ўтганча, орқасидаги купелардан бирига қараб, - Мана бор экан-ку. Луна-Психунадан бошқа ҳеч ким йўқ...

Невиллнинг алланима деб ғудуллаган сўзларидан ҳеч кимни безовта қилишни истамагани базўр тушунарли бўлди.

- Тентаклик қилма, - кулди Жинна, - Умуман олганда у ёмон қиз эмас.

Жинна эшикни очиб, сандиғини купега киритди. Унинг ортидан Гарри билан Невилль ҳам эргашди.

- Салом, Луна, - кўришишди Жинна, - Сенга ҳамроҳ бўлишимизга эътироз билдирмайсан-ми?



Невилль нима сабабдан купега киришни истамаганини Гарри дарҳол фаҳмлади. Болаларга дераза ёнида астойдил жойлашиб ўтирган, қоши хира, белигача тушган кир оқ сариқ сочи кўпдан буён тароқ кўрмаган, уккикўз нигоҳи юзига доимий таажжуб қиёфасини бериб қўйган, сеҳрли таёқчасини қўлоғига қистириб олган, бўйнига ҳузур-лаззат ичимлиги шишаларининг тиқинларидан терилган шода таққан, қўлидаги журнални тескари ушлаб ўқиётган, қисқаси, ғирт жиннига ўхшайдиган қиз қаради. Луна укки кўзини дастлаб Невиллга тикиб сўнг, Гаррида тўхтатгач, бош ирғиб қўйди.

- Раҳмат, - кулиб қўйди Жинна.

Гарри билан Невилль сандиқлар ва Хедвиг қамалган қафасни юк тоқчасига жойлаб, ўтиришди. Луна иккала йигитнинг ҳаракатини тескари ушлаб олган «Ҳақиқатгўй» журнали узра кузатиб турди. Кўзини афтидан, бошқа ҳар қандай одам зотига нисбатан кам пирпиратадиган Луна рўпарасига жойлашган, энди эса ушбу жойни танлагани учун афсус қилаётган Гаррига қараб қолди.

- Ёзни қалай ўтказдинг, Луна? - хушмуомала оҳангда қизиқди Жинна.

- Яхши, - хаёлчан жавоб қайтарди Луна, Гарридан кўзини узмай, - Умуман айтганда, жуда яхши ўтказдим. Сен Гарри Поттер, - қўшиб қўйди у.

- Хабарим бор, - деди Гарри.

Невилль ҳиринглаб қўйди.

- Сени эса танимайман, - фикр билдирди хира нигоҳини Невиллга ўтказган Луна.

- Ҳеч ким эмасман, - тез жавоб қайтарди Невилль.

- Нималар деяпсан? - эътироз билдирди Жинна, - Танишинглар, Невилль Лонгботтом – Луна Лавгуд. Луна худди мен каби, тўртинчи синфда ўқийди. Фақат у «Равенкло»да таҳсил кўради.

- Ақл ва талант – асосий брильянт, - хиргойи оҳангида таъкидлаб қўйди Луна ва тескари ушлаб олган журнални баландроқ кўтариб, юзини бекитганча, унини ўчирди.

Ҳайрон бўлиб, қоши кўтарилган Гарри билан Невилль бир-бирига қараб қўйишди. Жинна эса кулгисини базўр тийиб олди.

Ғилдиракларини тарақлатган поезд тобора тезлашиб, болаларни аҳоли пунктлари жойлашган ҳудуддан узоқларга олиб кетмоқда. Ташқарида қандайдир ғалати, беқарор об-ҳаво қарор топган: купе дам қуёш нурларидан ёришиб кетади, дам осмон-у фалакни кул ранг булут қамраб олади.

- Туғилган кунимга нима совға қилишганини топа оласизми? - сўради Невилль.

- Янги Эсга ол-ми? - сўради Гарри.

Бир вақтлар Невиллнинг бувиси доимо ниманидир эсдан чиқариб юрадиган набирасининг хотирасини яхшилаш мақсадини кўзлаб беҳуда уринганча, бойқуш почтаси орқали каттагина, ичига оқ тутунга ўхшаш модда тўлатилган шиша шар йўллаган эди. Қўлга маҳкам ушлаб олинган Эсга олнинг ранги қизариб, унутиб қолдирилган буюм ёки бирон-бир ишни дарҳол киши ёдига солади.

- Йўқ, - деди Невилль, - Умуман айтганда, янги Эсга ол менга халал бермаган бўлар эди. Олдинги Эсга олим йўқолиб қолганига анча бўлди... Йўқ, мана қаранг...

У Тревордан бўш қўлини мактабда тутиладиган юк халтасига киритиб, кичкинагина, кул ранг, танасини тикан ўрнига қандайдир ғалати майда ғуддалар қоплаган қуманжир экилган тувак чиқарди.

- Мимбулюс мимблетония, - ғурур-ла, эълон қилди Невилль.

Гарри аста тепиб турган ва нимаси биландир аллақандай касалликка дучор бўлган ички аъзони эсга соладиган ўсимликка бақрайиб қолди.

- Бу фавқулодда ноёб ўсимлик, - завқланиб давом этди Невилль, - Бунақаси «Хогварц»да ҳам бўлмаса керак. Бувамнинг акаси Алги бобом Ассуриядан олиб келди. Уни профессор Сарсабил хонимга кўрсатадиган фурсат келишини орзиқиб кутмоқдаман. Қизиқ, кўпайтирса бўладими-йўқми, уни? (*Ассурия – бугунги Ироқ ҳудудидан милоддан аввалги 3 мингинчи йилдан VII аср охиригача мавжуд бўлган Буюк Осийнинг қадимий давлати*).

Невилль гербологияга қизиқишини Гарри яхши билади, албатта. Бироқ ушбу миттигина, қўрқинчли кўринаётган тўнганнинг нимаси қизиқ кўриняпти унга, ҳеч тушуна олмади.

- У... м-м-м... бирон-бир каромат кўрсата оладими? - қизиқди Гарри.

- Албатта! Ҳар хил ҳунар кўрсатади! - хитоб қилди Невилль, - Айниқса, организмининг ҳимоя механизми жуда яхши ривожланган! Ҳозир намойиш этаман. Мана қара... Треворни ушлаб турасанми?...

У қурбақасини Гаррининг тиззасига қўйиб, юк халтасидан пат-қалам чиқарди. Афтидан, Невиллнинг қиладиган иши қизиқ туюлди шекилли, тўнтариб тутилган журнал устидан Луна Лавгуднинг чақчайган бўртма кўзи кўринди. Ишга берилган Невилль тилини чиқариб олганча, мимбулюс мимблетония тувагини кўзи баробар кўтарди-да, ўсимлик танасининг зарурий нуқтасини танлаб, пат-қалам учини шартта санчиб олди.

Шу заҳоти қуманжирнинг жамики ғуддаларидан ҳар томон қуюқ, бадбўй, тўқ яшил шарбат отилиб чиқиб, купенинг шифти, деразаси ва Луна Лавгуднинг журналини расво қилди. Юзини кафти билан тўсиб олишга улгурган Жиннанинг бошига яшил шляпага ўхшаш нарса кийилиб қолди. Қўли Тревор билан банд бўлган Гаррининг башарасига эса шарбатнинг яхшигина дозаси келиб урилди. Суюқликдан анқиётган гўнг чириндисининг ўткир ҳиди Гаррининг бўғзини тўлдириб қўйди.

- Маъз... маъзур сананг, - ҳансиради афти-ангорини шарбат булғаган Невилль, бошини силтаганча, кўзини сал бўлса ҳам, очишга уриниб, - Бунчалик бўлишини билганим йўқ... Биринчи маротаба бундай қилишим... Қўрқманг, қўланса шарбат заҳарли эмас, - асабий қўшиб қўйди у, Гаррининг полга тупураётганини кўриб.

Ўчакишгандай айна шу фурсатда купе эшиги очилди.

- О... салом, Гарри! - эшитилди чўчиган овоз, - Э-м-м-м... бемаврид келганга ўхшайман, а?

Гарри бир қўли билан кўзойнагини артиб, купе остонасида узун қора сочи ялтираётган, «Равенкло» квидиш жамоасининг Сайёди, чиройликкина қиз Чу Чэнгни кўрди.

- Вой... салом, - жавоб берди Гарри ифодасиз оҳангда.

- Э-м-м-м... Мен шунчаки... саломлашиб ўтмоқчи эдим... Хўп, майли, кўришгунча.

Юзи қизариб кетган Чү, эшикни ёпиб, нари кетди. Гарри ўзини суюнчиққа ташлаб, инграб юборди. Унинг ҳазилларидан зўр йигитлар қорнини ушлаб кулаётган маҳалда келиб қолганда, бошқа гап... Невилль билан Луна-Психуна даврасида, қўлида қурбақа, башарасидан қўланса шарбат оқаятган фурсатда келиб қолгани эса... Чиндан ҳам бемаврид бўлди...

- Кўнглинга олма, - тинчлантирган бўлди Жинна, - Ҳозир ҳамма ёқни ўз ҳолатига қайтарамиз. Скоблифай! - деди у, сеҳрли таёқчасини силтаб.

Қўланса шарбат гум бўлди.

- Кечиринглар мени, - боз узр сўради Невилль.

Бир соат ўтибдики, Рон билан Гермионадан дарак йўқ. Егулик сотувчи аёл ҳам аравасини итариб, ўтиб кетди. Гарри, Жинна ва Невилль қовоқ печеньени бир ёқли қилиб, шокобақа очиб ўтиришган пайтда купенинг эшиги очилиб, қўлида Чўчринстель қамалган қафас ва Маймоқоёқни кўтариб олган икки нафар янги синфбоши кириб келди.

- Очимдан ўляпман, - деди Чўчринстелни Хедвигнинг ёнига жойлаган Рон, Гаррининг қўлидаги шокобақани тортиб олиб.

У бўш курсига ўзини ташлаб, эрта тонгдан ниҳоятда машаққатли меҳнат билан шуғулланган киши каби, ўриндиққа суюнганча, кўзини юмиб олди.

- Ҳар бир коллежнинг бешинчи синф ўқувчилари орасидан бир нафар ўғил ва бир нафар қиз бола синфбоши этиб тайинланган, - гап бошлади домангир қиёфа ясаган Гермиона, бўш ўринга жойлашиб.

- «Слизерин»дан ким тайинланганини топа оласизми? - сўради Рон, кўзини очмай.

- Малфой, - жавоб берди ҳадиги тасдиқ топишига ишончи комил Гарри.

- Тўппа-тўғри, - ғамгин бош ирғиб қўйди Рон, шокобақа бўлагини оғзига тиққанча, кейингисига қўл узатиб.

- Ва табиийки, анави ғунажин Панси Паркинсон, - жаҳл-ла қўшиб қўйди Гермиона, - Ақл-фаросати троллдан фарқ қилмайдиган одам қандай қилиб синфбоши бўлиши мумкин? Кичик урғочи тролль.

- «Хуффльпуфф»дан-чи, ким тайинланибди? - сўради Гарри.

- Эрни Макмиллан ва Ханна Аббот, - ғўнғирлади Рон.

- «Равенкло»дан эса Энтони Голдштейн ва Парватти Пэтил, - давом этди Гермиона.

- Парватти Пэтил билан сен Рождество балига боргансан, - эшитилди сирли овоз.

Ҳамма «Ҳақиқатгўй» узра кўзини пирпиратмай Ронга қараб турган Луна Лавгуд томон юзланди. Роннинг афти буришиб кетиб, оғзидаги борки нарсани ютиб юборди.

- Тўғри, - деди у, бироз ҳайрон бўлиб.

- Ўшанда у, сендан мамнун бўлгани йўқ, - маълумот берди Луна, - Айтишига қараганда, у билан рақс тушмай, беадаблик қилибсан. Менга эса фарқи бўлмас эди, - ўйчан қўшиб қўйди у, - Мен рақс тушишни хуш кўрмайман.

Фикрини билдирган Луна боз «Ҳақиқатгўй» ортига бекинди. Оғзи ланг очилиб қолган Рон бир неча сония журнал муқовасига қараб турди-да, тушунтириш олиш учун бўлса керак, Жиннага юзланди. Лекин синглиси тушунтириш бериш у ёқда турсин, хандон отиб юбормаслик учун бармоғининг бўғинини оғзига солиб, маҳкам тишлаб олди. Ҳеч нарсани тушунмаган Рон бош чайқаб, соатига қаради.

- Биз вақти-вақти билан поезд йўлаклари бўйлаб юришимиз керак, - деди у Гарри билан Невиллга қараб, - Агар бирон киши хулқбузарлик қиладиган бўлса, таъзир чорасини кўришга ҳақлимиз. Бу масалада Краббе билан Гойлни тутиб олиш орзусида юрибман...

- Рон, биз ўз мавқеимизни суиистеъмол қилмаслигимиз керак! - хитоб қилди Гермиона.

- Ҳа, албатта! Энг асосийси, Малфой суиистеъмол қилмайди, - истехзо-ла жавоб қайтарди Рон.

- Сен ўша даражада тубанлашиб кетмоқчимисан?

- Йўқ, дўстларимни қўлга туширишидан олдин, унинг улфатларини илтирмоқчиман.

- Муқаддас фалак ҳақи, Рон...

- Гойлни тилхат ёзишга мажбур қиламан. Бундай чора эса уни ўлдиради, чунки ўша чаласавод ёзишни ниҳоятда ёмон кўради, - деди илҳомланиб кетган Рон.

У овози билан паст оҳангда тортилган наърага тақлид қилганча, ҳавода ёза бошлади:

- Менинг... ташқи... кўринишим... бабуин... думбасига... ўхшамаслиги... керак... *(Бабуин – иттумшуқ маймунлар туркумига мансуб, қўймучининг туси ёрқин, танасининг узунлиги тахминан 75 см, думининг узунлиги тахминан 60 см келадиган, асосан Марказий ва Шимолий Африкада яшайдиган маймун).*

Ҳамма кулиб юборди-ю, бироқ ҳеч ким Луна Лавгуд каби, юракдан хандон отмади. Қизалоқ шу қадар бахтиёр, қулоқни тешиб юборгудай чийилладика, ҳатто Хедвиг ҳам уйғониб, қанотларини патирлатиб юборди. Чўчиб кетган Маймоқоёқ эса вишиллаганча юк тоқчасига сакраб чиқди. Берилиб кулаётган Лунанинг қўлидан чиқиб кетган журнал оёғи бўйлаб сирпанганча, полга тушди.

- Жуда кулгили бўлди!

Базўр нафас олаётган қизнинг Рондан узилмаган йирик кўзи ёшга тўлди. Таҳайюр Рон бошқаларга бирма-бир қараб чиқди. Бошқалар эса энди унинг башараси касб этган телбанамо қиёфа-ю, ўзини ўзи қучиб олганча, олд-орқага тебранаётган Лунанинг узоқ чўзилган ғалати кулгиси устидан кулишмоқда.

- Сенга нима қилди, чекиб олганмисан? - қовоғини солиб олди Рон, Лунага қараб.

- Бабуин... бабуин думбаси! - тиқилиб қолишига сал қолди қовурғасини ушлаб олган Луна.

Ҳамманинг эътибори Лунада. Тасодифан пастга қараган Гарри эгилиб, полда ётган журнални чангаллаб олди. Луна уни тескари ушлаб ўқир экан, муқовасида нима акс эттирилганини англаб

олиш қийин кечган эди. Мана энди Гарри ушбу расм аслида бир қўлига бир қоп олтин ушлаган, иккинчиси билан троллни бўғаетган Корнелиус Фужнинг беўхшов ҳажвий тасвири эканлигини англади. Вазирни сарғиш яшил тусли шляпасидан таниб олди. Расм остида: «Фуж «Гринготтс»ни қўлга киритиш учун нималарга тайёр демайсиз?» изоҳи битилган.

Пастда эса, журналнинг ушбу сонида чоп этилган мақолалар рўйхати келтирилган:

*«Торнадос» жамоаси ўз ҳукмини ўтказишга қай йўсинда муваффақ бўлган;*

*Қадимий руналар сирини очилди;*

*Сириус Блэк: жиноятчимиз ёки жафокаш?*

- Кўриб чиқсам майлими? - ҳаяжонлан-ла изн сўради Гарри Лунадан.

Бирон оғиз сўз айтишга ҳоли қолмаган Луна ҳанузгача Рондан кўзини ўзмай, бош ирғиб қўйди.

Гарри журнал мундарижасига кўз югуртирди. Шу вақтга қадар у, Кинсли Сириусга мистер Уэсли орқали бериб юборган журнални эсламаган экан. Афтидан, бу «Ҳақиқатгўй»нинг ўша сонига ўхшайди.

Мундарижада зарурий саҳифа рақамини кўрган Гарри журнални тез варақлаб, керакли мақолани топди.

Мақолага жуда сифатсиз расм келтирилган. Агар изоҳи бўлмаганида, одам суяклари устида қўлига сеҳрли таёқча ушлаб олган Сириус тасвирланганини англаб олиш қийин бўлар эди.

*СИРИУС БЛЭК – ЧИНДАН ҲАМ ЁВУЗМИ?*

*Ким у: номи чиққан савдойи қотилми ёки газетанинг ёлғон хабарими?*

Гарри мазмунни тўғри англади-ми, йўқми, ишонч ҳосил қилиш учун жумлани бир неча бор такрор ўқиди. Қачондан буён Сириус газетанинг ёлғон хабари бўлиб қолди?

*Ўн тўрт йилдир-ки, Сириус Блэк ўн икки нафар беғуноҳ мағл ва бир нафар сеҳргарнинг ўлимида айбдор, деб топилмоқда. Икки йил муқаддам Блэк Азкабандан қочиб кетгач, сеҳргарлик вазирлиги унинг пайига тушиб, мисли кўрилмаган одам овини ташкиллаштирди. Натижада Блэк қўлга олиниб, дементорлар ихтиёрига топширилиши шарт эканлигига бугун ҳеч ким шубҳа қилмай қўйди.*

*АСЛИДА-ЧИ?*

*Яқинда биз шов-шув кўтарадиган баёнотдан хабар топдик. Маълум бўлишича, Сириус Блэк, аслида, бўйнига қўйилган жиноятни содир этмаган экан. Литл Нортоннинг Акас хиёбонидаги 18- уйида истиқомат қилувчи Дорис Муркисснинг сўзларига қараганда, Блэк, ўша машъум жиноят содир этилган жойда бўлмаган экан.*

- Сириус Блэк ҳақиқий исм эмаслигини ҳеч ким тушуниб етмаяпти, - деди миссис Муркисс, - Сириус Блэк деганлари аслида, тахминан ўн беш йил муқаддам Литл Нортон бутхонасида ўтаётган концерт давомида улоқтирилган каттагина шолғом қулоғига тегиб, деярли қар бўлиб қолганлиги туфайли қўшиқчилик фаолиятига чек қўйишга мажбур бўлган «Хобгоблинлар» гуруҳининг етакчиси, таниқли Сценни Тьянтер бўлади. Газетада чоп этилган фотосуратидан таниб қолдим уни. Ишонтириб айтаман-ки, ўша кеча Сценни жиноят содир этмаган. Негаки, мулоҳаза юритилаётган фурсатда Сценни иккаламиз шам остида романтик кечки овқат ўтказаётган эдик. Мен бу ҳақда сеҳргарлик вазирига хабар бердим. Умид қиламан-ки, вазир, тез орада Сценнини, яъни Сириусни сўзсиз ва тўла-тўқис афв этади.

Гарри мақолани ўқиб бўлганига қарамай, таажжубдан кўзини матндан уза олмай қолди. Бу қандайдир ҳазил бўлса керак, хаёлдан ўтказди у, афтидан, ушбу журналда ҳар хил ҳажвиялар чоп этилади шекилли. У журнал саҳифаларини ортга варақлаб, Фуж ҳақидаги мақолани топди.

Сеҳргарлик вазири Корнелиус Фуж «Гринготтс» банки бошқарувини ўз қўлига олиш ниятида юргани тўғрисидаги миш-миш гапларни кескин рад этиб, илгари ҳам, ҳозир ҳам олтинларимизни қўриқлаётганлар билан «тинч-тотув ҳамкорлик қилиш»ни ягона мақсад, деб билиб келгани ҳақида баёнот қилди.

АСЛИДА-ЧИ?

Ишончли манбалардан билишимизча, гоблинлар тасарруфидаги олтин захираларини қўлга киритиш Фужнинг биллур орзуси эканлиги вазирликка яқин доираларда яхши маълум. Яна шу нарса маълумки, кўзлаган мақсадига эришиш йўлида вазиримиз ҳар қандай усулдан, шу жумладан, куч қўллаш усулларида ҳам тап тортмайди.

- Ҳа, нима? Куч қўллаш унинг табиатида шаклланган одат, - деди вазирликда ишлайдиган манбамиз, - Дўстлари уни «Корнелиус Фуж – гоблинлар тушига кириб турадиган даҳшат» дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Агар билсангиз, вазир, бегона қулоқ йўқ, деб ўйлаган пайтда дўстларига шундай гапларни айтиб берадики, кишининг юраги орқага тортиб кетади... Нечта гоблинни шахсан ўзи бир ёқли қилгани, сувга ғарқ қилгани, томдан итариб юборгани, гўштидан пирог тайёрлаганини санаб беради...

Гарри мақоланинг давомини ўқимай қўя қолди. Фуж шакар бола эмас, албатта. Бироқ гоблин гўшtidан пирог тайёрлашни буюриши?!... Жа ошириб юборишибди. Гарри журнални варақлаб, ҳар бир неча саҳифадан кейин, шов-шув кўтарадиган навбатдаги янгиликка рўбару бўлиб борди:

Террорширнинг «Торнадос» жамоаси квидиш лигасидаги ғалабани одамларни қўрқитиб товлаш, қийноққа солиш ва супургилар билан боғлиқ ғайриқонуний, алдам-қалдам тадбирларни амалга ошириш йўли билан қўлга киритган!

«Соф ғалаба» русумли супургининг 6- моделида Ойга қадар етиб, ашёвий далил тариқасида бир қоп ой бақаларини олиб келган сеҳргарнинг фақат бизнинг журналимизга берган интервьюси.

Шунингдек, Гаррига қадимий руналар ҳақидаги мақола учраб, нима сабабдан Луна «Ҳақиқатгўй»ни тескари ушлаб ўқиётганини англади. Журналда таъкидланишича: қадимий руналар тескари тутилса, рақибнинг қулоғини нокка айлантриб қўядиган тилсим сифатида ўқиш мумкин эмиш. Қисқаси, «Ҳақиқатгўй» журналининг бошқа мақолалари билан қиёсланадиган бўлса, Сириус, аслида Сириус эмас, «Хобгоблинлар» гуруҳининг етакчиси эканлиги ҳақидаги гипотеза нисбатан соғлом фикрга ўхшаб кетади.

- Бирон-бир қизиқ нарса борми? - қизиқди Рон, Гаррининг журнални ёпиб қўйганини кўриб.

- Шу журналда-я? - деди жирканган Гермиона Гаррига жавоб бериш имконини бермай, - «Ҳақиқатгўй» яширин журнал эканлиги ҳаммага маълум!

- Маъзур сананг, - кескин оҳангда гапга аралашди Луна, - Менинг дадам ушбу журналнинг бош муҳаррири бўлади.

- Мен... О, - хижолат тортди Гермиона, - Унда баъзан қизиқ нарсалар ҳам бўлиб туради, албатта... у ўзига яраша...

- Мен уни оламан, эътирозинг йўқми? - совуқ оҳанг-ла сўради Луна.

У олдинга эгилиб, Гаррининг қўлидаги «Ҳақиқатгўй»ни чангаллаб олди-да, тез варақлаганча элик еттинчи саҳифани очиб, кескин тўнтаргач, купе эшиги учинчи маротаба очилган фурсатда журнал ортига боз бекиниб олди.

Гарри эшик томон ўгирилди. Мурдор иршайган Драко Малфой билан унинг тан қўриқчилари Краббе ва Гойлнинг пайдо бўлиши ҳар доим кутилган ҳолат-у, ҳуш ёқадиган, деб бўлмайди.

- Нима керак сенга? - тажовузкорона оҳангда сўради Гарри, Малфойга оғиз очишга имкон бермай.

- Мулойимроқ бўл, Поттер, йўқса жазога тортаман, - эринчоқ овозини чўзиб жавоб қайтарди, отасидан силлиқ оқ-сарик соч-у, чўзинчоқ жағини мерос олган Малфой, - Кўриб турибсанки, мен, сендан фарқли ўлароқ, синфбоши этиб тайинланганман. Демакки, мен, сендан фарқли ўлароқ, жазолаш чорасини кўриш ҳуқуқига эгаман.

- Тушунарли, - бош ирғиди Гарри, - Бироқ сен, мендан фарли ўлароқ, фавқулодда кам учрайдиган, ноёб нажас бўлганинг сабабли тезроқ эшикни ёпиб, нари кетгин-да, бу ерни саситма.

Рон, Гермиона, Жинна ва Невилль кулиб юборишди. Малфой ҳам тиржайиб, лабини қийшайтирди.

- Яхшиси айт-чи менга, Поттер, Уэслидан ҳам баттар бўлиш қандай бўлар экан? - тилёғламалик қилди Малфой.

- Бас қил, Малфой, - ўшқириб берди Гермиона.

- Нозик жойдан олган кўринаман, - иржайди Малфой, - Майли, Поттер. Қисқаси, жуда, жуда эҳтиёт бўлиб юр энди. Негаки мен, бундан буён босган ҳар бир қадамингни итдай кузатиб юраман.

- Чиқ бу ердан! - овоз кўтарди Гермиона, ўрнидан туриб.

Мурдор кулгиси юзига ёпишиб қолган Малфой Гаррига сўнги бор таҳдидли нигоҳ ташлаб қўйди-да, нари кетди. Краббе билан Гойл ҳам унинг ортидан эргашди. Эшикни қарсиллатиб ёпиб қўйган Гермiona Гаррига юзланди. Қизнинг юзи касб этган қиёфани кўрган Гарри Малфойнинг сўзларидан Гермiona ҳам ташвиш тортаётгани сезди.

- Шокобақадан яна битта от, - илтимос қилди ҳеч нарсани фаҳхламаган Рон.

Невилль билан Лунанинг ёнида гапириб бўлмаслигини билган Гарри Гермионанинг хавотирли кўзига яна бир қараб қўйди-да, деразага ўгирилиб олди.

Гарри атиги бир дақиқа олдин Сириуснинг вокзалга чиқиб кузатиб қўйганини ноўрин, деб билмаган бўлса, энди унинг қилган ишини ортиқча, жуда хавfli чираниш сифатида кўрмоқда... Гермiona ҳақ, хаёлдан ўтказди Гарри, Сириус эргашмаслиги керак эди. Мистер Малфой қора итни таниб қолиб, ўз фикрини Дракога айтган бўлса-чи? Уэслилар оиласи, Люпин, Бомс ва Хмури Сириуснинг бекиниб юрган жойидан бохабар эканлигини фаҳхлаган бўлса-чи? Балким, Малфойнинг «итдай кузатиб юраман» деган сўзлари тасодифий фикрдир?

Улар шимол томон илгарилаган сари, об-ҳаво ҳам беқарор қолмоқда. Дам ёмғирнинг эринчоқ томчилари купе деразасига келиб урилади, дам Қуёшнинг хира нурлари булутлар орасидан бир-икки дақиқа кўриниб, шу заҳоти кўздан ғойиб бўлади. Кўп ўтмай қоронғи тушиб, купе фонслари ёнди. Луна «Ҳақиқатгўй» журналини қувур шаклида ўраб, юк халтасига авайлаб жойлади-да, ҳамроҳларига диққат билан разм солишга киришди.

Гарри ёмғир томчилари доғ-дуғ қилиб юборган ойнага пешонасини босиб олганча, узоқда кўриниш берадиган «Хогварц» минораларини кўришга уринмоқда. Лекин тун ойсиз бўлгани боис, ташқарида қалин зимистондан бошқа нарса кўринмайди.

- Кийим алмаштирадиган вақт бўлди, - деди ниҳоят Гермiona.

Ҳамма сандиғини очиб, мактаб кийимини чиқарди. Гермiona билан Рон кўкрак нишонларини ардоқлаб тақиб олишди. Рон худди кўзгуга қараган каби, қора деразада кўринаётган аксига қараб қўйгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

Поезднинг ҳаракати секинлаб, эшик ортида одатий шовқин эшитилди. Йўловчилар ўринларидан сакраб туриб, буюмларини чиқариш, ҳайвонларини йиғиштириб олиш, қисқаси поезддан тушишга тараддуд кўра бошлашди. Тартиб сақланишини кузатиб бориш энди хизмат мажбурияти саналадиган Рон билан Гермiona Маймоқоёқ билан Чўчринстелни Гарри ва бошқалар масъулиятига қолдириб, купени тарк этишди.

- Истасанг, бойқушни мен олишим мумкин, - таклиф киритди Луна Гаррига, қўлини Чўчринстель томон узатиб.

Невилль ўзининг Треворини ички киссага жойлаш билан банд.

- Э... м-м-м... раҳмат, - деди Гарри, Хедвигнинг қафасини дурустроқ тутганча, бойқушчанинг қафасини Лунага узатиб.

Болалар купедан одамга тўла йўлакка чиқиб, туннинг совуқ ҳавосини ҳис этишди. Аста одимлаб, чиқиш эшиги томон йўл олишди. Гаррининг димоғига кўл томон олиб берадиган сўқмоқ бўйида ўсаётган қарағай ҳиди урилди. Платформага оёқ қўйиши билан кўпдан буён таниш бўлиб қолган: «Биринчи синф ўқувчилари! Қулоқ солинг! Диққат! Бу ёққа юрамиз!» сўзларини эшитиш



илинжида атрофга қаради. Эшитмади. Бунинг ўрнига бегона, аёл кишининг қатъий овози эшитилди:

- Биринчи синф ўқувчилари мана бу ерда, бир чизиққа саф тортинг, илтимос! Биринчи синф ўқувчилари – олдимга!

Гаррига қараб ҳавода тебранганча, яқин сузиб келган фонуснинг хира пирпираётган нури остида ўтган ўқув йили Хагриднинг ўрнига сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фанидан вақтинча дарс ўтган, сочини қисқа олиб юрадиган профессор Гниллер-Планкнинг жағи олдинга туртиб чиққан юзи кўринди.

- Хагрид қани? - овоз чиқарди Гарри.

- Билмадим, - жавоб қайтарди Жинна, - Нима қилганда ҳам, биз нари боришимиз керак. Халал беряпмиз...

- Ҳа-я...

Платформа бўйлаб темир йўл станциясидан чиқиш томон ҳаракатланар экан, Гарри билан Жинна бошқа ўқувчилар галаси ичида йўқолиб қолишди. Бола Хагридни кўриш илинжида кўзини қисиб олиб, атрофга аланглаб юрди. У шу ерда бўлиши керак, ишонтирди Гарри ўзини ўзи. Ахир Хагрид билан учрашув – узоқ вақтдан бўён сабрсиз кутилган ҳодисалар рўйхати орасида биринчи ўринлардан бирини эгаллайди-ку. Лекин Хагрид кўринмаяпти.

Ишдан бўшаб кетган бўлиши мумкин эмас, ўзи билан ўзи гаплашиб борди Гарри, катта йўлга олиб чиқадиган тор йўлка бўйлаб халойиқ орасида аста қадам босиб борар экан, касал бўлиб қолгандир ёки шунга ўхшаш бирон кор-ҳол рўй берган...

Гарри темир йўл станциясида профессор Гниллер-Планкнинг пайдо бўлгани борасидаги фикрини билиш учун Рон ёки Гермионани излаб, атрофга аланглади, бироқ улар ҳам кўринмади. Шундан сўнг, халойиқ оқими ичида Хогсмёд станциясидан нари кетадиган, қоронғи, ёмғир ювган йўлга чиқиб олди.

Йўл устида, одатда, биринчи синф ўқувчиларидан ташқари, қолган барча мактаб ўқувчиларини қасрга элтадиган юзга яқин отсиз аравалар туради. Араваларга кўзи тушган Гарри Рон билан Гермионани топиш учун орқа ўгирилди-ю, шу заҳоти аравалар томон боз юзланиб, бақрайиб қолди.

Аравалар бугун отсиз эмас. Ҳар бир арава қандайдир ғалати ҳайвонга қўшилган. Агар Гарридан ушбу махлуққа ном беришни сўрашса, ҳар қалай «От» деб ном берган бўлар эди-ю, лекин жонзод нимаси биландир калтакесакни ҳам ёдга солади. Боши аждар бошига ўхшаб кетадиган, катта очилган оппоқ кўзи қорачиқсиз, бел соҳасидан ўсиб чиққан бир жуфт кенг, қоп-қора, қалин қаноти билан ниҳоятда йирик кўршапалакни эслатадиган ҳайвон танадан деярли маҳрум бўлиб, қоп-қора тери қопламасига ўралган ҳар бир суюги аниқ ифодаланмоқда. Тобора қалинлашиб бораётган зулмат ичида қилт этмай турган унсиз махлуқ танасининг атрофида худди охират шуъласига ўхшаб кетадиган хира нур қобиғи кўрингандай бўлди. Аравалар шундоқ ҳам мустақил ҳаракатланиш қобилятига эга бўлса-ю, уларни бу қадар хунук ҳайвонларга қўшишга на ҳожат, хаёлдан ўтказди Гарри.

- Чўчқа қани? - эшитилди Гаррининг ёнига келган Роннинг овози.

- Анави Лунада, - жавоб берди Гарри Хагриднинг йўқлигини муҳокама қилиш учун Рон томон тез юзланиб, - Нима деб ўйлайсан, қани...

- Хагрид-ми? Тасаввур ҳам қила олмайман, - деди Рон хавотир оҳангида, - Унга ҳеч нима қилмаган, деган умиддаман...

Сал нарида, арава эгаллаш мақсадида ўз мулозимлари Краббе, Гойл ва Панси Паркинсон даврасидаги Драко Малфой иккинчи синф ўқувчиларини ҳайиқтириб, туртиб юборди. Яна бир сония ўтгач, халойиқ орасидан Гермiona отилиб чиқиб, ҳансираганча эътироз билдирди.

- Малфой станцияда биринчи синф ўқувчиси билан ниҳоятда дағал муомала қилди. Мен буни шундоқ қолдирмайман, бундай хатти-ҳаракатлари ҳақида албатта билдирув бераман! Эндигина эга бўлган кўкрак нишонидан одамларга озор етказиш мақсадида фойдаланиши... Маймоқоёқ қани?

- Жиннада, - жавоб берди Гарри, - Ана келяпти...

Халойиқ орасидан ерга сапчиб тушишга уринаётган Маймоқоёқни маҳкам қучоқлаб олган Жинна чиқиб келди.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гермiona Маймоқоёқни қўлига олиб, - Юринглар, араваларнинг ҳаммасини банд қилиб олишларидан олдин бирортасига биргаликда жойлашишга улгуриб қолайлик...

- Чўчқани топганим йўқ ҳали, - деди Рон, бўш аравалардан бири томон йўл олган Гермionанинг ортидан.

Гарри Рон билан қолди. Иккаласининг ёнидан аравалар томон ошиқаётган ўқувчилар югуриб ўтишмоқда.

- Анави қанақанги махлуқлар, билмайсан-ми? - сўради Гарри, отлардан бири томон имо қилиб.

- Қайси махлуқларни айтяпсан?

- Анави отларни...

Айни шу фурсатда қўлига қафас ушлаган Луна пайдо бўлди. Митти Чўчринстель одатига кўра баланд овозда, ҳаяжонлан-ла сайрамоқда.

- Мана бойқушчанг, - узатди Луна, - Жуда ёқимтой қушча экан, а?

- Э-э... ҳа... бироз, - вайсақи оҳангида жавоб берди Рон, - Хўш, аравага чиқамизми?... Нима деб турган эдинг, Гарри?

- Анави отлар жуда ғалати эканлигини айтаётган эдим, - такрорлади Гарри.

Учаласи Жинна билан Гермiona эгаллаган арава томон одимлаб кетишди.

- Қайси ғалати отлар ҳақида сўраяпсан?

- Арава қўшилган отлар ҳақида сўраяпман, - асабий тушунтирди Гарри.

Чиндан ҳам, Ронга нима қилган ўзи, хаёлдан ўтказди Гарри, нигоҳсиз, оппоқ кўзини бақрайтириб, уч фут нарида турган отларни ҳам кўрмайдиган бўлиб қолганми?! Рон эса Гаррига хавотир-ла қараб турибди.

- Нима деяпсан, Гарри?

- Мен-ми?... Анави ҳайвонлар ҳақида гапиряпман! Қара!

Гарри Роннинг қўлини ушлаб, юзини қанотли махлуқ томон бурди. Рон бир-икки сония отга қараб, Гаррига боз юзланди.

- Хўш, нимани кўришим керак?

- Нимани? Қаршингда, танасига арава шотиси маҳкамланган отни!...

Роннинг ҳанузгача хавотир-ла қараб турганини кўрган Гаррининг миясига ғалати ўй келди.

- Сен... уни кўрмаяпсан-ми?

- Нимани?

- Арава қўшилган ҳайвонни.

Энди Рон чинакамига хавотирланиб қолди.

- Гарри, ўзингни яхши ҳис этипсан-ми?

- Мен-ми?... Ҳа...

Бироқ энди тери қопламаси темир йўл станцияси биносининг деразаларидан таралаётган хира нур остида ярқираб кўринаётган, бурун катакларидан буғ чиқаётган отга қараб қолган Гарри саросимага тушиб қолди. Наҳотки Рон кўрмаяпти?! Агар у, ўзини гўлликка солиб, ҳазиллашмаётган бўлмаса, албатта.

- Хўш, чиқамизми аравага? - иккиланиб сўради Рон, Гаррига хавотир-ла қарашини қўймай.

- Ҳа, - бош ирғиди Гарри, - Ҳа, чиқдик...

- Қўрқма, - қоронғиликда эшитилди хаёлчан овоз, - Сен ақлдан озганинг йўқ. Отни мен ҳам кўряпман.

- Ростданми? - чўчиб сўради Гарри, Лунага юзланиб.

Қанотли от акси уккикўз Лунанинг нигоҳида акс этиб кўринди.

- Рост, - тасдиқлади Луна, - Мактабга келган биринчи кунимдан эътиборан кўраман. Уларга доимо мана шу аравалар қўшилади. Хижолат чекма, сен худди мен каби, соппа-соғсан.

Қулиб қўйган Луна Рон сингари араванинг қоронғи бурчакларидан бирига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Гарри ўзини у қадар тинчланган ҳисобламаса-да, Лунанинг ортидан арава ичига эргашди.

**ЎН БИРИНЧИ БОБ. САРАЛОВЧИ ШЛЯПАНИНГ ЯНГИ ҚЎШИҒИ**

Луна иккаласининг галлюцинацияси, агар бу чиндан ҳам галлюцинация бўлса, албатта, бир хилда кечаётганига иқрор бўлишни Гарри истамади. Араванинг эшигини ёпиб, ўриндиққа жойлашиб олгач, анави ғалати отлар ҳақида бошқа бирон оғиз сўз айтмаса-да, эшик деразасидан кўринаётган ваҳимали махлуқлардан кўзини узмай кетди.

- Гниллер-Планкни кўрдингиз-ми? - сўраб қолди Жинна, - Нима учун бу аёл яна пайдо бўлиб қолди? Хагрид ишдан бўшаб кетмагандир ахир, а?

- Агар бўшаб кетган бўлса, хурсанд бўлар эдим, - фикр билдирди Луна, - Уни яхши ўқитувчи деб бўлмайти, шундай эмасми?

- Жуда яхши ўқитувчи! - баралла жавоб қайтаришди Гарри, Рон ва Жинна, дарғазаб оҳангда.

Гарри нафрат тўла нигоҳини Гермionaга қаратди.

- Э-м-м-м... ҳа, жуда яхши ўқитувчи, - деди Гермiona, томоғини қириб қўйиб.

- «Равенкло»мизда эса уни, ўқитувчи эмас, аллақандай кулгили киши сифатида эътироф этишади, - жавоб қайтарди Луна, мутлақо ҳайрон бўлмай.

- Демак «Равенкло»нгизда кулги масаласига ғалати қаралар экан, - ўшқириб берди Рон.

Бу пайтда арава ғилдираги ғарчиллаб, ҳаракат бошлади. Афтидан, Роннинг кўполлиги Лунага кор қилмади, аксинча, худди қизиқ телекўрсатув томоша қилаётган каби, Ронга хотиржам тикилиб ўтирди.

Қатор-қатор аравалар гурсиллаб тебранганча, йўл бўйлаб юқорига кўтарилмоқда. Кўп ўтмай икки ёнида тепа қисмини қанотли тўнғизлар бежаб турган тош устунлар қад кўтарган данғиллама чўян дарвоза орқали мактаб ҳудудига кириб борилди. Гарри Хагриднинг Ман этилган ўрмон четидаги кулбасида чироқ ёнаётган-ёнмаётганини кўриш илинжида юзини арава деразасига босди. Афсуски, ҳовлида тим қоронғилик ҳукм сурмоқда. «Хогварц» қасри эса худди деворлари арава устига яқинлашаётган каби, қад кўтариб турибди. Тунги осмон тусида девори кўмирдай қоп-қора, деразалари худди сочилиб кетган олмослар каби, нур таратиб турган йирик миноралар болалар боши узра муаллақ осилиб тургандай гўё.

Аравалар рессораларини ғичирлатиб қасрнинг баҳайбат эман эшигига олиб чиқадиган тош зинапоя ёнида кескин тўхтади. Биринчи бўлиб сакраб тушган Гарри Хагриднинг ёритилган кулбасини кўриш ниятида Ман этилган ўрмон томон боз қаради. Таассуфки, кулбада бирон-бир ҳаёт аломати кўринмаяпти. Шунда у, йўл давомида рўй берган бирор кор-қол сабабли кўзга кўринмай қолганига умид қилиб, ёқимсиз, скелетсимон ҳайвон томон ўгирилди. Аммо оппоқ кўзи нигоҳсиз пирпираётган махлуқ тун совуғида қилт этмай турибди.

Бир вақтлар ҳам шундай ҳолат рўй берган, яъни Рон кўра олмаган нарсалар Гаррининг кўзига кўринган. Бироқ ўшанда, Кўнгилдаги орзулар кўзгусида хаёлийлик ҳолати саналадиган акс кўринган холос. Бугун эса гап реал одамлар ўтирган реал араваларни тортиб келишга қодир, юзга яқин, фақат Гаррининг кўзига кўринаётган ҳайвонлар ҳақида бормоқда. Агар Лунанинг гапи рост бўлса, ушбу отлар доимо айнан мана шу араваларни тортиб юради, лекин улар... шунча вақтдан буён кўзга кўринмаган. Нима бўлди? Қандай ҳолат содир бўлдики, энди махлуқлар Роннинг кўзига ҳамон кўринмайди-ю, Гаррига кўринадиган бўлиб қолди?

- Юрасанми-йўқми? - сўради ёнида турган Рон.

- А... ҳа... - хаёлини йиғиб олди Гарри.

Ёрқин, дабдабали ёритилган вестибюлда болаларнинг овози акс садо бўлиб янграмоқда. Ўқувчилар пошналарини тош плиталардан ётқизилган полда тақиллатиб, вестибюлнинг ўнг томонидаги, янги ўқув йили бошланиши муносабати билан байрам зиёфати уюштириладиган Катта Залга олиб кирадиган икки тавақали эшик томон ошиқмоқда.

Баланд деразалардан кўришиб турган қаср устидаги осмоннинг аниқ нусхаси бўлмиш – ситораларсиз қоп-қора шифт остидаги Катта Залга ўрнатилган тўртта узун стол атрофига йиғилаётган одам сони жуда тез ошиб бормоқда. Сеҳрланган шифт билан столлар орасида эса минглаб шамлар сузиб юрибди. Шам нурлари арвоҳларнинг пирпираётган кумуш тусли шарпалари, жонли суҳбат қурганча, ёзги таассуротлари билан ўртоқлашаётган, бошқа коллежда таҳсил кўраётган дўстлари билан баланд овозда саломлашаётган болалар, бир-бирининг янги кийими-ю, соч турмагига индамай баҳо бераётган ўқувчи қизларнинг юзларини ёритмоқда. Ўқувчилар орасидан ўтаётган Гарри, одамлар уни кўриши билан пичирлашиб қолаётганига эътибор бермай қўймади. Тишини тишига босиб, ўзини гўё ҳеч нарса сезмаётган, бефарқ кўйга солиб олди.

Ҳамроҳларидан ажралган Луна «Равенкло» столи томон равона бўлди. «Гриффиндор» столига ҳали етиб бормаган Жиннани синфдошлари айюҳаннос ила кутиб олиб, қувноқ даврага тортишди. Гарри, Рон, Гермiona, Невилль эса стол ўртасида, Деярли Бошсиз Ник билан Лаванда Браун орасидаги тўртта бўш ўринга жойлашиб олишди. Арвоҳ билан Лаванда Гаррини ҳаддан ортиқ илтифот ва самимийлик ила кутиб олишганидан, бир сония олдин иккаласи Гарри ҳақида ғийбат қилиб ўтиргани аён сезилди. Умуман айтганда, иккаласининг ғийбатчилиги ҳозир Гаррини у қадар қизиқтирмайди. Негаки, айна пайтда одамлар боши орасидан, олд девор ёнига ўрнатилган Мўътабар Стол томон қараб ўтирган Гарри учун ташвиш тортадиган бошқа жиддийроқ сабаб бор.

- У йўқ.

Рон билан Гермiona ҳам, гарчи Хагриддай улкан одам ҳар қандай халойиқ орасида кўзга яққол ташланиб турса-да, Мўътабар Столни диққат билан кўздан кечириб чиқишди.

- Ишдан бўшаб кетиши мумкин эмас-ку, ахир, - хавотирлана бошлади Рон.

- Мумкин эмас, албатта, - тасдиқлади Гарри, қатъий оҳангда.

- Нима деб ўйлайсиз... яраланмаганмикан? - чўчиб сўради Гермiona.

- Йўқ, - қисқа қилди Гарри.

- Ундай бўлса, қани у?

Дўстлар индамай қолишди. Бироздан сўнг, Гарри, Невиллга ҳам, Патил билан Лавандага ҳам эшиттирмай, паст овозда пичирлади:

- Балким ҳали қайтмаган бўлса керак, а? Дамблдор унга... эсингизда бўлса, топшириқ берган эди...

- Тўғри... тўппа-тўғри, - деди Рон, енгил тортган оҳангда, - Ҳали қайтмаган.

Гермиона эса лабини қимтиб олиб, худди Хагриднинг йўқлигига дурустроқ талқин топишга урингандай, Мўтабар Столнинг у бошидан, бу бошига разм солишни давом эттирмоқда.

- Анави ким? - кутилмаганда сўраб қолди у, ўқитувчилар қаторининг ўртасига имо қилиб.

Гарри столнинг Гермиона эътибор қаратган қисмига юзланди.

Мўтабар Стол марказидаги креслода эгнига муҳташам, ситоралар-у, янги чиққан ойларнинг кашта қилиб солинган тасвири билан безатилган тўқ бинафша ранг коржомо, бошига ҳам худди шундай ранг ва безак берилган шляпа кийган мактаб директори профессор Альбус Дамблдор ўтирибди. Унинг боши ёнидаги, қулоғига ниманидир пичирлаб ўтирган, бўйи пастаккина, танаси миқти, бўйни деярли кўринмайдиган аёл томонга эгилган. Аёл қисқа олинган кул ранг сочини жингалак қилиб, сеҳргарлар коржомаси устидан кийган момиқ кофтасининг рангига мос танлаган пушти лента билан боғлаб олган. Гаррининг кўзига ушбу аёл ҳаммининг аммасига айланган қари қиздай кўринди. Аёл юзини, назокат-ла кўтариб, бир хўплаб қўйган қадаҳи томон сал буриб қўйди. Рангида қони йўқ, энли юзининг мушаклари шалвираган, узун оғзининг бурчаклари пастга тушган, қовоқлари керкиб қолган, йирик юмалоқ кўзи эса чақчайиб тургани боис башараси бақага ўхшаб кетадиган ушбу аёлни Гарри шу заҳоти таниди.

- Бу ўша! Амбриж!

- Ким? - ҳайрон бўлди Гермиона.

- Ишим интизомий жиҳатдан муҳокама қилинаётган суд мажлисида иштирок этган аёл. У Фуж ҳузурида ишлайди.

- Кофтаси ёмон эмас, - кулиб қўйди Рон.

- Фуж ҳузурида ишлайди? - қошини чимирди Гермиона, - Бу ерда нимасини йўқотиб қўйибди?

- Тасаввур ҳам қила олмайман...

Кўзини қисиб олган Гермиона яна бир бор ўқитувчилар столига разм солди.

- Йўқ, - ғудуллади у, - Йўқ, албатта йўқ...

Қиз нимани назарда тутганини Гарри фаҳмламади. Унинг эътиборини ҳозиргина ўқитувчилар ортида пайдо бўлиб, столнинг нариги бошига ўтганча, Хагриднинг жойини эгаллаган профессор Гниллер-Планк ўзига жалб этган. Бу фақат бир нарсани, у ҳам бўлса, биринчи синф ўқувчилари кўл орқали сузиб ўтиб, қасрга етиб келганини англатади. Чиндан ҳам, бир неча сониядан сўнг, вестибюль томондаги эшик тавақалари ланг очилиб, Катта Залга бир қўлига курси, иккинчисига эса ҳаддан ташқари кир, бир чети тешилган, аъзойи-бадани ямоқ бўлиб, роса эскириб кетган, чўққидор шляпани ушлаган профессор Макгонагалл бошчилигидаги биринчи синф ўқувчилари кириб келди.

Катта Залдаги овозлар тинди. Биринчи синф ўқувчилари қолган ўқувчиларга юзланганча, Мўтабар Стол қаршисида саф тортишди. Профессор Макгонагалл индамай келиб, болачалар қаршисига тўрт оёқли курси, курси устига эса қўлидаги шляпани қўйиб, нари кетди.

Болачаларнинг юзлари шам шуъласида хира товланмоқда. Саф ўртасида турган кичкина бола кўрқувдан дағ-дағ титрамоқда. Гарри бир вақтлар ўша сафда, қайси коллежда таҳсил кўриши ҳал этиладиган номаълум синовни кутиб, қўрқиб турганини ёдга олди.

Катта Залга йиғилган жамики одамлар жим бўлиб, диққат билан шляпага қараб қолишди.  
Бироздан сўнг, жойидан қўзғалган шляпанинг четида оғизга ўхшаш тешик ҳосил бўлгач, қўшиқ  
янгради:

Аччиқ тақдир совғасидан ҳали беҳабар,  
Иштиёқ-ла мактаб қурди тўртта сеҳргар.  
Бирлашди улар, дўст бўлишга аҳд қилиб,  
Мураббийликни олижаноб касб билиб.  
Муштарак ният холис: афсунгар болаларга  
Сеҳр-жоду, тилсим сириг ўргатиш.  
Ишлар унди, кайфият ҳам бўлди соз,  
Шу тариқа «Хогварц»га солинди асос.  
Мен ҳам шунда янги тикилган эдим  
Буюк зотлар ёнида бўлдим.  
Слизерин ва Гриффиндорнинг дўстлиги гўё битмас,  
Хуффльпуфф ва Равенкло ҳам йигитлардан қолишмас,  
Йиллар оша ижод қайнаб, бироз тиним бўлмади,  
Тўртовлон орасидан қил ҳам бўлсин, ўтмади.  
Таълимотга талаблар тафовутга бой бўлди,  
Шогирдларга алоҳида таълим жорий этилди.  
Слизерин асилзот болаларни ўқитди,  
Гриффиндорга мард шогирдлар хуш келди.  
Равенкло азалдан заковатни тан олган,  
Хуффльпуфф эса ҳаммани теппа-тенг кўрган.  
Оҳ, дўстлар, не бўлди-ю, назаримда кўз тегди.  
Ихтилофлар зўр келиб, иттифоқ путур кетди...  
Отди тонглар қувончсиз, ўтди кунлар кўнгилсиз  
Баслашди катта-кичик, бу даргоҳда қисқаси  
Дўст дўстга душман бўлиб, юрди улар кулгисиз.

Кунлардан бир кун келиб, ўз фикрин маъқул билиб  
Бу ердан кетди секин, инжиқ ўғлон Слизерин.  
Қайтди шодлик, қайтди қувонч ушбу мактаб қасрига,  
Гарчи алам, дард чандиғи қолди дўстлар қалбида  
Тонглар ёруғ, кунлар яхши, ишлар тушди изига  
Лек бирдамлик кетди абад, энди қайтмас аслига.  
Алҳосил бир маслаҳат, сўзимга қулоқ тутинг  
Мен бурчимни бажарай, сиз курсига ўтиринг,  
Пироварди жаҳолатдир саралаш анъанаси,  
Болаларни тўртта уйга бўлиб ташлаш тантанаси.  
Олинг сабоқ ўша қадим, нохуш тарих дарсидан  
Беҳабар қолманг куннинг хавfli аломатидан.  
Унутманг ташқи таҳдид, ёмон ният касларни  
Бирдам бўлинг, жипслаштиринг, ушбу заиф сафларни.  
Акс йўл тутиб, тўрт томон агар тарқаб кетсангиз  
Мангу кетар бахт, омад, эҳтиёт қилмасангиз.  
Билдирдим ўз фикримни, ҳаммани огоҳ қилдим  
Саралаш вақти етди, ўз ишимга шай бўлдим.

Шляпа унини ўчириб, тек қотди. Ғўнғир-ғўнғир ва пичир-пичир ила урилган қарсақлар янграб,  
ўқувчилар ўз таассуротлари билан ўртоқлаша бошлади. Эл қатори қарсақ урган Гарри  
мактабдошлари нималар ҳақида гаплашаётганини фаҳмлаб турибди.

- Бу сафар қандайдир пурмаъно бўлди-ми? - таъкидлаб қўйди қоши кўтарилган Рон.

- Жуда, - тасдиқлади Гарри.

Одатда, Сараловчи шляпа «Хогварц»нинг у ёки бу коллежида таҳсил кўриш учун талаб этиладиган  
сифатларни тавсифлаб, уларнинг аниқланишида ўзининг ўрни ва аҳамиятини ёдга солиб ўтиш  
билан чекланади. Лекин шляпа ўқувчиларига аллақандай панд-насиҳатлар берганини Гарри эслай  
олмади.

- Қизиқ, илгари ҳам у бирон нарса ҳақида огоҳлантирганми? - хавотирланди Гермиона.

- Умуман айтганда, ҳа, огоҳлантирган, - жавоб берди воқиғлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлган  
Даярли Бошсиз Ник, Невилль орқали энгашиб.



Танасидан арвоҳ ўтган Невилль башарасини буриштириб қўйди.

- Агар шляпа бирон нохушликни сезиб қолгудай бўлса, шу йили «Хогварц»ни огоҳ қилиб ўтишни ўзининг бурчи деб билади...

Шу пайтда биринчи синф ўқувчиларини саралаш таомили бошланиши учун Катта Залда жимлик қарор топишини кутиб турган профессор Макгонагалл пичирлашаётган болалар томон шундай ўқрайиб қўйди-ки, Деяри Бошсиз Ник ўзининг шаффоф бармоғини лабига босиб, тўғри ўтириб олди.

Профессор Макгонагалл яна бир бор тўртта столга бирма-бир қараб чиққач, қўлидаги пергаментнинг узун ўрамини ёзиб, биринчи исми талаффуз этди:

- Аберкромби, Эван

Гарри эътибор қаратган болача бир қадам олдинга ташлаб, Сараловчи шляпани бошига кийди. Эван қулоқдор бўлгани учунгина, шляпа унинг елкасига қадар тушмади.

- «Гриффиндор»! - эълон қилди, бироз ўйланиб қолган шляпа, оғизга ўхшаш тешигини катта очиб.

Гарри қолган гриффиндорчиларга жўр бўлиб, Эван Аберкромбинини қутлаб қарсак урди. Қоқилиб-суқилиб столга яқин келган бола курси четига ўтирди. Унинг юзидан қани энди пол ёрилса-ю, кириб кетса ва ҳеч кимнинг кўзига кўринмай, ўша ерда қолса, деган маънони ўқиб олиш қийин эмас.

Саралаш таомили давом этиб, сафда турган биринчи синф ўқувчиларининг сони аста-секин камайиб борди. Шляпа бирон-бир қарорга келиши кутилаётган сукунат давомида Роннинг қорни ғулдираётгани эшитилиб турди. Ниҳоят Роза Целлер исми қизалоқ «Хуффлпүфф»га тайинланиб, профессор Макгонагалл курси билан шляпани олиб кетгач, профессор Дамблдор ўрнидан турди.

Гарри Гарри Дамблдордан хафа бўлса-да, директорни кўриб, анча тинчланди. Кўпдан буён интизорлик билан кутилган «Хогварц»га қайтиш куни учун Хагриднинг йўқлиги-ю, кўзга кўринган калтакесак-от – ёқимли куйда дафъатан янграган сохта аккорд каби, нохуш янгилик бўлди. Ана энди ишлар ўз изига тушди: мактаб директори янги ўқув йили бошланиши муносабати билан ўқувчиларни табриклаш учун ўрнидан турди.

- Янги келган ўқувчилар, - жарангдор овоз-ла гап бошлади Дамблдор, севиниб кулганча, қўлларини икки томон узатиб, - Муқаддас даргоҳимизга хуш келибсиз! Эски қадрдонлар, сизлар ҳам, хуш келибсиз! Шундай вазият бўладики, узундан-узоқ ўқиладиган нутқ ўринли саналади. Ҳозир эса бунинг мавриди эмас. Бинобарин, астойдил жойлашиб ўтиринг-да, ёпирилинг!

Маъқулловчи кулги ва гулдурас қарсақлар янгради. Дамблдор савлат-ла жойига ўтириб, тановул қилишга халал бермаслиги учун узун соқолини елка орқали орқасига ташлаб олди. Зеро, дастурхонда турли-туман егулик: қовурдоқлар, ҳар хил пирог, сабзавот, нон, қайла турлари пайдо бўлиб, кўзалар ошқовоқ шарбатига тўлиб қолди.

- Зўр, - йиртқичларча ингради Рон, лаганлардан бирини чангаллаб, Деяри Бошсиз Никнинг маъюс кузатуви остида ликопига котлет солар экан.

- Айтгандай, саралаш таомили ҳақида бир нарса деб турган эдинг шекилли, а, Ник? - сўради Гермiona арвоҳдан, - Шляпа илгари ҳам нималардир ҳақида огоҳлантирганми?

- Ҳа-я, - деди Ник, афтидан, қовурилган картошкани очқўзлик-ла ямлаб ютаётган Роннинг ношоён ҳаракатидан кўз узишга баҳона топилганидан хурсанд бўлиб, - Унинг огоҳлантиришларини бир неча бор ўзим эшитганман. Мактабга нисбатан бирон-бир хавф-хатар юзага келиши билан шляпа ўхшаш қўшиқ айтади. Берадиган ўғит ва панд-насиҳатларининг мазмуни доимо бир хил – бирдам бўлиб, заиф сафларни жипслаштириш.

- Шлабўл туримактаб нисбавф хатюзг келгақаер лади? - сўради Рон.

Рон, оғзи овқатга тўла бўла туриб, овоз чиқара олганини Гарри катта ютуқ сифатида баҳолади. Роннинг бундай хулқидан жирканиб кетган Гермiona эса юзини буриштириб олди.

- Маъзур санайсан, сўзларингни илғай олмадим, нима дединг? - боадаб сўради Деярли Бошсиз Ник.

- Шляпа бўла туриб, мактабга нисбатан хавф-хатар юзага келганини қаердан билади? - саволини такрорлади Рон, оғзидаги овқатни янгроқ ютиб.

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - жавоб берди Ник, - Умуман айтганда, шляпа Дамблдорнинг хизмат хонасида яшайди ва тахмин қилишга журъат этаман-ки, кўп қизиқ гапларни эшитиб ётади.

- Шунга қарамай, жамики коллежлар дўст тутинишини истайди-ми? - фикр билдирди Гарри, слизеринчилар дастурхони атрофидаги вазиятга ҳокимлик қилиб ўтирган Драко Малфойга қараб, - Осмон узилиб, ерга тушадики, «Слизерин» билан иноқлик қарор топадиган кун ҳеч қачон келмайди.

- Йўқ, дўстлар, бундай муносабат билдиришларинг нотўғри, - ўпка-гина қилди Ник, - Муваффақият сари етакловчи омил – тинчликка асосланган ҳамкорликдир. Биз арвоҳлар, гарчи ҳар хил коллежларга қарашли бўлсак-да, дўстона муносабатларни атрофлича сақлаб боришга интиламиз. Айтайлик, мен, «Гриффиндор» билан «Слизерин» орасида рақобат қарор топган бўлишига қарамай, Қонхўр Барон билан баслашишни ҳеч қачон ўзимга эп кўрмайман.

- Чунки сен ундан қўрқасан, - таъкидлаб қўйди Рон.

Деярли Бошсиз Ник хафа бўлди.

- Қўрқаман? Мен-а? Сэр Николас де Мимси-Порпиньон бўла туриб-а? Ҳали ҳеч ким ва ҳеч қачон мени қўрқоқликда айбламаган эди! Томирларимда оқаётган асилзотлар қони...

- Қанақа қон? - кўзини чақчайтирди Рон, - Ҳали ҳам борми...

- Шундай ибора бор! - дарғазаб бўлди, чала чопилган боши ёнбошига тушиб кетишига бир баҳа етмаган даражада титрай бошлаган Ник, - Мен овқатланиш, ичимлик ичиш имкониятидан маҳрум бўлганман, албатта, бироқ умид қиламан-ки, сўз эркинлигидан маҳрум қилмайсиз мени? Шунингдек, муайян хислатларим етишмагани учун айрим беақл болаларнинг заҳарханда пичинглари, ишонинг, иззат-нафсимга тегмай қўймайди!

- Ник, у устингдан кулишни ният қилмаган! - ишонтиришга уринди Гермiona, Ронга нафрат-ла ўқрайиб.

Бахтга қарши Роннинг оғзи яна, лунжлари тарс ёрилиб кетадиган даражада овқатга тўлган бўлиб, «Ҳфа қлиш нитим йди» дея олди холос. Афтидан, Ник, ушбу ғўнғиллашни узр сифатида қабул қила

олмади шекилли, кескин юқорига кўтарилиб, патли шляпасини тўғрилаб олди-да, столнинг нариги боши томон учиб, ака-ука Колин ва Деннис Кривилар ўртасига бориб ўтирди.

- Баракалла, Рон! - ўшқириб берди Гермiona.

- Нима? - эътироз билдирди Рон, оғзидаги овқатни базўр ютиб олгач, - Оддий савол бериб бўлмайдими энди?

- Бундай савол бергандан кўра, индамай овқат еб, нафсингни қондириб ўтирганинг маъқул, - жиғибийрон бўлди Гермiona, қўлини силтаб.

Иккаласи зиёфатнинг қолган қисмини тумсайиб олиб, домангир сукут сақлаганча ўтказди. Гарри бундай машмашаларга аллақачон кўникиб қолган. Иккаласини яраштириб қўйишга урингандан кўра, бироздан сўнг, энг яхши кўрган дессерти – қуюқ шиннили торт узатилгунга қадар буйрақдан тайёрланган мана бу пирогни бир ёқли қилган маъқуллигини ҳаётий тажрибаси кўп бор исбот қилган.

Болалар тўйиб, Катта Зал яна ғувиллай бошлагач, Дамблдор ўрнидан турди. Шу заҳоти суҳбат тиниб, ҳамманинг боши Дамблдор томон ўгирилди. Гаррини ёқимли, тўқ уйқу босиб, кўз олдига юқори қаватдаги ётоқхонасига ўрнатилган, бахмалдан тайёрланган гулдор чодир остидаги юмшоққина, илиқ каравоти кела бошлади...

- Ижозатингиз билан эътиборингизни ушбу ажойиб базмимиздан бир неча дақиқага чалғитиб, ўқув йили бошида айтадиган сўзларимни яна бир бор такрорлаб ўтаман, - гап бошлади Дамблдор, - Биринчидан, биринчи синф ўқувчилари шуни билиши лозимки, қаср атрофидаги ўрмон жамики ўқувчилар учун ташриф буюриш ман этилган ҳудуд саналади. Умид қилишга журъат этаман-ки, ушбу тақиқ айрим юқори синф ўқувчиларининг онгига ниҳоят етиб борган.

Гарри, Рон ва Гермiona бир-бирига кулиб қараб қўйишди.

- Иккинчидан, - давом этди Дамблдор, - Назоратчимиз мистер Филч, машғулотлар орасидаги танаффуслар давомида сеҳр-жоду билан шуғулланиш ман этилганлигини эслатиб ўтишимни мендан тўрт юз олтмиш иккинчи мартаба илтимос қилди. Яна бир қатор хатти-ҳаракатлар ман этилган бўлиб, улар билан мистер Филчнинг хизмат хонаси эшигига маҳкамланган рўйхатни ўқиб, танишиб чиқшингиз мумкин. Бундан ташқари, жорий йили ўқитувчиларимиз таркибида айрим ўзгаришлар рўй берди. Сафимизга янгитдан қўшилган, сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фанидан дарс ўтадиган профессор Гниллер-Планкни яна бир бор қутлаш менга мамнуният бахш этади. Ёвузлик кучидан ҳимоя фанининг янги ўқитувчиси профессор Амбрижни сизларга таништириб ўтишдан ҳам ниҳоятда бахтиёрман.

Боадаб, бироқ у қадар жўшқин бўлмаган қарсақлар янгради. Гарри, Рон ва Гермiona бир-бирига ваҳимали қараб қўйди. Профессор Гниллер-Планк қанча вақт дарс ўтишини Дамблдор таъкидлаб ўтмади.

- Квидиш жамоаларига ўйинчиларни саралаш тадбирлари...

Дамблдор кутилмаганда гапини бўлиб, савол назари билан профессор Амбриж томон юзланди. Ушбу аёлнинг ўтиргани ёки оёқда турганини бўйига қараб фаҳмлаш қийин кечгани боис, муайян вақт давомида нима учун Дамблдор гапини тўхтатганини ҳеч ким англай олмади. Профессор Амбрижнинг «ўхў-ўхў» томоқ қиргани эшитилгач, сўз олиш ниятида оёққа тургани маълум бўлди. Бир фурсат саросимага тушиб қолган Дамблдор ўзини идора қилиб, креслосига ўтирди-да,

профессор Амбрижга шундай иштиёқ-ла қарадики, худди ҳаётида, ушбу аёлнинг нутқини эшитишга эришган фурсатдан ҳам бахтлироқ онлари бўлмаган. Ўқитувчилар таркиби эса ўзининг таажжубли қиёфасини бу қадар маҳорат ила яшира олмади. Профессор Сарсабил хонимнинг қоши кўтарилиб, ҳар томон тарқаган сочи остига кириб кетди. Профессор Макгонагаллнинг оғзи эса шу қадар қимтилиб кетдики, лаб ўрнига ингичка чизиқ ҳосил бўлди. Ҳали ҳеч қачон янги ўқитувчи мактаб директорининг нутқини бўлмаган. Анави аёл «Хогварц»да жорий этилган тартибдан беҳабар эканлиги аён бўлганидан, ўқувчиларнинг аксарияти истехзоли кулиб қўйди.

- Илиқ сўзларингиз учун бағоят миннатдорман, директор, - қийшанглаб иржайди Амбриж.

Сўзларини нафас товуши билан талаффуз қиладиган аёлнинг овози ёш қизчанинг овози каби, ингичка эшитилди. Гарри сабабини ўзига ўзи тушунтира олмаса-да, профессор Амбрижга зидлик ила қаради. Лекин ушбу аёлнинг аҳмоқона овозидан тортиб эгнидаги пушти тусли момиқ кофтасига қадар ёмон кўришини аниқ билади. Аёл бир-икки бор «ўхў-ўхў» деганча, томоқ қириб қўйди-да, гапини давом этди:

- «Хогварц»га қайтганимдан ниҳоятда хурсанд эканлигимни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман! - иршайди у, майда ва жуда ўткир тишларини яланғочлатиб, - Ёқимли, бахтиёр чеҳраларингизни кўришдан ҳам жуда мамнунман.

Атрофга назар солган Гаррининг кўзига бирон-бир бахтиёр чеҳра кўринмади. Аксинча, ёш боладай эътироф этилаётганидан кўпчилик домангир ўтирибди.

- Мен ҳар бирингиз билан яқиндан танишиб чиқиш орзусида эканлигим, ўзаро қалин ва меҳрибон дўст бўлишимизга умид қилиб қолишимни айтмоқчиман.

Унинг сўзларини эшитган кўплаб ўқувчилар бир-бирига маънодор қараб, баъзилари ўзини кулгидан базўр тийиб олди.

- Дўст бўлишимизга? Фақат битта шарт билан, - пичирлади Лаванда ёнида ўтирган Патилга, - Агар анави даҳшатли кофта билан ўзаро алмашилиб, кийиб юрмайдиган бўлсак.

Иккала қиз унсиз кулиб юборди.

Профессор Амбриж яна бир бор «ўхў-ўхў» деганча, томоқ қириб, сўзларини нафас товуши билан талаффуз қилиш оҳанги деярли барҳам топганча, афтидан, ўзига ёд бўлиб кетган фикрни зерикарли овозда баён эта бошлади.

- Сеҳргарлик вазирлиги сеҳргар ўсмирлар ва афсунгар қизларга таълим бериш масаласига илгари ҳам, ҳозир ҳам ҳаётий муҳим масалага аҳамият берган каби, катта эътибор қаратиб келмоқда. Ҳар бирингизнинг табиатингизда шакланган ноёб туғма истеъдод тегишли тарзда ўқитиш ва ўғитлар бериш йўли ила тарбияланиб борилмас экан, беҳуда барҳам топиши муқаррар. Сеҳргарлар жамиятининг ижтимоий бойлиги саналадиган қадимий қобилият мангу йўқ бўлиб кетишига йўл қўйишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Шундай экан, афсунгарликнинг бизга қадар етиб келган азалий сир-асрорларини ёш авлодга ардоқлаб топшириш – ҳам қарз, ҳам фарз саналади. Аждодлар томонидан йиғиб келинган сеҳргарлик билимларининг бебаҳо хазинасини кўз қорачиғидай муҳофаза қилиб, янада бойитиб бориш – зиммамизга юкланган олижаноб бурч эканлигини биз, ўқитувчилар, бошқалардан кўра тўла-тўқис ҳис этамиз.

Профессор Амбриж гапини бўлиб, ҳамкасбларига енгил таъзим қилиб қўйди. Бироқ уларнинг бирортаси жавобан бош ирғиб қўйишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Қаншарига йиғилиб қолган қоп-

қора қоши профессор Макгонагаллнинг юзига қирғий қиёфасини бериб қўйган. Томоқ навбатдаги бор «ўхў-ўхў» дейилганча, қириб олинганида профессор Макгонагалл билан профессор Сарсабил хоним бир-бирига пурмаъно қараб қўйгани, Гаррининг эътиборидан четда қолмади. Профессор Амбриж эса нутқини давом этди.

- «Хогварц»нинг ҳар бир директори, ушбу ажойиб, кўп асрли, ниҳоятда бой тарихга эга мактабга осон кечмайдиган раҳбарлик ишига азалдан ижодий ёндашиб келган ва жуда тўғри қилган. Зеро, тараққиёт бўлмаган жойда касодлик, завол, қолаверса таназзул қарор топади. Бироқ фақат тараққиёт учунгина олиб бориладиган тараққиёт тадбирларини рағбатлантириш ҳам ярамайди. Негаки, йиллар синовидан ўтиб келган қадимий анъаналаримиз аксарият ҳолларда ислоҳ қилинишига эҳтиёж сезмайди. Демакки, эски ва янги, ўзгармаслик ва ўзгарувчанлик, анъана ва янгиланиш каби, тушунчалар орасидаги мувозанатни сақлаш...

Гарри аёлнинг нутқини ортиқ эшита олмаслигини ҳис этди. Унинг хаёли қаёққадир қочгани-қочган. Дамблдор сўз айтадиган бўлса, Катта Залда эҳтиромли сукут қарор топади. Ҳозир эса жимлик аста-секин бузилмоқда. Ўқувчилар бошларини бир-бирига яқин оғдирганча пичирлаб, ҳиринглашмоқда. «Равенкло» столи ортида ўтирган Чу Чэнг дугоналари билан жонли суҳбат олиб бормоқда. Ундан сал нарида ўтирган Луна Лавгуд юк халтасидан «Ҳақиқатгўй» журналинини чиқариб, ўқиб ўтирибди. Кўкрагида янгигина синфбошилиқ кўкрак нишони ярқираб турган хуффльпүффчи Эрни Макмиллан кўзини профессор Амбриждан узмай ўтирибди. Бироқ унинг кўзи музлаткич музхонасидан чиқарилган балиқ кўзига ўхшаб қолган. У нутқни эшитмаётгани, фақат ўзини эшитаётган кўйга солиб, синфбошилиқ обрўсини йўқотишни истамаётганига Гарри шубҳа қилмади.

Профессор Амбриж буларнинг барини сезмаяпти. Тепса-тебранмас аёл, агар бурни остида кўзғолон кўтарилиб кетганда ҳам, пўнғиллашини қўймаслиги Гаррига аён бўлди. Лекин ўқитувчилар янги ўқитувчининг нутқини диққат билан тинглашмоқда. Гермiona ҳам, профессор Амбрижнинг ҳар бир сўзини ўзига сув сингдираётган қум каби, эшитиб ўтирибди. Аммо юзи касб этган қиёфадан фаҳмлаб олса бўладикки, баён этилаётган фикр-мулоҳазалар унга ёқмаяпти.

- ... зеро, азалдан шаклланган анъаналаримизни янада такомиллаштириш мақсадида, уларга киритилган ўзгартиришларнинг фақат баъзилари ижобий самара берса, аксарияти, вақт ўтиб ноўрин жорий этилгани маълум бўлади, - нутқини давом эттирмоқда профессор Амбриж, - Қадимий анъаналарнинг баъзи бирларини асл ҳолатида сақлаб қолишимиз шарт. Бу табиий. Бироқ ўз умрини ўтаб, маънан эскирган айрим урф-одатларга амал қилмай, уларни унутишимиз даркор. Мухтасар қилиб айтганда, келинлар, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, сақланиши керак бўлган нарсаларни сақлаш, такомиллаштирилишига эҳтиёж сезилаётган нарсаларни такомиллаштириш, фикримизча, бартараф этилиши лозим бўлган нарсаларни бартараф этишга шайланганча, янги милод, яъни очиқ-ойдинлик, самарадорлик ва масъулиятлилиқ милоди томон олға одимлайлик.

Нутқи ниҳоясига етган профессор Амбриж жойига ўтирди. Дамблдор қарсақ урди. Ўқитувчилар таркиби унга жўр бўлди. Лекин Гаррининг кузатишича, улардан айримлари бир-икки боргина кафтини кафтига теккизиб қўйди. Қарсақларга мактаб ўқувчиларининг маълум қисми жўр бўлди. Умуман айтганда, уларнинг аксарияти нутқини тинглагани йўқ. Шу боис, нутқ ниҳоясига етганини фаҳмлашга улгурмай туриб, ҳар эҳтимолга қарши қарсақ уриб қўйишди. Дамблдор боз ўрнидан турди.

- Катта раҳмат, профессор Амбриж, нутқингиз билим орттиришга хизмат қиладиган даражада мазмунли чиқди, - деди у, бироз таъзим айлаб, - Шундай қилиб, квидиш жамоаларига ўйинчиларни саралаш тадбирлари...

- Ҳа, - аста фикр билдирди Гермиона, - Чиндан ҳам билим орттиришга хизмат қиладиган даражада чиқди.

- Фақат, нутқ ёқди, дема, илтимос, - хитоб қилди Рон, хиралашиб қолган нигоҳини Гермионага қаратиб, - Бундай зерикарли нутқни ҳаётимда эшитганим йўқ. Ваҳоланки, мен, агар ёдингда бўлса, Перси билан ўсганман!

- Мен «нутқ қизиқ чиқди» демадим, «билим орттиришга хизмат қиладиган даражада чиқди» дедим. Бу нутқ кўп нарсаларга ойдинлик киритади.

- Ростданми? - ҳайрон бўлди Гарри, - Мен эса алаҳлаш, деб ўйлабман.

- Ўша алаҳлаш орасида баъзи бир муҳим гаплар ҳам бор эди, - афтини буриштирди Гермиона.

- Ростданми? - талмовсиради ҳеч нарсани тушунмаган Рон.

- «Фақат тараққиёт учунгина олиб бориладиган тараққиёт тадбирларини рағбатлантириш ҳам ярамайди» ёки «Фикримизча, бартараф этилиши лозим бўлган нарсаларни бартараф этиш» деган сўзларнинг замирида нима бор экан, а, нима деб ўйлайсиз?

- Ҳўш, нима бор экан? - бетоқат бўла бошлади Рон.

- Нима бўлар эди, - вишиллади Гермиона тишлари орасидан, - Вазирликнинг «Хогварц»даги ички ишларга аралашиш режаси бор, дегани бу.

Атрофда шовқин ва тақир-туқур эшитилди. Афтидан, Дамблдор тарқалишни амр этган шекилли, ҳамма оёққа туриб, Катта Зални тарк этишга шайланди. Чўчиб кетган Гермиона оёққа қалқиб турди.

- Рон, ахир биз биринчи синф ўқувчиларига йўл кўрсатиб боришимиз керак-ку!

- Ҳа-я, - деди Рон, хаёлини йиғиб олиб, - Ҳой! Ҳой, сиз! Лилипутлар!

- Рон!

- Нима қилибди? Ҳаммаси бирдай митти-ку...

- Бари-бир уларни лилипут дейиш мумкин эмас!... Диққат! Биринчи синф ўқувчилари! - командирлик овози ила қичқирди Гермиона, - Ортимдан юринг, илтимос!

Янги ўқувчилар «Гриффиндор» ва «Хуффлупуфф» столлари орасида журъатсиз, ҳар бири имкон қадар олдинда бормасликка уринганча, Гермионага эргашди. Гарри ёнидан ўтаётган болачаларга табассум-ла назар солиб, уларнинг бўйига эътибор қаратар экан, чиндан ҳам митти одамларга ўхшаб кетишаётгани ҳақида ўйлаб, биринчи синфга келганида ўзининг бўйи бу қадар паст бўлмаганини ўзига ўзи таъкидлаб қўйди. Эван Аберкромбининг ёнида бораётган оқ-сариқ сочли болакай Гаррини кўриб, серрайиб қолди, хаёлини йиғиб олгач эса Эваннинг биқинига туртиб, қулоғига алланарса пичирлади. Ҳамроҳи каби, чўчиб кетган Эван ҳам Гаррига ўғринча қараб қўйди.

- Учрашгунча, - деди юзидаги табассум поездда бетига сачраган қўланса шарбат каби, оқиб кетаётганини ҳис этган Гарри Рон билан Гермионага.

Тикка олдинга қараганча, Катта Зални тарк этаётган Гарри имкон қадар атрофда пичирлашиб, унга диққат билан тикилаётган, бармоқ ўқтаётган одамларга эътибор бермасликка уриниб борди. Мармар зинапоядан тез кўтарилиб, иккита яширин йўлақдан ўтганча, йўлни анча қисқартирди ва шу тариқа халойиқдан илгарилаб кетди.

Нимани ҳам кутиш мумкин одамлардан, хаёдан ўтказди у, кимсасиз йўлақда дарғазаб юриб. Ҳамма унга олазарак қараши табиий. Ахир бутун мактабнинг кўз ўнгида Уч сеҳргар беллашувининг сўнги мусобақаси ўтказилган, Лорд Вольдеморт ҳаётга қайтган лабиринтдан Седрикнинг жасади билан чиққан кундан эътиборан атиги икки ой энди ўтди-ку. Мусобақа ўтиши билан ўқувчилар ёзги таътилга чиқарилди. Оқибатда, агар Гаррининг ўзи хоҳлаган тақдирда ҳам, мактабдошларга ўша даҳшатли ҳодиса ҳақида ҳисобот беришга улгурмади.

Гарри хаёлга берилганча, йўлақда юриб, ўзи сезмаган ҳолда «Гриффиндор» коллежининг умумий меҳмонхонасига олиб кирадиган тўйнуқка келиб қолди. Тўйнуқни тўсиб турган Семиз Хола портретига айтиш лозим бўлган янги паролни билмаслигини англаб, оёғи ерга ёпишганча, тек қотди.

- Э-м-м... - ғудуллади у, Семиз Холага қовоқ солиб.

Семиз Хола ҳам, ўз навбатида, пушти кўйлагининг қатларини текислаб, болага бақрайди.

- Пароль айтилмас экан, ичкарига кириш ҳам йўқ, - маълум қилди Семиз Хола такаббуруна.

- Мен биламан, Гарри! - пишиллади кимдир.

Гарри ортга ўгирилиб, йўлақда лўкиллаб келаётган Невиллни кўрди.

- Бунинг нима эканлигини биласанми, - силтади у қўлидаги митти қуманжирини, - Хотирамнинг давоси, ёдда сақлай билиш воситаси! Мимбулюс мимблетония!

- Тўғри, - тасдиқлади Семиз Хола, тўйнуқни очиб.

Гарри билан Невилль ичкарига киришди. Қадимий юмшоқ креслолар-у, эски столчалар билан жиҳозланган шинам, юмалоқ меҳмонхона иккаласини одатдагидай илиқ кутиб олди. Каминда тарс-турс ёнаётган олов ёнида бир неча киши ётоқхонага кириб ётишдан олдин қўл иситмоқда, Фред билан Жорж эса эълонлар тахтасига аллақандай эълонни маҳкамламоқда. Биров билан гаплашиб ўтириш кайфияти бўлмаган Гарри ҳаммага қўл силтаб, ётоқхонаси томон йўл олди. Невилль унинг ортидан эргашди.

Ётоқхонага биринчи бўлиб етиб келган Дин Томас билан Симус Финниган ўз каравотлари яқинига плакат-у, фотосурат осиб билан овора. Гарри эшик очган фурсатда суҳбатлашиб турган Дин билан Симус бирданига жим бўлиб қолишди. Гаррининг миясига кетма-кет иккита ўй келди: биринчиси, Дин билан Симус, афтидан, ҳозиргина у ҳақда гаплашиб туришган, иккинчиси эса чамаси унда параноя касаллиги шиддат билан авж олмоқда.

- Салом, - кўришди у, каравотининг ёнига келиб, сандиғини очар экан.

- Салом, Гарри, - жавоб қайтарди вестхэм ўйинчилари киядиган кийим рангидаги пижамасини кияётган Дин, - Таътил қалай ўтди?

- Ёмон эмас, - ғудуллади Гарри, таътил баёнига бир кеча камлик қилишини ўйлаб, - Ўзинг-чи, яхши ўтказдинг-ми?

- Яхши, - ҳиринглади Дин, - Ҳар қалай Симусга нисбатан тузукроқ ўтказган кўринаман.

- Тинчликми? - сўради Симусга мурожаат қилган Невилль мимбулюс мимблетонияни каравоти ёнидаги жавонча устига қўйиб.

Симус Невиллнинг саволига жавоб беришга шошилмади. У дастлаб «Зафарли куйкалар» плакати текис осилганига ишонч ҳосил қилиб, сўнг Гарри томон қиё боқмай тилга кирди (*Куйка ёки миққий – қирғийлар оиласига кирадиган йиртқич қуш*):

- Ойим мактабга қайтишимни истамади.

- Нима? - ҳайрон бўлиб, турган жойида қотиб қолди Гарри.

- «Хогварц»га қайтишимни истамади.

Симус плакатга орқа ўгириб, Гарри томон ҳанузгача қиё боқмай сандиғидан пижамасини чиқарди.

- Лекин... Нима сабабдан? - сўради лол қолган Гарри.

Ахир Симуснинг онаси афсунгар аёл-ку, хаёлдан ўтказди у, дурслеизмга қадар паст тушишига нима сабаб бўлиши мумкин?

Симус пижамасининг барча тугмаларини қадаб бўлгунга қадар сукут сақлади.

- Ўйлашимча, - ниҳоят жавоб берди у, бир маромли оҳангда, - Бунга... қисқаси, сен сабабли.

- Мен сабабли? - дағдаға оҳангида сўради, боши узра аллақандай даҳшат пайдо бўлаётганини ҳис этганча, юраги гупиллаб ура бошлаган Гарри.

- Қандай тушунтирсам экан, - чўзди Симус, кўзини Гаррининг нигоҳидан олиб қочиб, - Ойим... э-м-м-м... умуман айтганда бир сен эмас, Дамблдор сабабли ҳам...

- Тушунарли. Демак онанг «Башорат-у, каромат газетаси»га ишонар эканда? - фаҳмлади Гарри, - Мен ёлғончи-ю, Дамблдор қари эшаклигига ишонар эканда, а?

Симус ниҳоят Гаррининг кўзига тик қаради.

- Шунга ўхшашроқ.

Гарри индамади. Сеҳрли таёқчасини жавонча устига улоқтириб, коржомасини ечди-да, пижамасини кийди. Мана шу нигоҳлар-у, фисқи-фасод гаплар жонга тегди! Унинг ўрнига қўйиб кўришса эди, ўзларини!... Тушунишар эди... Йўқ, миссис Финниган тушуниб етиши қийин... Аҳмоқ аёл, ўзича хулоса чиқарди Гарри.

У кўрпасига кириб, бахмал чодир пардасини тортмоқчи бўлиб қўл узатган эди ҳам-ки, Симус сўраб қолди:

- Менга қара... Чиндан ҳам, нима бўлган эди ўшанда... Ўзинг тушунасан... Седрик Диггорига... умуман... а?



Симуснинг овози ҳадиксираган оҳангда эшитилди. Шиппагини қидириб топиш илинжида сандиқ титкилаётган Дин саволни эшитиб, ғайритабиий ҳолатда қотиб қолди. Ҳар бир сўзни диққат билан эшитаётгани аён сезилиб турибди.

- Нега энди мендан сўраяпсан буни? - жеркиб берди Гарри, - Ойинг каби, «Башорат-у, каромат газетаси»ни ўқи! У ерда сизлар билиб қўйишларинг керак бўлган гаплар батафсил ёзилган.

- Ойимни тинч қўй! - жаҳл қилди Симус.

- Мени ёлғончига чиқарганларни нега тинч қўйишим керак экан? - нафрат-ла жавоб қайтарди Гарри.

- Мен билан бундай оҳангда гаплашма!

- Қандай истасам, шундай гаплашаман, - чўрт кесди, миясига қон югуриб, сеҳрли таёқчасини қўлига олганини ўзи сезмай қолган Гарри, - Агар мен билан бир хонада ётишга қўрқаётган бўлсанг, бор, Макгонагаллнинг ҳузурига боргин-да, бошқа хонага ўтказиб қўйишини илтимос қил... Ойинг хавотирланмаслиги учун...

- Сенга нима дедим, Поттер, ойимни тинч қўй!

- Тинчликми?

Ётоқхона остонасида пайдо бўлган Рон кўзини катта очиб, дам каравотда тиззасига ўтириб олганча, сеҳрли таёқча ўқтаётган Гаррига, дам таҳдид-ла мушт кўтариб олган Симусга қараб қолди.

- У ойимни таҳқирламоқда.

- Нима? - бовар қилмади Рон, - Гарри бундай қилмайди... Биз ойингни таниймиз, у бизга жуда ёққан...

- Фақат «Башорат-у, каромат газетаси» мен ҳақимда ёзаётган ифлос гапларга ишона бошлагунга қадар шундай бўлган, - овози борича бақирди Гарри.

- Ҳа-а, - Роннинг сепкил босган юзи гап мазмунини фаҳмлаш қиёфасини касб этди, - Ҳа... энди тушунарли.

- Биласизлар-ми, нима? - қичқирди қизишиб кетган Симус, Гаррига ўқрайиб, - Анави ҳақ! Мен у билан бир хонада яшашни истамайман, у савдойи!

- Мана шу гапинг, Симус, яхши бўлмади, - жавоб қайтарди қулоғи таҳдидли қизарган Рон.

- Яхши бўлмади? Шунақа дегин? - ўқирди Симус, ранги оқариб, - Сен-чи, ишонасанми унинг олди-қочди гаплари-ю, Ўзинг-Биласан-Ким тўғрисида ўйлаб топган уйдирмаларига? Бирорта бўлсин, сўзи рост деб ўйлайсан-ми?

- Ҳа, ишонаман! - нафрат-ла хитоб қилди Рон.

- Демак, сен ҳам савдойисан, - жирканди Симус.

- Шунақами? Хўп, майли, шундай бўлса, бўлсин. Бироқ мен, дўстим, - деди Рон, бармоғини кўксига ниқтаб, - Бундан ташқари, дилсиёҳлигинг учун маълум бўлсинки, синфбошиман! Агар меҳнат жазосига мубтало бўлмай десанг, бундан буён ҳар бир гапингни ўйлаб гапир, тушундинг-ми?

Симус турган жойида сукут сақлаб қолди. Унинг қиёфасида тил учида турган гапларнинг ҳаммасини айтиб, хумордан чиқиб олиш, шундан сўнг, майли, меҳнат жазосига тортилиш истаги яққол кўриниб турибди. Бироқ у обдан ўйлаб кўрди шекилли, жирканганча пишқириб қўйди-да, товонида айланганча ўзини кўрпага ташлаб, чодирининг пардасини ғазаб-ла тортди. Узилиб, чанг тўзғитган парда полга тушди. Симусга дарғазаб қараб турган Рон аста Дин билан Невилль томон ўгирилди.

- Хўш, яна кимнинг ота-онаси Гаррига нисбатан домангир юрибди? - сўради у жанговар оҳангда.

- Отам ҳам, онам ҳам магл, - елка қисди бироз ўйланиб турган Дин, - «Хогварц»да кимдир ҳалок бўлганини улар билишмайди, албатта. Бундай мудҳиш нарсаларни уларга айтиб бериш даражасига қадар миямни еб тугатганим йўқ.

- Сен менинг ойимни яхши билмайсан. У ҳар қандай кишининг хаёлидаги ўй-фикрларни суғуриб олишга қодир! - хитоб қилди Симус, - Ота-онанг «Башорат-у, каромат газетаси»ни ўқишмайди ва шу боис, сен таҳсил кўраётган мактаб директори кексайиб, ишбилармонлик қобилиятини йўқотиб қўйгани учун Оқил Суднинг Олий Қозиси лавозимидан ҳам, Бутун Жаҳон Сеҳр-жоду Конфедерациясининг раислигидан ҳам четлаштирилганини билишмайди.

- Бувимнинг фикрича, буларнинг бари ғирт бемаънилиқ экан, - овоз берди Невилль, - Сўзларига қараганда, Дамблдор эмас, «Башорат-у, каромат газетаси»нинг таҳририяти ўз ишбилармонлик сифатини йўқотиб қўйган. У ҳатто газетага обуна шартномасини ҳам ҳаракатдан тўхтатди. Биз Гаррига ишонамиз, - қўшиб қўйди Невилль, кўрпага киргач, аёлини жағига қадар тортиб олганча, Симусга бойқуш каби, бақрайиб, - Бир кун келиб Ўзингиз-Биласиз-Ким албатта ҳаётга қайтиб келишини бувим доимо ёдимизга солиб келган. У яна бир гапни алоҳида таъкидлаб ўтди: Дамблдор айтди-ми, унинг ҳаётга қайтганини, демак у чиндан ҳам қайтган.

Бошини ёстиққа ташлаган Гаррининг вужудини Невиллга бўлган миннатдорлик ҳисси қамраб олди. Бошқа ҳеч ким ҳеч нима демади. Симус сеҳрли таёқчасини қўлига олиб, пардани жойига илди-да, чодир ичига бекиниб олди. Дин кўрпага кириб, ёнбошлади. Афтидан, билдирган фикрига қўшимча қиладиган гапи бўлмаган Невилль Ой нурида ёришиб турган қуманжирига завқ-ла тикилиб ётди.

Ўзининг буюмларини тахлаётган Рон қўшни каравот ёнида тимирскиланмоқда. Доимо ёқтириб юрган Симус билан ўтган жанжалдан Гарри ҳайратда. Қизиқ, яна қанча одамлар уни ёлғончи, савдойи, деб билар экан?

Бечора Дамблдор! Дастлаб Оқил Суддан, ҳеч қанча вақт ўтмай Бутун Жаҳон Сеҳр-жоду Конфедерациясидан қувиб солингани боис, у ҳам ёз бўйи ўхшаш ташвишларни бошдан кечирган бўлса керак. Афтидан, айнан шу сабабли директор Гарридан дарғазаб бўлиб, у билан мулоқот қилишни истамаяпти. Ушбу гаплар тарқалишига иккаласи ҳам дахлдор. Негаки, Дамблдор Гаррининг сўзларига ишониб, дастлаб бутун мактабга, сўнг, жамики сеҳргарлар жамиятига бўлиб ўтган ҳодисаларнинг айнан Гарри ҳикоя қилиб берган талқинини етказди. Демакки, ким Гаррини ёлғончи деб билса, табиийки, Дамблдорни ҳам ёлғончига ёки боланинг гапига инонган қари гўлга чиқаради...

Рон кўрпасига кириб, ётоқхонанинг сўнги чироғини ўчирди. Вақти келиб ҳамма рост гапирганимизни тушуниб етади, хаёлдан ўтказди дарғазаб Гарри. Фақат ўша вақт етгунга қадар яна қанчадан-қанча таъна-маломатларни бошдан кечириш керак?

## **ЎН ИККИНЧИ БОБ. ПРОФЕССОР АМБРИЖ**

Эрталаб Симус тез кийинди-да, Гарри ҳали пайпоғини оёғига илинтиришга улгурмай, хонадан ўқдай учиб чиқиб кетди.

- Менинг ёнимда қанча кўп вақт ўтказса, савдойилик касаллигини юқтириш эҳтимоллиги шу қадар кўп бўлади, деб биладими у? - баланд овозда сўради Гарри, Симуснинг эгнидаги коржоме этаги чиқиш эшиги ортига ўтиб кетар экан.

- Бу ҳақда ўйланиб, сиқилма, - ғудуллади Дин юк халтасини елкасига ташлаб, - У шунчаки...

Бироқ «шунчаки» нима эканлигини охиригача ифодала олмаган Дин ҳам, хонани тарк этди.

Невилль билан Рон Гаррига қараб қўйишди. Уларнинг юзидан оғзаки баён этилмаган, бироқ: «Бу ёруғ оламда шунақанги аҳмоқлар ҳам бўлади, улар билан ишинг бўлмасин», деган маънони ўқиб олиш қийин кечмади. Лекин ўртоқларнинг нигоҳ-ла билдирган муносабати Гаррини мутлақо овунтирмади. Қачонгача бундай нарсаларга бардош бера олар экан?

- Нима гап, тинчликми? - сўради беш дақиқадан сўнг, умумий меҳмонхонадан чиқиш эшиги яқинида Рон билан Гаррига етиб олган Гермiona, - Қиёфаларинг худди... Айнан шу камлик қилаётган эди, - тўхтаб қолди Гермiona, эълонлар тахтасида пайдо бўлган янги, каттагина плакатга бақрайиб.

### *ГАЛЛЕОНЛАРНИ ГАЛЛОНЛАБ ИШЛАБ ОЛИНГ!*

*Чўнтак пули нима эканлигини унутганингизга анча бўлди-ми?*

*Пул ишлаш ниятингиз борми?*

*Айнан бизнинг ёрдамимиз ила бунга тез, осон ва деярли оғриқсиз эришишингиз мумкин!*

*Гриффиндорчилар меҳмонхонасига ташриф буюриб, Фред ва Жорж Уэслиларни сўранг.*

*Изоҳ: бажариладиган иш муайян хавф ва таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, оқибати учун жавобгарлик масъулиятини иш берувчилар ўз зиммасига олмайди.*

- Буниси энди ҳаддан ортиқ, - деди Гермiona хўмрайганча, октябрь ойида Хогсмёдга уюштириладиган биринчи уикенд тўғрисидаги эълон устига эгизаклар томонидан осиб қўйилган плакатни олиб ташлаб, - Рон, акаларинг билан гаплашиб қўйишга тўғри келади.

Рон очиқдан-очиқ чўчиб тушди.

- Нима учун?

- Чунки сен ва мен – синфбошимиз! - жеркиб берди Гермiona, Семиз Хола портрети тўсиб турган туйнук орқали йўлакка чиқаётиб, - Ва бундай қилиқларга барҳам бериш – иккаламизнинг хизмат мажбуриятимизга киради!

Рон индамади, аммо унинг ғамгин қиёфасида акалари Фред билан Жоржнинг йўлига тўғоноқ бўлиш истиқболи қизиқ туюлмаётгани яққол кўринди.

- Саволим жавобсиз қолди, Гарри, тинчликми? - эслатди Гермiona, зинапояга етгач, - Жуда дарғазаб кўринасан.

Учовлон, ҳеч кимга эътибор қаратмай, ўзаро сўхбатлашаётган кекса сеҳргарларнинг портретлари ёнидан ўтиб борди.

- Симуснинг фикрича, Ўзинг-Биласан-Ким тўғрисида Гарри ёлғон гапирган экан, - қочиримсиз жавоб қайтарди Рон, Гаррининг индамаганини кўриб.

Гарри Гермionанинг эътироз билдиришини кутди, лекин қиз, аксинча, оғир хўрсиниб қўйди.

- Ҳа, Лаванда ҳам шундай фикр билдирди.

- Менинг суюгимни роса ғажибсизлар-да, а? Ёлғончиман-ми мен ёки ҳақгўй? - шу заҳоти ғижирлаб қўйди Гарри.

- Йўқ, - деди Гермiona хотиржам, - Агар билмоқчи бўлсанг, овозини ўчиришни амр этдим унга. Умуман айтганда, бўлар-бўлмас сабаблар билан Рон иккаламизни бўғзимиздан олишни бас қилсанг яхши бўлар эди. Чунки, агар сезган бўлсанг, биз сен томондамиз.

Орага қисқа сукунат чўкди.

- Маъзур сананг, - ғудуллади ниҳоят Гарри.

- Ҳеч қиси йўқ, - виқор-ла жавоб қайтарди Гермiona, сўнг бош чайқаб қўйди, - Наҳотки ўтган ўқув йилининг сўнги зиёфатида Дамблдор айтган сўзларни унутган бўлсанг?

Гарри билан Рон нигоҳсиз кўзларини Гермionaга тикишди. Қиз эса яна хўрсиниб қўйди.

- Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳақида айтган гапи-чи?! Дамблдор ўшанда: «улар юрган йўлида хусумат, адоват уруғини сочиш борасида ўзига хос қобилиятга эгадир. Бунга қарши эса ягона бир усулни қўллаш орқали, у ҳам бўлса, фақат дўстлик ва ўзаро ишонч ришталари билан маҳкам боғланган тарздагина кураш олиб бориш мумкин»...

- Бундай нарсаларни қандай қилиб эслаб қоласан, а? - сўради Рон, Гермionaга ҳайрат-ла бақрайиб.

- Чунки мен биров гапирса қулоқ соламан, Рон, - бироз кесатиб жавоб берди Гермiona.

- Мен ҳам қулоқ соламан, лекин бари-бир тушунмаяпман, қандай қилиб...

- Гап шундаки, - Роннинг гапини бўлди Гермiona, - Айнан ҳозир Дамблдорнинг, ўша кеча ҳаммамизни огоҳлантириб айтган сўзлари рўёбга чиқяпти. Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳаётга қайтганига

энди икки ой бўлди-ю, биз эса ўзаро аразлаша бошладик. Сараловчи шляпа ҳам, аслида: «Бирдам бўлинг, жипслаштинг, ушбу заиф сафларни», деб мана шу ҳолатнинг олдини олмоқчи бўлган.

- Бу масалада кечагина Гарри: «Осмон узилиб, ерга тушадики, «Слизерин» билан иноқлик қарор топадиган кун ҳеч қачон келмайди», деб гапнинг пўскаласини айтиб қўйган эди, - ўз навбатида гапни бўлди Рон ҳам, иқтибос келтириб.

- Коллежларимиз бирлашишга ҳатто уриниб кўрмаётгани жуда ачинарли ҳолдир, - ғудуллади Гермиона.

Учовлон ҳашаматли мрамар зинапоя бўсағасига етган маҳалда «Равенкло»нинг вестибюлда юрган тўртинчи синф ўқувчиларидан бир гуруҳи Гаррини кўриб қолиб, унинг хавfli, бегоналарга ташланадиган бола эканлигига очиқдан-очиқ ишонч ҳосил қилганча, янада ғуч бўлиб олди.

- Мана кимлар билан дўстона муносабат ўрнатишим керак, - истехзо қилди Гарри.

Улар равенклочилар ортидан Катта Залга киришлари билан Гарри, биринчи навбатда, ўқитувчилар столига эътибор қаратди. Мўътабар стол ортида профессор Гниллер-Планк астрономия ўқитувчиси профессор Зловестра билан дугоналарча суҳбат қуриб ўтирибди. Хагрид йўқ. Катта Залнинг ёмғир булутлари билан қопланган сеҳрланган шифти Гаррининг кайфиятини жуда аниқ акс этиб кўринмоқда.

- Анави Гниллер-Планк бу ерда қанча вақт бўлишини Дамблдор айтиб ўтмади ҳам, - ғудуллади Гарри, дўстлари билан гриффиндорчилар столи томон йўл олиб.

- Эҳтимол... - ўйчан чўзди Гермиона.

- Нима, эҳтимол? - шу заҳоти баралла сўрашди Гарри билан Рон.

- Ҳамминг эътиборини Хагриднинг йўқлигига жалб этишни истамаган бўлса керак.

- Эътиборини жалб этишни истамаган, деганингни қандай тушуниш керак? - сўради Рон кулиб, - Хагриднинг йўқлигини сезмай бўладими?

Гермиона оғиз жуфтлашга улгурмай, Гаррининг олдида новча бўйли, узун сочи кокил қилиб ўрилган қора танли қиз қатъий қадам ташлаб яқинлашди.

- Салом, Ангелина.

- Салом, - жиддий оҳангда кўришди қиз, - Ёзни қалай ўтказдинг? - сўради Ангелина ва саволига бериладиган жавобни кутмай давом этди, - Қулоқ сол. Мени «Гриффиндор» квидиш жамоасининг сардори этиб тайинлашди.

- Хурсандман, - кулиб қўйди Гарри.

Ангелинанинг табиатини яхши биладиган Гарри, ушбу қиз Древ каби, ҳар бир ўйиндан олдин узоқ ва зерикарли давом этадиган йўл-йўриқ бериш суҳбатларини ўтказмаслиги шубҳасиз, деган фикрга борди. Бу эса ўз навбатида, спорт соҳасидаги ҳаёт тарзи нисбатан яхши кечишидан далолат беради.

- Ҳа, - давом этди Ангелина, - Гапнинг қисқаси, энди, Древ йўқ экан, бизга янги Қўриқчи керак бўлади. Синов жума кунни соат бешда бошланади. Янги одам ҳаммани қаноатлантирадими-йўқми билиш учун тадбирга жамоамизнинг барча аъзолари ҳозир бўлишларини истайман. Хўпми?

- Хўп, - бош ирғиди Гарри.

Ангелина кулиб қўйиб, нари кетди.

- Древ мактабни тамомлагани ёдимдан кўтарилибди, - деди Роннинг ёнига жойлашиб, сухари солинган лаганни ўзига тортган Гермiona мубҳам оҳангда, - Афтидан, жамоада сезиларли ўзгаришлар рўй беради шекилли, а?

- Шунга ўхшайди, - деди Гарри, қизнинг қаршисига ўтириб, - Яхши Қўриқчи бўлган эди...

- Янги қон ҳеч қачон зарар қилмайди, шундай эмасми? - фикр билдирди Рон.

Шу фурсатда Катта Залнинг юқори деразаларидан қанотларини ҳуштаксимон шитирлатган бирталай бойқуш ёпирилиб кирди. Афтидан, ташқарида жала қўймоқда шекилли, столлар узра айлана бошлаган қушлар хат ва жўнатмаларни эгаларига ташлаб, таомларга сув қатраларини сачратди. Бойқушлар орасида Хедвигни кўрмаган Гарри ҳеч таажжубланмади. Бир сутка ўтиб-ўтмай хат йўллайдиган биттагина муҳбири Сириусда ёзишга арзигулик янгилик пайдо бўлмаганлиги аниқ. Гермionaга эса пат қопламаси шалаббо, тумшугига «Башорат-у, каромат газетаси»нинг ёмғирда ивиб кетган сонини сиқиб олган йирик омбор бойқуши учун апельсин шарбатини тез четга суриб жой бўшатишга тўғри келди.

- Обуна муддатини нега узайтирдинг? - сўради Симусни эслаб жаҳли чиққан Гарри, бойқуш панжасига боғланган чарм ҳамёнга бронза нут солаётган Гермionaдан, - Менга-ку, бари-бир, лекин у ерда нуқул бемаънилиқдан бошқа нарса чоп этилмайди, - деди у, меҳнат ҳақини олган қуш ҳавога кўтарилгач.

- Душманни қиёфасидан танимоқ даркор, - ёвузлик оҳангида ҳикмат қилди Гермiona.

Қиз газетани ёзди-да, нонушта ниҳоясига етгунга қадар рўзнома ортидан чиқмади.

- Ҳеч нарса йўқ, - қисқа қилди Гермiona, газетани ўраб, лико ёнига қўяр экан, - Сен ҳақингда ҳам, Дамблдор ҳақида ҳам, бирон бошқа нарса тўғрисида ҳам, хабар йўқ.

Болаларнинг ёнидан ўтиб бораётган профессор Макгонагалл янги ўқув йили учун тузилган дарс жадвалини ташлаб кетди.

- Бугун ўтказиладиган дарсларга эътибор қаратинг-а! - инграб юборди Рон, - Сеҳргарлик тарихи, қўш соатли сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарси, башорат, қўш соатли ёвузлик кучидан ҳимоя дарси... Биннз, Снегг, Трелани ва анави мудҳиш хола Амбриж – ҳаммаси бир куннинг ўзида-я! Эҳ, қани энди Фред билан Жорж бадният газаклар ихтиросини тезроқ якунига етказса!

- Нима дединг?! Қулоқларимга ишонмаяпман? - янгради Фреднинг овози, - «Гриффиндор» синфбошиси жони узилар ҳолатида ҳам, машғулотларда шахсан иштирок этиши шарт. Шундай экан, дарсга бормасликни хаёлига ҳам келтирмаслиги лозим!

Эгизаклар узун курсига, Гаррининг ёнига суқилиб, астойдил жойлашиб олишди.

- Итни эсласанг, қулоғи кўринади, деб шунга айтсалар керак-да. Мана, бугун бизни нима кутаётганини кўринг, - ғудуллади Рон, дарс жадвалини Фреднинг бурнига яқин келтириб, - «Хогварц» тарихида бундан-да расво душанба бўлмаган.

- Тўғри айтасан, укагинам, - маъқуллади Фред, дарс жадвалини ўрганиб чиқиб, - Нима ҳам дердим?... Бурундан қон чиқариш ёнғоққолвасидан бир бўлак харид қилишинг мумкин. Нархи ҳам арзон.

- Нима учун арзон? - ҳушёр тортди Рон.

- Чунки танангда борки қон охирги томчисига қадар сизиб чиқади, - жавоб қайтарди Жорж, дудланган балиқчалардан бирини оғзига солиб, - Биз ҳозирча ёнғоққолвага қарши, қон тўхтатадиган зидди-заҳар ихтиро қила олганимизча йўқ.

- Раҳмат, - деди Рон, хўмрайганча дарс жадвалини киссага солиб, - Ундан кўра дарсга борганим маъқул.

- Айтгандай, бадният газаклар ҳақида, - деди Гермiona, Фред билан Жоржга домангир қараб, - Умумий ётоқхонанинг эълонлар тахтасига газак синовчилари учун таклифнома ошишга ҳақингиз йўқ.

- Ким айтди? - сўради Жорж, ўзини ҳайратдан серрайган кўйга солиб.

- Мен айтдим, - деди Гермiona, - Ва Рон айтди.

- Мени аралаштирма, - тез инкор этди Рон.

Гермионанинг Ронга ғазаб-ла қараб қўйганини кўрган эгизаклар хандон отиб юборишди.

- Ҳеч қиси йўқ, Гермiona, кўп ўтмай бошқача кўйлаб қоласан, - фикр билдирди Фред, сариёғни нонга қалин суртиб, - Бешинчи синфга ўтганингни унутма. Зеро, яқин орада бадният газакларни биздан ўзинг сўраб оладиган бўлиб қоласан.

- Бешинчи синфда ўқишнинг бадният газакларга нима дахли бор? - қизиқди Гермiona.

- Бешинчи синфда МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун имтиҳон топширилади, - эслатиб ўтди Жорж.

- Хўш?...

- Ўша кунлар етиб келишига оз қолди! Ўқитувчилар эса МОСД имтиҳонларини ёдингизга такрор ва такрор солаверади. Кимнингдир эса етти қават терисини шилиб ҳам олишади! - шафқатсиз оҳанг-ла тушунтириш берди Фред.

- Синфимизда МОСД имтиҳонлари арафасида ўқувчиларнинг ярми ақлдан озиб қолган, - қувонч-ла маълум қилди Жорж, - Баъзиларининг кўз ёшлари дув-дув тўкилган бўлса, айримларининг асабий тутқаноғи тутиб қолган... Патрисия Стимсон эса ҳушидан кетгани-кетган эди...

- Кеннет Таулернинг танасини чипқон қолаб кетгани эсингдами? - ширин хотираларга берилиб кетди Фред.

- Чунки сен унинг пижамасига бульбадоксаль кукунини сепиб қўйган эдинг, - эътироз билдирди Жорж.

- Ҳа-я, - иршайди Фред, - Ёдимдан кўтарилибди... Ҳамма нарсани эсда сақлаш қийин-да, тўғрими?

- Нима қилганда ҳам, бешинчи синфда ўтадиган таълим жараёни ўқиш эмас дўзах азоби, - кўрқитишни давом эттирди Жорж, - Агар имтиҳон натижаларига бефарқ қарамасангиз, албатта. Шундай бўлса-да, Фред иккаламиз бир амалладик.

- Ҳа... - гап қистирди Рон, - Қанақанги савияга эришган эдингиз ўшанда? Ҳар бирингизга уч баллдан белгиланган эди шекилли, а?

- Ҳа, шундай, - тортинмай жавоб қайтарди Фред, - Илмий йўлдан бориш ниятимиз йўқ.

- Еттинчи синфга ўтиб, ўқишни давом эттириш-эттирмаслик масаласини ҳам жиддий муҳокама қилган эдик, - қўшимча қилди Жорж, руҳи кўтарилиб, - Айниқса, қўлимизга...

Жорж Уч сеҳргар беллашувида қўлга киритган пул мукофотини эгизакларга ҳадя этган Гаррининг огоҳлантирувчи нигоҳига кўзи тушиб, унини ўчирди.

- ... Айниқса, қўлимизга МОСДнинг зарурий савияси киргач, - мулоҳазасини тузата олди Жорж, - Энди бизга Сеҳргар маҳоратининг жиддий аттестацияси, яъни СМЖА нимага керак? Фақат Персию, у билан боғлиқ муаммолар инobatга олинадиган бўлса, иккаламиз мактабда ўқимай кўйганимизга ойим... бардош бера олмайди.

- Шундай бўлса-да, йилни беҳуда ўтказиш ниятимиз йўқ, - деди Фред, Катта Залга иштиёқ-ла назар солиб, - Биз уни маркетинг тадқиқотларига бағишлашга аҳд қилдик. «Хогварц»нинг ҳар бир ўқувчиси кулгили моллар дўконига сотиладиган молларни ўрта ҳисобда қанча миқдорда истеъмол қилишини аниқлаймиз. Сўнг, тадқиқот натижаларини атрофлича таҳлил қилиб, келгусида сотмоқчи бўлган молларимизни истеъмолчилар талаби қондириладиган ҳажмдагина чиқариб борамиз.

- Кулгили моллар дўконини очиш учун шунча пулни қаердан оласиз? - шубҳа ила сўради Гермiona, - Ахир сизларга хомашё, турли мол тайёрлаш материаллари, асбоб-ускуна... қолаверса, бино керак бўлади-ку...

Эгизаклар томон қарамасликка уриниб ўтириб, юзига қон югурган Гарри қўлидаги санчқини атайин тушириб юбориб, стол остига эгилди ва ўша ерда Фреднинг овозини эшитди:

- Гермiona, агар сенга ёлғон гапиришларини истамасанг, ортиқча савол берма. Кетдик, Жорж! Гербологияга эртароқ борсак, бирон жуфт пинҳонқулоқ сотишга улгуриб қоламиз.

Стол остидан чиққан Гарри қўлига тост ушлаган эгизаклар нари кетишаётганини кўрди.

- Буниси нима бўлди? - сўради Гермiona, нигоҳини Гарридан Ронга олиб ўтиб, - «Сенга ёлғон гапиришларини истамасанг»... Бундан чиқди, кулгили моллар дўконини очиш учун пуллари бор экан-да, а?

- Бу масала менга ҳам қизиқ кўринмоқда, - қош чимирди Рон, - Ёзда иккаласи менга яп-янги парад коржома олиб беришди. Шунча пулни қаердан олишганига ҳеч ақлим етмаяпти...

Гап хавфли мазмун касб этмасдан олдин, мавзуни зудлик билан алмаштириш кераклигини фаҳмлаган Гарри ўртага савол ташлади:

- Бешинчи синфда ўқиш шу қадар қийин кечиши ростмикан, а?



- Ҳа, рост, - оғир хўрсинди Рон, - Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ушбу синфда ўтадиган таълим жараёни чиндан ҳам келгуси фаолиятга таъсир ўтказди. Айтгандай, Биллинг айтишича, келгуси йили тегишли фанлар бўйича СМЖА имтиҳонларини топшириш имконини танлай олишимиз учун бу йил бизга касб танлаш борасида тавсиялар берилар экан.

- «Хогварц»ни тамомлагач, нима билан шуғулланишни ҳал этиб бўлдингиз-ми? - сўради Гарри, учовлон Катта Зални тарк этиб, сеҳргарлик тарихи синфи томон йўл олар экан.

- Жа узил-кесил бўлмаса-да, - мубҳам чўзди Рон, хижолат тортиб, - Фақат...

- Нима, фақат? - жавоб талаб қилди Гарри.

- Аврорлик касби қизиқроқ бўлса керак, деган фикрдаман, - сохта бепарволик-ла, жавоб қайтарди Рон.

- Бу, аниқ-ку, - қизғин маъқуллади Гарри.

- Бироқ аврорлар – энг сара кишилар саналади, - деди Рон, - Бунинг учун тегишли талабларга жавоб бериш керак. Гермiona, сен-чи, қандай фикрдасан?

- Билмадим, - жавоб берди қиз, - Лекин мен, чиндан ҳам арзигулик иш билан шуғулланмоқчиман.

- Арзигулик иш – аврорлик ! - хитоб қилди Гарри.

- Ҳа, арзигулик иш, лекин ягона эмас, - деди Гермiona, ўйчан оҳангда, - САССИҚ фаолиятини янада илгари сура олсам эди.

Рон билан Гарри бир-бирига қараб қўймаслик учун бор кучларини сафарбар этишди.

Сеҳргарлик тарихи сеҳр-жоду оламидаги таълимотнинг энг зерикарли фанларидан бири эканлиги мактабда умумэтироф этилган. Ягона арвоҳ ўқитувчи профессор Биннз одамни зиқ қилиб юборадиган, ҳарсиллаган, тенги йўқ овоз соҳиби бўлиб, дарсда ўтирган ҳар қандай тингловчини ўн дақиқа, йилнинг илиқ мавсумида эса беш дақиқа ичида ухлатиб қўйиш қобилиятига эга. Унинг дарси доимо бир хил тарзда кечади, хусусан: Биннз тинмай вайсайди, ўқувчилар эса ё тарихий саналарни ёзиб боришади ё, аксарият ҳолларда, ҳаракатсиз ўтириб, нигоҳсиз кўзларини аллақандай бўшлиққа тикиб ўтиришади. Ушбу фан бўйича имтиҳонларни Гарри билан Рон ҳар йили Гермionанинг билимлар синовида бир неча кун қолганда кўчириб олинадиган конспектлари эвазигагина топширишга муваффақ бўла олишади. Негаки, Биннзнинг киши уйқусини келтириш таъсирига эга овозига мактабнинг жамики ўқувчилари орасида фақат Гермionагина бардош бера олади холос.

Бугун гигантларга қарши олиб борилган урушлар ҳақида бир ярим соат давом этган бир маромли пўнғиллашга бардош беришга тўғри келди. Дастлабки ўн дақиқа давомида Гарри, ушбу маълумотлар бошқа ўқитувчи овози билан етказилганда, анча қизиқарли бўлишини тушуниб етишга улгурди. Мияси ахборот қабул қилмай қўйгач, Рон билан пергамент варағи воситасида дор ўйинини ўйнаб ўтирди. Гермiona эса иккаласига вақти-вақти билан баджаҳл нигоҳ ташлаб борди.

*(Дор ўйини – икки киши қоғоз варағида ўйнайдиган ўйин. Бунда, ўйинчилардан бири қоғозга муайян сўзнинг биринчи ва охири ҳарфларини ёзади. Қолган ҳарфлар ўрнини эса чизиқча ёки кичик квадратлар воситасида белгилайди. Анъанага кўра, ушбу сўз бош келишида, бирликда, агар бирликда ёзиладиган шакли бўлмаса, кўпликда ёзилган турдош от бўлиши лозим. Иккинчи ўйинчи мазкур сўз таркибига кириши мумкин бўлган ҳарфни таклиф этиб боради. Агар ҳарф*

*тўғри топилган бўлса, биринчи ўйинчи уни тегишли чизиқча устига (ёки квадрат ичига) ёзиб қўяди. Мабодо таклиф этилган ҳарф сўз таркибига кирмаса, биринчи ўйинчи қоғозга дор ва унга осилган бош тасвирини чизади. Иккинчи ўйинчи, токи сўзни тўлиқ топгунга қадар ҳарф таклиф қилишни давом этади. Ҳар бир нотўғри таклиф қилинган ҳарф учун биринчи ўйинчи дорга осилган одамча танасининг аъзосини навбат билан чизиб боради. Одатда, тана 6 қисмдан, хусусан: бош, кўкрак-қорин соҳаси, 2 та қўл ва 2 та оёқдан иборат бўлади. Агар дорга осилган тана тасвири тўлиқ чизилса, ҳарф таклиф қилаётган ўйинчи ютқазди, деб эътироф этилади. Агар сўзни тўғри топса, ютган саналиб, навбат унга ўтади).*

Қўнғироқнинг танаффус эълон қилинганини англатган зарби эшитилгач, профессор Биннз хонани синф тахтаси орқали тарк этганча, чиқиб кетди.

- Қизиқ, - деди Гермiona, Гарри билан Ронга мурожаат қилиб, - Агар бу йил қайсарлик қилиб, иккалангизга ҳам конспектимни бермасам, нима бўлади?

- МОСДнинг зарурий савиясига эга бўла олмаймиз, - жавоб берди Рон, бирон сония бўлсин, ўйлаб-нетиб ўтирмай, - Сен айнан шундай гуноҳга қўл уришни ният қиляпсан-ми?

- Ажаб бўлади, - жаҳл қилди Гермiona, - Сизлар уни эшитишга уриниб ҳам кўрмайсиз.

- Нега энди? Уринамиз, - эътироз билдирди Рон, - Фақат сенда бор мия ёки хотира ёхуд зийраклик йўқ бизда. Қисқаси, сен иккаламиздан ҳам ақллисан. Буни тан оламиз, лекин доимо пешонамизга шуни тақиллатишинг шартми?

- Мана шу бемаъни гапларингни йиғиштирсанг-чи, Рон, - қўл силтади мақтовни эшитган Гермiona, ҳавоси нам ҳовлига чиқар экан, юзи касб этган баджаҳл қиёфа бироз юмшаб.

Ёмғир деярли чанг кўринишида, туманни эслатиб ёғаётгани боис, кам сонли гуруҳларга бўлиниб, ҳовли четларида турган болаларнинг шарпалари ғира-шира кўринмоқда. Гарри, Рон ва Гермiona болохонанинг устидан сув оқаётган айвони остидаги якка бурчакни танлаб, сентябрь аёзидан сақланганча, коржомаларининг ёқаларини кўтариб олишди. Улар, янги ўқув йилининг биринчи дарсида Снегг яна нима ҳунар кўрсатишини тахмин қилишга киришди. Икки ой давом этган фойдасиз бекорчиликдан қайтган ўқувчиларга бирон-бир мураккаб савол бериб, қийин аҳволга солиб қўйиши муқаррар эканлиги ўчовлон ўртоқ билдирган фикр-мулоҳазаларнинг умумий мазмунини бўлиб шаклланган эди ҳам-ки, бурчак ортидан кимдир чиқиб келди.

- Салом, Гарри!

Чу Чэнг. Қизиқ, у яна ёлғиз ўзи юрибди. Бу жуда ғайриоддий ҳолат. Негаки, Чу доимо бир гала, нуқул ҳиринг-ҳиринг қилиб юрадиган дугоналари даврасида кўриниш беради холос. Гарри уни Рождество балига таклиф қилиш илинжида ёлғиз қолган фурсатда тутиб олишга уриниб, кўп қийналганини ҳали унутгани йўқ.

- Салом, - жавоб қайтарди Гарри, юзи кутилмаганда қизиб кетаётганини ҳис этиб.

Ҳар қалай, бу сафар юзим қўланса шарбатга булғангани йўқ-ку, хаёлдан ўтказди у. Афтидан, Чу ҳам шу ҳақда ўйлаган кўринади.

- Тозаланиб олишга эришибсан-да, а?

- Ҳа, - кулишга уринди Гарри, гарчи унга ўша фурсатдаги аҳволи кулгили эмас аксинча, оғриқли туюлса-да, - Хўш... э-м-м... ёзни қалай ўтказдинг?

Гарри шу заҳоти хижолат тортиб, ўзини ноқулай сезди. Ахир Чу ва Седрик бир-бирини севишар эди-ку. Унинг вафоти Гаррига қандай ёмон таъсир қилган бўлса, Чуга ҳам шундай таъсир қилган. Аёнки, у ҳам таътилни Гарри каби, ниҳоятда ёмон кайфият-ла ўтказган.

- О, ҳеч қиси йўқ, ҳаммаси жойида... - жавоб қайтарди Чу.

- Мана бу, «Торнадос» квидиш жамоасининг нишоними? - кутилмаганда кескин оҳангда сўраб қолди Рон, Чунинг коржомасига қадалган, ўртасига зар ипак воситасида қўшқават «Т» ҳарфи тикилган мовий тусли кўкрак нишонига бармоқ ўқтаб, - Сен уларга мухлислик қиласанми?

- Қиламан, - деди Чу.

- Азалдан мухлислик қилиб келганмисан ўша жамоага ёки яқиндан, квидиш лигасидаги ғалабани қўлга кирита бошлаганидан буюнми? - сўради Рон.

Роннинг саволи Гаррига ноўрин айблов оҳангида эшитилди.

- Мен уларга олти ёшимдан буюн мухлислик қилиб келганман, - жавоб берди Чу совуқ оҳангда, - Хўп, майли... Кўришгунча, Гарри.

Чу нари кетди. Унинг ҳовли ўртасига етиб боришини кутиб турган Гермiona Ронга ўшқириб берди.

- Ниҳоятда бетакаллуф кишисан-да, сен, Рон!

- Нима қилибман? Сўрадим холос...

- Гарри билан ёлғиз қолиб гаплашмоқчи эди у. Шуни ҳам тушуниб етмадинг-ми, бефаросат?

- Гаплашса гаплашаверсин эди. Халал бермас...

- Нега аллақандай квидиш жамоасини деб, унга ташланиб қолдинг?

- Ташланиб қолдим? Ташланганим йўқ, мен шунчаки...

- «Торнадос»га мухлислик қилиш-қилмаслиги билан нима ишинг бор?

- Биласанми, бундай кўкрак нишонини тақиб юрган одамларнинг ярми ўз нишонларини сўнги ўйин мавсумида харид қилишган...

- Фарқи нима?

- Фарқи шундаки, ўша одамлар, аслида, жамоанинг ҳақиқий мухлислари эмас. Улар ғолибларга сўйкалишяпти холос...

- Қўнғироқ зарби, - гапни бўлди ўхшаш можаролар жонига теккан Гарри.

Рон билан Гермiona баланд овозда гап талашиб, Гаррининг сўзларини эшитмади. Икковлон Снегнинг ерости хонасига етгунга қадар тинимсиз сўкишиб борди. Бу вақтда Гарри фикр юритиб, Невилль, Рон каби, ўртоқлари бор экан, Чу билан икки дақиқадан ортиқ хотиржам суҳбатлаша олмаслиги, бунинг учун юрт ҳудудини ташлаб чиқиши кераклигини хаёлдан ўтказишга улгурди.

Шунга қарамай, фикрини давом эттирди Гарри, йўлақда, Снеггнинг хизмат хонаси олдида турган ўқувчилар сафига қўшилар экан, Чу олдимга келиб, суҳбатлашмоқчи бўлди. Седрик эмас Гарри омон қолгани учун Чу, аслида, Гарридан нафратланиши керак... У эса Гарри билан дўстона оҳангда гаплашмоқда ва афтидан, Гаррини ёлғончи ёки савдойи, деб ҳисобламайди, Седрикнинг ўлимида ҳам айбламайдиган кўринади... Ўтган икки кун ичида Гаррининг олдида иккинчи маротаба келиши... Бундай хаёллар Гаррининг кайфиятини анча кўтарди. Йигитчанинг кўкрак қафасида шишган умид пуфагининг дамини ҳатто Снегг хонасига кириш эшиги очилиб, мудҳиш ғичирлаган товуш ҳам чиқара олмади. Рон ва Гермионанинг ортидан эргашиб, ичкарига кирган Гарри синф хонасининг охиридаги одатий жойига, ўртоқларининг орасига, уларнинг бир-биридан домангир гап-сўзларига эътибор қаратмай, жойлашиб ўтирди.

- Дарсга ҳозирланинг, - эшитилди эшик ёпаётган Снеггнинг муздай овози.

Ушбу дарсда тартиб сақлашга даъват қилиш ортиқча. Эшикнинг тақирлаб ёпилганини эшитган ўқувчилар ивирсишни бас қилиб, овоз чиқармай, тек қотишди. Одатда, Снеггнинг совуқ руҳсори синфда ўлик жимжитлик қарор топишини кафолатлайди.

- Бугунги мавзунини ўзлаштиришга киришишдан олдин, - гап бошлади Снегг, синф тахтаси олдида шиддат-ла юриб борганча, ўқувчилар томон кескин юзланар экан, - Жорий йилнинг июнь ойида ниҳоятда жиддий имтиҳон беришингиз лозимлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Маълумки, ушбу имтиҳон давомида сиздан сеҳрли дамлама турларини тайёрлаш ва тўғри қўллаш маҳоратини қай даражада ўзлаштириб олганингизни намоён қилиш талаб этилади. Гарчи орангизда ўтирган айрим шахслар ўзининг фавқулодда кам учрайдиган паст ақли ила бошқалардан шак-шубҳасиз фарқ қилса-да, умид қиламан-ки, улар ҳам МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун имтиҳон якунлари бўйича кам деганда «мақбул» баҳо олишга эриша олади. Акс ҳолда мен... улардан норози бўламан.

Снеггнинг нигоҳи Невиллда ушланиб қолди. Бола бечора эса ғайриихтиёрий равишда ютиниб қўйди.

- Табиийки, - давом этди Снегг, - Ушбу ўқув йили ниҳоясига етгач, кўпчилигингиз менинг фанимни ўзлаштиришни бас қиласиз. Келгуси йили сеҳрли дамламалар тайёрлаш бўйича СМЖА имтиҳонларини энг муносиб ўқувчиларгина топшириш шарафига муяссар бўлади. Бу эса ўз навбатида, кўпчилик билан хайрлашимиз муқаррар эканлигини англатади. Бунини ўзингиз ҳам англаб етган бўлсангиз керак.

Унинг нигоҳи Гаррида тўхтаб, лаби заҳарханда қийшайди. Бешинчи синфни бир амаллаб тамомлагач, сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарсларини бир умрга унутиш ҳақидаги ўй-фикрдан лаззатланган Гарри ҳам, Снеггдан қолишмай, хусумат-ла ўқитувчига бақрайиб ўтирди.

- Шундай бўлса-да, хайрлашиш фурсати етгунга қадар ихтиёримизда яна бир йил бор, - тилёғлама оҳангда давом этди Снегг, - Бинобарин, СМЖА имтиҳонларини топшириш ниятингиз бор-йўқлигидан қатъи назар, жамики куч-ғайратни жорий йил ниҳоясида имкон қадар юқори баллга эришиш мақсадига жамлашни тавсия этаман. Зеро, одатга кўра, МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун топшириладиган имтиҳон давомида ўз ўқувчиларимдан муайян таълим стандартларига жавоб беришларини кутиб қоламан.

Снегг синфга назар солиб чиққач, дарс бошлади.

- Бугун мутлақо оддий сеҳргарлик даражаси имтиҳонларида тез-тез учраб турадиган, кишини таҳлика ва ҳаяжонлардан халос этадиган Тийдириш дамламасини тайёрлаш талаб этилади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, агар дамламани тайёрлаш, таркибий қисмлари билан муомала қилиш жараёнида бесўнақайликка йўл қўядиган бўлсангиз, сиз тайёрлаган дамламани истеъмол қилган кишининг ўйқуси ниҳоятда оғир кечиби, айрим ҳолларда ўйғониши амри маҳол бўлиб ҳам қолади. Бинобарин, диққат-эйтиборингизни бир ерга жамлаб ишланг.

Гаррининг чап томонида ўтириб, қаддини ростлаб олган Гермионанинг юзидан жамики диққат-эйтиборига зўр бергани кўриниб турибди.

- Дамлама таркиби ва уни тайёрлаш усули қаршингизда, синф тахтасида баён этилган, - деди сеҳрли таёқчасини кўтариб, сезилар-сезилмас силтаб қўйган Снегг.

Тахта юзасида чиндан ҳам дамлама тайёрлаш усулининг матни пайдо бўлди.

- Зарурий нарсаларни эса жавондан оласиз, - йўриқ берди Снегг, таёқчасини боз силтаганча, жавон эшигининг тавақаларини ланг очиб, - Дамлама тайёрлашга бир ярим соат берилади. Марҳамат, ишга киришинг.

Дамлама тайёрлаш жараёни чиндан ҳам, Снегг айтгандай, ақлга тўғри келмас даражада мураккаб, оҳангжама кечди. Унинг таркибий қисмлари қозонга, зарурий миқдорда бўлиши учун астойдил ўлчаниб, белгиланган изчилликка ниҳоятда аниқ амал қилинган тарзда солиниши, аралашма дастлаб соат мили ҳаракати бўйлаб, сўнгра акс йўналишда ковланиши ва айни вақтда, ковлаш амалларининг муайян сонига риоя этилиши талаб этилар, дамлама қайнаётган қозон остидаги олов эса навбатдаги таркибий қисм солинишидан маълум бир дақиқа олдин талаб даражасига қадар пасайтирилиши шарт экан.

- Ҳозир дамламангиз устида кумуш тусли ҳарир буғ пайдо бўлиши даркор, - эълон қилди Снегг, тайинланган вақтга ўн дақиқа қолганида.

Тер босиб, шилтаси чиқиб кетганига анча бўлган Гарри ерости хонасига умидсиз назар солди. Ўзининг қозони устида тўқ кул ранг буғ бўлути ҳосил бўлган, Роннинг қозони яшил учкун сачратмоқда, Симус қўлидаги сеҳрли таёқчасини олови ўчиб қолган қозони остига иситмабезгак тутган кишидай тинмай ўқтамоқда, Гермионанинг дамламаси устида эса чиройлигина кумуш тусли туман ҳосил бўлди. Қиз ёнидан ўтиб бораётган Снегг, ўзининг илмоқсимон бурни ўзра булутчага индамай қараб, танқидга сабаб топа олмади. Лекин Гаррининг қозонига яқин келгач, тақа тўхтаб, юзига ёпишиб қолган мурдор табассуми ила дамламага қараб қўйди.

- Менга айтинчи, Поттер, нима тайёрлашни ният қилгансиз?

Синф хонасининг нариги томонидаги слизеринчилар галаси Гарри томон қизиқсиниб юзланди. Улар Снеггнинг Гаррига танбеҳ беришини доимо ҳузур-ла тинглаб келишган.

- Тийдириш дамламасини, - зўриқиб жавоб берди Гарри.

- Энди айтинчи, Поттер, хат-саводингиз борми? Айтмоқчиман-ки, ўқишни биласизми?

Драко Малфой кулиб юборди.

- Биламан, - жавоб қайтарди Гарри, қўлидаги таёқчасини маҳкам сиқиб.

- Ундай бўлса, марҳамат қилиб, менга дамлама тайёрлаш усули битилган матнинг учинчи сатрини овоз чиқарганча, ўқиб эшиттирсангиз.

Гарри кўзини қисиб, синф тахтасига қаради. Ерости хонасини қамраб олган ранг-баранг буғ орасидан тахтадаги ёзувни ўқиш осон кечмади.

- «Ойтош кукунни қўшилиб, соат милига қарши уч маротаба ковлангач, аралашма паст оловда етти дақиқа қайнатилади. Шундан сўнг, дамламага маралқулоқ шарбати қўйилади». *(Ойтош (адуляр, лунный камень) – калийли дала шпати гуруҳига мансуб, ним шаффоф, яшил товладиган ноёб минерал. Бундай ном, ушбу минералнинг тузилиши ингичка деворли бўлгани боис, мовий жилоланишга эга бўлгани, адуляр номи эса илк бор Швейцариянинг Адула тоғларида топилгани сабабли берилган. Ойтош Альп туридаги кварц жинсларига хос бўлиб, пегматитлар таркиби ва руда бор жойларда учрайди. Ойтош конлари Шри-Ланка (йирик кон), Австралия, Бирма, Бразилия, Ҳиндистон, Мадагаскар, Танзания ва АҚШда (Пенсильвания, Виргиния штатларида) борлиги маълум. Маралқулоқ (лот. veratrum, рус. чемерица) – лолагуллар оиласига мансуб ўсимлик тури. Маралқулоқнинг шарқий ва ғарбий яримшар ўрмонларида ёввойи кўринишда ўсадиган тўққизтага яқин тури мавжудлиги маълум).*

Боланинг юраги шув этиб кетди. Маълум бўлишича, Гарри, маралқулоқ шарбатини унутиб, аралашма етти дақиқа қайнаши билан дамлама тайёрлаш йўриқномасининг тўртинчи бандига ўтиб кетибди!

- Дамлама тайёрлаш усулининг учинчи бандида берилган йўриқларнинг барчасини бажардингизми, Поттер?

- Йўқ, - жуда паст овозда жавоб қайтарди Гарри.

- Маъзур сананг, жавобингизни эшитмадим. Нима дедингиз?

- Йўқ, - баландроқ овозда жавоб берди Гарри, - Мен маралқулоқ шарбатини қуйишни унутибман.

- Унутганингизни биламан, Поттер. Бу эса сиз тайёрлаган бўтана мутлақо фойдасиз эканлигини англатади. Эванеско.

Гарри тайёрлаган дамлама кўздан ғойиб бўлиб, ўзи бўм-бўш қозони олдида аҳмоқона қиёфа ила турганча қолди.

- Орангизда хат-саводи борлар диққатига! Тайёрлаган дамламангиз намунасини шишачага қуйиб, таҳлил қилиниши учун топширинг. Исмингизни аниқ ёзишни унутманг, - амр этди Снегг, - Уйга вазифа: ойтош минералининг хоссалари ва сеҳрли дамламалар тайёрлаш масалаларида ундан фойдаланиш соҳалари мавзусига бағишланган иншо, узунлиги ўн икки дюйм келадиган пергаментга батафсил ёзилиб, пайшанба куни топширилсин.

Ҳамма дамлама намунасини шишачага қуйиш билан овора экан, ғазабдан тутаетган Гарри нарсаларини йиғиштиришга киришди. Наҳотки унинг дамламаси Рон тайёрлаган, атрофга палағда тухум ҳидини тарата бошлаган дамламадан ҳам ёмон бўлса? Ёки Невиллнинг қозондан базўр ўйиб олаётган, янги қорилиб, қота бошлаган цемент лойини эслатаётган дамламасидан ҳам баттар бўлса? Ёлғиз ўзигина бугунги иш учун ноль балл олади. Гарри сеҳрли таёқчасини юк халтасига жойлади-да, ўзини курсига ташлаб, Снеггнинг столига бўғзи тиқин билан бекитилган шишача элтаётган ўқувчиларни кузатиб ўтирди. Ниҳоят қўнғироқ зарби янгради. Гарри ерости хонасидан

Ўқдай учиб чиқиб, Рон билан Гермiona Катта Залга етиб келгунга қадар овқатланишга киришди. Осмон янада тўқ кул ранг касб этган. Залнинг баланд деразаларини жала саваламоқда.

- У адолатсизлик қилди, - овутган бўлди Гаррининг ёнига ўтириб, ликопига тоблаб пиширилган гўшти картошка сола бошлаган Гермiona, - Гойлнинг дамламаси сен тайёрлаган дамламадан беш баттар эди. Бўтанасини шишачага қуйиши билан портлаб кетиб, эгнидаги коржомаси ўт олди.

- Жин урсин ўша Снегни, - деди Гарри, ёнаётган кўзини ликопдан узмай, - Қачон у менга адолат қилган эдики, энди қилса?

Рон ҳам, Гермiona ҳам индамади. Учовлон Снегг билан Гарри илк бор учрашган кундан буён иккаласини боғлаб қўйган мурасасиз адоватни жуда яхши билади.

- Умуман айтганда, бу йил унинг феъли, оз бўлса ҳам яхшиланади, деган умидда эдим, - фикр билдирди ҳафсаласи пир бўлган Гермiona, - Ўзинг тушунасан...

У аста атрофга қараб қўйди. Учовлон ўртоқнинг иккала томонида кам деганда олтитадан ўрин бўш турибди. Ҳеч ким уларнинг яқинидан ўтаётгани ҳам йўқ.

- ... Орден-у, ва ҳоказолар туфайли.

- Оқ ит, қора ит, бари-бир ит, - ҳикмат қилди Рон, доно қиёфа ясаб, - Северусга ишонч билдирган Дамблдорнинг ўзи аҳмоқ эканлигини доимо таъкидлаб келганман. Снегг Ўзингиз-Биласиз-Ким манфаатларига ишламаётгани, буни исбот қилувчи далиллари борми унинг?

- Дамблдор ўз далилларини сенга ҳавола этмаётгани, ўша далиллар йўқ эканлигини асло англамайди, - чақиб олди Гермiona.

Бироқ Рон эътироз билдириш учун оғиз жуфтлашга улгурмаган эди ҳам-ки, Гарри иккаласига ўшқириб берди:

- Унингизни ўчирасизми, йўқми!

Рон билан Гермiona баробар аччиқланиб, домангир қиёфада серрайиб қолишди.

- Хотиржам яшай оласиз-ми, ўзи? Ит мушук каби, олишганингиз олишган. Жонга тегди-ку, - деди Гарри ва тобланган картошкасини охиригача емай, юк халтасини елкасига шартта ташлади-да нари кетди.

У тушлик қилгани ошиқаётган болалар оқимига қарши юриб, мармар зинапоянинг бир неча поғоналаридан сакраб борар экан, кутилмаганда ўт олган нафрат олови ич-ичини ёндириб юборганини ҳис этди ва Катта Залда қолган Рон билан Гермionанинг серрайган қиёфаларини ҳузур-ла кўз олдига келтирди. Ажаб бўлсин, хаёлдан ўтказди Гарри, уч дақиқа бўлсин, ғажишмасдан ўтира олишмайди... жанжаллашгани жанжаллашган... уларнинг дастидан ҳар қандай киши ҳам жиғи-бийрон бўлади.

Гарри зина майдони деворига осилган Сэр Кэдоганнинг портрети ёнидан ўтар экан, рицарь қиличини яланғочлатиб, Гаррига таҳдид солди. Бола эса унинг хатти-ҳаракатларини мутлақо менсимай, йўлини давом эттирди.

- Қайт ортингга, қўтир кўппак! Кунинг битди. Ажалингни муносиб қарши ол! - қичқирганча қолди, дубулға пардаси ортидан овози бўғиқ эшитилган Сэр Кэдоган.

Гарри қиё боқмай, шахдам одимлаб кетаверди. Сэр Кэдоган болани таъқиб қилиш мақсадида қўшни расмга сакраб ўтди-ю, расмда тасвирланган дарғазаб бўрибосар томонидан тўхтатилди.

Тушлик танаффусининг қолган қисмини Гарри танҳо ўзи, Шимолий минора чўққисига олиб чиқадиган тўйнуқ остида ўтириб ўтказди. Дарс бошланишини англатадиган қўнғироқ зарби эшитилиши билан, кумуш нарвон орқали башорат хонасига биринчи бўлиб ўзи чиқди.

Башорат фани сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанидан кейинги Гарри ёмон кўрадиган фандир. Бунинг асосий сабаби профессор Треланининг ҳар дарсда Гарри бемаврид ўлим топиши ҳақида башорат қиладиган аҳмоқона одати саналади. Сибилла Трелани ниҳоятда озғин, кўплаб шолрўмоллар воситасида танасини пардалаб олган, ҳамма жойига сон-саноқсиз маржон-у, мунчоқ осиб олган, кўзини ҳаддан ортиқ йириклаштириб кўрсатадиган каттакон кўзойнак тақиб олгани боис, калон ҳашаротни эсга соладиган аёлдир. Гарри хонага кириб борганида профессор Трелани чарм муқовалари эскириб кетган аллақандай китобчаларни хонага ўрнатилган узун оёқли омонат столчалар устига териб чиқаётган экан. Шарф билан ўраб қўйилган стол усти чироқларининг ёруғлиги ва аста буруқсаб, кўнгил айнитадиган муаттар ҳид таратаётган ўчоқ олови шу қадар хира эдики, ўқитувчи хона бурчагига шовқинсиз сирпаниб ўтган Гаррини пайқамасди. Кейинги беш дақиқа ичида қолганлар ҳам етиб келди. Тўйнуққа бош суққан Рон аста атрофга қараб, Гаррини кўргач, йўлига тўғоноқ бўлган столчалар-у, пастак юмшоқ курси ва креслолар имкон берганча, тикка ўртоғи томон йўл олди.

- Гермiona иккаламиз баҳслашишни бас қилдик, - маълум қилди у, Гаррининг ёнига жойлашиб.

- Хайрият, - ғудуллади Гарри.

- Бироқ Гермiona, сен ҳам бизга заҳрингни сочишни бас қилсанг, яхши бўлар эди, деган фикр билдириб ўтди, - давом этди Рон.

- Мен...

- Мен унинг сенга айтиб юборган гапини етказдим холос, - гапни бўлди Рон, - Лекин назаримда у ҳақ. Сени Симус билан Снегг хафа қилишган бўлса, ўзимизни айбдор, деб билмаймиз.

- Мен бундай деганим йўқ...

- Хайрли кун, - гап бошлади профессор Трелани, ўзининг одатдагидай сирли, орзу-хаёлларга берилган оҳангдаги овози билан.

Гарри бир вақтнинг ўзида ҳам аччиқланиб, ҳам хулқидан хижолат тортиб, гапини тўхтатди.

- Мен сизларни башорат фани дарсида такрор қутлашдан жуда хурсандман, - давом этди Трелани,

- Табиийки, таътил давомида ҳар бирингизнинг қисматингизни диққат билан кузатиб бордим. Барчангиз «Хогварц»га соғ-саломат, тўрт мучангиз бутун қайтганингизни кўриш менга алоҳида мамнуният бағишлайди... Айнан шундай бўлишини билар эдим, албатта.

Профессор Трелани синфга табассум ҳадя этди.

- Қаршингизда турган стол устида Иниго Имагонинг қаламига мансуб «Туш фолномаси» ётибди. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, туш таъбири киши келажagini башорат қилиш масаласида жиддий ўрин тутди. Бинобарин, МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун имтиҳон топширар экансиз, сиздан айнан туш таъбирини баён этиб ўтиш талаб этилиши эҳтимолдан у қадар йироқ эмас.



Башоратдай муқаддас санъат тўғрисида гап борар экан, имтиҳон натижаларига заррача аҳамият бериш мумкин эмаслигини, ўзингиз тушунасиз, албатта. Келажакни Кўриш қобилиятига эга киши учун диплом-у, баҳолар бемаъни гапдан ўзга нарса эмас. Аммо, ушбу имтиҳон директорга керак экан...

Шу ерга келганда профессор Трелани гапини тўхтатди. Хушмуомалалик-ла билдирган фикри ҳавода осилиб қолди. Профессор имтиҳондай паст тушунчалардан ўз фанини анча юқори кўриши борасида ҳеч кимда зиғирдай бўлсин, шубҳа қолмади.

- Илтимос, китобнинг кириш қисмини очиб, Имагонинг туш таъбири ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалари билан танишиб чиқинг. Шундан сўнг, жуфт-жуфт бўлиб, «Туш фолномаси» воситасида шеригингиз кўрган сўнги тушни таҳлил қилинг. Марҳамат, ишга киришинг.

Башорат дарсининг ягона афзаллиги қўш соат ўтилмаслиги бўлди. Китобнинг кириш қисми ўқиб чиқилганидан сўнг, туш таъбирига атиги ўн дақиқа қолди. Қўшни стол ортида ўтирган Дин Невиллни ўзига шерик қилиб олди. Невилль эса китоб мутолаасини тугатиши билан ўзининг алоғ-чалоғ тушини муфассал баён этишга киришиб кетди. Маълум бўлишича, Невиллнинг тушига кирган аллақандай йирик қайчи бувисининг энг яхши шляпасини кийиб олган эмиш. Бунга эшитиб ўтирган Гарри билан Рон бир-бирига маъюс қараб қўйишди.

- Тушимни ҳеч эслаб қола олмайман, - иқроор бўлди Рон, - Ўзинг айтиб бера қол.

- Бирортаси эсингдадир ахир, - бетоқат оҳангда эътироз билдирди Гарри.

У тушини бировга айтиб беришни ният қилмаган. Қабристон билан боғлиқ даҳшатли туши нимани англатишини шундоқ ҳам жуда яхши билгани боис, Роннинг ҳам, Треланининг ҳам ва мана бу аҳмоқона «Туш фолномаси»нинг ҳам талқин беришларига эҳтиёж сезмайди.

- Хўп майли, кечадан олдинги тушимда квидиш ўйнаб юрган эканман, - юзини буриштирди Рон, туш эслашга уриниб, - Фикрингча, нимани англатиши мумкин бу туш?

- Сени... эҳтимол... ниҳоятда йирик зефирина... ёки шунга ўхшаш бирон-бир махлуқ нонуштага еб қўйса керак, - фикр билдирди Гарри, қизиқсинмай китоб варақлаб.

Кўрилган тушнинг тегишли парчаларини китоб саҳифаларида қидириб топиш ўта зерикарли машғулот экан. Профессор Трелани томонидан уйга вазифа сифатида берилган топшириқ Гаррини мутлақо хурсанд қилмади. Энди ҳамма бир ой давомида туш кундалигини юритиши керак экан. Қўнғироқ зарби эшитилди. Арғамчи зинадан тушаётган Рон дарғазаб вайсади:

- Биринчи куннинг ўзида қанча вазифа беришганини идрок этиб кўрдинг-ми? Биринчи вазифа, Биннз учун гигантларга қарши олиб борилган урушларга оид бир ярим фут келадиган иншо, анави Снегг учун ойтош минералининг хоссалари ва сеҳрли дамламалар тайёрлаш масалаларида ундан фойдаланиш соҳалари мавзусига бағишланган, узунлиги бир фут келадиган иншо, энди эса бутун бошли ой давомида аҳмоқона кундалик юритиб бориш! Агар Амбриж хола ҳам уйга вазифа берадиган бўлса, мен уни!...

Ёвузлик кучидан ҳимоя хонасига кириб боришганида эгнига кечаги пушти тусли момик кофтасини кийиб олган, бошида эса қора бахмалдан тайёрланган миттигина бант кўринган профессор Амбриж аллақачон ўз столи ортида ўтирган экан. Бошидаги бант Гаррининг кўзига, худди мана бу бақа-аёл ўзининг беўхшов оғзидан узун, ёпишқоқ тилини чиқариб, ялаб ютиб юбориши мумкин бўлган қора пашшадай кўринди яна.

Ўқувчилар хонага аста-секин, шовқин солмай кирди. Ҳар қалай профессор Амбрижнинг феъли ҳали яхши ўрганиб чиқилмаган, у қанчалик қаттиққўл эканлиги ҳозирча номаълум.

- Хўш, салом болалар! - хитоб қилди профессор, ҳамма ўз жойини эгаллагач.

Болаларнинг «салом»и баралла янграмади.

- Чиқ-чиқ-чиқ, - тилини чертиб, товуш чиқарди профессор Амбриж, - Бунақа саломлашиш ярамайди. Қани ҳамма баланд овозда: «Салом, профессор Амбриж!» десин-чи. Демак, салом болалар!

- Салом, профессор Амбриж! - ўқирди болалар.

- Ана, шуниси маъқул, - мулойим хуриллади профессор Амбриж, - Қийин эмас-ку, шундайми? Энди сеҳрли таёқчаларни йиғиштириб қўйиб, қўлингизга пат-қалам олинг.

Кўпчилик бир-бирига бадқовоқ қараб қўйди. Сеҳрли таёқчаларни бир четга йиғиштириб қўйиш илтимоси ҳали ҳеч қачон дарснинг қизиқарли ўтишидан далолат бермаган. Гарри сеҳрли таёқчасини юк халтасига солиб, пат-қалам, сиёҳдон ва пергамент ўрамини чиқарди. Профессор Амбриж эса сумкачасидан ғайриоддий қисқа таёқчасини чиқариб, синф тахтасига қаттиқ ўрди. Тахтада шу заҳоти ёзув пайдо бўлди:

*Ёвузлик кучидан ҳимоя. Асосий тамойилларни такрорлаш.*

- Назаримда, мактаб даргоҳига илк бор қадам қўйганингиздан эътиборан сизлар мазкур фанни ниҳоятда чала-чулпа, узук-юлуқ ўзлаштириб келгансиз ва ушбу фикримга эътироз билдирмайсиз, шундайми? - баёнот қилди қўлини қорнига қовуштириб олган профессор Амбриж, синфга юзланиб, - Фан ўқитувчиларининг мунтазам алмашиб бориши, айримлари эса сеҳргарлик вазирлиги томонидан маъқулланган таълим дастурига мутлақо амал қилмаганлиги охир-пировардида билим савиянги МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш имтиҳони давомида зарурий стандартларга жавоб бермайдиган ҳолатга келиб қолишига олиб келди. Шундай экан, тез орада соҳага оид ишлар ҳолати тубдан ўзгаришидан хабар топиб, хурсанд бўласиз. Жорий ўқув йили давомида муҳофаза қилувчи сеҳр-жодунинг пухта ишлаб чиқилиб, вазирлик томонидан маъқулланган назарий курсини ўзлаштирамиз. Илтимос, мана буни кўчириб олинг.

Профессор таёқчаси билан синф тахтасига боз ўриб қўйди. Олдинги ёзув йўқолиб, бошқаси пайдо бўлди:

*Назарий курсни ўзлаштириш давомида ҳал этиладиган вазифалар:*

1. Кириш қисми. Муҳофаза қилувчи сеҳр-жодунинг асос соладиган тамойиллари.

2. Муҳофаза қилувчи сеҳр-жоду қўлланилишига расман ижозат бериладиган вазиятни идрок этиш кўникмаларини шакллантириш.

3. Муҳофаза қилувчи сеҳр-жоду – амалий сеҳр-жоду.

Бир неча дақиқа давомида синфда фақат пергаментга ишқаланаётган пат-қаламларнинг ғичирлаши эшитилди. Синф тахтасидаги ёзувни ҳамма кўчириб бўлгач, профессор Амбриж боз тилга кирди.

- Уилберт Уиляйлнинг «Муҳофаза қилувчи сеҳр-жоду назарияси»ни ҳамма харид қилганми?

Саволга жавобан тасдиқловчи ғўнғир-ғўнғир эшитилди.

- Назаримда, жавобингизни такрорлашингиз керакка ўхшайди, - бошини сарак-сарак қилди профессор Амбриж, - Берган саволимга аниқ ва лўнда жавоб эшитишни истайман, чунончи: «Худди шундай, профессор Амбриж» ёки «Асло йўқ, профессор Амбриж». Демак, такрор сўрайман: Уилберт Уиляйлнинг «Муҳофаза қилувчи сеҳр-жоду назарияси»ни ҳамма харид қилганми?

- Худди шундай, профессор Амбриж, - ўкирди синф.

- Жуда соз, - деди профессор, - Ундай бўлса, китобнинг бешинчи саҳифасини очинг. Биринчи боб, «Эндигина киришаётганлар учун билим асослари». Ичингизда мутолаа қилинг. Тушунтириш бериш талаб қилинмайди.

Профессор Амбриж синф тахтасидан нари кетиб, ўз столи ортидаги креслосига жойлашиб олганча, шишган бақа кўзини болаларга бақрайтирди. Гарри «Муҳофаза қилувчи сеҳр-жоду назарияси»нинг бешинчи саҳифасини очиб, ўқий бошлади.

Ушбу китобни ўқиш профессор Биннзнинг маърузасини тинглашдек зерикарли кечди. Гарри фикр-хаёлини жамлай олмай, кўзи айнан битта сатр бўйлаб беш-олти маротаба югуриб ўтгани, лекин унда нима ёзилганини тушуниб етмаётганига эътибор қаратди. Синфда маълум вақт ўлик жимжитлик ҳукм сурди. Гаррининг ёнида ўтирган Рон қўлидаги пат-қаламни ўйнатганча, нигоҳини битта нуқтага тикиб олган. Бошини ўнг томонга бурган Гарри ҳайратдан қотиб қолди. Китобни очиб кўришга уриниб ҳам кўрмаган Гермiona қўлини кўтариб, профессор Амбрижга тикилиб ўтирибди!

Гермiona ўқитувчининг кўрсатмасини бажармаган, инчунин, кўзига кўринган ҳар қандай китобни очиб кўришга уринмаган ҳолатни Гарри ҳеч эслай олмайди. Гарри Гермionaга сўроқ назари билан имо қилди. Қиз эса бирон-бир саволга жавоб бермаслигини англатганча, бош чайқаб, нигоҳини бошқа томон қаратиб олган профессор Амбрижга тикилганча ўнг қўлини кўтариб ўтираверди.

Орадан яна муайян вақт ўтди. Энди Гермionaга эътибор қаратган ёлғиз Гарри эмас. «Эндигина киришаётганлар учун билим асослари» шу қадар зерикарли эканки, дақиқа ўтган сари мутолаа ўрнига профессор Амбрижнинг эътиборини ўзига жалб этишга уринаётган Гермiona томон қараб ўтиришни афзал билганлар сони ошиб борди.

Тез орада синф ўқувчиларининг ярмидан кўпи китобга эмас Гермionaга қараб қолди. Профессор Амбриж юзага келган ушбу вазиятни ортиқ инкор этиб бўлмаслигини ниҳоят тан олган кўринади.

- Ўқиб чиқилган бобга оид савол туғилди-ми, яхши қиз? - мурожаат қилди у Гермionaга, ўзини қўл кўтарилганини эндигина пайқаган кўйга солиб.

- Йўқ, саволим китоб бобига оид эмас, - жавоб қайтарди Гермiona.

- Биз ҳозир дарслик мутолаа қилмоқдамиз, - деди миттигина ўткир тишларини яланғочлатган профессор Амбриж таъкидлов оҳангида, - Ҳар қандай бошқа мавзу дарс ниҳоясида муҳокама қилинади.

- Менинг саволим назарий курсни ўзлаштириш давомида ҳал этиладиган вазифаларга тааллуқли, - тушунтириш берди Гермiona.

Профессор Амбрижнинг қоши кўтарилиб кетди.

- Исмингиз?

- Гермiona Грэнжер.

- Жуда соз, мисс Грэнжер, бироқ назаримда курсни ўзлаштириш давомида ҳал этиладиган вазифалар ниҳоятда аниқ ва уларни ўқиб чиққан ҳар қандай кишига тушунарли тилда баён этилган, - ширин-шакар оҳангини қўймади профессор Амбриж.

- Шахсан менга эса тушунарли эмас, - етарлича сўллоҳлик-ла, гапни кесди Гермiona, - У ерда ҳимоя афсунларини қўллашга доир бирон-бир гап айтилмаган.

Ишонч-ла янграган ушбу сўзлардан сўнг юзага келган қисқа танаффус давомида ҳамма синф тахтаси томон боз юзланиб, қош чимирганча, назарий курсни ўзлаштириш давомида ҳал этиладиган вазифаларни такрор ўқиб чиқди.

- Ҳимоя афсунларини қўллаш? - танноз кулги ила саволни қайтарди профессор Амбриж, - Мисс Грэнжер, менинг дарсим давомида ҳимоя афсуни қўлланиладиган бирон-бир вазият юзага келишини тасаввур ҳам қила олмайман. Ташвишга ўрин йўқ. Дарсларим давомида сизга ҳеч ким ва ҳеч нарса тажовуз қилмайди, хотиржам бўлинг.

- Демак, сеҳр-жоду билан мутлақо шуғулланмаймиз, шундайми? - баланд овозда эътироз қилди Рон.

- Агар менинг дарсимда кимдир бирон нима демоқчи бўлса, қўл кўтариши керак, мистер...

- Уэсли, - жавоб қайтарди Рон, қўлини кўтариб.

Профессор Амбриж оғзини кенг очганча табассум қилиб, Ронга орқа ўгириб олди. Шу пайтда Гарри билан Гермiona ҳам қўл кўтаришди. Профессор Амбриж бақа кўзини Гаррига бироз қаратиб турди-да, Гермionaга мурожаат қилди:

- Хўш, мисс Грэнжер, яна бирон нима сўраб билмоқчимисиз?

- Ҳа, - бош ирғиди Гермiona, - Агар мен тўғри тушунган бўлсам, ёвузлик кучидан ҳимоя фанини ўзлаштиришдан кўзланган асосий мақсад – ҳимоя афсунларининг қўлланилишини ўзлаштириб, ижросини меъёрига етказиш, шундайми?

- Билсам бўладими, мисс Грэнжер, сиз малакали ва вазирлик томонидан расмийлаштирилган сертификатга эга услубиётчимисиз? - сохта қизиқсиниш оҳангида сўради профессор Амбриж.

- Йўқ, бироқ...

- Ундай бўлса, қандай фан бўлмасин, уни «ўзлаштиришдан кўзланган асосий мақсад»ни билишимча, сиз ҳал этмайсиз. Янги таълим дастури, ёши анча катта ва сўзларимга ишонишингиз

мумкинки, сизга нисбатан анча ақллироқ тажрибали сеҳргарлар томонидан ишлаб чиқилган. Сиз ҳимоя афсунлари билан хавфсизлиги кафолатланган усулда танишиб чиқасиз...

- Бундан нима наф? - баланд овозда гапга аралашди Гарри, - Бизга ҳамла қиладиган каслар ўз қилмишларини хавфсизлиги кафолатланган усулда...

- Қўл кўтаринг, мистер Поттер, - чийиллаб қўйди профессор Амбриж.

Гарри мушт тугилган қўлини ҳавога кўтарди. Профессор Амбриж эса унга орқа ўгириб олди. Аммо синфнинг яна бир неча нафар ўқувчиси қўл кўтарди.

- Исмингиз? - мурожаат қилди профессор Амбриж Динга қараб.

- Дин Томас.

- Хўш, мистер Томас?

- Гарри тўғри айтяпти! - баёнот қилди Дин, - Агар бизга ҳамла қилинадиган бўлса, ҳеч қандай хавфсизлик кафолати бўлмайди.

- Такрор айтаман, - бир вазнда жавоб қайтарди профессор Амбриж, Динга хунук кулиб қараб, - Дарсларим давомида сизга ҳеч ким ва ҳеч нарса тажовуз қилмайди.

- Йўқ, албатта. Бироқ...

Профессор Амбриж оғзини ғайритабиий тарзда кенг очиб табассум қилганча, Томаснинг боши узра гапира кетди.

- Ушбу мактабда иш юритиш тарзини танқид қилиш ниятим йўқ, аммо илгари мен ўқитадиган фанни сизларга ниҳоятда масъулиятсиз, ҳа, ўта масъулиятсиз кишилар ўқитишган. Фавқулодда хавфли дурагайлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади, - деди у, жирканч хандон отиб.

- Агар профессор Люпинни назарда тутаетган бўлсангиз, - дарғазаб овоз кўтарди Дин, - У бошқа ўқитувчиларимиз орасида энг яхши ўқит...

- Қўл кўтаринг, мистер Томас, - чийиллади профессор Амбриж, - Ҳозиргина таъкидлаб ўтганимдай, сизларга ниҳоятда мураккаб, ёшингизга мос келмайдиган ва жуда хавфли, айтиш мумкинки, ҳалокат-ла яқун топиши мумкин бўлган даражада хавфли афсунлар ижросини ўргатишган. Сизларни шу қадар чўчитиб юборишганки, ёвуз кучлар вакиллари ҳар қандай фурсатда ҳамла қилиши мумкинлигига комил ишонч ҳосил қилгансиз...

- Асло ундай эмас, - гапни бўлди Гермиона, - Биз шунчаки...

- Сиз қўлингизни боз кўтармадингиз, мисс Грэнжер!

Гермиона қўлини кўтарди. Профессор Амбриж эса унга орқа ўгирди.

- Менга маълумки, ўтган йили фаолият кўрсатган фан ўқитувчиси ман этилган афсунларни нафақат сизнинг кўз олдингизда бажарган, балки сизларга нисбатан ҳам қўллаган.

- У савдойи бўлганлиги маълум бўлди-ку! - қизишиб кетди Дин, - Бироқ адолат юзасидан таъкидлаб ўтиш жоизки, у бизга кўп нарсаларни ўргатиб кетди.

- Сиз ҳам қўлингизни кўтармадингиз, мистер Томас! - бақриб юборди профессор Амбриж, - Билиб қўйинг. Сеҳргарлик вазирлигида мактабда олиб бориладиган таълимотдан қўзланган пировард мақсад саналадиган имтиҳон учун сизларга бериладиган назарий билимлар ҳажми етарлидан ортиқ, деб эътироф этилади. Исмингиз?... - қўшиб қўйди у, ҳозиргина қўл кўтарган Патилга бақрайиб.

- Парватти Патил. МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун топшириладиган имтиҳонларнинг амалий қисми бўлмайдими? Афсунга қарши афсун қўллашимиз ва шунга ўхшаш бошқа амалий кўникмаларимиз даражасини намоён қилишимиз талаб этилмайди-ми?

- Назарий материал виждонан ўзлаштирилган бўлиб, имтиҳон жараёнлари пухта назорат остида ўтказиладиган шароитда назарий тарзда ўрганилган афсунни амалда ижро этиш масаласида ҳеч бир қийинчилик сезмайсиз, - бир нотада жавоб қайтарди профессор Амбриж.

- Бирон маротаба ижро этиб кўрмай-я? - сўради Патил, ўз қулоғига ўзи ишонмай, - Айтмоқчисизки, афсун ижроси имтиҳон пайтида биринчи маротаба амалга ошириладими?

- Такрор айтаман, назарий материал виждонан ўзлаштирилган бўлиб...

- Реал ҳаётда назарий билимдан нима наф? - баланд овозда сўради Гарри, муштини ҳавога кўтариб.

Профессор Амбриж Гаррига тик қаради.

- Бу реал ҳаёт эмас, мистер Поттер, бу шунчаки мактаб холос, - деди у, паст овозда.

- Демак, таълимот жараёнида ўқувчиларни мактаб ташқарисида кутаётган нарсаларга тайёрлаш масаласи назарда тутилмайди, шундайми?

- У ерда сизни ҳеч нарса кутаётгани йўқ, мистер Поттер.

- Наҳотки? - заҳарли оҳангда сўради Гарри.

Унинг вужудида куни бўйи тўпланиб келган нафрат охири қайнаб, тошиб кетди.

- Ким ҳам, фикрингиз-ча, сиздай болаларга ҳамла қилиши мумкин? - жирканч ширинсуханлик оҳангида сўради профессор Амбриж.

- Ҳм-м-м... келинг биргаликда ўйлаб кўрайлик, - деди Гарри ўзини чуқур ўйга чўмган қўйга солиб, - Эҳтимол Лорд Вольдеморт ҳамла қилиб қолар?

Роннинг оғзи ҳайратдан ланг очилиб кетди, Лаванда Браун аста инграб юборди, Невилль эса курсисидан қулаб тушди. Бироқ профессор Амбриж ҳатто ижирғаниб ҳам қўймай, Гаррига мурдор қаноат ҳосил қилган каби, юзланди.

- «Гриффиндор»дан ўн балл айрилади, мистер Поттер.

Синфда ҳаяжонли сукунат қарор топди. Ҳамминг нигоҳи Амбриж билан Гаррига қаратилган.

- Сизларга айрим нарсаларни тушунтириб ўтишга мажбурман. У қулоғингизга ҳам, бу қулоғингизга ҳам қўйиб олинг.

Профессор Амбриж танасини бироз энгаштирганча, калтагина семиз бармоқларини столга тираб, ўрнидан турди.

- Маълум-машҳур ёвуз сеҳргар тирилиб, ўликлар оламидан қайтгани ҳақида сизларни хабардор қилишган...

- Ўликлар оламидан эмас! - нафрат-ла, хитоб қилди Гарри, - Лекин у, чиндан ҳам ҳаётга қайтди!

- Мистер Поттер, сиз ўз коллежингизнинг ўн балини ўмариб бўлдингиз. Ўз ҳолатингизни баттар ёмонлаштиришга ошиқманг, - бир нафасда бурро ўқиб ўтди профессор Амбриж, Гарри томон қиё ҳам боқмай, - Демак, ҳозиргина айтиб ўтганимдай, маълум-машҳур ёвуз сеҳргар тирилиб, яна кучга киргани ҳақида сизларни хабардор қилишган. Бироқ бу гапларнинг бари ғирт ёлғон.

- Ёлғон ЭМАС! - қичқириб юборди Гарри, - Мен уни ўз кўзим билан кўрдим, у билан олишдим!

- Мистер Поттер, сиз жазога тортилдингиз! - музаффарият оҳангида эълон қилди профессор Амбриж, - Эртага кечқурун, соат бешда хизмат хонамда ҳозир бўлинг. Демак, тақрорлайман. Сизларга айтилган гапларнинг бари ғирт ёлғон. Сеҳргарлик вазирлиги сизларга ҳар қандай ёвуз сеҳргарлардан хавфсиз бўлишингизни кафолатлайди. Шундай бўлса-да, агар сизни бирон нима ташвишга солаётган бўлса, марҳамат, дарсдан кейин ёки танаффус давомида ҳузуримга келинг. Бу ҳақда гаплашиб оламиз. Агар бирон-бир кас тирилиб қайтган аллақандай ёвуз сеҳргарлар ҳақида жар солиб, сизни ташвишга солса, бу ҳақда хабардор бўлишим шарт. Мен, ушбу даргоҳга сизларга ёрдам бергани келганман. Зеро, энг яқин дўстингизман. Энди эса марҳамат қилиб, мутолаани давом эттиринг, бешинчи саҳифа, биринчи боб, «Эндигина киришаётганлар учун билим асослари».

Профессор Амбриж жойига ўтирди. Гарри эса шартта ўрнидан турди. Синфдошларнинг ҳаммаси унга юзланди. Симуснинг юзида қўрқув ила тасанно уйғунлашиб кетди.

- Гарри, керак эмас! - пичирлади Гермiona, Гаррининг енгидан тортиб.

Лекин Гарри қўлини тортиб олди.

- Демак, сизнингча, Седрик Диггорининг ўлгиси келиб қолган-да, шартта ўлган қўйган, шундайми?  
- сўради Гарри титроқ овозда.

Синф баралла оҳ уриб юборди. Ўша кеча нима бўлганини Рон билан Гермionaдан ташқари ҳали ҳеч ким эшитмаган. Ўқувчиларнинг ҳаммаси зўр қизиқиш-ла, нигоҳларини дам Гаррига, дам профессор Амбрижга олиб ўтирди. Юзида табассум аломати кўринмай қолган профессор Амбриж эса Гаррини оғир нигоҳи ила тешиб юборишга уринди.

- Седрик Диггорининг ўлими бахтсиз ҳодиса туфайли рўй берди, - совуқ оҳангда баёнот қилди у.

- Асло йўқ, - эътироз билдирди Гарри, - Унинг ўлими қотиллик сабаб рўй берди. Уни Вольдеморт ўлдирди. Бунинг ўзини ҳам жуда яхши биласиз.

Гарри бошдан оёқ қалтираётганини ҳис этмоқда. Шунча вақтдан буён у, ушбу масалада ҳеч ким билан гаплашмаган. Ана энди марҳамат, синф тўла тингловчилар олдида ўзи гап очди.

Гарри юзи тошдай қотиб қолган Амбрижнинг қичқиришини кутди. Профессор эса аксинча, қиз боланинг мулойим овозида аста тилга кирди.

- Қадрли мистер Поттер, илтимос, ёнимга келинг.

Гарри оёғи билан курсини туртиб, Рон билан Гермионани айланиб ўтганча, ўқитувчининг столи яқинига шахдам қадам ташлаб борди. Ўқувчилар даҳшатдан нафас чиқармай қўйишган. Аммо Гарри шу қадар дарғазаб эдики, энди уни нима кутаётганига мутлақо бефарқ бўлиб қолди.

Профессор Амбриж сумкачасидан пергаментнинг кичкинагина пушти ўрамини чиқариб, стол устига ёзди-да, пат-қаламини сиёҳдонга ботириб, алланима ёзишга киришди. У жуда паст эгилиб олгани учун Гаррига пергаментга битилаётган хат кўринмади. Ҳамма жим. Шу тариқа бир ёки икки дақиқа ўтди. Ниҳоят профессор Амбриж пергаментни ўраб, сеҳрли таёқчаси билан уриб қўйди. Ўрам ўзидан ўзи, ҳеч қандай чоксиз, Гарри оча олмайдиган ҳолатда муҳрланиб қолди.

- Илтимос, мана шуни профессор Макгонагаллга элтиб берсангиз, - деди профессор Амбриж, пергаментни Гаррига узатиб.

Гарри пергамент ўрамини индамай олди-да, товонида айланиб, Рон билан Гермиона томон қиё ҳам боқмай, эшикни тарақлатиб ёпганча, хонани тарк этди. Ўрамни муштира маҳкам сиқиб олиб, йўлак бўйлаб тез юриб борар экан, муюлиш ортида унга, оғзи каттакон, ўзи миттигина, ҳавода муаллақ осилиб олганча белида ётиб, сиёҳдонлар билан жонглёрлик қилаётган полтергейст Дрюзг рўбару бўлди.

- Поттер, Поттер, Поттерча – ювилмаган, кир хумча! - хиргойи қилди Дрюзг, бир жуфт сиёҳдонни атайин йиқитиб юбориб.

Сиёҳдонлар чилпарчин бўлиб, деворни расво қилди. Гарри эса нари сапчиб, наъра тортди:

- Бас қил, Дрюзг!

- О-о-о! Кир хумчанинг бошида дарча! - ўкирди Дрюзг, Гаррини таъқиб қилиб, - Энди нима қилди сенга, а, дўстим хумча? Яна овозлар эшитдинг қанча? Сўйлади нимани оғзингда тилча?

- Тинч қўй МЕНИ! - қичқириб берди Гарри, яқин ўртадаги зинадан пастга йўл олиб.

Бироқ Дрюзг, боланинг кетидан белида ётганча, зина панжараси узра сузиб эргашди.

- Кимлардир сени ёлғончи дейди, Поттерча – хумча. Сал меҳрибонроқ кишиларнинг сўзларига қараганда эса кучли руҳий ларзани бошдан кечирган эмишсан. Бироқ Дрюзг бор гапдан бохабар, билиб қўй. Аслида сенинг томинг жилиб қолган!

- ОВОЗИНГНИ ЎЧИР!

Чап томондаги эшик ланг очилиб, остонада юзи домангир қиёфа касб этган, лекин бироз ташвиш тортгани ҳам билиниб турган профессор Макгонагалл кўринди.

- Нега ўкиряпсан, Поттер? - дағ-дағали сўради у, - Нима учун дарсда эмассан?

Дрюзг ўз қилмишидан мамнун бўлиб, хандон отганча, нари учиб кетди.

- Чунки мени ҳузурингизга юборишди, - қўрс жавоб қайтарди Гарри.

- Юборишди? Бу нима деганинг?



Гарри қўлидаги номани узатди. Профессор Макгонагалл қошини чимириб, пергамент ўрамини қўлига олди-да, сеҳрли таёқча воситасида муҳрини бузиб, хат ўқишга киришди. Унинг квадрат кўзойнаги ортидаги кўзи бир сатрдан иккинчисига ўтган сари, қисилиб борди.

- Ичкарига кир, Поттер.

Гарри профессор Макгонагаллнинг ортидан хонага киргач, эшик ўзидан ўзи ёпилиб қолди.

- Хўш? - бола устидан қараб, қатъий оҳангда сўроққа тутди профессор Макгонагалл, - Шу гап ростми?

- Қайси гап? - беихтиёр тажовузкор оҳангда сўради Гарри, - Профессор? - қўшиб қўйди у, қўрслигини ювиш учун.

- Профессор Амбрижга қичқириб берганинг.

- Рост, - бош ирғиди Гарри.

- Уни ёлғончи деганинг ҳам ростми?

- Рост.

- Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши ҳаётга қайтганини айтганинг ҳам ростми?

- Рост.

Профессор Макгонагалл стол ортидаги курсисига ўтириб олиб, Гаррига диққат билан назар солиб чиқди.

- Пишириқдан ол, Поттер.

- Нимани олай?

- Печеньедан олиб е, - такрорлади профессор, қоғоз дасталари узра катак-катак нақшли тунука банкани кўрсатиб, - Ўтир.

Бир вақтлар ҳам шунақаси бўлган. Ўшанда профессор Макгонагалл томонидан говрон билан қилмишига яраша саваланишини кутган болача, аксинча, «Гриффиндор» коллежининг квидиш бўйича терма жамоаси таркибига қабул қилинган эди. Ҳозир ҳам ўзини ноқулай сезаётган Гарри гангиб, креслога ўтирди-да, тритон шаклидаги, занжабил мойида тайёрланган печенье кўлига олди.

Амбрижнинг хатини стол устига ташлаган профессор Макгонагалл Гаррига жуда жиддий қараб қўйди.

- Поттер, сен жуда, жуда эҳтиёт бўлишинг керак.

Гарри профессорнинг нигоҳини қарши олиб, тритонни ютиб юборди. Профессор Макгонагаллнинг овози одатдагидай қуруқ, жиддий ва қатъий эмас аксинча, паст, ҳаяжонли ва таъбир жоиз бўлса, одамнинг овозига ўхшаб эшитилди.

- Долорес Амбрижнинг дарсидаги ёмон хулқ сен учун балл йўқотиш ёки машғулотлардан бўш вақтда кечадиган меҳнат жазосидан ҳам қимматга тушиши мумкин.

- Нимани назарда тут...?

- Поттер, бундай саволни соғлом ақлингга бер, - жеркиб берди профессор Макгонагалл, ўзининг одатдагидай гапириш тарзига қайтиб, - У қаердан келгани ва кимга ҳисобот беришини яхши биласан.

Қўнғироқ зарби янграб, машғулотлар ниҳоясига етганини англади. Шу заҳоти юқорида, умуман айтганда, ҳамма жойда гўё филлар подаси югуриб юргандай дупур-дупур қадам товушлари эшитилди.

- Мана бу хатда ёзилишича, эртадан бошлаб бир ҳафта давомида, ҳар куни кечқурун жазо ўташинг керак, - деди профессор Макгонагалл Амбрижнинг номасига боз қараб.

- Бир ҳафта давомида ҳар куни? - ваҳимага тушди Гарри, - Аммо профессор, ахир сиз...

- Йўқ, Поттер, - ифодасиз жавоб қайтарди профессор Макгонагалл.

- Лекин...

- У ҳам ўқитувчи. Шундай экан, жазо тайинлашга тўла ҳақли. Эртага кечқурун соат бешда унинг хизмат хонасида ҳозир бўлишинг шарт. Ёдингда тут: Долорес Амбриждан ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқ даркор.

- Ахир мен ҳақ гапни айтдим-ку! - дарғазаб эътироз билдирди Гарри, - Вольдеморт ҳаётга қайтди, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз, профессор Дамблдор ҳам билади...

- Муқаддас фалак ҳақи, Поттер! - деди, Вольдеморт исмини эшитиб, даҳшатдан юзи буришиб кетган профессор Макгонагалл, аччиқланганча, кўзойнагини тўғрилаб олиб, - Сен ҳақиқатан ҳам гап ҳақиқат қарор топиши ҳақида бормоқда, деб ўйлайсан-ми? Асло ундай эмас! Буларнинг бари, айнан сен ўзингни талаб даражасида тутиб юришинг учун уюштирилган!

Бурун катаклари шишиб кетган профессор Макгонагалл лабларини маҳкам қимтиб олганча, ўрнидан турди. Гарри ҳам турди.

- Печеньедан яна ол, - жаврақилик-ла тунука идишни бола томон сурди профессор.

- Раҳмат, бўлди, етади, - совуқ оҳангда рад этди Гарри.

- Тентаклик қилма, - сўкиб берди Макгонагалл.

- Раҳмат, - деди Гарри, печенье олиб.

- Тушунишим-ча, Поттер, Долорес Амбрижнинг зиёфатдаги нутқини эшитмагансан, шундайми?

- Нега энди, эшитдим, - эътироз билдирди Гарри, - У... тараққиётни тўхтатиш... ва... сеҳргарлик вазирлиги бундан буён «Хогварц»нинг ички ишларига аралашиши ҳақида гапириб ўтди.

Профессор Макгонагалл бир дақиқача болага диққат билан қараб турди-да, пишқириб қўйиб, столини айланиб ўтди-да, чиқиш эшигини очди.

- Лоақал Гермiona Грэнжернинг гапини эшитибсан-ку, - деди ниҳоят у, имо ила Гаррини хонасидан кузатиб юбориб.

## ЎН УЧИНЧИ БОБ. ДОЛОРЕС ИЖРО ЭТГАН ЖАЗО

Амбрижга бақириб бергани «Хогварц»да ниҳоятда тез тарқгани боис, Катта Залда ўтган одатий кечки овқат Гарри учун азобнинг ўзгинаси бўлди. Рон билан Гермионанинг ўртасига ўтириб овқатланар экан, атрофдаги гап-сўзлар болага эшитилиб турди. Шуниси ғалатики, ушбу ғийбатчиларнинг хаёлига Гарри эшитиб қолиши мумкин-ку, деган фикр келгани ҳам йўқ. Аксинча, боланинг назарида, мактабдошлар атайин шундай суҳбатлашиб, Гаррининг жаҳлини боз чиқариш, бақиртириш ва шу тариқа, бор гапни унинг ўзидан эшитишни ният қилишган.

- Айтишича, Седрик Диггори қандай ўлдирилганини ўз кўзи билан кўрган эмиш...

- Ўзингиз-Биласиз-Ким билан дуэлда жанг қилгани ҳақида ҳам баёнот қилибди.

- Қўйсанг-чи...

- Ким ҳам ишонар эди унинг гапига?

- Илтимос, лаққа тушишни бас қил...

Қўли титраб санчқи билан пичоқни тутиб тура олмагани боис, ликопа қўйган Гарри тишини қисиб, ғулдиради:

- Бир нарсани ҳеч тушунмайман. Нега улар ўшанда, икки ой муқаддам Дамблдорнинг сўзларига бовар қилишди-ю, энди эса...

- Ишонишганига шубҳа қиламан, - деди Гермиона, маъюс оҳангда, - Яхшиси кетдик бу ердан.

Қиз зарда билан қўлидаги пичоқ ва санчқини стол устига ташлади. Еб тугатилмаган олмали пирокка маъюс қараб қўйган Рон, итоат ила ўрнидан қўзғалди. Катта Залда ўтирган одамлар уларнинг ортидан қараб қолишди.

- Дамблдорга ишонишганига шубҳа қиламан, дединг-ми? Нима учун? - сўради Гарри, биринчи қават майдончасида.

- Ўша ҳодиса четдан қараганда қандай кўринишини тасаввур қила олмайсан, - аста тушунтириш берди Гермиона, - Сен Седрикнинг жасадини қўлингда тутганча дала ўртасида дафъатан пайдо бўлдинг... Бироқ лабиринт ичида аслида нималар рўй берганини ҳеч ким кўрмаган... Шундан сўнг, Дамблдор, худди томдан тараша тушгандай Ўзинг-Биласан-Ким ҳаётга қайтиб, Седрикни ўлдиргани ва сен билан олишганини эълон қилди.

- Ва бу чин ҳақиқат эди! - ғазаб-ла хитоб қилди Гарри.

- Ҳа, Гарри, биламан. Балким менга ташланишни бас қиларсан, а? - деди Гермиона толиққан оҳангда, - Ўша чин ҳақиқат уларнинг онгига етиб боргунга қадар, ҳаммаси таътилга, уй-уйига тарқаб кетишга улгурган. Уйда бўлишганда эса «Башорат-у, каромат газетаси» сени савдойи, Дамблдорни эса қариб, миясини еган чол, деб эълон қилиб, бунга уларни икки ой давомида ишонтириб борган!

Учовлон қасрнинг кимсасиз йўлаклари бўйлаб «Гриффиндор» минораси томон одимлади. Гаррининг назарида, мактабда ўтган биринчи кун бир ҳафтадай чўзилди. Уйқуга ётишдан олдин

уйга берилган бир олам вазифани бажариш кераклигини ўйлаб, юраги орқага тортиб кетди! Ўнг кўзининг тепасидаги пешона соҳаси эса зирқираб оғримоқда. Семиз Хола портрети маҳкамланган йўлакка бурилишдан олдин, Гарри, ёмғир суви оқаятган деразадан ташқарига қараб қўйди. Ҳовлини зулмат қамраган. Хагриднинг кулбасида эса ҳалигача чироқ ёнгани йўқ.

- Мимбулюс мимблетония, - деди Гермiona, Семиз Хола оғиз жуфтлашга улгурмай.

Портрет сурилиб очилгач, учовлон тўйнуқ орқали «Гриффиндор» коллежининг умумий меҳмонхонасига кириб борди.

Меҳмонхонада ҳеч ким йўқ. Гриффиндорчилар кечки овқатдан ҳали қайтишмаган. Кулала тушиб ётган Маймоқоёқ йирик танасини ёзиб, баланд хуриллаганча, болалар томон ошиқди ва учала ўртоқ камин яқинидаги креслоларга ўтиришгач, Гермionанинг тиззасига сакраб чиқиб, малла ранг сертук ёстиққа ўхшаб, астойдил жойлашиб олди.

- Дамблдор қандай ЙЎЛ ҚЎЙДИ БУНГА, А? - кутилмаганда қичқириб юборди Гермiona, - Нега анави аёлни ўқитувчилик лавозимига ишга олади? МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун имтиҳон топшириладиган йилда-я!

Маймоқоёқ иззати-нафси олинган қиёфа ила Гермionанинг тиззасидан сакраб тушиб, нари қочди. Гарри билан Рон ҳам кутилмаган қичқирқидан қўрқиб кетиб, ўтирган ўринларида сапчиб тушишди. Дарғазаб Гермiona бор кучи билан мушт солган кресло тирсаққўйгичининг жилдидаги тешиқдан ёғоч кукуни тўкилиб тушди.

- Хагриднинг таъбири билан жавоб берсам, - деди Гарри, - «Бошқа номзод топа олмаганидан, иложсиз, ягона номзод сифатида» ишга олган. «Фалокатга олиб борадиган бўлмағур иш бўлганидан кейин, бундай лавозимга номзод топишнинг ўзи бўладими. Ушбу лавозим сеҳрлаб қўйилган деган фикр ҳам йўқ эмас», деган эди у, агар эсингда бўлса.

- Лекин, бундай ишга афсун қўллашни ман этадиган одамни олиш! Бу билан Дамблдор нимага эришмоқчи, ҳеч тушунмаяпман?

- Бунинг устига у, ҳаммамиз бир-биримизни жосусдай кузатиб юришимизни истамоқда, - деди юзи тўқ тус олган Рон, - «Агар бирон-бир кас тирилиб қайтган аллақандай ёвуз сеҳргарлар ҳақида жар солиб, сизни ташвишга солса, бу ҳақда хабардор бўлишим шарт» деганини эслайсиз-ми?

- Аслида шахсан ўзи жосуслик қилиш учун келган бу ерга, - деди Гермiona, дарғазаб оҳангда, - Ҳаммаси кундай равшан, Фуж уни айна шу мақсадда йўллаган мактабга.

- Фақат яна тезланманг, - олдини олиб огоҳлантирган бўлди Гарри, толиққан оҳангда, - Келинлар... яхшиси, тезроқ қутулиш учун уйга берилган вазифа ижросига киришайлик...

Улар бурчакда ётган юк халталарини олиб, камин ёнига қайтишди. Бу пайтга келиб, халойиқ кечки овқатдан қайта бошлади. Гарри имкон қадар тўйнуқка тескари қараб ўтиришга уринди-ю, шунга қарамай, кириб келганларнинг бари унга эътибор қаратаётганини ҳис этди.

- Келинлар, дастлаб Снеггни тинчитайлик, - таклиф киритди Рон, пат-қаламни сиёҳдонга ботириб, - «Ойтош минералининг хоссалари ва сеҳрли дамламалар тайёрлаш масалаларида ундан фойдаланиш соҳалари» - ғудуллади у, пат-қаламни пергамент бўйлаб юритиб, - Мана.

У иншо сарлавҳасининг остига чизиқ тортди-да, жавоб кутиб, Гермionaга бақрайди.

- Хўш? Қандай хоссалари бор, ўша тошнинг? Қайси соҳаларда қўлланар экан у?

Бироқ кўзини қисиб олиб, меҳмонхонанинг нариги бурчагига, атрофига биринчи синф ўқувчиларини йиғиб олган Фред, Жорж ва Ли Жорданга қараб ўтирган Гермiona саволни эшитмади. Биринчи синф ўқувчилари дўлвар қиёфа ила Фред узатаётган қоғоз пакет ичидан бир нарсаларни олиб, оғизга солишмоқда.

- Мени маъзур сананг-у, аммо бу қилмиш ҳаддан ортиқ, - баёнот қилди ғазаби қайнаб кетган Гермiona, ўрнидан туриб, - Қани юр-чи, Рон.

- А? Нима? - ўзини гўлликка солди Рон, вақтдан ютишга уриниб, - Қўйсанг-чи, Гермiona...  
Ширинлик тарқатишаётгани учун танбеҳ бермаймиз-ку, уларга.

- Шунчаки ширинлик эмаслигини жуда яхши биласан, Рон. Бу уларнинг бурундан қон чиқариш ёнғоққолваси ёки аллақандай қаппайтириш қиёми-ми, нима эди...

- Ҳушдан кетиш бодроқлари, - аста эслатиб қўйди Гарри.

Кўзга кўринмас ёғоч тўқмоқ билан бошига зарб егандай, биринчи синф болачалари креслода ўтирган жойларида шалпайиб, бирин-кетин ҳушини йўқота бошлади. Улардан баъзилари полга сирпаниб тушса, айримлари креслонинг тирсакқўйгичига ёнбошлаганча, осилиб қолди. Шуниси қизиқки, ҳаммасининг тили бирдай ташқарига чиқиб қолди. Залда ўтирган аксарият ўқувчилар бўлиб ўтаётган ҳодисани завқ ила кузатиб ўтиришмоқда. Фақат Гермionaгина жиддий қиёфа ясаб олганча, елкаларини ваҳимали кўтариб олиб, Фред билан Жорж томон шахдам қадам ташлади. Қўлига ён дафтарча ушлаб олган эгизаклар ҳушдан кетган болачаларни диққат билан кузатмоқда.

Рон сал қўзғалди-ю, қўлига бироз тиралиб туриб, креслосига қайтиб ўтирди.

- Ўзи эплайди.

- Етар, бас! - қичқирди Гермiona, лол қиёфа ясаб олган эгизакларга.

- Тўғри айтасан, Гермiona, - ўйчан бош ирғиди Жорж, - Фикримча, шу доза етади.

- Эрталаб нима дедим сизларга? Бу бемаъни нарсаларни мактаб ўқувчиларида синаш мумкин эмас!

- Биз уларга ҳақ тўлаяпмиз! - эътироз билдирди Фред.

- Фарқи нима! Бу хавfli бўлиши мумкин!

- Бўлмаган гап, - қўл силтади Фред.

- Тинчлан, Гермiona, уларга ҳеч нима қилгани йўқ! - ишонтирди Ли, беҳуш ётган болачаларнинг оғзига бинафша ранг қиём тиқиб.

- Тўппа-тўғри, - деди Жорж, - Қара, ҳушига келишяпти.

Чиндан ҳам, болачаларнинг айримлари қўзғала бошлаб, полда чўзилиб ётгани ёки креслонинг тирсакқўйгичига осилиб қолганини кўриб, ҳайрон бўлишди.

Афтидан, Фред билан Жорж ширинлик қандай таъсир ўтказиши ҳақида уларни огоҳлантирмаган кўринади, хаёлдан ўтказди Гарри.

- Ўзингни яхши ҳис қиляпсан-ми? - мулойим овоз билан сўради Жорж, оёғи ёнида чўзилиб ётган қора сочли қизалоқдан.

- Ҳ... ҳа... шекилли, - титроқ овоз билан жавоб берди қизалоқ.

- Жуда яхши! - қувонч-ла хитоб қилди Фред.

Бироқ Гермiona унинг қўлидан ён дафтарча билан ҳушдан кетиш бодроқлари солинган қоғоз пакетни шартта тортиб олди.

- Ҳеч ҳам яхши ЭМАС!

- Нимаси яхши эмас, ҳаммаси тирик-ку, - аччиқланди Фред.

- Бундай қилишга ҳақингиз йўқ! Улардан бирортаси чинакамига касал бўлиб қолса, нима бўлади?

- Ҳеч ким касал бўлмайди, бунга ўзимизда синаб кўрганмиз. Энди эса ҳаммага бир хил таъсир қилиш-қилмаслигини текширяпмиз.

- Агар бас қилмасангиз, мен...

- Нима қиласан? Уйга берилган вазифани бажаргач, шу ерда қолдирасан-ми? - сўради Фред, «қўлингдан нима ҳам келади», деган оҳангда.

- Жумла ёзишга мажбур қиласанми? - ҳиринглаб қўйди Жорж.

Кузатиб ўтирганлар баралла кулиб юборишди. Кўзи қисилиб кетган, пахмоқ сочи худди электр учқун сачратаётган Гермiona қаддини виқор-ла, ростлаб олди.

- Йўқ, - деди у, ғазабдан титраган овози билан, - Мен қилмишларинг ҳақида ойингизга хат йўлламан.

- Ақлингни еб қўйдинг-ми? - қўрқиб кетди Жорж, орқага тисарилиб.

- Йўқ, эсим жойида, - деди Гермiona, қатъий оҳангда, - Ўзингизда синаб кўришингизни ман этмайман, бироқ биринчи синф ўқувчиларида синашга йўл қўймайман.

Эгизаклар худди яшин зарбаси урган каби, серрайиб қолишди. Гермiona нозик жойдан олгани билиниб турибди. У эгизакларга яна бир бор жиддий нигоҳ ташлаб, қўлидаги ён дафтарча билан қоғоз пакетни Фредга ушлатиб қўйди-да, креслоси томон йўл олди.

Рон ўтирган ўрнида шу қадар ғужанак бўлиб олган-ки, бурни тиззасига тегиб қолган.

- Қўллаб-қувватлаганинг учун раҳмат, Рон, - вишиллади Гермiona.

- Ўзинг бопадинг-ку, - минғирлаб қўйди Рон.

Гермiona нигоҳсиз кўзини тоза пергаментга тикиб ўтирди-да, аччиқланиб:

- Йўқ, фойдаси йўқ. Хаёлимни жамлай олмайман. Бўлди, ётар вақт бўлди, - деди-да, юк халтасини очди.

Гермiona китоб йиғиштиришга киришишига Гарри тўлиқ ишонч ҳосил қилган эди. Бироқ қиз юк халтасидан иккита, бирон-бир шаклга эга бўлмаган ип-газлама буюм чиқариб, камин ёнидаги

столча устига қўйди-да, устига пергамент қийқимларини сепиб, синган пат-қаламни жойлади. Шундан сўнг, бироз ортга чекиниб, қилган ишини томоша қилди.

- Мерлин ҳақи, яна нималар билан шуғулланяпсан? - сўради Рон, Гермионага, худди у ақлини еб қўйганида шубҳа қилгандай қараб.

- Уй эльфлари учун дўппичалар, - тез жавоб қайтарди Гермиона, китоб йиғиштиришга киришиб, - Ёзда тўқиганман. Сеҳр-жодусиз жуда секин тўқийман, албатта, лекин мактабда кўпроқ тўқисам керак.

- Дўппичаларни уй эльфлари учун қўйиб, устига чиқинди ташладинг-ми? - аста сўради Рон.

- Ҳа, - таҳдид оҳангида жавоб қайтарди Гермиона, юк халтасини елкага ташлаб.

- Бунақаси ярамайди, - эътироз билдирди Рон, - Сен эльфларни фириб йўли ила қўлига дўппи ушлашга мажбур қилмоқчисан ва шу тариқа, уларни қулликдан, ўзлари беҳабар тарзда озод этмоқчисан. Агар ҳурриятга чиқишни исташмасачи?

- Исташади, албатта! - комил ишонч-ла, эътироз билдирди Гермиона, гарчи юзи пушти тус касб этган бўлса ҳам, - Қара, Рон, дўппиларга тегишни хаёлингга ҳам келтирма! - деди у, шартта бурилганча, ётоқхона томон йўл олиб.

Гермиона ётоқхона эшиги ортига ўтиб кетиши билан, Рон, тўқима дўппичалар устидаги чиқиндини олиб ташлади.

- Лоақал, нимани қўлга олишаётганини кўришсин... Хўп, майли... - деди у, иншо сарлавҳасидан бошқа ҳеч нима ёзилмаган пергаментни ўраб, - Бугун ҳеч нима чиқмайди. Гермионасиз бу мавзуга тишим ўтмайди. Ойтош нимага керак бўлишини тасаввур ҳам қила олмайман. Сен-чи?

Гарри бош чайқаб, ўнг чаккасидаги оғриқ зўрайиб бораётганини ҳис этди. Гигантларга қарши олиб борилган урушлар ҳақида ўйлаб, боши лўқиллаб кетди. Эрталаб туриб, иншони кечқурун ёзмаганига афсус қилишини била туриб, китобларини юк халтасига йиғиштирди.

- Мен ҳам бориб ётаман.

Ётоқхона томон борар экан, Симуснинг ёнидан, унга қиё ҳам боқмай ўтиб кетди. Симус нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаганини сезгач эса қадамини тезлаштирди ва навбатдаги ғаламисликдан қутулиб, тошдан терилган айланма зинапоядаги сокин сукунатга етиб олди.

\*\*\*

Эртанги кун тонги ҳам, кечагидай қўрғошин тусли, ёмғирли отди. Хагрид нонуштада ҳамон кўрингани йўқ.

- Снеггинг совуқ рухсори ҳам кўринмайди-ку, бугун, - деди Рон, таскин оҳангида.

Юзи мамнун қиёфа касб этган Гермиона оғзини катта очиб эснаганча, ўзига қаҳва қўйди.

- Нима сабабдан бу қадар бахтиёр кўринасан, - сўради Рон.

- Дўппичалар йўқ. Кўрдинг-ми, эльфар қулликдан озод бўлишни истайди, - жавоб қайтарди Гермiona.

- Ўрнингда бўлганимда, бу қадар комил ишонч билдирмаган бўлар эдим, - қўл силтади Рон, - Эҳтимол, ўша дўппичаларни улар кийим ўрнида кўрмас. Ваҳоланки, улар, менинг кўзимга ип-газламадан тўқилган сийдик пуфагига ўхшаб кўринди.

Гермиона аразлаб, Рон билан гаплашмай қўйди.

Афсун ўқиш фанининг қўш соатли дарсидан сўнг, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанининг қўш соатли дарси бўлиб ўтди. Профессор Флитвик ҳам, профессор Макгонагалл ҳам ўз маърузаларининг кам деганда ўн беш дақиқасини аттестацион имтиҳон учун белгиладиган баҳо яъни, МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун топшириладиган имтиҳон нақадар жиддий аҳамиятга эга эканлигига бағишлади.

- Ёдингизда тутишингиз лозимки, - хириллади, ёзув столи ортидан кўриниши учун доимо катта китоблар тахлами устига чиқиб оладиган профессор Флитвик, - Ушбу имтиҳон жамики келгуси ҳаётингизга узил-кесил ҳал этадиган даражада таъсир ўтказади! Ораларингиздан кимда-ким ўз келажаги ҳақида ҳанузгача ўйлаб кўрмаган бўлса, айна мавриди келди. Имтиҳонларни муносиб топшира олишингиз учун сиз-у, биз олдингидан ҳам кўп ишлашимиз керак бўлади!

Улар, профессор Флитвикнинг таъкидлашича, ижроси имтиҳонда мажбурий равишда талаб қилинадиган буюм чақириниш афсунини бир соатдан ортиқ такрорлаб, дарс ниҳоясида шу қадар кўп уйга вазифа олишдики, илгари бунақаси бўлмаган.

Бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани дарси бундан баттар ўтган бўлса бордир-ки, кам бўлмади.

- Назарий машғулотларга ҳам, амалий машғулотларга ҳам жиддий ёндашмас экансиз, МОСДнинг зарурий савиясига эга бўла олмайсиз, - даҳшатли қатъият-ла, ҳикмат қилди профессор Макгонагалл, - Лекин, ишга виждонан ёндашиб, бор кучингизни жалб этар экансиз, Мутлақо оддий сеҳргарлик даражасини муваффақиятли қўлга киритиш масаласида бирон-бир муаммо юзага келишини кўрмайман.

Невилль ишончсизлик оҳангини англатадиган овоз чиқариб қўйди.

- Ҳа, Лонгботтом, сени ҳам назарда тутмоқдаман, - деди профессор Макгонагалл, - Сен ҳамма ишни тўғри бажарасан, фақат дадиллик етишмайди сенда. Хўш... демак бугун биз, ғойиб қилиш афсунини ўзлаштириб, ижросини меъёрига етказамиз. Ушбу афсун СМЖА савиясига хос бўлган пайдо қилиш афсунига нисбатан соддароқ саналади. Шундай бўлса-да, МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш имтиҳонини топширар экансиз, сиздан намоёиш этиш талаб қилинадиган сеҳр-жоду амалларининг энг мураккаб турига киради.

Профессор Макгонагалл мутлақо ҳақ экан. Ғойиб қилиш афсуни Гаррига ниҳоятда мураккаб туюлди. Қўш соатли дарснинг иккинчи соати ниҳоясига етаётганига қарамай, Рон иккаласи ғойиб қилишга уринаётган шиллиқ қурт ҳанузгача ётган жойидан қилт этмай турибди, гарчи Рон умид билан шиллиқ қуртнинг ранги бироз оқариб қолганини таъкидлаб ўтган бўлса ҳам. Гермiona эса столи устидаги шиллиқ қуртни учинчи уринишдаёқ йўқ қилиб юбориб, профессор Макгонагаллдан «Гриффиндор» ҳисобига қўшилган 10 балл тариқасида раъбатлантирилди. Фақат Гермionaгина



уйга бериладиган вазифадан озод этилди. Қолганларга эса шиллик қуртларга қарши уюштириладиган эртанги атакага талаб даражасида ҳозирланиб келиш тайинланди.

Уйга берилган вазифалар ҳажми шиддат ила оша бошлаганидан вужудини ваҳима қамраб олган Гарри билан Рон түшлик танаффуси давомида кутубхонага кириб, сеҳрли дамламалар тайёрлаш масаласида ойтош қўлланиладиган соҳаларга оид бирон нима топишга уринишди. Дўппичалар ҳақида билдирган фикри учун Рондан ҳалигача хафа бўлиб юрган Гермиона улар билан бирга боришдан бош тортди. Сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани бўйича ўтказиладиган дарс олдидан Гаррининг боши, машғулотларда берилган юкламадан бўлса керак, яна оғрий бошлади.

Кун ўртасига келиб, салқин шабада эсган об-ҳаво қарор топди. Гарри билан Рон қиялик бўйлаб, Хагриднинг кулбаси томон түшишаётганда енгил ёмғир бошланди. Ўқувчиларни кулба эшигидан ўн ярдча нарида кутаётган профессор Гниллер-Планк ёғоч хараклар олдидан турибди. Хараклар устида шох-шабба кўринмоқда. Ушбу харакларга яқин келган Гарри билан Рон орқа томонда кимлардир қаттиқ хандон отганини эшитди. Икковлон ўгирилиб, ўзининг қуролбардорлари даврасида келаётган Драко Малфойни кўрди. Драконинг ҳазили афтидан, зўр бўлган шекилли, Краббе, Гойл, Панси Паркинсон ва бошқа бир қатор слизеринчилар харак олдига етгунга қадар хатти-ҳаракатларини идора қила олмай кулиб, Гаррига шундай қараб келишдики, ўша ҳазил кимга тааллуқли эканлигини фаҳмига етиш қийин кечмади.

- Ҳамма тўпланди-ми? - дарс бошлади профессор Гниллер-Планк, барча ўқувчиларнинг барчаси харакларга яқин келганда - Ундай бўлса, бошлаймиз. Ким айтади, нима бу? - шох-шаббага имо қилганча, узук-узук овоз билан сўради у.

Гермионанинг қўли дарҳол юқорига кўтарилди. Орқада турган Драко Малфой тишини отга ўхшаб яланғочлатганча, ўрнида бетоқат сақраб, Гермионани масхара қилди. Панси Паркинсон кулгидан чириллади-ю, сал ўтиб, даҳшатдан ўкириб юборди. Харак устида ётган шох-шабба кутилмаганда кескин қўзғалиб, қўл-оёқлари сербутоқ, ҳар бир қўли иккитадан новда-бармоқчага эга, кичкина қўнғизчаларни эса соладиган жигар ранг кўзлари ялтираб кўринаётган, пўстлоқ қопланган ясси юзли митти эльфларга ўхшаш жуда ғалати ёғоч одамчалар эканлиги маълум бўлди.

- О-о-о-о-о! - хитоб қилишди Патил билан Лаванда.

Уларнинг хитоби Гаррининг жаҳлини чиқарди. Хагрид кўрсатган нарсалар ҳам қизиқ эди-ку! Флоббер чувалчанларини инобатга олмаганда, албатта. Саламандралар, гиппогрифлар! Портловчи дракларни-ку, қўяверасан!

- Қизлар, илтимос, жим, ўзингизни қўлга олинг! - овоз кўтарди профессор Гниллер-Планк, таёқ одамчалар орасига жигар ранг гуручга ўхшаш дон сепиб.

Одамчалар шу заҳоти ўзини хўракка ташлади.

- Хўш... Ким билади, ушбу махлуқлар нима деб аталишини? Мисс Грэнжер?

- Дарахт алвастилари, - жавоб берди Гермиона, - Улар ўрмон қўриқчилари саналиб, одатда, сеҳрли таёқчалар тайёрланадиган дарахтларда макон топади.

- «Гриффиндор»га беш балл, - эълон қилди профессор Гниллер-Планк, - Жуда тўғри, дарахт алвастилари. Улар, мисс Грэнжер айтганидек, асосан ёғочидан сеҳрли таёқча тайёрланадиган дарахтларда яшайди. Ким билади, улар нима билан озиқланади?

- Эшакқурт билан, - тез жавоб қайтарди Гермiona, - Лекин соҳира тухумларини афзал кўришади.

- Ақлли қизалоқ, яна беш балл. Шундай қилиб, агар сизга ушбу алвастилар яшайдиган дарахт барги ёки шохи керак бўлса, ёнингизда эшакқурт билан борсангиз, оқил иш тутган бўласиз. Бир қарашда, дарахт алвастиси хавфсиздай кўринади. Лекин унинг жаҳлини чиқарадиган бўлсангиз, кўзингизга чанг солиб, ўйиб олишга уринади. Бармоқлари ниҳоятда учли эканлигини кўриб турибсиз. Демак, ушбу бармоқлар кўзингизга яқин бориши яхшилик билан тугамаслиги шубҳасиз. Энди яқинроқ келиб, эшакқурти захираси ва биттадан дарахт алвастисини олинг. Уч кишига битта алвасти тўғри келади. Уни диққат билан кўздан кечириб, ўрганиб чиқинг. Дарс ниҳоясига қадар ҳар бирингиз дарахт алвастисининг расмини солиб, танасининг ҳар бир аъзоси остига номини қайд этиб қўйишингиз талаб этилади.

Болалар ёғоч хараклар томон одимлади. Гарри стол атрофини аста айланиб ўтиб, профессор Гниллер-Планк ёнига борди.

- Хагрид қани? - сўради у, қолганлар алвасти танлаш билан овора бўлган пайтдан фойдаланиб.

- Бу масала сенга тааллуқли эмас, - бетакаллуф оҳангда баёнот қилди профессор Гниллер-Планк.

Ўтган ўқув йили ҳам, Хагрид ўз дарсини ўтказгани келмаганда, профессор Гниллер-Планк худди шундай, гўё Гаррининг саволи уятсиз эшитилгандай қўпол жавоб қайтарган эди. Мурдор иршайган Драко Малфой Гарри узра энгашиб, энг йирик дарахт алвастини чангаллаб олди.

- Анави баҳайбат тўпори, - деди у, фақат Гаррига эшиттирганча пичирлаб, - Фалокатга йўлиққани эҳтимолдан ҳоли эмас.

- Овозингни ўчирмасанг, - пичирлади Гарри, тишлари орасидан, - Фалокатга йўлиқишинг эҳтимолдан холи эмас.

- Ўша баҳайбат тўпори ўзига ҳаддан ортиқ катталик қиладиган ишларга аралашиб қолгани, эҳтимолдан холи эмас... агар мен нима ҳақда гапирётганимни тушунаётган бўлсанг, албатта.

Малфой елка орқали мурдор иршайиб, нари кетди. Гаррининг кўнгли кутилмаганда беҳузур бўлди. Наҳотки Малфой бирон гапдан хабардор бўлса? Ҳа, нима? Ахир унинг отаси Ўлимдан мириқувчи-ку, хаёлдан ўтказди Гарри, балки у, ҳали Орден аъзолари билмайдиган нарсалардан хабардордир? Гарри столи тез айланиб ўтиб, сал нарида чўккалаб ўтирганча, тек туришни истамаётган алвастини чизишга уринаётган Рон билан Гермiona томон ошиқди. Қўлига пат-қалам билан пергамент олган Гарри, дўстларининг ёнига чўккалаб ўтириб, пичирлаганча, Малфойнинг айтган сўзларини гапириб берди.

- Агар Хагридга бирон нима қилганда, Дамблдор хабар топган бўлар эди, - деди Гермiona, - Сен эса ўзининг ташвишли қиёфанг ила Малфойнинг сўрнайига рақс тушяпсан! Энди у ҳеч нарсадан хабаримиз йўқлигини фаҳмлаган бўлса керак. Унга эътибор қаратма, Гарри. Яхшиси мана бу алвастини ушлаб тур, башарасини чиза олмаяпман...

- Ҳа, айтгандай, - эшитилди, ўз хушомадгўйлари билан бирга яқин орада турган Малфойнинг жирканч чўзиқ овози, - Дадам бир-икки кун олдин вазир билан сўхбатлашибди. Афтидан, вазирлик ниҳоят бизнинг маглхонамизда қарор топган бемаънигарчиликка чек қўйишга аҳд қилган кўринади. Бизга берилаётган даражаси паст билимларга токайгача тоқат қилиш керак ахир! Шундай экан, хотиржам бўлинг, анави шишган аҳмоқ пайдо бўлиб келган тақдирда ҳам, унга шу заҳоти лаш-лушини йиғиштириш буюрилади.

- ВОЙ!

Дарғазаб Гарри дарахт алвастисини шу қадар қаттиқ сиқиб олган эканки, икки бўлиб қўйишига бир баҳя қолибди. Табиийки, жони оғриган алвасти нишли бармоқларини Гаррининг қўлига санчиб, иккита чуқур кесилган жароҳат ҳосил қилганча, сиқувдан халос бўлиб, ўрмон томон қочиб қолди ва кўп ўтмай, дарахт илдизлари орасида кўринмай, кўздан ғойиб бўлди. Ушбу томоша, шундоқ ҳам Хагриднинг ишдан ҳайдалиши муқаррар эканлигидан хурсанд бўлиб, бузоқ сингари ўкириб кулаётган Краббе билан Гойлни баттар қувонтирди. Ҳовлида қўнғироқ зарби янгради. Гарри Германионнинг дастрўмоли билан боғланган қўлига дарахт алвастиси тасвирланган қон теккан пергаментни ушлаганча, Малфойнинг кишини таҳқирлайдиган кулгиси остида гербология дарсига, иссиқхоналар томон шахдам одимлаб кетди.

- Агар Малфой яна бир бор Хагридни аҳмоқ дейдиган бўлса... - вишиллади Гарри, сиқиб олган тишлари орасидан.

- Гарри, у билан жанжаллашмаганинг маъқул. Унутма, у энди синфбоши. Ҳаётингни яхшигина мураккаблаштириб юбориши мумкин...

- Худди ҳаётим ширин-шакар ўтаётгандек гапирасан-а, - кесатди Гарри.

Рон кулиб юборди, Германиона эса қовоғини солиб олди. Учовлон экинзор орқали шалпайиб боришмоқда. Булутлар эрта тонгдан бўён ёмғир бўлиб ёғиш-ёғмасликка ҳеч аҳд қила олишмаяпти гўё.

- Мен бир нарсани, у ҳам бўлса, Хагрид тезроқ қайтишини истайман, - деди Гарри, иссиқхонага яқин қолганда паст овозда, - Гниллер-Планк ўқитувчи сифатида ундан яхшироқ, дея кўрманг! - таҳдид оҳангида қўшиб қўйди у.

- Ундай демоқчи эмасман, - пинагини бузмай, қошини қоқиб қўйди Германиона.

- Чунки Гниллер-Планк ундан ёмон, салом вассалом, - баёнот қилди Гарри.

Гарри ҳозиргина сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани бўйича намунали ўтказилган дарсда шахсан ўзи иштирок этганини фаҳмлаб турибди, албатта ва айнан шу ҳолат уни баттар аччиқлантирмоқда.

Яқин ўртадаги иссиқхона эшиги очилиб, ичкаридан бир гала тўртинчи синф ўқувчилари чиқиб келди. Улар орасида Жинна ҳам бор.

- Салом, - кўришиб ўтди у.

Яна икки сониядан сўнг, остонада сочини бошининг тепасига йиғиб турмаклаб олган, бурнининг остига тупроқ теккан Луна кўринди. Гаррини кўрган заҳоти ақлга сиғмас даражада ҳаяжонланиб кетган Луна, йирик кўзини янада катта очиб олганча, Гарри томон ошиқди. Унинг нари кетган аксарият синфдошлари нима гаплигига қизиқиб, ортга ўгирилишди.

- Мен эса сенга ишонаман, - бидирлай кетди, саломлашишни унутиб қўйган Луна, ўпкасига ҳаво тўлдириб, - Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши ҳаётга қайтганига ҳам, у билан олишиб, омон қола билганинга ҳам, ишонаман.

- Э-э-э... ҳа, - жавоб қайтарди Гарри, ўзини бироз ноқулай сезиб.

Лунанинг қулоғида сирға ўрнида аллақандай тўқ сариқ редискалар осилган. Ҳар қалай сирға редискага ўхшаб кетиб, Лунанинг қулоғига ҳиринглаганча бармоқ ўқтаган Лаванда билан Патилнинг эътиборини ўзига тортди.

- Истаганча кулишларинг мумкин, - овоз кўтарди Луна, афтидан, Лаванда билан Патил унинг қиёфаси эмас, айтган сўзлари учун кулаётганига комил ишонч ҳосил қилиб, - Масалан, вати-кути қурбақалар-у, буришиқ шохли стеклоплар бўлишига бовар қилмайдиган одамлар ҳам бор.

- Тўғри қилишади ишонмай! - тез гапни бўлди Гермiona, - Чунки вати-кути қурбақалар-у, буришиқ шохли стеклоплар табиатда бўлмайди.

Луна Гермionaга масхараомуз нигоҳ ташлаб, редискаларини дарғазаб тебратганча, нари кетди. Энди хандон отиб кулганлар орасида Патил билан Лаванда ёлғиз эмас эди.

- Менга ишонадиган деярли ёлғиз одам шу экан. Уни хафа қилиш шарт эдимиз? - ўпка-гина қилди Гарри, дарсга йўл олишар экан.

- Гарри, илтимос, лаққа тушишни бас қил! Сен ўша қиздан кўра дурустроқ тарафдорларни топишинг мумкин! - хитоб қилди Гермiona, - Жинна у ҳақда менга айтиб берди. Афтидан, Луна, фақат исботи йўқ нарсаларгагина ишонади холос. Умуман айтганда, «Ҳақиқатгўй» журналининг бош муҳарриридан туғилган қиздан ортиқ нимани ҳам кутиш мумкин.

Гарри анави мудҳиш қанотли махлуқлар ва Лунанинг «Сен ақлдан озганинг йўқ. Отни мен ҳам кўряпман» деган сўзларини эслаб, кайфияти тушиб кетди. Наҳотки Луна алдаган бўлса, ўшанда? Хайриятки, Эрни Макмиллан келгани боис, Гарри ушбу масалани обдан ўйлаб кўришга улгурмади.

- Билиб қўй, Поттер, - баланд, узоққа эшитиладиган овоз билан баёнот қилди Эрни, - Сенга фақат томи кетганлар тарафдор эмас. Шахсан мен сенга юз фоиз ишонаман. Жамики оилам ва мен, Дамблдор тарафдорларимиз.

- Катта раҳмат, Эрни, - жавоб қайтарди ҳайрон бўлган, бироқ кўзига ёш келар даражада таъсирланган Гарри.

Эрни тамтароқли гапирган бўлса-да, қулоғига редиска тақиб олмаган. Унинг қўллаб-қувватлаши Гарри учун жуда муҳим. Эрнининг қисқа нутқи Лаванда Браунни кулгидан тўхтатди. Рон билан Гермiona томон юзланаётган Гарри Симуснинг юзида хижолат ила ғазаб ўйғунлашиб кетган қиёфа қотиб қолганини кўрди.

Профессор Сарсабил хонимнинг дарси МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун топшириладиган имтиҳонларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигига бағишланган қисқа маърузадан бошлангани ҳеч кимни ҳайрон қолдирмади. Неча маротаба гапириш керак бу ҳақда, а?! Уйга берилган вазифалар ҳажми тобора ошиб кетаётганини ўйлаган Гаррининг кўкрак қафаси симиллаб оғриди. Дарс ниҳоясида профессор Сарсабил хоним ҳам, уйга ёзма тарзда бажариладиган вазифа берганда Гаррининг юраги баттар сиқилди. Бир ярим соатдан сўнг, ҳамма профессор Сарсабил хонимнинг энг яхши кўрган ўғити – аждар гўнгининг ўткир ҳидини таратганча, ғуж гала ҳосил қилиб, қаср томон йўл олди. Кун узоқ чўзилиб, қийин кечгани боис, ҳеч ким лом-мим демади.

Гарри ўларча оч. Соат бешда эса жазо ўташ учун Амбрижнинг ҳузурига бориши керак. Шу боис, нарсаларини «Гриффиндор» минорасига ташиб юрмасдан, тўғри кечки овқатга бориб, оз бўлса ҳам, тамадди қилиб олишга аҳд қилди. Бироқ Катта Залнинг кириш эшигига етишга улгурмай, баланд, дарғазаб овоз эшитилди:

- Ҳой, Поттер!

- Яна нима? - ҳорғин ғудуллади Гарри, жаҳли қайнаб кетаётган Ангелина Жонсон томон юзланиб.

- Нима эканлигини ҳозир айтаман сенга, - ўшқирди оғир қадам босиб келганча, бармоғини Гаррининг кўксига оғритиб тираган Ангелина, - Келиб-келиб жума куни жазо ўташга қандай ақлинг етди?

- Нима? - тушунмади Гарри, - Нима қилибди?... Ҳа-я! Янги Қўриқчилар синови!

- Қаранг, эслади-я! - ўшқирди Ангелина, - Синов тадбирига жамоанинг барча аъзолари ҳозир бўлишини истайман, деган эдим-ку, а? Янги одам ҳаммани қаноатлантирадими-йўқми билишни хоҳлайман, деб айтган эдим-ку, а? Ўйингоҳга атайин ўша вақтга буюртма берганман, деб таъкидлаган эдим-ку, а? Сен эса иштирок этмасликка аҳд қилибсан!

- Иштирок этмасликка аҳд қилибман?! - овоз кўтарди Гарри, жамоа сардорининг адолатсиз айблаганидан аччиқланиб, - Мени Амбриж, Ўзинг-Биласан-Ким ҳақида ҳақ гапни айтганим учун жазога тортди!

- Ундай бўлса, ҳузурига бориб, жума куни сени қўйиб юборишига эриш, - буюрди Ангелина, - Бунга қай тарзда эришасан, мени қизиқтирмайди. Менга қолса, Ўзинг-Биласан-Ким касал тасаввуринг ҳосиласи эканлигига иқрор бўл! Энг муҳими, тайинланган вақтда ўйин майдонига етиб кел!

Ангелина шартта бурилди-да, нари кетди.

- Назаримда, - деди Гарри, Катта Залга кириб борар экан, Рон билан Гермionaга қараб, - Захира «Гўдаксон Юнайтед» квидиш жамоасига расмий сўроқ йўллаб, бўлиб ўтган сўнги ўйин мавсумида Древ ўлиб-нетиб қолган-қолмаганини суриштириб билиш керак. Негаки, унинг руҳи Ангелинанинг танасига кириб, астойдил жойлашиб олган кўринади.

- Хўш, нима деб ўйлайсан, Амбриж холанг сени жума куни қўйиб юборадими? - шубҳа ила сўради, гриффиндорчилар дастурхонига астойдил жойлашиб олган Рон.

- Амри маҳол, - маъюс оҳангда жавоб қайтарди Гарри, ликопига бузоқ гўшtidан тайёрланган котлет солиб, - Лекин... сўраганининг айби йўқ-ку, тўғрими? Уриниб кўрсам зиён қилмайди. Жума кунги жазо ўрнига қўшимча икки кун қўшиб беришини сўрайман... ёки шунга ўхшаш бирон нима... - фикр билдирди у, оғзига картошка солиб, - Умид қиламан-ки, бугун мени узоқ ушлаб қолмайди. Уйга бир дунё вазифалар берилганини тушунса керак, ахир? Бир эмас учта иншо ёзиш керак, Макгонагалл учун ғойиб қилиш афсунини ўзлаштириш керак, Флитвик учун афсунга қарши афсун топиш керак, дарахт алвастисининг расмини охирига етказиш керак. Бу ҳам камлик қилгандай, Трелани учун анави аҳмоқона кундаликни юрита бошлаш керак.

Рон инграб юбориб, сирли равишда шифтга қараб қўйди.

- Бундан ташқари, ёмғир ёғадиган кўринади.

- Уйга берилган вазифалар бажарилишига ёмғирнинг нима дахли бор? - ҳайрон бўлиб, қошини кўтарди Гермiona.

- Ҳеч қандай, - шу заҳоти жавоб қайтарди Рон, қулоғи қизариб.

Соат бешда Гарри ўртоқлари билан хайрлашиб, учинчи қаватга, Амбрижнинг хизмат хонаси томон йўл олди. Эшик тақиллатиб, ичкаридан ширин-шакар оҳангда айтилган «Киринг» сўзини эшитди.

Гарри, соҳиблари ҳар йили ўзгариб, уч киши хўжайинлик қилган ушбу хонага муқаддам кириб юрган. Хусусан, Сверкароль Чаруальд ўқитувчилик қилган даврда хона деворларига тишининг оқини кўрсатиб турган ўқитувчининг портретлари осилган, Люпин ўқитувчилик қилган кезларда ёвуз сеҳр вакиллари саналадиган ғалати махлуқлар қамалган қафас ва аквариумлар билан жиҳозланган, сохта Хмури даврида эса маконда қарор топган ёлғон, фитна ва шу каби, бошқа номақбул ниятларни қайд этадиган турли-туман детекторлар-у, ускуналарга тўлиб тошган эди.

Ҳозир хона таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Четига жимжима жияк адипланган ҳар хил дастурхон, сочиқ ва чойшаблар ҳамма жойга ташланиб, ёзиб чиқилган. Айрим сочиқлар устида қуриган гул солинган вазалар турибди. Хона деворига нақшланган ликопчалар коллекцияси осилган бўлиб, ҳар бир ликопга биттадан, бўйнига тукининг рангига мос бант боғлаб қўйилган ҳолатда ёрқин ранглар бериб солинган мушукча расми тасвирланган. Мушукчалар шу қадар жирканч кўринмоқдаки, Гарри уларга, токи эътиборини профессор Амбриж ўзига жалб этгунга қадар донг қотиб қараб қолди.

- Хайрли кеч, мистер Поттер.

Чўчиб кетган Гарри овоз чиққан томон қараб, дастлаб гулли дастурхон ёзилган стол ортида ўтирган, эгнига дастурхон гулига монанд коржомо кийган ўқитувчини танимади.

- Хайрли кеч, профессор, - зўриқиб жавоб қайтарди Гарри.

- Ўтиринг, - амр этди профессор Амбриж, тўқима тўр ёзилиб, устига афтидан, Гарри учун тайёрлаб қўйилган пергамент варағи ётган кичик стол ортидаги сўянчиғи тик курсини кўрсатиб.

- Э-м, - мубҳам овоз чиқарди Гарри, турган жойидан қўзғалмай, - Профессор Амбриж... Э-э... иш бошлангунга қадар... мен, сиздан... бир илтифот кўрсатишингизни илтимос қилмоқчи эдим.

Профессор Амбриж бақа кўзини қисиб қаради.

- Шундай денг?

- Ҳа... Қисқаси... Мен, «Гриффиндор» квидиш жамоасининг аъзосиман. Жума куни жамоа таркибига янги Қўриқчи саралаб олиш учун синов тадбирлари бўлиб ўтади. Ўша кунни ўтказиб юбориб, бошқа куни келсам бўладими-йўқми, билмоқчи эдим.

Гарри ҳали гапини тугатмай, умиди пучга чиққанини аниқ сизди.

- Йўқ, - табассум учун оғзини икки ёнга кенг йирди профессор Амбриж, мазали пашшани ютиб, лаззатланган бақа қиёфасини ясаб, - Йўқ, йўқ, йўқ, мистер Поттер. Сиз, атрофдаги одамларнинг диққат-эътиборини ўзингизга жалб қилиш мақсадида жирканч миш-миш гапларни бадният тарқатганингиз учун жазога тортилдингиз. Айбдор шахс эса табиийки, тайинланган жазони ўзи хоҳлаган вақтда ўташга ҳақли эмас. Йўқ, сиз эртага ҳам, эртадан кейин ҳам, шу жумладан, жума куни ҳам, соат бешда шу ерга келасиз ва режалаштирилган жазони ўтайсиз. Ўзингиз учун муҳим ҳодисани ўтказиб юборишингиз ҳам яхши тарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Шундай қилинса, сизга сабоқ бўладиган дарсни пухта ўзлаштириб оласиз.

Гаррининг миясига қон югуриб, қулоғи шанғиллаб кетди. Ҳали шунақами? Жирканч миш-миш гапларни бадният тарқатиб, атрофдаги одамларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилишни ният қилганми?

Бошини ён томон ташлаб олган профессор Амбриж Гаррини хотиржам кузатиб турибди. Афтидан, у, айна пайтда, Гарри нималар ҳақида ўйлаётганини яхши билиб, боз қичқириб беришини кутмоқда. Ўзини базўр идора қилиб олган Гарри, юк халтасини полга, кўрсатилган курси ёнига ташлаб, ўтирди.

- Жуда яхши, - ширин-шакар овозда минғирлади профессор Амбриж, - Қизиққонликни тийишни ҳам ўрганиб олдик, шундайми? Ана энди, мистер Поттер, мен учун муайян сўзларни ёзиб беришингизни илтимос қиламан. Йўқ, пат-қаламингиз билан эмас, - қўшиб қўйди у, бола юк халтасига қўл узатаётганини кўриб, - Сизга ўзимнинг махсус пат-қаламимни бераман.

Аёл Гаррига узун, ингичка, учи ғайриоддий ўткир пат-қалам узатди.

- «Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак» жумласини ёзиб беришингизни истар эдим, - мулойим оҳангда илтимос қилди у.

- Неча маротаба? - деярли ростакан хушмуомала оҳангда сўради Гарри.

- О, ҳаммага маълум ушбу ҳақиқат онгингизга етиб, сингиб кириши учун неча маротаба керак бўлса, шунча маротаба, - минғирлади бақа-аёл, - Марҳамат, бошланг.

Профессор Амбриж ўз жойига ўтириб, афтидан, текшириб чиқилиши лозим бўлган иншолар устида бош эгди. Пат-қаламни кўтарган Гарри, унга нима камлик қилаётганини англаб етди.

- Сиз менга сиёҳ бермадингиз, - деди у.

- О, сиёҳ керак бўлмайди, - майна қилгандай жавоб берди профессор Амбриж.

Қора пат-қаламнинг учини қоғозга сал теккизган Гарри ёзишга киришди: Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак.

Ва шу заҳоти оғриқдан оғзи очилиб қолди. Пергаментга ялтироқ қизил сиёҳ воситасида ёзилган жумла қоғоз сиртида кўринди. Бироқ худди шу жумла қўл кафтининг ташқи томонида, худди жарроҳнинг пичоғи воситасида кесиб ёзилган каби, намоён бўлди. Гарри ҳайрат ила жароҳатга қарар экан, қўлининг тери қопламаси сал қизарганча, ўз ҳолатига қайтиб, яна силлиқ бўлиб қолди.

Гарри Амбрижга юзланди. Аёл ҳам бақа оғзини кенг йирганча, болага бақрайиб ўтирибди.

- Хўш?

- Ҳеч нима, - паст овозда жавоб қайтарди Гарри.

Бола пергаментга юзланиб, пат-қаламни қоғозга яқин келтирди-да: «Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак» сўзларини такрор ёзди. Кўзга кўринмас пичоқ унинг қўлини яна кесиб, худди шу жумлани кафтининг ташқи томонига битди. Яна ўша оғриқни ҳис этиб, жароҳатнинг бир неча сония ичида битиб кетганини кузатди.

Хона деразасидан ташқарида қош қорайгани кўринмоқда. Гарри қачонгача ўтириши мумкинлигини сўрамади. Соатга ҳам қарамади. Амбриж ундан айна шуни, яъни иродасизлигини

намоён этишини кутаётганини жуда яхши англаб турибди. Бироқ йигитча тунни билан қўл кесиб ўтирса ўтирадики, бақа-аёлга бундай ҳузур бағишламайди... Орадан, Гаррининг назарида, мангулик ўтгач, Амбриж амр қилди:

- Ёнимга келинг.

Гарри ўрнидан турди. Жароҳати битган, бироқ тери қопламаси яллиғланганча қолган қўли зирқирамоқда.

- Қўлингизни узатинг, - буюрди Амбриж.

Гарри қўлини кўрсатди. Профессор қадимий, ниҳоятда хунук узуклар тизилган ёғ босган калта бармоқлари билан оғриётган жойни пайпаслашга киришди. Гарри ҳазар титроғини базўр тийиб турди.

- Ҳа, дарсимиз ҳали етарлича сабоқли ўтмаган кўринади, - иршайди Амбриж, - Ҳали вақтимиз бор, шундай эмасми? Эртага кечқурун яна ўша вақтда. Ҳозир эса бўшсиз.

Гарри лом-мум демай хонани тарк этди. Мактаб бўм-бўш бўлиб, атрофда сукунат қарор топган. Афтидан, вақт ярим кечадан ўтган кўринади. У йўлаклар бўйлаб аста одимлаб кетди. Шундан сўнг, муюлиш ортига ўтиб, бақа-аёл унинг қадамларини эшитмаслигига ишонч ҳосил қилгач, югуриб кетди.

\*\*\*

Ғойиб қилиш афсунини машқ қилишга ҳам, туш кундалигига бирон-бир сатр ёзишга ҳам, дарахт алвастисининг расмини чизишга ҳам, иншо ёзишга ҳам, Гаррининг вақти бўлмади. Эрталаб нонуштадан воз кечиб, биринчи соатда ўтадиган башорат дарси учун каравотида ўтирганча, тезлик билан бир жуфт бўлса ҳам, туш ёзишга киришди. Умумий меҳмонхонага тушган Гарри ҳурпайиб, фикри равшанлашиб кетишига умид қилганча, олазарак бўлаётган Рон ҳам шу иш билан банд эканлигини кўриб, таажжубланди.

- Кеча оқшом нега ёзмадинг? - сўради Гарри.

- Бошқа ишим бор эди, - мубҳам ғудуллади Рон, пергамент устига энгашганча, алланима ёзиб.

Гарри кеча тунда ётоқхонага қайтганида Рон тарашадай қотиб, ухлаб ётган эди.

- Етади унга, - хулоса қилди Рон, кундалигини ёпиб, - Тушимда ботинка харид қилганимни ёздим. Ўйлайман-ки, Трелани бирон-бир фожиали таъбир кўрмайди бунда.

Икковлон шоша-пиша Шимолий минора томон йўл олди.

- Айтгандай, Амбриж билан оқшом қалай ўтди? - қизиқди Рон, - Нима иш бажаришга мажбур қилди?

- Ёздирди, - жавоб берди Гарри бироз иккиланиб.

- Ҳеч қиси йўқ. Бундай ишдан одам ўлмайди.

- Ҳм.



- Ҳа-я! Ёдимдан кўтарилибди... Жума куни қўйиб юборадиган бўлди-ми?

- Йўқ, - бош чайқади Гарри.

Рон эзилиб, инграб қўйди.

Гарри учун яна бир қабих кун бошланди. Ғойиб қилиш афсунининг ижросини машқ қилмагани учун бир нарсани бошқа нарсага айлантириш дарсида ҳаммадан ёмон натижа кўрсатди, дарахт алвастисининг расмини ниҳоясига етказиш учун эса тушлиқдан ҳам воз кечишига тўғри келди. Шу аснода, профессорлар Макгонагалл, Гниллер-Планк ва Зловестра уйга яна бир олам янги вазифалар беришди. Буларнинг барини бажара олишига Гаррининг кўзи етмайди. Бу ҳам камлик қилгандай, кечки овқат вақтида Гаррининг саралаш синовларида иштирок этмаслигидан хабар топган Ангелина Жонсон жамоа Сайёдининг ишга бундай ёндашаётгани унга ёқмаётгани, жамоа таркибида қолишга умид қилган ҳар бир ўйинчи квидиш машқларини ҳар қандай бошқа машқдан устун кўриши шарт эканлигини айтиб, боз ўшқириб берди.

- Жазога тортилганим учун мен айбдорми? - бақириб берди Гарри, Ангелинанинг кетидан, - Анави қари қурбақа билан ўтириш менга ёқади, деб ўйлайсан-ми?

Сўнг ўрнига бемажол ўтириб, стейк ва буйрақдан тайёрланган пирокка иштаҳасиз қараб қолди.

- Хайриятки, матн ёзишга мажбур қиляпти холос, - тинчлантирган бўлди Гермiona, - У қадар қаттиқ жазо эмас...

Гарри оғиз жуфтлади-ю, фикридан қайтиб, бош ирғиб қўя қолди. Амбрижнинг хизмат хонасида нималар бўлаётганини дўстларига айтиб бермаганининг сабабини, Гарри, ўзига ўзи аниқ тушунтириб бера олмайди-ю, бироқ уларнинг юзларида акс этадиган даҳшат қиёфасини кўришни истамаслиги, агар улар ачинишса, ўзини баттар ҳис этиб, навбатдаги синовни қарши олиши мушкул кечишини аниқ билади. Бундан ташқари, буларнинг бари Амбриж иккаласининг иши, аллақандай сирли кимўзди эканлигига ишончи комил бўлиб, кимгадир арз қилганини эшитса, Амбриж шубҳасиз қувонишини билар эди.

- Шунча вазифа беришганига бовар қила олмаяпман, - деди Рон, бахтсиз оҳангда.

- Нега кеча оқшом дарс тайёрламадинг? - сўради Гермiona, - Умуман айтганда кеча қаерда эдинг?

- Мен-ми... Ҳа, шунчаки... Сайр қилишни истаб қолдим, - муҳмал жавоб қайтарди Рон.

Шунда Гарри сир тутадиган гапи бор одам ёлғиз ўзи эмаслигини аниқ тушунди.

\*\*\*

Иккинчи оқшом Амбриж ўзини биринчи оқшомга нисбатан яхши тутмади. Гаррининг кафтидаги тери қопламаси нисбатан таъсирчан бўлиб қолиб, қизариб кетганча, яллиғланиб қолди. Тери қопламаси ўз ҳолатига жазо бошида қанчалик тез қайтган бўлса, жазонинг охиригача шу қадар тез битиб боришига Гарри шубҳа қила бошлади. Тез орада жароҳатнинг битиш жараёни тўхтагач, Амбрижнинг кўнгли тўлса керак, хаёлдан ўтказди у. Йигитча ўқитувчининг хизмат хонасида оғриқдан бақириш, инграшни ўзига эп кўрмади, фақат хонага кириб келганда «хайрли оқшом»,

чиқиб кетаётганида эса «хайрли тун» сўзларидан бошқа, лом-мим демади. Худди кечагидай, Амбрижнинг хонасидан тун ярмидан ўтганда чиқиб кетди.

Уйга берилган вазифалар масаласидаги ишлар ҳолати аянчли бўлиб бормоқда. Бинобарин, Гарри, ўларча толиққан бўлишига қарамай, «Гриффиндор» минорасига қайтгач, китобларини олиб, ойтошга доир иншо ёзишга киришди. Иншони кечаси соат бир яримда ниҳоясига етказа олди. Ёмон ёзганини билади, бироқ илож қанча, йўқдан кўра бори. Акс ҳолда Снег ҳам унга жазо тайинлайди. Иншодан сўнг, профессор Макгонагаллнинг саволларига жавоб тайёрлаб, дарахт алвастиси билан муомала қоидаларини ёзиб чиққач, тебранганча, ётоқхонага кириб борди. Каравотига етиб, ечинмай ўзини кўрпага ташлади-да, шу заҳоти қотиб ухлаб қолди.

\*\*\*

Пайшанбани Гарри толиққан девона каби, ўтказди. Сабабини Гарри англаб етмаса-да, Рон ҳам юрган йўлида ўлакка пашшадай юрибди. «Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак» сўзлари Гаррининг кўлидан ғойиб бўлмагани, жароҳатдан вақти-вақти билан қон томчилари сизиб чиқа бошлагани билан жазонинг учинчи куни муқаддам ўтган икки кундан фарқ қилди. Пат-қаламнинг бир маромда ёғирлашлари орасида танаффус юзага келганда, профессор Амбриж бошини кўтарди.

- Оҳ, - деди мулойим овозда у, ёзув столини айланиб ўтиб, Гаррининг кўлини кўздан кечирар экан,  
- Жуда соз. Бу сенга яхшигина эслатма сифатида хизмат қилади, тўғрими? Бугунга етар.

- Шундай бўлса ҳам, эртага келай-ми? - сўради Гарри, оғриётган ўнг кўлини қийнамай, чап кўли билан полда ётган юк халтасини олиб.

- Албатта, - оғзини илгари йиргандан баттар кенг йирди профессор Амбриж, - Албатта. Назаримда, таассурот унутилмас бўлиб қолиши учун яна бир кеча тиришқоқлик-ла меҳнат қилишинг даркор.

Муқаддам Гарри ҳеч кимдан Снегдан нафратлангандай нафратланмаса керак, деб юрган эди. Бироқ «Гриффиндор» минораси томон борар экан, Северуснинг ўрнини боса оладиган муносиб номзод топилганини тан олишга мажбур бўлди. Бақа-аёл – дажжолдир, хаёлдан ўтказди у, зинапоя бўйлаб еттинчи қаватга кўтарилар экан, баттол, бузуқ, миясини еб қўйган қари...

- Рон?

Зинапояннинг юқори майдончасига етиб, ўнг томон бурилган Гарри кўлига супурги ушлаб, Ўзгарувчан Лохлан ҳайкали ортига бекиниб олган Рон билан тўқнашиб кетишига бир баҳя қолди. Гаррини кўриб, ҳайратдан бир сапчиб тушган Рон янгигина «Соф ғалаба 11» русумли супургини орқасига яширишга уринди.

- Сен нима қилипсан бу ерда?

- Мен-ми?... Ҳеч нима. Сен-чи?

- Қўйсанг-чи, Рон, - қошини чимирди Гарри, - Менга айтишинг мумкин-ку! Кимдан бекиняпсан?

- Мен-ми... Фред билан Жорждан, агар билишга шунчалик қизиқаётган бўлсанг, - деди Рон, - Иккаласи ҳозиргина бир гала биринчи синф ўқувчиларини етаклаб кетишди. Афтидан, улар яна синов ишларини ўтказишмоқчи шекилли. Айтмоқчиман-ки, умумий меҳмонхонада Гермiona бор экан, ўз қилмишларини амалга ошира олишмайди...

Рон негадир жуда тез, безгак тутгандай, сўзлари бўғзига тиқилиб гапирмоқда.

- Супурги нимага керак бўлиб қолди сенга? Учдинг-ми? - сўради Гарри.

- Мен... ҳам... ҳўп, майли, сенга айтсам айта қолай. Фақат кулма, бўпти-ми? - ўзини оқлаган оҳангда жавоб қайтарди Рон, ҳар сония ўтган сари қизариб, - Модомики, арзигулик супургим бор экан, жамоа таркибига киришга уриниб кўрсам бўлади, деган фикрга бордим. Ана шунақа. Бўлди. Кулишинг мумкин.

- Нега энди кулишим керак? - ҳайрон бўлди Гарри, кўзи пирпираб турган Ронга қараб, - Бу жуда яхши фикр! Сени жамоага олишса, зўр иш бўлади! Тўғри, Қўриқчи сифатида ўйнаганингни кўрганим йўқ, албатта. Яхши ўйнайсан-ми?

- Ёмон эмас, - деди, Гаррининг кулмаганидан ўзини анча енгил ҳис қилгани аён кўринган Рон, - Таътил даврида ўйнаганимизда Чарли, Фред ва Жорж мени доимо Қўриқчи қилиб қўйишади.

- Бундан чиқди, бугун машқ қилибсан-да?

- Сешанба кунидан буён ҳар кеча... якка ўзим. Квафлни, мен томон учиши учун сеҳрлашга уриниб кўрдим, бироқ бу иш осон кечмади. Бинобарин, бундай машқлар наф беришига шубҳа қиламан, - деди асабийлашган Рон, ташвиш тортиб, - Синовдан ўтиш учун борсам, Фред билан Жорж кулавериб, ичаклари узилиб кетса керак. Синфбоши этиб тайинланганимдан буён, иккаласи менга тинчлик бермайди.

- Эссиз, синовда бўла олмайман, - деди Гарри, икковлон «Гриффиндор» минораси томон йўл олар экан, маъюс оҳангда.

- Ёнимда бўлсанг, яхши бўлар эди... Қўлингга нима қилди, Гарри?

Бурнини қашиб олиш учун бўш қўлини кўтарган Гарри, шу заҳоти уни яширишга уринди. Бироқ Рон чаққонлик қилиб, билагини тутиб олди.

- Кесиб олдим... арзимаган жароҳат... битиб кетади.

Рон Гаррининг қўлини кўзига яқинроқ келтирди. Орага сукунат чўқди. Тирсакнинг тери қопламасига кесиб битилган жумлани ўқиган Рон дастлаб таажжубланиб, сўнг оғриқ ҳис этгандай инграб, Гаррининг қўлини бўшатди.

- Ёзишга мажбур қияпти холос, деган эдинг-ку?

Нима қилишни билмай қолган Гарри бироз сукут сақлаб турди-да, модомики, Рон ўз сирини очган экан, демак у ҳам шундай иш тутишга аҳд қилиб, бор гапни айтиб берди.

- Қари ажина! - хитоб қилиб юборди Рон, жаҳл-ла пичирлаб, - Томи кетиб, руҳий касал бўлиб қолган кўринади. Сен Макгонагаллнинг ҳузурига бориб, бор гапни айтиб беришинг керак.

Бу вақтда икковлон бошини портрет рамасига суяб олганча, тинчгина мизғиб ётган Семиз Холанинг рўпарасига етиб қолди.

- Йўқ, - рад этди Гарри, - Амбрижга бундай ҳузурни ҳадя этмайман! Акс ҳолда менинг устимдан ғалаба қозонган бўлади.

- Ғалаба қозонган? Лекин бу ишни шундайлигича қолдириб бўлмайди!

- Хўп, бориб арз қилдим, дейлик. Нима қила олади Макгонагалл? - шубҳа ила сўради Гарри.

- Ундай бўлса, Дамблдорнинг ҳузурига бор!

- Йўқ, - рад этди Гарри, мағрур қиёфа ясаб.

- Нима учун?

- Шундоқ ҳам унинг иши бошдан ошиб ётибди, - деди Гарри.

Бироқ бундай таклифни рад этишининг асл сабаби бошқа: июнь ойдан буён гаплашмай қўйган кишининг олдига ёрдам сўраб бормайди.

- Назаримда сен... - гап бошлади Рон.

Лекин унинг гапини уйқуси бузилиб, анчадан буён иккаласига баджаҳл қараб турган ва ниҳоят тутатиб кетган Семиз Хола бўлиб юборди:

- Пароль айтиш нияларинг борми? Ёки мен туни билан иккалангнинг бемаъни суҳбатингни эшитиб ўтиришим керакми?

\*\*\*

Жума тонги, ушбу ҳафтанинг олдинги кунлари отган тонглар каби, ҳазин ва рутубатли кечди. Катта Залга кирган Гарри беихтиёр ўқитувчилар столи томон қараб қўйди. Умуман айтганда, нонушта қилиб ўтирган Хагридни кўришга умид қилмай қўйди. Шунинг учун бўлса керак, унинг фикр-хаёли шу заҳоти нисбатан долзарб муаммолар, хусусан, ҳажми кундан кунга ортиб бораётган уйга берилган вазифалар ва кўз олдидан кетмаётган сўнгги жазо кунига кўчди.

Бугун иккита ҳолат унинг бардам бўлишига омил бўлади: биринчидан, дам олиш кунлари яқин келиб қолди, иккинчидан, оқшом ҳар кунгидай азобли ўтишига қарамай, Амбрижнинг хизмат хонасидаги деразадан квидиш майдонининг муайян қисми кўриниб туради ва агар омади чопса, кўзининг қири билан Роннинг синовдан ўтишини кўра олади. Бундай таскин анча суст бўлгани билан... Хуллас, Гарри, атрофида тўпланиб қолган зулматни сал бўлса-да, ёриштирадиган ҳар қандай нарсага миннатдорлик-ла қарамоқда. Ҳали ҳеч қачон ўқув йилининг биринчи ҳафтаси бундай мудҳиш ўтмаган.

Кечқурун соат бешда Гарри Амбрижнинг эшигини сўнгги бор тақиллатди. Ҳар қалай у шундай бўлишига умид қилади. Тўқима тўр ёзилиб, устига пергамент варағи ва узун, ингичка, учи ғайриоддий ўткир пат-қалам Гаррини ҳар кунгидай кутиб турибди.

- Нима қилишни ўзингиз биласиз, мистер Поттер, - ширин-шакар тиржайди Амбриж.

Гарри қўлига пат-қаламни олиб, дераза томон қараб қўйди. Ўнг томонга бир дюйм бўлса ҳам, силжиб олса... У ўзини худди қулайроқ ўтириб олишга уринаётган кўйга солиб, курсини силжитди. Ана энди унга ўйингоҳ узра учиб юрган «Гриффиндор» жамоаси ва учта узун хода остидаги, афтидан, ўз навбатини кутаётган қора шарпалар кўринмоқда. Улардан қайси бири Рон эканлигини бундай узоқ масофадан таниб олиш қийин кечади.

Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак, ёзди Гарри. Тирсақдаги жароҳат очилиб, қон кўринди.

Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак. Жароҳат чуқурлашиб, ловуллаш бошлади.

Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак. Билақдан қон сизиб чиқди.

Гарри яна бир бор деразага қаради. Аини пайтда ҳалқаларни ҳимоя қилаётган номзод, ўз ишини ниҳоятда нўноқ бажармоқда. Гарри жумла ёзишдан тўхташга журъат этган бир неча сония ичида Кэтти Белл иккита гол уришга муваффақ бўлди. Қўриқчи бўлиб турган бола Рон эмаслигига умид боғлаган Гарри, нигоҳини қондай қизил ҳарфлар ила ёрқин ялтираб турган пергаментга боз қаратди.

Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак.

Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак.

Амбриж пат-қаламини ғижирлатган, ёзув столининг тортмасини тортиб очган каби, қулай фурсат туғилиши билан Гарри деразадан ташқарига қараб борди. Учунчи номзод жуда яхши ҳаракат қилди, тўртинчиси, аксинча, қўлидан ҳеч нима келмади, бешинчиси Тажовузкорнинг ҳамласига чаққонлик-ла чап берди-ю, аҳмоқона хатоликка йўл қўйиб, рақибга мудофаани ёриб ўтишга имкон берди. Қош тез қорайиб, олтинчи ва еттинчи номзоднинг хатти-ҳаракатларини кўра олишга Гарри иккиланиб қолди.

Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак.

Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак.

Пергамент қонга беланиб, қўл қаттиқ оғриди. Гарри нигоҳини яна бир бор пергаментдан узганида, ташқарини зулмат қоплаб, квидиш майдони кўринмай қолди.

- Хўш қани, ёзилган жумла маъносини идрок этдингиз-ми, йўқми кўрайлик-чи, - ярим соат ўтгач, эшитилди Амбрижнинг мулойим овози.

Бақа-аёл боланинг ёнига келиб, кафтига чекиб битилган сўзларни ўқиш учун бўйнини чўзди. Калта бармоқларини теккизиши билан Гарри ниҳоятда кучли, тешиб юборгудай оғриқни ҳис этди. Фақат оғриқ қўлда эмас пешонасидаги чандиқда сезилиб, қорин соҳасида ҳам қандайдир ғалати нарса бўлиб ўтди.

Гарри қўлини қўрслик-ла тортиб олиб, Амбриждан кўзини узмай, шартта оёққа қалқиб турди.

- Оғрияпти-ми? - юмшоқ оҳангда сўради бақа-аёл ҳам, кўзини Гарридан узмай, солқиган оғзини энли очганча иржайиб.

Юраги тез ва кучли ура бошлаган бола саволни жавобсиз қолдирди. Нимани назарда тутяпти? Қўлними ёки чандиқни?

- Хўш, мистер Поттер, ўйлашимча, сизга етказмоқчи бўлган фикрни етказа билдим. Бўшсиз.

Гарри юк халтасини чангаллаб олдида, хонани имкон қадар тез тарк этди.

Тинчлан, деди ўзига ўзи Гарри, зинапоядан югуриб кўтарилар экан, ўзингни бос, эҳтимол бу сен ўйлаган нарса эмасдир...

- Мимбулюс мимблетония! - базўр нафас ростлаб, Семиз Холага мурожаат қилди у.

Портрет тўйнуқни очиши билан қулоқни қар қилиб юборгудай шовқин эшитилди. Қўлига ҳузур-лаззат ичимлиги қўйилган қадаҳ ушлаб олган бахтиёр Рон югуриб келиб, Гаррини қарши олди.

- Гарри! Мени қабул қилишди! Мен – Қўриқчиман!

- Нима? О-о! Жуда соз!

Гарри имкон қадар қувончли қиёфа касб этишга уринди. Бироқ унинг юраги ҳалигача қутуриб кетгандай уриб, қўли қонамоқда.

- Ҳузур-лаззатдан ичиб ол, - деди Рон, шиша узатиб, - Қулоқ сол, ҳанузгача ишонгим келмайди... Ҳа, айтгандай, Гермиона қани?

- Ана у, - кўрсатди Фред, қўлидаги ҳузур-лаззат шишаси билан.

Камин яқинидаги креслода ўтирган Гермиона қўлига хавфли оғиб қолган стаканни ушлаб олганча, мизғимоқда.

- Умуман айтганда, ушбу янгиликни эшитган фурсатда роса суюниб кетган эди, - эсанкираб ғудуллади Рон.

- Тек қўй, бироз ўхлаб олсин, - шоша-пиша таклиф киритди Жорж.

Гарри эгизаклар ёнида ивирсиб юрган айрим биринчи синф ўқувчиларининг бурнидан яқиндагина қон оқиб тўхтаганини кўриб қолди.

- Бу ёққа кел, Рон, - чақирди Кэтти Белл.

Рон Кэтти томон равона бўлди.

- Оливернинг эски спорт кийими сенга тўғри келиш-келмаслигини кўрамиз. Тўғри келса, сиртига битилган исми ўзгартириш керак бўлади холос...

Гаррининг ёнига Ангелина яқинлашди.

- Поттер, сен билан қўпол гаплашганим учун маъзур санайсан, - гап бошлади у, қўлидаги қадаҳ ўзра Ронга қараб, - Ўзинг тушунасан, жамоага сардорлик қилиш кучли руҳий зарбадан бошқа нарса эмас. Древга нисбатан адолатсиз муносабат билдирганимни энди англаб етмоқдаман. Қулоқ сол, Гарри. Рон қадрдон дўстинг эканлигини яхши биламан... лекин уни зўр ўйинчи, деб ҳам бўлмайди, - киноясиз баёнот қилди Ангелина, - Шундай бўлса ҳам, талаб даражасида машқ қилса, ишлар жойида бўлишига ишончим комил. Ҳар қалай оила аъзоларининг барчаси квидишни зўр ўйнашади. Бугун Вики Фробишер ҳам, Жеффи Хупер ҳам Рондан кўра яхши ўйнашди. Бироқ Хупер

табиатан бўлар-бўлмас нарсага нолийдиган одам бўлса, Вики ўз зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклаб олган. Турли йиғилишлар, ҳар хил жамиятлар фаолиятида иштирок этиш ва шунга ўхшаш ишлари бор унинг. Агар квидиш машқлари афсунгар қизлар тўғарагидаги фаолиятига тўсқинлик қилса, тўгаракни афзал кўришини бошидан айтиб қўйди. Хўп майли, нима қилганда ҳам, эртага соат иккида машқ қиламиз. Лutfан таклиф қиламан. Сендан илтимос, Ронга қўлдан келганча ёрдам бергин, хўпми?

Гарри бош ирғиди. Ангелина Алисия Спиннет томон, Гарри эса Гермiona томон йўл олди. Гарри креслонинг ёнига келиб, юк халтасини полга қўйган эди ҳам-ки, Гермiona уйғониб кетди.

- О, Гарри, сенмисан... Рон ҳақидаги янгиликни эшитдинг-ми? Зўр иш бўлибди, а? - сўради у, эснаганча, бўшашган овози билан, - Бира... бира... бирам чарчадим-ки. Кечаси соат биргача ўхламай, дўппича тўқиб чиқдим. Жуда тез ғойиб бўляпти!

Гарри атрофга қараб, ҳамма жойга эльфлар ўзи билмаган ҳолда қўлга оладиган даражада ниқобланган дўппичаларни кўрди.

- Боплабсан, - паришонхотирлик-ла жавоб қайтарди Гарри.

Агар ҳозир ичидаги гапни айтмаса, ёрилиб кетишига шубҳа қилмаган Гарри, уйқусираб ўтирган Гермionанинг эътиборини ўзига жалб этди.

- Қулоқ сол, Гермiona. Мен ҳозиргина Амбрижнинг ҳузурида эдим. У менинг қўлимни ушлаши билан...

Гермiona Гаррининг ҳикоясини диққат билан тинглаб, охири хулоса чиқарган бўлди:

- Ўйлайсан-ки, унинг хатти-ҳаракатларини Ўзинг-Биласан-Ким худди бир вақтлар Белканинг ҳаракатларини бошқарган каби, бошқаряпти-ми?

- Аммо, - Гарри овозини пасайтирди, - Бундай ҳолатни рад этиб ҳам бўлмайди, тўғрими?

- Эҳтимол, - шубҳа қилган оҳангда жавоб қайтарди Гермiona, - Фақат у Амбрижнинг танасини рostaкамига эгаллаб олган, деган хаёлга бормайман. Ахир у ҳаётга қайтиб, ўз танасига эга бўлиб олди-ку. Бировнинг танаси энди унга керак эмас. Фикримча у, Қарам қилиш қарғиши ила иш тутаётган бўлса керак.

Икковлон маълум вақт сукут сақлаб ўтирди. Гарри ҳузур-лаzzат ичимлигидан бўшаган шишалар билан жонглёрлик қилаётган Фред, Жорж ва Ли Жорданнинг қилиқларини томоша қилди.

- Ўтган йили чандиғинг, сенга ҳеч ким қўл теккизмаган бўлса ҳам оғриган эди. Дамблдор, ушбу ҳолатни Ўзинг-Биласан-Ким бошдан кечирган ҳис-туйғулар билан боғлиқ бўлган, деб изоҳлади. Айтмоқчиман-ки, оғриқ Амбриж билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Сен айтиб берган ҳолат тасодиф бўлиб, айнан унинг ҳузурида бўлганинда рўй бергандир, а?

- У баттол аёл, - ифодасиз жавоб берди Гарри, - Томи жойида эмас.

- У ёмон одам, албатта, бироқ... Гарри, назаримда сен чандиғинг тўғрисида Дамблдорга айтиб беришинг керак.

Қизиқ, Дамблдорға мурожаат қилишни сўнгги икки кун ичида иккинчи мартаба маслаҳат беришяпти, хаёлдан ўтказди Гарри. Шунга қарамай Гермионага кеча Ронга қайтарган жавобни қайтарди.

- Ҳар хил бемаъни нарсалар билан уни ташвишга солмоқчи эмасман. Ўзинг айтгандай, бу ҳолат у қадар хавфли эмас. Чандиғим ёз бўйи оғриб келган... Фақат бугун одатдагидан сал кучлироқ оғриди холос, бор гап шу...

- Гарри, ишончим комилки, Дамблдор чандиғинг билан ташвишга солишингни жуда истайди...

- Тўғри, - деди Гарри, ўзини боса олмай, - Бу уни қизиқтирадиган ягона нарса.

- Ундай дема, нотўғри фикрга боряпсан!

- Яхшиси Сириусга ёзаман, қани кўрамиз, нима дер экан у...

- Нималар деяпсан, Гарри, бу ҳақда ёзиб бўладими? - хавотирга тушиб қолди Гермиона, - Хмурининг эҳтиёт бўлиш кераклигига доир берган йўриғини унутиб қўйдинг-ми! Бойқушлар йўлда тутиб олинмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди-ку!

- Яхши, яхши, ёзмайман! - аччиқланди Гарри, ўрнидан туриб, - Мен бориб ётаман. Ронга ўзинг айтиб қўярсан, хўпми?

- Ҳеч ҳам-да, - деди Гермиона, енгил тортиб, - Сен кетар экансан, демак мен ҳам одобсиз кўринмай, кетишим мумкин. Ниҳоятда чарчадим. Эртага эса янада кўпроқ дўппича тўқишим керак. Агар истасанг, менга ёрдам беришинг мумкин. Умуман айтганда, бу жуда қизиқ машғулот. Тажрибам ошиб, энди дўппичага ҳар хил нақш бера оламан, шиш қўша оламан ва ҳоказо.

Гарри Гермионанинг иштиёқ-ла яшнаб кетган юзига қараб, таклифни атрофлича ўйлаб кўраётган қиёфа касб ясашга уринди.

- М-м... Йўқ, раҳмат, ёрдам бера олмасам керак, - рад этди у, - Ҳар қалай эртага эмас. Уйга берилган бир олам вазифалар кутиб турибди мени...

Гарри ҳафсаласи пир бўлган Гермионани камин ёнида қолдирганча, ўғил болалар ётоқхонаси томон равона бўлди.

## ЎН ТўРТИНЧИ БОБ. ПЕРСИ ВА ЮМШОҚОЁҚ

Эртасига эрталаб Гарри ҳаммадан олдин уйғониб, пардалар орасида ҳосил бўлган тирқиш орқали чодир ичига сингиб кирган қуёш нурида айланиб кўринаётган чанг зарраларини бир пас томоша қилиб ётди. Бугун шанба эканлиги унга ҳузур-ҳаловат бахш этмоқда. Ҳар қалай семестрнинг сеҳргарлик тарихи дарси каби, зерикарли кечиб, чексиз чўзилиб кетган биринчи ҳафтаси ниҳоясига етди.

Ётоқхонада ҳукм сураётган уйқули вазият, синфдошларнинг бир маромда чуқур нафас олаётгани, қушларнинг узоқдан эшитилаётган шовқини ва қуёш нурининг хиралигига қараганда, тонг эндигина отган кўринади. Гарри чодир пардасини очиб, ўрнидан ирғиб турди. Кийимини кийиб, юк халтасидан пат-қалам ва пергамент ўрамини олганча, пастга, умумий меҳмонхонага тушиб кетди.



Олови аллақачон ўчиб, совиб қолган камин ёнидаги ўзи ёқтирадиган юмшоққина кўҳна креслога астойдил жойлашиб ўтирган Гарри, пергамент ўрамини ёзар экан, атрофга назар солди. Одатда, меҳмонхона полида кечга келиб тўкилиб-сочилиб ётадиган эски шақилдоқлар, ёжимланган қоғоз бўлаклари, турли дамламалардан бўшаган банкалар, ширинлик жилдлари каби, чиқинди уюми тонг отар маҳалгача қандай йўқолиб, хона тартибга келтирилган бўлса, Германионнинг кеча оқшом ҳар ерга қўйиб, астойдил ниқоблаган дўппичалари ҳам худди шу тарзда ёйиб бўлибди. Уй эльфларининг бир галаси ўзи истамаган тарзда ҳурриятга эришганини сал-пал тасаввур қилиб кўрган Гарри сиёҳ қўйилган шиша идишнинг тиқинини суғуриб чиқариб, ичига пат-қаламини ботириб чиқарди-да, сарғиш пергаментнинг теп-текис юзаси устида кўтарганча, чуқур ўй суриб қолди... ва икки-уч дақиқа ўтар-ўтмас, нима ёзишни билмай, бўм-бўш ўчоққа қараб ўтирганини идрок этди.

Ёз давомида уни куфр қилган, маънисиз, тарқоқ баён этилган мужмал шамалар, аллақандай мулоҳазасиз гаплар ёзиб, хат йўллаб боришга мажбур бўлган Рон билан Германиона қандай қийинчиликка дуч келишганини Гарри энди тушуниб етди. Ҳозир Сириусга йўлламоқчи бўлган хатни у қайси алфозда ёзиши керакки, ушбу мактубни йўлда тутиб оладиган бегона одам унинг асл маъносини тушунмасин? Ахир Гарри кўп нарсаларни баён этиши, бир олам долзарб саволлар бериши керак-ку!

Гарри анча вақт нигоҳсиз кўзини каминга қадаб ўтирди. Сўнг, бир илож қилиб хаёлини жамлаб олди-да, пат-қаламни сиёҳдонга боз ботириб, пергамент сиртига қатъият-ла ёза бошлади:

Қадрдоним Дайди!

Умид қиламан-ки, ишларинг жойида. Биринчи ҳафта мен учун ўта мудҳиш ўтиб, ниҳоят дам олиш кунларига ўлмай етиб келганимдан хурсанд бўлиб ўтирибман.

Ёвузлик кучидан ҳимоя фанининг янги ўқитувчиси профессор Амбриж дилраболик бобида онангдан қолишмас экан. Ўша Амбриж тайинлаган жазони ўтар эканман, ўтган йили ёз фаслида сенга нима ҳақида ёзган бўлсам, худди шу ҳолат боз қайталанганини маълум қилиш – сенга хат йўллаётганимнинг асосий сабабидир.

Ҳаммамиз энг йирик дўстимизни соғиндик. Умид қиламизки, у тез орада қайтиб келади.

Хатга жавоб йўллашни пайсалга солма, илтимос.

Яхши тилаклар ила, Гарри.

Гарри хатни йўлда тутиб олган бегона одам ўрнига ўзини қўйиб, мактубни бир неча бор ўқиб чиқди. Гап нима ҳақида бораётгани-ю, кимнинг номига йўлланганини фаҳмига етиш имконини берадиган мазмун топмади. Сириус эса хат маъносини англаб, ўз жавобида Хагриднинг келиш муддатига шама қилишига умид боғлади. Давангир дўстининг зиммасига юкланган вазифага ортиқча қизиқиш уйғотмаслик учун тўғридан-тўғри савол беришга Гарри журъат этмади. Хат қисқа бўлишига қарамай, уни битишга анча вақт сарф этилиб, охирига етганида қуёш нурлари хона ўртасига етди, юқоридаги ётоқхоналардан эса одам овози эшитила бошлади. Пергаментни батартиб ўраган Гарри ўрнидан туриб, девор туйнуғи орқали чиқди-да, бойқушхона томон йўл олди.

- Ушбу йўлақдан юрмасликни афзал билган бўлар эдим, - деди хижолат тортган Деярли Бошсиз Ник, Гаррининг рўпарасидаги девордан чиқиб келиб, - У ерда Дрюзг бор. Парацельс ҳайкали ёнидан биринчи бўлиб ўтадиган одамнинг таъзирини бериш учун ўз табиатига хос ҳазил қилишни ният қилган кўринади. (Парацельс (лот. Paracelsus) (асл исми Филипп Аврелий Теофраст Бомбаст фон Гогенхайм (Гогенгейм), баъзан Хоэнхайм дейилади, лот. Philippus Aureolus Theophrastus Bombast von Hohenheim) 1493 йил 21 сентябрь куни Швейцария таркибига кирадиган Швиц ярим ўлкасининг Айнзидельн шаҳрида туғилган бўлиб, 1541 йил 24 сентябрь куни Зальцбургда вафот

этган машхур кимёгар, шифокор, оккультист ва христиан динига мансуб афсунгар. Металлга «рух (цинк)» номи берилиши айнан Парацельсга мансуб, деб эътироф этилади. Негаки, «цинк» сўзи илк бор Парацельс асарларида учраган бўлиб, ўзининг Liber Mineralium китобида, ушбу металлни «zincum» ёки «zinken» деб атаган).

- Унинг ҳазили одам бошига ўша ҳайкални тушириб юборишдан иборат эмасми, мабодо? - қизиқди Гарри.

- Қанчалик сийқаси чиққан бўлмасин, ҳазил мазмуни айнан шундай, - ўкинчли оҳангда жавоб қайтарди Деярли Бошсиз Ник, - Дрюзг ҳеч қачон ўзига хос нозик дидини намоён эта олмаган. Қонхўр Бароннинг ҳузурига кетяпман... Балким ушбу бетамизликка чек қўя олар... Кўришгунча, Гарри.

- Кўришгунча, - хайрлашди Гарри ва ўнг томон буриш ўрнига, нисбатан узоқ бўлса ҳам, хавфсиз, деб топилган чап томонга бурилиб, бойқушхона томон олган йўлини давом эттирди.

Ўта мовийлик билан ярқираб турган беғубор осмон кўринаётган баланд деразалар ёнидан ўтар экан, боланинг қалби қувончга тўлиб борди: бугун машқ бўлади, ниҳоят у ўйингоҳга чиқади... Нимадир оёғига енгил тегиб ўтди. Пастга қараган Гарри, ёнидан қаср қўриқчисининг ўларча озғин кул ранг мушуги миссис Норрис лип этиб ўтганини кўрди. Жонивор бир жуфт фонусга ўхшаш кўзини Гаррига қаратди-да, бола ҳақида соҳибига билдирув беришга ошиққанча, Толиққан Уилфред ҳайкали ортига ўтиб, ғойиб бўлди.

- Мен шумлик қилаётганим йўқ, - қичқирди Гарри, мушук ортидан, шанба куни бойқушхонага боришга ҳақли эканлигини аниқ билиб.

Деразаларига ойна солинмаган бойқушхонага кирган Гаррининг кўзи қамашиб кетди. Шаклан думалоқ хонани анчагина кўтарилган Қуёшнинг қалин, кумуш тусли нурларидан ҳосил бўлган тўр қамраган. Чордоқ тўсинларида тонг ёруғидан домангир бўлиб, ҳурпайиб олган бир гала қуш ўтирибди. Айримлари тунги овдан эндигина қайтган кўринади. Бошини орқага ташлаган Гарри, майда жониворлар суюгига тўлиб-тошган похол тўшама устида қирсиллатганча юриб, Хедвигни қидирди.

- Вой-бўй, чиқиб олган жойингни қара-я, - деди у, бойқушини гумбаз остида кўриб, - Туш пастга, иш бор.

Бўғиқ гурсиллаб овоз берган Хедвиг оппоқ, йирик қанотини ёзганча пастлаб, соҳибининг елкасига келиб қўнди.

- Хат ҳеч ким танимайдиган Дайди номига ёзилган. Аслида эса Сириусга, тушундинг-ми? - тайинлади Гарри, мактубни қушга узатиб.

Хатни дарҳол тумшуги билан қисиб олган почта бойқуши қаҳрабо кўзини пирпиратиб қўйиб, йўриқни тушунганини англади.

- Ундай бўлса, омад ёр бўлсин, - тилак билдирди Гарри қушни дераза яқинига келтириб.

Хедвиг панжаси билан боланинг елкасини қисиб қўйди-да, кўзни қамаштираётган фалакка кўтарилиб кетди. Гарри, токи миттигина қора нуқтага айланиб, кўздан ғойиб бўлгунга қадар қушни кузатиб турди. Сўнг, Хагриднинг бойқушхона деразасидан яққол кўриниб турган кулбаси томон қараб қўйди. Кулбада ҳеч ким йўқлиги, деразаларига парда тортилганлиги, мўрисидан тутун чиқмаётгани ҳам аниқ кўриниб турибди.

Ман этилган ўрмон дарахтларининг учлари енгил эсаётган шамолда аста чайқалмоқда. Гарри ўрмонга қараб қолганча, бўлғуси квидиш машқи ҳақида ширин орзуларга берилди... Кутилмаганда ўрмон узра қоп-қора, терисимон қанотларини кенг ёзган, ташқи қиёфасидан птеродактилга ўхшаб кетадиган калтакесак-от кўринди. Махлуқ дарахтлар устида катта доира ҳосил қилганча учиб, шохлар орасига боз кириб кетди. Ҳолат шу қадар тез рўй бердики, Гарри ғалати махлуқни ҳақиқатан ҳам кўрганига базўр ишонди. Бунинг ягона исботи – юраги қутуриб кетгандай ура бошлагани.

Дафъатан очилган эшик Гаррини сескантириб юборди. Тез ортга бурилган Гарри қўлида хат ушлаб турган Чу Чэнгни кўрди.

- Салом, - тез кўришди Гарри.

- Вой... салом, - базўр эшиттириб жавоб қайтарди Чу, - Бундай маҳалда бойқушхонада бировни кўраман, деб ўйламаган эдим... Бугун ойимнинг туғилган куни эканлиги ҳозиргина ёдимга тушди, - деди у қўлидаги тугунчани кўрсатиб.

- Тушунарли, - бош ирғиди Гарри.

У гапнинг кифтини келтирадиган бирон-бир қизиқ сўз айтмоқчи бўлди-ю, чиқмади. Кўз олдида гавдаланиб, нари кетмаётган анави хунук учар от қиёфаси миясини поналаб қўйган гўё.

- Тонг ҳавоси ёқимли, шундай эмасми? - ниҳоят хаёлини йиғиб олди у ва шу заҳоти ичидаги нарсалар бир сиқим бўлиб қолгандай туюлди.

Об-ҳаво. Бошқа гапга ўт тушгандай, Чу билан об-ҳаво ҳолати ҳақида суҳбатлашмоқда.

- Ҳа, - маъқуллади Чу, кўзи билан бойқуш танлаб, - Машқ қиладиган ҳаво бўлди. Ҳафта давомида майдонга чиқишга имкон топа олмадим, сен-чи?

- Мен ҳам.

Чу мактаб бойқушларидан бирини танлаб, қўлига чорлади. Итоаткор қуш қизнинг қўлига қўниб, панжасини узатди.

- Жамоангизга янги Қўриқчи танлаб олдиларинг-ми? - қизиқди Чу, бойқушнинг панжасига почта жўнатмасини боғлаб.

- Танладик, - бош ирғиди Гарри, - У менинг дўстим, Рон Уэсли, танисанг керак уни?

- «Торнадос» квидиш жамоасидан нафратланадиган дўстингми? - совуқ оҳангда сўради Чу, - Хўш, ишқилиб яхши ҳимоя қила оладими?

- Яши, - деди Гарри, - Ҳар қалай шундай деб ўйлайман. Синовдан қандай ўтганини кўра олганим йўқ. Жазо ўтаётган эдим.

- Анави Амбриж ниҳоятда жирканч аёл экан, - аста фикр билдирди Чу, - Ҳақиқатни айтганинг, унинг... унинг... унинг ўлими ҳақида рост гапни айтганинг учун жазо тайинлаганини қара-я. Бу гапни энди жамики мактаб билади. Сен довюрак экансан. Амбрижга қарши чиқиб, бопладинг. Гаррининг ичидаги бир сиқим бўлиб қолган нарса шу заҳоти бўшаб, бахтиёрлигидан шишиб кетди. Ҳаттоки, қуш гўнги қоплаган похол узра кўтарилиб кетгандай ҳам бўлди. Жин урсин ўша учар отни! Энг муҳими, Чу унинг довюраклигини эътироф этмоқда! Гарри Чуга почта жўнатмасини бойқуш панжасига боғлашга ёрдамлашиб юборди. Қўлидаги ёзувни қизга кўрсатмоқчи бўлди-ю, бойқушхона эшиги боз очилди.

Кўплаб вена қон томирлари яққол кўриниб қолган ботиқ лунжларида тўқ қизил доғлар ёниб турган, лаблари титраб, бир тутам оқ сочи тўзиб кетган Филч хонага ҳансираб, пишқириб отилиб кирди. Шубҳа йўқ-ки, у, ит қувган соқов каби, югуриб келган. Унинг кетидан миссис Норрис кириб келиб, бойқушларга баджаҳл хуриллаганча бақрайди. Юқорида қуш қанотлари норози шитирлади. Жигар ранг йирик бойқушлардан бири эса мушукка таҳдид солгандай, тумшугини қарсиллатиб ҳам қўйди.

- Аҳа! - тантанавор хитоб қилди солқиган лунжи ғазабдан титраётган Филч, Гарри томон қатъий қадам босиб, - Менга хабар беришларига қараганда, гўнг бомбасига йирик буюртма жўнатмоқчи экансан!

Гарри қўлини кўкрагида қовуштириб, мактаб назоратчисига тикка қаради.

- Бундай буюртма беришим ҳақида сизга ким маълум қилди?

Ҳеч нарсани тушунмай, нигоҳини дам Гаррига, дам Филчга олиб ўтаётган Чу қўлидаги, ўпка-гина қилгандай гурсиллаб қўйган омбор бойқушига эътибор қаратмади.

- Хотиржам бўл, ишончли киши, - қаноатланган оҳангда жавоб қайтарди Филч, - Қани энди буюртмани бу ёққа чўз-чи.

- Бера олмайман. Тегишли манзилга жўнатиб бўлдим, - деди Гарри, хатни ивирсимамай жўнатиб юборгани учун ўзидан ўзи мамнун бўлиб.

- Жўнатиб бўлдим? - сўради ғазабдан юзи буришган Филч.

- Ҳа, жўнатиб бўлдим, - тасдиқлади Гарри, пинагини бузмай.

Ғазаби баттар қайнаган Филч оғзини ланг очиб, нимадир дейишга уриниб кўрди-ю, сўз топа олмай, нигоҳи ила Гаррининг коржомасини тинтув қилгандай бўлди.

- Буюртма киссангда эмаслигини қаердан биламан?

- Чунки...

- Хат жўнатганини ўзим кўрдим, - гапга аралашди Чу.

- Кўрдим? - кескин бурилди Филч.

- Ҳа, кўрдим, - тасдиқлади Чу, аччиқланиб.

Орага сукунат чўкиб, Филч билан Чу бир-бирига ғазабнок қараб туришди. Шундан сўнг, зарда ила орқа ўгирилган назоратчи чиқиш эшиги томон йўл олди ва эшик дастасига қўл узатар экан, елкаси орқали ортга қараб, Гаррини огоҳлантирган бўлди:

- Агар гўнг бомбасининг оз бўлса ҳам аломатини сезиб қоладиган бўлсам...

Назоратчи оёқларини тарақлатганча, нари кетди. Бойқушларга сўнгги бор очкўз қараб қўйган миссис Норрис соҳибига эргашди. Гарри билан Чу эса бир-бирига қараб қолди.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гарри.

- Арзимамайди, - деди, юзи пушти тус касб этган Чу, почта жўнатмасини омбор бойқушининг бошқа панжасига боғлаб, - Ахир сен ҳеч қандай бомбага буюртма берганинг йўқ-ку, шундайми?

- Шундай.

- Қизиқ, нега унда у бундай фикрга борди? - сўради Чу, бойқушни дераза томон олиб бориб.

Ҳеч нарсани тушунмаган, рўй берган ҳолатга мутлақо эътибор қаратмаган Гарри елка қисиб қўйди.

Бойқушхонадан иккаласи бирга чиқди. Қасрнинг ғарбий қанотига олиб кетадиган йўлакка етишгач, Чу тўхтади.

- Мен бу томонга боришим керак... Учрашгунча, Гарри.

- Ҳа... Учрашгунча.

Қиз кулиб, нари кетди. Гарри ҳам бахтиёр кайфият-ла, йўлини давом эттирди. Узундан-узоқ суҳбат давомида у бирорта аҳмоқона гап гапириб қўймади. «Сен довярак экансан. Амбрижга қарши чиқиб, бопладинг...» Чу уни довярак деди... Демакки, Гарридан, тирик қолгани учун нафратланмайди...

Бир вақтлар Чу Седрикни афзал кўргани Гаррининг эсида, албатта... Агар лаллайиб юрмасдан, эртароқ ҳаракат қилганида, ишлар бошқача бўлар эди-ми... Гаррининг таклифини рад этаётган фўрсатда чиндан ҳам Чу ғамгин бўлиб қолган эди...

- Хайрли тонг, - кўришди у, гриффиндорчилар дастурхони атрофида нонушта қилиб ўтирган Рон билан Гермионанинг ёнига жойлашар экан, ўртоқларига шодиёна жилмайиб қараб.

- Нимадан бунчалик хурсанд кўринасан? - сўради ҳайрон бўлган Рон, Гаррига бошдан оёқ разм солиб.

- Нимадан бўлар эди... бугун машқ бўлади, умуман айтганда, бугун яхши кун, - завқ-ла жавоб қайтарди Гарри, бекон билан бирга қовурилган тухум солинган каттагина лаганни ўзига тортиб.

- А... ҳа, - деди Рон қўлидаги тостни бир четга қўйганча, ошқовоқ шарбатидан хўплаб, - Қулоқ сол, Гарри, мен билан бирга сал эртароқ чиқасанми? Иккаламиз... жамоа машқи бошлангунга қадар бироз машқ қилиб олган бўлар эдик-ми...

- Чиқаман, - тез рози бўлди Гарри.

- Менимча бундай иш тутмаган маъқул, - гапга аралашди юзи ташвишли қиёфа касб этган Гермиона, - Бўйнингизда бир олам уйга берилган вази...

Гермиона гапини тўхтатди. Шу топда почта келиб, тумшугига «Башорат-у, каромат газетаси»ни қисиб олган бойқуш тикка Гермиона томон шиддат-ла пастлаб келмоқда. Шакар идишини ағдариб юборишига сал қолган қуш дастурхонга гупиллаб қўнди-да, йирик панжасини узатди. Гермиона бойқуш панжасидаги чарм қопчага бир нут солиб, тумшугидаги газетани олди-да, бош саҳифасини танқидий нигоҳ-ла ўқишга киришди. Меҳнат ҳақини олган бойқуш ҳавога кўтарилди.

- Бирон-бир қизиқ хабар борми? - қизиққан бўлди Рон.

Гарри истеҳзоли кулиб қўйди. Рон ҳар нарсага тайёр, ишқилиб Гермиона уйга берилган вазифалар ҳақида гапирмаса бўлди.

- Йўқ, - хўрсиниб қўйди Гермиона, - «Шайтоннинг сингиллари» мусиқа гуруҳининг басс-гитарачиси ҳақида тутуриқсиз нарсалар ёзилибди. Уйланаётган эмиш.

Газетани кенг ёзиб олган Гермиона кўринмай қолди. Гарри нонуштага берилиб, бекон билан бирга қовурилган тухумнинг иккинчи порциясини бир ёқли қилишга киришди. Рон эса ташвишли нигоҳини юқорига, баланд деразаларга қаратиб ўтирибди.

- Тўхтанг, - кутилмаганда овоз берди Гермиона, - Э воҳ... Сириус!

- Нима гап? - газетани чангаллаб, куч-ла тортди Гарри.

Газета икки бўлиниб, ярми Гаррининг, ярми Гермионанинг қўлида қолди.

- «Сеҳргарлик вазирлиги томонидан ишончли манбадан олинган хабарга қараганда, ҳаммага маълум қотил-савдойи Сириус Блэк ... ва бало-баттар... айни вақтда Лондонда бекиниб юрган эмиш!» - даҳшатли оҳангда ўқиб эшиттирди Гермиона, қўлида қолган газета ярмини.

- Бошимни кундага қўйиб айтаман-ки, ўша ишончли манба Люциус Малфой бўлади! - деди Гарри, паст, лекин дарғазаб овозда, - У Сириусни вокзалда таниб қолган...

- Нима? - ташвишга тушди Рон, - Бу ҳақда айтмаган эдинг...

- Тс-с-с! - шу заҳоти баралла вишиллади Гарри билан Гермиона.

- «Вазирлик Блэкининг фавқулодда хавfli жиноятчи эканлиги... бир ўзи ўн уч кишини асфаласофилинга йўллаганини... Азкабандан қочиб чиқишга эришганини... жамики сеҳргарлар жамиятининг ёдига яна бир бор солиб, огоҳлантиради» қисқаси, одатдаги бемаънилик, - хулоса қилди Гермиона, газетани бир четга қўйиб, Гарри билан Ронга чўчиб қараганча, - Ташқарига чиқмаслиги керак, вассалом, - пичирлади у, - Дамблдор огоҳлантирган эди-я.

Гарри ғамгин нигоҳини қўлидаги «Башорат-у, каромат газетаси»нинг ярим бўлагига қаратди.

Саҳифа куз мавсумининг нархи туширилган савдоси бошланган «Хоним Малкин – ҳаётнинг ҳар хил ҳолатлари учун кийимлар!» дўкони рекламасига ажратилган.

- Ҳой, мана бунга қаранглар! - хитоб қилди у, Рон билан Гермиона ҳам кўриши учун саҳифани текислаб.

- Нима камлигини билмайман-у, коржомаларим сони энди етарлидан ортиқ, - эътироз билдирди Рон.

- Ҳа йўқ. Мана... қисқагина мақола...

Рон билан Гермиона бошини эгиб, саҳифанинг энг пастки қисмида жойлашган атиги икки дюймлик хабарни ўқишди.

#### СЕҲРГАРЛИК ВАЗИРЛИГИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ

Клэпхэмнинг Оқ тол боғи кўчасидаги 2- уйда истиқомат қиладиган 38 ёшли Стуржис Подмор жорий йилнинг 31 август куни Сеҳргарлик вазирлигидаги хизмат хоналаридан бирининг эшигини бузиб, ўғирлик қилишга уринганида айбланиб, Оқил Суд олдида ҳозир бўлди. Подмор тунги соат бирда жиноят содир этаётган, хусусан, ўта махфий хона эшигини бузаётган фурсатда вазирлик қўриқчиси Эрик Шамк томонидан қўлга олинди. Ҳимоядан воз кечган Подмор айбдор, деб топилиб, олти ой муддатга Азкабанга маҳкум қилинди.

- Стуржис Подмор? - аста эслай бошлади Рон, - Анави оч сариқ сочи қалин ўсган, бош суяги квадратсимон сеҳргарми? Қақнус орд...

- Рон, тс-с-с! - вишиллаб юборди ваҳимага тушган Гермiona.

- Азқабанга, олти ой муддатга! - ҳайрон қолди Гарри, - Аллақандай эшикни очишга урингани учун-а!

- Эшикнинг нима алоқаси бор бунга? - базўр хўрсиниб қўйди Гермiona, - Фақат шунинг учун эмас, албатта. Кечаси соат бирда вазирликда нима керак бўлиб қолди унга?

- Ордон топшириғи билан борган, деб ўйлайсан-ми? - аста сўради Рон.

- Бир дақиқа... - деди Гарри, ўйланиб қолиб, - Ахир Стуржис бизни кузатиб қўйишга келиши керак эди-ку, эсингиздами?

Дўстлар Гаррига юзланди.

- Ҳа, ҳа. У бизни Кингс-Кроссга қадар кузатиб бориши керак эди, эслайсиз-ми? Келмагани боис, Хмури роса жаҳл қилган эди. Бундан чиқди, топшириқ бўлмаган...

- Топшириқ бўлган-у, қўлга тушиб қолиши мумкинлигини тахмин қилишмаган. Ҳар қалай мен шундай деб ўйлайман, - эътироз билдирди Гермiona.

- Тузоқ бўлиши ҳам мумкин! - даҳшатли ҳаяжон-ла хитоб қилди Рон, баланд пичирлаб, - Йўқ!... Гапимга қулоқ тутинг, - овозини пасайтирди у, Гермionанинг таҳдидли нигоҳига қараб, - Вазирликда Стуржисдан гумон қилишган. Уни Дамблдорнинг одами, деб билишган. Бинобарин, улар... билмадим қандай қилиб... хуллас уни тузоққа илинтиришган! Ҳеч қанақанги эшик бузмаган у. Подморни қўлга олиш мақсадида нимадир атайин уюштирилган.

Гарри билан Гермiona маълум вақт Роннинг сўзларини англаб етишга уриниб ўтиришди. Гарри буларнинг барини ҳаддан ортиқ мураккаб, деб топди. Гермionaга эса аксинча, Роннинг гипотезаси кучли таъсир ўтказди.

- Агар билмоқчи бўлсангиз, - деди у, ниҳоят, - Буларнинг бари ҳақиқат бўлиб чиқса, таажжубланмаган бўлар эдим.

Гермiona қўлидаги газета нимтасини хаёлчан тахлашга киришди. Гарри қўлидаги пичоқ билан санчқини стол устига ташлагач, қиз хаёлини йиғиб олди.

- Хўп, майли, ишга киришамиз. Фикримча, Сарсабил хоним учун ўзини ўзи ўғитлайдиган буталар ҳақидаги иншодан тезроқ қутулиб, агар улгурсак, тушликка қадар деанимацияга оид яратиш афсуни билан ҳам шуғулланамиз...

Бир олам ўйга берилган вазифа ҳақида ўйлаган Гаррини виждон азоби қийнади, бироқ... Осмон шу қадар равшан, шу қадар кўм-кўк ва шу қадар қувноқ эди-ки... У эса «Чақмоқ»ни ҳанузгача ташқарига олиб чиқмаган...

- Олдимизда ҳали бутун бир оқшом бор, - деди Рон, икковлон елкага супурги қўйиб олганча, квидиш майдони томон қияликдан тушиб борар экан, - Эртанги кун ҳам тўла-тўқис ихтиёримизда. Агар Гермiona ўйга берилган вазифалардан бошқа нарсани ўйлаш қобилиятига эга эмас экан, бу ўзининг муаммоси...

Иккаласининг қулоғида Гермionанинг имтиҳондан шармандаларча йиқилишлари ҳақидаги мудҳиш башорати ҳамон янграмоқда. Бироз сукут сақлаб юришгач, Рон яна тилга кирди:

- Нима деб ўйлайсан, Гарри, ростдан ҳам у, иншоларини кўчириб олишга бермайди-ми энди?

- Ростга ўхшайди, - фикр билдирди Гарри, - Лекин мана бу иш ҳам муҳим аҳамиятга эга-ку. Модомики, жамоа таркибида қолишни истар эканмиз, мунтазам машқ қилиб боришимиз керак, ахир.

- Тўппа-тўғри, - вужудини қамраб олган туйғу ила маъқуллади Рон, - Вақтимиз ҳамма нарсага етади...

Ўйингоҳга яқинлашаётган Гарри ўнг томонга, Ман этилган ўрмон дарахтларининг мудҳиш чайқалиб турган учларига қараб қўйди. Ўрмон чангалзори устида ҳеч нарса учаётгани йўқ. Агар

қаср бойқушхонаси устида олис нуқталар каби, кўринаётган бойқушларни ҳисобга олмаганда, осмон топ-тоза. Етар, олабўжилар ҳақида ўйлаш, хаёлдан ўтказди, миясидан хунук ҳайвонларни шартта чиқариб ташлаган Гарри, бошқа ташвиш йўқми? Хўп, нима ёмонлик қилиши мумкин ўша учар отлар?

Икковлон уствошхона жавонида сақланадиган тўпларни олиб, машқ қилишга киришди. Рон ходалар атрофида учиб, ҳалқаларни қўриқлади, Гарри эса Овчи сифатида ўйнаб, Квафлни учта ҳалқадан бирор-бирига киритишга уринди. Рон, Гарри томонидан берилган зарбаларнинг тўртдан уч қисмини қайтара билди. Гарри Роннинг дақиқа ўтган сари яхшиланиб борган ўйинидан мамнун бўлди. Икки соатдан сўнг иккаласи тушлик қилгани қаср томон йўл олди. Бироқ Гермiona иккаласига тинчгина овқатланишга имкон бермади. Бундай масъулиятсизликдан жаҳли чиқаётганини жон куйдирганча, баён қилиб ўтирди. Тушлиқдан сўнг, икковлон жамоа таркибида ўтадиган ҳақиқий машққа боришди. Уствошхонада Ангелинадан ташқари, ҳамма тўпланган.

- Ишлар жойидами, Рон? - укасига кўз қисди Жорж.

- Жойида, - жавоб қайтарди, ўйингоҳга яқин қолган сари жим бўлиб келган Рон.

- Хўш, синфбоши-сичқонча? - квидиш коржомасининг ўйма ёриғидан ҳурпайган бошини чиқарди Фред, шум иршайиб, - Маҳоратингни намоён этишга тайёрмисан?

- Ўчир овозингни, - тошдек қотган юзи ила жавоб қайтарди Рон, ҳаётида илк бор квидиш кийимини кийиб.

Елкаси кенг бўлганига қарамай, Дреждан қолган коржома Роннинг танасига роса тўғри келди.

- Диққат, - деди жамоа сардори хонасидан кийиниб чиққан Ангелина, - Машқ бошлаш вақти етди. Фред, Алисия, иккалангиз тўп саватини олиб чиқасиз, хўпми? Ҳа, айтгандай, намойишгоҳда томошабинлар ўтирибди. Илтимос, эътибор қаратманг, келишдик-ми?

Ангелинанинг гўё менсимаган оҳангидан, қанақанги томошабинлар ҳақида гап бораётганини Гарри дарҳол фаҳмлади. Чиндан ҳам, жамоа қуёш ёритиб турган ўйин майдонига намойишгоҳда тарқоқ ўтирган «Слизерин» квидиш жамоаси ва бошқа бекорчи кузатувчиларнинг ўйингоҳ узра баланд акс садо бўлиб эшитилаётган мушук сингари ҳуриллашлари-ю, бетаъсир ҳазиллари остида уствошхонадан чиқди.

- Ажабо, Уэсли нимада учмоқчи? - баланд эшитилди Малфойнинг жирканч чўзиқ овози, - Алмисоқдан қолиб, чириб кетган анави тарашага учиш афсунини қўллаш кимнинг хаёлига келибди экан, а?

Краббе, Гойл ва Пansi Паркинсон акиллаб, қотиб-қотиб кулишди. Супургисини эгарлаб, ердан итарилган Рон осмонга кўтарилди. Дўстининг қулоғи қизариб бораётганини кўрган Гарри ҳам Роннинг изидан учди.

- Эътибор қаратма уларга, - деди у, тезликни оширганча, Ронга етиб олиб, - Мағлуб қилайлик, ўшанда кўрамиз кулишларини...

- Тўғри фикр юритяпсан, Гарри, - эшитилди иккаласининг атрофида Квафлни қўлтиқлаб олиб айланган Ангелина, жамоа узра муаллақ осилганча тўхтаб, - Демак болалар, қизиби олиш учун бугунги машқни тўп оширишнинг оддий усулларида бошлаймиз, ҳамма бир вақтда, марҳамат...

- Ҳой, Жонсон, сочингни нима қилдинг? - чийиллади пастда ўтирган Паркинсон, - Худди ичидан чувалчанглар чиқиб келаётгандай кўриняпти бошинг! Ундан кўра қириб ташлаганинг яхши эмасми?

Ангелина юзига тушиб қолган кокилларини орқага ташлаб, давом этди:

- Марралар тез эгаллансин... Бир кўрсатиб қўайлик, нимага қодир эканлигимизни...

Гарри ўйин майдонининг нариги бошига, Рон эса ходалар томон учиб кетди. Ангелина Квафлни баланд кўтариб, бор кучи билан Фред томон улоқтирди. Фред ўз навбатида Жоржга оширди, Жорж Гаррига, Гарри Ронга... Рон эса тўпни қўлидан чиқариб юборди.

Буни кўрган слизеринчилар, биринчи навбатда Малфой, хандон отиб юборди. Рон пастга отилиб

Квафл ерга етмасдан олдин тутиб олди-да, ёнбош оғанча, шўнғиб бораётган супургисини яна юқорига йўналтирди ва қип-қизариб кетган ҳолатда ўйин баландлигига чиқиб олди. Эгизаклар бир-бирига маъноли қараб қўйганини кўрган Гарри, ушбу ҳолатни ўз одатларига зид равишда изоҳсиз қолдиришгани учун мамнун бўлди.

- Узат, Рон, - қичқирди Ангелина, гўё ҳеч нарса юз бермаган каби.

Рон Квафлни Алисияга оширди. Алисия Гаррига йўллади, Гарри Жоржга оширди...

- Ҳой, Поттер, чандиғинг қалай? - қичқирди Малфой, - Ётиб даволаниш кези келмадимикан? Бир ҳафтадан буён касалхонага борганинг йўқ, шахсий рекорд-ку, бу...

Жорж тўпни Ангелинага йўллади. Қиз эса бели орқали Гаррига оширди. Гарри Ангелинанинг бундай қилишини кутмаган бўлса ҳам, бармоқларининг учи билан Квафлни тутиб, Ронга йўллади. Рон эса тўпни уддалай олмади.

- Рон, - домангир қичқирди Ангелина, тўп кетидан шўнғиган янги Қўриқчига, - Хаёлингни йиғиб, ўйинга қарат.

Ўйин баландлигига қайтган Роннинг юзи тўқ қизариб кетган. Квафл қизилроқ-ми, Роннинг юзими, фарқлаб олиш қийин. Малфой бошчилигидаги слизеринчилар эса кулавериб сийиб қўядиган ҳолатга келиб қолишган.

Учинчи бор оширилган тўпни Рон тутиб олди. Шундан ўзини енгил тортган бўлса керак, тўпни шу қадар кучли ошириб юборди-ки, Квафл, чап беришга улгурмай қолган Кэттининг юзига бориб урилди.

- Кечир мени! - инграб юборди Рон, Кэтти томон ошиқиб.

- Жойинга қайт, - амр этди Ангелина, - Унга ҳеч нима қилгани йўқ! Фақат келаси сафар жамоадошинга тўп узатадиган бўлсанг, уни супургидан қулатиб юборишга уринмагин, хўпми? Бунинг учун Тажовузкорлар бор!

Кэттининг бурни қонади. Пастда, ақл-хушини йўқотиб қўйган слизеринчилар турган жойларида депсиниб кулишмоқда. Фред билан Жорж Кэттининг ёнига учиб келишди.

- Ма, мана буни чайна, - деди Фред, чўнтагидан бинафша рангли аллақандай кичкинагина нарса чиқариб, Кэттига узатар экан - Кўз очиб юмишга улгурмайсан, қон тўхтади.

- Ишлар жойида, - қичқирди Ангелина, - Фред, Жорж, бориб Тажовузкорлар билан таёқларингни олиб чиқинглар. Гарри, менинг командамга кўра Тилла чаққонни қўйиб юборасан. Квафл табиийки, Роннинг ҳалқалари томон улоқтирилади.

Гарри Тилла чаққонни олиб чиқиш учун эгизаклар ортидан эргашди. Учовлон тўп савати ёнига қўниб, Тилла чаққон билан Тажовузкорлардан бирини олиш учун қопқоғини очди.

- Роннинг хатти-ҳаракатлари ғалати кечяпти, - ғудуллади Жорж.

- У бироз асабийлашяпти, - оқлади дўстини Гарри, - Эрталаб машқ қилганимизда ишни яхши уддалади.

- Ҳа, умид қиламан-ки, димоғдорлик касаллигига дучор бўлмаган, - вайсади Фред.

Улар осмонга боз кўтарилди. Ангелинанинг ҳуштагига биноан Гарри Тилла чаққонни, эгизаклар эса Тажовузкорни қўйиб юборишди. Энди Гарри бошқаларга эътибор қаратмади. Унинг олдида турган вазифа миттигина, қанотини титратиб, ўқдай учадиган коптокчани тутиб олишдан иборат.

Коптокчанинг тутиб олиниши жамоага биратула бир юз эллик балл келтиради. Бироқ бунинг учун Сайёддан фавқулодда тез учиб, абжир бўлиш талаб этилади. Гарри парвоз тезлигини ошириб, Овчилар орасида уча бошлади. Кўзнинг илиқ ҳавоси боланинг юзини сийпаб ўтиб, қулоғига слизеринчиларнинг узоқ ва энди маънисиз қичқириқлари эшитилмоқда... Таассуфки, тез орада янграган ҳуштак товуши Гаррини тўхташга мажбур қилди.

- Стоп! Стоп! СТОП! - бақирди Ангелина, - Рон!... Ўртани очиқ қолдирыпсан!

Гарри ортга қаради. Чап ҳалқа рўпарасида ҳавода муаллақ осилиб олган Рон, қолган иккита ҳалқани ҳимоясиз қолдирган.



- Вой!... Маъзур санайсиз...

- Овчилар ҳаракатини кузатар экансан, у ён, бу ён кўчиб бор! - йўриқ берди Ангелина домангир оҳангда, - Ёки чиндан ҳам чап ёки ўнг томон кўчиб ўтиш зарурати туғилганга қадар марказий ҳалқа рўпарасида бўл ёхуд ҳалқалар атрофида айланиб юр. Фақат нотавон булутга ўхшаб четга сузиб кетма. Чунки айнан шундай қилганинг учун сўнги учта тўпни ўтказиб юбординг!

- Узр... - такрорлади, юзининг ранги ёрқин мовий осмон тусида дудланган чўчка гўштидан фарқ қилмай қолган Рон.

- Ва Кэтти... бурнингдан келаётган қонни бир ёқлик қиласанми-йўқми?

- Нима қилай? Тўхташ ўрнига баттар бўляпти! - манқаланди Кэтти, бурнини қўли билан сиқиб олиб. Гарри Фредга қараб қўйди. Типирчилаганча чўнтак титкилаб, аллақандай бинафша рангли нарса чиқарган Фред ўз ихтироларидан бирига бир-икки сония тикилиб, ўрганиб чиқди-да, даҳшатга тушиб, кескин Кэттига юзланди.

Пастда ўтирган слизеринчилар эса: «гриффиндорчилар – галварслар, гриффиндорчилар – галварслар», дея баралла қичқирмоқда.

- Яхши, яна бир бор ўриниб кўрамиз, - деди Ангелина, гарчи ўзини эркин ҳис этмаётгани аниқ кўриниб турган бўлса ҳам, қичқириқларга эътибор қаратмай.

Уч дақиқа ўтар-ўтмас Ангелинанинг ҳуштаги боз эшитилди. Қарши томондаги ҳалқалар орасида учиб юрган Тилла чаққонни эндигина кўриб қолган Гаррининг ҳафсаласи пир бўлди.

- Яна нима бўлди? - баджаҳл сўради у, яқин ўртада учиб юрган Алисиядан.

- Кэтти, - қисқа қилди Алисия.

Ортга ўгирилган Гарри жамоадошлари Ангелина, Фред ва Жорж катта тезлик билан Кэтти томон учиб боришаётганини кўрди. Гарри билан Алисия ҳам Кэтти томон йўл олишди. Афтидан, Ангелина ўйинни ўз вақтида тўхтатган кўринадди. Ранги бўрдай оқариб кетган Кэттининг кийими кип-қизил қонга беланган.

- Зудлик билан касалхонага элтиш даркор, - деди Ангелина.

- Биз элтиб қўямиз, - шайлик-ла, жавоб қайтарди Фред, - У... э-э-м... янглиш равишда қон чиқариш сақичини чайнаб қўйган...

Эгизаклар тобора холдан тойиб бораётган Кэттини икки ёнидан ушлаганча, қаср томон зудлик билан учиб кетишди.

- Бўлди, Овчи билан Уриб қайтарувчиларсиз ўйнашдан маъни йўқ, - деди Ангелина қовоқ солиб, - Кетдик, кийимларимизни алиштирамиз.

Жамоа уствошхона томон судралиб кетди. Слизеринчилар эса ўзларининг аҳмоқона қўшиқларини давом эттирганча қолишди.

- Машқ қалай ўтди? - совуқ оҳангда қизиққан бўлди Гермiona, портрет тўсиб турган туйнук орқали «Гриффиндор»нинг умумий меҳмонхонасига кириб келган Гарри билан Ронга мурожаат қилиб.

- Нисбатан... - оғиз очди Гарри.

- Бундан баттар машқ бўлмайди, - Гаррининг гапини ифодасиз бўлди Рон, ўзини Гермionанинг ёнидаги креслога ташлаб.

Гермiona Ронга диққат билан разм солиб, болаларнинг кўз ўнгида эрий бошлади.

- Хафа бўлма, бу атиги бошланиши, - таскин берди у, - Вақт керак-ку, ахир...

- Сенинг касринга шундай бўлди, деб ким айтган эди? - жеркиб берди Рон.

- Ҳеч ким, - чўчиб кетди Гермiona, - Мен шунчаки, айтмоқчи бўлган эдим-ки...

- Ҳеч нимага ярамайдиган ўйинчи, демоқчи эдинг-ми?

- Йўқ, албатта! Сен бундан баттар машқ бўлмайди, дедим, мен эса...

- Вақтим йўқ! Уйга берилган вазифаларни бажаришим керак! - таҳдидли оҳангда ўшқириб берди Рон.

У зинадан оёқ тақиллатганча юриб, ётоқхона томон йўл олди. Рон кўздан ғойиб бўлгач, Гермiona

Гаррига юзланди.

- Чиндан ҳам ёмон ўйнади-ми?

- Йўқ, - холис жавоб қайтарди Гарри.

Гермионанинг қоши кўтарилиб кетди.

- Нисбатан яхшироқ ўйнаши ҳам мумкин эди, албатта, - қўшиб қўйди Гарри, - Бироқ ҳозиргина ўзинг айтдинг-ку, бу атиги бошланиши, деб...

Ўша оқшом Гарри ҳам, Рон ҳам уйга берилган вазифаларни зўр дўндириб қўя олмади. Рон машқда шарманда бўлгани ҳақида ўйлаб ўтирганини Гарри сезиб турди, ўзининг миясидан эса «гриффиндорчилар – галварслар» ҳеч нари кетмади.

Якшанба кўни ҳам, икковлон дарсликларга кўмилиб ўтирди. Одамга тўла меҳмонхона аста секин бўшаб борди. Ташқарида ҳаво ажойиб бўлиб, сўнги роҳатижон кунлардан баҳраманд бўлиб олишга ошиққанлари учун бўлса керак, аксарият гриффиндорчилар сайр қилгани ҳовлига чиқиб кетишган. Оқшом ҳам тез ўтди. Гаррининг назарида кимдир унинг миясини бош косасининг ички деворига қарата кўн бўйи ҳафсала билан уриб чиққандай бўлди.

- Биласанми нима, уйга берилган вазифаларнинг муайян қисмини ҳафта давомида бажариб бормасак бўлмайдиган кўринади, - хулоса чиқарган бўлиб ғулдиради Гарри.

Профессор Макгонагалл учун деанимацияга оид яратиш афсунига бағишланган узундан-узоқ иншони бир илож қилиб якунига етказган Гарри, Рон билан бир вақтда профессор Зловестра берган топшириққа биноан Муштарийнинг сон-саноксиз йўлдошларига доир, узунлиги ва мураккаблиги бўйича ҳозиргина тугатилган иншодан қолишмайдиган иншо ёзишга иложсиз киришди.

- Ҳа, - рози бўлди Рон, қизариб кетган кўзини ишқалаганча, бузиб қўйган бешинчи қоғоз варағини каминга ташлаб, - Менга қара... Балким Гермионадан иншосини сўрармиз, а? Кўчириш эмас шунчаки ўқиб чиқиш учун...

Гарри тиззасига Маймоқоёқни ётқизиб олиб, Жинна билан қувноқ гаплашиб ўтирган, қаршисида эса шаклсиз пайпоқча тўқиётган спицалар ҳавода милтираб кўринаётган Гермиона томон юзланди.

- Йўқ, - қатъий эътироз билдирди Гарри, - Бермаслигини ўзинг биласан.

Икковлон қош қорайгунча ижод қилди. Меҳмонхона ҳам аста бўшаб бормоқда. Соат ўн яримга яқин Гарри билан Роннинг ёнига Гермиона эснаб келди.

- Хўш, тугатай дедингиз-ми?

- Йўқ, - қисқа қилди Рон.

- Муштарийнинг энг йирик йўлдоши Каллисто эмас, Ганимед, - деди Гермиона Роннинг елкаси ўзра иншо сатрларини ўқиб, - Вулқонлар эса Иода отилади.

- Раҳмат, - домангир оҳангда ғудуллади Рон, - Нотўғри маълумотларга тузатиш киритар экан.

- Маъзур санайсан, мен шунчаки...

- Тушунаман, танқид қилиб ўтмоқчисан...

- Рон...

- Ваъз-хутбаларингни тинглагани вақтим йўқ, Гермиона. Ишим бошдан ошиб ётибди, тушуняпсанми?...

- Йўқ... Бу ёққа қаранг!

Гермиона яқин ўртадаги деразага бармоқ ўқтади. Гарри билан Рон деразага қараб, ойна ортида Ронга хотиржам қараб ўтирган чиройли бойқушни кўришди.

- Ахир бу Гермес-ку, шундай эмасми? - ҳайрон бўлди Гермиона.

- Ажабо! Чиндан ҳам Гермес! - аста хитоб қилди Рон, қўлидаги пат-қаламни ташлаганча, ўрнидан туриб, - Не жин уриб, Перси менга хат йўллабди?

У дераза олдига бориб, тавақани очди. Гермес ичкарига учиб кириб, Роннинг иншосига қўнди-да,

хат боғланган панжасини узатди. Рон хатни ечиб олиши билан панжасининг изини Ио тасвирида қолдирганча, деразадан учиб чиқди.

- Персининг дастхати эканлигига шубҳа йўқ, - деди Рон, креслосига қайтиб ўтирар экан, пергамент ўрамининг сиртига ёзилган манзилга ишонқирамай қараб, - «Хогварц», «Гриффиндор» коллежи, Рон Уэслига. Хўш? - бошини кўтарди у.

- Оч тезроқ, - ҳаяжон-ла хитоб қилди Гермиона.

Гарри ҳам бош ирғиб қўйди. Рон пергамент ўрамини ёзиб, хат ўқишга киришди. Кўзи сатрдан сатрга ўтар экан, қовоғи солиниб борди, хат якунига етганида эса юзида жирканчлик қиёфасини касб этди. Ниҳоят у хатни Гарри билан Гермионанинг қўлига тутқазиб қўйди. Икковлон бош эгиб, хат ўқишга киришиб кетди.

Қадрдоним Рон!

«Хогварц» синфбошиси этиб тайинланганинг ҳақида ҳозиргина хабар топдим. Ушбу хушxabарни шахсан сеҳргарлик вазиридан эшитдим. Уни эса ўз навбатида, янги ўқитувчинг профессор Амбриж хабардор қилган.

Ростини айтсам, бундай хабарни эшитиб таажжубландим ҳам, қувондим ҳам. Укажоним, сени чин қалбимдан табриклайман. Тан олишим керакки, мендан ибрат олмай, «Фред ва Жорж йўли»дан боришинг мумкинлигига оид ўй-фикрлар доимо азоб бериб келган менга. Шундай экан, интизомни писанд қилмаслик одатингни йиғиштириб қўйганингни, сенга ишонч билдирилиб, зимманга ҳақиқий, катталарга хос масъулият юкланганини эшитиб, ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис этдим.

Бироқ Рон, табриқдан ташқари, сенга маслаҳат ҳам бериб ўтишни ният қилдим ва шу боис, ушбу хатни эрталабки почта орқали эмас кечқурун йўлладим. Умид қиламан-ки, ушбу номани қизиқувчан кўзлардан нарида ўқишга имкон топиб, ёғдириладиган номақбул саволлардан холи бўласан.

Вазир синфбоши этиб тайинланганинг ҳақида айтар экан, оғзидан бир-икки оғиз сўз чиқиб кетди. Уни эшитиб, сен ҳанузгача ўз вақтингни Гарри Поттер билан ўтказаётганинг ҳақида хулосага келдим. Сени огоҳлантириб қўйишим керак, Рон, бугунги кунда эришган мавқеингга нисбатан ўша кас билан муносабатни давом эттиришдан кўра ортиқ хавф бўлиши мумкин эмас. Ҳа, ҳа! Ишончим комилки, ушбу сўзларимни ўқиб, таажжубланасан ва ҳеч бир шубҳага бормай, эътироз билдирасан. Негаки, Поттер шу кунга қадар Дамблдор хуш кўрган ўқувчи бўлиб келган. Бироқ Дамблдор «Хогварц» директори лавозимида узоқ қолмаслиги, фикр-мулоҳазалари жиддий аҳамият касб этадиган кишилар Поттернинг хулқ-атворига бошқача, эҳтимол чиндан ҳам холисона баҳо бераётгани борасида сени воқиф қилиб қўйишни ўз бурчим, деб биламан. Ортиқ ҳеч нима демайман, лекин «Башорат-у, каромат газетаси»нинг эртанги сонини ўқисанг, шамол қай томон эсаётгани ҳақида етарлича аниқ тасаввурга эга бўласан ва айна вақтда, флюгеринг тўғри йўлланган-йўлланмаганини тушуниб етасан! (Флюгер – шамолнинг йўналиши ва тезлигини кўрсатадиган, аниқлайдиган асбоб).

Жиддийроқ айтадиган бўлсам, Рон, сени Поттер билан бирдай кўришларига йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бундай ҳолат сенинг нафақат ўқувчилик даврингдаги, балки мактабни тамомлаганингдан кейинги истиқболингга ҳам ниҳоятда салбий таъсир ўтказади. Отанг Поттерни судга олиб боргани ва сенга «дўст» саналадиган ўша каснинг хулқ-атвори Оқил Суд мажлисида интизомий жиҳатдан муҳокама қилинганидан хабардорсан, албатта. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Поттер суд мажлиси иштирокчиларида яхши таассурот қолдира олмади. Фикримча, у, амалдаги қонун ҳужжатларимизда мавжуд айрим раҳналардан фойдалана олгани учунгина жазодан қутулиб қолишга муваффақ бўлди. Муҳокама мажлисида иштирок этган аксарият суд аъзолари унинг айбдорлигига заррача бўлсин, шубҳа қилмайди.

Эҳтимол сен Поттер билан муносабатларни очикдан-очик, шартта йиғиштириб қўйишдан хавфсирарсан. Унинг бетайин, салга ловуллаб кетишини ҳам, менга етиб келган маълумотларга қараганда, табиатан тажовузкор эканлигини ҳам биламан. Агар у, сенга нисбатан оз бўлса-да, таҳдид соладиган бўлса ёки унинг хулқ-атворида шубҳа туғдирадиган бирон-бир ҳолатни пайқаб қоладиган бўлсанг, илтимос, тўғри Долорес Амбрижнинг ҳузурига бориб, уни бор гапдан хабардор қил. Амбриж ниҳоятда ажойиб аёл бўлиб, сенга яхши маслаҳат ва ўғитлар беришдан ўзини бахтиёр ҳис этади.

Яна бир маслаҳат. Юқорида шама қилиб ўтганимдай, Дамблдор «Хогварц»да ҳукм сураётган давр деярли барҳам топди. Бинобарин, сендан Рон, Дамблдорга нисбатан эмас мактаб ва вазирликка нисбатан холис қолиш талаб этилади. Бугунги кунда профессор Амбриж «Хогварц» ўқитувчилари орасида ўз ташаббуси ва мактаб фаолиятига долзарб, вазирликка мақбул келадиган ўзгартиришлар жорий этишга уринаётгани, бироқ таассуфки, олиб бораётган бундай саъй-ҳаракатларининг тарафдорларини топа олмаётганини эшитиб, жуда ачиндим. Ҳеч қиси йўқ, келаси ҳафтадан эътиборан унинг мактабдаги хизмат фаолияти сезиларли равишда соддалашади. Яна бир бор айтаман, «Башорат-у, каромат газетаси»нинг эртанги сонини ўқи. Мен фақат бир нарсани айтиб ўтишим мумкин, у ҳам бўлса, кимда ким шу бугунги кунларда профессор Амбрижга кўнгилли равишда яқиндан ёрдам бериш истагини билдирса, икки йилдан сўнг, энг ибратли ўқувчи унвонига сазовор бўлиш имконига эга бўлади!

Ўтган ёз давомида сенга етарлича эътибор қарата олмаганим учун маъзур санайсан. Ўз ота-онамни қоралаш мен учун осон кечмайди, бироқ токи улар Дамблдор атрофида йиғилган хавфли кишилар билан мулоқот қилишар экан, улар билан бир ўйда яшашни ўзимга эп кўра олмайман. Агар ойингга хат ёзадиган бўлсанг, Дамблдорнинг яқин дўсти бўлмиш аллақандай Стуржис Подмор яқинда вазирлик биносидаги хоналардан бирининг эшигини бўзиб кирмоқчи бўлгани учун суд қилиниб, Азкабанга қамалганини маълум қил. Ажаб эмас бундай хабар иккаласининг кўзини мошдек очиб қўйса, қандай майда фирибгар ва ўғриларга илашиб қолишганини тушуниб етишса. Ўхшаш шахслар билан бирон-бир шаклда муносабат ўрнатмаганимни ўзим учун катта омад деб биламан. Негаки, сеҳргарлик вазири менга нисбатан жуда хушмуомала муносабат кўрсатади ва умид қиламан-ки, Рон, сен ҳам, оилавий туйғулар таъсиридан сўқир бўлиб қолмай, ота-онангнинг хатти-ҳаракатлари, ҳаётини қарашлари хато эканлигини идрок эта оласан. Вақти етиб улар ўз хатоларини тушуниб етишади, албатта. Ўша кун етгач, бирон-бир шарт қўймай сўраган ўзларини қабул қиламан.

Сендан илтимос, сўзларим, айниқса, Гарри Поттерга оид ўғитларимни яхшилаб ўйлаб, обдан мулоҳаза юритиб, яхшилаб ўйлаб кўр. Сени яна бир бор синфбоши этиб тайинланганинг билан табриклайман!

Аканг Перси.

Гарри нигоҳини Ронга қаратди.

- Хўп, майли, - деди у, худди буларнинг барини аҳмоқона ҳазилга йўйган бўлиб, - Ага сен мен билан... нима эди... ҳа мана... топдим: «муносабатларни очикдан-очик, шартта йиғиштириб» қўймоқчи бўлсанг, марҳамат, мен қарши эмасман. Тажовузкорлигимни ҳам намоён этмасликка ваъда бераман.

- Бу ёққа бер, - қўл узатди Рон, - Перси, - давом этди у, хатни икки бўлиб йиртар экан, бироз титроқ оҳангда, - Бу ёруғ оламдаги, - хат нимталарини яна икки бўлди у, - Энг машҳур, - тўрт бўлаклар саккиз бўлакка айланди, - Аҳмоқ, - хат парчалари ўчоқ чўғига учди, - Кел, яхшиси иншони давом эттирамин. Тонгга қадар тугатишимиз керак-ку, ахир, - деди Рон, астрономия бўйича бажараётган ишини ўзига тортиб.

Гермиона Ронга жуда ғалати қараб қолди.

- Хўп, майли, бу ёққа беринглар, - кескин амр этди у.

- Нимани? - тушунмади Рон.

- Бажарган ишларингни. Текшириб, тузатишлар киритиб қўяман, - тушунтириш берди Гермiona.

- Жиддий айтяпсан-ми? Гермiona, сен халоскоримизсан! - хитоб қилди Рон, - Сени қандай...

- Иккалангиз: «Уйга берилган вазифалар ижросини сўнги дақиқаларга қолдирмасликка ваъда берамиз», дейишингиз мумкин, - деди Гермiona, истехзоли қиёфа ясаганча, иккала қўлини иншолагарга узатиб.

- Катта раҳмат, Гермiona, - паст овозда ғудуллади иншони бериб, креслонинг суянчиғига ўзини ташлаганча, кўз ишқалаган Гарри.

Тун ярмидан ўтди. Меҳмонхонада Маймоқоёқ ва учаласидан бошқа ҳеч ким қолмади. Гермiona вақти-вақти билан пергаментга битилган ёзувларни ўчириб, пат-қаламни ғичирлатганини, турлитуман маълумотлар иншо матнида тўғри келтирилганини текшириб чиқиш учун полда сочилиб ётган маълумотнома мазмунидаги қўлланмаларни варақлаб, саҳифа шитирлаётганини ҳисобга олмаганда, орага ўлик сукунат чўқди. Гаррининг тинкаси қуриди. Бундан ташқари, қорин соҳасида аллақандай, чарчагандан эмас, балки камин чўғида ёниб, буришиб бораётган хат мазмуни сўраётган ғалати бўшлиқни ҳис этди.

Мактабнинг кам деганда ярми Гаррини ғалати, ҳатто савдойи, деб билиши, «Башорат-у, каромат газетаси» кўп ойлاردан буён у ҳақда жирканч миш-миш гапларни тинмай тарқатиб бораётгани янгилик эмас албатта. Шундай бўлса-да, Персининг хати, Поттер билан йўлга қўйилган ҳар қандай муносабатларни йиғштириб қўйишни укаси Ронга маслаҳат қилгани ва Поттер билан боғлиқ ҳар бир гап-сўзни Амбрижга оқизмай-томизмай етказиб боришга даъват этгани Гаррини, атрофда юзага келган вазият етарлича жиддий эканлигини ҳис этишга мажбур қилди. Ахир у Перси билан тўрт йил давомида бевосита мулоқот қилиб юрган, ёзги таътил кунлари бир уйда яшаган, квидиш бўйича жаҳон чемпионатини томоша қилгани боришган кунлари битта чодирда тунаган эди-ку... ўтган йили эса Уч сеҳргар беллашувининг иккинчи мусобақаси якунида Перси Гаррига энг юқори балл белгилаган эди... Энди-чи? Энди эса худди ўша Перси уни бетайин ва яширин хавф манбаи, деб эътироф этмоқда...

Гаррининг вужудини чўқинтирган отасига нисбатан ачиниш ҳисси қамраб олди. Гарри билган, таниган одамлар орасида фақат Сириусгина Гаррининг ҳозирги ҳолати, ўзини қандай ҳис этаётганини тўла-тўқис идрок этишга қодир. Негаки, ўзи ҳам худди шу ҳолатда. Сеҳргарлар жамиятининг деярли ҳаммаси Сириуснинг савдойи-қотил эканлиги, Вольдемортнинг малайи эканлигига комил ишонч билдиради. Мана ўн тўрт йилдир-ки, Сириус мана шундай мудҳиш воқифлик билан яшаб келмоқда...

Гарри ҳайрон бўлиб кўзини пирпиратиб қўйди. Камин оловида бўлиши мумкин бўлмаган, милт этиб кўришиб, боз йўқолган ҳолатни илғаб қолди. Йўқ... бўлиши мумкин эмас. Сириус ҳақида ўйлаб ўтиргани учунгина унга шундай туюлган...

- Бўлди, мана буни қайтадан ёзиб чиқсанг бас, - деди Гермiona Ронга иншоси ва нималардир ёзиб тўлдирган қоғоз варағини узатиб, - Иншонинг охирига эса мен чиқарган хулосани қўшиб қўй.

- Гермiona, чин сўзим, сени, ушбу ёруғ оламдаги энг ажойиб инсон, деб биламан, - миннатдорлик билдирди Рон, сал кам йиғламсираган оҳангда, - Агар мен сенга яна бир бор қўпол муомала қиладиган бўлсам...

- Демак сен ўз ҳолатингга қайтганингни тушуниб етаман, - Роннинг фикрини якунлади Гермiona, - Гарри, сен ёзган иншо эса яхши, фақат охирида... Фикримча, сен профессор Зловестранинг сўзларини яхши фаҳмламагансан шекилли: Европани туз эмас муз қоплаган... Мени эшитяпсан-ми... Гарри?

Гарри ўтирган креслосидан сирпаниб тушиб, камин олдидаги куйиб тешилган, охиригача ишқаланиб битган гиламча устига чўккалаб, оловга диққат билан разм солди.

- М-м-м... Гарри? - ғалати оҳангда чақирди Рон, - Нега сен?...
- Чунки мен ҳозиргина олов тиллари орасида Сириуснинг бошини кўрдим, - жавоб қайтарди Гарри хотиржам оҳангда.
- Ахир у ўтган йили айнан мана шу каминда Сириуснинг бошини кўрган ва у билан гаплашган ҳам. Бироқ ҳозир у Сириуснинг боши тез пайдо бўлиб, йўқолгани боис, уни кўрганига тўлиқ ишонч билдира олмаяпти...
- Сириуснинг бошини? - ҳайрон бўлди Гермиона, - Ўтган йили, Уч сеҳргар беллашуви ўтган кунлари, сен билан гаплашишни истаб қолган сингарими? Бироқ ҳозир у бундай қилмайди, чунки... Сириус!
- Қиз қўрқиб кетганидан оҳ уриб юборди. Рон эса қўлидаги пат-қаламни тушириб юборди. Камин оловининг ўйноқлаётган тиллари орасида кулиб турган юзига қоп-қора сочи тушган Сириуснинг шодон боши кўринди.
- Эл қатори ухлагани кириб кетасиз, деб чўчиган эдим, - деди у, - Ҳар соат қараб-қараб бордим.
- Бу ерда ҳар соат пайдо бўлиб бординг-ми? - ярим кулиб сўради Гарри.
- Икки сонияга. Гаплашиш имкони пайдо бўлган-бўлмаганини билиш учун.
- Пайқаб қолишганда нима бўлар эди? - хитоб қилди Гермиона, хавотирланиб.
- Чиндан ҳам, кўринишидан биринчи синф ўқувчисига ўхшаш қизалоқ пайқаб қолгандай бўлди, бироқ ташвиш чекишга ҳожат йўқ, - тез қўшиб қўйди Сириус, оғзини кафти билан ёпиб олган Гермионага, - Кўзи менга тушиши ҳамоно, гўм бўлдим. Ғалати шаклда кўринган олов тили ёки шунга ўхшаш бирон нарса бўлса керак, деган хаёлга боргани аниқ.
- Бироқ Сириус, бу кети ўйланмасдан қилинган таваккалик-ку... - гап бошлади Гермиона.
- Моллига ўхшаб гапирасан-а, - гапни бўлди Сириус, - Гаррининг хатига яна қандай жавоб қайтаришим мумкин ахир? Шифрланган хат йўллаб-ми? Бироқ ҳар қандай шифрни очиш мумкинлигини унутманг.
- «Гаррининг хати» сўзларини эшитган Рон билан Гермиона Гаррига юзланди.
- Сириусга хат йўллаганинг ҳақида ҳеч нима демаган эдинг! - деди Гермиона айблов оҳангида.
- Ёдимдан кўтарилибди, - деди Гарри.
- Чиндан ҳам шундай бўлган. Бойқушхонада Чуни учратган Гарри дунё ташвишларини батамом унутиб юборган эди.
- Менга ундай кўз билан қарама, Гермиона! Хатда деярли ҳеч нарса, ҳеч қандай махфий маълумот бўлмаган. Тўғрими, Сириус?
- Ҳа, хат чиндан ҳам зўр маҳорат-ла битилган, - кулиб қўйди Сириус, - Хўш, биров келиб қолмасдан олдин муҳим гапларга ўтайлик. Демак, чандиқ.
- Чандиққа нима қилиб... - оғиз очган бўлди Рон, бироқ унинг гапини Гермиона кескин бўлиб ташлади:
- Кейин суриштириб, муҳокама қиламиз. Гапир, Сириус.
- Оғриши ёмон эканлигини тушунаман, бироқ назаримда, ташвиш тортишга ҳожат йўқ. Ахир у бултур йил давомида оғриган, шундайми?
- Ҳа. Дамблдорнинг тушунтиришича, Вольдемортнинг вужудини кучли ҳис-туйғу қамраб олган фурсатда оғриган, - тасдиқлади Гарри, одатдагидай, Вольдеморт исми талаффуз этилганида дўстларининг даҳшатдан буришиб кетган юзларига эътибор қаратмай, - Мен Амбрижнинг ҳузурида бўлганимда Вольдемортнинг қаердадир жаҳли чиққан ёки билмадим, яна бирон кор ҳол рўй берган бўлса керак.
- У ҳаётга қайтган экан, чандиқ кўпроқ оғриб бориши муқаррар, - деди Сириус.
- Демак, чандиқнинг оғриғи Амбрижнинг менга қўл теккизгани билан боғлиқ эмас, шундайми? - сўради Гарри.
- Шубҳа қиламан, - жавоб берди Сириус, - Унинг донги менга маълум, бироқ Ўлимдан

мириқувчилар сирасига кирмайди...

- Гарчи, ёвузлик масаласида улардан қолишмаса ҳам, - ҳикмат қилгандай гап қистириб ўтди Гарри, маънос оҳангда.

Рон билан Гермiona Гаррининг сўзини маъқуллаб бош ирғишди.

- Шундай бўлса ҳам, бу дунё фақат яхши одамлар-у, Ўлимдан мириқувчиларга бўлинмайди, - кулиб қўйди Сириус, - Аммо қайсидир маънода гапинг тўғри. Амбриждай ифлос аёлни топиш осон кечмайди... Ремнинг Амбриж ҳақида билдирган фикрини эшитганингизда эди.

- Люпин у билан шахсан танишми? - тез сўради Гарри, Амбриж ўзининг биринчи дарсида «хавфли дурагайлар»ни тилга олиб ўтганини эсга олиб.

- Йўқ, - жавоб қайтарди Сириус, - Икки йил муқаддам Амбриж махлуқ тусига кирадиган одамлар манфаатларига қарши йўналган аллақандай фармонлар имзоланишига эриша олган. Оқибатда Рэм ўзига иш топа олмай юрибди.

Люпиннинг эскириб, титилиб кетган устки кийимини эсга олган Гарри Амбриждан икки чандон нафратланиб кетди.

- Махлуқ тусига кирадиганларга қандай хусумати бор, унинг? - домангир оҳангда сўради Гермiona.

- Ўйлашимча, улардан ўларча қўрқади, - кулиб қўйди Сириус, Гермionанинг жаҳл қилганини кўриб, - Фикримча, Амбриж ярим одам зотига мансуб ҳар қандай жонзоддан нафратланади. Ўтган йили у, сув париларига қарши бутун бошли кампания уюштириб, уларнинг барчасини овлаб, ҳалқалаш таклифини киритган эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Тараққосдек ярамаслар озодликда юрса-ю, сув париларига қарши шунча куч ва воситалар сарф этилса...

Рон кулиб юборди.

- Сириус! - ўпка-гина қилди Гермiona, - Агар сен оз бўлса ҳам уриниб кўрганингизда, Тараққоснинг хулқи анча яхшиланган бўлар эди. Ахир сен сулолада Тараққос учун ягона соҳиб бўлиб қолгансан. Профессор Дамблдорнинг сўзларига қараганда эса...

- Қўйинг, ўша эльфни, яхшиси айтинг-чи, Амбрижнинг дарсида нима билан шуғулланасиз? - гапни бўлди Сириус, - Дурагайларга қирон келтириш усулларини ўргатапти-ми?

- Йўқ, - жавоб қайтарди Гарри, Гермionанинг Тараққос ҳимоясига оид гапи чала қолгани учун домангир қиёфасига эътибор қаратмай, - Сеҳр-жоду билан шуғулланишга рухсат бермаяпти! Мутлақо!

- Аллақандай аҳмоқона дарсликни ўқиганимиз-ўқиган, - қўшимча қилди Рон.

- Тўғри, бари мос келяпти, - деди Сириус, - Вазирликда ишлайдиган ишончли манбадан олинган маълумотларга кўра, сизлар жангга шай бўлишларингизни Фуж истамайди.

- Жангга шай бўлишимизни? - ҳайрон бўлди Гарри, - Унинг фикрича бу ерда мактаб ўқувчилари эмас армия шахсий таркиби тўпланганми?

- Айнан шундай фикр юритади у, - тасдиқлади Сириус, - Аниқроқ айтиладиган бўлса, Дамблдор вазирликни ишғол қилиш мақсадида ўз армиясини тузаётганидан қўрқади.

Орага сукунат чўқди.

- Ҳаётимда бундан-да аҳмоқона гапни эшитмаган эдим, - деди ниҳоят Рон, - Ҳатто Луна Лавгуддан ҳам.

- Бундан чиқди, мактабда ўзлаштирган афсунларимизни вазирликка қарши қўллашимиз мумкинлигидан Фуж қўрқаётгани учун ҳам, ёвузлик кучидан ҳимояланишга ўргатишмаяпти эканда бизни, а? - эътироз билдирди Гермiona.

- Шундай, - ғудуллади Сириус, - Фужнинг фикрича, Дамблдор ҳокимиятни қўлга олиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди. Паранойяси ҳаддан ортиқ ривожланиб кетган кўринади унинг. Кўп ўтмай, Дамблдорни сохта айблов билан ҳибсга олишлари ҳам мумкин.

Сириуснинг ушбу сўзларидан сўнг, Гарри Персининг хатини эслади.

- Эртага «Башорат-у, каромат газетаси»да Дамблдорга қарши нима чоп этилишидан хабаринг йўқми? Роннинг акаси Персининг ўйлашича...

- Йўқ, хабарим йўқ, - деди Сириус, - Ўтган дам олиш куни Орден аъзоларидан ҳеч кимни кўрмадим. Уларнинг ҳаммаси банд. Тараққос билан ёлғиз қолганман...

Сириуснинг оҳангидан алам сезилди.

- Хагридга тааллуқли янгиликлар борми?

- Ҳа, айтгандай... - деди Сириус, - Аслида у, аллақачон қайтиши керак эди. Ҳозир қаерда ва унга нима қилганини ҳеч ким билмайди. Лекин Дамблдор хавотир олаётгани йўқ, - тез қўшиб қўйди у, болаларнинг юзида пайдо бўлган руҳий ларза қиёфасини кўриб, - Ундай қиёфа ясаманг!

Хагриднинг ишлари жойида эканлигига ишончим комил.

- Ҳа, лекин... модомики, қайтиш вақти бўлган экан... - аста гап бошлади Гермиона.

- Максим хоним унга ҳамроҳ бўлган. Биз у билан алоқа боғладик. Аёлнинг сўзларига қараганда, уйга қайтиш давомида иккаласи икки томон тарқаб кетган. Хагриднинг яралангани ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатига шама қилмади. Қисқаси, ташвиш тортишга сабаб бўладиган бирон гап айтмади.

Бироқ бу гап бир-бирига қараб қўйган болаларга таскин бермади.

- Умуман айтиладиган бўлса, Хагрид ҳақида ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамаган маъқул, - тез қўшимча қилди Сириус, - Акс ҳолда унинг йўқлигига ортиқча эътибор жалб этиб қўясиз. Дамблдор эса буни истамаган бўлар эди. Хагрид кучли ва ишончим комилки, ишлари жойида бўлади.

Болаларнинг кайфияти яхшиланмаганини кўрган Сириус афтидан, мавзунини алмаштиришга аҳд қилди.

- Хогсмедга қачон чиқасизлар, а? Ўйлашимча, вокзалда итлимиз муваффақиятли ўтди, эҳтимол биз?...

- Йўқ! - баралла рад этишди Гарри билан Гермиона.

- Сириус, наҳотки «Башорат-у, каромат газетаси»ни ўқимаган бўлсанг? - сўради Гермиона саросимали оҳангда.

- А, гап бу ёқда денг, - кулиб қўйди Сириус, - Улар ҳар доим менинг қаердалигим, нима билан банд эканлигимни башорат қилиб келишади. Аслида эса тасаввур доираларига...

- Фикримизча, бу сафар тасаввур доираларига сиғдира олишади, - эътироз билдирди Гарри, - Поездда келаётганимизда Малфой мубҳам фикр билдириб ўтди... Қисқаси, афтидан, ўша ит аслида сен эканлигингни у билган. Люциус Малфойни танийсан, а? Ўша куни у ҳам вокзалнинг темир йўл платформасида бўлган! Шундай экан, илтимос, Сириус, Хогсмед ҳудудида кўриниш берма. Агар Малфой сени яна таниб қолгудай бўлса...

- Яхши, яхши, тушундим, - аччиқланди Сириус, - Мен билан учрашишдан хурсанд бўласан, деган хаёлга борган эканман.

- Жуда хурсанд бўламан! Фақат яна Азкабанга тушиб қолишингни ҳам истамайман! - овоз кўтарди Гарри.

Орага сукунат чўқди. Сириус олов ичидан Гаррига диққат билан разм солди. Ботиқ кўзи билан қаншари орасида ажин кўринди.

- Мен ўйлаган даражада ўхшамас экансан отанга, - деди у ниҳоят, совуқ оҳангда. Жеймс таваккал қилишни ёқтирар эди.

- Тушин...

- Бўлди, вақт бўлди, боришим керак. Тараққос зинапоядан тушиб келяпти, - эшитишни истамади Сириус, - Бу ерда яна қачон пайдо бўлишимни ёзиб юбораман, хўпми? Ёки сизнингча, бу ҳам таваккалчиликка кирадими?

Сириус Тараққос ҳақида ёлғон айтганини Гарри тушуниб етди. Қарс товуши эшитилиб, ҳозиргина Сириуснинг боши турган жойда рақсга тушаётган олов тиллари кўринди.



## ЎН БЕШИНЧИ БОБ. «ХОГВАРЦ»НИНГ БОШ ИНСПЕКТОРИ

Болалар уйқуга ётар экан, «Башорат-у, каромат газетаси»нинг эртанги сонини бошидан охиригача ўқиб чиқиб, Перси юборган хатда тилга олинган мақолани албатта топиб ўқишга аҳд қилишди. Бироқ мақолани узоқ қидиришга тўғри келмади. Сут кўзасига қўниб олган почта бойқуши учиб кетган ҳамоно, Гермiona оҳ урганча, газетани стол устига ёзди. Бош саҳифага майда тишини яланғочлатиб олиб, кўзи баъзан пирпираётган Долорес Амбрижнинг фотосурати акс эттирилган. Сурат остида эса сарлавҳа:

СЕҲРГАРЛИК ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАЪЛИМ СОҲАСИ ИСЛОҲОТ ҚИЛИНМОҚДА. «ХОГВАРЦ» ТАРИХИДА ИЛК БОР БОШ ИНСПЕКТОР ЛАВОЗИМИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ. ДОЛОРЕС АМБРИЖ ЯНГИ ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАНДИ

- Амбриж бош инспектор лавозимига тайинланди? - сўради қўлидаги тостни еб тугатмай, дастурхонга қўйган Гарри, қовоқ солиб, - Хўш, бу нимани англатади? Гермiona мақолани овоз чиқариб ўқий бошлади:

Кеча оқшом сеҳргарлик вазирлиги кутилмаган қадам қўйиб, янги қонун чиқарди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ сеҳргарлик вазирлиги мисли кўрилмаган ваколат, у ҳам бўлса, «Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактаби маъмуриятининг хатти-ҳаракатлари устидан назорат олиб бориш имконига эга бўлди.

- «Хогварц»да кечаётган жараёнлар сеҳргарлик вазирини анча вақтдан буён ташвишга солаётган эди, - маълум қилди вазир ёрдамчиси Перси Уэсли, муҳбиримиз билан ўтган суҳбатда, - Бугунги кунда кўрилган чоралар мактаб ўқувчиларининг ота-оналаридан келиб тушаётган кўплаб шикоятларга жавобан кўрсатилган муносабат сифатида эътироф этилмоғи даркор. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, фарзандлари «Хогварц»да таҳсил кўраётган ушбу ота-оналар ҳам мактаб номақбул йўналишда ривож топаётганидан ташвишга тушган.

Эслатиб ўтиш лозимки, ушбу қонун, сеҳргарлик таълимотини сифат жиҳатидан ошириш борасида сўнги бир неча ҳафта ичида жон куйдириб қолган вазир Корнелиус Фуж томонидан кўрилган биринчи чора эмас. Жумладан, жорий йилнинг 30 август куни вазир томонидан 22- сонли таълим тўғрисидаги декрет имзоланган бўлиб, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда, «Хогварц»нинг бугунги кунда фаолият кўрсатаётган директори муайян вақт давомида мактабнинг бўшаб қолган ўқитувчилик лавозимига номзод топа олмас экан, муносиб номзод топиб, лавозимга тайинлаш ҳуқуқи вазирлик ваколатига ўтиши белгилаб қўйилган.

- Айнан шу ҳуқуқни қўллаган вазирлик ўқитувчилар таркибининг штатига Долорес Амбрижни киритди, - тушунтириш берди Перси Уэсли, - Яъни Дамблдор, ҳеч кимни топа олмагач, профессор Амбриж сеҳргарлик вазирлиги томонидан бўш лавозимга тайинланди ва бу ҳолат биз учун айни муддао бўлди. Профессор Амбрижнинг лавозимга тайинланиши дарҳақиқат ғолибона ишдир.

- Қанақа ИШДИР? - овоз кўтарди Гарри.

- Тўхта, ҳали охирига етганим йўқ, - деди Гермiona, маънос оҳангда.

... ғолибона ишдир. Негаки, профессор Амбриж ўқитувчилик лавозимига тайинланиши ҳамоно, ёвузлик кучидан ҳимоя фанидек мураккаб фанни ўқитиш жараёнини тубдан ўзгартиришга эриша олди. Бундан ташқари, жаноб Фуж билан доимий алоқада бўлиб бориш, мактабда юзага

келаётган аҳвол ҳақида уни ўз вақтида бохабар қилиш вазифаси ҳам профессор Амбриж зиммасига юкланган хизмат мажбуриятлари жумласига киради.

Долорес Амбрижнинг зикр этилган хизмат мажбурияти вазир томонидан таълим тўғрисидаги 23-сонли декрет имзолангач, расмий мақомга эга бўлди. Зеро, ушбу декрет орқали мактабда муқаддам бўлмаган «Хогварц» бош инспектори лавозими таъсис этилди.

- «Хогварц»даги таълим-тарбия жараёнига оид «стандартлар даражасининг кескин пастлаб кетиши», деб кўпчилик томонидан ном берилган салбий ҳолатга қарши кураш олиб бориш мақсадида тегишли стратегик режа ишлаб чиқилган бўлиб, мулоҳаза юритилаётган лавозимнинг таъсис этилиши, ушбу режа ҳаётга татбиқ этилишининг ниҳоятда муҳим босқичи саналади, - қўшимча қилди Уэсли, - Жорий меъёрларга мос келаётганига ишонч ҳосил қилиши учун мактаб инспекторига ўз ҳамкасбларининг фаолиятини текшириб бориш ҳуқуқи ҳавола этилган. Профессор Амбриждан ўқитувчилик фаолияти билан бир вақтда инспекторлик мажбуриятини ҳам бажаришни илтимос қилдик. Бахтимизга профессор Амбриж таклифимизни рад этмай, розилик билдирди.

Сеҳргарлик вазирлиги томонидан таълим тизимида олиб борилаётган янги ислохотлар «Хогварц» ўқувчиларининг ота-оналари томонидан қизғин қарши олинди.

- Альбус Дамблдорнинг хатти-ҳаракатларига бундан буён холисона, адолат-ла баҳо берилишини эшитганим ҳамоно, анча енгил тортдим, - мухбиримиз билан фикр ўртоқлашди Прельширда жойлашган қаср соҳиби, қирқ бир ёшли мистер Люциус Малфой, - Сўнги бир неча йил ичида менга ўхшаган ота-оналарнинг аксарияти Дамблдорнинг фавқулодда ғалати хатти-ҳаракатлари туфайли ташвиш тортиб келган. Мактабдаги вазият вазирлик томонидан назорат остига олинганидан хабар топиб ниҳоятда қувондик.

Шубҳа йўқ-ки, мистер Малфой «фавқулодда ғалати хатти-ҳаракатлар» тушунчаси остида мактаб директорининг ўқитувчилар таркиби масаласида юритган ўзига хос сиёсати-ю, газетамизнинг олдинги сонларида ёритиб ўтилган ғайриоддий қарорларини, чунончи, махлуқ тусига кирадиган Рэм Люпин, чала зот гигант Рубеус Хагрид ва ақлини еб тугатган истеъфодаги аврор Ўйноққўз Хмурини ишга олганини назарда тутган. Шундай экан, сеҳргарлар олами ичра Нуфузли зот, Бутун Жаҳон Сеҳр-жоду Конфедерациясининг раиси, Оқил Суднинг Олий Қозиси лавозимларидан бўшатишга Альбус Дамблдорнинг «Хогварц»дай нуфузли мактабга раҳбарлик қилиш қобилияти табарруқ ёшга етгани боис, барҳам топгани ҳақида миш-миш гаплар тарқгани ҳам бежиз эмас.

- Фикримча, мактаб штатига бош инспектор лавозимининг киритилиши – «Хогварц», тез орада, фарзандларимизнинг қисматини ишониб топширса бўладиган бошқа директорга эга бўлишига замин яратадиган илк қадам бўлиб хизмат қилади, - деди кеча оқшом, вазирлик ходимларидан бири.

Айни вақтда, Оқил Суднинг кекса аъзолари Гризельда Марчбэнкс билан Тиберий Огден мулоҳаза юритилаётган лавозимнинг таъсис этилишига жавобан билдирилган эътироз тариқасида Оқил Суд аъзолигидан истеъфога чиқиш аризасини тақдим этдилар.

- «Хогварц» сеҳргарлик вазирлигининг бўлими эмас – мактабдир. Буларнинг бари Альбус Дамблдорни бадном қилиш мақсадида уюштирилган навбатдаги уринишдан ўзга нарса эмас, - баёнот қилди Марчбэнкс хоним (Марчбэнкс хонимнинг қўзғолончи гоблинлар отрядлари билан йўлга қўйилган муносабатларга шама қилган нутқининг давомини 17- саҳифада ўқинг).

Гермиона мутолаани тугатиб, Гарри билан Ронга қаради.

- Ана энди тушунарли, Амбриж бизга қандай келиб қолганлиги! Фуж ўзининг «Таълим тўғрисидаги декрет»ини чиқариб, зўрлаб тиқиштирган-қўйган! Бу ҳам камлик қилгандай, бошқа ўқитувчиларнинг фаолияти устидан назорат юритиш ҳуқуқини берибди! - деди у, кўзи ярқираганча, тез-тез нафас олиб, - Ишонгим келмайди! Буларнинг бари аблаҳликдан бошқа нарса

эмас!

- Рост айтасан, - деди Гарри, стол қиррасини маҳкам ушлаган ўнг қўлига қараб.

Кафтининг орқа томонида оқариб қолган чандиқ – Амбриж туфайли ўз тери қопламасини кесиб ёзишга мажбур бўлган жумла ҳамон кўриниб турибди.

Роннинг юзида эса мамнуният ҳосил қилган кулги кўринди.

- Нима иржаяпсан? - баралла сўрашди Гарри билан Гермиона Ронга бақрайиб.

- Макгонагаллнинг ўқитувчилик фаолиятини қандай текшира олишини ўз кўзим билан кўришни орзу қиламан, - қувонч-ла жавоб берди Рон, - Нимага йўлиқишини Амбриж тасаввур ҳам қила олмаяпти.

- Қани тез борайлик, - ирғиб турди Гермиона, - Дарсга кеч қолмаганимиз маъқул. Биннзнинг фаолиятини текширишдан бошлаб қолмасин тагин...

Сеҳргарлик тарихи фани дарсига профессор Амбриж келмади. Дарс, бир ҳафта олдин ўтган каби, зерикарли кечди. Снегнинг сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани бўйича қўш соатли дарси ўтадиган ерости хонасига ҳам Амбриж тушмади. Гарри ўстки бурчагига қора сиёҳ билан йирик «Д» баҳоси қўйилган «Ойтош минералининг хоссалари ва сеҳрли дамламалар тайёрлаш масалаларида ундан фойдаланиш соҳалари» мавзусига бағишланган иншосини қайтариб олди.

- Мен ҳар бирингизга ўхшаш иш учун имтиҳонда олишингиз мумкин бўлган баҳо белгиладим, - масхараомуз кулимсиради Снегг, қаторлар орасида юрганча, текширилган иншоларни эгаларига қайтарар экан, - Бу билан нимага эришингиз мумкинлиги ва ўз билим савиянгизга оид тасаввурингизни ҳосил қилмоқчиман.

У хона бошига етиб, пошнасида кескин айланганча, синфга юзланди.

- Таъкидлаб ўтишим жоизки, бажарган ишингиз, умуман айтганда, жуда ёмон. Агар бу иш имтиҳон иншоси бўлганида, аксариятингиз шарманда бўлар эдингиз. Умид қиламан-ки, янги, яъни ҳайвон организмидан тайёрланган заҳарларга қарши зидди заҳарларнинг ҳар хил турлари ҳақидаги иншони ёзар экансиз, тиришқоқлигингизни кўпроқ кўрсатасиз. Акс ҳолда боз «Д» баҳо олган каллаварамларга нисбатан қатъий чора кўришга мажбур бўламан.

- Демак, «Д» баҳосига эришган думбуллар ҳам топилибди-да? Ҳа! - баланд овозда пичирлади Малфой.

Бунга эшитган Снегг мийиғида кулиб қўйди.

Гермиона кўзининг қири билан иншога қўйилган баҳони кўришга уринганини пайқаган Гарри, ўз каллаварамлигини сир сақлашни маъқул билиб, пергаментни юк халтасига солиб қўйди.

Бугунги дарсда Гарри ўзини шарманда қилдириб қўймасликка аҳд қилиб, ҳар бир ҳаракат ижросига киришишдан олдин, синф тахтасига битилган йўриқноманинг навбатдаги сатрини уч-тўрт мартаба ўқиб борди. У тайёрлаган ҳаётбахш суюқлик Гермионанинг қозонидаги дамлама каби, ёрқин мовий тусга эга бўлмаса-да, ҳар қалай Невилль тайёрлаган пушти суюқликдан фарқли ўлароқ кўк рангли бўлди. Шундай экан, дарс ниҳоясида дамлама тўлатилган шишачани Снегнинг столига олиб борар экан, юзи мардонавор қиёфа касб этиб, ич-ичдан енгил тортди.

- Ўтган сафарги дарсга нисбатан ёмон эмас, а? - сўради Гермиона, ерости синф хонасини тарк этиб, зинадан вестибюлга кўтарилганча, тушлик қилгани йўл олишар экан, - Уйга берилган вазифани ҳам уддалай олдик, шундайми?

Рон ҳам, Гарри ҳам индамади, лекин қиз хиралигини қўймади.

- Модомики, Снегг, уйга берилган вазифа ижросини МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун топширилган имтиҳон каби, баҳолаган экан, олий баҳо олишни кутиш ноўрин. Шундай бўлса-да, ушбу босқичда йиқилмасликнинг ўзи катта гап, тўғрими?

Гарри дудмол пўнғиллаб қўйди.

- Тўғри, имтиҳонга ҳали анча бор, ихтиёримизда ҳам бир олам вақт мавжуд, ҳали кўп нарсани ўқиб, ўзлаштиришимиз мумкин, лекин бугун олган баҳомизни саноқ боши, қолаверса, кўзланган

манзил сари қўйилган дастлабки одим, деса бўлади, а?

Учовлон гриффиндорчилар дастурхони атрофига жойлашиб ўтирди.

- Агар «О» баҳосига эришган бўлганимда эди, ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис этган бўлар эдим, албатта...

- Гермiona, - гапни шартта бўлди Рон, - Агар баҳоларимизни билмоқчи бўлсанг, тўғриси сўраб қўя қол.

- Мен, йўқ... яъни... умуман айтганда, истасангиз айтишингиз мумкин...

- Менга «Ё» баҳо қўйибди, - маълум қилди Рон, заранг косасига шўрва қўйиб, - Кўнглинг жойига тушди-ми?

- Бунинг уяладиган ери йўқ, - гапга аралашди, стол ёнида Жорж ва Ли Жордан билан бирга пайдо бўлган Фред, Гаррининг ёнига жойлашиб, - Туппа-тузук, соппа-соғ «Ё»нинг нимаси ёмон?

- Ахир, - гап бошлади Гермiona, - «Ё» бу...

- Тўппа-тўри, «ёмон» дегани, - жавоб берди Ли, - Бироқ «даҳшатли» маъносини англатадиган «Д»га нисбатан тузукроқ-ку, ҳар қалай.

Юзи ловуллаб кетган Гарри бўғзига кулча тиқилиб қолган қўйга тушиб, йўтала бошлади. Бироқ сохта хуруждан ўзини ўнглаб олгандан сўнг ҳам, Гермiona ҳалигача МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун топшириладиган имтиҳон баҳоларини муҳокама қилаётганини англади.

- Демак, энг юқори баҳо «О», «олий» бўлса, ундан кейин «Я» келса керак...

- Йўқ, ундан олдин «К», «кутилмаган ҳолат» баҳоси келади, - тузатиш киритди Жорж, - Фред иккаламизга барча фанлардан доимо «К» баҳоси қўйилиши керак, деб биламан. Ахир имтиҳон топширгани келганимизнинг ўзи кутилмаган ҳолат эмасми?

Ўз фикрини маъқуллашни қўймаган Гермionадан ташқари, ҳамма кулиб юборди.

- «О»дан кейин «Я» келади. Бу эса ўтиш балларининг энг қўйи даражаси бўлса керак, а?

- Ҳм, - бош ирғиб қўйди, кулчасини шўрвага ботирган Фред, нонни бутунича оғзига тиқиб.

- «Я»дан кейин «Ё», «ёмон» баҳоси қўйилади, - иккала қўлини юқорига кўтарди Рон, сохта шодланиб, - Энг охирги бўлиб «даҳшатли» маъносини англатадиган «Д» келади.

- Йўқ, «Т» келади, - эслатиб ўтди Жорж.

- «Т»? - ажабланди Гермiona, - «Д»дан баттар-а? Нимани англатадиган баҳо бўлди у?!

- «Тролль», - тез жавоб қайтарди Жорж.

Гарри, гарчи Жорж ҳазиллашаётганига ишончи комил бўлмаса-да, яна эл қатори кулиб юборди.

Кўз олдига барча имтиҳонлардан олган «Т» баҳоларини Гермionадан бекитиб юришини келтириб кўрди-да, бугундан эътиборан жиддийроқ шуғулланишга ўзига ўзи сўз берди.

- Бирон-бир дарсингизни текширишди-ми? - қизиқди Фред.

- Йўқ, - жавоб берди Гермiona, - Сизларнинг дарсингизни-чи?

- Ҳозиргина. Афсун ўқиш дарсини, - маълум қилди Жорж.

- Хўш? - баралла сўради Гарри билан Гермiona.

Фред елка қисиб қўйди.

- Ҳеч қандай ваҳимали нарсасиз бермади. Амбриж бурчакка биқиниб олиб, ён дафтарига алланима ёзиб ўтирди. Флитвикни биласиз-ку, Амбрижнинг синфда ўтирганини парвойига ҳам келтиргани йўқ. Долорес ҳам миқ этмади. Фақат Алисиядан афсун ўқиш дарсида, одатда, нималар билан шуғулланишимиз ҳақида сўрабди. Алисия эса дарслар доимо қизиқ ўтишини айтибди. Бор гап шу.

- Билмадим, менимча, Флитвикни бирон нимада айбситаб бўлмайди, - елка қисди Жорж, - Унинг ўқувчилари имтиҳонларни доимо талаб даражасида топшириб келган.

- Тушлиқдан сўнг, қайси дарсга борасиз? - сўради Фред Гарридан.

- Трелани...

- «Т» деб, ўшани айтса бўлади.

- ... кейин Амбриж, шахсан ўзлари.

- Ундай бўлса, дарсда мўмин-қобил бола бўлиб ўтиргин, - йўриқ берди Жорж, - Агар яна бирорта машқни ўтказиб юборадиган бўлсанг, Ангелина сени ўлдирди-қўяди.

Амбриж билан учрашиш учун ёвузлик кучидан ҳимоя дарсини кутишга тўғри келмади. Башорат фанининг нимқоронғи хонасига кириб, бурчакдаги жойлардан бирига жойлашганча, юк халтасидан туш кундалигини олиш учун эгилган Гаррининг биқинига Рон тирсак ниқтади. Гарри шу заҳоти Рон имо қилган томон юзланиб, синф хонасига олиб чиқадиган тўйнуқда профессор Амбрижнинг танасини кўрди. Қувноқ вати-кути шу заҳоти тинди. Кутилмаганда қарор топган сукунат столчалар орасида сузиб, «Туш фолномаси»ни тарқатиб юрган профессор Треланини тўйнуқ томон ўгирилишга мажбур қилди.

- Хайрли кун, профессор Трелани, - оғзини энли очиб иржайганча хуриллади профессор Амбриж, - Текширув санаси ва соати қайд этилган номамни олдингиз, деган умиддаман.

Юзи домангир қиёфа касб этган профессор Трелани сал бош ирғиб қўйиб, ўқувчиларга дарслик тарқатишни давом этди. Мурдор иршайишини қўймаган профессор Амбриж эса яқин орадаги креслолардан бирини чангаллаб, профессор Треланининг креслоси томон тортди ва гулдор сумкасидан ён дафтари чикариб, худди чивин тутиш учун пайт пойлаган қурбақа каби, олд томон бақрайганча, астойдил ўтириб олди.

Қўли сезилар-сезилмас титрай бошлаган профессор Трелани катта шолрўмолига зичроқ ўралиб олиб, кўзойнагининг ҳаддан ортиқ катталаштирадиган линзалари орқали синфга назар солди.

- Бугун тушларимиз талқинини ўзлаштиришни давом эттирамиз, - гап бошлади у, бор кучини ишга солганча овозига одатий сирли оҳанг беришга уриниб, - Илтимос, жуфтларга бўлиниб, «Туш фолномаси» воситасида сўнги тушингизни бир-бирингизга изоҳлаб беринг.

Ўқитувчи ўз жойи томон қадам босди-ю, креслосининг ёнида ўтирган профессор Амбрижни кўриб, чапга, Патилнинг сўнги тушини астойдил муҳокама қилишга киришган Лаванда ва Патил томон бурилди.

Дарсликни очган Гарри ён дафтарига алланима ёзиб ўтирган Амбрижнинг хатти-ҳаракатларини ўғринча кузатиб ўтирди. Икки дақиқа ўтгач, профессор Амбриж ўрнидан туриб, Треланининг кетидан изма-из, ўқувчилар билан олиб бораётган сўхбати, айтган ҳар бир сўзини диққат билан тинглаб, ўзи ҳам савол бериб, юра бошлади.

- Тезроқ бирон-бир туш ўйлаб топ, - деди Гарри Ронга, - Анави қари қурбақа ёнимизга келиб қолиши мумкин.

- Мен ўтган сафар тўқидим, бу сафар сенинг галинг, - эътироз билдирди Рон.

- Билмадим... - деди, сўнги вақтда ҳеч қандай туш кўрмаган Гарри ишончсиз ғудуллаб, - Хўп, айтайлик, мен, Снеггни ўз қозонимда ғарқ қилиб, ўлдирдим. Бўладими?

Рон ҳиринглаб, қўлидаги «Туш фолномаси»ни очди.

- Хўш... ёшинг рақамига, тушинг кирган санани қўшиш, ҳосил бўлган йиғиндига эса туш мавзусининг номини ташкил этган сўзлардан бирортасидаги ҳарфлар сонини қўшиш керак экан. Қайси сўзни оламингиз? «Қозонимда»ними? «Ўлдирдим»ними ёки «Снеггни»ми?

- Нима фарқи бор, ҳар қандай бирини олаверсанг-чи.

Гарри аста ортга қаради. Профессор Трелани Невилль билан туш кундалигини муҳокама қилмоқда, Амбриж эса ён дафтарига нималарнидир ёзганча, Треланининг ортида турибди.

- Шошма, қани қайтар-чи, қачон кўрдинг анави тушингни? - сўради ҳисоб-китобларга берилиб кетган Рон.

- Билмадим, кеча бўлса керак. Қайси сана сенга мақбул келса, ўша кунни ёзавер, - деди Гарри, бир стол нарида турган Амбрижнинг профессор Треланига айтаётган сўзларини эшитишга уриниб. Профессор Амбриж ён дафтарига бир нарсаларни ёзмоқда, профессор Треланининг батамом гангиб қолгани қиёфасидан яққол кўриниб турибди.

- Айтинг-чи, лавозимга тайинланганингизга қанча бўлди? - сўради Амбриж.

Профессор Трелани қўлини қўкрагига қовуштириб олиб, гўё менсимаслик, камситилиш мақсадида амалга оширилаётган бундай бемаъни текширувдан ҳимояланаётган каби, Амбрижга бир мунча вақт ҳурпайиб, домангир бақрайиб турди. Шундан сўнг, афтидан, берилган савол, ҳақоратомуз эмас, деб эътироф этди шекилли, дилсиёҳ оҳангда жавоб берди:

- Деярли ўн олти йил.

- Кўпдан буён ишлар экансиз, - таъкидлаб қўйди профессор Амбриж, жавобни ён дафтарига қайд этиб, - Демак сизни профессор Дамблдор ишга олган, шундайми?

- Худди шундай, - бош ирғиди профессор Трелани.

Профессор Амбриж яна ниманидир ён дафтарига ёзиб қўйди.

- Ва сиз машҳур башоратчи аёл Кассандра Треланининг эвараси бўласиз, шундайми?

- Ҳа, шундай, - жавоб қайтарди профессор Трелани бошини мағрур кўтариб.

Профессор Амбриж ён дафтарига ниманидир боз ёзиб қўйди.

- Бироқ сиз, адашмасам, Кассандрадан сўнг, Кўриш қобилиятига эга биринчи авлодсиз, шундайми?

- Бундай қобилият ҳар... э-м-м... уч авлоддан кейинги авлодга ўтади, - жавоб берди профессор Трелани.

Профессор Амбрижнинг юзидаги кулги янада кенгайиб кетди.

- Албатта, - мулоим оҳангда деди у, дафтарига яна ниманидир ёзиб, - Хўш, менга тааллуқли бирон-бир фол очиб берасиз, деган умиддаман, агар малол келмаса, а? Илтимос.

Иршайишини қўймаган Амбриж профессор Треланига бақрайиб турди. Трелани эса эшитган гапига ишонмай, карахт бўлиб қолди.

- Тушунмадим, - деди у ниҳоят, титраб-қақшайганча, чўпдай озғин бўйнидаги шолрўмолини чангаллаб.

- Менга тааллуқли бирон-бир фол очиб беришингизни сўрадим, - аниқ оҳангда такрорлади профессор Амбриж.

Энди нафақат Гарри билан Рон, балки бутун синф дарслик ортидан иккала ўқитувчи ўртасидаги суҳбатга диққат билан қулоқ солиб ўтирибди. Айни вақтда, аксарият ўқувчилар профессор Треланига маҳлиё бўлиб қолган. Трелани эса маржонлар-у, билагузукларини шақирлатиб, қаддини мағрур ростлади.

- Кўриш амр ила рўй бермайди! - аччиқ қилди у.

- Тушунарли, - деди паст овозда профессор Амбриж, яна ниманидир ёзиб.

- Мен... шошманг... шошманг! - дафъатан овоз берди профессор Трелани.

У ўзининг охираддан чиқаётган сирли оҳангида гапиришга уриниб кўрди-ю, овозидаги нафрат титроғи тўсқинлик қилди.

- Мен... назаримда, йўқ, чиндан ҳам ниманидир кўряпман... шахсан сизга тааллуқли... О, аллақандай... қоронғи... аллақандай офат...

Профессор Трелани Амбрижга дағ-дағ титраётган бармоғини ўқтади. Амбриж эса иржайишини қўймай тураверди.

- Сизга... сизга аллақандай ҳалокатли хавф таҳдид солмоқда! - фожиали пичирлаб, фолини якунлади профессор Трелани.

Орага сукунат чўқди. Профессор Амбриж нигоҳи ила профессор Треланига бошдан-оёқ назар солиб чиқди.

- Тушунарли, - деди у, ён дафтарини пат-қалами ила тирнаб, - Агар қўлингиздан келгани шу бўлса...

Амбриж профессор Треланига тескари ўгирилди. Оғир нафас олаётган кароматчи аёл турган жойида қотиб қолди. Хаёлига келган ўйи ила Ронга қараб қўйган Гарри, ушбу ўй айни пайтда,

Ўртоғининг ҳам хаёлига келганига шубҳа қилмади: ҳа, профессор Трелани тентак ва беўхшов қари қиз, албатта. Бироқ ҳозир икковлон, ушбу кампир тарафдори. Негаки, иккаласи ҳам Амбриждан ўларча нафратланади. Лекин бу ўй иккала ўртоқнинг хаёлида бир неча сониягина сақланиб турди холос. Чунки башоратчи кампир, аламдан бўлса керак, иккаласига баддослай кетди.

- Хўш? - ўзига ярашмаган қилиқ-ла, узун бармоқларини чертди у, Гарри билан Роннинг бурни олдига қўл узатиб, - Қани иккалангиз, кундалигингизни кўрсатинг-чи менга.

Профессор Трелани Гаррининг тушларини талқин қилиб, ҳатто тушида сули ёрмасидан тайёрланган бўтқа еган бўлса ҳам, тез орада фожиали ўлим топишини башорат қилар экан, бола, кампирга ачинмай қўйди. Амбриж эса сал нарида, дафтарига алланима ёзишни давом этди. Қўнғироқ зарби эшитилиши билан кумуш нарвондан пастга тушиб, яна ўн дақиқадан сўнг, болаларни ёвузлик кучидан ҳимоя фани хонасида қарши олди.

Болалар хонага кириб, ўз ўринларини эгаллар экан, профессор Амбриж ўз хаёлига келган ўйлардан ўзи кулиб турди. Токи ҳамма Уилберт Уиляйннинг «Муҳофаза қилувчи сеҳр-жоду назарияси»ни чиқарар экан, Гарри билан Рон арифмантика дарсидан қайтган Гермионага башорат дарсида бўлиб ўтган ҳодисани оқизмай-томизмай айтиб беришди. Гермиона оғиз жуфтлашга улгурмай, профессор Амбриж тартиб сақланишини талаб қилди. Шу заҳоти сув сепгандай жимжитлик қарор топди.

- Таёқчаларингизни йиғиштиринг, - амр қилди Амбриж иршайиб.

Яхши ният қилиб, сеҳрли таёқча чиқарган айрим болалар маъюс қиёфа ясаб, таёқчаларини юк халталарига қайта жойлашди.

- Ўтган дарсда биз дарсликнинг биринчи бобини ўзлаштирдик. Ҳозир унинг ўн тўққизинчи саҳифасини очиб, иккинчи бобини, «Асосий муҳофаза назариялари ва уларнинг келиб чиқиши»ни ўзлаштиришга киришамиз. Ичингизда мутолаа қилинг. Тушунтириш бериш талаб қилинмайди. Ўзидан ўзи мамнун Амбриж ўткир тишчаларини яланғочлатганча, креслосига ялпайиб ўтирди. Баралла хўрсиниб қўйган синф эса чурқ этмай дарсликнинг ўн тўққизинчи саҳифасини очди. Қизиқ, хаёлдан ўтказди Гарри, ушбу китоб боблари ўқув йилининг охиригача етармикан? Буни билиш учун дарслик мундарижасини эндигина очган эди ҳам-ки, Гермионанинг яна қўл кўтариб ўтирганини кўриб қолди.

Профессор Амбриж ҳам Гермионанинг кўтарилган қўлини кўрди. Бу сафар у, ўхшаш ҳолатлар учун махсус тактика ўйлаб топган кўринади, ўзини кўтарилган қўлни пайқамаетган кўйга солмади, аксинча, ўрнидан туриб, Гермионанинг ёнига келди-да, бошқаларга халал бермаслик учун энгашиб, пичирлади:

- Яна нима демоқчисиз, мисс Грэнжер?

- Мен китобнинг иккинчи бобини ўқиб чиқдим, - деди Гермиона.

- Учинчи бобини ўқинг.

- Учинчи бобини ҳам ўқиб чиқдим. Умуман, китобни тўлиқ ўқиб чиқдим.

Профессор Амбриж ҳайрон бўлиб, кўзини пирпиратиб юборди-ю, ўзини идора қила олди.

- Ундай бўлса, китобнинг ўн бешинчи бобида мистер Уиляйн суқига қарши суқи масаласида қандай фикр-мулоҳаза билдирганини айтиб бера олсангиз керак.

- Бундай ном нотўғри берилган, деган ғояни илгари сурган, - жавоб берди Гермиона, бирор сония ҳам ўйланиб ўтирмай, - Унинг фикрича, одамлар ўзларининг суқи киритиш ниятларини оқлаш учун ҳам, амалга оширишни кўзлаган хатти-ҳаракатларига «суқига қарши суқи» деб ном беришган.

Қоши кўтарилиб кетган профессор Амбриж Гермионанинг мисли кўрилмаган қобилиятига ғайриихтиёрий равишда тан бериб юборгани, Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

- Бироқ мен мистер Уиляйннинг бундай фикрига қўшила олмайман, - давом этди Гермиона.

- Қўшила олмасиз? - сўради, қоши янада баланд кўтарилиб, нигоҳи совуқ тус олган профессор Амбриж.

- Қўшила олмайман, - такрорлади Гермиона, жамики синфнинг диққат-эйтиборини ўзига жалб этганча, Амбриждан фарқли ўлароқ аниқ ва жарангдор овозда, - Мистер Уиляйл суқи киритишни маъқул, деб билмайди, шундайми? Мен эса суқини, агар у ҳимоя мақсадида қўлланилса, фавқулодда фойдали, деб биламан.

- Шунақами? Шундай, деб биламан, денг? - қаддини ростлади профессор Амбриж, пичирлаб гапиришни унутиб қўйиб, - Бироқ мисс Грэнжер, дилингизга озор етказмоқчи эмасман-у, бизга сизнинг эмас мистер Уиляйлнинг фикр-мулоҳазалари кўпроқ қизиқдир.

- Лекин... - боз гап бошлади Гермиона.

- Бўлди бас, - гапни бўлди профессор Амбриж ва ўз столи ёнига бориб, дарс бошидаги қувноқлигидан асар қолмаган юзи ила синфга бурилди, - Мисс Грэнжер, «Гриффиндор» коллежидан беш балл айиришни ният қилдим.

Ўқувчилар орасида норози шивир-шивир кўтарилди.

- Нима учун? - сўради Гарри дарғазаб оҳангда.

- Аралашма! - қатъий оҳангда пичирлади Гермиона.

- Ишга тааллуқли бўлмаган масалаларга доир саволлар бериб, дарс жараёнини издан чиқаргани учун, - равон овоз билан жавоб қайтарди профессор Амбриж, - Мен сизларга вазирлик томонидан маъқулланган, ўқувчилар томонидан ўзлари воқиф бўлмаган масалалар бўйича билдирилган шахсий фикр-мулоҳазалар муҳокама қилиниши кўзда тутилмаган дастур бўйича таълим бериш учун келганман. Ушбу фанни муқаддам ўқитган ўқитувчилар сизга кўпроқ эркинлик беришгандир, эҳтимол. Лекин, ўзлаштирилаётган мавзулар ўқувчилар ёшига муносиб бўлиши лозимлигига амал қилиб борган профессор Белка истисно қилинадиган бўлса, улардан бирортаси ҳам ўқитувчилик фаолияти билан машғул бўлишга ҳуқуқ берадиган лицензия ола...

- Ҳа, ҳа, албатта, Белка зўр ўқитувчи бўлган, - баланд овозда баёнот қилди Гарри, - Фақат унинг зиғирдай нуқсонни бўлган, у ҳам бўлса, бошининг орқасида Вольдемортнинг башараси бўртиб турган.

Ушбу баёнотдан кейин орага давомли сукунат чўқди. Сўнг...

- Назаримда, мистер Поттер, муддати яна бир ҳафта давом этадиган жазо сизга фойдали бўлади, - мулойим хуриллаб қўйди Амбриж.

\*\*\*

Гаррининг қўлидаги жароҳат ҳали битмай туриб, эртасига яна қонади. Бир кун олдин, оқшом маҳалида жазо ўтаётган Гарри ҳеч кимга арз қилмаслик ва бу билан Амбрижни қувониш имкониятидан маҳрум қилишга аҳд қилди. Гарри, гарчи ҳар бир ҳарфни ёзар экан, жароҳати тобора чуқурлашиб борса ҳам, пергамент варағига «Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигим керак» сўзларини чурқ этмай такрор ва такрор битиб ўтираверди.

Энг ёмони, Жорж олдиндан кўра билгандай, Ангелинанинг, ушбу масалада билдирган муносабати бўлди. Сешанба куни жамоа сардори нонушта қилгани Катта Залга тушган Гаррини бурчакка сиқиб олиб, шундай ўкира бошладики, шу заҳоти уларнинг олдида профессор Макгонагалл югуриб келди.

- Мисс Жонсон, Катта Залда бунчалик шовқин солишга қандай журъат этияпсиз? «Гриффиндор»дан беш балл айрилади!

- Бироқ профессор... у яна жазога тортилибди! Бутун бошли ҳафтага!

- Нима?! Шу гап ростми, Поттер? - Гарри томон кескин бурилиб сўради профессор Макгонагалл, - Жазога? Ким тортди?

- Профессор Амбриж, - ғудуллади Гарри, Макгонагаллнинг квадрат кўзойнак орқали қараб турган нигоҳидан кўзини олиб қочиб.



- Айтмоқчисан-ки, ўтган душанба кунги суҳбатимизга қарамай, профессор Амбрижнинг дарсида яна ўзингни ёмон тутдинг, шундайми? - сўради, профессор, орқа томонда қулоқларини диккайтириб, суҳбатга қулоқ солиб ўтирган равенклочилар эшитмаслиги учун овозини пасайтириб.

- Ҳа, - иқрор бўлди Гарри, бошини ҳам қилиб.

- Поттер, сен ўзингни қўлга олиб, хатти-ҳаракатларингни идора қилишинг шарт! Акс ҳолда бошингга бало орттириб оласан! Коллеждан яна беш бал айрилади!

- Бу... нима қилганингиз... профессор, йўқ! - овоз кўтарди Гарри, адолатсизликдан аччиқланиб, - Мен шундоқ ҳам жазога тортилган бўлсам, нега Сиз ҳам балл айиряпсиз?

- Чунки меҳнат жазоси сенга кор қилмаяпти! - жавоб берди профессор Макгонагалл, лабини қаттиқ қимтиб, - Бас, бу ҳақда бошқа оғиз оча кўрма, Поттер! Сиз эса мисс Жонсон, эслаб қолинг: фақат квидиш майдонидагина бақиршига рухсат берилади. Яна бир мартаба ўкирганингизни эшитадиган бўлсам, жамоа сардорлиги билан хайрлашасиз!

Тескари ўгирилган профессор Макгонагалл ўқитувчилар столи томон қатъий одимлаб кетди.

Гаррига нафрат ила нигоҳ ташлаб қўйган Ангелина ҳам нари кетди. Гарри эса ғазабдан ёниб, ўзини Роннинг ёнидаги курсига ташлади.

- Ҳар оқшом қўлимни кесишади, у эса бунинг учун «Гриффиндор»дан балл айиради! Қани айт-чи, адолатданми шу, а? Адолатданми?

- Нимасини айтасан, дўстим, - ҳамдард оҳангда ғудуллади Рон, Гаррининг ликопига бир бўлак бекон солиб, - Адолатсизлик-ки, чеки йўқ.

Гермиона эса «Башорат-у, каромат газетаси»нинг саҳифасини варақлаб, индамай қўя қолди.

- Сен Макгонагаллни ҳақ, деб биласан, албатта, а? - дарғазаб қичқирди Гарри, газета саҳифасидаги, Гермионанинг юзини яшириб турган Корнелиус Фужнинг расмига қараб.

- Сени айблаб коллеждан балл айирганига ачинаман, албатта, бироқ Амбриж билан мулоқот қилар экансан, ўзингни қўлга олиб, хатти-ҳаракатларингни идора қилишинг шарт, деб берган маслаҳати борасида Макгонагаллни ҳақ, деб биламан, - бир маромда жавоб берди Гермиона, нутқ ўқиб, қўлини силтаётган Фужнинг расми ортидан.

Гарри афсун ўқиш дарси давомида Гермиона билан умуман гаплашмади, лекин бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанидан дарс ўтиладиган хонага кириши ҳамано, аразини унутиб қўйди. Синф хонасининг бурчагида қўлида ён дафтар ушлаган Амбриж ўтирибди. Уни кўрган Гаррининг миясидан нонушта давомида бўлиб ўтган гап-сўзлар ўқдай учиб чиқди-ю, кетди.

- Жуда яхши, - пичирлади Рон, - Ҳозир Амбриж қилмишига яраша жавоб олади.

Хонага профессор Макгонагалл кириб келди. Унинг юзидан синф хонасида профессор Амбриж борлигидан хабардор ёки хабардор эмаслигини тушуниш қийин.

- Жим, - амр этди профессор Макгонагалл.

Хонада шу заҳоти сув қуйгандек жимжитлик қарор топди.

- Мистер Финниган, илтимос, текширилган мана бу иншоларни олинг-да, эгаларига тарқатинг...

Мисс Браун, илтимос, сичқонлар қамалган яшикни олиб... Бу қанақанги аҳмоқлик, сизни еб қўймайди улар! Қўрқмасдан олиб, ўқувчиларга бир донадан тарқатиб чиқинг...

- Ўхў-ўхў, - томоқ қирди профессор Амбриж.

Ўқув йили бошланиши шарофати билан берилган байрам зиёфати давомида Дамблдорнинг гапини бўлиш учун ҳам, у, худди шу аҳмоқона усулини қўллаган эди. Профессор Макгонагалл эса Амбрижга зиғирдай бўлсин, эътибор қаратмади. Симус Гаррига иншосини узатди. Гарри Симусга қиё ҳам боқмай, қўлидан иншони олди-да, ақл бовар қилмайдиган ҳолатда «аъло» баҳога ёзганини кўриб, анча енгил тортди.

- Диққат қилинг... Дин Томас! Агар сичқонингиз билан яна бир бор ўхшаш муомала қилар экансиз, сизни жазога тортишга мажбур бўламан!... Кўпчилигингиз шиллиқ қуртни ғойиб қилиш амалини

Ўзлаштириб олдингиз. Ҳатто шиллиқ қурт косасини талаб даражасида уддалай олмаганлар ҳам афсун мазмунини тушуниб етди. Бинобарин, бугун биз...

- Ҳў-ҳў, - боз томоқ қирди профессор Амбриж.

- Нима гап? - сўради профессор Макгонагалл, қошини ғалати тарзда бир чизиққа тортганча, Амбрижга юзланиб.

- Текширув санаси ва соати қайд этилган номамни олдингизми-йўқми билмоқчи эдим холо...

- Олдим, албатта. Акс ҳолда нима сабабдан дарсимга кириб олганингизни аллақачон сўраган бўлар эдим.

Профессор Макгонагалл шартта Амбрижга орқа ўгирди. Кўпчилик ўқувчилар бир-бирига қувноқ қараб қўйди.

- Шундай қилиб, бугун биз афсуннинг нисбатан мураккаб ижросини, хусусан сичқон ғойиб қилиш усулини ўзлаштирамиз. Ғойиб қилиш афсуни...

- Ҳў-ҳў.

- Менга айтинг-чи, - жаҳл-ла, сўради профессор Макгонагалл, Амбриж томон кескин юзланиб, - Ўтирган жойингизда гапимни бўлар экансиз, таълим бериш усулларим ҳақида қай тарзда тасаввурга эга бўлмоқчисиз? Менинг дарсимда мен билан баробар гаплашишга ижозат берилмайди.

Амбриж худди юзига тарсаки егандай серрайиб қолди. У чурқ этмай ён дафтарининг саҳифасини текислаб олди-да, ғазаб-ла алланима ёзишга киришди.

Профессор Макгонагалл эса хотиржамгина дарсни давом эттирди.

- Юқорида таъкидлаб ўтганимдай, ғойиб қилиш афсунининг мураккаблик даражаси ғойиб қилиш талаб этиладиган жонивор танасининг тузилиши мураккаблашиб боришига мутаносиб тарзда ошиб бораверади. Шиллиқ қурт – умуртқасизлар турига мансуб бўлиб, у билан муомала қилиш унча қийин кечмайди. Сичқон эса сўтэмизувчилар синфига кириб, уни ғойиб қилиш учун кишидан анчагина сўй-ҳаракат талаб этилади. Зеро, бундай даражадаги сеҳр-жодуни бошқа ишлар билан машғул бўлиб ўтирган ҳолатда амалга ошириб бўлмайди. Ҳўш, ишга киришамиз. Афсун қандай талаффуз этишини биласиз, албатта. Қани кўрайлик-чи, қўлингиздан нима келар экан.

- Ўзининг муомаласини қаранг-у, тағин менга «Амбриж билан мулоқот қилар экансан, ўзингни қўлга олиб, хатти-ҳаракатларингни идора қилишинг шарт», деб берган маслаҳатига ўлай-ми, - аста пичирлади, профессор Макгонагаллга нисбатан ғазаби мутлақо барҳам топиб, иршайган Гарри Роннинг қулоғига.

Амбриж йўл қўйилмаслигини яхши тушуниб етди шекилли, профессор Макгонагаллнинг кетидан изма-из юрмади, аксинча, ўз бурчагига биқиниб, жимгина ўтирганча, ён дафтарига бир нарсаларни тўхтамай ёзиб ўтирди. Дарс ниҳоясига етиб, профессор Макгонагалл болаларга нарсаларини йиғиштиришга рухсат берганидан сўнг эса юзи жиддий қиёфа касб этиб, ўрнидан турди.

- Бошланиши ёмон эмас, - ҳиринглаб қўйди Рон, сичқоннинг биланглаётган узун думини баланд кўтарганча, Лаванда кўтариб юрган қути ичига ташлаб.

Хонадан чиқаётган ўқувчилар навбати ичида туртинар экан, Гарри профессор Амбрижнинг ўқитувчи столи ёнига келганини кўриб, Роннинг биқинига ниқтаб қўйди. Рон эса ўз навбатида, Германионинг биқинига турди ва учовлон, суҳбат нима тўғрисида боришини эшитиш илинжида қолганларни олдинга атайин ўтказа бошлади.

- «Хогварц»да анча вақтдан буён ишлайсиз-ми? - сўради профессор Амбриж.

- Декабрь ойида роппа-роса ўттиз тўққиз йил бўлади, - қўрс оҳангда жавоб берди профессор Макгонагалл, портфелини кескин ёпиб.

- Жуда яхши, - деди профессор Амбриж, жавобни ён дафтарига ёзиб олиб, - Ўн кундан кейин текширув натижалари ҳақида хабар топасиз.

- Сабрсизлик ила кутаман, - лоқайд оҳангда совуқ жавоб берди профессор Макгонагалл, - Қани учовинг, тез чиқ-чи хонадан, - қўшиб қўйди у, Гарри, Рон ва Гермионани енгил туртиб.

Ўз ҳис-туйғусини бекита олмаган Гарри сезилар-сезилмас профессор Макгонагаллга кулиб қўйди ва бошини кундага қўйиб қасам ишишга тайёрки, профессор ҳам жавобан кулиб боқди.

Гарри профессор Амбрижни оқшомга қадар кўрмаслигига ишончи комил эди, лекин адашган экан. Болалар сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш дарси ўтказиладиган жой томон нишаблиқдан тушар экан, профессор Гниллер-Планк билан бирга, «Хогварц»нинг бош инспектори ўз ён дафтари билан кутиб турганини кўришди.

Ёғоч хараклар ёнида жон кирган шох-шабба уюмига ўхшаб ғуч тўпланганча, эшакқурт териб еётган дарахт алвастилари яқинига деярили ҳамма тўпланди.

- Умуман айтганда, бу сизнинг синфингиз эмас-ку, тўғрими? - эшитиб қолди Гарри.

- Ҳа, шундай, - жавоб берди, қўлини орқага қовуштириб олганча, пошнасида туриб тебранаётган профессор Гниллер-Планк, - Мен профессор Хагриднинг ўрнига вақтинча ишлаб турибман. Гарри, Рон ва Гермиона бир-бирига қараб қўйди. Малфой шивирлаб, Краббе билан Гойлга алланима уқтирмоқда. Вазирлик вакилига Хагрид ҳақида бирон-бир жирканч гап айтмоқчи бўлаётганини, унинг башарасидан уқиб олса бўлади.

- Ҳм-м-м, - овозини пасайтирди профессор Амбриж, - Қизиқ... Биласизми, директор ушбу мавзуни муҳокама қилишни мутлақо истамайди. Профессор Хагриднинг бу қадар узоқ вақт йўқ бўлишининг сабаби ҳақида мени ҳам воқиф қиларсиз?

Малфой қизиқсинишдан ярқираб турган кўзини Амбриж билан Гниллер-Планкка қаратиб тургани, Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

- Ўзим ҳам, худди сиз каби, беҳабарман, - хотиржам жавоб қайтарди профессор Гниллер-Планк, - Дамблдор менга бойқуш йўллаб, икки ҳафтача ўқитувчилик қилиб туриш истагим бор-йўқлиги билан қизиқди. Рози бўлдим. Бор гап шу. Э-м... дарс бошласам бўладими?

- Ҳа, албатта, - деди ён дафтарига нималарнидир ёзиб олган профессор Амбриж.

Машғулот давомида Амбриж ўз хатти-ҳаракатларининг бошқача тактикасини қўллади. Хусусан, ўқувчилар орасида юриб, ҳар хил сеҳрли ҳайвонлар ҳақида саволлар бериб юрди. Аксарият болалар яхши жавоб беришаётганини эшитган Гарри енгил тортди. Ҳар қалай Хагридни ёмон ўқитувчи, деб бўлмади.

- Айтинг-чи, - деди Дин Томасни узоқ қийнаган профессор Амбриж профессор Гниллер-Планк томон юзланиб, - ўқитувчилик мажбуриятини вақтинча бажараётган, бошқача қилиб айтганда, четдан туриб холисона кузатаётган шахс сифатида «Хогварц» фаолиятига қандай баҳо берасиз?

- О, Дамблдор ажойиб директор, - ҳиссиёт-ла жавоб берди профессор Гниллер-Планк, - Бу ерда менга ҳамма нарса ёқади. Мактаб фаолияти аъло даражада йўлга қўйилган.

Амбрижнинг юзи боадаб шубҳа қиёфасини касб этиб, пат-қалами билан ён дафтар саҳифасига нимадир ёзиб қўйди.

- Бу йил ўқувчилар томонидан қандай ўқув материаллари ўзлаштирилишини режалаштиргансиз? Агар, профессор Хагрид қайтиб келмайдиган бўлса, албатта.

- Ўйлашимча, биринчи навбатда МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш имтиҳонига чиқариладиган масалалар, яъни тегишли махлуқларни ўзлаштириш даркор, - деди профессор Гниллер-Планк, - Умуман айтганда, ўзлаштирилмай қолган махлуқлар сони оз қолди. Ўқувчилар яккашох нарвал ва исковучлар билан танишиб чиқишган. Бинобарин, замикарл ва рюхлларни ўзлаштиришга киришамиз. Бундан ташқари, уларни хруп ва сварлларни ўхшаш ҳайвонлардан фарқлай билишга ўргатмоқчиман...

- Тушунишим-ча, сиз ўз фанингизни яхши биласиз, - гапни бўлди Амбриж.

Қўлининг ҳаракатига қараганда, у ён дафтарининг саҳифасига ижобий белги қўйиб қўйди. Фақат Гаррига Амбрижнинг «сиз» сўзини талаффуз этган оҳанги ва шу заҳоти Гойлга берган саволи

ёқмади:

- Менга айтишларига қараганда, ушбу синф ўқувчилари бахтсиз ҳодисаларга дучор бўлиб турган экан, шу гап ростми?

Гойл телбанамо иржайди. Унинг ўрнига Малфой жавоб беришга ошиқди.

- Рост. Мени гиппогриф яралаган.

- Гиппогриф? - сўради Амбриж, ён дафтарига шиддат-ла ниманидир ёзиб.

- Чунки у Хагрид берган тушунтиришларни менсимади! - дарғазаб оҳангда қичқирди Гарри.

Рон билан Гермиона баралла инграб юборишди..

- Ўйлашимча, - деди, профессор Амбриж бошини Гарри томон аста буриб, - Сизга белгиланган жазо муддатига яна бир кун қўшиб қўямиз. Хўш, профессор Гниллер-Планк, сизга катта раҳмат, назаримда, мени қизиқтирган маълумотлардан воқиф бўлдим. Ўн кундан кейин текширив натижалари ҳақида хабар топасиз.

- Жуда соз, - жавоб берди профессор Гниллер-Планк.

Профессор Амбриж қиялик бўйлаб қаср томон йўл олди.

\*\*\*

Ўша оқшом Гарри Амбрижнинг хонасини тун ярмидан ўтганда тарк этди. Қўлидаги жароҳат бугун шу қадар кучли қонадики, доғи боғлама сифатида қўллаган шарфдан ҳам сингиб кўринмоқда.

Коллежнинг умумий меҳмонхонасида бирор киши бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам

келтирмаган Гарри, камин ёнида ўтирган Рон билан Гермионани кўриб, жуда хурсанд бўлди.

Бунинг устига Гермиона шафқат қилиб, одатига кўра, панд-насиҳат ўқимай, Гаррининг дардини енгиллатди.

- Мана, - деди у, сариқ суюқлик қуйилган сирли тоғорачани Гарри томон туртиб, - Қўлингни ботир. Бу маринадланган булут пайпаслагичларидан қолган сиркамой. Оғриқни бироз бўлса-да, қолдириши керак.

Гарри қонга беланиб, зириллаб оғриётган қўлини тоғорачага ботириши ҳамона, анча енгил тортди. Баланд хуриллаган Маймоқоёқ Гаррининг оёғига суркалиб, тиззасига сакраб чиқди-да, астойдил жойлашганча, ётиб олди.

- Раҳмат, - деди миннатдор Гарри, чап қўли билан Маймоқоёқнинг қулоғини силаб.

- Арз қилишинг керак, деган фикрдаман, - ғудуллади Рон.

- Йўқ, - қатъият-ла бош ирғиди Гарри.

- Агар Макгонагалл бундан хабар топадиган бўлса, ақлдан озиб қолиши муқаррар...

- Бўлиши мумкин, - лоқайд жавоб берди Гарри, - Лекин... Бош инспектор устидан арз қилган ҳар қандай киши зудлик билан мактабдан ҳайдалиши тўғрисидаги декрет чиқариш учун Амбрижга қанча вақт керак бўлади, нима деб ўйлайсан?

Рон эътироз билдирмоқчи бўлиб, оғзини очди-ю, далил топа олмай, баҳсда ютқизганини тан олганча, яна ёпиб қўйди.

- Жуда ярамас аёл, - деди Гермиона, паст овозда, - Ярамас. Биласанми, туйнукдан кириб келганинда Ронга эндигина фикримни билдира бошлаган эдим... Унга нисбатан бирор-бир чора кўриш керак.

- Заҳарлашни таклиф этмоқчи бўлиб турган эдим, - ғамгин оҳангда маълум қилди Рон.

- Йўқ... У жуда ёмон ўқитувчи эканлиги, унинг дастидан ҳеч нарсани ўзлаштира олмаслигимизни назарда тутяпман, - тушунтириш берди Гермиона.

- Бу масалада биз нима ҳам қила олар эдик? - эснади Рон, - Кўза синиб бўлди. У ишга олинди ва энди ҳеч қачон кетмайди. Фуж бунинг ғамини еб қўйган.

- Қулоқ тутинг... Хаёлимга бир ўй келди... - аста гап бошлади Гермиона, Гаррига чўчиб қараб, - Фикримча, ўз муаммоларимизни ўзимиз ҳал этадиган вақт келди.

- «Ўзимиз» деганингни қандай тушуниш керак? - шубҳа ила сўради Гарри, қўлини сиркамойда чайқашни давом эттириб.

- Ёвузлик кучидан ҳимояланиш амалларининг ижросини ўзимиз, мустақил равишда ўзлаштиришимиз даркор, - жавоб берди Гермиона.

- Ақлингни еб қўйибсан, - инграб юборди Рон, - Дарслар камлик қияпти-ми сенга? Гарри иккаламиз уйга берилган вазифаларни уддалай олмаётганимизни кўрмайсан-ми? Ваҳоланки, ўқув йили бошланганига эндигина икки ҳафта бўлди!

- Бироқ мен кўтарган масала уйга берилган вазифалардан ҳам муҳимроқ, - эътироз билдирди Гермиона.

Рон билан Гарри Гермионага бақрайиб қолишди.

- Уйга берилган вазифалардан ҳам муҳимроқ нарсалар бўлишини билмаган эканман! - хитоб қилиб юборди Рон.

- Бемаъни гапни қўйсанг-чи, албатта бўлади, - деди Гермиона.

Гермионанинг илҳомланиб, яшнаётган юзига қараб, САССИҚ жамиятига оид хаёлга борган Гаррининг юраги шу заҳоти орқага тортиб кетди

- Амбрижнинг биринчи дарсида Гарри «Таълимот жараёнида ўқувчиларни мактаб ташқарисида кутаётган нарсаларга тайёрлаш масаласи» ҳақида гапириб ўтди. Агар бутун бошли ўқув йилини ўтказиб юборадиган бўлсак...

- Уста кўрмаган шогирд узоққа бора олмайди, - ғудуллади Рон, - Кутубхонага қатнаш, китоб саҳифаларида аллақандай қарғиш ва тилсимлар қидириш... уларни ижро этиш амалларини ўзлаштиришга уриниб кўриш ҳам мумкин, албатта, бироқ...

- Йўқ, китоб воситасида билим эгаллаш замони, таассуфки, ўтиб кетди, - деди Гермиона, - Бизга ўқитувчи керак, ҳақиқий ўқитувчи, қарғиш ва тилсимлар ижросини амалда кўрсата билишга қодир, нотўғри бажараётган амалларимизга тузатишлар кирита оладиган устоз керак.

- Агар Люпинни назарда тутаятган бўлсанг... - гап бошлади Гарри.

- Йўқ, йўқ, Люпинни эмас, - бош чайқади Гермиона, - Унинг Орденда қиладиган бир дунё иши бор. Бундан ташқари, у билан фақат Хогсмедда учрашиш мумкин холос. Бу эса камлик қилади.

- Ундай бўлса, кимни назарда тутаятган? - таҳайюр бўлиб, қош чимирди Гарри.

Гермиона чуқур хўрсиниб қўйди.

- Наҳотки тушунарсиз гапираётган бўлмасам? - сўради у, - Мен сени назарда тутаятман, Гарри.

Орага сукунат чўқди. Роннинг ортидаги дераза ойналари енгил эсган тунги шабададан зириллаб кетди. Каминда эса олов тиллари рақсга тушмоқда.

- Мени? Нимани нима қилишим керак? - англамай сўради Гарри.

- Сен бизга ёвузлик кучидан ҳимояланишни ўргатишинг керак.

Гарри ҳайрон бўлиб, Гермионага бақрайди. Сўнг, одатда, Гермиона, САССИҚ жамиятига доир навбатдаги ақлга сиғмас нарсани ўйлаб топганида кўрадиган толиқиш-афсус нигоҳини кўриш учун Ронга юзланди. Бироқ даҳшатлиси шундаки, Гарри Роннинг юзида на толиқиш ва на афсус қиёфасини кўрмади. Қошини чимириб олган Рон ниманидир ўйлаб, ниҳоят:

- Тўғри фикр, - дея, хулоса чиқарди.

- Қайси фикр? - сўради Гарри.

- Сен тўғрингдаги, - жавоб берди Рон, - Бизга ўқитувчилик қилишинг тўғрисидаги фикр.

Дўстларининг сўзларини ҳазилга йўйган Гарри кулиб қўйди.

- Ўқитувчи эмасман-ку, қўлимдан келмайди.

- Сен ёвузлик кучидан ҳимоя фани бўйича жамики бешинчи синфлар орасида энг ибратли ўқувчисан, - баёнот қилди Гермиона.

- Мен? - сўради Гарри, кулгиси янада кенг ёйилиб, - Мен сенинг чангингда қолиб кетаман. Барча имтиҳонларда...

- Аслида ҳаммасида эмас, - гапни бўлди, пинаги бузилмаган Гермiona, - Ўз фанини яхши биладиган ягона ўқитувчи ўқитган учинчи синфда ўқиб юрганимизда сен мендан кўра кучли эканлигингни кўрсата билдинг. Умуман айтганда, Гарри, мен ҳозир имтиҳонлар тўғрисида мулоҳаза юритаётганим йўқ. Қилган ишларингни эсла!

- Қайси маънода?

- Йўқ, Гермiona, бизга бундай бефаҳм ўқитувчи керак эмас, - деди Рон, Гаррига қараб, - Қани бир эслаб кўрай-чи, - чуқур ўйга толган Гойлни ўхшатишга уринди у, - Хўш... Биринчи синфда ўқиб юрганимизда сен... Фалсафий тошни Ўзинг-Биласан-Кимдан асраб қолдинг...

- Ўшанда омадим келган холос, - эътироз билдирди Гарри, - Қўлимдан бирон-бир иш келмас эди...

- Иккинчи синфда, - гапни бўлди Рон, - Сен Василискни ўлдириб, Реддлни йўқ қилдинг.

- Тўғри, бироқ... Янгус бўлмаганда, мен...

- Учинчи синфда, - давом этди Рон, овозини кўтариб, - Юзтача дементорни ёлғиз ўзинг қувиб солдинг...

- Ўзинг биласан, ўша ҳолат бахтли тасодифдан бошқа нарса бўлмаган, агар вақт чиғири бўлмаганида...

- Ўтган йили, - Рон деярли бақариб давом этди, - Сен Ўзинг-Биласан-Ким устидан боз зафар қозондинг...

- Қулоқ солсаларинг-чи! - қичқариб юборди Гарри, мурувватли табассум ила қарашаётгани учун Рон билан Гермionадан жаҳли чиқиб, - Қулоқ солинг, хўпми? Буларнинг барини жуда зўр баён этмоқдасиз, албатта. Бироқ ўша ҳолатларда менинг омадим юришган холос. Бор гап шу. Сиз айтган ҳолатларнинг ярмида нима қилаётганимни ўзим идрок этмаганман. Тўғри, мулоҳаза юритганман, албатта, лекин ўша фурсатларда миямга келган ишни амалга оширганман холос. Қолаверса, менга доимо кимдир ёрдам берган...

Рон билан Гермiona кулишни қўймади. Ҳали бу қадар кучли жаҳли чиқмаган Гаррининг эса ғазаби баттар қайнади.

- Жа ақлли бўлсангиз ҳам, кулгили жойини кўрмаяпман! Баён этилган ҳолатларга сиз эмас мен тушганман! - бақариб юборди у, - Ҳодисалар қандай кечганини жуда яхши биламан, тушундингизми? Ёвузлик кучидан ҳимоя амалларини ҳаммадан кўра яхши билганим учун эмас балки... балки... ёрдам ўз вақтида етиб келгани ёки амалга оширилиши керак бўлган ишни тасодифан тўғри бажарганим учунгина вазиятдан чиқа олганман. Мен доимо тусмол билан, кўр-кўрона иш тутганман... **ИРШАЙИШНИ БАС ҚИЛИНГ!**

Маринадланган булут пайпаслагичларидан қолган сиркамой қуйилган сирли тоғорача ерга тушиб, чилпарчин бўлди. Гарри қачон оёққа қалқиганини эслай олмаса-да, қандай ҳолатда турганини идрок этди. Қўрқиб кетган Маймоқоёқ диван остига кириб кетди. Рон билан Гермiona эса кулишни бас қилишди.

- Зикр этилаётган ҳолат қандай бўлишини тушунмаяпсиз! Чунки сиз у билан ҳеч қачон юзма-юз келмагансиз! Осон, деб ўйлаяпсиз, шекилли? Ўнтача қарғишни ёд олиб, унинг башарасига қарата қўллаш билан иш битади, иш худди дарсдаги каби, кечади деб ўйлайсиз-ми? Асло йўқ. Унинг кўзига қарар экансиз, фақат бир нарсани, у ҳам бўлса: сизни муқаррар ўлимдан ё зийраклик ё мардлик ё... билмадим нима сақлаб қолиши мумкинлигини ўйлайсиз холос! Сония ўтар-ўтмас сени ўлдиришлари ёки қийноққа солишлари ёхуд кўз ўнгингда дўстларингни ўлдиришларини англаб турар экансан, ақл-идрок ила иш тутишининг иложи йўқ! Биз билан ўтказилаётган машғулотлар жараёнида ўхшаш ҳолатлар юзага келса, қандай иш тутиш кераклиги ўргатилмайди! Юзингиз касб этган қиёфа, худди мен энг ақлли бола-ю, шу боис омон қолдим, Диггори эса нодон бўлгани учун ўлиб кетган, деган маънони англатмоқда... Мен ҳам Диггори каби, ўлиб кетишим мумкинлигини эса тушуниб етмаяпсиз! Шундай бўлар эди ҳам, агар Вольдемортга керак бўлмаганимда...

- Нималар деяпсан, дўстим? Биз зинҳор ундай хаёлга борганимиз йўқ, - деди юзи даҳшат қиёфасини касб этган Рон, - Диггори ҳақида ундай ёмон хаёлга... Сен бизни мутлақо нотўғри... Рон ожизона қиёфа ила Гермionaга юзланди.

- Гарри, - ҳадиксираб гап бошлади Гермiona, - Ўзинг тушунгандирсан? Айнан шунинг учун ҳам... айнан шунинг учун ҳам сен бизга кераксан... Биз билишимиз керак... унинг кўзига қандай қараш... унинг... В-вольдемортнинг кўзига қандай қараш кераклигини.

Гермiona Вольдемортнинг исмини ҳаётида илк бор талаффуз этгани Гаррини шу заҳоти тинчлантирди. Оғир нафас олар экан, креслога ўзини ташлаб, қўли зирқираб оғриётганини боз ҳис этди. Тоғорача бемаврид синди!

- Хуллас... ўйлаб кўр, Гарри, илтимос - паст овозда ўтинди Гермiona.

Ўзининг хулқидан ўзи уялган Гарри нима дейишни билмай, умуман айтганда, нимага розилик бераётганини идрок этмай, бош ирғиб қўйди.

- Хўш, ундай бўлса, бориб ухлай, - ўрнидан турди Гермiona, имкон қадар одатдагидай гапиришга уриниб, - Э-м-м... хайрли тун.

- Сен-чи? - сўради Рон ҳам ўрнидан туриб.

- Мен ҳам бориб ётаман. Бир дақиқадан сўнг... Мана бу ерни тартибга келтириб қўй, - жавоб берди Гарри, полда ётган тоғорача парчаларига имо қилиб.

Рон бош ирғиб, ётоқхона томон одимлаб кетди.

- Репаро, - ғудуллади Гарри, сеҳрли таёқчасини чини парчаларига ўқтаб.

Чини синиқлари яшин тезлигида бирлашиб, яп-янги, фақат бўм-бўш тоғорачага айланди. Гарри ниҳоятда чарчагани, шу ерда, креслода ўтирганча, ухлаб қолишни истади. Шундай бўлса-да, ўрнидан туриб, ўзини Роннинг кетидан эргашишга мажбур қилди. Унинг тушига, одатдагидай, узундан узоқ йўлак ва қулфланган эшиклар кирди. Тонгда эса чандиғи зириллаётганини боз ҳис этди.

## **ЎН ОЛТИНЧИ БОБ. «АХТА ЧҶЧҚА» ҚОВОҚХОНАСИДА**

Орадан икки ҳафта ўтган бўлса ҳам, Гермiona ёвузлик кучидан ҳимоя машғулотлари ҳақида чурқ этмади. Ушбу мавзу очилгунга қадар Гарри Амбриж тайинлаган жазони ўтаб бўлиб, қўлининг тери қопламасидаги кесиб битилган ёзувдан қолган чандиқ энди йўқ бўлиб кетишига шубҳа қила бошлади. Рон бу вақт ичида квидиш машқларида тўрт маротаба иштирок этишга улгурди. Сўнгги иккита машқда унга ҳатто танбеҳ ҳам берилмади. Бундан ташқари, учовлон ўтган икки ҳафта давомида сичқонни ҳавода йўқ қилиш амалини тўла-тўқис ўзлаштириб олди. Гермiona эса бу масалада ҳаммадан ўзиб кетиб, мушук болаларини гўм қилиш машқларига киришди. Рутубатли сентябрь ойининг сўнгги кунларидан бирида кутубхонада, Снегг томонидан уйга вазифа сифатида берилган: «Ҳайвон организмидан тайёрланган заҳарларга қарши зидди заҳарларнинг ҳар хил турлари» мавзусидаги иншо учун материаллар, хусусан, навбатдаги дамламанинг таркибий қисмларига оид маълумотлар қидириб ўтиришган маҳалда Гермiona кутилмаганда сўраб қолди:

- Гарри, ёвузлик кучидан ҳимоя масаласини ўйлаб кўрдинг-ми?

- Ўйлаяпман, - ғудуллаб қўйди Гарри, - Анави қурбақа-аёл бор экан, ўйламай бўладими...

- Мен Рон иккаламиз киритган таклифни назарда тутяпман.

Рон шу заҳоти Гермionaга хавотирли-огоҳлантириш нигоҳи ила қараб қўйди. Гермiona эса қошини чимириб:

- Хўп, яхши, менинг таклифим, яъни бизга дарс бериш масаласини назарда тутяпман.

Гарри кўтарилган масала борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни истамай, ўзини «Ҳайвон организмидан тайёрланган заҳарларга қарши Осиеда қўлланиладиган зидди заҳарлар» дарслигидан кўзини уза олмаётган кўйга солиб, жавоб беришга шошилмади.

Икки ҳафтадир-ки, ушбу ўй-фикрлар унинг хаёлини батамом чулғаб олган. Ўртоқларга устозлик қилиш ғояси Гаррига илгаригидай ақлдан ташқари ўй-ниятдай кўринса-да, бироқ баъзан миясига жуда ғалати, мисол учун, ёвуз кучлар ва Ўлимдан мириқувчилар билан юз берадиган жанговар тўқнашув жараёнида, қайси қарғишлар кўпроқ қўл келишига оид фикрлар келиб қолар эди. Бошқача айтганда, бўлғуси машғулотларга ғайриихтиёрий равишда тайёргарлик кўриб келди.

- М-м-м, умуман айтганда, ҳа, ўйладим, - деди у, чўзганча, ўзини дарсликка зўр қизиқиш билдирган кўйга тушишни бас қилиб.

- Хўш? - шу заҳоти сўради Гермiona.

- Билмадим, - вақтдан ютишга уринди Гарри, Ронга қараб.

- Ғоя менга бошидан ёққан эди, - фикр билдирди, Гаррининг бақир-чақир қилиш нияти йўқлигига ишонч ҳосил қилган Рон.

- Сўзларим эсингиздами? Аксарият ҳолларда омадим юришган холос деганим ёдингиздами? - ўзини ноқулай ҳис этаётган Гарри креслода ўтирган жойида тинчини йўқота бошлади.

- Эсимизда, Гарри, - мулойим овоз билан жавоб берди Гермiona, - Бироқ шундай бўлса ҳам, ёвуз кучлардан ўзини ўзи ҳимоя қила олмайдиган одам қилиб кўрсатма ўзингни, илтимос. Чунки сен ундай эмассан. Ўтган йили қарам қилиш қарғишига ёлғиз ўзинг қаршилиқ кўрсата олгансан. Сеҳргар билан дементор ўртасидаги тўсиқ вазифасини ўтайдиган, ҳар қандай катта ёшли киши ярата олмайдиган Ҳимоячини фақат сен ярата оласан. Виктор доимо...

Рон Гермiona томон шу қадар кескин бурилдики, бўйнида нимадир қирсиллаб кетди.

- Хўш, хўш? Нима деган экан, қадрдонимиз Викки? - заҳарли оҳангда сўради у, бўйнини ишқалаб.

- Ха-ха, - хуноб оҳангида жавоб қайтарди Гермiona, - Гаррининг қўлидан келадиган айрим ишлар, гарчи ўша пайтда мактабни тамомлаётган бўлса-да, қўлидан келмаслигини таъкидлаб ўтган эди.

- У билан, мабодо, ёзишиб турмайсан-ми? - шубҳа ила Гермionaга бақрайди Рон.

- Ёзишиб турсам нима қилади? - бироз қизарган бўлса ҳам, пинагини бузмади Гермiona, - Дўстлар билан ёзишиб туришга ҳақим йўқми?

- Фақат унинг миясидаги ўйлар дўстгина бўлиб қолишдан анча йироқ, - айблов оҳангида баёнот қилди Рон.

Гермiona маҳкум қилингандай бош чайқаб қўйди-да, Роннинг ғазабдан тешиб юборгудай нигоҳига эътибор қаратишни бас қилиб, Гаррига мурожаат қилди:

- Хўш? Бизга ўқитувчилик қилишга розимисан?



- Сен билан Ронга холос-ми, ишқилиб?

- Биласанми, - яна бироз хижолат тортиб қолди Гермiona, - Ўйлашимча... фақат сен, Гарри, яна оёқ тираб туриб олмагин, хўпми? Ўйлашимча, билим олиш истагини билдирганларнинг ҳаммасига устозлик қилишинг керак. Ахир гап В-вольдемортдан ҳимояланиш тўғрисида кетмоқда-ку. Ҳой, Рон, бундай башара ясамагин, илтимос! Бошқаларни бундай имкондан маҳрум қилиш яхши эмас.

- Сен ҳақ гапиряпсан, - деди Гарри, Гермionанинг сўзлари борасида бироз ўйланиб туриб, - Фақат афсуски, иккалангиздан ташқари, бирор-бир киши менга шогирд тушишига шубҳа қиламан. Ахир мен, савдойиман-ку, эсингиздан чиқди-ми?

- Мана мени айтди, дейсан. Сени тинглашни истаганлар аслида кўпчиликни ташкил этишидан хабар топиб, ҳайрон қоласан, - жиддий оҳангда жавоб қайтарди Гермiona, - Ҳа, айтгандай, - деди у, Гарри томон эгилиб.

Гермionaга қовоқ солганча қараб турган Рон ҳам, бош эгди.

- Октябрь ойининг биринчи дам олиш кўни Хогсмёдга сафар тайинланган, хабаринг борми? Кел, ким қизиқиш билдирса, биз билан қишлоқда учрашишларини эълон қилайлик. Ўша ерда бор гапни муҳокама қилиб оламиз. Бўладими?

- Нега энди қишлоқда? - сўради Рон.

- Чунки, - тушунтириш берди Гермiona, китобдаги чапиллайдиган хитой карами расмидан кўчирма қилишни давом эттириб, - Бизнинг бўлғуси машғулотларимиздан воқиф топган Амбриж завқланиб кетишига шубҳа билан қарайман.

\*\*\*

Дам олиш кўни ва Хогсмёдга уюштириладиган сафарни Гарри интизорлик билан кутиб юрди. Фақат уни бир нарса ташвишга солмоқда, у ҳам бўлса, сентябрь ойи бошида камин оловида пайдо бўлганидан буён Сириуснинг дараксиз кетгани. Хогсмёдда учрашишни рад этгани сабабли чўқинтирган отаси хафа бўлганини, Гарри яхши билади, албатта. Шундай бўлса ҳам, баъзан ҳадиксираб қолади: агар Сириус ҳар қандай эҳтиёткорликни бир четга йиғиштириб қўйиб, қишлоқда пайдо бўлса-чи? Агар Хогсмёдда уларни йирик қора ит қарши олиб, ёнларига югуриб келса-чи? Гарри қандай тутиши керак ўзини? Агар бу ҳолат ўлганни устига тепгандай, Драко Малфойнинг кўз ўнгида рўй берса-чи?

- Баъзан эркинликка чиқишни исташи ажабланарли ҳол эмас, агар менинг фикримни билмоқчи бўлсанг, - деди Рон, Гаррининг ташвишли мулоҳазаларини эшитиб, - У икки йил қочқинликда юрди. Бундай ҳаётни ширин-шакар, деб бўлмаслигини яхши тушунаман, албатта, лекин у, ўша икки йил давомида ўзига хон, ўзига бек озод қуш бўлган! Энди эса бечора, анави эльф билан уй қамоғида ўтирибди.

Гермiona домангир қиёфа ясаб қўйди-ю, Тараққос ҳимоясига оид ҳеч қандай муносабат билдирмади.

- Ҳамма бало шундаки, - деди у Гаррига, - Токи В-вольдеморт... Рон, бас қилгин, илтимос! В-вольдеморт очиқчасига курашга чиқмас экан, Сириус бекиниб ўтиришга мажбур. Аҳмоқона вазирлигимиз Дамблдорнинг гапига ишонгандагина, Сириуснинг айбсиз эканлигини тан олади. Ўша аҳмоқ ходимлар ҳақиқий Ўлимдан мириқувчиларга қарши кураш бошлашганда, Сириус уларга мансуб эмаслиги... аввало, унинг қўлида Ажал белгиси йўқлиги аён бўлади.

- Хогсмедда кўриниш берадиган даражада миясини еб қўймаган бўлса керак, ахир, - дўстларини тинчлантиришга уринди Рон, - Агар у бундай иш қиладиган бўлса, Дамблдорнинг жаҳли чиқади. Сириус эса, гарчи унга ёқмаса ҳам, қариянинг гапини икки қилмайди.

Роннинг сўзлари Гаррининг юзидаги хавотир қиёфасига барҳам бермади.

- Рон иккаламиз, - деди Гермiona Гаррига мурожаат қилиб, - Назаримизда, ёвуз кучлардан ҳимоя масаласига жиддий қараши мумкин бўлган айрим ўқувчилар билан гаплашиб кўрдик. Улар чиндан ҳам зўр қизиқиш билдиришди. Бизни Хогсмедда қидириб топишни маслаҳат бердик уларга.

- Яхши, - деди Гарри, Сириус ҳақида ўйлашни қўймай.

- Хавотир олишни бас қил, Гарри, - мубҳам маслаҳат берди Гермiona, - Сириуссиз ҳам ташвишинг етарли.

Гермiona ҳақ, албатта. Амбрижнинг ҳузурида ҳар оқшом жазо ўташ муддати ўтган билан уйга берилган вазифаларни бажаришга базўр улгурмоқда. Зиммасида синфбошилиқ масъулияти бўлишидан ташқари, ҳафтада икки маротаба машқ қилишга мажбур бўлган Рон, бу масалада Гарридан баттар орқада қолиб кетди. Ўзлаштирадиган фанларининг сони иккаласига нисбатан кўпроқ бўлган Гермiona эса нафақат уйга берилган вазифаларни ўз вақтида бажаришга улгурар, балки эльфлар учун дўппи тўқишга ҳам вақт топар эди. Гаррининг кузатишича, Гермiona тўқимачилиқни анча дуруст ўзлаштириб олган. Ҳар қалай у тўқиётган дўппилар оз бўлса ҳам, энди жун пайпоқдан фарқ қилмоқда.

Хогсмедга сафар уюштириладиган сана тонги ойдин, шамолли отди. Нонуштадан сўнг, ҳамма қасрдан чиқиш эшиги яқинида, Филчнинг қаршисида саф тортди. Мактаб назоратчиси ҳар бир ўқувчининг фамилияси Хогсмедга чиқиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома-ҳужжатга ота-она ёки васийликка олган шахс имзо чеккан ўқувчилар рўйхатида қайд этилган-этилмаганини текшириш билан овора. Агар Сириус бўлмаганда, бугун ҳеч қаёққа чиқа олмас эдим, хаёлдан ўтказди Гарри.

Гаррига навбат етганида Филч, худди бир нарсани ҳидлаб топмоқчи бўлган сингари бурун қимирлатди. Текшириб бўлгач, шалвираган лунжларини титратганча, боши ила имо қилиб, ташқарига чиқариб юборди. Филчнинг ёнидан ўтган Гарри қуёшли бўлишига қарамай, совуқ кун қарор топган тош айвонга чиқиб, Рон ва Гермiona билан биргаликда кенг йўл бўйлаб мактаб ҳудудидан чиқиш дарвозаси томон йўл олди.

- Филч нега искаб кўрди сени? - сўради Рон.

- Мендан гўнг бомбасининг ҳиди сасиётган-сасимаётганини текшириб кўрди шекилли, - кулиб қўйди Гарри, - Сизларга айтиб бериш ёдимдан кўтарилибди...

Гарри ўша кун тонг саҳарда Сириусга хат юборган фурсатда бойқушхонага Филч отилиб кириб, хатни кўрсатишни талаб қилгани ҳақида айтиб берди.

Гермionанинг ушбу ҳодисага қизиқиш билдиргани Гаррини бироз ҳайрон қолдирди.

- Гўнг бомбасига йирик буюртма жўнатмоқчи эканлигинг ҳақида хабар беришибди? Ким бўлиши мумкин?

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - елка қисди Гарри, - Эҳтимол Малфойдир? Унинг табиатига хос ҳазиллардан бири бу.

Учовлон данғиллама чўян дарвозанинг икки ёнида қад кўтарган тош устунларнинг тепа қисмини безаб турадиган қанотли тўнғизлар ҳайкали ёнидан ўтиб боришди.

- Малфой? - истехзо қилди Гермиона, - Ҳм... бўлиши мумкин.

Қишлоққа етгунга қадар Гермиона чуқур ўйга толиб борди.

- Қаёққа борамиз? «Уч супурги» қаҳвахонасигами? - сўради Гарри.

- Йўқ, йўқ! - хаёлини йиғиб олди Гермиона, - У ер доимо одамга тўла, шовқин-суронли жой. Мен ҳаммага бошқа, асосий йўлдан нарида жойлашган паб – «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонасига боришни тайинлаганман. Сал ғалатироқ жой, албатта, лекин у ерда мактабдошлар бўлмади, ҳеч ким бизнинг сўзларимизни эшитмайди.

Учовлон Дароз кўча бўйлаб юриб, Зонконинг ҳар хил кулгили нарсалар сотиладиган дўкони ёнидан ўтди ва табиийки, ўша ерда ўралашиб юрган Фред, Жорж ва Ли Жорданни учратди. Шундан сўнг, вақтнинг ҳар муайян оралиғи ўтган сари биттадан бойқуш учиб чиқаётган қишлоқ почтаси ёнидан ўтиб, тор кўчага бурилди. Кўча бошида кичик қовоқхона жойлашган бўлиб, унинг кираверишидаги занг босган металл токчага тўнғизнинг чопилган боши ва ундан оқ дастурхонга сизиб чиқаётган қон кўлмаги тасвирланган, шамолда тебранганча ғичирлаётган эски тахта осиб қўйилган. Болалар ичкарига киришга иккиланиб, эшик қаршисида бироз серрайиб қолишди.

- Юрсаларинг-чи, - деди Гермиона, сал титроқ чиққан овози билан.

Гарри биринчи бўлиб остона ҳатлади.

Бу ердаги вазият соғлом турмуш кечирадиган хонадоннинг саранжом-саришталигини ёдга солиб, кенг ва ёруғ зали покизалигидан ялтираб турадиган «Уч супурги» қаҳвахонасидаги вазиятдан тубдан фарқ қилмоқда. «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонаси ниҳоятда тор, фақирона жиҳозланган, ичкарига кирган киши тасаввурида биринчи навбатда гавдаланадиган эчки подасининг ҳиди уриб кетган, деразалари кирлигидан кун ёруғини тўсиб қўйган, дағал ясалган столлар устида шам қолдиқлари терилган фавқулудда ифлос хонадан иборат экан. Бир қарашда тупроқдай кўринса-да, Гарри, оёғи остидаги пол азалдан тозаланмай келган тошдан тўшалганини идрок этди.

Гарри биринчи синфда ўқиб юрган кезларини, Хагриднинг сўзларига қараганда «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонасида ичиб ўтирганча, қарта ўйнаб, эгнидаги плашининг қайтарма қалпоғини бошидан ечмаган аллақандай кишидан аждар тухумини ютиб олганини, ўша киши ютқизганига ачинмай, ўз юкидан қутулганига хурсанд бўлганини, «Майхўрлик қиладиган ундай каслар «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонасига жуда кўп келади» деган сўзларини эслади. Ўшанда Гарри, суҳбатдоши эгнидаги плашининг қайтарма қалпоғини бошидан ечмагани нега Хагридга ғалати кўринмаганини тушунмаган эди. Мана энди ҳаммаси тушунарли. Афтидан, майхўрлик қилгани ташриф буюрадиган қовоқхона мижозлари учун бундай ҳолатда ўтириш табиий ҳолга ўхшайди. Жумладан, май сотиладиган пештахта ёнидаги стол ортида боши, оғиз тирқишини ҳисобга олмаганда, кирлигидан кул ранг тус олган бинтга бутунлигича ўралган одам дуд чиқаётган ва кўринишидан заҳри қотил суюқлик ичиб ўтирибди. Дераза яқинидаги стол ортида эса эгнидаги

кийимининг қайтарма қалпоғини бошидан ечмаган икки киши ўтириб, майхўрлик қилишмоқда. Агар уларнинг талаффузидан йоркширлик мижозлар эканлиги билиниб қолмаганда, Гарри уларни дементорлар сифатида эътироф этган бўлар эди. Энг қоронғи бурчакка эса бошидан оёғигача қалин, бурун соҳаси бўртиб чиқиб қолган қора тўр ташлаган афсунгар аёл кўзга кўриниб-кўринмаган тарзда жойлашиб олибди.

- Гермiona, - ғудуллади Гарри, май сотиладиган пештахта ёнига яқин келиб, бурчакда ўтирган ғалати аёл томон яна бир бор шубҳали қараб қўйгач, - Анави латтага ўраниб олган аёл Амбриж бўлиши мумкинлиги хаёлингга келмади-ми?

- Амбрижнинг бўйи паст, - деди паст овозда Гермiona, қора тўр ичига бекинган сирли қоматга диққат билан разм солиб, - Амбриж бўлган тақдирда ҳам бизга нисбатан ҳеч қандай чора кўра олмайди. Мактаб қоидаларини яна бир бор астойдил ўрганиб чиқдим. Биз қоида бузаётганимиз йўқ. Мактаб ўқувчилари «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонасига ташриф буюриши мумкин-мумкин эмаслигини эса атайин Флитвикдан сўраб билдим. Унинг гапига қараганда мумкин. Фақат бу ерга ўз стаканларимиз билан келишимизни тавсия қилди. Бундан ташқари, мактаб кружкаларини олиб келиш ва уйга берилган вазифаларни шу ерда бажариш мумкин-мумкин эмаслик масаласини ҳам ойдинлаштириб олдим. Бундай хатти-ҳаракатларда ҳам ғайриқонуний аломатлар топа олмадим. Шундай бўлса ҳам, нима иш қилмоқчи эканлигимизни кўз-кўз қилиш шарт эмас, деб биламан.

- Тўғри, - қуруққина жавоб берди Гарри, - Айниқса, уйга берилган вазифани шу ерда бажаришни хаёлимизга ҳам келтирмаганимизни инобатга оладиган бўлсак.

Май сотиладиган пештахта ортидаги хонадан новча бўйли, озғин, узун соч-соқолига оқ оралаган, башарасидан баджаҳл, нимаси биландир Гаррига таниш кўринган кекса сотувчи чиқиб келиб, домангир оҳангда ғудуллаб сўради:

- Нима керак сизга?

- Уч шиша ҳузур-лаззат ичимлигидан берсангиз, илтимос, - буюртма берди Гермiona.

Қария пештахта пастига энгашиб, учта чанг қоплаган кир шиша чиқарди-да, пештахтага тарақлатиб қўйди.

- Олти склат, - молининг нархини маълум қилди сотувчи.

- Мен тўлайман, - деди Гарри, шоша-пиша пул узатиб.

Май сотувчиси Гаррига бошдан-оёқ разм солиб чиқиб, бир-икки сония давомида нигоҳини чандиқда тўхтатиб қолди. Сўнг, орқа ўгириб, қўлидаги пулни, пул яқинлаштирилиши билан тортмаси ўзидан ўзи очилиб кетган қадимий ёғоч кассага ташлади. Учовлон нариги бурчакдаги стол атрофига жойлашиб, атрофни кўздан кечириб чиқди. Боши жуда кир бинтга ўралган киши бармоғининг бўғин суяги билан пештахтани тақиллатиб қўйиши билан, май сотувчисидан яна битта тутаетган қадаҳ олди.

- Менимча бу ерда кўнглимиз истаган нарсага буюртма беришимиз мумкинга ўхшайди - пештахта томон илҳомланиб қаради Рон, - Анави сотувчига фарқи йўқ, бизга ҳар қандай молини сотиши аниқ. Мен доимо куйдирадиган виски таъмини татиб кўрмоқчи бўлиб юрган эдим.

- Ахир сен синфбошисан-ку! - чертиб-чертиб талаффуз этилган таҳдидли оҳангда жеркиб берди Гермiona.

- А, ҳа, албатта, - деди Рон, юзидаги қувончли табассум барҳам топиб.

- Ким келади дедингиз, суҳбатга? - сўради Гарри, шишанинг тиқинини куч билан очганча, ичимлик хўплаб.

- Келса, бир-икки киши келади холос, - бепарво жавоб берди соатига қараб қўйган Гермиона, эшикка ташвишли нигоҳ ташлаб, - Тахминан мана шу вақтга етиб келишни тайинлаган эдим... Ишончим комилки, «Ахта чўчқа калласи» қаердалигини улар билмайди... Ҳа, ана, келишди шекилли.

Эшик очилиб, қуёшнинг кенг нури чанг хонани бир фурсатга икки бўлиб юборди-да, пабга ташриф буюрган халойиқ ортида қолиб, яна кўздан ғойиб бўлди.

Биринчи бўлиб ичкарига Невилль, Дин ва Лаванда, учовининг кетидан эгизаклар Патил ва Пэтил Парваттилар, ўзининг доимо ҳиринглаб юрадиган дугоналаридан бири билан биргаликда келиб, Гаррининг юрагини бир сапчиб тушишга мажбур қилган Чу кириб келишди. Шундан сўнг, ҳаммадан ажралиб олган, худди хаёлга ботиб, бу ерга адашиб кириб қолгандай қиёфа ясаган Луна Лавгуд кўриниш берди. Унинг изидан Кэтти Белл, Алисия Спиннет, Ангелина Жонсон, ака-ука Коллин ва Деннис Кривилар, Эрни Макмиллан, Жастин Финч-Флетчи, Ханна Аббот ва Гарри исмини билмайдиган, «Хуффльпуфф» коллежида таҳсил кўрадиган қалин кокили узун қизалоқ ҳамда «Равенкло»да ўқийдиган Энтони Голдштейн, Майкл Корнер ва Терри Бут, уларнинг изидан Жинна, унинг орқасидан сочи оқ-сарик, бурни қанқайган «Хуффльпуфф» квидиш жамоасида ўйнайдиган яна бир ўғил бола ва охириги бўлиб қўлига кулгили моллар дўконидан харид қилган буюмларга тўла қоғоз пакетлар ушлаб олишган эгизак Уэслилар билан бирга Ли Жордан кириб келишди.

- Бир-икки киши келади холос? - сўради нафаси бўғзига тиқилиб қолган Гарри Гермионага қараб, - Бир-икки киши?

- Ғоямиз бу қадар қўллаб-қувватланишини ўзим ҳам кутмаган эдим, - яшнаб кетди Гермиона, - Рон, яна курси олиб келмайсан-ми?

Ҳаётда сув тегмаган латта билан стакан артаётган май сотувчиси турган жойида серрайиб қолди. Афтидан, унинг муассасасига ҳали бу қадар кўп одам кирмаган кўринадди.

- Салом бердик, - деди пештахта ёнига биринчи бўлиб борган Фред ҳамроҳларини санашга киришиб, - Илтимос, йигирма беш шиша ҳузур-лаззат ичимлигидан узатиб юборсангиз.

Май сотувчиси Фредга домангир нигоҳ-ла, бошдан-оёқ разм солиб чиққач, қўлидаги увадани, худди муҳим ишдан чалғитишган каби, зарда қилганча, четга улоқтириб, пештахта тагидан чанг қоплаган шиша чиқара бошлади.

- Марҳамат, олинг, - деди Фред, шишаларни халойиққа узатар экан, - Қани болалар, пулдан чўзинглар-чи, мен унчалик бой эмасман, бунинг ҳаммаси учун ҳисоб-китоб қилишга.

Шунча одам келиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган Гарри қувноқ сўзлашиб, Фреднинг қўлидан шиша олганча, киссасидан майда танга чиқариб узатаётган халойиққа донг қотиб қараб қолди. Бирдан унинг миясига, ушбу одамлар ундан бирон-бир нутқ кутаётгани ҳақидаги даҳшатли ўй келиб, Гермионага юзланди.

- Сен нима деган эдинг уларга? - оғзининг бир чети билан аста сўради у, - Мендан нима кутишяпти улар?

- Айтдим-ку, халқ сени эшитмоқчи, деб, - тинчлантирган бўлди Гермiona, бироқ Гаррининг дарғазаб нигоҳини кўриб, қўшимча қилди: - Ҳозирча индамай ўтиришинг мумкин. Кириш сўзини ўзим бошлаб берман.

- Салом, Гарри, - кўришди юзи яшнаётган Невилль, Гаррининг қаршисига жойлашиб.

Гарри кулиб қўйган бўлди-ю, ҳаяжондан оғиз бўшлиғи қуриб қолгани боис, ҳеч нима дея олмади. Чу индамай кулиб қўйди-да, Роннинг ўнг томонига ўтирди. Унинг ўз ихтиёри билан бу ерга келмаслиги аён кўриниб турган сочи малла-тилла рангли дугонаси эса қошини чимириб, Гаррига шубҳа ила қараб қўйди.

Пабга ташриф буюрганлар икки-уч кишилашиб яқинлашганча, Гарри, Рон ва Гермionанинг атрофига жойлашди. Айримлар кучли ҳаяжонланаётган бўлса, баъзиларнинг юзлари қизиқсиниш қиёфасини касб этган. Луна Лавгуднинг орзу-хаёлларга берилган нигоҳи гўё аллақандай бўшлиққа қараб қолган. Ҳамма ўз курсисини стол атрофига тортиб келгач, шовқин тиниб, нигоҳлар Гаррига қаратилди.

- Ўҳў, - томоқ қириб гап бошлади бироз асабийлашган Гермiona, одатдагидан кўра баландроқ овоз билан, - Э-э... м-м... ҳаммага салом.

Болалар диққат-эътиборни Гермionaга жалб қилишди-ю, бари-бир нигоҳларини Гаррига олиб ўтишди.

- Бу ерга... э-э-э... нима сабабдан йиғилганимиз барчангизга маълум. Э-э-э... қисқаси, Гаррининг миясига бир фикр келди.

Гарри шу заҳоти Гермionaга еб юборгудай қараб қўйди.

- Аниқроқ айтадиган бўлсам, менинг миямга... ёвузлик кучидан ҳимоя амалларини ўзлаштирсак, яхши бўлади, деган фикр келди. Мен, ҳақиқий ҳимояни назарда тутяпман, Амбриж ўргатаётган ҳимояни эмас, - деди Гермiona, овози бирдан дадиллашиб, - Чунки бизга ўргатилаётган ҳимоя аслида ҳимоя эмас, ғирт бемаънилик.

- Эшитдингиз-ми, эшитдингиз-ми? - пичирлади Энтони Гольдштейн, ёнида ўтирганларга.

Шивир-шивирни эшитиб қолган Гермiona ўзидан ўзи фавқулодда мамнун қиёфа касб этди.

- Қисқаси, - деди у, - Фикримча, ўз муаммоларимизни ўзимиз ҳал қиладиган фурсат етди, деган хулосага келдим.

Гермiona бироз танаффус қилиб, кўз қири билан Гаррига қараб қўйди

- Бундай тушунча остида, - давом этди у, - Ёвузлик кучидан ҳимоя амалларининг ижросини назарий эмас амалий равишда ўзимиз, мустақил ўзлаштиришимиз даркорлигини назарда тутмоқдаман...

- Назаримда сен, у бу нарсалардан ташқари, ёвузлик кучидан ҳимоя бўйича ҳам МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлмоқчисан шекилли, а? - гапни бўлди Майкл Корнер, Гермionaга тешиб юборгудай қараб.

- Албатта, - шу заҳоти жавоб қайтарди Гермiona, - Бироқ мен, бундан ташқари, ёвуз кучлардан ростакамига ҳам ҳимояланишни ўрганиб олмоқчиман, айниқса... айниқса... - у чуқур нафас олди-да, фикрини яқунлади: - Вольдеморт ҳаётга қайтган замонда.

Тўпланганлар юзи, исм талаффуз этилиши ҳамоно, кутилган қиёфа касб этди. Чунинг дугонаси чинқириб, эгнига ҳузур-лаззат ичимлигини тўкиб юборди, Бут Террининг башараси буришиб кетди, Парватти Патил бир сесканиб тушди, Невилль эса худди тиқилиб қолгандай қандайдир ғалати тарзда ҳиқиллаб қўйди. Айни вақтда, ҳамманинг кўзи Гарридан узилмаганча қолди.

- Мухтасар қилиб айтганда... режамиз шунақа, - деди Гермiona, - Агар ҳимоя амалларини биз билан бирга ўрганмоқчи бўлсангиз, бу ишни қай тарзда йўлга солишимиз кераклигини ҳал этиб олишимиз даркор...

- Ўзингиз-Биласиз-Ким қайтганини исбот қиладиган далиллар қани? - етарлича тажовузкор оҳангда гапни бўлди, «Хуффльпуфф» квидиш жамоасида ўйнайдиган ўғил бола.

- Биринчидан, бунга Дамблдор ишонади... - гап бошлади Гермiona.

- Дамблдор унга ишонади, демоқчи бўлдинг шекилли, - Гарри томон бош ирғиди савол берган бола.

- Сен ўзинг кимсан? - қўпол оҳангда сўради Рон.

- Заккерайес Смит, - ўзини таништирди сочи сариқ бола, - Фикримча, нима учун Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳаётга қайтганига бу қадар ишонч билдиришини билишга ҳақлимиз.

- Қулоқ солинг, - гапга аралашишга ошиқди Гермiona, - Биз бу масалани муҳокама қилгани йиғилганимиз йўқ...

- Шошма, Гермiona, - тўхтатди Гарри.

Нима учун шунча одам йиғилиб келганини Гарри энди тушунган бўлди. Гермiona фаҳмлаши керак эди-ю, хаёлдан ўтказди у. Бу одамларнинг айримлари, эҳтимол аксарияти, Вольдемортнинг ҳаётга қай тарзда қайтганини эшитиш учун келган.

- Нима учун Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳаётга қайтганига бу қадар ишонч билдираман? - сўради у, Заккерайес Смитнинг кўзига тик қараб, - Чунки бунга мен ўз кўзим билан кўрдим. Дамблдор... ўтган йили сизга бор гапни айтиб берди. Унинг сўзларига ишонмас экансиз, демак менга ҳам ишонингиз қийин. Мен эса ҳеч кимни ишонтирмақчи эмасман.

Гарри гап бошлаши билан ҳамма бирдай нафас чиқармай қолди. Ҳатто дақиқа ўтган сари латтаси баттар кир бўлиб бораётган май сотувчи ҳам, қўлидаги стаканни тинмай артиб, ўз ҳаракатини тўхтатмай, Гаррининг сўзларига диққат билан қулоқ солиб турди.

Заккерайес билганидан қолмай, қатъий оҳангда ўз фикрини давом эттирди.

- Дамблдор фақат Седрик Диггорини Ўзинг-Биласан-Ким ўлдиргани-ю, сен унинг жасадини «Хогварц»га олиб келганини айтди. Биз бўлиб ўтган ҳодисалар тафсилотини ҳам, Диггори қай тарзда ўлдирилганини ҳам, умуман ҳеч нимани билмаймиз, ўйлашимча, ҳаммамиз...

- Агар сизларга Вольдемортнинг одам ўлдириш усуллари қизиқ бўлса, бу масалада ҳеч қандай ёрдам бера олмайман, - гапни чўрт кесди Гарри.

Сўнги вақтда дарғазаб юрган Гаррининг вужудида яна нафрат қайнаб кетди. У рўпарасида ўтирган Чуга қарамаслик, Заккерайес Смитнинг қўрс, кишининг ғашига тегадиган башарасидан кўз узмасликка қатъий аҳд қилди.

- Мен Седрик Диггорининг жони қай тарзда узилганини айтиб бермоқчи эмасман, тушунарлими? Агар шуни билгани келган бўлсангиз, маъзур сананг, ана эшик, марҳамат қилиб чиқиб кетишингиз мумкин.

У Гермionaна дарғазаб қараб қўйди. Ҳаммасига Гермiona айбдор! Худди циркдаги каби, Гаррини томошага олиб чиқди! Ҳаммаси тушунарли, одамлар Гаррининг навбатдаги бемаъни сўзларини эшитгани келган! Бироқ ҳеч ким, ҳатто Гаррига шубҳа ила, тешиб юборгудай қараб ўтирган Заккерайес Смит ҳам, ўрнидан қилт этмади.

- Шундай қилиб, - боз гап бошлади Гермiona, ҳаяжонли овоз билан, - Шундай қилиб... нима деб турган эдим... ҳа, агар ёвуз кучлардан ҳимоя амалларининг ижросини ўзлаштиришни ният қилар эканмиз, машғулотлар қачон ва қандай ўтказилишини ҳал этишимиз даркор...

- Ҳимоячи ярата олишинг ҳақидаги гаплар ростми? - сўради «Хуффльпуфф» коллежида таҳсил кўрадиган узун кокили қалин қизалоқ.

Саволни эшитган болалар жонланиб қолди.

- Рост, - ўзини ҳимоя қилаётган оҳангда жавоб берди Гарри.

- Моддий тус оладиган, тўлақонли Ҳимоячини-я?

Қизалоқнинг сўзлари Гаррига таниш кўринди...

- Сен... сен, мабодо Боунс хоним билан таниш эмасмисан?

- У киши менинг аммам бўлади, - кулиб юборди қизалоқ, - Менинг исмим Сьюзен Боунс. Аммам менга ишинг интизомий жиҳатдан муҳокама қилинган суд мажлиси ҳақида гапириб берган эди. Демак... рост эканда, а? Бугу қиёфасини касб этадиган Ҳимоячини ярата оласанми, а?

- Ҳа, - тасдиқлади Гарри.

- Гарри! Бундан мутлақо беҳабар эканман! - хитоб қилди Ли, тан бериб.

- Ронга бу ҳақда гап тарқатмаслик буюрилган, - Гаррига кулиб қаради Фред, - Ойимнинг фикрича, сенинг шахсингга бўлган диққат-эътибор бусиз ҳам етарлидан ортиқ эмиш.

- Тўғри айтибди, - ғудуллади Гарри.

Баъзи болалар кулиб юборишди. Устига қора тўр ташлаб олган афсунгар аёл эса ўтирган ўрнида сал қўзғалиб қўйди.

- Сен чиндан ҳам Дамблдорнинг хизмат хонасида сақланадиган қилич билан Василискини ўлдирганмисан? - талаб оҳангида сўради Бут Терри, - Ўтган йили ўша хонага кирганимда портретлардан бири айтиб берган эди менга бу ҳақда.

- Портрет тўғри айтибди, - бош ирғиди Гарри.

- Оҳо, - хитоб қилди Лаванда Браун.



Жастин Финч-Флетчи ҳуштак чалиб юборди, ака-ука Кривилар бир-бирига ҳайрат ила қараб қўйишди. Гарри қизиб кетганини ҳис этиб, имкон қадар Чу томон қарамасликка ҳаракат қилди.

- Биринчи синфда эса, - махфий тутилган гапни ҳаммага маълум қилган бўлди Невилль, - Гарри филологик тошни қутқариб қолди...

- Фалсафий тошни, - пичирлади Гермiona.

- Ҳа-да, ўшани... Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг қўлидан, - фикрини яқунлади Невилль.

Бу гапларни эшитган Аббот Ханнанинг кўзи бир жуфт галлеон каби, катта очилиб кетди.

- Уч сеҳргар беллашуви давомида тўқнаш келган аждарлар, сув парилари, акромантуллар ва шу каби, бошқа турдаги турли-туман қабоҳатлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади, - қўшимча қилди Чу.

Гарри ниҳоят Чу томон қарашга журъат этди. Қиз унга очикдан-очик кулиб қараётган бўлса ҳам, Гаррининг юраги яна бир сапчиб тушди.

Ҳамма Чунинг гапини маъқуллаганча, бош ирғиди. Гарри фавқулодда камтарин кўринишни истамай, кулгисини базўр тийиб ўтирди. Уни Чу мақтаб қўйганидан сўнг, айтмоқчи бўлган гапини айтиш анча қийин кечди.

- Биласизлар-ми, - гап бошлади у.

Ҳамма жим бўлиб қолди.

- Мен... камтаринлик қияпти, деб ўйламанглар-у... бироқ менга доим кимдир ёрдам берган...

- Фақат аждарни бир ёқли қилиш масаласида эмас, - шу заҳоти эътироз билдирди Майкл Корнер, - Сүпургида ёлғиз ўзинг учгансан. Таъкидлаб ўтмоқ лозимки, ўшанда ниҳоятда зўр учдинг.

- Тўғри, бироқ... - ғудуллади Гарри, гарчи бефойда ва беодоблик эканлигини сезиб турган бўлса ҳам,

- Ўтган ёзги таътил кунлари ҳам, дементорларни бир ёқли қилишга сенга ҳеч ким ёрдам бермаган, - гап қистириб ўтди Сьюзан Боунс.

- Тўғри, ёрдам бермаган, - рози бўлди Гарри, - Баъзи ишларни ўзим қилганман, албатта. Мен бошқа нарсани айтмоқчиман...

- Айёрликни бас қил, - гапни бўлди Заккерайес Смит, - Ҳунарингни қизғаняпсан-ми?

- Менга қара, биродар. Менда бир фикр туғилди, - баланд овозда жавоб қайтарди Рон, Гарри оғиз жуфтлашга улгурмай, - Сен овозингни бир пас ўчириб тур, хўпми?

Роннинг жаҳлини бу қадар нима чиқарганини айтиш қийин-у, бироқ Заккерайес Смитнинг турқиға қарата мушт тортиб юборишдан ўзини базўр тийиб тургани юзидан кўришиб турибди. Роннинг таклифини эшитган Смитнинг ҳам жаҳли чиқди.

- Биз ундан ҳунар ўргангани келсак, у ҳеч нарса қўлимдан келмайди, деса. Бу нима гап ахир? - вайсади у.

- Гарри бундай дегани йўқ, - ўшқариб берди Фред.

- Балким қулоғингни тозалаб қўйиш керакдир? - таҳдидли оҳангда сўради Жорж, кулгили моллар дўконидан харид қилинган узун, ваҳимали кўринаётган металл асбобни чиқариб.

- Нафақат қулоқни, - қўшимча қилди Фред, - Бунга ҳар қандай жойга тиқиб, тозалаш мумкин.

- Бўлди, бас, - тез гапга аралашди Гермiona, - Давом этамиз... Авваламбор бир нарсани аниқлаб олайлик: Гарридан ҳунар ўрганишга ҳамма розими?

Жавобан мубҳам, лекин розилик оҳангидаги ғулдираш эшитилди. Афтидан, қўлини кўксига қовуштириб олган Заккерайеснинг диққат-эътиборини Жоржнинг қўлидаги металл асбоб ўзига тўла-тўқис жалб этган кўринади, чурқ этмади.

- Яхши, - деди Гермiona, масала ҳал бўлганидан энгил тортиб, - Ундай бўлса, неча маротаба йиғилиб туришимиз борасида келишиб олишимиз лозим. Фикримча, ҳафтада бир маротабадан кам йиғиладиган бўлсак, ишимиздан наф бўлмайди...

- Бир дақиқа, - гапни бўлди Ангелина, - Йиғилишларимиз квидиш машқлари билан бир вақтда ўтишига йўл қўйиб бўлмайди.

- Тўғри, - маъқуллади Чу, - Бизнинг машқларимиз ўтадиган вақт билан ҳам.

- Бизнинг машқларимиз билан ҳам, - қўшиб қўйди Заккерайес Смит.

- Ўйлашимча, ҳаммага маъқул келадиган вақт топа оламиз, - деди бироз жаҳли чиққан Гермiona домангир оҳангда, - Бироқ бу масала қанчалик муҳим эканлигини тушунапсиз, деган умиддаман. Ахир гап В-вольдемортнинг малайлари, Ўлимдан мириқувчилардан ҳимояланиш тўғрисида бормоқда.

- Тўппа-тўғри, - кутилмаганда гап олди Эрни Макмиллан, - Шахсан мен, бу ишни, қолган ҳар қандай бошқа ташвишдан, шу жумладан, МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун топшириладиган имтиҳондан ҳам муҳимроқ, деб биламан!

Тўғриси айтганда, Эрни шунча вақтдан буён чурқ этмай тургани Гаррини ўйлантириб қўйган эди.

Эрни «МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун топшириладиган имтиҳондан ҳам муҳимроқ иш бўлар эканми?!» деган эътироз кутгандай, атрофга таҳдидли разм солиб чиқди, аммо бундай эътироз эшитилмагач, нутқини давом этди:

- Шахсан мен, бир нарсани ҳеч ақлимга сиғдира олмаяпман. Қандай қилиб сеҳргарлик вазирлиги шундай хавfli замонда аллақандай бефойда ўқитувчини бизга тиқиштиришга журъат этди! Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳаётга қайтганини тан олишни истамаётгани тушунарли, албатта. Шундай бўлса ҳам, ҳимоя афсунларини атайин ўргатмаётган ўқитувчини мактабга йўллаш...

- Менимча Амбриж, - фикр билдирди Гермiona, - Дамблдор ўқувчилардан иборат армия тузмоқчи бўляпти, деган бемаъни миш-миш гаплар туфайли ёвуз кучлардан сақлана олишимизни атайин истамаяпти. Чунки бу аҳмоқ аёл Дамблдор бизни вазирлик биносига, уни забт этиш мақсадида йўллашидан қўрқади.

Ҳамма ҳанг-манг бўлиб, Гермionaга бақрайди.

- Бу гап ростга ўхшайди, - кутилмаганда баёнот қилиб қолди Луна Лавгуд, - Корнелиус Фуж тасарруфида ҳам армия бор-ку, ахир.

- Нима? - ларзага тушди Гарри.
  - Ҳа-ҳа, унинг гелеопатлардан ташкил топган ўз армияси бор, - жиддий қиёфа ила бош ирғиди Луна.
  - Ҳеч қанақанги армияси йўқ унинг, - гап қистирди Гермиона, ранжиган оҳангда.
  - Бор, - ўжарлик қилиб туриб олди Луна.
  - Гелеопат дегани нима бўлди яна, - сўради Невилль, кўзини пирпиратиб.
  - Олов руҳлари, - тушунтириш берди уқки кўзи янада кенг очилган Луна, ғирт жинни қиёфасини касб этиб, - Улар бўйи дароз, катта тезликда учиб, йўлда учраган нарсани ёндириб борадиган олов-махлуқлар бўлиб...
  - Қулоқ солма унга, Невилль, - гапни бўлди Гермиона, лабини қимтиб, - Бундай махлуқлар ҳаётда бўлмайди.
  - Йўқ, бўлади! - жаҳл-ла хитоб қилди Луна.
  - Маъзур санайсан, лекин улар борлигига оид бирон-бир далил борми? - қатъий оҳангда сўради Гермиона.
  - Далиллар жуда кўп! Агар сен шунчалик калтафаҳм бўлиб, ҳаммасини сенга чайнаб бериш керак бўлса, у ҳолда...
  - Ўҳў-ўҳў, - гапга аралашди, профессор Амбрижнинг йўталишига моҳирона тақлид қилганча, кўпчиликни дастлаб қўрқитиб, сўнг кулдириб юборган Жинна, - Адашмасам, ёвуз кучлардан ҳимоя машғулотларини ўтказиш масаласини ҳал этишимиз керак эди шекилли.
  - Ҳа-я, - хаёлини йиғиб олди Гермиона, - Тўғри айтасан, Жинна.
  - Ҳафтада бир маротаба дарс ўтсак ҳам ёмон бўлмайди, - фикр билдирди Ли Жордан.
  - Агар... - оғиз жуфтлади Ангелина.
  - Ҳа-ҳа, квидишни унутганимиз йўқ, - сал бош ирғиди жаҳл қилган Гермиона, - Яна бир масалани ҳал этишимиз даркор. Машғулотларни қаерда ўтказамиз?
- Бу масала анча мураккаб бўлгани боис, орага сукунат чўқди.
- Кутубхонада, - таклиф киритди Кэтти, икки дақиқа ўтгач.
  - У ерда суқи киритиш амалларини бажара бошласак, Шипц хоним хурсанд бўлиб кетишига шубҳа қиламан, - деди Гарри.
  - Балки бекор турган бирон-бир синф хонасида тўпланармиз? - овоз берди Дин.
  - Тўппа-тўғри, - хитоб қилди Рон, маъқуллаб, - Профессор Макгонагалл ўз тасарруфидаги хоналарга киритаверади. Уч сеҳргар беллашуви мусобақаларига тайёрланиш учун Гаррига ўз хизмат хонасини бериб қўйган эди-ку.

Бироқ Гарри профессор Макгонагаллнинг бу сафар ҳам ўхшаш меҳмондўстлик фазилатини намоён этишига шубҳа қилди. Мактаб тўғараклари ҳақида Гермiona нималар демасин, уларнинг йиғилишларини биров қўллаб-қувватлаши даргумон.

- Ҳўп, майли, бирон нарса ўйлаб топармиз, - деди Гермiona, - Биринчи йиғилиш жойи ва вақтини аниқлашимиз билан ҳаммага хабар йўллаймиз.

У юк халтасини титкилаб, пергамент варағи билан пат-қалам чиқарди-да, ниманидир баёнот қилиш учун дадиллик йиғиб олмоқчи бўлгандай, жим бўлиб қолди.

- Ана энди... - ниҳоят гап бошлади у, - Ҳаммамиз мана бу пергамент варағига имзо чекишимиз керак, шунчаки, мажлисимизда кимлар иштирок этганини билиш учун. Бундан ташқари, - чуқур нафас олди Гермiona, - Нималар билан шуғулланмоқчи бўлганимиз ҳақида тўғри келган жойда жар солишимиз шарт эмас. Имзо чекар экансиз, жамиятимиз ҳақида Амбрижга ҳам, бошқа бировга ҳам оғиз очмасликка оид мажбуриятни ўз зиммангизга оласиз.

Фред шу заҳоти пергаментга қўл узатиб, қувонч-ла имзо чекди. Бироқ қандайдир ҳужжатга имзо чекиш таклифи ҳушёр торттиргани айримларнинг юзидан кўриниб турибди.

- М-м-м... - ғулдиради Заккераяес Смит, ўзини Жорж узатган қоғозни кўрмаган кўйга солиб, - Мен... менга... Эрни айтар, қачон, қаерда, нима бўлишини.

Лекин Эрнининг юзида ҳам иккиланиш аломати кўриниб турибди. Гермiona қоши кўтарилиб кетганча унга қараб қолди.

- Мен... ахир биз синфбошимиз-ку, - ёрилди ниҳоят Эрни, - Агар ушбу рўйхат бировнинг қўлига тушиб қолса бор-ми... Демокчиман-ки... Амбриж билиб қолса нима бўлишини ўзинг айтиб турган эдинг...

- Беш дақиқа муқаддам, бу ишни қолган ҳар қандай бошқа ташвиш, шу жумладан, МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун топшириладиган имтиҳондан ҳам муҳимроқ, деб баёнот қилдинг-ку, - эслатиб ўтди Гарри.

- Мен... ҳа, - бош ирғиди Эрни, - Мен чиндан ҳам шундай фикрдаман, лекин...

- Эрни, ушбу рўйхатни тўғри келган жойда қолдириб юришимга шама қилаётган бўлсанг, адашасан, - жаҳл қилди Гермiona.

- Йўқ. Йўқ, албатта, - енгил тортган бўлди Эрни, бош чайқаб, - Мен ундай хаёлга ҳам борганим йўқ. Мен... имзо чекам, албатта.

Эрнидан кейин бошқа ҳеч ким эътироз билдирмади. Гарри Чунинг тилла-малла ранг сочили дугонаси имзо чекишдан олдин Чуга ўпка-гина нигоҳ-ла қараб қўйганини сезиб қолди. Энг охириги бўлиб Заккераяес имзо чеккан пергаментни Гермiona қайтариб олиб, юк халтасининг тўбига жойлаб қўйди. Пабга йиғилган жамики болаларнинг вужудини қандайдир ғалати ҳис қамраб олди – худди мазкур йиғинга тўпланганларнинг барини махфий шартнома бирлаштириб қўйган бўлди.

- Ҳўп, майли, - ўрнидан турди Фред, - Соат юришдан тўхтагани йўқ. Вақт – галлеондир! Ли ва Жорж учаламизга жавоб. Биз яна баъзи бир нарсаларни харид қилишга улгуришимиз керак. Кўришгунча.

Болалар икки-уч кишилашиб тарқала бошлади. Қоп-қора узун сочи юзига тушган Чу юк халтасининг занжир илгаги билан овора бўлиб, бироз ивирсиган бўлди. Унинг дугонаси қўлини

кўксига қовуштириб, тилини домангир тақиллатганча, ер депсиниб турди. Ниҳоят Чу эшик ёнига бориб, Гаррига қўл силтаганча, дугонасининг ҳамроҳлигида қовоқхонани тарк этишга мажбур бўлди.

- Йиғилиш ёмон ўтмади, - қувонч-ла, якун ясади Гермиона, беш дақиқа ўтгач, «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонасидан қуёш чарақлаб турган кўчага чиққач, бир шишадан ҳузур-лаззат ичимлигини ушлаб олишган Гарри билан Ронга мурожаат этиб.

- Фақат анави Заккерайес деганлари ёқмади менга... Фавқулудда кам учрайдиган такага ўхшайди, - деди Рон, кўзини қисиб олганча, узоқда кўринаётган Смитнинг шарпасига қараб.

- У менга ҳам ёқмади, - иқрор бўлди Гермиона, - «Хуффльпүфф» коллежи дастурхони атрофида Эрни ва Ханна билан ўтказган суҳбатимни эшитиб қолиб, эргашди. Нима ҳам қила олардим? Умуман айтганда... одам қанча кўп бўлса, шунча яхши... Масалан Майкл Корнер ўз ўртоқлари билан келмаган бўлар эди, агар Жинна...

Шиша тубидаги ҳузур-лаззат ичимлигини ичиб тугатишга уринган Рон тиқилиб қолиб, эгнидаги коржомани расво қилди.

- НИМА? У ва Жинна? - Роннинг жон-пони чиқиб кетгандай бўлиб, қулоқлари бир зумда икки бўлак хом гўштга ўхшаб қолди, - Жинна... менинг синглим... ва анави... Майкл?

- Ҳа, шунинг учун ҳам улар ўз дўстлари билан бирга келишди... Ҳар қалай мен шундай, деб ўйлайман. Йўқ, улар ёвуз кучларга қарши кураш масаласига қизиқиш билдиришади, албатта, лекин Жинна...

- Қачон... қачон улгуриб қолди Жинна?

- Улар Рождество балида танишиб қолишган сўнг, ўтган ўқув йили охирида учраша бошлашган, - хотиржам тушунтириш берди Гермиона.

Учовлон қишлоқнинг Дароз кўчасига бурилиб, Шкрябенштюкнинг ёзув қуроллари дўкони ёнида, қирғовул патларидан ясалиб, витринага чиройли терилган пат-қаламларни томоша қилиб тўхтаб қолди.

- Ҳ-м-м-м... янги пат-қалам менга ортиқчалик қилмаган бўлар эди, - деди Гермиона.

Гарри билан Рон Гермионанинг кетидан эргашиб, дўконга киришди.

- Уларнинг қайси бири Майкл Корнер? - дарғазаб сўради Рон.

- Қора сочли йигитча, - жавоб берди Гермиона.

- У менга ёқмади, - баёнот қилди Рон.

- Бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди, - ғудуллади Гермиона.

- Лекин мен, - давом этди Рон, пат-қаламлар солинган туваклар ёнидан изма-из ўтар экан, - Жинна Гаррини яхши кўриб қолган, деб юрар эдим!

Гермиона Ронга ҳазин қараб, бош чайқаб қўйди.

- Бу илгари бўлган. Энди эса у Гаррини хаёлидан мутлақо чиқариб юборган. Йўқ, сен унга ёқасан, албатта, - деди узун, қора-тилла тусли пат-қаламни кўриб чиқаётган Гермiona, бош ирғиганча, Гаррини тинчлантирган бўлиб.

Чуни ва хайрлашиш олдидан қўл силтаб қўйганини кўз олдидан кеткиза олмаётган Гарри суҳбатга у қадар эътибор бермай юрган эди. Шундай бўлса ҳам, Гермionанинг сўзлари унинг хаёлини йиғиб қўйди.

- Шунинг учун энди у, менинг олдимда тортинмай гапиришга журъат этаётган экан-да, а? - сўради Гарри Гермionадан, - Илгари оғзига толқон солиб олгандай турар эди.

- Ҳа, шундай, - бош ирғиди Гермiona, - Мана шунини оламан.

Гермiona пештахта ёнига бориб, сотувчига ўн беш склат-у, икки нут тўлади. Рон унинг кетидан қолмай, энсасига нафас чиқариб юрди.

- Рон, - жеркиб берди Гермiona, кескин ортга бурилиб, Роннинг оёғини беҳосдан босиб олар экан, - Айнан шунинг учун ҳам, Жинна Майкл тўғрисида сенга гапирмай юрибди. Ушбу янгиликни ҳазм қила олмаслигини яхши билади. Муқаддас фалак ҳақи, қутуришни бас қил.

- Қутуришни? Ҳеч ҳам қутураётганим йўқ! Ҳазм қила олмаслигим деганинг нимаси? Ҳеч ҳам ундай эмас...

Учовлон кўчага чиқиб, йўлни давом эттирар экан, Рон ғудуллашини қўймади. Гермiona Гаррига қараб, кўзини осмонга қаратди ва токи Рон юрган йўлида Майклни сўкиниб борар экан, паст овозда Гарридан сўради:

- Хўп, Майкл билан Жиннани четга қўйлик... Чу иккалангининг муносабатларингиз қалай кечяпти?

- Нимани назарда тутяпсан? - тез сўради, ўзини худди ичида қайноқ сув кўтарилиб, тошиб кетаётган каби, ҳис этган Гарри.

Унинг юзи совуқ кўчада чўғдай қизиб кетди... Наҳотки ҳамма нарса кўзга ташланиб, аён бўлиб қолган бўлса?

- Бўлмаса-чи, - Гермiona кулиб юборди, - Сендан кўзини узмай ўтирганини сезмаганга солма ўзингни.

Гарри муқаддам эътибор қаратмаганига ҳайрон бўлди, аслида қандай ажойиб, гўзал жой экан – Хогсмёд.

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ. 24- СОНЛИ ТАЪЛИМ Тўғрисидаги ДЕКРЕТ

Шанба кунининг иккинчи ярмини Гарри анча кўтаринки руҳда ўтказди. Якшанбанинг аксарият қисмини эса Рон иккаласи ҳафта давомида уйга берилган вазифаларга бағишлади. Модомики, куз қуёши ҳаммага қонгунча қувонч бағишлашга аҳд қилган экан, вақтичоғлик деб бўлмаса-да, икковлон коллежнинг умумий меҳмонхонасида китоблар устида бош кўтармай ишламасдан, пергамент-у, дарсликларни ҳовлига олиб чиқиб, кўл бўйидаги қора қийин соясига астойдил жойлашиб олди. Уйга берилган вазифаларни аллақачон бажариб бўлган Гермiona жун ип

Ўрамларини олиб чиқиб, болалар билан ўтирган жойида спицаларни сеҳрлади. Энди улар ҳавода муаллақ осилганча, янги дўппилар-у, кичик шарфлар тўқимоқда.

Амбриж-у, вазирликка қарши чиқиш ғояси, ўзи эса ушбу исённинг бош қаҳрамони сифатида эътироф этилиши Гаррига зўр қаноат бағишламоқда. Хотирасида шанба кўни ўтган йиғин лавҳалари тикланди. Шунча одам! Ва ҳаммаси унинг қўлидан иш келишига ишонч билдиришлари! Гаррига, унинг қўлидан нималар келишидан хабар топиб, қарашлари-чи! Шу жумладан, Чу ҳам... Гаррининг Уч сеҳргар беллашувида намоён этган маҳоратлари ҳақида эҳтиром ила фикр билдиргани... Қисқаси, энди ҳамма уни ёлғончи, савдойи сифатида кўрмай, аксинча, таҳсин ўқишга лойиқ шахс сифатида қабул қилаётгани Гаррининг кайфиятини кескин кўтариб юборди. Ҳатто душанба кўни эрталаб, уни энг ёмон кўрган фанлари-ю, ўқитувчилари кутаётган бўлишига қарамай, кайфияти қувноқ эди.

Гарри пастга, бугун оқшом ўтадиган машқ давомида квидишнинг Ангелина таклиф қилган Ленивецнинг дарахтга осилиши усулини амалда синаб кўришни Рон билан муҳокама қилганча тушиб, қуёш нурларига тўлган умумий меҳмонхонанинг ярмига етгач, кўпчиликнинг диққатини аллақачон ўзига жалб этган нарсага эътибор қаратди.

Эълонлар тахтасига шу қадар катта плакат маҳкамлаб қўйилганки, тахтадаги бошқа эълонларни, хусусан:

муқаддам тутилган бўлиб, энди китоб сотувига қўйилган афсунлар тўпламининг рўйхати; Аргус Филч мунтазам осиб борадиган мактаб қоидаларига амал қилиш зарурлигига оид эслатмалар;

квидиш машқларининг жадвали;

шокобақа дастаси ичидан чиқадиган суратларни ўзаро алмаштиришга доир таклифлар; эгизак Уэслилар маҳсулотини ўзида синаб кўришга розилик берадиган синовчилар учун навбатдаги саралаш тадбирлари бошланганлиги ҳақидаги эълон;

Хогсмедга уюштириладиган сафар саналари;

эсдан чиқариб қолдирилган ёки топиб олинган нарсалар ҳақидаги ёзувларни тўсиб қўйган.

Янги эълон матни йирик қора ҳарфлардан ташкил топган бўлиб, плакатнинг қуйи қисмидаги оҳанжамадор чекилган имзо ёнига расмий муҳр босилган.

«Хогварц» бош инспекторининг фармони

Бугунги кўнга қадар мактабда фаолият кўрсатиб келган барча уюшма, жамият, жамоа, гуруҳ ва клублар шу бугунги санадан эътиборан тугатилди.

Уюшма, жамият, жамоа, гуруҳ ва клуб тушунчаси уч нафар ва ундан ортиқ мактаб ўқувчиси мунтазам йиғилиб келган ташкилотни англатади. Уюшма, жамият, жамоа, гуруҳ ёки клуб фаолиятини қайтадан йўлга қўйиш учун мактаб бош инспектори профессор Амбрижга мурожаат қилиш талаб этилади. Зеро, энди бирон-бир уюшма, жамият, жамоа, гуруҳ ёки клуб бош инспектор ижозатисиз фаолият кўрсатишга ҳақли эмас.

Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, бош инспекторнинг ижозатисиз қайси йўналишда бўлмасин, уюшма, жамият, жамоа, гуруҳ ёки клуб яратган ёхуд унга аъзо бўлган ҳар қандай ўқувчи мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилади.

Мазкур фармон 24- сонли таълим тўғрисидаги декретга асосан чиқарилди.

Имзо: Долорес Жейн Амбриж, «Хогварц» бош инспектори.

Гарри фармонни, олдинда турган икки нафар иккинчи синф ўқувчисининг боши узра Рон билан бирга ўқиди.

- Шақилдоқ-шиқилдоқлар клуби ҳам тугатилганини англатадимиз, бу фармон? - сўради улардан

бири шеригидан.

- Шақилдоқларингдан ташвиш тортма, - деди Рон, домангир оҳангда, - Бизга келсак, омадимиз чопиши амри маҳол, - қўшиб қўйди у Гаррига қараб.

Иккинчи синф ўқувчилари шу заҳоти нари қочишди.

Гарри эълонни такрор ўқиб чиқди-ю, шанба кунидан буюн вужудини қамраб олган қувонч қаёққадир гум бўлиб, ичи нафратдан қайнай бошлади.

- Бошимни кундага қўйиб айтаман-ки, бу тасодиф эмас, - деди Гарри, панжалари беихтиёр мушт тугилиб, - У бор гапдан хабардор.

- Қаердан билиши мумкин? - сўради Рон.

- Пабда ўтирган анави мижозлардан бири гап-сўзларимизни пинҳон эшитиб ўтирган. Агар очигини айтадиган бўлсам... Йиғилишда иштирок этган одамларнинг ҳаммасига ҳам ишонч билдирса бўлади, деб ўйлайсан-ми? Улардан ҳар қайси бири тўғри Амбрижнинг ҳузурига келиб, чақимчилик қилган бўлиши мумкин...

Мен эса, хаёлдан ўтказди Гарри, лаққа тушиб ўтирибман-а! Ҳамма менга ишонч билдирди, таҳсин ўқишга лойиқ киши сифатида қабул қилди эмиш-а...

- Заккерайес Смит! - дарҳол фаҳмлаган бўлди Рон, кафтига мушт уриб, - Кейин... анави Майкл Корнернинг шиқти ҳам менга ёқмади. Жа шубҳали шахсга ўхшайди-да, сен ҳам сездинг-ми?

- Қизиқ, Гермiona кўрдимикан бу фармонни? - ўйчан сўради Гарри, қизлар ётоқхонасининг эшиги томон қараб.

- Юр, бориб айтишимиз керак унга! - хитоб қилди Рон.

Икковлон эшик томон югуриб, остона хатлаб ўтганча, айланма зина бўйлаб юқорига кўтарила бошлади.

Гарри олтинчи поғонага эндигина оёқ қўйган эди ҳам-ки, кутилмаганда қулоқни кар қилар даражада сирена янграб, тош зина ўзидан ўзи текис, силлиқ, спиралсимон тепаликка айланиб қолди. Рон қўлини ҳавода шамол тегирмонидай айлантирганча, оёқларини тез питирлатиб, яна бир-икки сония югуришга уриниб кўрди-ю, белига ағанаб, ҳозиргина ҳосил бўлган нишаб бўйлаб сирпаниб, тўғри Гаррининг оёғи остига ўқдай келиб тушди.

- Қизлар ётоқхонасига кириш мумкин эмас шекилли, - деди, хандон отиб юборишдан ўзини базўр тийган Гарри, оёққа туриб олиши учун Ронга ёрдам бериб.

Тўртинчи синфда ўқийдиган икки нафар қиз ҳам шодон ҳиринглаганча, тош тепалиқдан пастга сирпаниб тушди.

- Кимдир ётоқхонамизга ёпирилиб киришга уринган кўринади? - деди, Гарри билан Ронга ноз-карашма ила қарашган қизлардан бири, сакраганча оёққа туриб.

- Мен кирмоқчи эдим, - жавоб берди Рон, турган жойида бир силкиниб, - Қаердан билай, бундай ҳолат рўй беришини? Умуман айтганда, бу инсофдан эмас! - қўшиб қўйди у, Гаррига муржаат қилар экан, чиқиш эшиги томон ҳиринглаганча йўл олган қизлар кетидан қараб, - Гермiona бизнинг ётоқхонамизга кира олади-ю, нега энди биз унинг хонасига кира олмаймиз, а? Қани адолат?

- Бу қадимий қоидалардан бири, - тушунтирди гиламчага ўтириб олганча, сирпаниб тушган Гермiona, оёққа турар экан, - ««Хогварц» тарихи»ни ўқиган бўлсангиз, мактаб асосчиларининг фикрича, қизлардан фарқли ўлароқ, ўғил болаларга тўла-тўқис ишониб бўлмас экан. Хўш, нега ётоқхонамизга кириш керак бўлиб қолди иккалангизга?

- Бизга ётоқхонанг эмас сен керак бўлиб қолдинг! Юр, ўқи! - деди Рон, Гермionани эълонлар тахтаси томон тортиб.

Фармон матнини тез ўқиб чиққан Гермionанинг юзи тошдай қотиб қолди.

- Кимдир чақибди! - юракдан хулоса чиқарди Рон.

- Йўқ, улар бундай қила олмайди, - аста жавоб қайтарди Гермiona.



- Жа соддадил қизсан-да, - деди Рон, - Агар виждонинг пок, улүсифат бўлсанг, демак қолганлар...  
- Улар бундай қила олмайди. Негаки мен, ҳаммамиз имзо чеккан ўша пергамент варағини сеҳрлаб қўйганман, - тушунтириш берди маъюс тортган Гермiona, - Агар улардан бирон-бири бизни Амбрижга сотган бўлса, бу ҳақда хабар топамиз. Чақимчи ўз қилмишидан жуда пушаймон бўлади. Гапимга ишонавер.

- Нима қилади унга? - қизиқсиниб сўради Рон.

- Айтайлик, Элоиза Мошкарнинг юзидаги ҳуснбузарлари ўша чақимчининг кўзига киши ҳуснини очадиган сепкиллардай кўринади... Хўп, майли, юринглар, нонушта қиламиз, бирйўла, қолганларнинг, ушбу фармон тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини биламиз... Бошқа факультетларга ҳам осиган бўлса керак, уни?

Катта Залга кириб боришлари ҳамоно, Амбрижнинг фармони фақат «Гриффиндор» коллежининг умумий меҳмонхонасигагина осилмагани маълум бўлди. Ўқувчилар у ёқ, бу ёқ югурганча, ниманидир муҳокама қилишмоқда. Аллақандай ўзига хос, ғалати кескинлашган вазият қарор топгани ҳаманинг хатти-ҳаракатларидан ҳис этилмоқда. Гарри, Рон ва Гермiona ўз жойларини эгаллашлари билан, уларнинг ёнига Невилль, Дин, Фред, Жорж ва Жинна яқинлашди. Ҳаммасининг нигоҳи Гаррига қаратилган.

- Кўрдингиз-ми?

- У бохабар бўлган, деб ўйлайсиз-ми?

- Энди нима қиламиз?

- Нима қиламиз? Нима ният қилган бўлсак, шуни қиламиз-да, - паст овозда жавоб берди Гарри, яқин орада ўқитувчи йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун атрофга аланглаб чиққач.

- Айнан шундай жавоб эшитишимга зиғирдай бўлсин, шубҳа қилмаган эдим, - яшнаб кетди, Гаррининг елкасига уриб қўйган Фред, - Синфбошилар ҳам шундай фикрдами? - сўради у, Рон билан Гермiona томон савол назари ила қараб.

- Албатта, - совуқ оҳангда жавоб берди Гермiona.

- Ана Эрни билан Ханна ҳам келяпти, - маълум қилди Рон, елкаси орқали ортга қараб, - Анави равенкчилар... Заккерайес Смит ҳам... Ҳаммасининг башараси тоза, ҳуснбузарлари кўринмаяпти.

- Ҳуснбузарлари йўқлиги яхши, албатта. Фақат бу нодонларнинг бари нега бу ерга тўпланишяпти? - хавотирлана бошлади Гермiona, - Биздан шубҳа қилишларини ишташяпти-ми? Ўтиринглар! - пичирлади у, Эрни билан Ханнага «Хуффльпүфф» столи томон имо қилганча, лабларини қимирлатиб, - Кейин! Кейин гаплашамиз, кейин!

- Майклга ўзим бориб айтаман, - жаҳл қилди Жинна, - Одам деган, шунчалик калтафаҳм бўладими, а?

Гарри «Равенкло» столи томон шахдам одимлаб кетган Жиннанинг кетидан қараб қолди. Унчалик узоқда ўтирмаган Чу «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонасига бирга борган қўнғироқ соч дугонаси билан гаплашиб ўтирибди. Фармондан чўчиб кетиб, машғулотларда иштирок этишдан бош тортмаса бўлди, ишқилиб.

Умуман айтганда, болалар, фармон маъносини сеҳргарлик тарихи дарси ўтказиладиган синф томон йўл олишга тараддудланиб туришганларида, уларнинг ёнига юзи ниҳоятда бахтсиз қиёфа касб этган Ангелина югуриб келгандагина тўла-тўқис идрок этишди.

- Гарри! Рон!

- Ташвиш тортма, - аста тинчлантирган бўлди уни Гарри, - Биз бари-бир ўз машғулотларимизни ўтказа...

- Ҳали охиригача тушуниб етмаган кўринасиз, шекилли, а? Ахир бу фармон квидишга ҳам дахл қилади-ку! - гапни бўлди Ангелина, - Энди унинг ҳузурига бориб, жамоамиз фаолиятини қайтадан йўлга қўйишга ижозат беришини сўраш талаб этилади!

- Нима? - бақириб юборди Гарри.

- Бўлиши мумкин эмас, - даҳшатга тушди Рон.

- Фармонни диққат билан ўқидингиз-ми?! Унинг таҳририда жамоа тушунчаси ҳам тилга олинган! Бинобарин, Гарри... Сендан ўтинам, илтимос, Амбриж билан гаплашар экансан, ўзингни идора қилиб тур. Акс ҳолда квидиш ўйнашга ижозат бермайди!

- Яхши, яхши, - инонтиришга уринди Гарри, жазаваси тутиб қолган киши ҳолатига яқин келиб қолган Ангелинани, - Ташвиш тортма, қўй оғзидан чўп олмаган боладай тутаман ўзимни. Учовлон дарсга йўл олди.

- Гаров ўйнашим мумкинки, бугун Амбриж сеҳргарлик тарихи дарсини текширишга келади, - деди Рон, маънос оҳангда, - У Биннз фаолиятини ҳали текширгани йўқ-ку... У аллақачон синфда ўтирибди.

Рон адашди. Синф хонасида ўз креслоси устида, гигантларга қарши олиб борилган урушларга доир, кишини зиқ қилиб юборадиган ҳикоясини давом эттиришга шай ҳолатда муаллақ осилиб олган Биннзнинг ўзидан бошқа бирон-бир ўқитувчи йўқ. Зерикиб кетганидан пергамент варағига турли-туман гажаклар чизиб ўтирган Гарри, Гермионанинг онда-сонда ўқрайиб қараши, баъзан ниқтаб қўйишига эътибор қаратмай, Биннзнинг бир маромда ўқиётган маърузасини бироз бўлса-да, эшитиб кўришга уриниб ҳам кўрмади. Қовурғасининг остига кучлироқ зарба еган Гарри ниҳоят хаёлини йиғиб, ўдағайлаб берди:

- Нима керак сенга?

Гермиона сўз айтмай, дераза томон имо қилди.

Ойна ортидаги дераза тоқчасида, панжасига мактуб боғланган Хедвиг ўтирибди. Нонушта ҳозиргина ўтди, хаёлдан ўтказди ҳайрон бўлган Гарри, нега қуш хатни белгиланган вақтда етказмади? Синфда ўтирган аксарият болалар ҳам почта бойқушига эътибор қаратишган.

- Бирам ёқади менга шу қуш, ажойиб жонзод, - эшитди Гарри, Лаванданинг Патилга мурожаат қилиб, хўрсинганини.

Гарри профессор Биннз томон юзланди. Арвоҳ ўқитувчи одатига кўра, сўзларига ҳеч ким қулоқ солмаётганини сезмай, ўз ёзувларини беташвиш ўқиб эшиттиришни давом эттирмоқда. Гарри аста ўрнидан туриб, энгашиб олди-да, парта қаторлари орасидан дераза ёнига тез югуриб ўтиб, лўкидонни секин сурганча, тавақани эшиттирмай очди.

Хедвиг, панжасидаги хат ечиб олиниши билан бойқушхонага учиб кетиши керак эди. Бироқ дераза тавақаси етарлича кенг очилиши билан қуш аянчли товуш чиқариб, ичкарига сакраб ўтди. Гарри кўрқа-писа Биннз томон қараб қўйиб, яна энгашиб олди-да, елкасига қўниб олган Хедвиг билан бирга жойига қайтди. Курсига ўтириб, елкасидаги қушни тиззасига олиб ўтгач, қўлини хатга узатди. Шундагина у, бойқушининг пат қопламаси ғайриоддий ҳурпайгани, баъзилари букилиб қолгани, битта қанотини эса ғайриоддий ҳолатда тутиб турганини пайқаб қолди.

- У яраланган! - пичирлади Гарри, Хедвигга энгашиб, - Қаранг... қанотига бир нима қилган кўринади...

Рон ва пат-қаламини партага қўйган Гермиона ҳам бойқуш устида энгашди. Хедвиг титраб-қақшамоқда. Гарри қуш қанотига қўл теккизмоқчи бўлганда эса бир силтаниб, баттар ҳурпайиб олганча, Гаррига дилсиёҳ қараб қўйди.

- Профессор Биннз, - баланд овоз берди Гарри, - Мен ўзимни ёмон ҳис этмоқдаман.

Ҳамма Гаррига қаради. Нигоҳини конспектидан узган профессор Биннз, одатдагидай, синф хонаси аллақандай ўқувчиларга тўла эканлигидан ғоят ҳайратланди.

- Ўзингизни ёмон ҳис этяпсиз? - сўради у, худди гап маъносини англамаган оҳангда.

- Жуда ёмон ҳис этяпман, - қатъий тасдиқлади, Хедвигни орқасига яшириб олган Гарри, - Касалхонага бормасам бўлмайдиган кўринади.

- Ҳа, - деди Гаррининг баёнотидан саросимага тушиб қолган профессор Биннз, - Касалхонага...

албатта... нима ҳам қила олардик, боринг, Перкинс...

Биннзнинг хонасидан чиқиши ҳамоно, Хедвигни елкасига қўндириб олган Гарри йўлак бўйлаб шоша-пиша одимлаб кетди. Анча нари узоқлашгач, ўйланганча, бир-икки сония тўхтаб қолди. Ким даволаши мумкин, бойқушни? Табиийки у, биринчи навбатда Хагридни эслади, бироқ Хагрид йўқ, ягона чора: профессор Гниллер-Планкка мурожаат қилиш.

Гарри йўлак деразасидан ташқарига қаради. Ҳаво бузуқ, осмонни булут қоплаган. Хагриднинг кулбаси яқинидаги ўқув майдони кимсасиз. Афтидан, ҳозир Гниллер-Планкнинг дарси йўқ, шекилли. Демак у ўқитувчилар хонасида. Зинапоядан пастга тушаётган Гаррининг елкасидаги Хедвиг жони оғриганидан ғамгин гурсиллаб қўйди.

Ўқитувчилар хонасига кириш эшигининг иккала томонида биттадан аждар тусли тош илон ҳайкали турибди. Гаррини кўриб, улардан бири қариллади:

- Нега дарсда эмассан, болам?

- Шошилиш ишим бор, - қисқа қилди Гарри.

- Уни қаранг-а, шошилиш, дегин? - баланд овозда ҳайқирди иккинчи тош илон, - Айнан шундай ишларни ҳал этиш учун ўрнатиб қўйилганмиз биз бу ерга.

Гарри эшик тақиллатди. Ичкаридан қадам товуши эшитилиб, эшик ланг очилгач, Гарри профессор Макгонагалл билан юзма-юз келиб қолди.

- Фақат яна жазога тортилдим, дема! - шу заҳоти ўшқириб берди профессор, квадрат шаклидаги кўзойнагини хавотирли ялтиратиб.

- Йўқ-йўқ, профессор, - шошиб ишонтирди Гарри.

- Унда нима гап? Нега дарсда эмассан?

- Шошилиш иши бор экан, - пичинг қилди, аждаҳо тусидаги иккинчи тош илон.

- Профессор Гниллер-Планкни қидириб юрибман, - тушунтириш берди Гарри, - Бойқушим яраланган.

- Бойқушим яраланган, дейсанми?

Макгонагаллнинг ортида қўлига сархонали узун трубка билан «Башорат-у, каромат газетаси»нинг янги сонини ушлаган профессор Гниллер-Планк кўринди.

- Ҳа, - тасдиқлади Гарри, елкасидаги Хедвигни қўлига олиб, - У кечикиб келди. Қаноти ҳам ғалати қайрилган, мана қаранг...

Профессор Гниллер-Планк қўлидаги трубкани тез оғзига солди-да, Гаррининг қўлидан бойқушни олди. Профессор Макгонагалл эса унинг ҳаракатини диққат билан кузатиб турди.

- Ҳм-м, - пўнғиллади профессор Гниллер-Планк, тишларига сиқиб олган трубкани силкитиб, - Унга ҳамла қилишган кўринади. Умуман айтганда тестраллар қушларга ҳамла қилиши мумкин, албатта, лекин Хагрид «Хогварц» тестралларига бойқушларга тегмасликни ўргатган...

Тестраллар қанақанги махлуқлар эканлигини Гарри билмайди-ю, очиғини айтганда, уларга тупурган ҳам, ишқилиб Хедвигга ҳеч нима қилмаган бўлса бўлди.

- Поттер, бойқушинг қаердан учиб келганини биласанми? - сўради профессор Макгонагалл Гаррига тешиб юборгудай қараб.

- Э-м-м-м... - эзилди Гарри, - Ўйлашимча Лондондан.

Иккаласининг нигоҳи бир фурсат тўқнаш келиб, профессорнинг қаншарида юз берган ўзгаришга қараганда, «Лондон» дегани «Пинҳонийлик майдони, 12- уй»ни англатишини идрок этган кўринади.

Профессор Гниллер-Планк ички кассасидан моноклини чиқариб, кўзига тақди-да, Хедвигни диққат билан кўздан кечириб чиққач, хулоса чиқарди:

- Мен уни даволай оламан, Поттер, фақат қуш вақтинча ихтиёримда қолади. Нима қилганда ҳам, бир неча кун давомида уни ҳеч қаерга йўллаб бўлмайди.

- Э-э... тушундим... Раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гарри.

Гаррининг жавоби билан бир вақтда, танаффус эълон қилинганини англаган қўнғироқ зарби эшитилди.

- Арзимамайди, - пўнғиллади профессор Гниллер-Планк, болага тескари ўғирлар экан.

- Бир дақиқа, Вильгельмина! - тўхтатди профессор Макгонагалл, - Хат.

- Ҳа-я! - эслади Гарри, бойқушининг панжасига боғланган номани.

Профессор Гниллер-Планк хатни ечиб, Гаррига узатди-да, Хедвиг билан бирга ўқитувчилар хонасининг ичкарасига кириб кетди. Гўё соҳиби бегона қўлга мана шундай, осонгина топшириб қўйганига ишонгиси келмай, кўзи янада катта очилиб кетган бойқуш Гаррига унсиз бақрайганча қолди. Гарри ҳам, ўзини айбдор ҳис этганча бурилиб, эндигина қадам босган эди ҳам-ки, профессор Макгонагалл уни тўхтатди.

- Поттер!

- Ҳа, профессор?

Профессор дастлаб ўнг, кейин сўл томон қаради. Иккаласи томон ҳамма жойдан мактаб ўқувчиларининг оқими яқинлашиб келмоқда.

- Ёдингдан чиқмасин, - деди профессор Макгонагалл, кўзи ила Гаррининг қўлидаги пергамент ўрамага имо қилиб, - Хат кўздан кечириб чиқилган бўлиши мумкин. Уқдинг-ми?

- Мен...

Эндигига оғиз жуфтлаган Гаррини ўқувчилар оқими ўз домига тортиб кетди. Профессор Макгонагалл енгил бош ирғиб қўйди-да, ичкарига кириб кетди. Гарри эса халойиқ орасида ҳовлига чиқиб қолди. Ўша ерда у, ёқаларини кўтариб олганча, ёмғир ва шамолдан тўсиб турган бурчакка биқиниб олган Рон билан Гермионани учратди. Гарри улар томон йўл олар экан, йўл-йўлакай хатни очиб Сириуснинг атиги бешта сўздан иборат номасини ўқиди:

Бугун, ўша вақтда, ўша жойда.

- Хедвигга нима қилибди? - сўради ҳаяжонланиб кетган Гермиона, Гарри яқин бориши билан.

- Кимга ташлаб келдинг уни? - сўради Рон.

- Гниллер-Планкка, - жавоб берди Гарри, - Макгонагаллни ҳам учратдим... Қулоқ солинг...

Дўстлари профессор Макгонагаллнинг сўзларидан ҳайратга тушмагани, аксинча, бир-бирига маъноли қараб қўйгани Гаррини ҳайрон қолдирди.

- Нима гап? - сўради у, дам Рон, дам Гермионага қараб.

- Ҳозиргина Ронга шу ҳақда гапирётган эдим... Агар кимдир Хедвигни тутиб олишга уринган бўлса-чи? Ахир бойқуш бундай ҳолатга муқаддам тушмаган-ку, шундай эмасми?

- Айтгандай, хат кимдан келибди? - қизикди Рон, Гаррининг қўлидан қоғозни олиб.

- Дайдидан, - паст овозда жавоб қайтарди Гарри.

- «Ўша вақтда, ўша жойда»? Яъни умумий меҳмонхонада?

- Шунга ўхшайди, - деди ташвишга тушган Гермиона, ёзувни ўқиб, - Умид қиламан-ки, буни биздан бошқа ҳеч ким ўқимаган...

- Ўрами одатдагидай, муҳрланган эди, - деди Гарри, нафақат Гермионани, балки ўзини ҳам шунга ишонтириб, - Нима қилганда ҳам, бу ёзувнинг маъносини биздан бошқа ҳеч ким тушунмайди.

Улар қаердан билишсин, сўнгги бор у билан қаерда гаплашганимизни, шундайми?

- Билмадим, - ҳаяжон-ла, жавоб қайтарди, қўнғироқ зарби янграгач, юк халтасини елкасига ташлаган Гермиона, - Хат ўрамини сеҳр қўллаб, муҳрини бузмай очиш, у қадар мушкул иш эмас...

Лекин каминлар ичра саёҳат тармоғи устидан назорат олиб борилаётган бўлса... Уни огоҳлантириш, пайдо бўлмасликни айтиш усулига ақлим етмаяпти... Унга йўллайдиган хатимиз ҳам бировнинг қўлига тушиши мумкин-ку, ахир!

Учовлон чуқур ўйга толганча, Снегнинг ерости хоналари томон шалвираб йўл олди. Зина охирида

Драко Малфойнинг овози хаёлни йиғиб олишга мажбур қилди. Малфой сеҳрли дамламалар тайёрлаш хонасининг кириш эшиги ёнида туриб, қўлидаги аллақандай расмий ҳужжатни силтаганча, ҳар бир сўзи аниқ эшитилиши учун бўлса керак, одатдагидан кўра баланд овозда талаффуз этмоқда.

- Ана шунақа! Амбриж бизнинг жамоамиз фаолиятини қайтадан йўлга қўйишга дарҳол ижозат берди. Унинг ҳузурига эрталаб кирдим. Амбриж дадамни жуда яхши танийди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мен оғиз очишим билан ҳужжатга имзо чекди. Дадам вазирликка тез-тез ташриф буюриб туради... Қизик, «Гриффиндор» жамоасига ҳам ижозат берармикан?

- Фақат баҳс бошланг, - ўтиниб пичирлади Гермиона, юзлари тошдай қотиб, панжалари беихтиёр мушт тугилаётган Гарри билан Ронга, - Унга айнан шу керак.

- Айтмоқчиман-ки, - янада баланд овозда давом этди Малфой, кул ранг кўзини Гарри билан Ронга қаратганча ярқиратиб, - Агар бу иш вазирлик ходимлари билан йўлга қўйилган таниш-билишчилик даражасига боғлиқ бўлса, гриффиндорчилар ҳеч нарсага умид қилмаса ҳам бўлаверади. Дадамнинг фикрича, Артур Уэслини ишдан бўшатиш учун кўп йиллардан буюн важ-бахона қидирилмоқда эмиш... Поттер ҳақида-ку, индамаса бўлаверади. Дадамнинг ишончи комилки, агар Поттер яна бирон-бир ҳунар кўрсатадиган бўлса, вазирлик уни, мажбурий даволаш учун Муқаддас Резги касалхонаси – ғалати жароҳат ва патологиялар институтига йўллаш тўғрисида фармойиш чиқаради. У ерда ҳалигидақалар... миялари сеҳрли таёқча билан аралаштирилганлар учун махсус бўлинма бор экан...

Малфой пастки жағини осилтириб, кўзини тепага қаратди. Краббе билан Гойл эсвос бўлиб қолишгандай хандон уришди. Паркинсон эса ҳайратдан чийиллаб юборди.

Елкасига етган қаттиқ зарба Гаррини четга суриб юборди. Бир сония ўтар-ўтмас, Малфойни бўғзидан олмоқчи бўлган Невилль ёнидан югуриб ўтганини идрок этди.

- Невилль, тўхта!

Гарри зудлик билан Невиллнинг коржомасини орқа томондан маҳкам тутиб олди. Невилль халос бўлиш, Малфойга етиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётган бўлса, эсанкираб қолган Малфой турган жойидан қўзғала олмай, қотиб қолган. Невиллнинг бўйнидан тутиб олишга муваффақ бўлган Гарри, уни слизеринчилардан нари торта бошлади.

- Ёрдам бер! - қичқирди у Ронга қараб.

Мушакларини ўйнатиб, жангга шай ҳолатда турган Краббе билан Гойл Малфойни тўсиб олишди. Рон Невиллнинг қўлидан ушлаб, Гарри билан биргаликда бир қатор саф тортган гриффиндорчилар томон тортиб кетди. Юзи қизариб кетган Невилль, Гарри деярли бўғиб олганидан бўлса керак, тартибсиз, ўқиб бўлмас бақирмоқда:

- Кулги... эмас... Резги... журъат... онангни учқўрғонда... ман...

Хизмат хонасининг эшиги ланг очилиб, остонада Снегг кўринди. Унинг қоп-қора кўзи гриффиндорчиларнинг сафи бўйлаб югуриб ўтиб, Невиллнинг хатти-ҳаракатларини идора қилишга уринаётган Гарри билан Ронда тўхтади.

- Поттер, Уэсли, Лонгботтом? Муштлашяпмиз, денг? - сўради у, ўзининг совуқ, калондимоғ овози билан, - «Гриффиндор»дан ўн балл айрилади. Лонгботтомни қўйиб юборинг, Поттер, акс ҳолда сизга жазо тайинлайман. Энди ҳамма синфга – қадам бос.

Гарри кўзи нафратдан қонга тўлиб, базўр нафас олаётган Невиллни қўйиб юборди.

- Бошқа йўл тута олмас эдим, - деди ҳансираб қолган Гарри, ерда ётган юк халтасини қўлига олиб,

- Краббе билан Гойл сени бўлақларга бўлиб ташлашлари мумкин эди.

Невилль ҳеч нима демади. У юк халтасини елкасига зарда ила ташлаб, синф хонасига шахдам юриб кетди.

- Муқаддас Мерлин ҳақи, - аста гап бошлади Рон, Гарри иккаласи Невиллнинг изидан остона ҳатлаб ўтиб, - Нималар бўляпти ўзи?

Гарри индамади. Нима учун Муқаддас Резги касалхонасининг руҳий касалларни даволаш бўлинмаси ҳақида гап очилганида Невиллнинг ғазаби қайнаб кетганини яхши билади, албатта. Бироқ бу ҳақда ҳеч кимга айтмасликка Дамблдорга сўз берган. Невилль эса Гаррининг бор гапдан бохабар эканлигини билмайди.

Гарри, Рон ва Гермиона одатдагидай, синфнинг нариги бурчагига жойлашиб, пергамент, пат-қалам, «Мингта сеҳрли алаф ва қўзиқоринлар» дарслигини чиқаришди. Ҳамма Невиллнинг ғалати ҳаракатини муҳокама қилганча, жонли пичир-пичир қилмоқда, бироқ Снегг синф эшигини қарсиллатиб ёпиши билан хонада сув сепгандай сукунат чўкди.

- Бугун дарсимизда меҳмон борлигига эътибор қаратинг, - жирканиб ғулдиради Снегг, қўли билан кўрсатиб.

Нариги бурчақда тиззасига ён дафтари қўйиб олган Амбриж ўтирибди. Қоши кўтарилиб кетган Гарри кўз қири билан ўртоқларига қараб қўйди. Снегг ва Амбриж. Иккита ўта манфур ўқитувчи. Қайси бирига тарафдор бўлишни ҳам билмайди киши.

- Бугун биз ҳаётбахш суюқлик билан шуғулланишни давом этамиз. Ижодингиз маҳсулини ўтган дарсда қай ҳолатда ташлаб кетган бўлсангиз, ўша ҳолатда топасиз. Агар ишни талаб даражасида бажарган бўлсангиз, дамламангиз шанба-якшанба кунлари давомида яхши дам еган... Дамлама таркиби ва уни тайёрлаш усули - деди сеҳрли таёқчасини кўтариб, сезилар-сезилмас силтаб қўйган Снегг, - Одатдагидай, қаршингизда, синф тахтасида баён этилган. Ишга киришинг.

Дастлабки ярим соат давомида профессор Амбриж индамай, дафтарига алланима ёзиб ўтирди. Снегг сўроққа тутилганида нима бўлишини кўришни орзуси қилаётган Гарри яна хатога йўл қўйди.

- Гарри! - инграб хитоб қилди Гермиона, Гаррининг қўлидан ушлаб қолиб, учинчи бор нотўғри иш тутишига йўл қўймай, - Анор шарбати эмас саламандра қонини қўшинг керак!

- Тўғри айтасан, - фикри тарқоқлик-ла жавоб берди Гарри, қўлидаги шишани четга қўйганча, ўрнидан қўзғалган Амбриждан кўзини узмай, - Бошланди, - аста қўшиб қўйди у, Дин Томаснинг қозони устида энгашиб турган Снегг томон йўл олган Амбрижга қараб.

- Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўқувчилар ёш бўлишига қарамай, яхши таассурот қолдирмоқда, - Снеггнинг белига мурожаат қилди Амбриж, жонли оҳангда, - Бироқ болалар ҳаётбахш суюқлик тайёрлаш усулини ўзлаштиришлари шарт эканлигига ишончим комил эмас. Билишимча, вазирликда, ушбу дамламани таълим дастуридан умуман чиқариб ташлаш ҳақида мулоҳаза юритилмоқда.

Снегг қаддини ростлаб, Амбрижга юзланди.

- Шундай қилиб, «Хогварц» штатига киритилганингизга қанча бўлди? - сўради Амбриж, пат-қаламини ён дафтари узра кўтариб.

- Ўн тўрт йил, - жавоб берди пинаги бузилмаган Снегг.

Гарри кўзини Снеггдан узмай қозонга бир нечта томчи томизди. Дамлама таҳдидли вишиллаб, мовий ранги тўқ сариқ тусга алмашди.

- Менда мавжуд маълумотларга қараганда, сиз, дастлаб ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчиси лавозимига даъво қилгансиз, шундайми? - сўроқни давом эттирди Амбриж.

- Шундай, - паст овозда жавоб берди Снегг.

- Уринишингиз беҳуда кетди-ми?

- Кўриб турибсиз, - лабини биров қийшайтирди Снегг.

Профессор Амбриж ён дафтари пат-қалами билан тимдалаб қўйди.

- Менда мавжуд бошқа маълумотларга қараганда, «Хогварц» штатига киритилганингиздан буён ўша лавозимни эгаллашга уринишни вақти-вақти билан давом этмоқдасиз, шундайми?

- Шундай, - янада паст овозда жавоб берди Снегг, оғзини сезилар-сезилмас қимирлатиб.

- Хабарингиз йўқми, нима учун Дамблдор зикр этилган лавозимга айнан сизни тайинлашни ўғарлик-ла, истамайди? - сўради Амбриж.

- Буни ўзидан сўрашни таклиф қиламан, - жавоб берди жаҳли чиққан Снегг.

- Албатта, - мулойим иржайди Амбриж.

- Бу масала шу қадар муҳимми? - қора кўзини қисиб сўради Снегг.

- Жуда, - деди Амбриж, - Жуда муҳим. Вазирлик барча ўқитувчиларнинг... э-м-м-м... таржимаи ҳолига оид маълумотлар билан танишиб чиқмоқчи.

Амбриж пошнасида айланиб, тескари ўгирилди-да, Панси Паркинсоннинг ёнига бориб, фанга оид саволлар бера бошлади. Снегг бирдан бошини Гарри томон буриб, иккаласининг нигоҳи бир фурсатга тўқнаш келиб қолди. Гарри шу заҳоти кўзини қозони томон олиб қочди. Унинг дамламаси ивиб қолиб, куйган резинанинг сассиқ бўйига ўхшаш ҳид таратмоқда.

- Одатдагидек, ноль балл, Поттер, - интиқом оҳангида эълон қилди Снегг, сеҳрли таёқчасини енгил силтаганча, Гаррининг қозонини бўшатиб, - Келгуси дарсга, ушбу дамлама тайёрланишига оид иншо ёзиб келишингиз ва айна вақтда сиз, дамлама тайёрлаш жараёнида қандай хатоликларга йўл қўйганингизни кўрсатиб ўтишингиз талаб этилади. Тушундингиз-ми?

- Ҳа, - қутуриб кетгандай жавоб берди Гарри.

Снегг берган вазифа етарлидан ортиқ. Кечқурунга эса квидиш машқлари тайинланган. Иншо ёзиш учун яна икки кеча ухламасликка тўғри келади. Гарри шу бугун эрталаб ўзини бахтиёр сезганига ишонгиси келмади! Энди эса кун тезроқ ўтишини истамоқда.

Учовлон тушлиқдан сўнг, ҳовлига чиқди. Шамол коржомома этаклари-ю, шляпа четларини ҳилпиратмоқда.

- Башоратга кирмасликка тўғри келади шекилли, - ғудуллади Гарри, қовоғини солиб, - Ўзимни бетоб, деб эълон қиламан-да, Снегг топширган иншони ёзишга киришаман. Шундай қилсам, ярим кечагача ўтиришга тўғри келмайди.

- Башоратга бормаслик мумкин эмас сенга, - қатъий оҳангда ҳикмат қилди Гермiona.

- Буни ким гапирса ҳам, сен гапирмасанг бўлар эди, - эътироз-ла, хитоб қилди Рон, - Ўзинг умуман тарк этдинг-ку, бу фанни. Треланидан шу қадар нафратланасан-ки, уни кўргани кўзинг, отгани ўқинг йўқ!

- Мен ундан нафратланмайман, - бирмунча баланд димоғ-ла жавоб берди Гермiona, - Шунчаки, уни кераксиз педагог, тўтуриқсиз аёл сифатида кўраман. Сеҳргарлик тарихини ўтказиб юборган Гаррига эса бугунга етади, деб ҳисоблайман!

Гермiona ҳар доимгидай ҳақ. Ярим соат ўтгач, ҳаммадан ва ҳамма нарсадан нафратланиб кетган Гарри, иссиқ, тутатқилар ҳидидан ҳавоси дим бўлиб кетган башорат фани синфидаги жойини эгаллади. Профессор Трелани яна «Туш фолномаси»ни тарқата бошлади. Йўқ, мана бу сассиқ хонада атайин тўқиб чиқарилган тушлар замиридаги яширин маънони топиб ўтиргандан кўра, ҳар қалай Снегг учун иншо ёзган нисбатан фойдалироқ бўлар эди, хаёндан ўтказди Гарри.

Бироқ хонада кайфияти бузуқ одам ёлғиз ўзи эмас экан. Лабини қимтиб олган профессор Трелани қўлидаги дарсликни Гарри билан Роннинг столи устига улоқтирди, Симус билан Динга ҳам, худди шу тарзда, Симуснинг бошига китоб билан қўйиб юборишига бир баҳя етмай отди, сўнгги дарсликни эса Невиллга қарата шу қадар кучли отди-ки, кўкрак қафасига зарба еган бечора бола ўтирган курсисидан полга қулаб тушди.

- Хўш, ишга киришинг! - баланд овозда амр қилди профессор Трелани, оҳангида жазава аломатлари эшитилиб, - Нима иш қилишни ўзингиз биласиз! Ё мен, ўқитувчи сифатида шу қадар нўноқ шахсман-ми, ҳатто китоб очишни ҳам ўргата олмаган бўлсам?

Нима бўлаётганини тушунмаган болалар, дастлаб профессор Треланига, сўнг бир-бирига ҳайрон бўлиб қараб қолишди. Бироқ нима бўлганини Гарри дарҳол фаҳмлади. Дарғазаб кўз ёшлари кўринган профессор Трелани ўзини баланд суянчиқли креслосига ташлаган фурсатда, Гарри Роннинг устига энгашиб пичирлади:

- Текширув натижаларини олган кўринади.

- Профессор? - аста овоз чиқарди Парватти Патил, - Профессор, бирон-бир ножўя иш бўлди-ми? Патил билан Лаванда Треланига доимо зўр эҳтиром-ла муносабат билдириб келишган.

- Ножўя! - бақирди ҳис-туйғулари тўлиб-тошганидан ёрилиб кетаётган профессор Трелани, - Йўқ, албатта! Ҳаммаси жўяли! Тўғри, мени таҳқирлашди... жирканч, разилона бўҳтонлар ила ҳақорат қилишди... ўта бемаъни, асоссиз айблар қўйишди... лекин йўқ, ҳаммаси жўяли, ҳаммаси жойида! У нафасини жониқиб ростлади-да, кўзойнаги остидан шашқатор ёш сизиб чиқаётган йирик кўзини Патилдан олиб қочди.

- Ўн олти йиллик бенуқсон фаолиятимни эслатиб ўтмайман, - нафаси қайтиб давом этди соҳибкаромат аёл, - Тушунишимча, бунинг фойдаси йўқ... бироқ ўзимни хафа қилдириб ҳам қўймайман, йўқ, йўқ!

- Профессор, сизни ким хафа қилишга уриняпти? - тортиниб сўради Патил.

- Давлат машинаси! - ич-ичдан чиққан, титроқ овоз билан фожиали оҳангда баёнот қилди профессор Трелани, - О, инсонлар, бу ёруғ дунёнинг васвасаларига берилиб, кўзлари хира тортган бандалар, мен Кўра биладиган нарсаларни кўриш, мен Идрок эта биладиган нарсаларни тушуниб етиш қобилятидан маҳрум бўлган одамлар... Умуман айтганда, улар, қадимдан биз соҳибкароматлардан қўрқиб келишган ва шу боис, бизларни доимо қувғин қилиб, таъқиб этишган... Минг афсус ва надоматлар бўлсинки, қисматимиз азалдан шундай бўлиб келган. Профессор Трелани қаттиқ ютиниб, кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетган лунжини шолрўмолининг бир четига артиб олди. Сўнг, енгидан нақш тикилган кичкинагина дастрўмол чиқариб, Друзгга хос овоз чиқарганча, бурун қоқди.

Рон ҳиринглаб юборди. Лаванда унга дарғазаб ўқрайиб қўйди.

- Профессор, сиз... Профессор Амбрижга алоқаси борми? - сўради Патил.

- Менинг ҳузуримда ўша аёл исми талаффуз этилмасин! - қичқириб юборди профессор Трелани, кўзойнагини ялтиратиб, маржон-мунчоқларини шитирлатиб оёққа қалқиб турганча, - Ва илтимос, топширилган вазифа билан шуғулланинг!

Профессор Трелани дарснинг қолган қисмини кўз ёшларини тийиб олишга деярли уринмай, хонанинг у бошидан бу бошига юрганча, аллақандай таҳдидларни ғудуллаб юрди:

- ... ишдан бўшаб кетишим ҳам мумкин... қандай шармандалик... синов муддати... ҳали кўраимиз... қандай журъат этди ўзи...

- Амбриж икковингизда аллақандай умумийлик бор, - аста маълум қилди Гарри ёвузлик кучидан ҳимоя фанида учрашган Гермionaга, - Назаримда у ҳам, худди сен каби, Треланини тутуриқсиз аёл сифатида эътироф этади... Амбриж Треланига синов муддати тайинлаган кўринади. Шу пайтда хонага бошида бахмал бант кўринган, юзи фавқулодда мағрурлик қиёфасини касб этган Амбриж кириб келди.

- Салом болалар!

- Салом, профессор Амбриж! - ифодасиз ўқирди болалар.

- Сеҳрли таёқчаларни йиғиштириб қўйинг.

Жавобан ҳеч қандай товуш эшитилмади. Негаки, ҳеч ким таёқчасини халтасидан чиқаришни хаёлига ҳам келтирмаган эди.

- Илтимос, «Мўхофаза қилувчи сеҳр-жоду назарияси»нинг ўттиз тўртинчи саҳифасини очиб, унинг учинчи, «Сеҳргарлар ҳамласини қайтаришга оид пайт пойлаш тактикаси ва ушбу тактика қўлланилган ҳолатлар» бобини мутолаа қилишга киришинг. Тушунтириш...

- ... бериш талаб қилинмайди, - Амбрижнинг фикрини баралла, базўр эшиттириб тугатди Гарри, Рон ва Гермiona.

\*\*\*

- Бугун машқ бўлмайди, - совуқ оҳангда маълум қилди Ангелина, кечки овқатдан сўнг, умумий



меҳмонхонага қайтган Гарри, Рон ва Гермионани қарши олиб.

- Бирон-бир ножўя иш қилганим йўқ, Ангелина! - бақриб юборди Гарри, - Мен унга ҳатто бирон оғиз сўз ҳам айтганим йўқ, онт ичаман, мен...

- Биламан, биламан, - умидсиз оҳангда жавоб берди Ангелина, - Ўйлаб кўриш учун вақт керак эмиш унга.

- Нимани ўйлаб кўриши керак экан? - жаҳл қилди Рон, - Анави слизеринчиларга ўйлаб ўтирмасдан ижозат берди, бизга келганда ўйланиб қолибди-ми?

«Гриффиндор» жамоаси орасида аросат кайфиятини юзага келтириш Амбрижга қанчалик ёқиши, сўзи ва таъсирини ўтказадиган бундай қуролни ҳеч ҳам қўлдан чиқаришни истамаслиги Гаррига яхши тушунарли, албатта.

- Ҳар ёмоннинг бир яхшилиги бўлади! - ҳикмат қилди Гермиона, - Снег берган вазифани бажариш учун сенга вақт топилди.

- Ҳеч қанақанги квидиш машқи, фақат дамлама тайёрлаш билан қўшимча шуғулланиш! Шуми «яхшилиқ» деганинг? - ўшқриб берди Гарри.

Рон ҳам Гермионага кўзи чаноғидан чиқиб кетгудай ўқрайиб қўйди. Кайфияти расво бўлган Гарри ўзини креслога ташлаб, юк халтасидан пергамент чиқарди-да, истар-истамас ишга киришди.

Хаёлни жамлаб олиш ниҳоятда қийин кечмоқда. Сириус камин ичида пайдо бўлишига ҳали анча борлигини билади, албатта, бироқ шундай бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши ҳар икки дақиқа ўтар-ўтмас оловга қараб-қараб қўйишдан ўзини тия олмаяпти. Бундан ташқари, меҳмонхонада кучли шовқин қарор топган. Эгизаклар Фред билан Жорж ниҳоят ўз ихтиролари – бадният газакларларни охирига етказиб, эришган ютуқларини ҳайратдан ўкираётган халойиққа навбат билан намоиш этишмоқда.

Дастлаб Фред тўқ сариқ ширинликнинг бир учини тишлаб узгач, атайин қўйилган челақ ичига ошқозонида бор нарсани ғайритабиий ҳолатда қайт қилар, сўнг бинафша ранг ширинликни бир амаллаб оғзига тиқиб, беҳузур кўнглини бир онда тинчлантирар эди. Ушбу томошани ўтказишга ёрдамчилик қилаётган Ли Жордан эса муайян вақт оралиғи ўтгач, сеҳрли таёқчасини истар-истамас силтаб, ғойиб қилиш афсуни воситасида, худди бугун Снег Гаррининг қозонини бўшатган каби, челақ ичидаги қусуқни гум қилиб бермоқда.

Ёқимсиз товушлар, шодиёна ўкириклар, таҳсин айтаётган томошабинлардан буюртма олаётган Фред билан Жоржнинг тўраларча бақирганлари тўфайли, Гарри, хаёлини дарсга жамлай олмади.

Бу ҳам камлик қилгандай, Гермиона ҳам халал бермоқда. Қусуқ ҳар сафар челақ тубига қаттиқ шапиллаб тушиб, меҳмонхонада навбатдаги завқ ҳиссиётлари портлаши билан Гермиона ҳазар қилиб баланд пишқирар ва айнан шу қилиғи билан Гаррини кўпроқ чалғитар эди.

- Ёқмаётган бўлса, бор, ман этиб қўй уларга! - жаҳл қилди Гарри, туйилган грифон тирноғининг вазнига оид нотўғри ёзилган рақамни тўртинчи бор ўчириб.

- Афсуски, ман эта олмайман. Расман қараладиган бўлса, уларнинг хатти-ҳаракатларида ғайриқонуний аломат йўқ, - тишлари орасидан вишиллади Гермиона, - Улар ҳар қандай қабоҳатни ютишга ҳақли бўлиб, бундай қабоҳатларни ўзларига ўхшаган бошқа аҳмоқларга сотишларини ман этишга асос бўладиган бирон-бир қоида топа олмадим, агар ўша қабоҳат хавфли бўлмаса, албатта. Афтидан, хавфлига ҳам ўхшамайди.

Энди челақни Жорж аниқ нишонга олиб қайт қилаётгани, ширинликнинг сўнги бўлагини бир амаллаб ютгани ва гулдурас қарсақлар остида қўлини томошабинлар томон кенг ёзганча, қаддини тантанавор ростлаганини Гермиона, Гарри ва Рон диққат билан кузатиб ўтиришди.

- Ҳеч ақлим етмайди, нега улар МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун топширилган имтиҳонда атиги уч балл олишди, - фикр билдирди Гарри, қувониб кетган халойиқдан пул йиғаётган Фред, Жорж ва Лининг хатти-ҳаракатларига қараб, - Ахир улар чиндан ҳам, ўз ишини яхши билишади-ку.

- Буларнинг бари бирон-бир наф бермайдиган кўзбойлоғичдан бошқа нарса эмас, - деди Гермiona, назарга илмай.

- Наф бермайдиган, дейсанми, Гермiona? - ҳис-ла сўради Рон, - Улар, арзимаган ярим соат ичида кўз ўнгимизда кам деганда йигирма олти галлеон пул ишлашди!

Эгизакларни қуршаб олган халойиқ тез тарқалмади. Томоша ўтгач, топган даромадларини узоқ санаб ўтиришган Фред, Жорж ва Ли ҳам анча ушланиб қолишди. Гарри, Рон ва Гермiona ёлғиз қолишганда тун ярмидан ўтди. Фред Гермionанинг асабига текканча, пул солинган қутини намоийшкорона шақиллатиб, ўғил болалар ётоқхонасига кириб кетди. Гарри иншосининг ҳажми жуда оз бўлса ҳам, бугунга бас қилиб, китобларини йиғиштирди. Креслода унсиз мизғиб ўтирган Рон англаб бўлмас овоз чиқарганча уйғониб, хира нигоҳи ила оловга бақрайиб қолди.

- Сириус! - хитоб қилди у.

Гарри кескин ўгирилди. Олов тиллари орасида қоп-қора сочи таралмаган одам боши турибди.

- Салом, - кулиб кўришишди одам боши.

- Салом, - баралла жавоб қайтаришди Гарри, Рон ва Гермiona, камин рўпарасига чўккалаб. Маймоқоёқ хуриллаганча, югуриб келиб, чўғ ҳарорати баланд бўлишига қарамай, Сириуснинг бошига суйкалишга уринди.

- Ишлар қалай? - сўради Сириус.

- Ўрта-миёна, - жавоб берди Гарри, - Агар вазирлик чиқарган янги фармон бизни квидиш машқларидан маҳрум қилганини ҳисобга олмасак...

Гермiona мўйловини куйдириб олмаслиги учун мушукни оловдан нари тортди.

- Ёвуз кучлардан ҳимоя мақсадини кўзлаган яширин ташкилот ҳам ярата олмайсиз, а? - қувлик-ла, қўшиб қўйди Сириус.

Ўртага сукунат чўкди.

- Сен қаердан биласан? - талаб оҳангида сўради Гарри.

- Учрашув жойини тўғри танлай билиш даркор, - жавоб берди, табассуми янада кенгайиб кетган Сириус, - «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонаси-я! Топган жойингизни қаранг!

- Ҳар қалай одам оёғи тинмай, доимо қий-чув, тўполон ҳукм сурадиган «Уч супурги» қаҳвахонасига нисбатан ўлса, ўлиги ортиқ! - ўзини оқлашга уринди Гермiona, - У ерда...

- Айнан шу боис ҳам, у ерда суҳбатингизни эшитиб ўтириш қийин кечган бўлар эди.

- Хўш, ким эшитибди суҳбатимизни? - талаб оҳангини қўймади Гарри.

- Ким бўлар эди, Мундугнус, албатта, - деди Сириус ва болаларнинг юзидаги таҳайюр қиёфасини кўриб, кулиб юборди, - Эгнига қора тўр ташлаб олган афсунгар аёл ўша эди.

- Мундугнус Флетчер? - ҳайратланди Гарри, - «Ахта чўчқа»да нима қилаётган эди у?

- Нима қилар эди? Сизларни қўриқлади, албатта.

- Мен ҳали ҳам кузатув остидаман-ми? - жаҳл қилди Гарри.

- Ҳа, кузатув остидасан, - деди Сириус, - Ва тўғри қилишади! Агар ўқув йили бошидан яширин уюшма тузишни ният қилган экансиз, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Умуман айтганда, Сириус домангир ҳам бўлмаган, ташвиш ҳам тортмаган кўринади. Аксинча, Гаррига қаратилган нигоҳида аллақандай ғурур акс этмоқда.

- Нега Флетчер биздан бекинди? - ҳафсаласи пир бўлиб сўради Рон, - У билан учрашганимиздан хурсанд бўлар эдик.

- Мундугнусга йигирма йил муқаддам «Ахта чўчқа»га қадам босиш батамом ман этилган, - жавоб берди Сириус, - Май сотувчисининг хотираси жуда яхши. Стуржис ҳибсга олингач, энди ихтиёримизда кўринмас плаш йўқ. Шу боис, Мундугнус аёллар кийимини кийиб юрибди... Хўп майли... биринчи навбатда, Рон, сенга тегишли гапни етказиб қўйиш борасида онанга ваъда берган эдим.

- Нима гап экан? - сўради Рон, овозида хавотир оҳанги эшитилиб.

- Ҳеч қандай махфий уюшмага аъзо бўлмас экансан. Шу гапни тайинлаб юборди сенга онанг, акс ҳолда мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаб юборишар, бу эса ўз навбатида, келажак ҳаётингга путур етказар экан. Сен ҳали жуда ёш, бундай нарсаларни ўйлаш сенга эрта, ёвуз кучлардан ҳимоя амалларини ўзлаштириб олишга олдинда бир олам вақт бор эмиш. Бундан ташқари, у, - давом этди Сириус, Гарри билан Гермионага қараб, - Ушбу ғояни миядан чиқариб юборишни Гарри билан Гермионадан ҳам илтимос қилиб юборди. Иккаласига тақиқлай олмаслигини яхши тушунса-да, биринчи навбатда уларнинг манфаатлари борасида жон куйдираётганини эслатиб ўтди. Сизларга бу ҳақда ёзиб юбориши мумкин эди-ю, хат бировнинг қўлига тушиб қолиши, оқибатда бошларинг балодан чиқмай қолишидан чўчияпти. Ўзи эса бугун тунда навбатчилик ўташи боис, сизлар билан учраша олмайди.

- Яна қанақанги навбатчилик? - дарҳол сўради Рон.

- Аҳамияти йўқ. Орден ишлари, - жавоб берди Сириус, - Хуллас, ушбу сўзларни етказиб қўйиш вазифаси зиммамга юкланган эди, мана етказдим. Айтгандай, уйга хат ёзадиган бўлсангиз, топшириқни бажарганимни ҳам тасдиқлаб ўтинг. Назаримда, тайинланган тақиқни оқизмай-томизмай етказишим борасида Молли шубҳа қилгандай бўлди.

Боз сукунат чўқди. Маймоқоёқ панжасини узатиб, Сириуснинг бошини пайпаслаб кўришга интилмоқда. Рон эса бармоғини эски шолчадаги тешикка суқиб, айлантириб ўтирибди.

- Айтмоқчисан-ки, жамият фаолиятида иштирок этишдан бош тортишим керак, шундайми?

- Мен? Ҳеч ҳамда! - ҳайрон бўлди Сириус, - Жамият, фикримча, зўр ғоя!

- Ростданми? - енгил тортди Гарри.

- Албатта! - тасдиқлади Сириус, - Ўйлайсан-ки, отанг иккаламиз Амбрижга ўхшаган аллақандай қари тасқаранинг ўғитларига итоат қилиб, мўмин-қобилгина ўтирар эдик-ми?

- Ўтган йилги гапларинг мутлақо тесқари эди. Ўшанда нуқул эҳтиёт бўлишим, таваккал қилмаслигимни тайинлаганинг-тайинлаган...

- Ўтган йили айнан «Хогварц»даги одамлардан қайсидир бири сени ўлдирмоқчи эканлиги аён эди!

- эътироз билдирди Сириус, - Бу йил эса «Хогварц»дан ташқарида юрганлардан бири ҳаммамизни асфаласофилингга йўлламоқчи! Фарқи борми? Назаримда, ҳозир ҳимоя амалларини пухта ўзлаштириш вақти етди!

- Агар мактабдан қувиб солишса-чи? - сўради Гермиона, юзи мубҳам қиёфа касб этиб.

- Тушунмадим, Гермиона? Ахир бу ғоя сендан чиқди-ку! - бақрайди Гарри.

- Эсимда. Сириуснинг фикрини билмоқчиман, - елка қисди Гермиона.

- Атрофда нималар бўлаётганини билмай, қўрага қамалган қўйга ўхшаб ўтиргандан кўра, мактабдан ҳайдаб юборишса ҳам, ўзимни ҳимоя қила олишни афзал билган бўлар эдим, агар менинг фикрим қизиқ бўлса, - жавоб берди Сириус.

- Тўппа-тўғри, - бош ирғиди Гарри билан Рон.

- Қисқа қилайлик, - деди Сириус, - Йиғинларни қай тарзда ўтказадиган бўлдингиз? Жой топдингиз-ми?

- Айнан мана шу нарса муаммо бўлиб турибди, - жавоб берди Гарри, - Тасаввур ҳам қила олмаяпмиз.

- Фиғон қулбасига нима дейсиз? - таклиф киритди Сириус.

- Зўр фикр! - хитоб қилди Рон.

Ҳамманинг боши шубҳа оҳангида ҳиринглаб қўйган Гермиона томон бурилди.

- Фиғон қулбасида, Сириус, сизлар атиги тўрт киши учрашгансиз, - деди Гермиона, - Бунинг устига ҳайвон тусига қира билгансиз ва зарурат туғилганда тўртовлон битта кўринмас плаш остига бекина олгансиз. Биз эса йигирма саккиз кишимиз. Орамизда бирорта бўлсин, анимаг йўқ. Плаш эмас кўринмас чодир керак бўлади бизга...

- Тўғри айтасан, - бироз хижолат тортди Сириус, - Хўп майли, бирон чора топилар. Эсимда,

тўртинчи қаватдаги катта кўзгу ортида аллақандай етарлича кенг сирли ўтиш йўлаги бўлар эди. Суқи киритиш амалларини ўша ерда машқ қилса бўлади.

- Фред билан Жоржинг айтишича, у йўлак энди йўқ, - бош чайқади Гарри, - Босиб қолган ёки нимадир бўлган.

- Э... - қош чимирди Сириус, - Яхши, мен бирон нима ўйлаб топаман, кейин...

Кутилмаганда Сириуснинг овози тинди. Юзи зўриққан, ташвишли қиёфа касб этиб қолди. Бошини буриб, ён томонга, камин ичига қаради.

- Сириус? - хавотирланди Гарри.

Гермиона сесканганча оқ уриб, оёққа қалқиб турди.

Оловнинг рақс тушаётган тиллари орасида бировнинг сўяги қалин, ёғ босган калта бармоқларига қадимий, ниҳоятда хунук узуклар тизилган ва ниманидир чангаллаб олишга уринаётган қўли кўринди.

Болалар ирғиб турганча, қочиб қолишди. Ётоқхона эшиги ёнига етган Гарри ортга ўгирилиб қаради. Сириуснинг боши бир неча сония олдин қаерда бўлганини яхши билиб, уни тутиб олишга қатъий аҳд қилган Амбрижнинг қўли ҳамон ҳаво тимдаламоқда.

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ. ДАМБЛДОР АРМИЯСИ

- Амбриж хатларингни ўқиб боради, Гарри. Юз бераётган ҳолатларга бундан бошқа талқин бериб бўлмайди.

- Хедвигга ҳам ўша ҳамла қилган, деб ўйлайсан-ми? - дарғазаб оҳангда сўради Гарри.

- Ишончим деярли комил, - маъюс хўрсинди Гермиона, - Бақанга қара, ҳозир қочиб кетади.

Гарри сеҳрли таёқчасини столнинг нариги бошига қувонч-ла сакраб кетаётган буқа-бақага ўқтади. (Буқа-бақа (лат. *Lithobates catesbeianus*) – ҳақиқий қурбақалар оиласига мансуб йирик бақа турларидан бири. Узунлиги 15 – 25 (ўртача 17 – 20) сантиметрга қадар етади. Етилган буқа-бақа вазни тахминан 450 грамм бўлиб, баъзилари 600 граммга етади. Бундай бақанинг бел соҳаси тўқ қўнғир йўлакларга эга қўнғир-зайтун тусли).

- Ассио!

Башарасидан домангир бўлганини ўқиб олса бўладиган бақа шу заҳоти ҳавога кўтарилиб, Гаррининг қўлига келиб тушди.

Афсун ўқиш дарси болалар учун хусусий сўхбатлар қуришга ниҳоятда қулай вақт саналади: ҳамма питирлаб, шу қадар баланд шовқин солдики, бировнинг сўхбатини пинҳон эшитиб ўтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Мана бугун ҳам, бақаларнинг вақирлаши, қарғаларнинг қағиллаши, жаланинг дераза ойналарини қаттиқ савалаши туфайли ҳеч ким Гарри, Рон ва Гермиона орасида кечаётган, кеча тунда Амбриж Сириусни ушлаб олишига бир баҳя қолганига доир муҳокамани эшита олмайди.

- Филч сени гўнг бомбаларига буюртма йўллашда айблаган кундан эътиборан Амбриждан гумон қилиб юрган эдим, - пичирлади Гермиона, - Ғирт аҳмоқлик. Хўп, айтайлик хатингни ўқиб, бирорта бомбага буюртма бермаганингни кўрди... Агар кимдир ҳазил қилган бўлса, жуда ғализ ҳазил бўлган. Шунда миямга бошқа бир фикр келди: агар кимгадир хатларинг билан танишиб бориш керак бўлиб қолган бўлса-чи? Дейлик, ўша кимдир Амбриж бўлсин. Ундай бўлса, қулай йўли: буюртма йўлланаётгани борасида Филчга шама қилиб қўйиш ва ўша қари тентакнинг қўли ила ифлос ишни амалга ошириб, хатни қўлга киритишдир. Филч бу масалада қаршилик кўрсатишига шубҳам бор. Мактаб ўқувчисининг ҳуқуқи поймол бўлиши билан унинг неча пуллик иши бўлиши мумкин. Гарри, бақани мижиғлаб қўйсан.

Гарри дарҳол кафтига қаради. Чиндан ҳам, буқа-бақани шу қадар сиқиб юборибдики, бечоранинг кўзи қинидан чиқиб кетишига сал қолибди. У жониворни стол устига ташлади.

- Кеча тунда қўлга тушиб қолишимизга бир баҳя қолди, - давом этди Гермiona, - Қизик, Амбриж бизга қанчалик яқин келиб қолганини фаҳмлади-ми ё йўқ? Силенцио.

Гермiona гунг қилиш қарғишини машқ қилиб, бақада синаб кўрди. Эндигина вақирламоқчи бўлган жониворнинг уни ўчиб қолиб, хафа бўлгандай Гермionaга бақрайганча қолди.

- Агар у Дайддини тутиб олганда...

- Шу бугун эрталаб Азкабанда ўтирган бўлар эди, - Гермionанинг гапини бўлиб, фикрини охирига етказди Гарри, ўзи идрок этмаган ҳолда сеҳрли таёқчасини шиддат-ла силтаб.

Унинг буқа-бақаси ҳаво шари сингари шишиб кетиб, ингичка ҳуштак чиқара бошлади.

- Силенцио! - тез таёқча ўқтади Гермiona, шишиб кетган бақа томон.

Бақанинг дами тез ва унсиз чиқиб кетди.

- Демак энди у, бу ерларда зинҳор пайдо бўлмаслиги керак, шу холос. Фақат бу ҳақда қандай хабар бериш керак унга, ақлим етмаяпти. Бойқуш йўллаб бўлмайди-ку, ахир.

- Ўзи ҳам жа у қадар аҳмоқ эмасдир, таваккал қилгани, - деди Рон, - Қўлга тушиб қолишига сал қолганини тушуниб етгандир, ахир. Силенцио.

Рўпарасида ўтирган йирик, бадбашара қарға Роннинг устидан қулгандай қағиллаб қўйди.

- Силенцио. СИЛЕНЦИО!

Қарға янада баланд овозда қағиллади.

- Сен таёқчани нотўғри силтаяпсан, - таъкидлаб қўйди Гермiona, Ронга танқидий қараб, - Силташ эмас, нима деб тушунтирсам экан... кескин ўқташ керак.

- Қарға бақа эмас, - ҳикмат қилган бўлди Рон.

- Яхши, кел унда алмашамиз, - таклиф киритди Гермiona, Роннинг қарғасини шартта чангаллаб тутиб олганча, ўрнига ўзининг семиз бақасини ўтқизиб қўйиб, - Силенцио!

Қарға тумшугини очиб-ёпиб турди-ю, аммо миқ этган товуш чиқара олмай қолди.

- Жуда яхши, мисс Грэнжер, жуда соз, - болаларни кутилмаганда сескантириб юборди, орқа томонда турган профессор Флитвик, ўзининг чийиллаган овози билан, - Ана энди, мистер Уэсли, сизнинг навбатингиз, қани, ҳунарингизни кўрсатинг-чи.

- Нима?... О!... А!... Ҳозир, - саросимага тушиб қолди Рон, - Э-э-м... Силенцио!

У таёқчасини бақа томон кескин ўқтади-ю, ҳисобдан сал адашган кўринади, бақанинг кўзига суқиб олди. Жони оғриганидан қулоқни кар қилар даражада вақиллаб юборган бақа столдан сакраб тушиб, жуфтакни ростлаб қолди.

Табиийки, Гарри билан Рон уйга қўшимча – гунг қилиш қарғишининг ижросини машқ қилиб, меъёрига етказиш вазифасини олди.

Ҳовлида жала қуяётгани боис, ўқувчиларга катта танаффус вақтида қаср хоналарида қолишга ижозат берилди. Гарри, Рон ва Гермiona биринчи қаватдаги хоналардан бирида жой топишди. Бу ерда одам кўп, тўс-тўполон бўлиб, шифтга осилган қандил атрофида полтергейст Дрюэг онда-сонда, болалардан бирининг бошига эринчоқлик билан сиёҳ бомбача ташлаганча, уйқусираб сузиб юрибди. Учовлон ҳали жойини эгаллашга улгурмай, ўқувчиларнинг кам сонли гуруҳлари орасидан амаллаб ўтган Ангелина яқинлашди.

- Мен, жамоамиз фаолиятини қайтадан йўлга қўйишга ижозат олдим! - музаффарият-ла эълон қилди у.

- Зўр иш бўлибди! - баралла хитоб қилди Гарри билан Рон.

- Ҳа, - қувонч-ла, бош ирғиди Ангелина, - Макгонагаллнинг ҳузурида бўлган эдим. У эса назаримда, ушбу масала юзасидан Дамблдорнинг ҳузурига кириб чиққан. Нима қилган тақдирда ҳам, Амбриж таслим бўлибди. Ана шунақа! Қисқаси, бугун оқшом соат еттида ўйин майдонида йиғиламиз, хўпми? Кўникмаларимизни зудлик билан қайтадан ўзлаштириб, мустаҳкамлашимиз даркор. Биринчи ўйинга қадар атиги уч ҳафта қолганидан хабарингиз борми?

Ангелина орқа ўгириб, ўқувчилар гуруҳлари орасидан боз амаллаб юрганча, нари кетар экан, сиёҳ

бомбачага эпчиллик билан чап берди. Натижада бомбача, биринчи синф ўқувчисининг бошига тушди. Кўп ўтмай, жамоа сардори кўздан ғойиб бўлди.

Ёмғир оқимларидан хиралашиб қолган дераза ойналарига қараб қўйган Роннинг юзидаги табассум сўниб қолди.

- Оқшомга қадар тинар, а?... Гермиона, нима қилди сенга?

Қиз ҳам деразага қараб турибди-ю, нигоҳи хиралашиб, пешонаси тиришиб, фикри-хаёли узоқ-узоқларга кетиб қолган кўринади.

- Мен ўйлаяпман... - ғудуллади у, кўзини ёмғир суви қамраб олган ойнадан узмай.

- Си... Дайди ҳақидами? - сўради Гарри.

- Йўқ... у ҳақда эмас... - деди Гермиона, паст овозда, - Ҳозир... қизиқ... ўйлашимча, тўғри иш тутяпмиз... фикримча, шундай... а?

Гарри билан Рон бир-бирига қараб қўйишди.

- Раҳмат, энди фикринг тушунарли бўлди, - деди Рон, - Акс ҳолда биров ўз фикрини тушунарли тилда баён эта олмаса, ростдан ҳам кишининг жаҳли чиқади-да.

- Тўғри иш тутяпмиз-ми, йўқми, шу ҳақда ўйлаб ўтирган эдим, - деди Гермиона, Ронга, худди уни биринчи бор кўриб тургандай қараганча, нисбатан аниқроқ гапира бошлаб, - Мен, ёвуз кучлардан ҳимоя жамиятини назарда тутмоқдаман.

- Нима? - баралла овоз кўтарди Гарри билан Рон.

- Гермиона, ҳамма балони бошлаган ўзинг-ку! - эътироз билдирди Рон.

- Ўзим, - бош ирғиди Гермиона, бармоқларини чирмаштириб, - Бироқ Дайди билан ўтган суҳбатдан сўнг...

- У ҳам қаршилиқ билдирмади, - ҳайрон бўлди Гарри.

- Ҳамма гап ана шунда, - боз деразага юзланди Гермиона, - Ҳамма гап шунда. Шу боис ҳам, ўйланиб қолдим: балки буларнинг бари нотўғридир?

Уларнинг устидан қорнига ётиб, қўлига нўхат тупуриш қувурчасини шай ҳолатда тутган Дрюзг сузиб ўтди. Болалар шу заҳоти юк халталарини қўлга олиб, токи полтергейст нари кетгунга қадар бошлари узра кўтариб туришди.

- Мен сени тушунмай қолдим, - деди Гарри, халтасини полга туширар экан, домангир оҳангда, - Сириус биз тарафда ва шу боис сен, машғулотларимизни бошлаш-бошламаслик борасида иккиланиб қолдинг, шундайми?

Гермиона унга аянчли ва ҳатто хўрланган нигоҳ-ла, қаради.

- Сен, агар рост гапирадиган бўлсак, унинг мулоҳазаларига тўлиқ ишонч билдирасанми?

- Ҳа! Ишонаман! - ўйлаб-нетиб ўтирмай, жавоб берди Гарри, - У бизга доимо яхши насиҳат бериб келган.

Уларнинг ёнидан чийиллаб учиб ўтган бомбача Кэтти Беллнинг қулоғига қаттиқ урилди. Ҳазаби қайнаб кетган Кэтти ўрнидан ирғиб туриб, қўлига кирган нарсани Дрюзг томон улоқтира кетди. Гермиона бўлиб ўтаётган ишни миқ этмай кузатиб турди. У яна гап бошлаганга қадар етарлича вақт ўтди.

- Сизларга Дайди аллақандай... - деди Гермиона, сўз қидира бошлаб, - Нима десам бўлар экан...

Уйдан чиқмай ўтиришга мажбур бўлиб қолгандан буён... ҳаддан ортиқ бемулоҳаза бўлиб қолгандай кўринмайди-ми?... Биз орқали яшаётгандай туюлмаяпти-ми, сизларга?

- «Биз орқали», деганинг нима бўлди, - таҳдидли оҳангда сўради Гарри.

- Айтмоқчиман-ки, вазирлик вакилининг тумшуғи остида махфий жамият тузишни шахсан ўзи орзу қилиб қолди... Фикримча, ҳозир у, деярли фойдасиз, заиф бўлиб қолгани учун ҳам, ўзини жуда ёмон ҳис этмоқда... Бинобарин... назаримда... боадаб айтганда... бизни гижгижляпти.

Рон Гермионанинг сўзларидан ақлдан озиш ҳолатига келиб қолди.

- Сириус ҳақ, - ҳикмат қилди у, - Сен чиндан ҳам ойимдан кўп фарқ қилмайдиган бўлиб қолибсан.

Лабини тишлаб олган Гермiona, ҳеч нима демади. Дрюзг Кэтти Беллнинг устига учиб келиб, бошига бир шиша сиёҳ тўкиб юборди. Шу пайтда қўнғироқ зарби эшитилди.

\*\*\*

Об-ҳаво кечга қадар яхшиланмади. Гарри билан Рон ўйингоҳга етиб боргунга қадар бошдан-оёқ шалаббо бўлишди. Ҳар қадам босишган сари пойафзаллари ҳўл майса устида сирпаниб, оёқларининг ораси ҳар томон очилиб борди. Ёқимсиз, жирканч, қўрғошин тусли бўлутлар бош узра сузиб юрибди. Илиқ, яхшигина ёритилган уствошхонага оз вақт бўлса ҳам, бекиниб олиш болаларга хуш ёқди. Аллақачон етиб келган Фред билан Жорж, ушбу машқни бадният газаклардан бирини ютиб олиб, ўтказиб юбориш масаласини жиддий оҳангда муҳокама қилишмоқда.

- ... лекин дарҳол фаҳмлаб олади-да. Унга қайт қилдириш чаноқларидан бирини сотиб олишни кеча шахсан ўзим таклиф қилган эдим.

- Балким, тумов кулчасини синаб кўрармиз? - гудуллади Жорж, - Уни ҳали ҳеч кимга кўрсатганимиз йўқ...

Дераза ортида кучли шамол эсиб, ёмғир дераза ойналарини боз савай кетди.

- Чиндан ҳам, таъсири борми? - қизиқсинди Рон, деразага қараб.

- Шундай таъсир қиладики, - деди Фред, - Тана ҳарорати бир зумда шифтга қадар етадиган даражада кўтарилиб кетади.

- Лекин катта-катта фасодли чипқон ҳам тошиб кетади, - қўшимча қилди Жорж, - Улардан қутулиш йўлини биз ҳозирча топа олганимиз йўқ.

- Ҳеч қандай чипқон кўрмаяпман-ку сизларда, - деди Рон, акаларига диққат билан разм солиб.

- Бунинг ҳайрон бўладиган ери йўқ, - жавоб берди Фред, қовоқ солиб, - У шундай жойга тошадики, жамоат жойида кўрсатиш бироз ноқулай кечади.

- Лекин бундай тошмалар билан супургида учиш бавосил устида ўтириб...

- Хўш, сўзимга қулоқ тутинг, - янгради сардор хонасидан чиқиб келган Ангелинанинг овози, - Ҳаво зўр эмаслигини кўриб турибман, бироқ биринчи ўйин айнан шундай шароитда ўтишини рад этиб бўлмайди. Шундай экан, ишлар жойида. Хатти-ҳаракатларнинг тегишли шароитга хос тактикасини ўзлаштириб олиш имкони бор. Гарри, «Хуффлпүфф» билан ўтган ўхшаш вазиятдаги ўйинда кўзойнагинг сиртида ёмғир суви турмаслиги учун нимадир қилганинг эсимда. Кўрсата оласанми?

- Мен эмас Гермiona, - деди Гарри, таёқчасини чиқариб, кўзойнагига урар экан, - Импервиус!

- Ўйлашимча, ҳаммамиз ушбу усулни қўллаб кўришимиз керак, - қарор қилди Ангелина, - Агар ёмғир киши юзига урмаса, теварак-атрофнинг кўриниш даражаси юқори бўлади... Хўш, ҳамма биргаликда: Импервиус! Ана шундай. Кетдик.

Сеҳрли таёқчаларини коржомаларининг ички чўнтақларига жойлаб, супургини елкага ташлаган жамоа аъзолари ўз сардори Ангелинанинг кетидан уствошхонани тарк этишди.

Оёқ остида чапиллаётган лойга ботиб борган жамоа, бир амаллаб ўйин майдонининг ўртасига етиб олди. Тилсим қўлланилганига қарамай, теварак-атроф деярли кўринмайди. Жала худди сув деворидай қуймоқда. Устига-устак қош қорайиш жараёни ҳам тез кечмоқда.

- Ҳамма тайёрми? - қичқирди Ангелина, - Ҳуштак чалишим билан!

Гарри ердан итарилиб, осмон-у фалакка кўтарила бошлаши ҳамоно, оёғи остидаги лой ҳар томон сачраб кетди. Шамол уни бироз четга тортди. Бундай ҳавода Тилла чаққонни қандай кўриш мумкин, тасаввур ҳам қила олмайди. Умуман айтганда, Тилла чаққон у ёқда турсин, йириккина Тажовузкор тўпни кўришнинг иложи йўқ. Мана, машқ бошланганига ҳали бир дақиқа бўлгани йўқ, аблаҳ тўп Гаррини, агар Ленивецнинг дарахтга осилиши усулини қўлламаганида, супургисидан учириб юбориши муқаррар эди. Эссиз, Ангелина кўрмай қолди-да. Умуман айтганда, Ангелина ҳам, қолганлар ҳам, ҳеч нима кўраётгани йўқ. Жамоанинг қолган аъзолари нима билан банд эканлигини ҳеч ким билмайди. Шамол тобора кучаймоқда. Ёмғир оқими узоқда бўлса ҳам, кўлни

савалаб чиқараётган гумбур-гумбур товуш яққол эшитилмоқда.

Ангелина тақдирга ниҳоят тан бериб, шалаббоси чиқиб кетган, кайфияти ўларча домангир бўлган жамоани вақт беҳуда йўқотилмаганига ишонтирганча, уствошхона томон бошлаб кетгунга қадар, деярли бир соат ўтди. Ростини айтганда, унинг овозида ишонч оҳанги сезилмади. Каловланганча, юзлари буришиб базўр оёқ судраб бораётган Фред билан Жорж ҳаммадан ортиқ хуноб бўлишди. Сочиқ билан артинаётган Гарри эгизакларнинг бир-бирига арз қилаётганини эшитиб қолди:

- Назаримда, бир-иккитаси ёрилиб кетди, шекилли, - хўрсинди тинкаси қуриган Фред.

- Менда эса йўқ, - жавоб берди Жорж, тишини тишига босиб, - Жонни сўғуриб олгудай лўқиллаяпти... Шундай йириклашиб кетганки...

- ВОЙ! - қичқириб юборди Гарри, оғриқдан кўзини маҳкам юмиб, сочиқни юзига босиб олганча. Чандиқ кўпдан буюн бундай кучли оғримаган эди. Гарри сочиқни юзидан олди. Кўзойнагини ечиб қўйгани боис, уствошхонада бор нарса хиралашиб кетган, лекин ҳамма унга юзланганини кўриб турибди.

- Ҳеч нима қилгани йўқ, - ғудуллади у, - Бармоғимни бехосдан кўзимга сўқиб олибман, шу холос. Қолганлар плашга ўраниб, шляпасини босиб олганча, чиқиш эшиги томон йўл олар экан, Гарри Ронга бироз ушланиб қолиш учун маъноли қараб қўйди. Охирги бўлиб хонани тарк этган Ангелина чиқиш эшигини ёпиши билан Рон сўроққа тутди?

- Нима қилди? Яна чандиғингми?

Гарри бош ирғиди.

- Лекин... - чўчиб кетган Рон дераза ёнига бориб, ёмғирга тикилди, - Ахир... у, яқин ўртада бўлиши мумкин эмас-ку, шундайми?

- Бу ердан кўп миллар нарида. Ҳазаби қайнаб кетгани учунгина... чандиқ... оғриган.

Гарри ушбу фикрни айтишни хаёлига ҳам келтирмаган бўлиб, ўз гапини худди четда туриб, биров айтгандай эшитди. Айти вақтда, бу гап рост эканлигини ҳам аниқ билади. Бу ҳолат унга қаердан маълум эканлигини ўзи англамаяпти, бироқ Вольдеморт, ҳозир қаерда бўлмасин, нима билан машғул бўлмасин, Ҳазабдан дақиқа ўтган сари баттар қайнаб кетаётганига шубҳа қилмаяпти.

- Сен уни кўрдинг-ми? - даҳшат-ла сўради Рон, - Сенда... кўриш қобилияти уйғонди-ми? Ёки бошқача ҳолатми бу?

Гарри оёғи остига қараб, қимирламай ўтирибди. У хаёлларига эрк бериш, ҳозиргина тинган оғриқдан бироз дам олишга уринмоқда. Кўз ўнгиде алақандай шарпалар шовқин солиб ўтиб, қулоғига одам овози эшитилди...

- Унинг хоҳишига биноан, алақандай иш бажарилиши керак. Иш ижроси эса ниҳоятда сушт кечмоқда, - деди Гарри.

Ушбу сўзларни яна ўзи талаффуз этганини англаган Гарри ҳайрон бўлди, лекин бу гап ҳақиқат эканлигини ҳам аниқ идрок этиб турибди.

- Аммо... Сен қаердан биласан? - ғўлдиради Рон.

Гарри бош силтаб, юзини қўли билан ёпди-да, кафти билан кўзини босди. Қовоғи остида юлдузлар аниқ ярқираб кетди. Рон ёнига ўтиргани ва унинг қараб турганини ҳис этиб турибди.

- Амбрижнинг хонасида ҳам, чандиғинг оғриб кетганида, худди шундай ҳолат рўй берган эдимми, а? - бўғиқ сўради Рон, - Ўзинг-Биласан-Ким ўшанда ҳам Ҳазабланган эдимми?

Гарри бош силтади.

- Унда нима гап?

Гарри ўша оқшомни эслай бошлади. У Амбрижнинг юзига тикка қаради... чандиққа оғриқ кирди... қорин соҳасида ҳам қандайдир ғалати нарса бўлиб ўтди... бахтиёрлик ҳисси... ҳа, бу айнан бахтиёрлик ҳисси... ўшанда ўзини ёмон ҳис этгани учун, бунга эътибор қаратмаган...

- Ўшанда у, аксинча, нимадандир қувонган, - деди ниҳоят Гарри, - Жуда кучли қувонган. У кутган... қандайдир хушxabар кутган. Ўқув йили бошланишидан олдин ўтган тунда эса, - Гарри чандиқнинг



Пинҳонийлик майдонидаги ётоқхонада оғриганини эслай бошлади, - У ғазабдан қутуриб кетган. Гарри Ронга юзланди. Рон кўзини катта очиб, Гаррига бақрайиб ўтирибди.

- Ҳа, дўстим, Треланига бас келадиган даражада етилибсан, - деди Рон, иззат-икром оҳангида.

- Бироқ мен соҳибкароматлик қилганим йўқ-ку, - эътироз билдирди Гарри.

- Йўқ, лекин... Нима каромат кўрсатаётганингни ўзинг биласанми? - сўради Рон, бир вақтнинг ўзида ҳам даҳшатга тушиб, ҳам ҳайратланиб, - Сен, Ўзинг-Биласан-Кимнинг фикрини ўқиясан!

- Йўқ, - боз эътироз билдирди Гарри, - Бу, унинг фикри эмас кайфиятига ўхшайди. Кўз ўнгимдан нимадир ўтиб, айна вақтда қандай кайфиятда эканлигини идрок этмоқдаман. Дамблдор ўтган йили бу ҳақда айтиб ўтган эди. Унинг фикрига қараганда, Вольдеморт яқин ўртада ёки жуда ёмон кайфиятда бўлганини ҳис этар эканман. Энди эса афтидан, унинг яхши кайфиятини ҳам ҳис эта бошладим чоғи...

Икковлон жим бўлиб қолди. Уствошхона деворлари шамол билан ёмғир зарбидан зир титрамоқда.

- Сен бу ҳақда кимгадир айтиб беришинг керак, - хулоса қилди Рон.

- Ўтган сафар Сириусга айтиб берган эдим.

- Бу сафар ҳам айт.

- Қандай қилиб? Бунинг иложи йўқ! - маъюс жавоб берди Гарри, - Ёдингдан чиқиб қолди-ми: ўчоқлар ҳам, бойқушлар ҳам Амбрижнинг назорати остида.

- Ундай бўлса, Дамблдорга айтиб бер.

- У шундоқ ҳам билади, - ғудуллаб ўрнидан турди Гарри, илгақдан плашини олиб, эгнига кийганча,

- Бир нарсани юз бор такрорлашдан нима наф.

- Бари-бир Дамблдор бугунги оғриқдан ҳам хабардор бўлиши керак, деб биламан, - деди плашининг тугмасини ўйчан қадаган Рон Гаррига қараб.

- Кетдик, - деди Гарри елка қисиб, - Гунг қилиш қарғишини машқ қилишимиз керак ҳали.

Икковлон сукут сақлаганча, оёқ остида эзилиб кетаётган майса устида сирпаниб, қоқиниб қоп-қоронғи ҳовлида одимлай кетди. Гарри зўр бериб хаёл сурмоқда. Вольдеморт учун қандай иш бажарилиши керак бўлиб қолди? Қанақанги иш ижроси, унинг назарида сушт кечмоқда?

«Вольдеморт кўзлаган бошқа мақсад ҳам бор. Ўша мақсадга эса ортиқча шовқин-суронсиз ҳам эришиши мумкин. Хусусан, ҳозир у, айнан шу иш билан машғул... ўғирлаш мумкин бўлган нарса... Ўша нарсани шартли равишда, ўтган сафар ихтиёрида бўлмаган қурол, деб атаймиз».

Мактаб ҳаёти ва Амбриж билан вазирлик томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатларга қарши кураш ишларига боши билан шўнғиб кетган Гарри қачонлардир эшитган ушбу сўзларни мутлақо унутиб юборибди. Ана энди эслаб, ўй суриб қолди... Агар Вольдеморт ўша қуролга етиша олмаётган экан, у қанақанги қурол эканлигининг аҳамияти йўқ, ғазабланаётганининг сабаби тушунарли, албатта. Афтидан, Қақнус ордени Вольдемортнинг йўлида тўғоноқ бўлиб, ўша қуролни қўлга киритишга имкон бермаяпти. Қаерда сақланади ўша қурол? Айна вақтда кимнинг ихтиёрида у?

- Мимбулюс мимблетония.

Роннинг паролни талаффуз этган овози Гаррининг хаёлини йиғиб қўйди. Икковлон портрет тўсиб турган тўйнуқ орқали коллежнинг умумий меҳмонхонасига кирди.

Гермиона эртароқ ётган кўринадди. Унинг мушуги Маймоқоёқ эса креслода чўзилиб ётибди. Камин яқинидаги столча устига сертугун дўппичалар териб чиқилган. Гермионанинг йўқлигидан Гарри хурсанд бўлди. Чандиғи оғриганини бошидан айтиб бериш-у, буларнинг барини Дамблдорга маълум қилишга доир тавсиялар эшитишга ҳозир мадори ҳам, хоҳиш-истаги ҳам йўқ. Шундоқ ҳам, Рон ташвишли қараб-қараб қўйиши билан асабга тегмоқда. Гарри сеҳрли дамламалар тайёрлашга оид дарслигини чиқарди-да, иншо ёзишга киришиб кетди. Рост айтиладиган бўлса, унинг фикр-хаёли ҳозир қаердадир учиб юрибди. Рон уйқуга ётиш истагини билдирган пайтда Гарри икки

энлик бўлсин, матн ёзгани йўқ.

Тун ярмидан ўтди, Гарри эса лавша алаф билан тоғ арникасига оид айнан бир хатбошини қайта-қайта ўқиб, бирон-бир сўз маъносини тушунмай ўтирибди.

Ушбу ўсимликлар киши ақлини қиздириб, юрагига ўт солади ва шу боис ҳам, иситмалаш ва бемуроҳазалик аломатларини юзага келтирадиган Ҳовлиқтириш ва Аҳмоқ қилиш дамламаларида ўта таъсирчан бўлади.

Гермионанинг фикрича, Сириус, уйдан чиқмай ўтиришга мажбур бўлиб қолгандан буён ҳаддан ортиқ бемуроҳаза бўлиб қолган...

... киши ақлини қиздириб, юрагига ўт солади ва шу боис ҳам... ўта таъсирчан бўлади...

Агар «Башорат-у, каромат газетаси»нинг таҳририяти Гаррининг Вольдеморт ҳис этаётган туйғуларини идрок этиш қобилиятига эга эканлигидан хабар топгудай бўлса борми, мияси батамом айниб қолганини эътироф этиб, бу ҳақда дунёга жар солади...

Ҳовлиқтириш ва Аҳмоқ қилиш дамламалари...

... ҳовлиқтириш... ўринли сўз... Вольдеморт нималарни ҳис этаётганини қаердан билади у? Дамблдор ҳам сабабини бамаъни тушунтириб бера олмайдиган ўша боғлиқлик тўғрисида?

... киши ақлини қиздириб...

... ёмон уйқу босди-ку...

... ақлини қиздириб...

... камин ёнида илиқ ва маза, ёмғир дераза ойналарига урилиб, алла айтмоқда, Маймоқоёқ хириллапти, чўғ тирсиллапти...

Китоб қўлдан сирғаниб чиқиб, камин рўпарасига тўшалган шолча устига бўғиқ тақиллаб тушди. Гаррининг боши ён томон оғиб қолди...

Мана, яна деразалари йўқ йўлакда юриб, босган ҳар бир қадами сукунатда акс садо бериб жарангламоқда. Йўлак охиридаги эшик тобора катталашиб бормоқда, юраги ҳаяжондан жуда тез урмоқда... ишқилиб оча олсин-да... ичкарига кира олсин-да... У қўлини эшик томон узатди... бармоғининг учлари эшик дастасига деярли тегди...

- Гарри Поттер, сэр!

Гарри кучли сесканганча, уйғониб кетди. Шамлар ўчган, яқин ўртада эса нимадир ғимирламоқда... Каминнинг олови деярли ўчган, хона қоронғи.

- Ким, бор у? - уйқусиради Гарри, ўтирган жойида бир сапчиб тушиб.

- Добби сизнинг бойқушингизни олиб келди, сэр! - ғижирлади кимнингдир овози.

- Добби? - уқиб бўлмас оҳангда сўради Гарри, овоз эшитилган қоронғиликка тикилар экан.

Чиндан ҳам, Гермиона ўз ижодининг ўн иккитача намунасини қолдирган стол ёнида уй эльфи Добби турибди. Унинг бошида шунча вақтдан буён Гермиона тўқиб келган, устма-уст кийилиб, пирамида шаклини касб этган, эльфнинг бошини икки, балки уч футга узайтириб юборган дўппичалар кўринди. Пирамида остидан йирик, ўткир учли бир жуфт қулоқ чиқиб турган бўлса, чўққисида тебранганча, хотиржам гурсиллаётган, афтидан, соғайиб кетган Хедвиг ўтирибди.

- Добби Гарри Поттерга бойқушини келтириб бериш истагини билдирди, - чийиллади, сидқидилдан севиниб, яшнаб турган эльф, - Профессор Гниллер-Планкнинг сўзларига қараганда, бойқуш соғайибди, сэр.

Эльф чуқур таъзим бажо этиб, қаламдай ўткир бурни билан тоза артилган шолчани чўқиди. Хедвиг жаҳл-ла гурсиллаб учиб, Гарри ўтирган креслонинг тирсакқўйгичига қўнди.

- Раҳмат сенга, Добби! - миннатдорлик билдирди Гарри, Хедвигнинг бошини силар экан.

Гарри кўзини пирпиратиб олди. Унинг кўз ўнгида ҳамон, ҳозиргина тушига кирган ўша ёпиқ эшик турибди. Туш шундай аниқ кўринган эди-ки... Гарри Доббига синчковлик билан назар солиб, бўйнига ўралган бир нечта шарф, оёғида эса қават-қават пайпоқ кийилганини кўрди. Пайпоқнинг кўплигидан оёғи танасига монанд бўлмаган даражада ҳаддан ортиқ катта бўлиб қолибди.

- Гермiona тўқиган кийимларнинг ҳаммасини ўзинг териб олар экансан-да, а?

- О, йўқ, сэр, - қувонч-ла, жавоб берди эльф, - Добби Винки учун ҳам кийим теради.

- Ҳа, айтгандай, Винкининг аҳволи қалай? - қизиқди Гарри.

- Винки илгаригидай кўп ичяпти, Гарри Поттер, сэр, - қулоғини шалпайтирди Добби, теннис коптоқларига ўхшаш катта яшил кўзини полга қаратганча, ғудуллаб, - Кийимни эса хуш кўрмайди. Бошқа эльфлар ҳам, сэр. «Гриффиндор» минорасида пайпоқлар-у, дўппичалар сочилиб ётар экан, улардан бирортаси бу ерни тозалаб, тартибга келтиришни истамайди. Ўзларини таҳқирланаётган, деб билишмоқда. Добби ёлғиз ўзи тозалайди минорани, сэр. Добби қарши эмас албатта. У доимо Гарри Поттерни учратиб қолишга умид қилади, сэр. Мана бугун орзусига эришди! - деди эльф, боз чўқур таъзим бажо айлаб, - Аммо Гарри Поттер негадир маъюс кўринади, - давом этди Добби, Гаррининг кўзига журъатсиз қараб, - Добби Гарри Поттернинг босинқираганини эшитиб қолди. Ёмон түш кўрди-ми?

- Ёмон, деб бўлмайди, - эснади Гарри, кўзини ишқалаб, - Бундан баттар тушлар ҳам бўлган. Эльф йирик, шарсимон кўзи билан Гаррига бироз бақрайиб тургач, қулоғини осганча, жиддий оҳангда фикр билдирди:

- Добби жуда ёрдам бергиси келади Гарри Поттерга. Ахир Гарри Поттер Доббини ҳурриятга чиқарган ва Добби бундан бахтиёр, ҳа, жуда бахтиёр бўлган.

- Сен менга ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмайсан, - кулиб қўйди Гарри, - Лекин таклифинг учун раҳмат.

Гарри энгашиб, полда ётган сеҳрли дамламалар тайёрлашга оид дарсликни қўлига олди. Иншони эртага ёзиб тугатишга тўғри келади. У китобни ёпиб, камин таратаётган хира шуълада қўлига кесиб битилган сўзлар чандиғини кўриб, Амбриж тайинлаган жазони эслади...

- Шошма, Добби... Қандай ёрдам кўрсата олишингни биламан, чоғи, - аста фикр билдирди Гарри.

- Нима иш экан, у, айтинг, Гарри Поттер, сэр! - ўгирилиб қаради, яшнаб кетган эльф.

- Менга йигирма саккиз нафар ўқувчига ёвузлик кучидан ҳимоя амалларининг ижросини ўзлаштириш имконини берадиган, бироқ бирорта ўқитувчи ва айниқса, - деди Гарри, дарсликни, қўлидаги чандиқ пушти тус олган даражада маҳкам сиқиб, - Айниқса, профессор Амбриж топа олмайдиган жой керак.

Гарри эльфнинг юзидаги табассум барҳам топиб, қулоғи шалпайиши, бундай илтимосни бажо айланишнинг иложи йўқлиги ёки қўлдан келганча уриниб кўриши, бироқ умид деярли йўқлигини маълум қилишини кутди-ю, Доббининг қарсак уриб, қувончдан сакраб юборишини асло кутмади.

- Добби бундай жой борлигини билади, сэр! - бахтиёр овоз-ла хитоб қилди эльф, - Добби илк бор ўша жой ҳақида «Хогварц»га эндигина ишга кирган кунлари бошқа эльфлардан эшитган эди, сэр. У жойни Бор-йўқ хона ёки Даркор хона, дейишади.

- Қизиқ, нега энди? - сўради Гарри, қизиқиб.

- Чунки у хонага фақат кучли эҳтиёж туғилгандагина кириш мумкин, - жавоб берди Добби, - Ўша хона баъзан пайдо бўлса, баъзан гум бўлади. Агар пайдо бўлса, киши ичкарига кирса, ўзига зарур бўлган барча нарсаларни топади. Кунлардан бир кун Добби ўша хонада бўлган, сэр, - айбдор оҳангда овозини пасайтирди эльф, - Ўша кун Винки ҳузур-лаззат ичимлигига тўйиб олган эди. Добби уни Даркор хонага яшириб қўйди, сэр. Ўша ерда Добби мастликка қарши дори ва эльфнинг бўйига лойиқ қулайгина каравот топди, сэр. Добби Винкини, уйқуга тўйиб олиши учун ётқизиб қўйди... Ҳа, айтгандай, сэр, ювиш воситалари тугаб қолган мистер Филч ҳам, ўша воситалар захирасини, айнан Бор-йўқ хонадан топади...

- Агар киши кутилмаганда ҳожат чиқаришга кучли эҳтиёж сезиб қолса-чи? Тунги туваклар коллекциясини топадимми?

Гарри Дамблдорнинг кунлардан бир кун эрта тонгда ваннахонага йўл олар экан, беназир меъморлик санъати парпираб турган хонага кириб қолгани, унда тунги тувакларнинг ниҳоятда

чиройли коллекциясига рўбару келиб қолгани ҳақидаги Игорь Каркаровга айтиб берган ҳикоясини эслади.

- Доббининг фикрича, айнан шундай ҳолат юз беради, - жиддий қиёфа ила бош ирғиди эльф, - Бу чиндан ҳам, тонг қоларли, фавқулодда ажойиб хона, сэр.

- Унинг борлигини кўпчилик биладими? - креслода ўтирган жойида қаддини ростлади Гарри.

- Жуда озчилик, сэр. Аксарият одамлар у ерга бехосдан, бирор нарсага кучли эҳтиёж сезишгандагина кириб қолади. Бироқ кейинчалик хонани қайта топа олишмайди. Хона доимо ўз жойида тургани, кимга нима керак бўлиб қолишини кутиб туришини, улар билишмайди.

- Зўр-ку! - хитоб қилди, юраги кучли ура бошлаган Гарри, - Зўр, Добби! Ўша хонани қачон кўрсата оласан менга?

- Ҳар қандай вақтда, Гарри Поттер, сэр, - деди, Гаррининг кўнглини топа билганидан қувониб кетган эльф, - Истасангиз, ҳозироқ боришимиз мумкин!

Гарри элфнинг таклифига рози бўлишига сал қолди. Кўринмас плашини олиб чиқиш учун ўрнидан тургандай ҳам бўлди... бироқ кўп маротаба бўлган сингари қулоғига Германионнинг овозига ўхшаш пичирлаган овоз эшитилди: бемулоҳазалик. Кеч ҳам бўлди, толиққан, иншони ҳам ёзиб тугатиш керак...

- Йўқ, Добби, бугун эмас, - истар-истамас жойига ўтирди Гарри, - Бу жуда муҳим иш. Уни чиппака чиқаришга ҳақим йўқ. Бинобарин, ҳамма нарсани пухта ўйлаб, фикр тарозисидан ўтказиб олишим керак. Ўша Даркор хона қаердалигини ёки қандай топиш мумкинлигини аниқ айтиб бера оласанми?

\*\*\*

Эртаси куни болалар сув босган экинзор бўйлаб қўш соатли гербология дарсига шалпиллатиб боришар экан, шу қадар кучли шамол эсдики, кўтарилиб кетган коржомо этаклари танага чирмашиб, маҳкам ўралиб қолди. Ёмғирнинг ҳар бири дўл донасидай келадиган йирик томчилари иссиқхона томига гўмбурлаганча урилиб, профессор Сарсабил хонимнинг тушунтиришлари деярли эшитилмади. Сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш дарсини қасрнинг биринчи қаватидаги бўш синф хоналаридан бирида ўтказишга тўғри келди. Тўшлик вақтида эса Ангелина жамоа аъзоларига бугунги машқ бекор қилинишини маълум қилиб, уларнинг таърифга сиғмас енгил тортишларига сабабчи бўлди.

- Жуда яхши бўлибди, - паст овозда жавоб қайтарди унга Гарри, - Чунки биз биринчи йиғилиш ўтказиладиган жойни топишга муваффақ бўлдик. Оқшом соат саккизда еттинчи қаватда, троллар сўйил билан Томсиз Барнабасни дўппослаётгани тасвирланган гобелен рўпарасида учрашамиз. Кэтти билан Алисияга ўзинг хабар берарсан, а?

Ангелина Гаррига чўчиб қараб қўйди-ю, хабар етказишни ваъда қилди. Гарри сосискали картошка бўтқаси билан астойдил шуғулланиб, ошқовоқ шарбатидан хўплаб олиш учун бош кўтарар экан, Германиона унга диққат билан қараб ўтирганини кўрди.

- Нима қилди? - мубҳам сўради Гарри.

- Шунчаки ўзим... Добби таклиф қилган нарса доим ҳам хавфсиз саналмайди. Қўлинг суяксиз қолгани эсингдан чиққани йўқми?

- Бироқ Добби, ушбу хонани ўзидан ўзи тўқиб чиқаргани йўқ. Ўша хонани Дамблдор ҳам Рождество бали куни тилга олиб ўтган эди.

- Дамблдор айтиб берган эдими сенга, ўша хона ҳақида, - юзи бироз ёришиб сўради Германиона.

- Шунчаки, гап орасида, - елка қисди Гарри.

- Ундай бўлса, ишлар жойида, - жавобдан қаноатланди Германиона, бошқа эътироз билдирмай.

Кўннинг аксарият қисмини Гарри билан Рон «Ахта чўчка калласи» қовоқхонасида ўтган мажлисда иштирок этиб, ҳужжатга имзо чеккан ўқувчиларни қидириш, уларга биринчи йиғилиш

Ўтказиладиган жой ва вақтни маълум қилишга сарф этишди. Жинна йиғилиш ҳақида Чу билан унинг дугонасини хабардор қилганини билиб, бироз маъюс тортди. Нима қилганда ҳам, кечки овқат якунида янгилик тегишли шахсларнинг ҳаммасига етказилганига ишончи комил бўлди. Кечки соат етти яримда Гарри, Рон ва Гермиона «Гриффиндор» меҳмонхонасини тарк этишди. Гарри қўлидаги қадимий пергаментни маҳкам сиқиб олган. Бешинчи синф ўқувчиларига кечки соат тўққизга қадар қаср йўлақларида юришга ижозат берилган, албатта. Шундоқ бўлса-да, болалар атрофга асабий назар ташлаб боришмоқда.

- Шошманг, - деди Гарри, зина майдонига етганда.

У пергаментни ёзиб, сеҳрли таёқчаси билан сиртига аста уриб қўйди.

- Бирон-бир яхшиликни ният қилмаганлигимга тантанавор онт ичаман, - ўқиди у, Кафандуз ҳаритасини ишга солиш афсунини.

Харитада қасрдаги одамлар кичкинагина сиёҳ нуқталар сифатида кўринади. Ҳар бир нуқта устида тегишли кишининг исми битилган микроскопик ёзувли тамға бўлиб, ушбу пергамент воситасида ҳозир ким қаерда юрганини билиш имкони бор.

- Филч иккинчи қаватда, мушуги миссис Норрис эса тўртинчи қаватда изғиб юрибди, - деди Гарри, харитани кўзига яқин келтириб.

- Амбриж-чи? - ташвишли оҳангда сўради Гермиона.

- Ўзининг хизмат хонасида, - кўрсатди Гарри, - Майли, кетдик.

Учовлон Добби тавсифлаб берган жойга шоша-пиша етиб боришди. Йўлак деворларидан бирида тролларга балет рақсига тушишни ўргатишга уриниши беҳуда кетган Томсиз Барнабас тасвирланган ниҳоятда катта гобелен осилган. Қарши томондаги девор эса мутлақо бўм-бўш.

- Хўш, - деди Гарри, паст овозда.

Бечораҳол хореографни ҳеч толиқмай дўппослаётган куя еган серғайрат троллардан бири сўйилини тушириб, болалар томон юзланди.

- Доббининг айтиши бўйича, фикр-хаёлни эҳтиёж сезилаётган нарсага жамлаб, ушбу девор ёнида у ёқ, бу ёққа уч бор юриб ўтишимиз керак экан.

Учовлон бўш қисмининг бир боши дераза, иккинчи боши эса одам бўйидай келадиган катта ваза билан якун топган девор ёнида у ёқ, бу ёқ юра бошлади. Рон пешонасини тириштириб олган, Гермиона ниманидир пичирлаётган бўлса, Гарри муштини маҳкам тугиб, тикка олдига қараб олган.

Ёвузлик кучидан ҳимоя амалларини ўзлаштириш учун жой керак бизга, хаёлдан ўтказди у, илтимос машқ қиладиган, бизни топа олишмайдиган жой беринг...

- Гарри! - хитоб қилди Гермиона, учовлон учинчи бор кескин бурилар экан, - Қара!

Деворда сирти ярқираб кетгунга қадар сайқал берилган эшик пайдо бўлди. Рон чўчиганча, эшикка қараб қолди, Гарри эса эшикнинг мис дастасидан ушлаб, ўзига тортди-да, саккиз қават пастда жойлашган ерости хоналарини ёритадиган машъалаларга ўхшаш машъалалар билан ёритилган кенг хона остонасидан биринчи бўлиб ҳатлаб ўтди.

Хона деворлари ёғоч токчалар билан жиҳозланган, полда эса креслолар ўрнига катта-катта шойи ёстиқлар ётибди. Нариги бурчақда ҳам токчалар бўлиб, турли-туман асбоблар, хусусан, офатскоплар, сир сезгирлари, каттагина, бироз дарз кетган ашаддий душманлар кўзгуси терилган. Айнан шу кўзгу ўтган йили сохта Хмурининг хизмат хонасида осиглиқ турганига Гарри шубҳа қилмади.

- Уриб йиқитиш қарғиши учун асқатиб қолади, - деди руҳланиб кетган Рон, полда ётган ёстиқлардан бирини тепиб.

- Мана бу китобларга қаранг, ажойиб! - ҳаяжон-ла хитоб қилди Гермиона, бармоғини китоб токчаларига терилган китобларнинг чарм муқовалари бўйлаб юргизар экан, - «Кенг тарқалган қарғишлар ва уларни зарарсизлантиришга оид маълумотнома мазмунидаги қўлланма»... «Ёвуз

кучлар устидан ғалаба»... «Киши ўзини ўзи ҳимоя қилиши учун қўллайдиган қарғишлар»... қойил! - деди у, яшнаб кетганча, Гарри томон юзланиб, - Ажойиб, Гарри! Бизга нима-ки керак бўлса, ҳамма нарса муҳайё!

Кўп китоб борлиги – иш тўғри тутилаётганидан далолат эканлигига Гермiona тўла-тўқис ишонч ҳосил қилганини Гарри англаб етди.

Гермiona қўлига «Ахлоқсизларга қарши қўлланиладиган суқилар» китобини тез олди-да, ёстиққа астойдил ўтириб, мутолаа қилишга киришиб кетди.

Эшик аста тақиллаб, ичкарига Жинна, Невилль, Лаванда, Патил ва Дин кириб келишди.

- Вой ойижон! - ҳаяжонланиб кетди Дин, атрофга назар солиб, - Қанақанги жой?

Гарри тушунтира бошлади, лекин сўзини якунлашга улгурмай, бошқалар кириб келиб, тушунтиришларини янгидан бошлашга тўғри келди. Соат саккизга келиб, бўш ёстиқ қолмади.

Гарри эшик ёнига бориб, қулфга киритилган калитни буради. Қулфнинг тинчлантирувчи черткиси эшитилгач, ҳамма жим бўлиб, Гаррига интизор қараб қолди. Гермiona «Ахлоқсизларга қарши қўлланиладиган суқилар»нинг ўқиб ўтирган саҳифасини белгилаб, китобни бир четга қўйди.

- Мана ниҳоят, - гап бошлади Гарри, - Йиғиладиган жой топишга муваффақ бўлдик. Бу ерга кириб келиш масаласида, тўғри тушунган бўлсам, ҳеч ким қийинчилик сезмади.

- Зўр жой экан! - хитоб қилди Чу.

Бир гуруҳ болалар розилик оҳангида алланима ёлдираб қўйишди.

- Қизиқ, - деди Фред, қошини чимирганча, атрофга назар солиб, - Биз бир вақтлар Филчдан бекиниб, айнан шу ерга кириб қолган эдик. Эсингдами, Жорж? Фақат ўшанда бу хона челак, сүпурги ва полювгичлар сақлаш қазноғи эди.

- Гарри, анави нима? - сўради хонанинг нариги бурчагида ўтирган Дин, офатскоплар билан ашаддий душманлар кўзгуси томон имо қилиб.

- Ёвузлик детекторлари, - тушунтирди Гарри, ёстиқлар орасидан Дин томон юриб, - Умуман айтганда, буларнинг бари яқин ўртада ёвуз сеҳргар ёки душман борлигини кўрсатади. Бироқ, ушбу асбобларни алдаш мумкинлиги боис, уларнинг кўрсаткичларига тўла-тўқис ишонч билдириш ярамайди...

Гарри ашаддий душманлар кўзгусига муайян вақт ўйчан қараб қолди. Хира кўзгу қаърида аллақандай кўланкалар ҳаракатланмоқда, лекин уларни танишнинг иложи йўқ. Гарри кўзгуга орқа ўгирди.

- Хўп, майли, ишга киришамиз. Мен нимадан бошлаш кераклигини ўйлаб қўйган эдим... - давом этди Гарри, лекин Гермiona қўл кўтарганини кўриб қолди, - Нима демоқчисан, Гермiona?

- Фикримча, дастлаб гуруҳ раҳбарини сайлаб олишимиз керак, - деди Гермiona.

- Гуруҳ раҳбари – Гарри, - хитоб қилди Чу, Гермionaга худди миясини еб қўйган кишига қараган каби, назар солиб.

Гарри ичидаги бор нарса яна бир бор ағдар-тўнтар бўлиб кетгандай ҳис этди ўзини.

- Тўғри, аммо, назаримда буни овозга қўйишимиз лозим, - зиғирдай бўлсин, тортинмай давом этди Гермiona, - Унинг ҳуқуқини расман эътироф этиш мақсадида. Хўш, ким Гарри раис бўлиши керак, деган фикрда?

Ҳамма, ҳатто Заккерайес Смит ҳам, истар-истамас бўлса-да, қўл кўтарди.

- Раҳмат, - қизариб кетди Гарри, - Ундай бўлса... Яна нима, Гермiona?

- Жамиятимиз ўз номига эга бўлиши керак, деган фикрдаман, - қўлини туширмай эълон қилди Гермiona, - Бу жамоанинг руҳи ва бирлигимизнинг мустаҳкамланишига омил бўлади.

- Балки «АксилАмбриж лигаси», деган ном берармиз? - таклиф киритди руҳланиб кетган Ангелина.

- Ёки «Сеҳргарлик вазирлиги – қаллоблар тўдаси», тўғри келар? - таклиф киритди Фред.

- Ўйлашимча, - фикр билдирди Гермiona, қошини чимириб олганча, Фредга қараб, - Жамоамизга шундай ном беришимиз керакки, токи гап нима ҳақда бораётганини фаҳмлаш имкони бўлмасин

ва биз уни хотиржам талаффуз эта олайлик.

- «Довюраклар армияси», - деди Чу, - Қисқартмаси «ДА» бўлади ва у нимани англатишини ҳеч ким билмайди.

- «ДА» яхши, албатта, - маъқуллади Жинна, - Фақат бу қисқартма «Дамблдор армияси», деган маънони англатса, яхши бўлади. Негаки вазирлик айнан Дамблдордан ҳадиксирайди. Тўғрими? Ҳамма маъқул топиб, ғудуллаганча, кулиб юборди.

- Ҳамма «ДА»га розими? - каттаконларга хос оҳангда сўради Гермiona ва кўтарилган қўлларни санаб чиқиш учун тиззасига туриб олди, - Кўпчилик овози ила таклиф қабул қилинди! У хона деворига йиғилиш иштирокчилари имзо чеккан пергаментни осиб, юқори қисмига катта-катта ҳарфлар билан жамият номини ёзиб қўйди:

#### ДАМБЛДОР АРМИЯСИ

- Жуда яхши, - деди Гарри, Гермiona ниҳоят ўрнига ўтиргач, - Балким энди машғулоти бошласак ҳам бўлар? Фикримча, биринчи навбатда қуролсизлантириш, киши қўлидаги нарсани тортиб олиш афсунни Экспеллиармусдан бошлаш керак. Бу афсун бошланғич афсунлар туркумига мансуб бўлса-да, у менга кези келганда жуда қўл келган.

- Қўйсанг-чи, - деди кўзини юқорига қаратиб, қўлини кўксига қовуштириб олган Заккерайес Смит, - Экспеллиармус бизни Ўзинг-Биласан-Кимдан асраб қолишига ишонтирмоқчи эмасмисан, ишқилиб?

- Айнан мана шу тилсим июнь ойида ҳаётимни сақлаб қолди, - паст овоз билан жавоб қайтарди Гарри, - Айнан шу тилсимни қўллаган эдим.

Смитнинг оғзи ланг очилиб қолди. Хонага сув сепгандай сукунат чўкди.

- Бироқ ким, ушбу тилсимни ниҳоятда содда, деб билса, марҳамат, хонани тарк этиши мумкин. Смит бошқалар каби, жойидан қилт этмади.

- Жуда соз, - бош ирғиб қўйди Гарри, ҳамма унга қараб турганидан бўлса керак, оғиз бўшлиғи қуриб қолиб, - Келинг, жуфт-жуфтларга бўлиниб оламиз-да, машқ ижросига киришамиз. Кўрсатма бериш қандайдир ғалати тўйилаётган бўлса, бошқалар, ушбу кўрсатмаларга итоат қилиб, бажараётгани бундан-да баттар ғалати кўринди. Ҳамма ўрнидан туриб, жуфтларга бўлинди. Невилль эса одатдагидай шериксиз қолди.

- Сен мен билан машқ қиласан, - деди унга Гарри, - Уч ҳисоби бўйича бошлаймиз: бир, икки, уч... Бутун хонада Экспеллиармус афсунни жаранглаб, жуфтликларнинг сеҳрли таёқчалари ҳар томон уча бошлади. Мўлжалдан хато кетиб, токчаларга урилган қарғиш яшинлари китобларни ҳар томон улоқтириб юборди. Невилль учун Гаррининг ҳаракатлари ҳаддан ортиқ тез кечди чоғи, бечоранинг қўлидан учиб чиққан таёқчаси айланганча, шифтга урилиб, атрофга учқун фавворасини сочиб юборди ва токчанинг энг баланд поғонасига қарсиллаб тушди. Уни олиш учун Гаррига буюм чақириш афсунини қўллашга тўғри келди. Шундан сўнг, атрофга назар солиб чиққан Гарри, амалий машғулотларни ибтидосидан бошлаб тўғри қилганига ишонч ҳосил қила бошлади. Шогирдларнинг хатти-ҳаракатлари у қадар беназир кечаётгани йўқ. Кўпчилик рақибни қуролсизлантирмай, орқага сапчиб туриши ёки қарғиш яшинининг кучсиз зарбасидан афт буриштиришга эриша оляпти холос.

- Экспеллиармус, - ғудуллади Невилль.

Ғафлатда қолган Гаррининг қўлидаги таёқча учиб чиқди.

- УДДАЛАДИМ! - қичқириб юборди Невилль, қувончдан эс-ҳушини йўқотиб қўйишига сал қолиб, - Илгари ҳеч уддалай олмаган эдим!... УДДАЛАДИМ!

- Баракалла, - мақтаб қўйди Гарри.

У Невиллнинг ҳафсаласини пир қилмаслик, ҳақиқий дуэль жангида рақиб ўз таёқчасини эҳтиёт қилишни унутиб, атрофга анграйиб турмаслигини таъкидлаб ўтмасликни маъқул топди.

- Невилль, сен, Рон ва Гермionaга шерик бўлиб, навбат билан машқ қилиб тур. Мен эса қолганларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб юраман.

Гарри хона марказига туриб олди. Заккерайес Смитнинг ҳаракатлари қандайдир ғайритабиий кечмоқда. Энтони Голдштейнни қуролсизлантириш мақсадида эндигина оғиз жуфтлар экан, қўлидаги таёқча учиб чиқиб кетаверади. Энтони эса ҳали оғиз очишга ҳам улгурмаган. Сал ўтиб, гап нимада эканлигини Гарри фаҳмлади. Смитнинг орқасида, сал нарида турган Фред билан Жорж навбат билан Заккерайес томон таёқча ўқтамоқда.

- Маъзур санайсан, Гарри, - деди Жорж, Гаррининг нигоҳини сезиб, - Ўзимни ҳеч тута олмайман-да, бундай қулай фурсатларда.

Гарри дуэль жангини олиб бораётган шогирдлар ёнига навбат билан бориб, иши нотўғри кечаётган болаларнинг хатти-ҳаракатларига тузатишлар киритганча, якка тартибда таълим бериб юрди. Майкл Корнер билан жуфт бўлиб олган Жиннанинг ҳаракатлари дуруст кечмоқда. Майкл эса ё сеҳр-жодуни уддалай олмаяпти ё Жиннани хафа қилиб қўйишни истамаяпти. Эрни Макмиллан, гарчи назокатли кўринаётган бўлса-да, таёқчасини ҳаддан ортиқ жимжимадор ва узоқ силтамоқда ва бу билан рақибга муҳофазани ёриб ўтиш имконини яратмоқда. Ака-ука Кривилар руҳланиб кетишган бўлишса ҳам, хатти-ҳаракатлари бетартиб кечмоқда. Токчадаги китобларни ҳам, атрофга айна шу иккаласи сочиб юборишди. Луна Лавгудни, одатдагидай, тушуниб бўлмади: у дам Финч-Флетчининг қўлидаги таёқчасини қутилмаганда учуриб юборди, дам сочини ҳурпайтириб қўяди.

- Диққат! Ҳамма тўхтасин, - овоз кўтарди Гарри, - Тўхтанг! ТЎХТАНГ!

Менга ҳуштак керак экан, хаёлдан ўтказди Гарри ва шу заҳоти токчадаги китоблар устида ётган ҳуштакни кўриб чангаллаб олди-да, қаттиқ пуфлади.

- Умуман айтганда, ёмон эмас, - деди Гарри, ҳамма таёқчасини туширгач, - Лекин бундан ҳам яхшироқ бажариш мумкин. Яна бир бор уриниб кўринг.

Заккерайес Смит Гаррига ўқрайиб қўйди.

Гарри вақти-вақти билан тўхтаганча, тавсиялар бериб хона бўйлаб боз юра бошлади. Шогирдлар ҳаракати аста-секин яхшилана бормоқда. Гарри дугонаси билан машқ қилаётган Чунинг ёнига боришга анча вақт журъат эта олмади, лекин вақт ўтиб, қолган жуфтликлар ёнига икки маротабадан боргани, энди Чу жуфтлигини инкор этиб бўлмаслигини идрок этди.

- О, йўқ, - ғудуллади чўчиб кетган Чу, Гарри яқин борганда, - Экспеллиармиус! Яъни Экспеллимеллиус! Вой! Кечир мени, Мариэтта! - қичқирди у, қўнғироқ соч дугонасининг енги ўт олиб кетгач.

Мариэтта сеҳрли таёқча воситасида оловни ўчириб, Гаррига, худди ёнғин чиқишида айбдор саналган кишига қараган каби, ўқрайиб қўйди.

- Сени кўриб, ҳаяжонланиб кетдим, Гарри. Шу боис, ишим мана бундай чаппа бўлди, - гангиб хўрсинди Чу, - Ҳар доим уддалаб келган эдим-ку!

- Ҳаммаси яхши, - алдади Гарри ва Чунинг қоши кўтарилиб кетганини кўриб, гапини тўғрилаб олди, - Лекин тўғриси айтганда, жуда ёмон. Бироқ биламан-ки, қўлингдан келади. Мен узоқда туриб, кузатдим.

Чу кулиб юборди. Мариэтта иккаласига нафрат ила қараб, шартта орқа ўгирилиб олди.

- Эътибор қилма, - деди Чу, паст овозда, - У келмоқчи эмас эди. Мен мажбур қилдим. Ота-онаси Амбрижга гап қайтармасликни тайинлаган. Ойиси вазирликда ишлайди.

- Сенинг ота-онанг-чи? - сўради Гарри.

- Менга ҳам шуни тайинлашган, - қаддини ростлади Чу, - Агар улар Седрикнинг фожиали ўлиmidан сўнг, Ўзинг-Биласан-Кимга қарши кураш олиб боришим мумкин эмас, деган фикрга боришаётган бўлса...

Чу хижолат тортиб, ўзининг гапини қутилмаганда ўзи бўлиб, иккаласининг ўртасида ноқулай сукунат чўқди. Терри Бутнинг сеҳрли таёқчаси Гаррининг қулоғи ёнидан ўқдай учиб ўтиб, Алисия Спиннетнинг бурнига қаттиқ урилди.



- Менинг дадам эса вазирликка қарши қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатни қўллаб-қувватлайди! - эшитилди Гаррининг орқасида турган Луна Лавгуднинг ғолибона оҳангдаги овози. Афтидан, у, бошига коржомасининг этаги ёпилиб қолган Жастин Финч-Флетчи ўзини эплаб олгунга қадар Гарри билан Чунинг суҳбатига қулоқ тутиб турган кўринади.

- Дадам доимо Фуждан ҳар нарса кутиш мумкинлигини таъкидлаб келган. Тасаввур қилинг, Фуж қанчадан-қанча гоблинларни ер тишлатган! Бундан ташқари, у, вазирликнинг Сирли сеҳр бўлимини турли-туман қабих заҳарлар ишлаб чиқишга мажбур қилиб, ўз душманларига қарши қўллар экан. Унинг ихтиёрида тушуниш қийин чопқиси ҳам бор...

- У нима эканлигини сўрама ҳам, - пичирлади Гарри, қизиқсиниб қолган Чунинг эндигина оғиз жуфтлаганини кўриб.

Чу ҳиринглаб юборди.

- Ҳой, Гарри, - бақирди хонанинг нариги томонида турган Гермiona, - Соатга ҳам қараб турибсанми?

Гарри соатига қараб, аллақачон тўққиздан ўн дақиқа ўтганига ҳайрон бўлди. Зудлик билан тарқалиш керак. Акс ҳолда ман этилган вақтда қаср йўлакларида сайр қилиб юрган шогирдлар Филч томонидан жазога тортилишлари мумкин. Гарри ҳуштак чалиши билан ҳамма афсун ижросини бас қилиб, сўнгги иккита таёқча тақиллаганча полга тушди.

- Ёмон ишламадик, - якун ясади Гарри, - Лекин бугунги машғулотни бас қилиш вақти бўлди. Хўш, янаги ҳафта шу ерда ва ўша вақтдами?

- Йўқ, эртароқ! - иштиёқ-ла қичқирди Дин Томас.

Кўпчилик маъқуллаб, бош ирғиди. Бироқ Ангелина шу заҳоти гапга аралашди.

- Ҳа демай, квидиш ўйинлари мавсуми бошланади. Жиддийроқ машқ қилиш вақти етди.

- Демак, келгуси чоршанба куни, - қарор қилди Гарри, - Қўшимча машғулотлар ҳақида ўшанда гаплашиб оламиз. Бўлди, энди тарқалинг.

У Кафандузд харитасини қўлига олиб, еттинчи қаватда ўқитувчи бор-йўқлигини текшириб кўрди.

Шундан сўнг, шогирдларини икки-уч кишилаб чиқариб, улар ўз меҳмонхоналарига:

хуффльпуффчилар – пастки қаватдаги, ошхонага элтадиган йўлакка, равенкочилар – қасрнинг ғарбий минорасига, гриффиндорчилар эса йўлакнинг охирига, Семиз Холанинг портрети осилган жойга етиб боришларини хавотир-ла кузатиб турди.

- Гарри, машғулот жуда яхши, кутилгандан ҳам зиёд ўтди, - деди Гермiona Даркор хонада учовлон қолганда.

- Ҳа, жуда яхши ўтди! - ҳиссиёт-ла маъқуллади Рон, учаласи йўлакка чиқиши ҳамона, эшик ўз ўзидан ғойиб бўлгач, - Гарри, Гермionани қуролсизлантириб қўйганимни кўрдинг-ми?

- Атиги бир маротаба, - деди, иззати-нафси олинган Гермiona, - Мен эса сени жуда кўп маротаба...

- Ҳеч ҳам бир маротаба эмасда, уч маротаба, балки ундан ҳам кўпроқ...

- Агар ўзинг қоқилиб кетиб, қўлимдаги таёқчани уриб туширганингни ҳам ҳисобга олаётган бўлсанг...

Иккаласи умумий меҳмонхонага етгунга қадар баслашиб борди. Гарри эса уларнинг сўзларига қулоқ солгани ҳам йўқ. У бир кўзи билан Кафандузд харитасига қараб бормоқда-ю, миясида Чунинг сўзлари жарангламоқда: «Сени кўриб, ҳаяжонланиб кетдим, Гарри»

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. АРСЛОН ВА ИЛОН

Орадан икки ҳафта ўтди. Бу вақт ичида Гарри худди кўкрак қафаси ичида оғир дақиқаларда қўллаб-қувватлаётган тумор олиб юргандай ҳис этди ўзини. Амбрижнинг дарсларида пинаги оз бўлса ҳам бузилмади. Нигоҳи профессорнинг мудҳиш бақа кўзи билан учрашиб қолганда эса

густохлик-ла иржайиб ўтирди. Нима бўлганда ҳам, ДА жамияти Амбрижнинг тумшуғи остида қаршилик кўрсатиб, вазирлик қўрқиб юрган фаолият билан шуғулланмоқда! Ёвузлик кучидан ҳимоя фани дарсларида Гарри, Уилберт Уиляйлнинг «Муҳофаза қилувчи сеҳр-жоду назарияси»ни ўқиб ўтириш ўрнига, ДА йиғилишларини эслаб ўтирди.

Бугунги кунга келиб: Невилль Гермioniани қуролсизлантира олди; Колин Криви уч кечали узоқ меҳнатдан сўнг, Тўсқинлик қарғишини ўзлаштира олди; Парватти Патил Сочиб ташлаш афсунини шу қадар моҳирона қўллаб олдики, бир олам офатскоплар терилган столни деярли чангга айлантириб юборди.

Учта ҳар хил квидиш жамоаси томонидан ўтказиладиган машқлар жадвалига мослашиб боришга тўғри келаётгани боис, муайян кунни машғулотлар куни сифатида тайинлашнинг иложи бўлмапти. Об-ҳаво айнаган кунлари эса квидиш машқлари бошқа кунга кўчирилмоқда. Бироқ Гарри, айнан шундай, яъни олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳолатни маъқул топмоқда. Учрашувлар қанчалик тасодифан ўтса, шунчалик яхши. Зеро, биров жамият пайига тушишни ният қилган бўлса, иши ниҳоятда қийин кечади.

Кўп ўтмай Гермioniа, жамият аъзоларига навбатдаги учрашув санаси ва вақти ҳақида хабар беришнинг ниқобланган усулини ихтиро қилди. ДА жамияти аъзолари ҳар хил коллежларда таҳсил кўришлари, Катта Залда тез-тез учрашиб, музокара ўтказишлари қолганларга шубҳали кўриниши инobatга олинадиган бўлса, ушбу усул, йиғилиш санаси бошқа кунга ўтказилгани ҳақида ҳаммани бохабар қилиш учун жуда қулай усул бўлди. Жамиятнинг тўртинчи йиғилиши бошида Гермioniа жамики ДА аъзоларига биттадан сохта галлеон танга тарқатиб чиқди. Бир сават тилла тангани кўрган Роннинг кўзи, ҳақиқий пул, деб ўйлаган бўлса керак, чаноғидан чиқиб кетишига сал қолди.

- Танга четдаги рақамларни кўряпсиз-ми? - сўради Гермioniа, қўлидаги сариқ галлеонни машъала шуъласида ялтиратганча, баланд кўтариб, - Маълумки, ҳақиқий галлеоннинг шу жойида, ушбу тангани босиб чиқарган гоблинг ишора берадиган пул сериясининг ўзгармас рақами бўлади. Менинг тангаларимда эса бу рақамлар ўзгариб бориб, навбатдаги йиғилиш ўтказиладиган сана ва вақтни англатади. Сана ўзгарадиган бўлса, танга қизийди. Унинг ҳарорати кўтарилганини чўнтагингиз орқали албатта ҳис этасиз. Ҳаммамизда биттадан шундай танга бўлади. Гарри қачон учрашишимиз кераклиги юзасидан қарор қабул қилса, ўз тангасидаги рақамларга ўзгартириш киритади. Қолган барча тангалардаги рақамлар ҳам, тегишинча, ўзгариб қолади. Негаки мен, тангаларга Алмашилиш тилсимини қўлладим.

Унинг тушунтиришларидан сўнг, хонада ўлик жимжитлик қарор топди. Гермioniа нима бўлаётганини тушуна олмай, ҳаммага бирма-бир қараб чиқди.

- Шундай қилсак, яхши бўлади, деб ўйлаган эдим, - деди у, ҳайрон бўлиб, - Амбрижнинг миясига чўнтақларимизни титкилаш фикри келиб қолгудай бўлса, пул, табиий буюмдек кўринади, шундай эмасми? Агар... ёқмаган бўлса...

- Сен Алмашилиш тилсимини қўллаб биласанми? - аста сўради Терри Бут.

- Ҳа, - бош ирғиди Гермioniа, - Қўллаб биламан.

- Бироқ бу... СМЖА, яъни сеҳргар маҳоратининг жиддий аттестацияси даражасига мансуб маҳоратку, - ғудуллади Терри, овози пастлашиб.

- Умуман айтганда... - ерга камтарин қаради Гермioniа, Ҳа... шундай.

- Ундай бўлса, нима учун сен, шундай калла соҳиби бўла туриб «Равенкло»да ўқимайсан? - талаб оҳангида сўради Терри, иззат-ҳурмат нигоҳи ила Гермioniага қараб.

- Саралаш фурсатида шляпа мени «Равенкло»га йўллаш масаласи юзасидан жиддий ўйлаб кўрган эди-ю, лекин «Гриффиндор»ни раво кўрди. Хўш, тангалардан фойдаланамизми?

Розилик оҳангини англаган шов-шув кўтарилиб, ҳамма танга солинган саватга яқин келди.

- Бу менга нимани эслатганини биласанми? - деди Гарри, Гермioniага кўз қири билан қараб.

- Хўш, нимани?

- Ўлимдан мириқувчилар қўлига солинган расмни. Вольдеморт улардан бирининг қўлидаги расмга қўл теккизса, қолганларнинг қўли қизиби кетади ва бу билан соҳиб ҳаммани ўз ҳузурига чорлаётганини англаб етишади.

- Ҳа... шундай, - хотиржам жавоб қайтарди Гермiona, - Умуман айтганда, миямга келган ғоя айнан шунга асосланган эди. Фақат мен қўллаган усулда сана рақами қўлнинг тери қопламасида эмас металлда кўриниш беради.

- Сен қўллаган усул, ҳеч шубҳасиз, маъқул усул, албатта, - кулиб қўйди Гарри, тангани кассасига солиб, - Ягона муаммо, уни ҳақиқий пул ўрнида ишлатиб қўймасликдан иборат холос.

- Бунинг иложи йўқ, - деди Рон, қўлидаги тангага маъюс қараб, - Уни адаштириб юбориш учун киши ҳамёнида ўхшаш тангалар бўлиши керак. Менда эса бундай чўнтак пули ҳаётда бўлмаган. Квидиш мавсумининг биринчи — «Гриффиндор»нинг «Слизерин»га қарши ўйини яқинлашмоқда. Ангелина деярли ҳар куни машқ қилишни талаб қилмоқда. Шу боис, ДА йиғилишларини вақтинча тўхтатиб қўйишга тўғри келди. Квидиш кубоги кўпдан буён ўйинга тикилгани йўқ. Шу сабабдан, бўлғуси ўйин мавсуми кўп қизиқиш уйғотиб, мактаб ҳаётига тетик руҳ бағишламоқда. Ўйин якуни «Равенкло» билан «Хуффльпүфф» жамоаларини ҳам ташвишга солмоқда. Бу йил улар иккала жамоа билан ҳам ўйинга чиқишлари керак. «Гриффиндор» ва «Слизерин»нинг коллеж мудирлари, гарчи ўз ҳиссиётларини спортга бўлган ахлоқ-одоб доирасидаги қизиқиш сифатида ниқобласалар-да, ғалаба учун ҳар нарсага тайёр эканликлари яққол кўзга ташланмоқда. Ўйинга бир ҳафта қолганида профессор Макгонагалл уйга вазифа бермай қўйди.

- Ташвишларинг шундоқ ҳам етиб ортади, - ҳикмат қилди профессор Макгонагалл.

Шундагина Гарри, гарчи ўз қулоғига ўзи ишонмаса ҳам, профессорнинг ғалабадан қанчалик манфаатдор эканлигини аниқ тушуниб етди.

- Агар билмоқчи бўлсангиз, болалар, - қўшиб қўйди профессор Макгонагалл, Рон иккаласининг кўзига тик қараб, - Квидиш кубоги менинг хизмат хонамда туришига жуда кўникиб қолганман. Уни Северусга топширишни ҳеч ҳам истамайман. Бинобарин, сизлардан илтимос, бўш вақтингизни машққа сарфланг, хўпми?

Снегг ҳам ўз мутаассиблигини ошкора намоён этишда ҳеч кимдан қолишмади. У квидиш майдонини шу қадар кўп банд қилиб бордики, гриффиндорчиларнинг шуғулланишларига камдан-кам имкон бўлди. Бундан ташқари, ҳар қадамда «Гриффиндор» жамоаси аъзоларига суқи киритишга уринаётган слизеринчилар устидан тушаётган шикоятларга қулоқ тутиш масаласида Снегг мутлақо қар бўлиб қолган кўринади. Алисия Спиннетнинг қоши кутилмаганда тез ва қалин ўсиб, кўзи ва оғзини тўсиб қўйган ҳолатда касалхонага тушиб қолганида, Снегг мутлақо жиддий оҳангда: «Қизнинг ўзи, афтидан, Соч қалинлаштириш тилсимидан фойдаланмоқчи бўлган», деганча, айбни Алисиянинг ўзига тўнкади-қўйди. Ваҳоланки, «Слизерин» жамоасининг Қўриқчиси Майлс Блетчелли кутубхонада дарс қилиб ўтирган Алисиянинг орқасидан пинҳон келиб, сеҳр қўллаган. Буни ўз кўзи билан кўрган ўн тўрт нафар гувоҳ кўрсатмаларига қулоқ тутишдан эса Снегг батамом бош тортди.

Умуман айтганда, Гаррининг кайфияти умид ва ишонч-ла сўғорилган. Негаки, унинг жамоаси ҳали бирор марта бўлсин, Малфой жамоасига ютқизиб қўймаган. Тўғри, Роннинг тажрибаси Древнинг маҳоратига етишига ҳали етти қовун пишиғи бор, албатта. Лекин у, жон-жаҳди ила ҳаракат қилмоқда. Унинг ягона заиф томони шундан иборат-ки, агар бирорта тўп ўтказиб юборса борми, ўз хатти-ҳаракатларига бўлган ишончи дарҳол барҳам топиб, тўп кетидан тўп ўтказа бошлайди. Аммо тан олиш керакки, Рон ҳалқаларни фавқулодда зўр қўриқлайди. Ўтказилган машқлардан бири давомида супургисига битта қўли билан осилиб олган Рон Кваффлни шунақанги кучли тепдики, бутун майдон узра учиб ўтган тўп тўғри бориб, рақибнинг марказий ҳалқасига кириб кетди. Бу чиндан ҳам эсдан чиқмас ҳодиса бўлди. Ушбу зарба яқиндагина Ирландия миллий

терма жамоасининг Қўриқчиси Барри Райаннинг Польша жамоасининг Овчиси Ладислав Замойскийга қарши қўллаган зарбаси каби, яхши чиққанини жамики жамоа яқдиллик-ла эътироф этди. Ҳатто Фред ҳам, кунлардан бир кун, Жорж иккаласи кенжа укалари билан ғурурлана бошлашларини, эҳтимол улар узоқ тўрт йилдан буён ҳар қанақасига рад этиб келишган Рон билан жигарчиликни ниҳоят тан олишга тайёр эканликларини маълум қилди.

Аммо Рон слизеринчиларнинг мурдор қилиқларига ҳаддан ортиқ ғижиниб муносабат билдириши, баъзан эса ҳали ўйин майдонига етиб бормаи бўшашиб қолиши Гаррини жиддий ташвишга солмоқда. Гаррининг ўзи-ку, ўтган тўрт йил ичида слизеринчиларнинг жирканч қилиқларига кўникиб қолган, албатта. Шу сабабли бўлса керак, уларнинг:

- Ҳой Поттер-кирноттер, айтишларига қараганда, Уоррингтон шанба куни сени супургидан улоқтириб юборишни ваъда қилган эмиш, - деган қичқириқлари уни қўрқитмай, аксинча, қувонтиради.

- Менга яқин келадиганларга ачинаман, - жавоб қайтарди ўшанда Гарри, - Уоррингтон эса устига-устак ғилай, а?!

Рон билан Гермiona хандон отиб юборишди. Панси Паркинсоннинг юзидаги кулги эса шу заҳоти барҳам топди.

Лекин Рон ҳақоратлар-у, ерга урадиган масхараларга бардош бера олмайди. Кунлардан бир кун еттинчи синфда ўқийдиган барзангидай слизеринчилар Роннинг ёнидан ўтишар экан, паст овозда ундан сўрашибди:

- Хўш, Уэсли, касалхонадаги ўринлардан бирини ўзинг учун банд қилиб қўйишни унутиб қўймадинг-ми?

Рон эса уларнинг башараларига қараб кулиб ўтиш ўрнига, аксинча, кўкариб кетибди. Драко Малфой ҳар сафар дуч келиб қолганда Роннинг Кваффлини қўлдан чиқариб юбораётганини ўхшатиш қилиғини чиқариб олган. Бунини кўрган Роннинг қулоғи тўқ қизариб, қўли шу қадар титраб кетдики, чиндан ҳам, ушлаб турган ҳар қандай нарсани тушириб юборадиган ҳолатга келиб қолади.

Октябрь ойининг охирида бўронга айланган кучли шамол-у, узундан узоқ кечган ёфингарчилик ҳеч тинмади ва ниҳоят тонглари совуқ отадиган, шамоллари киши лунжи-ю, кафтини оғритиб юборадиган даражада муздай эсадиган ноябрь кириб келди. Осмон ва унга ҳамоҳанг бўлган Катта Зал шифти гўё энди ҳеч қачон ўзгармайдиган хира кул ранг садаф тусини касб этди. «Хогварц»ни ўраб турган тоғ чўққилари қор телпагини кийиб олди. Қаср шу қадар совиб кетдики, аксарият ўқувчилар аждар терисидан тайёрланган ҳимоя қўлқопини танаффусда тақиб юрибди.

Ниҳоят ёрқин ва аёзли, биринчи ўйин ўтадиган тонг отди. Гарри уйғониши билан бошини Рон томон бурди. Ўртоғи кўрпада, тиззаларини қучиб олганча, бўшлиққа қараб ўтирибди.

- Аҳволинг яхшими? - сўради Гарри.

Рон бош ирғиб қўйди-ю, овоз чиқармади. Ўртоғига қараб қолган Гарри бир вақтлар Гермionани маглвачча деб ҳақорат қилгани учун Малфойнинг адабини бериб қўймоқчи бўлган Рон, ўзининг синган сеҳрли таёқчаси билан Шиллиққурт тупуриш қарғишини бехосдан ўзига қўллаб юборганини эслади. Ўшанда у, худди ҳозиргидай кўкариб кетган эди. Ҳозир ҳам худди ўша кунгидай оғиз очишни истамай, совуқ терга ботиб ўтирибди.

- Сен бирон нима еб олишинг керак, - деди Гарри, мулойим овозда, - Тур ўрнингдан, кетдик.

Икковлон мактаб ўқувчиларига тез тўлиб бораётган Катта Залга кириб келди. Ҳаммининг кайфияти кўтаринки, ҳамма жойдан ҳаяжонли овозлар эшитилмоқда. Слизеринчилар дастурхони атрофида кучли шовқин кўтарилган. Ушбу стол ёнидан ўтар экан, Гарри ўгирилиб, слизеринчилар ўзларининг одатий яшил-кумуш тусли шарф ва шляпаларидан ташқари, аллақандай тож шаклидаги кўкрак нишонини тақиб олишганига эътибор қаратди. Негадир, уларнинг ҳаммаси Ронни кўриб, ёввойи хандон отганча унга қўл силтамоқда. Гарри кўкрак нишонларида битилган

сўзларни ўқиб кўрмоқчи бўлди-ю, Ронни имкон қадар тезроқ слизеринчилардан нари олиб кетмоқчи бўлгани боис, улгурмади.

Тилла тусли тўқ қизил кийим кийган «Гриффиндор» столи иккаласини олқишлаб қарши олди. Бироқ қарсақлар Роннинг жанговар руҳини нафақат кўтармади, аксинча, батамом бўшаштириб юборди. У ўзини худди қатлга ҳукм қилиниб, ҳаётида сўнги бор нонушта қилиш имкони берилган маҳбусдай курсига ташлади.

- Нақадар аҳмоқ бўлган эканман, розилик бериб, - овози дириллаб пичирлади Рон, - Ғирт аҳмоқ бўлган эканман.

- Бас қил, - қўл силтади Гарри, Ронга бодроқ узатиб, - Ҳаммаси яхши бўлади. Асабийлашаётганинг эса, мутлақо табиий ҳолат.

- Мен, уч пулга қиммат одамман, - ингради Рон, - Нотавонман. Ҳаётим ҳал бўладиган бўлса ҳам, талаб даражасида ўйнай олмайман. Миям қаерда эди ўшанда, а?

- Ўзингни қўлга ол, Рон, - деди Гарри, қатъий оҳангда, - Ўтган куни тўпни қандай тепиб юборганингни эсла. Ҳатто Фред билан Жорж ҳам, уни зўр қайтарганингни тан олишди. Рон Гаррига ҳорғин қараб қўйди.

- Тасодифан шундай бўлди, - маъюс пичирлади Рон, - Бундай қилиш хаёлимга ҳам келмаган. Супургидан сирпаниб кетганимни ҳеч ким пайқамади. Қайтиб чиқмоқчи бўлганимда, ўзим билмай Кваффли тепиб юбордим.

- Хўш, нима қилибди? - деди, қутилмаган бундай иқрордан кўнгилсиз ҳайрон бўлган Гарри сир бой бермай, - Беш-олтита шундай тасодиф рўй берса, ютуқ киссамизда, деб ҳисоблайвер.

Иккаласининг қаршисига тилла тусли тўқ қизил шарф, қўлқоп ва гриффиндорчи қизларнинг гул безагини таққан Гермiona билан Жинна келиб ўтирди.

- Аҳволинг яхшими? - сўради Жинна Рондан.

Рон заранг косадаги, бодроқ ивитиш учун қўйилган сутга ўзини ғарқ қилмоқчи бўлаётган кишидай ўтирибди.

- Бироз асабийлашган, - жавоб берди Гарри.

- Бу жуда яхши, - ҳиссиёт-ла, фикр билдирди Гермiona, - Имтиҳондан олдин киши яхшилаб ҳаяжонланиб олиши кераклигини доимо таъкидлаб келганман.

- Салом, - эшитилди орқадан.

Бу «Равенкло» столи томонидан худди сузиб келгандай яқинлашган Луна Лавгуднинг уйқуга тўймаган овози экан. Ҳамма унга бақрайиб қолди. Баъзилар эса бармоқ ўқтаганча, очиқдан-очиқ кулишмоқда. Луна бошига табиий ўлчамдаги, кўриниши арслон бошини эслатадиган шляпа кийиб олибди.

- Бугун мен «Гриффиндор» жамоасига муҳлислик қиламан, - деди Лавгуд, ҳамма эътибор қаратганига қарамай шляпасини кўрсатиб, - Қаранг, у нима ҳунар кўрсата олади...

Луна сеҳрли таёқчаси билан туртиб қўйиши ҳамоно, арслон калласи оғзини катта очганча, худди ҳақиқий шер каби, баланд наъра тортиб юборди. Яқин орада овқатланаётган болачалар қўрқиб кетиб, ўтирган ўринларида бир сапчиб тушишди.

- Зўр, а? - қувонч-ла хитоб қилди Луна, таъсир кўрсата олганидан яшнаб кетиб, - Умуман айтганда, слизеринчиларнинг илонини ғажиб ташлаётган ҳолатини акс эттирмоқчи эдим-у, вақт бўлмади.

Нима қилган тақдирда ҳам... Хуллас, омад ёр бўлсин сенга, Рональд!

Луна йўлини давом эттириб, сузиб кетди. Болалар шляпа туфайли бошдан кечириладиган руҳий изтиробдан ҳали ўзларига келишга улгурмай, улар ёнига Ангелина, Кэтти ва қоши мактаб фельдшери Помфри хонимнинг саъй-ҳаракатлари туфайли меъёрий ҳолатга келиб қолган Алисия югуриб келишди.

- Нонушта қилиб бўлгач тўғри ўйингоҳга боринг. Кийим алмаштириб, вазиятни идрок этишга улгуриш керак.

- Ҳозир етиб борамиз. Рон нонушта қилиб олса бўлди.

Бироқ ўн дақиқадан сўнг, Рон нафақат овқатланиш, бирон нарса ютишга ҳам қодир эмаслиги маълум бўлди. Аҳволни тушунган Гарри ўйингоҳ томон йўл олишни афзал билиб, ўрнидан турди. Гермiona ҳам ўрнидан қўзғалиб, Гаррини қўлидан ушлаганча, четга тортди.

- Шундай қилгин-ки, слизеринчиларнинг кўкрак нишонларини Рон кўрмасин, - ташвишли оҳангда пичирлади у.

Гарри гап маъносини тушунмай, Гермionaга савол назарида қаради, лекин қиз огоҳлантирган каби, боши ила Гаррининг орқа томонига имо қилди. Иккаласининг ёнига букилмаётган оёғи билан эсанкираб одимлаётган, юзи бадбахт қиёфа касб этган Рон юриб келди.

- Омад ёр бўлсин, Рон, - тилак билдирди Гермiona, оёқ учида турганча, Роннинг лунжидан ўпиб қўйиб, - Сенга ҳам, Гарри...

Катта Залдан чиқаётган Рон, нима юз берганини англаб етмай, лунжини ушлаб олганча, аста-секин ўзига кела бошлади. Ҳаяжондан атрофга эътибор бергани ҳам йўқ. Аммо слизеринчилар столи яқинидан ўтаётган Гарри, тож шаклидаги кўкрак нишонларига қизиқсиниб қараб, уларга битилган айрим сўзларни ўқий олди:

Уэсли – қиролимиз,  
Шавкатимиз, шонимиз!

Бундай мисралар яхшилиқдан аломат эмаслигини англаган Гарри Ронни вестибюль бўйлаб тез одимлатиб, муздай кўчага олиб чиқди.

Икковлон қиялик бўйлаб квидиш майдони томон тез юриб кетди. Қиров босган майса оёқ тагида ғарчилламоқда. Шамол йўқ. Осмоннинг садаф ранги ўзгармаган. Демак, қуёш қўз қамаштирмайди. Гарри ушбу вазиятни Ронга тушунтириб, далда беришга уриниб кўрди-ю, ўртоғи унинг сўзларини эшитаётганига шубҳа қилди.

Иккаласи уствошхонага кириб келганда, кийиниб бўлган Ангелина бошқа ўйинчилар билан суҳбатлашаётган экан. Гарри билан Рон ҳам кийимларини алмаштира бошлашди. Рон, токи Алисиянинг раҳми келиб, ёрдам қўлини узатгунга қадар, бир неча дақиқа давомида спорт кийимини ўзи билмай, тескари кийишга уринди. Кийиниб бўлишгач, икковлон ҳам ўтириб, Ангелина бераётган йўл-йўриқларга қулоқ тутди. Ташқарида одам овози тобора баланд эшитилиб, ўйингоҳ аста секин томошабинларга тўлиб бормоқда.

- Слизеринчилар таркибида кимлар ўйнашини ниҳоят билишга муваффақ бўлдим, - маълум қилди Ангелина, чўнтагидан пергамент варағини чиқариб, - Ўтган йили ўйнаган Уриб қайтарувчилар Деррик билан Боул жамоани тарк этибди. Жамоа сардори Монтегю эса супургида дурустроқ учишни биладиган одам қуриб кетгандай, аллақандай томтешарлар Краббе ва Гойл деганларини олибди. Улар ҳақида ҳеч нима билмайман...

- Биз биламиз, - баралла жавоб беришди Гарри билан Рон.

- Уларнинг турқиға қараб, супургининг у бошини бу бошидан фарқлай олишларига шубҳа қилдим, - фикр билдирди Ангелина, пергаментни киссасига жойлаб, - Деррик билан Боулни-ку, гапирмаса ҳам бўлаверади. Иккаласи ўйингоҳни йўл кўрсаткичларисиз топа олиш-олмасликлари мени доимо ташвишга солган эди.

- Краббе билан Гойл улардан баттар бўлса бордир-ки, зиғирдай бўлсин, қолишмайди, - ишонтирди Гарри.

Ташқарида одамларнинг қадам товўшлари ва сўзларини илғаш қийин кечган қўшиқлари эшитилмоқда. Гарри асабийлаша бошлади, лекин унинг ҳаяжони Роннинг ҳолати олдида ҳеч гап эмаслигини ўзи ҳам тушуниб турибди. Юзи кул ранг касб этган бечора Рон қорнини ушлаб олганча, тишини маҳкам қисиб олиб, тўғрига қараб ўтирибди.

- Чиқиш вақти бўлди, - бўғиқ эълон қилди Ангелина, соатига қараб, - Кетдик болалар... Омад ёр бўлсин бизларга.

Ҳамма ўрнидан туриб, супургини елкага ташлаганча, уствошхонадан қуёш нурлари ёрқин ёритиб турган ўйин майдонига чиқди. Жамоани қандайдир уйғунлашмаган овозлар қарши олди. Олқишловчи қичқириқ, ўкириш ва ҳуштаклар орасида аллақандай қўшиқ аён эшитилмоқда. Тож шаклидаги кўкрак нишонини тақиб олган «Слизерин» жамоаси аллақачон майдонга чиқиб олган. Слизеринчиларнинг йирик тирсақлари тўқ қоплаган сон гўштидан фарқ қилмайдиган янги сардори Монтегю сумбати ила Дудли Дурслга жуда ўхшаб кетади. Унинг орқасида йириклик масаласида қолишмайдиган, қўлига янги клюшка ушлаб, қуёшга тентакнамо ўдағайлаётган Краббе билан Гойл, саф четида эса оқ сариқ сочида олачалпоқ қуёш шуълалари ўйнаётган Малфой турибди. Нигоҳи Гаррининг нигоҳи ила тўқнаш келиши билан кўкрагига тақиб олган нишонга бармоқ чертди. Ангелина билан Монтегю бир-бирига яқин келгач, учиш машқлари ўқитувчиси, квидиш ўйини ҳаками Роланда Трюк хоним буйруқ берди:

- Сардорлар, қўл сиқишинг.

Монтегю қўлини қаттиқ сиқиб юборганига қарамай, Ангелина лоақал юзини буриштириб ҳам қўймади.

- Супургилар эгарлансин, - янгради кейинги команда.

Роланда Трюк хоним ҳуштагини оғзига солиб қаттиқ пуфлади.

Ўйин тўплари саватдан бўшатилади ва ўн тўрт нафар ўйинчи ғизиллаганча, кўкка кўтарилди. Гарри кўз қири билан ҳалқалар томон отилган Ронга қараб қўйганча, Тажовузкорга чап бериб, юқорига кўтарилди-да, ўткир нигоҳ ила тилла тўс бериб ялтирайдиган нуқта қидириб, ўйингоҳ узра гир айлана бошлади. Ўйингоҳнинг нариги томонидаги Драко Малфой ҳам шу иш билан банд.

- Қадрли томошабинлар, - ўйингоҳ узра янгради Ли Жорданнинг шарҳи, - Қаршингизда сония ўтмай Кваффлга эга бўлиб олган, гўзалликда тенги йўқ Жонсон! Ажойиб ўйинчи! Мана бир неча йилдир-ки, унга шу ҳақда гапирман, лекин ўжар қиз мен билан учрашишга ҳеч кўнмаяпти!...

- ЖОРДАН! - бақариб берди профессор Макгонагалл.

- ... таржимаи ҳолга оид айрим тафсилотлар, профессор. Буни мен, шунчаки, қизиқ бўлсин, деб айтдим-қўйдим. Мана у, Уоррингтонга чап бериб, Монтегюни айланиб ўтди ва... вой! Унга Краббе томонидан уриб қайтарилган Тажовузкор зарб берди... Кваффлни тутиб олган Монтегю ўйин майдонига қайтди... Ана энди Жорж Уэсли, Тажовузкор воситасида Монтегю бошига қарата ажойиб зарба берди! Монтегю табиийки, Кваффлни қўлдан чиқариб юборди ва у «Гриффиндор» жамоасининг ўйинчиси Кэтти Беллнинг қўлига тушди. Кэтти тўпни бели орқали Алисия Спиннетга узатди...

Гарри қулоғида шамол гувиллаётгани, намойишгоҳлар шовқин солаётгани, қичқираётгани, ўкираётгани, қўшиқ айтаётганига қарамай, Жорданнинг шарҳини эшитиб боришга уринмоқда.

- ... Уоррингтонни айланиб ўтди, насибасини еб олишига сал қолган бўлса-да, Тажовузкорга моҳирона чап бера олди. Унинг маҳорати томошабинларнинг завқланишига сабаб бўлмоқда, айтгандай, нима ҳақда куйлашмоқда, улар?

Ли ўйингоҳнинг яшил-кумуш тусли қисмидан келаётган овозга қулоқ солиб, бироз жим қолди:

Уэсли гол ўтказар,

Ҳалқасига тупурган,

«Слизерин»га бу ёқар,

Қўшиғин Ронга битган:

Уэсли – қиролимиз,

Шавкатимиз, шонимиз!

Уйи бир харобазор,

Усти юпун, пулга зор.  
Уэсли – қиролимиз,  
Шавкатимиз, шонимиз!  
Ғалаба қилган ваъда  
«Слизерин»га кўп марта,  
Квафлни ўтказар,  
Дилларни хушнуд айлар  
Уэсли – қиролимиз,  
Шавкатимиз, шонимиз!

- ... Алисия тўпни Ангелинага узатди! - қичқирди Ли, овози билан қўшиқни босиб юборишга уриниб.

Жирканч мисралардан қутуриб кетган Гарри ён томон кескин бурилди. Бўл энди, Ангелина, хаёлдан ўтказди у.

- ... Ангелинага анави Қўриқчини айланиб ўтиш қолди холос! ЗАРБА! Аааа!...

Ўз ҳалқаларини ҳимоя қила олган «Слизерин» Қўриқчиси Блетчелли тўпни Уоррингтонга узатди. Уоррингтон эса ўз навбатида, Алисия билан Кэттининг орасидан илонизи учиб ўтиб, ўйингоҳнинг нариги боши томон ўқдай учиб кетди. У Ронга қанчалик яқин борар экан, слизеринчиларнинг қўшиғи шу қадар баланд янграй бошлади:

Уэсли гол ўтказар,  
Ҳалқасига тупурган,  
«Слизерин»га бу ёқар,  
Қўшиғин Ронга битган:  
Уэсли – қиролимиз,  
Шавкатимиз, шонимиз!

Гарри ўзини идора қила олмади. Тилла чаққонни унутиб, ҳалқалар томон бурилди-да, Уоррингтоннинг бақувват танаси ҳайбат солиб яқин бораётган Ронга, олисда ёлғиз қолган, митти қоматга қараб қолди.

- ... Квафл ҳалқалар томон учиб бораётган Уоррингтонда. Тажовузкорлар унга ета олмайди. Қаршисида фақат Қўриқчигина бор холос...  
Намойишгоҳларда айюҳаннос:

Уэсли гол ўтказар,  
Ҳалқасига тупурган,

- ... бу, «Гриффиндор» Қўриқчиси, Уриб қайтарувчилар Фред ва Жоржнинг кенжа укаси, истиқболли ўйинчи Рон Уэслининг биринчи бор ҳақиқий синовдан ўтишидир... Қани кўрамиз, бўш келма, Рон!...

Таассуфки шу пайтда «Слизерин» жамоаси мухлисларининг қувончли ўкиришлари янгради. Рон Квафлга ёввойидай ташланди-ю, лекин тўп, унинг икки томон кенг ёзилган қўллари орасидан ўқдай учиб, марказий ҳалқадан ўтиб кетди.

- «Слизерин» ҳисобни очишга муваффақ бўлди, - умумий қичқириқлар орасида эшитилди Лининг шарҳи, - Ўн-у, ноль. Ҳа, Роннинг омади келмади.

Слизеринчиларнинг қўшиғи янада баланд янгради:



Уйи бир харобазор,  
Усти юпун, пулга зор.  
Уэсли – қиролимиз,  
Шавкатимиз, шонимиз!

- Тўп яна «Гриффиндор»да. Кэтти Белл мисоли танк каби, рақиб ҳалқалари томон кетмоқда, -  
баланд бақирди Ли, гарчи қўшиқни босиб юбора олмаса-да.

Ғалаба қилган ваъда  
«Слизерин»га кўп марта,

- Гарри, НИМА ҚИЛЯПСАН? - чириллади Ангелина, Гаррининг ёнидан Кэтти томон учиб борар экан,  
- БЎЛ, ҚИМИРЛА!

Гарри энг асосий вазифа – Тилла чаққонни қидириб топишни унутиб қўйиб, ҳавода ҳаракатсиз,  
муаллақ осилиб қолганини энди идрок этди. Ҳаяжонга тушиб, кескин пастлади-да, теварак-  
атрофга назар солар экан, баралла ўкираётган овозларга эътибор бермай қўйди:

Уэсли – қиролимиз,  
Шавкатимиз, шонимиз!

Тилла чаққон ҳеч қаерда кўринмайди. Малфой Гарри каби, ўйингоҳ узра гир айланмоқда.  
Қайсидир фурсатда иккаласи майдон ўртасида рўбару келиб қолишди. Шунда Гарри Малфой ҳам  
қўшиқ айтиб юрганини эшитиб қолди:

Уйи бир харобазор,  
Усти юпун, пулга зор.

- Яна ўша Уоррингтон, - кучаниб бақирмоқда Ли, - Тўпни Пусейга оширди. Пусей Спиннетнинг  
ёнидан учиб ўтмоқда. Бўл, Ангелина, тортиб ол тўпни. Йўқ бўлса, йўқ-да. Тажовузкор воситасида  
Фред томонидан берилган ажойиб зарба! Йўқ, Жорж, балки Фред... э, фарқи нима? Уоррингтон  
тўпни йўқотди. Квафл Кэтти Белда, э-э... у ҳам йўқотиб қўйди. Монтею эгалик қилмоқда, тўпга.  
«Слизерин» жамоасининг сардори Квафл билан «Гриффиндор» ҳалқалари томон учмоқда. Хўш,  
гриффиндорчилар, бўла қолинг, ўранг уни!

Бу пайтда «Слизерин» ҳалқаларини орқа томондан айланиб ўтаётган Гарри ўйин майдонининг  
нариги томонига қарамасликка ўзини мажбур қилиб, слизеринчилар Қўриқчиси ёнидан катта  
тезлик билан учиб ўтди. Қўриқчи ҳам ҳаммага қўшилиб қўшиқ айтмоқда:

Уэсли гол ўтказар,  
Ҳалқасига тупурган,

- ... Пусей Алисияни боз айланиб ўтиб, тўғри ҳалқалар томон йўл олди... Рон, э, нима қиляпсан!  
Гарри Рон томон қарамаса ҳам, нима бўлганини фаҳмлади. Намойишгоҳларнинг  
гриффиндорчилар ўтирган қисми даҳшатли инграб юборди, слизеринчилар эса гулдурос қарсақ  
уриб, ўкиришди. Пастга қараган Гарри башараси мопсникига ўхшаш ялпоқ Панси Паркинсон  
намойишгоҳ четида, ўйин майдонига орқа ўгириб олганча, слизеринчилар хорига дирижерлик  
қилаётганини кўрди:

«Слизерин»га бу ёқар,  
Қўшиғин Ронга битган:

Ҳисоб йигирма-ю, ноль. Ҳеч ҳам қўрқинчли жойи йўқ. Рақибдан ўзиб кетиш ёки Тилла чаққонни тутиб олиш учун «Гриффиндор»нинг ҳали бир олам вақти бор, ўзини ўзи ишонтирди Гарри. Атиги бир нечта тўп уриш керак холос ва улар одатдагидай, олдинга чиқиб олишади... Ўйинчилар орасида чап бериб, пўкак каби, дам паст, дам юқорига кўтарилаётган Гарри аллақандай тилла шайтон ортидан қувди-ю, бироқ афсуски бу, Монтегю соатининг шуъласи экан. Тилла чаққонни имкон қадар тез тутиш керак-да, ўйинни тугатиш керак!

- Кэтти Бел Пусейни айланиб ўтиб, кескин шўнғиганча, Монтегюни чалғитиб кетди. Зўр манёвр! Кэтти тўпни Жонсонга узатди. Ангелина тўп билан олға бормоқда. Мана у, Уоррингтонни алдаганча қувиб ўтиб, ҳалқалар томон учмоқда... Ангелина, Ангелина, бўш келма, қизалоқ! ЗАРБА! ГО-О-О-ОЛ! Ҳисоб йигирма-ю, ўн. Квафл Пусейга ўтди...

«Гриффиндор» жамоаси мухлисларининг қичқириқлари билан бир вақтда Лунанинг беўхшов арслони тортган наърани эшитган Гарри анча енгил тортди. Яна битта гол урилса бас, ҳисоб тенглашади. Гарри Краббе томонидан қаттиқ уриб қайтарилган Тажовузкорга чап бериб, яна Тилла чаққонни қидиришга киришиб кетди. Бир кўзи билан эса Малфойнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб бормоқда. У ҳам кўриб қолиши мумкин-ку, ахир... Лекин Малфой ҳам ўйингоҳ узра натижасиз айланиб юрибди.

- ... Пусей Квафлни Монтегюга узатди, Монтегю Пусейга қайтарди, йўқ, тўпни Жонсон илиб олди, Беллга оширди, жуда яхши, йўқ, ёмон. «Слизерин» ўйинчиси Гойл томонидан уриб қайтарилган Тажовузкор Кэттига тегди. Тўп яна Пусейда...

Уйи бир харобазор,  
Усти юпун, пулга зор.

Ана шу фурсатда Гарри ўйингоҳнинг слизеринчилар томонида, митти қанотларини қоқиб, ердан атиги бир фут тепада учиб юрган Тилла чаққонни кўриб қолди.

Гарри тикка пастга шўнғиди... Бир неча сония ўтар-ўтмас, яшил-кумуш тусли кийими ила супургисига доғ каби, ёпишиб олган Малфой пайдо...

Тилла чаққон ҳалқалардан бирининг ходасини айланиб ўтиб, қарама-қарши томондаги намоийшоҳлар томон тез учиб кетди. Бу эса Малфойга, айнан ўша томонда бўлгани учун, жуда қўл келади. Гарри «Чақмоқ»ни шартта буриб, Малфой билан энди ёнма-ён, бевосита ер устида учиб бормоқда. У ўнг қўлини супурги сопидан олиб, Тилла чаққон томон узатди. Ўнг томонда эса Малфойнинг ҳаво чангаллаб бораётган қўли кўринди...

Ақлдан оздириб юборган бир неча сония ўтгач, Гаррининг бармоқлари қаршилиқ кўрсатаётган миттигина тўпни тутиб, мушт бўлиб тугилди. Малфой эса тирноғи билан унинг тирсагини тимдалаб олди. Гарри халос бўлишга уринаётган тўпчани маҳкам тутганча, супургисини «Гриффиндор» жамоасининг қувонч-ла қичқираётган мухлислари устига бурди...

Қутулиб қолишди! Жин ўрсин, ўша Рон ўтказиб юборган голларни. «Гриффиндор» ғалаба қозонган экан, энди уларни ҳеч ким эсга олмайди...

ҚАРС.

Гаррининг белига кучли улоқтирилган Тажовузкор тўп урилиб, уни супургидан учириб юборди. Хайриятки, у, атиги беш-олти футга кўтарилишга улғурди холос. Шундай бўлса-да, Гарри музлаган ерга бели билан тушиб, ҳушини йўқотиб қўйишига бир баҳя қолди. Роланда Трюк хонимнинг қулоқни тешиб юборгудай ҳўштаги, мушук овозига ўхшаш ўкириклар, дарғазаб қичқириқлар ва заҳарханда кулги эшитилди. Шундан сўнг, кимнингдир оёғи ерга урилгани сезилди.

- Тирикмисан? - сўради Ангелина, ташвишли оҳангда.

- Шунақага ўхшайди, - деди Гарри, Ангелинанинг узатилган қўли ёрдамида оёққа турар экан, юқорига қараб. Роланда Трюк хоним «Слизерин» ўйинчиларидан бири томон ошиқиб келмоқда.

- Сен Тилла чаққонни тутиб олишинг билан, анави турқи совуқ, бадбашара Краббе деганлари Тажовузкорни сенга улоқтириб юборди. Лекин биз ЮТДИК, ГАРРИ! БИЗ ЮТДИК!

Орқа томондан кимнингдир пишқиргани эшитилди. Тилла чаққонни муштига сиқиб олган Гарри ортга ўгирилиб, ғазабдан юзи оқариб кетган, лекин сир бой бермай иржайган Драко Малфой ерга қўнганини кўрди.

- Ўртоғининг обрўйини сақлаб қолдинг-да, а? - деди у, Гаррига мурожаат қилиб, - Ҳаётда бунақанги ношуд Қўриқчини кўрмаганман... Умуман айтганда, харобазорда яшайдиган одамдан нимани ҳам кутиш мумкин... Ҳа, айтгандай, Поттер, мен ёзган мисралар ёқди-ми сенга?

Гарри индамади. У Малфойга орқа ўгириб, жамоасининг бирин-кетин ерга қўнаётган, қувончдан бақариб, музаффариат-ла, мушт силтаётган аъзолари томон юзланди. Фақат Рон ҳалқа ходалари ёнига қўниб, уствошхона томон аста одимлаб кетди.

- Биз яна бир жуфт мисра битмоқчи эдик! - қичқирди Малфой, Гаррини Кэтти билан Алисия қучиб олган фурсатда, - Фақат «турқи хунук бўрдоқи» сўзларига қиёфа топа олмадик. Тушуняпсан-ми, биз унинг онасини ҳам эслаб ўтмоқчи эдик...

- Мана сизларга ютқазиб алами, - жирканч қараб қўйди Ангелина Малфойга.

- ... «омадсиз рўдапо»га, яъни отаси ҳақидаги сўзларга ҳам, афсуски қофия топилмади...

Гаррининг қўлини сиқиб турган Фред билан Жорж кутилмаганда гап нима ҳақида бораётганини фаҳмлаб қолишди. Иккаласи тараша бўлиб, Малфой томон кескин бурилди.

- Керак эмас! - қичқирди Ангелина Фреднинг қўлини маҳкам ушлаб, - Тек қўйинг, чийилласа чийиллаб олсин. Кўрмаяпсиз-ми, ютқазиб қўйганидан ёрилиб кетяпти-ку, ярамас митти.

- ... лекин сен ёқтирасан-ку, ўша ифлос оилани, тўғрими, Поттер? Таътилни уларникида ўтказасан, а? Уларнинг бадбўй ҳидига қандай бардош бера оласан, ҳайронман. Модомики, сен маглар орасида ўсган экансан, Уэслиларнинг хароба ўйчаси сенга жаннатдай кўринаётган бўлса, ажаб эмас...

Гарри Жоржни ушлаб қолишга улгурди. Фредни Ангелина, Алисия ва Кэтти биргалашиб, аранг ушлаб туришибди. Малфой эгизакларга қараб, тишининг оқини кўрсатди. Гарри Роланда Трюк хоним томон қараб қўйди, лекин у ҳамон Тажовузкор билан ман этилган зарба бергани учун Краббени сўкиш билан овора.

- Ёки сенга, Поттер, - давом этди аста орқага чекинаётган Малфой, мурдор иршайганча, - Онангинг ўйидаги қўланса ҳид ёдиндан чиқмаётгани боис, Уэслиларнинг бадбўй чўчқахонаси илиқ хотиралар бағишлайди-ми?...

Гарри Жоржни қандай қўйиб юборганини эслай олмайди-ю, сония ўтмай, иккаласи Малфойга ташланганини аниқ билади. Ҳамма нарсани, хусусан, атроф ўқитувчиларга тўла эканлигини унутиб юборган Гарри фақат бир нарсани, у ҳам бўлса, Малфойнинг жонини имкон қадар қаттиқ ва кўп оғритишни истади. Сеҳрли таёқчани чиқаришга вақт йўқ ва шу боис, жамики кучини ишга солиб, Тилла чаққон тутган қўли билан Малфойнинг қорин соҳасига кучли зарба берди...

- Гарри! ГАРРИ! ЖОРЖ! БАС ҚИЛИНГ!

Гарри қизларнинг чириллашини ҳам, жони оғриётган Малфойнинг дод деб бақираётганини ҳам, Жорж ўқиётган афсунларни ҳам, Трюк хонимнинг ҳуштагини ҳам, намоишгоҳлардаги халойиқнинг портлаб кетгандай янграган айюҳанносини ҳам эшитмоқда-ю, эътибор қаратгани йўқ. Кимдир келиб, «Редукто!» деб қичқиргунга қадар Малфойни абжағини чиқариб ташлашга уринганча, ураверди, ураверди.

- Нима қиляпсан? Мингдевонага тўйиб олдингми, нима бало?! - қичқирди Роланда Трюк хоним. Гарри аста ўрнидан турди. Афтидан, унга нисбатан Сочиб ташлаш афсуни бир қўлида ҳуштак, бир

қўлида сеҳрли таёқчасини ушлаб олган Трюк хоним қўллаган кўринади. «Чақмоқ» ерда, сал нарида ётибди. Бурни пачақ бўлиб, итдай инграётган Малфой ҳам, ерда илондай кулча бўлиб ётибди. Жоржнинг лаби шишиб кетган. Учала қиз ҳали ҳам Фредни қўйиб юборишгани йўқ. Орқада эса Краббе аҳмоқона ҳиринглаб турибди.

- Бундай хулқ-атворни ҳаётда кўрганим йўқ! Қасрга! Иккаланг! Тўғри коллеж мудирининг ҳузурига! Нега қаққайиб туришибсан? Тез!

Оғир пишиллаётган Гарри билан Жорж пошналарида шартта бўрилиб, қатъий қадам ташлаганча, ўйин майдонини тарк этишди. Иккаласидан бирортаси ҳам бирон оғиз сўз айтмади. Халойиқнинг олқишлари тобора пасайиб, фақат иккаласининг қадами янграган вестибюлга киришгандагина эшитилмай қолди. Гарри Малфойнинг жағига берилган зарбалардан кўкариб кетган ўнг қўлининг кафтида нимадир питирлаётганини ҳис этиб, халос бўлишга уринаётган Тилла чаққоннинг митти кумуш қанотлари бармоқларининг орасидан чиқиб турганини кўрди.

Коллеж мудир хонасининг кириш эшигига яқин қолганда орқада келаётган профессор Макгонагаллнинг қадами эшитилди. Йўлакда келар экан, профессор титраётган қўли билан гриффиндорчилар шарфини тортиб бўйнидан ечишга уринмоқда.

- Хонага! - дарғазаб оҳангда буюрди Макгонагалл, эшикка имо қилиб.

Гарри билан Жорж ичкарига киришди. Профессор Макгонагалл ёзув столи ортига ўтиб, болаларга юзланиб турди-да, ғазабдан титраб, қўлидаги шарфни полга улоқтириб юборди.

- Хўш? - гап бошлади у, - Бу қанақанги жирканч қилиқ бўлди, а? Бир кишига икки кишилашиб-а! Қани, тушунтириш беринг-чи!

- Малфой найранг ишлатиб, бизни йўлдан оздирди, - ёлдиради Гарри.

- Найранг ишлатди? - кичқирди профессор Макгонагалл, қулочкашлаб столга мушт солганча.

Катак-катак нақшли тунука банка ағанаб, ичидан тритон шаклидаги, занжабил мойида тайёрланган печенье тўкилди.

- Ахир у ютқазди, шундай эмасми? Сизларни йўлдан оздириб, қоидабузарлик қилишга мажбур қилиши табиий ҳолат-ку! Бироқ у нима дедик, икки кишилашиб урдингиз...

- У менинг ота-онамни ҳақорат қилди, - ўшқирди Жорж, - Гаррининг онасини ҳам.

- Сизлар эса Роланда Трюк хонимга бу ҳақда маълум қилиш ўрнига, маглар қўллайдиган жирканч мушшлашувни бошладингиз, шундайми? - ўкирди профессор Макгонагалл, - Умуман, тасаввур қиялпсиз-ми...

- Ўхў-ўхў.

Гарри билан Жорж кескин ўгирилиб қаради. Остонада эгнига яшил тусли твид плаш кийган ва энди чиндан ҳам йирик бақадан фарқи қолмаган Долорес Амбриж кўринди. Унинг кулгиси Гаррининг онгида муқаррар бахтсизликдан далолат берадиган аломат билан аллақачон уйғунлашиб бўлган. (Твид (ингл. tweed) – чўзилувчан, оғирлиги ўртача, юмшоқ, тукли, одатда астарбоп (бўртма қия йўлли) тўқиладиган жун газлама. Олачипор, мулина ва аксарият ҳолларда рангдор тугунчали турлари).

- Сизга ёрдам керак эмасми, профессор Макгонагалл? - ўта сертакаллүф-мулойим овоз-ла, хуриллади профессор Амбриж.

Профессор Макгонагаллнинг юзи чўғдай қизариб кетди.

- Ёрдам? - бўғиқ овозда сўради у, - Яна қанақанги «ёрдам»?

Кулгисини қўймаган профессор Амбриж ичкарига бир неча қадам босди.

- Назаримда, ҳокимият вакилининг ёрдами сизга халал бермайди.

Агар ҳозир профессор Макгонагаллнинг бурун катакларидан учқун отилиб чиққанда, Гарри мутлақо ҳайрон бўлмас эди.

- Янглишяпсиз, - вишиллади у, Амбрижга орқа ўгириб, - Энди сиз иккалангиз, сўзларимга диққат билан қулоқ тутинг. Малфой сизларни қандай қилиб ва нима билан йўлдан оздиргани мени

зиғирдай бўлсин, қизиқтирмайди. Агар оила аъзоларингизнинг ҳаммасини истисносиз санаб чиқиб, ҳақорат қилган бўлса ҳам! Жуда ёмон хулқ намоён этдингиз! Ҳар бирингизга бир ҳафтадан жазо тайинлайман! Менга бундай қарама, Поттер! Хизматингга яраша насибангни оляпсан! Агар сизлар қачон бўлишидан қатъи назар...

- Ўҳў-ўҳў.

Профессор Макгонагалл борки бардошини ёрдамга чақираётган каби, кўзини юмиб олиб, яна профессор Амбрижга юзланди.

- Хўш?

- Назаримда улар, меҳнат жазоси эмас янада қатъийроқ жазога лойиқ, - фикр билдирди Амбриж, оғзини икки томон мисли кўрилмаган даражада кенг ёйиб.

- Бироқ афсуски, - деди кўзи катта очилиб кетган профессор Макгонагалл, худди ияги оғриётган кишининг юзи буришиб кетгани каби, жавобан кулиб, - Бу болалар менинг тасарруфимдаги коллежда таҳсил кўришади. Бинобарин, мазкур ҳолатда менинг қарорим устувордир.

- Ҳурматли Минерва, - сайради профессор Амбриж, - Менинг фикр-мулоҳазаларим ҳам катта аҳамият касб этишини ҳозир тушуниб етасиз. Қаерда эди-я? Корнелиусдан ҳозиргина етиб келган эди... айтмоқчиман-ки, - сохта хандон отиб, сумкасини титкилади у, - Вазир менга ҳозиргина... ҳа, мана...

У сумкасидан пергамент варағини чиқариб, ёзди-да, ўқиб эшиттиришдан олдин томоқ қириб олди:

- Ўҳў-ўҳў... «Йигирма бешинчи сонли таълим тўғрисидаги декрет».

- Йўқ, фақат бу тарзда эмас! - қичқирди профессор Макгонагалл.

- Нега энди? - мурдор кулгисини қўймади Амбриж, - Ваҳоланки, Минерва, айнан сизнинг шарофатингиз ила бизга қўшимча тузатишлар кераклигини англаб етдим... Сиз эмасми, «Гриффиндор» квидиш жамоасининг фаолиятини қайта тиклашни истамаганимда, менга ўчакишиб, қарши чиққан? Сиз Дамблдорга мурожаат қилдингиз ва унинг қийин-қистовлари ила, ушбу жамоага ўйинни давом эттиришга руҳсат берилган эди. Бундай вазият мен учун йўл қўйиб бўлмас ҳолат. Бунини тушунасиз, деган умиддаман. Шу боис, мен зудлик билан вазирга мурожаат йўлладим. «Хогварц»нинг бош инспектори мактаб ўқувчиларини ҳар қандай имтиёزلардан маҳрум қилиш ваколатига эга бўлиши лозимлиги, акс ҳолда унинг, яъни менинг ваколатим оддий ўқитувчининг ҳақ-ҳуқуқидан мутлақо фарқ қилмаслигига доир таклиф ва мулоҳазаларим вазир томонидан тўла-тўқис қўллаб-қувватланди. Шундай экан, Минерва, ўйлашимча энди тушуниб етдингиз, нима сабабдан мен, ушбу жамоанинг фаолияти тикланишига қаршилиқ кўрсатишга уринганимни, тўғрими? Ниҳоятда ёмон хулқ... Даставвал киритилган тузатишни ўқиб эшиттиришга ижозат бергайсиз... Ўҳў-ўҳў...

«Мазкур декретга асосан «Хогварц»нинг бош инспектори рад қилиб бўлмайдиган ваколатга эга бўлиб, унга мактаб ўқувчиларини ҳар қандай жазога тортиш, уларга нисбатан тегишли санкциялар қўллаш, муқаддам берилган имтиёزلардан маҳрум қилиш, шунингдек, ўқитувчилар таркиби томонидан зикр этилган жазо, санкция ва имтиёзлар юзасидан чиқарилган қарорларни бекор қилиш ҳуқуқи берилади. Имзо. Корнелиус Фуж, сеҳргарлик вазири, Биринчи даражали Мерлин ордени ва ҳ.».

Кулгисини қўймаган Амбриж пергаментни ўраб, сумкасига яширди.

- Демак... Ушбу ўқувчиларга квидиш ўйинини умрбод ман этишни ўз бурчим, деб биламан, - ҳикмат қилди у, бақа кўзини дам Гарри, дам Жоржга олиб ўтар экан.

Гарри қўлидаги Тилла чаққон қутуриб кетаётгандай типирчилаётганини ҳис этди.

- Ман этиш? - сўради Гарри, ғалати, худди узоқдан эшитилаётган овозда, - Квидиш ўйнашни?...

Умрбод?...

- Худди шундай, мистер Поттер. Фикримча, фақат умрбод тақиқларгина сизнинг хулқингизга ижобий таъсир ўтказа олади.

Сўзлар маъноси Гаррининг онгига аста секин етиб бораётганини диққат билан кузатиб турган Амбрижнинг кулгиси янада кенгайиб кетди.

- Мистер Жорж Уэслининг хулқига ҳам. Бундан ташқари, хавфсизлик нуқтаи назаридан, унинг эгиз акасига ҳам ман этилади. Агар жамоа аъзолари тўхтатиб қолмаганида, шубҳа йўқ-ки, у ҳам қўшилишиб, мистер Малфойга ҳамла қилган бўлар эди. Табиийки, уларнинг супургилари мусодара қилинишини талаб этаман. Кўрсатмаларим ижросини таъминлаш мақсадида, ушбу супургилар шахсан менинг ихтиёримда, хизмат хонамда сақланиши шарт. Бироқ профессор Макгонагалл, мени ҳаддан ортиқ қаҳри қаттиқ, деб топмаслигиз учун, - давом этди у, нигоҳи ила Амбрижни тешаётган ва худди муздан кесиби ясалгандай қилт этмай турган профессор Макгонагаллга мурожаат қилиб, - Жамоанинг қолган аъзолари ўз фаолиятини давом эттириши мумкин. Уларнинг хулқ-атворида идора этиб бўлмайдиган тажовузни пайқамадим. Хўш... Бор гап шу. Ҳаммага хайрли кун.

Ўзидан ўзи фавқулудда мамнун Амбриж фожиали жимжитликни қолдирганча, хонани тарк этди.

\*\*\*

- Ман этишди, - ифодасиз такрорлади Ангелина, умумий меҳмонхонада оқшом маҳал йиғилиб ўтиришар экан, - Ман этишди. Сайёдсиз, Уриб қайтарувчиларсиз қолдик... Хўш, энди нима қиламиз?

Бугунги ғалаба қувончидан асар ҳам қолмади. Қаёққа қарама, ҳамма жойдан Гаррига маъюс ёки дарғазаб нигоҳлар қаратилган. Жамики жамоа бахтсиз қиёфа касб этиб, ҳурпайиб олганча, камин ёнида ўтирибди. Фақат Рон йўқ. Ўйин тугагандан буён уни ҳеч ким кўрмади.

- Адолатсизлик, - деди Алисия, бўғиқ овозда, - Краббе-чи? Ахир у Тажовузкорни ҳуштак янграганидан сўнг, улоқтирди-ку! Унга ҳам ман этилди-ми?

- Йўқ, ман этилмади, - маълум қилди, Гермiona билан бирга Гаррининг икки ёнида ўтирган Жинна, - Жазо тариқасида жумлалар ёзар эмиш. Бу ҳақда кечки овқат маҳалида Монтегю хандон отиб эълон қилди.

- Фредни-чи, унга нима учун ман этилди? У умуман ҳеч нима қилмади-ку! - нафрат-ла хитоб қилди Алисия, ўзининг беайб тиззасига мушт қўйиб.

- Ҳеч нима қилмаганликда мен айбдор эмасман, - деди Фред, юзи ёвуз қиёфа касб этиб, - Агар учалангиз ушлаб қолмаганингизда, ўша жирканч илонваччани шунақанги дабдала қилган бўлар эдим-ки, ундан нам жой қолган бўлар эди холос.

Гарри қоп-қора деразага умидсиз қаради. Кўчада қор ёғмоқда. Тилла чаққон умумий меҳмонхона ичида гир айланиб, учиб юрибди. Ҳамма, худди гипноз таъсирида қолгандай, тўпча ҳаракатини кузатиб ўтирибди. Уни ушлаб олишга уринган Маймоқоёқ аҳён-аҳён креслога чиқиб, юқорига сакраб қўймоқда.

- Ётаман, - эълон қилди Ангелина, аста ўрнидан туриб, - Қани энди эртага буларнинг бари туш бўлиб чиқса-ю, уйғониб, ҳали ҳатто ўйин ўтмаганини билсам.

Бироздан сўнг, унинг ортидан Алисия билан Кэтти ҳам турди. Яна бирмунча вақтдан кейин эгизаклар қўзғалиб, ҳаммага бадқовоқ қараб қўйганча, ётоқхона томон равона бўлишди. Жинна ҳам ухлагани кириб кетди. Камин ёнида фақат Гарри билан Гермionaгина қолди холос.

- Ронни кўрмадинг-ми? - аста сўради Гермiona.

Гарри бош чайқади.

- Кўзимизга кўринмай бекиниб олган, шекилли, - фикр билдирди Гермiona, - Нима деб ўйлайсан, қаерга...

Шу пайтда портрет ғичирлаб, туйнукда юзи оқариб, сочи қор босган Роннинг боши кўринди. Гарри билан Гермионани кўргач, турган жойида серрайиб қолди.

- Қаерда юрибсан? - хавотирланиб бақирди Гермиона, ўрнидан сакраб туриб.

- Сайр қилдим, - пўнғиллади эгнидаги спорт кийимини ҳалигача ечмаган Рон.

- Шалаббо бўлибсан-ку! Кел бу ёққа, ўтир!

Гарри томон қарамасликка уринган Рон камин ёнига келиб, ўзини Гарридан узоқроқ жойлашган креслога ташлади.

- Мени кечиринглар, - ғудуллади у, оёғи остига қараб.

- Қайси гуноҳинг учун? - сўради Гарри.

- Квидиш ўйнашни биламан, деб, ўзимга ҳаддан ортиқ бино қўйиб юборганим учун. Эртага эрталаб жамоа аъзолигидан чиқариб ташларини сўраб, ариза бераман.

- Агар сен шу ишни қилсанг, жамоада атиги учта ўйинчи қолади, - истехзоли оҳангда жавоб қайтарди Гарри.

Рон ҳеч нимани тушунмай, дам Гарри, дам Гермионага қараб ўтирди.

- Менга квидиш ўйнашни умрбод тақиқлаб қўйишди. Фред билан Жоржга ҳам.

- Нима? - сўради Рон, нафаси бўғилиб қолиб.

Бўлиб ўтган ҳодисаларни такрор сўзлаб беришга Гаррининг мадори йўқлиги боис, бор гапни Гермиона айтиб берди. Буларнинг барини эшитган Роннинг кайфияти баттар бўлди.

- Ҳаммасига мен айбдорман...

- Малфойга ташланишга мени сен мажбур қилганинг йўқ, - баджаҳл оҳангда гапни бўлди Гарри.

- ... агар мен ёмон ўйнамаганимда...

- ... ўйинингнинг дахли йўқ, бу ишга.

- ... агар мен, анави қўшиқ туфайли шалпайиб қолмаганимда...

- ... бундай қўшиқдан сенинг ўрнингда бўлган ҳар қандай киши шалпайиб қолиши муқаррар эди.

Баҳсда иштирок этмаслик учун Гермиона ўрнидан туриб, дераза ёнига борди-да, ҳавода айланаётган қор учқунларини томоша қилди.

- Хуллас, бас қилгин, хўпми? - бақариб берди Гарри, - Шундоқ ҳам кайфият зўр эмас. Камини сен, айборлик ҳиссинг билан тўлдиряпсан.

Рон жавоб бермади. У коржомасининг ҳўл этагига қараб ўтириб, вақт ўтгач, маъюс фикр билдирди:

- Ҳали ўзимни бу қадар ёмон ҳис этмаган эдим.

- Давраимизга хуш келибсан, - аччиқ қилди Гарри.

- Назаримда, - деди Гермиона, бироз титроқ эшитилган овози билан, - Сизларни нима билан хурсанд қилишни биламан.

- Бунга ишончинг комилми, - боз истехзо қилди Гарри.

- Ҳа, - деди юзи кулгидан яшнаб кетган Гермиона, қор учқунларининг оқ холлари қамраб олган қоп-қора ойнага тескари ўгирилиб, - Хагрид қайтибди!

## **ЙИГИРМАНЧИ БОБ. ХАГРИДНИНГ ҲИКОЯСИ**

Гарри ётоқхонага, кўринмас плаши ва Кафандузд харитасини олиб чиқишга ошиқди. У шунчалик тез қайтдики, қизлар ётоқхонасидан бўйнига шарф ўраб, қўлига бошмалдоқли қўлқоп тақиб, ўзи тўқиган дўппилардан бирини бошига кийиб чиққан Гермионани бутун бошли беш дақиқа кутишга тўғри келди.

- Нима чиқиллайсан? - деди Роннинг бетоқат бўлиб тил тақиллатишини эшитган қиз, ўзини оқлаб, - Кўча совуқ ахир.

Учовлон портрет тўсган туйнукдан чиққан ҳамоно, устига кўринмас плаш ташлаб олиб, кўп сонли зинапоялардан шовқин солмай, аста секин пастга туша бошлади. Роннинг бўйи шу қадар ўсиб кетибдики, оёғи плаш этагидан чиқиб қолмаслиги учун эгилиб юришига тўғри келди. Улар баъзида тўхтаб, Кафандуз д харитаси воситасида Филч билан миссис Норрис айна вақтда қаерда изғиб юришганини текшириб боришди. Болаларнинг омади юришди. Хаёли қочиб, ниманидир хиргойи қилганча, йўлакда сузиб юрган Деярли Бошсиз Никдан ташқари, уларга ҳеч ким учрамади. Арвоҳнинг хиргойиси нимаси биландир «Уэсли – қиролимиз»ни эсга солди. Вестибюлдан ўғринча юриб ўтган Гарри, Рон ва Гермiona қор босиб, сукунат қарор топган қоронғи ҳовлига чиқишди. Гарри Хагриднинг кулбаси, хусусан тилла тус бериб кўринаётган тўғри бурчакли деразасини кўриб, қувониб кетди. Рон билан Гермiona бир-бирига туртилиб-суртилиб, қадамини тезлатган Гаррининг ортидан базўр пилдираб боришмоқда. Оёқ остидаги қор ғарч-ғарч эзилмоқда. Ниҳоят кулбага етишгач, Гарри ёғоч эшикни уч бор мушти билан тақиллатди. Ичкаридан ит акиллаши эшитилди.

- Хагрид, эшикни оч, бу биз, - бақирди Гарри, қулф тешигига.

- Ким келгани тушунарли, албатта. Сизлардан бошқа яна ким ҳам келиши мумкин! - эшитилди хириллаган овоз, - Уйга қайтганимга ҳали уч сония бўлгани йўқ, етиб келишди... қоч, Сўйлоқтиш... қоч дедим сенга, тентак кўппак...

Хагриднинг овозидан хурсандлигини фаҳмлашган плаш остидаги болалар, яшнаб кетиб, бир-бирига қараб қўйишди. Лўкидон шақирлаб, ғичирлаб очилган эшик тирқишида Хагриднинг бароқ боши кўриниши билан Гермiona бақириб юборди.

- Э, жим!... Мерлин соқоли! - дўқ урди Хагрид, юқоридан қараганча, болаларни қидириб, - Нима бало, устингизга плаш ташлаб олганмисиз? Киринглар, ичкарига кириглар!

- Узр! - чуқур нафас чиқарди Гермiona, учаласи ичкарига кириб, плашни ечгач, - Мен шунчаки... Вой-бўй, Хагрид! - даҳшат ила қараб қолди қиз.

- Ҳеч қиси йўқ, эътиборга арзигулик нарса эмас! - тинчлантирган бўлди Хагрид, парда тортиш учун дераза томон ошиқиб.

Қўйилиб қолган қон Хагриднинг пахмоқ сочини қамраб олиб, бироз эзиб қўйган. Шишиб кетган чап кўзи кўплаб бинафша-қора рангли моматалоқлар орасида базўр кўринаётган тор тирқишга айланиб қолибди. Тимдаланган юз-қўлининг баъзи жойларидан қон сизиб чиқмоқда. Хатти-ҳаракати эҳтиёткорона кечаётганидан эса бир-иккита қовурғаси синганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлаверади. Курси устига қора рангли қалин сафар плаши ташлаб қўйилгани, эшик ёнида ичига жуссаси Гаррининг жуссасидай келадиган беш-олти нафар бола сиғадиган даражада катта юк халтаси турганига қараганда, чиндан ҳам, кулбага эндигина кириб келган кўринади.

Сўйлоқтиш атрофда гир айланиб, меҳмонлардан бирортасининг юзини ялаб олишга уринмоқда. Хагрид эса каловланганча ўчоқ олдига бориб, олов устига мис чойнак осди.

- Сенга нима қилди, Хагрид? - талаб оҳангида сўради Гарри.

- Айтдим-ку, эътиборга арзигулик нарса эмас, деб, - қатъий оҳангда жавоб қайтарди Хагрид, - Чой ичасизлар-ми?



- Қўйсанг-чи, Хагринд, - деди Рон, - Башарангга бир қара!

- Ишлар жойида, менга эътибор қаратманг, - деди Хагринд, қаддини ростлаганча, болаларга юзланиб.

У қулиб қўймоқчи ҳам бўлди-ю, оғриқдан шу заҳоти юзи буришиб кетди.

- Сизларни соғ-саломат кўрганимдан қанчалик хурсанд бўлаётганимни билсангиз эди!... Ёз қалай ўтди, маза қилдингиз-ми?

- Хагринд, сени кимдир роса дўппослаган! - баёнот қилди Рон.

- Сўнгги бор айтяпман, эътиборга арзигулик нарса эмас, - ўшқирди Хагринд.

- Агар бирортамининг юзимиз ўрнида котлет бўлганида ҳам, эътиборга арзигулик нарса эмас дермидинг? - эътироз-ла хитоб қилди Рон.

- Хагринд, зудлик билан Помфри хонимнинг ҳузурига боришинг керак, - деди Гермiona хавотирланиб, - Сен айтган арзимас жароҳатларнинг кўриниши яхши эмас.

- Нима қилишни ўзим биламан, хўпми? - мавзунни ёпди Хагринд.

У хона ўртасида турган каттакон ёғоч стол ёнига борди-да, устига ёзилган сочиқни олиб, бир четга ташлади. Стол устида яшил парда қолаб, қон томчилаётган, ўлчами автомобиль покришкасидай келадиган хом гўшт бўлаги кўринди.

- Хагринд, умид қиламан-ки, сен бунга ёмоқчи эмассан, шундайми? - сўради Рон, гўшт устига энгашиганча, тадқиқ қилиб, - Кўринишидан даҳшатдан ўзга нарса эмас.

- Аждар гўшти-ку, бу, - жавоб берди Хагринд, - Уни егани олиб келганим йўқ.

У кўндаланг кесилган гўшни олиб, юзига босди. Соқолига яшил тусли қон жилғаси оқиб тушган Хагринд энгил тортиб, инграб қўйди.

- Қандай яхши, - деди у, - Ҳеч бўлмаса, ачишмай қўйди-ку.

- Қаерларга борганингни айтасанми? - сўради Гарри.

- Йўқ, айта олмайман, мумкин эмас. Ўта махфий ахборот. Айтадиган бўлсам, ҳамма иш барбод бўлади.

- Сени гигантлар дўппослади-ми? - аста сўради Гермiona.

Хагринднинг бўшашиб кетган бармоқлари орасидаги гўшт кўкрагига сирпаниб тушди-ю, бел тасмасининг қиррасига етиб бормай яна илиб олиниб, Хагринднинг юзига ёпишиб қолди.

- Гигантлар? - довдиради Хагринд, - Ким айтди сенга? Ким билан гаплашдингиз бу ҳақда? Ким айтди, мен... Қаерга кетганимни?... А?

- Ўзимиз фаҳмлаб олганмиз, - деди Гермiona, узр оҳангида.

- Шунақами?! Фаҳмлаб олдик, денг? - ўшқирди Хагринд, соғ қолган кўзи ила болаларга ўқрайиб.

- Умуман айтганда, биров айтмаса ҳам, бунга башарангдан ўқиб олса бўлади, - фикр билдирди Рон.

Гарри маъқуллаб, бош ирғиб қўйди. Хагрид боз ўқрайиб, гўшт бўлагини стол устига ташлади-да, ўчоқда ҳуштак чала бошлаган чойнак ёнига борди.

- Сизга ўхшаган болаларни ҳаётда учратган эмасман! Қаранг-а, билиш мумкин бўлмаган нарсалардан бохабар булар! - пўнғиллади у, зарда ила учта челақсимон кружкага чой қуяр экан, - Бу мақтов эмас. Ҳаддан ортиқ қизиқувчан, доимо бировнинг ишига бурнингизни суқиб юрадигансиз.

Бироқ унинг соқоли сал қимирлаб қўйди.

- Чиндан ҳам гигант қидирдинг-ми? - кулиб сўради Гарри, курсига астойдил жойлашиб.

Хагрид ҳар бир бола олдига биттадан кружка қўйиб, ўзини сўридай келадиган креслосига ташлади-да, гўшт бўлагини олиб, боз юзига босиб олди.

- Ҳа, - тўнғиллади у, - Қидирдим.

- Топдинг-ми? - пичирлади Гермiona.

- Тўғриси айтганда, гигантларни қидириб топиш қийин иш эмас, - деди Хагрид, - Пичан ғарамига тушган игна эмас-ку, улар.

- Хўш, қаерда экан улар? - сўради Рон.

- Тоғли ҳудудда, - мубҳам жавоб қайтарди Хагрид.

- Ундай бўлса, нега маглар?...

- Айнан ўша маглар... - дудмол жавоб берди Хагрид, маъюс оҳангда, - Фақат уларни бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлишмоқда, деб эътироф этиш қабул қилинган.

У гўшт бўлагини жойидан қўзғатиб, қонталаш бўлиб кетган юзининг энг мудҳиш қисмини тўсиб олди.

- Хагрид, сенга нима қилганини айтиб берсанг-чи! - хитоб қилди Рон, - Агар гигантлар сени қандай дўппослаганини айтиб берсанг, Гарри сенга дементорлар ҳамласи ҳақида айтиб беради...

Чойга тиқилиб қолган Хагрид қулқуллаганча, атрофга чой сачратиб йўтала бошлади. Қўлидаги гўшт бўлаги эса столни яшил қонга белаб, шалоплаганча полга тушди.

- Дементорлар ҳамласи, деганинг нима бўлди? - ниҳоят увиллади у, йўталини базўр босиб олгач.

- Ҳали хабаринг йўқми? - сўради, кўзи катта очилиб кетган Гермiona.

- Қандай бохабар бўлай? Сафарга чиқиб кетган кунимдан буён дунё бехабар юрибман. Махфий топшириқ билан кетган бўлсам! Ортимдан бойқушлар изма-из қувиб юришадиган бўлса, махфийлиги қоладими, ўша топшириқнинг?... Вой лаънати дементорлар-е! Ростдан ҳам ҳамла қилишди-ми, сенга?

- Рост-рост. Литтл Уиннинг шаҳарчасида пайдо бўлиб, мен билан холаваччамга ҳамла қилишди. Кейин эса сеҳргарлик вазирлиги мени мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлатиб юборди...

- НИМА?!

- ... бундан ташқари, мени халқаро битим талабларини қўпол равишда бузганликда айблашиб, ишим, интизомий жиҳатдан, Оқил Суд мажлисининг тўла таркиби томонидан муҳокама қилинди.

- Сени мактабдан ҳайдаб юборишди-ми?

- Аввал сен айтиб бер, ёзни қандай ўтказганингни.

Хагрид соғ кўзи билан яна ўқрайди. Гарри эса айбсиз қиёфа ясаб, дарғазаб нигоҳни дадил қарши олди.

- Ҳай, майли, сизлар енгдингиз, - таслим бўлди, энгашиб, Сўйлоқтишнинг оғзидан аждар гўштини тортиб олган Хагрид.

- Вой, Хагрид, нима қиляпсан, - эътироз билдиришга уринди Гермiona, - Ахир бу гигиена қоидаларига тўғри кел...

Бироқ гўштни юзига ёпиштириб олган Хагрид чойдан хўплаб олиб, ҳикоясини бошлади.

- Хуллас, ўқув йили якунига етиши билан биз йўлга чиқдик...

- Максим хоним билан? - гапни бўлди Гермiona.

- Ҳа, Олимпия иккаламиз, - жавоб қайтарди, юзининг аждар гўшти тўсмаган қисми яшнаб кетган Хагрид, - Таъкидлаб ўтишим керакки, у ҳеч нарсадан қўрқмайдиган довурак аёл бўлиб, бирон-бир қийинчилик унга чўт эмас экан. Фараз қилинг, шундай ўқимишли, баркамол, беназир кийинадиган аёл-а... Ташвиш тортиб юрган эдим: тоққа қандай чиқади-ю, ғорда қандай тунайди, деб. У эса бирон маротаба, бирон нарсадан бўлсин, шикоят қилмади-я!

- Қаёққа бориш, гигантлар қаерда яшашини билар эдингизми? - сўради Гарри.

- Дамблдор билади. У бизга ҳамма нарсани тушунтириб берди.

- Гигантлар бекиниб олишганми? - сўради Рон, - Яширин паногоҳлари борми?

- Яширин, деб ҳам бўлмади, - бош чайқади Хагрид, - Умуман айтганда, гигантлар қаерда яшаши сеҳргарларни у қадар қизиқтирмади. Кўздан нари бўлишса, бас. Лекин уларнинг маконига етиб бориш ҳам осон эмас, одамлар учун. Бинобарин, Дамблдорнинг батафсил йўл-йўриғисиз нобуд бўлар эдик. Манзилга бир ой деганда етиб бордик...

- Бир ой? - ҳайрон бўлди Рон, худди бундай муддат йўл юриш учун бемаъни даражада узоқ кўрингандай, - Нега... портшлюс ёки шунга ўхшаш бирон нимадан фойдаланмадингиз?

Хагрид Ронга қандайдир ғалати, ҳатто ачингандай қараб қўйди.

- Бизни йўл давомида кузатиб боришди, Рон.

- Яъни?

- Тушунмаяпсан-ми? - деди Хагрид, - Вазирлик Дамблдор ва унинг атрофидаги одамлардан кўз-қулоқ бўлиб бормоқда. Шундай экан...

- Бундан хабаримиз бор, - гапни бўлди Гарри, ҳикоянинг давомини эшитишни истаб, - Дамблдор назорат остига олинганини биламиз.

- Демак, сеҳр-жодудан фойдаланмадингиз? - пичирлади ҳайратланган Рон, - Ва йўлни бошидан охиригача магглар усудида босиб ўтдингиз?

- Йўқ, охиригача эмас, - муҳмал жавоб берди Хагрид, - Лекин эҳтиёткорона иш тутишга тўғри келди. Ахир Олимпия иккаламиз кўзга ташланган одамлармиз, ҳар қалай...

Рон ҳам пишқириқ, ҳам ҳиринглаганга ўхшаш аллақандай бўғиқ овоз чиқариб, тез чой хўплаб олди.

- ... бизни кузатиш қийин иш эмас. Оптимизга вазирлик ходимлари орасидан «дум» қўйилганини билар эдик ва шу боис, ўзимизни, шунчаки, икковлашиб саёҳат қилиб юргандай тутдик. Дастлаб Францияга, Олимпия директорлик қиладиган Бэльстэк сеҳр-жоду академиясини кўргани борган бўлдик. Узоқ йўл юрдик. Менга сеҳр-жоду билан шуғулланиш ман этилганини биласиз. Тирноқ остидан кир излаётган вазирликка эса бизни айблаш учун важ-баҳона топилса бас. Лекин вақт ўтиб, бизни таъқиб қилиб юрган бир каллаварамдан ниҳоят Ди-Жон яқинида узоқлашишга муваффақ бўлдик...

- О-о-о, Дижон? - ҳаяжон-ла хитоб қилди Гермiona, - Ёзги таътилда борган эдим. Ажойиб шаҳар! Сизлар кўрдингиз... *(Дижон (фран. Dijon) – собиқ Бургундия герцоглиги, кейинчалик Бургундия вилояти, бугунги кунда эса Франциянинг шарқидаги Кот-д'Ор (Côte-d'Or – Олтин Соҳил) департаменти ва Бургундия минтақасига мансуб асосий шаҳар. Парижга нисбатан жануби-шарқда, 326 км нарида, Кот-д'Орнинг шарқий нишаблигида жойлашган бўлиб, Париж-Лион темир йўлининг асосий пункти саналади).*

Лекин Роннинг юзи касб этган важоҳатни кўрган Гермiona дарҳол унини ўчирди.

- ... кейин биз бироз сеҳр қўлладик... Умуман айтганда, саёҳатимиз ёмон бўлмади. Тўғри, Польша чегарасида бир жуфт троллга дуч келиб қолдик. Аслида тентак, савдойи, деб ўша махлуқларни айтса бўлади. Минскдаги пивохонода эса бир қонхўр билан ёқалашиб қолдим. Йўлнинг қолган қисми силлиқ ўтди. Тайинланган манзилга етгач, гигантлар ва улар қўним топган жой аломатларини қидира бошладик. Бундай жойда ҳар қандай сеҳр-жодуни йиғиштириб қўйишга тўғри келди. Негаки, биринчидан, гигантлар сеҳргарларни хуш кўришмайди, биз эса уларнинг жаҳлини синаб кўришни истамадик. Иккинчидан, Дамблдор Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳам ҳеч шубҳасиз уларни қидириб топишга уриниши ҳақида бизни огоҳлантирган ва гигантлар яқинида, айниқса, Ўлимдан мириқувчилардан бирортаси ўша ерларда изғиб юргани аниқланса, жимгина юришни амр этган эди.

Хагрид ҳикоясини бироз тўхтатиб, чой хўплаб олди.

- Давом эт! - бетоқат бўлди Гарри.

- Хуллас, топдик биз уларни, - давом этди Хагрид, - Тунлардан бирида тоғ тизмасига чиқдик, уларнинг қароргоҳи эса ана, кафтдай кўриниб турибди. Кенг майдонда бир олам гулхан ёниб, атрофида улкан соялар, худди тоғлар ҳаракатланаётган каби, ўралашиб юрибди...

- Ўзи қанақа улар? - пичирлади Рон, - Ўлчамларини назарда тутяпман.

- Ҳар бири йигирма футча келади, - хотиржам жавоб берди Хагрид, - Ўлчами йигирма беш футга етадиган гигантлар ҳам учрайди.

- Кўп эканми? - сўради Гарри.

- Тахминан етмишта, эҳтимол, саксонтадир.

- Шунча озми? - ҳайрон бўлди Гермiona.

- Ҳа, - маъюс бош ирғиди Хагрнд, - Бор-йўқ саксонта. Бир вақтлар улар жуда кўпчилик эди. Дунё бўйича олсак, юздан ортиқ қабиласи бор эди уларнинг. Кўп асрлардан буён қирилик келишмоқда. Айримларини сеҳргарлар ўлдириб юборган бўлса, аксарият ҳолларда, улар ўзларининг бошини ўзлари ейишади. Энди эса гигантлар орасидаги ўлим суръати ниҳоятда ошиб кетган. Уларга тўда бўлиб яшаш ярамайди. Дамблдорнинг сўзларига қараганда, бундай вазиятнинг қарор топишига айнан биз, сеҳргарлар айбдор эканмиз. Чунки гигантлар биз туфайли етиш қийин ўлкалар, нообод жойларда бекиниб олиш, биздан ҳимояланиш мақсадида биргаликда яшашга мажбур бўлишган эмиш.

- Кейин-чи? - сўради Гарри, - Кўрдингиз уларни, кейин нима бўлди?

- Кейин, тонг отишини кутдик, - ҳикоясини давом этди Хагрнд, - Қоронғида тушмаймиз-ку, уларнинг ҳузурига. Соат учларда ҳаммаси ухлаб қолди. Қайси бири қаерда ўтирган бўлса, ўша ерда шартта ёнбошлади-да, ухлади. Биз эса ухлаганимиз йўқ. Биринчидан, улардан бирортаси уйғониб, паногоҳимизга кириб келишидан қўрққан бўлсак, иккинчидан, гигантлар шунақанги хуррак тортишар экан, қўяверасиз. Хуррак зўридан тонгга яқин қор кўчди. Кун ёришиши билан, уларнинг қароргоҳига тушдик.

- Шартта олдингиз-да, тўғри гигантлар лагерига тушдингиз, а? - таъсирланиб кетди Рон.

- Бу ишни қандай бажариш кераклигини Дамблдор тушунтириб берган эди, - деди Хагрнд, - Биринчи навбатда, Гурга армуғон олиб бориш, илтифотлар қилишни амр этган, тушуняпсиз-ми?

- Гург деганинг нима? - тушунмади Гарри.

- Гург – гигантлар тўдасининг бошлиғи.

- Уни бошқалардан қандай фарқлаб олдингиз? - сўради Рон.

- Бу масалада муаммо бўлмади, - жавоб берди Хагрнд, кулиб қўйиб, - Энг йирик, энг хунук ва энг дангаса гигант Гург саналади. Асосий вазифаси, унга бошқа гигантлар така ва шунга ўхшаш бошқа турдаги егулик келтириб, боқшини кутишдир. Исми Каркус экан. Бўйи йигирма икки-йигирма уч футча келади. Вазни бир жуфт етилган филдан оғир. Тери қопламасининг қалинлигини кўрса, каркидонлар ҳавас қилади. Қисқаси, тасаввур эта олдингиз.

- Ва сизлар тўғри ўша махлуқнинг олдига бордингиз? - базўр эшиттириб сўради Гермiona.

- Ҳа-да... Уларнинг қароргоҳи етарлича йирик тўртта тоғ ўртасидаги кўл яқинида жойлашган. Гург ана ўша кўл бўйидаги сойлик ичида ётиб олган. Ёнбошлаб ётган жойида «Мени боқинг, хотинимни боқинг», деб наъра тортгани-тортган. Олимпия иккаламиз қиялик бўйлаб юриб, сойликка туша бошладик...

- Иккалангизни кўришлари ҳамоно, ўлдириш ҳаракатини қилишмади-ми? - сўради кўзи катта очилиб кетган Рон.

- Менимча, улар айнан шундай қилишмоқчи бўлди ҳам, - елка қисди Хагрнд, - Лекин биз айнан Дамблдор тайинлагандек иш тутдик. Ўзимиз билан олиб келаётган армуғонни бошимиз узра баланд кўтариб, бошқа гигантларга эътибор қаратмаган тарзда, Гургнинг кўзига тик қараб

тушавердик. Ҳаммаси тек қотиб, тўда бошлиғининг ҳузурига қай тарзда яқин бораётганимизни кузатиб ўтиришди. Биз эса унинг оёғига қадар етиб бориб, армуғонни олдиға қўйдик.

- Гигантларға, одатда, нима тортиқ қилинади? - қизиқсиниб сўради Рон, - Егуликми?

- Йўқ, егуликни ўзлари топа олишади, - жавоб берди Хагрид, - Уларни сеҳрли нарсалар қизиқтиради. Фақат сеҳр-жоду ўзларига қарши қўлланилишини ёқтирмайдилар холос. Қисқаси, ўша, биринчи бор учрашганимизда, биз унга гўбрейтиан оловининг бир тилини совға қилдик.

- Ростданми! - хитоб қилди Гермиона.

Ҳеч нарсани тушунмаган Гарри билан Рон қовоқ солиб олишди.

- Ниманинг тилини?

- Ўчмас олов тилини, - тушунтириш берди Гермиона, аччиқланиб, - Бунда билишингиз керак! Профессор Флитвик кам деганда икки маротаба айтиб ўтган бу ҳақда!

- Қисқаси, - гапни бўлди Хагрид, Роннинг Гермионага жавоб қайтариш учун оғиз жуфтлаганини кўриб, - Дамблдор сеҳр воситасида яратган мангу олов тилини ҳады этдик. Бундай оловни эса ҳар қандай сеҳргар ҳам ярата олмайди. Мен уни Каркуснинг оёғи остидаги қор устига қўйиб: «Бу Альбус Дамблдорнинг гигантлар Гургига йўллаган армуғони. У сизларға салом айтиб, ҳурматини изҳор этишни тайинлаб юборди», дедим.

- Гург нима деди? - қизиқсиниб сўради бетоқат Гарри.

- Нима ҳам дер эди, англиз тилини билмайдиган бўлса, - жавоб берди Хагрид.

- Йўғе?!

- Йўли топилди, - пинагини бузмай давом этди Хагрид, - Бундай ҳолат юзага келиши мумкинлиги ҳақида Дамблдор огоҳлантирган эди бизни. Лекин Каркус ниманидир фаҳмлади шекилли, тилимизни чала-чулпа биладиган гигантларни олдиға чорлади. Улар мен айтган сўзларни таржима қилиб беришди.

- Совға ёқди-ми, унга?

- Бўлмаса-чи! Нима олиб келганимизни тушуниб етишганидан кейин, шунақанги шовқин кўтарилди-ки, - деди Хагрид, юзига гўштнинг тескари томонини босиб, - Шундан сўнг, мен унга: «Альбус Дамблдор Гургдан ўз вакили билан эртага, бошқа совға билан қайтганда гаплашишни илтимос қилди», дедим...

- Нега энди ўша куннинг ўзида гаплашиб олмадинг? - тушунмади Гермиона.

- Дамблдор бу масалада шошқалоқликка йўл қўймасликни тайинлаган эди, - тушунтирди Хагрид, - Сўзимизда туришимизга ишонч ҳосил қилишлари керак экан. Модомики: «Эртага бошқа совға билан қайтамиз» дедик-ми, демак шундай қилиш керак. Ана шунда яхши таассурот қолдирган бўламиз, тушунарлими? Вақт ҳам бериш керак уларға, биринчи совғани амалда текшириб, синовдан ўтказиб кўришлари, чиндан ҳам у, яхши нарса эканлигини англаб етишлари ва ўхшаш армуғонга яна эга бўлишни истаб қолишлари учун. Умуман айтганда, ўша Гургилар шунақа бўлади: бирон-бир тушунарсиз нарса билан келадиган бўлсанг, шартта олишади-да, хиралик қилавермаслигинг учун пашшани эзиб ўлдиргандай пачоқингни чиқариб юборишади-қўйишади.

Бинобарин, у билан хайрлашганча, таъзим қилиб, кўздан нари кетар эканмиз, тезроқ туёқни шиқиллатиб, дурустроқ ғор топишга аҳд қилдик. Тунни ўтказиб, яна қайтиб борганимизда, Каркус йўлимизга қараб ўтирган экан.

- Гаплашиб олишга муваққат бўлдингиз-ми?

- Ҳа. Фақат олдин биз унга гоблинлар маҳсулоти – жанговар, тешилмас зирхли дубулға ҳадя этдик. Шундан сўнггина, ўтириб гаплашдик.

- Хўш, нима деди у?

- Кўп гапиргани йўқ. Асосан тинглади. Лекин умид боғласа бўладиган сўзлар ҳам айтди. Дамблдор ҳақида эшитгани, Британиянинг сўнгги гигантлари қириб битирилишига қарши курашганидан бохабарлигини айтиб, ҳатто Дамблдор нималар тайинлаб юборганига ҳам қизиқиш билдирди. Бошқа гигантлар ҳам, айниқса, тилимизни тушунадиганлари яқинроқ келиб, суҳбатимизга қулоқ тутишди. Ўша куни биз мамнун қайтиб, эрталаб янги совға билан қайтишни ваъда қилдик. Бироқ ўша тунда барча ишларимиз зое кетди.

- Қанақасига зое кетади? - ҳайрон бўлди Рон.

- Айтдим-ку, гигантларга тўда бўлиб яшаш ярамайди, деб, - маъюс жавоб қайтарди Хагринд, - Табиат қонунига қарши ҳеч ким, ҳеч нарса қила олмайди. Қўлидан келадиган иши – бир-бирини ўлдириш. Доимо жанг қилишади. Эркаклари ҳам, аёллари ҳам, муқаддам бошқа қабилада яшаганлари ҳам, бир-бирини бўғизлагани-бўғизлаган. Егулик талашиб, гулхан ёнидаги жой учун олишиб, ҳатто ётадиган ўрин учун ҳам жон олиб, жон беришади. Кўриб, билиб туришибди, озчилик қолишганини, шуни тушуниб етиб, бас қилиш ўрнига, йўқ...

Хагринд оғир хўрсиниб қўйди.

- Ўша тунда тўдада ҳақиқий жанг бўлиб ўтди. Биз юқорида, ғор яқинида туриб, бундай аянчли аҳволга ўзимиз шоҳид бўлдик. Узоқ, бир неча соат давом этган қирғин-барот кураш бўлди. Шундай шовқин кўтарилдики, ақлдан озасан киши. Тонг отганида қор қип-қизариб кетгани, унинг калласи эса кўл тубида ётганини кўрдик.

- Кимнинг калласи? - оҳ урди Гермiona.

- Кимнинг бўлар эди, Каркуснинг-да, - деди Хагринд, маъюс оҳангда, - Қабилага эса энди Голгопат исмли янги Гург бошлиқ бўлиб олган.

Хагринд янада оғир хўрсиниб қўйди.

- Икки кун давомида эски Гург билан оппоқлик қилгач, энди янги Гург ҳузурига армуғон билан бориш ғалати-хавфли кўринди-ю, бизга қулоқ тутишига шубҳа қилсак-да, илож қанча, уриниб кўриш керак эди.

- Хавфли бўлса ҳам, гаплашгани тушдингиз-ми? - хитоб қилди Рон, ўз қулоғига ўзи ишонмай, - Бошқа гигантнинг бошини узиб ташлаган бўлса ҳам-а?

- Айтдим-ку, илож қанча, деб, - елка қисди Хагринд, - Тушдик, албатта. Ахир шунча вақтни нега сарф этдик? Икки кун гаплашиб, уйга қуруқ қайтиш учунми? Каркусга аталган армуғонни олдик-да, янги Гург ҳузурига тушдик. Бироқ ҳали оғиз жуфтлашга улгурмай, ҳаракатимиз бекор эканлигини англаб бўлдим. Танаси улкан, пахмоқ сочи худди тишидек қоп-қора, бўйнига афтидан, одам

суякларидан терилган шода ташлаб олган энг йирик гигант Голгомат Каркусга ҳадыя этилган зирҳли дубулғани бошига кийиб олиб, суллоҳлик-ла иржайиб ўтирибди. Бошқа илож топа олмагач, унинг қаршисига ошланган аждар терисининг бир ўрамини думалатиб ёздим-да, яна ўша, гигантлар Гургига келтирилган армуғонга оид қўшиғимни бошладим... Бир-икки сония ўтар-ўтмас, унинг иккита жангчиси оёғимни осмондан келтирганча, баланд кўтариб олишди...

Гермиона кафтини оғзига босди.

- Вазиятдан қандай чиқа олдинг? - овоз кўтарди Гарри.

- Олимпия бўлмаганида чиқа олмас эдим, - жавоб берди Хагрид, - У сеҳрли таёқчасини шартта чиқарди-да, ўнг-у, сўлга қарата қарғиш қўллай бошлади! Бунақасини ҳали ҳаётда кўрмаган эдим! Анави, мени кўтариб олган иккита гигантнинг кўзига қарата Кўр қилиш қарғиши билан қўйиб юборди. Гупиллаб ерга тушдим. Вазият кескинлашди. Айтдим-ку, гигантлар ўзларига қарши сеҳр-жоду қўлланилишини ёқтирмайди, деб. Тезроқ қочиб қолишга тўғри келди. Энди уларнинг қароргоҳига қайтиб боришни хаёлдан чиқариб юборса ҳам бўлаверади.

- Зўр ишлар бўлиб ўтибди-да, а? - пичирлади Рон.

- Нега бўлмаса уйга қайтишинг бу қадар узоқ чўзилиб кетди, агар сизлар у ерда атиги уч кун бўлган бўлсаларинг? - сўради Гермиона.

- Қанақа уч кун! - эътироз билдирди Хагрид, - Дамблдорга панд беришга қандай журъат этиш мумкин!

- Ахир ўзинг ҳозиргина айтдинг-ку, қароргоҳига қайтиб боришни хаёлдан чиқариб юборса ҳам бўлаверади, деб!

- Кундуз куни, тўғри, қайтиб бориб бўлмас эди. Бошқа режа тузишга тўғри келди. Бир-икки кун ёрда ўтириб, гигантларни кузатдик. Тўғрисини айтиш керакки, яхши нарса кўрмадик.

- Яна бирортасининг калласи ўзиб ташланди-ми? - сўради Гермиона, лабини қимтиб.

- Узиб ташланса ҳам гўрга эди, - пўнғиллади Хагрид.

- Бундан баттар яна нима бўлиши мумкин?

- Кўп ўтмай, Голгомат сеҳргарларнинг ҳаммасини ҳам бирдай хуш кўрмаслигини англаб етдик.

- Ўлимдан мириқувчилар? - дарҳол фаҳмлади Гарри.

- Ҳа, - маъюс тасдиқлади Хагрид, - Икки нафари топилиб келди. Гигантлар қароргоҳига ҳар куни ташриф буюришди, Гургга армуғонлар ташишди. Улар оёғидан осилмади.

- Ўша одамлар Ўлимдан мириқувчилар эканлигини қаердан билдинг? - сўради Рон.

- Чунки улардан бирини таниб қолдим, - ғудуллади Хагрид, - Саллох Волгден Макнейр эсингиздами? Гиппогрифимиз Отбургутни қатл қилгани «Хогварц»га юборилган эди. Лаънати савдойи! Қотилликда Голгоматдан ҳеч ҳам қолишмайди. Шунинг учун иккаласи жуда тез тил топишиб олиб, оғиз-бурун ўпиша бошлашди.

- Демак Макнейр, гигантларни Ўзинг-Биласан-Ким томонга оғдира олди? - умидсиз хитоб қилди Гермиона.



- Мунча ошиқасан, хулоса чиқаришга, а? Гиппогрифларингни бир пас тийиб турсанг-чи, - эътирозла овоз кўтарди Хагринд.

Сўхбат бошида бирон нарса айтиб беришни истамаган Хагринд, энди ўз ҳикоясидан ўзи мириқаётгани аён кўриниб турибди.

- Амалга оширилиши лозим бўлган ишларни Олимпия иккаламиз фикр тарозидан обдан ўтказиб олгач, тегишли хулоса чиқариб, қарор қилдик: майли, Гург Ўзингиз-Биласиз-Ким томон оғса, оғиб кетаверсин. Бундай ҳолат гигантларнинг ҳаммаси ҳам Голгомот изидан боришини асло англамайди. Бинобарин, тарғибот-ёллаш ишларини унинг рақиблари, Голгомотга нисбатан адоват руҳида бўлган гигантлар орасида давом эттириш керак.

- Ундайларни қандай фарқлаб олиш мумкин? - сўради Рон.

- Қийин жойи йўқ. Ундайларни калтаклашгани-калтаклашган, - тоқат ила тушунтира бошлади Хагринд, - Фикри нисбатан соғломлари ўзларини тўдадан нари тутиб, худди биз сингари ёрларда бекиниб юришади. Шу боис, тунги вақтда форма-ғор юриб, уларни ўзимиз томон оғдирса бўлиш-бўлмаслигини текшириб кўришга аҳд қилдик.

- Тунда, гигантлар яшаётган ёрларига кириб-чиқиб юрдингиз-ми? - иззат-ҳурмат оҳангида сўради Рон.

- Ҳа, лекин биз гигантлардан кўра Ўлимдан мириқувчилардан кўпроқ ҳайиқар эдик, - деди Хагринд, - Дамблдор имкон қадар уларнинг кўзига кўринмасликни амр этган эди бизга. Ваҳоланки, улар шу яқин ўртада юрганимизни яхши билишар эди. Ўйлашимча, Голгомот айтган бўлиши мумкин уларга. Ҳамма бало шундаки, биз тунда, гигантлар ухлаб ётган ёрларни қидириб топиш билан овора бўлсак, Макнейр ўз шериги билан бизнинг пайимизга тушиб тоғма-тоғ изғиб юришар эди. Олимпиянинг хатти-ҳаракатларини базўр идора қилиб юрдим, - иржайди Хагринд, - Қаёққадир ошиққани-ошиққан... Жа серғайрат аёл-да, Олимпия... оловнинг ўзгинаси-я... нима ҳам дер эдим... томирида француз қони жўш уради, унинг...

Хагринднинг хира нигоҳи камин оловида тўхтаб қолди. Лирик хотираларга берилиб олиш учун Гарри унга ўттиз сония ажратиб, қаттиқ йўталиб қўйди.

- Кейин-чи, кейин нима бўлди? Бошқа гигантлар билан учрашишга муваффақ бўлдингиз-ми?

- Нима? А... Ҳа, муваффақ бўлдик. Каркус ўлдирилганидан кейинги учинчи тунда. Ёрдан аста чиқиб, Ўлимдан мириқувчилар кўзига кўринмаслик учун атрофга қараб борганча, жарликка тушдик. Бир нечта ёрга бош суқдик. Бефойда. Олтинчи ёрга келганда эса учта гигант топдик.

- Ёр ичига киришнинг иложи бўлмаган бўлса керак, - таъкидлаб қўйди Рон.

- Рюхль кира олмаслиги аниқ эди, - тасдиқлаб бош ирғиди Хагринд.

- Улар сизга ташланмади-ми? - сўради Гермiona.

- Ташланган бўлишар эди, агар соғлом бўлишганда, - жавоб берди Хагринд, - Уларни Голгомот уравериб, тинка-мадорларини қуритиб ташлаган. Дуч келган биринчи ёрга кириб, жон сақлаб ётишди. Улардан бири инглиз тилини сал бўлса ҳам, тушунар экан. Сўзларимиз маъносини шерикларига изоҳлаб берди. Уччаси ҳам гапларимизни ёмон қабул қилишмади. Ана ўша

бемажолларга ўхшаш бечораларни қидириб юрдик. Муайян фурсатда беш-олтитасини кўндиришга эришган ҳам бўлдик...

- Беш-олтитасини? - гапни бўлди, ҳиссиётларга берилиб кетган Рон, - Ёмон эмас! Энди улар келиб, биз билан биргаликда Ўзинг-Биласан-Кимга қарши жанг қилишадими?

Лекин Гермiona бошқа савол берди.

- Муайян фурсатда, деганингни қандай тушуниш керак?

Хагрид Гермionaга маъюс қараб қўйди.

- Голголат жангчилари ёрларни титкилаб чиқиб, биз гаплашган гигантларнинг аксариятини нобуд қилишди. Омон қолганлари эса энди бизни кўришни ҳам истамасликларини маълум қилишди.

- Яъни... гигантлар келишмайди, шундайми? - сўради Рон, ҳафсаласи пир бўлиб.

- Йўқ, келишмайди, - жавоб берди Хагрид, юзига ёпиштириб олган гўшти боз тескари айлантириб, - Биз қўлдан келганча ҳаракат қилдик. Дамблдорнинг сўзларини етказдик. Қайсидир бири тушунгандир, бирортаси эслаб ҳам қолгандир, билмадим. Балким, Голголат билан яшашдан бош тортиб, тоғларни тарк этадиганлар ҳам топилар. Ўшанда эҳтимол Дамблдорнинг яхши муносабат билдиришини эсга олиб, сафимизга қўшилишар.

Қор кулба деразасини аста тўсиб бормоқда. Гарри коржомасининг этаги ҳўл бўлиб қолганини ҳис этди. Унинг тиззасига бошини қўйиб олган Сўйлоқтиш роса сўлак оқизибди.

- Хагрид? - чақирди Гермiona муайян вақт ўтгач.

- Ҳ-м-м?

- Сен у ерда... онангни учратдинг-ми... ёки у ҳақда бирон нима эшитдинг-ми?...

Хагриднинг Гермionaга қараган очиқ кўзи, қизни бироз чўчитиб юборганча, тўхтаб қолди.

- Кечир... мен... унут...

- Вафот этибди, - гуриллади Хагрид, - Анча бўлибди. Улар менга шундай дейишди.

- О! Хагрид! Мен... сенга ҳамдардмиз, - эшитилар-эшилмас пичирлади Гермiona.

- Қайғуришга сабаб йўқ, - бақувват елкасини қисиб қўйди Хагрид, - Мен уни ҳатто эслай ҳам олмайман. Оналикни дўндириб қўймаган бўлса...

Орага яна сукунат чўқди. Гермiona бирон-нима дейишларини қистаб, Гарри билан Ронга асабий ўқрайиб қўйди.

- Нима учун мана бундай аҳволда келганингни тушунтириб бермадинг, - деди Рон, Хагриднинг конталаш юзига имо қилиб.

- Ва шунча вақт яна қаерларда бўлдинг, - қўшимча қилди Гарри, - Сириуснинг сўзларига қараганда, Максим хоним сафардан қайтганига анча бўлибди.

- Сенга ким ҳамла қилди? - сўроғини давом этди Рон.

- Менга ҳеч ким ҳамла қилгани йўқ! - қуруқ оҳангда таъкидлаб ўтди Хагрид, - Мен...

Бироқ унинг гапи охирига етмай, кутилмаганда кимдир эшикни қаттиқ тақиллади. Оҳ уриб юборган Гермионанинг қўлидаги кружка полга тушиб, синди. Сўйлоқтиш ангиллаб юборди. Тўртовлон эшик ёнидаги деразага бақрайиб қолди. Нафис парда ортида кенг, пакана бўйли шарпа қимирлади.

- Анави! - пичирлади Рон.

- Бу ёққа, тезроқ! – буюрди, кўринмас плашни чангаллаган Гарри.

У ўзи ва Гермионанинг устини ёпди. Рон ҳам, хаёл ўтмай, столни айланиб ўтиб, плаш остига кириб олди. Бир-бирига маҳкам ёпишиб олган болалар кулба бурчагига судралиб ўтишди. Сўйлоқтиш эса ақлдан озгандай эшикка қараб акилламоқда. Довдираб қолган Хагрид хона ўртасида қаққайиб қолган.

- Кружкаларимизни яшир!

Хагрид Гарри билан Роннинг кружкасини Сўйлоқтиш ётадиган сават ичидаги ёстиқ остига бекитиб қўйди. Хагрид эшикка ташлана бошлаган итни оёғи билан четга суриб, эшикни очди.

Остонада эгнига яшил рангли твид плаш кийган, қулоғига эса худди шу материалдан тайёрланган қулоқчин таққан профессор Амбриж кўринди. Бўйи Хагриднинг киндигига базўр етаётган Амбриж мактаб қоровулининг юзини кўриш учун лабини қимтиб олганча, орқага энгашди.

- Демак, Хагрид деганлари сиз бўласиз, шундайми?- худди кар киши билан гаплашаётган каби, баланд овозда гап бошлади у, саволига жавоб кутиб ўтирмай, бақа кўзини ўйнатганча, ичкарига бостириб кириб.

Сўйлоқтиш шартта орқа оёқларига туриб олдида, олд оёқларини Амбрижнинг икки елкасига қўйиб, юзини ялашга уринди.

- Нариди қоч, - чийиллаб ўшқирди Амбриж, сумкасини силтаб.

- Э-м-м... одобсиз кўринмоқчи эмасман-у, - деди Хагрид, Амбрижга бақрайиб, - Лекин, жин урсин, ўзингиз ким бўласиз?

- Мен Долорес Амбриж.

Бақа-аёл кулбага кўз югуртирганча, атрофни синчиклаб ўрганиб чиқишга киришди. Унинг нигоҳи Рон билан Гермионанинг исканжасида турган Гаррида икки мартаба тўхтаб ўтди.

- Долорес Амбриж? - сўради ҳеч нарсани тушунмаган Хагрид, - Мен сизни вазирлик ходими, деб билар эдим. Сиз Фуж ҳузурида ишлар эдингизми?

- Тўппа-тўғри. Вазирнинг бош ўринбосари бўлганман, - жавоб берди, хона бўйлаб юрганча, нигоҳи билан кулбадаги ҳар бир нарсани, эшик ёнида турган юк халтасидан тортиб, курсида осилган сафар плашигача ўрганиб чиқиб, - Ҳозир эса ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан дарс бераман...

- Вой-бўй! Довюрак аёл экансиз, - деди Хагрид, - Ушбу лавозимда ишлашга ҳамма ҳам розилик беравермайди.

- ... ва «Хогварц»нинг бош инспекториман, - ўзини таништиришни давом этди Амбриж, Хагриднинг сўзларини эшитмаган бўлиб.

- Бу нимаси бўлди энди? - қошини чимирди Хагрид.

- Мен ҳам шу саволни бермоқчи эдим сизга, - деди Амбриж, стол остида ётган чинни парчаларини кўрсатиб.

- Буми? - нима деб жавоб беришни билмай, Гарри, Рон ва Гермиона турган бурчакка ночор қараб қўйди Хагрид, - Бу... Сўйлоқтиш... кружкани синдириб қўйди. Бошқасини олишга тўғри келди.

Хагрид юзига ёпиштириб олган аждар гўштини олмай, кружка кўрсатди.

- Мен одам овозини эшитдим, - аста маълум қилди, Хагридга диққат билан қараб турган Амбриж.

- Сўйлоқтиш билан гаплашадиган одатим бор, - қатъий оҳангда баёнот қилди Хагрид.

- У эса тушунишим бўйича, сизга жавоб қайтаради?

- М-м-м... қайсидир маънода, ҳа, - бироз жунжикиб жавоб берди Хагрид, - Сўйлоқтиш баъзан ўзини одамдай тутди...

- Қасрдан кулбангиз эшигига қадар етиб келган уч кишининг оёқ изини кўрдим, - тулкилик қилиб сўради Амбриж.

Гермиона оҳ уриб юборди. Гарри шу заҳоти кафти билан унинг оғзини ёпди. Сўйлоқтиш этагини баланд пишиллаб ҳидлаётгани боис, Амбриж Гермионанинг оҳини эшитмай қолди.

- Билмадим, мен ҳозиргина етиб келдим, - деди Хагрид, улкан қўлини эшик ёнида турган юк халтасини кўрсатиб, - Бирортаси келиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

- Эшиқдан нари кетган излар йўқ.

- Билмадим, бунини... билмадим, - ҳаяжондан соқолини силай бошлади Хагрид, яна бир бор болалар турган бурчакка қараб, - Э-м-м..

Амбриж шартта бурилиб, барча бурчакларга қараб чиққанча, хона бўйлаб юра бошлади. Эгилиб, каравот остига қаради. Кийим жавонининг эшигини очди. Учовлон деворга қапишиб турган жойдан икки дюйм наридан ўтди. Гаррига ҳатто қорнини бироз тортишга ҳам тўғри келди. Хагрид ўзига егулик тайёрлайдиган катта қозонга бурнини суқиб кўрган Амбриж, шартта бурилиб, сўради:

- Сизга нима қилди? Жароҳатларингизни қаерда орттириб келдингиз?

Хагрид юзига босиб олган гўшт бўлагини пастга туширди. Гаррининг фикрича, бу хато иш бўлди. Хагрид шишиб кетган чап кўзи атрофидаги бинафша-қора моматалоқларни ҳам, тимдаланган юзининг қони ҳозиргина қотган қисмини ҳам кўрсатиб қўйди.

- Бу шунчаки... арзимаган нохушлик, - тушуниб бўлмас минғирлади Хагрид.

- Қандай тавсифдаги нохушлик?

- ... йиқилиб тушдим.

- Йиқилиб тушдингиз, - пинаги бузилмай такрорлади Амбриж.

- Ҳа. Бир оғайнимнинг супургисига қоқилиб кетиб... Ўзим-ку, учмайман. Кўриб турибсиз, қанақа эканлигимни. Менга бардош берадиган супурги топилмайди. Бир дўстим абраксан отларини етиштиради. Сиз уларни кўрган-кўрмаганингизни билмайман-у, лекин жуда улкан бўлишади. Қанотли отлар. Ўша отлардан бирида учиб кўрган эдим. Мен сизга айтсам...

- Қаерларга бордингиз? - лоқайд оҳангда сўради Амбриж, Хагрининг пўнғиллашини бўлиб.

- Қаерларга нима?

- Бордингиз, - такрорлади Амбриж, - Ўқув йили бошланганига икки ой бўлди. Ўрнингизга мутлақо бошқа киши ўқитувчилик қилмоқда. Ҳамкасбларингиздан бирортаси қаерга кетганингизга доир бирон-бир маълумот бера олмади. Алоқа боғлаш манзилингизни ҳеч кимга қолдирмай кетибсиз. Қаерларга бордингиз?

Орага сукунат чўқди. Миясининг соққалари айланаётгани деярли эшитилаётган Хагрин Амбрижга бақрайиб қолди.

- Соғлигимни тиклагани кетдим, - деди у ниҳоят.

- Соғлигингизни тиклагани, - такрорлади Амбриж, Хагрининг шишиб, ранго-ранг бўлиб кетган башараси-ю, аждар қони чакиллаб томаётган нимчасига қараб, - Тушунарли.

- Ҳа, - бош ирғиди Хагрин, - Ўзингиз тушунасиз, тоза ҳаво – танга даво...

- Тушунаман. Мактаб қоровули бўла туриб, тоза ҳавога кучли эҳтиёж сезгансиз. Тушунаман.

Хагрининг юзидаги бинафша ва қора тус касб этмай қолган жойлар қизариб кетди.

- Ҳаво алмаштириш, доимий фаолиятдан дам олиш, деганларидек...

- Тоғ манзаралари? - шу заҳоти сўради Амбриж.

У бор гапдан хабардор, даҳшат-ла, хаёлдан ўтказди Гарри.

- Тоғ манзаралари? - сўради Хагрин, тез фикр юритишига тўғри келаётгани юзидан кўриниб, - Йўқ, шахсан мен Франция жанубига бордим. Қуёш, денгиз... Хуллас ўзингиз тушунасиз.

- Қуёш? - деди Амбриж, - Деярли қораймабсиз.

- Менинг терим... жа таъсирчан-да, - жозибали кулишга уриниб кўрди Хагрин.

Гарри Хагрининг иккита тиши синиб тушганини кўриб қолди. Бақа-аёлнинг совуқ нигоҳини кўрган Хагрининг юзидаги табассум тез барҳам топди.

- Фикримча, иш жойига кечикиб келганингиз ҳақида вазирни бохабар қилишга тўғри келади, - деди Амбриж, тирсагининг бүкилган жойидаги сумкасини қўлтиғига қисиб.

- Ҳа, - бош ирғиб қўйди Хагрин.

- Бундан ташқари, маълумингиз бўлсинки, менинг зиммамга, мактаб бош инспектори сифатида ўз ҳамкасбларимнинг фаолиятини текшириб боришдек, мураккаб, бироқ долзарб вазифа юкланган. Бинобарин биз, журъат қилиб айтишим мумкинки, тез орада боз учрашамиз.

Амбриж шартта бурилди-да, чиқиш эшиги томон шахдам одимлаб кетди.

- Сиз ўқитувчилар фаолиятини текширасизми? - тушунмай сўради Хагринд.

- Ҳа, - аста жавоб қайтарди, эшик ёнига етиб, дастани ушлаган Амбриж, ортга ўгирилиб, - Ҳа, Хагринд. Вазирлик мактабни талабга жавоб бермайдиган барча ўқитувчилардан халос қилишни ният қилган. Яхши қолинг.

Амбриж, эшикни тарақлатиб ёпганча, кулбани тарк этди. Гермидона плашни ечмоқчи бўлган Гаррининг қўлини ушлаб қолди.

- Шошма, - пичирлади у, Гаррининг қулоғига, - Ҳали узоқ кетмаган бўлиши мумкин.

Хагринд ҳам шундай хаёлга борган шекилли, дераза ёнига бориб, пардани бироз кўтариб кўрди.

- Қаср томон шипиллаганча кетяпти, - аста маълум қилди у, - Қаранг-а... Текширувчи!...

- Ҳа-ҳа, текширувчи, - деди Гарри, плашни ечиб, - Агар билмоқчи бўлсанг, Треланига синов муддати тайинланди...

- Хагринд... Сен бизга нималарни ўқитмоқчисан? - сўради Гермидона.

- О! Бу масалада ташвиш тортмасанг ҳам бўлаверади. Шунақанги режалар тузиб чиққанман-ки, - деди руҳланиб кетган Хагринд, стол устида ётган гўшт бўлагини чапиллатиб юзига ёпиштирганча, - Айнан мана шу ўқув йили, сизлар топширадиган МОСД имтиҳонлари учун баъзи бир, ниҳоятда ажойиб ҳайвонларни асраб келган эдим. Шошманг, ҳали кўрасиз, бу жуда бошқача бўлади!

- Э-э-м... Қайси маънода бошқача бўлади? - аста қизикди Гермидона.

- Ҳозирча айтмайман, - қувонч-ла, жавоб берди Хагринд, - Янгиликнинг кутилмаганлик даражасини бузиб қўймаслик учун.

- Қулоқ сол, Хагринд, - тўғриси айтишга аҳд қилди Гермидона, - Дарсга бирон-бир хавфли ҳайвон етаклаб келсанг, анави Амбрижга ёқмайди.

- Хавфли? - самимий ҳайрон бўлди Хагринд, - Гермидона, ақлингни еб қўйдинг-ми? Хавфли бўлса, дарсга олиб келаманми? Тўғри, улар ўзларини хафа қилдириб қўйишмайди, албатта...

- Хагринд, сен текширувдан ўтишинг керак, бунинг учун эса... Яхшиси Амбриж, замикарл ва рюхларни ўзлаштираётганимизни, хруп ва сварлларни ўхшаш ҳайвонлардан фарқлай билишга ўргатаётганингни кўра қолсин! - деди Гермидона жиддий оҳангда.

- Гермидона, ахир улар ўларча зерикарли ҳайвонлар-ку, - эътироз билдирди Хагринд, - Мен тайёрлаб қўйган жониворларни ўрганиш эса минг чандон қизиқ кечади. Уларни кўп йиллардан буюн йиғиб келаман. Хонакилаштирилган тўдаси Британия бўйича фақат менда бўлса, ажаб эмас.

- Хагринд... илтимос қиламан сендан, - умидсиз оҳангда такрорлади Гермидона, - Тушун, ахир. Амбриж Дамблдор доирасига мансуб ишончли ўқитувчилардан қутулиш учун ҳар қандай важ-баҳонадан ҳазар қилмайди. Хагринд, бизга имтиҳонларда учраши мумкин бўлган зерикарли нарсаларни ўқит, илтимос...

Бироқ Хагринд оғзини катта очиб, эснаганча, соғ кўзи билан хонанинг нариги бошидаги баҳайбат каравотига қараб қўйди.

- Қулоқ солинг, кун узоқ чўзилди, кеч бўлди.

У меҳр ила Гермионанинг елкасига аста уриб қўйди. Гермионанинг тиззаси букилиб кетиб, қарсиллаганча полга урилди.

- Вой!... Кечир мени... - деди у, Гермионани ёқасидан кўтарганча, оёққа турғизиб, - Хуллас, мендан ташвиш тортманг. Чин сўзим, мен сизлар учун қизиқарли дарсларни режалаштириб қўйганман. Энди эса қасрга учинг. Изингизни йўқотиб боришни ҳам унутманг!

Учовлон йўл очик эканлигига ишонч ҳосил қилгач, қалин қор тепалаб қаср томон йўл олди. Гермиона Сүпуриш афсунни ила изларни йўқ қилиб борди.

- Хавфни идрок этди-ми, йўқми, англаб етмадим, - деди кўп ўтмай Рон.

- Демак, эртага қайтиб келаман, - қатъий фикр билдирди Гермиона, - Керак бўлса, таълимот режасини тузиб бераман, унга. Анави Амбриж Треланини қувиб солса, солсин-у, Хагридни бериб қўймаймиз!

## **ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ. ИЛОН КЎЗИ ИЛА**

Якшанба кўни эрталаб, Гермиона, қалинлиги икки фут келадиган қор кечиб, Хагриднинг кулбаси томон йўл олди. Яна бир олам уйга берилган вазифа билан шуғулланаётган Гарри билан Рон эса умумий меҳмонхонада қолишга мажбур бўлиб, бутун «Хогварц» чиқиб олган ҳовлидан эшитилаётган қувончли қичқириқларга эътибор қаратмасликка уриниб ўтиришди. Мактаб ўқувчиларининг бир гуруҳи музлаб қолган кўл сиртида коньки отишаётган бўлса, яна бир қисми чана учишмоқда. Энг ёмони қорбўрон ўйнаётганлар сеҳрлаган қор соққаларининг баъзилари «Гриффиндор» минорасининг деразаларига келиб уриляпти.

Роннинг сабр косаси ниҳоят тўлди шекилли, шартта ўрнидан туриб, дераза тавақасини очди-да, ҳовлига қараб бақирди:

- Демак, гап мундай! Қулоқ солинг! Мен ҳар қалай синфбошиман! Агар яна бирорта қор соққаси дераза ойнасига урилар экан... ВОЙ!

Юзига қор чапланган Рон дераза олдидан тез ортга чекинди.

- Фред билан Жоржнинг қилиғи экан, - аччиқ оҳангда арз қилди у, дераза тавақасини тарақлатганча ёпар экан, - Аҳмоқлар.

Гермиона Хагриднинг кулбасидан тушликка яқин, коржомаси тиззага қадар шалаббо, ўзи дағ-дағ қалтираётган ҳолатда қайтиб келди. Меҳмонхонага кириб келиши ҳамона, Рон бошини китобдан кўтариб, сўради:

- Хўш? Таълимот режасини тузиб бердинг-ми, унга?

- Уриниб кўрдим, - ҳорғин жавоб берди Гермиона, ўзини Гаррининг ёнидаги креслога бемажол ташлаб.

У сеҳрли таёқчасини чиқариб, жимжимадор ҳаракатлантирганча, этагига йўналтирди. Таёқча учидан чиққан иссиқ ҳаво оқими коржомани буғлантириб, бир зумда қуритиб қўйди.

- Эрталаб борсам кулбасида йўқ экан. Ярим соатча тақиллатиб турдим. Ниҳоят ўрмон ичидан пайдо бўлиб келди.

Гарри инграб қўйди. Ман этилган ўрмон турли-туман махлуқларга шу қадар бойки, Хагриндни ишдан ҳайдаб юборишга бемалол етади!

- Қанақанги ҳайвонларни боқаётган экан, айтмади-ми? - сўради Гарри.

- Айтмади, - маъюс оҳангда жавоб берди Гермiona, - Сўзларига қараганда, кутилмаган совға бўлар эмиш. Амбриж дегани, нима деганини унга тушунтиришга роса уриниб кўрдим, лекин у, ҳеч нарсани тушунишни истамади. Унинг фикрича, бирорта ҳам ақлан соғлом киши химералар ўрнига сварлларни ўрганиш истагини билдирмас экан. Химера боқаётгани даргумон, албатта, - қўшиб қўйди у, Гарри билан Роннинг юзлари касб этган даҳшатли қиёфани кўриб, - Лекин тухумини топиш ниҳоятда мушкул ишлигини таъкидлаб ўтишига қараганда, боқишга қарши эмаслиги аён. Мен унга, профессор Гниллер-Планк кўзлаган таълим дастурига амал қилиб бориш лозимлигини уқтириб кўришга роса уриндим, бироқ назаримда у мени эшитмади ҳам. Хагринднинг хулқи, агар фикримни билмоқчи бўлсангиз, қандайдир ғалати кечмоқда. Жароҳатларини қаердан ва қандай тарзда орттириб келганини айтиб беришдан мутлақо бош тортяпти. (*Химера – юнон мифологияси бўйича, уч бошли ўтсочар баҳайбат ҳайвон*).

Хагринднинг нонушта маҳалида Катта Залда пайдо бўлиши ҳаммага ҳам бирдай ёқмади. Фред билан Жоржга ўхшаган айрим ўқувчилар хурсандликларидан ўкириб, Хагринднинг йирик қўлини сиқиш учун ошиққан бўлишса, Патил билан Лавандага ўхшаганлар бош чайқаб, бир-бирига ғамгин қараб қўйишди. Болаларнинг аксарияти профессор Гниллер-Планк дарсларини афзал кўришини Гарри яхши билади, албатта. Энг даҳшатлиси, ўз онгининг аллақандай холисона, яширин қисми ҳам, ўша болалар фикрини тўғри, деб билади. Ахир Гниллер-Планк кимнингдир бўйни синиши ёки умуман бошидан маҳрум бўлиши мумкин бўлган дарсларнигина қизиқарли бўлади, деб ҳисобламайди-ку.

Сешанба кўни иссиқ кийиниб олган Гарри, Рон ва Гермiona Хагринднинг дарсига қараб йўл олишди. Учовининг кўнгли ғаш. Нафақат Хагринд нимани ўқитиши, балки Амбрижнинг олдида бошқа ўқувчилар, айниқса, Малфой ва унинг шериклари ўзларини қандай тутишлари Гаррини ташвишга солмоқда.

Ўрмон четида, елкасига мол нимтасини ташлаб олганча турган Хагринд томон қор кечиб боришаётган болаларнинг кўзига бош инспекторнинг қораси кўринмади. Хагринднинг қиёфасини зўр, деб бўлмади. Юзидаги кўкарган жойлар, айниқса, бинафша ранг моматалоқлар яшил-сарик тус касб этган бўлиб, айрим жароҳатлар ҳалигача қонамоқда. Эҳтимол бу, бирон-бир махлуқнинг жароҳат битиб кетишига тўсқинлик қиладиган ўзига хос захарга эга тиш изларидир? Хагринднинг елкасидаги юк эса ноҳуш манзаранинг сўнги нуқтасидай кўринмоқда.

- Бугун ҳў анави ерда шўғулланамиз! - қувонч-ла қичқирди, яқин келаётган ўқувчиларга мурожаат қилган Хагринд, орқага, қўрқинчли кўринаётган дарахтлар орасидаги зулмат томон бош ирғиганча, имо қилиб, - У ерда шамол камроқ! Умуман айтганда, улар қоронғиликни кўпроқ хуш кўришади.



- Нималар экан улар, қоронғиликни кўпроқ хуш кўрадиганлар? - эшитилди қўрқув оҳанги аён билиниб, Краббе билан Гойлга мурожаат қилган Малфойнинг овози, - Эшитдингиз-ми? Ҳайвон номини нима деди?

Гарри Малфойнинг Ман этилган ўрмонга атиги бир маротаба кирган кунни эсга олди. Малфой ўшанда ҳам довюраклигини намоён эта олмаган. Гарри кулиб қўйди: эсда қоларли квидиш ўйинидан сўнг, унга, Малфойни дилсиёҳ қиладиган ҳамма нарса қувонч бағишлайди.

- Ҳамма тайёрми? - сўради димоғи чоғ Хагрид, - Бешинчи синфга ўтишларингча, яъни сизларни Ман этилган ўрмонга олиб кириш мумкин бўлган кунгача сабрим чидамаса керак, деб ўйлаган эдим. Ҳозир эътиборингизга ҳавола этиладиган ҳайвонларни ўзларининг табиий муҳитида кўрсатган маъқул. Мана шунақа... Сизлар учун сақлаб келинган махлуқлар ниҳоятда ноёб саналади. Уларни қўлга ўргатиб, хонакилаштирган одам, жамики Британия бўйича ёлғиз ўзим бўлсам керак.

- Қўлга охиригача ўргатилганига ишончинг комилми? - сўради, қўрқиб кетган Малфой, - Бизни ҳар хил йиртқич ҳайвонларга рўбару қилиш устаси эканлигинг ҳаммага маълум-ку!

Слизеринчилар ёўнғир-ёўнғир қилганча, Малфойнинг сўзларини маъқуллаб қўйишди, гриффиндорчиларнинг юзлари касб этган қиёфа эса Малфой, баъзан бўлса-да, бамаъни фикр билдиришини англатиб турибди.

- Ўргатилган, - хафа бўлди, елкасидаги нимтани юқорироқ ташлаб олган Хагрид.

- Ундай бўлса, юзингга нима қилди? - эътироз оҳангида сўради Малфой.

- Ишинг бўлмасин! - аччиқланди Хагрид, - Бемаъни саволларни бас қилинг. Ортимдан — қадам, бос.

У орқа ўгириб, ўрмон томон одимлаб кетди. Ҳеч ким унинг ортидан эргашишга ошиқмади. Гарри ёнида турган Рон билан Гермionaга қараб қўйгач, учовлон уф тортганча, бош ирғиб Хагриднинг изидан қадам босди. Қолганлар ҳам аста қўзғалди.

Ўн дақиқача йўл юрилгач, қалин ўрмонга кириб борилди. Бу ерда дарахтлар шу қадар зич ўсганки, орасидан кун ёруғи ўтмайди. Ерга эса қор деярли тушмаган. Томоғини бўғиқ қириб олган Хагрид елкасидаги мол нимтасини оёғи остига ташлаб, бир қадам ортга ташлади-да, болаларга юзланди. Ўғринча юраётган аксарият ўқувчилар бир дарахт ёнидан иккинчисининг ёнига аста ўтганча, атрофга, худди ҳар қандай фурсатда нимадир ҳамла қилиши мумкиндай аланглаб, Хагридга яқин келишди.

- Яқинроқ келинг, яқинроқ, - далда берди Хагрид, - Гўшт ҳидини сезгач, топилиб келишади... Лекин мен уларни бари-бир чақираман. Билишсин, ким келганини.

У орқа ўгирилиб, бошини кескин силтаганча, юзини тўсиб турган тўзғоқ сочини орқага ташлаб, ғалати, баҳайбат, қўрқинчли қуш овозига тақлид қилиб, қаттиқ қичқирди. Унинг қичқирғи ўрмон қаъридан акс садо бўлиб қайтди. Ҳеч ким кулмади, аксинча, қўрқиб кетган болалар чурқ этмай, серрайиб қолишди.

Хагрид яна бир бор қаттиқ қичқирди. Орадан бир дақиқа ўтди. Ҳамма атрофга, аллақандай мудҳиш махлуқ пайдо бўлишини кутиб, алангламоқда. Хагрид учинчи бор сочини орқага силтаб,

қичқириш учун ўпкасини ҳавога тўлдирган эди ҳам-ки, Гарри Роннинг биқинига ниқтаб, қоронғиликка, иккита қинғир-қийшиқ ўсган тисс орасига имо қилди.

Зулмат қаърида қорачиқсиз, тобора катталашиб бораётган бир жуфт оппоқ кўз кўриниб, фурсат ўтгач, аждар башарасига ўхшаш тумшук, бўйин соҳаси, тери қопламасига ўралган бўлиб, кўзга деярли кўринмайдиган серсуяк тана, қоп-қора, қалин қаноти билан ниҳоятда йирик кўршапалакни эслатадиган от пайдо бўлди. Махлуқ қора думини бир неча сония ўйнатганча, қилт этмай турган болаларга разм солиб турди-да, найзадек ўткир қозиктишлари ила мол нимтасидан йирик-йирик бўлақларни уза бошлади.

Гарри ўзини фавқулодда енгил тортди. Мана, махлуқ чиндан ҳам борлиги, фақатгина Гаррининг кўзига аён бўлмаглигининг исботи! Хагрид билар экан бундай ҳайвон борлигини! Рўҳи кўкка кўтарилиб кетган Гарри Ронга қаради.

- Нега Хагрид чақирмай қўйди уларни? - сўради ҳанузгача атрофга олазарак қараётган Рон.

Аксарият болалар худди Рон каби, таҳайюр қиёфа касб этганча, рўпарада турган от қолиб, у ёқ, бу ёққа аланглаб турибди. Гарридан ташқари, отни яна икки киши, хусусан: Гойлнинг ёнида, отнинг гўшт еётганига жиркан қараб турган озғин слизеринчи бола ва от думининг ҳаракатига маҳлиё бўлиб қолган Невилль кўрди.

- Ана, яна биттаси келди! - ғурур-ла хитоб қилди Хагрид.

Ростдан ҳам чакалакзор ичидан қанотини йиғиб, танасига маҳкам ёпиштирганча, гўштга тезроқ ташланишга ошиқаётган иккинчи от чиқиб келди.

- Қани, жониворларни ким кўряпти, қўлини кўтарсин-чи?

Қанотли отлар сиридан воқиф бўлишидан фавқулодда хурсанд бўлиб кетган Гарри қўлини кўтарди.

- Ҳа... Гарри... сен кўришинг керак, албатта, - деди бошини ирғиб қўйган Хагрид, жиддий оҳангда, - Сен ҳам кўрдинг, Невилль, шундайми? Ва сен...

- Шошма, шошма, - янгради Малфойнинг майна қилаётган овози, - Ўзи нимани кўришимиз керак биз?

Хагрид, жавоб ўрнига ерда ётган мол нимтасига имо қилди. Ҳамма муайян вақт садо чиқармай нимтага бақрайиб тургач, бир неча киши қўрқиб оҳ урди. Патил эса чинқириб юборди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ: нимтанинг йирик-йирик бўлақлари ўзидан ўзи узилиб, ҳавода гум бўлмоқда.

- Нима бу? - асабий бақирди Патил, дарахт ортига бекинар экан, - Қанақанги махлуқ еяпти гўштни?

- Тестраль! - ғурур-ла эълон қилди Хагрид.

Гарри орқада турган Гермионанинг ниманидир идрок этиб, оҳ уриб юборганини эшитди.

- «Хогварц»имизда, ушбу ҳайвонларнинг бутун бошли подаси бор, - маълум қилди Хагрид, - Хўш, қани ким айтади менга...

- Ахир бу махлуқ оғир кулфат келтиради-ку, - ваҳима ила гапни бўлди Патил, - У кимнинг-ки кўзига кўринса, ўша кишининг бошига мусибат солади! Профессор Треланининг айтишига қараганда...

- Йўқ, йўқ, йўқ, - кулиб юборди Хагрид, - Ундай гапларнинг бари бидъатнинг ўзгинаси, бемаънилиқ. Ушбу ҳайвон ҳеч қандай мусибат келтирмайди. У ниҳоятда ақлли ва фойдали жонивор! Кўринмас бўлгани учун ҳам, уларга кўп меҳнат қилишга тўғри келмайди, албатта. Қиладиган иши асосан мактаб араваларини темир йўл станциясига ўз вақтида етказиш-у, ўқувчиларни қасрга ташиб келтириш. Тўғри, агар Дамблдор ҳавода гум бўлишни истамаса, улардан бирортасини эгарлаб... Ана, қаранг, яна бир жуфти келмоқда!...

Дарахтлар ортидан иккита от чиқиб, Патилнинг ёнидан ўтиб кетди. Қиз бир сапчиб тушиб, бақирганча, дарахтга қапишиб олди.

- Вой, мен ниманидир ҳис этдим! Назаримда улар, шу яқин орада!

- Қўрқма, тегмайди, - тинчлантирди Хагрид, - Хўш, ким айтади, нима сабабдан ушбу от кимгадир кўринади-ю, кимдир кўрмайди?

Гермиона қўл кўтарди. Хагрид қувониб кетиб, жавоб беришга ижозат берди:

- Гапир, Гермиона.

- Тестраль, - деди Гермиона, - Фақат бировнинг ўлимини кўрган кишигагина кўринади холос.

- Худди шундай, - қатъий оҳангда тасдиқлади Хагрид, - «Гриффиндор»га ўн балл. Демак, тестраллар...

- Ўҳў-ўху.

Яна ўша яшил плаши-ю, шляпасини кийган профессор Амбриж пайдо бўлиб келди. У Гарридан бир неча қадам нарида, ён дафтари ишга ҳозир ҳолатда турибди. Амбрижнинг сохта йўталини муқаддам эшитмаган Хагрид эса афтидан, тестраллардан бирон-бири гўштга тиқилиб қолди, деган хаёлга борди шекилли, ёнида турган махлуққа қаради.

- Ўҳў-ўҳў.

- Ие, маъзур сананг, хуш келибсиз! - кулиб юборди Хагрид, овоз кимга тегишли эканлигини ниҳоят фаҳмлаб.

- Эрталаб кулбангизга бугунги дарсингизни текширгани келишим ҳақидаги хабар битилган нома йўллаган эдим, олдингизми? - сўради Амбриж, ўтган гал суҳбатлашган тарзда, худди ақлан заиф хорижлик билан гаплашаётган каби, баланд овозда шошилмай гапириб.

- А! Ҳа! - бош ирғий бошлади Хагрид, яшнаб кетиб, - Бизни осон топган кўринасиз! Мана, қаранг... ёки билмадим... кўряпсиз-ми, йўқми? Биз тестралларни ўзлаштирмоқдамиз...

- Тушунмадим, нима дедингиз? - баланд овозда сўради пешонасини тириштириб олган профессор Амбриж, кафтини қулоғига келтириб.

Амбрижнинг ҳаракатларини кўрган Хагрид бироз эсанкираб қолди.

- М-м-м... Тестралларни! - овоз кўтарди у, - Агар билсангиз, шунақанги... жуда йирик... м-м-м... қанотли отлар бўлади! - қўли ила имо қилди Хагрид, тушунтириши аёний бўлиши учун.

Қоши кўтарилиб кетган профессор Амбриж ғудуллаганча, ён дафтарига ёза бошлади:  
«қобилияти... имо-ишора... тилидан фойдаланиш даражасидагина... дағал ривожланган».

- Умуман айтганда... хўп, майли, бунинг аҳамияти йўқ... - деди бироз боши қотган Хагрид,  
ўқувчиларга юзланиб, - Хўш, нима деб турган эдим?

- «Айрим аломатларга қараганда... жуда ёмон... ва... фақат қисқа муддатгагина етадиган...  
хотирага эга».

Амбриж гўё ўзига ўзи гапираётган каби, ғудулламоқда-ю, бироқ унинг сўзларини ҳамма  
эшитмоқда. Драко Малфой худди туғилган куни нишонланаётган сингари яшнаб кетган бўлса,  
Гермионанинг юзи нафратдан лоларанг бўлиб қолди.

- Ҳа-я, - эслади Хагрид, Амбрижнинг ён дафтарига хавотир-ла қараб қўйган бўлса-да, дадил  
оҳангда давом этиб, - Қандай қилиб бизда, ушбу ҳайвонларнинг бутун бошли подаси пайдо  
бўлганини айтиб бермоқчи эдим. Қисқаси... дастлаб битта айғир ва бешта бия бўлган... Мана бу  
эса, - биринчи бўлиб етиб келган отнинг белига уриб қўйди у, - Тенебрус, мен ёқтирадиган от,  
ўрмонимизда биринчи бўлиб туғилган тойчоқ саналади...

- Вазирлик, ушбу ҳайвонларни «хавфли махлуқлар» туркумига киритганидан хабарингиз борми? -  
баланд овозда гапни бўлди Амбриж.

Гаррининг юраги орқага тортиб кетди. Бироқ Хагрид истехзоли қулиб қўйди холос.

- Ҳеч ҳам хавфли эмас улар! Тимдалаб олиши мумкин, албатта. Лекин бунинг учун отнинг жонига  
тегиб, шу даражага етказиш керак бўлади...

- «Жабр, зулм хусусида... ҳузур-ла гапирмоқда», - яна ғудуллаганча, ёзишни давом этди Амбриж.

- Шошманг! Бу билан нима демоқчиман... Фикримга қулоқ тутинг! - бироз хавотирланиб хитоб  
қилди Хагрид, - Ит ҳам қошиб олиши мумкин-ку ахир, агар жиғига тегсангиз, тўғрими? Ажал ва  
шунга ўхшаш нарсалар билан боғлиқ тестраллар ҳақидаги миш-миш гаплар эса, уларга обрў  
келтирмайди. Эски замонларда, ушбу махлуқлар ёмон аломат сифатида эътироф этилган! Лекин  
бу ғирт бидъат-ку, шундай эмасми?

Амбриж жавоб қайтармади. Жумлани охиригача ёзиб бўлгач, Хагридга юзланди.

- Дарсни давом этаверинг. Мен эса бироз юраман, - бир вазнда баланд гапирди у, иккита бармоғи  
билан юриш ҳолатини имо ила кўрсатганча, - Ўқувчилар билан суҳбатлашаман, - деди бармоғи  
билан оғзини кўрсатиб.

Амбрижнинг қилиғини кўрган Малфой билан Панси Паркинсон овозсиз хандон ота бошлашди.  
Нега Амбриж ўзини худди Хагрид инглиз тилини тушунмайдиган одамдай тутаётганини  
тушунмаётган Гарри эса донг қотиб қолди.

- Ах сен алвасти, ах сен ёвуз алвасти! - пичирлади кўзи алам ва нафрат ёшига тўлган Гермиона,  
Панси Паркинсон томон йўл олган Амбрижнинг кетидан қараб, - Биламан, нимани ният  
қилганингни, ярамас, ифлос, разил...

- М-м-м... қисқаси, - гап бошлади Хагрид, дарс жараёнини ўз изига қайтаришга уриниб, - Умуман  
айтганда. Тестраллар. Шунақа. Жуда фойдали ҳайвонлар...

- Қани айтинг-чи, - жаранглама овоз-ла сўради Амбриж Панси Паркинсонга мурожаат қилиб, - Профессор Хагриднинг тушунтиришлари шахсан сизга ҳар доим ҳам тушунарли кечадими?

Пансининг ҳам кўзи ёшга тўлган. Фақат Гермионанинг кўз ёшларидан фарқли ўлароқ, бу кўз ёшлари кулги зўридан ҳосил бўлган. Кулиб бўғилиб қолган Паркинсоннинг сўзларини уқиш қийин кечди:

- Йўқ... чунки... унинг гапи... худди наъра тортаётган каби... эшитилади...

Амбриж Паркинсоннинг сўзларини ён дафтарига қайд этиб қўйди. Хагриднинг юзи, хусусан соғлом қисми қип-қизариб кетди-ю, ўзини Пансининг сўзларини эшитмаган кўйга солди.

- М-м-м... Тестралнинг фойдали ҳайвон эканлиги шундан иборатки, қўлга ўргатилди-ми, бўлди, энди ёввойилашиб қолмайди. Бундан ташқари, у, бошқа ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, жуда яхши мўлжал олади. Қаёққа боришни айтсанг бўлди...

- Агар нима деганингни уқиб олишса, албатта, - баланд овозда гап қистирди Малфой.

Навбатдаги кулги хуружининг зўрлигидан Панси Паркинсоннинг ерга қулаб тушишига бир баҳа етмай қолди. Профессор Амбриж иккаласига марҳамат юзасидан кулиб қўйиб, Невиллга юзланди.

- Демак, сиз, Лонгботтом, тестраль кўриш қобилиятига эгасиз, шундайми?

Невилль бош ирғиди.

- Кимнинг жони ўзилишига гувоҳ бўлган эдингиз.

- Бувамнинг, - журъатсиз жавоб берди Невилль.

- Улар ҳақида қандай фикрдасиз, - калта бармоғини дарсга келтирилган мол нимтасини деярли еб тугатган отлар томон ўқтади Амбриж.

- М-м-м... улар, - Хагрид томон асабий қараб, дудуқланди Невилль, - Улар... м-м-м... ёмон эмас.

- «Ўқувчилар... кўрқув ҳис этаётганига... иқрор бўлишдан... ҳадиксирамоқда», - ғудуллаганча, ён дафтарига қайд этди Амбриж.

- Ҳеч ҳам ундай эмас! - хитоб қилди Невилль, хафа бўлиб, - Мен умуман кўрқаётганим йўқ!

- Ўзингни бос, ўзингни бос, - ваҳшиёна тиш қайради Амбриж, Невиллнинг елкасига уриб-уриб қўйганча, Хагридга юзланиб, - Хўш, бугунги дарс аҳволини етарлича кўрдим, - бир маромли баланд овозда гапира кетди у, - Текширув юзасидан чиқарилган хулосаларни эса, - бармоқ ниқтади ён дафтарига, - Ўн кундан кейин оласиз, - деди, калта бармоқлари ёзилган иккала кафтини олдинга узатиб.

Яшил шляпаси ила бақадан фарқ қилмай қолган Амбриж нурафшон кулганча, хандон отиб, ичаги узилаётган Малфой билан Панси Паркинсонни, нафратдан вужуди қайнаб кетаётган Гермионани ва довдираб, дилсиёҳ бўлган Невиллни ортда қолдирганча, нари кетди.

Ярим соат ўтгач, эрталаб босиб очилган чуқур қор йўлаги бўйлаб юрган болалар қаср томон йўл олишди.

- Жирканч, каззоб, пасткаш урғочи аждар тусли қари илон! Нимани ният қилганини фаҳмладингизми? - ёрилди ниҳоят Гермiona, - Онгида шакланган чала зотларга нисбатан нафрати аён билиниб турибди! Онаси гигант бўлгани учун Хагридни ҳаммининг кўз ўнгида эси паст тролль сифатида кўрсатмоқда! Дарс эса таъкидлаб ўтиш жоизки, ёмон ўтмади. Қандай адолатсизлик! Портловчи драклар бўлганда, бошқа гап... лекин Хагриднинг кўзига эса ниҳоятда ажойиб кўринадиган тестраллар чиндан ҳам ёмон эмас!

- Амбрижнинг сўзларига қараганда, улар «хавfli махлуқлар» туркумига киритилган, - эслатиб ўтди Рон.

- Ушбу отлар, Хагрид ўз кулбасида жуда тўғри таъкидлаб ўтгандай, ўзини хафа қилдириб қўйишмайди, - гапни бўлди Гермiona, - Эҳтимол Гниллер-Планк уларни бизга ҳозир ўтмаган бўлар эди. Ҳар қалай улар СМЖАга кўпроқ тўғри келади. Шундай бўлса ҳам, жуда қизиқ махлуқлар экан! Қаранг-а, кимдир кўради, кимдир йўқ! Шундай кўргим келяпти-ки, уларни!...

- Бунга ишончинг комилми?...

- Вой, Гарри! Кечир!... - чўчиб тушди Гермiona, - Йўқ, албатта, кўрмаган маъқул! Топиб алжиганимни-чи!

- Қўйвер! - қўл силтади Гарри, - Ҳеч қиси йўқ.

- Ростини айтсам, - фикр билдирди Рон, - Синфда шунча киши уларни кўра билиши мени лол қолдирди. Уч киши-я...

- Қизиқ, Уэсли, - янгради орқа томондан масхараомуз овоз, - Нима деб ўйлайсан, агар бирор кишининг асфаласофилинга йўл олганини кўрсанг Кваффли ҳам дурустроқ фарқлай бошлайсанми?

Қор қалинлигидан қадами эшитилмаётган Малфой, Краббе ва Гойл орқадан келаётган экан. Учаласи хахолашиб Гарри, Рон ва Гермionани ҳар томон дағал туртганча, олдинга ўтиб олишди, «Уэсли – қиролимиз»ни баралла айтганча, нари кетишди. Роннинг қулоқлари қизил лавлаги тусини ола бошлади.

- Эътибор қаратма, эътибор қаратма, - афсун ўқиган сингари таъкидлаб борди Гермiona.

Сеҳрли таёқчасини қўлига олган қиз, таёқча учидан иссиқ ҳаво чиқарганча, қор кўрпасини эритиб, ўзи ва дўстларига иссиқхоналар томон сўқмоқ йўл очиб борди.

\*\*\*

Янада шиддатли қорли бўронлар-у, бешинчи синф ўқувчилари учун уйга бериладиган вазифаларнинг йирик оқими ила кечадиган декабрь ойи кириб келди. Рождество яқинлашиб, Рон билан Гермionaга ўз зиммаларидаги синфбошилиқ мажбуриятларини кўпроқ бажаришга тўғри келмоқда. Уларнинг олдига қаср йўлакларидаги безаклар бут сақлаб борилишини таъминлаш, биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари танаффус вақтида совуқ ҳовлига чиқиб кетишларига йўл қўймаслик каби, вазифалар қўйилган.

- Бир учини Дрюзг чангаллаб олиб, сени бўғиб ўлдиришга уринаётган маржонни йўлак деворига осишга уриниб кўр-чи, - арз қилиб қолди кунлардан бир кун Рон, - Анави тирранчалар эса шундай

сурбет-ки, қўяверасан! Солиштириб кўрадиган бўлсам, биринчи синфда ўқиб юрган кезларимизда мўмин-қобил болача бўлган эканмиз!

Бундан ташқари, синфбошилар, қаср йўлаклариди Аргус Филча шерик бўлиб, навбатчилик хизматини навбат билан ўташмоқда. Рождество туғёни ўқувчилар орасида сеҳргарлар дуэлининг авж олишига сабаб бўлиши – сўнги кунларда мактаб назоратчисининг миясини қамраб олган ягона фикр бўлиб қолди.

- Унинг калласидаги модда мия эмас, тезак, - таъкидлаб ўтди кунлардан бир кун Рон.

Мухтасар қилиб айтганда, синфбошилар шу қадар банд эдики, Гермiona ҳатто дўппи тўқимай кўйиб, захирасида атиги уч дона дўппича қолганидан ташвиш тортиб юрди.

- Яна қанча уй элфини ҳурриятга чиқара олмаганимни ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади! Бечоралар, дўппича етмай қолгани тўфайли энди Рождествони шу ерда қолиб, нишонлашга мажбур бўлишади!

Гаррининг эса Гермiona томонидан тиришқоқлик ила амалга оширилаётган меҳнат маҳсули фақат Доббига насиб қилаётганини айтишга журъати етмай, сеҳргарлик тарихи бўйича ёзаётган иншосининг устига янада пастроқ энгашиб олди. Ўзи Рождество ҳақида ўйлашни ҳам истамаяпти. Қишки таътилни «Хогварц»дан узоқроқ жойда ўтказишни афзал билмоқда. Квидиш ўйнаш тақиқлангани, Хагридга синов муддати тайинланиши мумкинлигини ўйлаб, диққати ошаётгани боис, Гарри мактабдан жуда хафа бўлиб юрибди. Бу ердаги ҳаётга ДА жамиятининг йиғилишларигина кўрк бермоқда. Бироқ, ушбу йиғилишлар ҳам аксарият болалар Рождество таътилига ўйга, қавм-қариндошининг бағрига қайтиши боис, бас қилиниши лозим. Гермiona ота-онаси билан тоғли ҳудудга, чанғи учишга боради. Тепаликдан пастга сирпаниб тушиш учун оёққа боғлаб олинадиган бир жұфт узун, энсиз тахта ҳақида муқаддам эшитмаган Ронни бундай ҳолат жуда ажаблантирмоқда. Ўзи эса ўйга, Бошпанага қайтишга тараддуд кўрмоқда.

- Ўйга қандай етиб борасан? - сўради ундан Гарри.

- Бу нима деганинг, ахир биз бирга кетамиз-ку?! - ҳайрон бўлди Рон, - Ие, ҳали айтганим йўқми? Онам бир ярим ой олдин таклифномани сенга бериб қўйишимни тайинлаган эди-ку!

Гермiona кўзини тепага қаратиб кўйди. Ушбу савол-жавоб ўтгунга қадар Роннинг ўйга кетишидан хабар топиб, эзилиб юрган Гаррининг руҳи анча кўтарилиб, тетиклашди. Рождествони Бошпанада нишонлаш! Бундан ажойиб ҳодиса бўлиши мумкинми! Лекин қувонч ҳисси айбдорлик туйғуси ила ўйғунлашиб кетмоқда. Ахир у таътилни Сириус билан ўтказа олмайди-ку... Қизиқ, Сириусни ҳам байрамга таклиф қилишга миссис Уэслини кўндирса бўладими? Розилик бермаслиги мумкин. Сириус иккаласи ҳамини қаршилашиб юришади. Умуман айтганда, бу ҳақда ўйламаса ҳам бўлаверади. Дамблдор Сириусга Пинҳонийлик майдонидаги ўйни тарк этишга ижозат бермаслиги муқаррар. Сириуснинг ўзи эса сўнги бор каминда кўриниш берганидан сўнг, бирор маротаба бўлсин, чўқинтирилган ўғли билан алоқа боғлашга уриниб кўрмади. Амбрижнинг сергак дидаси остида бундай хатти-ҳаракат номақбул эканлигини Гарри яхши тушунади, бироқ Рождествони кўхна, манфур ўйда якка-ёлғиз кутиб олиш, Тараққос лақабли жирканч уй элфига шерик бўлиб поқилдоқ портлатишга мажбур бўладиган Сириусни ўйласа ичи ачишиб кетади.

ДА жамиятининг сўнги йиғилишига Гарри эртароқ келиб, тўғри қилган экан. Добби Даркор хонани Рождество шарафига ўзи билганча безашга қўл ўрганини машъалалар ўт олиши билан кўрди. Эльфнинг муаллифлигига шубҳа йўқ. Шифт остига юзлаб тилла тусли, ҳар бирида Гаррининг юзи

акс эттирилган шар осиб чиқишга яна кимнинг ҳам ақли етиши мумкин? Бунинг устига шарлар шундай терилганки: «РОЖДЕСТВО БИЛАН ҚИЗҒИН ҚУТЛАЙМИЗ» сўзлари ҳосил бўлган.

Гарри сўнги шарни энди олиб қўйган эди ҳам-ки, эшик очилиб, хонага доимо сирли қиёфа ясаб юрадиган Луна Лавгуд кириб келди.

- Салом, - шалвираб кўришди у, безак қолдиғига қараб, - Зўр-ку! Ўзинг осиб қўйдинг-ми?

- Йўқ, - жавоб берди Гарри, - Добби лақабли уй эльфининг қилган иши.

- Омела, - деди хаёлчан оҳангда Луна, шифтдан Гаррининг бошига етар-етмас осилиб турган оппоқ тусли реза меванинг йирик шингилига имо қилиб.

Гарри дарҳол ўзини четга олди.

- Тўғри қилдинг, - жиддий оҳангда маъқуллади Луна, - Бундай шингил, одатда, ўйувчиларга тўла бўлади.

Совқотиб, хансираб келган Ангелина, Кэтти ва Алисиянинг пайдо бўлиши Гаррини ўйувчилар нима эканлигига аниқлик киритишдан халос этди.

- Хуллас, - зерикарли оҳангда маълум қилди Ангелина, ридосини ечганча, бурчакка улоқтирар экан, - Ўрнингга одам топдик.

- Ўрнимга одам топдингиз? - тушунмади Гарри.

- Сен, Фред ва Жоржнинг ўрнига, - бетоқат оҳангда тушунтириш киритди Ангелина, - Жамоамизда энди янги Сайёд бор!

- Ким экан у? - дарҳол сўради Гарри.

- Жинна Уэсли, - жавоб берди Кэтти.

Гарри ҳайрон бўлиб, Кэттига қаради.

- Биламан, хаёлинга қандай ўй келганини. Лекин у ёмон ўйин кўрсатгани йўқ. Сенга тенг кела олмаслиги тушунарли, албатта - деди Ангелина, сеҳрли таёқчасини чиқариб, машқ тарзида силтар экан, Гаррига хунук қараб, - Аммо... камбағалга атала ҳам овқат, дейишгандай...

Гарри ўзини базўр идора қилиб, оғзига келган гапни қайтариб юборди. Жамоа таркибидан чиқариб юборилгани учун ичидан нималар ўтаётганини ўзи билади. Наҳотки Ангелина унинг аҳволини тушунмаса?

- Уриб қайтарувчилар-чи? - сохта хотиржамлик-ла, сўради Гарри.

- Эндрю Кирк ва Жек Слопер - иштиёқсиз маълум қилди Ангелина, - Зўр ўйинчилар бўлмаса-да, қолган галварсларга нисбатан ўлса ўлиги ортиқ...

Рон билан Гермионанинг келгани, ушбу ғамнок суҳбатга чек қўйди. Яна беш дақиқадан сўнг, хонага шунча одам йиғилдики, Гарри Ангелинанинг нафратга тўла, куйдириб, тешиб юборгудай нигоҳидан ўзини олиб қочишга муваффақ бўлди.



- Шундай қилиб, - қичқирди у, ҳаммани тартибга чақириб, - Бугун муқаддам ўзлаштирилган машқларни бажариб, ижросини меъёрига етказамиз. Олдинда уч ҳафтали танаффус кутмоқда бизни. Шундай экан, бирон-бир янги машқни ўзлаштира бошлашдан маъни кўрмаяпман...

- Бу қанақаси? Янги мавзу ўтмаймиз-ми? - домангир пичирлади Заккерайес Смит, бутун хонага эшиттириб, - Билганимда келмас эдим.

- Ундай бўлса, Гарри сени олдиндан огоҳлантириб қўймагани учун жуда, жуда ачинамиз, - баланд овозда жавоб қайтарди Фред.

Бир неча киши пиқиллаб кулиб қўйди. Гарри Чунинг ҳам юзи табассумдан ёришиб кетганини кўриб, ичида бир нарса ўзилиб кетган, худди зинапоёда туша бориб, поғоналардан бирини бехос ўтказиб юборгандай, ҳис этди ўзини.

- ... жуфт-жуфт бўлиб шуғулланамиз, - эълон қилди Гарри, - Машқни Тўсқинлик қарғишидан бошлаймиз, ўн дақиқадан сўнг, ёстиқлар устида Уриб йиқитиш қарғиши билан давом эттирамиз.

Ҳамма итоат ила жуфт-жуфтларга бўлинди. Гарри, одатдагидай, Невилль билан шерик бўлди. Кўп ўтмай, хонада «Импедимента!» қарғиши баралла янгради. Ҳар бир жуфтлик таркибидаги шериклардан бири қисқа муддат серрайиб, хатти-ҳаракатининг тезлиги кескин пасайиб қолса, иккинчиси бу вақтда атрофга бемақсад қараб, бошқа жуфтликларда нималар бўлаётганини кузатиб турди. Шундан сўнг, серрайиб қолган бола ўзига келиб, Тўсқинлик қарғишини шеригига нисбатан қўллади.

Невиллнинг амалий кўникмаси борган сари яхшиланиб бормоқда. Гарри бирин-кетин уч маротаба ўзига келгач, Невиллни Рон билан Гермionaга шерик қилиб, бошқа болаларнинг соҳага оид ютуқларини назорат қилиш мақсадида хона бўйлаб юра бошлади. Чунинг ёнига етганда чиройли табассум кўринишидаги совға олди. Бу эса ўз навбатида, Гаррини Чунинг ёнидан такрор ва такрор ўтишдан ўзини ўзи тўхтатиб қолиш учун курашишга мажбур қилди.

Тўсқинлик қарғишига ажратилган ўн дақиқа ўтгач, полга ёстиқ тўшалиб, Уриб йиқитиш қарғишининг ижросига киришилди. Хона талаб даражасида кенг бўлмагани учун болалар икки гуруҳга бўлиниб олиб, навбат билан шуғулланишларига тўғри келди. Шогирдларининг маҳоратини кўрган Гарри ғурурдан шишиб кетмоқда. Тўғри, Невилль Динни нишонга олган бўлишига қарамай, Парватти Патилни уриб йиқитди, лекин ҳар қалай бу сафар йўл қўйган хатоси у қадар катта бўлмади. Қолганларнинг хатти-ҳаракати эса беназир кечди!

Кўз очиб юмгунга қадар бир соат ўтиб, Гарри бугунги машғулотга якун ясади.

- Ҳаммангиз зўрсиз! - деди у, ҳаммага бирма-бир мамнун қараб чиқиб, - Таътидан сўнг, Ҳимоячи афсунини ўзлаштиришга киришамиз.

Ҳаяжонли ғовур-ғувур кўтарилиб, ҳамма, одатдагидай, икки-уч кишилашиб тарқай бошлади. Кўпчилик Гаррининг ёнидан ўтар экан, унга масрур Рождество тилаб кетди. Қўнгли қувончдан кўтарилган Гарри ўртоқлари Рон ва Гермiona билан биргаликда полда ётган ёстиқларни йиғиб, бурчакка батартиб тахлади. Шундан сўнг, Рон билан Гермiona хонани тарк этишди, Гарри эса бироз ушланиб қолишга аҳд қилди. Чу ҳалигача хонада бўлиб, ундан ҳам масрур Рождество тилагини эшитишни истади.

- Йўқ, Мариэтта, сен боравер, - эшитилди Гаррининг қулоғига Чунинг сўзлари.

Юраги одатдагидай бир сапчиб, томоғига келиб қолган йигитча тахланган ёстиқларни тўғрилаб қўйган бўлди. Энди хонада фақат иккаласи қолганда Чунинг гап бошлашини кутди. Лекин сўз ўрнига ҳиқ-ҳиқ йиғи овозини эшитди. Гарри ортга ўгирилиб, хона ўртасида турган Чунинг юзидан дув-дув кўз ёшлари оқаётганини кўрди.

- Нима бўлди?... - журъатсиз сўради нима қилишини билмай қолган Гарри, хона ўртасида йиғлаётган қиздан, - Сенга нима қилди?

Чу бош чайқаб, енги билан кўзини артди.

- Мени кеч... кечир, - йиғламсираб ёўлдиради Чу, - Гап... мана шу... нарсалар... биз ўзлаштирган амалларда бўлса керак... агар у буларнинг барини билганда эди... ўйлашимча, омон қолган бўлар эди, эҳтимол.

Гаррининг юраги тошдай пастлаб, одатий ўрнидан ўтганча, киндик соҳасига бориб тушгандай бўлди. Шунга ҳам фаҳми етмади-ми? Чу шунчаки, Седрик ҳақида гаплашмоқчи-ку.

- У билар эди. Жуда яхши қўллар эди ҳам, - деди Гарри, ўсал бўлиб, - Акс ҳолда лабиринт ўртасига етиб бора олмаган бўлар эди. Бироқ афсуски Вольдеморт бировни ўлдиришни ният қилган экан, бас, ўша кишининг ажал топишдан бошқа чораси қолмайди.

Даҳшатли исмни эшитган қиз ҳиқиллаб юборди-ю, катта очилган кўзини Гарридан олиб қочмади.

- Мирғаккина гўдак бўлишингга қарамай, сен омон қолган эдинг, - паст овозда таъкидлаб ўтди қиз.

- Ҳа, омон қолдим, - ҳорғин жавоб берди Гарри, чиқиш эшиги томон йўл олиб, - Сабабини билмайман, ҳеч ким билмайди. Шундай экан, бунинг фахрланадиган ери йўқ.

- Кетма, илтимос! - хитоб қилди Чу, боз йиғлаб, - Аҳволимдан ўзим уялиб кетяпман... Йиғламоқчи эмас эдим...

У яна ҳиқиллай бошлади, кўзи қизариб, шишиб қолган бўлса ҳам, бағоят дилбар кўринмоқда. Гарри ўзини бахтсиз ҳис этди. Масрур Рождество тилаб чиқиб кетса, яхши бўлмас эдими, а?

- Седрик ҳақида гапиришим сенга азоб беришини тушунаман, - давом этди Чу, кўзини енги билан артиб, - Унинг жони узилганини ўз кўзинг билан кўргансан. Ўша фурсатни тезроқ унутиб юборишни истасанг керак, а?

Гарри индамади. Қиз ҳақ гапни айтди, бироқ бунга иқрор бўлса, тошбағирлик қилган бўлади.

- Бил-биласанми, сен жудаям яхши ус-устозсан, - кўз ёшлари орасидан кулиб қаради Чу, - Уриб йиқитиш қарғишини муқаддам уддалай олмаган эдим.

- Раҳмат, - жавоб қайтарди Гарри, ўзини ноқулай сезиб.

Иккаласи анча вақт бир-бирига индамай қараб турди. Гарри хонадан елдай учиб чиқиб кетмоқчи, бироқ жойидан қилт этишга қурби етмаяпти.

- Омела, - пичирлади Чу, шифтдан осилиб тушган ўсимликка имо қилиб.

- Ҳа, - бош ирғиди, оғзи қуриб қолган Гарри, - Шингилининг ичи ўйувчиларга тўла бўлса керак.

- Яна қанақа ўйувчилар?

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - жавоб берди, худди Уриб йиқитиш қарғишининг яшини теккан каби, серрайиб қолган Гарри, яқинроқ келган Чунинг кўзига боқиб, - Психунадан, айтмоқчиман-ки, Лунадан сўрасанг, айтиб беради.

Чу ғалати, йиғи билан кулги аралаш овоз чиқариб, шу қадар яқин келдики, Гарри унинг юзидаги жамики сепкиллари санаб чиқа олади.

- Гарри... сен менга жуда ёқасан.

Йигитча фикр юритиш қобилиятидан батамом маҳрум бўлди. Қўли, оёғи, миясини ҳаракатсиз қотириб қўйган аллақандай ғалати, жарангдор бўшлиқ бутун вужудини қамраб олди.

У жуда яқин келиб олган. Кипригидаги кўз ёшларининг митти томчилари аниқ, ҳар бири алоҳида кўриниб турибди.

\*\*\*

Ярим соат ўтгач, Гарри меҳмонхонага кириб борди. Рон билан Гермiona камин яқинига жойлашиб олишган. Хонада иккаласидан бошқа деярли ҳеч ким йўқ. Столдан полгача тушган пергамент ўрамнинг ярмини ишлатиб бўлган Гермiona узундан-узоқ хат ёзиб ўтирибди. Рон эса камин ёнига тўшалган гиламча устида узала тушиб ётганча, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанидан уйга вазифа сифатида берилган иншо ёзмоқда.

- Нега мунча ҳаялладинг? - сўради у, Гермionанинг ёнидаги креслога ўтириб олган Гарридан.

Кучли ҳаяжон таъсири остида қолган Гарри жавоб бермади. Ҳозир унинг онги тенг иккига бўлинган. Биринчи ярми Даркор хонада бўлиб ўтган ишни дўстларига зудлик билан айтиб беришни истаётган бўлса, иккинчи ярми, ушбу ишни қаттиқ сир тутиб, ўзи ила нариги дунёга олиб кетишга қатъий аҳд қилган.

- Гарри, ўзингни яхши ҳис этяпсан-ми? - сўради Гермiona, пат-қалам узра Гаррига диққат билан назар солиб.

Нима бўлаётгани, ўзини қандай ҳис этаётганини ўзи билмаётган Гарри иккиланиб елка қисди.

- Нима бўляпти ўзи? - сўради, Гаррини дурустроқ кўриш учун тирсагига сўяниб олган Рон, - Тинчликми?

Гарри нима деб жавоб бериш, умуман айтганда, гапиришни истаётган-истамаётганини ҳам билмайди. Индамай ўтиришга эндигина қарор қилган эди ҳам-ки, Гермiona вазиятни назорат остига олди.

- Чу-ми? - ойдinлик киритишга киришди у, - Йиғилиш ўтиб, сени ушлаб қолди-ми?.

Гарри саросимада бош ирғиб қўйди. Рон ҳиринглаб юборди-ю, кўзи Гермionанинг нигоҳига тушгач, унини ўчирди.

- Хўш, нима... м-м-м... керак экан унга сендан? - ўзини гўлликка солиб сўради Гермiona.

- У... - гап бошлади Гарри, бироқ овози хириллаб чиққани боис, томоқ қириб олиб, давом этди: - У... м-м-м...

- Бир-бирингиздан бўса олдингизми? - томдан тараша тушгандай, сўраб қолди Гермiona.

Рон шу қадар шиддат билан ётган ўрнига ўтириб олдики, сиёҳдонни онтариб юбориб, гиламчани расво қилди. Бироқ қилган ишига эътибор ҳам қаратмай, Гаррининг башарасига бақрайиб олди.

- Ҳа-ми? - жавоб талаб қилди у.

Гарри қувноқ қизиқсиниш-ла яшнаб турган Рон ва қошини чимириб олган Гермionанинг юзига бирма-бир қараб қўйгач, аста бош ирғиб қўйди.

- ХА! - музаффарият-ла ҳаво муштлади Рон, қулоқни кар қилар даражада хандон отиб.

Дераза ёнида жим турган иккинчи синф ўқувчилари чўчиб кетганидан сапчиб тушишди. Полда думалаб хандон отаётган Роннинг аҳволини кўрган Гарри ҳам кулиб қўйди. Гермiona жирканч қиёфа ясаганча, Ронга қараб қўйиб, хат битишни давом этди.

- Хўш? - сўради Рон, ўзини идора қилиб олгач, - Қанақа бўлар экан?

Гарри нима деб жавоб қайтаришни бир дақиқа ўйлаб кўрди.

- Ҳўл, - рўйирост иқрор бўлди у.

Рон пишқириб қўйди. Бу билан шодликни ифодаламоқчи бўлди-ми, жирканишни-ми, тушуниш қийин бўлди.

- Йиғлагани учун, - маъюс қўшимча қилди Гарри.

- Ие, - деди, кулгиси бироз тинган Рон, - Шу қадар ёмон ўпишасанми?

- Қаердан билай? - деди Гарри ва бундай жавоб миясига келмагани боис, шу заҳоти хавотирланиб қолди, - Эҳтимол ёмондир.

- Бемаънилик, - тарқоқ фикр билдирди ёзишдан тўхтамаган Гермiona.

- Сен қаердан биласан? - хитоб қилди Рон.

- Чу сўнгги вақтда деярли тинмай йиғлаб юрибди, - мубҳам ифода ила маълум қилди Гермiona, - Овқатланаётганда ҳам, ҳожатхонага бекиниб олиб ҳам, хуллас, ҳамма жойда.

- Ундай бўлса, бўсадан кўнгли оз бўлса ҳам, кўтарилиши керак-ку, - ҳиринглади Рон.

- Рон, - улугвор оҳангда жавоб қайтарди Гермiona, пат-қаламни сиёҳдонга ботирар экан, - Бахтга қарши, сен, ҳаётимда учратган галварслар орасида энг бепарвоси, аҳмоғисан.

- Уни қаранг-а? - эътироз билдирди Рон, - Шунчалик доно экансан, қани айт-чи, қайси одам ўпишиб туриб, йиғлайди?

- Ростдан ҳам, - деди Гарри, алам оҳангида, - Ким шундай қилади?

Гермiona иккаласига ачиниб қараб қўйди.

- Сиз иккалангиз, ҳозир уни қандай кечинмалар қийнаётганини умуман тушунмаяпсиз-ми?

- Умуман, - баралла жавоб берди Гарри билан Рон.

Гермиона чуқур хўрсиниб, пат-қаламини четга қўйди.

- Биринчидан, Седрикнинг ўлими уни дилсиёҳ қилгани онг-ла тўнка одамга ҳам тушунарли, албатта. Иккинчидан, тушунишим бўйича ҳозир у гангиб қолган. Негаки, илгари унга Седрик ёққан бўлса, ҳозир Гарри ёқади. Бироқ қайси бири кўпроқ ёқишини ўзи ҳам билмайди. Учунчидан, уни айбдорлик ҳисси таъқиб қилмоқда. Зеро, Гарри билан ўпишиш, унинг учун Седрикнинг хотирасини ҳақорат қилмоқ демак. Агар Гарри билан учрашадиган бўлса, одамлар у ҳақда қандай хаёлга боришини билмайди. Тўртинчидан, Гаррига бўлган муносабатини афтидан, ҳали ўзи тўлиқ тушунмайди. Чунки лабиринтда Седрикнинг ёнида айнан Гарри бўлган ва унинг ўлимини ўз кўзи билан кўрган. Шу боис ҳам, Чунинг ҳиссиётлари чалкашиб кетиб, саросимага тушиб қолган. Бундан ташқари, уни квидиш жамоаси таркибидан четлаштириб юборишларидан чўчиб юрибди. Чунки у, сўнгги вақтда жуда ёмон учмоқда.

Гермионанинг нутқи якунлангач, Гарри билан Рон унини ўчириб, муайян вақт ҳайкалдек қотиб қолишди.

- Бир киши шунча ҳиссиётни бир вақтнинг ўзида бошдан кечириши мумкин эмас, - ниҳоят хулоса чиқарди Рон, - Ёрилиб кетади.

- Агар ҳиссиётинг ҳажми бир яримта бўлса, бу, қолганларнинг ҳиссиёти ҳам шунча, деган маънони англатмайди, - жирканч оҳангда баёнот қилди Гермиона, қўлига пат-қаламини олиб.

- Лекин биринчи бўлиб ўзи бошлади, - деди Гарри, - Мен ундай қилмас эдим... Яқин келди-да... сония ўтиб, бошини елкамга қўйганча, ҳўнграб юборди... Нима қилишни билмай қолдим...

- Ким ҳам билиши мумкин бундай ҳолатда нима қилиш кераклигини? - фикр билдирди Рон, ўхшаш ҳолатни тасаввур қилишнинг ўзи, уни даҳшатга солаётгани яққол кўриниб.

- Овунтириб қўйишинг керак эди, вассалом, - деди Гермиона, ташвишли нигоҳини пергаментдан ўзиб, - Умид қиламан-ки, сен айнан шундай қилдинг, шундайми?

- М-м-м, шундай қилгандай бўлдим шекилли, - деди юзи ёқимсиз ловуллаб кетган Гарри, - Елкасига уриб-уриб қўйдим.

Гермионага кўзини тепага қаратиб юбормаслик учун ўз иродасига зўр беришга тўғри келгани яққол кўриниб турибди.

- Ҳа, бундан баттарроқ ҳам бўлиши мумкин эди, - фикр билдирди у, - Хўш, у билан учрашиб туришдан бош тортиш ниятинг йўқми?

- Бошқа чора йўқ шекилли? - деди Гарри, - ДА жамиятининг йиғилишларини ҳали ҳеч ким бекор қилгани йўқ-ку.

- Нимани назарда тутаётганимни яхши фаҳмлаб турибсан, - деди Гермиона.

Гарри индамади. Гермионанинг сўзлари унинг тасаввурида мутлақо янги, кишини чўчитадиغان истиқболни очиб юборди. У Чу билан бирга бирон жой, мисол учун Хогсмёдга биргаликда боришини, бир неча соатни фақат икковлон ўтказишни тасаввур қилишга уриниб кўрди. Табиийки, бўлиб ўтган ишдан сўнг, Чу Гаррининг таклифини кутади. Ушбу фикрлар Гаррининг ичидаги нарсаларни эшиб ташлади.

- Аҳамияти йўқ, - фикр билдирди хат ёзишни давом эттиришга киришган Гермiona лоқайд оҳангда, - Уни таклиф қилишга ҳали бир олам имконинг бўлади.

- Агар Гарри истамаса-чи? - сўради Гаррини ғайриодадий кузатиб ўтирган Рон.

- Бемаъни гап, - паришонхотирлик-ла қўл силтади Гермiona, - Гарри кўпдан бери Чуни ёқтириб қолган, тўғрими Гарри.

Гарри яна индамади. Ҳа, Чу унга кўпдан буён ёқиб келган, бироқ икковлашиб сайр қилишни тасаввур қилиш... Гарри Чуни елкасига бош қўйиб йиғлаганини эмас аксинча, доимо бахтиёр юрганини кўрган.

- Анави ёзаётган романинг кимга аталган? - сўради столдан полга осилиб тушган пергамент ўрамига битилган ёзувни ўқишга уринган Рон, Гермionaга мурожаат қилиб.

Қиз дарҳол хатни ўзига тортиб олди.

- Викторга.

- Крумга-ми?

- Яна қайси Викторларни биламиз?

Рон ҳеч нима демади-ю, қовоғини солиб, йигирма дақиқача овоз чиқармай, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанидан уйга вазифа сифатида берилган иншони ёзар экан, баъзан бетоқат пишқирганча, йўл қўйган хатоларини зарда ила ўчириб ётди. Гермiona чиройли ҳуснихат-ла битиб, пергаментнинг охиригача етказган хатини батартиб ўраб, муҳрлади. Гарри эса нигоҳсиз кўзини камин оловига тикиб, Сириуснинг пайдо бўлиши ва қизлар билан қандай муомала қилиш кераклиги ҳақида насиҳат беришини орзу қилиб ўтирди. Таассуфки, олов борган сари сўниб, тили қисқариб бормоқда... Ниҳоят ҳароратдан қизарган чўф уюми кулга айланди. Атрофга қараган Гарри умумий меҳмонхонада яна учовлон қолганини идрок этди.

- Хўп, майли, хайрли тун, - тилак билдирди оғзини кенг очганча эснаб олган Гермiona, қизлар ётоқхонасига олиб чиқадиган зинапоя томон йўл олар экан.

- Ўша Крумнинг нимасини ёқтириб қолди, ҳайронман? - эътироз билдирди Рон, Гарри иккаласи ҳам ётоқхона томон йўл олиб.

- Балки ёши катта ва... - ўйланиб қолди Гарри, - Дунёга машҳур квидиш ўйинчиси бўлгани ёққандир.

- Тўғри, яна нимасини? - жаҳл-ла сўради Рон, - Ўларча ёқимсиз, ичи қоронғи нусха-ку, у!

- Ҳа, тўғри, ёқимсиз, - эътироз билдирмади, фикр-хаёли ҳанузгача Чу билан банд Гарри.

Икковлон эгнидаги коржомани ечиб, пижамасини кийиб олди. Гарри кўзойнагини каравотининг ёнидаги жавонча устига қўйди-ю, чодирининг пардасини тортмай, Невиллнинг каравоти ёнидаги дераза орқали ситоралар сочиб юборилган тунги осмонга қаради. Кеча айна шу пайтда, уйқуга ётаётган маҳалда йигирма тўрт соат ўтгач, Чу Чэнгдан бўса олиб ётиш хаёлига келганми?..

- Хайрли тун, - ўнг томондан эшитилди Роннинг ғудуллаган овози.

- Яхши ётиб тур, - жавоб қайтарди Гарри.

Эҳтимол янаги сафар бахтлироқ бўлар... хаёлдан ўтказди Гарри, агар бугунги иш такрорланадиган бўлса... Бирор жойга таклиф қилиш керак. Балким шунга умид қилгандир бугун, ҳозир эса мендан ранжиб ётибди... Эҳтимол ётган жойида Седрикни эслаб, йиғлаётгандир? Қандай тўхтама келишни билмаган Гаррининг боши қотди. Германионинг тушунтиришлари эса ҳамма нарсани чалкаштириб юборди.

Қизларнинг миясида қандай ўйлар бўлиши мумкинлигини ўргатиш керак бизга, хаёлдан ўтказди Гарри. Ҳар қалай башорат фанидан кўра фойдалироқ бўлар эди...

Хонада тарашадек қотган Невилнинг пишиллаётгани, ташқаридаги зулмат қаъридан эса бойқушнинг гурсиллагани эшитилмоқда.

Гаррининг тушига Даркор хонада тургани кирди:

- Нега мени бу ерга етаклаб келдинг? - койиди уни Чу, - Шокобақа дасталаридан чиққан бир юз элликта сурат бераман деб, ваъда қилган эдинг, қани?

Гарри эътироз билдирди.

- Седрик жуда кўп сурат берган эди менга! Мана, қара! - баттар қичқирди Чу, киссасидаги расмларни сиқимлаб чиқарганча, ҳавога улоқтириб.

Шундан сўнг, Чу, Германионага айланиб қолди.

- Сен ваъда қилгансан, Гарри... Ўрин қоплаш сифатида унга бирон нима беришинг шарт. Балким «Чақмоқ»ни тўхта қиларсан?

Гарри «Чақмоқ»ни Амбриж мусодара қилганини эслатди.

- Умуман айтганда, бу гапларнинг бари кулгили. Ахир мен Даркор хонага ҳаво шарларини осгани келган эдим... қаранг, улар шаклан Доббининг калласига ўхшаб кетади.

Туш кескин ўзгарди...

Гаррининг танаси силлиқ, бақувват, эгилувчан бўлиб қолди. Энди у металл панжаранинг ялтироқ, сеҳрли чивиклари орасидан қорнида ўтиб, қоронғи хонанинг муздай поли бўйлаб ўрмалаб бормоқда. Атрофни зулмат қамраб олган бўлса-да, унга ҳамма ёқ аниқ, лекин қандайдир ғалати, пирпираётган тарзда ёришиб кўринмоқда... Гарри бошини ён томон бурди. Йўлакда ҳеч ким йўқ... гарчи... Ана, олдинда, кимдир бошини кўкрагига осиб олганча ўтирибди... Одам танаси қоронғи йўлакда милтиллаб кўринмоқда...

Гарри тилини чиқариб, ҳавода инсон ҳидини ҳис этди... Тирик, йўлак охиридаги эшик рўпарасида мизғиб ўтирибди...

Гарри полда ўтирган одамни чақиб олишни истади... бироқ бундай истакка эрк бериш мумкин эмас... ҳозир унинг олдида бошқа, ниҳоятда муҳим вазифа турибди...

Лекин анави киши қимирлади... оёққа қалқиб туриб, тиззасидаги кумуш тусли плашни тушириб юборди. Гарри рўпарасидаги инсоннинг титраётган хира шарпасини кўриб турибди... киши бел камарига қистирилган сеҳрли таёқчасини чиқармоқчи... Бўлди, Гаррининг ўзга чораси қолмади... У пол узра баланд кўтарилиб, кетма-кет бир неча бор зарба берди... ва ҳар гал тиши одам танасига чўқур санчилгани... қовурғалари синаётгани, танасидан қон отилиб чиқаётганини ҳис этмоқда...

Оғриқдан бақирган одам овози бироздан сўнг, ўчди... деворга жонсиз сўяниб қолди... танасидан сизаётган қон полга оқа бошлади...

Гаррининг пешонаси шу қадар кучли оғримоқдаки, калласи икки бўлиниб кетади чоғи...

- Гарри! ГАРРИ!

Совуқ терга ботган Гарри кўзини очди. Чойшаб, худди тийдириш кўйлаги каби, танасига ўралиб қолган. Пешонаси, гўё бироз чўғдан суғуриб чиқарилган темир косовни босиб олгандай қизиб кетган.

- Гарри!

Ўларча кўрқиб кетган Рон Гаррининг устига энгашиб олибди. Каравотининг оёқ томонида ҳам кимдир бор. Гарри иккала кафтини пешонасига босиб олди. Оғриқ кўзни очирмаяпти. Қорин соҳасига тез ағанаб, бошини пастга осилтирганча, қайт қилиб юборди.

- Мазаси қочган, - эшитилди ташвишли овоз, - Балки бирор кишини чақириб келиш керакдир?

- Гарри! Гарри!

Ронга айтиш керак, бу жуда муҳим, хаёлдан ўтказди Гарри, оғзи билан ҳаво ютиб. У шартта кўрпасига ўтириб, қайт қилмаслик учун бор кучини ишга солди. Оғриқ зўрлигидан кўзи ҳеч нима кўраётгани йўқ.

- Сенинг... - чуқур нафас чиқарди Гарри, кўкрак соҳаси оғир кўтарилиб, - Сенинг даданга... ҳамла қилинди...

- Нима? - тушунмади Рон.

- Даданг! Уни илон чақди! Кўп маротаба! Қонга беланиб ётибди!

- Алахсираяпти. Бориб, бирор кишини чақириб келмасам бўлмайди, шекилли, - эшитилди яна ўша ташвишли овоз.

Кимдир хонадан югуриб чиққани эшитилди.

- Гарри, дўстим, - деди Рон, иккиланиб, - Босинқирагансан, шекилли.

- Йўқ! - дарғазаб бақирди Гарри, Ронни ишонтириш шарт эканлигини идрок этиб, - Босинқираганим йўқ! Бу туш эмас!... Мен ўзим ўша ерда бўлдим, ўз кўзим билан кўрдим... Мен чақдим!...

У Дин билан Симуснинг тўнғиллаганини эшитди-ю, эътибор қаратмади. Оғриқ бироз тингандай бўлса ҳам, тер оқими тўхтагани йўқ. Бунинг устига безгак тутгандай дағ-дағ қалтирамоқда. У боз қайт қилиб юборди. Рон нари сапчишга базўр улгуриб қолди.

- Гарри, тобинг қочибди, - деди Рон, овози титраб, - Невилль ёрдам чақиргани кетди.

- Тобим қочгани йўқ! - нафас чиқарди қалтираётган Гарри, оғзини пижамасига артиб, - Соғлигим жойида, дадангнинг ҳаёти эса хавф остида. Жуда кўп қон йўқотган! У ҳозир қаерда эканлигини зудлик билан аниқлаш керак. Мен... у... ниҳоятда йирик илон эди.



Гарри ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, Рон уни туртиб, жойига ўтқизиб қўйди. Сал нарида турган Дин билан Симус пичирлашмоқда. Орадан бир дақиқа ўтди-ми, ўн дақиқами, Гарри билмайди. Титраб ўтирганча, оғриқ жуда секин бўлса ҳам, тиниб бораётганини ҳис этмоқда... Бироздан сўнг, тез босилаётган қадам товуши ва сал ўтиб, Невилнинг овози эшитилди:

- Бу ёққа, профессор.

Ётоқхонага эгнига катак-катак халат кийган, қоқ суяк бурнининг устидаги кўзойнаги қийшиқ ўтирган профессор Макгонагалл отилиб кирди.

- Нима қилди, Поттер? Қаеринг оғрияпти?

Гарри ҳали ҳеч қачон Макгонагаллни кўриб, бу қадар суюнмаган. Ҳозир унга, атрофида ивирсиб, дори ёзиб берадиган шифокор эмас айнан Қақнус ордени аъзоларидан бири керак эди.

- Роннинг дадаси фалокатга йўлиқди, - ўтирган жойида қаддини рост тутди Гарри, - Унга йирик илон ҳамла қилди! Жароҳати жуда оғир, ҳодисани ўз кўзим билан кўрдим!

- Ўз кўзим билан, деганингни қандай тушуниш керак? - қошини чимирди профессор Макгонагалл.

- Билмайман... ухлаб ётган эдим ва кутилмаганда ўша ерда пайдо бўлиб қолдим...

- Айтмоқчисан-ки, тушингда кўрдинг, шундайми?

- Йўқ! - овоз кўтарди Гарри, ҳеч ким уни тушунмаётганидан жаҳли чиқиб, - Дастлаб мен бошқа, қандайдир аҳмоқона туш кўрганим рост... кейин дафъатан... Ҳамма нарса ўнгимда бўлди. Мен ҳеч нарса тўқиб чиқараётганим йўқ. Мистер Уэсли полда ухлаб ўтирган эди. Унга ниҳоятда йирик илон ҳамла қилди, кўп қон йўқотди, йиқилди... Ҳозир у қаерда эканлигини аниқлаш керак...

Профессор Макгонагалл қийшайиб қолган кўзойнаги орқали Гаррига, худди рўпарасида аллақандай даҳшат тургандай бақрайиб қолди.

- Ёлғон гапирётганим йўқ, эсимни ҳам йўқотиб қўйганим йўқ! - деярли қичқириб юборди Гарри, - Ҳодисани ўз кўзим билан кўрдим, деяпман-ку, сизларга!

- Сенга ишонаман, Поттер, - қисқа қилди профессор Макгонагалл, - Тез халатингни кийгин-да, оптимдан юр. Директорнинг ҳузурига борамиз.

## **ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ. МУҚАДДАС РЕЗГИ КАСАЛХОНАСИ – ҒАЛАТИ ЖАРОҲАТ ВА ПАТОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

Профессор Макгонагалл бовар қилиб, сўзларини жиддий қабул қилгани боис, анча енгил тортган Гарри кўрпасидан ирғиб тушди-да, эгнига халатини тез кийиб, кўзойнагини тақиб олди.

- Уэсли, сен ҳам биз билан боришинг керак, - деди профессор Макгонагалл.

Гарри билан Рон коллеж мудирининг кетидан эргашар экан, турган жойида ўнсиз қотиб қолган Невилль, Дин ва Симуснинг ёнидан ўтиб, ётоқхонани тарк этишди, сўнг, айлана зинапоя бўйлаб

тушишганча, умумий меҳмонхонадан Семиз Хола портрети тўсган туйнук орқали ўтишди-да, ой нурлари ёритиб турган йўлакка чиқиб, олға одимлаб кетишди. Гаррининг вужуди қайнаб кетмоқда. Ҳозир у югуриш, кучи борича қичқириб, Дамблдорни чақиритиб истаяпти. Ахир мана бу йўлак бўйлаб имиллаб юришган айна вақтда, мистер Уэсли қаердадир қон йўқотиб ётибди-ку... Агар анави илоннинг тиши заҳарли бўлса-чи, хаёлдан ўтказди Гарри, «менинг тишим заҳарли бўлса-чи?» деган ўйни имкон қадар хаёлига келтирмасликка уриниб. Кутилмаганда фонусга ўхшаш кўзини йўлакда юрган одамларга қаратиб, вишиллаган миссис Норрис рўбару келиб қолди. Профессор Макгонагаллнинг «Пишт!» деганини эшитган қўриқчи мушук шу заҳоти қоронғи бурчакка кириб, кўздан ғойиб бўлди. Бир неча дақиқа ўтгач, учаласи, Дамблдорнинг хизмат хонасига кириш жойини қўриқлаб турган аждар тусли тош илон ёнидан чиқди.

- Виш-виш тук ари, - деди профессор Макгонагалл.

Аждар тусли тош илон жонланиб, четга сакраб ўтди, ортидаги девор эса икки томон сурилиб очилганча, эскалатор каби, юқорига ҳаракатланадиган айланма зинага йўл очди. Учаласи зинага чиқиши билан девор қарсиллаб ёпилди. Зина буралиб, буралиб, меҳмонларни юқорига, грифон танаси кўринишида ясалган эшик болғасига эга, астойдил сайқал берилган катта эман эшик рўпарасига қадар кўтариб чиқди. Вақт ярим тундан ўтган бўлса ҳам, ичкаридан бир маромда аста эшитилаётган овозларга қараганда, Дамблдорнинг қабулида кимдир борга ўхшайди.

Профессор Макгонагалл болға воситасида эшикни уч маротаба тақиллатиши ҳамано, ичкаридан эшитилаётган овозлар, худди биров ўчириб қўйган каби, тиниб, эшик ўзидан ўзи очилди. Болалар Макгонагалл бошчилигида хона остонасини ҳатлаб ўтди.

Директорнинг доира шаклидаги хизмат хонасида нимқоронғилик қарор топган. Ингичка оёқли баланд столчалар устига терилган, одатда, буғ чиқариб айланадиган турли-туман кумуш асбоблар ҳозир тек қотган. Хона деворларини деярли тўлиқ тўсиб қўйган портретларда «Хогварц»нинг собиқ директорлари мизғиб ўтиришибди. Эшик ёнига ўрнатилган тилла қўноқда эса бошини қаноти остига суқиб олган аломат гўзал, пат қопламаси зийнатли, алвон ва тилла ранг кўринаётган қуш ухламоқда.

- Эвоҳ, ўзингиз-ми, профессор Макгонагалл... ким билан... О!

Суюнчиғи баланд креслода ўтирган Дамблдорнинг рўпарасидаги ёзув столи устида ёнаётган шам, столда сочилиб ётган аллақандай қоғозлар ҳамда гавдасини олдинга бироз энгаштирган, юзида уйқудан асар кўринмаётган директорнинг эгнидаги тунда кийиладиган оппоқ кўйлак устидан ташланган қизғиш-тилла тусли халатини ёритмоқда. Дамблдор ёрқин мовий кўзини профессор Макгонагаллдан узмай ўтирибди.

- Профессор Дамблдор, нима десам экан... Поттер... босинқираб чиқибди, - билдирув берди Макгонагалл, - Айтишича...

- Босинқираганим йўқ, - шу заҳоти гапни бўлди Гарри.

- Яхши, Поттер, ундай бўлса ўзинг айтиб бер, - деди қошини чимириб олган профессор Макгонагалл, Гаррига юзланиб.

- Мен... мен, ухлаб ётган эдим, албатта, - гап бошлади, вужудини ваҳима қамраб олган Гарри, сўзларининг маъносини тушунишларига шубҳа қилган, директор кўзини олиб қочиб, қовуштириб олган бармоқларига термилиб ўтирганидан жаҳли чиққан ҳолда, - Бироқ бу оддий туш эмас... Гўё

Ўнгимда бўлган каби, кечди... Ҳодисани ўз кўзим билан кўрдим... Роннинг дадаси – мистер Уэслини йирик илон чақиб ташлади, - чуқур нафас чиқарди у.

Гарри жим бўлиб қолди-ю, орага сукунат чўкиб, кулгили, тутуриқсиз сўзлари ҳавода маълум вақт жаранглаганча, эшитилаётган бўлди. Танасини кресло суюнчиғига ташлаб олган Дамблдор, хона шифтини диққат билан ўрганиб чиқишга киришган кўринади. Руҳий ларзадан юзи оқариб кетган Рон нигоҳини дам Гаррига, дам Дамблдорга олиб ўтмоқда.

- Ҳодисани қай тарзда кўрдинг? - хотиржам сўради Дамблдор, ҳанузгача Гаррига қиё боқмай.

- Билмайман, - жавоб қайтарди Гарри, дарғазаб оҳангда, - Фарқи нима? Бошимда, шекилли...

- Саволни нотўғри тушундинг, - хотиржам давом этди Дамблдор, - Айтмоқчиман-ки... ҳамла қилинган фурсатда... м-м-м... қаерда бўлганинг эсингдами? Ҳамла қурбони ёнида турган эдингми ёки бўлиб ўтган ҳодисани юқорида туриб кўрдинг-ми?

Савол шу қадар ғалати туюлдики, ҳайрон қолган Гарри Дамблдорга бақрайиб қолди. У ҳамма нарсани билади...

- Илон мен ўзим эдим, - деди Гарри, - Ҳодисани илон кўзи ила кўрдим.

Муайян вақт ҳамма тек қотди. Шундан сўнг, Дамблдор, нигоҳини юзида қон қолмаган Ронга қаратиб, бошқача, нисбатан кескин оҳангда сўради:

- Артур жиддий яраланганми?

- Ҳа, - ифодали оҳангда жавоб қайтарди Гарри.

Нега ҳамма бу қадар бефаҳм бўлмаса, хаёлдан ўтказди у, йирик тишли баҳайбат илон киши танасини илма-тешиқ қилиб юборса, инсон қанчадан қанча қон йўқотишини наҳотки тушуниб етишмаса, булар, а? Ва наҳотки Дамблдорга, боадаблик тариқасида бўлса ҳам, лоақал бирор маротаба бўлсин, менга қараб қўйиш қийин бўлса?

Гаррининг қисқа жавобини эшитган Дамблдор ўрнидан кескин туриб, деярли шифт остида осифлиқ турган портретлардан бирига мурожаат қилди. Директорнинг бундай кутилмаган ҳаракатидан чўчиб кетган Гарри турган ўрнида бир сапчиб тушди.

- Эверард! - баланд овозда чақирди Дамблдор, - Ва Сиз, Дилис!

Гарчи ўз ўринларида олдин гўё қаттиқ ухлаб ўтиришган бўлишса-да, юзи сарғиш тусли, қора сочи қисқа олинган сеҳргар киши билан қўшни портретдаги кекса афсунгар аёл шу заҳоти кўзларини очишди.

- Эшитдингиз-ми? - сўради Дамблдор.

Сеҳргар расми бош ирғиди.

- Албатта, - тасдиқлади афсунгар аёл тасвири.

- Жабрланган ўша кишининг сочи малла бўлиб, кўзойнак тақиб юради, - маълум қилди Дамблдор, - Эверард, Сиз, тўс-тўполон кўтаришингиз лозим. Илтимос, шундай қилинг-ки, уни керакли одамлар топсин...

Иккаласи бош ирғиб, одатда, «Хогварц»да юз берадиган каби, қўшни портретларда кўриниш бермай, ўз портретларининг рамаси ортига кириб кетганча, кўздан ғойиб бўлди. Суратлардан бирида фон сифатида хизмат қилаётган парда, иккинчисида эса чарм креслогина қолди. Шундагина Гарри, аксарият собиқ директорлар, гарчи қотиб ухлаётганига ишонтириш учун хуррак тортаётган, баъзилари ҳатто сўлак оқизаётганига қарамай, аҳён-аҳён меҳмонларга қизиқсиниб қараб қўйишаётганини пайқаб қолди. Кириш эшигига яқинлашганида ичкаридан бир маромда аста эшитилаётган овозлар кимга тегишли бўлгани ана энди Гаррига тушунарли бўлди.

- Эверард билан Дилис «Хогварц»га раҳбарлик қилган энг машҳур кишилардан саналади, - тушунтириш берди Дамблдор, Гарри, Рон ва профессор Макгонагаллни шиддат-ла айланиб ўтганча, эшик ёнидаги тилла қўноқда ухлаб ўтирган кўркам қуш ёнига бориб, - Улар шу қадар машҳурки, портретлари сеҳргарларга қарашли барча нуфузли муассасаларда осийлиқ туради. Модомики, улар ўз суратлари бўйлаб юришга ҳақли эканлар, қаерда нима рўй бераётганидан ҳар қандай фурсатда воқиф бўлишлари мумкин...

- Бироқ мистер Уэсли ҳар қандай бошқа, уларнинг расми осилмаган жойда бўлиши мумкин-ку! - хитоб қилди Гарри.

- Илтимос, ўтиринглар, - деди Дамблдор, Гаррининг сўзларига эътибор қаратмай, - Эверард билан Дилис қайтгунга қадар бир неча дақиқа ўтиши мумкин. Профессор Макгонагалл, бир жуфт курси таклиф қилсангиз.

Профессор Макгонагалл халатининг киссасидан сеҳрли таёқчасини чиқариб, сал силтаб қўйганча, ҳавода учта тик суюнчиқли, интизомий жиҳатдан муҳокама қилинаётган суд мажлисида Дамблдор яратган, сиртига чит сирилган қулай креслодан фарқли ўлароқ, ўтириш ноқулай бўлган ёғоч курси пайдо қилди. Гарри ўтириб, елкаси узра Янгуснинг тилла тусли пўпакчасини бармоғи билан силаётган Дамблдорга қаради. Қақнус бир зумда уйғониб, чиройли бошини баланд кўтарганча, ярқираб турган қора кўзини Дамблдорга қаратди.

- Огоҳ қилиб қўйиш керак, - деди Дамблдор пичирлаб.

Лоп этиб олов ёниб, қақнус кўздан ғойиб бўлди.

Дамблдор кумушдан тайёрланган, нима вазифа бажаришини Гарри тасаввур ҳам қила олмайдиган мўрт асбоблардан бирини олди-да, ёзув столига олиб келиб, креслосига ўтириб олганча, сеҳрли таёқчаси билан енгил уриб қўйди.

Кумуш асбоб жарангланганча жонланиб, бир маромли чертки товуши ва учидаги митти қувурча ичидан хира яшил буғ пағаларини чиқара бошлади. Қошини чимириб олган Дамблдор асбобга диққат билан разм солиб ўтирди. Бир неча сония ўтгач, буғ пағалари текис оқимга айланди. Оқим борган сари қалинлашиб, ҳалқасимон шакл касб этди, бошида эса оғзини катта очган илон боши пайдо бўлди. Қизиқ, сўзларим тасдиғимикан бу, хаёлдан ўтказди Гарри, ҳақлигидан далолат берадиган бирон-бир белги ҳосил бўлишига умид қилганча, Дамблдорга қараб. Бироқ Дамблдор кўзини асбобдан ўзмай ўтирибди.

- Албатта, албатта, - ғудуллади буғдан кўзини ўзмаган, оз бўлса ҳам, ҳайронлик аломатини кўрсатмаган директор, ўзи билан ўзи гаплашиб, - Бироқ мазмунан иккига ажралишганми-йўқми?

Директорнинг саволи нимага дахлдор эканлигини Гарри идрок эта олмади. Ҳалқа сифатида ўралиб, нимқоронғи хонада яққол кўринган илон эса бу вақтда, иккита илонга ажралди. Маъюс

нигоҳи қаноатланган Дамблдор сеҳрли таёқчасини асбобга боз теккизди. Чертки товуши аста тиниб, илонлар хиралашганча, шаклсиз тутунга айланди ва кўп ўтмай ҳавода тарқаб кетди.

Дамблдор асбобни жойига жойлади. Портретларнинг аксарияти директорнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб туришди, лекин Гаррининг нигоҳини сезишлари билан, ўзларини ухлаётган кўйга солиб олишди. Гарри бу қанақанги ғалати асбоб эканлигини сўраб билмоқчи бўлди-ю, улгурмади. Ўнг томонга баланд осилган портретдан қичқириқ эшитилди:

- Дамблдор!

Афтидан, ҳансираб қолган Эверард қайтган кўринади.

- Нима янгиликлар бор? - шу заҳоти сўради Дамблдор.

- Одамлар тўпланишгунга қадар роса қичқирдим, - деди сеҳргар, ортида осифлиқ турган пардага қошини артиб, - Уларга пастда нимадир қимирлаганини эшитганимни айтдим. Сўзларимга ишониш-ишонмасликка иккиланиб қолишди. Пастда, мен ўтиб, юзага келган ҳолатни кўра олишим мумкин бўлган бирорта ҳам портрет йўқлигини биласиз. Нима қилганда ҳам, улар пастга тушиб, хабар олишга аҳд қилишди ва бир неча дақиқа ўтгач, уни кўтариб чиқишди. Аҳволи чатоқ, қонга беланган. Олиб кетишаётганида, яхшилаб кўриб олиш учун Эльфрида Крэгг портретига югуриб ўтдим...

Рон, худди томири тортишиб кетгандай, сесканиб кетди.

- Жуда соз, - деди Дамблдор, - Тушунишимча, уни етказиб боришганини Дилис кўради...

Бир неча сония ўтар-ўтмас, кумуш сочли афсунгар аёл ҳам ўз портретига қайтиб келиб, йўталганча, креслосига ўтириб олди.

- Ҳа, Дамблдор, уни Муқаддас Резги касалхонасига етказиб боришди... нақ портретим остидан олиб ўтишди... аҳволига қараб бўлмайди...

- Иккалангизга ҳам ташаккур, - бош ирғиди Дамблдор, профессор Макгонагаллга кескин юзланиб.

- Минерва, илтимос, Уэслиларнинг қолган болаларини ҳам уйғотинг.

- Албатта...

Профессор Макгонагалл ўрнидан туриб, чиқиш эшиги томон тез одимлаб кетди. Гарри кўз қири билан даҳшатдан серрайиб қолган Ронга қараб қўйди.

- Дамблдор... Молли масаласи нима бўлади? - сўради эшик ёнида тўхтаб қолган профессор Макгонагалл.

- Янгус ҳал қилади, патруллик хизматини якунига етказгач, - жавоб қайтарди Дамблдор, - Фикримча у, аллақачон фаҳмлаган... Ажойиб соати борда, Моллининг...

Дамблдор қайси соатни назарда тутаётганини Гарри яхши билади, албатта. Бошпанадаги ўша соат вақтни кўрсатмай, Уэслилар оиласининг аъзолари айна фурсатда қаерда ва қандай ҳолатда эканлиги ҳақида етарлича тўлиқ ахборот беради. Хусусан, соатнинг тўққизта тилла мили бўлиб, ҳар бирига Уэслилардан бирининг исми ўйиб ёзилган. Соат доирасига рақам ўрнига оиланинг тегишли аъзоси айна вақтда қаерда эканлигини англатадиган ёзувлар, чунончи: «Уйда», «Ишда»,

«Мактабда» ва ҳатто «Бедарак кетди», «Касалхонада», «Қамоқда» каби, сўзлар, «12» рақами ўрнида эса «Ҳалокат ёқасида» ёзуви битилган. Шубҳа йўқ-ки, мистер Уэслига тегишли мил ҳозир айнан «12» рақами ўрнига келиб тўхтаган. Бироқ ҳозир тун-ку, хаёлдан ўтказди юраги орқага тортиб кетган Гарри, миссис Уэсли уйқуга ётган бўлса, соатга қарамайди. Пинҳонийлик майдонида жойлашган Блэклар хонадонига миссис Уэслини ўларча қўрқитиб юборган боггартни эслаган Гаррининг вужуди муздай бўлиб қолди. Ўшанда ўз қиёфасини алмаштирувчи руҳ мистер Уэслининг кўзойнаги кўзидан нари сүрилиб, лунжидан қон оқаётган жасадига айланиб олган эди... Йўқ, мистер Уэсли ўлмайди!... Бунга ҳақи йўқ...

Дамблдор анча вақт жавон титкилаб, ниҳоят қорайиб кетган қадимий чойнак чиқарди-да, ёзув столига аста қўйди.

- Портус! - деди у, сеҳрли таёқчасини кўтариб.

Чойнак ғалати мовий тус бериб, маълум вақт титраб турди-да, охири бир силтаниб, яна қорайиб қолганча, тек қотди.

Дамблдор қирра соқолли, юзи ақл-идрок ифода этиб турган, эгнига слизеринчилар кийимини кийган бошқа портрет олдига қатъият-ла яқинлашди.

- Пиний. Пиний.

Портрет, афтидан, шу қадар қаттиқ ухлаб қолганки, Дамблдорнинг овозини эшитмади.

Хонани тўлдириб турган бошқа портрет соҳиблари ўзларини мизғиётган кўйга солишни бас қилиб, нима бўлаётганини кўриш илинжида хавотир-ла, қўзғала бошлашди.

- Пиний! Пиний! ПИНИЙ!

Муғомбирликни давом эттиришнинг маънисини қолмади. Сеҳргар Пинийнинг сурати ясама сапчиб, кўзини катта очди.

- Мени биров чақиргандай бўлди-ми?

- Иккинчи портретингизга яна бир бор ташриф буюришингиз ва яна бир хабар етказишингизни сиздан илтимос қилмоқчиман, муҳтарам Пиний, - деди Дамблдор.

- Иккинчи портретимни? - сўради Пиний, узоқ ва сохта эснаганча.

Эснash давомида хонага кўз югуртириб чиққан Пинийнинг нигоҳи Гаррида тўхтаб қолди.

- Э, йўқ, Дамблдор, бугун мен ҳаддан ортиқ чарчаганман.

Пинийнинг овози Гаррига таниш кўринди? Қаерда эшитган бўлиши мумкин, ушбу овозни? Бироқ қолган портретлар тўс-тўполон кўтариб юборишгани боис, бу масалани ўйлаб кўришга улгурмади.

- Бўйсунинг қоидаларини бузмоқдасиз, сэр! - ўкириб берди, бурни қип-қизил семиз сеҳргар, мушт силтаб, - Бурчга хиёнат қилмоқдасиз!

- «Хогварц»нинг амалдаги директорида хизмат қилиш ҳаммамиз учун бирдай шарафли ишдир! - чийиллади қилтириқ қария, - Уялмайсиз-ми, Пиний!

Гарри Дамблдордан олдин директорлик қилган Армандо Диппетни таниди.

- Балким уни кўндиришга уриниб кўрарман, Дамблдор? - баланд овозда сўради, қандайдир ғилай кўзли афсунгар аёл, говронга ўхшаш оғиргина сеҳрли таёғини кўтариб.

- Хўп, майли, борсам бора қолай, - истар-истамас розилик берди Пиний Нигеллий, кўз қири ила говрон-таёққа хавотир-ла қараб қўйиб, - Бироқ иккинчи расмимни аллақачон йўқ қилиб юборишган бўлишлари мумкин. У оилага тегишли жамики...

- Сириус портретингизни қай тарзда йўқ қилиш мумкинлигини ҳали билмайди, - ишонтирди Дамблдор.

Шундагина Гарри, Пинийнинг овозини қаерда эшитганини эслади. Пинхонийлик майдонидаги уйнинг Рон иккаласига ажратилган ётоқхонасидаги ўймакор ҳошияга олинган, гўё бўм-бўш расмдан айнан мана шу қариянинг овози эшитилган.

- Артур Уэсли оғир яралангани, унинг хотини, болалари ва Гарри Поттер тез орада уйга етиб боришларини етказишингиз керак. Тушундингиз-ми?

- Артур Уэсли оғир яраланган, унинг хотини, болалари ва Гарри Поттер тез орада Сириуснинг уйига етиб боришади, - зериккан оҳангда такрорлади Пиний, - Хўш, хўш... жуда соз...

Қария совуққонлик-ла портрет рамкаси ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Айни фурсатда хизмат хонасининг эшиги ланг очилиб, ичкарига профессор Макгонагалл ҳамроҳлигида ҳозир бўлган Фред, Жорж ва Жинна тунги пижамада, сочи таралмаган ва батамом эсанкираган ҳолатда кириб келишди.

- Гарри!... Нима гап, тинчликми? - чўчиб сўради Жинна, - Профессор Макгонагаллнинг айтишича, дадамга ҳамла қилинганини кўрган эмишсан...

- Дадангиз Қақнус ордени фаолияти билан боғлиқ бурчини адо этиш мобайнида оғир яраланди, - деди Дамблдор, Гарри оғиз жуфтлашга улгурмай, - У Муқаддас Резги касалхонаси – ғалати жароҳат ва патологиялар институтига ётқизилди. Ҳаммангизни Сириуснинг уйига йўлламан. Ўша ердан касалхонага қатнаш нисбатан осон кечади. Ойингиз ҳам тез орада даврангизга қўшилади.

- Сириуснинг уйига қандай етиб борамиз? - довдираб сўради Фред, - Саёҳат уни воситасидами?

- Йўқ, - деди Дамблдор, - Бундай йўл бугунги кунда хавфсиз эмас. Саёҳат тармоғи махсус назорат остига олинган. Портшлюс воситасида йўлга чиқасиз, - имо қилди директор, стол устида турган чойнакка, - Фақат Пиний Нигеллийнинг қайтишини кутамиз... Сизларни сафарга кузатиб қўйишдан олдин йўлингизда ғов йўқлигига ишонч ҳосил қилмоқчиман...

Кутилмаганда хона ўртасида гув этиб олов ёнди-да, полга аста пастлаб тушган тилла тусли пат қолдирганча, ўчди.

- Янгус огоҳлантирмоқда, - деди патни тутиб олган Дамблдор, - Афтидан, профессор Амбриж ётоқхонани тарк этганингиздан хабар топган кўринади... Минерва, хаёлингизга келган баҳона ила, уни тўхтатиб қолинг...

Шотландияликларнинг катак-катак матосидан тикилган кийим лип этди-да, профессор Макгонагалл кўздан ғойиб бўлди.

- Айтишича, уларни ўз уйида қабул қилиш бахтидан боши осмонга етар эмиш, - эшитилди Дамблдорнинг орқасида, «Слизерин» байроғи остида боз намоён бўлган Пинийнинг диққати

ошган овози, - Эварам меҳмон танлаш масаласида жа ғалати диди ила Блэklar хонадони аъзоларидан кескин фарқ қилади.

- Йўлга чиқинг, - амр этди Дамблдор, Гарри билан Ронга мурожаат қилиб, - Биров сизга ҳамроҳ бўлиб олишидан олдин, шошилинг.

Гарри ва қолганлар ёзув столига яқин келишди.

- Портшлюс воситасида бирон маротаба бўлсин, йўл юргансиз-ми? - сўради Дамблдор.

Ҳамма бош ирғиб, қорайиб кетган чойнакка қўл узатди.

- Яхши. Ундай бўлса, учгача санайман: бир... икки...

Ҳолат ажабланарли равишда, Дамблдор «уч» дейишга улгурмай, фавқулодда қисқа фурсат ичида рўй берди: бир-бирига ниҳоятда яқин турган Гарри билан Дамблдорнинг нигоҳлари тўқнаш келиб қолди ва шу онда, Гаррининг вужудини кутилмаган, кучли нафрат қамраб олиб, рўпарасида турган, ушбу кишига зарба бериш, танасига тишини санчиб, ғажиб ташлаш истаги ила ёнди...

- ... уч.

Гаррининг киндик соҳасидан нимадир қаттиқ тортиб, оёғи ердан узилди, қўли эса чойнакка маҳкам ёпишиб қолди. Болалар портшлюсга илашганча, ранг-баранг доғлар уюрмасида бир-бирига урилиб, қаёққадир учиб кетишди, қулоқларида шамол шовқини ҳуштакдай чалинмоқда... Ниҳоят Гаррининг оёғи ерга қаттиқ урилиб, тиззаси бүкилди. Чойнак жаранглаганча, ерга тушди. Болаларнинг ёнгинасида эса кимнингдир чинқириб сўккани эшитилди:

- Яна келдингиз-ми, хоин, ярамаслар?! Отангиз ҳолати разм бўлиб, жон талвасасида ётгани ростми, ишқилиб?

- ЙЎҚОЛ! - бўкирди бошқа овоз.

Гарри базўр оёққа туриб, атрофга аланглади. Портшлюс уларни Лондондаги Пинҳонийлик майдонида жойлашган 12- уйнинг ертўла-ошхонасига олиб ўтибди. Ўчоқдаги олов деярли ўчиб қолган бўлиб, стол устида ёнаётган шам бир киши учун тайёрланган кечки овқат қолдиқларини хира ёритмоқда. Болаларни чинқириб қарши олган Тараққос сонига ўралган боғламасини кўтарганча, даҳлизга чиқиш эшиги ортига ўтиб кетди. Соқоли олинмаган, кундуз кунги кийимини эгнидан ҳали ечишга улгурмаган, оғзидан эса спирт ҳиди анқиб, Мундугнусни эслатган Сириус болалар ёнида пайдо бўлди.

- Тинчликми, нима бўлди? - хавотирланиб сўради у, Жиннага қўл узатганча, оёққа туришга ёрдам бериб, - Пиний Нигеллий келтирган хабарга қараганда, Артур оғир яраланган эмиш...

- Буни Гарридан сўра, - деди Фред.

- Тўғри, мен ҳам эшитаман, унинг ҳикоясини, - маъқуллади Жорж.

Эгизаклар билан Жинна Гаррига юзланишди. Эшик ортидаги зинадан кўтарилаётган Тараққос ҳам таққа тўхтагани сезилди.

- Менда... - гап бошлади Гарри, Дамблдор билан Макгонагаллга сўзлаб беришдан ҳам баттар қийналиб, - Менда... кўриш, ҳис этиш қобилиятига ўхшаш ҳолат рўй берди.



Гарри тушида кўрганларини бир четдан сўзлаб берди. Фақат энди у, ҳикоясини мазмунан сал ўзгартирди, хусусан, бўлиб ўтган ишни илон кўзи ила эмас гўё четда туриб кўрган каби, баён этди. Ранги ҳанузгача бўрдай оппоқ Рон Гаррига бироз таажжубли қараб қўйди-ю, индамади. Ҳикоя ниҳоясига етгач, Фред, Жорж ва Жинна муайян вақт Гарридан кўз узмай, қараб туришди. Эҳтимол Гаррига шундай туюлгандир, лекин уларнинг нигоҳида айб қўйиш маъноси кўринган бўлди. Башарти улар Гаррини ҳамла қилинган ҳолатга шоҳид бўлиб қолишда айламоқчи бўлишса, илон танасида бўлганини айтмай, тўғри қилибди.

- Ойим шу ердами? - сўради Фред, Сириусга юзланиб.

- Менимча у, бўлиб ўтган ишдан ҳали воқиф бўлмаса керак, - фикр билдирди Сириус, - Энг асосийси, ишга Амбриж аралашишга улгурмай туриб, сизларни мактабдан олиб чиқиш зарур бўлган. Шундан сўнггина, фикримча, Дамблдор Моллига хабар йўллаган.

- Касалхонага боришимиз керак, - қатъий фикр билдирди Жинна, эгнига тунги пижама кийган акаларига юзланиб, - Сириус, бизга плашинг ёки шунга ўхшаш кийимларингдан бериб тура оласанми?

- Шошманг, дабдурустан касалхонага бориб бўлмайди!

- Нега энди бўлмас экан, ахир у бизнинг дадамиз-ку?! - ўжарлик қилиб, туриб олди Фред.

- Артур яраланганидан бохабар эканлигингизни қандай изоҳлаб берасиз? Унинг хотинидан олдин хабар топганингизни қандай тушунтирасиз?

- Э, фарқи нима?! - хитоб қилди, қизишиб кетган Жорж.

- Фарқи катта! Гаррининг кўриш қобилияти борлигига ортиқча эътибор қаратишга ҳожат йўқ! - жаҳл-ла жавоб қайтарди Сириус, - Бундай ҳолатга вазирлик қандай муносабат билдиришини тушуниб етмаяпсиз-ми?

Вазирликдагилар нимага ва қандай муносабат билдиришларига тупурганлари эгизаклар қиёфасидан яққол уқиб олса бўлади. Юзидан қон қочган Рон овоз чиқармади.

- Биз Гарридан эмас... бошқа бировдан эшитганимизни айтишимиз мумкин, - деди Жинна.

- Кимдан? - зарда ила сўради Сириус, - Қулоқ солинг. Отангиз Орден топшириғига биноан навбатчилик ўтаётган пайтда яраланган. Бундай ишнинг ўзи хавfli. Устига-устак, ҳамла қилинган фурсатдан бир неча сония ўтар-ўтмас, унинг фарзандлари бохабар бўлишгани аниқланса, Орден фаолиятига жиддий путур етиши мумкин...

- Э, тупурдим ўша аҳмоқона Орденингизга! - бақриб юборди Фред.

- Дадам жон беряпти, сен эса сафсатабозлик қиляпсан! - ўкирди Жорж.

- Отангиз қандай ишга қўл урганини жуда яхши билади. Агар унинг ишини барбод қиладиган бўлсангиз, сизлардан миннатдор бўлишига шубҳа қиламан! - деди Сириус, зардаси қайнаб, - Урушда иштирок этаётган киши ўзини урушдагидек тутуши лозим... Шунинг учун ҳам сизларни Орден сафига қабул қилишмади... баъзи нарсаларни ҳали тушунмайсиз... Шундай тушунчалар борки, улар учун жон фидо қилса арзийди!

- Сенга айтиш осон! Ўтирибсан-да, уйингда жон сақлаб! - ўкирди Фред, - Ҳаётингни хавф остига қўймайсан!

Бусиз ҳам юзи бўздан фарқ қилмайдиган Сириуснинг ранги мурдадай оқариб кетди. Фредга қўл кўтаришдан қайтмайдиган кўринди...

- Осон кечмаслигини тушуниб турибман, бироқ ҳозир ўзимизни фалокатдан беҳабардай тутишимиз шарт, - ўзини идора қилиб, хотиржамлигини бўрттирганча жавоб қайтарди у, - Шунинг учун уйда қолиб, ойингиз келтирадиган хабарни кутиб ўтирамыз. Тушунарлими?

Эгизаклар кишининг жиғига тегадиган ҳолатда турганча қолишди. Жинна эса яқин орадаги кресло томон аста чекиниб, бемадор ўтирди. Гарри Ронга юзланди. Рон бош ирғиди-ми, елка қисди-ми, тушунарсиз имо қилгач, иккаласи ҳам ўзини креслога ташлади. Эгизаклар бир дақиқача Сириусга еб қўйгудай қараб, Жиннанинг иккала томонига жойлашиб олишди.

- Жуда соз, - далда бергандай бош ирғиди Сириус, - Энди... келинг қиттай-қиттай қиламыз.

Сириус таёқчасини қўлга олиб силтади:

- Ассио ҳузур-лаззат ичимлиги!

Жавон ичидан шу заҳоти шишалар учиб чиқиб, кечки овқат идишларини нари сурганча, стол устига келиб тушди. Бир неча сония ўтгач, ҳар бир киши олдида ҳузур-лаззат ичимлиги пайдо бўлиб, ҳамма чанқоқ босишга киришди. Ошхонада муайян вақт фақат ўчоқдаги чўғнинг тирсиллаши-ю, шишаларнинг столга ўрилиши эшитилиб турди.

Гарри бирон нарса билан машғул бўлиш учунгина ичмоқда. Унинг хаёлини айбдорлик ҳисси қамраб олган. Ўша тушни кўрмаганида, ҳозир ҳамма ўз кўрпасида маза қилиб ухлаб ётган бўлар эди. Агар ҳаммани оёққа турғизмаганда, мистер Уэслини топишмаган, Гарри унга ҳамла қилмаганда, мистер Уэсли яраланмаган бўлар эди.

Бемаънилик, ўзини тинчлантиришга уринди, шиша ушлаган қўли титраётган Гарри, ахир тишларинг заҳарли эмас-ку. Ухлаб ётгансан, ҳеч кимга ҳамла қилмагансан... Ундай бўлса, Дамблдорнинг хизмат хонасида нима рўй берди? Ахир унга ҳам ҳамла қилмоқчи бўлдинг-ку...

Гарри ўзи истамаган тарзда қўлидаги шишани стол устига қулочкашлаб қўйиб, беҳосдан нари суриб юборди. Хайриятки, бунга ҳеч ким эътибор қаратмади. Орадани кўп ўтмай, қоронғи хона ўртасида олов гув этиб ёниб, ювилмаган ликопларни ёритганча, ўчди. Чўчиб кетган болалар қичқириб юборишди. Стол устига гуп этиб пергамент ўрами ва қақнус думининг тилла тусли пати тушди.

- Янгус! - хитоб қилди Сириус, пергамент ўрамини қўлига олиб, - Аммо у келтирган хат Дамблдордан эмас... Афтидан, ойингиз юборган кўринади... Ма...

Жорж Сириус узатган хатни олиши билан шартта очди-да, баланд овоз чиқариб ўқиди:

*Отангиз ҳозирча тирик. Зудлик билан касалхонага йўл олдим. Қилт этмай ўтиринг. Янгилик бўлиши билан хабар йўллайман. Ойингиз.*

Жорж ҳаммага бирма-бир қараб чиқди.

- Ҳозирча тирик... - уюшиб қолган лаби ила такрорлади у, - Бу дегани...

Фикрни охиригача баён этиш шарт эмас. Мистер Уэсли ўлим билан ҳаёт ўртасидаги қил кўприк устида тургани ҳаммага тушунарли. Рангида ранг қолмаган Рон худди бир нима деб, тинчлантирадиган каби, онасининг хатидан кўзини узмай ўтирибди. Фред хатни Жоржнинг қўлидан тортиб олиб, овоз чиқармай ўқиб чиқди-да, Гаррига қаради. Қўли баттар титрай бошлаганини билдирмасликка уринган Гарри шишани янада маҳкам сиқиб олди.

Гаррининг ҳаётида ҳали бу қадар узун тун бўлмаган. Ҳар қалай туннинг бунчалик чўзилиб кетганини эслай олмайди у. Сириус жўртасиз оҳангда болаларга ётиб ухлашни таклиф қилиб кўриб, жавобан нафратга тўлиб-тошган, эътирозли нигоҳларга сазовор бўлди. Болалар стол атрофида сукут сақлаганча, ёниб, суюқ мум кўлмагига пастлаб бораётган шам пилигига термилиб, аҳён-аҳён ичимлик хўплаб ўтиришди. Баъзан кимдир соат неча бўлганини сўраб қўйди, кимдир Муқаддас Резги касалхонасида ҳозир нима бўлаётганига оид фикрини овоз чиқарганча билдириб ўтди, кимдир эса миссис Уэсли ўша ерда эканлиги, шум хабар аллақачон етиб келган бўлиши кераклигини айтиб, ишлар яхши бўлишига қолганларни ишонтиришга уриниб кўрди.

Бошини елкасига сўяб олган Фред мудраб қолди. Мушук каби, кулча бўлиб олганча, креслода ётган Жиннанинг очиқ кўзида ўчоқ акси кўринмоқда. Юзини кафти билан бекитиб ўтирган Роннинг ухлаётган ёки ўйғоқлигини айтиш қийин. Бир-бирига қараб-қараб қўяётган Гарри билан Сириус, ўзларини худди ушбу оила қайғусига аралашишга ҳақли эмасдек ҳис этиб, хабар кутишмоқда... кутишмоқда...

Роннинг қўлидаги соат бешдан ўн дақиқа ўтганида эшик ланг очилиб, ошхонага ранги оқариб кетган миссис Уэсли кириб келди. Ҳамма кескин унга юзланди, Фред, Жорж, Гарри эса ўринларидан ирғиб ҳам туришди. Миссис Уэсли сезиларсиз табассум қилди.

- Дадамиз тузалиб кетади, - деди у, ҳорғин, дармонсиз оҳангда, - Ҳозир ухлаб ётибди. Вақти етгач, ҳолидан хабар олиб келамиз. Ёнида куннинг биринчи ярмига ишидан жавоб олиб келган Билл қолди.

Фред креслога ўтириб, юзини қўли билан яширди. Жорж билан Жинна югуриб бориб, оналарини маҳкам қучиб олишди. Рон титроқ кулиб, қўлидаги шишани бир кўтаришда бўшатиб юборди.

- Нонушта! - баланд ва қувончли оҳангда эълон қилди Сириус, оёққа қалқиб туриб, - Қани анави лаънати эльф? Тараққос! ТАРАҚҚОС!

Бироқ Тараққос кўриниш бермади.

- Э, жин урсин уни, - ғудуллади Сириус, стол атрофида ўтирганларни санаб чиқиб, - Хўш, демак... етти киши учун нонушта... қовурилган тухум, бекон, чой ва тост узатсак арзийди...

Гарри ўзини бироз ноқулай ҳис этди. Ахир ҳар қалай, оила қувончи бу. Устига-устак миссис Уэсли тушида кўрганини такрор айтиб беришни талаб қилишидан ҳадиксираб, Сириусга ёрдам бериш учун ўчоқ томон йўл олди. Жавондан ликоп чиқариши билан миссис Уэсли яқин келиб, қўлидан ликопни олиб қўйганча, уни ўзига тортиб, маҳкам қучиб олди.

- Сен бўлмаганингда, Гарри, нима бўлиши мумкинлигини ўйлашни ҳам истамайман, - деди миссис Уэсли, бўғиқ овоз билан, - Артурни ўз вақтида топа олишмас, топишганда эса кеч бўлар эди! Сенга

минг бор ташаккур. Сен туфайли у тирик қолди. Дамблдор ҳам, нима сабабдан Артур ўша ерда бўлганига ишонарли баҳона ўйлаб топишга улгурди. Акс ҳолда, бошига қандай бало-ю, маломатлар ёғилиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайсан!... Бечора Стуржис...

Бундай илиқ сўзларни эшитиш Гаррига осон кечмади. Хайриятки, миссис Уэсли уни қўйиб, Сириусга юзланганча, болаларига қараб тургани учун миннатдорлик изҳор қила кетди. Сириус, ўз навбатида, лоақал шу бугун фойда келтира олганидан хурсанд эканлиги, мистер Уэсли касалхонада даволанар экан, ҳамма шу ерда яшаб туришига умид қилишини билдирди.

- О, Сириус, сендан шу қадар миннатдорман-ки... Афтидан, Артурга, чиндан ҳам, маълум вақт ўша ерда ётиб даволанишга тўғри келади шекилли. Шу боис, унга яқин жойда бўлсак, аъло иш бўлади... Рождествони ҳам шу ерда нишонлаймиз шекилли.

- Бирга бўлсак, қувноқроқ ўтади, албатта! - самимий хитоб қилди Сириус.

Жавобни эшитиб, яшнаб кетган миссис Уэсли, фартук таққанча, нонушта тайёрлашга ёрдам беришга киришиб кетди.

- Сириус, - аста чақирди тоқати тоқ бўлган Гарри, - Гапим бор сенга. Четга ўтамизми?

Гарри Сириусни нимқоронғи омборхонага етаклаб, бирон-бир муқаддимасиз, тушининг барча тафсилотлари, хусусан, мистер Уэслини чақиб ташлаган ўша илон ўзи бўлганини сўзлаб берди.

- Дамблдорга айтиб бердинг-ми? - сўради Сириус, Гарри нафас ростлаш учун тўхтаган фурсатда.

- Айтдим, - аччиқланди Гарри, - Бироқ у, буларнинг бари нимани англатишини изоҳлаб бермади. Умуман айтганда, энди у мен билан мутлақо гаплашмай қўйган.

- Агар бирон-бир жиддий гап бўлганида, ишончим комилки, айтар эди, - фикр билдирди Сириус.

- Бироқ бу, ҳали ҳаммаси эмас, - паст овозда, деярли пичирлаб давом этди Гарри, - Сириус, мен... Назаримда, ақлдан озмоқдаман.. Мактабда, Дамблдорнинг хизмат хонасида, портшлюс воситасида учишдан олдин... гўё илон ҳолатида қолгандай бўлдим. Ўзимни айнан илондай ҳис этдим... Дамблдорнинг кўзига қараганимни биламан, чандиғимга кучли оғриқ кириб... хоҳ ишон, хоҳ ишонма, унга ташлангим келди!

- Ўйлашимча, бундай ҳолат ёмон туш оқибати бўлган холос, ундан ортиқ нарса эмас, - деди, юзи қоронғида деярли кўринмаётган Сириус, - Туш ҳақида ўйлашни давом этгансан ва...

- Йўқ, - эътироз-ла, бош чайқади Гарри, - Бу бошқача ҳолат бўлган. Ичимда аллақандай даҳшатли нарса кўтарилгандай бўлди. Вужудим илонга айланиб қолганини аниқ ҳис этдим!

- Ётиб ўхлашинг керак, - қатъий оҳангда хулоса чиқарди Сириус, - Ҳозир овқатланасан-да, юқорига кўтарилиб, кўрпанга кириб ётасан. Тушлиқдан сўнг, ҳаммамиз биргалиқда Артурнинг ҳолидан хабар олгани борамиз. Сен кучли руҳий ларзани бошдан кечирдинг, Гарри. Ўзингни шоҳид бўлганинг учун айбламоқдасан. Ваҳоланки, бундай ҳолат айна муддао бўлди. Акс ҳолда Артур ҳалок бўлиши муқаррар эди. Шундай экан, асабийлашишни бас қил.

Сириус чўқинтирган ўғлининг елкасига қўлини қўйиб, бироз сиқиб қўйган бўлди-да, қоронғилиқда ёлғиз қолдирганча, омборхонани тарк этди.

\*\*\*

Куннинг биринчи ярмини Гарридан ташқари, ҳамма ухлаб ўтказди. Рон иккаласи ёзда яшаган хонага чиқиб, жойлашди. Боши ҳали ёстиққа етмаган Рон тарашадай қотиб, ухлаб қолди. Гарри эса ечинмай, каравотининг бош томонидаги чивиқларга суюнганча, мудраб қолмаслик, уйқусида боз илонга айланиб, айтилик Рон ёки яна бошқа бировга ҳамла қилмаслик учун атайин ноқулай ҳолатда ўтириб чиқди.

Ниҳоят Рон уйғонди. Гарри ўзини худди эндигина уйғонган кўйга солиб, уйқуга тўйган кишидай тутди. Тушлик вақтида, «Хогварц»дан болаларнинг сандиқлари, шунингдек, Муқаддас Резги касалхонасига ташриф буюришлари учун магларнинг кийими етказиб келтирилди. Гарридан ташқари, ҳамма қувончли кайфиятда бўлиб, тинимсиз вайсаганча, жинси шим ва белбоғли яқтак киймоқда. Кўп ўтмай, хонадонга болалар ва миссис Уэслига ҳамроҳ бўлиш учун Бомс билан Ўйноққўз ташриф буюришди. Иккаласи ҳам қувонч-ла қарши олинди. Хмурининг чаккага қўндириб, сеҳрли кўзини яшириб турган қозон шляпаси устидан очикдан-очик ҳазил-мутойиба қилинди. Ушбу шляпа магларнинг диққат-эътиборини Бомснинг бугун қисқа олинган ярқироқ пушти тусли сочига нисбатан кўпроқ жалб этиши аниқ эканлиги – ҳамма ҳосил қилган ишонч бўлди.

Жамики жамоани Лондон маркази томон гулдураб олиб кетаётган поездда ёнида ўтирган Бомс Гаррининг кўриш қобилиятига, гарчи Гарри ушбу масалани муҳокама қилишни истамаса-да, ҳаддан ортиқ қизиқиш билдириб борди.

- Аждодларинг орасида башорат қилувчилар бўлганми? - сўради у.

- Йўқ, бўлмаган, - деди, Треланини эслаб, ҳақоратланган Гарри.

- Бўлмаган дегин, - ўйчан такрорлади Бомс, - Бўлмаган. Умуман айтганда, агар тўғри тушунган бўлсам, бундай ҳолатни соҳибқароматлик, деб ҳам бўлмайди, тўғрими? Айтмоқчиман-ки, сен келажакни эмас айна фурсатда бўлаётган ишни кўрасан... ғалати, а? Лекин фойдали...

Гарри индамади. Хайриятки, улар кейинги бекатда тушадиган бўлишди. Тиқилинчдан фойдаланган Гарри, эгизакларни атайин олдинга ўтказиб, вагонни биринчи бўлиб тарк этган Бомсдан қутулди. Қиз ортидан эргашган жамоа эскалаторга чиқди. Орқада ёғоч оёғини полга тақиллатиб Хмури келмоқда. У қозон шляпасини сеҳрли кўзи устига тушириб олган бўлиб, ғадир кўлини плашининг тугмалари орасига суқиб киритганча, сеҳрли таёқчасини ушлаб келмоқда. Гарри Хмурининг сеҳрли нигоҳи унга қаратилганини ҳис этиб, туши ҳақида саволлар берилишининг олдини олиш мақсадида Муқаддас Резги касалхонаси қаерда жойлашгани билан қизиққан бўлди.

- Яқин қолди, - гурсиллади Хмури.

Улар метродан ташқарига чиқиб, муздай ҳаводан тўйиб нафас олишди. Атроф дўконларга, Рождество совғасини харид қилиш ниятида югур-югур қилиб юрган одамларга тўлиб-тошган. Ўйноққўз Гаррини бироз туртиб, товонини босиб олгудай даражада изма-из бормоқда. Шляпа остидаги сеҳрли кўзи гир айланиб, барча йўналишларни кузатиб бораётганига Гарри шубҳа қилмайди.

- Касалхона учун тўғри келадиган жой топиш осон кечмаган, - тушунтириш берди Ўйноққўз Хмури,  
- Диагон хиёбонида қурилиш учун катта ер майдони йўқ. Касалхонани вазирлик бинноси каби, ер

остига қуриш эса мумкин эмас. Санитария меъёрлари бунга йўл қўймайди. Ниҳоят, ушбу ҳудудда жойлашган бинолардан бирини эгаллашга эришилди. Бемор сеҳргарлар бу ерга магларга сездирмай келиб-кетишлари мумкин. Халойиқ орасига сингиб кетсанг бас.

Рўпарасидаги электр товарлар дўконидан ташқари, ҳеч нарса кўрмай одимлаб бораётган одамлар гуруҳи иккаласини ажратиб юбормаслиги учун Хмури Гаррининг елкасидан ушлаб олди.

- Мана, етиб ҳам келдик, - дақиқа ўтгач, эълон қилди Хмури.

Жамоа пишиқ ғишдан кўтарилган, кўринишидан ҳазин, ташландиқ, витриналарига тахминан ўн йил олдинги модага монанд кийим кийдирилган бўлиб, бошидаги ясама сочлар қинғайган одам гавдаларининг чўтир юзли қолиплари пала-партиш терилган, қалин чанг қоплаган эшигига «ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА» ёзуви битилган йирик ёрлик осиб қўйилган «Отто Драт & Заблес Тид Лтд» деб номланган дўконнинг катта кўҳна биноси олдида тўхтади. Қўлига бир олам пакет ушлаб олган аллақандай семиз аёл ёнида бораётган дугонасига арз қилиб ўтди:

- Ушбу дўкон бирор кун бўлсин, ишлаганини кўрмаганман...

- Хўш, - деди Бомс, ҳамроҳларни, агар нейлон фартук кийдирилган, сунъий киприги түшиб қолган бадбашара одам гавдасининг қолипини ҳисобга олмаганда, бўм-бўш витрина олдида чорлаб, - Ҳамма тайёрми?

Ғуж тўпланиб олган жамоа қизга бош ирғиди. Хмури Гаррининг кураклари орасига яна бир бор түртиб, шерикларга яқинлаштирди. Бомс эса юзини витрина ойнасига, нафаси ила терлатганча, жуда яқин келтириб, бадбашара одам гавдасининг қолипига паст овозда мурожаат қилди:

- Салом! Биз Артур Уэслининг ҳолидан хабар олгани келдик.

Гарри ҳайрон. Наҳотки Бомс, кўчада шундай баланд шовқин кўтарилганига қарамай, одам гавдасининг қолипи сўзларини эшитади, деб ўйласа? Устига-устак, ойна ортидан-а! Умуман айтганда, ўзига ўзи эслатиб ўтди Гарри, одам гавдасининг қолипи ҳеч кимни, ҳеч нимани, ҳеч қачон эшитмайди-ку! Бироқ икки сония ўтар-ўтмас боланинг оғзи ҳайратдан ланг очилиб қолди: одам гавдасининг қолипи ташриф буюрганларга сезилар-сезилмас бош ирғиб, ошиқ-мошиқ воситасида маҳкамланган бармоғи ила имо қилди. Бомс миссис Уэсли билан Жиннани қўлтиқларидан ушлаб, ойна орқали олға қадам босганча, кўздан ғойиб бўлди.

Уларнинг кетидан Фред, Жорж ва Рон эргашди. Гарри одам тўла кўчага ўгирилди: «Отто Драт & Заблес Тид Лтд» дўконининг хунук витриналари ҳеч кимни қизиқтиргани йўқ. Шундай экан, бутун бошли олти кишининг ғойиб бўлганига бирор зоғ бўлсин, аҳамият бермади.

- Олға, - наъра тортди Хмури, Гаррининг белига боз түртиб.

Бола ўйноқкўз билан баробар витринага қадам босиб, худди шаршара пардасини кесиб ўтгандай бўлди ва шу заҳоти қуп-қуруқ ҳолатда нариги томонда пайдо бўлди.

Гарри кирган жойда на одам гавдасининг қолипи ва на витрина бор. Унинг кўз ўнгида касалхонанинг одамга тўлиб-тошган қабулхонаси пайдо бўлди. Бир дунё сеҳргар лиқиллаб қолган ёғоч курсиларда қатор терилиб ўтирибди. Уларнинг айримлари соппа-соғдай кўриниб, «Авсунполитен» журналининг эски сонларини эринчоқлик-ла варақлаётган бўлса, баъзиларининг аҳволига қараб бўлмайди: бирининг бурни филнинг хартумидай ўсиб кетган, бошқа бирининг

кўкрак соҳасидан учинчи қўл ўсиб чиққан. Қабулхонадаги шовқин кўчадаги тўс-тўполондан кўп фарқ қилмайди. Аксарият пациентлар ғалати овоз чиқаришмоқда. Жумладан, юзи тер босиб, «Башорат-у, каромат газетаси» билан тинмай елпиниб ўтирган аллақандай аёл оғзидан вақтнинг ҳар муайян оралиғи ўтгач, қулоқни кар қилгудай даражада ҳуштак эшитилган тарзда буғ оқими отилиб чиқмоқда, бурчақда эса қимирлаган сари қўнғироқ товушини чиқариб, иккала қулоғини, кучли тебранаётган боши узилиб кетмаслиги учун бўлса керак, маҳкам ушлаб олган палпис қиёфали сеҳргар ўтирибди.

Беморлар қатори орасида эгнига сарғиш яшил тусли коржомо кийган, кўкрак соҳасига, Гаррининг фаҳмича, сеҳрли таёқча билан суюк ўзаро кесишгани акс эттирилган белги кашта қилиб тикилган сеҳргар эркаклар ва афсунгар аёллар юрибди. Улар пациентларга савол бериб, худди Амбриж каби, ён дафтарларига алланима қайд этишмоқда.

- Врачларми? - сўради Гарри Рондан.

- Врачлар? - чўчиб кетди Рон, - Одам сўядиган савдойи магларни назарда тутяпсан-ми? Қўйсанг-чи! Шифокор-табиблар, булар.

- Бу ёққа! - чақирди, «Маълумотлар бериш бўлими» ёзуви битилган ёрлиқ ёнида турган миссис Уэсли, палпис қиёфали сеҳргарнинг диринглаганини босишга уринганча бақариб.

Ёрлиқ ортида дўмбоққина оқ сариқ сочли аёл ўтирибди. Бўлим деворига: «Тоза қозон – дамлама сифатининг гаровидир!», «Малакали табиб томонидан маъқул топилмаган зидди-заҳар – заҳардир!» каби, огоҳликка даъват этадиган йўриқлар битилган плакатлар осилган. Айнан шу ерда гажаклари кумуш тусли сеҳргар аёлнинг портрети осилган бўлиб, остидаги рамка ичига:

*Дилис Дервент.*

*1722-1741 йй. Муқаддас Резги касалхонасининг шифокори.*

*1741-1768 йй. «Хогварц» Сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактаби директори, сўзлари битилган.*

Дилис, худди санаб чиққан каби, Уэслилар оиласига диққат билан разм солди. Нигоҳи Гаррининг нигоҳи билан тўқнаш келгач, кўз қисиб қўйган бўлди-да, яккакифт юриб, портретидан чиқди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

Навбат бошидаги аллақандай йигит худди чўғ устида сакраётган каби, турган жойида жига рақсига ғалати тарзда тушганча, оғриқдан бақариб, стол ортида ўтирган афсунгар аёлга бақариқлар орасида ўз дардини дастурхон қилишга уринмоқда.

- Бу ВОЙ, акам совға қилган ботинга туфайли, ВОЙ ЖОНИМ. Пойафзал оёғимни А-А-А, еб битирмоқчи. Афтидан, ВОЙ ДОД, аллақандай қарғиш бўлиб, А-А-А, таъсирини тўхтата олмаяпман.

- Бироқ ботинка анави ёзувларни ўқишга халал бермас, а? - заҳарли оҳангда жавоб берди оқ сариқ сочли аёл, столининг чап томонида осиглиқ эълонлар тахтасини кўрсатиб, - Бешинчи қават. Суқитерапия бўлинмаси. Қаватларга оид йўлқўрсаткичда ҳаммаси тушунарли тилда баён этилган. Хўш, энди кимнинг навбати?

Йигит рақс тушиб, сакраб, ёнбош юрганча, столдан нари кетди. Гарри билан бирга келган жамоа бир неча қадам олдинга одимлагач, қаватларга оид йўлкўрсаткич кўзга кўринди:

*Ҳайвон билан боғлиқ бўлмаган жароҳатлар – 1- қават.*

*Қозон портлаши, сеҳрли таёқча тисарилиши, супургидан қулаб тушиш ҳолати ва ҳ.*

*Ҳайвон билан боғлиқ жароҳатлар – 2- қават.*

*Ҳайвон тишлаган, судралувчи ва ҳашаротлар чаққан, танага ниш қадалган ҳолатлар ва ҳ.*

*Сеҳрли юқумли касалликлар – 3- қават.*

*Турли-туман юқумли касалликлар, жумладан, аждар чечаги, қуруқшаб қолиш, ширинча касаллиги ва ҳ.*

*Дамлама ва гиёҳлар таъсиридан заҳарланиш касалликлари – 4- қават.*

*Тери қопламасида пайдо бўлган тошмалар, кекириш, идора қилинмаётган кулги ва ҳ.*

*Суқитерапия – 5- қават.*

*Таъсири тўхтамаётган қарғишлар, суқи, нотўғри қўлланилган тилсим ва ҳ.*

*Касалхонага ташриф буюрганлар учун дам олиш хонаси ва касалхона дўкони – 6- қават.*

*Башарти қаяққа мурожаат қилишни билмасангиз, меъерий равишда гапиришга қодир бўлмасангиз ёки бу ерга қандай кириб қолганингизни эслай олмасангиз, Сизга хушмуомалалик ила ёрдам кўрсатишдан ўзини чексиз бахтиёр биладиган навбатчи меҳрибон аёлга мурожаат қилинг.*

Навбат қадди букилган, кексайиб, мункиллаб қолган, қўлига қулоққа тутиладиган карнай ушлаб олган чолга етди. У оёғини базўр судраб, столга яқин боргач, ҳуштаксимон овози билан маълум қилди:

- Мен, Бродерик Бедоунинг ҳолидан хабар олгани келдим!

- Қирқ тўққизинчи хона. Лекин вақтингиз беҳуда кетиши аниқ, - узил-кесил баёнот қилди оқ сариқ сочли аёл, - Ақли жойида эмас. Ҳанузгача ўзини чойнак, деб билади. Кимнинг навбати?



Стол ёнига коржомасини тешиб ўтган тарзда ўсиб чиққан каттагина қанотларини ҳилпиратганча, боши узра учаётган кичкинагина қизалоқни тўпиғидан маҳкам ушлаб олган сеҳргар киши даҳшатдан телбаланиб яқинлашди.

- Бешинчи қават, - ҳеч нарса сўрамай, зериккан оҳангда йўриқ берди навбатчи аёл, - Кимнинг навбати?

Қўлидаги қизалоқни худди ғалати ҳаво шарини ушлаб олгандай тутган киши стол ортидаги қўш эшик ортига ўтиб кетди.

Миссис Уэсли стол ёнига яқин борди.

- Салом, - кўришди у, - Турмуш ўртоғим, Артур Уэслини бугун эрталаб бошқа хонага олиб ўтишлари керак эди. Марҳамат қилиб айтсангиз...

- Артур Уэсли? - бармоғини узундан-узоқ рўйхат бўйлаб юргизди, оқ сариқ сочли аёл, - Хўш... ҳа, мана. Иккинчи қават, ўнг томондан иккинчи эшик, Дай Льюэллин номли хона.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди миссис Уэсли, - Болалар, юринглар.

Ҳамма миссис Уэсли ортидан қўш эшик орқали ўтиб, деворларига машҳур шифокорларнинг портретлари осилган, шифт остида сузиб юриб, ҳар бири каттагина совун пуфагини эслатаётган, ичида кўплаб шамлар ёнаётган биллур шарлар воситасида ёритилган тор йўлак бўйлаб одимлаб кетди. Йўлакда эгнига ёрқин яшил тусли коржома кийган касалхона ходимлари зир югуриб юришибди. Эшиклардан биридан кутилмаганда қўланса ҳидли сариқ газ отилиб чиқди, бошқа хонадан эса одамнинг раҳмини келтирадиган инграш овози эшитилди. Миссис Уэсли ва бошқалар зинапоя бўйлаб иккинчи қаватга кўтарилиб, ҳайвон билан боғлиқ жароҳатлар бўлинмасига кириб боришди. Ўнг томондаги иккинчи эшикка «Дай Льюэллин Хавли номли хона: чақилган, тишланган оғир ҳолатлар» сўзлари битилган ёрлиқ маҳкамланган. Ёрлиқ остига дастхат билан: «Бош шифокор Гиппократ Смешвик ва ушбу касалхонада тажриба муддатини ўтаётган шифокор Аугустус Ай» сўзлари қўшимча қилинган.

- Молли, биз шу ерда кутиб турамыз, - деди Бомс, - Ҳаммамиз бостириб кирсак бўлмас, ахир... Дастлаб оила аъзолари кирсин.

Ўйноққўз розилик оҳангида ириллаган товуш чиқариб, сеҳрли кўзини гир айлантирганча, деворга сўяниб олди. Гарри ҳам нари чекинмоқчи бўлди-ю, миссис Уэсли уни хонага кириш эшиги томон туртди.

- Тентаклик қилма, Гарри. Артур сенга раҳмат айтмоқчи.

Хона кичкина ва етарлича қоронғи экан. Эшик қаршисида, деярли шифт остида биттагина энсиз дераза очилган. Асосий ёруғлик манбаи сифатида шифт ўртасида ғуч тўпланган биллур шарлар хизмат қилмоқда. Эман тахта қопланган деворлардан бирида юзи ваҳшиёна қиёфа касб этган сеҳргар кишининг портрети маҳкамланган. Портрет остидаги ёзувда:

*Уркахарт Терзль.*

*1612 – 1697 йй.*

*Ичак чўзиш афсунининг ихтирочиси, сўзлари битилган.*

Хонага уч нафар бемор жойлаштирилган. Ёстиққа ёнбошлаб, қуёш нурунинг биттагина риштаси остида «Башорат-у, каромат газетаси»ни ўқиётган мистер Уэсли дераза остидаги, хонанинг нариги томонида турган каравотни эгаллаб ётибди. Уни даҳшатли аҳволда ётганини тасаввур қилган Гарри, вазиятни кўриб, хурсанд бўлди. Кўзини газетадан узиб, хонага кимлар кириб келганини кўрган мистер Уэсли ҳам яшнаб кетди.

- Салом! - бақриб юборди у, газетани четга улоқтириб, - Молли, ўғлимиз Билл ҳозиргина чиқиб кетган эди. Кечқурун сизларнинг олдингизга кириб ўтишни ваъда қилди.

- Аҳволинг қалай, Артур? - ҳаёжон-ла, сўради миссис Уэсли, энгашганча, эрининг юзидан бўса олар экан, юзига ташвишли қараб, - Кўзинг киртайиб қолибди.

- Ўзимни жудаям яхши ҳис этмоқдаман, - дадил оҳангда хитоб қилди мистер Уэсли, Жиннани қучиш учун соғ қўлини узатиб, - Мана бу боғлама бўлмаганида, аллақачон жавоб беришган бўлар эди.

- Нега ечиб ташлаш мумкин эмас, уни, дада? - сўради Фред.

- Ечиб ташланса, қон кетади, - қувонч-ла маълум қилди, қўлини узатиб, каравоти ёнидаги жавонча ичидан сеҳрли таёқчасини чиқарган мистер Уэсли, ҳавода олти дона курси пайдо қилиб, - Афтидан, мени чаққан илон ўзига хос заҳарга эга, шекилли. Жароҳат битиб кетишига қаршилик кўрсатмоқда. Аммо табибларимиз, ушбу заҳарга қарши зидди-заҳар топишни ваъда қилишди. Уларнинг сўзларига қараганда, бундан баттар ҳолатлар ҳам бўлган эмиш. Унгача эса ҳар соатда қон ҳажмини тиклаш дамламасини ичиб ётишим керак экан, шу холос. Анави йигитнинг ҳоли чатоқ, деса бўлади, - овозини пастлатди мистер Уэсли, ранги яшил тус олиб, шифтга тикилганча, каравотида қилт этмай ётган йигит томон имо қилиб, - Махлуқ тусига кирган одам ғажиб ташлабди, бечорани. Бундай касалликка эса биласиз, ҳанузгача шифо йўқ.

- Махлуқ тусига кирган одам? - хавотирланганча, пичирлаб сўради миссис Уэсли, - Нега уни умумий хонага ётқизиб қўйишди? Ахир бундай беморларни алоҳида хонада даволаш керак эмасми?

- Ой тўладиган кунга қадар ҳали икки ҳафта бор, - аста эслатиб ўтди мистер Уэсли, - Агар билмоқчи бўлсангиз, бугун эрталаб шифокорлар у билан узоқ суҳбат қуришди. Меъёрий ҳаёт кечириши мумкинлигига ишонтиришга уринишди. Мен ҳам, исмини айтмаган ҳолда, албатта, махлуқ тусига кирадиган, хушхулқ, ўз ҳолатини тўғри идрок эта биладиган одам билан шахсан таниш эканлигимни айтиб ўтдим.

- Йигит-чи, нима деди? - қизиқди Жорж.

- Агар унимни ўчирмасам, мени ғажиб ташлаши ҳақида огоҳлантириб қўйди, - маъюс оҳангда жавоб қайтарди мистер Уэсли, - Анави аёл эса, - чиқиш эшиги ёнидаги каравот томон имо қилди у, - Нима тишлаб олганини айтишни истамаяпти. Уйда ман этилган ҳайвон боққанида гумон қилинмоқда. Ўша ҳайвон, аёлнинг оёғидан йириккина эт узиб олган. Жароҳатининг боғламаси ечилганда чидаб бўлмас ҳид таралади.

- Дада, ундан кўра ўзингизга нима қилганини айтиб беринг, - деди Фред, курсисини каравотга яқинроқ суриб.

- Қўйсангиз-чи, шундоқ ҳам, бор гапдан хабардорсиз, - кулиб қўйди мистер Уэсли Гаррига маъноли қараб, - Иш куним оғир ўтиб, ўтирган жойимда мизғиб қолибман. Илон аста яқин келиб, кутилмаганда ҳамла қилди.

- «Башорат-у, каромат газетаси»да шундай, деб ёзишибди-ми? - сўради Фред, дадаси улоқтириб юборган газета томон имо қилиб.

- Йўқ, албатта, - алам-ла кулиб боқди мистер Уэсли, - Вазирликка нима керак, йирик, жирканч илон аста секин...

- Артур! - олдини олиб хитоб қилди миссис Уэсли.

- М-м-м... менга яқин келганини эълон қилишни, - гапни бурди мистер Уэсли.

У мутлақо бошқа нарсани назарда тутганини Гарри фаҳмлади, албатта.

- Қаерда ҳамла қилди сизга, дада? - сўради Жорж.

- Ҳодиса жойида, - жавоб қайтарди мистер Уэсли, аста кулиб.

У «Башорат-у, каромат газетаси»ни қўлига олиб, силтади-да, керакли саҳифани очди.

- Кириб келганингизда мен, Уилли Уиздесуейерснинг ҳибсга олингани ҳақидаги хабарни ўқиб ётган эдим. Эсингиздами, ёзда, қайт қиладиган унитазлар ҳақида шов-шув кўтарилган эди? Мана шу аблахнинг ҳунари экан! Буни қаранг-ки, кунлардан бир кун қарғиш яшини дафъатан сапчиб, унитаз портлаб кетибди. Уилли эса унитаз парчалари орасида беҳуш ҳолатда топилибди, бошдан оёқ...

- Айтишларига қараганда, ўша фурсатда навбатчилик хизматини ўтаётган экансиз, - гапни бўлди Фред, овозини пастлатганча, пичирлаб, - Нима иш қилаётган эдингиз?

- Даданг нима деганини эшитдинг-ку, - шивирлади миссис Уэсли, - Ушбу масалани бу ерда муҳокама қилмаймиз! Уилли Уиздесуейерсга нима қилди кейин, Артур?

- Қай тарзда рўй берганини сўраманг-у, бироқ у, қулай важ-корсон топиб, жазодан қутулиб қолибди, - деди мистер Уэсли маъюс оҳангда, - Тахмин қилишим мумкинки, бу иш порасиз битмаган...

- Сиз уни қўриқлаётган эдингизми, а, дада? - эшитилар-эшитилмас сўради Жорж, - Қуролни? Ўзингиз-Биласиз-Ким пайига тушган нарсани?

- Жорж, жим бўл! - пўписа қилди миссис Уэсли.

- Нима қилганда ҳам, - овоз кўтариб, давом этди мистер Уэсли, - Энди Уилл магларга қопағон эшик дасталарини сотаётган фурсатда қўлга тушиб қолибди. Бу сафар қутулиб қолишига шубҳа қиламан. Агар мақолага ишонадиган бўлсак, икки нафар магл бармоғидан жудо бўлиб, ҳозир шу ерда даволанаётган, суюклари зудлик билан ўстириляётган эмиш... Муолажа ниҳоясига етгач, уларнинг хотиралари ўзгартирилади, албатта. Фараз қилинг, маглар Муқаддас Резгида! Қизиқ, қайси хонага ётқишиди экан, уларни? - бошини айлантириб, атрофга қаради у, худди йўлқўрсаткич кўришга умид қилган каби.

- Гарри, Ўзинг-Биласан-Кимнинг илони бор, деганинг эсимда, - деди Фред, отасининг юзига разм солиб, - Йирикми? У ҳаётга қайтган тунда кўрган эдинг шекилли, тўғрими?

- Бўлди, бас, - жаҳл қилди миссис Уэсли, - Артур, йўлакда Ўйноққўз билан Бомс туришибди. Улар ҳам сен билан кўришиш ниятида келишган. Сизлар эса ташқарига чиқиб кутинглар, - қўшимча қилди у, болалар билан Гаррига мурожаат қилиб, - Кейин кириб, хайрлашасиз. Бўлди. Боринг.

Болалар йўлакка чиқишди. Ўйноққўз билан Бомс ичкарига кириб, эшикни ёпиб қўйишганини кўрган Фреднинг қоши кўтарилиб кетди.

- Марҳамат, ёпсангиз, ёпинг, - деди у, қўлини киссасига солиб, - Кейин миқ этмасангиз ҳам майли.

- Мабодо мана бунга қидираётганинг йўқми? - сўради кулимсираган Жорж, тана тусидаги калавани эгиз акасига узатиб.

- Доим хаёлимни ўқиб юрасан-да, ука, - ҳиринглади Фред, - Қани текшириб кўрайлик-чи, Муқаддас Резги эшиклари Товуш ўтказмаслик афсуни воситасида ҳимоя қилинган-қилинмаганини.

Жорж иккаласи калавани бўшатиб, бешга бўлишди-да, ҳаммага биттадан тарқатишди. Гарри, ушбу қурилмани олиш-олмасликка иккиланиб қолди.

- Ушласанг-чи, Гарри! Сен отамизнинг ҳаётини сақлаб қолдинг. Биз эшитмасак ҳам, сен эшитишинг керак, ахир.

Гарри ғайриихтиёрий равишда кулиб боқиб, ипни қўлига олди-да, бир учини эгизаклар сингари қулоғига тикди.

- Олға! - пичирлаб, амр қилди Фред.

Узун, озғин чувалчанг сингари биланглай кетган ип, эшик остига кириб кетди. Дастлаб Гарри ҳеч нима эшитмади, сал ўтиб эса худди ёнгинасида гапираётган каби, Бомснинг пичирлаб айтаётган сўзларини аниқ эшитиб, турган жойида бир сапчиб тушди.

- ... улар ҳамма жойни титкилаб чиқишди, лекин илон топилмади. Назаримда, Артур, у сенга ҳамла қилган-у, ҳавода даф бўлган... Илон ичкари хонагача етишига Ўзинг-Биласан-Ким у қадар ишонч билдирмаган бўлса керак, нима деб ўйлайсан?

- Фикримча, у, илонни истиҳборотга йўллаган, - эшитилди Хмурининг гўрсиллаган овози, - Ахир у, ҳали бирон иш қилишга эриша олгани йўқ-ку. Нима билан тўқнаш келишини англаб етмоқчи, шекилли. Агар Артур бўлмаганида, жирканч илон ўша ерда анча вақтга қолган бўлар эди... Поттер бўлган ишни ўз кўзи билан кўрганини тасдиқлаяпти, денг?

- Ҳа, - деди миссис Уэсли, зўриққан оҳангда, - Назаримда Дамблдор, боланинг ўхшаш ҳолатга тушиб қолиши мумкинлигини кўпдан буён кутган кўринади.

- Қаранг-а, - деди Хмури, - Лекин биз, ушбу болакайда қандайдир ғалати хислатлар борлигини доимо билар эдик.

- Эрталаб Дамблдор билан суҳбатлашган эдим, - пичирлади миссис Уэсли, - Назаримда у, Гарридан хавотирда.

- Хавотирланади, албатта, - вайсади Хмури, - Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Модомики, болакай, Ўзингиз-Биласиз-Ким илонининг кўзи ила ҳар хил нарсаларни кўра билар экан, демак, Ўзингиз-Биласиз-Ким боланинг хатти-ҳаракатларини идора қила билади...

Юраги қутуриб кетгандай уриб, юзи қизиб кетган Гарри пинҳонқулоқни қулоғидан суғуриб чиқариб, қолганларга қаради. Қулоқларидан ип осилган болалар унга чўчиб қараб қолишган.

## **ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ. ЁПИҚ БЎЛИНМАДА НИШОНЛАНГАН РОЖДЕСТВО**

Ана энди тушунарли, нима учун Дамблдор Гаррининг кўзига тик қарамаётгани! Боланинг ёрқин яшил кўзи кутилмаганда мушук кўзининг кесигига ўхшаб қолиши, қорачиғи барҳам топиб, қондай қип-қизил тус олишидан, аниқроқ айтиладиган бўлса, «Хогварц» директори Лорд Вольдемортнинг нигоҳи билан бевосита тўқнаш келишдан чўчимоқда экан! Гарри бир вақтлар профессор Белканинг боши орқасида бўр каби, оппоқ, кўзлари қип-қизил, бурун катаклари илонникига ўхшаш иккинчи башарани кўрганини эслаб, қўли билан бошини пайпаслаб чиққанча, энди ўзи ҳам ўша қиёфани касб этишини тасаввур қилишга уриниб кўрди.

У ўзини тоза эмаслиги, аллақандай мудҳиш касаллик ташувчисига, метрода кетаётган айбсиз, ҳалол, Вольдеморт билан мулоқот қилиб, ўзига доғ теккизмаган покиза одамлар ёнида ўтиришга нолайиқ кишига айланиб қолганини бутун вужуди, жамики танаси билан ҳис этди... Бўлиб ўтган ҳодисани шунчаки, илон кўзи ила кўрмагани, аксинча, шахсан ўзи илон бўлганини ана энди аниқ идрок этди.

Кутилмаганда, ниҳоятда даҳшатли сўзлар ёдига тушиб, шу заҳоти ичида борки нарса калавадай ўралиб қолганча, бир тўп илон каби, ғимирлай бошлади.

Ахир тарафдорлардан ташқари яна нима керак унга?

- ... ўғирлаш мумкин бўлган нарса, - эслади Сириуснинг сўзларини, - Ўша нарсани шартли равишда, ўтган сафар ихтиёрида бўлмаган қурол, деб атаймиз.

Поезд юрган йўлида тебраниб, қоронғи туннелдан ўтиб бормоқда. Ўша қурол – мен бўламан, хаёлдан ўтказди Гарри. Бундай даҳшатли фикрдан томирларида қон эмас заҳар оқаётган бўлди гўё. Айнан мендан фойдаланмоқчи Вольдеморт! Шу сабабли ҳам, мен муҳофаза остидаман!

Аниқроқ айтганда, мен эмас мендан муҳофаза қилишяпти. Фақат бунинг маънисини йўқ, ахир «Хогварц»да менинг хатти-ҳаракатларимни узлуксиз кузатиб боришнинг иложи йўқ-ку... Кеча тунда мистер Уэслига ҳамла қилган мен бўламан. Вольдеморт мени шунга мажбур қилган... У, ҳозир ҳам танамда бўлиб, ички фикр-мулоҳазаларимни эшитиб бораётган бўлса ажаб эмас...

- Гарри, болагинам, сенга нима қилди? - шивирлаб сўради миссис Уэсли, поезднинг шовқини тўфайли, Жинна орқали энгашиб, - Кўринишинг яхши эмас. Тобинг қочиб қолди-ми?

Ҳамма Гаррига диққат ила разм солиб кетмоқда. Гарри ғазаб-ла бош чайқаб, вагон деворига маҳкамланган кўчмас мулк суғуртасига оид эълонга бақрайиб олди.

- Гарри, азизим, ўзингни яхши ҳис этаётганинга ишончинг комилми? - боз хавотирланиб сўради миссис Уэсли, ташқарига чиқиб, Пинҳонийлик майдонининг майсаси ўрилмаган марказий қисмини айланиб ўтишар экан, - Рангинг оқариб кетибди... Эрталаб оз бўлса ҳам, ухлай олдингми? Ростданми? Уйга киришимиз билан кўрпанга кириб ёт. Кечки овқатга ҳали икки соат бор. Бироз бўлса ҳам, ҳордиқ чиқариб оласан, хўпми?

Гарри бош ирғиб қўйди. Жуда яхши. Аҳмоқона гап-сўзлардан нари бўлишга асос топилди. Эшик очилиши ҳамона, Гарри, троллнинг чопиб олинган оёғига ўхшайдиган соябон таглигини айланиб

Ўтиб, зинапоя бўйлаб тез одимлаганча, ётоқхонага кириб кетди.

Ёлғиз қолгач, иккита каравот ва Пиний Нигеллийнинг бўш портрети ёнида у ёқ, бу ёқ юра бошлади. Миясига бири иккинчисидан даҳшатли фикрлар келмоқда.

Қандай қилиб илонга айланиб қолдим? Мен нима, анимагман-ми?... Йўқ, бўлиши мумкин эмас.

Буни билган бўлар эдим... Балким Вольдеморт анимаг бўлгандир?... Ҳа, бундай маълумот кўп нарсаларга ойдинлик киритган бўлар эди... Илонга айланмай, яна нимага ҳам айланиши мумкин у... Модомики, хатти-ҳаракатларимни идора қилаётган экан, демак илонга иккаламиз барабар айланганмиз... Лекин бир нарса тушунарсиз қолмоқда. Қандай қилиб мен, беш дақиқа ичида «Хогварц»дан Лондонга бориб, яна ортга қайтишим мумкин? Умуман айтганда, Вольдеморт бугунги кунда жаҳоннинг энг қудратли сеҳргари саналади, Дамблдорни ҳисобга олмаганда, албатта. Шундай экан, одамни бир жойдан бошқа жойга олиб ўтиш, унга чўт бўлмаса керак. Демак... О, қандай даҳшат!... Гаррининг вужудини кучли ваҳима қамраб олди: модомики, Вольдеморт унинг хатти-ҳаракатларини идора қилар экан, демак айна фурсатда у Қақнус орденининг қароргоҳини кўриб турибди экан-да! Орден таркибига кимлар кириши, Сириус қаерга бекиниб олганини билади... Гаррининг миясида эса сеҳрли маълумотлар шу қадар кўпки... қароргоҳда ўтган биринчи оқшомнинг ўзида Сириус унга қатъий сир тутилиши лозим бўлган бир олам гапларни айтиб берган эди...

Фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса, бу уйни зудлик билан тарк этиш. Рождество байрамини «Хогварц»да, дўстларсиз ўтказди ва шу тариқа, лоақал таътил давомида бўлсин, уларнинг хавфсизлигини таъминлайди... Йўқ, бўлмайди. Мактабда бир талай бошқа болалар қолган. Уларнинг ҳаётини ҳам хавф остига қўйиб бўлмайди. Унинг навбатдаги қурбони Симус ёки Дин ёхуд Невилль бўлса-чи? Гарри юришдан тўхтаб, портретнинг бўм-бўш матосига қараб қолди. Юраги қаттиқ эзилди. Ҳа, бошқа йўли йўқ: сеҳргарлар жамиятини ўзидан муҳофаза қилиши учун Одамовилар хиёбонига қайтишга тўғри келади.

Илож қанча, хаёлдан ўтказди Гарри, вазиятдан чиқишнинг бошқа йўли экан, сусткашликдан ҳам маъни йўқ. Муддатидан ярим йил олдин қайтгани учун Дурсллар юзида «барқ уриб кетадиган қувонч» ҳақида ўйламасликка уринганча, сандиғига яқинлашди, қопқоғини ёпиб қулфлагач, ғайриихтиёрий равишда Хедвигни қидира кетди. Бойқуш мактабда қолганини эслаб, муаммолар сони биттага камайганидан мамнун бўлди. Сандиқни дастасидан ушлаганча, чиқиш эшиги томон одимлаб, йўлнинг ярмига етган Гарри, орқада янграган жирканч овозни эшитди:

- Демак, қочяпмиз?

Гарри ортга ўгирилиб, портрет рамкасига суяниб олганча, истехзоли қараб турган Пиний Нигеллийни кўрди.

- Йўқ, - қисқа қилди Гарри, йўлини давом этиб.

- Мен эса «Гриффиндор» коллежига фақат мард ўқувчилар қабул қилинади, деб юрган эканман, - чўққи соқолини силади Пиний Нигеллий, - Сенинг ўрнинг аслида менинг коллежимда экан. Биз, слизеринчилар, шубҳа йўқ-ки, мард кишилар саналамиз, албатта. Бироқ аҳмоқ ҳам эмасмиз. Мушкул вазиятдан чиқиш йўлларини танлаш имкони бор экан, биринчи навбатда, бошимиз омон қоладиган йўлдан борамиз.

- Мен ўз бошимни асраётганим йўқ, - совуқ оҳанг-ла гапни бўлди сандиғини эшик томон тортган Гарри, гиламнинг куюя еган, нотекис қисмини ҳатлаб ўтиб.

- Ҳа, албатта. Тушунаман, - деди Пиний Нигеллий, соқол силашда давом этиб, - Бу номардларча эмас олижаноблик-ла, қочиш саналади.

Гарри портретнинг сўзларига эътибор қаратмасликка аҳд қилиб, эшик дастасига қўл узатди.

- Альбус Дамблдор сенга хабар юборди, - тиш орасидан маълум қилди Пиний Нигеллий.

Гарри кескин ўгирилиб қаради.

- Қандай хабар экан?

- «Жойингда қол».

- Мен қилт этганим йўқ, - деди Гарри, қўлини эшик дастасидан ўзмай, - Хўш, эшитаман, қандай хабар экан?

- Ҳозиргина айтдим сенга, галварс, - бир маромли оҳангда жавоб берди Пиний Нигеллий, - Дамблдор сенга: «Жойингда қол», деб юборди.

- Нега? - сандиқни ерга қўйиб, қичқирди Гарри, - Бу ерда қолишим унга нимага керак? Яна нима деди у?

- Бошқа ҳеч нима, - ингичка қора қошини кўтарди Пиний Нигеллий, Гаррининг қўрслигидан ҳайратга тушиб.

Ниҳоятда чарчаган, хаёллари чалкашиб кетган, атиги ярим сутка ичида умидсизлик, енгил тортиш, яна умидсизликни бошдан кечирган Гаррининг вужудини ғазаб қамради. Устига-устак Дамблдор у билан очиқ-ойдин гаплашишни ҳамон истамаяпти!

- Шунақами? - бақирди Гарри, - Яна «Жойингда қол»ми? Менга дементорлар ҳамла қилишганда ҳам, ҳамма менга айнан шундай деган эди! Катталар ишни босди-босди қилгунга қадар, зинҳор кўчага чиқа кўрма! Сабабини сенга тушунтиришга уриниб ҳам кўрмаймиз, зеро миттигина миянг буларнинг барини идрок этишга қодир эмас!

- Агар билмоқчи бўлсанг, - Гаррининг бақириғини босиш учун овозига зўр беришга мажбур бўлди Пиний, - Айнан сенга ўхшаганлар дастидан ўқитувчилик фаолиятини ёқтирмаган эдим! Негаки, ёшлар азалдан ўзларини ернинг киндиги, деб билади, ҳақ эканликларига фавқулодда ишонч билдириб юборади! «Хогварц» директорида сени ўз режаларидан воқиф қилмасликка тўла асос борлигига доир бирон-бир фикр келмади-ми мияннга, а, сурбет хўрозча? Атрофингдаги жамики одамлар сенга нисбатан ғайриинсоний муносабат билдиришаётгани борасидаги ҳасратларинг орасида, шу бугунги кунга қадар Дамблдорнинг сўзларига қулоқ тутиб келиб, бирон маротаба бўлсин нохуш ёки хавфли вазиятга тушиб қолмаганинг ҳақида ҳам, бирор сония бўлсин, ўйлаб кўрдинг-ми? Йўқ! Қолган ёшлар каби, ўзингни, бу дунёда энг бамаъни мулоҳаза юритиш, вазиятни ҳис этиш қобилиятига эга, хавфни олдиндан кўра билиш, Ёвуз Лорднинг ниятларини тўла-тўқис идрок этишга қодир танҳо инсон деб биласан...

- Бундан чиқди, унинг ниятлари чиндан ҳам шахсан менга дахл қилар экан-да, шундайми? - гапни бўлди Гарри.

- Мен сенга бундай демадим, шекилли? - эринчоқ оҳангда жавоб қайтарди Пиний, шойи қўлқопини кўздан кечириб чиқиб, - Маъзур санайсан. Яхшилиқни билмайдиган ўспириннинг ҳар хил тутуриқсиз мулоҳазаларини эшитиб, тунни бемаъни ўтказишдан кўра қизиқроқ ишлар бор... Хайрли кеч.

Пиний виқор-ла қадам ташлаб, портрет четига ўтди-да, кўздан ғойиб бўлди.

- Гумдон бўл! - қичқирди Гарри, портретнинг бўм-бўш матосига қараб, - Дамблдорга, билмайман қайси яхшилиги учун-у, миннатдорлигимни изҳор этиб қўй!

Матодан садо чиқмади. Ғазабдан вужуди қайнаб кетган Гарри сандиғини каравот ёнига тортиб борди-да, ўзини кўрпага ташлади. Қилт этиш, юзини куя еб битирган адёлдан кўтаришга мадори етмай, кўзини юмганча ётди. Танаси худди кўплаб миля пиёда юриб, ўларча толиққан кишининг танаси каби, зирқираб оғримоқда...

Атиги бир сутка олдин Чу Чэнг билан омела остида турганини тасаввур қилишнинг иложи йўқ...

Ниҳоятда чарчаган... Бироқ ухлаб қолишдан қўрқади... гарчи уйқуга қарши қанча вақт кураша олишини билмаса-да... Дамблдор уйда қолишни амр этибди... демак, ухлаш мумкин... бари-бир кўрқинчли... ҳодиса боз такрорланса-чи?

Гарри аста-секин аллақандай зулматга чўкиб кетди...

Кўп ўтмай, Гарри, худди миясига жойланган видеофильм кассетаси ишга туширилган каби, кимсасиз йўлакнинг тош девори бўйлаб яна ўша қора эшик томон одимлаб бормоқда... Мана, чап

томонда, пастга олиб тушадиган зина майдонига чиқиш эшиги...

Гарри қора эшикка етиб борди-ю, оча олмади... Ичкарига кириш истаги билан ёнганча, эшикка умидсиз бақрайиб турибди... Эшик ортида нимадир бор, жуда керакли ва ниҳоятда муҳим нарса бор... Аллақандай ғайриоддий рафбат... Қани энди чандиқнинг ловуллаши тинса... бафуржа фикр юритиб, нима қилишни обдан ўйлаб кўриш имкони бўлар эди...

- Гарри, - узоқдан эшитилди Роннинг овози, - Ойим кечки овқат тайёр эканлигини айтиб юборди. Истасанг, шу ерда қолишинг мумкин, таомни хонага йўллаб юборади.

Кўзини очган фурсатда Рон хонани тарк этиб бўлибди.

Мен билан ёлғиз қолишдан кўрқади, хаёлдан ўтказди Гарри, Хмурунинг гапидан сўнг, бундан ажабланмаса ҳам бўлаверади.

Ичида нима борлигини энди ҳамма билади ва шубҳа йўқ-ки, унинг бу ерда қолишини ҳеч ким истамайди. Гарри ёнбошига ағанаб, боз уйқуга кетди, узоқ ухлаб, тонготар маҳалда, очлигидан қорни уюшиб уйғонди. Кўшни каравотда Рон хуррак отмоқда. Кўзини қисиб олган Гарри хонага разм солди. Бировга ташланиб қолмаслиги учун Дамблдор юборган бўлса керак, портретда Пиний Нигеллийнинг қораси кўринди.

Гарри яна ўзини нопок ҳис этмоқда. Дамблдорнинг гапига қулоқ солганига ачина бошлади...

Пинҳонийлик майдонида бундай қийналгандан кўра, Дурслар хонадонига кетган маъқул эди.

\*\*\*

Эртаси кун тушликка қадар Гарридан ташқари ҳамма, Блэklar уйини Рождество шарафига безаш билан машғул бўлди. Сириус охириги марта бундай аъло кайфиятда қачон бўлганини Гарри эслай олмайди. Чўқинтирган отаси байрамни якка-ёлғиз нишонлашга мажбур бўлмаганидан болаларча суюниб, юрган йўлида Рождество мадҳияларини хиргойи қилмоқда. Унинг овози пастдан, Гарри биқиниб олган муздай меҳмонхонанинг поли остидан эшитилмоқда. Деразадан ташқарига, қор ёғиб, шишиб бораётган осмонга қараганча, ўй сурар экан, ҳозир ҳамма унинг ғийбатини қилиш билан овора эканлигига шубҳа қилмади. Кўнглиларига сиққунча ғийбат қилишсин, марҳамат, хаёлдан ўтказди Гарри. Миссис Уэсли дастурхонга чорлаганда эса жавоб қайтармай, яна бир қават юқорига кўтарилиб олди.

Кечки соат олтига яқин эшик қўнғироғи янгради. Миссис Блэк, одатига кўра, қий-чув кўтарди. Мундугнус ёки Орденнинг бошқа бир аъзоси келганини тахмин қилган Гарри, ўтирган ўрнига янада қулайроқ жойлашиб олди. У Отбургут қамалган хона девори ёнида, қорни очлигига эътибор қаратмасликка уринганча, гиппогрифни каламуш ўлиги билан боқиб ўтирибди. Қўнғироқ чалинган фурсатдан атиги бир неча дақиқа ўтар-ўтмас қаттиқ тақиллаган эшик Гаррини чўчитиб юборди.

- Гарри, биламан, сен шу ердасан, - янгради Германионнинг овози, - Илтимос, чиқ, сенга айтадиган гапим бор.

- Сен нима қилипсан бу ерда? - ҳайрон бўлди Гарри, эшикни очиб, - Ота-онанг билан чанғи учяпсан, деб ўйлаган эдим.

Отбургут бирон-бир суяк ёки гўшт бўлагини қидириб топиш илинжида, полга тўшалган похолни пўлат тирноғи билан титмоқда.

- Ростини айтсам, чанғи учиш – мен ёқтирадиган ишлар сирасига кирмайди, - жавоб берди, сочида ҳали эриб битмаган қор учқунлари кўринаётган, совуқдан кириб, юзи қизара бошлаган Германиона, - Шундай экан, Рождествони шу ерда нишонлашга аҳд қилдим. Фақат бу ҳақда Ронга айта кўрма. Калака қилавергани учун, чанғи учиш – зўр иш, деб келганман унга. Табиийки, ота-онам бироз хафа бўлишди, лекин уларни ким-ки имтиҳонларни талаб даражасида топширишни истаса, мактабда қолишини тушунтирдим. Менга фақат яхшилик тилайдиган ота-онам сўзларимни тўғри қабул қилишди. Хўп, майли, - иш кўзини биладиган кишидай таклиф киритди у, - Юр, хонангга тушамиз. Роннинг ойиси хона каминига ўт қалаб, сэндвич йўллабди.



Гарри Гермионага эргашиб, иккинчи қаватга тушди. Хонага киргач, Роннинг каравоти ёнида ўтирган Жинна билан Ронни кўриб, ҳайрон бўлди.

- «Тунги рицарь» автобусида етиб келдим, - тетик оҳангда маълум қилди Гермиона, куртқасини ечар экан, Гаррига сўз айтгани имкон бермай, - Кеча тонг отиши билан Дамблдор мени чақириб, бор гапни айтиб берди. Бироқ семестр расман якунига етишини кутмай мактабни тарк эта олмадим. Айтгандай, Амбриж, гарчи Дамблдор унга мистер Уэслининг Муқаддас Резгига тушиб қолганлиги ва шу боис сизларга жавоб берганлигини тушунтириб ўтган бўлса-да, тумшуғи остидан қуён бўлганингиз учун, алам қилиб роса қутурди! Хуллас, шунақа гаплар...

Гермиона Жиннанинг ёнига жойлашиб, Рон учаласи Гаррига бақрайиб олишди.

- Аҳволинг қалай? - сўради Гермиона.

- Аъло, - ғудуллади Гарри.

- Алдама, Гарри, илтимос, - эътироз билдирди Гермиона, - Рон билан Жиннанинг айтишига қараганда, касалхонадан қайтиб келганингдан буён, ҳаммадан бекиниб олган эмишсан.

- Шунақа, дегин? - деди Гарри, кўзини олиб қочган Рон билан пинагини бузмай ўтирган Жиннага ғазаб-ла, қараб.

- Тўғри-да! - хитоб қилди Жинна, - Ҳеч кимга қараганинг йўқ!

- Йўқ, сизлар менга қарамаяпсиз! - ўшқирди Гарри.

- Афтидан, бир-бирингизга навбат билан қарагансиз-у, нигоҳингиз тўқнаш келмаган, - тахмин қилди Гермиона, лабининг бурчаги қимирлаб.

- Жа кулгили, - боз кесатди Гарри, тескари ўгирилиб.

- Бўлди, етар, ўзингни ҳеч ким тушуниб етмаётган киши кўйига солишни бас қил, - деди Гермиона, кескин оҳангда, - Кеча оқшом сизлар пинҳон эшитиб қолган суҳбатдан хабарим бор...

- Наҳотки? - ириллади, қўлини киссасига солиб, дераза ортида ёғаетган қорга қараб турган Гарри, - Демак, мени муҳокама қилгансиз? Марҳамат, мен бунга аллақачон кўникиб қолганман.

- Биз сен билан гаплашмоқчи эдик, Гарри, - деди Жинна, - Лекин сен бекиниб олдинг.

- Мен эса ҳеч ким билан гаплашмоқчи эмасман, - баёнот қилди Гарри, жаҳли баттар қайнаб.

- Аҳмоқлик, - деди Жинна, аччиғи чиқиб, - Ёдингдан кўтарилган чоғи: бир вақтлар Вольдеморт бировнинг эмас айнан менинг ичимга кириб олган эди! Бу нима эканлиги, бошдан қандай кечишини ҳар қандай бошқа кишидан кўра, мен яхши биламан.

Жиннанинг сўзлари Гаррига шу қадар таъсир ўтказдики, турган жойида қилт эта олмади.

- Унутибман, - деди у, маълум вақт ўтгач, товонда турганча, кескин ўгирилиб.

- Енгил тортингми? - сўради Жинна, совуқ оҳангда.

- Маъзур сананг, - самимий узр сўради Гарри, - Демак, сизнингча, у, менинг ичимга кириб олган, шундайми?

- Амалга оширган хатти-ҳаракатларингнинг барчасини эслай оласанми? - сўради Жинна, - Нима қилаётганингни ўзинг идрок эта олмайдиган ҳолатларга тушиб турасанми?

Гарри саросима ила хотирасини титкилаб чиқди.

- Йўқ, - ниҳоят жавоб берди у.

- Демак ичинга ҳеч ким кириб олгани йўқ, - хулоса чиқарди Жинна, - Чунки мен, соатлар давомида нима ишлар қилаётганимни идрок этмай юрганман. Кутилмаганда қаердадир ўзимга келиб қолганман-да, ўша ерга қандай бориб қолганимни билмай бошим қотган.

Гарри Жиннанинг сўзларига базўр бовар қилган бўлса-да, чиндан ҳам, ўзини ғайририхтиёрий равишда анча енгил тортди.

- Бироқ илон билан дадангиз ҳақидаги тушим...

- Гарри, бундай тушларни илгари ҳам кўргансан, - гапга аралашди Гермиона, - Ўтган йили ҳам Вольдемортнинг кирдикорларини баъзан кўриб юрган эдинг.

- Ўшанда ҳолатим мутлақо бошқача бўлган, - бош чайқади Гарри, - Энди эса илон ичида бўлдим...

Вольдеморт мени киши билмас тарзда Лондонга олиб ўтган бўлса-чи?...

Гермиона кўзини шифтга қаратди.

- Бирор кун вақт топиб, ««Хогварц» тарихи»ни ўқиб чиққин, хўпми? - деди у, толиққан оҳангда, - Ўшанда балким, мактаб ҳудудидан ҳавода даф бўлиш имкони йўқлигини эслаб қоларсан. Шундай экан, Гарри, сени ётоқхонадан Лондонга олиб ўтишга ҳатто Вольдемортнинг ҳам қўрби етмайди.

- Сен каравотингдан ҳеч қаерга қўзғалганинг йўқ, дўстим, - деди Рон, - Уйғотишга эриша олгунга қадар, бир дақиқадан кам бўлмаган вақт давомида сени ўз кўзим билан кўриб турган эдим. Гарри боз хона бўйлаб у ёқ, бу ёқ юра бошлади. Дўстларининг сўзлари нафақат тинчлантирди, балки баъзи нарсаларга ойдинлик ҳам киритди... Сўнг, ликопадаги сэндвичлардан бирини кўлига олди-да, шартта оғзига тиқиб юборди.

Демак мен, ҳар қалай, қурол эмасман, хулоса чиқарди Гарри. Унинг қалби қувончга ҳали тўлиб улгурмай, пастдан овози борича ўкираётган Сириуснинг кўшиғи эшитилди: «Кўвноқ гиппогрифларни паноҳингда асра, Худо». Гарри шу топда чўқинтирган отасига жўр бўлишни истади.

\*\*\*

Бошқа ўйга ўт тушгандай, Гаррининг хаёлига, келиб-келиб, Одамовилар хиёбонига қайтиш фикри келгани-чи?! Уйи меҳмонга тўлгани, энг асосийси, Гарри яна бирга эканлигидан Сириус юқумли даражада қувониб юрибди. Чўқинтирган отасининг ёзги одамёқмас кайфиятидан асар қолмаган. Аксинча, уйда нишонланадиган Рождествони «Хогварц»даги байрам каби, балким ундан-да қўвноқ кечинини ташкиллаштириш – ўз олдига қўйган бош мақсаддай кўринади, гўё. Сириус тиним билмай кун билан ишлади, ҳамма ёқни йиғиштириб, саранжом-саришта қилиш, безаш билан машғул бўлди. Оқшом вақтига келиб, уй таниб бўлмас даражага келиб қолди.

Чилчироқларнинг бари топ-тоза бўлиб, энди улардан ўргимчак тўри эмас найзабарг ўрими, тилла ва кумуш тусли зар иплар осилиб тушган. Қадимий ва асилзот Блэклар хонадонининг ўрта асрлардан бошланган кўламдор шажараси акс эттирилган гобелен Мундугнус кўтариб келган, энди жонли соҳиралар билан обдан безатилган каттагина арча воситасида тўсиб қўйилди. Зинапоя панжарасига терилган безак ликоплардаги ўй эльфларининг қуритилган бошларига оппоқ соқоллар ёпиштирилиб, қорбобо қалпоғи кийдирилди.

Рождество тонгида ўйғонган Гарри каравотининг оёқ томонида совғалар уюмини кўрди. Ронга аталган уюм каттароқ бўлиб, аллақачон ярми очилган.

- Бу йилги ўлжа ёмон бўлмади, - эшитилди қадоқлаш қоғозидан ҳосил бўлган дўнглик ортидаги Роннинг овози, - Айтгандай, сўпурги компаси учун раҳмат. Чиройли экан! Гермионанинг совғаси билан таққослайдиган бўлсам, ўлса ўлиги ортиқ. Тасаввур қиялсан-ми, совға қуриб кетгандай, келиб-келиб, ўйга берилган вазифалар кундалигини ҳадея этибди-я!...

Гарри ҳам совғаларини титкилаб, Гермиона имзо чеккан тугунчани топди. Ўхшаш совға.

Варақлар экан, ушбу кундалик ҳар саҳифада: «Қолган ишга қор ёғар», «Бугунги ишни эртага қўйма» каби, панд-насихатлар эшиттиради.

Сириус билан Люпин Гаррига «Мўхофаза қиладиган амалий сеҳр-жоду ва унинг ёвуз кучларга қарши қўлланилиши» китоблар тўпламини тўхфа қилишибди. Ажойиб совға. Ушбу китобларда суқи ва қарғишларга қарши тилсимларнинг кўплаб турлари баён этилган бўлиб, ҳар бир мақола ҳаракатчан рангли расмлар билан бойитилган. Гарри китобларнинг биринчи жилдини зўр қизиқиш билан варақлаб чиқди. Ҳа, ДА жамиятида ўтадиган машғулотлар манфаатига хизмат қилишига шубҳа қилмаса ҳам бўлаверади. Хагрид эса қўнғир тусли тукли ҳамён юборибди. Афтидан, киссавурлардан мўхофаза мақсадида бўлса керак, ушбу ҳамён ўткир тишларга эга. Афсуски, бармоқсиз қолишдан қўрққан Гарри ҳамёнга бирорта бўлсин, танга сола олмади. Бомс «Чақмоқ»нинг миттигина ҳаракатчан моделини совға қилибди. Хона ичида учиб юрган

супургичага қараб ўтирган Гарри, ҳақиқий супургисидан маҳрум бўлганига ич-ичдан ачинди. Рондан барча таъмларни ўзига мужассам этган Берти Ботт ёнғоқларига эга бўлди. Миссис ва мистер Уэслилардан, одатдагидай, свитер ва гўштли сомсалар олди. Добби эса ўз ижодининг намунаси бўлмиш, аллақандай маҳол расм йўллаган. Гарри уни оёғини осмондан келтирган ҳолатда осиб қўйган маъқул, деган хаёлга борди. Шу пайт, қарс янграб, каравотда Фред билан Жорж пайдо бўлди.

- Масрур Рождество тилаймиз, - деди Жорж, - Муайян вақт пастга тушмай туринглар.

- Нега? - ҳайрон бўлди Рон.

- Ойим яна кўз ёш тўкмоқда, - деди Фред, қовоқ осиб, - Перси ўзининг Рождество свитерини қайтариб юборибди.

- Бир энлик хат ҳам ёзиб юбормабди, - қўшимча қилди Жорж, - Дадамнинг аҳволи билан қизиқмабди, касалхонага бориб, ҳолидан хабар олмабди.

- Юпатишга уриниб кўрдик, - давом этди Фред, Добби йўллаган расмни кўздан кечириб чиқиш учун, Гаррининг каравотини айланиб ўтар экан, - Персини каламуш гўнгининг шишиб кетган уюми, дедик.

- Бироқ сўзларимиз кор қилмади, - гапни якунлади Жорж, шокобақадан бирини олиб, - Люпинни ишга солишга тўғри келди. Бироз кўнглини кўтарсин, сўнг, нонушта қилгани тушамиз.

- Ниманинг расми бу? - сўради кўзини қисиб олган Фред, Доббининг ижод маҳсулига қараб, - Кўзининг остига мушт еган гиббонга ўхшайди.

- Гарри-ку! - маълум қилди Жорж, расмнинг орқа томонига бармоқ ўқтаб, - Ана, ёзиб ҳам қўйилган!

- Тўппа-тўғри, икки томчи сувдай ўхшар экан, - кулиб юборди Фред.

Гарри Фредга қарата уйга берилган вазифалар кундалигини улоқтирди. Китобча деворга урилиб, полга тушди-да қувноқ оҳангда қичқирди: «Дастлаб нуқта, вергулни обдан ўйлаб, тўғри қўй, сўнг ҳовлига йўл олиб, истаган ўйинга тўй!»

Кийиниб олишгач, Гарри билан Рон ҳам пастга тушишди. Ҳамма жойда, уйда яшаётган одамларнинг бир-бирига масрур Рождество тилагани эшитилмоқда. Гермияони ҳам зинапойда кўринди.

- Китоб учун раҳмат, Гарри, - миннатдорлик билдирди у, юзи мамнун қиёфа касб этиб, - «Нумерологияга оид янги назария» ҳақида кўпдан буюн орзу қилиб юрган эдим! Арвоҳлар эса Рон, фавқулодда ғайриоддий экан.

- Қўйсанг-чи, - қўл силтади Рон, - Қўлингдаги кимга? - қизиқди у, Гермияоннинг қўлидаги батартиб ўралган тугунга имо қилиб.

- Тараққосга, - жавоб берди Гермияона, кўтаринки руҳ билан.

- Умид қиламан-ки, кийим эмас, а? - хавотирланиб сўради Рон, - Эсингдами Сириус: «Уни қўйиб юбора олмаймиз. Негаки Тараққос, Орден ҳақидаги гаплардан ҳаддан ортиқ хабардор», деган эди.

- Қўрқма, кийим эмас, - деди Гермияона, - Гарчи, ихтиёр менда бўлганда, эгнидаги жирканч латта ўрнига бошқа бирон-нима совға қилган бўлар эдим. Бу, қавилган адёл, фикримча, ётоқхонасига жуда мос келади.

- Яна қанақа ётоқхона? - пичирлаб сўради Гарри, Сириуснинг онаси тасвирланган портрет ёнидан ўтишар экан.

- Сириуснинг гапига қараганда, ошхонада, сув иситиш қурилмаси ўрнатилган қазноқда, Тараққоснинг ётоқхона, деб бўлмаса-да, кичкина ётар жойи бор экан, - жавоб берди Гермияона. Қозон ёнида ивирсиб, шамоллаб қолган кишидай манқаланиб болаларга масрур Рождество тилаган миссис Уэслини ҳисобга олмаганда, ошхонада ҳеч ким йўқ.

- Демак, Тараққоснинг ётоқхонаси мана бу ерда экан-да? - деди Рон, омборхона рўпарасидаги

бурчақда кўринган эски эшик ёнига бориб.

Гарри бирон маротаба бўлсин, ушбу эшик очилганини муқаддам кўрмаган.

- Ҳа, - деди, асабийлашгани сезилаётган Гермiona, - Э-м... Дастлаб, тақиллатган маъқулдир?

Рон бармоғининг бўғин суюги билан эшик тақиллатди. Ичкаридан садо чиқмади.

- Юқорида тентираб юрган бўлса керак, - деди Рон ва узоқ ўйлаб ўтирмай, эшик дастасидан тутиб, шартта ўзига тортди, - Эқ!

Гарри ичкарига қаради. Қазноқнинг аксарият қисмини сув иситадиган катта қадимий қурилма эгаллаган. Пастга, қурилма қувурлари остига, Тараққос уяга ўхшаш жой яратиб олибди. Ерга касиб кетган увада-ю, адёллар тўшалган бўлиб, полда қотган нон увоқлари ва қуриб, моғор қоплаган пишлоқ бўлаклари сочилиб ётибди. Увада уюми ўртасида, афтидан, Тараққос ётадиган жойда бўйи узунлигида ўйиқ ҳосил бўлган. Нариги бурчақда тангалар, Сириусдан бекитиб сақланган майда буюмлар, шу жумладан, оила аъзоларининг бир вақтлар Сириус ташлаб юборган, хира тортган кумуш рамкага олинган фотосуратлари ётибди. Фотосуратларнинг ойналари дарз кетган бўлса-да, оқ-қора тусли митти қоматлар Гаррига менсимай қараб турибди. Чўчиб кетганидан нафаси қайтишига сал қолган Гарри, фотосуратлар орасида йирик қовоқли, қалин сочи қоп-қора, суд қилинганини Дамблдорнинг дамблхотираси воситасида кўрган аёл – Беллатрикс Лестрангни таниб қолди. Афтидан, Тараққос, ушбу фотосуратни кўпроқ хуш кўради шекилли, бошқа расмлар олдига қўйиб, сеҳргарлар тасмаси воситасида қўлдан келганча таъмирдан чиқарибди.

- Совғани шу ерда қолдирганим маъқул, - деди Гермiona, тугунни ўйиқ ичига жойлаганча, эшикни қия ёпиб, - Қайтиб келса, ўзи топиб олади.

Шу фурсатда омбор эшиги очилиб, қўлига йирик курка гўштини ушлаган Сириус кўринди.

- Айтгандай, Тараққосни биров кўрди-ми ўзи? - сўради у.

- Уйга эндигина келганимизда кўрганимдан буён кўрганим йўқ, - жавоб берди Гарри, - Ўша фурсатда сен ошхонадан йўқолишни амр этган эдинг унга.

- Тўғри... - қошини чимирди Сириус, - Адашмасам, мен ҳам уни айни ўша фурсатдан буён кўрганим йўқ... Бирор жойга биқиниб олган бўлса керак.

- Кетиб қолмадимикан? - сўради Гарри, - Агар сенинг «Йўқол» деганингни, «Уйдан йўқол», деб тушунган бўлса-чи?

- Йўқ, йўқ, эльфлар, агар кийим олишмаса, уйдан бу қадар осон кетиб қолмайди. Уларни уй билан жуда мустаҳкам ришталар боғлаб туради.

- Агар ўйни тарк этишни жуда исташса, кетиб қолишади, - эътироз билдирди Гарри, - Икки йил муқаддам Добби мени огоҳлантириш учун уйдан чиқиб кетган эди, гарчи ўзини ўзи жазолашга тўғри келган бўлса ҳам.

Сириус бироз саросимага тушиб қолди.

- Хўп, майли, - деди у ниҳоят, - Мен уни сал кечроқ қидириб топишга уриниб кўраман. Эҳтимол юқорида, ойимдан қолиб кетган трусиклар орасига кириб олиб, хўнграб ётгандир. Тўғри, агар ҳаво сўриш қурилмасига кириб олган бўлса, у ердан тирик чиқиши амри маҳол, албатта. Бироқ муддатидан олдин суюнмай турамиз.

Эгизакларга қўшилиб Рон ҳам кулиб юборди. Гермionанинг эса аксинча, жаҳли чиқди.

Рождество тушлигидан сўнг, барча Уэслилар, Гарри ва Гермiona мистер Уэслининг ҳолидан хабар олгани касалхона томон Ўйноққўз билан Люпин ҳамроҳлигида йўлга чиқишни режалаштиришган. Дастурхонга пудинг билан бисквит пирог узатилганида Мундугнус етиб келди. Байрам куни метро ишламаслиги боис, у аллақандай иш тутиб «ижарага» машина топиб келишга муваффақ бўлибди.

Соҳибининг розилигисиз вақтинча олинганига шубҳа қилмаса ҳам бўлаверадиган ушбу автомобилга, унутилмас «Форд Англия»га нисбатан бир вақтлар қўлланилган жоду қўлланилиб, ичи кенгайтирилди. Ташқи томондан машина одатдаги ўлчамда қолгани билан, ичига ўн киши бемалол сиғди. Автомобиль Мундугнус томонидан бошқариладиган бўлди. Уни хуш кўрмайдиган,

сеҳр-жодусиз кечадиган саёҳатни ёқтирмайдиган миссис Уэсли, машинага ўтиришдан олдин анча вақт иккиланиб турди. Ниҳоят, об-ҳавонинг совуқлиги, болаларнинг ёлворишлари устун келди чоғи, орқа ўриндиққа, Фред билан Биллнинг ўртасига жойлашиб олди.

Шаҳар кўчалари бўш бўлгани боис, йўловчилар Муқаддас Резги касалхонасига тез етиб келишди.

Кимсасиз кўчада касалхона томон бир неча сеҳргар эркалар-у, афсунгар аёллар судралиб келишмоқда. Ҳамма машинадан чиққач, Мундугнус автомобилни муюлиш ортига олиб ўтиб, ўша ерда кутадиган бўлди. Қолганлар, худди сайр қилиб юрган каби, эгнига яшил нейлон фартук кийдирилган, бадбашара одам гавдасининг қолипи ўрнатилган витринага яқин бориб, навбат билан ойна орқали ичкарига кириб кетишди.

Касалхона қабулхонаси байрамона безатилган: қизил ва тилла тусга бўялган биллур шарлар ёришиб турадиган йирик безакка айланиб қолибди; эшик кесакиларига найзабарг новдалари ўралибди; бурчакларга сеҳрли қор ва муз учқунлари билан қопланиб, милтилдайдиган тилла юлдузлар воситасида безатилган оппоқ арчалар ўрнатилибди. Бурнининг чап катагидан япон мандарини ўсиб чиққан, «Маълумотлар бериш бўлими» томон ошиқаётган аёл Гаррини зал ўртасида туртиб йиқитишига бир баҳя қолган бўлса-да, халойиқ, ўтган сафарга нисбатан бугун анча кам.

- Оилавий можароми, дейман, а? - сўради дўмбоққина оқ сариқ сочли аёл, - Ўхшаш жароҳат билан бугун мурожаат қилаётган биринчи пациент эмассиз. Суқитерапия бўлинмаси, бешинчи қаватга кўтарилинг.

Ташриф буюрганлар хонага кирган фурсатда мистер Уэсли кўрпасида ўтириб, тиззасига қўйилган патнисдаги курка гўштини деярли бир ёқли қилиб бўлган экан. Унинг юзида тентакнамо табассум кўринди.

- Аҳволинг қалай, Артур? - сўради миссис Уэсли, ҳамма сўрашиб, совғаларини топшириб бўлгач.

- Яхши ҳам гапми, аъло, - бўрттирилган ғайрат-ла, ишонтирди мистер Уэсли, - Мабодо, йўлда шифокор-табиб Смешвикни учратмадингиз-ми?

- Йўқ, - шу заҳоти сергакланди миссис Уэсли, - Нима қилди?

- Ҳеч нима, ҳеч нима, - бош чайқади мистер Уэсли, келтирилган совғаларни очишга киришиб, - Ўзингиз қалайсиз? Кунни яхши ўтказдингиз-ми? Кимга нима совға қилишди? О, Гарри, бу, мўъжизанинг ўзгинаси-ку! - хитоб қилди у, ингичка сим калаваси билан бурагични кўриб.

Эрининг миннатдорлик билдириб, қўл сиқиш учун Гаррига узатган қўлининг енгидаги тирқиш орқали жароҳат боғламасига диққат билан назар ташлаган Миссис Уэсли, жавобдан қаноатланмагани яққол маълум бўлди.

- Артур, - деди у, овозида сичқон тутадиган қопқон чиқарган қарс оҳанги эшитилиб, - Боғламанг бир кун олдин янгиланибди, Артур! Уни эртага янгилашлари керак эди-ю.

- Нима? - чўчиб сўради мистер Уэсли, аёлини баландроқ кўтариб, - Йўқ, йўқ... бу шунчаки... бунини... ўзим...

Миссис Уэслининг тешиб юборгудай нигоҳи таъсиридан мистер Уэслининг ўлчамлари тобора кичрайиб бораётгандай бўлди.

- Э-м-м-м... Молли, фақат асабийлашма... Аугустус Айнинг миясига бир ғоя келиб қолди... Сен уни танийсан, тажриба муддатини ўтаётган шифокор, хушхулқ ўспирин... У... м-м-м... ноанъанавий тиббиётга қизиқиш билдирар экан... негаки, магларнинг айрим даволаш муолажалари жуда, жуда... бу, Молли... бу, чок, деб аталади. Очиқ жароҳатларни даволаш масаласида... маглар дунёсида... жуда самарали натижа беради...

Миссис Уэсли жуда ғалати, наърага ҳам, ириллашга ҳам ўхшаб кетадиган товуш чиқарди. Люпин шу заҳоти каравотдан нари чекиниб, аҳволидан хабар олгани биров келмай, меҳмонлар сонига ҳасад-ла қараб ётган махлуққа айланадиган йигит томон йўл олди. Билл ҳам, чой масаласида бир нима деб ғудуллади-да, қуён бўлди. Ўрнидан иршайиб турган эгизаклар ҳам, акаларининг

ортидан эргашди.

- Айтмоқчисан-ки, маглар тиббиётига ўралашиб қолдинг, шундайми? - сўради, ҳар бир сўзи тобора баланд чиққан миссис Уэсли.

- Ўралашиб қолмадим, Молли, азизам, - жавоб берди мистер Уэсли, ўтинчи оҳангда, - Шунчаки... шунчаки... Ай иккаламиз бир синаб кўрмоқчи бўлдик... фақат, бахтга қарши, бундай жароҳатлар билан... қисқаси, иш натижаси биз ўйлагандек чиқмади...

- Яъни?

- Э-м-м-м... Чок... операция чоки нима эканлигини тасаввур қиласанми, ўзи?

- Тушунишимча, тери қопламасининг четларини жароҳат устида бир-бирига яқин келтириб, тикишга урингансиз, - қувончсиз истеҳзо ила жавоб берди миссис Уэсли, - Бироқ ҳаттоки сен, Артур... ҳаттоки сен, шу қадар аҳмоқ бўла олмайсан-ку...

- Бир пиёла чойдан мен ҳам бош тортмаган бўлар эдим, - деди Гарри, оёғига қалқиб туриб.

Гарри, унинг кетидан Гермiona, Рон ва Жинна йўлакка отилиб чиқишди. Уларнинг ортида қолган эшик қарсиллаганча ёпилди-ю, лекин миссис Уэслининг: «ЎЙЛАБМИЗ-КИ, ДЕГАНИНГ НИМАСИ», дея ўкиргани эшитилиб қолди.

Болалар йўлак бўйлаб одимлаб кетишди.

- Дадам ўз билганидан қолмайди-я. Чоклар... Топган нарсасини қаранг.

- Агар билмоқчи бўлсангиз, сеҳр-жодуга дахли бўлмаган жароҳатларни даволаш муолажаларида, ўша чоклар чиндан ҳам яхши самара беради. Афтидан, илон захри кучли бўлиб, чок ипини эритиб юборган кўринади... Буфет қаерда ўзи?

- Олтинчи қаватда, - деди, касалхонанинг йўлкўрсаткичини эслаган Гарри.

Йўлак бўйлаб юрган болалар қўш эшик орқали ўтиб, зинапоёга етиб келишди. Бу ернинг деворларига ҳам даҳшатли қиёфага эга табибларнинг портретлари осилган. Болалар ғирчиллаётган зинапоё бўйлаб юқорига кўтарила бошлашди. Табибларнинг расмлари алланима бақириб, тушунарсиз ташхис қўйишмоқда, қийноққа соладиган даволаш муолажаларини таклиф қилишмоқда. Ўрта асрларда яшаб ўтган аллақандай сеҳргар, Ронга, балиқбашаралик ташхисини қўйиб, касалликни ўтказиб юборганини баланд овозда маълум қилди. Турган гап-ки, бундай ташхис Ронга ёқмай, хафа бўлди. Сеҳргар эса, уни ўз ҳолига қўймай, портретдан портретга сакраб ўтганча, таъқиб қилиб борди.

- Хўш, қанақанги қабоҳат экан у? - дарғазаб сўради Рон.

- Тери касаллигининг ниҳоятда хавфли тури, ёш жаноб. Айнан шу касаллик тўфайли юзингизга ярачақа босиб, қиёфангиз ҳозиргидан ҳам баттар даҳшатли тус касб этади...

- Ўзингнинг турқингга қара, бадбашара! - деди қулоғи қизариб кетган Рон.

- ... давоси бор бунинг! Бақа жигарини олиб, ой тўлишган кеча томоғингизга маҳкам босиб боғланг. Шундан сўнг, қип-яланғоч ечинган ҳолатда илонбалиқ кўзига тўлдирилган бочка ичига кириб олинг...

- Ҳеч қанақанги балиқбашаралик касаллигига йўлиққанам йўқ!

- Бироқ, ёш жаноб, сўзларимга қулоқ солинг, юзингиздаги хунук доғлар...

- Сепкил бу, галварс! - қичқирди Рон, - Тинч қўй мени! Йўқол расмингга!

У шериклари томон ўгирилди. Ҳамма пинак бузмасликка зўр бериб турибди.

- Нечанчи қаватга етдик?

- Назаримда олтинчи қаватга, - жавоб берди Гермiona.

- Йўқ, бешинчига, - аниқлик киритди Гарри, - Юқорига чиқишимиз керак...

Лекин зина майдонига етган Гарри, ҳайратдан серрайиб қолди. Қаршисида қўш эшик бўлиб, маҳкамланган ёрлиғидаги ёзувга қараганда «СУҚИТЕРАПИЯ» бўлинмасига олиб киради. Эшикда дарча очилган бўлиб, у ердан гажак сочи тилла тусли, бурнини ойнага босиб олган, тишининг оқини кўрсатганча кенг, маънисиз кулиб қараётган мовий кўзли киши қараб турибди.

- Ажабо! - хитоб қилиб юборди Рон, гажак сочли кишига бақрайиб.

- Э, Худо! - хитоб қилди Гермiona ҳам, ҳайратдан нафаси қайтиб, - Профессор Чаруальд?! Эгнига нафармон рангли узун халат кийган, ёвузлик кучидан ҳимоя фанининг собиқ ўқитувчиси назокат-ла эшик очиб, болалар томон одимлади.

- Салом, салом! - ғайрат-ла, хитоб қилди у, - Тахминимча, дастхатимни олгани келгансиз, шундайми?

- Қаранг-а, зиғирдай бўлсин, ўзгармабди, - пичирлади Гарри Жиннанинг қулоғига. Жинна ҳиринглаб юборди.

- Э-м-м-м... ишларингиз қалай, профессор? - қизиқди Рон, айбдор киши оҳангида. Ахир Чаруальд бошқа бировнинг эмас айнан Роннинг ишдан чиққан сеҳрли таёқчаси туфайли хотирасидан жудо бўлиб, шу ерга, Муқаддас Резги касалхонасига тушиб қолган. Умуман айтганда, Чаруальднинг ўзи айбдор. У Гарри билан Роннинг хотирасини ўчириб ташлаш ниятида биринчи бўлиб ҳамла қилган. Бинобарин, Гарри, унга нисбатан ачиниш ҳиссини сезмади.

- Яхши ҳам гапми, аёло! - ҳиссиёт-ла жавоб берди Чаруальд, киссасидан эзилиб кетган товус патини чиқариб, - Хўш, нечта дастхат керак сизларга? Агар билмоқчи бўлсангиз, икки қўл билан бир вақтда ёзиш амалини ўзлаштириб олдим!

- Э-м-м-м... раҳмат. Ҳозир бизга дастхат керак эмас, - рад этди Рон, Гаррига юзланганча, қошини кўтариб.

- Профессор, сизга йўлакка чиқиш мумкин бўлмаса керак? Хонага қайтганингиз маъқул. Чаруальднинг табассуми сўниб қолди. У Гаррига диққат билан разм солиб, сўради:

- Мабодо иккаламиз муқаддам учрашганимиз йўқ-ми?

- Учрашганимиз, - тасдиқлади Гарри, - Сиз бизга ўқитувчилик қилгансиз. «Хогварц»да, эслийсиз-ми?

- Ўқитувчилик қилганман? - ҳаяжонланиб кетди Чаруальд, - Мен-а? Ростданми?

Унинг юзи кутилмаганда яна табассумдан яшнаб кетди.

- Умид қиламан-ки, ҳозир биладиган нарсаларингизни мен ўргатганман, шундай, а? Хўш, дастхат керакми? Ўн иккита дастхат етар? Ошна-оғайниларингизга тўхфа қиласиз, ўзларини маҳрум билмасликлари учун!

Шу пайтда, йўлакнинг нариги бошидаги эшик очилиб, қичқириқ овози эшитилди:

- Сверкароль, шумтака, яна қаёққа қочиб қолдинг?

Юзида меҳр барқ уриб турган, сочига арча зарини ташлаб олган катта ёшли аёл шоша-пиша етиб келди-да, зина майдонига чиққач, болаларни кўриб, кулиб боқди.

- Ҳа, гап бу ёқда дегин, меҳмон келган экан-да! Жуда яхши, Рождество айёмида ҳолингдан хабар олгани келишгани ажойиб бўлибди! Билмоқчи бўлсангиз, уни кўргани биров келмайди. Бечора! Нега бу қадар ёқимтой эканлигига ҳеч ақлим етмайди... Ростдан ҳам, ёқимтой, а?

- Биз дастхат билан шуғулланмоқдамиз! - маълум қилди Сверкароль, нурафшон кулиб, - Уларга жуда кўп дастхат керак экан! Эътирозлар қабул қилинмайди! Фотосуратларим захираси етарлича бор, деган умиддаман...

- Фараз қилинг, - деди табиб аёл, Чаруальдга икки ёшли гўдакка қарагандай кулиб қараганча, қўлтиғидан тутиб, - Икки йил муқаддам ниҳоятда машҳур шахс бўлган. Дастхат тарқатишга бўлган қизиқишини хотирасининг тикланиб бораётганидан аломат сифатида кўрмоқдамиз. Ичкарига кирасизми? Билсангиз агар, бўлинмамиз, аслида ёпиқ бўлинма саналади. Рождество тўхфаларини олиб кирганимга қадар югуриб чиққан шекилли. Одатда, эшикни қулфлаб юрамиз... Ёмон хаёлга борманг, аслида Сверкароль хавфли эмас! Бироқ, - овозини пасайтирди табиб аёл, - Бечора, фалакнинг ўзи асрасин уни, ўзига ўзи ёмонлик қилиб қўйиши мумкин... Ўзининг кимлигини эслай олмайди, бирон жойга чиқиб кетиб қолса, ортга қайтиш йўлини топа олмайди... Ҳолидан хабар олгани келиб, жуда яхши қилибсиз.

- Э-м-м-м... - деди Рон, юқорига имо қилиб, - Умуман айтганда биз... э-э...

Лекин табиб аёл кулганча, кутиб қолди. Роннинг «чой ичгани кўтарилаётган эдик» демоқчи бўлган сўзлари ичида қолиб кетди. Болалар бир-бирига қараб қўйишди-да, иложсиз Чаруальд билан табиб аёлнинг кетидан эргашиб, бўлинма йўлагига киришди.

- Фақат узоқ қолмайлик, - аста таъкидлади Рон.

Табиб аёл сеҳрли таёқчасини Ян Тараша номли хона эшигига ўқтади:

- Аллоомора.

Эшик очилгач, Чаруальдни қўйиб юбормай, хонага биринчи бўлиб кирди-да, беморни каравоти ёнига келтириб, креслога ўтқизиб қўйди.

- Ушбу хона сурункали касаллар, тузалмас ҳолатлар учун ажратилган, - аста тушунтириш бериб ўтди у, - Замонавий дамламалар, тилсимлар ва андак омад воситасида муайян муваффақиятга эришишни кутиш мумкин, албатта. Мисол учун, Сверкароль, ўзининг кимлигини аста идрок этиб бормоқда. Мистер Бедоунинг аҳволида ҳам яхшиланиш, нутқи тикланиш аломати кузатилмоқда. Тўғри, нима деётганини ҳозирча англай олмаймиз... Хўп, майли, болалар. Мен бора қолай. Совғаларни ҳали ҳаммага улашиб чиқишга улгурганим йўқ. Шундай экан, сизларни ёлғиз ташлаб чиқаман, бироз суҳбат қуриб ўтиринглар.

Гарри хонага разм солди. Ҳа, хона пациентлари чиндан ҳам доимий мижоз эканликлари яққол кўриниб турибди. Мистер Уэсли ётган хонадаги беморларнинг бирортасида шахсий буюм бу қадар кўп эмас. Чаруальднинг каравоти ёнидаги деворга тишининг оқини кўрсатиб, қўл силтаб тушган бир олам расм ёпиштириб юборилган. Уларнинг аксариятига Чаруальд ўзи учун болаларга хос нотекис имзо чеккан. Мана ҳозир ҳам, табиб аёл ўтқизиб қўйиши билан фотосуратларининг янги тўпини ўзига тортиб, пат-қаламини чангаллаб олди-да, катта тезлик билан имзо чекишга киришиб кетди.

- Конвертларга жойлаб чиқишингиз мумкин, - деди у, дастхат қўйилган фотосуратларни Жиннанинг тиззасига кетма-кет улоқтириб, - Кўрдингиз-ми, мени ҳали ҳеч ким унутгани йўқ. Мухлислардан бир олам хат олиб тураман... Гледис Прэстофиль ҳар ҳафта ёзади... Нима сабабдан, билмайман, - деди у, ўйчан ҳолатда тек қотиб, сўнг, яна табассумдан яшнаганча, тезликни икки ҳисса ошириб, имзо чекишни давом эттирди, - Тахминимча, гап барно қиёфамда.

Рўпарадаги каравотда юзининг ранги синиққан маъюс киши ётибди. У атрофда бўлаётган ишларни сезмай, алланима вайсамоқда. Иккита каравот нарида бош соҳасини қалин юнг қоплаган аёл ётибди. Гарри иккинчи синфда ўқиб юришган кезларида Гермiona ҳам худди шундай аҳволга тушиб қолганини эслади. Хайриятки, Гермionанинг касаллиги тузаладиган касалликлар сирасига кирган экан. Хона охирида иккита гулдор парда тортилган бўлиб, ўша ерга ўрнатилган бир жуфт каравотни ташриф буюрган кишилар беморлар билан бамайлихотир гаплашиб олишлари учун, қолган каравотлардан ажратиб турибди.

- Мана кўрдинг-ми, Агнес, сени ҳам ҳеч ким унутгани йўқ, - қувонч-ла, мурожаат қилди боз қайтиб кирган табиб аёл, юзини юнг қоплаган аёлга Рождество совғаларини узатар экан, - Ўғлинг ҳам бойқуш йўллаб, бугун оқшом кириб ўтишини ёзиб юборибди. Зўр, а?

Агнес бир неча бор қаттиқ акиллаб қўйди.

- Бродерик, қара, сенга эса тувакка экилган гул ва ҳар ойининг саҳифасига бири-бирдан чиройли гиппогрифлар расми солинган ажойиб календарь бериб юборибди! Қувноқроқ бўлади-ку, тўғримми?

Табиб аёл тинимсиз вайсаб ётган киши ёнига келиб, туришидан ёқимсиз, узун пайпаслагичлари қимирлаётган хонаки ўсимликни каравот ёнидаги жавонча устига қўйиб, календарни таёқча воситасида деворга осиб қўйди.

- Ва... о, миссис Лонгботтом, бўлди-ми, кетяпсиз-ми?

Гарри ортга кескин ўгирилди. Хона охиридаги гулдор парда очилиб, каравотлар орасидаги юриш йўлида хонага ташриф буюрганлар кўринди. Улардан бири: эгнига узун яшил қўйлак кийган,



бўйнига куя еган тулки мўйнасидан тайёрланган ташлама ёқа ташлаб олган, бошига қирғий тулуми қадалган чўққидор шляпа кийган ҳайбатли кампир бўлса, иккинчиси бувисининг ортидан маъюс эргашиб келаётган Невилль.

Улар кимни кўргани келишганини Гарри шу заҳоти фаҳмлаб, вужуди қизиби кетди. Қолганлар Невиллни кўриб қолмасликлари учун нима қилиш кераклигини ўйлаб топишга уринди-ю, бироқ Лонгботтом фамилиясини эшитган Рон ҳам, бошини кўтарди.

- Невилль! - чақирди Рон, Гарри уни тўхтатиб қолишга улгурмай.

Невилль сесканиб, ўзини ўқдан базўр олиб қочган кишидай, танасини йиғиб олди.

- Бу, биз, Невилль! - қувонч-ла қичқирди Рон, оёғига қалқиб туриб, - Кўрдинг-ми? Чаруальд шу ерда экан! Сен кимни кўргани келдинг?

- Дўстларингми, қадрдоним, Невилль? - илтифот-ла сўради Невиллнинг бувиси, болалар ёнига келиб.

Невиллнинг қиёфасидан ер ёрилиши-ю, кириб кетишга тайёр эканлигини ўқиб олса бўлади.

Юзининг тери қопламасида қўнғир-қизғиш доғлар кўринган Невилль кўзини четга олиб қочди.

- Ҳа-я, - деди, Гаррига диққат билан разм солган буви, ажин қоплаб, қуш панжасига ўхшаб қолган озғин қўлини узатар экан, - Ҳа, ҳа, албатта. Сизни танийман. Невилль сиз ҳақингизда иззат-икром ила гапиреди.

- Э-м-м-м... раҳмат, - жавоб қайтарди Гарри, узатилган қўлни сиқиб.

Юзи алвон тус касб этган Невилль кўзини ҳамон ердан узмай турибди.

- Сиз, иккалангиз, табиийки, Уэслилар, - давом этди миссис Лонгботтом, қўлини виқор-ла дастлаб Ронга, сўнг, Жиннага узатиб, - У қадар яқин бўлмаса-да, ота-онангиз билан танишман. Ажойиб кишилар, ажойиб... Сиз эса Гермiona Грэнжер, шундайми?

Миссис Лонгботтом исмини билишидан ҳайрон бўлган Гермiona қўл сиқишиб кўришди.

- Невилль сиз ҳақингизда кўп гапиреди. Уни қийин вазиятлардан кўп маротаба олиб чиққансиз, шундай эмасми? У, аслида яхши бола, - деди миссис Лонгботтом набирасига манзур кўрганча, жиддий қараб, - Бироқ ўз отасининг иқтидорини мерос олмаган кўринади.

Фикрини баён этар экан, миссис Лонгботтом хонанинг нариги томонидаги бир жуфт каравот томон боши ила имо қилди. Чўққидор шляпага маҳкамланган қирғий тулуми таҳдидли қимирлаб кетди.

- Нима?! - ҳайратланди Рон, - Анави ерда даданг ётибди-ми, Невилль?

Гарри Роннинг оёғини босиб қўймоқчи бўлди-ю, жинси шимда бундай амални бировга сездирмай бажаришнинг иложи бўлмади.

- Бу нима деган гап, Невилль? - жиддий оҳангда сўради миссис Лонгботтом, - Дўстларинг ота-онанг ҳақида ҳеч нима билишмайди-ми?

Невилль чуқур нафас олиб, юзини шифтга қаратганча, бош чайқади. Гаррининг ичи ҳали ҳеч қачон, ҳеч кимга бу қадар ачишмаган, бироқ ҳозир Невиллга қандай ёрдам бера олишини билмайди.

- Бунинг уят ери йўқ! - жаҳл-ла хитоб қилди миссис Лонгботтом, - Сен фахрланишинг керак, Невилль, эшитяпсан-ми, фахрланишинг! Улар ўз соғликлари ва ақллари сен, шундай зотларнинг ёлғиз фарзанди, тортиниб юришинг учун қурбон қилишмаган!

- Мен тортинганим йўқ, - базўр жавоб қайтарди Невилль.

У ҳалигача кўзини дўстларидан олиб қочмоқда. Рон эса Невиллнинг ота-онасини дурустроқ кўриш учун оёқ учига туриб олди.

- Бироқ сен тортинмай юришинг ғалати йўлини танлагансан! - баёнот қилди миссис Лонгботтом, - Менинг ўғлим ва унинг рафиқаси, - виқор-ла Гарри, Рон, Гермiona ва Жинна томон юзланиб, давом этди у, - Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг малайлари томонидан қийноққа солиниб, ақлларидан жудо бўлиб қолишган.

Гермiona билан Жинна оғизларига кафтларини босиб олишди. Рон эса бўйин чўзишни бас қилиб, турган жойида серрайиб қолди.

- Улар аврор эдилар. Жамики сеҳргарлар жамияти иккаласини ниҳоятда ҳурмат қилишган, - давом этди миссис Лонгботтом, - Улар фавқулодда истеъдодли кишилар бўлишган. Мен... Алиса, қизгинам, нима гап?

Ичкаридан қўрқа-писа Невиллнинг эгнига тунги кўйлак кийган ойиси яқин келди. Қақнус орденининг илк гуруҳига мансуб, фотосуратда юзи лўппигина, бахтиёр кўринган аёлдан асар ҳам қолмаган. Болалар қаршисида кексайган, лунжлари осилиб қолган, кўзи ниҳоятда катта, тўзғиган оппоқ сочи жонсиз аёл турибди. У гапиришни истамаяпти ёки гапира олмайди, лекин Невиллга қараб, кафтини узатганча, аллақандай ғалати ҳаракатлар бажаряпти.

- Яна-ми? - толиққан тарзда нафас чиқарди миссис Лонгботтом, - Раҳмат, Алиса, қизгинам, раҳмат. Невилль, ол, нима бермоқчи сенга?

Невилль шундоқ ҳам қўлини узатиб, ойисининг қўлидан Друблис иширсақичининг жилдини қабул қилиб олди.

- Жуда чиройли экан, - сохта ҳайратланиб, келинини мақтаб қўйди миссис Лонгботтом, елкасини силаб.

- Раҳмат, ойижон, - деди Невилль, паст, лекин жиддий овози билан.

Алиса ниманидир хиргойи қилиб, ўйноқлаб одимлаганча, каравоти томон йўл олди. Невилль ҳаммага қараб чиқди: қани бирортангиз кулишга журъат этиб кўринг-чи! Бироқ Гарри ҳаётида бундан-да маъюс саҳнани ҳали кўрмаган.

- Хўш, вақт бўлди, - чуқур хўрсинди миссис Лонгботтом, яшил тусли узун қўлқопини тақар экан, - Танишганимдан хурсандман. Невилль, ташлаб юбор анави жилдни. Сенда шу қадар кўп тўпланиб қолганки, хона деворига ёпиштириб чиқишга етади.

Иккаласининг орқасидан қараб қолган Гарри Невиллнинг жилдни сездирмай кассасига солиб олганини кўриб қолди.

- Билмаган эканман, - деди Гермiona, йиғламсираб, хона эшиги ёпилгач.

- Мен ҳам, - хириллаб тасдиқлади Рон.

- Мен ҳам, - базўр нафас чиқарди Жинна.

Учаласи Гаррига юзланди.

- Билар эдим, - ғудуллади у, - Дамблдор айтиб берган. Ҳеч кимга чурқ этмасликка сўз берган эдим... Беллатрикс Лестранг айнан мана шу жинояти, Қийноққа солиш қарғишини қўллагани учун Азкабанга қамалган. Невиллнинг ота-онасини, ақлларини йўқотиб қўйишгунга қадар қийнаган.

- Беллатрикс Лестранг? - сўради Гермiona, даҳшатга тушиб, - Ўша аёлнинг расмини сақлаяпти-ми, Тараққос, ўз қазноғида?

Орага узоқ сукунат чўқди. Ниҳоят Чаруальднинг хитоби жимликни бузди:

- Қулоқ солинг, нима деб ўйлайсиз, нега мен икки қўллаб ёзишни ўрганганман?

## **ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ. ОККЛУМЕНЦИЯ**

Тараққос чордоққа яшириниб олган экан. Бошдан-оёқ чанга ботган ҳолатда Сириус томонидан топилган эльфнинг тушунтиришига қараганда, оила ёдгорликларини қидириб юрган эмиш. Бундай жавоб Сириусни қаноатлантирган билан, Гаррига ёқмади. Негаки Тараққоснинг хулқи энди ғалати кечмоқда: нигоҳи нисбатан қувноқ, камроқ вайсайдиган, берилган буйруқларга саркашликсиз итоат қиладиган бўлиб қолди. Икки-уч маротаба, Гарри, эльфнинг диққат билан разм солиб тургани, ўгирилиб қараши ҳамона, кўзини олиб қочаётганини пайқаб қолди.

Бироқ Гаррининг шубҳалари шу қадар ғира-шира эдики, шундоқ ҳам, Рождество ўтиб, ғамгин бўлиб қолган Сириус билан ўртоқлашишни шарт, деб топмади. Болаларнинг «Хогварц»га қайтадиган фурсати қанчалик яқинлашса, Сириуснинг кайфияти ҳам, миссис Уэслининг таъбири

билан айтганда, шунчалик «дилгирлик тусини касб этмоқда». Бадқовоқ, камгап бўлиб қолган Сириус, Отбургут олдида соатлаб ўтирадиган бўлиб қолди. Уни босаётган ғам гўё заҳарли газ каби, эшик остидан сизиб чиқиб, йўлида учраган кишини заҳарлаган тарзда, жамики уй бўйлаб тарқамоқда.

Гарри Сириусни анави нохуш Тараққос билан яна ёлғиз қолдириб кетишни, умуман айтганда, ҳаётида илк бор мактабга қайтишни мутлақо истамаяпти. Нимаси билан қизиқ, ўша мактаб? Таътил давомида мингдан ортиқ декрет чиқаришга улгурганига шубҳа қилмаса бўлаверадиган Амбриж биланми? Квидиш ҳақида ўйламаса ҳам бўлаверади. Уйга бериладиган вазифалар ҳаддан зиёд, имтиҳонларга ҳам яқин қолди... Дамблдордан садо чиқмайди... Қисқаси, ДА жамияти бўлмаганида, Гарри Сириусдан «Хогварц»ни тарк этишга рухсат беришини сўраб, ёлворган ва иккаласи Пинҳонийлик майдонида бирга яшаган бўлар эди.

Таътилнинг сўнгги куни шундай ҳодиса рўй бердики, мактабга қайтгач, ваҳима қамраб олди. Ётоқхонада Гарри билан Рон шахмат ўйнаётган, Гермиона, Жинна, Маймоқоёқ эса уларнинг ўйинини томоша қилиб ўтиришган эди.

- Гарри, қадрдоним, - чақириб қолди остонада кўринган миссис Уэсли, - Ошхонага туш, илтимос, сен билан профессор Снегг гаплашмоқчи.

Гарри гап маъносини дарҳол илғаб олмади. У Роннинг пиёдаси билан аёвсиз жанг қилаётган рухини гижгизламоқда:

- Бос уни! Бос! Атиги пиёда холос-ку, у, овсар!... Маъзур сананг, миссис Уэсли, нима дедингиз?

- Профессор Снегг, болагинам. Ошхонада ўтирибди, сен билан гаплашиб олмоқчи.

Вужудини шу заҳоти даҳшат қамраб олган Гаррининг оғзи ланг очилиб, Рон, Гермиона ва Жиннага қаради. Улар ҳам серрайганча, Гаррига бақрайишди. Ўтган сўнгги чорак соат давомида Гермионанинг қўлидан отилиб чиқишга уринган Маймоқоёқ ниҳоят халос бўлиб, шахмат тахтаси устига шартта сакраб тушди-да, атрофга йиртқичларча аланглади. Шахмат доналари эса баланд чириллаб, ҳар томон тум-тарақай бўлди.

- Снегг? - сўради Гарри.

- Профессор Снегг, азизим, - таъна оҳангида тузатиш киритди миссис Уэсли, - Юр тезроқ, вақти тифиз экан.

- Сендан нима истайди у? - асабийлашди Рон, миссис Уэсли чиқиб кетгач, - Бирон-бир ёмонлик қилганинг йўқ-ку, шундайми?

- Ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ! - аччиқланди Гарри.

Нима сабабдан Снегг, зудлик билан учрашишни истаб қолиши мумкин, саросима ила ўйланди Гарри. Наҳотки, уйга берилган сўнгги вазифа ижроси учун «Т» баҳоси белгиланган бўлса унга.

Икки дақиқа ўтгач, Гарри ошхона эшигини очди. Узун стол атрофида Сириус билан Снегг бир-бирига тескари ўгирилиб ўтиришибди. Аллақандай хат Снегг олдида, стол устида очилган ҳолатда ётибди.

- Э-м-м-м... - кириб келганидан дарак берди Гарри.

Титилиб кетган ёғли қора сочи рангпар юзини ўраган Снегг болага қаради.

- Ўтир, Поттер.

- Биласанми, нима, Снегг! - аччиқ қилди, курсининг иккита оёғини тираб чайқалганча, шифтга қараб олган Сириус, - Буйруқ бермасанг бўлар эди бу ерда. Нима қилганда ҳам, уйимда ўтирибсан, ҳар қалай.

Снеггнинг жонсиз, рангпар юзини қизил доғ қамради. Сириуснинг ёнига ўтириб олган Гарри, стол орқали профессорга бақрайди.

- Сен билан танҳо қолиб гаплашиш тайинланган, Поттер, - деди Снегг, мийиғида кулиб, - Бироқ Блэк...

- Мен унинг чўқинтирган отаси бўламан, - овоз кўтарди Сириус.

- Уйинга Дамблдорнинг амри ила келдим, - давом этди Снегг, заҳар томиб турган овозини, аксинча, пасайтириб, - Лекин сен, Блэк, қолишинг мумкин... дахлдор бўлиб юришни ёқтирасан, биламан...

- Нима демоқчисан бу гапинг билан? - курсини тўртала оёғига тақиллатиб қўйди Сириус.

- Сен ҳозир... э-м-м-м... ўзингни ноқулай ҳис этипсан, демоқчиман холос. Ахир сен бирон-бир фойдали иш қила олмаяпсан-ку, - деди Снегг ва сўнги фикрини жуда мулойим оҳангда, алоҳида урғу бериб эшиттирди, - Орден манфаатида.

Қизариш навбати Сириусга ўтди. Снегг эса лабини ғолибона қийшайтириб қўйди.

- Мени директор юборди, Поттер. Келгуси семестрда окклуменцияни ўзлаштиришингни истаяпти.

- Нимаменцияни? - тушунмади Гарри.

- Окклуменцияни, Поттер, - деди, кулгиси кенгайган Снегг, - Онгни ташқаридан сингиб киришга уринишлардан сеҳр воситасида ҳимоя қилиш усулини. Бу сеҳр-жодунинг жуда кам миқёсда тадқиқ этилган, бироқ ниҳоятда фойдали соҳаси.

Гаррининг юрак уриши тезлашиб кетди. Ташқаридан сингиб киришга уринишлардан онгни ҳимоя қилиш? Ахир унинг ичига ҳеч ким кириб олгани йўқ-ку. Қолаверса, буни ҳамма тан олди...

- Нима учун мен ўзлаштиришим керак, ўша охлу... нима эди?

- Чунки директор шуни хоҳлади, - бир маромли оҳангда жавоб қайтарди Сириус, - Ҳар ҳафтада бир кун якка тартибда таҳсил кўрасан, аммо бу ҳақда ҳеч ким, айниқса, Долорес Амбриж билмаслиги керак. Тушунарлими?

- Тушунарли, - деди Гарри, - Ким ўтади ўша дарсни менга?

- Мен, - жавоб берди қоши кўтарилиб кетган Снегг.

Гаррининг вужуди қизиб, гўё ичида борки нарса эриб кетаётган бўлди. Снегг билан ўтадиган қўшимча машғулот? Қайси гуноҳи учун? Нима ёмонлик қилди у? Гарри, нажот истаб, Сириусга юзланди.

- Нега Дамблдорнинг ўзи ўтмайди ўша дарсни? - ўшқирди Сириус, - Нега энди айнан сен ўтишинг керак?

- Чунки, фикримча, директор ўз зиммасидаги анча нохуш мажбуриятларни ўз бўйсунувчиларидан бирининг зиммасига юклаш ҳуқуқига эга, - мулойим оҳангда тушунтириш берди Снегг, - Кўнглинг тўқ бўлсин, бу ишни ундан сўраб олганим йўқ. Поттер, - деди у, ўрнидан туриб, - Душанба кuni кечки соат олтида хонамда кутаман. Биров сўраб қолгудай бўлса: «Сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанидан қўшимча машғулотга қатнаёпман», деб тушунтирасан. Менинг дарсимда намоён этган қобилиятингдан бохабар кишилар, сен, ушбу масалада эҳтиёж сезишингни рад эта олишмайди. Снегг сафар плашини ҳилпиратганча, хонани тарк этиш учун эшик томон бурилди.

- Бир дақиқа, - тўхтатди Сириус, тўғри ўтириб олиб.

- Шошиб турибман, Блэк, - деди Снегг, мурдор иршайганча, Сириусга юзланиб, - Сендан фарқли ўлароқ, бекорчи гап сотиб ўтиргани вақтим йўқ.

- Ундай бўлса, гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолай, - деди бўйи Снеггдан дароз Сириус, ўрнидан туриб.

Снегг, афтидан, плашининг киссасидаги сеҳрли таёқчасини ушлаб олди шекилли, қўли мушт тугилгани сезилди.

- Агар окклуменциянг билан Гаррининг ҳаётини расво қилаётганингни эшитиб қолгудай бўлсам, - давом этди Сириус, - Менга рўбару бўлишинг аниқ.

- Қаранг-а, қандай таъсирли сўзлар, - тишининг оқини кўрсатди Снегг, - Лекин, эътибор қаратган бўлсанг, Блэк, Поттер ўз отасига қўйиб қўйгандай ўхшайди, шундайми?

- Ҳа, ўхшайди, - ғурур-ла, бошини кўтарди Сириус.

- Ундай бўлса, - деди Снегг, тилёғлама оҳангда, - Васийлигинг остидаги бола ўз отаси каби, манманликка берилган бўлиб, сиртига танқид юқмаслигини ҳам идрок этган бўлишинг керак.

Сириус курсини нари тепиб, столни айланиб ўтганча, қўлига сеҳрли таёқчасини олди. Снегг ҳам кескин ҳаракат-ла, таёқчасини чиқарди. Иккала рақиб: нафратдан кўзига ҳеч нима кўринмай қолган Сириус ва нималарнидир ният қилганча, дам Сириуснинг юзига, дам қўлидаги таёқчасига қараб қўяётган Снегг бир-бирига яқинлашди.

- Сириус! - қичқирди Гарри.

Бироқ чўқинтирган отаси унга эътибор қаратмади.

- Огоҳлантириб қўай, Мишириқ, - вишиллади, юзини Снеггнинг башарасига бир фут масофага яқин келтирган Сириус, - Дамблдор сени ахлоқан бутунлай ўзгариб кетган, деб ўйлашига қараб ўтирмайман. Кимлигингни мен жуда яхши биламан...

- Нега шубҳаларингни унга етказмайсан? - пичирлаб сўради Снегг, - Ёки ярим йилдан буён оийсининг уйдан чиқмай ўтирган одамнинг сўзларига жиддий эътибор қаратмайди, деб ўйлайсан-ми?

- Люциус Малфой қалай, шундан гапир? Қўлга ўргатилган ити «Хогварц»да ишлаётганидан роса мамнун бўлса керак, а?

- Ҳа, айтгандай, итлар ҳақида, - мулойим оҳангини қўймади Снегг, - Ўша Люциус Малфой сени таниб қолганидан хабаринг борми? Охирги маротаба кўчага чиққанингда? Пухта ўйлаб, иш тутгансан, Блэк. Мутлақо хавфсиз темир йўл платформасида кўзга кўриниб қўйиш... Уядан чиқмай ўтириш учун зўр баҳона, шундайми?

Сириус сеҳрли таёқчасини силтади.

- Йўқ! - қичқирди Гарри, стол узра сакраб ўтганча, иккаласининг ўртасига туриб олиб, - Кераги йўқ, Сириус!

- Қўрқоқ, деб ўйлаяпсан-ми, мени? - бақирди Сириус, қаршилик кўрсатаётган Гаррини четга суришга уриниб.

- Ҳа, шундай, - бош ирғиди Снегг.

- Нар итур, Гарри! - бўш қўли ила болани туртди Сириус.

Ошхона эшиги ланг очилиб, ўртада йўл-йўл пижамасининг устидан макинтош кийиб олган мистер Уэсли, бахтиёрлигидан яшнаб кетган қолган Уэслилар ва Гермiona кириб келди. **(Макинтош (инг. *taskintosh*) – нам ўтказмайдиган резиналанган матодан тайёрланган плаш, шу жумладан, эркаларнинг, одатда, габардиндан тикилган, XIX асрда мода бўлган ёзги пальтоси. Ном и шотландиялик кимёгар Чарльз Макинтош шарафига берилган. Мазкур олим 1823 йили ўзининг навбатдаги тажрибасини ўтказётган фурсатда каучук эритмасини пиджагининг енгига беҳосдан булғаб юборган ва вақт ўтиб, пиджак енг и ҳўл бўлмаётганига эътибор қаратган. Шундан сўнг, у, ушбу ихтиросини патентлаб, нам ўтказмайдиган макинтош буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Charles Macintosh and Co. компаниясига асос солган).**

- Мен соппа-соғман! - эълон қилди у, бутун ошхонага жар солиб, - Мутлақо соғман!

Бироқ кўз ўнгида намоён бўлган саҳнани кўрган мистер Уэсли ва бошқалар бир зумда жим бўлиб қолиб, Снегг билан Сириусга бақрайиб қолди. Бир-бирига таёқча ўқтаган икки нафар эркак қоқилган қозикдек, ўртада эса қўлларини икки томон узатиб олганча, рақибларни ажратиб қўйишга уринаётган Гарри турибди.

- О, Мерлин соқоли, - хитоб қилди, юзидаги кулги бир зумда барҳам топган мистер Уэсли, - Нима бўляпти бу ерда?

Сириус билан Снегг таёқчаларини туширишди. Гарри дастлаб бирига, кейин иккинчисига қараб қўйди. Иккаласининг юзи бир-биридан жирканмоқдан ёнмоқда. Бироқ бир гала одам дафъатан кириб келгач, иккаласи ҳам хушини йиғиб олди. Снегг таёқчасини киссасига солиб, пошнасида айланганча, Уэслиларга бир оғиз сўз айтмай, чиқиш эшиги томон равона бўлди. Остонага етгач, бошини елкаси орқали ўгирди.

- Душанба куни, кечки соат олтида, Поттер.

Снегг кўздан ғойиб бўлгач, Сириус таёқчасини тушириб, нохуш меҳмон изидан ғазаб-ла қараб қолди.

- Тинчликми? - яна бир бор сўради мистер Уэсли.

- Тинчлик, Артур, - жавоб қайтарди Сириус, худди узоқ югурган каби, ҳансираб, - Икки мактабдошнинг дўстона сўхбати. Демак, соппа-соғман, дегин? Зўр янгилик-ку, - деди у, ўзини кулишга мажбур қилиб.

- Ҳа, шундай, - деди миссис Уэсли, эрини курси томон туртиб, - Бош шифокор Смешвик ниҳоят ўзининг сеҳрли маҳоратини эслаб, илон захрига қарши зидди-заҳар топишга муваффақ бўлди. Бу орада Артур ҳам, яхшигина сабоқ олди. Энди у, маглар тиббиёти билан ўралашмайдиган бўлди. Тўғрими, азизим? - таҳдидли оҳангда сўраб қўйди у.

- Тўғри, азизам Молли, - аста жавоб қайтарди мистер Уэсли.

Мистер Уэсли касалхонадан қайтди. Ушбу оқшом ўтадиган кечки овқат қувончли ҳодисага айланиши керак эди. Бунинг учун Сириус кўлдан келганча ҳаракат қилаётганини Гарри фаҳмлаб турибди. Бироқ чўқинтирган отаси баъзан эгизакларнинг ҳазилига кулиш, ҳаммани меҳмон қилиб бориш кераклигини унутиб қўйиб, юзи бадқовоқ, зерикарли қиёфа касб этмоқда. Гарри Сириус билан бафуржа гаплашиб олиш, атайин жаҳлини чиқарган Снегнинг сўзларига эътибор қаратмаслик, уни ҳеч ким қўрқоқ деб билмаслигини ишонтириб айтмоқчи бўлди-ю, иккаласининг ўртасида мистер Уэслининг ҳолидан хабар олгани келган Мундугнус ва Ўйноқкўз ўтирибди. Умуман айтганда, Гаррининг имкони бўлган тақдирда ҳам, журъат эта олмаган бўлар эди. Негаки, Сириуснинг қиёфаси жуда важоҳатли кўринмоқда. Бунинг ўрнига Гарри Рон билан Гермионага Снегдан оладиган окклуменция дарслари ҳақида пичирлаб айтиб берди.

- Дамблдор Вольдеморт ҳақидаги тушларинг барҳам топишини истаган, - фаҳмлади Гермиона, - Бундай тушлардан қутулсанг, пушаймон қилмайсан, тўғрими?

- Снег билан ўтадиган қўшимча машғулотлар воситасида-я?! - даҳшат-ла пичирлади Рон, - Э, ундан кўра киши алаҳсираб ўлиб кетгани яхши!

Болалар «Хогварц»га «Тунги рицарь» автобусида, Бомс билан Люпин ҳамроҳлигида қайтишлари режалаштирилган. Эрталаб Гарри, Рон ва Гермиона ошхонага кириб келишганда, иккаласи нонушта қилиб ўтиришган экан. Эшикни очган Гарри катталарнинг қизғин баҳсини бўлиб қўйди. Иккаласи эшикка баравар юзланди-да, жим бўлиб қолди.

Ҳамма апил-тапил овқатланиб, иссиқ кийим кийиб, шарф ўради. Кўча совуқ, осмонни булут қоплаган. Сириус билан хайрлашишни истамаган, кўнгли аллақандай хавфни олдиндан сезаётган, у билан яна дийдор кўришиш насиб қилиш-қилмаслигига шубҳа қилаётган Гаррининг юраги сиқилмоқда. Чўқинтирган отасига нимадир дейиш, кети ўйланмаган аҳмоқона ишга қўл урмасликни тайинлашни истамоқда. Қўрқоқликда айблангани чўқинтирган отасининг иззат-нафсига ниҳоятда қаттиқ таъсир қилгани, бирон-бир баҳонани рўқач қилиб, ташқарига чиқишни ният қилгани яққол кўриниб турибди. Гапни нимадан бошлашни билмай юрган Гаррини Сириуснинг ўзи бир четга имо қилди.

- Ма, мана буни ол, - пичирлади у, Гаррининг қўлига ўлчами рисоладек келадиган ўрамни тутқазиб.

- Нима бу? - сўради Гарри.

- Буми? Агар Снег сени хўрлайдиган бўлса, мени хабардор қилиш усули. Йўқ, бу ерда очма! - деди Сириус, эгизакларни бошмалдоқли қўлқоп тақишга ундаётган миссис Уэсли томон хавфсираб қараб, - Молли бу усулни маъқул деб топмаслиги аниқ... Аммо керак бўлиб қолсам, мана шу усулдан фойдалан, хўпми?

- Хўп.

Снег нима ҳунар кўрсатмасин, Сириус ўзининг хавфсиз жойини ташлаб чиқишини истамаган Гарри, ушбу буюмдан ҳеч қачон фойдаланмасликни ният қилганча, ўрамани куртқасининг ички

чўнтагига солиб қўйди.

- Ундай бўлса, кетдик, - деди Сириус, маъюс табассум-ла, Гаррининг елкасини қисиб.

Барча тамбалари-ю, лўкидонлари ёпиб қўйилган, ҳамма тўпланиб турган чиқиш эшиги ёнига тез келиб қолишгани боис, Гарри чўқинтирган отасига бирон нима дейишга боз улгурмай қолди.

- Хайр, Гарри, омон бўл, - қучиб олди миссис Уэсли.

- Кўришгунча, Гарри! - деди мистер Уэсли, Гарри билан самимий қўл сиқишиб, - Илонлардан бохабар бўлиб юр, хўпми! Сенсиз нима ҳам қила олардим?

- Ҳа... албатта, - паришонхотирлик-ла, жавоб қайтарди Гарри.

Сириусдан бемуроҳаза иш кўрмасликни илтимос қилиш учун бу сўнгги имкон. Гарри ўгирилиб, чўқинтирган отасининг юзига қараганча, энди оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, Сириус уни бир қўли билан қучиб олиб, хириллаган овози билан тайинлади:

- Эҳтиёт бўл, Гарри.

Кейинги фурсатда Гаррини муздай ҳавога чиқариб қўйишди. Бугун новча бўйли, эгнига твид кийган, сочи пўлат тусли аёл қиёфасини касб этган Бомс Гаррининг белидан туртмоқда.

- Тезроқ бўл, лаллайма.

12- уйнинг кириш эшиги ёпилди. Ҳамма Люпин кетидан эргашиб, уйдан чиқаверишдаги соябонли пиллапоядан пастга тушди. Тош кўчага чиқиб қолган Гарри ортга ўгирилди. Сириуснинг данғиллама уйи ҳавода йўқ бўлмоқда. Қўшни бинолар кенгайиб, ҳосил бўлган бўшлиқни тўлдирди. Хаёл ўтмай, 12- уй кўздан ғойиб бўлди.

- Бўлинглар, бўлинглар. Автобусга қанча тез ўтирсак, шунча яхши, - асабийлашди Бомс, майдонни кўздан кечириб. Люпин ўнг қўлини ёнга узатди.

ҒИЙҚ.

Ҳавода уч қаватли бинафша ранг, нарига сакраб тушишга базўр улгурган электр фонус осилган сим ёғочни уриб юборишига бир баҳя қолган баҳайбат автобус пайдо бўлди. Машинанинг шамол тўсадиган ойнаси устига тилла ҳарфлар билан «Тунги рицарь» сўзлари битилган. Автобус ичидан кўза дастасини эсга соладиган йирик қулоғи шалпайган, юзини бўжама қоплаган чиптачи тош йўлга сакраб чиқиб, бидиллай кетди:

- «Тунги рицарь», яъни мушкул аҳволга тушиб қолган сеҳргар-у, афсунгарларни қутқариш учун мўлжалланган файтонга хуш...

- Ҳа, ҳа, биламиз, - гапни бўлди Бомс, - Хўш, тезроқ, чиқинг, тезроқ...

Нимфадора Гаррини автобуснинг эшиги томон туртди.

- Ажабо! Ахир бу Арри-ку! - бақирди чиптачи ҳайратдан кўзи катта очилиб.

- Бундай ўкирадиган бўлсанг, тилингни суғуриб оламан, - таҳдидли оҳанг-ла ваъда қилди Бомс, Жинна билан Германиони автобус ичига туртиб киритиб.

- Мана шу аравада юришни бир умр орзу қилган эдим, - деди Гаррининг ёнига келган Рон, атрофга бахтиёр қараб.

Ўтган сафар Гарри «Тунги рицарь» автобусида чиндан ҳам кечаси йўл юргани учун бўлса керак, учала қаватда ҳам мис каравотлар ўрнатилган эди. Ҳозир эса тонг сахар. Автобус ойналари ёнига ранги ҳар хил курсилар тартибсиз териб чиқилган. Уларнинг бир қисми, машина Пинҳонийлик майдонида кескин тўхтагани боис, полда ағанаб ётибди. Бир неча йўловчи вайсаганча, полдан туришмоқда. Салоннинг бу бошидан нариги бошига судралиб кетган раззоқ халта қурбақа увулдириғи, суварак ва дамлама крем аралашмасидан иборат жуда хунук из қолдирибди.

- Ҳар хил жойда ўтиришимизга тўғри келади шекилли, - деди Бомс, атрофга назар солганча, бўш жой қидириб, - Фред, Жорж, Жинна анави ерга, орқа томонга ўтинг... сиз билан Рэм қолади.

Гарри, Рон ва Германиа Бомснинг кетидан юқори қаватга чиқишди. У ерда салоннинг бошида иккита, охирида иккита бўш жой топилди. Стэн Қўриқчи Гарри билан Ронни автобуснинг охирига қадар завқ-ла қузатиб борди. Йўловчилар худди магнитланган каби, бошларини Гаррининг

кетидан буриб боришди. Гарри жойига ўтириши билан, командага биноан бажаришган каби, олдига қарашди.

Рон билан Гарри Стэнга ўн бир склатдан тўлашгач, автобус бир томондан иккинчи томонга мудҳиш тебранганча, ҳаракат бошлади. Машина Пинҳонийлик майдонини дам пиёдалар йўлагига тушиб, дам катта йўлга чиқиб, айланиб ўтди-да қулоқни қоматга келтирганча «БИ-БИП»лаган товуш чиқарди. Рон курсиси билан бирга ағанаб тушди. Тиззасида турган қафасдан аллақандай тарзда отилиб чиққан Чўчринстель ақлдан озиб қолгандай чириллаб, олд томон учганча, Гермионанинг елкасига қўниб олди. Автобуснинг шамдонини маҳкам ушлаб қолишга улгургани боис, ағанамай, ўрнида қолган Гарри ташқарига қаради. Улар, аллақандай катта автомобиль йўлида ўқдай учиб кетишмоқда.

- Ҳозиргина Бирмингемдан йўлга чиқдик, - қувонч-ла, маълум қилди Стэн Қўриқчи, Гаррининг берилмаган саволига жавоб қайтарган бўлиб, - Демак, ишларинг жойида, Арри, шундайми? Ёз бўйи газетада сен ҳақингда ўқиб бордим. Фақат матбуот саҳифаларида нуқул бўлмағур гаплар ёзилди. Мен эса Эрнга, бўлиши мумкин эмас, иккаламиз уни ўз кўзимиз билан кўрганмиз-ку, бола у қадар савдойи эмас, деб келдим, тўғрими, Эрн? (*Бирмингем (инг. Birmingham) – Англиядаги «сити» мавқеи берилиб, алоҳида ҳудуд сифатида ажратилган шаҳар. Ушбу шаҳар Уэст-Мидленс минтақасининг маркази бўлиб, аҳоли сони бўйича Лондондан кейинги иккинчи шаҳар саналади*).

Гарридан кўзини узмай, Рон иккаласига чипта узатган Стэнга афтидан, киши ҳақида газета саҳифаларида ёзишар экан, бундай машҳур одам аслида савдойи-ми, йўқ-ми, мутлақо фарқсиздай кўринди.

«Тунги рицарь» ерга етар даражада оғиб олиб, йўл ҳаракати қоидасини бузганча, автомобиллар силсиласини қувиб ўтди. Даҳшатга тушган Гермиона иккала қўли билан юзини бекитиб олган. Қарор топган вазиятдан мамнун Чўчринстель эса Гермионанинг елкасида тебраниб бормоқда. ҒИЙҚ.

Курсилар боз орқага сурилиб кетди. «Тунги рицарь» автобуси Бирмингем катта автомобиль йўлидан сокин, ниҳоятда қинғир-қийшиқ қишлоқ йўлига сакраб ўтганча, ажал қувгандай елиб кетди. Йўлнинг иккала четида ўсган дарахт ва буталар базўр сакраб, ўзини четга олишга улгурмоқда. Автобус ҳар сафар қаттиқ ғийқиллаб тўхтамоқда. Дастлаб у, аллақандай шаҳарчанинг гавжум кўчасига сакраб ўтди, сўнг, баланд тоғлар бағрида тешиб очилган кўприк бўйлаб юрди, кейин кўп қаватли бинолар қад кўтарган шаҳарнинг шамол эсаётган кўчаларида ўқдай учиб кетди. - Йўқ, Гарри, ниятимдан қайтдим, - вайсади Рон, полдан олтинчи маротаба туриб, - Бу аравага энди ҳаётда чиқмайман.

- Эшитяпсиз-ми, «Огварц»га етишга оз қолди, - бардам овоз-ла маълум қилди, ўрта йўлак бўйлаб юриб, болалар ёнига яқинлашган Стэн, - Сизларни биринчи бўлиб манзилга етказишимиз учун олдинда ўтирган хоним бизга бироз чойчақа берди. Бироқ бари-бир дастлаб Марш хонимни етказишга тўғри келади. Негадир у ўзини ёмон ҳис этмоқда.

Пастда кимнингдир қайт қилаётгани эшитилди.

Икки дақиқа ўтар-ўтмас, «Тунги рицарь», тўқнаш келмаслик учун ён деворларини анча ичкарига тортиб олишга мажбур бўлган кичик паб ёнида ғирчиллаганча, тўхтади. Стэн бахти қора Марш хонимни автобусдан чиқаргани, ушбу хоним билан бирга йўл юрган иккинчи қаватдаги йўловчилар анча енгил тортиб, оҳ уришгани эшитилди. Автобус тезликни тобора ошириб борган тарзда, йўлни давом эттирди ва...

ҒИЙҚ.

Автобус қор қоплаган Хогсмёд қишлоғига ўтди. Узоқда, ён кўчада жойлашган «Ахта чўчка калласи» кўринди. Кираверишига осиб қўйилган тўнғизнинг чопилган боши тасвирланган эски тахта изғирин шамолда ғичирлаб тебранмоқда. Ниҳоят «Тунги рицарь» «Хогварц» дарвозаси ёнида тўхтади.



Люпин билан Бомс болаларга юк туширишга ёрдамлашиб, хайрлашгани тушишди. Гарри юқорига қараб, йўловчиларнинг ҳаммаси бурунларини ойнага ёпиштириб олишганча, кузатиб туришганини кўрди.

- Мактаб ҳудудида хавфсизлигиниз таъминланган, - деди Бомс, кимсасиз кўчага назар ташлаб, - Хўп майли, аъло баҳоларга ўқинг!

- Омон бўлинг, - тилак билдирди ҳамма билан қўл сиқишиб чиққан Люпин, Гаррига охири бўлиб қўл узатиб, - Ҳа... айтгандай, - овозини пасайтирди у, қолган болалар Бомс билан хайрлашаётган фурсатдан фойдаланиб, - Гарри, биламан, Снегни ёқтирмайсан. Бироқ у жуда маҳоратли оккluentор саналади. Биз ўзингни ўзинг ҳимоя қила олишингни жуда истаймиз. Шундай экан, жиддий шуғуллан, хўпми?

- Яхши, - маънос жавоб қайтарди Гарри, Люпиннинг барвақт ажин босган юзига қараб қўйиб, - Хўп, хайр бўлмаса.

Олтовлон, силлиқ йўлда сирпаниб юрганча, сандиқларини қаср томон тортиб кетди. Гермiona, уйқуга ётишдан олдин эльфлар учун дўппича тўқиш ҳақида овоз чиқарган тарзда орзу қилиб борди. Эман дарвозага етгач, Гарри ортга қаради. «Тунги рицарь» ғойиб бўлган. Эртага оқшом маҳалида уни нима кутаётганини эсга олиб, автобус билан бирга ғойиб бўлмаганига ачинди.

\*\*\*

Эртасига, деярли бутун кун давомида, Гарри, оқшом маҳалини маънос кутиб юрди. Сеҳрли дамламалар тайёрлашнинг қўш соатли дарси боланинг вужудини қамраб олган қўрқувни нари қувмади, зеро, Снег, одатдагидай, табиий жирканчилигини сақлаб қолган. Бундан ташқари, Гаррининг ёнига ДА жамияти аъзолари бирма-бир келиб, бугун оқшом машғулот ўтиш-ўтмаслигини умид-ла, сўраб кетишмоқда. Уларга бераётган рад жавоби эса кайфиятни ҳеч ҳам кўтараётгани йўқ.

- Навбатдаги машғулот қачон ўтказилишини ўзим, одатдаги усулимиз орқали маълум қиламан, - деди у, ҳар бир жамоа аъзосига, - Бугун бўлмаслиги аниқ. Мен... э-м-м-м... сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанидан қўшимча машғулотга боришим керак.

- Сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани бўйича қўшимча машғулот? - ҳайрон бўлиб, истеҳзоли пишқирди, Гаррини тушлиқдан сўнг, вестибюлда учратган Заккерайес Смит, - Афтидан, ҳаддан ортиқ нўноқ бўлсанг керак-да, а? Ахир Снег ҳеч кимга қўшимча дарс бермайди-ку?!

Смит масхара қилгандай, сохта шахдам қадам ташлаганча, нари кетди.

- Яхшилаб қўйиб юборай-ми? - деди жаҳли чиққан Рон, таёқчасини чиқарганча, Смитнинг иккала кураги орасидаги умуртқа поғонасини нишонга олиб, - Шу ерда туриб етказа оламан ҳали.

- Тупурсанг-чи, ўша тентакка, - бахтсиз оҳанг-ла, жавоб берди Гарри, - Снег билан ўтадиган машғулотларим ҳақида эшитганлар бари-бир мени тенги йўқ нотавон, деб эътироф...

- Салом, Гарри, - эшитилди орқа томондан майин овоз.

Гарри ўгирилиб, Чуни кўрди.

- О, - дея олди у, қорин соҳасида ҳар доимгидек, нимадир тугилиб қолиб, - Салом.

- Гарри, биз кутубхонада бўламиз, - қатъий оҳангда маълум қилди Гермiona, Ронни тирсагидан тутганча, мрамор зинапоя томон тортиб кетиб.

- Рождествони яхши ўтказдинг-ми? - сўради Чу.

- Ёмон эмас, - жавоб берди Гарри.

- Мен эса ортиқча шов-шувсиз нишонладим, - деди Чу ва бироз ийманиб давом этди: - Эълонни кўрдинг-ми? Янаги ойда Хогсмёдга сафар уюштирилди экан.

- Нима? А. Йўқ, эълонлар тахтасига ҳали қараганим йўқ.

- Муқаддас Валентин кунига тайинланибди...

- Тушунарли, - деди Гарри, нима сабабдан Чу ушбу мавзунини очганини идрок эта олмай, - Эҳтимол

сен...

- Агар хоҳласанг, албатта, - деди қиз, йигитга умид-ла, боқиб.

Гарри бефаҳм қиёфа ила Чуга қараб қолди. Аслида у: «Эҳтимол сен ДА жамиятининг навбатдаги йиғилиши қачон ўтказилишини билмоқчидирсан?», - деган савол бермоқчи эди-ю, қизнинг гапи уни гангитиб қўйди.

- Мен... э-м-м-м... - эзилди у, талмовсираб.

- Истамасанг, ўзинг биласан, - деди юзи маъюс қиёфа касб этган Чу, - Ҳеч қиси йўқ. Хўп... ундай бўлса, учрашгунча.

Ниҳоят, Гаррининг мияси чақиб, хаёлини йиғиб олди.

- Чу! Ҳой! Чу!

Гарри қиз кетидан югуриб, мрамар зинапояннинг ўртасида етиб олди.

- Э-м-м-м... Валентин куни мен билан Хогсмёдга чиқишни хоҳлайсан-ми?

- О-о-о! Албатта! - хитоб қилди юзи тўқ қизариб, кўзи яшнаб кетган Чу.

- Яхши... ундай бўлса... келишдик, - пўнғиллади Гарри.

Кун охир-пировардида беҳуда ўтмаганлигига ишонч ҳосил қилган Гарри, тушликдан сўнги машғулотлар бошлангунга қадар Рон билан Гермионани топиш учун кутубхона томон югурди.

Кечки соат олтига келиб, Снегнинг хонаси томон босилган ҳар бир қадамда ҳис этилаётган изтироб даражасини Чу билан келишилган учрашув ҳақидаги ўй-хаёл ҳам енгиллата олмади.

Эшик рўпарасида турган Гарри ҳозир ҳар қандай бошқа жойда бўлишни афзал кўришини ўйланганча, чуқур нафас олиб, эшик тақиллатди-да, ичкарига кирди.

Хира ёритилган хона деворларига токчалар маҳкамланган бўлиб, уларга юзлаб шиша банкалар териб чиқилган. Банкаларга қўйилган ранг-баранг суюқлик ичида турли ҳайвон ва ўсимликларнинг шиллиқ бўлаклари сўзиб юрибди. Хона бурчагига дамлама тайёрлаш учун ҳар хил гиёҳ ва бошқа турдаги таркибий қисмлар сақланадиган жавон ўрнатилган. Бир вақтлар Снег Гаррини, ушбу моддалардан бири ўғирланганида асосли айблаган эди. Бироқ ҳозир хонадаги ёзув столи Гаррининг диққат-эйтиборини ўзига жалб этди. Стол устида четларига қадимий руналар битилиб, турли рамзлар билан безатилган бўм-бўш тош чиғаноқ турибди. Дамблдорнинг дамблхотирасини Гарри дарҳол таниди. Нима сабабдан чиғаноқ бу ерга келтирилган?

Хаёлга берилган Гаррини Снегнинг зулмат қаъридан янграган овози турган жойида бир сапчитиб юборди.

- Эшикни ёп, Поттер.

Гарри, худди ўзини ўзи қамаётгандай бўлиб, амрни бажо айлади-да, Снег томон юзланди. Снег қоронғиликдан чиқиб, ёзув столи ёнида турган курсига унсиз имо қилди. Гарри ўтирди. Снег ҳам ўтириб, жирканиш аломати яққол кўриниб турган, совуқ, пирпирамаган нигоҳ-ла, Гаррига ўқрайди.

- Шундай қилиб, Поттер, нима сабабдан бу ерда эканлигимиз ўзинга маълум, - гап бошлади у, - Директор сенга окклуменцияни ўргатишни мендан илтимос қилди. Ушбу фанни сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанига нисбатан дурустроқ ўзлаштира олишга қодирсан, деган умид боғлашга журъат этаман.

- Ҳа, - қисқа қилди Гарри.

- Бу, одатий дарс эмас албатта, Поттер, - давом этди Снег, кўзини дарғазаб қисиб, - Бироқ мен сенинг ўқитувчинг бўлганимча қоламан. Бинобарин, менга «сэр» ёки «профессор» деб мурожаат этишга мажбурсан.

- Тушундим... сэр, - деди Гарри.

Снег Гаррига, яна муайян вақт, кўзини қисиб олганча қараб турди-да, давом этди.

- Ишга киришамиз. Демак, окклуменция. Қадрдон ўгай отангнинг уйида айтганимдай, бу соҳа, сеҳр-жодунинг киши онгини ташқи таъсирдан муҳофаза қилиш ва унга ташқаридан сингиб

киришга йўл қўймаслик усулларини ўрганиш соҳасидир.

- Нега Дамблдор, ушбу соҳани ўзлаштиришим кераклиги юзасидан қарор қилди, сэр?

Гарри ўқитувчининг кўзига тик қараб, жавоб олишига шубҳа қилди.

Снегг ҳам, кўзини Гарридан узмай, бироз сукут сақлаб турди-да, жирканч оҳангда жавоб қайтарди.

- Бунинг фаҳмига, ҳатто сен, Поттер, етишинг керак эди. Ёвуз Лорд легалименция устаси саналади...

- У нима дегани? Сэр?

- Бировнинг онгидаги фикр-мулоҳаза ва хотирани ажратиб олиш маҳорати...

- Демак, у, бировнинг фикрини ўқий олади, шундайми? - гапни бўлди Гарри, кўрқинчли ўйлари тасдиқ топаётганидан хавотирланиб.

- Ниҳоятда гўлсан-да, Поттер, - деди кўзи ярқираб кетган Снегг, - Табиатингда зийраклик, деган нарсадан асар ҳам йўқ. Айнан мана шу камчилигинг, қолган бисёр нуқсонларинг билан ўйғунлашган тарзда, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанини пухта ўзлаштиришингга тўсқинлик қилади.

Снегг, афтидан, Гаррини ерга уриш имконидан ҳузур қилди, шекилли, бироз жим қолди-да, боз давом этди.

- «Бировнинг фикрини ўқиш» – магларга хос ва фақат улар қўллайдиган тушунчадир. Инсон онги – ишдан бўш вақтда очиб, варақлаб ўтириладиган китоб эмас. Фикр эса мия деворларига битилган ва тўғри келган киши ўқий оладиган ёзув эмас. Онг, Поттер, ниҳоятда мураккаб, кўплаб қатламлардан ташкил топган тузилмадир. Ҳаммада ҳам эмас албатта, лекин аксарият одамларда, - алоҳида оҳанг-ла таъкидлаб, иржайди у, - Бироқ легалименция санъатини ўзлаштирган шахслар, муайян шарт-шароит юзага келган ҳолатда, ўз қурбонининг онгига сингиб кириб, шифрини очишга қодир бўладилар. Чунончи, Ёвуз Лорд кишининг ёлғони билан ҳақиқатини доимо фарқлай билади. Лекин, окклуменция усталари ёлғонни фош этиш имконини берадиган ҳиссиёт ва хотираларини муҳосара эта билиб, фош этилишидан ҳадиксирамаган тарзда, унга бемалол ёлғон гапира олишади.

Снегг батафсил тушунтириш берганига қарамай, Гарри, легалименцияни – бировнинг фикрини ўқишдан бошқа нарса эмас деб эътироф этганча қолди ва бундай жараён юзага келиши мумкинлиги, унга мутлақо ёқмади.

- Яъни айни дамда нима ҳақида гаплашиб ўтирганимиздан у бохабар бўлиши мумкин, шундайми, сэр?

- Ёвуз Лорд етарлича олис масофада, «Хогварц» қасри-ю, ҳудуди эса бу ерда истиқомат қилаётган одамларнинг жисмоний ва ақлий дахлсизлигини таъминлайдиган кўплаб қадимий тилсимлар воситасида муҳофаза қилинган, - жавоб берди Снегг, - Сеҳр-жоду соҳасида, Поттер, вақт ва макон катта аҳамият касб этади. Жумладан, легалименция масаласида, кишини бевосита кўриб, кўзига қараб туриш – жиддий ўрин тутаети.

- Ундай бўлса, окклуменцияни ўзлаштиришимдан маъни нима?

Снегг узун, ингичка бармоғини лаби устида юритганча, Гаррига бошдан-оёқ ғалати назар солиб чиқди.

- Гап шундаки, Поттер, оддий қоидалар, афтидан, сени четлаб ўтадиган кўринади. Ҳар қандай жонзодни ўлдириши муқаррар саналган қарғиш сени ўлдирмай, Ёвуз Лорд билан иккалангиз ўртасида аллақандай боғлиқлик яратди. Шу боис, вақти-вақти билан миянг бўшашиб, ҳимоясиз қолган фурсатда, айтайлик, ухлаб ётганинда, Ёвуз Лорднинг фикр-мулоҳазаларини идрок этиб, ҳиссиётларини ҳис этишга қодир бўлиб қолгансан. Директорнинг фикрича, бундай ҳолатга чек қўйиш лозим. Шунинг учун ўз онгингни Ёвуз Лорддан муҳосара қилишни сенга ўргатишим борасида тилак билдирди.

Гаррининг юрак уриши тезлашди. Тушунтиришлар уни қаноатлантирмади.

- Нега энди чек қўйиш керак? - кескин оҳангда сўради Гарри, - Ўзимга ёқмайди, албатта, бироқ бундай ҳолат асқатмоқда-ку?! Масалан, ўша илонни... кўрганимни олайлик. Агар уни кўрмаганимда, профессор Дамблдор мистер Уэслини қутқара олмаган бўлар эди! Шундай эмасми, сэр?

Снегг бармоғини лаби устида юритишни қўймай, Гаррига ўйчан қараб қолди. Сўнг, ҳар бир сўзини ўйлаб, аста-секин, бир маромда жавоб қайтарди.

- Фикримизча, Ёвуз Лорд яқин ўтган вақтга қадар ўрталарингда аллақандай боғлиқлик мавжудлигидан беҳабар бўлган. Сен эса унинг ҳиссиётларини ҳис этиб, фикр-мулоҳазаларидан боҳабар бўлиб юргансан. Табиийки, Ёвуз Лорд бунга билмаган. Бироқ Рождество арафасида намоён бўлган Кўриш қобилиятинг...

- Илон билан мистер Уэслини кўрганим-ми?

- Гапни бўлма, Поттер, - таҳдид оҳангида вишиллади Снегг, - Юқорида айтганимдай, Рождество арафасида намоён бўлган Кўриш қобилиятинг Ёвуз Лорд онгига шу қадар чуқур кириб борганингни кўрсатди-ки...

- Мен ҳатто, бўлиб ўтган ҳодисани, унинг кўзи билан эмас илонининг кўзи ила кўра билдим!

- Гапни бўлмамай ўтиришни амр этдим сенга, а?

Снеггнинг жаҳли чиқадими, йўқми, энди Гаррига фарқи қолмади. Гап маъносини, у, аста-секин идрок эта бошлади. Ўтирган курсисида олдинга сурилиб, энг четига келиб қолди ва шу қарар зўриқиб ўтирибдики, ҳар қандай фурсатда оёққа қалқиб туриб, хонадан чиқиб кетишга тайёр.

- Агар мен Вольдемортнинг онгига сингиб кира олган бўлсам, нега ҳодисани илон кўзи ила кўрдим?

- Ёвуз Лорд исмини талаффуз этма! - дарғазаб ўкириб юборди Снегг.

Орага сукунат чўқди. Иккаласи стол устидаги дамблхотира чиғаноғи узра бир-бирига еб қўйгудай ўқрайиб ўтирибди.

- Профессор Дамблдор, ушбу исми талаффуз этади, - хотиржам таъкидлаб қўйди Гарри.

- Дамблдор – ғайриоддий қудратга эга сеҳргар, - ғудуллади Снегг, - Исми талаффуз этиш, унга эҳтимол хавфсиз кечар... бошқалар учун... ундай эмас...

Снегг нима қилаётганини идрок этмаган ҳолда чап қўлидаги, Гаррининг тахминича, Ажал белгиси куйдириб босилган жойни ишқалаб қўйди.

- Мен бир нарсани билишни истайман, - боз гап бошлади Гарри, ўзини мулойим оҳангда гапиришга мажбур қилиб, - Нима учун?...

- Илон онгига, унинг танасида Ёвуз Лорд бўлгани учунгина сингиб кира олгансан, - вайсақи оҳангда тушунтириш берди Снегг, - У илон ичида бўлган, демакки, сен ҳам ўша ерда бўлгансан.

- Воль... у-чи? Мен ҳам илон танасига кириб олганимни фаҳмлади-ми?

- Шунга ўхшайди, - совуқ жавоб берди Снегг.

- Сиз бунга қадар биласиз? - ўжарлик-ла, савол беришни давом этди Гарри, - Бу, шунчаки, Дамблдорнинг ақл юритиб, чиқарган хулосалари-ю, тахминларими ёки...

- Менга «сэр» деб мурожаат қил дедим сенга! - ўшқирди Снегг зўриққанидан кўзи қисилиб.

- Худди шундай, сэр, - бетоқат бош ирғиди Гарри, - Ҳар қалай, қаердан била...

- Биз биламиз, демак, шунинг ўзи етарли, - гапни чўрт кесди Снегг, - Муҳими, Ёвуз Лорд энди хабардор. Сен унинг ҳиссиётларини ҳис эта оласан, фикр-мулоҳазаларини идрок эта оласан. Лекин у ҳам, ўз навбатида, ушбу боғлиқлик ўзаро эканлигини фаҳмлаган, хусусан, ўзи ҳам, сенинг ҳиссиётларингни ҳис этиб, онгинга сингиб кира олишини...

- Ва менинг хатти-ҳаракатларимни идора қила олишини тушуниб етган, шундайми? - яна гапни бўлди Гарри, - Сэр? - тез қўшиб қўйди у.

- Тушуниб етган, - лоқайд оҳангда тасдиқлади Снегг, - Бу эса ўз навбатида, суҳбатимиз бошига, яъни окклуменцияга қайтаради бизни.

Снегг коржомасининг ички киссасидан сеҳрли таёқчасини чиқарди. Гарри бироз ҳушёр тортди-ю, Снегг таёқчасини ўзининг чаккасига яқин келтириб, ёғли сочи орасига киритганини кўриб, тинчланди. Снегг таёқчани чаккасидан нари олиб, бошининг ичидан кенг, шаффоф тасма, жуда ғалати, газга ҳам, суюкликка ҳам, ўхшамайдиган субстанция чиқарди-да, таёқчани силтаб қўйди. Тасма таёқчадан ажраб, дамблхотира чиғаноғига тушди-да, туман булутчасига ўхшаб қолди. Снегг таёқчасини яна икки маротаба чаккасига яқин келтириб, ҳаракатини такрорлади. Кумуш тусли моддани тош чиғаноқ ичига жойлаб бўлгач, дамблхотирани токчага олиб қўйди-да, қилган ишига изоҳ бермай, таёқчани шай ҳолатда тутганча, Гаррига юзланди.

- Ўрнингдан туриб, таёқчангни қўлингга ол, Поттер.

Асабийлаша бошлаган Гарри ўрnidан турди. Икковлон столнинг икки томонида бир-бирига юзма-юз туриб олди.

- Қарғиш воситасида мени қуролсизлантиришинг ёки ҳар қандай бошқа усул қўллаб, ўзингни ҳимоя қилишинг мумкин, - йўриқ берди Снегг.

- Сиз нима қиласиз? - сўради Гарри, Снеггнинг таёқчасига ҳадиксираганча, қараб.

- Онгингга сингиб киришга ҳаракат қиламан, - деди Снегг, силлиққина оҳангда, - Кўрамиз, қандай қаршилик кўрсата олар экансан. Айтишларига қараганда, Қарам қилиш қарғишига яхшигина қаршилик кўрсата олган эмишсан. Сенга ҳозир тахминан ўша кўникмалар керак бўлади. Хўш, ҳозирлан. Легалименс!

Снегг йўллаган қарғиш яшини келиб урилган фурсатда Гарри ҳозирлик кўришга ҳам, хаёлини йиғиб олишга ҳам улгурмай қолди. Хона хиралашиб, бор нарса йўқолди. Кўз ўнгидан, худди фильм парчалари каби, бир-бирига дахли бўлмаган, лекин ёрқин қиёфалар ўта бошлади. Қиёфалар шу қадар ёрқинки, қолгани хира кўринмоқда.

Мана у, яна беш ёшли болага айланиб қолиб, янгигина қизил велосипед миниб юрган Дудлини томоша қилиб турибди. Юраги ҳасаддан ёрилиб кетишига оз қолган... Энди тўққиз ёшли ўспирин. Бульдог Рваклер, уни қувиб, дарахт устига чиқиб олишга мажбур қилган... Пастда, майсазорда ўтирган Дурсллар, кулавериб, қоринларини ушлаб олишган... Ана энди у, Сараловчи шляпани кийиб ўтирибди. Шляпа унинг қулоғига: ««Слизерин» сени шўҳрат чўққисига олиб чиқади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ», - демоқда... Гермиона касалхонада ётибди. Унинг юзини мушук юнги қоплаган... Сон-саноксиз дементорлар қора кўлнинг иккала томонидан бостириб келмоқда... Чу Чэнг, омела остида, жуда, жуда яқин турибди...

Чуни эслаши билан Гаррининг миясида кимнингдир овози эшитилди: «Йўқ, сени бу ерга киритмайман. Бу фақат менга тегишли»...

Гаррининг тиззаси қаттиқ оғриди. Хона жиҳозлари боз кўрина бошланди. Ёзув столининг оёғига тиззаси билан қаттиқ урилганча, полга қулаб тушганини идрок этди. Гарри нигоҳини ўқитувчига кўтарди. Таёқчасини туширган Снегг куйган билагини ишқалаб турибди.

- Атайин қўлладинг-ми, Куйдириш суқисини? - пинагини бузмай қизиқди Снегг.

- Йўқ, - ачинмай жавоб берди Гарри, полдан туриб.

- Ўзим ҳам, шундай деб ўйлаган эдим, - деди диққат билан разм солиб турган Снегг, - Ҳаддан ортиқ ичкарига киритдинг мени. Назоратни қўлдан бериб қўйдинг.

- Мен кўрган нарсаларни сиз ҳам кўрдингиз-ми? - сўради Гарри, жавобини эшитишни чиндан ҳам исташига шубҳа қилиб.

- Баъзи лавҳаларни, - кулиб қўйди Снегг, - Кимнинг ити эди у?

- Маржори аммамники, - ғудуллади Гарри, Снеггдан янада баттар нафратланиб.

- Хўп, майли. Биринчи синов учун ёмон бўлмади, - таёқчасини боз кўтарди Снегг, - Ҳар қалай, мени тўхтата олдинг, гарчи мутлақо бефойда қичқириқларга кўп вақт ва куч сарф этган бўлсанг-да. Сен хотиржам бўлишинг, фикр-хаёлларингни йиғиб олишинг керак. Онгинг мени инкор этсин. Шунда, сеҳрли таёқча ҳам керак бўлмайди.

- Ҳаракат қиялман, - дарғазаб оҳангда жавоб берди Гарри, - Бироқ йўлини ўргатмаяпсиз-ку!  
- Одоб сақла, Поттер, одоб сақла, - деди Снегг таҳдидли оҳангда, - Кўзингни юм.  
Ушбу кўрсатмани бажаришдан олдин Гарри ҳадиксираганча, ўқитувчига дарғазаб қараб қўйди.  
Сеҳрли таёқча билан қуролланган Снеггнинг рўпарасида юмуқ кўз билан туриш?! Истиқболни қаранг-а!...

- Ҳеч нарса йўлама, Поттер, - амр қилди совуқ овоз, - Жамики ҳис-туйғуларингдан халос бўл...  
Бироқ қон томирларида заҳар каби жўш уриб оқаётган нафратдан қандай қилиб халос бўлиш мумкин? Ундан кўра оёқни узиб ташлаш осон кечса керак...

- Итоат қилмаяпсан, Поттер... Интизомлироқ бўл... Фикр-хаёлингни йиғиб ол.  
Гарри ўзини бўш қўйиш, ҳеч нарса йўламаслик, ҳис этмасликка уриниб кўрди.  
- Яна бир бор такрорлаймиз... учгача санайман... бир... икки... уч! Легалименс!  
Баҳайбат қора аждар орқа оёқларига тик туриб олди... Ота-онаси... Кўнгилдаги орзулар кўзгусидаги акслари қўл силтамоқда... Седрик Диггори, ерда чўзилиб ётибди. Нигоҳсиз кўзини Гаррига қаратиб олган...

- Йў-ўқ!

Гарри боз тиззасида, юзига кафтини босиб ўтирибди. Боши, аниқроқ айтиладиган бўлса, мияси, худди биров бош суюги ичидан суғуриб олмоқчи бўлгандай, оғрияпти.

- Тур ўрнингдан! - қичқирди Снегг, - Тур! Қаршилиқ кўрсатишга ҳаракат ҳам қилмаяпсан, дангаса. Оз бўлса ҳам, уриниб кўришга эриняпсан! Ўзингни қўрқувга соладиган хотираларингга киритиб юбординг ва бу билан мени янада кучли қуроллангирдинг!

Гарри ўрnidан турди. Юраги шундай урмоқдаки, худди чиндан ҳам, Седрик ётган қабристондан ҳозиргина қайтиб келгандай. Снегг камдан-кам ҳолларда бу қадар дарғазаб, рангпар бўлиб қолади. Лекин Гаррининг жаҳли Снеггнинг жаҳлидан баттар қайнамоқда.

- Ҳаракат қиялман! - тиш орасидан вишиллади у.  
- Ҳар қандай ҳис-туйғудан халос бўлишни буюрдим сенга!  
- Шунақами? Сиз ўйлаганча осон кечмайди бу иш, - ўшқирди Гарри.  
- Ундай бўлса, Ёвуз Лорд учун ниҳоятда осон ўлжага айланасан! - ғазаб-ла бақирди Снегг, - Таъсирчан, ўз ҳис-туйғуларини идора эта олмайдиган, маъюс хотиралар оғушида сузганча яшаб, турли-туман фитналарга осонликча лаққа тушадиган аҳмоқлар, бошқача айтганда, заифлар, Ёвуз Лордга қарши ҳеч нима қила олмайдилар! Онгингга сингиб кирганини сезмай ҳам қоласан, Поттер!

- Мен заиф эмасман, - базўр эшиттириб эътироз билдирди Гарри.  
Қутуриб кетган бола ҳар қандай фурсатда Снеггнинг бўғзидан олишга тайёр турибди.

- Иботла! Ўзингни қўлга ол! - тупуриб юборгандай гапирди Снегг, - Нафратингни идора қил, фикр-хаёлингни назорат қил! Яна бир бор уриниб кўрамиз! Тайёرمىсан? Легалименс!  
Вернон амаки уй эшигининг почта туйнугини михлаб, ёпмоқда... Гарри билан мистер Уэсли деразасиз йўлак бўйлаб югуриб кетишмоқда... узоқда қора эшик кўринди... яқин қолди... яқин қолди... ҳозир кириб боришади... лекин мистер Уэсли уни чапга, зинапоя томон етаклади... пастга, пастга...

- ТУШУНДИМ! ТУШУНДИМ!

Яна полда эмаклар юрибди. Чандиғи ачишиб оғриётганига қарамай, овозида музаффарият оҳанги янграган Гарри ирғиб оёққа турди. Таёқчасининг учини пастга қаратган Снегг болага диққат билан разм солиб турибди. Афтидан, Гарри қаршилиқ кўрсатишга улгурмай, ўқитувчи ўз қарғишининг таъсирини тўхтатган кўринади.

- Нима гап, Поттер? - сўради, Гарридан кўзини узмаган Снегг.  
- Бир нарса кўриб, бошқа нарса ёдимга тушди, - деди Гарри ҳансираб, - Ҳозиргина тушуниб етдим...

- Нимани? - кескин сўради Снегг.

Гарри жавоб беришга ошиқмади. Ўз кашфидан ҳузур қилганча, бир пас чандиқ уқалаб турди. Кўп ойлاردан буён унинг тушига деразасиз, қулфланган биттагина эшикка эга аллақандай йўлак киради, бироқ ушбу йўлак ҳақиқатан ҳам ҳаётда бор-йўқлигини билмайди. Ана энди, хотирасига қайтар экан, бу ўша, ўн иккинчи август куни, иши интизомий жиҳатдан кўриладиган суд мажлисига кечикиб, мистер Уэсли билан бирга югурган, Сирли сеҳр бўлимига олиб борадиган йўлак эканлигини тўсатдан идрок этиб қолди. Илон эса мистер Уэслига, айна мана шу йўлакда, Рождество арафасида ҳамла қилган.

- Сирли сеҳр бўлимига нима бекитилган?

- Нима дединг? - аста сўради Снегг.

Гарри ўқитувчининг саросимага тушиб қолганига мамнуният-ла, эътибор қаратди.

- Сирли сеҳр бўлимига нима бекитиб қўйилганини сўрадим, сэр, - такрорлади Гарри.

- Сенга нимаси қизиқ?

- Қизиқ томони шундаки, - жавоб берди Гарри, ўқитувчининг юзида рўй бераётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб, - Ҳозиргина менга кўринган йўлак, анча вақтдан буён тушимга киради. Энди эса ушбу йўлак Сирли сеҳр бўлимига олиб боришини тушуниб етдим... ва назаримда, у ерда сақланаётган нарса Вольдемортга жуда керак...

- Сенга айтдим-ку, Ёвуз Лорднинг исмини талаффуз этма, деб.

Икковлон бир-бирига нафрат-ла қараб қолди. Гарри чандиғига кучли оғриқ кирганига эътибор қаратмади. Ҳаяжонланиб кетганлиги сезилиб турган Снег сукут сақлаб турди-да, бироздан сўнг тилга кирди. У овозига одатий, бир маромда эшитиладиган лоқайд оҳанг беришга ўринаётгани яққол сезилиб турибди.

- Сирли сеҳр бўлимида, Поттер, кўп нарса бор. Уларни сен мутлақо тушунмайсан ва умуман айтганда, сенга ҳеч қандай дахли ҳам йўқ. Тушунтира олдимми?

- Ҳа, - деди Гарри, тобора кучли оғриб бораётган чандиғини уқалаб.

- Машғулотни чоршанба куни, тайинланган вақтда давом эттираман.

- Тушундим, - деди, Рон билан Гермионани тезроқ қидириб топишни истаган Гарри.

- Ҳар оқшом, онгингни ҳар қандай фикр-хаёллар-у, ҳиссиётлардан халос этиб олишинг лозим.

Мутлақо хотиржам бўлишинг, калланг эса уйқуга ётишдан олдин, бўм-бўш қолиши даркор, уқдинг-ми?

- Ҳа, - деди, Снегнинг сўзларига умуман аҳамият бермаган Гарри.

- Эсингда бўлсин, Поттер... машқ қилмаганингдан воқиф бўлиб бораман...

- Ҳа, албатта, - пўнғиллади, юк халтасини елкасига осиб, чиқиш эшиги томон ошиққан Гарри.

Остонага етмай, елка узра ортга қараб, тескари ўгирилиб олган Снег дамблхотира чаноғидаги ўз хотираларини сеҳрли таёқча воситасида бошига қайтараётганини кўрди. Чандиғи оғриётган Гарри ортиқча сўз айтмай, хонадан чиқиб, эшикни зич ёпиб қўйди.

Рон билан Гермиона кутубхонада, Амбриж, томонидан берилган бир олам вазифа устида тер тўкиб ўтиришибди. Қўшни столлар ортида асосан бешинчи синф ўқувчилари, фонус остида, пергамент сиртига пат-қалам юритиб ўтиришибди. Витраж ойналари орқали кўринаётган осмон тез қорайиб бормоқда. Сукунатни, нодир китобларига қўл теккизишга журъат этган ўқувчиларни қирғий каби кузатиб, токчалар орасида таҳдид солиб юрган Шипс хонимнинг шиппаги чиқараётган товуш бузмоқда холос.

Ўзини ёмон ҳис этаётган Гарри, чандиғи оғриб, тана ҳарорати кўтарилганини сезиб турибди. Рон билан Гермионанинг қаршисига ўтирар экан, ўз аксини кўзгуда беҳосдан кўриб қолди. Юзининг ранги ғайриоддий оқариб, чандиғи яққол ифодаланиб қолган.

- Хўш, қалай ўтди, машғулот, - сўради Гермиона пичирлаб, - Аҳволинг яхшими? - хавотирланди у, Гаррининг аҳволига эътибор қаратиб.

- Қўйвер... ҳаммаси яхши... билмадим... - узук-юлуқ жавоб берди Гарри, навбатдаги хуруждан юзи буришиб, - Қулоқ солинг, ҳозиргина бир нарсани тушуниб етдим.

Гарри ўз кашфиётини дўстларига айтиб берди.

- Демак, - пичирлади Шипс хоним ғичирлаганча, нари ўтиб кетишини кутган Рон, - Фикрингча, Ўзинг-Биласан-Ким пайига тушган ўша қурол... Сеҳргарлик вазирлигида бекитиб сақланади, шундайми?

- Сирли сеҳр бўлимида, - пичирлаб маълум қилди Гарри, - Ўша эшикни ишим интизомий жиҳатдан муҳокама қилинадиган мажлисга кечикиб, даданг билан югуриб кетаётганимда кўрганман. Илон чаққан тунда ҳам, даданг айнан ўша эшикни қўриқлаб ўтирган эди.

- Тўппа-тўғри, - чуқур нафас чиқарди Гермiona.

- Нима тўғри? - бетоқат сўради Рон.

- Бошингни қашиб, мулоҳаза юритишга уриниб кўр, Рон... Эсингдами, Стуржис Подмор вазирликдаги аллақандай хона эшигини бузиб кирмоқчи бўлгани? Ҳеч шубҳа йўқ-ки, бу худди ўша эшик бўлган! Акс ҳолда, ҳар хил воқеалар мазмунининг тасодифан дуч келиш ҳолатлари ҳаддан ортиқ кўпайиб кетмоқда.

- Стуржисга нима керак, ўша эшикни бузиб, ахир у биз томонда-ку? - тушунмади Рон.

- Бу ёғини билмайман, - иқрор бўлди Гермiona, - Жуда ғалати ишлар бўляпти...

- Нималар сақланади ўзи, ўша Сирли сеҳр бўлимида? - сўради Гарри Рондан, - Даданг бирон нима айтиб бермаган-ми?

- Мен фақат бир нарсани биламан, - қошини чимирди Рон, - Ўша бўлимда ишлайдиганларни вазирликдагилар «Тавсифланмайдиган сеҳргарлар», деб аташади. Чунки ҳеч ким билмайди, улар нима иш қилишини... Қурол сақлаш учун жа ғалати жой.

- Ҳеч ҳам ғалати эмас, аксинча, - деди Гермiona, - Алоҳида аҳамиятга эга махфий ишланмага ўхшайди... Гарри, аҳволинг яхши эканлигига ишончинг комилми? - сўради у, иккала кафтини пешонасига босиб, астойдил уқалаётган Гарридан.

- Яхши... - жавоб берди Гарри, титраётган қўлини тушириб, - Ўзимни қандайдир ғалати ҳис этяпман... ёқмади менга, анави окклуменция деганлари.

- Онгинга кўп маротаба сингиб кирилганидан сўнг, бу табиий ҳолат бўлса керак, албатта, - ҳамдард бўлди Гермiona, - Юринг, яхшиси, умумий меҳмонхонамизга борамиз. Ўша ер нисбатан қулайроқ, ҳар қалай.

Аммо меҳмонхона одамга тўлган. Халойиқ, сўнгги ихтироларини намойиш этаётган Фред билан Жоржнинг устидан қулмоқда.

- Бош кийим! - бақирди Жорж, пушти тусли момиқ пат қадалган чўққидор шляпани кўтариб олган Фред томон ишора қилиб, - Донаси икки галлеон! Фредни кузатиб туринг!

Яшнаб турган Фред қўлидаги шляпани шартта кўтариб, бошига кийиб олди-да, муайян вақт тентакнамо қиёфа ила тек қотиб турди. Кутилмаганда, шляпа ҳам, Фреднинг боши ҳам, кўзга кўринмай қолди.

Хонадаги қизлардан бири чийиллаб юборди. Қолган томошабинлар эса хандон отди.

- Энди ечамиз! - қичқирди Жорж.

Фреднинг қўли ўз елкаси устида бир пас ҳаво чангаллаб, охири, шляпа четини топишга муваффақ бўлди, шекилли, ечиб, боз бошини пайдо қилди.

- Қизиқ, - фикр билдирди, уйга берилган вазифадан бироз чалғиган Гермiona, эгизакларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб, - Ушбу шляпалар ишининг тамойили нимага асосланган экан, а?

Кўринмаслик тилсимини қўллаш шаклларида бири эканлиги тушунарли, албатта. Бироқ...

Кўринмаслик майдонининг тилсим қўлланилган объектга нисбатан бу қадар кенгайтирилиши...

ақлан кучли қилинган иш... Лекин, таъсир кучи кўпга етмаслиги аниқ...

Ўзини ёмон ҳис этаётган Гарри индамади.



- Эртага бажараман, - ғудуллади у, эндигина чиқарган китоб-дафтарларини юк халтасига қайта жойлаб.

- Уйга берилган вазифалар кундалигига қайд этиб қўй! - дарҳол таклиф киритди Гермiona, - Ёдингдан кўтарилмаслиги учун!

Гарри билан Рон бир-бирига қараб қўйди. Гарри халтасига қўл солиб, кундаликни чиқарди-да, эҳтиёткорона очди ва токи у, Амбриж берган вазифани ёзиб бўлгунга қадар, кундалик: «Эсингдан чиқиб кетмасин, тентак маймун!», - деб турди Гермiona эса яшнаганча, кузатиб турди.

- Кириб ётаман, - деди, кундаликни халтага солаётган Гарри, уни «тасодифан» каминга тушириб юборишни ният қилиб.

Меҳмонхона орқали ўтар экан, бошига шляпа кийдириб қўйишга уринган Жоржга базўр чап беришга улгуриб қолди. Ниҳоят Гарри, ўғил болалар ётоқхонасига олиб чиқадиган, салқин, сукунат қарор топган айланма зинапоёга қадар етиб келди. Худди Кўриш ҳолати рўй берган тундаги каби, кўнгли ниҳоятда беҳузур бўлмоқда. Кўрпасига кириб, бироз дам олса, ҳаммаси ўтиб кетишига ишончи комил.

Гарри ётоқхона эшигини очиб, остона ҳатлаб ўтиши билан бошига шу қадар қаттиқ оғриқ кирдики, худди биров пешонасига ханжар санчиб юборгандай бўлди. Қаерда турганини ҳам, ҳатто ўз исмини ҳам, унутиб юборди...

Қулоғига кимнингдир кулгиси, ақлдан озиб қолгандай хандон отаётгани эшитилмоқда. Қўлга киритилган муваффақиятдан ниҳоятда хурсанд... Аллақандай ажойиб, зўр ҳодиса рўй берган.

- Гарри! ГАРРИ!

Кимдир Гаррининг юзига тарсаки тортиб юборди. Хандон бир неча сонияга тиниб, оғриқ азобидан бақираётган киши овози эшитилди. Бахтиёрлик ҳисси тез барҳам топган бўлса ҳам, қаҳқаҳа янграганча қолди...

Гарри кўзини очиб, аслида ўзи хандон отаётганини идрок этди. Буни тушуниб етган ҳамона, кулги тўхтади. Ҳансираб қолган Гарри полда, маънисиз нигоҳини шифтга тикиб ётибди. Пешонаси, оғриқ зўридан ёрилиб кетар даражага келиб қолган.

- Нима гап? - сўради чўчиб кетган Рон, Гаррининг устига энгашиб.

- Билмадим... - оғир нафас чиқарди Гарри, - У хурсанд, ниҳоятда бахтиёр ҳис этмоқда ўзини.

- Ўзинг-Биласан-Ким тўғрисида гапиряпсан-ми?

- Яхши ҳодиса рўй берди, - базўр гапирди Гарри, - Анча вақтдан буён кутилаётган зўр ҳодиса.

Гаррининг вужуди безгак тутгандай титраб, Кўриш ҳолати юз берган тундаги каби, кўнгли айниб кетди.

Талаффуз этган сўзлари ўйингоҳ уствошхонасида бўлган каби, худди бошқа одам айтгандай янгради. Бироқ айни вақтда, ушбу сўзлар ҳақиқат эканлигига Гарри шубҳа қилгани йўқ. У қайт қилиб юбормаслик учун ўзини базўр тутиб, чуқур нафас олар экан, бу сафарги аҳволини Дин билан Симус томоша қилиб турмаганидан хурсанд бўлди.

- Ҳолатингдан хабар олгани Гермiona юборган эди мени, - деди Рон, - Айтишига қараганда, онгинга Снегг сингиб кирганидан сўнг, ўзингни ўзинг муҳофаза қилиш қобилиятинг заифлашган эмиш... Лекин, нима қилган тақдирда ҳам, ўша машғулотлар фойда бериши керак-ку, а? - фикр билдирди у, Гаррини кўрпага ётқизар экан, шубҳа ила қараб.

Гарри ишонқирамай, бошини ирғиб қўйиб, ёстиққа ташлади. Бугуннинг ўзида ерга шунча кўп маротаба қулади-ки, аъзойи-бадани зирқирамоқда, чандиқ эса симиллаб оғришини қўймайди. Окклуменция бўйича ўтказилган биринчи машғулот онгининг қаршилиқ кўрсатиш қобилиятини мустаҳкамламай, аксинча, заифлаштиргани рост... Гарри ётган ўрнида Вольдемортнинг бундай чексиз қувончига нима сабаб бўлиши мумкинлигини ҳадиксираганча, тахмин қилди. Зеро, Ёвуз Лорд ўтган сўнги йн тўрт йил давомида бу қадар қувонмаган.

## **ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ. ИЛОЖСИЗ ҚОЛГАН ҚҰНҒИЗ**

Гаррини қийнаган саволга жавоб эрталаб, Гермiona обуна бўлган «Башорат-у, каромат газетаси»нинг янги сони орқали келди. Газетани ёзиб олган қиз муайян вақт бош мақолага қараб, серрайиб қолди-да, қўққисдан, ёнидаги одамларни ўтирган жойида сапчитиб юборганча, чинқириб юборди.

- Тинчликми? - баралла сўради Гарри билан Рон, ҳамма қатори Гермionaга юзланиб.

Гермiona жавоб ўрнига газетани стол устига ёзди-да, бармоғини ниқтади. Саҳифада тўққиз нафар сеҳргар эркак ва бир нафар афсунгар аёлнинг оқ-қора фотосурати акс эттирилган. Уларнинг баъзилари иржайиб турган бўлса, айримлари таҳдид солаётган башаралари ила расм ҳошиясига бармоқ чертиб, бадқовоқ қараб ўтирибди. Ҳар бир фотосурат остига жиноятчининг исми, фамилияси ва Азкабанга қамалишига сабаб бўлган жиноят тавсифи битилган.

Фотосуратлардан бирида қийшиқ иржайган, рангпар юзи узун киши бақрайиб турибди «Антонин Долохов – Гидеон ва Фабиан Преветтларни ваҳшиёна ўлдиргани учун судланган».

Нигоҳидан зериккани кўриниб турган, сочи ёғли, юзи чўтир яна бир киши фотосуратининг ҳошиясига суюниб олган. «Алжернон Гадвуд – Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишига сеҳргарлик вазирлигининг махфий маълумотларини етказиб бергани учун судланган».

Гаррининг эътиборини саҳифа пастидаги аёл кишининг фотосурати ўзига жалб этди. Қора сочи ҳар томондан осилиб тушган, ушбу аёлни бир вақтлар бошқача, сочини силлиқ турмаклаган, жозибадор қиёфада кўрган эди. Йирик қовоқли аёл ингичка лаби ила такаббуруна, мурдор кулиб, Гаррига диққат билан разм солганча, қилт этмай турибди. Жувоннинг юзи худди Сириуснинг юзи каби илгариги лобарлик аломатларини сақлаб қолган бўлса-да, ҳар қалай, Азкабанда йўқотилган йиллар каби қайта тикланмас даражада йўқотилган.

«Беллатрикс Лестранг – Фрэнк ва Алиса Лонгботтомларга нисбатан, улар ўз ақл-хушларидан бир умрга маҳрум бўлган даражада Қийноққа солиш қарғишини қўлагани учун судланган».

Гермiona хаёли Беллатриксга кетиб қолган Гаррининг биқинига туртиб, мақола сарлавҳасига имо қилди.

### **МАҲБУСЛАРНИНГ АЗКАБАНДАН ОММАВИЙ ҚОЧИШИ.**

**БЛЭК – ЭСКИ ГВАРДИЯ РАҲНАМОСИ.**

- Ким экан Блэк? - дарғазаб хитоб қилди Гарри, баланд овозда, - Бўлиши мум...

- Секинроқ! - пичирлади чўчиб кетган Гермiona, - Бақирма, ичингда ўқи!

Кеча оқшом, сеҳргарлик вазирлиги Азкабан маҳбусларининг оммавий равишда қочиб кетганини маълум қилди.

Сеҳргарлик вазири Корнелиус Фуж, ўз хизмат хонасида, газетамиз мухбирларини қабул қилиб, бир неча соат муқаддам жазони ижро этиш муассасасининг қатъий режим жорий этилган бўлиmidан ўн нафар маҳбус қочиб кетишга муваффақ бўлганини тасдиқлади. Бундан ташқари, Фуж, ушбу жиноятчилар ниҳоятда хавfli эканлиги ҳақида маглар ҳукуматининг Бош вазирини воқиф қилганини ҳам маълум қилди.

«Бахтга қарши, - деди Фуж, - Сиз билан биз, икки ярим йил муқаддам савдoyи-қотил Сириус Блэк қочиб кетганидан сўнг юзага келган вазиятга тушиб қолдик. Ушбу иккала ҳолат ўзаро боғлиқ эканлигига, зиғирдай бўлсин, шубҳа йўқ. Ташқи томондан ёрдам берилмас экан, Азкабандан оммавий равишда қочишнинг имкони бўлмайди. Шундай экан, бундай ёрдам қамоқдан қочишга

муваффақ бўлган энг биринчи маҳбус Блэк томонидан кўрсатилган, деган фикрдамиз. Ўйлашимизча, Сириус Блэк, ораларида холаваччаси Беллатрикс Лестранг бўлган қочқинларнинг ғоявий раҳнамоси саналади. Ўз навбатида, зикр этилган аблахларни тақиб қилиб, қўлга олиш борасида барча зарурий чоралар кўрилмақда. Бинобарин, огоҳ бўлиш ва қандай вазият юзага келмасин, мулоҳаза юритилаётган жиноятчилар билан мулоқот қилмасликни сеҳргарлар жамияти аъзоларидан илтимос қиламиз»

- Ана холос, пишди гилос, - даҳшат-ла пичирлади Рон, - Кеча оқшом ўзини бахтиёр ҳис этганининг боиси шу эканда, Гарри.

- Ишонгим келмайди, - дарғазаб бўлди Гарри, - Анави Фуж, Сириусни айбламоқчи-ми?

- Бошқа нима ҳам қила олар эди? - алам-ла фикр билдирди Гермiona, - Иқрор бўла олмайди-ку, ахир: «Жаноблар, айтсам куласиз, бироқ Дамблдор худди фол очгандай, билиб огоҳлантирган экан бизни. Азкабан қўриқчилари Вольдеморт томонга ўтиб кетиб қолишибди»... Рон, оҳ уришни бас қилсанг-чи!... «Оқибатда, унинг содиқ малайлари қўённинг расмини чизиб кетишибди», деб. Нима унинг, ярим йилдан буён Дамблдор иккалангиз тузалмас ёлғончи эканлигингиз ҳақида ҳаммани ва ҳар бир кишини алоҳида ишонтириб юргани беҳуда кетсин-ми?

Гермиона зардаси қайнаб, газетанинг кейинги саҳифасини шартта очди-да, навбатдаги мақолани мутолаа қилишга киришиб кетди. Гарри Катта Залга назар солиб, ҳеч нимани тушунмади. Нима учун ҳеч ким югур-югур қилмаяпти, бундай мудҳиш янгилик билан ўртоқлашмаяпти? Умуман айтганда, Гермionaдан ташқари, камдан-кам киши, ушбу газетага обуна бўлган. Вольдемортнинг қўшинига яна ўн нафар ашаддий жиноятчи қўшилганини ҳали ҳеч ким билмайди. Бинобарин, ҳамма уйга берилган вазифалар, квидиш ўйини ва Худо билади, қандай арзимас нарсалар ҳақида хотиржам гаплашиб ўтирибди.

Гарри Мўътабар Стол томон юзланди. У ердаги вазият тамоман бошқача қарор топган. Юзи мудҳиш қиёфа касб этган Дамблдор билан профессор Макгонагалл ниманидир жуда жиддий муҳокама қилишмоқда. «Башорат-у, каромат газетаси»ни кетчуп шишасига суюб ўқиётган профессор Сарсабил хоним оғзига етиб бормаган қошиқдан этагига тухум сариғи томаётганини ҳали пайқагани йўқ. Столнинг нариги бошида, негадир бугун Катта Зални кузатмай ўтирган профессор Амбриж бутун диққат-этиборини сули бўтқа солинган ликопга қаратиб олган. Безори хулқли ўқувчилар бугун уни қизиқтиргани йўқ. У оғзидагини дарғазаб ютиб, гоҳи-гоҳида, зўр бериб суҳбат қураётган Дамблдор билан профессор Макгонагалл томон ўқрайиб қўймоқда.

- Вой Худойим... - боз хитоб қилди Гермiona, кўзини газета саҳифасидан узмай.

- Яна нима гап экан? - сесканиб кетди, асабийлашиб ўтирган Гарри.

- Даҳшат... - ғудуллади Гермiona, овози бўшашиб.

Қиз газетанинг ўнинчи саҳифасини очганча, букиб, Гарри билан Ронга узатди.

## СЕҲРГАРЛИК ВАЗИРЛИГИ ХОДИМИНИНГ ФОЖИАЛИ ЎЛИМИ

Муқаддас Резги касалхонасининг маъмурияти кеча ўз кўрпасида жонсиз ҳолатда топилган сеҳргарлик вазирлигининг ходими, 49 ёшли Бродерик Бедоунинг ўлими юзасидан кенг миқёсли тергов тадбирлари ўтказилишини ваъда қилди. Бродерик Бедоу пайпаслагичлари билан бўғиб ўлдирилган хонаки ўсимлик қурбонига айланди. Ҳодиса жойига чақиртирилган табиблар, ишлаб чиқариш жароҳати туфайли, ушбу касалхонага тушиб қолган мистер Бедоунинг ҳаётини сақлаб қолишга эриша олмадилар.

Мистер Бедоу даволаниб ётган бўлинма бўйича, ҳодиса рўй берган кун навбатчилик хизматини ўтаган табиб аёл Мириам Строут ишдан, ойлик маоши сақланмаган тарзда четлаштирилди ва шу боис, муҳбирларимиз, ушбу аёл билан учраша олмади. Бироқ касалхонанинг матбуот билан алоқа

бўйича ходими ўз баёнотида қўйидагиларни маълум қилди:

«Муқаддас Резги касалхонасининг маъмурияти, соғлиги сўнги вақтда шубҳасиз тикланиб бораётган мистер Бедоунинг ўлими борасида чуқур қайғурмоқда.

Касалхона бўлинмасига қабул қилинадиган турли безак ва совға-саломларга оид, мазмунан аниқ битилган йўриқномалар жорий этилган. Бироқ табиб Строут, афтидан, Рождество арафасидаги юмушлар ҳажмининг фавқулодда ошиб кетгани оқибатида, мистер Бедоу каравотининг ёнидаги жавонча устига қўйилган хонаки ўсимликнинг яширин хавфига етарлича баҳо бермаган кўринади. Бемор нутқи ва мушакларининг ҳаракатланиш қобилияти тиклана бошлагач, табиб Строут мистер Бедоунинг зикр этилган ўсимликни парвариш қилишга қаратилган уринишларини рағбатлантириб борган, лекин у, ушбу ўсимлик хавфсиз саналадиган япроқсилтагич ўсимлиги эмас Иблис тўрининг ниҳоли эканлигини билмаган. Оқибатда, соғлиги тикланиб бораётган мистер Бедоу қўл теккизиши ҳамано, Иблис тўри бахти қора беморни шу заҳоти хиппа бўғиб ўлдирган.

Касалхона маъмурияти, мулоҳаза юритилаётган ўсимлик бўлинмага қай тарзда кириб қолганини ҳозирча аниқлай олмаяпти. Бинобарин, ким-ки, тегишли маълумотга эга бўлса, касалхона раҳбарияти билан боғланишни илтимос қилади».

- Бедоу... - ғудуллади Рон, - Бедоу. Танишга ўхшайди.

- Уни кўрганмиз, - пичирлади Гермiona, - Эслайсиз-ми, касалхонада? Чаруальднинг каравоти рўпарасида шифтга қараб, чўзилиб ётган эди. Иблис тўрини ҳам биз борганимизда олиб киришган эди. Эсладингиз-ми? Ўшанда табиб аёл ўсимликни Рождествога совға сифатида келтиришганини айтиб, байрами қувноқ ўтишига ишонч билдирган эди.

Гарри хотирасига зўр берганча, эслашга уриниб, бўғзига даҳшат кўтарилганини ҳис этди.

- Нега ўшанда биз Иблис тўрини фарқлай билмадик? Ахир бир вақтлар рўбару келган эдик-ку, унга?... Бахтсизликнинг олдини олган бўлар эдик.

- Касалхонага хонаки гул тариқасида Иблис тўри киритиб юборилиши кимнинг хаёлига келиши мумкин, ахир? - кескин эътироз билдирди Рон, - Айб бизда эмас ўша ўсимликни атайин киритиб юборган маразда! Аҳмоқ, наҳотки харид қилиб олаётган молни текшириб кўришга ақли етмаган бўлса?!

- Қўйсанг-чи, Рон! - титроқ овоз билан хитоб қилди Гермiona, - Иблис тўрининг ниҳолини гултувакка ўтқизган киши, ушбу ўсимликка қўлини теккизган одамнинг куни битишидан беҳабар бўлиши мумкин эмас. Унинг хатти-ҳаракатини пухта ўйланган режа ила амалга оширилган қотиллик, дея таснифлаш лозим. Ўша ўсимликни йўллаган киши ўз исмини маълум қилмагани эса фикримнинг яққол исботидир. Энди уни кундуз куни чироқ ёқиб ҳам, топа олишмайди.

Ҳозир Гарри Иблис тўри ҳақида ўйлаётгани йўқ. Иши интизомий жиҳатдан муҳокама қилинадиган куни лифтда пастга тушар экан, атриумга етгач, касалманд юзи мотамсаро қиёфа касб этган сеҳргар киши лифт кабинасига кирганини эслади.

- Бедоуни учратганман, - аста маълум қилди у, - Вазирликда. Даданг билан биргаликда.

Роннинг оғзи ланг очилиб қолди.

- Эсимга тушди. Дадам уни тилга олган эди! Тўппа-тўғри! У, Сирли сеҳр бўлимида ишлайдиган «Тавсифланмайдиган сеҳргарлар»дан бири... эди.

Болалар бир-бирига унсиз қараб қолишди. Гермiona газетани ўзига тортиб, тахлади. Ўн нафар қочқин фотосуратига узоқ қараб ўтирди-да, ирғиб ўрнидан турди.

- Қаёққа? - сўради, Гермionанинг кутилмаган ҳаракатидан чўчиб, ўтирган ўрнида бир сапчиб тушган Рон.

- Хат жўнатгани, - жавоб берди Гермiona, юк халтасини елкага ташлаб, - Умуман айтганда, аниқ билмайман... бироқ уриниб кўришим керак... фақат мен уюштира оламан буни.

Рон билан Гарри ҳам ўринларидан туриб, Катта Залдан чиқиш эшиги томон йўл олишди.

- Ўларча жаҳлим чиқади, ўзини шундай тутганида, - вайсади Рон, - Жўяли тушунтириб кетиш учун бир-икки сония кўпроқ вақт ажратса, нима бўлади, а? Осмон узилиб, ерга тушиб кетадими?... Ҳой, Хагрид!

Юзи олдингидай кўкарган, қаншари янги тимдаланган Хагрид, эшик олдида, равенклочилар галаси чиқиб кетишини кутиб турибди.

- Салом, ишлар қалай? - кулиб қўйишга уриниб кўрди у, равенклочилар ортидан эргашиб.

- Яна нима қилди сенга, Хагрид? - сўради изма-из борган Гарри.

- Ҳеч нима, - хотиржам қиёфа ясади Хагрид, силтаган улкан қўлини профессор Векторнинг бошига уриб юборишига сал қолиб, - Ўзингиз биласиз, иш кўп. Машғулот ўтказишга ҳозирлик кўришим керак... Саламандрларнинг танаси яллиғланиб, тангачасимон йиринглаган... бундан ташқари... менга синов муддати белгиланган, - мубҳам тез айтиш-ла, сўзини яқунлади у.

- Синов муддати? - баланд овозда сўради Рон.

Учовининг ёнидан ўтаётган одамлар қизиқсиниб қараб ўтишди.

- Вой... кечир, Хагрид, - пичирлади Рон, - Айтмоқчи эдим-ки... сенга синов муддати тайинландими?

- Ҳа, - бош ирғиди Хагрид, - Тўғриси айтсам, бошқача бўлишини кутганим ҳам йўқ. Сизлар, эҳтимол, тушуниб етмагандирсиз... инспекция натижаси яхши бўлмади, - чуқур хўрсинди у, - Майли, мен бора қолай... пешонага нима битган бўлса, шуни кўрамиз... Саламандрларнинг танасига чилли кукунини ишқалашим керак. Акс ҳолда битта қолмай қирилиб кетишлари мумкин... Рон... Гарри... кўришгунча.

Хагрид катта эман эшиги томон каловланиб, рутубатли ҳовлига чиқиб кетди. Гарри катта дўстининг ортидан алам-ла, қараб қолди. Тақдирнинг яна қанчадан-қанча зарбаларига дош бериши керак, у?

\*\*\*

Икки кунга қолмай, Хагридга тайинланган синов муддатига оид янгилик бутун мактабга тарқалди. Бироқ Гаррининг жаҳлини чиқаргани, ушбу ҳолатга ҳеч ким ачинмаётгани бўлди. Баъзилар, жумладан, Драко Малфойга ўхшаганлар, аксинча, роса суюнишди. Сеҳргарлик вазирлигининг оддий ходими сирли равишда ҳалок бўлгани, афтидан, Гарри, Рон ва Гермионадан ташқари, ҳеч кимнинг парвойига ҳам келмади. Мактаб йўлакларида «Башорат-у, каромат газетаси»нинг кам сонли обуначилари тарқатган янгилик, хусусан, маҳбусларнинг Азкабандан оммавий равишда қочиб кетгани муҳокама қилинмоқда холос. Қочқинлар Хогсмёддаги Фигон кулбасида кўрингани, улар ҳам, Сириус каби, «Хогварц» ҳудудига киришни ният қилишгани ҳақида ҳар хил миш-миш гаплар тарқалди.

Сеҳргарлар оиласида туғилиб ўсган ўқувчилар, ўша каслардан қўрқиб яшашга болалиқдан ўрганиб қолишган. Вольдеморт ҳукм сурган йилларда, ушбу кишилар томонидан содир этилган жиноятлар афсоналарга айланиб кетган. Уларнинг исмлари, худди Ёвуз Лорднинг исми каби, даҳшатли эшитилади. «Хогварц»нинг айрим ўқувчилари Ўлимдан мириқувчилар томонидан нобуд қилинган одамларнинг яқин қариндошлари саналиб, ўзлари истамаган тарзда, исмлари ноҳуш тарзда машҳур бўлиб қолди. Чунончи, Сьюзен Боунснинг тоғаси, холаси ва аммаваччалари, ушбу қочқинларнинг бири томонидан ўлдирилган. Кунлардан бир кун, гербология дарсида бечора Сьюзен маъюс оҳангда Гаррининг ўрнида бўлиш нақадар оғир эканлигига иқрор бўлди.

- Буларнинг барига қандай бардош берасан, билмайман, даҳшат, - деди қиз, жаҳл ила қичқириқгул уруғи сепилган патнисга ҳаддан зиёд гўнг улоқтириб.

Ўсимлик уруғлари Сьюзеннинг зардасини ёқтирмай, баджаҳл сакраб, вишиллаб қўйишди.

Ҳақиқатан ҳам, одамлар, Гаррига боз бармоқ ўқтала бошлашди, йўлакда қораси кўриниши ҳамоно, пичир-пичирга тушиб қолишди. Бироқ, ушбу ғийбатларнинг оҳанги энди тамомила

Ўзгариб, адоват эмас қизиқувчанлик мазмунини касб этди. Кўп ўтмай, Гарри, қулоғига чалинган жумлалардан шуни англаб етдики, айрим ўқувчиларни Азкабан маҳбусларининг қамоқдан қочишига олиб келган сабабларга доир «Башорат-у, каромат газетаси» томонидан илгари суриляётган тахминлар қаноатлантормаган. Бинобарин, вужудини қўрқув ва ваҳима қамраган бундай мактабдошлар ўтган ўқув йилидан эътиборан Гарри билан Дамблдор таъкидлаб келишаётган сўзларга тўла-тўқис бовар қилишга тайёр бўлиб қолишди.

Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, мулоҳаза юритилаётган ҳолатга фақат ўқувчиларгина тушиб қолгани йўқ. Ўқитувчилар ҳам, қаср йўлакларида икки-уч кишилашиб тўпланганча, ташвишли қиёфа ила нималарнидир пичирлаб муҳокама қилишмоқда, ёнларидан мактаб ўқувчилари ўтиб қоладиган бўлса, сукут сақлашмоқда.

- Ўқитувчилар хонасида энди бемалол гаплаша олишмайди, бечоралар, - ачиниб пичирлади Гермiona, учовлон афсун ўқиш хонаси ёнида ғуж тўпланиб олган Макгонагалл, Флитвик ва Сарсабил хоним яқинидан ўтиб кетар экан, - Негаки, ичкарида Амбриж деган ажина бор.

- Нима деб ўйлайсиз, улар бирон-бир янги хабардан воқиф бўлишдимикан? - сўради Рон, ўқитувчилар томон ўгирилиб қараб.

- Воқиф бўлишган тақдирда ҳам, биз бундан беҳабар қоламиз, - домангир оҳангда жавоб берди Гарри, - Айниқса, анави декретдан кейин... нечанчи сонига келиб тўхташган эди улар?

Гап шундаки, маҳбуслар қочган куннинг эртасига эълон тахталарида янги декрет пайдо бўлди:

#### «ХОГВАРЦ» БОШ ИНСПЕКТОРИНИНГ ФАРМОНИ БИЛАН

Мактабда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар таркибига ўз хизмат мажбуриятларига дахли бўлмаган ҳар қандай мазмундаги ахборотни ўқувчилар эътиборига ҳавола этиш ман этилади.

Мазкур фармон 26- сонли таълим тўғрисидаги декрет асосида чиқарилди.

Имзо: Долорес Жейн Амбриж, «Хогварц» бош инспектори.

Ушбу фармон мактаб ўқувчилари орасидаги кўплаб ҳазил-мутойибалар манбаига айланди.

Жумладан, Ли Жордан Амбрижга ўз фармонида мувофиқ Фред билан Жоржга ёвузлик кучидан ҳимоя дарси давомида поқилдоқ ўйнашгани учун койиши мумкин эмаслигини баёнот қилди.

- Поқилдоқ, профессор, ушбу фанга, демакки, сизнинг хизмат мажбуриятингизга дахл қилмайди. Гаррига кейинги сафар учраган Ли кафтининг орқа томонидан қон сизиб чиқаётгани кўриниб қолди. Табиийки, Гарри унга, маринадланган булут пайпаслагичларидан қолган сиркамойни тавсия этди.

Гарри Азкабан маҳбусларининг қочиб кетгани Амбрижнинг попугини оз бўлса ҳам, пасайтириб қўяди, деб ўйлаган эди. Ахир у сиғиниб юрган Фужнинг нақ тумшуғи остида бундай хунук ҳодиса рўй бергани учун оз бўлса ҳам, уят бўлиши керак-ку, ахир! Бироқ Амбриж «Хогварц»ни тамомила ўз назорати остига олишга интилганча, баттар зулм ўтказа бошлади ва афтидан, яқин орада кимнидир ишдан ҳайдашга қатъий аҳд қилган кўринади. Фақат кимни ҳайдаб юбориши, хусусан, Треланини-ми ёки Хагрини, ҳозирча номаълум.

Башорат ва сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш дарслари энди фақат бош инспектор ва унинг қўлидан тушмайдиган ён дафтари иштирокида ўтмоқда. Амбриж турли ҳидлар анқиб, деярли нафас олиб бўлмайдиган башорат фани хонасининг камини ёнида туриб, жазава ҳолатига келиб қолган профессор Треланининг сўзини бўлганча, орнитомантия ва септологияга оид ақлга сиғмас саволларни бериб бормоқда, ўқувчиларнинг жавобларини олдиндан башорат қилиб беришни, биллур шар, чой япроқлари ва сиртига қадимий руналар битилган тошлар воситасида фол очишни талаб қилмоқда. Гарри профессор Треланининг бундай тазйиқларига бардош бера олмаслигидан хавфсирамоқда. У бир неча бор нималарнидир дарғазаб вайсаганча, куйиниб, атрофга чўчиб

аланглаётган, арзон шерри ҳидини анқитиб юрган Треланини қаср йўлакларидида учратиб қолди. Бу жуда ғайритабиий ҳолдир. Негаки, соҳибкаронат аёл ўз минорасидан деярли тушмай яшар эди. Бечорага оз бўлса ҳам, раҳм-шафқат қилиш керак. Гаррининг, ушбу ўқитувчига ичи ачишган бўлар эди ҳам, агар Хагриднинг қисмати ташвишга солиб қўймаганида. Бироқ иккаласидан бирини танлаш керак экан, Гарри танлаб бўлди. (Орнитомантия – қушлар ҳаракати, хусусан, уларнинг парвозлари, сайрашлари ва овқатланишларининг ўзига хос хусусиятларини кузатиб боришга асосланган фол очиш усули. Халқ орасида осмон соҳиблари бўлмиш қушлар Худолар билан бевосита мулоқот қилишлари ва ҳаттоки, уларнинг элчилари сифатида келишлари мумкинлигига оид ривоятлар юрган Қадимий Римда фавқулодда кенг тарқалган усул бўлган. Шерри ёки Херес (инг. Sherry, исп. Jerez, фр. Xeres) Испанияда, хусусан, жанубий мухтор бирлашма – Андалусияда жойлашган Херес-де-ла-Фронтера, Санлукар-де-Баррамеда ва Эль-Пуэрто-де-Санта-Мария шаҳарларидан ташкил топган учбурчак ҳудудда оқ узумдан тайёрланадиган спиртли вино. Таркибида 20% спирт ва тахминан 3% шакар моддаси бўлади. Септология – башорат қилиш (келажакни кўриш, олдиндан айтиб бериш) усули).

Афсуски, Хагрид ўзини нисбатан дурустроқ тутаётгани йўқ. У ниҳоят, Германионинг ўғитларига қулоқ тутди. Рождестводан кейин, Хагрид дарсга етаклаб келган энг даҳшатли ҳайвон – думи санчқи каби иккиланганини ҳисобга олмаганда, терьердан кўп фарқ қилмайдиган хруп бўлди. Лекин унинг дадиллиги, эркинлиги батамом барҳам топди. Машғулот ўтказар экан, мавзудан чалғиб, тушунтиришларининг мантиқий изчиллигини йўқотиб борди, қўйилган саволларга нотўғри жавоб бериб, Амбриж томон тез-тез қараб қўядиган бўлиб қолди. Гарри, Рон ва Германиона билан ўзини бегонадай тутиб, қош қорайган маҳалда кулбасига келишни қатъиян ман этиб қўйди. - Агар унинг қўлига тушиб қолсангиз, ҳаммамизнинг бошимиз кетади, - ишонч-ла баёнот қилди Хагрид.

Хагрид ўз ишини йўқотиб қўйишини истамаган болаларга яна бир ҳаловат билан хайрлашишга тўғри келди.

Афтидан Амбриж Гаррини ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган барча нарсалардан, жумладан, Хагриднинг кулбасига вақти-вақти билан ташриф буюриб бориш, Сириус билан хат ёзишиб туриш, «Чақмоқ» ва квидиш ўйинидан маҳрум қилишни ўз олдига қўйган асосий мақсад, деб билади шекилли. Бунга жавобан, Гарри, ўз қўлида мавжуд ягона иш, у ҳам бўлса, ДА жамияти билан ўтказилаётган машғулотлар ила ўч олмоқда.

Ўлимдан мириқувчилар қамоқдан қочганларидан кейин, Гаррининг жамики шогирдлари, ҳатто Заккерайес Смитт ҳам, мисли кўрилмаган тиришқоқлик-ла шуғуллана бошлаб, кўнглини тоғдай кўтармоқда. Невилль намоён эта бошлаган маҳорат яққол кўзга ташланди. Ота-онасини қийноққа солган жиноятчилар озодликка чиқишгани ҳақидаги хабар, унинг хатти-ҳаракатларида фавқулодда, ҳатто бир қадар қўрқинчли ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. Гарри, Рон ва Германиона билан суҳбатлашар экан, Невилль бирон маротаба бўлсин, касалхонадаги учрашув ҳақида гап очмади. Учовлон ҳам, гўё унсиз берилган буйруққа бўйсунгандек, ушбу мавзуга доир сўз айтмади. Беллатрикс Лестранг ва унинг шериклари қамоқдан қочишга муваффақ бўлгани тўртовлон орасида муҳокама қилинмади. Умуман айтганда, ДА жамиятининг йиғилишларида Невилль мутлақо гапирмай қўйди, лекин ҳар бир янги турдаги қарғишга қарши қарғиш, тилсим ёки суқи ижросини пухта ўзлаштириб олиш учун тиним билмай машқ қилмоқда. Кулча юзида бадқовоқ қиёфа касб этиб олганча, фикр-хаёлини бир ерга жамлаб олиб, жони оғриётган ёки муайян муваффақиятга эришиши қийин кечаётганига мутлақо эътибор қаратмай, бор кучини меҳнатга сарф этди ва охир-пировардида шундай натижаларга эришдики, атрофдагилар ундан ҳадиксираб қолди. Гарри томонидан ўргатилган кучсиз қарғишларни ҳамла қилган кишининг ўзига қайтариб юборадиган Сапчителиш қарғишининг ижросини Невиллдан олдин фақат Германионага ўзлаштиришга улгуриб қолди холос.

Окклуменция машғулотларида бундай муваффақиятга эришиш учун Гарри кўп нарсасини берган бўлар эди. Снегг билан ўтаётган машғулотлар қандай ёмон бошланган бўлса, ўша тарзда давом этмоқда. Гаррининг назарида ҳар бир навбатдаги машғулот олдинги машғулотдан баттар ўтмоқда. Чандиғи илгари бу қадар тез симилламас эди. Ҳозир эса Вольдемортнинг тасодифан тутиб олинган фикри ёки кайфияти туфайли оғрияпти. Гарри шахсан ўзининг кайфиятига ҳеч қандай дахли бўлмаган ғазаб ёки қувонччи ҳис этиб юрибди-ю, буларнинг бари пешонасининг оғриши билан кечмоқда. Ўзини Вольдемортнинг кайфиятида юз берган ҳар қандай ўзгаришни тутиб оладиган антеннадай ҳис этаётгани учун ҳам дарғазаб юрибди. Бундай ғайриоддий таъсирчанлик окклуменция бўйича ўтган биринчи машғулотдан сўнг вужудга келганига шубҳа қилмайди. Устига устак биттагина эшикка эга ўша деразасиз йўлак энди ҳар куни тушига кирмоқда. Қора эшик қаршисида турганча, Сирли сеҳр бўлимига кириб боришга уриниш – ҳар кун кўраётган тушининг якуни бўлиб қолди.

- Эҳтимол бу касаллик безгак ёки шунга ўхшаш касаллик каби, соғайишдан олдин оғирлашиб кечар, - тахмин қилди, Гаррининг шикоятини тинглаган Гермiona.

- Снегг билан ўтган ҳар бир дарсдан сўнг, ўзимни янада баттар ҳис этмоқдаман, - қатъий ишонч-ла, баёнот қилди Гарри, - Чандиқ шу қадар қаттиқ оғриб кетадики, кўнглим беҳузур бўлади. Умуман айтадиган бўлсам, ўша йўлакда беҳуда санқиб юриш жонга тегди, - деди у, чандиғини уқалаганча, аччиқланиб, - Тезроқ эшик очилса-ю, қутулсам. Аҳмоққа ўхшаб, қора эшикка бақрайиб туриш кўнгилга урди...

- Ҳеч ҳам кулгили эмас, - деди Гермiona қатъий оҳангда, - Дамблдорнинг фикрича, тушингда ўша йўлакни умуман кўрмаслигинг керак. Акс ҳолда Снеггдан илтимос қилмас эди сенга окклуменцияни ўргатишни. Ихлос қилиб, ҳаракат қилмоғинг даркор...

- Ҳаракат қиялман! - бақриб юборди Гарри, - Айтишга осон! Ўзинг синаб кўрсанг, биласан осон эмаслигини! Снегг миянга кириб чиқиши қандай бўлишини тасаввур қиялсан-ми, ўзи?

- Балким... - деди Рон, ўйчан оҳангда.

- Балким нима? - ўшқирди Гермiona.

- Балким Гарри айбдор эмасдир, ўз онгини муҳосара эта олмай қийналишида, - маъюс оҳангда фикр билди Рон.

- Бу билан нима демоқчисан? - тушунмади Гермiona.

- Эҳтимол Снегг, аслида, Гаррига ёрдам бериш ўрнига аксини қилаётгандир...

Гарри билан Гермiona ҳайрат-ла, Ронга бақрайиб қолишди.

- Балким унинг... - фикрини давом эттирди, Рон, иккаласига оғир маъноли қараб, - Ўзингиз-Биласиз-Кимга осон бўлиши учун Гаррининг онгига катта йўл очиб бераётгандир...

- Ўчир овозингни Рон, - ғазаб-ла гапни бўлди Гермiona, - Шубҳаларинг доимо бир-бирдан аҳмоқона эшителиди! Ва энг асосийси, улардан бирортаси ҳам ҳали ўз тасдиғини топгани йўқ! Дамблдор Снегг Северусга ишонади. У Орден манфаатларида фаолият юритади, яна нима керак?

- У Ўлимдан мириқувчи бўлган, - ўжарлик қилиб туриб олди Рон, - Маслаги чиндан ҳам ўзгарганини исбот қиладиган бирорта ҳам далил йўқ бизда.

- Дамблдор унга ишонади, - такрорлади Гермiona, - Дамблдорга ишонмаслик – ҳеч кимга ишонмасликни англатади.

\*\*\*

Доимий ташвиш, уйга берилган вазифаларнинг тун ярмигача ишлашга мажбур қиладиган катта ҳажми, ДА жамиятининг яширин йиғилишлари, Снегг билан ўтаётган машғулотлар ила январь ойининг ўтиб кетгани ҳам сезилмади. Кўз очиб юмгунча рутубатли, лекин у қадар совуқ бўлмаган февраль ойи ҳам етиб келди. Кўп ўтмай, Хогсмёдга иккинчи сафар уюштирилиши лозим. Бирга боришга келишиб олгандан буён, Гарри Чу билан ҳали бирон маротаба алоҳида учрашиб,



гаплашгани йўқ. Мана энди, мутлақо кутилмаган ҳолатда маълум бўлишича, Муқаддас Валентин куни кириб келишига оз қолиб, уни Чу билан бирга ўтказиш лозим.

Ўн тўртинчи февраль куни эрталаб Гарри батартиб кийиниб олди ва почта келар пайтида Рон билан биргаликда Катта Залга тушди. Бойқушлар орасида Хедвиг кўринмади. Умуман айтганда, Гарри бировдан хат олишни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Гермiona эса Гарри билан Рон астойдил жойлашар экан, қўнғир тусли бегона бойқуш тумшугидан хат олди.

- Ниҳоят! Агар бүгун келмаганда...

Гермiona конвертни шартта йиртиб очди-да, пергамент варағини чиқариб, тез ўқиб чиққач, қатъий, лекин нимадандир қаноатланган нигоҳини Гаррига қаратди.

- Гарри, - деди у, - Жуда муҳим иш бор. Кун ярмида «Уч супурги»га кела оласанми?

- Билмадим... бирон нима дея олмайман, - жавобни чўзди Гарри, иккиланиб, - Чу куни билан бирга бўлишимизни ният қилган бўлса керак. Нима қилиш, қаерга боришни режалаштирганимиз йўқ ҳали, албатта, бироқ...

- Ундай бўлса, бирга келинглар, - туриб олди Гермiona, - Хўш, келасанми?.

- Яхши... Нима гап, ўзи?

- Ҳозир тушунтириб ўтиргани вақтим йўқ. Жавоб хатини йўллашга улгуришим керак.

Гермiona бир қўлига хат, иккинчисига бутерброд ушлаганча, Катта Зални тарк этди.

- Сен-чи, сен ҳам ўша ерда бўласанми? - сўради Гарри Рондан.

- Мен умуман Хогсмедга чиқмайман, - бош чайқади Рон, - Ангелина, худди бирон нимани ўзгартириб юборадигандек, кун бўйи машқ қилишни талаб қиляпти. Биз – бу ёруғ дунёдаги энг нотавон жамоамиз. Слопер билан Киркнинг ўйинини кўрсанг, ёқангни ушлаб қоласан. Ўйин эмас масхара. Мендан беш баттар ўйнашади, - оғир хўрсинди у, - Нима учун Ангелина мени жамоадан қувиб юбормаяпти, ҳайронман.

- Чунки ишонч билан ўйнайдиган бўлсанг, жуда яхши ўйнайсан, - ўшқариб қўйган бўлди Гарри. Роннинг дардига шерик бўлиш қийин кечмоқда. «Хуффльпүфф»га қарши ўтадиган ўйинда иштирок этиш учун Гарри ҳар нарсага тайёр. Эшитган жавоб оҳангига кўра Гаррининг ички кечинмаларини фаҳмлаган Рон нонушта охиригача квидиш ҳақида сўз айтмади. Хайрлашишлари ҳам совуққина ўтди. Рон ўйингоҳ томон йўл олди, Гарри эса қошиқдаги аксига қараб сочини текислаб олган бўлди-да, Чу билан учрашгани вестибюлга чиқди. У билан нималар ҳақида гаплашишни ҳали билмайди, умуман айтганда, ўзини қандайдир ноқулай ҳис этмоқда.

Сочини дум шаклида янгича турмаклаб, жуда чиройли кўринаётган Чу асосий эшиқдан сал нарида турибди. Гарри қиз томон одимлар экан, оёғи катта, қўли узун эканлиги ҳис этди. Нега шунча вақтдан буён ўз қўл-оёғининг бу қадар беўхшовлигига эътибор қаратмаган экан?

- Салом, - кўришди Чу.

- Салом.

Иккаласи бир-бирига унсиз қараб қолди.

- Хўш, - деди ниҳоят Гарри, - Кетдик-ми?

- А... ҳа...

Икковлон Филчнинг қаршисида шаклланган навбатга қўшилди. Мактаб назоратчиси қишлоққа чиқиб кетаётганларни рўйхат бўйича ўтказар экан, бир-бирига ийманиб қараб-қараб турди.

Ҳовлига чиққан Гарри севиниб кетди: тентакнамо қиёфа ила тек тургандан кўра, сукут сақлаб бўлса ҳам, юрган маъқул. Ҳаво салқин, кучсиз шамол эсмоқда. Ўйингоҳ томон қараган Гарри ҳавода, намойишгоҳлар устида муаллақ осилиб турган Рон билан Жиннани кўриб, ҳозир улар билан эмаслигига ачинди.

- Квидишсиз зерикяпсан-ми? - сўраб қолди Чу.

Гарри Чу томон юзланиб, қиз уни диққат билан кузатиб келаётганини фаҳмлади.

- Ҳа, - тасдиқлади Гарри, хўрсиниб.

- Учинчи синфда илк бор бир-биримизга қарши ўйнаганимиз эсингдами?

- Эсимда, албатта. Ўшанда барча ҳаракатларимни муҳосара қилганинг-қилган эди, - кулиб қўйди Гарри.

- Древ: «Ҳозир жентльменликнинг мавриди эмас! Керак бўлса супургисидан уриб йиқит уни!», - деган эди, - кулиб давом этди Чу, - Эшитишимга қараганда уни аллақандай «Бола Боғчайтед» жамоасига олишган эмиш, тўғрими?

- «Бола Боғчайтед» эмас захира «Гўдаксон Юнайтед» квидиш жамоаси. Ўтган йили Жаҳон кубогида кўрган эдим уни.

- Иккаламиз ҳам ўша ерда учрашган эдик, эсингдами? Битта лагерда жойлашганмиз. Ўйин зўр ўтган эди, а?

Жаҳон чемпионати ҳақида гаплашиб, икковлон мактаб дарвозасидан ташқарига чиқди. Чу билан сўхбатлашиш Рон ва Гермиона билан кечадиган сўхбат каби осон эканлиги Гаррини ҳайрон қолдирди. Бироқ зўриқишини унутиб, ўзига ишонч ҳосил қилишига улгурмай, иккаласининг ёнидан «Слизерин» коллежида таҳсил кўрадиган қизлар галаси ўтиб қолди. Улар ичида Панси Паркинсон ҳам бор.

- Поттер ва Чэнг! - ғичирлаганча чийиллаб ўтди у, - Дидингга қойил қолмадим, Чэнг! Диггори ҳар қалай барно йигит эди!

Паркинсоннинг сўзларига мурдор ҳиринг-ҳиринг жўр бўлди. Қизлар олдинга чиқиб олиб, навбат билан намойишкорона ўгирилганча, Гарри ва Чуга қараб хандон отиб боришди.

Икковлон жим бўлиб қолди. Квидиш тўғрисида яна нима дейиш мумкинлигини билмай, Гаррининг боши қотди. Юзи қизариб кетган Чу эса оёқ остига қараб кетмоқда.

- Хўш, қаёққа борамиз? - сўради Гарри, Хогсмедга етиб келишгач.

Қишлоқнинг Дароз кўчаси мактаб ўқувчиларига тўлган. Улар эринчоқ юриб, витриналарни томоша қилишмоқда. Кам сонли гуруҳларга бўлиниб, йўлакда туриб олишганча, жонли сўхбат қуришмоқда.

- Менга фарқи йўқ... - елка қисди Чу, - Балким, дўконларни айланиб чиқармиз?

Иккаласи «Дарвеш ва наша» дўкони томон йўл олишди. Витринага маҳкамланган каттагина эълон олдида бир неча нафар қишлоқликлар тўпланиб олишган. Гарри билан Чу яқин боришганда одамлар бироз сурилиб, яна ўша ўн нафар қочқиннинг фотосуратлари кўринди. «СЕХРГАРЛИК ВАЗИРЛИГИНИНГ БУЙРУҒИГА БИНОАН» ёзуви битилган эълонда жиноятчиларнинг қўлга олинишига ёрдам берадиган ҳар қандай ахборот учун минг галлеон мукофот пули ваъда қилинган.

- Ғалати, а? - аста фикр билдирди Чу, Ўлимдан мириқувчиларнинг фотосуратларига қараб, - Эсингдами, Сириус Блэк қочганида атроф дементорларга тўлиб-тошган эди? Ҳозир эса ўн нафар жиноятчи қочиб кетганига қарамай, бирорта ҳам дементор йўқ.

- Чиндан ҳам, - тасдиқлади Гарри, нигоҳини Беллатрикс Лестранг фотосуратидан узганча Дароз кўчанинг у бошидан бу бошига қараб, - Чиндан ҳам ғалати.

У дементорлар кўринмаганига афсус қилаётгани йўқ, албатта. Бироқ, уларнинг йўқлиги баъзи нарсаларни ойдинлаштиргандай бўлди. Дементорлар нафақат Вольдемоортнинг малайларига қамоқдан қочиш имконини беришибди, балки уларни қидириб топишга уринмаяпти ҳам... Вазирликка бўйсунмай қўйишгани ростга ўхшаб қолди.

Ёмғир кучайди.

- Қаҳвага... тобинг қалай? - сўради Чу, ерга қараб

- Ичамиз, - қарор қилди Гарри, атрофга аланглаб, - Қаерда?

- Сал нарида зўр жой бор! Сен ҳеч кирганмисан Футгапуд хонимга қарашли муассасага? - сўради, жонланиб кетган Чу, Гарри муқаддам эътибор қаратмаган ён кўчадаги ихчамгина кафе томон йўл бошлаб.

Торгина залнинг ҳавоси иссиқ бўлиб, унда мавжуд жамики юзаларга жимжима жияк адипланган

ҳар хил бант ва тўқима тўрлар ёзилган. Гарри Амбрижнинг хонасини эслаб, кўнгли бузилди.

- Ажойиб жой, а?! - хитоб қилди руҳланиб кетган Чу.

- Э-м-м... ҳа, - ясама розилик билдирди Гарри.

- Валентин куни муносабати билан ҳамма жойни безаб чиққанини қара! - деди Чу, думалоқ митти стол узра учиб, кафега ташриф буюрганлар устига гоҳи-гоҳида пушти конфетти улоқтираётган тилла тусли митти малакларга имо қилиб. (Конфетти – байрамлар, асосан, баллар, карнаваллар, тантанали юришлар, шунингдек, туғилган кун, тўй тантанасининг ажралмас аломати, одатда, қоғоздан тайёрланган майда ўлчамли ранг-баранг тўгараклар. Тантана иштирокчилари бир-бирининг устига конфетти сочишади ёки юқоридан сепиб юборилади. Италия тилидан олинган конфетти сўзи (confetti) «шакардан тайёрланган маҳсулот» маъносини англатади. Италия халқи карнавал иштирокчилари устига ширинликлар, чунончи, шакар-қиёмли ёнғоқ сочган. Конфетти, асосан, қоғоз саноатида перфорация (тешиш) чиқиндиси сифатида ҳосил бўлади. Конфеттининг махсус турлари, мисол учун, ҳавода, оддий қоғоздан тайёрланган конфеттилардан фарқли ўлароқ, 10 чандон ортиқ вақт давомида учиб юрадиган ёмғир конфеттилари, ипак қоғоз ёки плёнкадан тайёрланади).

- Ҳа...

Икковлон ойналари терчилаб кетган дераза ёнидаги сўнги бўш столни эгаллади. Бир ярим фут нарида бир-бирининг қўлини ушлаб олган Рожер Дэвис билан лобаргина, оқ-сарик сочи қиз ўтирибди. Уларнинг ўтиришини кўрган Гарри ўзини ғалати ҳис этди, атрофга назар солиб, залда фақат жуфтликлар ва ҳаммалари бирдай бир-бирининг қўлини ушлаб ўтирганига эътибор қаратгач, саросимага тушиб қолди. Балким Чу ҳам, қўлини ушлаб олишини кутаётгандир.

- Сизларга нима келтириб берай, қадрдонларим?

Бир тутам қилиб йиғилган қора сочи ялтираб кўринган, ҳаддан ортиқ семиз Футгапуд хоним иккаласи ўтирган стол билан Рожер Дэвис ўтирган стол орасидан бир амаллаб ўта олди.

- Иккита қаҳва, илтимос, - буюртма берди Чу.

Иккаласи қаҳва кутиб ўтирар экан Рожер Дэвис билан унинг дугонаси қандон устида бир-бирига яқин келиб, ўпиша кетишди. Буни кўрган Гарри баттар саросимага тушиб қолди. Дэвис гўё хулқ-атвор стандартини белгилаб бераётган бўлиб, Чу, Гарридан, ушбу стандарт талабларига жавоб беришни кутаётган бўлса, ажаб эмас. Бундай ўй Гаррининг вужудини қиздириб юборди. У кўзини дераза томон олиб қочди-ю, терчилаган ойнадан ташқари кўринмади. Чуга боз қараш керак бўлган фурсатни узоқлаштириш учун нигоҳини гўё бўёқ яхши берилган-берилмаганини текшириш мақсадида шифтга қаратди ва шу заҳоти башарасига конфетти еди.

Бир неча дақиқа давом этган оғир сукунат ўтгач, Чу Амбриж ҳақида гап очди. Гарри ўзини бироз енгил тортиб, икковлон, муайян вақт давомида бош инспекторнинг суягини ғажиб ўтирди. Бироқ Амбриж ДА жамияти томонидан муҳокама қилиб бориладиган чеки йўқ мавзу бўлгани боис, ушбу суҳбат ҳам узоқ чўзилмади. Орага яна сукунат чўкди. Гарри қўшни стол томондан пилчиллаб эшитилаётган товушга эътибор қаратмай қўймади, албатта ва шу боис, яна бирон-бир мавзу ўйлаб топишга уринди.

- Тушлик вақтида «Уч супурги»га боришни истайсан-ми? Мен у ерда Гермiona Грэнжер билан учрашимиз керак.

Чунинг қоши кўтарилиб кетди.

- Гермiona Грэнжер билан? Бугун-а?

- У учрашимиз кераклигини айтиб, келишни илтимос қилган эди... Боришим керак, деб ўйлайман. Бирга борасанми? Айтишча, сен ҳам борсанг бўлаверар экан!

- О!... Қандай илтифот, - истехзо қилди Чу, қошини чимириб.

Иккаласининг орасида яна жимжитлик қарор топди. Қаҳва тез тамом бўлиб, буюртмани такрорлашга тўғри келди. Рожер Дэвис билан дугонасининг лаби бир-бирига, афтидан, бир умрга

ёпишиб қолгандай кўринмоқда.

Чунинг қўли стол устида, чашка ёнида ётибди. Гарри қизнинг қўлини ушлаб олиши зарурлигини ҳис этмоқда. «Ушла, бўлди, олам гулистон», - деди у, ўзига ўзи. Ҳис-туйғу, даҳшат, ҳайрат ва ҳаяжон уйғунлашиб кетиб, кўкрак соҳасида фаввора каби отилмоқда. «Қўлингни узатгин-да, чангаллаб ол!» Таажжуб, атиги аллақандай ўн икки дюйм нарида тек ётган қўлни ушлаб олишга ўзини ўзи мажбур қилиши осмон-у, фалақда қутуриб кетгандай тез учадиган Тилла чаққонни тутиб олишдан ҳам, қийин кечса-я!

Гарри қўлини эндигина узатган эди ҳам-ки, Чу кафтини олиб қочди ва қизиқсинмай, Дэвис билан дугонасининг хатти-ҳаракатларини томоша қилиб ўтирди.

- Агар билмоқчи бўлсанг, анави Рожер тахминан икки ҳафтача олдин мени учрашувга таклиф қилган эди, - паст овозда маълум қилди у.

Қўлининг кескин ҳаракатини қандайдир тарзда изоҳлаш учун Гарри қанддонни ушлаб олишга мажбур бўлди. Қизиқ, нима учун Чу Рожернинг таклиф қилганини айтиб беряпти? Агар у Рожер билан бир-бирини сўриб ўпишиб ўтирмаганига афсус қилаётган бўлса, нима учун мен билан учрашгани келди, хаёлдан ўтказди Гарри.

Индамади. Ҳавода учиб юрган митти малаклардан бири иккаласининг устига бир сиқим конфетти сочиб юборди. Қоғоз бўлақларининг бир нечтаси Гарри ичиб тугатмоқчи бўлган совуқ қаҳвага тушди.

- Ўтган йили эса бу ерга Седрик билан келган эдим, - пичирлади Чу.

Ушбу сўзлар маъноси Гаррининг миясига етиб бориши ҳамоно, юрагини муз қамраб олди.

Жуфтликлар ўпишиб ўтирган, митти малаклар учиб юрган бундай жойда қандай қилиб Седрикни эслаш мумкин?

- Анчадан буюн сендан сўрамоқчи эдим, - деди Чу, нисбатан баландроқ овозда, - Седрик... мен ҳақимда... ўлимидан олдин бирон нима демади-ми?

Гарри нима ҳақда бўлса ҳам, гаплашиб ўтириши мумкин-у, аммо бу мавзуда, устига устак Чу билан, мутлақо гаплашмоқчи эмас.

- Умуман айтганда... йўқ, - қисқа қилди Гарри, - У... улгурмаган бўлар эди. Э-м-м... сен таътилда квидиш ўйинлари томошасига тез-тез бориб турдинг-ми? «Торнадос» жамоасига муҳлислик қиласан чоғи, а?

Унинг овози ясама қувноқ оҳангда эшитилди. Бироқ Чунинг кўзи, худди омела остида бўлгандай, ёшга тўлди.

- Қулоқ сол, - деди ноилож Гарри, биров эшитиб қолмаслиги учун Чуга яқин энгашиб, - Кел, ҳозир, шу ерда, Седрик ҳақида эмас бирон-бир бошқа нарса ҳақида гаплашиб ўтирайлик...

Айнан шу таклифни киритмаслик керак эди, шекилли.

- Ўйлаган эдим-ки, - пўнғиллади Чу, кўз ёш тўкиб, - Мени тушунасан... деб ўйлаган... эдим... Мен шу ҳақда гаплашим керак! Сен ҳам... гапиришинг керак... албатта! Ахир... сен... сен... ўз кўзинг... билан кўр... кўргансан-ку!

Оҳ, Худо! Нима бўляпти ўзи, а?! Ҳатто Рожер Дэвис ҳам, ҳўнграётган Чуга қараб қўйиш учун қизининг қучоғидан ажраб чиқди.

- Мен... гаплашиб бўлганман, - пичирлади Гарри, - Рон ва Гермiona билан, лекин...

- Гермiona билан дегин! - бақариб юборди, юзи кўз ёшдан ялтираётган Чу.

Атрофда ўтирган яна бир неча жуфтликлар ўпишишни бас қилиб, ўгирилиб қарашди.

- Мен билан эса гаплашиб бўлмайдим! Эҳтимол, яхшиси биз... биз яхшиси... пулини тўлаб, чиқиб кетганимиз маъқулдир... шунда... шунда сен Гермiona Грэн... Грэнжернинг олдига бемалол бораверасан! Ахир ҳозир сенга шу керк-ку!

Гарри Чуга бақрайганча, серрайиб қолди. Қиз стол устидаги, четига жимжима жияк адипланган сочиқни чангаллаб, ҳўл юзини артишга тушди.

- Чу? - ғудуллади Гарри, Дэвис ўз қизи билан овора бўлиб, Чуга бақрайишни бас қилишини истаб.

- Бор, боравер! - ҳўнгради Чу, сочиқни юзига маҳкам босиб, - Мени нимага таклиф қилдинг, билмайман. Мендан кейин бошқаси билан учрашиш учунми?... Гермionaдан кейин яна нечта учрашувинг бор бугун?

- Сен мутлақо нотўғри тушундинг! - овоз кўтарди Гарри, Чу нима сабабдан аччиқ қилаётганини фаҳмлаб.

Чу шартта ўрнидан турди. Кафеда ўтирган одамлар тек қотиб, тўполонни томоша қилишмоқда.

- Кўришгунча, Гарри, - қичқирди Чу, фожиавий ролларни ўйновчи актриса овозида ва ҳиқиллаганча, чиқиш эшиги томон югуриб, кўчага отилиб чиқди.

Залда ўлик жимжитлик қарор топди. Ҳамминг нигоҳи Гаррида. У столга бир галлеон танга ташлаб, эгнига ёпишиб қолган конфетти тўгаракларини қоқиб ташлади-да, Чунинг изидан кўчага югурди.

Кўчада жала қуймоқда. Чу ҳеч қаерда кўринмайди. Нима бўлганини Гарри тузукроқ тушуниб ҳам, етгани йўқ. Бир ярим соат олдин ҳамма нарса рисоладагидай кечаётган эди-ку.

- Эҳ, аёллар! - деди у, ўзига ўзи, қўлини киссасига солганча, лой кечиб, - Седрик ҳақида гаплашиш нимага керак бўлиб қолди унга, а? Нега доимо ўзини ўзи жонли сув қуйиш шлангасига айлантириб қўядиган нарсаларни эслаб юради?

Гарри ўннга бурилди-да, кўлмаклар сувини сачратганча югуриб, икки дақиқадан сўнг, «Уч сўпурги»га кириб борди. Гермiona билан учрашадиган фурсатга қадар ҳали анча вақт бор.

Гаплашиб ўтирадиган одам топилиб қолар. У кўзини тўсиб қўйган сочини йиғиштириб, бурчакда ёлғиз ўзи маъюс ўтирган Хагридни кўриб қолди.

- Ҳой, салом! - қичқирди Гарри, одам тўла столлар орасидан Хагрид томон амаллаб ўтиб.

Юзида янги тимдаланган, кўкарган жойлар кўринган Хагрид сесканиб кетиб, худди биринчи бор кўраётган каби, пастга, Гаррига, ҳайрон бўлиб қаради.

- Ҳа, сенмисан, - чўзиб кўришди у, - Ишлар қалай?

- Жойида, - алдади Гарри.

Агар аъзойи-бадани жароҳатланган, юзи бахтсиз қиёфа касб этган Хагрид билан солиштириладиган бўлса, чиндан ҳам, шикоят қилишига сабаб йўқ.

- Ўзингдан сўрасак?

- Мен-ми? - сўради Хагрид, - Зўр, Гарри, ажойиб.

У ўлчами сал кам пақирдай келадиган кружкасига қараб, оғир хўрсиниб қўйди. Гарри нима дейишни билмай қолди. Икковлон бироз сукут сақлади.

- Хўш, Гарри, яна битта кемага тушиб қолибмиз-да, а?

- М-м-м... - мубҳам овоз чиқарди Гарри.

- Ҳа... мен доимо шунга таъкидлаб келганман... иккаламиз, икки киши, - ҳикмат қилишга уринди Хагрид, - Иккаламиз ғирт етиммиз. Ҳа... етиммиз...

Давангир кружкасини кўтариб, яхшигина хўплаб олди.

- Хушхулқ оила – катта гап, - давом этди у, - Дадам хушхулқ одам бўлган. Сенинг ота-онанг ҳам, хушхулқ кишилар бўлишган. Ўлиб кетишмаганида ҳаётинг мутлақо бошқача кечган бўлар эди, а?

- Эҳтимол, - ҳушёр тортиб тасдиқлади Гарри, Хагриднинг бугунги мулоҳазалари ғалати кечаётганига эътибор қаратиб.

- Оила, - қовоқ солиб, пўнғиллади Хагрид, - Нима бўлганда ҳам, қон – бу муҳим, жиддий тушунчадир, - деди у, кўзидаги қон аралаш кўз ёшини силтаб ташлаб.

- Хагрид, жароҳатларингни қаердан орттириб келсан, а? - сўради, ўзини тийиб тура олмаган Гарри.

- А? - чўчиб тушди Хагрид, - Қайси жароҳатларни?

- Анави жароҳатларни! - давангирнинг юзига имо қилди Гарри.

- А!... Буми, Гарри, оддий моматалоқ ва шишлар холос. Ишим шунақа, - мураббийча тарзда тушунтириш берди Хагрид.

У кружкасини шартта бўшатиб, столга қўйди-да, ўрнидан турди.

- Кўришгунча, Гарри... омон бўл.

Хагрид маъюс қиёфа ила эшик томон каловланиб, жалага чиқиб кетди. Гарри бахтсиз нигоҳ ила дўстининг изидан қараб қолди. Хагридни нимадир қийнаяпти, у ниманидир бекитяпти, бироқ негадир ёрдам сўрамаяпти. Нима гап? Гарри, ушбу масала юзасидан бафуржа мулоҳаза юритишга улгурмади.

- Гарри! Гарри! Бу ёққа!

Залнинг нариги томонида ўтирган Гермиона унга қўл силтади. Гарри ўрнидан туриб, халойиқ орасидан ўтар экан, етиб боришига бир нечта стол қолганида Гермиона ёлғиз эмаслигига эътибор қаратди. Қизнинг ёнида етти ухлаб, тушига кирмайдиган киши Луна Лавгуд ва... Гермиона очиқдан-очиқ нафратланадиган шахс, у ҳам бўлса, «Башорат-у, каромат газетаси»нинг собиқ мухбири Рита Вритер ўтирибди.

- Эрта келибсан-ми?! - ҳайрон бўлди Гермиона, сурилганча, ёнидан жой бўшатиб, - Чу иккалангиз кам деганда бир соатдан кейин келсангиз керак, деб ўйлаган эдим.

- Чу билан? - қизиқиб қолди Рита, Гаррига кескин бурилганча, бақрайиб, - Қиз бола биланми?

Унинг қўли тимсоҳ терисидан тайёрланган сумка ичига ғайриихтиёрий равишда кириб кетди.

- Минг нафар қиз билан бўлмайдими, - совуқ оҳангда баёнот қилди Гермиона, - Бу масаланинг сизга дахли йўқ. Шундай экан, йиғиштиринг.

Яшил пат-қаламини деярли чиқарган Рита, худди Невиллнинг қуманжири – мимбулюс мимблетония чиқарган қўланса шарбатнинг бир стаканини ичиб юборгандай қиёфа ясаб, зарда ила сумкасини қарсиллатиб ёпиб қўйди.

- Нимани ният қилиб ўтирибсиз? - сўради Гарри, нигоҳини Гермионадан Лунага, Лунадан Ритага олиб ўтиб.

- Сен пайдо бўлиб келишингдан олдин, жажжи мисс Баркамоллик, ушбу масалага ойдинлик киритмоқчи бўлиб турган эди, - жавоб берди Рита, стаканидаги ичимликни хўплаб, - Умид қиламан-ки, у билан гаплашишга ижозат берилади? - сўради у, Гермионага ўқрайганча, мурожаат қилиб.

- Берилади, - пинагини бузмай, ижозат берди Гермиона.

Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ишсизлик Ритага кўп наф келтирмаган кўринади. Бир вақтлар зичлаб гажакланган мураккаб зулфдан иборат соч турмаги энди тилим-тилим бўлиб, осилиб тушган, ҳар бири кам деганда икки дюйм келадиган тирноқларидаги тўқ қизил рангли ялтироқ лак батамом кўчиб кетган, кўзойнагининг гардишидаги сохта бриллиантларнинг муайян қисми тўкилиб кетган.

- Кўҳликкина қизми ишқилиб, Гарри? - оғзининг бурчаги билан аста сўради Рита, стаканидан яхшигина симириб олиб.

- Шахсий ҳаётга оид яна бирон-бир оғиз сўз сўраладиган бўлса, келишувимиз ўз кучини йўқотади! Ваъда қиламан, - дарғазаб оҳангда таҳдид солди Гермиона.

- Яна қанақанги келишув, мисс Баркамоллик? - деди Рита, оғзини кафтининг орқа томони билан артиб, - Келишув ҳақида бирон оғиз сўз айтмагансиз. Мени бу ерга шунчаки таклиф қилдингиз холос. Ҳа, вақти келар ҳали...

Рита чуқур хўрсиниб қўйди.

- Ҳа, вақти келиб, мен билан Гарри тўғримизда қатор-қатор уйдирма ва бўҳтонлар ёзишга улгурасиз, - лоқайд оҳангда жавоб қайтарди Гермиона, - Фақат ўшанда бундай бўҳтонларга қизиқиш билдирадиган одамларни излаб топишингизга тўғри келади.

- Бу йил, шахсан менинг иштирокимсиз ҳам, у ҳақда етарлидан ортиқ бўҳтонлар битилди, - хириллади Рита, стакан узра Гаррига қараб, - Нимани ҳис этдинг? Сенга нисбатан хоинлик

қилинганини-ми? Сени тушуниб етишмаганини-ми? Хафа қилишганини-ми?

- Унинг аччиғи чиқиб юрди, - кескин ва аниқ жавоб қайтарди Гермiona, - У бор гапни сеҳргарлик вазирига айтиб берди. Вазир эса шу қадар нодон эканки, Гаррининг сўзларига бовар қилишга кўрқди.

- Демак, Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши ҳаётга қайтгани ҳақидаги фикрингдан ҳанузгача қайтганинг йўқ, шундайми? - тешиб юборгудай нигоҳини Гаррига қадади Рита, қўлини боз сумкаси томон югуртириб, - Дамблдорнинг тутуриқсиз, яъни Ўзинг-Биласан-Ким ҳаётга қайтгани-ю, бунга ёлғиз Ўзинг гувоҳ бўлганинг ҳақидаги гапларини тасдиқлайсан, шундайми?

- Гувоҳ ёлғиз ўзим эмасман, - ўшқириб берди Гарри, - Мендан ташқари, у ерда яна бир қатор Ўлимдан мириқувчилар бўлган. Исmlарини санаб берай-ми?

- Албатта, - йиртқич ҳайвондек, нафас чиқарди Рита, сумкасини титкилай бошлаб, - Тасаввур қилинг... Йирик шрифт билан битилган сарлавҳа: «Поттер фалончиларни айбламоқда». Кейин бошқа сарлавҳа: «Орамизда юрган Ўлимдан мириқувчилар – Гарри Поттер уларнинг фамилияларини санаб ўтмоқда». Йирик, чиройли фотосуратинг остида эса Гарри, қуйидаги ёзув битилади: «Гарри Поттер, руҳан беқарор ўспирин, Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг қарғишидан омон қолган бола кеча, сеҳргарлар жамиятининг нуфузли фуқароларини Ўлимдан мириқувчилар тоифасига мансуб эканликларида айблаб, жамоатчилик орасида шов-шув кўтарилишига сабабчи бўлди».

Ританинг қўлида Мулоқот пат-қалами пайдо бўлди. Уни эндигина оғзига келтирган эди ҳам-ки, кутилмаганда юзидаги ҳаяжон бир зумда барҳам топиб, Гермionaга куйдириб юборгудай ўқрайди.

- Балким, жажжи мисс Баркамоллик ўхшаш мақола оммавий ахборот воситалари орқали берилишини истамас? - сўради у, пат-қаламини тушириб.

- Аслида, - мулойим овоз-ла, жавоб қайтарди Гермiona, - Ёш мисс Баркамоллик кўзлаган мақсад, айнан шундан иборат.

Рита ҳайрат-ла, Гермionaга бақрайиб қолди. Гарри ҳам, Гермionaга юзланди. Луна эса орзуманд оҳангда «Уэсли – қиролимиз!» қўшиғини хиргойи қилиб, пиёз боши қадалган таёқча билан коктейлини аралаштириб ўтирибди.

- Мақсад шундан иборат? Қандай мақсад? Унинг Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши ҳақидаги гапларини ёзиб олиб, чоп эттиришим-ми?

- Ҳа, мақсад айнан шундан, яъни ҳикоя қандай баён этилса, ўша таҳрирда, бирорта ҳам ҳарфи ўзгартирилмай, чоп этилишидан иборат - тасдиқлади Гермiona, - Ҳикоя сўзма-сўз, истисносиз ёзиб олиниши шарт. У бор гапни батафсил айтиб беради, ўша ерда ўз кўзи билан кўрган Ўлимдан мириқувчиларнинг фамилияларини санаб ўтади, Вольдемортнинг ташқи қиёфасини тавсифлаб беради... э, ўзингизни идора қилиб олсангиз-чи, бу нима деган гап ахир, - деди у, ҳазар қилгандай, сочиқни стол узра Ритага улоқтириб.

Вольдемортнинг исмини эшитиб, ўтирган ўрнида сапчиб тушган журналист аёл қўлидаги ярим стакан вискини ўз устига тўкиб юборди.

- «Башорат-у, каромат газетаси»нинг таҳририяти бундай мақолани қабул қилмайди, - баёнот қилди кўзини Гермionадан узмаган Рита, кир плашини артар экан, - Балким эътибор қаратмагандирсиз, мисс Баркамоллик. Гап шундаки, унинг алжирашларига биров ишонмайди. Ҳамма уни савдойи, деб билади. Агар ҳикоя таҳририга ўзгартириш киритишга изн берилса, бошқа гап...

- Гаррининг томи кетиб қолгани ҳақидаги навбатдаги мақола бизга керак эмас! - эътироз билдирди Гермiona, - Раҳмат, тўйганмиз! Халққа ҳақиқатни айтиб бериш имкони бўлишини истаيمان!

- «Ҳақиқат»га талаб йўқ, - гапни кесди Рита.

- Айтмоқчисиз-ки, бундай ҳикояни «Башорат-у, каромат газетаси» чоп этмайди. Чунки бунга Фуж рухсат бермайди, шундайми?

- Фуж томонидан илгари сүрилайган сиёсат гарови айнан «Башорат-у, каромат газетаси»га боғлиқ, дейилса, аниқроқ бўлади. Бироқ ҳикоя чоп этилгани билан натижа ўзгармас қолади. Шу боис, таҳририят Поттерга оид ижобий мазмундаги мақолани чоп этмайди. Чунки уни ҳеч ким ўқимайди. Гап шундаки, бундай мазмундаги мақола жамиятда қарор топган кайфиятга зид келади. Маҳбусларнинг Азқабандан оммавий равишда қочиб кетгани эса элатимизни қаттиқ даҳшатга солди. Ҳеч ким Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг ҳаётга қайтганига бовар қилишни истамайди.

- Бундан чиқди, одамларга, улар эшитишни истаган нарсалар ҳақидагина ёзиш керак экан-да, шундайми?

Рита қошини кўтариб, қаддини ростлади-да, стаканни охиригача бўшатди.

- Тентак қиз, «Башорат-у, каромат газетаси» таҳририяти томонидан олиб борилайган фаолиятдан кўзланган асосий мақсад – газета савдосининг ҳажмини оширишдир, - совуқ оҳангда баёнот қилди у.

- Дадамнинг фикрича, ўша газета ниҳоятда жирканч газета эмиш, - кутилмаганда гапга аралашди Луна, пиёз шарбатини сўрганча, йирик, бироз ноқис уккиқўзини Ритага чақчайтириб, - Ўзи эса фақат мухлислар ўқиб чиқиши шарт бўлган мақолаларнигина чоп этади. Пул масаласига эса тупурган.

Рита Лунага жирканч нигоҳ-ла, бошдан оёқ разм солиб чиқди.

- Тахминимча, дадамиз, бирон-бир аҳмоқона қишлоқ газетасини чиқарса керак-да, а? - сўради у, - Айтайлик: «Маглар билан эҳтирос-ла, уйғунлашиб кетишнинг йигирма беш усули» ва қишлоқ хўжалиги моллари арзон нархда сотиладиган саналар, шундайми?

- Йўқ, - деди Луна, таёқча санчилган пиёзни муз солинган шарбатга ботириб, - Дадам «Ҳақиқатгўй» муҳаррири.

Рита шу қадар пишқириб юбордики, атрофдагилар ўгирилиб, қараб қўйишди.

- Демак, у, ўз фикрига асосланган ҳолда, мухлислар ўқиб чиқиши шарт бўлган мақолаларнигина чоп этади? - камситиб такрорлади Рита, - Унинг нашрлари боғ ўғитлашдан бошқа нарсага ярамайди.

- Ундай бўлса, сизда, ушбу нашриёт нуфузини ошириш имкони бўлади, - мулойим овоз-ла, таъкидлаб ўтди Гермiona, - Лунанинг сўзларига қараганда, дадаси Гарридан интервью олиб, чоп этиш имконидан ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этар эмиш.

Рита иккала қизга маълум вақт қараб турди-да, хандон отиб юборди.

- «Ҳақиқатгўй»! - қорнини ушлаб олди у, - Ўйлайсиз-ки, агар унинг интервьюси «Ҳақиқатгўй»да чоп этилса, одамлар ишонади.

- Кимдир ишонмайди, албатта, - бир маромда фикр билдирди Гермiona, - Бироқ маҳбусларнинг қочиб кетишига оид «Башорат-у, каромат газетаси» саҳифаларида чоп этилган мақолада мазмунан, кўзга яққол ташланадиган мантиқий узилишлар мавжуд. Назаримда, кўплаб газетхонлар, ушбу ҳодисанинг бошқача талқини бор-йўқлиги юзасидан ўйланиб қолишган. Бинобарин, уларнинг эътиборига муқобил талқин ҳавола этилса... майли... - деди у, Лунага кўз қири билан қараб қўйиб, - Айтайлик, ғайриоддий журнал воситасида бўлса ҳам, танишиб чиқишдан бош тортишмайди.

Рита бошини ён томон ташлаб, сукут сақлаганча, Гермionaга қараб қолди.

- Яхши, фараз қилайлик, ёздим мақолани. Қанча ҳақ оламан? - сўради у, ниҳоят.

- Дадам, одатда, мақола муаллифларига ҳақ тўламайди, - деди Луна, уйқуси келаётган киши овозида, - Мақолаларининг журналимиз саҳифаларида чоп этилишининг ўзи буюк шараф эканлиги ва албатта... матбуотда муаллифлар қаторида ўз фамилияларини кўриш учунгина ишлашади, улар.



Ританинг юзи боз қўланса шарбат уриб олган киши қиёфасини касб этиб, Гермionaга юзланди.

- Яъни мен, бепул ишлашим керак, шундайми?

- Умуман айтганда, ҳа, - хотиржам жавоб берди Гермiona, стаканини кўтариб, - Рад этадиган бўлсангиз, мен, ўзингиз тушунасиз, расмий рўйхатда қайд этилмаган анимаг эканлигингизни ҳоқимият органларига етказишга мажбур бўламан. Ўйлайман-ки, «Башорат-у, каромат газетаси» таҳририяти Азқабан маҳбусаси ҳақидаги репортаж учун ёмон ҳақ тўламайди.

Ританинг юзидан ўз стаканидаги қоғоз соябончани Гермionанинг бурнига сўқиб юбориш имкони учун бор нарсасини беришга шай эканлигини уқиб олса бўлади.

- Тўғри тушунган бўлсам, танлаш имконим йўқ, шундайми? - сўради, овози титроқ чиққан журналист.

У сумкасини очиб, пергамент ўрамини чиқарди-да, Мулоқот пат-қаламини кўтарди.

- Дадам жуда мамнун бўлади, - қувонч-ла, гап қистириб қўйди Луна.

Рита жағини маҳкам қисиб олди.

- Хўш? - Гарри томон юзланди Гермiona, - Халққа ҳақиқатни етказишга тайёрмисан?

- Тайёрман, - жавоб берди Гарри, Ританинг пат-қаламини пергамент сиртига теккизганини кўриб.

- Ундай бўлса, бошланг, Рита, - кулиб қўйди Гермiona, стаканининг тубидаги олчани бамайлихотир чиқариб.

## **ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ. КУТИЛМАГАН НАТИЖА**

Лунанинг айтишича, Гарридан олинган интервью «Ҳақиқатгўй» журнали саҳифаларида қачон чоп этилишини билмас эмиш. Журналнинг навбатдаги сонида дадасининг режасига мувофиқ катта ҳажмли, жуда қизиқ масала – буришиқ шохли стеклопларга яқинда дуч келган одамларнинг шоҳидликлари босилар экан.

- Бундай ҳикоялар ўта муҳим аҳамиятга эга бўлгани боис, Гаррига, журналнинг кейинги сонларини кутишга тўғри келади, - фикрини яқунлади Луна.

Вольдемортнинг ҳаётга қайтган кунини такрор эслаш Гаррига осон кечмади. Рита Вритер ҳодиса тафсилотларига катта қизиқиш билдириб қолиб, савол кетидан савол ёғдирганча, батафсил ёзиб борди. Гарри ҳам, ҳавола этилган бундай имкониятдан унумли фойдаланиши лозимлигини тушунган ҳолда, хотирасига зўр берди. Қизиқ, унинг ҳикоясини одамлар қандай қабул қилар экан, а? Умуман айтганда, аксарият одамлар, унинг ақли ноқислигига яна бир бор ишонч ҳосил қилишига Гарри шубҳа қилмайди, албатта. Негаки, мақола, аллақандай буришиқ шохли стеклопларга оид ғирт бемаъни ҳикоялар чоп этиладиган журналда чиқади. Шунга қарамай, Беллатрикс Лестранг ва унинг ҳамтовоқлари қамоқдан қочиб кетишгач, Гарри уларга қарши бирон-бир ўхшаш чора кўришни жуда истамоқда. Бундан нима чиқишини Худо билади...

- Амбрижнинг «босилиб чиқишинг»га нисбатан қандай муносабат билдиришини ўз кўзим билан кўришни жуда истайман, - деди Дин, душанба кунги кечки овқат маҳалида.

Интервью берилганини эшитган Дин ниҳоятда ҳаяжонланиб кетди. Унинг нариги томонида ўтирган Симус, товук ва дудланган чўчқа гўшти аралашмасидан тайёрланган пирогни зўр иштаҳа билан паққос уриб ўтирар экан, сўхбатни ҳам, диққат-эътибор ила тинглаётгани сезилиб турибди.

- Жуда тўғри иш тутибсан, Гарри, - фикр билдирди Невилль ва ранги оқариб бўлса ҳам, аста пичирлаб сўради: - Барини... қайтадан эслаш... оғир кечган бўлса керак, а?

- Ҳа, - пўнғиллади Гарри, - Лекин одамлар Вольдеморт нимага қодир эканлигини билиб қўйиши керак.

- Албатта, - бош ирғиди Невилль, - Ва нафақат Вольдеморт, балки унинг малайлари ҳам... ҳамма билиши керак...

Невилль фикрини охиригача етказишни истамай, тоблаб пиширилган картошка билан шуғуллана бошлади. Симус нигоҳини кўтарди-ю, Гаррининг нигоҳи билан тўқнаш келгач, боз ликопига қараб олди. Кўп ўтмай, Дин, Симус ва Невилль «Гриффиндор» минораси томон йўл олишди. Гарри билан Гермиона эса квидиш машқидан ҳали қайтмаган Ронни кўтиб қолишди.

Катта Залга Чу Чэнг, ўз дугонаси Мариэтта билан кириб келди. Гаррининг қорин соҳаси шу заҳоти уюшиб қолди. Чу эса Гарри томон қиё ҳам боқмай, орқа ўгириб ўтирди.

- Айтгандай, ораларингдан бирон гап ўтди-ми? - сўради Гермиона, «Равенкло» столи томон қараб қўйиб, - Нима учун учрашувдан эрта қайтдинг?

- Билмоқчи бўлсанг... - чўзди Гарри, ўзига товоқ тортиб, ликопига ровочдан тайёрланган сочма пирог солар экан, - Мазмунан, ўша учрашув, учрашув эмас тўб маънода фожиа бўлди.

Гарри Футгапуд хоним кафесида бўлиб ўтган саҳнани батафсил сўзлаб берди.

- ... шундан сўнг, - ҳикоясини якунлади у, пирогнинг охириги ушоғини оғзига солиб, - Ўрнидан ирғиб турди-да: «Кўришгунча, Гарри», деганча, эшик томон отилиб, кўчага чиқиб кетди!

Гарри қошиқни қўйиб, домангир қиёфа ясаганча Гермионага юзланди.

- Қани айт-чи, Гермиона, қиз боланинг бундай хулқини қандай тушуниш керак? А?

- Оҳ, Гарри, Гарри, - маъюс бош чайқади Гермиона, - Мени маъзур санайсан-у, жуда кўпол адабсизликка йўл қўйибсан.

- Мен? Адабсизликка? У-чи? - эътироз билдирди Гарри, - Ҳаммаси рисоладагидай кечаётган эди. У эса кутилмаганда Рожер Дэвис учрашувга таклиф қилганини айтиб, ўша аҳмоқона кафега бир вақтлар Седрик билан қучоқлашиб ўтириш учун ташриф буюргани ҳақида сўзлай бошлади!... Бу нима, одобга кирадими? Ичимдан нималар ўтиши керак эди, унинг фикрича?

Гермиона ёши бир ярим ёшдан ўтган, ўта таъсирчан болачага бирга бир қўшилса, икки бўлишини тушунтиришга мажбур бўлган, сабр тоқати жуда кенг онадек, оддий ҳақиқатни тушунтиришга уринди.

- Учрашув эндигина қизиқ тус олаётган фурсатда томдан тараша тушгандай, мен билан учрашувга боришингни айтмаслигинг керак эди.

- Аммо... лекин... бироқ... - тугилиб қолди Гарри, - Сен ўзинг айтган эдинг-ку, соат ўн иккига етиб боришим, уни ҳам ўзим билан олиб келишимни! Олдинга, ундан сир тутган ҳолда боришим керак эдимиз?

- Бошқача айтишинг керак эди, - деди Гермиона, асабга тегадиган ўша оҳангда, - «Уч супурги»га етиб бориш борасида ваъда беришга жуда бемаврид мажбур қилганимни, ўзинга қолса, боришни истамаслигинг, кунни у билан ўтказишни ният қилганингни айтиб, модомики, аҳвол шундай экан, сенга шерик бўлиб боришни илтимос қилишинг, бирга борса, эҳтимол мендан тезроқ қутулишинг мумкинлигини таклиф сифатида киритишинг керак эди. Ва мени жуда хунук қиз сифатида кўришингни таъкидлаб ўтсанг ҳам, ёмон бўлмас эди, - қўшиб қўйди у, бироз ўйлиниб.

- Лекин сени хунук қиз сифатида кўрмайман-ку, - қошини кўтарди Гарри, ҳайрон бўлиб.

- Гарри, сен баъзан Рондан ўтиб тушасан... гарчи, йўқ, жа у қадар эмас, - хўрсиниб қўйди Гермиона, эшик томон қараб.

Катта Залга бошдан-оёқ лойга беланган, қовоғидан қор ёғилаётган Рон кириб келди.

- Сен бир нарсани тушун... Мен билан учрашишинг кераклигини айтганингда, Чунинг ҳафсаласи пир бўлиб, сени рашк қилишга мажбур қилган. Бу билан сенга қанчалик ёқишини синаб кўрмоқчи бўлган.

- Гап бу ёқда, дегин... - чўзди Гарри, бир нимани фаҳмлаган бўлиб.

Рон иккаласининг қаршисига астойдил жойлашиб, стол устида борки товоқ-ликопларни ўзига тортиди.

- Тикка сўраса бўлмасмиди, - давом этди Гарри, - У кўпроқ ёқадими менга, ё сен?

- Қизлар, одатда, бундай савол беришмайди, - жавоб қайтарди Гермiona.

- Беришлари керак! - ҳиссиёт-ла, ҳикмат қилди Гарри, - Шунда мен, кўпроқ сен ёқасан, деган бўлар эдим. У ҳам, ўз навбатида, Седриги учун боз аза тутмаган бўлар эди!

- Унинг хулқ-атвори оқилона кечган, демоқчи ҳам эмасман, - таъкидлаб ўтди Гермiona, - Ўша фурсатдаги ҳис-туйғуларини изоҳлаб ўтдим холос.

Уларнинг ёнларига Жинна келиб ўтирди. Унинг ҳам афти-ангори акасиникидан қолишмайди.

- Сен «Ўғил болалар учун қизларнинг бемаъни қилиқлари-ю, хулқ-атворида оид изоҳли луғат» ёзишинг керак, - таклиф киритди, картошкани бўлақларга бўлаётган Рон.

- Тўппа-тўғри, - юракдан маъқуллади Гарри, «Равенкло» столи томон ўгирилиб.

Бу пайтда Чу ўрнидан туриб, Гарри томон атайин ўгирилмай, Катта Залдан намоишкорона чиқиб кетди.

- Машқ қалай ўтди? - сўради кўнгли чўккан Гарри, Рон билан Жиннага мурожаат қилиб.

- Жуда ёмон, - пўнғиллади Рон, қовоқ солиб.

- Қўйсанг-чи, - деди Гермiona, Жиннага қараб, - Жа у қадар...

- Ундан-да баттар, - бош ирғиди Жинна, - Машқ охирида Ангелина йиғлаб юборишига сал қолди. Овқатланиб бўлган Рон билан Жинна ювиниш, кийим алмаштириш учун туриб кетишди. Гарри билан Гермiona эса уйга берилган бир олам вазифалар ҳақида ўйлаб, тўс-тўполон кўтарилган умумий меҳмонхонага йўл олишди. Гарри астрономия бўйича берилган янги ситоралар харитаси билан ярим соат шуғулланган эди ҳам-ки, ёнига Фред билан Жорж келди.

- Рон билан Жинна йўқми? - сўради Фред, атрофга аланглаганча, курсини яқинроқ суриб. Гарри бош чайқади.

- Яхши, - деди Фред, - Уларнинг машқини бироз кузатиб ўтирдик. Рақиб билан ўтадиган ўйин давомида ҳаммасини котлет тайёрланадиган қиймага айлантириб қўйишади. Энди жамоа бизсиз жамоа эмас аллақандай бемаънилар гуруҳи.

- Қўйсанг-чи, ошириб юбординг! Жинна ёмон ўйнаётгани йўқ-ку, - деди адолат қилган Жорж, акаси Фреднинг ёнига жойлашиб, - Қачон улгурди бундай чаққон ўйнашни ўрганиб олишга, ҳеч ақлим етмайди. Биз уни ўйнатмасдан, доим қувиб солар эдик.

- У эса олти ёшга тўлган кезларидан буён сизларга билдирмай, саройга кириб, супургиларингизни навбат билан олиб учар эди, - эшитилди Гермionанинг овози, қадимий руналар бўйича дарсликлардан иборат китоб уюми ортидан.

- Шунақа де, - чўзди Жорж, - Ана энди ҳаммаси тушунарли.

- Рон бирорта бўлса ҳам, тўп тўса олдими? - сўради Гермiona, «Сеҳрли иероглиф ва логограммалар» китоби ортидан кўзи кўриниб.

- Умуман айтганда, кузатиб туришганини унутиб қўйган фурсатда ёмон ўйнамайди, - деди Фред, кўзини шифтга қаратиб, - Шанба куни Кваффл Рон томон учиб келаётганида ўйингоҳга тескари қараб олишини халқдан илтимос қиламиз.

У асабийлашганча, оёққа қалқиб, дераза ёнига борди-да, қоронғиликка қараб қолди.

- Квидишсиз, агар билмоқчи бўлсангиз, мактабда қилар ишимиз йўқ, - хулоса чиқарди Фред.

- Имтиҳонлар-чи, - деди Гермiona, гина нигоҳи ила қараб.

- Мен муқаддам айтган эдим, СМЖА бизни қизиқтирмайди, деб, - жавоб берди Фред, - Бадният газаклар тайёр, фасодли чипқондан қандай халос бўлишни ҳам, энди биламиз. Маринадланган булут пайпаслагичларидан қолган сиркамойдан икки томчи томизилса бўлди, олам гулистон. Ли ўргатиб қўйди бизга.

Жорж оғзини катта очиб эснаганча, оқшомнинг булутли осмонига қараб қўйди.

- Ўша ўйин томошасига боришни истайман-ми, йўқ-ми, ўзим билмайман. Анави Заккерайес Смитт жамоамиз пўстагини қоқиб қўйса, нима бўлишини фараз қила оласизми? Ўз жонимга қасд қилиб қўйсам керак.

- Унинг жонига қасд қилган маъқул, - тузатиш киритди Фред.

- Квидишнинг айнан мана шу жиҳати ёмон, - ўзича ғудуллаб қўйди Гермiona, руналарини таржима қилар экан, - Ва мана шу жиҳатлари туфайли коллежларимиз орасида адоват кайфияти қарор топади.

Унинг «Тарабарий изоҳлари»ни топиш учун кўтарилган нигоҳи Фред, Жорж ва Гаррининг еб юборгудай нигоҳларига дуч келди.

- Ҳа, нима? Айнан шундай ҳолат юз беради! - гапини маъқуллаб, туриб олди Гермiona, - Гарчи бу, атиги ўйин бўлса-да!

- Гермiona, - деди Гарри, бошини тебратиб, - Сен киши ҳиссиётлари ва шунга ўхшаш нарсаларни яхши биласан, гап йўқ, бироқ квидиш масаласида ҳеч нарсани тушунмайсан.

- Эҳтимол, - маъюс тасдиқлади Гермiona, боз таржимага киришиб, - Бироқ менинг кайфиятим, сизларнинг табиатингиздан фарқли ўлароқ, Роннинг спорт соҳасида эришган ютуқларига боғлиқ бўлмайди.

Гарри Гермionанинг фикрини маъқуллагандан кўра, ўзини астрономия минорасидан ташлаб юборган бўлар эди-ю, шанба кунги ўйинни томоша қилар экан, квидишга лоқайд бўлиб қолиши учун ҳар қанча тўлашга тайёр эканлигига иқрор бўлди.

Ўйиннинг энг яхши томони – узоқ чўзилмагани бўлди. «Гриффиндор» квидиш жамоаси муҳлисларининг талвасаси йигирма икки дақиқа давом этди холос. Энг ёмон томони нима бўлганини дарҳол айтиш қийин. Ўн тўртинчи тўпни Рон аҳмоқона тарзда ўтказиб юборди.

Тажовузкорни уриб қайтармоқчи бўлган Слопер қўлидаги клюшкеси билан Ангелинанинг оғзига қараб тортиб юборди. Қўлида Квафл билан учиб келаётган Заккерайес Смиттни кўрган Кирк даҳшатдан дод солганча, супургисидан қулаб тушди. Ҳайратланарли жойи шундаки,

«Гриффиндор» атиги ўн очко фарқ билан ютқазиб қўйди холос. Негаки, Жинна, хуффльпупфчиларнинг Сайёди Соммербининг тумшуги остидан Тилла чаққонни тутиб олди. Ўйин эса охир-пировардида 240:230 ҳисоби билан якунига етди.

Ҳамма, худди ҳозиргина дафн маросимидан қайтгандай, умумий меҳмонхонада маъюс ўтирибди.

- Бопладинг, - мақтаб қўйди Гарри.

- Омадим чопди холос, - елка қисди Жинна, - Тилла чаққон сўлжайган, Соммерби эса шамоллаган эди. Чушкириб юборган фурсатда кўзи юмилиб қолди. Ҳа, майли!... Жамоага қайтсанг...

- Жинна, менга умрбод ман этилган, квидиш ўйини.

- Умрбод эмас. Амбриж мактабда ишлаётган вақтда, - тузатиш киритди Жинна, - Фарқи катта.

Қисқаси, жамоага қайтсанг, ўзимни Овчи сифатида синаб кўрмоқчиман. Ангелина билан Алисия мактабни тамомлайди. Мени эса Тилла чаққон кетидан қувиб юргандан кўра, тўп уриш кўпроқ қизиқтиради.

Гарри кўзи билан Ронни қидириб топиб, бурчақда, қўлидаги ҳузур-лаззат шишасини маҳкам сиқиб олганча, тиззасига қараб ўтирганини кўрди.

- Ангелина унга жамоа таркибидан чиқиб кетишга изн бермаяпти, - деди Жинна, худди Гаррининг фикрини фаҳмлаб олгандай, - Қобилияти борлигига ишонч билдираётган эмиш.

Гарри Ангелинадан мамнун, албатта. Бироқ инсонпарварлик нуқтаи назаридан қўйиб юборса маъқул иш бўлар эди. Бечора, бугун ҳам ўйингоҳни кубок ўйинларининг бу йилги етакчи жамоаси саналаётган слизеринчилар томонидан зўр иштиёқ-ла, баланд айтилган «Уэсли – қиролимиз!» қўшиғи остида тарк этди.

- Устидан ҳазиллашиб кулгани тил айланмайди, - деди Фред, бурчақда букчайиб ўтирган қоматга имо қилиб, - Гарчи, овсарлик қилиб ўн тўртинчи тўпни тутта олмаган бўлса ҳам, - иккала қўлини ҳаракатлантириб, сувда сузаётган итга тақлид қилди у, - Майли, ҳазилларимизни яхши кунларга сақлаб қўямиз.

Рон, каловланганча, ётгани кириб кетди. Гарри дўстининг ҳолатини тўғри тушуниб, бироз вақт

Ўтишини кўтди. Агар истаса, майли, ўзини ухлаётган кўйга солиб олсин, хаёлдан ўтказди у. Чиндан ҳам, Гарри юқорига кўтарилганида, Рон ғайриоддий баланд овоз чиқариб, хуррак тортаётган экан.

Гарри ўрнига ётиб, ўйин жараёнини кўз олдидан яна бир бор ўтказиб, эслади. Четда туриб томоша қилгани жуда алам қилди. Жинна ёмон ўйнагани йўқ, лекин Тилла чаққонни эртарақ тутиб олганда... Коптокча Киркнинг болдири яқинида муаллақ осилганча қолган фурсат юзага келган эди... Жинна ўша пайтда саросимага тушиб қолмаганда...

Амбриж ўйингоҳда Гарри билан Гермионанинг олдидан, бир неча қатор нарида ўтирди. Икки-уч маротаба бесўнақай бурилиб, шундоқ ҳам катта оғзини янада кенг йирганча, Гаррига мурдор кулиб қараб ҳам қўйди. Ҳозир унинг турқи Гаррининг кўз олдидан шу қадар яққол тикланди-ки, ғазабдан вужуди қизиб кетди. Уйқуга кетишдан олдин жамики ҳис-туйғулардан халос бўлиши лозимлигини эслади. Снегг буни ҳар сафар, окклуменция бўйича машғулот якунида тайинлагани-тайинлаган.

Гарри тинчланишга уриниб кўрди, аммо Снегг билан Амбриж ҳақидаги ўйлар ғазаб ва алам даражасини кучайтиради холос. Бола иккаласидан ҳам ниҳоятда қаттиқ нафратланади. Рон сохта хуррагини бас қилиб, бир маромда, чуқур нафас ола бошлади. Гаррига эса уйқуга кетиш учун яна анча вақт керак бўлди. Толиққан танаси уйқу сўраб ёлвораётган бўлса ҳам, мияси тиним билмади. Тушига Даркор хона кирди. У ерда профессор Макгонагалл Шотландия волинкасини чаляпти. Невилль билан Сарсабил хоним эса мусиқа остида рақс тушмоқда. Гарри рақсни қувонч-ла томоша қилиб ўтирди-ю, негадир ўрнидан туриб, ДА жамиятининг қолган аъзоларини қидириб кетди... (Шотландия волинкаси – шотландияликларнинг дам билан чалинадиган қадимий чолғу асбоби. Тескари ағдарилган қўй ёки эчки терисидан тайёрланган идиш кўринишига эга бўлиб, унга бешта қувур бириктирилган).

Хонадан чиқиб Томсиз Барнабас тасвирланган гобеленни эмас тошдан терилган яхлит девор ва ҳалқадан ўтказилиб деворга маҳкамлаб қўйилган машъалани кўрди. Гарри бошини аста чап томон бурди. Узоқда, йўлак охирида қора эшик кўринди.

Вужудини ҳаяжон қамраб олган бола ўша томон йўл олди. Негадир бугун ниҳоят ичкарига кира олишига ишончи комил... эшикка яқин бориб, ичкаридан, ўнг томондан таралаётган мовий тусли хира шуълани кўрди... ҳаяжондан нафаси тикилиб қолмоқда... Гарри эшикни ланг очиш учун қўлини узатди...

Ростакамига баланд хуррак отган Рон Гаррини уйғотиб юборди. Ўнг қўлини юқорига кўтариб, юзлаб миля наридаги эшикни очишга уриниб ётганини идрок этди ва айбдорлик ҳисси ила иложсиз туширди. Бу эшикни тушида кўриши мумкин эмас албатта... аммо... ичкарида нима борлигини жуда билмоқчи.

Гарри Рондан аччиқланди. Сал кейинроқ тортса бўлмас эдими, ўша хуррагини.

\*\*\*

Душанба куни эрталаб Гарри, Рон ва Гермиона Катта Залга бойқушлар почта етказган маҳалда кириб боришди. Энди «Башорат-у, каромат газетаси»ни Гермионадан ташқари, яна кўпчилик сабрсизлик-ла кутадиган бўлиб қолди. Қочқин жиноятчилар жамики мактабни қизиқтириб қўйган. Уларни ҳар жойда кўришгани ҳақида хабар бериб борилишига қарамай, Ўлимдан мириқувчилар ҳамон озодликда юрибди. Гермиона бойқушга ҳақ тўлаши билан газетани ёзди. Гарри эса ўзига апельсин шарбатини хотиржамгина қуя бошлади. Йил давомида фақат биттагина хат олган. Шунинг учун бўлса керак, унинг қаршисига дўп этиб қўнган бойқушни кўриб, қандайдир англашилмовчилик сифатида қабул қилди.

- Кимни қидириб келдинг? - сўради у бойқушдан, манзилни ўқиш учун шарбат идишини эринчоқлик билан нари суриб.

Гарри Поттерга, Катта Зал, «Хогварц» мактаби

Қоши чимирилиб кетган Гарри қуш панжасидаги хатни олмоқчи бўлган эди ҳам-ки, қаршисига дўп этиб яна битта бойқуш қўнди... дўп, дўп, дўп... учинчи, тўртинчи, бешинчи бойқуш...

Жониворларнинг ҳар бири хатни биринчи бўлиб топширишга уринмоқда. Галага янги қўшилаётган қушлар суқилиб, бир-бирини туртиб, дастурхондаги ёғни тепалашди, тузни тўкиб юборишди...

- Тинчликми? Нима бўляпти? - ҳайратланди Рон.

Гриффиндорчилар нима гаплигини билиш учун дастурхон устида энгашиб, бошини Гарри томон буришди. Бойқушлар галасига яна еттита қуш келиб қўниб, чириллаб, гурсиллаб, қанот қоқиб уришишмоқда.

- Гарри! - деярли унсиз хитоб қилди Гермiona, қўлини патлар аралашмасига суқиб, бойқушлардан бирини суғуриб олганча, цилиндр шаклидаги жўнатмани ечиб, - Афтидан нима гаплигини биламан... Дастлаб мана бунни очиб кўр!

Гарри жигар ранг қадоқни йиртиб, қувур шаклида зич ўралган «Ҳақиқатгўй» журналининг март ойи сонини очди-да, ёзиб, муқовада ўзининг тентакнамо иржайиб турган фотосуратини кўрди. Сурат остида йирик қизил ҳарфлар билан ёзув битилган:

ГАРРИ ПОТТЕР ГАПИРА БОШЛАДИ.

ИСМИ-ЁДГА-ОЛИНМАСЛИГИ-КЕРАК-КИШИГА ОИД ҲАҚИҚАТ ВА У, ҲАЁТГА ҚАЙТГАН ТУН ҲАҚИДА  
ГУВОҲНИНГ АЖОЙИБ ШОҲИДЛИГИ

- Яхши чиқибди, а? - деди «Гриффиндор» столи ёнига сузиб келиб, Фред билан Роннинг орасига суқилган Луна, - Журнал сони кеча чоп этилди. Бир нусхасини сенга бепул юборишини дадамдан илтимос қилган эдим. Мана бу эса, - деди у, Гаррининг қаршисида бир-бирини туртаётган бойқушлар галасига бармоқ ўқтаб, - Афтидан, журнал мухлисларидан келган хатлар шекилли, а?  
- Мен ҳам шундай, деб ўйлайман, - таъкидлади Гермiona, - Гарри, эътироз билдирмайсан-ми, агар биз...

- Марҳамат, - бош ирғиди шошиб қолган Гарри.

Рон билан Гермiona қушлар келтирган хатларни панжаларидан ечиб олиб, конверт йиртишга киришиб кетишди.

- Хўш... мана бунинг фикрича, томинг анчагина жилиб қолибди, - маълум қилди Рон, қўлидаги хатга тез кўз югуртириб, - Ҳали шунақами?!...

- Мана бу хоним эса Муқаддас Резги касалхонасининг суқитерапия бўлинмасида даволаниб чиқишини тавсия этмоқда, - деди ҳафсаласи пир бўлган Гермiona, иккинчи хатни ғижимлаб.

- Мана бу хат эса ёмон ёзилмаган, - аста маълум қилди Гарри, Пейсли исмли афсунгар аёлдан келган хатни тез ўқиб чиқиб, - Қаранг-а! Менга ишонар экан!

- Мана буниси иккиланмоқда, - деди иштиёқ билан хат ўқиш амалига қўшилган Фред, - Гапига қараганда, сен, у ўйлаганча савдойи эмас экансан... Бироқ Ўзинг-Биласан-Ким ҳаётга қайтганига бовар қилишни истамас, энди қай хаёлга боришни билмай, боши қотган эмиш. Шунча пергаментни увол қилгани қолибди!

- Гарри! Мана, яна бир киши сенга ишонибди, - қувонч-ла, хитоб қилди Гермiona, - Эшит: «Сизнинг интервьюнгизни ўқиб, «Башорат-у, каромат газетаси» биз газетхонларга нисбатан адолатсиз муносабат кўрсатаётгани ҳақида хулоса чиқардим... Ҳа, Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кешининг ҳаётга қайтганига ишонишни истайман, бироқ Сиз, ҳақиқатни баён этганингизни тан олишга мажбурман»... Зўр-ку!

- Хўш... мана бу амакининг фикрича, сен ҳалигидақа экансан, - деди Рон, ғижимланган хатни

елкаси орқали орқасига улоқтириб, - Аммо мана бу хола эса... сени ҳақиқий қаҳрамон, деб билар экан... сен уни ўз маслагинга эътиқод қилдира олибсан... Ие, фотосурати ҳам бор экан... Вой-бўй, қоматини қаранг уни!

- Нима бўляпти бу ерда? - эшитилди мулойимгина қизча овози.

Қўлига бир олам хат ушлаган Гарри нигоҳини кўтарди. Фред билан Лунанинг орқасида бойқуш галаси-ю, хатлар уюмига диққат билан қараб турган Амбриж кўринди. Унинг орқасида эса ўнлаб ўқувчилар бўлаётган ҳодисани қизиқиб томоша қилишмоқда.

- Қаердан келди сизга шунча хат, мистер Поттер? - бир маромли овоз-ла, сўради Амбриж.

- Хат олиш жиноятми? - эътироз билдирди Фред.

- Хушхулқ бўлинг, мистер Уэсли, акс ҳолда сизни жазога тортишга мажбур бўламан, - деди Амбриж, - Хўш, мистер Поттер?

Иқрор бўлиш керакми, йўқми, Гарри иккиланиб қолди. Яширишдан маъни йўқ. Бири-бир «Ҳақиқатгўй»да чоп этилган интервьюсидан Амбриж кўп ўтмай, хабар топади.

- Ўтган июнь ойида бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида мен берган интервьюни ўқиган одамлардан келган хатлар бу, - тушунтириш берди ниҳоят Гарри.

Тушунтириш берди-ю, негадир шу заҳоти ўқитувчилар столи томон қараб, Дамблдор эндигина ундан кўзини олиб қочганини пайқаб қолди. Энди директор профессор Флитвик билан қизиқ суҳбат қуриб ўтирибди.

- Интервью? - деярли чийиллаб юборди Амбриж, - Нимани назарда тутяпсиз?

- Мухбир менга савол бергани, мен эса жавобларимни, оқизмай-томизмай батафсил берганимни назарда тутяпман, - деди Гарри, - Мана, марҳамат...

Гарри журнал сонини Амбрижга улоқтирди. Бақа-аёл журнални тутиб олиб, муқовага қаради.

Унинг рангпар, солқиган юзида бинафша тусли жуда хунук доғлар кўрина бошлади.

- Қачон бердингиз, ушбу интервьюни? - сўради у, бироз титроқ эшитилган овозда.

- Хогсмёдга сафар уюштирилган куни, - жавоб берди Гарри.

Амбриж ғазабдан оқариб кетган ҳолатда болага бақрайиб қолди. Унинг ёғли, калта бармоқларидаги журнал титрамоқда.

- Энди сиз Хогсмёдга чиқмайсиз, мистер Поттер, - пишиллади у, - Нима ҳаддингиз бор?... Қандай журъат этдингиз?... - ўпкасини ҳавога тўлдирди Амбриж, - Ёлғон гапирмасликни ўргатган эдим-ку, сизга? Афтидан дарсим кор қилмаган кўринади, сизга, а? «Гриффиндор»дан эллик балл айрилади. Шахсан сизга эса мистер Поттер, бир ҳафтали жазо тайинланади.

«Ҳақиқатгўй»ни кўкрагига босиб олиб, титраганча нари кетган Амбрижни мактаб ўқувчилари нигоҳ-ла кузатиб юборишди.

Кун ярмига келиб, нафақат умумий меҳмонхоналардаги эълонлар тахталари, балки хизмат хоналари, қаср йўлаклари ва умуман, жамики мактаб ҳудудига ман этиш плакатлари маҳкамланди.

«ХОГВАРЦ» БОШ ИНСПЕКТОРИНИНГ ФАРМОНИ БИЛАН

Ёнида «Ҳақиқатгўй» журнали топилган ҳар қандай ўқувчи зудлик билан мактабдан ҳайдалади.

Мазкур фармон 27- сонли таълим тўғрисидаги декрет асосида чиқарилди.

Имзо: Долорес Жеймс Амбриж, «Хогварц» бош инспектори.

Плакатларга кўз югуртириб чиққан Гермiona аллақандай сирли сабаб ила севиниб, яшнаб кетди.

- Нимадан хурсанд бўляпсан? - қизиқди Гарри.

- Наҳотки тушунмаётган бўлсанг, Гарри? - хитоб қилди Гермiona, - Журнални ман этиш-а! Ахир бу, Амбриж ўйлаб топиши мумкин бўлган энг яхши нарса-ку! Энди сен берган интервьюни жамики мактаб ўқиб чиқиши муқаррар!

Гермиона мутлақо ҳақ экан. Кун давомида Гарри «Ҳақиқатгўй»нинг нишонасини ҳам кўргани йўқ, лекин журналистнинг саволларига берган жавобларини энди ҳамма жойда, хусусан, хизмат хоналарининг рўпарасидаги йўлакларда, машғулотлар жараёнида, тушлик давомида ва ҳаттоки, Германионинг сўзларига қараганда, ҳожатхона бўлмаларида иқтибос келтирилмоқда. Қадимий руналар бўйича дарсга кириб кетишдан олдин қизлар хонасига кирган Германиона, ҳар хил бўлмаларда ўтирган қизлар мақолани қизгин муҳокама қилишганини эшитибди.

- Улар мени кўриб қолиб, сен билан шахсан таниш бўлганим боис, саволларга кўмиб ташлашди, - сўзлаб берди, кўзи ярқираб кетган Германиона, - Биласанми, Гарри, назаримда, қизларнинг ҳаммаси сенга ишонади. Чиндан ҳам, ўйлашимча, сен уларни ишонтира олдинг!

Профессор Амбриж мактаб бўйлаб юрар экан, ҳар қадамда «Ҳақиқатгўй» қидирди. Дуч келган ўқувчини тўхтатиб, юк халтасидан дарсликларини чиқаришни буюриб борди. Аммо мактаб ўқувчилари анча айёр ва омилкор бўлиб чиқди. Журнал саҳифалари сеҳрланган бўлиб, беҳабар кишининг кўзига ёзиб тўлдирилган дафтар варақлари ёки оддий оқ қоғозга ўхшаб кўринади. Кун охирига етмай, мактабда мақолани ўқиб чиқмаган одам қолмади.

Йигирма олтинчи сонли декрет билан ўқитувчиларга мақолани муҳокама қилиб, фикр билдириш ман этилган, лекин улар, ушбу мақолага нисбатан шаклланган муносабатларини маълум қилишнинг ўзига хос усулларини топа олишмоқда. Чунончи, профессор Сарсабил хоним «Гриффиндор» коллежига Гарри унга гулчелакни узатиб юборгани учунгина, йигирма балл қўшиб юборди, профессор Флитвик дарс якунига етгач, Гаррига бир қути чийиллайдиган шакар сичқон ҳадя этиб: «Жим» деганча, нари қочиб қолди, профессор Трелани эса дарсда ҳўнграб, Амбрижни домангир қилганча, синфни лол қолдириб, Гаррига бевақт ўлим таҳдид солмаётгани, вақти етиб, сеҳргарлик вазири лавозимига сайланиши, узундан-узоқ умр кўриб, ўн икки нафар фарзанд отаси бўлишини эълон қилди.

Аммо энг катта тўхфага, Гарри, эртаси кун, йўлакда югуриб кетаётганида эга бўлди. Кутилмаганда уни Чу тўхтатиб қолиб, эсини йиғиб олишига улгурмай, қўли қиз қўлининг сиқивуга кириб қолди.

Юзини Гаррининг юзига яқин келтирган Чу қўлоғига пичирлади:

- Мендан хафа бўлма, илтимос, хафа бўлма. Анави интервью... Сен шундай жасурсан-ки... мен роса йиғладим...

Қиз яна кўз ёш тўккани ачинарли, албатта, бироқ икковлон ярашиб олишди-ку! Шундан сўнг, Чу, Гаррини ўпиб қўйди-да, тез қочиб қолди. Йигит қувончининг чеки йўқ. Кўзига бундан ортиқ бахт бўлиши мумкин эмасдек кўринди, лекин бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани хонасининг рўпарасида Гаррининг олдига, қаранг-а, Симус келди.

- Мен... айтмоқчи эдим-ки... - эзилди у, кўзини Гаррининг чап тиззасидан узмай, - Сенга ишонаман. Анави журнални эса ойимга юбордим.

Куннинг иккинчи ярмида, Гарри, кутубхонада, шериклари билан ўтирган Малфойни кўриб, бахтли мутлақ бўлди. Малфой, Краббе, Гойл ва яна аллақандай рамақижон слизеринчи, Германионинг пичирлаб маълум қилишича, Теодор Нотт, бошларини ҳам қилиб ўтирганча, бир-бирига яқин келиб, энгашиб олишган. Гарри токча ёнига бориб, қисман кўринмай қолишга оид китоб қидирди. Малфой бошчилигидаги кам сонли тўда баравар ўгирилди. Гойл таҳдид солганча, бармоқ суюқларини қирсиллатиб қўйди. Дарғазаб қиёфа касб этган Драко эса Краббега алланима пичирлади. Бундай хулқ сабаби Гаррига тушунарли, албатта. Ахир Гаррининг саъй-ҳаракати ила энди уларнинг оталари Ўлимдан мириқувчилар сафига киришини ҳамма билади.

- Энг асосийси, - мамнуният-ла, пичирлади Германиона, кутубхонадан чиққач, - Анави галварслар бирон-бир далилни рад этишга журъат эта олишмайди. Интервьюни ўқишганига иқрор бўлиш мумкин эмас-ку, ахир!

Қувончли кайфият мустаҳкам бўлиши учун атайин қилингандай, кечки овқат давомида Луна, «Ҳақиқатгўй»нинг бирорта сони ҳали бу қадар тез тарқалмаганини маълум қилди.



- Дадам журнал сонини қўшимча чиқараётган экан! - деди у, кўзи чаноғидан чиқиб кетар ҳолатга келиб, - Интервьюнинг буришиқ шохли стеклоларга оид мақоладан ҳам қизиқ чиққанидан дадам ҳайрон!

Ўша оқшом Гарри «Гриффиндор» коллежининг умумий меҳмонхонасида бош қаҳрамон бўлди. Фред билан Жорж доворяклик намоён этганча, «Ҳақиқатгўй» муқовасини махсус тилсим воситасида катталаштириб, деворга осиб қўйишди. Гаррининг йирик боши умумий хушчақчақликни кузатиб турар экан, вақти-вақти билан «ВАЗИРЛИК ХОДИМЛАРИ – ТАКАЛАР!» ёки «УНДАН КЎРА ГЎНГ ТИТГАНИНГ ЯХШИ ЭМАСМИ, АМБРИЖ» каби сўзларни бақирмоқда. Гермiona, буларнинг бари кулгили эмаслиги, фикр-хаёлини йиғиб олишга халал бераётганини айтиб, жанжал кўтарди. Охири аччиқ қилиб, ухлагани кириб кетди. Икки соатдан сўнг, сурат гапиртириш тилсими ўз кучини йўқота бошлаб, плакат у қадар қизиқ бўлмади қолди. Энди унинг овози ингичкалашиб, аҳён-аҳён «ГЎНГ», «АМБРИЖ» сўзларини талаффуз этмоқда холос. Тўполондан чарчаган Гаррининг боши оғриб, чандиғи симилламоқда. Шу боис, интервью ҳақида гапириб беришни Худо билади неча маротаба сўраган гриффиндорчиларнинг домангир қичқириқлари остида, ухлагани кириб кетди.

Ётоқхонада ҳеч ким йўқ. Гарри каравоти яқинидаги дераза ойнасига пешонасини босиб олганча, бир пас турди. Муздай шиша оғриқни бироз енгиллаштиргандай бўлди. Кийимини ечиб, оғриқ қолишини орзу қилганча, кўрпасига кириб ётди. Кўнгли беҳузур бўлмоқда. Ёнбошига ётиб, кўзини юмди-да, деярли шу заҳоти ухлаб қолди...

Тушида пардалари тортилган, биттагина шамдон ёниб турган қоронғи хонада кўрди ўзини. У кресло ортида, қора бахмал қопланган сўянчиққа қўлини қўйиб олган. Бахмал устидаги узун ва умрининг аксарият қисмини ер остида ўтказганидан далолат бераётган каби, сўяқдай оппоқ бармоқлари кўзга яққол ташланмоқда. Панжаси худди йирик, танаси рангсиз ўргимчакка ўхшайди...

Кресло рўпарасидаги ёруғлик тўгарагида эгнига қора коржома кийган киши тиз чўкиб ўтирибди.

- Демак, менга нотўғри ахборот берилган, - гап бошлади Гарри, баланд, совуқ, ғазабдан титроқ эшитилаётган овоз билан.

- Соҳиб, ўтинаман, бир қошиқ қонимдан кечинг, - хириллади полда ўтирган, қора сочида шам шуъласи кўринган киши, дағ-дағ титраб.

- Сени ҳеч нимада айблаётганим йўқ, Гадвуд, - деди Гарри, ўша совуқ, бешафқат овози ила.

У креслони айланиб ўтиб, қоронғиликда қолганча, тиз чўкиб ўтирган кишига яқинлашди ва ўзининг бўйига нисбатан анча юқоридан пастга қаради.

- Чиндан ҳам, шундай ҳолат юзага келганига ишончинг комилми? - сўради Гарри.

- Комил, милорд, комил... Ҳар қалай мен, ўша бўлимда ишлаганман сўнг... сўнги вақтда...

- Бедоу олиб чиқиши мумкинлигига Эйвери ишонтирган эди.

- У олмаган соҳиб... Олишнинг иложи йўқлигини Бедоу, афтидан билган... Фикримча, айнан шу боис ҳам, Малфой томонидан қўлланилган Қарам қилиш қарғишига қаршилик кўрсата билган...

- Тур ўрнингдан, Гадвуд, - вишиллади Гарри.

Тиз чўкиб ўтирган кас ўрнидан шу қадар тез турдики, қулаб тушишига бир баҳя қолди. Унинг юзидаги чандиқлар шам нурида яққол кўринди. Гадвуд қаддини охиригача ростлашга журъат этмай, беўхшов ҳолатда турганча қолиб, юраги, Гаррининг юзига қарашга аҳён-аҳён бетламоқда холос.

- Бу гапни менга айтиб, тўғри қилдинг, - деди Гарри, - Жуда тўғри... Бундан чиқди, бир олам вақтимни мутлақо бефойда ишларга сарф этибман-да... майли, ҳеч қиси йўқ... бошидан бошлаймиз. Лорд Вольдеморт сендан миннатдор, Гадвуд...

- Милорд... ташаккур, милорд, - хириллади, енгил тортгани яққол сезилган Гадвуд.

- Ҳавола этиладиган ҳар қандай ахборот ила ёрдаминг керак бўлиб қолиши мумкин.

- Албатта, милорд, албатта. Амрингиз вожиб.

- Жуда яхши... бўшсан. Эйверини юбор ҳузуримга.

Гадвуд чиқиш эшиги томон орқа юриб, таъзим айлаганча, кўздан ғойиб бўлди. Гарри девор томон ўгирилди. Унга маҳкамланган эски, доғ босиб, дарз кетган кўзгу нимқоронғиликда базўр кўринмоқда. Гарри кўзгу томон одимлади. Акси тобора катталашиб, аниқлашмоқда... юзи суякдай оппоқ... қип-қизил кўзининг қирқими...

- Йўўўўўқ!

- Яна нима бўлди? - эшитилди кимнингдир яқин туриб бақиргани.

Гарри ётган ўрнида паррак сингари айланиб, чодир пардасига ўралашганча, полга қулаб тушди. Қаерда ётганини дастлаб англамади-ю, ҳозир қоронғиликдан чиқиб келадиган бош суягига ўхшаш башарани яна кўришга ишончи комил бўлди. Лекин ундай бўлмади. Ёнгинасида Роннинг овози эшитилди.

- Бир пас пилдирамай турсанг-чи, бўшата олмаяпман сени!

Рон пардани бир ёқли қилгач, Гарри, дўстининг ой нури ёритган юзини кўрди. Белида ётар экан, чандиғи оғриқ зўридан ёрилиб кетай деяпти. Охиригача ечилмаган коржомаси бир елкасида осилиб қолган Рон, афтидан ётиб ухлашга ҳозирланган.

- Нима гап? Яна кимгадир ҳамла қилинди-ми? - сўради Рон, оёққа туриб олиши учун Гаррига ёрдам берар экан, - Дадамгами? Яна илонми?

- Йўқ... ҳамма соғ-саломат... - хириллаб нафас чиқарди, пешонаси ёнаётган Гарри, - Фақат...

Эйвери... катта холасини Учқўрғонда кўради, шекилли... Нотўғри ахборот бергани учун...

Вольдеморт ғазабдан қутуриб кетган...

Гарри инграб, аъзойи-бадани титраганча, пешонасини уқалаб, толиққан ҳолатда каравотга ўтириб олди.

- Йўл қўйилган аллақандай хатони Гадвуд тузатадиган бўлди... у тўғри йўлдан бора бошлабди.

- Нима деяпсан? - чўчиб кетди Рон, - Ўзинг-Биласан-Кимни кўрдинг-ми?

- Кўрмадим, бўлдим, - жавоб берди Гарри, қўлини юзига, оппоқ, ўргимчак панжасига ўхшаб қолмаганига ишонч ҳосил қилиш учун, яқин келтириб, - Ўзинг-Биласан-Ким ўз ҳузурига Гадвудни чақиртирган. У анави қочқин Ўлимдан мириқувчилардан бири, эслайсан-ми? Ўша Гадвуднинг айтишича, Бедоу тегишли ишни бажара олмаган.

- Қайси ишни?

- Ниманидир олиб чиқиш керак бўлган... Гадвуднинг айтишига қараганда: «Олишнинг иложи йўқлигини Бедоу, афтидан билган». Тўғри тушунган бўлсам, Қарам қилиш қарғишини Бедоуга нисбатан Малфойнинг отаси қўллаган.

- Бедоуга нисбатан, у бир нарсани олиб чиқиши учун қарғиш қўллаган? - хитоб қилди Рон, - Гарри, эҳтимол ўша нарса...

- Ҳа, Рон, қурол, - фикрни охирига етказди Гарри.

Ётоқхонанинг эшиги ланг очилиб, Дин билан Симус кириб келди. Гарри оёғини тез каравотга ташлади. Яна бирон-бир ғалати кор-ҳол юз берганини кўрсатиш шарт эмас. Симус Гаррининг савдойи эмаслигига ниҳоят ишонч ҳосил қилди-ку, ҳар қалай...

- Демак, сен бугун, - сўради Рон, ўзини сув ичаётган кўйга солганча, Гаррига яқинлашиб, - Ўзинг-Биласан-Ким бўлибсан-да, а?

- Ҳа, - пичирлади Гарри.

Бўғзига сув тиқилган Роннинг кўкрагига ҳўл бўлди. Шовқин солиб ечинаётган Дин билан Симус буни пайқашмади.

- Гарри, - хулоса қилди Рон, - Сен бор гапни...

- Бировга айтишим шарт эмас, - шартта кесди Гарри, - Окклюменция билан дурустроқ шуғулланиш керак эди. Ўшанда, эҳтимол, бугунги тушни кўрмаган, бундай бемаъниликни муҳосара қила олган

бўлар эдим. Ҳар қалай, улар шуни исташади мендан.

«Улар» сўзи остида Гарри Дамблдорни назарда тутди, албатта. У Ронга орқа ўгириб, астойдил жойлашиб олди. Бироздан сўнг, қўшни каравотнинг ғичирлаганини эшитди. Рон ҳам ухлашга аҳд қилган, шекилли. Чандиқ яна қизимоқда. Гарри, инграб юбормаслик учун ёстиқнинг бурчагини маҳкам тишлаб олди. Айти фурсатда Эйвери жазога тортилаётганини у яхши билади.

\*\*\*

Сухбатни биров пинҳон эшитиб қолишини хоҳламаган Гарри билан Ронга Гермиона билан гаплашиб олиш учун биринчи танафусни кутишга тўғри келди. Учовлон салқин, енгил шамол эсаётган ҳовлига чиқиб, ўзлари ёқтирадиган бурчакка туриб олди. Гаррининг батафсил баён этилган тушини тинглаган Гермиона узоқ сукут сақлаганча, ғалати қизиқиш ила ҳовлининг нариги томонида яширинча бош кийим сотаётган бошсиз Фред билан Жоржни томоша қилиб турди.

- Нима сабабдан ўлдирилгани, мана энди аён бўлди, - ғудуллади у, нигоҳини эгизаклардан узиб, - Бедоу қуролни ўғирламоқчи бўлган-у, қандайдир тушунарсиз ҳолатга тушиб қолган. Афтидан, ҳеч ким қўл теккиза олмаслиги учун, хусусан қуролнинг ўзи ёки унинг атрофидаги макон қудратли қарғиш воситасида муҳофаза қилинган. Шу боис, Бедоунинг томи жилиб, тилдан қолган. Бироқ... Табиб аёлнинг сўзлари эсингиздами? Соғлиги тиклана бошлаган. Катта хавф туғдирадиган бундай ҳолатнинг юзага келишига эса улар йўл қўя олишмаган. Агар тўғри тушунган бўлсам, Бедоу кучли руҳий ларзага дучор бўлгани боис, Қарам қилиш қарғишининг таъсири барҳам топган! Кейинчалик, нутқи батамом тиклангач, юз берган жараёнларни сўзлаб бериши мумкин бўлган хавф туғилган. Қуролни ўғирлаб чиқиш вазифаси қўйилганлиги ҳаммага маълум бўлиб қолар эди. Қарғишни Люциус Малфой қўллаган, албатта. Унинг вазирликка ташриф буюрмаган куни бўлмаса керак!

- Ишим интизомий жиҳатдан муҳокама қилинган куни ҳам, ўша ерда эди у, - тасдиқлади Гарри, - Шошманг... биз уни Сирли сеҳр бўлимига олиб борадиган йўлакда учратганмиз! - қўшимча қилди у, - Даданг ўшанда суд қарорини шахсан билиш ниятида келган бўлиши мумкин, деган фикрга борган эди, бироқ... мабодо, у...

- Стуржис! - даҳшат-ла оҳ уриб юборди Гермиона.

- Нима, Стуржис? - ҳайрон бўлди Рон.

- Уни... Аллақандай эшикни бузиб киришга уринаётганида қўлга олишган! Демак, Малфой, уни ҳам қарам қилган! Айнан сизлар кўрган куни, Гарри! - фикр билдирди Гермиона, базўр эшиттириб, - Стуржиснинг қўлида Ўйноқўзнинг кўринмас плаши бўлган, шундайми? Кўринмас ҳолатда эшик ёнида турган. Бехосдан қимирлаб қўйган бўлиб, Малфой уни сезиб қолган бўлса-чи? Эҳтимол у, Қарам қилиш қарғишини эшик ёнида соқчи бор-йўқлигини текшириб кўриш мақсадида, таваккал қўллаб кўргандир? Шундан сўнг, илк имкон туғилиши билан, мисол учун, пастда туриш навбати яна келганда, Стуржис бўлимга кириб, Вольдеморт учун... бас қил, Рон... қурол ўғирлаб чиқмоқчи бўлган-у, қўлга тушиб қолиб, Азкабанга қамалган.

Фикрини яқунлаган Гермиона Гаррига қаради.

- Гадвуд Вольдемортга қуролни қандай қилиб қўлга киритиш мумкинлигини айтиб берди-ми?

- Сухбатни бошидан эшитганим йўқ, лекин, афтидан, шунақага ўхшайди, - жавоб берди Гарри, - Гадвуд қамалишидан олдин ўша бўлимда ишлаган... Энди Вольдеморт унинг зиммасига тегишли топшириқ ижросини юклаши мумкин бўлса керак, а?

Ўйланиб қолган Гермиона бош ирғиб қўйиб, кутилмаганда баёнот қилди:

- Сен буларнинг барини кўрмаслигинг керак эди, Гарри!

- Нима? - тушунмади Гарри.

- Ахир онгингни ўхшаш нарсалардан муҳосара қилишни ўрганияпсан-ку, сен, Гарри, - деди Гермиона жуда жиддий оҳангда.

- Ўрганяпман, - тасдиқлади Гарри, - Бироқ...

- Демак, бу тушни унутишимиз керак, - қатъий оҳангда гапни бўлди Гермиона, - Сен эса шу бугундан эътиборан окклуменцияга икки ҳисса кўпроқ куч сарф этишинг лозим.

Гаррининг шундай аччиғи чиқдики, кўни бўйи Гермиона билан гаплашмай қўйди. Умуман айтганда, кўни муваффақиятли ўтди, деб ҳам бўлмади. Негаки, энди, қочқин жиноятчилар муҳокамасидан кейинги мавзу гриффиндорчиларнинг «Хуффльпуфф» жамоасига шармандаларча ютқазиб қўйгани бўлди. Ҳамма жойда слизеринчилар томонидан ўкириб айтилаётган «Уэсли – қиролимиз!» қўшиғи янгради. Кўн ботар маҳалда эса тўполондан қутуриб кетган Филч махсус фармон чиқартириб, қаср йўлакларига, ушбу қўшиқ ижросини ман эттирди.

Кўнлар кетидан кўнлар ўтаётган бўлса ҳам, аҳвол яхшиланмади. Гарри сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани бўйича икки маротаба «Д» баҳосини олди, Хагридга ичи ачиб, туши ҳақида ўйлаб юрди. Лекин энди кўрган тушларини дўстларига, Гермионадан яна танбеҳ-дашномлар эшитмаслик учун айтмай қўйди. Қани энди Сириус билан муҳокама қила олса... Йўқ, мумкин эмас. Бунга йўл қўйиб бўлмади. Минг уринмасин, тушларини миясидан чиқариб юборишга муваффақ бўлмади. Уларни онгининг тубига бекитиб ташлашга уринди.

Минг афсуски, онгининг тубини ҳам, илгаригидай, ишончли жой, деб бўлмади энди.

- Тур ўрнингдан, Поттер.

Ўша тушдан кейин, тахминан икки ҳафта ўтди. Гарри Снегнинг хизмат хонасида яна тиз чўкиб, бошини силтаганча, ўзига келишга уринмоқда. Болалик йилларига оид минглаб лавҳалар кўз ўнгидан ўтди. Буларнинг ҳаммаси хотирасида ҳанузгача сақланиб келганидан ўзи беҳабар экан! Хотираларининг ҳаммаси Дудли, унинг тўдаси ва таҳқирлангани ҳақида.

- Сўнги лавҳа, - деди Снег, - Нима эди у?

- Билмадим, - оғир кўтарилди Гарри.

Хотиралари орасидан Снег ажратиб олган қиёфаларнинг жўшқин оқими алоҳида хотираларга парчаланиши қийин кечмоқда.

- Холаваччам мени унитазга тик қўймоқчи бўлганини сўраяпсиз-ми?

- Йўқ, - деди Снег, тилёғлама оҳангда, - Қоронғи хонада тиз чўкиб ўтирган кишини сўраяпман...

- Ҳа... у-ми... арзимаган нарса, - алдади Гарри.

Снег тешиб юборгудай қараб турибди. Легалименция жараёнида бевосита кўриш аҳамиятини эсланган Гарри кўзини пирпиратиб, нигоҳини олиб қочди.

- Ўша киши-ю, ўша хона, Поттер, қандай қилиб хотирангга кириб қолган? - сўради Снег.

- Мен... - деди Гарри, Снег томон қиё боқмаслик учун кўзини ҳар томон олиб қочиб, - Яқинда туш кўрдим...

- Туш? - сўради Снег.

Гарри қирмизи тусли спиртга солинган йирик қурбақани томоша қилганча, жим турди.

- Поттер, нима мақсадда бу ерда учрашаётганимиз эсингда, албатта, шундайми? - даҳшатли оҳангда пичирлади Снег, - Ўз вақтимни бундай қийин ишга нима сабабдан бағишлаётганимни унутганинг йўқ, а?

- Йўқ, - бир амаллаб жавоб берди Гарри.

- Ундай бўлса, эсимга сол. Хўш, Поттер, нима учун бу ерда учрашмоқдамиз?

- Окклуменцияни ўзлаштириб олишим учун, - жавоб берди Гарри, нигоҳини илонбалиққа олиб ўтиб.

- Тўппа-тўғри. Ва менинг назаримда, ақлинг танқис бўлса-да, зиғирдай бўлсин, олға одимлашинг керак эди. Сўнги вақтда неча маротаба кўрдинг Ёвуз Лордни, тушингда?

- Бир маротаба, - алдади Гарри, нафрат-ла, қараб қўйиб.

- Эҳтимол, Поттер, - кўзини қисиб сўради Снег, - Сенга ўша тушлар ёқаётгандир, а? Балким, айнан ўша тушлар сабаб, ўзингни ҳаммадан фарқ қиладиган, аҳамиятли кас сифатида ҳис

этаётгандирсан, а?

- Асло ундай эмас, - тиши орасидан вишиллади Гарри, қўлидаги таёқчани маҳкам қисиб.

- Нима қилганда ҳам, Поттер, - деди Снегг, - Сен бошқалардан фарқ қиладиган шахс ҳам эмассан, аҳамиятли кас ҳам эмассан. Ёвуз Лорд ўз бўйсунувчилари билан нималар тўғрисида сўхбатлашаётгани сени қизиқтирмаслиги ҳам керак. Буларнинг сенга ҳеч қандай дахли йўқ.

- Кимга дахли бор? Сизгами? - ўзини тийиб тура олмади Гарри.

Бундай демоқчи бўлмас-да, ғайриихтиёрий равишда оғзидан отилиб чиқди. Улар бир-бирига бошдан-оёқ разм солиб чиқишди. Гарри бироз ошириб юборганини сезмоқда.

- Ҳа, Поттер, фақат менга, - деди, кўзи ярқираётган, мамнун юзи ғалати қиёфа касб этган Снегг, - Энди, агар тайёр бўлсанг, машғулотга қайтамиз. Бир... икки... уч... легалименс!

Дементорлар... кўлнинг иккала томонидан бостириб келишмоқда... Гарри бор кучини йиғиб олиш учун кўзини чирт юмиб олди. Дементорлар тобора яқин келишмоқда... қайтарма қалпоқларда ҳосил бўлган қора камгаklar яққол кўринмоқда... улар орасида Снегг ҳам бор... мана у, ёнгинасида туриб, ниманидир тинимсиз ғудулламоқда.

Дафъатан, нима учунлиги номаълум тарзда, дементорлар хиралашиб, ҳавода гум бўла бошлашди... Снеггнинг қиёфаси эса аксинча, яққол тус олмоқда...

Гарри сеҳрли таёқчасини силтади.

- Протего!

Қўлидаги таёқчаси учиб чиққан Снегг ортга чекинди. Гаррининг миясига эса хотиралар оқими, ўзиники эмас бировнинг хотиралари келиб қуйила бошланди. Аллақандай қирғийбурун эркак... аёл кишига бақирмоқда... бечора аёл қўрққанидан танасини ғуж йиғиб олган... бурчакда, ёшгина қора сочли бола... йиғлапти... Қоронғи ётоқхона... қора сочи ёғли ўспирин, ёлғиз ўзи... таёқчасини шифтга ўқтаб, пашша отиб ётибди... Озғин йигитча қаршилиқ кўрсатаётган супургини эгарлашга уринмоқда... Қиз бола... йигит устидан роса кулмоқда...

- БАС

Нимадир Гаррининг кўкрак соҳасига келиб урилди. У ортга тисарилиб, токчага қапишиб қолди.

Ниманидир сингандай бўлди. Ранги мурдадай оқариб кетган Снегг дағ-дағ титрамоқда.

Гарри коржомасининг орқаси ҳўл бўлганини сезди. У қандайдир шиша идишни синдирибди.

Идишдан суюқлик оқиб, ичидаги маринадланган нарса спиралсимон айланганча, шиддат ила идиш тубига яқин келмоқда.

- Репаро! - пишиллади Снегг.

Шиша идиш ўз ҳолига қайтди.

- Хўш... Поттер... Бун тараққиёт сари қўйилган қадам, деса бўлади...

Снегг машғулот бошида дамблхотира чаноғига солиб қўйилган хотиралари жойида қолганини текшириб, ҳансираганча, давом этди:

- Сапчитиш афсунини қўллаш мумкинлигини айтмагандим, шекилли, а?... Лекин, шубҳа йўқ-ки, мақсадга эришилди...

Гарри таваккал қилишни истамай, индамай қўя қолди. Снеггнинг болалик хотираларига ғайриихтиёрий равишда сингиб киргани шундоқ ҳам маълум. Қизик, ота-онасининг жанжаллашаётганини йиғлаб кузатган болача, ҳозир Гаррининг рўпарасида нафратга тўлиб-тошган кўзи ила қараб турибди. Ғалати.

- Яна бир бор уриниб кўрамиз, - деди Снегг, таёқчасини кўтариб, - Бир... икки...

Гарри ҳозирлик кўриб олишга улгурмай, Снегг ўкириб юборди?

- Легалименс!

Гарри бор кучи билан Сирли сеҳр бўлими томон югуриб кетмоқда... Мовий тусли девор, ёнаётган машъала... қора эшик тобора яқинлашмоқда... мовий шўъла таратаётган шамлар, жуда кўп эшиклар... Ҳаракатни давом эттириш керак... Қай томон?

- ПОТТЕР!

Гарри кўзини очди. У яна белида ётибди-ю, қандай йиқилганини эслай олмайди. Шундай ҳансираяпти-ки, гўё чиндан ҳам, йўлак бўйлаб қора эшик томон югурганча, Сирли сеҳр бўлимига кириб борган.

- Зудлик билан тушунтириш бер! - боланинг устига энгашди Снегг, юзи дарғазаб қиёфа касб этиб.

- Нима... бўлганини... ўзим ҳам... билмайман, - ростини айтди энсаси ғурра бўлиб, вужуди қизиб кетган Гарри, оёққа турар экан, - Илгари... бунақасини... кўрмаган эдим. Айтган эдим-ку... бу эшик кўпдан буён тушимга киради, деб... лекин ҳали ҳеч қачон очилмаган эди...

- Сен ҳаракат қилмаяпсан!

Снеггинг нафрати, хотирасига сингиб кирилган ҳолатдан беш баттар ошиб кетган.

- Сен дангаса ва бепарвосан, Поттер. Ажабланадиган жойи йўқ-ки, Ёвуз Лорд...

- Балким, баъзи нарсаларни тушунтириб ўтарсиз, сэр, - гапни бўлди Гарри, вужуди ғазабдан қайнаб, - Нима учун сиз, Вольдемортни, Ёвуз Лорд, деб атайсиз? Уни фақат Ўлимдан мириқувчиларгина шундай деб аташади.

Снеггинг башараси буришиб кетди. У эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, юқоридан аёл кишининг чириллаб бақиргани эшитилди. Снегг бошини кўтариб, шифтга қаради.

- Бу яна қанақанги?... - ғудуллади у.

Юқорида, афтидан, вестибюлда, аллақандай шовқин кўтарилган кўринади. Снегг қошини чимириб, Гаррига қаради.

- Поттер, бу ёққа келаётганингда бирор-бир ғайриоддий ҳолатга дуч келмадинг-ми?

Гарри бош чайқади. Юқорида аёл кишининг қичқириғи яна эшитилди. Снегг таёқчасини туширмай, шиддат-ла, хонадан чиқиб кетди. Гарри бироз иккиланиб турди-да, унинг ортидан эргашди.

Қичқириқлар чиндан ҳам вестибюлда янграмоқда. Гарри зинапоя бўйлаб кўтарилар экан, шовқин тобора яққол эшитилди. Вестибюль ўқувчиларга тўлган. Уларнинг аксарияти бақир-чақирни эшитиб, Катта Залдан отилиб чиққан. Баъзилар эса мрамор зинапояда тирбандлик ҳосил қилганча, тўхтаб қолган. Гарри слизеринчилар орасидан ўтиб, жипс ҳалқа шаклида саҳна яратган одамларнинг ларзага келиб, чўчиган юзларини кўрди. Нариги томонда профессор Макгонагалл жирканиб турибди.

Саҳна марказида сочи ҳурпайган, бир қўлига шерридан бўшаган шиша, иккинчисига сеҳрли таёқча ушлаб олган профессор Трелани турибди. Кўзойнаги ён томон оғиб қолгани боис, бир кўзи иккинчисига нисбатан катта кўринмоқда. Сон-саноқсиз рўмол-у, шарфлари очилиб, худди соҳибкаромат аёлнинг чоклари сўтилиб кетганга ўхшаб қолибди. Унинг ёнида иккита катта сандиқ, афтидан кетидан улоқтирилган, шекилли, биттаси туби юқорига қараган ҳолатда онтарилиб ётибди. Бахти қора аёл кўзи даҳшатга тўлганча, зина бўсағаси томон қараб турибди. У ерда нима борлиги Гаррига кўринмади.

- Йўқ! - қулоқни тешиб юборгудай қичқирди Трелани, - Йўқ! Бўлиши мумкин эмас... мумкин эмас... тушунмаяпман, тушунишни ҳам истамайман!...

- Наҳотки иш нима билан якун топишини идрок этмаган бўлсангиз? - лоқайд оҳангда, сохта ҳайрат-ла сўради қиз боланинг баланд эшитилган овози.

Гарри бироз ўннга бурилиб, Треланининг ноқис нигоҳи профессор Амбрижга қаратилганини англади.

- Эртага об-ҳаво қандай келишини айтиш қобилиятига эга эмассиз, бу аён, албатта. Бироқ ишдан бўшатилишингиз муқаррарлигини тушунмаганингиз?! Ақл бовар қилмайди! Текширув натижаларининг бундай даражада пастлиги-ю, уларни яхшилаш борасида бирон-бир саъй-ҳаракатингиз кузатилмай-я?!

- Сиз... сиз... мени ишдан бўшата олмайсиз, - ҳўнгради профессор Трелани, қалин шиша ортидан шашқатор ёш оқизиб, - Бўшата... олмайсиз! Мен... мен бу ерда... ўн... ўн олти йил!... «Хогварц»

менинг уйим!

- Эди! - шафқатсиз оҳанг-ла, аниқлик киритди профессор Амбриж, - Бир соат олдин сеҳргарлик вазири сизни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруққа имзо чеккунга қадар. Энди эса, марҳамат қилиб, бу ерни тарк этинг. Аҳволингизга қаранг, хулқингиз жуда хунук кечмоқда.

Трелани ҳўнграб, сандиқлардан бирига ўтириб олди. Гарри бақа башарада намоён бўлаётган мурдор табассумга жирканиб қаради. Амбриж жойидан қўзғалмай, профессор Треланининг азоб чекишини кузатиб турибди. Алам-ла, дод солаётган Трелани сандиқда ўтирган жойида титрамоқда. Гаррининг чап томонида ҳам ҳиқиллаган овоз эшитилди. Ўгирилиб қараб, синфдошлари Лаванда билан Патил бир-бирини маҳкам қучоқлаб, паст овозда аччиқ йиғлашаётганини кўрди. Профессор Макгонагалл халойиқ орасидан чиқиб, Треланининг ёнига қатъий одимлаб келди-да, киссасидан каттагина дастрўмол чиқариб узатди.

- Бас қилинг, Сибилла... Тинчланинг, дедим сизга... Мана, мана буни олинг... Ишлар у қадар ёмон эмас... Сизга «Хогварц»ни тарк этиш шарт бўлмайди...

- Наҳотки, профессор Макгонагалл? - жирканч овоз-ла, сўради Амбриж, бир неча қадам олдинга ташлаб, - Бундай баёнот қилишга ким ҳуқуқ берди сизга?

- Мен, - янгради жарангдор овоз.

Чиқиш эшиги ланг очилиб, остонада Дамблдор пайдо бўлди. Унинг йўлида турган ўқувчилар икки томон чекиниб, йўл очишди. Директор шу тобда ҳовлида нима қилиб юргани номаълум-у, туннинг қалин тумани қаъридан чиқиб келиб, остонада тургани жуда таъсирчан кўринди. Эшикни очиб қолдирган Дамблдор одамлар ҳалқасидан ўтиб, кўз ёш тўкканча, дағ-дағ титраб ўтирган Трелани билан, унинг ёнида турган Макгонагалл томон шахдам қадам ташлаб келди.

- Сиз, профессор Дамблдор? - қисқа ва ниҳоятда хунук кулиб юборди Амбриж, - Назаримда сиз, ўз мавқеингиз ҳолатини охиригача тушуниб етмаган кўринасиз. Менда, - деди у, киссасидан пергамент ўрамини чиқариб, - Шахсан мен ва сеҳргарлик вазири томонидан имзоланган ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ бор. Йигирма учинчи сонли таълим тўғрисидаги декретга мувофиқ эса «Хогварц» бош инспектори, яъни мен, жорий меъёрларга мос келаётганига ишонч ҳосил қилиб боришим учун мактаб ўқитувчиларининг фаолиятини текшириб бориш, уларга синов муддатларини тайинлаш ва малакаси вазирлик томонидан белгиланган стандарт талабларига жавоб бермаётган шахсларни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эгаман. Шундай экан, профессор Треланини эгаллаб турган лавозимига нолайиқ, деб топиб, ишдан бўшатиш юзасидан қарор қабул қилдим.

Дамблдор, Гаррини лол қолдирганча, кулиб тураверди.

- Албатта, профессор Амбриж, сиз мутлақо ҳақсиз, - деди у тиқилиб қолгудай даражада ҳўнграб йиғлаётган Треланига қараб қўйиб, - Бош инспектор сифатида ўқитувчини ишдан бўшатишга ҳақингиз бор, лекин «Хогварц»дан қувиб солишга ҳақингиз йўқ. Бундай ҳуқуқ эса, - одоб-ла таъзим қилиб, давом этди у, - Менинг, яъни ушбу таълим муассасаси директори ваколатларининг доирасига киради. Шундай экан, профессор Трелани менинг хоҳишимга биноан қасрда истиқомат қилганича, қолади.

Буни эшитган профессор Трелани ҳиқичоғини ниқоблаш учун хандон отиб юборди.

- Йўқ! Йўқ, мен кет... кетаман, Дамблдор! «Хогварц»ни тарк этиб, бошқа жойда бахт қидираман...

- Йўқ, - чўрт кесди Дамблдор, - Мен шу ерда қолишингизни истайман, Сибилла. Профессор Макгонагалл, - мурожаат қилди у, - Илтимос, Сибиллани юқорига кузатиб қўйсангиз.

- Албатта, - жавоб берди Макгонагалл, - Қани, тулинг, Сибилла, кетдик. Мана шундай...

Халойиқ орасидан Сарсбил хоним чиқиб, Треланининг иккинчи қўлидан тутди ва Макгонагалл иккаласи мадори қолмаган соҳибкаромат аёлни Амбрижнинг ёнидан мармар зинапоя томон олиб ўтишди.

- Локомотор сандиқлар! - чийиллади ўртага чиққан профессор Флитвик таёқчасини ўқтаб ва ҳавога

кўтарилган сандиқларни кузатганча, аёллар ортидан эргашди.

Профессор Амбриж қоқилган қозиқ сингари турганча, Дамблдорга бақадай бақрайиб қолди.

- Башорат фанининг янги ўқитувчиси лавозимга тайинланганидан кейин нима қиласиз уни? - бутун вестибюлга эшитилган тарзда пичирлаб сўради у, - Ахир унга Треланининг хонаси керак бўлади-ку.

- О, бу масалада муаммо бўлмайди, - мулойим оҳангда жавоб берди Дамблдор, - Унинг ўрнига бошқа ўқитувчи топдим. Қаранг-ки, янги педагог ҳовлида яшашни афзал кўрар экан.

- Сиз топдингиз? - қулоқни тешиб юборгудай чийиллаб юборди Амбриж, - Сиз? Эслатиб ўтишга ижозат бергайсиз, Дамблдор. Йигирма иккинчи сонли таълим тўғрисидаги декретга мувофиқ...

- «Хогварц» директори муайян вақт давомида бўшаб қолган ўқитувчилик лавозимига номзод топа олмас экан, муносиб номзод топиб, лавозимга тайинлаш ҳуқуқи вазирлик ваколатига ўтиши белгилаб қўйилган, - декретдан иқтибос келтирди Дамблдор, - Бироқ ўзимни бахтиёр ҳис этган ҳолда сизга маълум қиламан-ки, номзод топишга муваффақ бўлдим. Марҳамат, танишинг...

Дамблдор очик қолиб, туннинг қалин тумани девор сингари тўсиб турган эшик томон юзланди. Гаррининг қулоғига ташқаридан туёқ товуши эшитилгандай бўлди. Вестибюлда ҳаяжонли шивир-шивир қарор топди. Чиқиш эшиги ёнида турган ўқувчилар янги ўқитувчига йўл бериш учун жон ҳолатда нари қочиб қолди. Баъзилари эса ерга қулаб тушди.

Туман қаъридан дастлаб Гаррига жуда яхши таниш юз чиқиб келди. Уни бир вақтлар Ман этилган ўрмонда ўтказишга мажбур бўлган даҳшатли тунда кўрган. Сўнг, янги ўқитувчининг оқ-сарик сочи, ажабтовур мовий кўзи, кийимсиз гавдаси ва ушбу гавда ўсиб чиққан от танаси кўринди.

- Фиренце! - қувонч-ла эълон қилди Дамблдор, руҳий ларзага келган Амбрижга, - Умид қиламан-ки, сиз уни яхши кўриб қоласиз.

## **ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ. КЕНТАВР ВА ХОИН**

- Хўш, Гермiona, башорат фанини тарк этганинг учун афсус қиляпсан-ми энди? - кулиб сўради Патил, профессор Трелани ишдан бўшатилиб, икки кундан кейин ўтаётган нонушта маҳалида. Патил кентавр Фиренценинг биринчи машғулотиға ҳозирлик кўрар экан, қошиқнинг орқа томониға қараб, кипригини сеҳрли таёқча воситасида эгиб ўтирди.

- У қадар афсус қилаётганим йўқ, - сир бой бермади Гермiona, кўзини «Башорат-у, каромат газетаси»дан узмай, - Отларни ҳеч қачон хуш кўрмаганман.

- От эмас у, кентавр! - эътироз билдирди Лаванда.

- Ҳа, жуда барно кентавр... - хўрсиниб қўйди Патил.

- Хоҳланг у томонидан қаранг, хоҳланг бу томонидан, бари-бир у тўрт оёқлаб юриди, - гапни кесди Гермiona, - Адашмасам, Треланиға ичингиз ачишган эди, шекилли?

- Ҳозир ҳам ачишади! - тасдиқлади Лаванда, эътироз оҳангида, - Ҳолидан хабар ҳам олиб келдик! Наргис олиб бордик. Фақат профессор Сарсабилнинг хириллайдиган наргисини эмас тўғри ўсадиган гул олиб бордик.

- Аҳволи қалай? - қизиқди Гарри.

- Ўрта-миёна, - хомуш жавоб берди Лаванда, - Бечора йиғлагани йиғлаган. Боши оққан томон кетишга рози, Амбриждан нари бўлса бас экан. Тўғри-да! Амбриж жуда хунук иш тутди, ҳаддан ортиқ хунук.

- Бу ҳали ҳолва, - маъюс оҳангда ҳикмат қилди Гермiona, - Хамир учидан патир.

- Қўйсанг-чи, - деди Рон, иштаҳа ила бекон билан қовурилган тухум солинган товоқ устиға энгашиб,

- Бундан-да баттар бўлиши мумкин эмас.

- Сўзларимни эслаб қол, Рон. Янги ўқитувчини маслаҳатсиз ишға олгани учун Амбриж

Дамблдордан ҳали яхшигина ўч олади, - деди Гермiona, газетани тахлаб, - устиға устак чала зот



Ўқитувчини. Фиренцега қандай қараганини ўзинг кўрдинг-ку.

Нонуштадан сўнг, Гермiona арифмантика дарсига, Гарри билан Рон эса Лаванда ва Патил билан биргаликда башорат дарсига йўл олишди.

- Шимолий минорага кўтарилмаймиз-ми? - ҳайрон бўлди Рон, Патилнинг мармар зинапоя ёнидан ўтиб кетаётганини кўриб

Хафа бўлган Патил елка орқали қараб қўйди.

- Ўзингни жинниликка солма, Рон. Фиренце тўйнуқ орқали қандай ўта олади? Ўн биринчи хонада шуғулланамиз энди. Кеча эълонлар тахтасига осиб қўйилган эди бу хабар.

Ўн биринчи хона қасрнинг биринчи қаватида жойлашган. У ерга, боши вестибюлдан бошланадиган, Катта Залнинг орқа томонига олиб борадиган йўлак бўйлаб борилади.

Машғулотлар камдан-кам ҳолларда ўтказиладиган ўша томондаги синф хоналари бўм-бўш омборхоналарни эслатади. Бинобарин, Роннинг кетидан остона ҳатлаб, ўрмондаги сайҳонликка кириб қолган Гарри ҳайратдан донг қотиб қолди.

- Нима... бу?

Хона полини зич ўсган йўсин қоплаган. Пўстлоғи қалин дарахтлар ўзининг тебраниб турган шохлари билан шифт ва деразаларни тўсиб қўйгани боис, хонага сингиб кирган яшил тусли хира нур ўрами ўзаро кесишиб кўринмоқда. Дарсга кирганлар ерда, белини дарахт танаси ёки харсанг тошга суяб, тизза қучоқлаб ёки қўлни кўкрак соҳасида қовуштириб ўтирибди. Ҳамма асабийлашган. Сайҳонлик ўртасида юзи жиддий қиёфа касб этган Фиренце ўзининг тўртта оёғида қаққайиб турибди.

- Гарри Поттер, - кўришди у, ғайриоддий мовий кўзини пирпиратмай, диққат ила назар солганча, қўл узатиб.

- Э-м-м... Салом, - қўл сиқишди Гарри, - Сизни боз кўрганимдан бағоят хурсандман.

- Мен ҳам, - жавоб қайтарди кентавр, узун оқ-малла сочли бошини эгиб, - Ўшанда башорат қилингандай, мана марҳамат, яна учрашдик.

Фиренценинг кўкрагида тўёқ изига ўхшаш сезилар-сезилмас доғ кўринди. Гарри ерда ўзига жой топиш учун синфдошлар томон юзланди ва кентавр болаларни иззат-ҳурмат ифодаланаётган даҳшатга солиб қўйган чоғи, ҳамма, афтидан, унинг Фиренце билан танишлигидан ҳайрон бўлган, шекилли, қараб турганини пайқади.

Ниҳоят эшик ёпилиб, сўнгги ўқувчи дарахт остидаги чиқинди қоғоз савати ёнига жойлашгач, Фиренце иккала қўлини кенг очиб, турган жойида айланди.

- Профессор Дамблдор марҳамат кўрсатиб, ушбу хонани мен яшайдиган табиий шарт-шароитларга мос равишда жиҳозлаб берди, - гап бошлади у, - Машғулотларни ўтган душанба кунга қадар ўз уйим бўлиб келган Ман этилган ўрмонда ўтказишни афзал кўрган бўлар эдим, албатта... таассуфки, бунинг иложи йўқ.

- Маъзур сананг, э-м-м... сэр, - базўр эшитилди қўлини кўтарган Патилнинг овози, - Нега энди иложи йўқ? Биз Хагрид ҳамроҳлигида кирганмиз у ерга, кўрқмаймиз!

- Гап сизнинг довюраклигингизда эмас, менинг мавқеимда - тушунтириш берди Фиренце, - Пода мени қувғин қилган. Шундай экан, энди мен ўрмонга қайта олмайман.

- Пода?! - ҳайрон бўлди Лаванда, қанақанги по... О! - ҳайрат-ла хитоб қилди у, юзида ниманидир фаҳмлаганлик аломати кўриниб, - Шунча кўпми сизлар?!

- Хагрид тестралларни боқиб, кўпайтирган сингари боқадими сизларни? - жонли қизиқиш билдирди Дин.

Фиренце бошини Дин томон ниҳоятда секин буриб, қаради. Бола тутуриқсиз, ҳақоратомуз савол берганини шу заҳоти тушуниб етди.

- Мен... мен... бошқа маънода... маъзур сананг, - хириллаб минғирлади Дин.

- Кентаврлар чорва моли ҳам, хонаки ҳайвон ҳам эмас, - баёнот қилди Фиренце.

Орага сукунат чўкиб, Патил боз қўл кўтарди.

- Сэр... нима сабабдан сизни подадан қувиб солишганини айтиб берсангиз, илтимос.

- Профессор Дамблдорнинг тасарруфида ишлашга розилик берганим сабабли.

Гарри, деярли тўрт йил муқаддам кентавр Бейн Фиренцени сўкиб бергани, болани белига ўтқириб, хавфсиз жойга элтиб қўйгани учун «Устингда одам ўтирибди-ми?! Шу қадар тубанлашиб кетдинг-ми? Хачирдан фарқинг қолмабди-ку!» деб ҳақорат қилганини эсга олди. Қизиқ, ўша Бейн тепдимикан Фиренценинг кўкрагига?

- Дарс бошлаймиз, - эълон қили Фиренце.

Кентавр кумуш тусли узун думини ликиллатиб, қўлини боши устидаги яшил чодирга узатди-да, аста туширди. Хонани ёритиб турган нур ғойиб бўлиб, қоронғилик қалинлашгач, осмонда ситоралар порлаб кўринди. Ҳамма оҳ уриб юборди.

- Вой-бўй! - баланд хитоб қилди Рон.

- Белингизга ётиб, нигоҳингизни фалакка қаратинг, - амр қилди Фиренце, хотиржам оҳангда, - Юлдузлар орасида ирқларимиз қисмати битилган. Кўриш қобилятига эга кишилар тегишли ёзувларни ўқий билади.

Гарри белига астойдил жойлашиб, шифтга бақрайди. Милтиллаб кўринган қизил ситора унга кўз қисиб қўйган бўлди гўё.

- Астрономия дарсида сайёралар ва уларнинг йўлдошлари билан танишиб чиққанингиз менга маълум, - давом этди кентаврнинг вазмин овози, - Хариталарда эса ситораларнинг ҳаракат йўналишларини акс эттиргансиз. Ушбу ҳаракат йўналишларини асрлар оша ўрганиб келган кентаврлар, ҳар бир ҳаракат замиридаги сирли мазмунни фош эта билдилар. Олиб борган тадқиқотларимиз натижалари, осмонга қараб келажакни кўриш имкони борлигини исбот қилиб келмоқда...

- Биз профессор Трелани билан астрологияни ўзлаштирганмиз! - гапни бўлди, қўлини кулгили кўтариб олганча, ҳаяжонланиб ётган Патил, - Миррих бахтсиз ҳодисалар, куйиш ва шу каби, бошқа кўнгилсиз ҳолатлар сабабчиси саналади, агар у Сатурн билан, худди ҳозиргидай қарши ҳаракат ҳолатида бўлса, - деди қиз, ҳавода тўғри бурчак чизиб, - Иссиқ жисмлар билан муомала қилишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш даркор...

- Буларнинг бари одамлар тўқиб чиқарган бемаъни уйдирмадир, - деди Фиренце хотиржам оҳангда.

Патил қўлини чор-ночор тушириб юборди.

- Одамлар ҳаётида содир бўладиган арзимас кўнгилсизликлар, агар Коинот миқёсида қараладиган бўлса, аҳамиятсиз, чумолиларнинг ғимирлашидан бошқа нарса эмас, - деди Фиренце, йўсин қоплаган полдаги туюқларининг ҳолатини алмаштириб, - Сайёралар ҳаракати эса ўхшаш нарсаларга дахл қилмайди.

- Бироқ профессор Трелани... - эътироз билдирмоқчи бўлди хафа бўлган Патил.

- У ҳам одам, - елка қисди Фиренце, - Бинобарин сўқир ва тафаккури чекланган зотингиз каби, бидъатларга берилган.

Гарри бошини аста буриб, Патилга қаради. Қизнинг юзи, бошқа айрим ўқувчиларнинг юзлари сингари ҳақоратланган қиёфа касб этиб, эътироздан ловулламоқда.

- Сибилла Трелани чиндан ҳам Кўриш қобилятига эгадир, эҳтимол, билмадим, - давом этди, думини ликиллатганча, ўқувчилар олдида у ёқ, бу ёқ юрган Фиренце, - Аммо умуман айтиладиган бўлса, у, одамлар «Келажакни башорат қилиш», деб атаб, ўзларини ўзлари алдаб келган турли-туман тутуриқсизликларга вақтини беҳуда сарф этмоқда. Мен эса сизлар билан буюк билимлар – бичиб-тўқилмаган, беғараз ва ҳаққоний билимлар ила ўртоқлашмоқчиман. Кентаврларнинг нигоҳи осмон-у, фалакка қаратилган. Баъзан у ерда аломатлар – кулфат ёки янгилик хабарчилари кўриниш беради. Лекин шундай ҳолатлар ҳам юзага келадими, кўрган нарсаларимизнинг мазмун-

моҳияти тўғри эканлигига тўла-тўқис ишонч ҳосил қилиш учун ўнлаб йиллар керак бўлади. Фиренце Гаррининг устида муаллақ осилиб турган қизил юлдузни кўрсатди.

- Аломатлар мазмунига мувофиқ, сеҳргарлар ирқи ҳаётида ўтган сўнги ўн йиллик – икки уруш орасида тинч ўтган қисқа танаффус саналади. Аини замонда муҳорабалар илҳомчиси бўлмиш Миррих ёрқин порламоқда. Бу эса ўз навбатида, кўп ўтмай янги уруш бошланишини англатади. Кентаврлар баъзан уруш бошланиш вақтини ёнаётган майса-ю, барглар таратаётган тутун ва олов шаклига қараб билиб олишга муваффақ бўладилар...

Ушбу дарс Гаррининг ҳаётида ниҳоятда ғайриоддий дарс бўлди. Болалар синф хонасининг ўзида маврак ва гулбахмалга ўт қалаб, аччиқ тутунда муайян шакл ва рамзлар пайдо бўлишини Фиренценинг амрига биноан кутиб, илғаб олишга уринишди. Ҳеч ким ҳеч қандай шакл кўра олмагани кентаврнинг жаҳлини чиқармади. Аксинча, унинг сўзларига қараганда, одам зоти, бундай нарсаларни фаҳмлаш, илғаш борасида қийинчилик сезиши табиий ҳолат экан. Ваҳоланки, кентаврларга ҳам, башоратнинг ушбу соҳасини ўзлаштириш учун юзлаб йиллар керак бўлган экан. Зеро, улар ҳам, мулоҳаза юритилаётган шакл ва рамзларнинг мазмун-моҳиятини мутлақо нотўғри талқин қилган ҳолатлар тез-тез дуч келиб турар эмиш. Ўқитувчи ўз олдига ўқувчиларга билим бериш вазифасини эмас балки ҳар қандай билимни, ҳатто кентаврлар томонидан яратилган билимлар мажмуини ҳам, бенуқсон, беназир, мукаммал билим сифатида эътироф этиш мумкин эмаслигига ишонириш вазифасини қўйгандек гўё.

- Мулоҳазалари қандайдир мубҳам, ноаниқ, а? - пичирлади Рон, Гарри иккаласи гулхан ўчираар экан, - Бўлғуси уруш тўғрисида кўпроқ билиб олсак ёмон бўлмас эди.

Эшик ортида янграган қўнғироқ зарби ҳаммани чўчитиб юборди. Гарри ўрмонда эмас қаср ичида эканлигини мутлақо унутиб қўйибди. Ўй суриб қолган болалар хонани тарк эта бошлашди.

Рон билан чиқиб кетаётган Гаррини Фиренце тўхтатиб қолди.

- Гарри Поттер, сизга икки оғиз сўзим бор, ушланиб қолинг илтимос, - бир қадам олдинга ташлади кентавр.

Нима қилишини билмаган Рон қоқилган қозикдай туриб қолди.

- Сен ҳам қолишинг мумкин, - ижозат берди Фиренце, - Фақат илтимос, эшикни ёпиб қўй.

Рон эшикни ёпди.

- Гарри Поттер, сен Хагриднинг дўстисан, шундайми? - гап бошлади кентавр.

- Худди шундай, - тасдиқлади Гарри.

- Ундай бўлса, менинг огоҳлантиришимни унга етказиб қўй. Саъй-ҳаракатлари зое кетади. Яхшиси ўша ишга қўл урмаган маъқул.

- Саъй-ҳаракатлари зое кетади? - тушунмади Гарри.

- Яхшиси ўша ишга қўл урмаган маъқул, - бош ирғиди Фиренце, - Уни ўзим огоҳлантирган бўлар эдим-у, иложи йўқ. Ўрмонга кирсам, оқилона иш тутмаган бўламан. Кентаврларнинг ёқалашуви Хагрид учун ортиқча ташвишдир. Ишлари шундоқ ҳам бошдан тошиб ётибди.

- Аммо... қандай саъй-ҳаракатлар тўғрисида гап кетмоқда? - асабий оҳангда сўради Гарри.

- Яқинда Хагрид менга катта яхшилик қилди, - жавоб берди Фиренце, Гаррига бошдан оёқ разм солиб, - Ўрмонда яшайдиган жамики жонзодларга ғамхўрлик қилаётгани учун уни ниҳоятда ҳурмат қиламан, лекин сирини сенга ошкор эта олмайман. Хагрид осмондан ерга тушиши лозим. Бу борада унга ёрдам қўлини узатмоқ даркор. Негаки, саъй-ҳаракатлари зое кетади. Шу сўзларни дўстинга етказиб қўйсанг бас, Гарри Поттер, гап нима тўғрисида бораётганини ўзи тушуниб олади. Иккалангизга ҳам хайрли кун.

\*\*\*

Гаррининг интервью чоп этилганидан сўнги кўтаринки кайфияти аллақачон ўтиб кетган. Ўта зерикарли кечган март салқин, шамолли апрелга аста алмашиб, мактабдаги ҳаёт яна ташвиш ва

хавотирлар изчиллигига айланди.

Амбриж илгаригидек, сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш дарсини текшириб бормоқда. Шу боис, Хагрідга кентавр Фиренценинг огоҳлантиришини етказиш осон бўлмади. Бошқача йўл топа олмаган Гарри гўё «Афсонавий махлуқлар ва уларнинг маконлари» китобини унутиб қолдирган бўлиб, машғулотлардан сўнг, Хагріднинг кулбасига қайтиб борди. Афтидан, кутилмаган мазмундаги огоҳлантиришни эшитган Хагрід саросимага тушиб, калтак еб шишган кўзини икки дақиқа бақрайтириб турди. Сўнгра, хаёлини йиғиб олиб, тилга кирди:

- Фиренце ўзи яхши бола-ю, лекин мана шу гапи ғирт бемаъни чиқибди. Саъй-ҳаракатларим зўр. Ҳеч ҳам зое кетмайди.

- Яна қанақанги ишларга ўралашиб қолдинг, Хагрід? - жиддий оҳангда сўради Гарри, - Тек юришининг иложи йўқми? Трелани ишдан бўшатиб юборилганини унутма. Агар фикрим қизиқтирса, Амбрижнинг ушбу иши хамир учидан патир холос. Бирор-бир ножўя хатти-ҳаракатга йўл қўядиган бўлсанг...

- Ҳаётда иш ўрнидан ҳам муҳимроқ нарсалар бўлади, - ҳикмат қилди Хагрід.

Давангирнинг титраётган қўли бўшашиб, сварл гўнгига тўла тоғорани ерга тушириб юборди.

- Мендан ташвиш тортма, Гарри, энди боргин-да, мўмин-қобил бола бўлиб юргин.

Қасрга яқинлашган сари, кайфияти ёмонлашиб борган Гаррига Хагрідни гўнг йиғиштирган ҳолатда ташлаб кетишга тўғри келди.

Бу орада бир томондан ўқитувчилар эслатиб, иккинчи томондан Гермiona мияга қўйиб борган МОСД имтиҳонлари ҳам шиддат-ла, яқинлашиб келмоқда. Бешинчи синф ўқувчилари ниҳоятда асабий ҳолатга келиб қолишган. Ханна Аббот Помфри хонимдан тийдириш дамламасини қабул қилган биринчи ўқувчи бўлди. Бечора қиз гербология дарсида хўнграб юбориб, йиғи орасида тузалмас аҳмоқ эканлиги, имтиҳонларни ҳеч қачон топшира олмаслиги ва яхшиси мактабни ҳозироқ тарк этиб кетгани маъқул бўлишига иқрор бўлди.

Агар ДА жамияти бўлмаганда, Гарри ҳам, ўзини ёмон ҳис этган бўлиши аниқ. У мактабда азбаройи жамият йиғилишлари учунгина яшаётган гўё. Ушбу фаолиятга бор кучини сафарбар этиб, ўзидан ўзи роса мамнун бўлмоқда. Шогирдлари эришаётган муваффақиятдан жуда ғурурланмоқда. Агар улар ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан «олий» баҳога эриша олишса, Амбриж қандай ҳолатга тушиши, нима деган хаёлга бориши Гаррига жуда қизиқ.

Жамият аъзолари ўз Ҳимоячиларини яратишга киришган. Улар кўпдан буюн бу кунни интизорлик билан кутиб юришган эди. Шунга қарамай, Гарри, Ҳимоячини ёп-ёруғ, бирон-бир хавф юзага келмаган хонада яратиш билан, устинга дементордек даҳшатли қабоҳат ёпирилиб келаётган ҳаётий вазиятда яратиш ўртасида катта фарқ борлигини эслатиб боришдан чарчамади.

- Эзмаланмагин, илтимос, - беташвиш қўл силтади Чу, Пасха таътилидан олдин ўтган сўнги машғулот давомида, ўзининг, шифт остида учиб юрган кумуш тусли оққушини томоша қилиб, - Чиройлигини қара!

- Ҳимоячи чиройли эмас ишончли бўлиши керак, - қизнинг миясига яна бир бор сингдириб кўришга уринди Гарри, - Бизга боггарт ёки ўхшаш нарса керак... Мен айнан шундай ўзлаштирганман, ушбу тилсим ижросини. Боггарт дементорга айланган ҳамона, Ҳимоячи яратганман.

- Жуда даҳшатли кечади-ку, унақа усул! - хитоб қилди, таёқчаси кумуш тусли буғ чиқарган Лаванда, - Мен... шундоқ ҳам... ярата олмаяпман! - зарда қилди у.

Невилль ҳам Ҳимоячисини ярата олмаяпти. У зўр бериб қош чимиряпти-ю, сеҳрли таёқчасининг учидан базўр кўринаётган булут пағалари чиқяпти холос.

- Ҳаётингдаги энг яхши, энг ёрқин ҳодисалар ҳақида ўйла, - эслатиб ўтди Гарри.

- Ҳаракат қиялпман, - деди Невилль маъюс оҳангда.

Кулча юзи терга ботганидан, чиндан ҳам ҳаракат қилаётгани кўриниб турибди.

- Гарри, қара, ўхшаяпти! - қичқирди, Дин билан биргаликда бугун биринчи бор келган Симус, - Қара... вой! Йўқолиб қолди. Қандайдир пахмоқ ҳайвонга ўхшади!

Гермиона яратган кумуш тусли ялтироқ қундуз қиз атрофида шўх сакраб юрибди.

- Улар чиндан ҳам, жуда чиройли, а? - деди ҳимоячисига завқ-ла қараётган Гермиона.

Даркор хонанинг эшиги очилди-ю, шу заҳоти ёпилди. Ўгирилиб қараган Гарри ким кириб келганини кўрмади. Эшик яқинида турган болалар жим қолишганини эса бир неча сония ўтганидан, кимдир унинг коржомасини тизза соҳасидан ушлаб тортганидан сўнггина, идрок этди. Гарри пастга қараб, саккизта дўппи остидаги йирик кўзи мўлтиллаб турган уй эльфи Доббини кўрди.

- Салом, Добби! - кўришди Гарри, - Нега сен?...

Дағ-дағ қалтираётган эльфнинг даҳшат акс этган кўзи косасидан чиқиб кетишига бир баҳя етмай турибди. Ҳамма жим бўлиб, Доббига бақрайиб қолди. Ҳимоячилар ҳавода тарқаб, туманга айланди. Хона хиралашди.

- Гарри Поттер, сэр... - ғичирлади эльф, бошдан оёқ титраб, - Гарри Поттер, сэр... Добби сизни огоҳлантиргани келди... гарчи уй эльфларига бу ман...

Добби бошини деворга қаратганча югуриб кетди. Эльфлар табиатини яхши билган Гарри, уни ушлаб қолишга уринди-ю, улгурмади. Қават-қават кийилган дўппилар зарба таъсирини юмшатди. Ўзини деворга урган Добби коптоқдай тисарилиб, ерга сапчиб тушди. Гермиона ва қизларнинг бир неча нафари чўчиб кетиб, эльфга ҳамдард бўлганча, қичқириб юборишди.

- Нима гап, Добби? - сўради Гарри, эльфнинг ингичка қўлидан ушлаб.

- Гарри Поттер... у... у...

Добби бўш қолган митти мушти билан ўз тумшугига тортиб юборди. Гарри унинг иккинчи қўлини ҳам ушлаб олди.

- «У» деганинг ким, Добби?

Ким ҳақида гап кетаётганини Гарри фаҳмлаб бўлди. Бундай енгиб бўлмас даҳшатни қасрда фақат бир кас юзага келтириши мумкин. Добби зарб кучидан қаншарига келиб қолган кўзини Гаррига бақрайтирганча, нимадир пичирламоқда.

- Амбриж-ми? - сўради Гарри, вужуди музлаб.

Добби бош ирғиди-да, пешонасини Гаррининг тиззасига уришга уринди. Бироқ Гарри уни ўзидан сал нарида тутиб тургани боис, пешонаси тиззага етмади.

- Нима қилди у, Добби? Биз ҳақимизда... ДА тўғрисида... билиб қолгани йўқ-ку... а?

Қўйилган саволга берилган жавобни эльфнинг ларзага келган қиёфасидан бемалол уқиб олса бўлади. Қўлини бўшатишга кучи етмаган Добби ўзини ўзи тепмоқчи бўлди-ю, уддалай олмай, Гаррининг қўлида осилиб қолди.

- Биз томон келяпти-ми? - деярили унсиз сўради Гарри.

Добби увиллаб, яланғоч товонларини бор кучи билан полга ура кетди.

- Ҳа, Гарри Поттер, ҳа!

Гарри қаддини ростлаб, ўзи ўзини ураётган эльфга чўчиб, овоз чиқармай, ҳаракатсиз қараб турган болаларга юзланди-да, ўкириб юборди:

- НИМАНИ КУТЯПСИЗ? ҚОЧИНГ!

Ҳамма ўзини чиқиш эшигига баравар ургани боис, остонада тирбандлик ҳосил бўлди. Охири, кимдир ташқарига чиқишга эришди. Тез босилаётган қадамларга қулоқ тутар экан, Гарри, шогирдларининг фаросати ишлаб, умумий меҳмонхоналарига эмас нисбатан яқин жойлар: кутубхона ёки бойқушхона томон югуриб кетишларига умид қилди... Ҳозир йигирмадан эллик дақиқа ўтган...

- Гарри, бўл тез! - баланд қичқирди, эшик олдида тиқилишаётганлар орасида турган Гермиона.

Ўзини мажруҳ қилишга уринаётган Доббини оёққа турғизган Гарри, эльфнинг қўлидан тортганча,

навбатга қўшилди.

- Добби, амримга қулоқ сол... - тез кўрсатма берди Гарри, - Ошхонага бориб, бошқа эльфларга қўшил! Агар Амбриж мени огоҳлантирганинг-огоҳлантирмаганинг ҳақида сўраса, ёлғон гапир, огоҳлантирганим йўқ, де. Ўзинга ўзинг тан жароҳати етказишни эса ман этаман сенга! - қўшиб қўйди у, ниҳоят йўлакка чиқиб, эшикни ёпгач.

- Раҳмат, Гарри Поттер! - чийиллади қочиб кетаётган Добби.

Гарри ўнг-сўлга қараб, иккала томонда кўринган товонлар ғойиб бўлгач, йўлак бўш эканлигига ишонч ҳосил қилди-да, ўнг томон бурилди. Йўлак охирида ҳожатхона бор. Агар етиб боришга улгурса, ўзини...

- А-А-А-А!

Гарри нимагадир қоқилиб, боши билан полга қулагач, беш-олти фут нарига қорнида сирпаниб борди. Орқа томонда кимнингдир хандон отгани эшитилди. Гарри белига ағанаб, аждар тусли хунук ваза ичига бекиниб олган Малфойни кўрди.

- Оёқ чалиш сўқиси, Поттер! - иржайди Малфой, - Ҳой, профессор... ПРОФЕССОР! Биттасини тутиб олдим!

Муюлиш ортидан чиққан Амбриж шоша-пиша югуриб келди. Ҳансираб, нафаси тиқилиб қолаётган бўлса-да, бақа башарасида музаффарият кулгиси барқ урди.

- Ўша! - ғолибона қичқирди Амбриж, полда ётган Гаррига қараб, - Жуда соз, Драко, жуда яхши! «Слизерин»га эллик балл! Мен ўзим... Тур ўрнингдан, Поттер!

Амбриж билан Малфойга жирканиб қараган Гарри оёққа турди. Бош бақа ҳали бу қадар бахтиёр бўлмаган. Худди қисқичлари билан сиқиб олгандай, Гаррининг билагидан маҳкам ушлаб олди-да, энли оғзини кенг йириб иржайганча, Малфойга юзланди.

- Яқин атрофни қидириб кўр, Драко, балким яна бирортаси топилиб қолар. Қолганларга ҳам айт... кутубхонага киришсин... ҳансираб, терга ботганлар бордир... ҳожатхоналарни ҳам, қизлар хонасини ҳам, текшириб чиқинглар... мисс Паркинсон ёрдам беради... боравер.

Бироздан сўнг, Малфойнинг қораси ўчди.

- Сиз эса Поттер, - давом этди у, ўзининг жирканч, мулойим овози или, - Мен билан, директорнинг ҳузурига борасиз.

Кўп ўтмай, иккаласи аждар тусли тош илонлар қаршисига етиб келди. Гарри яна неча нафар ўртоғи қўлга олинган бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйланиб қолди. Хаёлига Рон келди. Миссис Уэсли энди уни ўлдиради қўяди. Гермionaга нима бўлади, агар у МОСД имтиҳонларини топширишга улгурмай, мактаб ўқувчиларининг рўйхатидан четлаштирилса. Бечора Симус... биринчи машғулотга келибоқ... Невилль-чи, шундоқ яхши натижаларга эриша бошлаган эди-я

- Виш-виш ари, - чийиллади Амбриж.

Аждар тусли тош илон четга қочди. Девор очилиб, иккаласи ҳаракатчан зинага чиқди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас, грифон қиёфасидаги тўқмоқ маҳкамланган, сайқал берилган эман эшик рўпарасига қадар кўтарилди. Амбриж эшик тақиллатмай, Гаррининг қўлидан маҳкам ушлаганча, ичкарига ёпирилиб кирди.

Хонага кўпчилик йиғилган. Дамблдор узун бармоқларининг учини бир-бирига теккизганча, ёзув столи ортида хотиржам ўтирибди. Унинг ёнида юзи ҳаракатсиз, қаддини ғайритабиий тик тутган профессор Макгонагалл турибди. Сеҳргарлик вазири Корнелиус Фуж камин ёнида, домангир қиёфа ила пошнасида тебранмоқда. Эшикнинг икки ёнида, худди қўриқчилар каби, Кинсли Кандальер ва жуссаси бақувват, сочи қисқа олинган нотаниш сеҳргар турибди. Хонанинг нариги бурчагида юзи сепкил босган, кўзойнак таққан, нимадандир жуда руҳланган, қўлига пат-қалам ва пергаментнинг оғир ўрамини ушлаб, афтидан, ҳодиса-ю, сўхбатни ҳужжатлаштиришга шай ҳолатда турган Перси Уэсли кўринди.

Собиқ директорларнинг портретлари бугун ўзларини уйқуга солишгани йўқ. Ҳаммасининг кўзи

мошдай очик бўлиб, ҳодисани диққат билан кузатмоқда. Гаррини кўрган баъзи директорлар қўшни портретга сакраб ўтиб, қизғин пичирлаша бошлашди.

Эшик ёпилгач, Гарри қўлини Амбрижнинг чангалидан тортиб олди. Корнелиус Фуж дарғазаб қиёфа ила болага бақрайди.

- Хўш, - деди у, мамнун оҳангда, - Хўш, хўш.

Гарри ғазабнок нигоҳи ила вазирга ўқрайиб қўйди. Юраги кўкрак қафасидан отилиб чиққудай ураётган бўлса-да, мияси тинч ва ҳайратланарли даражада равшан.

Амбрижнинг юзи, ҳўнграган Треланини шафқатсиз қувонч-ла, кузатаётиб турганида барқ урган қиёфа касб этган.

- Қўлга олинган фурсатда «Гриффиндор» минораси томон югуриб кетаётган эди, - эълон қилди у, одобсиз туғён оҳангида, - Уни ёш Малфой тутиб олди.

- Шунақа денг?! Азамат йигит экан, - мақтади Фуж, - Люциусга айтиб беришни унутмасам бўлди... Хўш, Поттер... Ўйлайман-ки, бу ерга нима сабабдан келтирилганинг ўзинга маълум, а?

Гарри вазирнинг юзига тик қараб, қўрс оҳангда «Ҳа» демоқчи бўлди. Бунинг учун оғиз жуфтлади ҳам, лекин нигоҳи бехосдан Дамблдорга тушиб қолди. Директор Гаррининг кўзига эмас елкаси устидаги аллақандай нуқтага қараб турибди. Гарри қараган фурсатда эса директор бошини сезилар-сезилмас дастлаб бир, кейин иккинчи томон тебратган бўлди.

Гарри шу заҳоти қарорини ўзгартирди.

- Ҳа... йўқ.

- Тушунмадим? - деди Фуж.

- Йўқ, - иккиланмай такрорлади Гарри.

- Сени бу ерга нима сабабдан олиб келишганини билмайсан-ми?

- Билмайман, - деди Гарри.

Фуж ишонмай, Амбрижга қаради. Фурсатдан фойдаланган Гарри яна бир бор Дамблдорга ўғринча қараб, директорнинг кулиб, хона полига тўшалган гиламга кўз қисиб қўйганини кўрди.

- Демак, нима сабабдан профессор Амбриж сени бу ерга етаклаб келганини билмайсан? Мактаб қоидаларини бузганингдан ҳам хабаринг йўқ, шундайми?

- Мактаб қоидаларини? - қошини кўтарди Гарри, - Йўқ.

- Вазирлик фармонларида баён этилган талабларни, - баджаҳл оҳангда аниқлик киритди Фуж.

- Бузган бўлсам ҳам, бундай фармонлар борлигидан хабарим йўқ, - муттаҳамликча баёнот қилди Гарри.

Боланинг юраги қутуриб кетгандай урмоқда. Зарар етказиш учун бўлса ҳам, ёлғон гапирса арзийди. Фужнинг ҳам қон босими кўтарилсин-да. Бари-бир қутулиб қолишнинг иложи йўқ шекилли. Агар Амбриж ДА жамиятидан хабар топган бўлса, демак жамият ташкилотчиси Гарри ҳозир бориб, лаш-лушларини йиғиштиради.

- Демак, мактабда, ўқувчилардан ташкил топган норасмий жамият фаолияти фож этилганидан беҳабарсан, - давом этди Фуж, ғазабга тўлган овози билан.

- Йўқ, - ҳайрон ва айбсиз қиёфа ясади Гарри.

- Ўйлашимча, муҳтарам вазир жаноблари, хабарчини етаклаб келсам, мақсадга тезроқ эришамиз,

- таклиф киритди Фужнинг ёнида турган Амбриж, ўта мулойим овози билан.

- Ҳа, ҳа, илтимос, - бош ирғиди Фуж.

Амбриж хонани тарк этди. Фуж эса қасос олаётган бўлиб, Дамблдорга юзланди.

- Яхши гувоҳ шохидлигидан ҳам яхшироқ далил-исбот бўлмаса керак, а, Дамблдор?

- Жуда тўғри, Корнелиус, - қатъий оҳангда жавоб берди Дамблдор, бош ирғиб.

Улар бир-бирига қарамасликка уриниб, бир неча дақиқа сукут сақлаб туришди. Эшик ғичирлаб очилгани эшитилди. Хонага Чунинг жингалак сочли дугонаси, негадир юзини кафти билан бекитиб олган Мариэттанинг елкасига туртаётган Амбриж кирди.

- Қўрқма, дўмбоққинам, қўрқма, - мулойим овози ила қизнинг елкасини силаб, тинчлантирган бўлди Амбриж, - Ишлар жойида. Тўғри қилгансан. Вазир сендан жуда мамнун. Ниҳоятда ақлли қиз эканлигини ойинга айтиб беради. Сиз Мариэттанинг ойисини танийсиз, вазир жаноблари, - деди Амбриж, Фужга қараб, - Сеҳрли йўллар департаментида Саёҳат йўллари бошқармасида ишлайдиган Даблин хоним. Эсингиздами, «Хогварц» каминлари масаласида бизга яқиндан ёрдам берган аёл.

- Жуда соз, жуда соз! - хурсанд бўлиб кетди Фуж, - Олма меваси олма дарахтининг тагига тушар эканда, а? Қани, ёнимга кел-чи, қизалоқ, кел. Менга қара, уялма, қани эшитайлик-чи, нималар айтиб берасан бизга...

Мариэтта юзини очиб, бошини кўтарди.

- О!.. Аждар тусли илон есин мени!

Қўрқиб кетганидан жон-пони чиқиб кетишига сал қолган Фуж ортга тисарилиб, оёғи камин чўғига кириб кетди. У ердан ҳам сўкинганча чиқиб, тутаётган этагини тепалаб ўчиришга киришди. Ўкириб юборган Мариэтта эса коржомасининг этагини кўзига қадар кўтариб олди. Бироқ ҳамма, унинг бурни ва иккала лунжига тошиб, «ХОИН» сўзини ҳосил қилган фасод тўпланган йирик яраларни кўришга улгурди.

- Ҳуснбузарлардан ташвиш тортма, дўмбоққинам, - бетоқат бўлди Амбриж, - Этагини туширгин-да, вазир жанобларига...

Лекин Мариэтта боз ўкириб, бош чайқади.

- Хўп яхши, аҳмоқ қиз, ундай бўлса, ўзим айтиб бераман, - акиллади Амбриж ва кенг оғзини янада йирганча кулиб, гап бошлади, - Бугун оқшом, муҳтарам вазир жаноблари, кечки овқатдан сўнг, мисс Даблин ниманидир айтиб бериш мақсадида хизмат хонамга ташриф буюрди. Сўзларига қараганда, агар мен еттинчи қаватдаги Даркор хона, деб аталадиган аллақандай махфий хонага кирсам, ўзимга хуш келадиган ҳолатга дуч келар эканман. Тегишли савол-жавоб ўтказгач, ўша ерда қандайдир йиғилиш ўтказилишини фаҳмладим. Бахтга қарши суқи айни шу фурсатда кучга кириб, - Амбриж жаҳл-ла, Мариэттанинг юзига калта бармоғини ўқтади, - Мисс Даблин ўз аксини кўзгуда кўриб қолди ва шу қадар дилсиё бўлдики, гапирмай қўйди.

- Илож қанча. Бундай ишинг мардларга хос бўлган. Сен жуда тўғри йўл тутгансан, - деди Фуж, Мариэттага худди оталарча қараган бўлиб, - Қани энди айт-чи, нима бўлган ўша йиғилишда? Нима мақсадда тўплангансиз? Кимлар иштирок этган?

Мариэтта жавоб қайтармай, қўрқувдан катта очиб, олд томон қаратган кўзини пирпиратмай бош чайқади.

- Уни гапиртирадиган суқига қарши бирон-бир суқи йўқ-ми? - сўради Фуж, бармоғини Мариэтта томон бетоқат ўқтаганча, Амбрижга мурожаат қилиб.

- Ҳозирча топа олмадим. Ҳеч қиси йўқ. Ўзим айтиб бераман бор гапни.

Амбрижнинг суқига қарши суқи топа олмай, ўз ожизлигига иқдор бўлганини эшитган Гарри Германионнинг маҳоратидан жуда ғурурланиб кетди.

- Эсингиздами, муҳтарам вазир жаноблари, октябрь ойида Поттер ва бир гуруҳ ўқувчилар Ҳогсмёддаги «Ахта чўчқа калласи»да учрашув ўтказгани тўғрисида хабар берган эдим...

- Исботингиз борми? - кутилмаганда гапга аралашди профессор Макгонагалл.

- Бор, Минерва. Уилли Уиздесуейерснинг шоҳидлиги бор. Тасодифни қаранг-ки, ўша вақтда қовоқхонада ўтирган экан. Бошдан-оёқ бинтга ўралган бўлса ҳам, сўхбатни эшита олган, - ишонч-ла, баёнот қилди Амбриж, - У эшитганларининг барини ёдда сақлаб қолиб, оқизмай-томизмай менга етказиш учун шу заҳоти мактабга ошиққан.

- Магларни таҳқирлашга қаратилган аҳмоқона қилиқлардан бири, хусусан, унитарларни қайт қилдиргани учун белгиладиган жазодан шу тарзда қутулиб қолган экан-да, а?! - хитоб қилди қоши кўтарилиб кетган профессор Макгонагалл, - Қизиқ тафсилотлар очилмоқда! Ҳуқуқни



муҳофаза қилиш тизимимиз шу тарзда ишлар эканда, а?!

- Ҳокимият доираларидаги мисли кўрилмаган коррупция! - гумбурлади Дамблдорнинг столи ортидаги сеҳргар портрети, - Мен яшаган замонда, жаноблар, вазирлик раҳбарияти жиноятчилар билан тил бириктирмаган эди!

- Қўллаб-қувватлаганингиз учун ташаккур, Фортескью, бироқ тинчлик сақлашингизни сўрайман, - мулойим оҳангда илтимос қилди Дамблдор.

- Ўқувчиларни мулоҳаза юритилаётган учрашувга йиғишдан кўзланган асосий мақсад, - давом этди Амбриж, - Иштирокчиларни норасмий жамиятга аъзо бўлишга даъват этиб, вазирлик томонидан таълим дастуридан чиқариб юборилган қарғишлар ва суқига қарши суқилар ижросини ўзлаштириш бўлган...

- Сиз чуқур янглишяпсиз, Долорес, - гапни бўлди Дамблдор, қирғий бурнининг ўртасига илдириб қўйилган кўзойнаги устидан қараб.

Гарри ҳайрон бўлиб, директорга бақрайди. Наҳотки Дамблдор уни мушкул вазиятдан чиқара олса? Лекин Уилли Уиздесуйерс чиндан ҳам, ўша суҳбатни эшитган бўлса, Гаррининг қутулиб қолиши амри маҳол...

- Ана холос! - деди Фуж, товонида боз чайқалиб, - Хўш, хўш, қани, навбатдаги ёлғон-яшиқни эшитайлик-чи, Дамблдор! Поттерни оқлаш учун ҳар нарсага тайёр турасиз-да! Хўш, гапиринг, вужудим қулоқ! Уилли Уиздесуйерс тўхмат қилган, десангиз керак, а? «Ахта чўчка калласи» қовоқхонасида эса Поттер эмас, унинг ўхшаши бўлган, дейсизми? Ёки ҳар сафарги эртақлар, вақт бўйлаб саёҳат, мурдалар дунёсидан қайтиш-у, бир жуфт дементорнинг пайдо бўлиши билан изоҳланадими?

Перси Уэсли сохта хандон отиб юборди.

- Кулгили чиқди, вазир жаноблари, гапнинг кифтини келтириб юбордингиз!

Келиштириб бир тепсам эди, хаёлдан ўтказди Гарри, аммо Дамблдор ҳам кулиб ўтирганини кўриб, таажжубланди.

- Рад этмайман, Корнелиус. Ишончим комилки, Гарри ҳам, рад этмайди. Бола чиндан ҳам, «Ахта чўчка калласи» қовоқхонасида бўлган ва ёвузлик кучидан ҳимоя амалларини ўзлаштириш мақсадида гуруҳ тўплашни ният қилган. Мен фақат бироз аниқлик киритмоқчиман холос. Хусусан, Долорес Амбриж зикр этилган гуруҳни «норасмий», деб атаб, янглишаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Зеро, ёдингизда бўлса, мактаб жамиятларининг фаолиятини ман этиш тўғрисидаги вазирлик декрети «Ахта чўчка калласи» қовоқхонасидаги ўқувчилар учрашуви ўтганидан сўнг, чиқарилган. Бинобарин, ўша вақт ва ўша вазиятда Гарри бирон-бир қоида талабини бузмаган. Персининг юзи, худди биров башарасига аллақандай оғир нарса билан тортиб юборгандай қиёфа касб этиб, оғзи очиқ қолганча, серрайиб қолди.

- Тўғри айтяпсиз, директор, - ширин-шакар кулиб қўйди, эсини биринчи бўлиб йиғиб олган Амбриж, - Бироқ йигирма тўртинчи сонли декрет чиқарилган санадан эътиборан ярим йил ўтди. Агар биринчи учрашув ғайриқонуний эмас, деб эътироф этиладиган бўлса, қолган учрашувларнинг бари қонунга хилоф кечган.

- Жуда тўғри, - деди Дамблдор, қовуштириб олган бармоқлари устидан Амбрижга боадаб қизиқсиниб қараб, - Қонунга хилоф бўлган бўлар эди, агар ўша йиғилишлар давом эттирилган бўлса. Ишоти борми?

Дамблдор фикр билдираётган ушбу фурсатда Гаррининг орқа томонида ғалати шитирлаш ва Кинслининг жуда паст овозда нимадир пичирлагани эшитилди, сезилар-сезилмас ҳаво оқими эсиб ўтиб, Гаррининг ёнбошига худди қуш пати тегиб ўтгандай бўлди. Бола пастга қараб, ҳеч нима кўрмади.

- Ишот? - бақадай вақиллаб кулди Амбриж, - Сўзларимни эшитмадингиз чоғи, Дамблдор?

Сизнингча, нима учун мен Мариэтта Даблинни етаклаб келдим?

- Демак, қизалоқ жамики ярим йил учун шоҳидлик беришга тайёр эканда? - қошини кўтарди Дамблдор, - Мен эса фақат бугунги йиғилиш тўғрисида гап боради, деб ўтирибман.

- Мисс Даблин, дўмбоққинам, - шу заҳоти мурожаат қилди Амбриж, - Қани айтинг-чи, йиғилишлар қанча вақтдан буён ўтказиб келинган? Бошингизни ирғиб ёки силтаб қўйишингиз ҳам мумкин. Ишончим комилки, бундай ҳаракатингиздан ҳуснбузарлар сони кўпаймайди. Йиғилишлар сўнгги олти ой давомида мунтазам ўтказиб келинганми?

Гаррининг ичида борки нарса ўзилиб кетгандай бўлди. Мана, марҳамат, Дамблдор ҳам инкор эта олмайдиган сўзсиз исбот.

- Бошингни ирғиб ёки силтаб қўй, дўмбоққинам, - мулозим оҳангда такрорлади Амбриж, - Бўл энди! Қарғиш икки маротаба таъсир ўтказмайди.

Ҳамма нафас чиқармай Мариэттага, унинг ёқаси билан жингалак пешонагажаги ўртасида кўринаётган кўзига қараб қолди. Шуниси қизиқки, қизнинг кўзи мутлақо нигоҳсиз бўлиб қолган... ёки камин шуъласида шундай кўриняпти-ми? Бироздан сўнг, Мариэтта, Гаррини ҳайрон қолдириб, бош силтади.

Амбриж Фужга қараб қўйди-да, Мариэттага бақрайди.

- Сен саволни тушунмаган кўринасан, дўмбоққинам. Сўнгги олти ой давомида ўша йиғилишларда иштирок этганмисан? Ҳа-ми?

Мариэтта яна бош силтади.

- Бу қанақаси, дўмбоққинам? - дарғазаб сўради Амбриж.

- Маъноси, назаримда, тушунарли, - кескин овоз кўтарди профессор Макгонагалл, - Сўнгги олти ой давомида ҳеч қандай яширин йиғилиш ўтказилмаган. Тўғрими, мисс Даблин?

Мариэтта бош ирғиди.

- Лекин шу бугун ўтказилган! - бақриб юборди Амбриж, - Йиғилиш ўтказилган, мисс Даблин! Даркор хонада! Буни ўзингиз айтдингиз менга! Поттер эса ташкилотчи бўлган, шундайми? Поттер ташкилотчи, у... Нега бошингни силтайсан, ҳой қиз?

- Одатда, киши бошини силтаса, - муздай оҳангда тушунтириш берди профессор Макгонагалл, - У «Йўқ» деган жавобни назарда тутди. Бинобарин, агар мисс Даблин бугунги кунга қадар жамики башариятга номаълум имо-ишора тилида мулоқот қилмаётган бўлса...

Профессор Амбриж Мариэттани елкаларидан дағал чангаллаб, юзини ўзи томон шартта бурди-да, бор кучи ила силтай бошлади. Фурсат ўтмай, Дамблдор, сеҳрли таёқчасини ўқтаганча, оёққа қалқиб турди. Кинсли Амбриж томон қадам босди. Бақа аёл панжаларини куйдириб олгандай, ҳавода силтаб, Мариэттадан нари қочди.

- Болага қўл кўтарилишига йўл қўймайман, Долорес, - деди Дамблдор, илк бор жаҳли чиқиб.

- Келинг, тинчланайлик, Амбриж хоним, гурсиллади Кинсли, чўзиқ овози билан, - Нохушлик рўй беришини истамаймиз-ку, тўғрими?

- Йўқ, - деярли унсиз нафас чиқарди Амбриж, нигоҳини баҳайбат Кинслига кўтариб, - Айтмоқчиман-ки, ҳа... сиз ҳақсиз, Кандальер... мен... бироз қизишиб кетдим.

Мариэтта турган жойида ҳаракатсиз қолди. Кутилмаган ҳамла ҳам, чангалдан халос бўлгани ҳам, унга оз бўлса-да, таъсир ўтказмаган чоғи, нигоҳини тўғрига қаратиб турибди.

Кинслининг пичирлагани ва ёнидан нимадир ўтганини эслаган Гарри иккиланиб қолди.

- Долорес, - деди Фуж, ушбу масалага нуқта қўймоқчи бўлган кишидай, - Бугунги йиғилиш бўлиб ўтгани аниқми?

- Аниқ, - ўзини идора қилиб олди Амбриж, - Мисс Даблин йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар бергач, мен, бузғунчиларни жиноят жойида қўлга олиш мақсадида бир қатор ишончли ўқувчилар билан биргаликда еттинчи қаватга тез кўтарилдим. Таассуфки, уларни кимдир огоҳлантиришга улгурган шекилли, ҳаммаси тумтарақай бўлди. Умуман айтганда, бунинг аҳамияти ҳам йўқ. Барча фамилиялар менга маълум. Бундан ташқари, мисс Паркинсон менинг илтимосимга биноан,

ашёвий далил топиш учун Даркор хонани кўздан кечириб чиқди. Хонадан эса керакли нарса топилди.

Амбриж киссасидан жамият рўйхатини чиқариб, Фужга узатди.

- Поттернинг фамилиясини кўриб, нимага дуч келганимизни шу заҳоти англадим, - аста қўшиб қўйди Амбриж.

- Жуда соз, - яшнаб кетди Фуж, - Жуда яхши... Долорес... Яшин урсин... мени...

Фуж сеҳрли таёқчасини тушириб, Мариэттанинг ёнида турган Дамблдорга қаради.

- Жамиятга берилган номни қаранг-а! - деди Фуж, шошилмай, «Дамблдор армияси» эмиш.

Дамблдор қўлини узатиб, Фужнинг қўлидаги пергамент варағини олди ва ярим йил муқаддам Гермiona ёзган сарлавҳани ўқиб, муайян вақт худди тилдан қолган кишидай серрайиб қолди. Сўнг, хаёлини йиғиб олди шекилли, нигоҳини кўтарди.

- Хўш, - деди у, хотиржам кулиб, - Шу ерга келганда, ўйин тугади, Сизга ёзма равишда тақдим этиладиган иқрор керакми, Корнелиус ёки гувоҳлар шоҳидлигидаги оғзаки тасдиқнинг ўзи етарли бўладими?

Кинсли билан профессор Макгонагалл бир-бирига қараб қолишди. Гарри эса нима бўлаётганини мутлақо тушунмади. Афтидан, Фуж ҳам, шу кўйга тушган.

- Дамблдор армияси, Корнелиус, - деди кулишини қўймаган директор, рўйхатни вазирнинг тумшуги яқинида силтаб, - Поттер армияси эмас тушуняпсиз-ми, Дамблдор армияси.

- Аммо... лекин... бироқ...

Фужнинг нигоҳида идрок аломати кўринди. У даҳшатдан орқага тисарилиб, оёғи яна камин чўғига кириб кетиб, чийиллаганча, тортиб чиқарди.

- Сиз? - пичирлади у, тутаётган этагини тепалаганча, ўчириб.

- Мен, - мулойим оҳангда тасдиқлади Дамблдор.

- Бу ишларнинг барини ўзингиз ташкиллаштирдингиз-ми?

- Ўзим, - бош ирғиди Дамблдор.

- Ўқувчилар армиясини йиғдингиз-ми? Ўз армиянгизни-я?

- Бугун биринчи йиғилиш ўтиши керак эди, - баёнот қилди Дамблдор, - Болаларнинг армиямга аъзо бўлишга розилигини олиш мақсадида. Кўриниб турибдики, мисс Даблинни таклиф қилиб, хатоликка йўл қўйибман.

Мариэтта бош ирғиди.

Дастлаб қизга, сўнг, Дамблдорга қараб қўйган Фужнинг ғазаби қайнаб, кўкрак соҳаси кўтарилиб кетди.

- Бундан чиқди, сиз, менга қарши исён кўтармоқчи бўлибсиз-да, а?! - ўкириб юборди у.

- Чиндан ҳам, - қувонч-ла, тасдиқлади Дамблдор.

- Йўқ! - қичқирди Гарри.

Кинсли огоҳлантирувчи нигоҳ-ла, қараб қўйди, Макгонагалл кўзини таҳдидли ярқиратди, лекин Дамблдор нима қилмоқчи бўлганини фаҳхламаган Гарри, бари-бир унга халал беришга аҳд қилди.

- Йўқ... профессор Дамблдор!... Йўқ!...

- Жим бўл, Гарри, акс ҳолда хонамни тарк этишингга тўғри келади, - деди Дамблдор хотиржам оҳангда.

- Чиндан ҳам, бир пас жим тур, Поттер! - акиллади ҳайратдан чақчайиб кетган кўзини

Дамблдордан уза олмаётган Фуж, - Хўш... хўш... Мен бу ерга Поттерни мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштиргани келган бўлсам-у, унинг ўрнига...

- Унинг ўрнига мени ҳибсга оласиз, - кулди Дамблдор, - Нут йўқотиб, галлеон топгандай бўласиз, шундай эмасми?

- Уэсли! - қичқирди Фуж, қувончдан титраб, - Уэсли, сиз барини, унинг сўзлари, иқрори, барча-

барчасини қайд этиб боряпсиз-ми?

- Худди шундай, сэр! - руҳланиб жавоб берди, катта тезликда ёзиб, бурнига сиёҳ сачраётган Перси.

- Вазирликка қарши кураш армияси ҳақида, мавқеимга путур етказиб, тагимга сув қуйишни ният қилгани тўғрисидаги иқдорини ҳам ҳужжатлаштирдигиз-ми?

- Худди шундай, вазир жаноблари, барини қайд этдим, - жавоб берди илҳомланиб кетган Перси, ўз ёзувларига қараб чиқиб.

- Жуда соз! - ҳайратдан яшнаб кетди Фуж, - Нусха кўчириб, зудлик билан «Башорат-у, каромат газетаси» таҳририятига йўлланг. Шошилинг. Бойқуш орқали йўлласангиз, эрталабки сонидан чоп этирилишига улгурамиз!

Перси хонадан ўқдай учиб чиқди. Эшик қарсиллаб ёпилгач, Фуж Дамблдорга юзланди.

- Сизни эса вазирликка қадар кузатиб боришди ва тегишли расмиятчилик амалга оширилгач, суд мажлиси ўтишини кутишингиз учун Азкабанга йўлланасиз!

- Ҳа, албатта, - мулойим оҳангда жавоб қайтарди Дамблдор, - Фақат кичкинагина муаммо бор-да. Умуман айтганда, ўша муаммонинг юзага келишини кутган эдим.

- Муаммо? - сўради қувонишини қўймаган Фуж, - Бирон-бир муаммо кўрмаяпман, Дамблдор.

- Мен эса афсуски, кўряпман, - деди Дамблдор, узр сўраган оҳангда.

- Наҳотки...

- Гап шундаки... Комил ишонч-ла, баён этилаётган фикр-мулоҳазаларингизга қараганда... мен... нима десам экан, кўнглингиз оғримаслиги учун?... гўё сўзсиз итоат этаман. Афсуски, Корнелиус, бундай бўлмайди. Муаммо шундаки, Азкабанга йўл олиш ниятим йўқ. Табиийки, у ердан, ҳеч қийинчиликсиз, осонгина қочишим ҳам мумкин, аммо бундай иш қимматли вақтни ақлсиз ютқазиб демак! Очиғини айтганда, бир олам ишим бор. Азкабанда бекор ўтиргандан кўра, ўша ишларни ҳал этишни афзал кўраман.

Амбриж, худди ичига биров қайноқ сув қуяётган каби, ранги ҳар дақиқа ўтган сари қизариб бормоқда. Фуж, гўё башарасига қаттиқ мушт еган-у, калтакланганига бовар қила олмайган кишидай серрайганча, Дамблдорга бақрайиб, қандайдир ғалати қақиллаган овоз чиқарди, сўнг, Кинсли ва оқарган сочи қисқа олинган, шу вақтга қадар сўз айтмай турган кишига қаради. Ушбу сеҳргар далда бергандай, Фужга бош ирғиб қўйди-да, деярли ёпишиб турган девордан ажраб, қўлини киссасига солганча, бир қадам олдинга ташлади.

- Кетини ўйламай, аҳмоқона хатти-ҳаракатларга йўл қўйманг, Давлиш, - деярли мулойим оҳангда огоҳлангирди Дамблдор, - Зўр аврор эканлигингиз борасида шубҳа қилмайман. Хотирам панд бермаётган бўлса, барча имтиҳонларни «олий» баҳога топширгансиз, бироқ, э-м-м... куч ишлатишга уринадиган бўлсангиз, хавфсизлигингиз масаласида кафолат бера олмайман.

Давлиш фамилияли киши кўзини ожизона пирпиратиб, энди нима қилиш кераклигини сўрамоқчи бўлгандай, Фужга қараб қолди.

- Якка ўзингиз мени, Давлиш, Кандальер ва Долоресни уддалай олишга комил ишонч билдирияпсиз-ми? - тишининг оқини кўрсатди, хаёлини йиғиб олган Фуж.

- О, Мерлин соқоли, йўқ, албатта, - кулиб қўйди Дамблдор, - Агар аҳмоқона хатти-ҳаракатларга йўл қўймасангиз.

- Якка ўзи курашишига тўғри келмайди, унга, - баланд овозда эълон қилди профессор Макгонагалл, қўлини ички чўнтагига солиб.

- Тўғри келади, Минерва, тўғри келади, - кескин эътироз билдирди Дамблдор, - Сиз «Хогварц»га кераксиз!

- Бўлди, етар, бас! - хитоб қилди Фуж, таёқчасини кўтариб, - Давлиш! Кандальер! Ҳибсга олинг уни! Кумуш тўсли яшин чақнади, милтиқдан узилган ўқ товушига ўхшаш қарс янгради, бир зумда хонанинг тўс-тўполони чиқиб кетди. Кимдир Гаррининг ёқасидан тутиб, тортганча, полга ётқизиб қўйди. Шу заҳоти иккинчи яшин янграб отилди, портретлар шовқин кўтарди, Янгус қулоқни кар

қилар даражада қичқирди, хонани қалин булут қоплади. Ұпкаси тўлиб йўталган Гаррининг ёнига кимнингдир дароз, қора танаси гупиллаб тушди, яна кимнингдир чийиллагани эшитилди, нимадир тепадан тушиб кетди, кимдир «Йўқ!» деб қичқирди, аллақандай шиша чилпарчин бўлди, кимдир югурди, сўнг, инграш овози эшитилди... ва дафъатан ўлик жимжитлик қарор топди. Гарри бўйнидан босиб турган кишидан халос бўлишга уриниб, уни Мариэтта билан бирга полга ётқизиб қўйганча, энгашиб турган профессор Макгонагаллни кўрди. Чанг қалин кўтарилган бўлиб, Гарри тўлиқ нафас олишга қийналди.

Уларнинг ёнига новча бўйли киши келди.

- Аҳволингиз яхшими? - сўради Дамблдор.

- Яхши, - жавоб берди, Гарри билан Мариэттани оёққа турғизган профессор Макгонагалл.

Чанг аста-секин чўкиб, хонанинг аҳволи кўрина бошланди: ёзув столи онтарилган, ингичка оёқли столчалар йиқилган, кумуш тусли асбобларнинг парчалари атрофга сочилган. Фуж, Амбриж, Кинсли ва Давлиш полда, ҳаракатсиз чўзилиб ётибди. Қақнус Янгус, улар узра аста сайраб учмоқда.

- Афсуски, Кинслини ҳам қулатишга тўғри келди. Акс ҳолда шубҳа туғилиши мумкин, - аста пичирлади Дамблдор, - Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугун у ажойиб иш қилди: мисс Даблиннинг хотирасини ҳеч кимга сездирмай, ўзгартириб қўйди! Менинг номимдан ташаккур билдириб қўйинг, унга, Минерва, хўпми? Энди сўзларимга диққат билан қулоқ тутинг. Кўп ўтмай, улар хушига келишади. Гаплашиб олганимизни билишмагани маъқул. Ўзингизни шундай тутинг-ки, улар атиги бир неча сонияга ҳушдан кетгандай ҳис этишсин ўзларини. Шундай қилсангиз, уларда ҳеч қандай шубҳа туғилмайди.

- Энди қаёққа борасиз, Дамблдор? - пичирлаб сўради профессор Макгонагалл, - Пинҳонийлик майдонигами?

- О, йўқ, - маъюс кулиб қўйди Дамблдор, - Бекиниб юриш ниятим йўқ. «Хогварц»ни тарк этишга мажбур қилгани учун Фуж ҳали афсус қилади, буни мен сизга ишонтириб ваъда қиламан.

- Профессор Дамблдор... - ғудуллади Гарри.

Бола гапни нимадан бошлашни билмай қолди: ДА жамиятини яратиб, фаолиятини йўлга қўйгани ёки унинг айби билан мактабни тарк этишга мажбур бўлгани учун узр сўрашдан-ми? Бироқ директор оғиз жуфтлашга имкон бермади.

- Сўзларимга қулоқ сол, Гарри, - ғайрат-ла, гап бошлади Дамблдор, - Сен окклуменцияни пухта ўзлаштириб олишинг керак, тушуняпсан-ми? Профессор Снег бераётган барча кўрсатмаларни сўзсиз бажаришинг даркор, босинқирашларинг бас бўлиши учун уйқуга ётишдан олдин, унинг тавсияларига амал қилишинг лозим. Буларнинг бари нима учун кераклигини тез орада тушуниб етасан, ҳозир эса менга айтганингизни қиламан, деб ваъда бер...

Давлиш фамилияли киши ётган ўрнида қўзғалди.

- Ёдингда бўлсин... онгингни батамом муҳосара қилишинг шарт, - деди Дамблдор Гаррининг билагини ушлаб.

Дамблдорнинг бармоқлари Гаррининг тери қопламасига тегиши ҳамоно, чандиққа ниҳоятда кучли оғриқ кирди. Гаррининг вужудини ягона истак, у ҳам бўлса, Дамблдорни қаттиқ уриб, ғажиб ташлаш, майда бўлақларга парчалаб ташлаш истаги қамраб олди.

- Кўп ўтмай, ўзинг англаб етасан, - пичирлади Дамблдор.

Янгус сўнги бор айланиб, соҳибининг боши устига учиб келганча, ҳавода муаллақ осилиб қолди. Дамблдор қўлини Гаррининг билагидан олиб, юқорига кўтарди-да, қушнинг узун думини ушлаб олди. Олов лов этиб, иккаласи ҳам, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

- Қани у? - ўқирди Фуж, полда ётган ўрнига ўтириб, - Қани?

- Билмадим! - бақирди Кинсли, оёққа сакраб туриб.

- Ҳавода даф бўла олмайди! - чийиллади Амбриж, бу ерда, мактаб ҳудудида даф бўлишнинг

иложи йўқ...

- Зинапояга! - бақирди Давлиш, полдан ирғиб турганча, чиқиш эшиги томон отилиб.

У эшикни ланг очиқ қолдириб, кўздан ғойиб бўлди. Кинсли билан Амбриж ҳам, Давлишнинг ортидан эргашди. Фуж бироз ўйланиб, аста ўрнидан турди-да, эгнини қоқиб, чангдан тозалаган бўлди. Орага узоқ сукунат чўкди.

- Шу тариқа, Минерва, - жирканч оҳангда таъкидлаб қўйган бўлди Фуж, йиртилган енгини асл ҳолатига қайтарар экан, - Дўстингиздан ажралган кўринасиз.

- Шундай, деб ўйлайсиз-ми? - ҳақорат оҳангида жавоб қайтарди профессор Макгонагалл.

Расвоси чиққан хонага кўз югуртириб чиққан Фуж ўзини эшитмаган кўйга солди. Вазирга ўқрайиб туришган портретлар дарғазаб пишқиришди, баъзилари эса ниҳоятда хунук қилиқлар кўрсатишди.

- Анави иккаласини хоналарига юборинг, ётиб ухлашсин, - деди Фуж, Гарри билан Мариэттага ияги ила имо қилиб.

Профессор Макгонагалл индамай, болаларни чиқиш эшиги томон етаклади. Эшик ёпилар экан, Гаррининг қулоғига Пиний Нигеллий айтаётган сўзлар чалиниб қолди:

- Биласизми, вазир, кўп жиҳатларимиз ила Дамблдор иккаламиз бир-биримиздан кескин фарқ қиламиз, албатта. Бироқ тан олиш жоизки, унинг ўзига хос иш тарзи ниҳоятда пухта шаклланган...

## **ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ. СНЕГНИНГ ЁМОН ХОТИРАЛАРИ**

Сеҳргарлик вазирлигининг фармонида биноан Альбус Дамблдор «Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактаби директори лавозимидан четлаштирилди. Ўрнига Долорес Жейн Амбриж (бош инспектор) тайинланди.

Мазкур фармон 28- сонли таълим тўғрисидаги декретга асосан чиқарилди.

Имзо:

Корнелиус Освальд Фуж, сеҳргарлик вазири.

Ушбу эълон тунда, мактаб қасрида мавжуд жамики эълонлар тахталарига маҳкамлаб чиқилди.

Эълон матни икки нафар аврор, бош инспектор ва кичик ёрдамчи билан бирга келган сеҳргарлик вазирини енгган Дамблдор номаълум йўналишда ғойиб бўлганини англамайди, албатта.

Ваҳоланки, бўлиб ўтган ишни ҳамма билади. Директорнинг қочиб кетганини бутун мактаб муҳокама қилмоқда. Ҳикоя оғиздан-оғизга ўтган сари, табиийки, қизиқ-қизиқ тафсилотларга бойиб борди. Чунончи, иккинчи синфда таҳсил кўрадиган қизалоқ ўз дугонасига Фуж Муқаддас Резги касалхонасига ётқизилгани, энди унинг боши ошқовоққа айланганини ишонтириб айтаётгани иккаласининг ёнидан ўтиб бораётган Гаррининг қулоғига чалиниб қолди. Умуман айтганда, ҳикоя етарлича аниқ баён этилмоқда. Хусусан, Гарри билан Мариэтта бўлиб ўтган ҳодисанинг ягона гувоҳлари эканлиги ҳаммага маълум. Мариэтта мактаб касалхонасига ётқизилган экан, Гарри мактабдошларининг саволларига кўмилиб кетди.

- Дамблдор кўп ўтмай, қайтади, - ишонч-ла, баёнот қилди Эрни Макмиллан, гербология дарси тугаб, қаср томон қайтишар экан, - Иккинчи синфда ўқиб юрган кезларимизда, улар ҳеч нарса қила олишмаган, ҳозир ҳам қўлларидан ҳеч нарса келмайди.

У исёнчидай овозини пасайтириб, Гарри, Рон ва Гермionaга яқинроқ энгашишга имо қилди:

- Семиз Роҳибнинг айтишича, кеча тунда, Амбриж, мактаб қасри ва ташқи ҳудудини тинтув қилиб чиққач, Дамблдорнинг хизмат хонасига қайтмоқчи бўлибди. Аждар тусли тош илон эса уни киритмабди. Хона ўзидан ўзи ёпилиб қолибди-да, тамом вассалом, очилмайдиган бўлиб қолибди,

- кулди у, - Бақа аёлнинг жазаваси тутиб қолиб, роса вақиллабди.

- Тасаввур қиялман, - интиқом оҳангида фикр билдирди Гермiona, вестибюлга кириб келишгач, - Ўзини директор ўрнида кўрмоқчи бўлган, ҳойна-ҳой. Курсида ялпайиб олганча, мактаб ўқитувчилари устидан ҳукм ўтказишни орзу қилиб келган! Аҳмоқ, муттаҳам, зулмкор, қари...

- Фикрингни охиригача етказишга ишончинг комилми, Грэнжер?

Драко Малфой, одатдагидай, ўз қуролбардорлари Краббе ва Гойл ҳамроҳлигида яқин орадаги эшик ортидан чиқиб келди. Унинг ўткир жағли рангпар юзида мурдор қувонч барқ урмоқда.

- «Гриффиндор» билан «Хуффльпүфф»дан иккитадан балл айиришга тўғри келади, шекилли, вишиллади у.

- Фақат ўқитувчиларгина балл айириши мумкин, - эътироз билдирди Эрни.

- Биз ҳам синфбошимиз, эсингдан чиқиб қолди-ми? - ўшқириб берди Рон.

- Ҳой, сен, қирол Уэсли! Синфбошилар балл айириш ҳуқуқига эга эмаслигини яхши биламан, - тишининг оқини кўрсатди Малфой, Краббе билан Гойлни ҳиринглатиб, - Назорат бригадасининг аъзоси эса...

- Ниманинг аъзоси? - қошини кўтарди Гермiona.

- Назорат бригадасининг, Грэнжер, - такрорлади Малфой, синфбоши кўкрак нишони остидаги кичкинагина «Н» ҳарфига бармоқ ўқтаб, - Сеҳргарлик вазирлигига мадад берадиган, профессор Амбрижнинг шахсан ўзи саралаб олган бригада, тушундингни? Демак, ушбу бригада аъзоларига балл айириш ҳуқуқи берилган. Бинобарин, Грэнжер, янги директорга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатганинг учун минус беш балл. Сендан эса Макмиллан, гап қайтарганинг учун беш балл айрилади. Сен эса Уэсли, кўйлагингни батартиб кийиб юрмайсан, минус беш балл. Ҳа, яна, Грэнжер, ёдимдан кўтарилибди, магловачча бўлганинг учун сендан яна ўн балл айрилади..

Рон чангаллаб олган таёқчасини чиқарган эди ҳам-ки, Гермiona уни туртиб, пичирлади:

- Керак эмас!

- Доно фикр, Грэнжер, - вишиллади Малфой, - Янги директор – янги давр... Шундай экан, хушхулқ бўлинг... Потрох... Уэсель...

Баҳузур хандон отган Малфой тан қўриқчилари Краббе ва Гойл билан бирга нари кетди.

- Лоф, - даҳшат-ла, пичирлади Эрни, - Бундай ҳуқуқ берилган бўлиши мумкин эмас, унга... бу, кулгили бир ҳол холос... зеро, балл айириш ҳуқуқи ҳавола этилиши синфбошилиқ тизими асосларига путур етказди...

Гарри, Рон ва Гермiona ғайриихтиёрий равишда вестибюлдаги йирик қум соат томон юзланди. Ҳар бири алоҳида тоқчага ўрнатилган тўртта қум соат коллежлар эришган балларни кўрсатади. Бугун эрталаб «Гриффиндор» ва «Равенкло» тенг ҳисоб билан етакчилик қилаётган эди. Ҳозир эса тошчалар қуйи колба даражасини пасайтирганча, юқорига сапчиб чиқмоқда. Фақат «Слизерин»нинг яшил тусли қум соатидагина ҳеч нарса ўзгармаяпти.

- Сездингиз-ми? - сўради Фреднинг овози.

Эгизаклар мрамор зинадан тушиб келишди.

- Малфой биздан тахминан эллик балл айириб ташлади, - ғазаб-ла маълум қилди Гарри, яна бир нечта тош юқорига сапчиб чиққанини кўриб.

- Эрталаб, танаффус вақтида, Монтегью ҳам, шундай қилишга уриниб кўрди, - деди Жорж.

- «Уриниб кўрди» деганингизни қандай тушуниш керак? - шу заҳоти қизиқди Рон.

- Боши билан ғойиб қилиш жавонига сўқиб ташлангани боис, бечоранинг гапи оғзида қолиб кетди, - тушунтириш берди Фред, - Билсангиз керак, биринчи қаватда турадиган ўша жавонни.

- Энди иккалангизни жиддий нохушликлар кутади! - хитоб қилди, ҳаяжонланиб кетган Гермiona.

- Монтегью пайдо бўлмас экан, кутмайди, - баёнот қилди Фред, пинагини бузмай, - Уни қаёққа йўллагинимизни эса тасаввур ҳам қила олмайман. Умуман айтганда, сен айтган нохушликлардан энди ҳеч ҳам ҳадиксирамаймиз.

- Қачон ҳадиксираган эдингиз-у, энди ҳадиксирасангиз, - қошини чимирди Гермiona.

- Тўғри, лекин билишимча, биз ҳали бирор маротаба бўлсин, мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилганимиз йўқ, - деди Жорж.

- Ҳад чегарасидан ҳеч қачон чиққанимиз йўқ, - қўшимча қилди Фред.

- Чиққан бўлсак ҳам, атиги ярим бармоқ узунлигида ўтганмиз холос, - аниқлик киритди Жорж.

- Бироқ чинакам тартибсизликни ҳали юзага келтирганимиз йўқ, - фикрига ойдинлик киритди Фред.

- Энди-чи? - журъатсиз сўради Рон.

- Энди-ми?... - чўзди Жорж.

- ... Дамблдор йўқ экан... - деди Фред.

- ... фикримизча, чинакам тартибсизликни... - давом этди Жорж.

- ... қадрли янги директоримиз ўз хизматига яраша мукофот тариқасида олади, - якунлади Фред.

- Ундай қилманг! - пичирлади Гермiona, - Қилманг! Тутиб олса борми, иккалангизни ҳам мактабдан қувиб солади у! Баҳона топа олмай юрибди холос!

- Гермiona, боядан буён қулоғинга танбур чаляпмиз-ми? - кулди Фред, - Бу ерда қиладиган ишимиз қолмади. Умуман айтганда, аллақачон кетган бўлар эдик, лекин Дамблдор шарафига бир иш қилишимиз керак. Қисқаси, - деди у, соатига қараб, - Ҳа демай, тадбирнинг биринчи босқичи бошланади. Ўрнингизда бўлсам, ўқитувчилар, бу ишга сизларнинг дахлингиз йўқлигини билиши учун, тушлик қилгани Катта Залга кириб кетган бўлар эдим.

- «Дахлимиз йўқлиги»нинг нима дахли бор? - хавотирга тушиб қолди Гермiona.

- Сабр қилсанг, кўрасан, - деди Жорж, - Қани, болачалар, қочиб қолинглар. Эгизаклар тескари ўгирилиб, тушлик қилишга ошиқаётган ўқувчиларнинг сони шиддат-ла ошиб бораётган тўдасига кириб кетишди. Эрни Макмиллан бир нарсани бошқа нарсага айлантириш бўйича берилган вазифа тўғрисида алланима деди-да, тез жуфтаси ростлади.

- Чиндан ҳам, қуённинг расмини чизиш керакка ўхшайди, - асабий пўнғиллади Гермiona, - Ҳар эҳтимолга қарши...

- Тўппа-тўғри, - тасдиқлади Рон.

Учовлон Катта Зал эшиги томон одимлаб кетди. Гарри шифт остида сузиб келаётган ғалати бўлутни кўриб қолган эди ҳам-ки, кимдир унинг елкасини орқа томондан қаттиқ туртди. Гарри кескин бурилиб, назоратчи Филч билан юзма-юз келиб қолди-да, бир неча қадам орқага тез чекинди. Киши ўзини Филчдан қанча нари тутса, шунча яхши бўлади.

- Сени директор чақиряпти, Поттер, - жирканч кулги ила хабар етказди Филч.

- Мен эмас, - тентакнамо жавоб қайтарди Гарри, Фред билан Жоржнинг шум ниятини назарда тутиб.

- Қўрққан олдин мушт кўтарар эканда, а? - ҳансираб хириллади назоратчи, - Ортимдан қадам бос. Гарри ўртоқлари Рон билан Гермionaга қараб қўйди. Иккаласи ҳам, ҳеч нарсани тушунмай, Гаррига хавотир-ла, бақрайиб турибди. Гарри елка қисиб қўйди-да, очқаган ўқувчилар оқимига қарши йўналишда Филчнинг кетидан юриб, вестибюлга қайтиб чиқди.

Мактаб назоратчисининг кайфияти кўтаринки, мрамар зинапоядан юқорига кўтарилар экан, ниманидир хиргойи қилиб борди.

- Замон ўзгарди, Поттер, - деди у, зинанинг биринчи бўлагига кўтарилиб.

- Сездим, - қисқа қилди Гарри.

- Ҳа... Кўп йиллардан буён айтиб келган эдим, Дамблдорга, сизлар билан ҳаддан ортиқ юмшоқ муомала қилаётганини, - жирканч ҳиринглади Филч, - Қаттиққўлроқ бўлиш керак эди. Агар мен сизларни қамчи билан етти қават терингиз шилиниб кетгунга қадар савалашимни билсангиз эди, бирорта бўлсин, сассиқ ўқча отишга журъат этмаган бўлар эдингиз, тўғрими? Йўлакларга арра тишли ари галасини чиқариб юбормаган бўлар эдингиз, агар сизларни ўз хонамда оёғингизни



осмондан келтириб шифтга осиб қўйишга ҳақли бўлганимда! Ана энди, Поттер, ҳа демай, йигирма тўққизинчи сонли фармон чиқади ва мен ўз ҳукимимга эга бўламан! Ана ўшанда баъзи чораларни кўра оламан... Ҳа, яна шуни биламан-ки, у, Дрюзгни қувиб солиш тўғрисидаги буйруққа имзо чекишини сўраб, вазирга мурожаат йўллаган... О, ана энди, Амбриж бошчилигида ишлар мутлақо бошқача кечади...

Амбриж Филчнинг хоҳиш-истакларини қаноатлантириш учун куч-ғайратини аямаган кўринади, хаёлдан ўтказди Гарри. Энг ёмони, Филч ҳақиқатан ҳам, жиддий рақиб саналади. Яширин йўлақлар-у, махфий жойларга оид билимлари эгизак Уэслилардан қолишмайди.

- Мана, етиб ҳам келдик, - Гаррига қараб иржайди Филч, эшикни уч бор тақиллатиб, - Амрингизга биноан Поттерни келтирдим, мэм, - деди у, эшикни очиб.

Агар йирик зарҳал ҳарфлар билан «ДИРЕКТОР» сўзи битилиб, стол устига қўйилган катта ўлчамли чорқирра ёғоч ҳисобга олинмаса, Гаррига яхши таниш бўлган хона мутлақо ўзгармаган. Бундан ташқари, ёзув столи яқинидаги деворга маҳкамланган йўғон металл чивикқа занжир воситасида ўраб, маҳкамлаб юборилган «Чақмоқ» ва эгизакларнинг «Соф ғалаба»лари турибди.

Супургиларнинг аҳволини кўрган Гаррининг юраги ачишиб кетди.

Пушти пергаментга алланима ёзиб ўтирган Амбриж хонага кириб келган Гарри билан Филчни кўриб, оғзини кенг йирди.

- Миннатдорман, Аргус, - чийиллади у.

- Арзимамайди, мэм, арзимамайди, - деди Филч ва ревматизм имкон берган даражада паст таъзим қилиб, чиқиш эшиги томон орқа юриб борди.

- Ўтиринг, - буюрди Амбриж, Гаррига курси кўрсатиб.

У ёзувини давом эттирди. Гарри девор ликопларидаги мушук болаларининг шўхлик қилаётганини томоша қилар экан, янги директор яна қандай қийноқларни тайёрлаб қўйгани ҳақида ўйлаб ўтирди.

- Шундай қилиб, - гап бошлади Амбриж, худди мазали чивин тутиб еган бақадай мамнун қараб, - Нима ичасиз?

- А?

- Нима ичасиз? - такрорлади Амбриж, кенг оғзини янада баттар йириб, - Чой? Қаҳва? Ошқовоқ шарбати?

- Раҳмат, ҳеч нима керак эмас, - рад этди Гарри.

- Менга шерик бўлишингизни жуда истар эдим, - таҳдид оҳангида боз таклиф қилди Амбриж, - Бирон нима ичинг.

- Яхши... ундай бўлса, чой, - елка қисди Гарри.

Амбриж ўрнидан туриб, Гаррига орқа ўгирганча, серҳафсалалик билан атайлаб чойга сут қуйди, сўнг, кийимини шитирлатиб, башарасида одамни ваҳима босадиган «марҳаматли» табассум барқ урганча, столини айланиб ўтди.

- Марҳамат, - чашка узатди у, - Совиб қолмасидан ичиб олинг. Хўш, мистер Поттер... фикримча, тунда ўтган мудҳиш ҳодисани муҳокама қилиб олишимиз керак.

Гарри индамади. Амбриж жойига қайтиб, жавоб кутди. Ўртага чўккан сукунат узоқ чўзилди.

- Сиз ҳеч қанча ичмадингиз! - деди Амбриж, тетик оҳангда.

Гарри чашкани лабига теккизди-да, кескин туширди. Мушук болаларидан бирининг юм-юмалоқ мовий кўзи Хмурининг сеҳрли кўзига ўхшаб кўринди. Бу эса Гаррини баъзи хаёллар томон етаклади. Қизиқ, Гаррининг душман қўлидан ичимлик олганидан хабар топган Хмури нима деган бўлар эди, а?

- Нима гап? - сўради, синчиклаб қараётган Амбриж, - Шакар қўшасизми?

- Йўқ, - рад этди Гарри, чашкани маҳкам қимтилган лабига келтирганча, чой хўплаган бўлиб.

- Яхши, - пичирлади Амбриж, - Жуда яхши. Шундай қилиб... - олдинга бироз энгашди у, - Альбус

Дамблдор қаерда ҳозир?

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - жавоб берди Гарри.

- Ичинг, ичинг, - иржайишини қўймади Амбриж, - Мистер Поттер, болалар ўйинини четга йиғиштирайлик. У қаёққа кетгани сизга маълум эканлигини яхши биламан. Сиз ва Дамблдор сабабчисиз юзага келган аҳволга. Ўз ҳолатингиз, қисматингиз ҳақида фикр юритиб кўринг, мистер Поттер...

- Қаердалигини билмайман, - такрорлади Гарри.

У ўзини яна чой ҳўплаган қўйга солди. Амбриж эса унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб ўтирди.

- Жуда яхши, - деди у, юзи ниҳоятда домангир қиёфа касб этиб, - Ундай бўлса, марҳамат қилиб айтинг-чи, Сириус Блэк қаерда?

Гаррининг ичидаги борки нарса узилиб кетгандай бўлди, қўлидаги чой ликопчаси қимирлаб, чашка титради. Маҳкам қимтиб олган лабига чашка босиб олган Гаррининг коржомасига чой тўкилди.

- Билмайман, - жавоб берди шошиб қолган бола.

- Мистер Поттер, - деди Амбриж, - Октябрь ойида ўша қочқин жиноятчи Блэки «Гриффиндор» минораси каминида тутиб олишимга оз қолганини эслатиб ўтмоқчиман. Унинг айнан сиз билан учрашмоқчи бўлганини жуда яхши биламан. Қўлимда исботим бўлганда, иккалангиз аллақачон ўлиб кетган бўлар эдингиз. Саволимни такрорлайман, мистер Поттер, қани Сириус Блэк?

- Зиғирдай бўлсин, тасаввур ҳам қила олмайман, - баланд овозда жавоб берди Гарри.

Иккаласи бир-бирига шу қадар узоқ қарадики, Амбрижнинг бақа кўзи устун келиб, Гаррининг кўзи ачишиб кетди.

- Яхши, Поттер, - ўрнидан турди Амбриж, - Бу гал сизга ишондим, бироқ шуни назарда тутинг-ки, вазирлик қудрати, унинг жамики имкониятлари ихтиёримга ҳавола этилган. Ташқи дунё билан ўрнатилган ҳар қандай алоқа менинг назоратим остида. «Хогварц»да борки каминлар, ўзимнинг каминимдан ташқари, албатта, саёҳат тармоғининг навбатчи нозири томонидан мунтазам кузатиб борилади. Қасрга келган ва қасрдан йўлланаётган барча жўнатмалар, амримга биноан, назорат бригадаси томонидан очиб, синчковлик билан текширилади. Мистер Филч эса мактабда борки яширин йўллар, махфий жойларни муҳофаза этмоқда. Шундай экан, огоҳлантириб қўйяй, агар нўхатдай бўлсин...

ГУМБУР!

Хона поли титраб кетди. Ўтирган курсисидан сирпаниб кетган Амбриж қулаб тушмаслик учун ёзув столини ушлаб қолишга базўр улгурди. Бақа аёл қўрқиб кетганидан омонатини топшириб қўйишга сал қолганини турқидан ўқиб олса бўлади.

- Нима эди у? - саросима ила вақиллади у, чиқиш эшигига бақрайиб.

Нима бўлганини фаҳмлаган Гарри фурсатдан фойдаланиб, қўлидаги чойни қуриган гул солинган вазага қўйиб қўйди. Пастки қаватдан қичқирди, шовқин-сурон, дупур-дупур эшитилди.

- Бориб овқатланинг, Поттер! - қичқирди қўлига таёқча ушлаб, хонадан қочиб чиққан Амбриж.

Гарри икки сония ўтказиб, нима гап бўлганини билиш учун Амбрижнинг кетидан ошиқди.

Нима бўлганини билиш қийин кечмади. Пастки қаватда жаҳаннам тўполони бошланибди. Кимдир сеҳрланган мушакларнинг бутун бошли саватини бараварига ҳаракатга келтирибди. Кимнинг қилиғи эканлиги Гаррига маълум, албатта.

Ҳамма жойда:

гумбурлаганча олов пуркаётган, яшил ва тилла тусли учқун ҳосил қилган аждар учиб юрибди; диаметри беш футга етадиган пушти тусли каттакон олов чамбараги худди учар ликопдай учмоқда;

девордан деворга сапчиётган ракеталар кумуш тусли учқунлардан ташкил топган из қолдириб

учмоқда;

ранг-баранг оловли бенгал мушаклари ҳавода беадаб сўзлар битмоқда;

ҳар қадамда портлаётган пиротехника мўъжизаси петардалар охиригача ёниб ёки пишиллаб ўчиш ўрнига, парвози баттар тезлик олиб, янада ёрқин ёнмоқда.

Даҳшатдан серрайган Филч билан Амбриж бир жуфт қоқилган қозиқдек, зинапояда тек қотиб қолишган. Энг йирик олов чамбаракларидан бири, афтидан, манёр учун макон етмади чоғи, гувиллаганча, назоратчи билан директор томон учди. Иккаласи қўрққанидан сийиб қўяр даражада баланд қичқириб, энгашиб олди. Чамбарак ҳуштак чалганча, иккаласининг устидан учиб, очиқ деразадан ташқарига отилиб чиқди-да, қутургандай ҳовлида айлана кетди. Айнаи фурсатда, бир нечта аждар билан шиддат-ла тутаетган қизил тусли йирик кўршапалак йўлак охирида очиқ қолган эшикка отилиб кириб, иккинчи қаватга кўтарилиб кетди.

- Тезроқ, Филч, тезроқ! - ўкирди Амбриж, - Бирор чорасини кўриш керак, акс ҳолда қаср бўйлаб тарқаб кетишади! Ступефай!

Унинг сеҳрли таёқчасидан отилиб чиққан қизил яшин ракеталардан бирига урилди. Аммо, ҳаракат тезлиги секинлашиб, ўчиб қолиш ўрнига қаттиқ портлаб, ортиқ даражада ҳиссиётли лавҳа тасвирланган расмни тешик қўйди. Хайриятки, майсазорда сайр қилиб юрган нозик табиат афсунгар жувон вақтида қочиб қолишга улгуриб, бироздан сўнг, аҳволига қараб бўлмайдиган ҳолатда қўшни расмда пайдо бўлди. Қарта ўйнаб ўтирган бир гуруҳ сеҳргарлар ўринларидан туриб, унга жой бўшатишди.

- Уриб йиқитиш афсунини қўлламанг, Филч! - дарғазаб қичқирди Амбриж, худди қарғишни ўзи эмас назоратчи қўллагандек.

- Хўп бўлади, директор! - хириллади Филч.

Табиатан швах бўлмиш Филч, ракетани ютса ютиб юборадики, бирорта қарғиш ёки афсун қўллай олмайди. У яқин орадаги қазноқлардан бирини очиб, қўлига супурги олиб, петардага ўқтаган эди ҳам-ки, қуролининг говронлари бир зумда ўт олиб кетди.

Роса кулиб, томоша қилган Гарри эгилиб, гобелен ортидаги яширин эшик томон югуриб кетди.

Гобелен ортига ўтгач, Фред билан Жоржга рўбару келди. Эгизаклар Амбриж билан Филчнинг қий-чувларига қулоқ тутиб, хандон отиб юборишдан ўзларини базўр тийиб туришибди.

- Қойил! - кулиб пичирлади Гарри, - Таъсирчан чиқибди... Доктор Филибустер, ўзининг фантастик мушаклари билан дам оладиган бўлибди.

- Ура! - пичирлади Жорж, кўз ёшини артиб, - Умид қиламизки, Амбриж Ғойиб қилиш афсунидан фойдаланиб кўради. Ҳар бир бундай уринишида, улар ўн чандон кўпайиб бораверади.

Мушаклар жамики мактаб ҳудудида куни бўйи ёниб борди. Гарчи улар, айниқса петардалар кўплаб ноқулайлик туғдириб, вайроналик ҳосил қилган бўлса-да, ўқитувчилардан бирортаси домангир бўлмади.

- Вой-бўй, қандай даҳшат, - сохта ваҳима ясади профессор Макгонагалл, гумбурлаб олов пуркаганча, синфга ёпирилган аждарлардан бирига қараб, - Мисс Браун, илтимос, директоримиз ҳузурига бориб, синфимизга аллақандай масхарабоз аёл тасодифан кириб қолганини етказсангиз.

Профессор Амбриж мактаб директори сифатида бошлаган биринчи иш кунини мушак ўчиришга қурби етмайдиган бўйсунувчи ўқитувчиларнинг чақириқларига биноан қаср қаватлари бўйлаб югуриб ўтказди. Сўнгги дарс якунига етганини англатадиган қўнғироқ зарби янграганда, гриффиндорчиларнинг бари ўз минорасига кириб кетди. Ҳамма жойи тўзғиб, афти-ангорига қараб бўлмайдиган Амбрижни терга ботган ҳолатда Флитвикнинг хонасидан чиққанини кўрган Гарри ниҳоятда мамнун бўлди.

- О, миннатдорман, профессор! - чийиллади Флитвик, Амбрижга мурожаат қилиб, - Бенгал мушагини ўзим ҳам ўчира олар эдим, албатта, бироқ бунга ҳақим бор-йўқлиги борасида бироз иккиланиб қолдим, - деди у, афти буришиб бораётган Амбрижнинг бақа башараси олдида эшикни

муттаҳамларча ёпиб қўйиб.

Бу оқшом Фред билан Жорж «Гриффиндор» минорасининг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлди. Ҳатто Гермiona ҳам, халойиқ орасидан ёриб ўтиб, эгизакларни табриклади.

- Мушакбозлик роса томошабоп ўтди! - хитоб қилди у.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди ҳайрон бўлган Жорж, юзи мамнун қиёфа касб этиб, - «Уэслиларнинг учар бомбалари». Фақат шуниси ёмонки, мавжуд захираларнинг ҳаммаси сарф этилди. Эртага қайтадан бошлашга тўғри келади.

- Нима қилганда ҳам, арзийдиган иш бўлди, - деди Фред, талабчан халойиқдан буюртмалар қабул қилиб, - Агар навбатга ёзилмоқчи бўлсанг, Гермiona, «Оддий тутантириқ пакети» учун беш галлеон, «Делюкс тешарлари» учун йигирма галлеон...

Гермiona ортга, Гарри билан Рон ўтирган столга қайтди. Иккаласи юк халталарига шундай қараб ўтирибдики, худди уйга берилган вазифалар ўзидан ўзи сакраб чиқади-да, бажарилишига киришиб кетади.

- Менга қаранг, бирор кун дам олсак нима қилади, а? - беташвиш оҳанг-ла таклиф киритди Гермiona, дераза ёнидан учиб ўтган қумуш из қолдирган ракетага қараб, - Жума куни пасха таътили бошланади, демакки, ўша вазифаларни бажариш учун ихтиёримизда бир олам вақт бўлади.

- Аҳволинг қалай? - қизиқди Рон, Гермionaга бақрайиб, - Ўзингни яхши ҳис этяпсан-ми, ишқилиб?

- Сўраган экансан, айтганим бўлсин, - бахтиёр оҳангда жавоб қайтарди Гермiona, - Бугун қандайдир исёнкорона кайфиятдаман.

Бир соат ўтгач, Гарри билан Рон ётоқхонага кўтарилди. Узоқда петардалар портлаётгани ҳали ҳам эшитилмоқда. Гарри ечинар экан, минора ёнидан ҳавода «Нажас» сўзини астойдил чиқараётган бенгал мушагини кўрди.

Гарри кўрпага ётиши билан эснади. Дераза ортидаги мушаклар, кўзойнаксиз, ёйилиб кетган доғ, қоп-қора осмон тусида чиройли, сирли порлаётган булутларга ўхшаб кўринмоқда. Қизиқ, хаёлдан ўтказди ёнбошлаб олган Гарри, Дамблдорнинг ўрнига қолган биринчи иш куни Амбрижга ёқтимикан? Мактабда мутлақ тартибсизлик қарор топганини Фуж эшитса, нима дер экан, а? Гарри табассум-ла, кўзини юмди.

Мушаклар ҳуштаги-ю, гумбур-гумбури тобора узоқлашмоқда... ёки ўзи қаёққадир учиб кетмоқда... Гарри тўғри Сирли сеҳр бўлимига олиб борадиган йўлакка тушиб, қора эшик томон югурди.

Очилсин... очилсин...

Мана у, тўғрибурчак шаклидаги хонага кирди. Ҳамма жойдан ғалати механик чиқиллаш эшитилмоқда... деворда аллақандай ёруғлик манбаси таратаётган шуъла ўйнамоқда... манбани кўриш учун Гарри тўхтамади... ҳозир олға юриши керак...

Хонанинг нариги бошида ҳам эшик кўриниб, қўл теккизиши билан осонгина очилди.

Кенг, шифти черков каби баланд, миттигина, чанг қоплаган шиша шарлар терилган токчалар билан жиҳозланган хира ёритилган зал... юрак ўриши тезлашиб кетди... қаёққа бориш кераклигини ҳам билади... Гарри югурди... кимсасиз залда унинг қадамлари эшитилмаяпти... Унга ниҳоятда зарур бўлган нимадир бор бу ерда... шундай нарсаки, қўлга киритишни кўпдан буюн орзу қилади... ўзи орзу қиладими ёки бошқа бировми?

Чандиқ қаттиқ оғриди...

ГУМБУР

Гарри уйғониб кетди. Нима бўлганини тушунмади-ю, лекин роса жаҳли чиқди. Қоронғи хонада кимдир баланд кулиб юборди.

- Зўр иш бўлди-да! - хитоб қилди Симус, - Тасаввур қилинг, чамбараклардан бири ракета билан тўқнаш келди, қўшилишяпти гўё, келинг, ўзингиз кўринг!

Ўрнидан ирғиб туришган Рон билан Дин дераза томон отилди. Гарри овоз чиқармай, чандиғининг

оғриғи тинишини кутиб, ҳаракатсиз ётди. Эндигина етган ажойиб тухфани кўз олдида олиб кетишганидан хафа бўлди... жуда яқин қолганда-я!

Дераза ортида ялтироқ қумуш-пушти тусли чўчқа болалари учиб юрибди. Гарри пастки қаватлардаги гриффиндорчиларнинг ётоқхоналаридан янграётган қувончли қичқириқларни эшитиб ётибди. Эртага окклуменция дарси бўлишини эслаб, қорин соҳаси совиб қолганини ҳис этди.

\*\*\*

Сўнгги машғулотдан кейин бирон маротаба бўлсин, окклуменция билан шуғулланмаганини айбдорлик ҳисси ила эслаган Гарри кейинги кунни жуда зўриқиб ўтказди. Кечаги тушида кириб борган жойни кўрган Снегг нима дейди? Дамблдор мактабни тарк этган кундан эътиборан шу қадар кўп ҳодисалар бўлиб ўтдики, минг ихтиёр билдирилмасин, уйқуга ётишдан олдин ўз фикр-хаёлларидан холи бўла олмаяпти. Снегг эса бундай ҳолатни етарли даражада оқлайдиган сабаб, деб топиши амри маҳол.

Гарри машғулотдан олдин машқ қилишга уриниб кўрди-ю, фойдаси бўлмади. Онгини ўй-хаёл ва ҳис-туйғулардан халос этиш учун жим қолиши билан, Гермiona ундан ҳол-аҳвол сўрайди. Умуман айтганда, ўтилган ўқув материалларини такрорлаш учун ўқитувчилар савол-жавоб ўтказаётган маҳалда, мияни батамом бўшатиб юбориш ҳам, ярамайди.

Кечки овқатдан сўнг, Гарри, тақдирга тан бериб, ерости йўлаги томон йўл олди. Вестибюлда уни Чу тўхтатиб қолди.

- Бу ёққа кел, - қизни йирик қум соат турган ўрнатилган бурчакка тортди Гарри, Снегг билан учрашиш фурсатини чўзиш учун, - Қалайсан? Ишларинг жойидами? Амбриж ДА масаласида сўроққа тутмади-ми, сени?

- Йўқ, йўқ, - шоша-пиша жавоб қайтарди Чу, - Шунчаки... айтмоқчиман-ки... Гарри, у чақимчилик қилиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирганим йўқ эди...

- Энди нима ҳам қила олар эдик, - пўнғиллади Гарри, - Бўлар иш бўлди.

Чу дўст танлаш масаласига жиддийроқ қарамагани Гаррининг бироз аччиғини чиқарди. Тўғри, Мариэтта ҳали ҳам касалхонада ётибди. Помфри хоним эса унинг ҳуснбузарларини даволаш масаласида қийинчилик сезаётган кўринади, бироқ бундай ҳолат овуниб, тинчланиш учун таъсирли омил бўлгани йўқ.

- Умуман айтганда, у яхши қиз, - деди Чу, - Бироз янглишиб, хатоликка йўл қўйди...

- Яхши қиз-у, хатоликка йўл қўйди? - тушунмади кўзи чақчайиб кетган Гарри, - У ҳаммамизни, шу жумладан, сени ҳам сотди!

- ... ишлар жойида-ку! - ўтингандек, чўзди Чу, - Агар билсанг, онаси вазирликда ишлайди, осон эмас эди унга...

- Роннинг отаси ҳам, вазирликда ишлайди! - ғазаб-ла овоз кўтарди Гарри, - Бироқ, унинг юзида, агар эътибор қаратган бўлсанг, «Хоин» сўзи битилмаган...

- Гермiona Грэнжер ҳам, оппоқ қиз эмас агар фикримни билмоқчи бўлсанг. Рўйхатни сеҳрлаб қўйгани ҳақида огоҳлантириб қўйса бўлар эди.

- Менинг фикримча эса, - муздай оҳангда кесди Гарри, - Ғояси зўр бўлган.

Чунинг ранги қизариб, кўзи бир зумда ялтираб қолди.

- Ҳа-я! Ёдимдан кўтарилибди... Албатта, ахир бу қадрли Гермionанинг ғояси бўлган-а!

- Фақат кўз ёш тўкишни хаёлингга ҳам келтирма, - огоҳлантирди Гарри.

- Йиғламоқчи эмасман! - қичқирди Чу.

- Жуда яхши, - деди Гарри, - Шундоқ ҳам, ташвишларим етарлидан ортиб ётибди.

- Бор, ўша ташвишларингни тортиб юравер!

Пошнасида ғазаб-ла айланган Чу нари кетди.

Жаҳли қайнаган Гарри эса ерости йўлагига тушди. Машғулотга дарғазаб ёки хафа ҳолатда келса, Снегг, унинг онгига осон сингиб кира олишини Гарри яхши билади. Бироқ Гарри, тинчланиш ўрнига, аксинча, эшикка етгунга қадар, Чуни чақиб олиш учун Мариэттага қарши яна бирон жуфт далил ўйлаб топишга улгурди.

- Кеч келдинг, Поттер, - деди Снегг, Гарри ичкарига кириб, эшикни ёпиши ҳамано.

Ўқитувчи орқа ўгирганча туриб, хотираларини дамблхотира чиғаноғига жойламоқда. Кумуш тусли сўнги тасмани тош чиғаноққа ташлагач, Гаррига юзланди.

- Хўш, машқ қилдинг-ми? - сўради у.

- Ҳа, - алдади Гарри, ёзув столининг оёғига қараб.

- Ҳозир текшириб кўрамиз, - деди Снегг, хотиржам оҳангда, - Таёқчангни қўлингга ол, Поттер.

Ёзув столининг ўнг томонига ўтган Гарри дастлабки ҳолатни қабул қилиб, Снегг томон юзланди. Чу билан жанжаллашиб, хотирасидаги Снегг кўриши шарт бўлмаган нарсалар ҳақида ўйланиб қолган Гаррининг юрак уриши тезлашиб кетди.

- Учгача санайман, - эринчоқ оҳангда маълум қилди Снегг, - Бир... икки...

Кутилмаганда эшик ланг очилиб, хонага Драко Малфой ёпирилиб кирди.

- Профессор Снегг, сэр... О!... Маъзур сананг... - ҳайрон бўлиб бақрайди у, Снегг билан Гаррининг ҳолатини кўриб.

- Ишлар жойида, Драко, - деди Снегг, таёқчасини тушириб, - Поттер сеҳрли дамламалар тайёрлаш бўйича қўшимча машғулотларга қатнаб туради..

Малфойнинг юзи касб этган қувонч, инспекция ўтказиш учун Амбриж Хагриднинг дарсига келган кундан буён кўринмаган эди.

- Билмаган эдим, - тишининг оқини кўрсатди Малфой.

Қизариб кетганини Гарри яхши билиб турибди. Малфойнинг юзига қараб, бор гапни айтиб бериш ёки яхшигина қарғиш яшини билан қўйиб юбориш имкони учун ҳозир кўп ҳақ тўлашга рози бўлар эди.

- Профессор Амбриж, сэр... унга ёрдамнинг керак, - жавоб берди Малфой, - Монтегью топилди, сэр. Тўртинчи қаватдаги ҳожатхонада, сэр, унитаз ичида.

- У ерга қандай кириб қолибди? - талаб оҳангида сўради Снегг.

- Билмадим, сэр, ҳуши жойида эмас.

- Яхши, Поттер, жуда яхши, - пўнғиллади Снегг, - Машғулотни эртага кечқурун давом эттирамиз.

У тескари ўгирилди-да, шиддат-ла, хонани тарк этди. Снегг кетидан эргашган Малфой ўгирилиб, Гаррига қараганча, оғзининг чети билан мазах қилди.

- Қўшимча машғулотлар?

Вужудида қаҳр-ғазаб қайнаётган Гарри таёқчасини киссасига солиб, эшик томон одимлади. Машқ қилиш учун унга қўшимча йигирма тўрт соат ҳавола этилди. Осон қутулиб қолгани учун тақдирга шукур қилиш керак, бироқ бундай қила олмайди. Жуда қимматга тушди, ушбу имкон. Сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанидан қўшимча дарс олаётгани ҳақида Малфой ҳозироқ бутун мактабга жар солади.

Чиқиш эшигига етган Гарри кесакида акс этаётган шуълага эътибор қаратди. Тўхтаб, узоқ ўйланиб қолди. Ниманидир эслатмоқда... Кутилмаганда, унинг мияси ёришиб кетди: кеча кўрган тушига ўхшайди бу, Сирли сеҳр бўлимнинг ички, иккинчи хонасидаги ёруғлик манбаси таратган шуъланинг деворда кўринган акси.

Гарри ортга ўгирилди. Ёруғлик ёзув столида турган дамблхотирадан таралмоқда. Кумуш тусли оқиш модда чайқалиб, йиғилмоқда. Снеггнинг, агар Гарри онгига сингиб киришга муваффақ бўлса, боладан сир тутган келмаган хотиралари...

Ногоҳини дамблхотирадан уза олмай урган Гаррининг вужудида қизиқиш устун келиб қолди...

Нима бор, мана бу хотираларда? Нимани сир тутмоқда Снегг?

Кумуш тусли шуъла деворда ўйнамоқда... ўйланиб қолган Гарри ёзув столи томон икки қадам ташлади. Балким, Сирли сеҳр бўлимига оид махфий маълумотлар яширингандир?

Гарри елка узра ортга қаради. Юрак мисли кўрилмаган тарзда тез урмоқда. Қизик, Монтегьюни унитаз ичидан чиқариб олишга қанча вақт кетади? Уни чиқаргач, Снегг қандай иш тутади?

Хонасига қайтадимми ёки Монтегьюни касалхонага олиб борадими? Олиб боради, албатта...

Монтегью «Слизерин» квидиш жамоасининг сардори. Унинг соғлигига путур етмаганига Снегг шахсан ишонч ҳосил қилгиси келади...

Қолган бир неча футни ҳам босиб ўтган Гарри, дамблхотира ёнида тўхтаб, сирли қаърига қараб кўйди ва атрофга қулоқ тутганча, сеҳрли таёқчасини кассасидан чиқариб, тек қотди. Хона ва ташқи йўлакда мутлақ сукунат қарор топган. Гарри сеҳрли таёқчасини чиғаноқ ичидаги моддага аста теккизди.

Кумуш субстанция катта тезликда айлана бошланди. Гарри энгашиб қаради: модда аста-секин шаффоф тус ола бошлади. Кўп ўтмай, худди шифтда очилган деразадан қарагандек, қандайдир хонани кўрди. Афтидан, Катта Зал шекилли...

Хотира юзаси Гаррининг нафасидан хиралашиб қолмоқда... мияси суюлиб кетганми, нима бало... ақлини еган касгина бундай иш қилиши мумкин. Снегг ҳа демай қайтиб келиши мумкин...

Гаррининг аъзойи-бадани титрамоқда... лекин Чуни, Малфойнинг мурдор иржайганини эслаб, вужудини идора қилиб бўлмайдиган қатъият қамраб олди.

Чуқур нафас олган Гарри юзини Снеггнинг хотирасига ботирди. Хона поли титради, бола қоқилиб, боши билан дамблхотира чиғаноғига ғарқ бўлди.

Танаси ниҳоятда тез айланган Гарри совуқ қоронғилик орқали учиб ўтиб... Катта Зал ўртасига келиб тушди...

Тўртта узун стол ўрнига бир томонга қаратилган кўплаб кичик столлар териб чиқилган. Ҳар бир бундай стол ортида бир киши ўтирибди. Ҳамма бошини эгиб олганча, нимадир ёзмоқда.

Сукунатни фақат пат-қаламларнинг ғичирлаши-ю, ёзилиб борилаётган пергамент ўрамларининг шитир-шитиригина бузмоқда. Афтидан, бу ерда қандайдир имтиҳон топширилаётган кўринади.

Баланд деразалардан қуёшнинг ёрқин нурлари сингиб кирган. Эгилган бошлар тилла, мис, қўнғир тус бериб кўринмоқда. Снегг қаердадир шу яқин ўртада бўлиши керак. Ахир Гарри унинг хотирасига кириб олган-ку...

Ҳа, мана у, Гаррининг орқа томонида ўтирибди. Снегг озғин, рангпар ўспирин, зулматда ўсган хонаки ўсимлик. Ёғли сочининг узунлиги столга қадар етиб, қирғий бурни пергамент сиртига тегишига ярим дюйм етмаяпти. Гарри Снеггнинг орқа томонига ўтиб, саволлар варағининг номини ўқиди:

**ЁВУЗ КУЧЛАРДАН ҲИМОЯ – МУТЛАҚО ОДДИЙ СЕҲРГАРЛИК ДАРАЖАСИ**

Демак Снегг ўн беш-ўн олти ёшда, яъни Гарри билан тенгқур. Гарри ўгирилиб, столлар орасида юрган профессор Флитвикнинг бошини кўриб қолди. У ҳозиргина қора сочи жуда пахмоқ ўспирин...

Гарри ўша томон шу қадар шиддат-ла югурдики, агар танаси моддий тус касб этганда, йўлида учраган нарсаларни ағдар-тўнтар қилиб ташлаган бўлар эди. Пахмоқ бошга яқин қолди... ўспирин қаддини ростлаб, пат-қаламини четга кўйди-да, ёзганини ўқиб чиқиш учун пергамент варағини ўзига тортди.

Гарри ўзининг ўн беш ёшли отасига бақрайиб қолди.

Вужудини ҳаяжон қамраб олган: у худди атайин киритилган ноаниқларга эга ўз аксига қараб тургандай, гўё. Жеймснинг кўзи жигар ранг, бурни Гаррининг бурнига нисбатан сал узунроқ, пешонасида чандиқ йўқ. Лекин иккаласининг озғин юзи, сочи худди Гаррининг сочига ўхшаб тик турибди. Ўрнидан турганда эса иккаласининг бўйи баробар эканлигига Гарри шубҳа қилмади. Жеймс оғзини катта очиб эснади-да, қўли билан сочини қўзғатиб, баттар пахмоқлаб юборди.

Шундан сўнг, профессор Флитвикка кўз қири билан қараб қўйиб, ўтирган ўрнида орқа томонда ўтирган қўшнисига юзланди.

Ҳаяжондан нафаси тиқилиб қолган Гарри Сириусни кўрди. Ёш Сириус ўртоғи Жеймсга қараб, иккала қўлининг бош бармоқларини ғолибона кўтариб кўрсатди-да, курсини иккала орқа оёғига тираганча ўтириб, бамайлихотир тебрана бошлади. Сириус жуда барно йигит. Унинг қора сочи кўзига қадар тушиб, кўркини янада очмоқда. Орқа стол ортидаги қиз журъатсиз умид-ла, Сириусга қараб ўтирибди, бироқ йигитча бунга пайқагани йўқ. Сириусдан иккита стол нарида рангпар ва қандайдир толиққан қиёфа касб этган Рэм Люпин ўтирибди (яқин кунларда Ой тўлишса керак). Люпин ишга берилиб кетган. У қошини чимириб олиб, пат-қаламининг учи билан иягини қашлаганча, ёзган жавобларини текшириб ўтирибди.

Демак, шу атрофда Чувалчангдум ҳам бўлиши керак... ҳа, ана у, бурни учли, сочи кул ранг озғин пакана. У жуда асабийлашган. Тирноғини ғажиб, оёғини полга ишқалаб, ҳар дақиқа ўтган сари, қўшнисини ёзган ишга қараб-қараб қўймоқда. Гарри нигоҳини Чувалчангдумдан Жеймсга олиб ўтди. Жеймс пергамент бўлагига нималардир ёзган, Тилла чаққон расмини чизиб, энди «Л.Э.» ҳарфларига астойдил безак бериб ўтирибди. Қизиқ, нимани англатар экан бу ҳарфлар?

- Пат-қаламни қўямиз! - чийиллади профессор Флитвик, - Стэббинс, бу гап сизга ҳам тааллуқли! Илтимос, жавоб варақаларини йиғиб олганимга қадар ҳамма ўз ўрнида қолсин! Ассио!

Пергамент ўрамлари бараварига ҳавога кўтарилиб, профессорнинг узатилган қўли томон отилганча, учиб бориб, ўқитувчини полга қулатиб юборди. Кимдир кулгисини тия олмади. Олдинда ўтирган болалар ўрнидан туриб, профессор Флитвикнинг тирсақларидан тутганча, оёққа туришга кўмаклашди.

- Раҳмат... раҳмат, - ҳарсиллади Флитвик, - Жуда соз. Ана энди ҳамма бўш!

Гарри отасига қаради. Жеймс анча уриниб беаган «Л.Э.» ҳарфларини бўяб ташлаб, ўрнидан турганча, пат-қалам билан саволлар варағини юк халтасига жойлади-да, елкасига осиб, Сириусни кутиб турди.

Гарри атрофга аланглади. Снегг унинг ёнида, имтиҳон саволларидан кўзини узмай, чиқиш эшиги томон йўл олган. Елкалари сўйри бўлишига қарамай, танаси бесўнақай букилган, силтаниб юриши ўргимчак юришини эслатади. Ҳар қадам ташлаганида ёғли сочи сапчиб бормоқда.

Кутилмаганда, Снегг билан Жеймснинг ўртасига чуғур-чуғур қилган қизлар галаси суқилиб кирди. Қизлар орасига кириб олган Гарри Снеггни кузатиш баробарида, Жеймснинг дўстлари билан олиб бораётган суҳбатини тинглаб бориш имконига эга бўлди.

- Ўнинчи саволга нима дейсан, Луни? - қизиқди Сириус, вестибюлга етгач.

- Зўр савол, - дадил жавоб берди Люпин, - Махлуқ түсини касб этадиган одамнинг бешта фарқловчи аломатини санаб ўтинг. Ажойиб.

- Тўғри жавоб бера олдингми, ишқилиб? - ташвиш тортган қиёфа ясади Жеймс.

- Ўйлашимча, жавоб бера олдим, - деди Люпин, жиддий оҳангда.

Улар ҳовлига, қуёшга ошиқаётган халойиқ орасига кирганча, асосий эшик томон йўл олишди.

- Биринчи аломат, - давом этди Люпин, - У, мен ўтирган курсида ўтирибди. Иккинчи аломат, эгнига кийимимни кийиб олган. Учинчи аломат, унинг исми Рэм Люпин.

Фақат Чувалчангдумгина кулмади.

- Мен чўзиқ юзи, кўз қорачиғи ва думининг учидаги попуги тўғрисида ёздим холос, - хавотирга тушди у, - Қолган аломатларини эслай олмадим.

- Шунчалик галварсмисан, а, Чувалчангдум? - жаҳл қилди Жеймс, - Ҳар ой мулоқот қиласан-ку, у билан...

- Секинроқ, - ўтингандай бўлди Люпин.

Гарри хавотирланиб, атрофга қаради. Снегг сал нарида, ҳанузгача саволлар варағини ўқиб бормоқда. Бу унинг хотираси, агар ҳовлига чиқиб, бошқа томонга йўл олса, Гарри Жеймс яқинида



бўла олмайди. Хайриятки, варақдан кўзини узмаган Снег ўз ҳаракат йўналишини идрок этмаган тарзда, кўл томон йўл олган тўртовлон дўст кетидан ўзи билмай эргашди. Ундан сал олдинга чиқиб олган Гарри энди Жеймсни ҳам, қолганларни ҳам, кўзатиб бориши мумкин.

- Менимча, саволлар у қадар мураккаб эмас экан, - эшитди у, Сириуснинг овозини, - Кам деганда «олий» баҳо олсам, ҳайрон бўлмайман.

- Мен ҳам, - деди Жеймс, кассасидан халос бўлишга уринаётган Тилла чаққонни чиқариб.

- Қаердан олдинг уни?

- Ўмардим, - хотиржам жавоб берди Жеймс, коптокча билан ўйнашга киришган Жеймс.

У Тилла чаққонни қўйиб юбориб, бир фут нари кетишга имкон берди-да, боз тутиб олди.

Чаққонлик бобида беназир маҳорат. Чувалчангдум ҳайрат-ла қараб қолди.

Тўртовлон қайсидир якшанба куни Гарри, Рон ва Гермиона майсага қулаганча, уйга берилган

вазифаларни кечгача бажарган кўл бўйидаги қора қайин соясига етиб тўхтади. Снег ҳам, буталарнинг кенг соясига жойлашиб олганини кўрган Гарри хурсанд бўлиб, қора қайин билан буталар орасидаги майсазорга, отаси ва унинг дўстларини кўзатганча, хотиржам ўтирди. Қуёш кўлнинг силлиқ юзасида кўзни қамаштириб юборадиган даражада ярқираб, бир гуруҳ қизлар ўтирган соҳилни ёритмоқда. Яланг оёқларини муздай сувга ташлаб ўйнатаётган қизлар қий-чув қилишмоқда.

Люпин китобини чиқариб, мутолаа қилишга киришиб кетди. Ҳайратомуз даражада башанг Сириус атрофга зериккан, такаббур нигоҳ-ла қараб, у ер, бу ерда ўтирган ўқувчиларга разм солди. Жеймс Тилла чаққон ўйнашни давом эттирмоқда. Энди у, коптокчага узоқроқ учиб кетишга имкон бериб, ҳар сафар энг сўнги фурсатда тутиб олмоқда. Чувалчангдум оғзини ланг очиб, Жеймснинг хатти-ҳаракатларини кўзатмоқда ва ўта мураккаб трюк бажарилганида оҳ уриб, чапак чалмоқда. Беш дақиқа ўтиб, Гарри бир нарсани идрок эта олмади: нима сабабдан Жеймс Чувалчангдумни оҳ уришни бас қилиши учун сўкиб бермаяпти? Афтидан, бундай эътибор унга ҳуш ёқаётган кўринади. Гарри отасининг соч тўзғитиб туриш ва ҳар дақиқа соҳилда ўтирган қизлар томон қараб қўйиш одати борлигига эътибор қаратди.

Жеймс коптокчани тутиб олиб, Чувалчангдумни ҳаяжондан яна қичқиртириб юборганида, Сириуснинг асаби чидамади шекилли, ўшқириб берди:

- Менга қара, Жеймс, илтимос, йиғиштир ўша матоҳингни. Акс ҳолда ҳозир, Чувалчангдум, бахтиёрлигидан иштонига сийиб қўяди.

Чувалчангдум қизариб кетди. Жеймс эса мамнун кулиб қўйди.

- Шунчалик экан, майли, - деди у, Тилла чаққонни кассасига солиб.

Жеймсни фақат Сириусгина идора қила олиши мумкин экан, ҳулоса чиқарди Гарри.

- Зерикапман, - арз қилди Сириус, - Ой тўлишадиган кун эмаслигига афсус қилипман.

- Сен афсус қилаётган бўлишинг мумкин, - маъюс жавоб қайтарди Люпин, китоб ортидан, - Бироқ биз ҳали бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанидан имтиҳон топширишимиз керак.

Қиладиган ишинг бўлмаса, менинг билимларимни текшириб кўр. Ма... - дарсликни узатди у.

Сириус пишқириб қўйди.

- Кўргани кўзим йўқ, ўша телба-тескари китобни. Ёд бўлиб кетган.

- Мен эса биламан вақтингни қандай хуш қилишни, - деди Жеймс, паст овозда, - Қара анави ерда ким ўтирганини.

Сириус бошини буриб, қуённи пайқаб қолган овчи итдай тек қотди.

- Ажойиб, - аста пичирлади у, - Мишириқ.

Сириус қаёққа қараётганини билиш учун Гарри ҳам бошини бурди.

Снег ўрнидан туриб, имтиҳон қоғозларини юк халтасига жойлаётган экан. У соядан чиқиб, майсазор бўйлаб одимлай кетди. Сириус билан Жеймс ҳам, сапчиб оёққа туришди.

Люпин билан Чувалчангдум ўтирган ўрнида қолишди. Люпин китобга қараб ўтиргани билан,

нигоҳи сатр бўйлаб юргани йўқ, иккала қошининг ўртасида эса буришиқ пайдо бўлди. Чувалчангдум эса дам Сириус билан Жеймс томон, дам Снегг томон қараб, ҳозир нима бўлишини катта қизиқиш ила кутмоқда.

- Ишлар қалай, Мишириқ? - баланд овозда сўради Жеймс.

Снегг, худди ҳамла кутгандай, кейинги ҳаракатини жуда тез бажарди: юк халтасини улоқтириб, қўлини киссасига солди-да, сеҳрли таёқчасини чиқаришга деярли улгурди.

- Экспеллиармус! - қичқирди Жеймс.

Снеггнинг таёқчаси ўн икки футча юқорига кўтарилиб, орқа томонидаги майсага енгил тақиллаб тушди. Сириус акиллаган овоз чиқариб, кулиб юборди.

Снегг таёқчасини олишга уринди.

- Импедимента! - деди Сириус, таёқчасини ўқтаб.

Снегг қоқилиб, ерга йиқилди. Атрофда ўтирганлар бошини буриб қаради. Баъзилар оёққа туриб олди, кимдир чўчиб қараётган бўлса, кимдир ҳузур қилмоқда.

Ҳансираётган Снегг майсада чўзилганча ётибди. Жеймс билан Сириус таёқчаларини ўқтаганча, Снегг ёнига яқин боришди. Жеймс елкаси орқали соҳилда ўтирган қизлар томон қараб-қараб қўймоқда. Чувалчангдум бўлаётган ишларни зўр қизиқиш билан томоша қилмоқда. Дурустроқ кўриш учун у ҳатто Люпинни айланиб ўтганча, жойини алмаштириб олди.

- Имтиҳон қалай ўтди, Мишириқ? - қизиқди Жеймс.

- Мишириқ бурнини пергаментга шу қадар тираб ўтирдик, ёзган ишини ёғли доғлар туфайли, биров ўқий олмаса керак, - деди Сириус, баджаҳл оҳангда.

Томошабинлардан айримлари кулиб юборди. Снегг, афтидан, ҳурмат қозонган ўқувчилар сирасига кирмайди, шекилли. У ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, қарғиш таъсири ҳали барҳам топмаган кўринади, худди кўринмас арқон воситасида боғлаб қўйилгандай, ётибди.

- Шошманг, - хириллади у, Жеймсга очиқ нафрат-ла, қараб, - Шошманг!

- Қаёққа шошмайлик? - сўради Сириус, - Нима қила оласан бизни? Танамизга бурнингни артасанми?

Снегг сўкиниб, афсунлар ўқиди, лекин таёқчаси узоқда ётгани боис, ҳеч нарса юз бермади.

- Ифлос оғзингни ювиб тозалаш керак, - совуқ оҳангда хулоса қилди Жеймс, - Скоблифай!

Снеггнинг оғзидан пушти тусли совун пуфаклари ажраб чиқди, лабини кўпик қоплаб, нафас олиши қийинлашгани оқибатида тиқилиб қолди.

- ТИНЧ ҚЎЙИНГ УНИ!

Жеймс билан Сириус ўгирилиб қаради. Жеймснинг қўли шу заҳоти сочиға югурди.

Соҳилда ўтирган қизлардан бири яқинлашган экан. Унинг қалин қўнғир малла сочи елкасига қадар тушган, кўзи эса ғарайиб яшил бўлиб, Гаррининг кўзидан фарқ қилмайди.

Ойи.

- Ишлар қалай, Эванс? - сўради Жеймс, овози кутилмаганда ёқимли, катталарга хос оҳангда эшитилиб.

- Уни тинч қўйинг, - такрорлади Лили, Жеймсга ўқрайиб, - Нима ёмонлик қилди у, сизларга?

- Айтайлик, - чўзди Жеймс, ўзини ўйланиб қолган кўйга солиб, - Унинг борлиги бизга ёқмайди, агар мен нимани назарда тутаётганимни тушунган бўлсанг, албатта...

Аксарият томошабинлар, шу жумладан, Чувалчангдум ҳам, кулиб юборишди. Кулмаган фақат Лили билан кўзини китобдан узмай ўтирган Люпин бўлди.

- Ақлли ҳикмат қилдим, деб ўйлайсан-ми? - совуқ оҳангда жавоб қилди Лили, - Йўқ, Поттер, сен оддий муттаҳам ва худбинсан. Ўз ҳолига қўй уни.

- Қўяман, агар мен билан учрашувга чиқсанг, Эванс, - шу заҳоти жавоб берди Жеймс, - Розилик бер! Ўшанда таёқчамнинг учини ҳам ўқтамайман, қария Мишириққа.

Бу вақтга келиб, Тўсқинлик қарғиши ўз таъсирини аста йўқотиб, Жеймс ортидаги Снегг совун

тупурганча, ўз таёқчаси томон дюймма-дюйм эмаклаб борди.

- Агар фақат сен-у, йирик кальмарлардан бирини танлашдан бошқа чорам қолмаган тақдирда ҳам, сен билан учрашувга чиқмайман.

- Омад юз ўгиргач, тескари қараб ўтираверар эканда, а?! - кулиб қўйди Сириус, Снегг томон юзланиб, - ҲОЙ!

Кеч бўлди. Снегг таёқчасини Жеймсга ўқташга улгурган. Яшин отилиб, Жеймснинг юзини нимадир шилиб ўтиб, атрофга қон сачради. Жеймс кескин ўгирилгач, боз яшин чақнади ва фурсат ўтмай, Снегг, оёғи осмондан келиб, ҳавода муаллақ осилиб қолди. Коржомаси пастга осилиб, чўп-устухон оппоқ оёғи-ю, анчадан бўён ювилмай, кул ранг тус олган трусики кўринди.

Халойиқ завқланиб хандон отган бўлса, Сириус, Жеймс ва Чувалчангдум кулавериб, қорнини ушлаб қолишди.

Ғазаби қайнаётганига қарамай, юзида кулги аломати кўринган Лили талабчан оҳангда бақириб берди:

- Тушир уни!

- Марҳамат, - деди Жеймс, таёқчасини силтаб.

Снегг ерга қулаб, шаклсиз уюмга ўхшаб қолди. Коржомасининг ичидан бир амаллаб чиқар экан, оёққа қалқиб туриш баробарида, таёқчасини ўқтади. Бироқ Сириус чаққонлик қилди.

- Петрификус Тоталус!

Қадди тахтадек қотиб қолган Снегг боз ерга қулади.

- ТИНЧ ҚЎЙИНГ УНИ! - қичқирди Лили, қўлига таёқчасини олиб.

Жеймс билан Сириус қизга ҳадиксираб қарашди.

- Эванс, сенга нисбатан қарғиш қўллашга мажбур қилма мени, - деди Жеймс жиддий оҳангда.

- Ундай бўлса, қарғиш таъсирини тўхтат!

Жеймс оғир хўрсиниб, Снегг томон юзланди-да, пўнғиллаганча, қарғишга қарши қарғиш ўқиди.

- Марҳамат, - деди у, Снегг оёққа турар экан, - Раҳмат, де, Мишириқ, бахтингга Эванс шу ерда бўлгани учун.

- Маглтаачанинг ҳимоясига зор эмасман!

Лилининг кўзи пирпираб қолди.

- Жуда яхши, - совуқ жавоб қайтарди қиз, - Назарда тутаман. Ўрнингда бўлсам, трусикимни баъзан бўлса ҳам, ювиб турган бўлар эдим, Мишириқ.

- Эвансдан узр сўра! - таҳдид-ла ўқирди Жеймс, таёқчасини ўқтаб.

- Уни узр сўрашга мажбур қилишингни истамайман, - бақирди Лили, Жеймсга ўгирилиб, - Сен ундан зиғирдай бўлсин, фарқ қилмайсан.

- Нима?! - эътироздан тиқилиб қолгудай бўлди Жеймс, - МЕН СЕНИ ҲЕЧ ҚАЧОН... ўзинг биласан нима деб ҳақорат қилмаганман!

- Сен!... Сен худди ҳозиргина супургидан тушгандай кўриниш учун соч тўзғитганинг-тўзғитган, худди шу ҳолатинг зўр кўрингандай, қўлингдан келадиган иш Тилла чаққон ўйнаш-у, одамга қарғиш қўллаш! Манманликдан бу қадар шишиб кетган сендай аҳмоқни супурги қандай қилиб кўтара оляпти, ҳайронман! Киши сен томон қарагани ҲАЗАР ҚИЛАДИ!

Лили кескин бурилди-да, нари кетди.

- Эванс! - қичқирди Жеймс, қиз ортидан, - Ҳой, Эванс!

Лили қиё ҳам боқмади.

- Нима қилган унга? - ғудуллади Жеймс, худди аслида, ушбу масала унга у қадар қизиқ эмасдай сохта қиёфа ясаб.

- Сатрлар орасидаги яширин мазмунни идрок этар эканмиз, ягона хулоса, у ҳам бўлса, сен ҳақингда зўр фикрга эга эмаслигига оид хулоса чиқариш мумкин, - ҳикмат қилди Сириус.

- Шунақами? - аччиқланди Жеймс, - Ҳали шунақами...

Яна яшин чақнаб, Снегг, оёғи осмондан келганча, ҳавода боз муаллақ осилиб қолди.

- Мишириқнинг трусикини ечишимни ким томоша қилади?

Бироқ ўшанда Жеймс Снеггнинг трусикини ечди-ми, йўқми, билиш, Гаррига насиб қилмади.

Кимдир унинг тирсагидан юқори қисмини маҳкам чангаллади. Оғриқдан юзи буришиб кетган Гарри ўгирилиб, ёши катта, юзи ғазабдан оқариб кетган Снеггни кўрди.

- Вақтичоғлик қиялпмиз-ми?

Гарри юқорига кўтарилди. Ёзги кун йўқолиб, совуқ зулматда учди. Снегг унинг қўлини маҳкам ушлаб олган. Бироздан сўнг, Гарри, ҳавода бир айланиб, оёғи билан полга тушди. У яна дамблхотира чаноғи турган ёзув столи ёнида, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанининг хира ёритилган бугунги хонасида пайдо бўлди.

- Хўш? - деди Снегг, панжаси оқариб кетар даражада Гаррининг қўлини сиқиб, - Хўш, Поттер, ёқди-ми сенга?

- Й-йўқ, - пўнғиллади Гарри, халос бўлишга уриниб.

Снеггнинг турқини кўрган бола кўрқиб кетди. Ўқитувчининг лаби титрамоқда, юзи мурдадай оқариб кетган, тиши яланғоч.

- Ақли ўткир киши бўлган, отагинанг, тўғрими? - жон-жаҳд ила Гаррини силтай кетди Снегг. Боланинг кўзойнаги бурнининг учига келиб қолди.

- Мен... мен...

- Кўрганингни ҳеч кимга айтмайсан! - ўкирди Снегг, бор кучи ила Гаррини ўзидан нари улоқтириб.

- Йўқ, - Снеггдан нари ўрмалади полга йиқилган Гарри, айна вақтда, ўрнидан туришга уриниб, - Йўқ, албатта, мен...

- Йўқол, кўзимдан йўқол, хонамга қайта қадам изи қилма!

Гарри чиқиш эшиги томон отилди ва айна шу фурсатда боши устида суваракка тўла банка чилпарчин бўлди. Бола эшикни очиб, ўзи билан Снегг орасидаги масофа уч қаватга етгунга қадар тўхтамай югурди. Сўнг, оғир нафас олиб, қўлининг кўкариб кетган жойини аста уқалаганча, деворга суюниб олди.

«Гриффиндор» минорасига эрта қайтишни ҳам, кўрганларини Рон билан Гермионага айтиб беришини ҳам, истамади. Ҳозир унинг вужудини алам ва изтироб қийнамоқда. Бунинг сабаби жонини оғритиб, ўшқариб беришгани ёки унга қарата банка улоқтирилгани эмас. Халойиқнинг кўз ўнгида таҳқириланиш нима эканлигини у яхши билади. Жеймснинг бундай хатти-ҳаракатлари, мазах ва масхараларига дучор бўлган Снеггнинг ичидан ўтганини Гарри жуда яхши тушунади. Гарри ўз кўзи билан кўрган ҳодисага асосланадиган бўлса, отаси, Снегг доимо таъкидлаб келгандай, чиндан ҳам нохуш шахс бўлган.

## **ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. КАСБ ТАНЛАШ**

- Нима сабабдан окклуменция билан шуғулланмай қўйдинг? - қошини чимириб сўради Гермиона.

- Айтдим-ку, - пўнғиллади Гарри, - Окклуменция асослари билан танишиб чиққан эканман, энди ўзим мустақил шуғулланишим мумкин эмиш. Снегг шундай деди.

- Демокчисан-ки, анави тушинг барҳам топди, - истехзо қилди Гермиона.

- Умуман ва яхлит олганда, ҳа, шундай... - чўзди Гарри, кўзини олиб қочиб.

- Менинг назаримда эса токи тушларингни талаб даражасида бошқаришни ўзлаштириб олмас экансан, Снегг ўз машғулотларини тўхтатмаслиги керак эди! - эътироз-ла хитоб қилди Гермиона, - Гарри, фикримча сен, Снеггнинг ҳузурига бориб...

- Йўқ, - қатъий рад этди Гарри, - Бўлди, унут бу масалани, хўпми?

Пасха таътилининг биринчи куни. Мустаҳкам шакланган анъанага амал қилган ҳолда, Гермиона,

ушбу кунни ўзи ва ўғил болалар учун имтиҳонларга тайёргарлик жадвалларини тузиш билан ўтказди. Гарри билан Рон қаршилик кўрсатишмади, боиси: биринчидан, бефойда, иккинчидан эса ушбу жадваллар маълум даражада фойда келтирган.

Имтиҳонларга атиги олти ҳафта қолганини билган Рон саросимага тушиб қолди.

- Буни қандай унутиб қўйишинг мумкин? - ҳайрон бўлди Гермиона.

У сеҳрли таёқчасини чиқариб, Рон учун ишлаб чиқилган жадвалнинг катагига теккизди ва ҳар бир фан ўз тусига эга бўлган ҳолда ёришиб қолди.

- Ўзим ҳам билмайман, минғирлади Рон, - Шунча иш бўлиб ўтганидан кейин...

- Мана, - деди Гермиона, - Агар амал қилиб борсанг, ҳаммасига улгурасан.

Рон ранг-баранг жадвалга маъюс қараб ўтирди-да, бирданига яшнаб кетди.

- Ҳар ҳафта битта бўш оқшом бўлар экан!

- Бу квидиш машқлари учун, - тушунтириш берди Гермиона.

- Маънисини нима, - пўнғиллади кулгиси бир зумда сўниб қолган Рон, зериккан оҳангда, - Дадам сеҳргарлик вазири лавозимига сайланишига қандай имкон бўлса, жамоамизнинг кубокни қўлга киритиш имкони ҳам, шу қадар катта.

Гермиона индамади. У нигоҳсиз кўзи ила девор тешиб ўтирган Гаррига эътибор қаратди.

Гаррининг тиззасида ўтирган Маймоқоёқ қулоғининг орқасини қашлаб қўйишини талаб қилган тарзда панжаси билан Гаррининг бармоғига урмоқда.

- Нима гап, Гарри?

- Нима? - сапчиб тушди Гарри, - А, ҳа, шунчаки ўзим.

У қўлига шоша-пиша «Мўхофаза қилувчи сеҳр-жоду назарияси»ни олди-да, китоб мундарижасида зарурий боб саҳифасини қидирган бўлди. Маймоқоёқ, ибора билан айтганда, Гаррига панжа силтади-да, Гермиона ўтирган кресло остига кириб олди.

- Чунки учратиб қолган эдим, - аста гап бошлади Гермиона, - У ҳам нимадандир эзилиб юрганга ўхшайди... Нима бало, яна жанжаллашиб қолдингиз-ми?

- Нима?... А, у-ми, ҳа...

- Бу сафар нима сабаб бўлди?

- Анави хоин дугонаси Мариэттанинг дастидан, - жавоб берди Гарри.

- Тўғри қилибсан! - нафрат-ла, маъқуллади Рон, имтиҳонларга тайёргарлик жадвалини столга қўйиб, - Агар ўша бўлмаганида...

Рон Мариэтта Даблинни ҳақорат қила бошлади. Бу эса Гаррига маъқул келиб, йиртқичдек қараб ўтириш, бош ирғиб туриш, баъзан: «тўппа-тўғри», деб бориш, Рон нафас ростлаш учун гапиришдан тўхтаганда эса дақиқа ўтган сари эзилиб, дамблхотирада кўрганлари ҳақида ўйлаш ва ўйлаш учун имкон туғилди.

Хотиралар Гаррининг ичини кемирмоқда. Ота-онаси хушхулқ кишилар бўлганига у ҳеч қачон шубҳа қилмаган, фикрича, шу кунларга қадар, Снеггинг Жеймс ҳақидаги хотираларга путур етказмоқчи бўлган «тўхматлари»ни доимо ўзидан нари улоқтириб келган эди. Хагрид билан Сириус доимо Гаррининг ота-онасини беқусур кишилар бўлган, деб келишар эди-ку, а? Нимасини айтасан, эътироз билдирди Гаррининг миясидаги жирканч овоз, Сириуснинг ўзичи? Қўй оғзидан чўп олмаган мўмин-қобил бола бўлганми?... тўғри, кунлардан бир кун профессор Макгонагалл Жеймс билан Сириусни безорилар, деб айтганини гарриэшитган, албатта. Бироқ тўғри тушунган бўлса, ўшанда улар эгизак Уэслиларга қиёс қилинган... Фред билан Жорж эса вақтичоғлик қилиш учун айбсиз кишини оёғини осмондан келтириб осиб қўйиши мумкинлигини Гарри тасаввур ҳам қила олмайди... ҳа, энди, Малфой ёки бундай муносабат билдиришга муносиб бошқа киши бўлса, бошқа гап...

Эҳтимол Снегг бирон-бир тарзда муқаддам хафа қилгандир, лекин Лили сўраган эди-ку: «Нима ёмонлик қилди у сизларга?», - деб. Жеймс-чи, нима деб жавоб қайтарди? «Унинг борлиги бизга

ёқмайди». Буни қандай тушуниш, қандай баҳо бериш керак? Жеймс, ўша безорилик ҳаракатларини Сириус зерикаётганлиги ҳақида арз қилгани учунгина уюштирди. Гарри Люпиннинг Пинхонийлик майдонида айтган сўзларини ёдга олди: «Фикримча, Дамблдор, агар мен синфбоши этиб тайинлансам, бебош дўстларимга ижобий таъсир ўтказа олишимга ич-ичдан умид қилган». Бироқ дамблхотирадаги Люпин бўлаётган ҳодисани унсиз томоша қилиб ўтирди...

Лили Снегнинг тарафини олишга уринганини Гарри кўп мартаба ўзига ўзи эслатиб борди. Бу эса лоақал онаси хушхулқ бўлганини англатади. Лекин онасининг қиёфасини эслар экан, Гарри бир нарсани тушунмай қолди: хўп, Лили Жеймсдан шунчалик нафратланар экан, нега улар турмуш қуришди? Наҳотки Жеймс Лилини шунга мажбур қилган даражада етган бўлса?...

Деярли беш йилдан буён отаси ҳақидаги фикр-хаёллар Гарри учун овуниш, ғурур ва илҳом манбаси сифатида хизмат қилиб келган эди. Гаррини қўйиб қўйгандек Жеймсга ўхшар экан, дейишганида бола мамнун бўлиб, эс-ҳушини йўқотар эди. Энди-чи?... Отаси ҳақида ўйлар экан, Гаррининг вужудини оғриқли алам қийнамоқда...

Кунлар шамолли, лекин илиқ ва ёруғ бўлиб бормоқда. Гаррига эса бошқа бешинчи ва еттинчи синф ўқувчилари билан бирга тўрт девор ичида қамалиб ўтириш, бўзчининг мокисидай, умумий меҳмонхона билан кутубхона орасида югуриб юришга тўғри келмоқда. Гарри ўзини бўлғуси имтиҳонларни ўйлаб эзилаётган кўйга солмоқда. Машғулотлардан кўнгил беҳузур бўлар даражада толиққан синфдошлари унга шак-шубҳасиз ишонишади...

- Мен сенга гапиряпман, ҳой Гарри! Эшитяпсан-ми, мени?

- А?

Гарри овоз чиққан томон ўгирилиб қаради. Якка ўзи ўтирган кутубхона столига ҳамма жойи шамолда тўзғиб кетган Жинна Уэсли яқинлашди. Якшанба оқшоми якунига етмоқда. Гермiona қадимий руналар шуғулланиш учун «Гриффиндор» минорасига кетган. Рон квидиш машқида.

- Ҳа, салом, - кўришди Гарри, китобни ўзига яқин тортиб, - Машғулотга бормадинг-ми?

- Машғулот ўтиб бўлди, - деди Жинна, - Рон Жек Слуперни касалхонага олиб кетди.

- Тинчликми? Нима гап?

- Ўзимиз ҳам аниқ тушунмадик, - деди Жинна, оғир хўрсиниб, - Афтидан, у, клюшка билан ўзини ўзи қўйиб юборган шекилли, ҳушидан кетиб қолди. Ҳа, майли, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ... Мана, қара, почта жўнатмаси. Ҳозиргина етиб келди... Амбрижга катта раҳмат. Кўриқдан ўтказишнинг янги тартиби бу.

Жинна қўпол қадоқланган жўнатмани бир амаллаб стол устига қўйди. Сиртига қизил сиёҳ билан: ««Хогварц» бош инспектори томонидан текширилган» ёзуви битилган.

- Ойим йўллаган Пасха тухумлари, - тушунтириш берди Жинна, - Мана... буниси сеники... ма.

Жинна миттигина шакар Тилла чаққончалар билан безатилган ва афтидан, ичига виш-виш тук ари жойланган чиройли шоколад тухум узатди. Гарри тухумга қараб, бўғзига нимадир тиқилиб қолганини ҳис этди.

- Гарри, сенга нима қилди? - аста сўради Жинна.

- Ҳеч нима, - хириллади Гарри, отилиб чиқмоқчи бўлган кўз ёшидан томоғи оғриб.

Нима сабабдан Пасха тухуми бундай таъсир ўтказганини ўзи тушуна олмади.

- Сўнгги вақтда жуда маъюс бўлиб қолгансан, - деди Жинна, хиралигини қўймай, - Агар Чу билан очиқ гаплашиб олсанг...

- Очиқ гаплашиб олишни чиндан ҳам истаяпман, фақат Чу билан эмас, - кутилмаганда ёрилди Гарри.

- Унда ким билан? - диққат-ла назар солди Жинна.

- Мен...

Гарри атрофга аланглаб, ҳеч ким эшитмаётганига ишонч ҳосил қилди. Шипц хоним бир неча жавон нарида, фикр-хаёли тўзиб юрган Ханна Абботга бир олам китоб топширмоқда.

- Мен Сириус билан гаплашмоқчиман-у, бунинг иложи йўқлигини биламан, - деди Гарри паст овозда.

Жинна ўйчан қараб қолди. Гарри эса бирон нима билан шуғулланиш учун тухум жилдини очиб, каттагина бўлак синдирди-да, оғзига йўллади.

- Хўш, астагина фикр билдирди Жинна, тухум синдириб, - Ўлимнинг иложи йўқ холос. Агар Сириус билан чиндан ҳам жуда гаплашишни истар экансан, ўйлайман-ки, уюштирса бўлади.

- Қўйсанг-чи, - умидсиз қўл силтади Гарри, - Амбриж барча каминларни қўриқлаб, жамики жўнатмаларни шахсан текшириб ўтирибди.

- Фред билан Жорждек кишилар ёнида улғаяр экансан, - ўша ўйчан ҳолатда давом эттирди Жинна,

- Юрагинг дов берган ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин эканлигига ғайриихтиёрий равишда ишонч ҳосил қилиб борар экансан.

Жиннага қараб ўтирган Гарри ҳар доим дементорлар билан тўқнаш келгандан сўнг, Люпин унга бергандай, шоколад таъсир қилди-ми ёки ички истагини сиртига чиқаргани учунми, енгил тортиб, қалбида умид учқуни пайдо бўлди.

- ҚАНДАЙ ЖУРЪАТ ЭТДИНГИЗ?

- Жин урсин, - пичирлади Жинна, ўрнидан сакраб туриб, - Хаёлга ҳам келмабди...

Иккаласи томон ажин босган юзи ғазабдан буришиб кетган Шипц хоним қари қирғийдай учиб келмоқда.

- Кутубхонада шоколад?! - бақирди кутубхоначи аёл, сеҳрли таёқчасини ўқтаб, - Йўқолинг бу ердан! Йўқолинг! ТЕЗ ЙЎҚОЛИНГ!, - қувиб солди у, Гарри билан Жиннани.

Ит қувгандай қочаётган болаларнинг кетидан учган китоблар, юк халталари, сиёҳдон, жон оғритганча, бошларига урилиб борди.

\*\*\*

Таътил тугаб, кўп ўтмай, гўё бўлғуси имтиҳонларнинг аҳамиятини таъкидлаб қўйиш мақсади кўзлангандай, «Гриффиндор» умумий меҳмонхонасидаги столлар устида турли-туман сеҳргарлик касбларини реклама қиладиган рисола, варақа ва проспектлар пайдо бўла бошлади. Тахтага эса эълон маҳкамланган:

#### КАСБ ТАНЛАШ

Ҳар бир бешинчи синф ўқувчиси ўз танлаган бўлғуси касбига бағишланган суҳбатдан ўтишга мажбурдир. Бундай суҳбат коллеж мудирини томонидан ўтказилади ва ёзги семестрнинг биринчи ҳафтаси давомида ташкиллаштирилади. Қўйида, яқка тартибда ўтказиладиган учрашувлар санаси ва вақти кўрсатиб ўтилган рўйхат илова қилинмоқда.

Рўйхат билан танишиб чиққан Гарри душанба куни соат ўт тўрт-у, ўттизда профессор Макгонагаллнинг хизмат хонасида ҳозир бўлиши лозимлигини тушунди. Бу эса башорат дарсини ўтказиб юборишини англатади. Таътилнинг сўнги дам олиш кунини, Гарри, бешинчи синфда таҳсил кўраётган бошқа ўқувчилар билан биргалиқда кўплаб проспект ва рисолаларни ўрганиб чиқишга бағишлади.

- Кечириб қўясиз, табиб бўлишни истамайман, - деди Рон, суюк билан сеҳрли таёқча кесишган Муқаддаси Резги касалхонасининг рамзи тасвирланган варақни ўрганиб чиқиб, - Бу ерда айтилишича, СМЖА савиясига эга бўлиш учун сеҳрли дамламалар тайёрлаш, гербология, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш, афсун ўқиш, ёвузлик кчидан ҳимоя бўйича топширилган имтиҳонларда кам деганда «К» баҳосига эришиш лозим экан. Қаранг-а, оғизнинг бир чеккасидан чиқиб кетган гапдай талаб қўйилган.

- Тўғри-да, ахир табиблик ниҳоятда масъулиятли касб саналади, - ўйчан фикр билдирди Гермiona,

қўлидаги «Маглар билан алоқа менежери бўлишга аҳд қилдингиз-ми?» деб номланган пушти малла рисола дикқат билан кўздан кечириб чиқиб, - Мана бу ихтисослик учун у қадар кўп талаб қўйилмаган. Маглунослик бўйича МОСДнинг ўзи етарли экан. «Ғайрат-шижоат, сабр-тоқат, ҳазил-мутойиба мазмунини англаб етиш – соҳанинг жиддий жиҳатидир!»

- Кимда-ким менинг амаким билан иш кўрмоқчи бўлса, ҳазил-мутойиба мазмунини англаб етиш қобилиятдан ҳам муҳимроқ амалий кўникмаларга эга бўлиши шарт, - маънос оҳангда ҳикмат қилди Гарри, - Айтайлик, улоқтирилган жисмга ўз вақтида чап бера олиш кўникмаси, - деди у, банк ишига оид проспектни ўрганиб ўтирар экан, - Мана, қулоқ солинг: «Таваккалчилик билан боғлиқ, бироз хавфли, лекин қизиқарли иш билан шуғулланиш, дунё бўйлаб саёҳат қилиб юриш, йирик қимматбаҳо мукофотлар олишни истайсиз-ми? Сеҳргарлар банки «Гринготтс» сизни кутмоқда! Бизга қарғиш таъсирига барҳам бера оладиган маҳоратли сеҳргарлар керак! Хорижда ишлайдиган ходимларни саралаш ишлари кетмоқда. Имкониятни қўлдан берманг! Ўзига хос истиқбол...» ва ҳоказо. Тўғри, бунинг учун арифмантика керак бўлар экан. Гермiona, сенбоп ишга ўхшайди!

- Банк соҳаси мени қизиқтирмайди, - ғудуллади Гермiona, қўлидаги «Хизмат тролларини ўргатишга ҳаётингизни бағишланг!» даъвати битилган рекламага берилиб.

- Эй, - пичирлади кимдир Гаррининг қулоғига.

Гарри ўгирилиб, Фред билан Жоржни кўрди.

- Жинна сенга оид хабар етказди, - деди Фред, чигилини ёзиш учун оёғини қўшни стол устига қўйганча, сеҳргарлик вазирлигининг бир нечта буклетларини полга тўкиб, - Айтишича сен, Сириус билан суҳбатлашмоқчи экансан, тўғрими?

- Нима? - деди Гермiona, қоши кўтарилиб.

Унинг «Сеҳрли ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисалар департаментида тўполон кўтаришни истайсиз-ми?» рекламасига узатилган қўли ярим йўлда тўхтаб қолди.

- Э-м-м... ёмон бўлмас эди, деган хаёлга борган эдим... - сохта бепарволик оҳангида жавоб берди Гарри.

- Бу қанақанги бемаънилик? - ўтирган ўрнида қаддини ростлади Гермiona, савдойи кишига қарагандек ўқрайиб, - Амбриж ҳар бир каминга бош суқиб, ҳар бир бойқуш патини битта-битта титкилаб текшираётган бир пайтда-я?!

- Буларнинг барини айланиб ўтиш йўлини биламиз, - деди мамнун иржайганча, керишаётган Жорж, - Рақиб чалғитиш манёври керак бўлади. Таътил давомида қўйдек ювош юрганимизга аҳамият бердингиз-ми?

- Одамларнинг ҳордиқ чиқаришига, савол бердик ўзимизга ўзимиз, халал берсақ, яхши бўладими?

- давом этди Фред, - Яхши бўлмайди, жавоб бердик ўзимизга ўзимиз. Бундан ташқари, одамларга нафақат ҳордиқ чиқариш, балки дарс тайёрлашга ҳам халал берган бўлар эдик. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Фред Гермionaга илтифот-ла, таъзим бажо айлади. Бундай эътибордан қиз ҳаяжонланиб кетди.

- Бироқ эртадан меҳнат фаолияти боз бошланади, - дадил давом этди Фред, - Модомики, яқин орада андаккина шўхлик қилишни режалаштирган эканмиз, нега энди Гарри бундан унумли фойдаланмаслиги керак? Чуғурлашиб олаверсин Сириус билан.

- Яхши, - деди Гермiona, бедаво аҳмоққа оддий нарсаларни тушунтиришга уринган кишидай, - Фараз қилайлик, рақиб чалғитиш манёври пухта уюштирилди, аммо жин урсин, Гарри қаерда ва қандай қилиб гаплашиб олади Сириус билан?

- Амбрижнинг хизмат хонасида, камин орқали, - аста маълум қилди Гарри.

Бу масала юзасидан у, икки ҳафтадан буюн йўлаб, бошқа муқобил йўл топа олмади. Амбриж ўз оғзи билан гуллаб қўйган эди, унинг камини назорат остида эмаслигини.

- Сен... чиндан ҳам ҳалигидақа бўлиб қолганмисан? - хирллаб пичирлади Гермiona.

- Жа у қадар эмас, - елка қисди Гарри.



- Олдин айт-чи менга, қандай қилиб кирмоқчисан ўша хонага?

Рон замбуруғ етиштириш саноатига оид варақани қўлидан тушириб юбориб, суҳбатни диққат билан тингламоқда.

- Сириуснинг пичоғидан фойдаланиб, - жавоб берди Гарри.

- Қанақанги пичоқ бўлди у?

- Ўтган Рождествода Сириус менга ҳар қандай қулфни очишга қодир пичоқ совға қилган, - тушунтириш берди Гарри, - Амбриж эшикни Аллоомора афсуни кор бермайдиган даражада сеҳрлаган бўлса ҳам, менинг пичоғим оча олади.

- Сен-чи, сен нима дейсан? - талаб оҳангида Ронга мурожаат қилди Гермiona.

Гарри ғайриихтиёрий равишда Пинҳонийлик майдонида ўтган биринчи кечки овқатни, яъни миссис Уэсли эрига айнан шундай савол билан мурожаат қилганини эслади.

- Билмадим, - жавоб берди, ўзининг мустақил фикрига эга бўлиши кераклигидан чўчиб кетган Рон,

- Модомики, Гарри шундай аҳд қилган экан, ўзи ҳал этсин, тўғрими?

- Чин дўст ва асл Уэслининг сўзлари, - маъқуллади Фред, Роннинг белига қарс уриб, - Жуда соз.

Операция эртага, машғулотлар ниҳоясига етган маҳалга тайинланади. Қаср йўлакларида одам қанча кўп бўлса, шунча яхши... Гарри, Амбрижни ўз хонасидан чиқишга мажбур қилиш учун ишни қасрнинг шарқий қанотида уюштирамиз... Ўйлайман-ки, сенга биз... - Жоржга қараб қўйди у, - Қанча? Йигирма дақиқача, а? Кафолатлаймиз.

- Муаммо бўлиши мумкин эмас, - маъқуллади Жорж.

- Қанақанги чалғитиш манёври экан, у? - сўради Рон.

- Кўрасан, кенжа ука, - деди Фред, Жорж билан бир вақтда оёққа туриб, - Агар эртага, соат тахминан ўн еттида Георг Силлиқсухан йўлагига ўрмалаб келсанг, албатта, - аниқлик киритди у.

\*\*\*

Эртасига Гарри жуда эрта уйғонди. Иши интизомий жиҳатдан муҳокама қилинган куни қандай асабийлашган бўлса, ҳозирги ҳолати ҳам, ўша кунги ҳолатидан кўп фарқ қилмайди. Бунга нафақат Амбрижнинг каминига етиб бориш кераклиги, гарчи, ушбу сабабнинг ўзи етарлидан ортиқ бўлса ҳам, балки унинг Снегг билан, унинг хонасидан қувиб солинган кундан кейинги биринчи учрашуви сабабдир.

Гарри бўлғуси синов ҳақида фикр юритганча, бироз ётди-да, сўнг, ўрнидан туриб, Невиллнинг каравоти яқинидаги дераза ёнига борди. Тонг жуда чиройли отган, осмон ғайриоддий, сурма ранг, оқ-сарғиш мовий тус олиб ярқирамоқда. Гарри кўл бўйида ўсаётган, остида отаси Снеггни таҳқирлаган қора қайинга қарар экан, бундай қилиқни Сириус қандай қилиб, нима деб оқлай олишини тасаввур қила олмади. Шундай бўлса-да, Сириуснинг сўзларини тинглаш, гуноҳни енгиллатувчи омиллардан хабар топиш, Жеймснинг хулқ-атвори учун бирон-бир узрли сабаб топишни истади.

Ман этилган ўрмон четида рўй берган ҳаракат Гаррининг эътиборини ўзига жалб этди. Кўзини қисиб олган бола, ўрмон ичидан чиқиб келган Хагридни кўрди. Каловланаётган давангир кулбасига етиб бориб, кўздан ғойиб бўлди. Гарри икки дақиқача қараб турди. Хагрид ташқарига чиқмади, лекин мўридан паға-паға тутин буралиб чиққанини кўриб, ўчоққа ўт қўйишга яради-ми, демак, дўсти у қадар оғир жароҳатланмаган, деган хулосага борди.

Деразага орқа ўгирган Гарри сандиғи ёнига бориб, кийина бошлади.

Қарор топган вазиятни инобатга олган ҳолда, Гарри, бугунги кун осон ўтишига умид боғламаган. Шундай бўлса-да, Гермionанинг охири кўринмайдиган ўтинишлари, йўлдан уриш ва соғлом ақлга оид даъватларига тайёр бўлмагани билинмоқда. Сеҳргарлик тарихи дарсида, Гермiona, ҳаётида илк бор профессор Биннзнинг маърузасига қулоқ солмай, Гаррини ниятидан қайтаришга роса уринди. Гарри безрайиб, ўзини ҳеч нима эшитмаётган қўйга солиб ўтираверди.

- Агар у сени ушлаб олса борми, тамом бўлдим деявер, - қўрқитишга киришди Гермiona, - Сени ўқувчилар рўйхатидан четлаштириш билан қаноатланмайди, Дайди билан суҳбатлашганингни фаҳмлаб, Иқрор бўлиш дамламасини жисмоний куч ишлатиб ичиради...

- Гермiona, - эътирозли хитоб-ла, пичирлади Рон, - Бирор кун келиб, Гаррини ўз ҳолига қўйган тарзда Биннзга қулоқ тутасанми-йўқми? Ё бир умр ўзим конспект ёзаманми?

- Ёзавер, жонинг узилиб қолмайди!

Снегг тасарруфидаги ерости йўлагига тушиш вақтига етиб, хафа бўлган Рон ҳам, Гарри ҳам, Гермiona билан гаплашмай қўйишди. Бироқ бундай ҳолат Гермionaга оз бўлса ҳам, кор қилмади, аксинча, иккаласининг сукут сақлаганидан фойдаланиб, турли-туман даҳшатли фалокатларни бир маромда башорат қилганча, шу қадар вишилладики, бечора Симус, сабабини аниқлагунга қадар, қозони тешилган-тешилмаганини билиш учун беш дақиқа текшириб, овора бўлди.

Снегг хулқ-атворнинг Вернон амаки ёқтирган тактикасини қўллади, яъни у ўзини шундай тутмоқдаки, гўё Гарри бу ёруғ оламда йўқ. Гарри бундай муносабатга кўниккан, албатта ва умуман айтганда, ўқитувчи бундан-да баттар иш тутмаганидан хурсанд. Хусусан, муқаддам, ушбу ўқитувчи томонидан Гаррининг шаънига қанчадан-қанча таҳқирли, масхараомуз, истеҳзоли гаплар ёғдириб борилгани инobatга олинадиган бўлса, Снеггнинг янгича хулқ-атворини қониқарли деса ҳам, бўлаверади. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ўз ҳолига қўйилган Гарри Ирода тоблаш дамламасини ҳеч бир қийинчиликсиз, етарлича сифатли тайёрлади. Дарс охирида дамлама намунасини шиша идишчага қўйиб, қопқоғини маҳкам ёпиб, Снеггнинг столига, ниҳоят «К» баҳосини олишга умид қилганча, жойлади.

Столга орқа ўйирган эди ҳам-ки, шишанинг чилпарчин синган товуши ва Малфойнинг қувонч-ла, хандон отиб юборганини эшитди. Гарри кескин ўгирилиб, шишачасининг парчалари полда сочилиб ётганини кўрди. Ёвуз мамнуният ҳосил қилган ўқитувчи Гаррининг кўзига қараб турибди.

- Тушиб кетди, - сал эшиттириб пичирлади у, - Ноль балл, Поттер.

Гарри серрайиб, сўз айта олмади. У қозонидаги дамламадан бошқа шишачага қўйиб келтириш ва Снеггдан адолат талаб қилишни кўзлаб жойига қайтди, бироқ не кўз билан кўрсинки, қозони бўм-бўш.

- Кечир мени, Гарри, ўтинаман сендан, кечир, - минғирлади Гермiona, кафтини оғзига босиб, - Ишни тугатдинг, деб ўйлаб, иш жойини йиғиштириб, тозалаб қўйибман.

Гарри нима дейишни билмай қолди. Қўнғироқ зарби эшитилиши билан ён-атрофга қарамай, ерости йўлагидан отилиб чиқди. Тушлик қилиш учун эса Гермionадан нари бўлиш мақсадида Невилль билан Симуснинг ўртасига ўтириб олди.

Кайфияти бузилган Гарри касб танлашга оид суҳбатни батамом унутиб юборибди. Башорат фани дарсида астойдил жойлашиб олгач, Рон, нима сабабдан Макгонагаллнинг ҳузурига бормаганини сўраганидан сўнгина эслаб, ит қувгандай, юқорига югурди. Атиги бир неча дақиқага кеч қолиб, коллеж мудирининг хонасига отилиб кирди.

- Маъзур сананг, профессор, - ҳансиради у, - Унутибман.

- Ҳеч қиси йўқ, Поттер, - деди профессор.

Бурчақда кимдир пишқириб қўйганини эшитган Гарри ўгирилиб қаради. У ерда башанг тўр ёқа ташлаб олган, тиззасига ён дафтарини қўйиб олиб, ўзининг доимий мурдор бақа кулишини башарасига ёпиштириб олган Амбриж ўтирибди.

- Ўтиринг, Поттер, - изн берди профессор Макгонагалл, бироз титраётган қўли билан столи устидаги рисоаларни текислаб.

Гарри Амбрижга орқа ўгириб, пат-қаламининг шитирлашига эътибор қаратмасликка уринганча, ўтирди.

- Демак, Поттер, олтинчи ва еттинчи синфларда қайси фанларни ўзлаштиришингиз лозимлигига оид тавсиялар бериш мақсадида, бўлғуси касбингизга бағишланган суҳбатга таклиф этилгансиз, -

гап бошлади профессор Макгонагалл, - Мактабни тамомлагач, нима иш қилишингиз борасида ўйлаб кўрдингиз-ми?

- Э-м-м-м... - ғудуллади Гарри.

Орқа томонда пат-қалам ғичирлаши хаёлни бир ерга жамлаб олишга халал бермоқда.

- Хўш? - далда берган оҳангда сўради профессор Макгонагалл.

- Ўйлашимча, аврор бўлганим маъқул, - ғудуллади Гарри.

- Бунинг учун ўқув материалларини жуда яхши ўзлаштириш талаб этилади, - деди профессор Макгонагалл, қоғоз уюми орасидан қорамтир проспектни чиқарганча, ёзиб, - Жумладан... СМЖА кам деганда бешта ва уларга белгиланган баҳо «К» дан паст бўлмаслиги лозим. Бундан ташқари, даъвогар аврорлар қароргоҳида мажбури равишда бир қатор психологик тест синовлари ҳамда касбий яроқликка оид амалий синовлардан ўтказилади. Сиз танлаган касб, Поттер, ниҳоятда мураккаб. Аврорлар сафига фақат энг муносиб кишиларгина қабул қилинади. Агар хотирам панд бермаётган бўлса, сўнги уч йил давомида ҳеч ким қабул қилингани йўқ.

Профессор Амбриж, гўё қанчалик сезиларсиз бажара олишини текшириб кўраётган бўлиб, аста йўталиб қўйди. Профессор Макгонагалл, зиғирдай бўлсин, бунга эътибор қаратмади.

- Қайси фанларни ўзлаштирингиз лозимлигини билишни истасангиз керак? - бироз овозини кўтариб, давом этди у.

- Ҳа, - бош ирғиди Гарри, - Ёвузлик кучидан ҳимоя фани бўлса керак?

- Албатта, - тасдиқлади профессор Макгонагалл, - Бундан ташқари, маслаҳат беришим жоизки...

Профессор Амбриж яна бир бор қаттиқроқ йўталиб қўйди. Профессор Макгонагалл эса кўзини бир сонияга юмиб, боз очди-да, давом этди:

- Маслаҳат беришим жоизки, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш ва айланиш фанини ўзлаштиринг. Зеро, бундай амалий кўникма аврор фаолиятида тез-тез асқатиб боради. Ҳа, кези келганда, огоҳлантириб қўйишим даркор, Поттер, юқори синфларга мен, МОСД имтиҳонларини «К»дан паст бўлмаган баҳога топширганларнигина қабул қиламан холос. Ҳозир сиз ўртачагина «яхши» баҳога эришмоқдасиз. Бинобарин, имтиҳонларни талаб даражасида топширингиз, менинг фанимни ўзлаштиришни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишингиз учун астойдил ҳаракат қилишингиз керак бўлади. Хўш, давом этамиз. Сиз афсун ўқиш фанини пухта ўзлаштирингиз керак ва ўйлайман-ки, буни сизга изоҳлаб ўтишга ҳожат йўқ. Шунингдек, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанини ҳам. Ҳа, ҳа, Поттер, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанини ҳам, - деди профессор, бироз кулиб, - Заҳар ва зидди-заҳар турларини билиш аврорлар учун ниҳоятда жиддий аҳамият касб этади. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, профессор Снегг МОСД имтиҳонларини фақат «олий» баҳога топширганларнигина қабул қилади. Шунинг учун...

Профессор Амбриж етарлича аниқ йўталиб қўйди.

- Йўталга қарши обакиданон берай-ми, Долорес? - луқма ташлади профессор Макгонагалл.

- Ҳа, йўқ, катта раҳмат, - овоз чиқарди Амбриж, Гарри ниҳоятда ёмон кўрадиган кулгиси билан, - Сўхбатингизни ярим сонияга бўлишим мумкинми-йўқми, билмоқчи эдим.

- Тахмин қилишга журъат этаман-ки, бўлишингиз мумкинлигини билиб олдингиз, - тиши орасидан жавоб берди профессор Макгонагалл.

- Мен бироз шубҳаланиб қолдим: мистер Поттер аврор бўлиш учун талаб этиладиган табиатга эгами-йўқми? - ширин-шакар оҳангда сўради профессор Амбриж.

- Шунақами? - деди профессор Макгонагалл, мутлақо бефарқ оҳангда, - Шундай экан, Поттер, - давом этди у, худди ҳеч ким унинг гапини бўлмаган сингари, - Мақсадингиз қатъий экан, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш ва айланиш ҳамда сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанларига оид назарий билимлар, амалий кўникмалар савиянгни оширишни тавсия этаман. Кўриб турибманки, профессор Флитвик сўнги икки йил давомида сизга нуқул «яхши» ва «кутилмаган ҳолат» баҳоларини белгилаб келган... демак, афсун ўқиш фани бўйича ўзлаштирингиз жойида.

Ёвузлик кучидан ҳимоя фанига келсак, баҳоларингиз, умуман олганда юқори. Профессор Люпиннинг фикрича, сизнинг... балким, ҳар қалай бирор дона обакидандон солиб оларсиз оғзингизга, Долорес?

- Ҳа, йўқ, миннатдорман, керак эмас, Минерва, - латта чайнаган оҳангда рад этди, баланд йўталган Амбриж, - Ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан Гарри Поттернинг билимлари учун белгиланган баҳолар тўғрисидаги маълумотномани кўрмай қолганингиз мени ташвишга солди холос.

Ҳужжатлар жилдига қўшиб қўйганимга ишончим комил, ўша маълумотномани...

- Мана буми?

Профессор Макгонагалл ҳужжатлар жилдидан қандайдир пушти варақни худди ишлатилган ҳожат қоғозини қўлига олгандай очикдан-очик ҳазар қиёфаси ила бироз юқорига кўтарди-да, қошини кўтариб қўйиб, бирор-бир изоҳ бермай, яна жойига солиб қўйди.

- Ҳозиргина айтиб ўтганимдай, Поттер, профессор Люпиннинг фикрича, сизнинг табиатингизда, ушбу фанга оид аниқ ифодаланган туғма қобилият шаклланган бўлиб, аёнки, аврор учун...

- Наҳотки, менинг ёзувимни тушунмаган бўлсангиз, Минерва? - сўради оҳанги ўзгарган Амбриж, йўталишни унутиб қўйиб.

- Тушундим, албатта, - жавоб берди, тишини қаттиқ қисиб гапирган профессор Макгонагалл, сўзлари ноаниқ эшитилиб.

- Ундай бўлса, мен... мен тушунмаяпман... охиригача тушунмаяпман, нега сиз Поттерни беҳуда умидвор қиляпсиз?...

- Беҳуда умидвор қиляпман? - деди профессор Макгонагалл, Амбриж томон қиё боқишни мутлақо истамаётганини очик намоён этиб, - У барча тест синовлари бўйича олий баҳога эришган.

- Минг афсуски, Минерва, сизга эътироз билдиришга мажбурман. Мен расмийлаштирган маълумотномадан кўриниб турибдики, Поттер менинг фанимни жуда ёмон ўзлаштирган.

- Афтидан, мен ўз фикримни аниқроқ ифодалашим керак эди, шекилли, - деди профессор Макгонагалл, ниҳоят Амбриж томон ўгирилганча, кўзига тик қараб, - У ўз соҳасининг ҳақиқий усталари саналган, юқори малакали ўқитувчилар томонидан ўтказилган барча тест синовлари бўйича олий баҳоларга эришган.

Амбрижнинг бақа башарасидаги мурдор кулги, худди ҳажми кам миясини хира бўлса ҳам ёритиб турган ягона чироқ куйиб қолгандай, бир зумда барҳам топди. У курси суянчиғига суяниб, ён дафтарининг янги саҳифасини очди-да, катта тезликда нималардир ёза бошлади. Чаноғидан бўртиб чиққан кўз соққалари у ёқ, бу ёқ думаламоқда.

Кўзи ярқираб, бурун катаги шишган профессор Макгонагалл эса боз Гаррига юзланди.

- Саволлар борми, Поттер?

- Бор, - деди Гарри, - Айтайлик, баҳолар талаб даражасига етказилди. Ўтказиладиган психологик тест синовлари ҳамда касбий яроқликка оид амалий синовларни қандай тушуниш керак?

- Қийин вазиятга таслим бўлмаслик, мураккаб шароитда ишлаш қобилиятини намоён этиш керак – жавоб берди профессор Макгонагалл, - Шунингдек, аврорлар билан олиб бориладиган таълим жараёни уч йил давом этиши боис, тиришқоқлик, матонат ва юксак ишчанлик қобилиятини ҳам, кўрсата олиш даркор. Муҳофаза қилувчи сеҳр-жодуни қўллай билишга оид юксак даражада ўзлаштирилган амалий кўникмалар тўғрисида эса гапирмаса ҳам бўлаверади. Буларнинг бари, ўз навбатида, мактабни тамомлаганингиздан кейин ҳам, жуда кўп ўқишингиз лозимлигини англатади. Шундай экан, башарти...

- Бундан ташқари, шуни билиб қўйишингиз лозимки, - муздай оҳангда маълум қилди Амбриж, профессор Макгонагаллнинг гапини бўлиб, - Сеҳргарлик вазирлиги ҳар бир аврорликка даъвогарнинг шахсий ҳужжатлар жилдини, шу жумладан, унинг жиноий ўтмишини атрофлича ўрганиб чиқади.

- ... башарти «Хогварц»ни тамомлаганингиздан сўнг ҳам, имтиҳон топширишга маънавий-руҳий

жихатдан тайёр бўлмасангиз, бошқа...

- ... шундай экан, ушбу ўспирин, Дамблдор «Хогварц»га қайта олмаган сингари, аврор бўла олмайди.

- Демак у, катта имкониятга эга, - таъкидлаб қўйди профессор Макгонагалл.

- Поттер судланган, - баланд овозда эълон қилди Амбриж.

- Поттер барча моддалар бўйича оқланган, - янада баланд овозда жавоб қайтарди Макгонагалл.

Профессор Амбриж ўрнидан турди. Унинг бўйига қараганда, оёққа турганини сезмаслик ҳам мумкин. Бироқ ниҳоятда кенг, шалвираган тери қопламасидаги сохта ноз-истиғно ўрнида муздай ғазаб пайдо бўлиб, Гаррини бироз чўчитди.

- Поттер ҳеч қачон аврор бўла олмайди.

Макгонагалл ҳам оёққа турди. Унинг ушбу ҳаракати ниҳоятда таъсирчан чиқди. Амбриж, Макгонагаллнинг олдида, худди эман остида ўсиб чиққан қўзиқориндай бўлиб қолди.

- Поттер, - жарангдор овоз-ла, ваъда қилди профессор Макгонагалл, - Ҳаётимдаги сўнги иш бўлса ҳам, майли, аврор бўлиб етишингиз учун шахсан ўзим сизга ёрдам бераман! Сиз билан ҳар куни шуғулланишга тўғри келса ҳам, зарурий натижага эришингиз учун жамики чораларни кўраман.

- Сеҳргарлик вазири ҳеч қачон Гарри Поттерни ишга олмайди! - баёнот қилди Амбриж, баланд вақиллаб.

- Умид қиламизки, ўша вақтга келиб, вазир алмашади.

- Ана! - чийиллади Амбриж, калта бармоғини профессор Макгонагаллга ўқтаб, - Ана энди ёрилдингиз! Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим! Ана сизнинг асл мақсадингиз, асл башарангиз, Минерва Макгонагалл! Корнелиус Фужнинг креслосига Альбус Дамблдор ўтиришини истайсиз! Ўзингиз эса менинг ўрнимни эгалламоқчисиз! Вазирнинг бош ўринбосари, камига эса мактаб директори бўлмоқчисиз! Шундайми?

- Алаҳсираяпсиз, - жавоб қайтарди профессор Макгонагалл, пинаги бузилмай, - Поттер, суҳбатимиз ниҳоясига етди.

Гарри юк халтасини елкасига ташлаб, Амбриж томон қиё боқишга ҳам журъат этмай, чиқиш эшиги томон шошилди. Йўлак бўйлаб нари узоқлашар экан, Амбриж билан Макгонагаллнинг бир-бирига зўр бериб бақираётгани қулоғига эшитилиб борди.

Кўп ўтмай, профессор Амбриж синфга кириб келар экан, худди марафон дистанциясини югуриб келгандай, ҳансиради.

- Ниятингдан қайтасан, деган умиддаман, Гарри, - пичирлади Гермiona, дарсликнинг ўттиз тўртинчи боби: «Қаршилиқ кўрсатмаслик ва музокаралар олиб бориш» бобини очар экан, - Амбрижнинг авзойи шундоқ ҳам, негадир жуда бузук...

Амбриж ўтирган жойида Гаррига важоҳат-ла, қараб-қараб борди. Бола эса бошини «Муҳофаза қилувчи сеҳр-жоду назарияси»дан кўтармай ўтирганча, ўйланмоқда, ўйланмоқда.

Агар Амбрижнинг хонасида тутиб олинса, унга катта ишонч билдирган профессор Амбриж нима дейди? Умуман айтганда, дарсдан кейин «Гриффиндор» минорасига қайтишга нима халал беради? Дамблхотирада кўрганларини Сириус билан ёзги таътилда муҳокама қилса ҳам

бўлаверади-ку. Бир қараганда, ҳеч нима халал бермайди... бироқ бундай оқилона ҳаракатини ўйласа, вужуди қийналяпти... устига устак эгизаклар... улар чалғитиш манёврини режалаштириб,

ижросини тайёрлаб қўйишга улгуриб бўлишди... яна отасининг кўринмас плаши билан бирга ётган Сириуснинг пичоғи...

Бироқ ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади, агар уни тутиб олишса...

- Сени ўқувчилар рўйхатидан четлаштириб юборишмасликлари учун шахсан Дамблдор ўзини қурбон қилди! - пичирлашини давом эттирди Гермiona, юзини дарслик билан бекитиб, - Агар сени қувиб солишса, бундай улкан йўқотишларнинг бари сариқ чақага ҳам, арзимаё қолади.

Гарри кутилмаганда Сириуснинг «Гриффиндор» минорасидаги каминда кўриниб айтган сўзларини

эслади: «Мен ўйлаган даражада ўхшамас экансан, отанга. Жеймс таваккал қилишни ёқтирар эди».

Бироқ... ҳозир Гарри отасига ўхшашни истаяпти-ми?...

Қўнғироқ зарби янгради.

- Гарри, қилма ўша ишни, илтимос, қилма! - ўтиниб ёлворди Гермiona.

Гарри жавоб бермади. Қандай йўл тутишни ҳали ўзи билмайди.

Рон ўз фикрини билдирмаслик, маслаҳат бермасликка қатъий қарор қилган кўринади. У ҳатто Гарри томон қарамаяпти ҳам, бироқ ўтинишларини давом эттирмоқчи бўлган Гермiona яна оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, уни тўхтатди:

- Бас қил, Гермiona, хўпми? Энди у ёш бола эмас.

Гарри синфдан юраги гупиллаб юраётганини ҳис этиб чиқар экан, йўлакнинг ўртасига келганда рақиб чалғитиш манёврнинг шовқинини эшитди. Юқори қаватларда бақир-чақир, тўс-тўполон эшитилди. Синф хоналаридан чиқаётган ўқувчилар турган жойларида тек қотиб, ҳадиксираганча, шифтга қарашмоқда...

Амбриж тез бурилиб, ҳаракат давомида таёқчасини чиқарганча, йўлакнинг нариги боши томон қисқа оёғи имкон берган даражада югуриб кетди. Ё ҳозир, ё ҳеч қачон.

- Гарри, илтимос қиламан сендан! - паст овозда ўтинди Гермiona.

Гарри ўз аҳдини қабул қилиб бўлди, орқага йўл йўқ, юк халтасини баландроқ силтаб олиб, шарқий қанотда нима бўлганини билиш учун рўпарадан югуриб келаётган болаларни айланиб ўтганча, тез одимлаб кетди.

Кўп ўтмай, Амбрижнинг хонасига олиб борадиган йўлакка етди. Рицарларнинг улкан аслаҳаси ортига ўтиб, юк халтасини очди-да, эрталабдан буён олиб юрган пичоқ билан плашни чиқарди. Рицарь аслаҳасининг дубулғаси, орқа томонга ўтиб олган ушбу шўх йигитча нима қилаётганини кўриш учун бироз айланиб қўйди. Устига кўринмас плаш ташлаб олган Гарри аслаҳа ортидан чиқиб, Амбрижнинг хонаси томон ўғринча ҳаракат бошлади.

Пичоқ тиғини эшик тирқишига сўқиб, юқоридан қўйи томон юргизиб чиқарди. Чертки товуши эшитилиб, эшик очилди. Гарри хонага кириб, эшикни ичкаридан ёпиб қўйди-да, атрофга аланглади.

Ҳамма нарса ўз жойида, ҳаракатсиз турибди. Мусодара қилинган супургилар устидаги мушукчаларнинг тасвирлари бир-бири билан шўх олишмоқда холос.

Гарри плашни ечиб, каминга яқинлашди-да, керакли моддани дарҳол топди. Ялтироқ саёҳат уни солинган кичкина қути камин тоқчасида турибди.

Қўли титраётган Гарри каминга, батартиб терилган ўтин устига энгашди. У ҳали ҳеч қачон бу ишни қилмаган, лекин саёҳат унидан қандай фойдаланишни тахминан тасаввур қилади. Қутидан бир чимдим ун олиб, бошини каминга сўққанча, ўтин устига сепди. Шу заҳоти яшил тусли олов чақнади.

- Пинҳонийлик майдони, ўн иккинчи ўй, - аниқ ва баланд овозда талаффуз этди Гарри.

Гарчи саёҳан уни воситасида муқаддам саёҳат қилган бўлса ҳам, бундай ғалати ҳолатга ҳали тушмаган. Илк бор саёҳат қилган кўни мамлакат ҳудудидаги сеҳргарларга қарашли каминларнинг жамики тармоғида Гаррининг бутун танаси айланган эди. Ҳозир эса боши рангли уюрма ичра айланиб, танасининг қолган қисми Амбрижнинг хизмат хонасида қилт этмай турибди.

Айланиш жараёни қандай бошланган бўлса, шундай тўхтади.

Бошига ёнаётган телпак кийиб олгандай турган Гарри кўзини очиб, кўнгли беҳузур бўлганини ҳис этди. Рўпарасида узун ёғоч стол турибди, ортида эса кимдир пергамент варағини ўқиб ўтирибди.

- Сириус?

Стол ортида ўтирган киши сесканиб кетиб, атрофга қаради. У Сириус эмас Люпин экан.

- Гарри! - ҳаяжонланиб кетди, оёққа қалқиб турган Люпин, - Нима қилияпсан бу ер... Тинчликми?

Нима гап? Ишларинг жойидами?

- Жойида, - деди Гарри, - Ўзим, шунчаки... Сириус билан гаплашиб олмоқчи эдим.

- Ҳозир чақираман, - ўрнидан турди шошиб қолган Люпин, - Тараққосни қидириб, чордоққа чиқиб кетган эди. Эльф бекинадиган бўлиб қолган.

Люпин ошхонадан тез чиқиб кетди. Гаррининг кўзига стол-у, курси оёқлари кўриняпти холос.

Сириус бирор маротаба айтгани йўқ эди, камин орқали гаплашиш ноқулай бўлишини. Гаррининг тош полга тиралган тиззасига оғриқ кирди. Кўп ўтмай, Сириус билан Люпин пайдо бўлишди.

- Нима гап?

Хавотирланган Сириус кўзини бекитган сочини орқага ташлаб, камин олди, полга ўтириб олди-да, Гарри билан юзма-юз бўлди. Ташвиш тортган Люпин ҳам тиз чўкиб олди.

- Тинчликми? Сенга бирор ёрдам керакми?

- Йўқ. Гап ёрдамда эмас... ўзим шунчаки... дадам тўғрисида гаплашиб олмоқчи эдим.

Катталар бир-бирига ҳайрон бўлиб қараб қўйишди. Бироқ Гаррининг ўзини ноқулай сезиш, тортинишга вақти йўқ. Тиззаси вақт ўтган сари қаттиқ оғримоқда, чалғитиш манёври бошланганига ҳам, беш дақиқа бўлди. Жорж эса йигирма дақиқа ваъда қилган холос. Шундай экан, Гарри дамблхотирада кўрганларини зудлик билан сўзлаб беришга киришди.

Ҳикояси якунига етгач, Люпин билан Сириус бироз сукут сақлашди. Ниҳоят Люпин аста гап бошлади.

- Айнан шу ҳодиса билан даданг тўғрисида ёмон фикрга боришингни истамас эдим. Ўшанда у ёш, атиги ўн бешга тўлган эди...

- Менинг ҳам ёшим ўн бешда! - зарда қилди Гарри.

- Гарри, - сўз олди Сириус, тинчлантириш оҳангида, - Жеймс ва Снегг бир-бири билан илк бор учрашган фурсатдан эътиборан ёмон кўриб қолишган. Бу қандай бўлишини биласан-ку, а? Жеймснинг табиатида Снеггда бўлмаган жиҳатлар бўлган, хусусан, уни ҳамма яхши кўрган, квидишни моҳирона ўйнаган, кўплаб ишлар унга осон кўчган. Снегг эса ним жинни кас бўлган. Бундан ташқари, у, ёвуз кучлар сеҳри билан шуғулланган. Жеймс, сенинг кўзингга минг ёмон кўринмасин, бу масалада букилмас маслакка эга бўлган.

- Тўғри, лекин ўшанда у, бирон-бир сабабсиз тажовуз қилибди, - эътироз билдирди Гарри, - Сен зерикиб қолганинг сабабли, - узр сўраган оҳангда тугаллади у.

- Буни оқлаб бўлмайди, албатта, - деди Сириус.

- Гарри, сен бир нарсани тўғри тушун, - деди Люпин, Сириусга қараб қўйиб, - Даданг билан Сириус кўп масалаларда зўр бўлишган. Мактабдагилар иккаласига сал кам сиғинишган. Агар баъзан сал ошириб юборишган бўлишса...

- Айтмоқчисан-ки, баъзан ўзимизни ғирт ярамаслардек тутганмиз, - гапни бўлди Сириус.

Люпин кулиб қўйди.

- У доимо сочини тўзғитгани-тўзғитган, - арз қилди Гарри.

Сириус билан Люпин кулиб юборишди.

- Эсимдан чиқиб ҳам кетибди, - мулойим ғудуллади Сириус.

- Тилла чаққон билан ўйнади-ми? - қизиқиб сўради Люпин.

- Ҳа, - жавоб берди Гарри, ёшлиklarини эслаб, ҳузур қилаётган катталарга тушунмай қараб, - Бироқ, ушбу қилиқлари билан ғирт тентакка ўхшаб кўринди.

- Чиндан ҳам, ғирт тентак бўлган! - овунтирди Сириус, - Ўшанда ҳаммамиз аҳмоқ бўлганмиз! Фақат Люпин... бироз... у даражада бўлмаган... - адолат қилган бўлди у, Люпинга қараб.

Бироқ Люпин бошини маъюс чайқаб қўйди.

- Снеггни бирон маротаба бўлсин, ҳимоя қилмаганман, - эътироз билдирди у, - Сизларнинг ёмон хулқ-атворингизни ҳам, қораламаганман.

- Аҳамияти йўқ, - деди Сириус, - Баъзан бизни койиб тургансан... бу эса катта гап эди...

- Яна бир нарса, - деди Гарри.

У мавзудан бироз четлашди-ю, модомики, шу ерда экан, ичидаги гаплар билан ўртоқлашиб олишни афзал билди.

- У доимо соҳилда ўтирган қизларга қараб, ўзини кўрсатмоқчи бўлган экан!

- Лили бор жойда Жеймс ақл-хушини йўқотиб юрар эди, - елка қисди Сириус, - Кўзи тушиши билан, қилиқ бошлар эди.

- Қандай қилиб унга турмушга чиқди, ахир қаттиқ нафратланар эди-ку?! - юракдан сўради Гарри.

- Ҳеч ҳам ундай бўлмаган, - деди Сириус.

- Улар еттинчи синфда учраша бошлашган, - деди Люпин.

- Жеймс нисбатан хушхулқ бўлиб қолгач, - аниқлик киритди Сириус.

- Одамларга қарғиш қўлламай қўйгач, - қўшимча қилди Люпин.

- Северусга нисбатан ҳам-ми? - ишонқирамай сўради Гарри.

- Снегг бошқа масала, - ўйланиб қолди Люпин, - Унинг ўзи ҳам жа оппоқ бўлмаган. Жеймсга ҳамла қилиш фурсатини ҳеч ҳам қўлдан бермаган. Жеймс буларнинг барига кўз юмиб юриши мумкин эмас эди.

- Ойим эътибор бермай юрганми?

- Тўғриси айтганда, ойинг беҳабар бўлган, - жавоб берди Сириус, - Жеймс ҳар қалай, учрашувга ўзи билан Снеггни ҳам олиб бормаган. Ойингнинг олдида қарғиш қўлламаган.

Сириус шубҳа ила қараб турган Гаррига қош чимирди.

- Менга қара, - деди у, ниҳоят, - Отанг менинг энг яқин дўстим ва яхши одам бўлган. Ўн беш ёшда кўпчилик хатога йўл қўяди. Вақт ўтгач эса ақли киради.

- Тушунарли, - қовоқ солиб, бош ирғиди Гарри, - Фақат Северусга ачинаман, деб, ҳеч қачон ўйламаган эдим.

- Ҳа, айтгандай, Снеггнинг ўзи нима деди, сени дамблхотира ичидан топиб олганидан кейин? - сўради Люпин, пешонаси тиришиб.

- Энди окклуменцияни ўргатмайман, деди, - лоқайд оҳангда жавоб берди Гарри, - Қошим учиб тургани йўқ, ўша...

- НИМА? - ўкириб юборди Сириус.

Чўчиб кетган Гаррининг оғзи кулга тўлди.

- Жиддий гапиряпсан-ми, Гарри? - кескин оҳангда сўради Люпин, - Дарс бермай қўйди-ми, сенга?

- Ҳа, - ҳайрон бўлди Гарри, катталар пашшадан фил ясаганини кўриб, - Ҳеч қиси йўқ. Менга, тўғриси айтсам, яна яхши бўлди...

- Ҳозир бориб, гаплашиб қўяман, ўша Миши...

Люпин Сириусни ушлаб қолди.

- Снегг билан ўзим гаплашиб қўяман! - қатъий оҳангда баёнот қилди у, - Лекин Гарри, биринчи навбатда, сен ўзинг у билан учрашиб гаплашинг, нима қилган тақдирда ҳам, машғулотларни тўхтатмай давом эттиришларинг кераклигини айтишинг керак. Агар Дамблдор бундан хабар топадиган бўлса...

- Бормайман, унинг олдида! - эътироз-ла, рад этди Гарри, - Мени дамблхотира чаноғидан чиқариб олган фурсатдаги важоҳатини кўрганингизда эди...

- Гарри, сен учун ҳозир окклуменция машғулотларидан муҳим нарса йўқ! - сўкиб берди Люпин, - Тўшундинг-ми? Бундан муҳими йўқ!

- Бўпти, бўпти, - алам-ла, пўнғиллади Гарри, - Ҳаракат қилиб кўраман... гаплашишга...

У жим бўлиб қолди. Узоқдан қадам товуши эшитилди.

- Тараққос тушиб келяпти-ми, зинапоядан?

- Йўқ, - деди Сириус, - Сен томонда эшитилаётган бўлса керак.

Гаррининг юраги тўхтаб қолгандай бўлди.



- Бўлди, мен кетдим...

Гарри Пинхонийлик майдонидаги каминдан бошини суғуриб чиқарди. Бир неча сония давомида унинг боши елкасида турган жойида роса айланди, сўнг, шартта тўхтаб, Амбрижнинг камини олдида, тиззасида турганини идрок этди. Яшил гулхан тили бироз милтиллаб, ўчди. Эшик ортида хансираган овоз эшитилди.

- Тезроқ, тезроқ... Эшикни очиқ қолдириб кетибди-ку...

Гарри кўринмас плашни устига ташлаб олишга базўр улгурди. Эшик ланг очилиб, хонага Филч кириб келди. Ўзи билан ўзи гаплашиб, қувончдан яшнаб кетаётган назоратчи ёзув столининг ёнига келиб, тортмаларини титкилай кетди.

- Қамчилашга рухсатнома... қамчилашга рухсатнома... оддий ҳақиқатни тушуниб етишларига қанча кўп вақт керак бўлди-я...

У қандайдир пергаментни чангаллаб олиб, ўпиб қўйди-да, ушбу қимматбаҳо қоғоз варағини кўкрагига босганча, ташқарига чиқиб кетди.

Гарри оёққа туриб, плаш уни юк халтаси билан бирга ёпиб турганига ишонч ҳосил қилгач, эшикни очиб Филчнинг ордидан эргашди. Назоратчининг бу қадар тез юрганини Гарри ҳали кўрмаган. Зинапоянинг бир қисмидан тушган Гарри плашни ечиб, юк халтасига жойлади. Йўлини давом этиб, вестибюлда шовқин кўтарилганини эшитди. Мармар зинапоядан тушиб, халойиқ тўпланганини кўрди.

Трелани ишдан бўшатиш куни қандай вазият қарор топган бўлса, ҳозир ҳам худди ўшандай аҳвол. Ўқувчилар (уларнинг баъзилари қўланса шарбатга беланган), ўқитувчилар ва арвоҳлар катта ҳалқа ҳосил қилганча, девор яқинида тўпланишган. Олдинги қаторда назорат бригадасининг аъзолари ажраб турибди. Улар нимадандир ниҳоятда мамнун. Тўпланганлар боши узра Дрюзг муаллақ осилиб олган. Полтергейст пастга, ҳалқа марказига, овчилар ўраб олган бўрилардай турган Фред ва Жорж Уэслиларга қараб турибди.

- Демак, қаср йўлагини ботқоққа айлантириш, сизга қизиқ туюлди, шундайми? - эшитилди Амбрижнинг ғолибона овози.

У ўтган сафар жойига чиқиб олиб, ўз қурбонларига юқоридан қараб турибди.

- Умуман айтганда, ҳа, - жавоб берди, қўрқув нималигини билмаган Фред, Амбрижнинг кўзига тик қараб.

Филч ҳалқа орасидан, болаларни тирсаги билан қаттиқ туртиб, бахтиёрлигидан ҳўнграб юборгудай ҳолатда Амбрижнинг ёнига ўтиб олди.

- Келтирдим, директор хоним, хириллади у, пергаментни силтаб, - Рухсатнома бор... қамчи тайёр... О! Ҳозироқ бошлашга ижозат беринг...

- Жуда яхши, Аргус, - бош ирғиди Амбриж, - Сиз иккалангиз эса, - давом этди у, Фред билан Жоржга мурожаат қилиб, - Ҳозир тушуниб етасиз, менинг тасарруфимдаги мактабда ҳулқи бузуқларга нисбатан қандай чора кўрилишини.

- Бунинг иложи йўқ, - деди Фред, эгиз укасига юзланиб, - Жорж, парта ортида ҳаддан ортиқ узоқ ўтириб юбормадик-ми, а?

- Жуда чўзилиб кетди, - беташвиш оҳангда жавоб берди Жорж.

- Ҳақиқий ҳаётда нимага қодир эканлигимизни синаб кўриш вақти етмади-ми? - давом этди Фред.

- Аллақачон етган, - маъқуллади Жорж.

Амбриж оғиз жуфтлашга улгурмай, эгизаклар таёқчаларини баланд кўтариб, қичқиришди:

- Ассио, супургилар!

Узоқдан қарсиллаган товуш эшитилди. Гарри товуш чиққан томон бурилиб, бошини эгиб олишга базўр улгурди. Йўлак бўйлаб Фред билан Жоржнинг супургилари учиб келмоқда. Улардан бирига эса занжир билан металл чивиқ илашиб қолган. Чапга бурилган «Соф ғалаба»лар зинапоя узра учиб ўтиб, ўз соҳиблари қаршисида кескин тўхтади. Тош ётқизилган полга тушган занжир қаттиқ

жаранглади.

- Энди учрашишимизга шубҳа қиламан, - деди Фред, супургисини эгарлар экан, Амбрижга мурожаат қилиб.

- Овора бўлиб, хат ёзиб юрманг тагин, - қўшимча қилди супургисини эгарлаётган Жорж. Фред сукут сақлаганча, диққат билан қараб турган халойиққа мурожаат қилди:

- Юқори қаватда ҳосил қилинган майда миқёсли ботқоқ харид қилиш истагини билдирганлар, марҳамат, мурожаат қилишлари мумкин. Манзилимиз: Диагон хиёбони, тўқсон уч, «Уэслиларнинг ажойиб ультрафокуслари», - баланд овозда эълон қилди у, - Кулгили моллар дўкони.

- Молларимиз воситасида мана бу қари бақани, - қўшимча қилди Жорж, Амбрижни кўрсатиб, - Мактабдан сиқиб чиқаришга онт ичган «Хогварц» ўқувчиларига, ушбу моллар атайин туширилган нархда сотилади.

- УШЛАНГЛАР УЛАРНИ! - ўқирди Амбриж.

Кеч бўлди. Назорат бригадасининг ҳамла қилмоқчи бўлаётган аъзоларини кўрган Фред билан Жорж полдан итарилиб, ўн бешча юқорига кўтарилди. Металл чивик таҳдид солганча, осилиб қолди. Фред полтергейст ёнига кўтарилиб. Пастга қаради.

- Йўқлигимизни билдирма, Дрюзг. Адабини бер уларнинг!

Ҳали бирор маротаба бировнинг буйруғига бўйсунмаган Дрюзг, бошидаги қўнғироқ шляпани ечиб, эгизакларга таъзим қилди. Улар эса гулдурос қарсақлар остида ҳавода шартта айланишди-да, бир жуфт яшин сингари очиқ қолган эман эшикда ниҳоятда гўзал кўринаётган уфқ томон учиб кетишди.

## **ЎТТИЗИНЧИ БОБ. ГРУП**

Бўлиб ўтган ҳодиса кейинги бир неча кун давомида, «Хогварц» афсонасига айланиб кетар даражада кўп муҳокама қилинди. Орадан атиги бир ҳафта ўтган бўлса-да, воқеани ўз кўзи билан кўрганлар ҳам, Фред билан Жорж, мактаб ҳудудини тарк этишдан олдин, Амбриж узра гир айланиб, устига бир олам гўнг бомбаларини ёғдиргандан сўнггина, учиб кетишганига комил ишонч билдира бошлашди. Эгизакларнинг қилиғи қаср аҳолиси орасида исёнкорлик кайфияти қарор топишига турки берди. Энди Гаррининг қулоғига ўқувчиларнинг: «Чин сўзим, ҳозирнинг ўзида супургини эгарлаб, ушбу лаънати мактабни ташлаб кетишга тайёрман!» ёки «Агар яна бир бор шундай машғулот ўтар экан, Уэслилар каби иш тутаман» мазмунидаги гаплари тез-тез чалиниб борадиган бўлиб қолди.

Фред билан Жорж мактабдошлар хотирасида узоқ сақланиб қолишлари учун қўлдан келганча ҳаракат қилишган кўринади. Хусусан, иккаласи, қасрнинг шарқий қанотидаги бешинчи қават йўлагида майда миқёсли ботқоқ яратиб, уни йўқ қилиш йўлини ҳеч кимга айтмай кетишган. Амбриж билан Филч, ушбу муаммо устида кўп бош қотиргани ўқувчилар томонидан пинҳон кузатиб борилди. Бироқ улар ботқоқ атрофига арқон тортиб, тўсиб қўйишдан дурустроқ каромат кўрсата олишмади. Ўқувчиларни, зарурат туғилганда, ушбу сунъий ғовдан олиб ўтиш – мактаб назоратчиси томонидан ҳал этиладиган вазифа сифатида белгиланди. Зиммасига қўшимча мажбурият юкланган Филч, иложсизликдан, тишини тишига босиб, башарасини дарғазаб буриштирганча итоат қилишга мажбур бўлди. Макгонагалл ёки Флитвик ҳеч қандай қийинчиликсиз, ушбу ботқоқни бир сонияда бартараф эта олишларига Гарри зиғирдай бўлсин, шубҳа қилмайди, албатта. Бироқ иккала ўқитувчи ўзини «Уэслиларнинг учар бомбалари» ҳаракатга келтирилган ҳолатда тутган каби тутишни, яъни ҳеч нарсага аралашмай, муаммо ечимини Амбрижнинг ўзига қўйиб беришни афзал топган кўринади.

Бундан ташқари, Фред билан Жоржнинг чақириғига биноан учиб чиққан «Соф ғалаба» русумли иккита супурги Амбриж хонасининг эшигида бир жуфт тешик ҳосил қилган. Хона эшиги бошқасига алмаштирилди. Гаррининг супургиси эса ерости хонасига туширилиб, кириш эшиги олдига қоровуллик хизматини олиб борадиган қуролланган қўриқчи тролль тайинланди.

Аммо Амбрижнинг ташвиши бу билан якун топмади.

Эгизаклар кўрсатган ибрат ўқувчиларни илҳомлантириб, улар орасида, энг асосий безориларнинг бўшаб қолган ўринларини эгаллаш учун кураш бошланган кўринади гўё. Янги эшик ўрнатилганига қарамай, кимдир директорнинг хонасига пайпоқтумшук исковучни киритиб юборибди. Табиатан ялтироқ буюм истайдиган жонивор ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб, ўз хонасига кириб келган Амбрижнинг бармоқларидаги узукларни тортиб олишга ўринганча, қўлини ғажиб ташлашга оз қолибди. Қаср йўлаклари ёки бўш синф хоналарига гўнг бомбаси ёки сассиқ ўқчалар ташлаб кетиш – ўқувчилар орасида анъанага айланиб қолди. Қасрда тоза ҳаво етишмай қолганидан машғулот ниҳоясига етгач, синф хонасидан, гарчи киши, худди бошига аквариум кийиб олгандай, аҳмоқона қиёфа касб этса-да, бош пуфаги афсунини қўлламай чиқмасликнинг иложи бўлмади қолди.

Қўлига от қамчисини ушлаб олган Филч тинчликбузарларни тутиб олиш ниятида қаср ичида изғиб юради, бироқ бузғунчилар сони кўплигидан қайси бирининг кетидан қувишни билмай, талмовсираб қолади. Назорат бригадаси Филчга ёрдам қўлини узатиши лозим-у, лекин бригада аъзолари сўнги кунларда ғалати ҳолатларга тушиб қолмоқда. Хусусан, сирли тери касаллигига йўлиқиб, аъзойи-баданига бодроқ ёпишиб қолган слизеринчилар жамоасининг ўйинчиси, Уоррингтон мактаб касалхонасига ётқизилди. Эртаси кун эса бошидан буғу шоҳи ўсиб чиққан Панси Паркинсон ҳам, Германионинг кўнглини хушнуд айлаганча, бир кунлик машғулотларни ўтказиб юборди.

Мактабда ўтган сўнги ой ичида эгизаклар ўз ихтиролари бўлмиш бадният газакларни шу қадар кўп миқдорда сотишга улгурибди-ки, Амбриж учун дарс ўтиш азобга айланди. У хонага кириб келиши билан ўқувчиларнинг баъзилари хушидан кетиб, полга таппа қулаб тушишса, айримлари чинакамига қайт қиладиган, бирининг тана ҳарорати кескин кўтарилиб кетса, бошқа бировининг бурнидан тўхтовсиз қон кетадиган бўлиб қолди. Бундай оммавий, сирли касалликлар сабабини қидириб, ҳаракати беҳуда кетган, ожизлигидан ғазабдан қайнаб бораётган директор, тўртта синфнинг тўла таркибига жазо тайинлаб ҳам, бирон-бир натижага эриша олмади. Болаларнинг ҳаммаси бир овоздан «кўкрак соҳасининг амбрижбақаси» касаллигига йўлиқишганини рўқач қилаверди. Тақдирга тан бериб, таслим бўлган Амбриж қайт қилавериш, мадори қолмаган, қонга беланиб, терга ботган ўқувчиларни галаси билан дарсдан жавоб беришга мажбур бўлди.

Бироқ алғов-далғовликнинг ҳақиқий қироли саналадиган Дрюзгга ҳеч ким тенг кела олмади. Фред билан Жорж томонидан берилган хайрлашув топшириғининг ижросига виждонан ёндашган полтергейст, ақлини еб қўйгандай, қаср ичра ғақ-ғақлаганча хандон отиб учадиган, столларни онтарадиган, машғулот вақтида синф тахтасидан чиқиб келиб, хонадаги ҳайкалчалар-у, вазаларни йиқитадиган, фонусларни синдириб, шамларни пуфлаб ўчирадиган, қўрқувдан чийиллаётган ўқувчилар боши устида муаллақ осилиб олиб, машъалалар билан жонглёрлик қиладиган, батартиб терилган пергамент тахларини камин чўғи ёки деразадан ҳовлига улоқтирадиган тажовузкор қилиқ чиқарди. Бундан ташқари, у, миссис Норрисни тақиб қилиб, назоратчи Филчни дод солдирганча, қулоқни кар қилгудай даражада миёвлаётган мушугини рицарлар аслаҳалари ичидан икки маротаба чиқариб олишга мажбур қилди, иккинчи қаватдаги ваннахонанинг жамики жўмрақларини очиб юбориб, йўлакка сув бостирди, нонушта маҳалида бир қоп бий тўкиб, Катта Залда қий-чув кўтарди. Бундай хатти-ҳаракатлар орасидаги танаффуслар давомида эса Амбриж кетидан соатлаб сузиб, бирон нима демоқчи бўлган директор оғиз жуфтлаши ҳамано, лаби ила худди ел чиқарганда эшитиладиган товуш чиқариб борди.

Бирор-бир ўқитувчи директорга ёрдам бериш истагини билдирмади. Эгизаклар мактабни тарк

этишганига бир ҳафта бўлган куни, Гарри, биллур қандилнинг боғичини бўшатиш учун чиранаётган Дрюзг ёнидан ўтаётган профессор Макгонагаллнинг астагина:

- Буни чап томон бураб бўшатиш керак, - деб ўтганини ўз қулоғи билан эшитиб қолди.

Бунинг устига, сешанба куни эрталаб қасрга олиб келадиган йўлда анча вақт унитаз ичида қолиб кетгани боис, ҳамон ўзига кела олмаётган Монтегьюнинг домангир қиёфа касб этган, бадқовоқ ота-онаси кўринди.

Афсун ўқиш фани хонасидаги дераза ойнасига юзини босиб олиб, мактаб ҳовлисига кириб келаётган мистер ва миссис Монтегьюларга қараб турган Гермиона ташвиш тортиб сўради:

- Балким уларга, ўзимиз билган нарсаларни айтиб беришимиз керакдир, а? Шунда эҳтимол, Монтегьюни даволаш Помфри хоним учун осон кечар, нима дейсиз?

- Ҳеч қиси йўқ, - лоқайд оҳангда жавоб берди Рон, - Дардини берган, давосини ҳам бергай.

- Амбриж учун эса яна бир нохушлик, - мамнун оҳангда қўшимча қилди Гарри.

Гарри билан Рон сеҳрлаш талаб этилган чой чашкаларига бир вақтда таёқча уришди. Гаррининг чашкасидан шу заҳоти тўртта оёқ ўсиб чиқди-ю, стол юзасига етмай, ҳавода муаллақ осилганча қолди. Роннинг чашкасидан икки жуфт ингичка ўргимчак оёғи ўсиб чиқиб, столдан базўр кўтарилди ва бир неча сония титраб тургач, эгилиб кетиб, чашкани икки бўлиб юборди.

- Репаро, - деди Гермиона, таёқчасини енгил силкитганча, чашкани ўз ҳолига қайтариб, -

Буларнинг бари яхши, албатта, бироқ Монтегьюнинг ақли бир умрга шу ҳолатда қолиб кетса-чи, нима бўлади?

- Бизга нима? - ўшқирди, чашкасининг оёғи боз букилиб, мастдай титраётган Рон, - Монтегью «Гриффиндор»дан балл айиришга ҳақи йўқ эди! Гермиона, агар жа бировнинг ғамини еб юришни истасанг, менинг ғамимни е!

- Сенинг ғамингни? - сўради Гермиона, қисқагина, мовий нақшли мустаҳкам оёқларида столнинг нариги чеккаси томон завқ-ла сакраб кетаётган чашкасини тутиб олганча, жойига қайтариб, - Нега энди сен ҳақингда қайғуришим керак?

- Ойимнинг хати Амбриж ғалвиридан ўтиб келгач, мени ниҳоятда катта нохушликлар кутмоқда, - алам-ла, жавоб берди Рон, оёқда тура олиши учун ўз ижодининг заиф маҳсулини қўли билан суяб, - Қичқириқнома келса ҳам, ҳеч ҳайрон бўлмайман.

- Бироқ...

- Мана кўрасиз, Фред билан Жорж мактабни тарк этишгани учун мен айбдор, деб топиламан, - вайсашни давом этди Рон, - Ойим, уларни тўхтатишинг керак эди, деб койиши турган гап.

Супургиларига осилиб, ушлаб қолишим керак эдим, билмайман-у, айбдор бўлишим муқаррар.

- Агар ойинг чиндан ҳам сени айбласа, ўта адолатсизлик қилган бўлади! Шахсан сен нима ҳам қила олган бўлар эдинг? Ишончим комилки, ойинг айбламайди сени. Модомики акаларинг, Диагон хиёбонида ростдан ҳам кулгили моллар дўконини очишган экан, демак улар ўз ишларини аллақачон режалаштириб, ҳаётга татбиқ этишга ҳам улгуришган.

- Ҳа... бироқ қандай пайдо бўлиб қолди ўша дўкон? - вайсади, чашкасига таёқчаси билан қаттиқ зарб берган Рон, идиш оёқларини ожизона титратганча, қотириб қўйиб, - Ана шу масала қоронғи. Ахир ўша хиёбондаги дўкон биноти жуда қиммат туради-ку!? Иккаласи шунча пул топиш учун қандай ишларга аралашиб қолганини ойим суриштирмай қўймайди.

- Мен ҳам шу масала устида бош қотирган эдим, - деди, чашкаси Гаррининг калтагина йўғон оёқлари стол сиртига етмаётган чой идиши атрофида гир айланиб югураётган Гермиона, - Мабодо Мундугнус ўғирланган мол сотиш ёки шунга ўхшаш қинғир ишларга кўндирган бўлса-чи уларни?

- Йўқ, ундай бўлмаган, - қисқа қилди Гарри.

- Сен қаердан биласан? - баралла сўради Рон билан Гермиона.

- Биламан... - тутилиб қолди Гарри.

Афтидан, иқрор бўлиш вақти етган кўринади, хаёлдан ўтказди у, акс ҳолда Фред билан Жорж

ақлга сизгас жиноятлар содир этилганида асоссиз айбланади.

- Чунки пулни, аниқроғи, Уч сеҳргар беллашуви учун олган мукофотимни мен берганман уларга. Орага сукунат чўқди.

- Бўлиши мумкин эмас, Гарри! - хитоб қилди, стол четига сакраб ўтган чашкаси полга тушиб, чилпарчин бўлган Гермiona.

- Нега энди бўлиши мумкин эмас? Жуда ҳам бўлиши мумкин, - деди Гарри таҳдидли оҳангда, - Уларга ёрдам берганим учун зиғирдай бўлсин, ачинмайман. Менга пул керак эмас. Эгизаклар эса кулгили моллар сотиладиган ажойиб дўкон соҳиби бўлишади.

- Зўр иш бўлибди! - завқланиб кетди Рон, - Ҳаммасига сен айбдор экансан, Гарри! Энди ойим мени бирон нимада айблагга ҳақли эмас! Унга бор гапни айтиб берсам майлими?

- Айт, - ифодасиз рози бўлди Гарри, - Агар Фред билан Жорж ўғирланган мол сотишда айблайдиган бўлса.

Гермiona машғулот охирига қадар бошқа бир оғиз сўз айтмади, лекин унинг арази узоққа чўзилмаслигига Гаррининг ишончи комил. Чиндан ҳам, май ойининг илиқ қуёши остида ўтаётган танафус вақтида кўзини қисиб олган Гермiona эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, Гарри уни тўхтатиб қолди.

- Мени эговлашдан наф йўқ, Гермiona. Бўлган иш бўлиб ўтди, - қатъий баёнот қилди у, - Маблағ Фред билан Жоржнинг ихтиёрида ва афтидан, унинг аксарият қисмини сарф этиб бўлишган. Энди пулни олиб қўя олмайман ҳам, умуман айтганда, бундай қилишни истамайман ҳам. Шундай экан, ортиқча вайсашга ҳожат йўқ.

- Бошқа нарса ҳақида гапирмоқчи эдим, - яна хафа бўлди Гермiona, - Ҳа, бошқа нарса ҳақида! - дарғазаб такрорлади у, ишонқирамай пишқириб қўйган Ронга еб қўйгудек қараб, - Гарри Снег билан ўтган окклуменция машғулотларини қайтадан бошлаш нияти бор-йўқлигини билмоқчи эдим!

Гаррининг юраги шувиллаб кетди. Эгизаклар қочиб кетган куни, уларнинг ғайриоддий қилиғи ҳақидаги гап-сўзлар босилиши ҳамоно, Рон билан Гермiona Гаррининг Сириус билан учрашуви қандай ўтганини билишмоқчи бўлди. Гаррининг чўқинтирган отаси билан учрашиш истагининг асл сабаби иккаласига номаълум. Уларни алдаш учун бошқа бирон бир ваз ўйлаб топиш ҳам, фавқулодда қийин кечди. Шундай экан, Гарри Сириуснинг амрини, яъни Снег билан ўтадиган машғулотларни қайтадан бошлашни тайинлаганини рўй рост айтиб беришга мажбур бўлган эди. Бироқ айтишга айтди-ю, боши балога қолиб кетди. Гермiona, ушбу мавзунини Гарри учун мутлақо кутилмаган фурсатларда очадиган бўлиб қолди. Мана ҳозир ҳам шу аҳвол.

- Алаҳсирашлар барҳам топди, деб, мени алдашга уринма, Гарри. Биламан, шу бугун тунда ҳам, боз алаҳсирагансан. Рон айтиб берди менга.

Гарри Ронга ўқрайиб қўйди.

- Кўп эмас, - ўзини оқлаган бўлди Рон, уятчан қиёфа ясашга ҳам журъат эта олиб, - Нўхатдай шама қилиб қўйган эдим.

- Тушимда сенинг квидиш ўйнашингни кўрган эдим холос, - шу заҳоти ўч олди Гарри, - Агар қўлингни яна бироз узатганингда Кваффлини тутиб олган бўлар эдинг.

Роннинг қулоғи қизариб кетганини кўрган Гарри маънан хун олишга эришганидан мамнун бўлди. Тушида квидиш ўйинини кўрмаган, албатта. Тунда, ҳар доим бўлгандек, дастлаб йўлак бўйлаб Сирли сеҳр бўлими томон юрди, сўнг, думалоқ хона орқали ўтиб, шуъла акси ўйнаётган хонага ва ниҳоят тоқчаларига чанг қоплаган шиша шарлар терилган кенг залга кириб борди.

Гарри тез одимлаганча, тўқсон еттинчи қатор томон ошиқди, чапга бурилди, югурди... ана ўшанда овоз чиқариб гапирган бўлса керак... яна бироз... унинг онги хаёл ўтмай ўйғониб кетишини ҳис этмоқда... чиндан ҳам, қатор охиригача югуриб боришга улгурмай, кўзи очилиб кетиб, каравоти устидаги тўқ-қизил рангли бахмалдан тайёрланган гулдор чодир гумбазини кўрди.

- Онгни муҳосара қилишни ўрганишга уриняпсан-ми, ўзи? - тинч қўймай сўрайверади Гермiona, - Машқ қилишни давом этяпсан-ми?

- Давом этяпман, албатта, - жавоб берди Гарри, бундай савол ҳақоратомуз эшитилаётганини англаган оҳангда, бироқ айни вақтда кўзини Гермionaдан олиб қочиб.

Аслида эса чанг қоплаган ўша залда нима борлиги унга ўларча қизиқ бўлгани боис, туши давом этишини истади.

Имтиҳонлар мавсуми бошланишига ҳам бир ойдан кам вақт қолди. Ҳар бир бўш дақиқа назарий билим ва амалий кўникмалар синовига тайёргарлик кўришга бағишланмоқда. Ётар маҳалда Гаррининг мияси шу қадар жадал ишламоқда-ки, уйқуга кетиш ниҳоятда қийин кечмоқда. Бир илож қилиб ухлаб қолганида эса аҳмоқ онг, одатда, имтиҳонларга оид бемаъни туш кўрсатади. Бундан ташқари, Гаррининг гумонича, тушида, йўлақдаги ўша сирли эшикка эндигина етганда, унинг мияси, аниқроқ айтиладиган бўлса, Гермionанинг овози билан гапирадиган қисми ўзини айбдордай ҳис этиб, Гаррини, Сирли сеҳр бўлими остонасидан ҳатлаб ўтишга йўл қўймаслик мақсадида уйғотиб юборишга уринади.

- Биласанми, Гарри, - деди Рон, қулоғи қизариб, - Агар Монтегю «Слизерин» билан «Хуффльпуфф» ўйинига қадар тузалиб кетмаса, бизда кубокни қўлга киритиш имкони туғилади.

- Яхши бўлар эди, - жавоб қайтарди Гарри, мавзу алмашганига хурсанд бўлиб.

- Бир ўйинни ютдик, иккинчисини ютқаздик. Агар келаси шанба куни «Слизерин» «Хуффльпуфф»га бой берса...

- Ҳа, ана ўшанда сизларда имкон туғилиши аниқ, - бош ирғиди Гарри, нимани маъқуллаётганини ўзи идрок этмай.

Ҳовлида юрган Чу Чэнг Гарри томон атайин қиё боқмай ўтиб кетди.

\*\*\*

Квидиш мавсумининг финал ўйини, яъни «Гриффиндор»нинг «Равенкло»га қарши чиқиши май ойининг сўнгги дам олиш куни бўлиб ўтади. Ҳар қалай «Хуффльпуфф» жамоаси «Слизерин»ни мағлуб қилди, бироқ гриффиндорчилар ғалаба ҳақида орзу қилишга журъат ҳам қила олишмайди. Бунинг асосий сабаби, гарчи ҳеч ким овоз чиқариб, очиқ-ойдин айтмаса-да, Роннинг ниҳоятда ёмон ўйинидир. У эса аксинча, бундай ҳолатда битмас-туганмас некбинлик манбасини топиб олибди.

- Бари-бир ҳозиргидан ҳам баттар ўйнай олмайман-ку, тушуняпсан-ми? - Гарри билан Гермionaга тушунтириш берган бўлди Рон, ўйин ўтадиган кунги нонушта давомида, - Йўқотадиган нарсам ҳам йўқ, шундайми?

- Назаримда, - деди сал ўтиб, ўйингоҳ сари тўлқинланиб йўл олган муҳлислар оқими ичида Гарри билан аста одимлаб бораётган Гермiona, - Акалари Фред билан Жорж йўқ экан, бугун Рон нисбатан яхши ўйнайди. Негаки, улар, ўз кучига бўлган ишонч ҳосил қилиш масаласида Ронга доимо тўсқинлик қилиб келишган.

Бошига жонли бургут кийиб олган Луна Лавгуд иккаласини қувиб ўтиб, бармоқ ўқтаганча ҳиринглаётган слизеринчиларга қиё ҳам боқмай, хотиржамгина йўлини давом этди.

- Вой Худойим, эсимдан ҳам чиқиб кетибди! - хитоб қилди Гермiona, қанот қоққан бургутга қараб, - Бугун Чу ўйнайди-ку!

Гермionадан фарқли ўлароқ буни жуда яхши биладиган Гарри алланима ғудуллаб қўйди.

Икковлон намоишгоҳнинг юқори қаватида бўш жой топди. Кун илиқ, осмон мусаффо, ўйин учун зўр шароит қарор топган бўлиб, бугун Рон слизеринчиларга ўзларининг ўта манфур «Уэсли – қиролимиз!» қўшиғини куйлашга сабаб бермаслигига Гарри умид қилмоқда.

Ҳар доимгидек, ўйинни Ли Жордан шарҳламоқда. Дўстлари Фред билан Жорж кетиб қолишгани боис бўлса керак, унинг овози ғамгин эшитилмоқда. Жамоалар майдонга чиқа бошлагач, оҳангида

кўтаринки рух бўлмаган Ли ўйинчиларнинг фамилияларини санай бошлади.

- ... Брэдли... Дэвис... Чэнг...

Сочи ялтираб, шамолда ўйнаётган Чунни кўрган Гаррининг қалбида нимадир сезилар-сезилмас қўзғалиб кетди. Нима исташини ўзи билмайди-ю, аразлардан чарчаганини аниқ билади. Супурги эгарлашга тараддудланаётган Чу Рожер Дэвис билан жонли суҳбат қурмоқда. Шунда ҳам рашк ниши Гаррига кучсиз санчилди.

- Парвоз! - эълон қилди Ли, - «Равенкло» жамоасининг сардори Дэвис шу заҳоти Кваффлини қўлга киритди, Жонсонни айланиб ўтди, Бэллни алдаб ўтди, Спиннетни чалғитди... ана энди тикка ҳалқалар томон учмоқда! Зарба... ва... ва... гол урди, - сўкинди у.

Гарри билан Гермiona қолган гриффиндорчиларга жўр бўлиб, инграб юборишди. Рўпарадаги намоишгоҳларда ўтирган слизеринчилар эса завқ-ла ўз қўшиқларини бошлашди:

Уэсли гол ўтказар,

Ҳалқасига тупурган...

- Гарри, - бўғиқ овоз эшитилди Гаррининг қулоғига, - Гермiona...

Гарри ўгирилиб, ўриндиқлар орасида Хагриднинг йирик, пахмоқ юзини кўрди. Орқа қатордан суқилиб яқинлашган, худди бировдан бекиниб олгандай икки букилиб олган Хагрид биринчи ва иккинчи синф ўқувчиларини бироз эзиб, жипслаштириб қўйибди. Бироқ шундоқ ҳолатида ҳам ҳаммадан кам деганда тўрт фут баланд.

- Мен билан бир жойга борасизми? Ҳозироқ? Ҳамма шу ерда ўтирганида, а?

- Кейинроқ борса бўлмайди-ми? - сўради Гарри, - Ўйиндан кейин?

- Йўқ, - бош чайқади Хагрид, - Ҳозир бориш керак... ҳеч ким кўрмаётган пайтда... Илтимос.

Гарри Хагридни анчадан буён яқиндан кўрмаган эди. Бурнидан қон сизиб чиқаётган, кўзининг атрофи кўкарган Хагриднинг аҳволи жуда аянчли.

- Шунчалик экан, кетдик, - розилик билдирди Гарри.

Гермiona учаласи томошабинларни домангир қилганча, қаторлар орасидан юриб кетишди.

Хагридни ўтказиб юбораётганлар эътироз билдиришмаса-да, курсиларга қапишиб олишга мажбур бўлишди.

- Катта раҳмат, сизларга, болалар, - миннатдор бўлди Хагрид, зина бўйлаб пастга тушар экан, атрофга аланглашини қўймай, - Анави кўриб қолмаса бўлди.

- Ким, Амбриж-ми? - сўради Гарри, - Кўрмайди. Атрофига назорат бригадасини йиғиб олган. Ўйин давомида аллақандай оммавий тартибсизлик юзага келишини кутаётган кўринади.

- Қани эди, - ўйингоҳ билан кулбаси орасида ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун тўхтаб, намоишгоҳ ортидан далага қараб, - Вақтимиз кўпроқ бўлар эди.

- Нима гап ўзи, Хагрид? - ташвишли нигоҳ-ла қараб қўйди Гермiona.

Учовлон Ман этилган ўрмон томон тез одимлаб кетди.

- Ҳозир биласиз, - деди, мухлислар наърасига эътибор қаратиб, елка орқали ортга қараган Хагрид,

- Ана! Гол уришди чоғи, а?

- Яна «Равенкло» ургандир-да, - оғир хўрсинди Гарри.

- Яхши... яхши... - ғудуллади паришонхотир Хагрид, - Яхши, албатта...

У ёқ, бу ёқ аланглаб кетаётган Хагриднинг ортидан етишиб юриш учун Гарри билан Гермiona югуриб бормоқда. Кўп ўтмай учаласи кулбага яқинлашиб, Гермiona ғайриихтиёрий равишда эшик томон чапга бурилди. Бироқ Хагрид истиқоматгоҳининг ёнидан ўтиб, ўрмон томон йўлини давом эттирди. Ўрмон четидаги дарахтлар қалин кўланка ташлаган. Дарахтга суяб қўйилган арбалетни қўлига олган Хагрид ортда қолган болалар томон ўгирилди.

- Бу томон юрамиз, - деди у, пахмоқ боши ила ортга имо қилиб.

- Ўрмонгами? - даҳшатга тушди Гермiona.
  - Ҳа, - деди Хагрнд, - Тезроқ юрнд, бизни кўрнд қолишмаснд, тағнд.
- Гарри билан Гермiona бир-бирига қараб қўйнд, қўлига арбалетни оснд олганча, ўрмоннинг яшил чангалзори ораснда кўрндмай қолаётган Хагрнднинг кетндан ннд қоронғилкка кнрнд, қувнд етишди.
- Қурол нимага керак? - сўради Гарри.
  - Ҳар эҳтнмолга қарши, - бақувват елкаларннд қнснд кўйди Хагрнд.
  - Тестралларни кўрсатгани олднд кнргандндга, арбалет олманган эдндг, - журъатсндз оҳандга таъкнддлаб кўйди Гермiona.
  - Тўғри, олманган эдндм, - тасднқлади Хагрнд, - Негакн, ўша сафар узоқ кнрмаган эдндк, ўрмон ичнга. Фнренце ҳам ўрмонни тарк этманган эднд.
  - Фнренценндг нма дахлд бор бунга? - қнзндқдн Гермiona.
  - Гап шундакн, бошқа кентаврлар мендан аччнқландндб юрншндбдн, - жавоб бердн, атрофга аста аланглаган Хагрнд, овозннд пасайтнрндб, - Уларннд дўст, деб бўлмаса-да, нлгарн... мўроса қнлар эдндк ҳар қалай. Ўзларннд нарн тутнб юрншадн-ю, лақнллаб олднш учун баъзан ташрнф буюрндб турншар эднд. Ҳознр эса ундай эмас, - хўрснндб кўйди у.
  - Фнренценндг айтншнча, у, Дамблдорнндг таклнфннд қабул қнлдб, тасарруфнда ишлашга рознлдк бергани учун аччнқландншган, - дарахт томирнга қоқнлдб кетдн, Хагрндга қараганча, фнкр бнлднрндб борган Гарри.
  - Тўғри айтнбдн, - маъюс оҳандга тасднқлади Хагрнд, - Фақат «аччнқландншган», деб юмшоқроқ айтнбдн. Қутурндб кетншган, дейндлса, аннқроқ бўлади. Агар ўша топда мен бўлманганндда, бечора Фнренценн тепнб ўлднрншларн турган гап эднд.
  - Унга ҳамла қнлдшдн-мн? - оҳ урндб юбордн Гермiona.
  - Поданднг ярмн дўппосладн, - ғудулладн, паст эгнлган шохларннд сннднрндб бораётган Хагрнд.
  - Сен уларннд ажрата бнлдндг-мн? - ҳайрат-ла сўради Гарри, - Якка ўзндг-а?
  - Ажратдндм, албатта. Ўлднрндб юборншларннд хотнржам томоша қнлдб турмайман-ку, ахнр, - дедн Хагрнд, - Яхшн ҳам-кн, пода яқнндндан ўтаб бораётган эканман. Фнренце ўша кунннд бнр умрга эслаб қоладнган бўлдн... Аҳмоқона огоҳланднрншларн билан бурнннд сўққандн-сўққан, - кутнлмаганда қнзншндб кетдн у.
- Гарри билан Гермiona бир-бирига қараб кўйнд. Қовоғннд оснд олган Хагрнд мавзунн давом этмадн.
- Нма қнлганда ҳам, - ғайрнодднй тарзда чуқур нафас ола бошладн Хагрнд, - Кентаврлар мендан аччнқландган. Ва ҳамма бало, уларнндг, ушбу ўрмонда каттагнна таъснр кучнга эга эканлнгнда... Боисн тушунарлд, албатта. Ннҳоятда ақлдл махлуқлар, улар.
  - Кентаврлар сабаб келдндк-мн, бу ерга, Хагрнд? - сўради Гермiona.
  - Йўқ, - бош чайқадн Хагрнд, - Улар туфайлд эмас. Гарчн улар бизга халал берншларн мумкнн бўлса-да... ҳознр ўзндгнз англаб етаснз, боисннд...
- Хагрнд унндн ўчнрндб, олдндга чнқнб олдн. Унндг ҳар бнр қадами Гарри билан Гермонанднг учтадан қадаманга тенг бўлдб, етншндб юрнш қнйнд кечмоқда.
- Сўқмоқ борган сарн торайндб, дарахтлар орасн знчлашндб, ҳамма ёқ қоронғнлашндб бормоқда. Хагрнд тестралларннд кўрсатган яланглк аллақачон ортда қолдб кетган. Токи Хагрнд сўқмоқдан оғнб, чакалакзорга кнрндб кетгунга қадар Гарри кўрқув бнлмай келдн. Эндн эса ўтган сафар сўқмоқдан оғандга Ман этнлган ўрмонда нма бўлганннд эслаб бормоқда.
- Хагрнд! - хавотнр-ла чақнрдн Гарри, давандгнр осонгнна ошндб ўтган куманнка орасндан базўр ўтнб, - Қаёққа кетяпмнз? (*Куманнка – майда қора ёкн қнзндл мевалн бута ва унндг ейншлд мевасн*).
- Оз қолдн, - елкасн орқалн жавоб бердн Хагрнд, - Бўл, Гарри... Бу ерларда ёнма-ён юрншнмнз



керак.

Бироқ давангир билан ёнма-ён юришнинг иложи йўқ. Хагринг худди ўргимчак тўрини ёриб бораётгандай енгиб бораётган мана бу бутуқ, чакалак ва тёрнлар Гарри билан Германионинг коржомаларига илашиб, иккаласи баъзан шу қадар чувалиб қолишмоқдаки, бироз тўхташга тўғри келмоқда. Гаррининг оёқ-қўли тимдаланиб кетди. Ўрмон шу қадар қалинлашган-ки, бир неча қадам наридаги Хагринг катта кўланкадай кўринмоқда. Янгроқ сукунатда эшитилаётган ҳар қандай товуш киши баданини жунжитмоқда. Оёқ остида синаётган шох-шаббанинг қарсиллаши қаттиқ акс-садо бермоқда. Арзимаган шитир-шитир товуш атрофга қўрқа-писа қарашга мажбур қилмоқда. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ўрмонга бу қадар ичкари кириб, унда яшайдиган ҳайвонларни учратмаслик, Гаррига жуда ғалати, мудҳиш аломатдай туюлди. (*Тёрн – меваси майда олхўрига ўхшаган бута ўсимлик*).

- Хагринг, таёқчаларимизни ёқиб олсак, ҳеч нима қилмайди-ми? - аста сўради Германиона.

- Ҳа... ёқинг, - пичирлади Хагринг, - Умуман айтганда...

Хагринг кутилмаганда унинг ўчириб, болаларга юзланди. Йўлини давом эттираётган Германиона давангирнинг қорнига урилиб, орқага тисарилиб кетди. Гарри уни базўр тутиб қолди.

- Шу ерда тўхтаганимиз маъқул, - деди Хагринг, - Бор гапни шу ерда тушунтириб бераман, сўнг, йўлни давом эттираман.

- Яхши! - рози бўлди, Гаррининг ёрдами билан тик қолган Германиона.

- Люмос! - ғудуллади иккала бола, таёқчаларини ёқиб.

Иккита титроқ нур Хагрингнинг қоронғилик қаъридан чиққан, маъюслик ва изтироб қиёфаси ила Гаррини боз таажжублантирган юзини ёритди.

- Умуман, - гап бошлади Хагринг, - Тушунясиз-ми... қисқаси шунақа гаплар...

Давангир ниҳоятда чуқур нафас олиб, чиқарди.

- Мени бугун бўлмаса, эртага ишдан бўшатиб юборишлари мумкин, - маълум қилди у.

Гарри билан Германиона дастлаб бир-бирига, сўнг Хагрингга қарашди.

- Сен... ахир, узоқ вақт уддалай оляпсан-ку... - ишончсиз фикр билдирди Германиона, - Нега энди бундай хаёлга бординг...

- Амбрижнинг фикрича, унинг хонасига анави пайпоқтумшўқ исковучни мен киритиб юборган эмишман.

- Сен эмасмидинг? - ғайриихтиёрий равишда сўраб юборди Гарри.

- Мен? Миямни ебман-ми? - эътироз билдирди Хагринг, - Сеҳрли ҳайвон-ми, демак, менинг ҳунарим бўлган. Бошқалардан шубҳа йўқ. Мендан қутулиш йўлини тунги ўрнида ҳам ўйлаб ётса керак. Ўзим-ку, яхши биласиз, кетишни истамайман, лекин... агар... ҳозир сизга айтиб берадиган айрим сабаблар бўлмаганда... Бир дақиқага бўлсин, Амбриж бор жойда қолмас, Треланининг устидан тазйиқ ўтказгани каби, ўзимни ҳақорат қилдириб қўймас эдим.

Гарри билан Германиона англаб бўлмас овоз чиқариб, эътироз билдиришган бўлди, аммо Хагринг йирик қўлини кўтариб, гапирмасликни имо қилди.

- Бундай ҳолат ҳаётим барбод бўлганини англамайди, албатта. Мактабни тарк этсам, Дамблдорга ёрдам бериб, Ордена фойда келтириб юраман. Дарсни эса Гниллер-Планк бериб боради, сизлар... имтиҳон топшира оласиз...

Унинг овози титраб, унинг ўчирди.

- Мендан ташвиш тортмасангиз ҳам бўлаверади, - тез қўшимча қилди у, Германиона қўл узатиб, панжасига уриб қўймоқчи бўлганини кўриб, сўнг, ҳол-ҳол гулли дастурхондай келадиган дастурмолини чиқарди-да, кўзининг намини артиб олди, - Агар эҳтиёж бўлмаганида мен сизга айтмаган бўлар эдим. Башарти мен бўлмай қолсам... бировга айтмай кетишим мумкин эмас... негаки, менга ёрдамнинг керак бўлиш қолади. Роннинг ҳам, агар қаршилик билдирмаса.

- Ёрдам берамиз, албатта, - ишонтирди Гарри, - Айт, нима иш қилиш керак?

Хагрид ҳиқиллаб, Гаррининг елкасига қоқиб қўйди. Бола тебраниб кетиб, дарахтга суяниб қолди.  
- Рад этмаслигингни билар эдим, - пўнғиллади Хагрид, оғзига дастрўмолини босиб, - Бундай яхшилигингни ҳеч қачон... унутмайман... хўп, майли... бироз йўл қолди... эҳтиёт бўлинг, қичитқи ўт...

Улар яна ўн беш дақиқача йўл юришди. Гарри эндигина оғиз жуфтлаб, яна қанча юриш кераклигини сўраб билмоқчи бўлган эди ҳам-ки, Хагрид ўнг қўлини ён томон узатганча, имо ила тўхтатди.

- Аста юринг, - базўр эшиттириб пичирлади у, - Аста-секин юринг...

Улар ўғринча юра бошлашди. Бироздан сўнг, Гарри, баландлиги Хагриднинг бўйидай келадиган дўнгликни кўрди. Бирон-бир йирик ҳайвоннинг уяси бўлса керак, хаёлдан ўтказди нохушликни сеза бошлаган Гарри. Яланг ерда кўтарилган ушбу дўнглик атрофида илдизи билан қўпориб чиқарилган дарахт таналари-ю, шох-шабба, қалашиб ётиб, ғов ҳосил қилган.

- Ухлаяпти, - хўрсинди Хагрид.

Чиндан ҳам, қаердандир вақирлаган овоз эшитилмоқда. Бир жуфт ўта йирик ўпка ишлаётганига шубҳа йўқ. Гарри Гермionaга кўз қири билан қараб қўйди. Қиз қўрқувдан серрайиб, оғзини ланг очганча, кўзини дўнгликдан ўзмай турибди.

- Хагрид, - аста пичирлаб сўради у, ниҳоят, - Ким у?

Савол Гаррига ғалати эшитилди. Ўзи: «Нама у?» деб сўрамоқчи бўлиб турган эди.

- Хагрид, айтган эдинг-ку, ахир, - гап бошлади, қўлидаги таёқчаси титрай бошлаган Гермiona, - Улардан бирортаси сен билан келишни истамади, деб!

Гарри нигоҳини Гермionадан Хагридга олиб ўтиб, гап нима ҳақда бораётганини аста идрок эта бошлади... У яна бир бор дўнгликка қараб, даҳшатдан инграб юборди.

Устига учовлон бемалол чиқиб олса бўладиган йирик дўнглик вақирлаган товуш маромида аста кўтарилиб-пастламоқда. Аслида бу дўнглик эмас! Бел!

- Ҳақиқатан ҳам... истамаган эди, - маъюс оҳангда жавоб қайтарди Хагрид, - Лекин Гермiona, бурчимни бажаришим, уни ўзим билан олиб келишим керак эди.

- Нега? - деярли йиғламсираб сўради Гермiona, - Нима сабабдан? Нима...? Оҳ, Хагрид!

- Ўйлаган эдим-ки, уни бу ерга олиб келиб, - деди Хагрид, ҳўнграб юборишдан базўр тийилиб, - Хулқини яхшиламан... одобга ўргатиб... бировга озор бермайдиган эканлигини ҳаммага кўрсатаман!

- Озор бермайдиган! - қулоқни тешиб юборгудай чинқириб юборди Гермiona, - Мана шу дўппослаб келган эдим, сени, шунча вақтдан буюн? Жароҳатларинг сабабчиси шу эканда! Хагрид жимликка даъват қилгандай, қўл силтади. Улкан махлуқ гулдураб, ўхлаганча ағанай бошлади.

- У ўз кучини ўзи идрок этмайди! - жиддий жавоб берди Хагрид, - Таъкидлаб ўтиш лозимки, хулқи яхшиланиб бормоқда. Илгаригидай уришқоқ эмас энди...

- Уйга қайтиш йўлида икки ой йўқолиб кетганинг сабаби шу эканда! - давом этди Гермiona, Хагриднинг гапига эътибор қаратмай, - Оҳ, Хагрид, келишни истамаган экан, нега мажбур қилдинг уни? Ўз элати билан яшаб юргани яхши эди-ку!

- Йўқ, Гермiona, уларнинг ҳаммаси бирдек, буни таҳқирлашди, ахир у жуда кичкина-ку! - эътироз билдирди Хагрид.

- Кичкина? - сўради Гермiona, - Кичкина?

Хагриднинг моматалоқ бўлиб кетган юзидан ёш оқди.

- Уни ташлаб кела олмас эдим, Гермiona. Ахир у... укам бўлади!

Гермионанинг оғзи ланг очилиб қолди.

- Хагрид, - аста гап бошлади Гарри, - «Ука», деб, айтмоқчисан-ки...

- Хўп... ўгай ука, - гапига тузатиш киритди Хагрид, - Аниқланишича, оғим бошқа гигант билан

топишиб олгани учун отам иккаламизни ташлаб кетиб, Гурпни туққан экан...

- Гурпни? - сўради Гарри.

- Ҳа... у ўзини ўхшаш овоз чиқариб, шундай атайди, - деди Хагрід, боши қотиб, - Инглиз тилида у қадар яхши гапира олмайди... ўргатяпман... ўргатяпман-у... қисқаси, ойим мени қандай яхши кўрган бўлса, уни ҳам шундай кўрган, шекилли. Гигант аёллар ўз болаларини, улар йирик туғилсагина хуш кўришади... Гурп эса гигант, деб аталишига у қадар ярамайди... бўйи ўн олти футга базўр етади...

- Ҳа, нимасини айтасан, жажжигина экан! - истехзо-ла, хитоб қилди Гермiona, - Лилипутнинг ўзгинаси-я!

- Уни ниқтаб, тепиб юришганини кўриб... ташлаб кела олмадим...

- Максим хоним ҳам розилик берди-ми, уни бирга олиб кетишга? - сўради Гарри.

- ... укамни олиб кетиш мен учун қанчалик муҳим эканлигини тушуниб етди, - куйиниб гапирди Хагрід, - Бироқ... кейин... ростини айтсам, қийналиб, ҳолдан тойди... уйга қайтиш йўлида ажрашдик... лекин, ҳеч кимга чурқ этмасликка сўз берди...

- Бировга билдирмай етиб келишга қандай муваффақ бўлдинг? - ҳайрон бўлди Гарри.

- Айнан шу сабабли ҳам, узоқ йўл юришга тўғри келди, - деди Хагрід, - Фақат тунги вақтда, киши юрмас, нообод йўллардан юрдик. Юришни истаса-ку, кетидан қувиб, етиб бўлмайди, фақат саркашлик қилавериб, юракни қон қилди, юртига қайтиб кетишни истади...

- Нега қўйиб юбормадинг уни, Хагрід? - хитоб қилди, қулаган дарахт танасига ўтириб, юзини кафти билан бекитиб олган Гермiona, - Бу ерда қолишни истамайдиган ёввойи гигантни нима қиласан энди!

- Топган гапингни қара... «ёввойи»... ошириб юбординг, - баёнот қилди Хагрід, куйиниб, - Тўғри, кайфияти чатоқлигида бир-икки бор ҳамла қилди, лекин, айтяпман-ку, сизларга, одоби тузалиб боряпти, деб. Бу ерларга ҳам, аста кўникапти.

- Ундай бўлса, арқон нима учун? - қизиқди Гарри, йўғонлиги ёш дарахтнинг танасидай келадиган, энг йирик дарахтлар учидан, ерда ғужанак бўлиб ётган Гурп томон осилиб тушган арғамчиларга имо қилиб.

- У боғлаб қўйилганми? - паст овозда сўради Гермiona.

- М... ҳа... - жавоб берди Хагрід, Гермionaга ташвишли қараб, - Айтдим-ку, сизга, у ўз кучини ўзи идрок этмайди, деб.

Нима учун ўрмоннинг бу томонида бирон-бир жонзод учрамаганини Гарри энди тушуниб етди.

- Умуман айтганда, - ҳадиксираб сўради Гермiona, - Гарри, Рон учаламиз нима иш қилишимиз керак ўзи?

- Йўқлигимда қараб туришларинг керак, - титроқ овозда жавоб берди Хагрід.

Гарри билан Гермiona бир-бирига умидсиз нигоҳ-ла, қараб қўйишди. Хагрідга ёрдам бериш масаласида берган ваъдасини эслаган Гаррининг хаёлини даҳшат қамради.

- Аниқроқ айтиладиган бўлса-чи... қандай тушуниш керак буни? - сўради Гермiona.

- Боқиш ёки ўхшаш ғамхўрлик кўрсатиш талаб этилмайди! - деди руҳи кўтарила бошлаган Хагрід, - Егуликни у, ўзига ўзи топади. Қушлар, кийиклар ва ҳоказо. Унга жўра керак. Ҳузурига кимдир келаётгани, маънан қўллаб-қувватлаб... ўқитаётгани билсам бўлди. Ўзингиз тушунасиз...

Гарри ҳеч нима демай, ухлаб ётган дўнгликка қаради. Ҳаддан ортиқ катта одамдай кўринган Хагріддан фарқли ўлароқ, Гурп, қандайдир шаклсиз кўринди. Дўнгликнинг чап томонидаги, Гаррининг кўзига дастлаб йирик, сиртини мох қамраган тоғ жинсининг бўлагидай кўринган нарса, аслида гигантнинг боши экан. Дум-думалоқ, қирққулоққа ўхшаш жингалак сочи қалин ўсган, ушбу бош одам боши билан қиёсланадиган бўлса, танага нисбатан анча катта. Бўйин деган нарсдан асар йўқ. Бу масалада Вернон амакидан мутлақо фарқ қилмайди. Бош устига катта гўштдор қулоқ бириктириб қўйилган. Ҳайвон терисидан дағал тикилган ифлос кийим воситасида ёпилган,

бениҳоя кенг бел кўтарилиб-тушар экан, кийим чоклари кенг очилиб-ёпилиб бормоқда. Гигантнинг оёғи қорин соҳасига қадар кўтарилгани боис, Гарри, турган жойида, ҳар бирининг ўлчами чанадай келадиган йирик, ниҳоятда ифлос оёқ кафтларини кўрди.

- Демак биз уни ўқитишимиз керак, - деди Гарри, ифодасиз оҳангда.

Фиренценинг Хагридга етказиб қўйишни илтимос қилиб тайинлаган огоҳлантириши, яъни: «Саъй-ҳаракатлари зое кетади. Яхшиси ўша ишга қўл урмаган маъқул», - деган сўзларининг маъносини Гарри мана энди тушуниб етди. Хагриднинг укасига инглиз тилини ўргатиш борасидаги саъй-ҳаракатини ўрмон жонзодлари эшитмай қолмаган, албатта.

- Ҳа... оз-оздан гаплашиш... - деди Хагрид, Гаррига умид-ла қараб, - Шунини аниқ биламан-ки, биз билан мулоқот қилишни ўрганиб олса, уни жуда яхши кўришимиз, шу ерда яшашини жуда хоҳлаётганимизни англаб етади.

Гарри Гермionaга қараб қўйди. Қиз ҳам, бармоқлари орасидан мутлақо умидсиз нигоҳ-ла, жавоб қайтарди.

- Ишларимиз шу тарзда кетса, Норбертни қайтариш мумкин эмаслигига ачиниб ҳам қоламиз, - деди Гарри.

Гермиона зириллаган овоз чиқариб, кулиб юборди.

- Эътирозингиз йўқми? - сўради, Гаррининг сўзларини эшитмаган Хагрид.

- Биз... - узоқ чўзди, ваъда бериб қўйган Гарри, - Уриниб кўрамиз, Хагрид.

- Гарри, сен чин дўстсан! - хитоб қилди Хагрид, дастрўмоли билан юзини боз артиб, - Аммо, сизлар кўп овора бўлманглар... имтиҳонлар бошланади-ку... унинг олдига... ҳафтада бир маротаба, бироз гап сотгани келсангиз етади... плаш остида, сизни кўриб қолмасликлари учун... Хўш, уйғотай энди уни, а?... Танишиб оласиз...

- Нима?... Йўқ! - ўрнидан ирғиб турди Гермiona, - Хагрид, керак эмас, уйғотма уни...

Бироқ қўлатилган улкан дарахт устидан Гурп томон ошиб ўтган Хагрид синдирилган узун шохни қўлига олиб, елкаси орқали Гарри билан Гермionaга юзланганча, далда бергандай кулиб боқди-да, ўн футча нарида туриб, таёқ учини укасининг умуртқасига санчиб юборди.

Гигант овози борича ўкириб юборди. Сокин ўрмонда баланд акс-садо янгради, қути ўчган қушлар гур кўтарилди-да, чиёв-чиёвлаб боши оққан томон учиб кетишди. Гигантнинг тиззасига кўтарилаётганини кўрган Гарри билан Гермiona қоқилган қозик сингари серрайиб қолишди.

Тинчини ким ёки нима бузганини тушунмай, қўлини куч билан ерга урганча, бошини гир айлантирган гигант теварак-атрофни ларзага келтириб юборди.

- Ишлар қалай, Гурп? - ғайрат-ла, сўраган бўлди, ортга чекинган Хагрид, зарурат туғилса боз санчиб олиш учун қўлидаги шохни баланд кўтарганча тутиб, - Уйқуга тўйиб олдинг-ми?

Хаёлини йиғиб олган Гарри билан Гермiona зудлик билан имкон қадар нари узоқлашди. Ердан ҳали охиригача қўпориб чиқарилмаган иккита дарахт орасида турган гигантнинг фавқулудда катта юзи ялангликнинг нимқоронғилигида хира ой каби сузмоқда. Гурпнинг боши сиртига наридан-бери ўйиб солинган дағал юз бичими, хусусан: шаклсиз бурун бўлаги, нотекис ўсиб чиққан сариқ тиш қаторлари кўринаётган қийшиқ оғзи, гигант учун ярашмаган даражада кичкина бўлиб, атрофи кўқарган, киприк туклари бир-бирига уйқудан сўнг ёпишиб қолган лойқа-жигар ранг кўзи ила йирик тош шарни эслатмоқда. Гурп қўлини юзига олиб келиб, ўлчами крикет клюшкасидан кичкина бўлмаган бармоқларининг бўғин суюклари ила кўзини куч билан ишқалади. Гигант қутилмаганда тонг қоларли абжирлик билан осонгина оёққа сакраб турди. (**Крикет** - тўп ўйининг бир тури).

- Қандай даҳшат! - чинқориб юборди Гермiona.

Арғамчи воситасида Гурпнинг билаги билан тўпиқ суюгига боғланган дарахтлар таҳдидли қарсиллаб кетди. Хагрид айтганча бор. Гигантнинг бўйи ўн олти футдан паст эмас. Хира кўзини ўйнаган Гурп пляж соябонидай келадиган кафтини баланд ўсган қарағай томон узатиб, устки

шохлари орасидан қуш инини чангаллаб олди-да, ичида қуш топа олмаганидан домангир оҳангда наъра тортганча, тескари ағдарди. Ин ичидаги тухумлар бомба каби пастга ёғилди. Хагрид бошини эҳтиёт қилиб, қўли билан тўсиб олди.

- Бу ёққа қара, Гурп, - қичқирди у, кафти орасидан ҳадиксираганча, қараб, - Дўст олиб келдим сенга. Эсингдами, ваъда қилган эдим? Мен иш билан кетиб қолишим мумкин, улар эса сенга қараб туришади, деган эдим, эсингдами? Эсладинг-ми, Гурп?

Гурп яна ўқирди. Қарағайнинг устки шохларини чангаллаб, ўзига тортган гигант Хагриднинг сўзларини эшитгани, унга биров мурожаат қилаётганини тушунган-тушунмаганини айтиш қийин. Афтидан, шу тарзда шўхлик қилиб, дарахтнинг чайқалишини томоша қилмоқчи бўлди.

- Ҳой, Гурп, ундай қилма! - бақириб берди Хагрид, - Дарахтларимни битта қўймай, қўпориб юборасан-ку!...

Қарағай остидаги ер тарс ёрилди.

- Дўст олиб келдим сенга! - бақиршини қўймади Хагрид, - Дўст, кўряпсан-ми? Пастга, пастга қара, калтафаҳм тўпори! Кўрдинг-ми, дўст!...

- Хагрид, тинч қўй уни, - ўтинди Гермиона.

Хагрид қўлидаги таёқ учи билан Гурпнинг тиззасига қарата зарб берди. Жони оғриган гигант қарағайни қўйиб юборди. Қаттиқ силкиган дарахт Хагриднинг бошига игна ёмғирини ёғдирди.

Ниҳоят Гурп пастга қаради.

- Мана бу, - деди Хагрид, болалар ёнига тез етиб келиб, - Гарри! Гарри Поттер! Агар кетиб қолсам, ҳолингдан хабар олиб туради, уқдинг-ми, Гурп?

Болаларни энди кўрди, шекилли гигант харсанг тошдай келадиган катта бошини пастга тушириб, хира кўзини яқин келтирди. Иккала бола қўрқувдан титрай бошлади.

- Мана бу эса Гермиона, кўряпсан-ми? Унинг исми...

Хагрид бироз тутилиб, Гермионага юзланди.

- Сени Герми, деб чақирса хафа бўлмайсан-ми? Акс ҳолда, исмингни эслаб қолиши қийин кечади.

- Хафа бўлмайман, - чийиллаб қўйди Гермиона.

- Бу, Герми! У ҳам ҳолингдан хабар олиб туради! Зўр, а? Икки нафар дўстинг бўлади. Улар билан... ЙЎҚ, ГУРП, МУМКИН ЭМАС!

Гурпнинг қўли, худди ҳавода пайдо бўлгандай, Гермиона томон чўзилди. Гарри эпчиллик қилиб, Гермионани дарахт ортига тортди. Гигантнинг дарахт тимдалаган бармоқлари бўшлиқни чангаллаб олди.

- ГУРП ЁМОН! - эшитилди дарахт ортида қолган Хагриднинг овози.

Гермиона қўрқувдан дағ-дағ титраганча, Гаррига маҳкам ёпишиб олди.

- ЯРАМАС! ЧАНГАЛЛАМА! МУМКИН ЭМАС!... ВОЙ!

Дарахт ортидан чиққан Гарри, бир қўлини бурнига босиб олган Хагриднинг ерда чўзилиб ётганини кўрди. Қизиқишини йўқотган Гурп эса қаддини ростлаб, яна қарағай билан машғул бўлди.

- Хўш, - манқаланди, бир қўли билан қонаётган бурнини сиқиб олган, иккинчисига арбалет тутган Хагрид, ўрнидан туриб, - Қисқаси... танишиб олдингиз... энди у... сизларни кўрса, танийди... Ҳа... ана шунақа...

У юқорига, Гурпга қаради. Харсанг тошдай келадиган юзи чексиз фароғат қиёфасини касб этиб, ўзи билан ўзи овора бўлган гигант, Хагриднинг аҳволига парвой қилмай, қарағайнинг асосини ғарчиллатганча, ерга қадар букиб олди.

- Хўп, майли, бугунга етар, - қарор қилди Хагрид, - Нима қилдик... э-м-м-м... ортга қайтамизми?

Гарри билан Гермиона тез бош ирғишди. Хагрид арбалетни елкасига ташлаб, бурнини ушлаганча, биринчи бўлиб йўлга тушди.

Ҳеч ким чурқ этмади. Орқада, афтидан, қарағай ердан қўпориб чиқарилганини англаган қаттиқ қарсиллаган товуш эшитилганда ҳам, биров индамади. Гермионанинг ҳаракатсиз юзидан қон

қочган. Гарри нима дейишни билмайди. Бирор киши ўрмонда гигант борлигидан хабар топса, нима бўлади? Ўзи эса ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, ёрдам бериш масаласида Хагрідга сўз бериб ўтирибди... Энди Гермiona билан бирга анави махлуқни қўлга ўргатишига тўғри келади... Бағоят душвор, бемаъни иш. Хагрід ўз фикр-хаёли, кечираётган ҳаёт тарзи ила ҳар қандай бошқа кишини даҳшатга соладиган махлуқларни аслида беозор билиб, улар ҳақида шаклланган салбий мулоҳазаларни нотўғри деб эътироф этишга мойил, албатта. Лекин, наҳотки у, шу қадар алданадиган лақма бўлса? Наҳотки, вақти келиб, анави Гурп, одамлар билан мулоқот қила олишига ишонса?

Гарри билан Гермiona қалин ўсган ёш ниҳоллар орасидан базўр юриб, Хагріднинг изидан боришмоқда.

- Шошманг-чи, - амр қилди Хагрід, садоғидан ўқ чиқарганча, арбалетга жойлаб.

Юришдан тўхтаб, сеҳрли таёқчаларини баланд кўтариб олга Гарри билан Гермiona ҳам, яқин орада аллақандай ҳаракат кечаётганини пайқашди.

- Оббо, - пичирлади Хагрід.

- Бу ерларга қайтиш сенга ман этилганини яхшилаб ўқитиб, тайинлаган эдик, шекилли, а, Хагрід? - эшитилди, эркак кишининг чўзиқ овози.

Олачипор-яшил нимқоронғилик қаъридан, худди ҳавода пайдо бўлгандек, катта кишининг яланғоч танаси чиқиб келди. Фурсат ўтмай, ушбу тана тўриқ от танасига уйғунлашиб кетган, ёноғи кенг, мағрур юзли, қора сочи узун кентавр кўринди. Хагрід каби, у ҳам қуролланган. Елкасида камон билан, ўққа тўла садоқ осиклик турибди.

- Ишлар қалай, Магориан? - ҳадиксираб қизиқди Хагрід.

Барглар шитир-шитир қилиб, кентавр орқасида, унинг яна тўрт ёки бешта қабиладоши пайдо бўлди. Гарри тўрт йил муқаддам Фиренце билан танишган тунда учратган соқолли Бейни таниди. Кентавр эса бола билан таниш эканлигини намоён этмади.

- Хотирам панд бермаётган бўлса, - деди ёқимсиз оҳангда Бейн, Магорианга мурожаат қилиб, - Бу одам ўрмонимизга яна бир бор кириб келадиган бўлса, нима қилишимизни ҳал этиб бўлган эдик, шундай эмасми?

- «Бу одам» деб, мени назарда тутяпсан-ми? - ўшқирди аччиқланган Хагрід, - Қотиллик содир этилишига йўл қўймаганим учунми?

- Аралашмаслигинг керак эди, Хагрід, - деди Магориан, - Биз ўз қонун-қоидаларимиз билан яшаймиз. Фиренце эса хоинлик қилиб, ўзини бадном қилди.

- Бундай гапларни қаердан олдиларинг, билмайман, - дарғазаб оҳангда жавоб қайтарди Хагрід, - Нимаси ёмон, агар у Альбус Дамблдорга ёрдам...

- Фиренце одамлар хизматига ўтди, - деди дағал юзини ажин босган кул ранг кентавр.

- Хизматига ўтди! - масхараомуз тақлид қилди Хагрід, - Дамблдор билан хушмуомала бўлиб...

- У одамларга илмимизни етказиб, сирларимизни ошкор қиляпти, - аста фикр билдирди Магориан,

- Ким-ки, бу қадар тубанликка тушар экан, ўз шаънини қайта тиклай олмайди.

- Ўзингиз биласиз, албатта, - елка қисди Хагрід, - Бироқ, агар фикримни билмоқчи бўлсангиз, қаттиқ янглишяпсиз,...

- Сен каби, одам, - гапни бўлди Бейн, - Огоҳлантирганимизга қарамай, ўрмонимизга кириб келганинг сингари...

- Менга қара, - овоз кўтарди Хагрід, ғазаби қайнаб, - Намунча ўрмонимиз-ўрмонимиз, дейсан, а? Сиз эмас ўрмон соҳиби. Бу ерга ким кириши-ю, кирмаслигини ҳам, сизлар ҳал этмай...

- Сен ҳам, Хагрід, ҳал этмайсан, - бир маромда жавоб қайтарди Магориан, - Бугун, майли, сени қўйиб юбораман. Ёнингда ёш болаларинг...

- Ўзининг болалари эмас улар! - гапни бўлди Бейн, жирканганча имо қилиб, - Булар мактаб ўқувчилари, Магориан, «Хогварц»дан! Хоин Фиренце илмимизнинг маълум қисми билан улар

таништиришга улгурган бўлса керак!

- Шундай бўлса ҳам, тойчоқ ўлдириш оғир жиноят саналади, - хотиржам эътироз билдирди Магориан, - Бегуноҳ қон тўкмаймиз. Бугун, Хагринд, сени қўйиб юборамиз. Лекин, шу кундан эътиборан бу ерлардан нари юр. Ҳақли қасосдан қочиб қутулишга хиёнаткор Фиренцега ёрдам бериб, кентаврларнинг ишончини батамом йўқотиб бўлдинг.

- Аллақандай қари хачирлардан қўрқиб, ўрмонни тарк этадиган аҳмоқ йўқ! - бақирди Хагринд.

- Хагринд! - овоз кўтарди, Бейн билан кул ранг кентавр ер депсиганини кўриб, қўрқиб кетган Гермiona, - Кетдик, Хагринд, илтимос, кетдик бу ердан.

Хагринд Гермionанинг ўтинчига қулоқ тутиб, қўлида маҳкам тутган арбалетни пастга туширмай, дарғазаб нигоҳини Магориандан узмаган-ча, ҳаракатни давом эттирди.

- Ўрмонда кимни бекитиб юрганингни яхши биламиз, Хагринд! - қичқирди орқада қолиб, деярли кўринмай қолган Магориан, - Ёдингда бўлсин, тоқатимиз тоқ бўлган!

Ортаг ўгирилган Хагринд Магорианга ташланишига яна бир оғиз сўз етмай тургани аён кўриниб турибди.

- Ҳеч қиси йўқ, қанча даркор бўлса, шунча сабр қиласиз, ўрмон фақат сизларники эмас! Унга ҳам тегишли! - бақирди у.

Гарри билан Гермiona юришга мажбур қилиш учун Хагринднинг крот нимчасидан зўр бериб тортишди. Ҳазабдан тутаб, пастга қараганча ҳайрон бўлган Хагринднинг қиёфаси аста ўзгара бошлади. Афтидан, у, болаларнинг тўрткиларини мутлақо сезмаган, шекилли.

- Бўпти, бўпти, тинчланинг, - деди у, ўгирилиб, - Ҳали кўрсатиб қўяман уларга, хўжайинлик қилишни, жин минган хачирлар!

Гарри билан Гермiona давангирга етишиб юришлари анча лўкиллашга тўғри келди.

- Хагринд, агар анави кентаврлар ўрмонда одам юришини истамас экан, - базўр гапирди, газанда ўт қалин ўсган жойни айланиб ўтган Гермiona, - Гарри иккаламиз қандай қилиб...

- Эшитдинг-ку, гапини, - қўл силтади Хагринд, - Улар тойчоқларга, яъни болаларга қўл кўтаришмайди. Умуман айтганда, ўша пода бизга хўжайинлик қилишга ҳақи йўқ.

- Уринишинг зое кетди, - пичирлади Гарри, дили сиёҳ бўлган Гермionaга.

Ниҳоят учовлон сўқмоққа етди. Яна ўн дақиқа йўл юрилгач, ўрмон сийраклаша бошлаб, дарахтларнинг шох-шаббалари орасидан мовий осмон кўринди. Узоқда эса қувончли қичқириқлар эшитилди.

- Яна гол урилди-ми? - сўради, ўрмон четига етган Хагринд, тўхтаб, - Ёки ўйин ниҳоясига етди-ми? Нима деб ўйлайсиз?

- Билмадим, - жавоб берди, юзи ниҳоятда аянчли қиёфа касб этган Гермiona.

Унинг афти-ангорига қараб бўлмади: коржомасининг бир неча жойи йиртилган, сочининг оралари шохчаларга тўлган, юз-қўли роса тимдаланган. Гарри ўзининг кепатаси ҳам, Гермionанинг аҳволдан қолишмаслигини яхши тушуниб турибди.

- Ўйин, чиндан ҳам тугаган кўринади! - деди Хагринд, ўйингоҳ томон кўзини қисиб қараб, - Қаранг, халойиқ тарқаяпти... шошилинг, одамлар орасига кириб кетсангиз, ҳеч ким ҳеч нарсани пайқамайди!

- Яхши фикр, - деди Гарри, - Хўп... майли, бўлмаса, Хагринд. Кўришгунча.

- Ишонгим келмаяпти, - титроқ овоз-ла, пўнғиллади Гермiona, - Ишонгим келмайди. Йўқ, чиндан ҳам, ишонмайман.

- Тинчлан, - деди Гарри.

- Тинчлан? - хитоб қилди Гермiona, қизишиб кетиб, - Ўрмонда гигант яшаяпти! Гигант-а! Биз эса унга инглизчани ўргатишимиз керак! Агар кентаврлар бизни асфаласофилинга йўлламаса, албатта! Йўқ! Мен! Бунга! Ишонгим келмайди!

- Ҳозирча биз ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатишимиз керак эмас! Ҳар қалай Хагриндни қувиб солишгунга

қадар, - тинчлантиришга уриниб кўрди Гарри, икковлон қаср томон йўл олган хуффльпуффчилар орасига сингиб кирар экан, - Бундай ҳолат эса рўй бермаслиги ҳам мумкин.

- Қўйсанг-чи, Гарри! - дарғазаб бақирди Гермиона, шартта тўхтаб, - Қувиб солишади, албатта қувиб солишади! Умуман айтганда, ҳозиргина кўрган нарсаларимиздан кейин, Амбрижни тушунса бўлади!

Орқада келаётганлар Гермионага урилиб кетмаслик учун, ўзларини ҳар томон олишди. Гарри нафратга тўлган нигоҳини Гермионага қаратди. Қизнинг кўзи эса аста-секин ёшга тўлди.

- Сен бундай фикрда эмассан, - жавоб қайтарди Гарри, паст овозда.

- Йўқ... бироқ... майли... бундай деб ўйламайман, - зарда ила кўзини артди Гермиона, - Аммо нима учун у, доимо ўзининг ҳаётини ва айни вақтда, бизнинг ҳаётимизни мураккаблаштириб юради, а?

- Тасаввур ҳам қила ол...

Уэсли – қиролимиз,  
Шавкатимиз, шонимиз!  
Уэсли гол ўтказмас,  
Ҳақини бериб қўймас,  
Уэсли – қиролимиз,  
Шавкатимиз, шонимиз!

- Лоақал шулар ўзларининг аҳмоқона қўшиқларини бас қилишса эди, - деди Гермиона, мунгли оҳангда, - Наҳотки, суюниб тўймаган бўлишса?

Қияликка ўйингоҳдан чиққан бир олам ўқувчилар кўтарилмоқда.

- Юр, тезроқ кетайлик бу ердан. Слизеринчиларга дуч келмоқчи эмасман. Ҳозир айнан ўшалар етмай турибди, - деди Гермиона.

Уэсли гол ўтказмас,  
Ҳалқасидан қил ўтмас,

Жамики гриффиндорчилар нақаротга жўр бўлишди.

Уэсли – қиролимиз,  
Шавкатимиз, шонимиз!

- Гермиона... - ғудуллади Гарри.

Қўшиқ тобора баланд эшитилмоқда, фақат уни кумуш тусли яшил кийим кийганлар эмас балки елкасига миттигина кўринаётган одамни кўтариб олган қизғиш-тилла тусли кийим кийган халойиқ айтмоқда

Уэсли гол ўтказмас,  
Ҳақини бериб қўймас,  
Уэсли – қиролимиз,  
Шавкатимиз, шонимиз!  
Уэсли гол ўтказмас,  
Ҳалқасидан қил ўтмас,  
Уэсли – қиролимиз,  
Шавкатимиз, шонимиз!



- Үтказмас? - аста сўради Гермiona.

- ҲА! - баланд овозда жавоб берди Гарри.

- ГАРРИ! ГЕРМИОНА! - бақирди Рон, квидиш кубогини ақлдан озиб қолгудай ҳолатда силтаб, - УРА! БИЗ ЮТДИК!

Рон халойиқ елкасида сузганча, нари узоқлашиб кетди. Гарри билан Гермiona эса уни қувончли нигоҳ-ла кузатиб қолишди.

Қаср бўсағасида тирбандлик ҳосил бўлиб, бошини эшик кесакига қаттиқ уриб юборишганига қарамай, халойиқ Ронни қўйиб юбормади. Қўшиқ айтишни қўймаган одамлар ичкарига бир илож қилиб кириб олишди-да, кўздан ғойиб бўлишди. Гарри билан Гермiona бахтиёрликдан яшнаб, узоқда айтилаётган қўшиқ эшитилмай қолгунга қадар, халойиқ ортидан термилиб қолишди. Бир-бирига қарагач эса юзларидаги кулги аста барҳам топди.

- Ҳозирча таъбини тирриқ қилмай турганимиз маъқулми дейман, а? - сўради Гарри.

- Албатта, - деди Гермiona толиққан оҳангда, - Шошиб нима қиламиз.

Иккаласи соябонли пиллапоядан баравар кўтарилар экан, асосий кириш эшигига етиб, Ман этилган ўрмон томон ғайриихтиёрий равишда баравар ўғирилди. Туюлди-ми ёки чиндан ҳам юз берди-ми, Гарри тушунмади-ю, лекин ўрмон чангалзори устига тинчи бузилган бир гала қуш, худди улар ўтирган дарахтни биров қўпориб ташламоқчи бўлгандай, ҳавога кўтарилди.

## **ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ. МУТЛАҚО ОДДИЙ СЕҲРГАРЛИК ДАРАЖАСИ УЧУН ИМТИҲОНЛАР**

«Гриффиндор» жамоаси квидиш кубогини қўлга кирита олишига катта ҳисса қўшган Рон, эртасига куни билан ўзидан ўзи хурсанд бўлиб юрди! У хаёлини ҳеч нарсага жамлай олмади, бир жойда тек ўтириши ниҳоятда қийин кечди, фақат кечаги ўйин тафсилотларини такрор ва такрор муҳокама қилишга қодир бўла олди холос. Гарри билан Гермionaга эса Гурп ҳақида бирон оғиз сўз очишга имкон бўлмади. Умуман улар, ушбу мавзунини очишга у қадар уринишгани ҳам йўқ. Гапнинг очиғи айтиладиган бўлса, Ронни шафқатсизлик-ла, осмондан ерга тушириб қўйишга журъат эта олишмади. Осмон мусаффо, кун равшан, илиқ бўлиб, икковлон Ронни, умумий меҳмонхонага нисбатан анча тинчроқ, суҳбатни биров эшитиб қолишидан ҳадиксирамайдиган жой – кўл бўйига чиқишга аранг кўндирди. Таклиф Ронга қизиқ кўринмади. Ёнидан ўтиб бораётган ҳар бир киши мақтаб, елкасига уриб кетаётгани унга манзур бўлмоқда, айниқса, у ёки бу бурчақда «Уэсли – қиролимиз!» қўшиғи эшитилиб қолаётгани Ронга ниҳоятда ёқиб тушмоқда. Ҳар қалай, муайян вақт ўтиб, тоза ҳаво ҳеч кимни заҳарлаб ўлдирмаслиги борасида фикр билдирганча, дўстларининг таклифига розилик берди.

Учовлон қора қайин сояси остига китобларни ёйиб олиб, жойлашди. Энтикиб гапирётган Рон, ўнинчи маротаба бўлса керак, биринчи тўпни кеча ўтган ўйинда қандай қилиб тўсишга муваффақ бўлганини сўзлаб бермоқда.

- Ўша фурсатдаги ҳолатимни тасаввур этиясиз-ми, Дэвис йўллаган тўпни ўтказиб юборганимдан сўнг, дадиллигимни йўқотиб қўйган эдим. Рўпарамда эса кутилмаганда Брэдди пайдо бўлиб қолди! Шунда ўзимга ўзим: «Тўсасан, тўсасан!», - дедим. Қай томон оғиб учиш юзасидан бир қарорга келиш учун ихтиёримда атиги бир сония бор холос. Чунки у, ўнг ҳалқани, яъни мендан ўнг, ўзидан чап томондаги ҳалқани нишонга олаётган бўлди гўё. Лекин у, мени чалғитмоқчи эканлигини фаҳмлаб қолдим-да, таваккал қилиб, ўзимдан чап, ундан ўнг томон оғиб учдим. У ёғи нима бўлганини ўзингиз кўрдингиз, - камтарин оҳангда ҳикоясини якунлади у, қўлини бирон-бир заруратсиз соч орасига киритиб.

Роннинг пала-партиш ҳурпайган сочи юзига таъсирли қиёфа бахш этмоқда. Айни вақтда у, сал нарида ўтирган «Хуффльпуфф»нинг учинчи синф ўқувчилари томон, улар ҳикояни эшитган-

эшитмаганини англаш учун қараб қўйди.

- Яна беш дақиқа ўтар-ўтмас, Чэмберс мен томон ўқдай учиб келаётганини кўрганимда... Нима? - сўради, гапи оғзида қолган Рон, Гаррига қараб, - Нега куляпсан?

- Куляётганим йўқ, - ишонтирди Гарри, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш дарслигига қараганча, кулгисини яшириб, - Ғолиб чиққанзимиздан хурсанд бўляпман холос.

Роннинг қилиғи Гаррига қачонлардир, ушбу дарахт остида сочини тўзғитган бошқа гриффиндорчини ёдга солди.

- Ҳа, ғолиб чиқдик, - деди Рон, секин, лекин завққа тўла оҳангда, - Жинна Тилла чаққонни тумшуғи остидан чангаллаб олганида Чунинг юзи касб этган қиёфани кўрдингиз-ми?

- Йиғлаб юборган бўлса керак, а? - сўради Гарри, маъюс оҳангда.

- Йиғлашга йиғлади-ку... менимча, ғазабдан йиғлади, лекин... - қовоқ солди Рон, - Ерга қўниб, сўпургисини улоқтириб юборганини кўрдингиз-ми?

- Э-м-м... - минғирлаб қўйди Гарри.

- Умуман... йўқ... кўрганимиз йўқ, - оғир хўрсиниб, иқрор бўлди Гермиона, қўлидаги китобни четга қўйганча, Ронга узр сўрагандай қараб, - Тўғриси айтадиган бўлсак, Гарри иккаламиз Дэвис урган биринчи голни кўрдик холос.

Роннинг ҳафсаласи пир бўлганидан, астойдил тўзғитилган сочи ётиб қолгандай бўлди гўё.

- Кўрмадингиз? - заиф оҳангда сўради Рон, нигоҳини бир ўртоғидан иккинчисига олиб ўтиб, - Тўсган тўпларимни кўрмадингиз?

- Ростини айтсак, йўқ, кўрмадик, - овулгандай қўл узатди Гермиона, - Рон, биз кетмоқчи эмас эдик, бироқ шундай қилишга тўғри келди!

- Шунақа денг? - эътироз билдирди, юзи қизара бошлаган Рон, - Нима мажбур қилди, сизни кетишга?

- Хагрид, - деди Гарри, - Жароҳатларини қаердан орттириб келаётганини кўрсатишга аҳд қилиб, Ман этилган ўрмонга бирга кириб-чиқишни илтимос қилди. Илож қанча, шерик бўлиб боришга тўғри келди. Биласан-ку, уни... Хуллас...

Ҳикоя беш дақиқа давом этиб, ниҳоясига етганда, Роннинг юзидаги дарғазаблик қиёфаси қаттиқ ҳаяжонга алмашди.

- Ўзи билан етаклаб келиб, ўрмонга яшириб қўйибди?

- Ҳм, - пўнғиллади Гарри.

- Йўқ, - бош чайқади Рон, худди воқеликни рад этса, уни ўзгартириб юбориши мумкиндек, - Бундай қилиши мумкин эмас.

- Мумкин экан, - истехзоли эътироз билдирди Гермиона, - Гурпнинг бўйи ўн олти футдан паст бўлмай, йигирма футли қарағайларни илдизи билан қўпориб чиқаришни хуш кўради. Мени эса, - пишқириб қўйди у, - «Герми», деб атайдиган бўлди.

Рон асабий хандон отиб юборди.

- Ва Хагриднинг истагига кўра, биз унга...?

- Тўппа-тўғри, инглиз тилини ўргатишимиз керак, - тасдиқлади Гарри.

- Томи анча жилиб қолибди, - деяшли таҳсин айтиб, пичирлади Рон.

- Ҳа, - деди, «Бошқа нарсага айланиш ва айлантириш усуллари. Давом этувчилар учун қўлланма»даги бойқушнинг театр дурбинига айланиш жараёнига оид рангли расмлар серияси акс эттирилган саҳифани очган Гермиона, зардаси қайнаб, - Ҳа. Мен ҳам бу масалада шубҳа қилмай қўйдим. Бироқ минг афсуски, Гарри иккаламиз ваъда бериб қўйганмиз.

- Демак, ваъдани бузишга тўғри келади, - қатъий оҳангда баёнот қилди Рон, - Ўзингиз ўйлаб кўринг, олдинда имтиҳонлар кутяпти бизни... шундоқ ҳам, мактабдан қувиб солишларига мана шунчагина етмай турибди, - деди у, кўрсаткич бармоғи билан бош бармоғини бир-бирига деяшли теккизганча, қанча қолганини кўрсатиб, - Норберт воқеасини унутганингиз йўқми ҳали? Арагогни-

чи? Хагриднинг махлуқлари бирон-бир яхшилик келтирганми ўзи, а?

- Тўғри айтяпсан, лекин биз... ваъда бериб қўйганмиз, - паст овозда жавоб берди Гермиона.

Рон маънисиз боқиб, сочини силаб қўйди.

- Хўп, майли, - хўрсинди у, - Хагрид ҳали ишдан ҳайдалгани йўқ-ку, шундайми? Шу кунгача ишлаб кела олди, йил охирига қадар бардоши етишига, натижада эса Гурпга ўқитувчилик қилишга мажбур бўлмасликка умид боғлаб қоламиз.

\*\*\*

Жазирама қуёш остида қаср атрофи худди очиқ мойбўёқлар воситасида солинган, аммо ҳали бўёғи қуримаган расмдай ярқирамоқда. Мусаффо осмон ўзининг, жилваланиб учқун таратаётган кўл юзидаги аксига табассум қилаётгандай гўё. Аҳён-аҳён эсаётган шабада эса ипақдай майин майсазорни тўлқинлантириб бормоқда. Июнь ойи ҳам кириб келди. Бешинчи синф ўқувчилари учун бу фақат бир нарсани, у ҳам бўлса, аттестацион имтиҳон учун белгиладиган баҳо, яъни мутлақо оддий сеҳргарлик даражасининг зарурий савиясига эга бўлиш учун имтиҳон топшириш вақти етганини англатади.

Ўқитувчилар ўқувчиларга ўйга вазифа беришни бас қилиб, дарсни, имтиҳон чипталарида учраши мумкин бўлган мавзуларни такрорлашга бағишламоқда. Қарор топган диққат-эътибор муҳитида, Гарри, имтиҳонлардан ташқари, ҳамма нарсани унутиб юборди. Шундай бўлса-да, сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарсларида, баъзан, Люпин Снег билан окклюменция масаласида гаплашган-гаплашмагани ҳақида ўйланиб қолмоқда. Гаплашган тақдирда ҳам, Снег Люпиннинг сўзларини Гаррининг ўзини писанд қилмаган каби, менсимагани аниқ. Бундай ҳолат эса Гаррига жуда маъқул келмоқда. Зеро, ўша окклюменциясиз ҳам ишлар бошдан тошиб ётибди. Хайриятки, Гермиона ҳам бошқа ишлар билан банд бўлиб, бу масалада жонга тегмай қўйди. У доимо бир нималар ғудуллаб, кўп кунлардан буён эльфларга кийим тўқимай қўйди.

Бироқ фақат Гермионагина ўзини ғалати тутаетгани йўқ. Чунончи, Эрни Макмиллан имтиҳонларга тайёргарлик кўришга ким қанча вақт сарф этаётганини ҳаммадан сўраб юрадиган одат чиқариб олибди.

- Мана сиз, иккалангиз, бир кунда тахминан неча соат шуғулланасиз? - кўзи васвасага тушган кишининг кўзлари каби ярқираганча, талаб оҳангида сўради у, гербология дарсига келиб, иссиқхона олдида турган Гарри билан Рондан.

- Билмадим, - елка қисди Рон, - Соатга қараганим йўқ.

- Ҳар қалай, саккиз соатдан ортиқми ёки камроқ-ми?

- Камроқ бўлса керак, - жавоб берди Рон, бироз безовта бўлиб.

- Мен эса саккиз соат шуғулланаман, - виқор-ла, шишиниб олди Эрни, - Саккиз ёки тўққиз соат. Ҳар куни, нонуштадан олдин бир соат мажбурий равишда шуғулланаман. Саккиз соат деб, ўртача кўрсаткични назарда тутмоқдаман. Дам олиш кунлари ўн соатдан шуғулланишга ҳаракат қиламан. Ўтган душанба куни тўққиз ярим соат шуғулландим. Сешанба куни камроқ бўлиб қолди, атиги етти соат-у, ўн беш дақиқа. Чоршанба куни эса...

Гарри ичида, ўқувчиларни учинчи сонли иссиқхонага киритган ва бу билан Эрнини овозини ўчиришга мажбур қилиб қўйган Сарсабил хонимга ҳайкал қўйишга рози бўлди.

Бу орада бешинчи синф ўқувчилари орасида ваҳима кўтарилишига яна бир сабаб топилди.

Имтиҳонлар мавсуми бошланишидан бир неча кун олдин, Драко Малфойнинг, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани хонаси ёнида Краббе билан Гойлга айтган сўзларини кўпчилик эшитди:

- Гап нимани билишингда эмас кимни танишингда. Мана мисол учун, дадамни олайлик. У кўп йиллардан буён Сеҳргарлик имтиҳонлари қўмитасининг раиси кампир Гризельда Марчбэнкс билан дўст бўлиб юрибди. Биз уни ўйимизга этувли меҳмон сифатида имлама зиёфатга чақариб

турамиз.

- Нима деб ўйлайсиз, унинг гапига ишонса бўладими? - хавотир-ла пичирлаб сўради Гермiona Гарри билан Рондан.

- Шундай бўлган тақдирда ҳам, биз ҳеч нима қила олмаймиз, - маъюс оҳангда жавоб берди Рон.

- Гапи ростлигига шубҳа қиламан, - аста фикр билдирди орқада турган Невилль, - Гризельда Марчбэнкс бувимнинг дугонаси бўлади. У Малфойларни бирон маротаба бўлсин, тилга олгани йўқ.

- Қанақа аёл у, Невилль? - шу заҳоти сўроққа тутди Гермiona, - Қаттиққўл-ми?

- Бувимдан зиғирдай бўлсин, фарқ қилмайди, - жавоб берди Невилль, дили хуфтон бўлиб, - Иккаласи худди бир жуфт калишнинг икки пойига ўхшайди.

- Сени шахсан танигани яхши-ку, шундай эмасми?

- Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, - деди Невилль, янада маъюс оҳангда, - Бувим профессор Марчбэнксга дадамга ўхшамаслигимни такрорлагани-такрорлаган... Бунга ўзингиз ҳам шоҳид бўлдингиз... Муқаддас Резгида...

У нигоҳини полдан узмай турибди. Гарри, Рон ва Гермiona бир-бирига қараб қўйди. Учовлон нима дейишни билмай қолди. Невилль касалхонадаги учрашувни бугун илк бор эсга олди.

Имтиҳон мавсуми яқинлашган сари бешинчи ва еттинчи синф ўқувчилари орасида хотирани мустаҳкамлайдиган ёки зеҳни ўткирлаштирадиган воситаларнинг яширин савдоси равнақ топа бошлади. Гарри билан Рон йўлдан озиб, «Равенкло»да ўқийдиган олтинчи синф ўқувчиси Эдди Кармайклдан «Имтиҳон даврида қабул қилинадиган Баруффо ҳаётбахш ичимлиги»ни харид қилишмоқчи бўлишди. Эдди ўтган йилги имтиҳонларда айнан мана шу дамламани ичгани учун ҳам, олтита фандан «олий» баҳога эришгани ҳақида онт ичди. Айни вақтда, ичимликнинг бутун бошли пинтаси учун у, атиги ўн икки галлеон нарх белгилаган. Рон Гаррига дамлама нархининг ярмини мактабни тамомлаб, ишга кириши билан қайтариб беришни ваъда қилди. Бироқ икковлон олди-сотти ишини охиригача етказишга улгурмай қолди. Ўз вақтида етиб келган Гермiona Кармайклнинг қўлидан дамламани тортиб олиб, унитазга тўкиб юборди.

- Гермiona, биз уни сотиб олмоқчи эдик! - бақриб юборди Рон.

- Ақлингизни еб қўйдингиз-ми? - ўшқириб берди қиз, - Гарольд Дингл аждарнинг тўйилган тирноқларини сотяпти, балким уни ҳам сотиб оларсиз.

- Динглда тўйилган тирноқ борми? - умид-ла сўради Рон.

- Энди йўқ, - жавоб берди Гермiona, - Мусодара қилдим. Умуман айтганда, буларнинг бари бемаънилиқ, бирон-бир нафи йўқ.

- Тирноқнинг фойдаси бор! - ўқирди Рон, - Таъсири зўр, дейишади. Мия бир неча соат давомида қутуриб кетгандай ишлар эмиш! Гермiona, илтимос, бер, синаб кўрай. Сендан нима кетди? Аҳволим ёмонлашиб қолмайди...

- Ёмонлашиб қолиши ҳам мумкин, - рад этди Гермiona, - Мен атайин текшириб кўрдим. Аслида ҳеч қандай тирноқ ҳам эмас балки митти эльфларнинг қуриб қолган нажаси экан.

Шундан сўнг, Гарри билан Роннинг мия фаолиятини оширадиган сунъий қўзғатувчиларга бўлган қизиқишлари ўз ўзидан сўниб қолди.

Болалар бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани бўйича ўтган навбатдаги машғулотда имтиҳонлар жадвали билан танишиб, синф тахтасидан кўчириб олишди.

- Кўриб турибсиз-ки, МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун имтиҳон мавсуми икки ҳафта давом этади, - деди профессор Макгонагалл, - Эрталаб имтиҳоннинг назарий қисмини, куннинг иккинчи ярмида эса амалий қисмини топширасиз. Астрономия бўйича имтиҳоннинг амалий қисми эса табиийки, тунги вақтда ўтказилади. Огоҳлантириб қўйишим жоизки, имтиҳон чипталари кўчиришга қарши ниҳоятда кучли тилсимлар воситасида муҳофаза қилинган. Имтиҳон залига автоматик жавоб ёзиш пат-қаламлари, эсга олар, кийим енгига тақиладиган қадама енг-

шпаргалкалар, матнга тузатиш киритиш сиёҳларини олиб кириш ман этилади. Таассуфки, Сеҳргарлик имтиҳонлари қўмитасини чув туширишга комил ишонч билдирганлар ҳар йили топилади. Умид қилишга журъат этаман-ки, бундай каслар гриффиндорчилар орасидан бу йил чиқмайди. Мактабимизнинг янги... директори... - худди Петунья хола кетмас доғни ишқалаганда ясагандек башара ясади у, - Кўчирмачиларга нисбатан қатъий чоралар кўрилишини ўқувчиларга етказиб қўйишни коллеж мудирларидан илтимос қилди. Ўзингиз идрок этиб турибсиз-ки, ёмон баҳолар янгича идора қилиш тизимининг нуфузига доғ туширади...

Ўткир бурнининг катаклари шишиб кетган профессор Макгонагалл эшитилар-эшитилмас хўрсиниб қўйди.

- ... нима қилганда ҳам, сиз-у, биз имкон қадар юксак натижаларга эришишимиз даркор.

- Марҳамат қилиб айтсангиз, профессор, - қўлини баланд кўтарди Гермiona, - Имтиҳон натижаларидан қачон хабар топамиз?

- Тахминан июль ойида сизларга бойқуш йўлланади, - жавоб берди профессор Макгонагалл.

- Жуда соз, - баланд пичирлади Дин Томас, - Акс ҳолда таътил татимамай, ёз бўйи қалтираб юрган бўлар эдик.

Гарри яна бир ярим ойдан сўнг, Одамовилар хиёбонида имтиҳон натижаларини кутиб, диққати ошиб юришини тасаввур қилиб кўрди. Лоақал битта хат бўлса ҳам, оламан-у, хаёлдан ўтказди у. Афсун ўқиш назарияси бўйича биринчи имтиҳон душанба кунининг эрталабки соатларига тайинланган. Якшанба кuni тушлиқдан сўнг Гермiona ўз билимларини текширтириб кўрмоқчи бўлиб, Гарридан ёрдам сўради. Гарри розилик беришга берди-ю, шу заҳоти афсус қилди. Жавоби тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ўларча асабийлашган Гермiona Гаррининг қўлидаги «Сеҳр-жоду соҳасида эришилган ютуқлар»ни ҳар дақиқа тортиб олавериб, охири китобнинг қирраси билан Гаррининг бурнига бехосдан уриб юборди. Оғриқ зўридан боланинг кўзи ёшланиб кетди.

- Яхшиси ўзингни ўзинг текшириб ўтир, - қатъий фикр билдирди у, китобни қизнинг қўлига тутқизиб қўйиб.

Қулоғини маҳкам бекитиб олган Рон афсун ўқиш фанининг икки йиллик конспектларини унини чиқармай, лабини қимирлатиб ўқиб ўтирибди. Симус Финниган полда чўзилиб олиб, овоз чиқарганча, моддий тус бериш тилсимининг таърифини такрорламоқда. Дин эса «Афсунлар тўплами (бешинчи қисми)»га қараб, Симус тилсим таърифини тўғри ёд олганини текширмоқда. Қаламдонларини стол устида бир-бирини қувишга мажбур қилаётган Патил билан Лаванда буюмни ҳавога кўтариб ташиш (локомотор) афсунининг ижросини машқ қилишмоқда. Кечки овқат маҳалида ғайриоддий жимжитлик ҳукм сурди. Деярли гаплашмаётган Гарри билан Рон кuni бўйи зўр бериб шуғулланишгани боис, иштаҳа билан овқатланмоқда. Гермiona эса аксинча, қўлидаги санчқини қўйиб, дам-бадам стол остига шўнғиганча, юк халтасидаги китобини чиқариб, ниманидир қайтадан ўқиб чиқмоқда. Рон унга яхшилаб овқатланиб олиш зарурлиги, акс ҳолда кечаси яхши ўхлай олмаслигини ўқтирмоқчи бўлди. Аммо бармоқлари бўшашиб кетган қизнинг қўлидаги санчқи ликоп устига жаранглаб тушди.

- Вой, ойижон, - титроқ овозда минғирлади Гермiona, вестибюль томон бақрайиб, - Анави одамлар, имтиҳон олувчиларми? Ўшалар-ми, а?

Гарри билан Рон ўринларидан турмай, тез ортга ўгирилди. Катта Залнинг чиқиш эшиги ортида, вестибюлда, Амбриж ва яна бир неча нафар кекса сеҳргар эркак-у, афсунгар аёллар турибди. Гарри ичида Амбрижнинг асабийлашаётгани, табиати тирриқ бўлганини қувонч-ла, қайд этиб қўйди.

- Бориб кўрамизми? - таклиф киритди Рон.

Гарри билан Гермiona бош ирғишди. Учовлон чиқиш томон югуриб, эшикка яқин қолганда, имтиҳон олувчилар ёнидан секин-аста юриб ўтди. Амбриж эҳтиром-ла, суҳбатлашаётган анави

увоққина, мункайиб қолган, юзи, худди ўргимчак тўри қамраб олгандай, ажин босган кампир профессор Марчбэнкс деганлари бўлса керак, хаёлдан ўтказди Гарри. Профессор Марчбэнкснинг қулоғи оғирроқ кўринади. Амбриж иккаласининг орасида атиги бир футча келадиган масофа бўлишига қарамай, кампир, директорнинг саволига қулоқни қоматга келтирадиган даражада, баланд жавоб бермоқда.

- Яхши, яхши етиб келдик, фалакка шукр, биринчи маротаба эмас! - бироз ранжиган оҳангда гапирди профессор Марчбэнкс, - Негадир, анчадан буён Дамблдордан ҳеч қандай хабар топмадим! - қўшимча қилди у, атрофга, худди Дамблдор супурги сақлаш қазноғидан ҳар қандай фурсатда чиқиб келиши мумкиндай, қараб, - Ҳозир у қаердалигини билмасангиз керак, а?  
- Тасаввур ҳам қила олмайман, - деди профессор Амбриж, Рон ўзини ботинкасининг ечилиб кетган ипини боғлаётган кўйга солиб олгани учун мармар зинапоя бўсағасида ивирсиётган учала бола томон ўқрайиб, - Бироқ умидимни ифода этишга журъат этаман-ки, сеҳргарлик вазирлиги тез орада уни қўлга олади.

- Хотиржам бўлинг! - кичқирди муштдайгина профессор Марчбэнкс, - Агар Дамблдорнинг ўзи истамаса, уни ҳеч бир зоғ топа олмайди! Уни жуда яхши биламан... Бир нарсага айланиш ва афсун ўқиш фанлари бўйича Сеҳргар маҳоратининг жиддий аттестациясига оид имтиҳонларни ундан шахсан ўзим қабул қилганман... У йигит таёқчаси билан шундай мўъжизалар кўрсата олади-ки, етти ухлаб тушингизда кўрмайсиз!

Гарри, Рон ва Гермiona мармар зинапоядан журъатлари етган даражада секин кўтарилмоқда.

- Ҳа... лекин... - ғудуллади профессор Амбриж, - Сизни ўқитувчилар хонасига қадар кузатиб қўйишга ижозат бергайсиз. Узоқ сафардан сўнг, бир пиёла чойдан бош тортмайсиз, деган умиддаман.

Учовлон оқшомнинг қолган қисмини ғамгин ўтказиб, яна нималарнидир такрорлашга уриниб кўрди, бироқ ҳаракати зое кетди. Гарри эрта кириб ётди-ю, узоқ вақт ухлай олмади. У Макгонагаллнинг хонасида ўтган сўхбатни, профессорнинг: «Поттер, ҳаётимдаги сўнгги иш бўлса ҳам, майли, аврор бўлиб етишингиз учун шахсан ўзим сизга ёрдам бераман!», деб берган ваъдасини эслади. Мана энди, имтиҳонга санокли соатлар қолганида рўёбга чиқиши нисбатан осон кечадиган истак билдирмаганига афсус қила бошлади. Ётоқхонада ухламай ётган ёлғиз ўзи эмаслигини яхши билади. Бироқ ҳамма жим. Ниҳоят улар бирин-кетин ухлаб қолишди. Нонушта маҳалида бешинчи синф ўқувчилари сергаплик борасида қолганлардан кўп фарқ қилмади. Патил қаршисидаги туздонни аста титратганча пичирлаб афсун ўқимоқда. Кўзи қандайдир ғалати хиралашиб қолган Гермiona «Сеҳр-жоду соҳасида эришилган ютуқлар»ни мисли йўқ тезликда ўқиб ўтирибди. Невиллнинг қўлидан дам санчқи, дам пичоқ, дам мармелад тушиб кетмоқда.

Овқатланиш вақти ўтгач, жамики мактаб дарсга тарқалди. Бешинчи ва еттинчи синф ўқувчилари эса вестибюлда йиғилди. Соат тўққиз яримда улар яна Катта Залга синфма-синф таклиф қилинди. Катта Зал ўзгариб, худди Гарри дамблхотира воситасида кўрган, яъни Жеймс, Сириус ва Люпин МОСД имтиҳонини топширган ҳолатга келтирилибди. Ундаги тўртта узун стол олиб қўйилиб, ўқитувчилар столи томон қатор териб чиқилган бир кишилиқ кичкинагина столлар билан жиҳозланибди. Ҳамма ўз жойини эгаллаб, жим бўлгач. ўқитувчилар столи ёнида болаларга юзланиб турган профессор Макгонагалл:

- Бошлашингиз мумкин, - деди-да, пат-қалам, пергамент ва сиёҳдонлар захираси тайёрлаб қўйилган стол устидаги каттагина қум соатни онтариб қўйди.

Юраги қутуриб кетаётгандай ураётган Гарри олдида ётган имтиҳон чиптасини очди. Ўнг томонидаги уч қатор стол нарида-ю, тўртта стол олдинда ўтирган Гермiona аллақачон ёзишга киришган. Гарри биринчи саволни ўқиди:

а) афсун матнини ёзинг;

б) муайян жисм юқорига кўтарилиши учун сеҳрли таёқчанинг зарурий ҳаракатини тавсифлаб беринг.

Гарри бир вақтлар бўйи ўн икки фут келадиган тоғ троллининг қўлидан отилиб чиқиб, тикка юқорига кўтарилганча, аста-секин айланиб, ўз соҳибининг бефаҳм бошига қарсиллаб тушган сўйилни эслаб, мийиғида кулиб қўйди-да, ёзишга киришди.

\*\*\*

- У қадар қўрқинчли ҳам эмас экан-у, а? - асабий пўнғиллади имтиҳон чиптасини кўкрагига маҳкам босиб олган Гермiona, икки соат ўтиб, вестибюлга чиқишгач, - Хахолатиш тилсимини батафсил тавсифлаганим борасида иккиланмоқдаман... вақт етмади. Ҳиқичоқ тутқизиш қарғишига қарши қарғиш ҳақида ёздингиз-ми? Ёзиш керак эдим, йўқми, билмай қолдим, гўё ортиқчадек кўринди менга... Йигирма учинчи савол-чи...

- Гермiona, - кескин оҳангда гапни бўлди Рон, - Илгари ҳам бу масалада келишиб олган эдик... жавоблар муҳокама қилинмайди... имтиҳон азобининг ўзи етиб ортади.

Катта Залнинг узун столлари яна ўз жойига қайтарилиб, бешинчи синф ўқувчилари эл қатори тушлик қилишди. Шундан сўнг, Катта Зал ортидаги кичкина хонага кириб, амалий кўникмалар синовига таклиф қилинишларини кутишди. Ўқувчиларни кичик гуруҳлар таркибида, алифбо тартибида чақиришди. Хонада қолганлар эса аллақандай афсунларни паст овозда талаффуз этганча, сеҳрли таёқчаларини бир-бирининг дам белига теккизиб, дам кўзига бехос суқиб олиб машқ қилишди.

Катта Залга чақирилган Гермiona дағ-дағ титраб, Энтони Голдштейн, Грегори Гойл ва Дафна Гринграсс билан бирга чиқиб кетди. Синовдан ўтганлар хонага қайтишмади, шу боис, Гарри билан Рон Гермionанинг натижалари ҳақида ҳеч нима билмай қолишди.

- Ўтмай қаёққа боради, ўтади, албатта, - тинчлантирган бўлди Рон, - Афсун ўқиш бўйича бир юз йигирма фоизга эришгани эсингдами?

Ўн дақиқадан сўнг, профессор Флитвикнинг қичқириғи эшитилди:

- Паркинсон, Панси! Патил, Парватти! Пэтил, Парватти! Поттер, Гарри!

- Омад ёр бўлсин, - аста тилак билдирди Рон.

Гарри таёқчасини қўли титраб кетгудай даражада маҳкам сиқиб, Катта Залга кириб борди.

- Профессор Тофтининг ёнига боришингиз мумкин, Поттер, - чийиллади, эшик ёнида турган Флитвик, нариги бурчакка имо қилиб.

Бурчакда турган стол ортида энг кекса, тақир бошли имтиҳон олувчи билан Драко Малфойни синовдан ўтказаетган профессор Марчбэнкс ўтирибди.

- Поттер, шундайми? - сўради профессор Тофти, дастлаб ёзувга, сўнг, пенсне орқали Гаррига диққат билан разм солиб, - Ўша донгдор Поттер-ми?

Гарри кўзининг қири билан Малфойнинг дарғазаб қараб қўйганини кўриб қолди. Драконинг афсуни таъсирида юқорига кўтарилган бокал полга йиқилиб, синди. Гарри кулгисини тия олмади. Профессор Тофти ҳам далда берган бўлиб, кулиб қўйди.

- Хўш, - деди у, кексаларга хос зириллаган овози ила, - Хўш, сиздан илтимос, мана бу тухумдонни олиб, яхшилаб думбалоқ ошишга мажбур қилинг-чи!

Умуман олганда, Гаррининг фикрича, синов яхши ўтди. Буюмни ҳавога кўтариш афсунини Малфойга нисбатан, гарчи, ранг ўзгартириш афсуни билан бўй ўстириш афсунини янглиштириб юборган бўлса-да анча яхши бажарди. Малла тус олиши талаб этилган каламуш, Гарри ўз хатосини тузатиб олишга улгургунга қадар бўрсиқ ўлчамига қадар йириклашиб кетди. Шу боис, Катта Залда Гермionанинг йўқлигидан суюниб, синовдан кейин, ушбу ҳолат ҳақида айтиб беришни унутиб қўйди. Ронга эса қойил қолса бўлади. Ликопни каттагина қўзиқоринга айлантеришга айлантериб қўйди-ю, бунга қандай эришганини ўзи билмайди.

Кечки овқатдан сўнг, болалар умумий ётоқхонага қайтиб, бирор дақиқа ҳам дам олмай, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани бўйича эртага ўтадиган имтиҳонларга ҳозирлик кўришга киришиб кетишди. Уйқуга ётаётган Гаррининг боши мураккаб афсунлар-у, формулалардан гангиб қолганини ҳис этди.

Эрталабки ёзма имтиҳонда Гарри айланиш тилсимининг таърифини эслай олмади, лекин амалий синов давомида эришган натижаларидан мамнун бўлди. Ҳар қалай, унинг игуанаси, талаб этилгандай, батамом даф бўлди. Қўшни столда ўтириб, ўларча асабийлашган бечора Ханна Абботнинг сассиққузани ақлга сиғмас тарзда қизил ғоз галасига айланиб қолди. Токи қушларни тутиб, Катта Залдан олиб чиқишгунга қадар имтиҳон ўн дақиқага тўхтаб қолди. (Игуана (лот. iguana) – Марказий ва Жанубий Америкада яшайдиган, кундуз кунни дарахтларда ҳаёт кечирадиган йирик ўтхўр калтакесак. Танасининг узунлиги бурнинг учидан думининг учига қадар 1,5 метрдан ошмайди, вазни 8 килограммга етади. Уй ҳайвони сифатида ҳам боқилади).

Чоршанба кунни гербология фанидан имтиҳон ўтди. Агар тишли ёронгул чақиб олгани ҳисобга олинмаса, Гарри учун ёмон бўлмади. Пайшанба кунни ёвуз кучлардан ҳимоя фанидан имтиҳон ўтди. Бунда, Гарри, синовдан ўтиш масаласида илк бор, зиғирдай бўлсин, хижолат бўлгани йўқ. Фанга оид ёзма имтиҳон бўйича қийинчилик сезмади. Амалий кўникмалар синовиде эса қарғишга қарши турли қарғишлар ижросини шу қадар маҳорат ила намоён этдики, эшик ёнида турган Амбрижнинг бақа кўзлари қинидан чиқиб кетишига оз қолди.

- Офарин! - хитоб қилди Гаррини синовдан ўтказётган профессор Тофти, богартни ҳуркитиб қочириш афсунининг ижроси беназир ўтганини кўриб, - Баракалла, азамат! Хўш Поттер, менимча етарли... гарчи...

У бироз олдинга энгашди.

- Дўстим Триберий Огден алдамаган бўлса, сиз моддий тус оладиган Ҳимоячини ярата олар экансиз. Эҳтимол... мендай қарияга тўхфа сифатида...

Гарри сеҳрли таёқчасини кўтарди-да, эшик олдида бақрайиб турган бақа аёлнинг кўзига тик қараб, унинг «Хогварц»дан қувиб солинаётганини фараз қилди.

- Экспекто патронум!

Боланинг сеҳрли таёқчасидан кўзни қамаштириб юборгудай ёришиб кўринган кумуш тусли, танаси худди ой каби шуъла сочаётган йирик буғу катта куч билан отилиб чиқиб, Катта Зал бўйлаб чопа кетди. Имтиҳон олувчилар эс-ҳушидан айрилиб, оғизлари ланг очилганча буғуга қараб қолишди. Ҳимоячи ҳавода тарқаб кетгач, ҳаяжонланиб кетган профессор Тофти қарсак чалиб юборди.

- Қойил, Поттер! - хитоб қилди у, - Жуда соз! Етади, бораверинг!

Амбрижнинг ёнидан ўтаётган Гаррининг нигоҳи бақа аёлнинг нигоҳи билан тўқнаш келди.

Солқиган бақа оғиз мурдор кулги учун йирилди. Гарри тупурган унга. У ҳозиргина имтиҳонни «олий» баҳога топширди. Бироқ бу ҳақда ҳеч кимга индамайди. Зеро, бу, ҳозирча фақат зоҳирий ютуқ бўлиши мумкин холос.

Жума Гарри билан Рон учун бўш, Гермиона учун эса қадимий руналардан имтиҳон топшириладиган кун бўлди. Олдинда дам олиш кунлари ва шу боис, ўғил болалар имтиҳонларга тайёргарлик кўриш ҳақида лоақал шу бугун кечқурун ўйламай, бироз дам олишга аҳд қилишди. Икковлон эснаб, керишиб, ёқимли шабада эсаётган дераза остида жойлашиб олганча, шахмат суришди. Узоқда, Ман этилган ўрмон четида Хагрид дарс ўтмоқда. Гарри қандай ҳайвонлар ўрганилаётганини англашга уриниб кўрди. Яккашоҳ нарвал бўлса керак. Негаки, ўғил болалар сал орқароқ туришибди...

Шу пайтда портрет тўсган тўйнуқ очилиб, умумий меҳмонхонага кайфияти бўзилган Гермиона кириб келди.

- Хўш? - эснаб, керишганча, қизиқди Рон, - Қалай ўтди, руналар?

- Мен «шериклик» маъносини англатадиган «эхваз» сўзини «муҳофаза»ни англатадиган «эйхваз»



сўзи билан адаштириб юборибман, - жавоб берди Гермiona аччиқ қилиб.

- Атиги биттагина хатога йўл қўйибсан холос-ку, - эринчоқ оҳанг-ла чўзди Рон, - Ҳеч гап эмас. Сен бари-бир...

- Жим бўл, яхшиси! - ўшқириб берди Гермiona, - Имтиҳонни «топшира олдинг» билан «топшира олмадинг» сўзларида ҳам, атиги битта хато бўлади. Айтгандай, янада мудҳиш хабар бор. Кимдир Амбрижнинг хизмат хонасига яна пайпоқтумшуқ исковучни киритиб юборибди. Янги эшикни қандай очишди, билмайман. Ҳозиргина ўша ердан ўтиб келдим... Амбриж шундай ўкиряпти-ки, кекирдаги узилиб кетмаганига ҳайронман... Исковуч оёғининг бир бўлагини узиб олишига сал қолган кўринади...

- Жуда яхши бўпти, - баралла жавоб беришди Гарри билан Рон.

- Нимаси яхши бўпти? - жиғибийрон бўлди Гермiona, - Ахир у Хагриддан гумон қиляпти-ку, эсингиздан чиқди-ми? Биз эса уни ишдан ҳайдашларини ҳеч ҳам истамаймиз!

- Ана-ку, у! - деди Гарри, деразага имо қилиб, - Дарс ўтяпти. Демак унинг дахли йўқ.

- Гарри, баъзан шундай дўлвар бўлиб қоласан-ки! Сен чиндан ҳам Хагриднинг айбсизлиги Амбрижни қизиқтиради деб ўйлайсан-ми? - ачитди Гермiona ва ўзининг ғазабини идора қилишни истамай, эшикни қарсиллатганча ёпиб, ётоқхонасига кириб кетди.

- Фавқулудда кам учрайдиган дилрабо-ю, дилкаш қиз, - хотиржам таъкидлаб қўйди Рон, ўз фарзинининг орқасига туртганча, Гаррининг филини олишга мажбур қилиб.

Дам олиш кунлари Гермionанинг кайфияти кўтарилмади. Шанба, якшанбани сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани бўйича ўтадиган имтиҳонга тайёргарлик кўришга бағишлаган Гарри билан Ронни эса қизнинг аҳволи асло қизиқтирмади. Аврор бўлиш умидини пучга чиқариши мумкин бўлган ушбу имтиҳон Гаррини бошқа имтиҳонларга нисбатан кўпроқ ташвишга солмоқда. Чиндан ҳам, ушбу фан бўйича ёзма имтиҳон жуда мураккаб кечди. Аммо унда қўйилган саволлардан бири бўйича ташвиш тортмаса ҳам бўлаверади, у ҳам бўлса, Ҳамма қиёфа сиркаси ҳақидаги савол. Гарри, ушбу сиркани иккинчи синфда ўқиб юрганда яширинча ичган. Шу боис, дахлама таъсирини жуда аниқ тавсифлаб берди.

Фанга оид амалий кўникмалар синови эса кутилмаган даражада силлиқ ўтди. Снег имтиҳонларда иштирок этмагани сабабли Гарри ўзини одатий дарслардан кўра анча эркин ҳис этди. Унинг ёнида ўтирган Невилль ўзини хотиржам тутганини кўриб, ҳайрон бўлди.

- Илтимос, қозондан нари қочинг. Синов ниҳоясига етди, - эълон қилди ниҳоят профессор Гризельда Марчбэнкс.

Гарри дахлама намунаси қўйилган шиша идиш қопқоғини ёпиб, олий баҳога эришмаган бўлса-да, имтиҳондан йиқилмаганини ҳис этиб, текширувчига топширди.

- Атиги тўртта имтиҳон қолди, - деди гриффиндорчилар минорасига кўтарилаётган Парватти Патил толиққан овозда.

- Атиги-я! - жавоб қайтарди Гермiona, домангир оҳангда, - Мен эса ҳали дунёдаги энг қийин фан арифмантикадан имтиҳон топширишим керак!

Атрофида келаётганлар индамай қўя қолишга барабар аҳд қилган кўринади, бирон-бир кишидан аламини олишга Гермiona сабаб топа олмади. Шунинг учун унга, умумий меҳмонхонада баланд кулишгани учун айрим биринчи синф ўқувчиларини синфбоши сифатида сўкиб қўйиш билан қаноатланишга тўғри келди.

Сешанба кўни сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани бўйича имтиҳонлар бўлиб ўтди.

Хагридни уятда қолдиришни истамаган Гарри қўйилган саволларга пухта жавоб беришга астойдил бел боғлади. Амалий кўникмалар синови кўннинг иккинчи ярмида, Ман этилган ўрмон четида ташкиллаштирилди. Имтиҳон топшираётганлар олдига ўн иккитача типратикан орасига қўшиб юборилган сварлни фарқлаб топиш вазифаси қўйилди. Мураккаблик шундан иборатки, сеҳрли игналарга эга сварллар оддий типратиканлардан ўзларининг ҳаддан ортиқ гумондорлик табиати

ила кескин фарқ қилади. Шундай экан, жониворлар тўдасига, мисол учун, сут таклиф қиладиган бўлса, бундан инъомни заҳар сифатида қабул қиладиган сварллар қутуриб кетади. Шундан сўнг, дарахт алвастиси билан муомала қила билиш кўникмасини намоён этиш, олов пурковчи денгиз қисқичбақасини кўйиб қолмаган тарзда боқиб, тозалаш, мавжуд емлар орасида касал яккашоҳ нарвал хуш кўрадиган егуликни тўғри топиш талаб этилди.

Тинчини йўқотиб, ўз кулбасига кириб олган Хагрид, синов жараёнини деразадан кузатиб ўтирди. Гирдиғумгина афсунгар аёл Гаррига кулиб боқиб: «Бўлди, бораверинг», деганда, бола қаср томон йўл олишдан олдин иккита бош бармоғини кўтариб, Хагридга аста кўрсатиб қўйди.

Астрономия бўйича чоршанба куни ўтган ёзма имтиҳонни Гарри ёмон ёзмади. Муштарийнинг йўлдошларини тўғри санаб ўтганига шубҳа қилса-да, Европани туз эмас муз қоплаганини аниқ билади. Амалий кўникмалар синови тунги вақтга белгилангани боис, куннинг иккинчи ярмида башорат фанидан имтиҳон топширилди.

Гарри, ушбу фан бўйича кўп билимларга эга эмаслигини яхши билади, лекин бари-бир саволларга ёмон жавоб берди. Биллур шарда кўзига ҳеч нарса кўринмади. Ёғоч столга термилиб ўтирди нимаю, шарга термилиб ўтирди нима, фарқи бўлмади. Чой барглари воситасида фол очар экан, Гарри, профессор Марчбэнкснинг тез кунларда танаси юм-юмалоқ, ҳўл ва табиатан қоронғи одам билан учрашишини башорат қилди. Синов якунида ҳаёт чизиғини бош чизиғи билан адаштириб юбориб, имтиҳон олаётган аёл аслида ўтган ҳафтанинг сешанба куни асфаласофилинга йўл олиши лозимлигидан хабардор қилди.

- Ўзи бизга бу фандан бирон-бир яхшилик тўғри келмайди, бадқовоқ пўнғиллади Рон.

У биллур шар орқали бурнининг учида сўгал ўсиб чиққан бадбашара эркак ҳақида узоқ ва ниҳоятда батафсил сўзлаб бергани, нигоҳини кўтаргач эса, аслида шиша орқали имтиҳон олаётган эркак қиёфасини кўриб, тавсифлаганини тушуниб етганини айтиб, Гаррининг кўнглини анча кўтарди.

- Башоратни умуман ўзлаштиришимиз керак эмас эди, - хулоса қилди Гарри.

- Ана энди унутишимиз мумкин.

- Ҳа, - бош ирғиди Гарри, - Ўзимизни Уран Билан Муштарийнинг бир-бирига ҳаддан ортиқ яқин келиб қолганидан хавотир олаётган кўйга солиб юришга тўғри келмайди.

- Мен эса бугундан эътиборан чашкам тубига чўккан чой қуйқумида очиқдан-очиқ: «Ўлиб кет, Рон, ўл!», - каби аниқ битилган ёзувни ўқиган тақдиримда ҳам, тупурдим ўша башоратга. Шартта оламан-да, ўзининг жойи – ювундига улоқтириб юбораман.

Гарри хандон отиб юборди ва уларни қувиб келаётган Германиони кўриб, аччиғини келтириб қўймаслик учун ҳар эҳтимолга қарши жиддий қиёфа ясаб олди.

- Менимча, арифмантикани ёмон топширмадим, - маълум қилди Германиа, - Энди, кечки овқатдан сўнг, ситоралар харитасини тез кўриб чиқамиз.

Гарри билан Рон анча енгил тортишди.

Кечки соат ўн бирда синфдошлар астрономия минорасига кўтарилди. Осмон очиқ, булут йўқ, имтиҳон учун жуда қулай вазият. Ой ҳамма жойни кумуш тус бериб, ёритмоқда. Имтиҳон топшираётганлар телескоплар ёнига туриб, профессор Марчбэнкснинг командасига кўра, ситораларнинг ёзувсиз харитасини расмийлаштиришга киришди.

Марчбэнкс билан Тофти болалар ортида юриб, айна фурсатда кўриниб турган юлдуз ва сайёраларнинг координаталари аниқ акс эттирилаётганини текшириб боришди. Ҳамма жойда сукунат қарор топган. Аҳён-аҳён пергаментнинг шитир-шитири, телескопларнинг ғичирлаётгани ва пат-қаламларнинг шитирлаши эшитилмоқда. Бир ярим соат ўтиб, қаср чироқлари бирин-кетин ўчирилаётгани боис, ерда акс этган тилла тусли тўғрибурчаклар гўм бўлиб борди.

Қасрнинг асосий эшиги очилган фурсатда Гарри Орион юлдузлар туркумини харитада деярли акс эттириб бўлган эди. Вестибюль чироғи ўсти ёпиқ айвоннинг тош зинапояси орқали ҳовлига нур

таратди. Гарри телескопнинг ҳолатини биров ўзгартириб, пастга қаради. Ёритилган майсазорда беш-олти кишининг узун кўланкалари кўринди. Эшик ёпилиб, мактаб ҳовлисини яна қоронғилик қамраб олди.

Гарри кўзини телескоп окулярига келтириб, Зухра юлдузини қидириб топди-да, харитада акс эттириш учун бурилиб, кўлига пат-қалам олди. Шу пайт ишдан чалғиб, кўзини қисиб олганча, майсазорда юрган одамлар шарпасини кўрди. Агар ҳаракатланмаганларида, ой нури уларнинг бошига тушмаганда, уларни қоронғида илғаб олиш қийин кечган бўлар эди. Аллақандай бўйи паст киши одамлар гуруҳига етакчилик қилиб бормоқда. Мавжуд масофа етарлича узоқ бўлишига қарамай, ўша етакчи ким эканлигини Гарри фаҳмлаган кўринади.

Қизиқ, тун ярмида бир неча кишини ўзига шерик қилиб олган Амбрижга ҳовлида нима керак бўлиб қолди экан? Орқа томонда эшитилган йўтал Гаррига имтиҳон топшираётганини эслатиб қўйди. Зухра қаерда эди? Эсидан чиқариб бўлди... Кўзини объективга келтирган Гарри юлдузни боз топди-да, пат-қаламни харита устида кўтарди. Айни вақтда, унинг теварак-атрофдаги ҳар бир шубҳали товушни илғаб олишга уринаётган қулоғига кимсасиз ҳовлида баланд янграган тақир-туқур ва ит ҳурганини эшитиб қолди.

Юрак уриши тезлашиб кетган Гарри телескопдан чалғиб, кулба томон юзланди. Деразалар ёришиб, нур остида кулбага ташриф буюрган одамлар шарпаси кўринди. Эшик очилди. Олти киши остона ҳатлаб, ичкарига кириб кетди. Эшик ёпилиб, атрофда жимжитлик қарор топди.

Гарри безовта бўлиб, атрофга қаради. Рон билан Гермiona ҳам кўришди-ми? Шу пайтда унинг ортидан профессор Марчбэнкс ўтиб қолди. Кўчирмачилик қияпти, деган хаёлга боришмаслиги учун, Гарри ўз харитаси устига тез энгашиб олди. Ўзини алланима ёзаётган кўйга солди-ю, аслида кулба томон қараб турди. Ичкаридаги одамлар танаси билан чироқни тўсганча, кулба ичида юришибди.

Профессор Марчбэнкснинг нигоҳини бели билан ҳис этган Гарри яна телескопга ёпишиб, ҳолатини бир соат олдин белгилаган Ойга қаради. Профессор Гарридан нари кетиши ҳамано, кулба томондан ҳатто астрономия минорасида ҳам яққол эшитилган наъра янгради. Гаррининг ёнида турган бир неча киши телескопларидан чалғиб, кулба томон юзланди.

Профессор Тофти қуруқ йўталиб қўйди.

- Чалғиманг, чалғиманг, болалар.

Кўпчилик шу заҳоти окулярга юзланди. Гарри чап томон қаради. Гермiona Хагриднинг кулбасидан кўз узмай турибди.

- Ўхў... Ўхў... йигирма дақиқа вақтингиз қолди, - эслатиб қўйди профессор Тофти.

Сесканиб кетган Гермiona харита расмийлаштиришга тушди. Гарри ҳам ишини ёдга олиб, «Зухра» сўзи ўрнига, «Миррих», деб ёзиб қўйганига эътибор қаратиб, хатосини тузатишга энгашди.

Ҳовлида қаттиқ қарсиллаган товуш янгради. Бир неча киши баралла оҳ уриб, кескин бурган бошини телескопга уриб олди.

Кулбанинг эшиги ланг очилиб, ҳосил бўлган ёруғлик тўгарагида олти киши даврасида бақир-чақир қилганча, мушт силтаётган йирик қомат кўринди. Ўртада турган кишига йўналтирилган ингичка қизил яшинларга қараганда, одамлар уни Уриб йиқитиш қарғиши воситасида тинчлантиришга уринмоқда.

- Йўқ! - қичқириб юборди Гермiona.

- Азизам! - хитоб қилди профессор Тофти, - Эсингизни йиғиб олинг, сиз имтиҳондасиз, ахир!

Ситоралар харитасини ҳамма баробар унутиб қўйди. Қизил яшинлар негадир Хагридга ҳеч қандай зиён етказмаяпти. У ҳалигача оёқда туриб, Гаррининг тушунишича, сабот ила қаршилик кўрсатмоқда. Ҳовли бақир-чақир, дод-войга тўлди.

- Мулоҳазалироқ бўлсанг-чи, Хагрид! - қичқирди кимдир.

- Тошингни тер, Давлиш! Мени осонликча енга олмайсан! - жавобан ўқирди Хагрид.

Гарри соҳибини ҳимоя қилишга уринганча, ҳамла қилаётганларга ташланаётган миттигина Сўйлоқтишни кўрди. Уриб йиқитиш қарғиши билан қўйиб юборилган ит ҳушсиз йиқилди. Буни кўриб, қутуриб кетган Хагрид қарғиш қўллаган кишини даст кўтарди-да, нари улоқтириб юборди. Ўн футча нарига учиб тушган айбдор ётган жойида қилт этмай қолди. Оҳ уриб юборган Гермiona кафтини оғзига босиб олди. Гарри Ронга қараб қўйди. Рон ҳам серрайиб қолган. Улар Хагридни бундай қутуриб кетган ҳолатда ҳали ҳеч қачон кўришмаган.

- Қаранг! - чийиллади Патил, панжара орқали осилганча, қаср бўсағасини кўрсатиб.

Асосий эшик боз очилиб, чироқ ёритган майсазор бўйлаб югуриб кетган ёлғиз узун соя кўринди.

- Бу нимаси, - ташвишга тушиб қолди профессор Тофти, - Атиги ўн олти дақиқа қолди-ку!

Унинг сўзларига ҳеч ким эътибор қаратмади. Ҳамма муштлашув томон шиддат-ла югуриб кетаётган одамни кузатиб турибди.

- Қандай журъат этяпсиз?! - қичқирди югуриб бораётган киши, - Қандай журъат этяпсиз?!

- Макгонагалл! - пичирлаганча хитоб қилди Гермiona.

- Ўз холига қўйинг уни! Тинч қўйинг дедим! - қоронғида янгради профессор Макгонагаллнинг овози, - Нима ҳақингиз бор?... У ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ...

Гермiona, Патил ва Лаванда баравар оҳ уриб юборишди. Хагридга ҳамла қилганлар Макгонагаллга қарата кам деганда тўртта уриб йиқитиш қаршининг яшинини йўллашди. Қасрдан кулбага қадар масофанинг ярмини босиб ўтишга улгурган аёл кўкрак соҳасига яшин зарбалари урилгач, бир пас қизил тусда милтилаб турди-да, белига тахта каби қулаб, ҳаракатсиз қолди.

- Турқи хунук махлуқлар! - ўкириб юборди, имтиҳон қабул қилаётганини унутиб юборган профессор Тофти, - Огоҳлантирмай-я! Ғирт аблаҳлик!

- ЯРАМАСЛАР! - ўкирди Хагрид.

Унинг қичқириғи минорада яққол эшитилди. Қасрнинг бир нечта деразасида чироқ ёнди.

- ЛАЪНАТИ РАЗИЛЛАР! МАНА СЕНЛАРГА... МАНА... МАНА ЯНА...

- О, Худ... - оҳ урди Гермiona.

Хагрид қулочкашлаб ҳамла қилганларнинг икки нафарини дўппослаб, ҳушсиз йиқитди-да, икки букилди. Уриб йиқитиш қарғиши ниҳоят кор қилди шекилли, хаёлдан ўтказди Гарри. Лекин давангир елкасига аллақандай қопни ташлаганча, шу заҳоти қаддини ростлади. Бир сония ўтгач, бу қоп эмас, Сўйлоқтишнинг жонсиз танаси эканлигини Гарри англаб етди.

- Ушланг уни, ушланг! - чийиллади Амбриж.

Бироқ унинг омон қолган ягона дастёри Хагриднинг муштини татиб кўришга ошиқмади. У ортга чекинишга шу қадар шошилдики, ерда ётган шеригининг танасига қоқилиб кетиб, юз тубан йиқилди. Гарданига Сўйлоқтишнинг танасини ташлаб олган Хагрид Амбрижга орқа ўгириб, мактаб ҳудудидан чиқиш дарвозаси томон югуриб кетди. Амбриж давангирнинг кетидан яна битта уриб йиқитиш яшинини йўллади-ю, нишонга теккиза олмади. Қоронғилик қаърига кириб кетган Хагрид ниҳоят кўздан ғойиб бўлди.

Астрономия минорасида ўлик жимжитлик қарор топди. Жангни томоша қилиб турганларнинг оғзи ланг очилиб қолган.

- Э-м-м... беш дақиқа қолди, болалар, - деди ниҳоят, хаёлини йиғиб олган профессор Тофти.

Гарри хаританинг фақат учдан икки қисмини расмийлаштиришга улгурди холос, лекин бундай ҳолат уни хавотирга солмади. Имтиҳон якунига етиши ҳамоно, Рон ва Гермiona учаласи телескопларни жойига қўйишди-да, айлана зинапоя бўйлаб пастга югуриб кетишди. Зинапоя бўсағасида халойиқ тўпланиб олган. Ҳеч ким ётмоқчи эмас. Ҳамма ҳозиргина ўз кўзи билан кўрган ҳодисани баланд овозда муҳокама қилмоқда.

- Ярамас! - ўзини идора қила олмай, қичқирди Гермiona, - Қоронғилиқда, зимдан ҳамла қилганини қаранг-а!

- Треланини ишдан бўшатиш ҳолати каби ортиқча саҳна бўлишини истамаган, - ҳикмат қилди,

халойиқ орасидан суқилиб чиққан Эрни Макмиллан.

- Хагрид зўр олишди, а? - деди Рон, юзи қойил қолишдан кўра, кўпроқ кўрқув қиёфасини касб этиб, - Қизиқ, нима учун уриб йиқитиш яшинлари унинг танасидан сапчиб кетди?

- Гигант қони, - титроқ овоз-ла, тушунтириш берди Гермiona, - Уларнинг тери қопламаси тролларникига ўхшаш қалин бўлади... бечора профессор Макгонагалл... кўкрак соҳасига тўртта уриб йиқитиш яшини... ёши ҳам анчага бориб қолган...

- Даҳшат, даҳшат, - деди бошини ясама чайқаган Эрни Макмиллан, - Майли, кириб ётай. Ҳаммага хайрли тун.

Халойиқ бўлиб ўтган ҳодисани муҳокама қилганча, бирин-кетин тарқай бошлади.

- Ҳар қалай, Хагридни Азкабанга олиб кета олишмади, - фикр билдирди Рон, - Энди у, Дамблдорнинг ҳузурига йўл олса керак, а? Нима дедингиз?

- Шундай қилса керак, деб ўйлайман, - деди жазава ҳолатига яқин келиб қолган Гермiona, - Даҳшат! Дамблдор қайтишига жуда умид қилган эдим, аксинча, энди биз Хагриддан ҳам маҳрум бўлдик!

Учовлон бир илож қилиб «Гриффиндор» минорасига қадар етиб борди. Умумий меҳмонхона одамга тўлган. Ҳовлида кўтарилган тўполондан бир неча киши уйғонган, улар эса ўз навбатида ўртоқларини уйғотишган. Гарри, Рон ва Гермionадан бироз олдин етиб келган Дин билан Сириус кўрган нарсаларини одамларга айтиб беришмоқда.

- Хагридни ҳозир ишдан ҳайдашдан нима наф? - бошини тебратди ҳеч нарсани тушунмаган Ангелина Жонсон, - Ҳар қалай у, Трелани эмас-ку. Бу йил эса бултургига нисбатан анча яхши дарс ўтди!

- Амбриж чала зотлардан нафратланади, - ўзини креслога ташлади толиққан Гермiona, - Хагридни мактабдан қувиб солиш у кўзлаган мақсадлардан бири бўлган.

- Хонасига пайпоқтумшуқ исковучнинг киритиб юборилишида ҳам, айнан Хагриддан гумонсираб юрган, - қўшиб қўйди Кэтти Белл.

- Жин урсин, - кафтини оғзига босди Ли Жордан, - Бу менинг ишим эди-ку! Фред билан Жорж жониворларнинг бир жуфтини менга қолдириб кетишган эди. Мен эса уларни навбат билан дераза орқали киритиб борган эдим.

- Нима қилмасин, бари-бир ишдан ҳайдаб юборган бўлар эди, - фикр билдирди Дин, - Ахир Хагрид Дамблдорнинг одами-ку.

- Чиндан ҳам, - деди Гарри, Гермionанинг ёнига жойлашиб.

- Умид қиламан-ки, профессор Макгонагаллга ҳеч нима қилмайди, - кўзига ёш олди Лаванда.

- Уни қасрга олиб киришди, - билдирув берди Колин Криви, - Бироқ аҳволига ҳавас қилиб бўлмайди.

- Помфри хоним уни албатта оёққа қўяди, - қатъий ишонч-ла, баёнот қилди Алисия Спиннет, - Шу кунга қадар у, ҳаммани даволаб, оёққа қўйиб келган.

Ниҳоят, тонготар маҳал соат тўртда ҳамма тарқалди. Уйқусини йўқотиб қўйган Гаррининг кўз ўнгида зимистон қаърига кириб кетаётган Хагрид такрор ва такрор гавдаланар экан, Амбрижга нисбатан ичида қайнаётган нафрат вужудини лоҳас қилмоқда, бақа-аёлга муносиб жазо ўйлаб топа олмай, қийналмоқда. Одам тусидаги ўша нобакор бақани портловчи дракларга ем қилиш борасида Рон томонидан киритилган таклиф атрофлича кўриб чиқилса, ёмон бўлмайди...

Амбрижни қатл қилишнинг турли усуллари ҳақида ўйлаб ётганча, ухлаб қолган Гаррига, дам олгандай бўлмай, уч соат ўтар-ўтмас ўрнидан туришга тўғри келди.

Сўнгги, сеҳргарлик тарихи фани бўйича имтиҳон, куннинг иккинчи ярмига тайинланган. Нонушта ўтгач, Гарри яна бироз ухлаб олишни истади. Ётишдан олдин эса баъзи бир нарсаларни такрорлаб олиш учун умумий меҳмонхона деразаси яқинида, иягини кафтига тираб олганча, Гермionанинг бўйи уч ярим фут келадиган қоғоз уюмидан иборат конспектларини ўқиб ўтирди.

Соат ўн тўртда Катта Залга кириб келган бешинчи синф ўқувчилари тайинланган жойларга ўтирди. Имтиҳон чипталари ҳар бир столда биттадан тескари ағдарилган. Гарри ниҳоятда толиққан. Бола ҳозир фақат бир нарсани, у ҳам бўлса, буларнинг бари тезроқ тугаб, бориб ётишни, уйқуга тўйишни орзу қилмоқда. Эртага эса эркинлик. Рон билан ўйингоҳга чиқиб, унинг супургисида учади...

- Чипталарни очинг, - амр этди профессор Гризельда Марчбэнкс, каттагина қум соатни онтариб, - Жавоб тайёрлашни бошланг.

Гарри маънисиз нигоҳини биринчи сатрга тикиб олганча ўтириб, савол мазмунини тушуниб етмаганини идрок этгани ҳам йўқ. Ўзини дераза ойнасига ураётган арининг ёнғиллаши уни баттар чалғитмоқда. Ниҳоят Гарри аста-секин, ҳар бир сўзни қийналиб топиб, ёза бошлади.

Тарихий саналар хаёлида чувалашиб кетган, исмлар эса эса келмаяпти. Гарри тўртинчи: «Сеҳрли таёқчалардан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши гоблинларнинг ўн саккизинчи аср қўзғолонлари авж олишига таъсир кўрсатди-ми ёки бундай қўзғолонлар бостириб юборилишига омил бўлди-ми? Нима деб ўйлайсиз?» саволини умуман ўтказиб юборишга мажбур бўлди. Вақт қолса, охирида қайтишга аҳд қилди. Бешинчи: «1749 йили Махфийлик Мақоми қай тарзда бузилди ва бундай ҳолат такрорланишига йўл қўймаслик учун қандай чоралар кўрилди?» саволини Гарри бир амаллади. Бироқ унинг назарида, қандайдир муҳим нарсани ўтказиб юборгандай бўлди. Фикрича, ўша ҳодисаларга қонхўрлар аралашган.

Гарри жавоб бера олиши мумкин бўлган саволларни топиш илинжида саволлар рўйхатини ўрганиб чиқиб, ўнинчи саволга келганда кўзи ярқираб кетди: «Халқаро сеҳргарлар конфедерацияси вужудга келган вазиятни баён этинг ва нима учун Лихтенштейн сеҳргарлари, конфедерацияга аъзо бўлишдан бош тортганини тушунтириб ўтинг» (Лихтенштейн (Liechtenstein) Марказий Европадаги Швейцария билан Австрия орасида жойлашган давлат (князлик). Расмий тил – немис тили. Аксарият ҳудудийлар католиклар. Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 11 та коммунага бўлинган. Пойтахти Вадуц шаҳри. Давлат раҳбари князь. Қонун чиқариш органи – бир палатали парламент (ландтаг). Альп тоғларида, Боден кўли бўйида жойлашган. Ҳудудидан Рейн дарёсининг юқори оқими ўтади. Лихтенштейн 1719 йилдан буён ягона князлик сифатида мавжуд). Буни биламан, енгил тортди толиққан Гарри. Унинг кўз ўнгида Гермионанинг дастхати билан ёзилган бўлиб, бугун эрталаб ўқиган сарлавҳаси гавдаланди: «Халқаро сеҳргарлар конфедерациясининг вужудга келиши».

Гарри гоҳи-гоҳида қум соатга қараганча, ёза бошлади. У Парватти Патилнинг ортида ўтирибди. Қизнинг узун қора сочи курси суянчиғидан пастга осилиб тушган. Сал қимирлаб қўйган Патилнинг сочи орасидан зар учқунлар чарақлаб кетмоқда. Гарри қизнинг сочига ҳайрат-ла термилиб, ишдан чалғиётганини бир неча бор идрок этиб, миясини равшан этиш учун ҳар сафар бош силкитиб олишга тўғри келди.

Халқаро сеҳргарлар конфедерациясининг Энг Нуфузли Зоти дастлаб Пьер Бонаккорд бўлган. Бироқ, унинг бундай лавозимга тайинланишига Лихтенштейннинг сеҳргарлар жамоаси ўз норозилиklarини билдиришган. Негаки...

Гаррининг атрофида пат-қаламлар шитирлаши эшитилиб, ушбу овоз сичқонларнинг ёмири-ёмирини эслатмоқда. Қуёш нурлари унинг энсасини қиздириб юборди. Ўша бадбахт Бонаккорд нимаси билан Лихтенштейн сеҳргарларига ёқмай қолди экан, а? Афтидан бундай ҳолат аллақандай тарзда троллар билан боғлиқ бўлган... Гарри Патилнинг сочига боз термилиб қолди. Агар легалименцияни ўзлаштирган бўлганимда, Патилнинг миясига сингиб кириб, троллар Пьер Бонаккорд билан Лихтенштейн орасидаги муносабатларнинг бузилиб кетишига қанчалик сабабчи бўлишганини билиб олган бўлар эдим, хаёлдан ўтказди Гарри.

У кўз олдидаги қизил парда барҳам топиши учун юзини кафтига суяб олди. Бонаккорд тролль овини бас қилиб, уларга муайян ҳақ-ҳуқуқлар берилишини истаган... Лихтенштейн аҳолисига эса

тоғ тролларининг дарғазаб қабиласи тинчлик бермаган... гап айнан мана шу муаммода бўлган. Гарри лўқиллаётган кўзини очиб, троллар ҳақида бир амаллаб икки сатр ёзди-да, қайтадан ўқиб чиқди. Жуда оз. Бироқ, ушбу мавзуга оид Гермionaдан олинган конспект ҳажми анчагина йирик эди. Кўзни қамаштираётган оппоқ пергамент боланинг кўзини ёшлантириб юборди.

Кўз олдига келтириш, эслаш мақсадида у яна кўзини юмди... Конфедерация доирасидаги дастлабки учрашув Францияда бўлиб ўтган, ҳа, бу ҳақда ёзди... Йиғилишда гоблинлар ҳам иштирок этмоқчи бўлишган-у, уларга ижозат берилмаган... буни ҳам ёзди... Лихтенштейн вакиллари эса Францияга келишни ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмаган.

Ўйла, эсла, ўзига ўзи буюрди Гарри, юзини кафтига босиб. Атрофда пат-қаламлар шитирлагани-шитирлаган, қум соатнинг устки колбасидаги қум эса пастки колбага оқиб тушгани-тушган... Гарри Сирли бўлимга олиб борадиган муздай йўлак бўйлаб, ора-сира югурганча, кўзланган мақсадга ниҳоят эришишга қатъий аҳд қилиб, шахдам қадам ташлаб бормоқда... Гарри яқин келиши билан қора эшик, одатдагидай, ланг очилди... Ниҳоят, кўп эшикли думалоқ хонага кириб борди...

Тош ётқизилган пол... олға, олға, кейинги эшикка... мана девор ва полда ўйноқлаётган шуълалар ва қандайдир ғалати, механик чиқиллаш эшитилмоқда. Бу ниманинг товуши эканлигини билиб олишга ҳозир вақт йўқ, шошилмоқ даркор...

Атиги бир неча фут юриш керак холос... Гарри учинчи эшик томон югурди... униси ҳам, қолган эшиклар каби, итоат билан ланг очилди...

Шиша шарчалар терилган токчалар билан жиҳозланган баҳайбат зал... Гаррининг юраги ниҳоятда тез ура бошлади... бу сафар у... тўқсон еттинчи қаторга бориш кераклигини қаердандир билади... чапга бурилиб, токчалар орасидаги йўлак бўйлаб югура кетди...

Полда ётган анави нарса нима? Шаклсиз, қора, яраланган ҳайвон каби тўлғанмоқда... Кўрқув, ҳаяжондан Гаррининг қорин соҳаси уюшиб қолди...

Гарри баланд, муздай янграган, оҳангида одамийликдан асар ҳам бўлмаган овоз-ла гапира бошлади:

- Қўлингга ол уни... кўтар... мен унга тега олмайман... сен эса қўл теккиза оласан...

Ерда ётган қора шарпа қимирлади. Гарри ўшининг оппоқ, сеҳрли таёқчани маҳкам сиқиб олган қўлини кўрди... баланд эшитилган совуқ овози ила қарғиш ўқиди:

- Крусио!

Ерда ётган одам жони оғриб, дод солди, оёққа турмоқчи бўлди-ю, типирчилаб, боз йиқилди. Гарри хандон отди. У қарғиш таъсирини тўхтатганча, таёқчани юқорига кўтарди. Инсон инграб, шалпайиб қолди.

- Лорд Вольдеморт кутмоқда...

Ерда ётган одам қалтираётган қўлига тиралганча, аста-секин бошини кўтарди. Унинг қонга беланган, сўлғин, оғриқдан буришиб кетган юзи мардонавор қиёфа касб этган...

- Ундан кўра, мени ўлдирганинг маъқул, - базўр пичирлади Сириус.

- Жонингни суғуриб олишим муқаррар, бу масалада шубҳа қилмасанг бўлаверади, аммо мен шошаётганим йўқ, - жавоб берди Гарри, - Дастлаб сен менга керакли нарсани олиб берасан, Блэк... Жоним оғриди, деб ўйлаяпсан-ми? Бу ҳали ҳолва... ўйлаб кўр... ҳали бир олам вақтим бор. Қичқириқларинг эса бу ердан эшитилмайди...

Вольдеморт таёқчасини туширгач, кимдир қичқириб юборди. Шундай баланд қичқирдики, Гарри, қизиб кетган партадан қулаб тушди... Тош ётқизилган муздай полда ётган бола уйғонган бўлса-да, қичқиришни давом этмоқда. Чандиғи чўғдай ёнмоқда, атрофига эса Катта Залда борки одам йиғила бошлади.

## ЎТТИЗ ИККИЧИ БОБ. ОЛОВ ИЧРА

- Йўқ... касалхонага бормайман... боришни истамайман... - пўнғиллади Гарри, бақрайиб қолган халойиқ олдидан вестибюлга олиб чиққан, ўзи ҳам ташвиш-ла қараб турган профессор Тофтининг қўлидан халос бўлишга уриниб, - Ўзимни... яхши ҳис этипман, сэр, - дудуқланди у, пешонасидаги терни артиб, - Гапим рост... кўзим илиниб қолиб... ёмон туш кўрибман...

- Ҳолдан тойгансиз! - титроқ қўли билан боланинг елкасига уриб қўйди қария, ачинаётганини кўрсатиб, - Бўлиб туради, йигитча, бўлиб туради! Хўш, сув ичиб олиб, қайтасизми? Имтиҳон деярли ниҳоясига етди... сўнгги жавобингизни охирига етказиб қўясиз, эҳтимол...

- Ҳа, - ғалати жавоб берди Гарри, - Яъни... йўқ. Мен... билганимни ёзиб бўлдим... бўлдим...

- Жуда яхши, - кўнгилчанлик-ла жавоб берди Тофти, - Жуда соз. Ундай бўлса, қоғозларингизни ўзим йиғиштириб оламан. Сиз эса бориб ётинг. Шундай қилсангиз, маъқул иш қилган бўласиз. Қария Катта Зал остонасини ҳатлаб ўтиши билан Гарри мармар зинапоядан тез кўтарилиб, қаср йўлаклари бўйлаб ўқдай учди. Деворга маҳкамланган портретлар бола кетидан гина оҳангида ғудуллаб қолишмоқда. Яна бир нечта йўлакдан югуриб ўтган Гарри қасрнинг касалхона жойлашган қанотига отилиб кирди.

- Миянгни еб қўйдинг-ми, Поттер? Жониб чиқиб кетишига сал қолди-ку! - қўрқиб кетганидан қичқириб юборди Помфри хоним, чой қошиқ воситасида Монтегью оғзига аллақандай кўк суюқлик қуйиб ўтирган жойида.

- Профессор Макгонагаллни кўргани келдим, - хансиради, тез югурганидан ўпкаси ёрилиб кетишига сал қолган Гарри, - Жуда... зарур ишим бор... унда!

- Бу ерда йўқ, у, Поттер, - деди Помфри хоним маъюс оҳангда,

- Бу ерда йўқ?! - ичи ағдарилиб, сўради Гарри.

- Бугун эрталаб Муқаддас Резги касалхонасига олиб ўтилди. Кўкрак соҳасига бараварига тўртта уриб йиқитиш яшинининг зарбасига бардош бериш ҳазил гапми унинг ёшида! Жони узилмаганининг ўзи мўъжиза!

Кўнғироқ зарби янгради. Юқори ва пастки қаватларда, эшик ортида йўлакларга отилиб чиққан ўқувчиларнинг шовқин-сурони эшитилди. Вужудини даҳшат қамраб олган Гарри қоқилган қозиқ каби қилт этмай, Помфри хонимга бақрайиб қолди.

Ҳеч ким қолмади. Айтиб берадиган одам йўқ. Дамблдор йўқ, Хагрид йўқ... Забти тор, камгап бўлса ҳам, доимо шу ерда бўладиган профессор Макгонагалл ҳам йўқ...

- Сени тушуниб турибман! - хитоб қилди Помфри хоним, юзида таҳсин қиёфаси ярқираб, - Кун ёруғида Минерва Макгонагаллга ҳамла қилиб кўришсин-чи, қани! Қандай сафиллик...

номардлик... васийлигим остидаги ўқувчиларга меҳрим бўлмаганида, эътироз тариқасида ишдан бўшаб кетган бўлар эдим!

- Ҳа, - жавоб қайтарди Гарри, ифодасиз оҳангда.

У тескари ўгирилиб, кўзига ҳеч нима кўринмаган ҳолатда мактаб ўқувчиларига тўлиб-тошган йўлакка чиқди-да, ўртада тек қотди. Ўтган-кетганлар уни туртиб, ниқтаб ўтишаётган бўлса ҳам, ҳеч нимани сезмади. Ваҳима, худди заҳарли газ сингари, вужудини тез қамраб олмоқда. Фикр-хаёллари чалкашиб кетиб, нима қилишини билмай қолди...

Рон билан Гермiona, эшитилди миясида кимнингдир овози.

Гарри дуч келганларни турта-сурта, йўлакдаги одамларнинг домангир, эътирозли қичқириб қолганларига эътибор қаратмай, яна югуриб кетди. У икки қаватдан яшин каби тушиб, мармар зинапояннинг юқори қисмида қарама-қарши келаётган Рон билан Гермionани кўрди.

- Гарри! - хитоб қилди, қўрқиб кетган Гермiona, - Нима бўлди? Аҳволинг яхшими? Тобинг қочиб қолмади-ми?

- Қаерда юрибсан? - овоз кўтарди Рон.



- Мен билан юринг, - деди Гарри, - Тез бўлинг. Сизларга айтадиган гапим бор. Ўртоқларини биринчи йўлак бўйлаб ортидан эргаштириб бораётган Гарри дуч келган хона эшигини очиб, ичкарига қараб борди. Ниҳоят бўш хона топилди. Ичкарига кириб, Рон билан Гермионани ўтказиб юборгач, зич ёпган эшикка суюниб олди.

- Сириус Вольдемортнинг қўлига тушиб қолибди.

- Нима?!

- Қаердан биласан?

- Кўрдим. Ҳозиргина. Имтиҳон вақтида ухлаб қолганимда.

- Қаерда?... Қандай қилиб? - сўради юзидан қон қочган Гермиона.

- Қандай қилиб тушиб қолганини билмайман, - жавоб берди Гарри, - Лекин қаердалигини аниқ биламан. Сирли сеҳр бўлимида шиша шарлар терилган токчалар билан жиҳозланган зал бор. Сириус билан Вольдеморт иккаласи тўқсон еттинчи қаторнинг охирида турибди... Сириусни қийноққа соляпти... ниманидир олишга мажбур қилмоқчи... ўлдириши муқаррарлигини яширмапти!

Овози-ю, тиззаси титраётган Гарри ўзини қўлга олиш учун столга қадар аранг етиб олиб, ўтирди.

- У ерга қандай қилиб етиб олсак бўлади? - амаллаб сўради у.

Орага сукунат чўкди.

- У-у ерга деганинг қ-қаерга? - дудуқланди Рон, дақиқа ўтгач.

- Қаерга бўлар эди, Сирли сеҳр бўлимига-да! Сириусни қутқариш керак! - хитоб қилди Гарри.

- Бироқ... Гарри... - бўшашиб пичирлади Рон.

- Нима? Нима? - бақирди Гарри.

Нега улар бақрайиб қолишди, қулоқ эшитмаган гап айтдим-ми мен, хаёлдан ўтказди Гарри.

- Гарри, қ-қандай... қандай қилиб Вольдеморт Сирли сеҳр бўлимига кира билди? - сўради ҳадиксираб Гермиона, - Нега уни ҳеч ким кўрмайди?

- Мен қаердан билай?! - ўкириб юборди Гарри, - Ҳозир масала бошқа нарсада, у ҳам бўлса, ўша ерга қандай қилиб етиб олишимизда!

- Гарри... ўзинг ўйлаб кўр, - Гарри томон қадам ташлади Гермиона, - Ҳозир кундуз куни, соат беш бўлса... Вазирлик одамга тўлган маҳал... Наҳотки Вольдеморт билан Сириус ўша ерга кира олишса? Улар... иккаласи ҳам қидирувда, Гарри. Бошқа ҳеч ким бу қадар қидирилмайди... Аврорлар тўлиб-тошган бинога пинҳон кириб борса бўлади, деб ўйлайсан-ми?

- Билмадим, балким Вольдемортнинг кўринмас плаши ёки бошқа бирон балоси бордир! - бақира кетди Гарри, - Умуман айтганда, мен неча маротаба бўлган бўлсам, Сирли сеҳр бўлими доимо кимсасиз бўлади...

- Сен ҳеч қачон бўлмагансан, у ерда, Гарри, - аста эътироз билдирди Гермиона, - Тушингда кўргансан холос.

- Бу шунчаки туш эмас! - бақиршини қўймади Гарри, ўрнидан туриб, Гермиона томон қадам босганча, - Роннинг дадасини эсингдан чиқариб қўйдинг-ми? - сўради у, қизни силтаб юборишдан ўзини базўр тийиб, - Хўш, ўша тушимни қандай изоҳлайсан? Унга нима қилганини мен қаердан билган бўлишим мумкин, а?

- Тўғри айтяпти, - аста фикр билдирди Рон, Гермионага мурожаат қилиб.

- Аммо... лекин... бироқ... бу... ақл бовар қилмайди! - умидсиз оҳанг-ла, хитоб қилди Гермиона, - Гарри, қандай қилиб Вольдеморт уйдан чиқмай ўтирган Сириусни қўлга тушириши мумкин?

- Балким Сириус тоқати тоқ бўлиб, очиқ ҳавога чиққандир, - тахмин қилди Рон, ташвишли оҳангда,

- Озодликка чиқишни кўпдан буюн орзу қилади...

- Бироқ нимага, нимага Вольдемортга, ўша қурол ёки қандайдир бошқа балога эга бўлиш учун айнан Сириус керак бўлиб қолди?- тинчланмади Гермиона.

- Билмадим! - ўшқирганча жавоб берди Гарри, - Бунинг сон мингта сабаби бўлиши мумкин, -

Балким, ачинишга арзимайдиган бўлгани учун Сириусни қийнаш осонроқ кечар унга!  
- Биласизми, хаёлимга бир ўй келди, - бўғиқ шивирлади Рон, Сириуснинг укаси Ўлимдан  
мириқувчи бўлган, шундайми? Қуролга эга бўлиш йўлини Сириусга айтиб кетган бўлса-чи, нариги  
дунёга равона олишдан олдин, а?

- Худди шундай! Шу боис ҳам, Дамблдор Сириусни уй қамоғида тутиб турибди! - маъқуллади  
Гарри.

- Қулоқ солинг, - бақира кетди Гермиона, - Мени маъзур сананг-у, бироқ иккалангизнинг ҳам  
сўзларингиз ғирт бемаъни эшитилмоқда! Хали ҳеч нарса аниқ эмас! Ўша ердами улар, йўқми...

- Гарри уларни кўрди, Гермиона! - кескин бурилди Рон.

- Яхши, - деди Гермиона, ҳадиксираб бўлса-да, қатъий оҳангда, - Бироқ мен... мен бир нарсани  
айтиб қўйишим керак...

- Нимани?

- Сен... Гарри... Буни қоралаётганим йўқ, албатта, лекин сенда... нима десам экан... ҳеч ўйлаб  
кўрмадинг-ми... одам қутқариш борасида ғалати мойиллигинг борлиги ҳақида, а? - ниҳоят  
фикрини якунлади Гермиона.

Гарри ғазаб-ла Гермионага қараб қолди.

- Хўш, «ғалати мойиллик» деганингни қандай тушуниш керак?

- Сен... Айтмоқчиман-ки... - хавотир-ла Гаррига қараб турди Гермиона, - Мисол учун, ўтган йили...  
кўлда... Уч сеҳргар беллашуви давомида... Флёрнинг синглисини қутқармаслигинг керак эди...  
лекин сен... бари-бир...

Гаррининг вужудини қизиқиб кетган ғазаб тўлқини титратиб юборди. Буни эшлашнинг нима кераги  
бор ҳозир?

- Хатти-ҳаракатларинг жуда олижаноб бўлган, албатта ва ҳоказо, - шоша-пиша қўшиб қўйди  
Гермиона, Гаррининг юзида акс этган қиёфадан қўрқиб кетгани яққол билиниб, - Ҳамма таҳсин  
ўқиган ўшанда.

- Гапларинг ғалати эшитиляпти, - тиши орасидан вишиллади Гарри, - Тўпори бўлганим, кўл тубида  
ўзимни қаҳрамонона тутиб, вақтни беҳуда сарф этганим ҳақидаги Роннинг сўзларини жуда яхши  
эслайман... Хўш, бу билан нима демоқчисан? Яна ўзимни қаҳрамонона тутяпман-ми?

- Йўқ, йўқ, йўқ! - даҳшат-ла хитоб қилди Гермиона, - Мен мутлақо бошқа нарсани назарда тутган  
эдим!

- Ундай бўлса, гапир тезроқ! Вақт йўқ!

- Айтмоқчиман-ки... Вольдеморт сени жуда яхши билади! Махфий хонага ҳам, Жиннанинг  
воситачилигида жазб қила олган сени! Бундай хатти-ҳаракатлар унинг иш услуби саналади.  
Табиатан қандай одамлигингни била туриб, Сириусга ёрдамга етиб боришга уринишинг муқаррар  
эканлигидан фойдаланишни ният қилган! Агар ҳозир у, ўз иш услубини қўллаган тарзда сени,  
шунчаки, Сирли сеҳр бўлимига жазб этаётган бўлса-чи, а?...

- Жазб этипти-ми, йўқми, фарқи нима, Гермиона? Макгонагалл Муқаддас Резги касалхонасида  
ётибди, «Хогварц»да бирон-бир Орден аъзоси йўқ! Хабар берадиган одам йўқ. Агар Сириусга  
ёрдам бергани бормас эканмиз, ҳалок бўлади!

- Лекин... Гарри... агар тушинг шунчаки туш бўлса-чи?

Иложсиз бўлиб бораётган Гарри ғазабдан наъра тортиб юборди. Чўчиб кетган Гермиона нари  
чекинди.

- Сен тушунмаяпсан! - ўкирди Гарри, - Бу алаҳсираш ҳам эмас шунчаки туш ҳам эмас! Окклуменция  
билан нима учун шуғулландим, нима деб ўйлайсан, а? Чунки тушларим воқеликни КўРСАТАДИ  
МЕНГА, Гермиона! Сириуснинг ҳаёти хавф остида! Буни мен ўз кўзим билан кўрдим! У  
Вольдемортнинг қўлига тушиб қолган ва бу ҳақда ҳеч ким билмайди! Фақат биз унга ёрдам бера  
олишимиз мумкин! Агар боришни истамасанг, марҳамат, мен ўзим бораман, тушунарлими?

Умуман айтганда, сени дементорлардан қутқарганимда «ғалати мойиллигим» борасида эътироз билдирмаган эдинг, шекилли, а? Ёки, - Рон томон юзланди Гарри, - Сенинг синглингни Василискдан қутқарганимда...

- Эътироз билдираман, деганим йўқ мен! - хитоб қилди Рон.

- ДЕМАК, МЕН ЎЗИМНИ ҲЕЧ НАРСА КЎРМАГАН КЎЙГА СОЛИБ ОЛИШИМ КЕРАК ЭКАНДА...

- Онгингни муҳосара қилишни ўрганиб олишдан муҳим нарса йўқ, деган эди Сириус сенга!

- ҲОЗИР У БОШҚАЧА САЙРАГАН БЎЛАР ЭДИ, АГАР АЙНИ ПАЙТДА, УНИНГ ҚАЕРДАЛИГИ ВА ҚАНДАЙ АҲВОЛДА ЭКАНЛИГИДАН ВОҚИФЛИГИМНИ БИЛСА...

Гарри, Рон ва Гермиона дафъатан очилган эшик томон кескин бурилиб, хонага кириб келган Жинна билан Лунани кўришди. Жиннанинг юзи қизиқсиниш, Лунанинг юзи эса одатдагидай, худди бу ерга, йўлакда эсган шабада тўсатдан киритиб юборгандай қиёфа касб этган.

- Салом, - журъатсиз кўришди Жинна, - Гаррининг овозини эшитиб қолдик. Нега бунчалик кучаниб бақиряпсиз?

- Ишинг бўлмасин, - ўшқириб берди Гарри.

- Мен билан бундай оҳангда гаплашма, - совуқ оҳангда жавоб қайтарди, қоши кўтарилиб кетган Жинна, - Ёрдам керак-керак эмаслигини билмоқчи эдим.

- Керак эмас, - қисқа қилди Гарри.

- Қўпол муомала қиялсан, - лоқайд оҳангда таъкидлаб ўтди Луна.

Шайтон сўзи билан сўкинган Гарри тескари ўгирилиб олди. Бахт-саодат мутлақ бўлиш учун Луна Лавгуд билан ўтадиган суҳбат камлик қилиб турган эди ҳозир.

- Шошманг, шошманг, - деди Гермиона, - Гарри, улар чиндан ҳам ёрдам бера олишлари мумкин. Гарри билан Рон ҳайрон бўлиб, Гермионага қараб қолишди.

- Қулоқ солинг, - ғайрат-ла давом этди Гермиона, - Гарри, авваламбор, Сириус чиндан ҳам қароргоҳни тарк этиб чиққанига ишонч ҳосил қилмоқ даркор.

- Айтдим-ку, сенга, кўрдим, деб.

- Гарри, ўтинаман! - ёлворди Гермиона, - Лондонга отланишдан олдин, Сириус уйдаи, йўқми аниқлаб олайлик, илтимос. Агар уйда йўқ бўлса, онт ичиб айтаман-ки, сени тутиб қолмайман. Ўзим ҳам сен билан бирга бораман, мен... уни қутқариш учун қўлдан келганча ҳаракат қиламан.

- Сириус айна шу дақиқаларда қийноққа солинмоқда! - бақирди Гарри, - Ҳозир ҳар бир дақиқа фанимат!

- Агар бу Вольдемортнинг тузоғи бўлса-чи, Гарри. Текшириб кўришимиз керак, текшириб!...

- Қандай қилиб? - талаб оҳангида сўради Гарри, - Қай тарзда текшира оласан?

- Яна Амбрижнинг каминидан фойдаланган тарзда. Сириус билан алоқа боғлашга уриниб кўрмоқ даркор, - деди Гермиона, ўз фикрида ўзи кўрқиб кетгани яққол билиниб, - Амбрижни ўз хонасини тарк этиб чиқишга мажбур қиламиз, аммо бизга соқчилар керак бўлади ва айна шу масалада Жинна билан Лунанинг ёрдами асқатиб қолади.

- Биз розимиз, - деди Жинна, гарчи гап нима тўғрисида бораётганини ҳали тўлиқ англаб етмаган бўлса-да.

- Сиз «Сириус», деб, «Хобгoblinлар» гуруҳининг етакчиси, таниқли Сценни Тьянтерни назарда тутяпсиз-ми? - қизиқди Луна.

Лунанинг саволи жавобсиз қолди.

- Хўп, майли, - тажовузкорона оҳангда розилик берди Гарри, Гермионага мурожаат қилиб, - Агар ишни тезроқ бажариш йўлини ҳам ўйлаб топсанг, розиман. Акс ҳолда, Сирли сеҳр бўлимига ҳозироқ йўл оламан.

- Сирли сеҳр бўлимига? - боз қизиқди Луна, - У ерга қандай қилиб бориб қоласан?

Лунанинг ушбу саволи ҳам жавобсиз қолди.

- Хўш, - гап бошлади Гермиона, бармоқларини ўзаро қовуштириб олганча, парталар орасида

юриб, - Хўш... яхши... кимдир Амбрижни топиб, бошқа, хизмат хонасига қарама-қарши томон йўллаши лозим. Унга, билмадим, айтайлик Дрюзг, одатдагидай, бирон-бир даҳшатли иш қилиб қўйганини айтиши керак...

- Буни мен эплай мумкин, - таклиф киритди Рон, - Дрюзг бир нарсани бошқа нарсага айлантириш бўлинмасини ағдар-тўнтар қилиб ташлаганини айтаман. Бўлинма Амбрижнинг хонасидан анча олисда жойлашган. Умуман айтганда, агар Дрюзгнинг ўзини учратиб қолсам, айнан шундай қилишини илтимос қиламан, ундан.

Гермиона бир нарсани бошқа нарсага айлантириш бўлинмасини чиндан ҳам ағдар-тўнтар қилиб юбориш масаласида эътироз билдирмагани вазият жуда жиддий эканлигини англатди.

- Келишдик, - деди қошини чимириб, парталар орасида юришни давом этган Гермиона, - Давом этамиз. Биз эшикни бузаётганимизда хона яқинида кимдир бўлиши керак, акс ҳолда, қилаётган ишимизни кўриб қолган слизеринчилар чақимчилик қилишлари муқаррар.

- Луна иккаламиз йўлакнинг икки бошига туриб оламиз-да, у томонга юриш мумкин эмаслиги, кимдир Гаррот газини чиқариб юборганини айтиб, ҳаммани қўрқитамиз, - шайлик-ла, таклиф киритди Жинна ва ушбу ёлғонни бу қадар тез ўйлаб топганидан ҳайрон бўлган Гермионанинг юзини кўриб, елка қисиб қўйди, - Фред билан Жорж кетишдан олдин айнан шундай қилишмоқчи эди.

- Яхши, - маъқуллади Гермиона, - Иккаламиз эса Гарри, кўринмас плаш остида хонага кирамиз ва сен Сириус билан юз кўришасан...

- Гермиона, уйда йўқ у, юз кўришгани.

- Айтмоқчи эдим-ки, унинг уйда йўқлигига ишонч ҳосил қилиб оласан. Мен қўриқчилик қилиб тураман. Ёлғиз ўзинг бўлишинг мумкин эмас у ерда. Зеро, Ли ва унинг пайпоқтумшуқ исковучлари туфайли, хона деразаси хавфли нуқталардан бири эканлигини энди биламиз.

Ғазаб отига миниб, тоқати тоқ бўлаётганига қарамай, Гарри, Гермионанинг нақадар содиқ ва мард дўст эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

- Мен... яхши, раҳмат, - ғудуллади у.

- Жуда соз. Бироқ таъкидлаб ўтишим жоизки, - давом этди, режаси Гарри томонидан маъқулланганидан анча енгил тортгани овозидан билиниб турган Гермиона, - Тадбир силлиқ ўтган тақдирда ҳам, Филч ва назорат бригадаси туфайли, ихтиёримизда беш дақиқадан ортиқ вақт бўлмайди.

- Беш дақиқа етарли муҳлат, кетдик, - деди Гарри.

- Ҳозирми? - овоз кўтариб юборди, чўчиб кетди Гермиона.

- Қачон бўлмаса? - дарғазаб ўшқирди Гарри, - Кечки овқат маҳалини кутишимиз керакми?

Гермиона, Сириусни айни дақиқаларда қийноққа солишяпти!

- Мен... хўп, майли, - ноилож розилик билдирди Гермиона, - Бор, плашингни олиб кел. Хона яқинида, йўлакда учрашамиз, хўпми?

Гарри жавоб бермай, хонадан яшиндай отилиб чиқиб, ўзини халойиқ орасига урганча, «Гриффиндор» минораси томон ўқдай учди. Икки қават юқорига чиқиб, Дин билан Симусга дуч келди. Иккаласи Гаррини чақириб, имтиҳон мавсуми якунига етгани муносабати билан умумий меҳмонхонада тонготар маҳалгача чўзиладиган байрам уюштиришни ният қилишганини маълум қилди. Гарри иккала синфдошининг сўзларини аранг тинглаб, портрет ортидаги туйнук очилиши билан ичкарига кириб кетди. Дин билан Симус эса ҳузур-лаззат ичимлигидан неча шиша олиш кераклиги ҳақида баҳслашганча қолиб, Гарри юк халтасига кўринмас плаши билан пичоғини солиб чиққандагина, у қаергадир йўқолиб қолганини пайқашди.

- Гарри, икки галлеон қўшасанми? Гарольд Дингл куйдирадиган вискининг нархидан бироз ўтиб беришга ваъда қилди...

Иккаласи гапини тугатмай, Гарри елдай учганча, зинапоянинг сўнги бир нечта поғонаси узра

сакраб ўтиб, Амбрижнинг хонасига олиб борадиган йўлакка йиғилган Рон, Гермiona, Жинна ва Лунанинг ёнида ҳозир бўлди.

- Олиб келдим, - ҳансиради у, - Хўш, тайёрмисиз?

Олтинчи синф ўқувчиларининг шовқин-суронли гуруҳи ўтди.

- Тайёрмиз, - пичирлади Гермiona, - Хўш, Рон, бориб Амбрижни чалғит... Жинна, Луна, йўлакни тозалашга киришинг... Гарри иккаламиз эса плаш остига бекиниб, йўл бўшабини кутамиз...

Рон ўз зиммасидаги топшириқни ижро этгани йўл олди. Унинг қуюқ, ёрқин малла сочи йўлак охирига етгунча, анча вақт кўриниб турди. Йўлакнинг нариги бошида эса Жиннанинг ўхшаш рангли сочи билан Лунанинг оқ-сарик боши кўринмоқда.

- Бу ёққа.

Гермiona Гаррининг қўлидан ушлаб, устига аллақандай бадбашара, тинмай вайсаётган ўрта аср сеҳргарининг тош бюсти ўрнатилган устундаги камгак ичига тортди.

- Айтгандай, сен... чиндан ҳам ўзингни яхши ҳис этяпсан-ми? Юзингда қон йўқ.

- Яхши, - қисқа қилди Гарри.

Умуман айтганда, чандиғи симилламоқда-ю, у қадар кучли эмас. Демак Вольдеморт Сириусни ҳали ўлар ҳолатга келтирмаган. Эйверини қийноққа солганида чандиқ анча қаттиқ оғриган эди.

- Мана бундай.

Гарри ўзи ва Гермionанинг устига кўринмас плашни ташлади. Иккаласи тек қотиб, тош бюстнинг лотин тилидаги ноаниқ ғудуллаши орасида, атрофда эшитилаётган ҳар бир товушга диққат билан қулоқ тутди.

- Бу томонга юриш мумкин эмас! - эшитилди узоқда турган Жиннанинг баланд овози, - Айланувчан зина орқали айланиб ўтишингизга тўғри келади. Кимдир бу ерга Гаррига газини чиқариб юборибди...

Одамларнинг домангир вайсашлари эшитилди.

- Ҳеч қанақанги газ кўрмаяпман, - пўнғиллади кимдир.

- Чунки Гаррига рангсиз газлар туркумига киради, - тушунтириш берди Жинна худди ўтган-кетган одамларни ишонтиравериб толиққан овози ила, - Истасанг, марҳамат, ўтавер. Жонсиз ётган тананг сенга ўхшаган ишонмаслар учун ашёвий далил бўлади.

Халойиқ сони аста камайди. Гаррига газ ҳақидаги хабар мактабга тез тарқалган кўринади, ҳеч ким бу томон юрмай қўйди. Ниҳоят йўлак кимсасиз қолиб, жимжитлик қарор топгач, Гермiona пичирлади:

- Энди чиқсак бўлади, Гарри. Кетдик.

Икковлон плаш остида камгак ичидан аста чиқиб, хона томон йўл олишди. Йўлакнинг нариги томонида Луна орқа ўгириб турибди. Жиннанинг ёнидан ўтишар экан, Гермiona пичирлаб қўйди:

- Жуда яхши... сигнал бериш ёдингдан кўтарилмасин.

- Яна қанақа сигнал? - аста сўради Гарри, хона эшигига яқинида.

- Агар Амбрижни кўриб қолишса «Уэсли – қиролимиз!» қўшиғини бақариб айтишади, - жавоб берди Гермiona.

Гарри пичоғининг тиғини эшик билан кесакининг орасига киритди. Қулф шиқиллаб, эшик очилгач, иккаласи ичкарига кирди.

Ликопларга тасвирланган ранг-баранг мушуклар деворга тушган қуёш нурида исинмоқда. Хонада жимжитлик қарор топган.

- Иккинчи исковучдан кейин муҳофаза чорасини кучайтиради, деб қўрққан эдим, - енгил тортди Гермiona.

Плашни ечишгач, Гермiona дераза ёнига тез бориб, қўлига сеҳрли таёқчасини ушлаб олганча, ташқаридан кўринмаслик учун ён томонда туриб олди-да, ҳовлини кузата бошлади. Гарри камин ёнига югуриб бориб, саёҳат уни солинган тувакни чангаллаб олди-да, бир сиқим ун олиб, ўчоққа

ташлади. Яшил олов гуриллагач, тиззасига ўтирди.

- Пинҳонийлик майдони, ўн иккинчи уй!

Тиззаси совуқ полда ҳаракатсиз қолган бўлса ҳам, боши гир айланиб, ҳаракат бошлади. Гирдоб ичра кулга тўлмаслиги учун, Гарри кўзини чирт юмиб, айланма ҳаракат тўхтагач, очди ва Сириуснинг узун, кимсасиз ошхонасини кўрди. Айнан шундай манзарага дуч келишини кутган эди, албатта, бироқ хонада ҳеч ким йўқлигини кўриб, вужудини ваҳима қамради.

- Сириус? - қичқирди у, - Сириус, шу ердамисан?

Унинг овози ошхонада акс-садо бўлиб янгради. Жавоб бўлмади, лекин каминнинг ўнг томонида қандайдир ғимирлаш сезилди.

- Ким бор? – қичқирди, сичқон бўлса керак, деган хаёлга борган Гарри.

Девор ортидан нимадандир ғайриоддий даражада мамнун қиёфа касб этган, иккала қўлининг кафтига бинт ўралган Тараққос чиқиб келди.

- Камин чўғида болакай Поттернинг боши, - бўм-бўш хонага хабар берди, Гаррига ўғринча қараган уй эльфи, - Уни бу ерга нима олиб келган бўлиши мумкинлигини Тараққос тушунмаяпти.

Эльфнинг кўзида жуда ғалати, тантанавор нигоҳ кўринди.

- Сириус қани, Тараққос? Гапир!

Уй эльфи ҳуштак чалган сингари овоз чиқарди.

- Соҳиб уйда йўқ, Гарри Поттер.

- Қани у? Қаерга кетди? Гапир, Тараққос!

Тараққос ҳиринглаб қўйди.

- Қараб тур, адабингни бериб қўяман сени! - таҳдид қилди Гарри, - гарчи ўзининг ҳозирга ҳолатида Тараққос учун мутлақо хавфсиз эканлигини билса ҳам, - Люпин, Ўйноқкўз-чи? Бирортаси борми?

- Ҳеч ким йўқ. Тараққос ёлғиз ўзи қолган! - бахтиёр оҳангда маълум қилди эльф, Гаррига орқа ўғирганча, чиқиш эшиги томон йўл олиб, - Тараққос бориб ўз соҳибаси билан суҳбат қуради, ҳа, ҳа, улар кўпдан буён тўйиб суҳбат қуришмаган. Соҳиб ижозат бермас эди.

- Сириус қани, Тараққос? - бақирди Гарри эльфнинг ортидан, - Сирли сеҳр бўлимидами?

Тараққос кетаётган жойида тек қотди. Стол ва курси оёқлари орасида, унинг кал боши базўр кўринмоқда.

- Соҳиб бечора Тараққосга қаёққа кетаётгани ҳақида ҳеч қачон билдирув бермайди, - пўнғиллади эльф.

- Сен бари-бир биласан-ку! - бақирди Гарри, - Биласан-ку, а? У ҳозир қаердалигини биласанми?

Бир дақиқали сукунатдан сўнг, эльф етарлича баланд ҳиринглаб қўйди.

- Соҳиб Сирли сеҳр бўлимидан қайтиб келмайди! - музаффарият оҳангида хитоб қилди у, - Тараққос билан соҳиба боз ёлғиз қолишди!

У йўлини давом эттириб, кўп ўтмай, кўздан ғойиб бўлди.

- Сен!...

Гаррини нимадир олов ичра кутилмаганда ортга тортиб, сўкинишни ҳам, ўқиладиган тавқилаънатни ҳам, ўйлаб топишга улгурмади, боши қаттиқ оғриб, бўғзи кулга тўлди. Ниҳоят у, профессор Амбрижнинг мурдадек оқариб кетган бақа башарасини кўрди. Аёл Гаррининг сочини маҳкам чангаллаб, куч билан, худди боланинг бўғзига пичоқ тортмоқчи бўлгандай, орқага тортмоқда.

- Пайпоқтумшуқ исковучлардан кейин, сенга ўхшаган бирон-бир майда зараркунанда хонамга бемалол кира олишига имкон бериб қўядиган аҳмоқ борми, а? - вишиллади Амбриж, Гаррининг бошини янада баттар орқага тортганча, юзини шифтга қаратиб, - Ўша кунлардан эътиборан эшигим бегонани ҳис этадиган турли-туман афсунлар воситасида муҳофаза қилинган энди, галварс! Таёқчасини олиб қўйинг, - ҳургандай буйруқ берди у, Гаррининг кўзига кўринмаётган одамга, - Анави қизнинг таёқчасини ҳам мусодара қилинг.

Кимнингдир қўли Гаррининг ички чўнтагини титкилаб, сеҳрли таёқчасини чиқариб олди. Кимдир эса эшик олдида ғимирлади. Гермионанинг ҳам таёқчаси олиб қўйилаётганини Гарри фаҳмлади.

- Хўш, тушунтириш берилишини талаб этаман! - ириллади Амбриж, Гаррининг сочини чангаллаб олган қўлини силтаб, - Нима керак бўлиб қолди сизларга менинг хонамда?

- Мен... «Чақмоқ»ни ўғирлаб кетмоқчи эдим! - қариллаган овоз чиқарди Гарри.

- Ёлғон! - боз муштини силтади Амбриж, - Супургинг пастда, ишончли муҳофаза остида, Поттер. Бунга ўзинг ҳам жуда яхши биласан. Каминимда нима қилаётган эдинг? Ким билан гаплашдинг?

- Ҳеч ким билан...

Гарри Амбрижнинг чангалидан халос бўлишга уриниб қўриб, сочининг муайян қисмидан маҳрум бўлди.

- ЁЛҒОН! - бақирди Амбриж, болани ўзидан нари улоқтириб.

Гарри қаттиқ урилган ёзув столи остида ётганча Миллисент Бичешейдер томонидан деворга қапиштириб қўйилган Гермионани кўрди. Дераза ёнида, токчага суяниб олган Малфой Гаррининг таёқчасини ҳавога отди-да, иржайиб тутиб олди.

Эшик ортида шовқин кўтарилиб, бир неча нафар слизеринчи ҳовлиқиб, Рон, Жинна ва Лунани ичкарига судраб кирди. Охирги бўлиб олиб киритилган Невиллни кўрган Гарри ҳайрон бўлди. Асирга олинганларнинг оғзига латта тиқилган. Невиллнинг бўйнидан маҳкам чангаллаб олган Краббе асирини бўғиб қўйишига сал қолган.

- Ҳаммаси қўлга олинди, - билдирув берди Уоррингтон, Ронни ичкарига қўпол тарзда итариб киритиб, - Мана бу эса, - деди у, йўғон бармоғини дастлаб Невиллга, сўнг, Жиннага ўқтаб, - Мана бунга қўлга олишга тўсқинлик қилмоқчи бўлди.

Жинна жуссаси йирик қизнинг қўлидан халос бўлишга уриниб типирчилади.

- Баракалла, яшанглар, - мақтаб қўйди Амбриж, - Жиннага қизиқсиниб қараб, - Афтидан, «Хогварц» яқин орада, Уэслилардан холи зонага айланадиган кўринади.

Малфой баланд овозда ялтоқлик-ла кулиб юборди. Амбриж ҳам энли оғзини йирганча, мамнун кулгандай бўлди-да, чит сирилган креслосига ўтириб, гуллар орасидаги қурбақадан фарқ қилмай қолди.

- Хўш, Поттер, - гап бошлади у, кўзини деярли пирпиратмай асирларга қараб, - Хонам яқинида қўриқчилик хизматини жорий этиб, ҳузуримга, полтергейст бир нарсани бошқа нарсага айлантириш бўлинмасини ағдар-тўнтар қилаётганидан хабардор қилиш учун, анави тасқарани йўлладинг, - деди у, Рон имо қилиб.

Малфой янада баланд кулиб юборди.

- Бироқ мистер Филчнинг билдирувига кўра, ўша ярамас полтергейст мактаб телескопларининг окулярларига сиёҳ суртиб чиқиш билан банд эканлиги менга маълум эди. Афтидан, бирор бир кас билан шошилиш равишда гаплашиб олишни истаб қолгансан. Хўш, ким билан? Альбус Дамблдор биланми? Ёки анави мурдор чала зот Хагрид биланми? Минерва Макгонагалл билан бўлмаса керак, ҳар қалай? Эшитишимга қараганда, унинг аҳволи чатоқ, биров билан гаплашадиган ҳолатда эмас экан.

Малфой билан назорат бригадасининг айрим бошқа аъзолари, ушбу гапдан сўнг ҳам кулиб юборишди. Гарри нафрат ва ғазабдан вужуди титраб кетаётганини ҳис этди.

- Мен ким билан гаплашганим билан ишингиз бўлмасин, - ўшқариб берди у.

- Жуда соз, - деди Амбриж, ўзининг даҳшатли ширин-шакар овози ила, - Жуда соз, мистер Поттер... Мен сизга ўз ихтиёрингиз билан иқрор бўлишга имкон бердим. Сиз эса бундан фойдаланишни рад этдингиз. Энди ўзингиздан кўринг. Куч ишлатишдан ўзга чора қолдирмадингиз менга. Драко... профессор Снеггни олиб кел ҳузуримга.

Малфой Гаррининг сеҳрли таёқчасини ички киссасига солиб, мурдор иршайганча, хонани тарк этди. Лекин Гарри, ҳозир Малфойнинг ичиқоралик-ла севинганига эътибор қаратгани ҳам йўқ.

Энди эсига тушди... Нега илгарироқ ўйлаб кўрмади экан, бу ҳақда? Қасрда Қақнус орденининг бирорта ҳам аъзоси йўқлиги, Сириусга ҳеч ким ёрдам бера олмаслиги борасида куйиниб юрган эди у. Ахир «Хогварц»да Снегг бор эди-ку!

Агар Рон билан бошқаларни ушлаб туриш учун слизеринчиларнинг ғимирлаётгани ҳисобга олинмаса, хонага сукунат чўқди. Лабидан қон томиб, Амбрижнинг гиламини булғаётган Рон Уоррингтоннинг чангалидан халос бўлишга уринмоқда. Жинна ҳам депсиниб, елкасидан маҳкам ушлаб олган олтинчи синфда ўқийдиган қизнинг оёғини босиб олишга уринмоқда. Краббенинг қўлини бўйнидан нари олишга уринаётган Невиллнинг ранги борган сари пушти тус олмоқда. Гермiona Миллисент Бичешейдерни ўзидан нари итариш билан овора. Луна эса ушбу ҳодисани зерикарли, деб топгандай, қўриқчисининг ёнида бўшашганча, деразага қараб турибди. Гарри нигоҳини Амбрижга олиб ўтди. Бақа аёл болани диққат билан кузатиб ўтирибди. Гарри ҳам, ўз навбатида, юзига лоқайд қиёфа беришга уринмоқда. Йўлакда қадам товуши эшитилиб, хонага Малфой билан Снегг кириб келди.

- Йўқлаган экансиз? - деди Снегг, ўзаро курашаётган жуптликларга бепарво қараб чиқиб.

- Ҳа, профессор Снегг, - оғзини йирди бақа аёл, ўрнидан туриб, - Менга Истиғфор келтиришга мажбур қиладиган дамламангиздан яна бир шишача керак бўлиб қолди ва имкон қадар тезроқ.

- Поттерни сўроқ қилиш учун сўнгги шишани олган эдингиз, - жавоб берди Снегг, ёғли қора сочи аро Амбрижга бефарқ қараб, - Наҳотки ҳаммасини ишлатиб юборган бўлсангиз? Айтган эдим-ку, уч томчиси етади, деб.

- Сиз яна тайёрлаб бера оласиз-ку, шундай эмасми? - деди ранги қизарган Амбриж, қутуриб кетаётган ҳолатида қўллайдиган қиз бола овози билан.

- Албатта тайёрлаб бера оламан, - лабини буриштириб жавоб берди Снегг, - Фақат бунинг учун тўлиқ ой цикли керак бўлади, яъни дамлама тахминан бир ойда тайёр бўлади.

- Бир ойда? - чийиллаб юборди Амбриж, бақадай шишиб, - Бир ой? Дамлама менга бугун, ҳозир керак, Снегг! Поттерни хонамда тутиб олдим. Каминим воситасида номаълум киши ёки каслар билан гаплашиб турган экан!

- Шунақа денг? - деди Снегг, Гаррига қизиқсиниб қараб, - Ҳайрон бўладиган жойи йўқ! Поттер доимо мактаб қоидаларини бузишга мойил бўлиб келган.

Унинг қоп-қора, муздай кўзи Гаррининг кўзига тешиб юборгудай қадалди. Бола, тушида кўрганини хотирасига жамлаганча, хаёлан профессорга кўришни буюрган бўлиб, Снеггнинг нигоҳини мардонавор қарши олди.

- Уни сўроққа тутмоқчиман! - баджаҳл такрорлади Амбриж, - Сиз эса менга дамлама етказиб беришга мажбурсиз! Уни рост гапиришга мажбур қилмоқ даркор!

- Менда Иқрор бўлиш дамламаси қолмади, деб, сизга ҳозиргина айтдим, - бир маромда жавоб берди Снегг, - Башарти Поттерни заҳарлаб ўлдиришни ният қилган бўлсангиз, фикрингизга тўлатўкис қўшилиб, уни амалга ошириш масаласида бажонидил ёрдам бераман. Башарти ундай ниятингиз бўлмаса, минг афсус, сизга ҳеч қандай нафим тегмайди. Бироқ шуни ҳам назарда тутинг-ки, аксарият заҳарлар оний таъсирга эга бўлиб, заҳарланган одамнинг истиғфор келтиришга вақти қолмайди.

Снегг Гарри томон боз қаради. Бола миясидаги маълумотни профессорга етказишга уринмоқда. Вольдеморт Сириусни қўлга олган. Иккаласи Сирли сеҳр бўлимида, хаёлдан ўтказиб турди Гарри, Вольдеморт Сириусни қўлга олган...

- Сизга синов муддати тайинланади! - чийиллади Амбриж.

Снегг қошини кўтариб, бақа аёл томон юзланди.

- Буйруғимни бажаришдан атайин бўйин товламоқдасиз! Сиз ҳақингизда фикрим ижобий эди! Люциус Малфой ҳам, сиз ҳақингизда илиқ сўзлар айтган эди! Хонамни тарк этинг!

Снегг истехзо ила бош эгиб, чиқиш эшиги томон йўл олди. Гарри ўзининг сўнгги, Орден аъзосига



хабар бериш имконини қўлдан чиқараётганини идрок этиб, қичқириб юборди:  
- У Юмшоқоёқни тутиб олган! Ҳозир иккаласи, анави нарса сақланаётган жойда!  
Қўли эшик дастасига деярли етиб борган Снегг турган жойида қотиб қолди.  
- Юмшоқоёқни? - чийиллади Амбриж, кўзини дам Снегг, дам Гаррига олиб ўтиб, - «Юмшоқоёқ» дегани нима-ю, қанақанги нарса, қаерда сақланади? Нима тўғрисида гапиряпти у, Снегг? Снегг бирон-бир ифодасиз юзини Гарри томон бурди. Снегг гап маъносини уқди-ми, йўқми, айтиш қийин, бироқ Гарри Амбрижнинг ёнида фикрини ойдинроқ ёритишга журъат этмади.  
- Зиғирдай бўлсин, тасаввур қила олмайман, - муздай оҳангда жавоб берди Снегг, - Поттер, агар одамлар ортимдан бемаъни гапларни қичқиришларини истаб қолсам, уларга, шу жумладан, сизга ҳам, вайсақилик ичимлигини ичириб қўяман. Ҳа, айтгандай, Краббе, чангалингни бироз бўшат. Агар Лонгботтом бўғилиб ўлиб қолса, зиммамга бир олам кераксиз ёзишмалар юкланади. Бундан ташқари, агар келгусида бирон жойга ишга кириш истагини билдириб қолгудай бўлсанг, одам ўлдирганинг ҳақидаги маълумотни тавсияномангда қайд этишга мажбур бўламан. Снегг эшикни қарсиллатиб ёпганча, хонани тарк этди. Гарри эса баттар эсанкираганча қолди. Снегг унинг сўнги умиди эди... Бола Амбрижга қараб қўйди. Амбриж ҳам афтидан, Гаррининг аҳволига тушган. Бақа аёлнинг кўкраги нафрат-у, умидсизликдан кўтарилиб, тушмоқда.  
- Жуда соз, жуда соз... Илож қанча... Гап нафақат мактаб интизоми, балки вазирлик хавфсизлиги устида бормоқда... ҳа... ҳа...- деди Амбриж, қабул қилаётган қарори тўғри эканлигига ўзини ўзи ишонтираётган каби, сеҳрли таёқчасини чиқариб,  
У Гаррига бақраяр экан, сеҳрли таёқчасини кафтига урганча, бақа танасининг вазнини бир оёғидан иккинчисига олиб ўтмоқда. Таёқчасиз қолган Гарри, аҳволни кўриб, ҳимоясиз қолганини ҳис этиб турибди.  
- Бундай чора кўришга ўзингиз мажбур қиляпсиз, Поттер... Худо шоҳид, бу ишни қилмоқчи эмас эдим, - ғудуллади Амбриж. танасининг вазнини бир оёғидан иккинчисига безовта ҳолатда олиб ўтишни давом эттириб, - Бироқ вазият баъзан бундай усул қўлланилишини оқлайди... Ишончим комилки, бошқа чорам қолмаганини вазир тушуниб етади...  
Малфой зўр қизиқиш-ла, директорнинг хатти-ҳаракатини кузатиб турибди.  
- Қийноққа солиш қарғиши албатта гапиртиради, - деди Амбриж, базўр эшиттириб.  
- Йўқ, - қичқирди Гермiona, - Бундай ишингиз ғайриқонуний саналади, профессор Амбриж! Аммо Амбриж Гермionaга қулоқ тутгани ҳам йўқ. Унинг кўзида аллақандай ҳирс билан дўзах олови кўринди. Гарри бақа аёлни бундай ҳолатда муқаддам кўрмаган.  
- Қилган ишингиз вазирга ёқмайди, профессор Амбриж! Қонунга хилоф иш тутиш мумкин эмас! - бақирди Гермiona.  
- Вазир билмаса хилоф бўлмайди, - ғудуллади бироз ҳансираб қолган Амбриж, сеҳрли таёқчасини кўпроқ оғритадиган нуқта қидиргандай, Гаррининг танаси бўйлаб юритиб ўқтаб, - Поттерга ҳамла қилишни дементорларга айнан мен буюрганимни билмади-ку. Лекин Поттерни мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлатишга баҳона топилганидан роса хурсанд бўлган эди.  
- Сиз? - бақирди Гарри, - Сиз йўллаган эдингизми дементорларни?  
- Бирон-бир амалий чора кўриш керак эди., - ғудуллади Амбриж, таёқчасини Гаррининг пешонасида тўхтатиб, - Ҳамма латтачайнарликдан... боланинг оғзини ёпиш керак... обрўйини бадном қилиш керак... деб вайсашдан нари ўта олмади... ёлғиз ўзим амалий чора кўришга журъат эта олдим. Лекин сен, Поттер, сувдан қуруқ чиқа олдинг, а? Ҳеч қиси йўқ, ҳеч қиси йўқ, бугун қочиб қутилишинг қийин, - деди у, чуқур нафас олиб, - Крус...!  
- Йўқ! - титроқ овоз-ла, қичқирди Гермiona, Миллисент Бичешейдернинг ортида туриб, - Гарри!... Кел, айтиб берайлик!  
- Ҳеч қачон! - қичқирди Гарри, Гермionанинг кўринаётган қисмига еб қўйгудек ўқрайиб.  
- Айтиб беришга тўғри келади, Гарри. У бари-бир мажбур қилади. Шундай экан, нима маънисини

бор...

Гермиона Миллисентнинг орқасида туриб, хўнграб юборди. Миллисент эса жирканганча, нари қочди.

- Хўш, хўш, хўш, - музаффарият оҳангида хитоб қилди Амбриж, - Ёш мисс Нимачи саволга жавоб бермоқчи! Хўш, қизалоқ, гапир!

- Эр-ми-на-йўқ! - қичқирган бўлди, оғзига латта тиқилган Рон.

Жинна Гермионага, худди уни биринчи маротаба кўриб тургандай қараб қолди. Бўғилиб турган Невилль ҳам, Гермионага ишонқирамай бақрайди. Бироқ дод солиб хўнграётган Гермионанинг кўзида бирон томчи бўлсин, ёш кўрмаган Гарри ниманидир фаҳмлаган бўлди.

- Мени... мени кечиринглар, болалар, - базўр узр сўради Гермиона, - Лекин мен... бунга бардош бера олмайман...

- Тўғри, жуда тўғри, қизалоқ! - деди Амбриж, Гермионани елкасидан чангаллаганча, ҳозиргина ўзи ўтирган креслога итариб, - Хўш? Ким билан гаплашди Поттер? - сўради қиз устига энгашиб.

- У... у, - жавоб берди Гермиона, зўр бериб ютиниб, - Профессор Дамблдор билан гаплашиб олмоқчи эди.

Рон кўзини катта очганча, тек қотди. Жинна ҳам депсинмай қўйди, Лунанинг юзида эса чинакамига ҳайрон бўлган қиёфа кўринди. Лекин бундай шубҳали аломатлар фикри-хаёли Гермионага жамланган Амбриж билан малайлар эътиборидан четда қолди.

- Дамблдор билан? - ҳаяжондан тиқилиб қолди Амбриж, - Демак, у қаерда бекиниб юргани сизларга маълум, шундайми?

- Йўқ... ҳамма гап шунда-да, биз билмаймиз, унинг қаердалигини! - хўнгради Гермиона, - Диагон хиёбонидаги «Тешик қозон», Хогсмёддаги «Уч супурги» ва ҳаттоки «Ахта чўчка калласи» билан алоқа боғламоқчи бўлдик...

- Тентак қиз! Дамблдор вазирлик томонидан қидирилмоқда! Наҳотки у пабда бамайлихотир ўтира олса? - чириллади Амбриж, ҳафсаласи пир бўлгани солқи юзидаги ҳар бир ажинида ифодаланиб.

- Биз нима қилайлик, ахир? Жуда муҳим хабарни етказишимиз керак эди-да, унга! - баттар хўнгради Гермиона, кафтига юзини босиб.

Кўз ёши йўқлигини яширяпти, хаёлдан ўтказди Гарри.

- Шунақа де? - боз руҳланди Амбриж, - Қанақанги хабар экан?

- Биз... биз унга, ҳамма нарса тайёр бўлгани ҳақида билдирув бермоқчи эдик! - хўнграб «тиқилиб қолган» бўлди Гермиона.

- Нима тайёр бўлди? - Гермионанинг елкасини боз чангаллаганча, силтади Амбриж, - Гапир, дедим сенга, нима тайёр бўлди?

- Қур... қурол, - жавоб берди Гермиона.

- Қурол? Қурол? - бақирди Амбриж, бақа кўзи қинидан чиқиб кетгудай кучаниб, - Қуролли исенга ҳозирлик кўрган эдингизми? Вазирликка қарши қўлланиладиган қурол тайёрладингиз-ми?

Профессор Дамблдорнинг амри ила, албатта, а?

- Ҳа, - пўнғиллади Гермиона, - Ле-лекин Д-дамблдор, қ-қурол тайёр бўл-ўлгунга қадар мактаб-табни тарк этди. Биз қур-қуролни охирига етказдик. Бироқ бу ҳақ-ҳақда билдирув бериш учун Дамбл-блдорни топа олмаяпмиз!

- Қанақанги қурол экан у? - хириллаб сўради Амбриж, калта бармоқлари ила Гермионанинг елкасини қаттиқ сиқиб.

- Биз ўз-ўзимиз дуруст билмай-маймиз, - хўнграшини давом эттирди Гермиона, - Дамбл-блдор тай-тайинлаган ишларни-ларни тушуниб-тушунмай бажар-бажаравердик- дик.

Нигоҳи завққа тўлган Амбриж қаддини ростлади.

- Ўша қуролни кўрсат менга, - буюрди у.

- Мен уни анави-анавиларга кўрсат-сатмайман, - бақирди қиз, тескари ўгирилганча, бармоқлари

орасидан слизеринчиларга қараб.

- Ҳали сен шарт ҳам, қўясан-ми?! - ўшқирди Амбриж.

- Хўп, майли, - хўнгради Гермiona, - Истасангиз, майли... қўришсин ва ўзингизга қарши қўллашсин! Умуман айтганда, майли, ҳамма кўрсин! Бориб, кўздан кечириб чиқсин! О-о-о! Ана ўшанда биласиз, ўша қуролнинг қанақа эканлигини! Бутун мактаб кўриб, қандай қўллаш кераклигини ўзлаштириб олсин! Катта холангизни Учқўрғонда кўрсатиб қўйишади сизга!

Гермионанинг сўзлари Амбрижга қаттиқ таъсир ўтказди: у назорат бригадаси аъзоларига тез кўз югуртириб чиқиб, шубҳали нигоҳини юзида ёвуз қувонч кўринган Малфойда тўхтатди.

Бақа аёл Гермionaга бироз қараб турди-да, оналарча меҳрибон оҳангда гап бошлади.

- Хўп, яхши, ёқимтойгинам, фақат иккаламиз борамиз... Поттерни ҳам, шерик қилиб оламиз, хўпми? Тур, кетдик.

- Профессор, - гапга аралашди Малфой, - Профессор Амбриж, фикримча, назорат бригадаси аъзоларидан бирортаси сиз билан бирга бориши керак. Анавиларга...

- Малфой, мен сеҳргарлик вазирлигининг ваколатли вакилиман! Наҳотки сен икки нафар қуролсиз болани уддалай олишимга шубҳа қилаётган бўлсанг? - кескин оҳангда гапни бўлди Амбриж, - Умуман айтганда, мактаб ўқувчилари, афтидан, ўша қуролни кўришлари шарт эмас. Сизлар шу ерда қолиб, қайтиб келганимга қадар анавиларга қараб турасиз, - деди у, Рон, Жинна, Невилль ва Лунага бармоқ ўқтаб, - Ҳеч ким қочиб кетмасин.

- Яхши, - пўнғиллади, тарвузи қўлтиғидан тушган Малфой.

- Сиз иккалангиз эса йўл бошланг, - амр этди Амбриж, Гарри билан Гермionaга таёқчасини ўқтаб, - Тез бўлинг.

## **ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ. КУРАШИШ ВА ҚОЧИШ**

Гермиона нима ният қилганини, умуман айтганда, унинг бирон-бир режаси бор-йўқлигини Гарри тасаввур ҳам қила олмаяпти. Икковлон Амбрижнинг хизмат хонасидан чиққач, Гарри сир бой бериб қўйишни истамай, ишонч-ла, Гермionанинг кетидан одимлай кетди. Изма-из келаётган бақа аёлнинг нафаси эшитилаётгани боис, қиздан бирон нима сўраб билишга журъат этмади. Гермiona вестибюлга тушди. Катта Залдан одамларнинг ғала-ғовури, санчқи-пичоқларнинг ликопларга урилаётгани эшитилмоқда. Кимлардир мазали таомлардан лаззатланиб, имтиҳон мавсумининг якунига етганидан қувонаётгани ҳақиқатдан узоқдай кўринди.

Улар мафтункор оқшом ҳукм суриб, қуёш Ман этилган ўрмон ортига бекинаётган ҳовлига чиқишди. Гермiona майсазор бўйлаб шахдам қадам ташлай бошлагани боис, Амбрижга, болалардан орқада қолиб кетмаслик учун, лўкиллаб йўрғалашга тўғри келди. Учовининг кўланкаси, худди плаш каби майсада тўлқинланиб, орқаларидан эргашиб бормоқда.

- Қурол Хагрининг кулбасига бекитилганми? - қизиқсинишини тия олмади Амбриж.

- Билиб-билмай ҳаракатга келтириб юбориши учунми? - жирканиб ўшқирди Гермiona, - Йўқ, албатта.

- Тўғри айтасан, - деди, ҳаяжони ошиб кетаётган Амбриж, хандон отиб, - У аҳмоқдан ҳар нарса кутса бўлади.

Гарри шартта ўгирилиб, Амбрижнинг бўғзидан олмоқчи бўлди-ю, ўзини базўр идора қилди. Илиқ ҳаво пешонасини елпиб ўтмоқда. Чандиқ симиллаётган бўлса-да, Вольдеморт Сириусни ҳали ўлдирмоқчи эмас шекилли, у қадар кучли ёнаётгани йўқ.

- Кулбада бўлмаса... қаерда? - иккиланиб сўради Амбриж, Гермionанинг Ман этилган ўрмон томон собитқадам одимлаб бораётганини кўриб.

- Қаерда бўлар эди, унга беҳосдан дуч келиб бўлмайдиган жойда, ана у ерда, - жавоб берди

Гермиона, ўрмон томон имо қилиб.

- Ҳа, албатта... албатта, - маъқуллади Амбриж, овозида хавотир оҳанги эшитилиб, - Хўш, жуда соз... Иккалангиз йўл бошлаб борасиз.

- Ундай бўлса, таёқчангизни беринг, - деди Гарри.

- О, йўқ, мистер Поттер, - мулоим овоз-ла, жавоб берди Амбриж, таёқчасининг учини боланинг белига ниқтаб, - Менинг ҳаётим вазирлик учун сизнинг ҳаётингизга нисбатан анча қадрлироқ саналади.

Ўрмоннинг салқин нимқоронғилигига кирган Гарри Гермионанинг нигоҳини тутиб олмоқчи бўлди. Ман этилган ўрмондек хавfli жойга сеҳрли таёқчасиз кириш – бугун оқшом йўл қўйилган бемулоҳазаликдан ҳам беш баттар бебокликдир! Бироқ Амбрижга нафрат-ла қараб қўйган Гермиона ўрмон ичига шу қадар тез кириб кетмоқдаки, директор ўзининг калта оёғи билан қиз кетидан базўр улгуриб бормоқда.

- Узоқ юрамизми? - сўради, коржомаси куманика бутасига илашиб қолган Амбриж.

- Жуда, - жавоб берди Гермиона, - Қурол ниҳоятда ишончли жойга бекитилган.

Ўрмон қаърига кирган сари Гаррининг ҳадиги ортиб бораверди. Гермиона Гурп томон олиб борадиган йўлдан эмас уч йил олдин Рон иккаласи ташриф буюрган Арагог макони томон йўл олган. Ўшанда Гермиона болалар билан бирга бормаган. Шундай экан, йўл охирида уларни нима кутаётганидан хабари йўқлиги аниқ.

- Тўғри йўлдан бораётганимизга... ишончинг комилми? - ифодали оҳангда сўради Гарри Гермионадан.

- Комил, - қатъий оҳангда жавоб қайтарди, ёш ниҳоллар орасидан ортиқча шовқин кўтариб ўтаётган Гермиона.

Болалар ортидан йўрғалаб келаётган Амбриж ерда ётган ёш дарахтга қоқилиб, йиқилди. Унга оёққа туриб олишга ёрдам беришни икковлон хаёлига ҳам келтиргани йўқ.

- Оз қолди, - елка узра ортга қараб қичқирди Гермиона.

- Секинроқ гапир, - ғудуллади Гарри, қизга етиб олиб, - Эшитиб қолишади...

- Мақсадим шу, - деди Гермиона, Амбриж эшитмаётган фурсатдан фойдаланиб, - Ҳадемай ўзинг тушуниб етасан...

Учаласи узоқ юриб, дарахтларнинг устки шохлари бир-бирига чирмашиб кетганидан қуёш нури ерга сингиб ўтмайдиган қоронғиликка етиб боришди. Ўрмонга кўп маротаба кирган Гарри, одатдагидай, кимдир уларни пинҳон кузатаётганини ҳис этди.

- Қанча қолди? - жаҳл-ла қичқирди орқада қолиб кетаётган Амбриж.

- Оз қолди! - жавобан ўқирди, ғира-шира ёришиб турган зах сайҳонликка етган Гермиона, - Сабр қилинг...

Ҳавода камон ўқи учиб келиб, Гермионанинг боши устига, дарахт танасига санчилди. Пода туюқларининг товуши эшитилиб, ер ларзага келди. Оҳ уриб юборган Амбриж Гаррини жонли қалқон қилганча, орқасига бекиниб олди...

Бола силтаниб, Амбрижнинг чангалидан халос бўлди-да, атрофга қаради. Сайҳонликни қўлига камон тутиб, чақирилмаган меҳмонлар томон ўқтаган кентаврлар қуршаб олган. Гарри, Гермиона ва Амбриж чўчиганча, сайҳонлик маркази томон чекинишди. Даҳшатга тушган Амбриж чийиллаб юборди, Гермиона эса тантанавор кулиб қўйди.

- Кимсан? - янгради жарангдор овоз.

Гарри чап томон қаради. Йўл берган кентаврлар ҳалқаси орасидан тўриқ Магориан чиқиб келди. У ҳам, қолган кентаврлар сингари, қўлига ўқланган камон ушлаб олган. Гаррининг ўнг томонида турган Амбриж ангиллашини қўймай, титраётган таёқчасини яқин келаётган кентаврга ўқтади.

- Мен сендан сўраяпман, ҳой аёл, сен кимсан? - дағал оҳангда такрорлади Магориан.

- Мен Долорес Амбриж! - баланд овозда жавоб қайтарди, ўларча қўрқиб кетган бақа аёл, -

Сеҳргарлик вазирининг катта ўринбосари, шунингдек, «Хогварц» директори ва бош инспектори Долорес Жейн Амбриж бўламан!

- Сен, сеҳргарлик вазирлиги ходими? - сўради Магориан.

Қолган кентаврлар турган жойларида асабий дупурлаб қўйишди.

- Ҳа! - янада ингичка овозда чийиллади Амбриж, - Шу боис, хулқ-атворингиз тегишлича кечишини талаб қиламан! Сеҳрли махлуқлар устидан назорат бўлимининг фармонига мувофиқ, чала зотлар, шу жумладан кентаврлар томонидан инсонга ҳамла қилинган ҳолат...

- Ким деб атадинг бизни? - бақирди исёнкор қиёфали қора кентавр.

Гарри Бейнни таниди. Атрофда эътирозли қичқириқлар-у, камон ипларининг тортилгани эшитилди.

- Ундай деманг уларни! - дарғазаб бақирди Гермiona.

Қизнинг қичқириғига эътибор қаратмаган Амбриж титраётган таёқчасини Магорианга ўқтаганча, жазавасти тутиб, бидирлашини давом этди.

- Ўн бешинчи сонли қонуннинг «Б» кичик бўлимида баён этилган талабга мувофиқ: «Деярли инсон заковатига эга, демакки, ўз хатти-ҳаракатини онгли равишда амалга оширадиган ҳар қандай сеҳрли махлуқ томонидан инсонга ҳамла...»

- «Деярли инсон заковатига эга»? - такрорлади Магориан.

Бейн билан яна бир нечта кентавр ўкириб юборганча, депсина бошлашди.

- Сен бизни қаттиқ ҳақорат қилдинг, аёл! Бизнинг заковатимиз, фалакка шукурлар бўлсинки, инсон заковатидан анча юқори туради.

- Бизнинг ўрмонимизда нима керак сизларга? - сўради бадқовоқ, танаси кул ранг кентавр, - Нега келдингиз бу ерга?

Гарри билан Гермiona, ушбу кентаврни ўтган сафар кўришган

- Сизнинг ўрмонингизда? - ўдағайлади, энди нафақат даҳшат, балки эътироздан титраётган Амбриж, - Ижозатингиз билан ёдингизга солиб қўяман: сеҳргарлик вазирлиги томонидан алоҳида ҳудуд ажратиб берилгани учунгина, бу ерда яшамоқдасиз. Бас шундай экан...

Отилган камон ўқи Амбрижнинг бошига шу қадар яқин учиб ўтдики, сочини тўзғитиб юборди. Бақа аёл қулоқни қар қилар даражада бақириб, қўли билан бошини бекитди. Кентаврлардан қайсидир бири маъқуллаб қичқирди, қолганлари хириллаб хандон отди. Нимқоронғи сайҳонликда ёввойи кишнаш, туёқ дупури янгради. Манзара жуда қўрқинчли тус олди.

- Хўш, аёл, ўрмон кимга қарашли экан? - бақирди Бейн.

- Чала зот ифлослар! - чириллади Амбриж, - Ҳайвонлар! Лузумсиз махлуқлар!

- Ундай қилманг! - қичқирди Гермiona.

Кеч бўлди. Амбриж сеҳрли таёқчасини Бейнга йўллаб, ўкириб юборди:

- Инкарцero!

Ҳавода илондай йўғон арқонлар пайдо бўлиб, кентаврнинг танаси ва қўлларига чирмашиб, боғлаб ташлади. Ҳазаби қайнаган Бейн орқа оёқларига тик туриб, арқондан халос бўлишга уринганча, бақириб юборди. Қолган кентаврлар эса жафокор аёлга ташланди.

Гарри Гермionани зудлик билан ерга ётқизиб, юзини ерга берганча, боши узра сакраб ўтаётган туёқларнинг дупур-дупур товушини эшитар экан, даҳшат нима эканлигини аниқ тасаввур этди. Ҳазаб-ла бақириб сакраётган кентаврларнинг ҳеч қайси бири Гарри билан Гермionaга шикаст етказмади.

- Йўўўўқ! - эшитилди Амбрижнинг қичқириқлари, - Йўўўўқ!... Мен катта ўринбосар... журъат эта олмайсиз... қўйиб юборинг, ҳайвонлар... йўўўўқ!

Қизил яшин чақнади. Афтидан, Амбриж кимгадир жароҳат етказишга уринган кўринади. Шундан сўнг, бақа аёлнинг қаттиқ чирилагани эшитилди. Кўзини очган Гарри, Бейннинг ярим яланғоч Амбрижни думбаси-ю, бўйнидан чангаллаб олиб, боши узра баланд кўтариб олганини кўрди. Бақа

аёл кентаврнинг қўлида тўлғаниб, аянчли чийиллаганча, қўлидаги сеҳрли таёқчасини тушириб юборди. Таёқчага етиб олсам эди, хаёлдан ўтказди Гарри...

У қўлини эндигина узатган эдики, залвар билан юқоридан тушган туёқ сеҳрли таёқчани икки бўлиб ташлади.

- Ана шундай! - янгради кимнингдир овози Гаррининг боши устида.

Тук қоплаган бақувват қўл Гаррини кўтариб, оёққа қўйди. Аллақандай кентавр Гермионани ҳам турғизди. Гарри кентаврларнинг ранг-баранг бошлари-ю, беллари орасидан Бейн Амбрижни кўтариб, дарахтлар орасига кириб кетганини кўрди. Бақа аёл тинимсиз бақирар, бироқ унинг овози борган сари узоқлашиб, бироздан сўнг, дупур-дупур орасида мутлақо эшитилмай ҳам қолди.

- Буларни нима қиламиз? - сўради, Гермионани ушлаб турган бадқовоқ, кул ранг кентавр.

- Улар ҳали ёш, - эшитилди Гаррининг ортида маъюс овоз, - Биз тойчоқларга тегмаймиз.

- Ронан, шулар етаклаб келишди-ку, анави аёлни, - эътироз билдирди Гаррини ушлаб олган кентавр, - Ёш ҳам, деб бўлмайди буларни... Мана буниси эса деярли эркак бўлиб етилибди, - силтади у, Гаррининг ёқасидан тутиб.

- Илтимос, - эшитилар-эшитилмас ўтинди Гермиона, - Тегманг бизга, илтимос! Биз ўша аёлнинг қарашлари-ю, фикр-мулоҳазаларини асло маъқулламаймиз, вазирликда ҳам ишламаймиз! Сизлар бизга, ўша аёлдан қутулишга ёрдам берасиз, деган умид билан келганмиз бу ерга!

Кул ранг кентаврнинг юзи касб этган қиёфани кўрган Гарри, ушбу сўзларни айтган Гермиона катта хатога йўл қўйганини дарҳол тушуниб етди. Кентавр орқа туёғи билан ер тимдалаб, бошини кўтарганча ўкириб юборди.

- Кўрдинг-ми, Ронан? Катта ёшдаги одамларга хос суллоҳликлари ҳам шаклланиб бўлган, буларнинг! Демак, ўзингиз бажаришингиз керак бўлган ифлос ишни бизнинг қўлимиз ила амалга оширишни режалаштиргансиз, шундайми, а, одам қизи? Душманларингизни нари қувиб, садоқатли кўппак сингари хизматингизга мунтазир бўлишимиз керак эканда, а?

- Йўқ! - чийиллаб юборди, кўрқиб кетган Гермиона, - Ундай демоқчи эмас эдим, илтимос, мени тўғри тушунинг! Сизлар... ўйлабман-ки, бизга... ёрдам бера оласиз...

Яна битта хатога йўл қўйилиб, аҳвол баттар оғирлашди.

- Биз инсонларга ёрдам бермаймиз! - ириллади Гаррини ушлаб турган кентавр.

У чангалининг кучини ошириб, орқа оёғига тик туриб олганча, боланинг товонини ердан узди.

- Биз мутлақо бошқа ирққа мансубмиз ва бу билан ғурурланамиз! Хизматимиздан фойдаланганингиз борасида мақтанчоқлик қилиб юришингизга йўл қўймаслик учун, ҳеч қаерга қўйиб ҳам юбормаймиз.

- Мақтанчоқлик қилиш хаёлимизга келгани ҳам йўқ! - ўкирди Гарри, - Бўлиб ўтган ишни бизнинг тилак-истакларимиздан қатъи назар бажарганингизни биламиз...

Бироқ унинг сўзларига ҳеч ким қулоқ тутмади.

- Ўрмонимизга чақирилмаган меҳмон сифатида кириб келишди-ми, демак, ўз қилмишларига яраша жазо олишлари лозим, - қичқирганча, таклиф киритди соқолли кентавр.

Маъқуллаш оҳангидаги қичқириқлар янгради.

- Аёл кетидан йўл олишсин! - қўшимча қилди кул ранг қўнғир тусли кентавр.

- Айбсизларга тегмаймиз, деган эдингиз-ку! - чинакамига кўз ёш тўқди Гермиона, - Биз сизларга бирон-бир ёмонлик қилмадик, ҳаётингизга таҳдид солмадик, кўриб турибсиз, ҳатто сеҳрли таёқчаларимиз ҳам йўқ. Мактабга қайтмоқчимиз, илтимос қўйиб юборинглар бизни...

- Биз хоин Фиренцега ўхшаган эмасмиз, одам қизи! - бақирди кул ранг кентавр, шерикларининг маъқуллаб кишнашлари остида, - Сенингча биз, одам тилида гапиришни биладиган мулла минган эшакми? Йўқ, биз дақёнусни кўрган халқ бўламиз ва шу боис, сеҳргар одамларнинг таққирларига тоқат қилишни истамаймиз! Бўлар-бўлмас қонунларингизни ҳам, устуворлигингизни ҳам тан

олмаймиз, биз...

Бироқ Гарри билан Гермionaнага кентаврлар ҳақида қўшимча маълумотларга эга бўлиш имкони бўлмади. Негаки, айна шу фурсатда сайхонлик четида нимадир қаттиқ қарсиллаб, болалар ҳам, кам деганда элликтача кентавр ҳам, чўчиб кетиб, товуш эшитилган томон ўгирилди. Гаррини ушлаб турган кентаврнинг қўли камон билан садоққа югургани боис, бола ерга қулаб тушди. Гермiona ҳам йиқилди. Гарри шу заҳоти қиз томон ташланди. Сайхонлик четидаги бир жуфт йирик дарахт икки томон қайрилиб, орасида даҳшатли Гурп кўринди.

Гаррининг яқинида турган кентавр ўз элатининг подаси томон тисарилди. Сайхонлик бир онда камон ўқларидан иборат, дарахт шохлари ҳосил қилган гумбазни ёриб кўринган баҳайбат башара томон кўтарилган ўрмонга айланди. Гурп қийшиқ оғзини тентакнамо очиб, нимқоронғиликда ҳар бири сап-сарик ғиштдай келадиган тишларини яланғочлади. Гигант кул ранг башарасидаги лой тусли хира кўзини қисиб, пастда ғимирлаётганларга тикилди.

- Хадид, - овоз чиқарди у, оғзини янада катта очиб.

Гарри «хадид» сўзи нимани англатиши, умуман, қайси тилда айтилганлигини тасаввур ҳам қилмайди. Ҳозир унинг диққат-эътибори ҳар бири ўзининг бўйидай келадиган оёқ кафтларига қаратилган. Гермiona Гаррининг қўлини маҳкам ушлаб олди. Кентаврлар миқ этмай, худди бехосдан тушириб қолдирган нарсасини қидираётган каби, баҳайбат бошини сарак-сарак қилаётган гигантга қараб туришибди.

- Хадид, - янада қатъиятли овоз чиқарди Гурп.

- Кет бу ердан, гигант! - қичқирди Магориан, - Сени ҳеч ким чақиргани йўқ.

Ушбу баёнот Гурпга бирон-бир таъсир ўтказмади, аксинча, пастроқ энгашиб, баланд овозда ўқирди.

- ХАДИД!

Камонларини маҳкам сиқиб олган кентаврлар безовта бўлишди. Гермiona оҳ уриб юборди.

- Гарри! - пичирлади қиз, - Назаримда у, Хагридни чақиряпти!

Айна шу пайтда, кентавр подаси орасидаги икки нафар инсон Гурпнинг диққатини ўзига жалб этди. Гигант бошини янада паст тушириб, болаларга разм солди. Гарри Гермionанинг дағ-дағ титраётганини ҳис этмоқда.

- Гермi, - наърага ўхшаш овоз чиқарди Гурп, сассиқ оғзини боз очиб.

- О, Худо! - хитоб қилди хушини йўқотишига сал қолган Гермiona, Гаррининг қўлини уюшиб қолар даражада маҳкам сиқиб, - Эслаб қолибди!

- ГЕРМИ! - хириллади Гурп, - ХАДИД ҚАНИ?

- Билмайман! - қичқириб юборди кўрқиб кетган Гермiona, - Кечир мени, Гурп, мен билмайман!

- Гурп ИСТАЙДИ КўРИШ ХАДИД!

Гигантнинг улкан қўли пастга туша бошлади. Чинқириб юборган Гермiona бир неча қадам ортга чекиниб, ерга қулаб тушди. Сеҳрли таёқчаси бўлмаган Гарри зарбани қайтариш, уриш, тепиш, тишлашга ҳозирлик кўрди. Гигантнинг қўпол қўли эса бу пайтда қордай оппоқ урғочи кентаврни уриб йиқитди.

Пода худди шу фурсатни кутгандай, Гурпнинг бармоқлари Гаррига етишига бир фут қолганда, жамики камонлардан гигантнинг мисли кўрилмаган йирик башарасига қарата ўқ ёғдирди. Гурп оғриқдан бақириб юбориб, қаддини ростлади-да, юзини ишқалай кетди. Камон ўқлари синиб тушгани билан, нишлари санчилганча қолиб, устига-устак, тери қопламасининг остига баттар санчилиб кирди.

Гурп кучанганча бақириб, йирик оёқлари билан депсина бошлади. Кентаврлар атрофга тумтарақай бўлди. Ҳар бири шағал тошидай келадиган қон томчилари Гаррининг устига сачради. Гермionaга оёққа туришга ёрдам берган Гарри, қизни тортиб, дарахт ортига ўтиб олди. Юзидан жилға каби, қон оқаётган Гурп ҳеч нарсани кўрмай, кентавр тутта бошлади. Улар эса сайхонликнинг нариги

томонига елдай учиб, ўрмон ичига кириб кетишди. Ҳазабдан наъра тортган Гурп йўлида учраган дарахтларни қўпорганча, кентаврларни таъқиб қила кетди.

- О, йўқ, - ғудуллади, дағ-дағ титраганидан тиззаси букилиб кетган Гермiona, - Қандай даҳшат! Уларни битта қўймай қириб ташлайди-ку, энди.

- Ростини айтсам, бу масала мени ҳеч ҳам хижолатга солмайди, - ҳансиради Гарри.

У тек туриб, тиниб бораётган туюқлар дупири-ю, гигант қадамига қулоқ тутди. Кутилмаганда чандиғига оғриқ кириб, Гаррининг вужудини даҳшат қамради.

Кўриш ҳолати рўй берган фурсатдан эътиборан жуда кўп вақт йўқотилди. Сириусни қутқариш имкони деярли қолмади! Таёқчалар олдириб қўйилган, ўзлари Ман этилган ўрмон қаърида. Бу ердан чиқиб кетишга эса қанча вақт кетади, Худо билади!

- Режанг зўр чиқди, - дарғазаб ўшқирди Гарри, аламини нимадан олишни билмай, - Зўр. Энди нима қиламиз?

- Қасрга қайтиш керак, - заиф овоз-ла, жавоб берди Гермiona.

- Етиб боргунимизга қадар Сириус ҳалок бўлади! - ўшқирди Гарри, ёнидаги дарахтни қаттиқ тепиб. Юқоридан йиғлоқи гувранишни эшитган Гарри бошини кўтариб, таҳдид солганча, новда-қўлини узатаётган домангир қиёфали дарахт алвастисини кўрди.

- Сеҳрли таёқчаларсиз ҳеч нима қила олмаймиз, - умидсиз оҳангда жавоб берди Гермiona, оёққа турар экан, - Айтгандай, Гарри, Лондонга қандай қилиб етиб бормоқчисан?

- Бу масала бизни ҳам жуда қизиқтиради, - эшитилди таниш овоз.

Гарри билан Гермiona ғайриихтиёрий равишда бир-бирига яқин келиб, овоз чиққан томон бақрайишди.

Дарахтлар орасидан Рон, унинг ортидан эса Жинна, Невилль ва Луна чиқиб келди. Тўртовлоннинг афти-ангорини зўр, деб бўлмади. Жиннанинг юзи узунасига тимдаланган, Невиллнинг ўнг кўзи остида каттагина қизил доғ кўринаётган бўлса, Роннинг лаби тинимсиз қонамоқда. Шунга қарамай, қиёфалари жуда мамнун кўринмоқда.

- Хўш, бирон-бир фикр борми, бу масалада? - сўради Рон, паст осилган шохни четга сурганча, Гаррининг таёқчасини узатиб.

- Анави маразлардан халос бўлишга қандай эришдингиз? - ҳайратланиб сўради Гарри, таёқчасини қайтариб олар экан.

- Икки-учта уриб йиқитувчи яшин, Қуролсизлантириш қарғиши ва Невилль томонидан фавқулодда маҳорат-ла ижро этилган Тўсқинлик қарғиши, - деди Рон, Гермionанинг ҳам таёқчасини қайтариб берар экан, - Лекин Малфойнинг адабини берган Жинна ҳаммамиздан ўтиб тушди! Учар сичқон-халақитлар! Башарасига ёпишиб олишди! Киши ўз кўзи билан кўрмас экан, унга таърифлаб беришга сўз ожиз! Ўрмонга кириб кетганингизни деразадан кўриб қолдик. Ортингиздан боришга аҳд қилдик. Амбриж қани? Қаёққа тиқиб юбордингиз уни?

- Кентавр подаси билан асал ойини ўтказадиган бўлди, - жавоб берди Гарри.

- Сизларга тегишмади-ми? - ҳайрон бўлди Жинна.

- Тегмоқчи бўлишди-ю, Гурп қувиб солди, - тушунтириш берди Гарри.

- Гурп деганингиз ким? - қизиқди Луна.

- Хагриднинг укаси, - қисқа қилди Рон, - Майли, бунинг аҳамияти йўқ. Гарри, бирон янгиликдан бохабар бўлдинг-ми, каминда? Сириус Ўзинг-Биласан-Кимнинг қўлидами ёки...?

- Ўшанинг қўлида, - деди Гарри, боз оғриқ сезиб, - Ишончим комилки, у ҳали тирик, бироқ қандай қилиб ёрдам бера оламиз унга, бошим қотди.

Муаммонинг ечими йўқдай кўриниб, ҳамма жим бўлиб қолди.

- Биз учишимиз керак, - таклиф киритди Луна, худди табиий нарса ҳақида гапираётган бўлиб.

- Яхши таклиф, албатта, - деди Гарри, аччиқланиб, - Бироқ биринчидан, «биз» деганинг, «сен ҳам» деган маънони англамайди, иккинчидан эса троллар томонидан Роннинг супургиси



қўриқланмайди холос. Шундай экан...

- Менда ҳам супурги бор! - овоз кўтарди Жинна.

- Тўғри, бироқ сен ҳеч қаёққа учмайсан, - эътироз билдирди Рон.

- Мени маъзур санайсан-у, акажон, лекин Сириуснинг қисмати мени ҳам ташвишга солади! - ўжарлик қилди, жағини қисиб олган Жинна, юзининг ҳаракати ила Фред билан Жоржга ўхшаб қолиб.

- Сен ҳали жуда... - гап бошлади Гарри, бироқ Жинна шу заҳоти, гапни бўлди.

- Ўзинг-Биласан-Кимнинг қўлидан Фалсафий тошни тортиб олган ёшинга нисбатан оладиган бўлсак, мен уч ёшга каттаман! Малфой эса айнан менинг саъй-ҳаракатим туфайли Амбрижнинг хонасидан чиқа олмай ўтирибди. Ҳозиргина ўзинг эшитганингдек учар сичқон-халақитлар халал беради унга...

- Ҳа, аммо...

- Биз ДА жамиятида бирга бўлдик, - аста гап бошлади Невилль, - Жамиятимиз айнан Ўзингиз-Биласиз-Кимга қарши кураш олиб бориш мақсадида таъсис этилган, шундай эмасми? Мана энди ўзимизни амалда синаб кўриш мавриди етди ёки буларнинг бари ёш болаларнинг уруш-уруш ўйини бўлган эдимми?

- Йўқ... йўқ, албатта, - шошиб қолди Гарри.

- Ундай бўлса, биз сен билан, - деди Невилль, оддий оҳангда, - Нафимиз тегишини истаймиз.

- Тўғри! - бахтиёр табассум-ла, маъқуллади Луна.

Гарри Ронга юзланди. У нима ҳақда ўйлаётган бўлса, Рон ҳам шу хаёлга борганини башарасидан ўқиб олса бўлади. Агар ДА жамиятининг аъзолари орасидан ёрдамчи танлашга тўғри келганда ҳам, ҳар қалай Жинна, Невилль ва Лунани танламаган бўлиши аниқ.

- Ҳозир ушбу гапларнинг жиддий аҳамияти йўқ, - тиш орасидан вишиллади Гарри, - Бари-бир Лондонга қандай қилиб етиб боришни билмаймиз...

- Келишгандай бўлдик шекилли-ю, - деди Луна, кишининг жаҳли чиқадиган хотиржам оҳангда, - Учиб борамиз.

- Қулоқ сол, - деди Рон, ғазабини базўр тийиб, - Балким сен супургисиз учишни биларсан, албатта, бироқ қолганлар қанот ўстиришни ҳозирча ўзлаштириб олгани йўқ.

- Учиш учун супурги бўлиши ёки қанот ўстириш шарт эмас, - жавоб қайтарди Луна, пинаги бузилмай.

- Ундай бўлса, нимада учамиз? - сўради Рон, - Бўртиқ шохли эскалопларда-ми ёки номи нима эди?

- Буришиқ шохли стеклоплар, лекин улар учмайди, - ниҳоят эътироз билдирди Луна, - Анави ҳайвон эса учади ва Хагриднинг сўзларига қараганда, бошқа ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, етиб бориш керак бўлган манзил йўлида жуда яхши мўлжал олади. Қаёққа бориш кераклигини айтсанг бўлди, унга...

Гарри кескин ортга бурилди. Дарахтлар орасида қўрқинчи кўзлари ялтираётган бир жуфт тестраль, гўё гап нима тўғрисида бораётганини тушунаётган бўлиб, суҳбатга диққат билан қулоқ тутиб турибди.

- Тўппа-тўғри! - пичирлади Гарри, ҳайвон томон қадам босиб.

Калтакесак бошини ирғатган ҳайвон узун қора ёлини орқага ташлади. Гарри қўлини узатиб, тестралнинг ярқираб турган бўйнига уриб-уриб қўйди. Ҳеч ҳам қўрқинчли эмас, улар, хаёлдан ўтказди у.

- Яна ўша аҳмоқона, агар бирор кишининг асфалософилинга йўл олганини кўрмаган бўлсанг, кўзга кўринмайдиган отларми? - иккиланиб сўради Рон, Гарри силаб турган тестралдан чапроқ томон қараб.

- Ҳа, ўша отлар, - тасдиқлади Гарри.

- Нечта, улар?

- Иккита холос.
- Бизга эса учта керак, - деди Гермiona, гарчи руҳий ларзадан ҳали ўзига тўла-тўкис келмаган бўлса-да, қатъий оҳангда.
- Тўртта керак, Гермiona, - қовоқ солди Жинна.
- Назаримда, биз олти кишимиз, - хотиржам маълум қилди Луна, сайҳонликда турган одам сонини маълум қилиб.
- Сизлар чиндан ҳам миянгизни еб қўйгансиз-ми? - жаҳл-ла хитоб қилди Гарри, - Ҳаммамиз бора олмаймиз, у ёққа! Қулоқ солинг, - маънодор ишора қилди у, Невилль, Жинна ва Луна томон, - Сизнинг бу ишга дахлингиз йўқ, сиз...
- Учовлон эътироз билдира кетди. Гаррининг чандиғи эса боз оғриб ловуллади. Ҳозир ҳар бир сония ғанимат, баҳслашишга вақт йўқ...
- Жин урсин... билганингизни қилинг, - таслим бўлди охири у, - Агар яна тестраль топа олмасак, сизлар...
- Уларни қидириш шарт эмас ўзлари топилиб келади, - ишонч-ла баёнот қилди, худди Рон каби, тестралларни кўрмаётган Жинна.
- Нега энди ўзлари топилиб келар экан?
- Негаки, агар эътибор қаратган бўлсанг, Гермiona иккалангиз бошдан-оёқ қонга белангансиз, - вазмин оҳангда тушунтириш берди Жинна, - Хагрид эса биламизки, уларни хом гўшт воситасида чақирар эди. Мана бу иккаласи ҳам, шубҳа йўқ-ки, қон ҳидини сезиб келган.
- Шу пайт Гаррининг коржомасини нимадир пастга тортди. Нигоҳини пастга қаратган Гарри тестраль, Гурпнинг қонидан шалаббо бўлган енгини ялаётганини кўрди.
- Яхши... - деди у, миясига кутилмаганда келган фикрдан хурсанд бўлиб кетиб, - Ундай бўлса, Рон иккаламиз учиб кетаверамиз, Гермiona эса тестраль чорлаб сизлар билан қолади...
- Мен қолмайман! - эътироз-ла қичқирди Гермiona.
- Бунга ҳожат йўқ! - деди Луна, яшнаб кетиб, - Ана, қаранг, топилиб келишди. Афтидан, танангиз таратаётган ҳид бутун ўрмонни саситган кўринади...
- Гарри ортга ўгирилиб, дарахтлар орасидан олти-еттита тестраль чиқиб келаётганини кўрди. Ҳар бирининг теридан иборат бир жуфт йирик қаноти танасига маҳкам ёпишиб турибди. Ўртоқларнинг сафарга чиқишини рад этишга важ-баҳона қолмади.
- Хўп, майли, - пўнғиллади у, - Биттадан эгарланг, кетдик.

## **ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ. СИРЛИ СЕҲР БЎЛИМИ**

Гарри қўлини ёнида турган ҳайвон ёлининг орасига суқиб, оёғини тўнғакка қўйди-да, тестралнинг шойидек силлиқ белига бир амаллаб чиқиб, ўтириб олди. Ҳайвон қаршилиқ кўрсатмади, фақат бошини Гарри томон буриб, тишини яланғочлатганча, коржомага теккан қонни ялашни давом этди.

Учувчи-чавандоз тиззаси тестралнинг қаноти билан танаси орасидаги оралиққа қулай ва ишончли жойлашар экан. Бошини ўртоқлари томон буриб, қараган Гарри Невиллнинг тестраль устига қопга ўхшаб ётиб олганча, калта оёғини ҳайвон бели узра олиб ўтишга уринаётгани, Луна от устида аёлларга хос тарзда, худди ҳар куни тестраль миниб юргандай жойлашиб, коржомасининг букилган қатларини хотиржам текислаб ўтирганини, Рон, Гермiona, Жинна эса пастда, оғизларини ланг очиб олганча, аллақандай бўшлиққа ҳаракатсиз қараб туришганини кўрди.

- Хўш, энди нимани кутяпсиз? - сўради Гарри.
- Биз уларни кўрмаётган бўлсак, қандай қилиб эгарлаймиз? - пўнғиллади Рон.
- Бунинг қийин жойи йўқ, - деди Луна, отдан сирпаниб туриб, - Ёнимга келинг...

У Рон, Гермiona ва Жиннани тестралларга яқин келтириб, ҳар бирининг қўлини ҳайвон бўйнига теккизганча, эгарлаб олишга навбат билан ёрдамлашиб юборди. Юраги ғаш бўлаётгани юзларидан кўриниб турган болалар жуда асабийлашмоқда. Ишни аъло даражада бажарган Луна, ўз арғумоғи ёнига қайтиб, миниб олди.

- Бемаънилик, - финшиди Рон, тестраль бўйинини пайпаслаб, - Кўрсам ҳам гўрга эди...

- Яхшиси, уни кўрмасликни Худодан илтижо қил, - сўкиб берган бўлди Гарри, - Хўш, ҳамма тайёрми?

Болалар бош ирғишди. Гарри коржомалар остидаги беш жуфт тизза ғайриоддий отлар белига маҳкам босиб олинганини кўрди.

- Хўп, майли... - деди у, ўз тестралининг ипак ёлли энсасига ютинганча, иккиланиб қарар экан, - Ундай бўлса, илтимос, бизни... Лондонга, сеҳргарлик вазирлигига элтиб қўйсангиз. Агар... э-м-м... манзилни билсангиз, албатта...

Тестраль бироз ҳаракатсиз турди-да, кутилмаганда, Гаррини ерга қулатиб юборишига сал қолиб, қанотини икки томон кенг ёзганча, танасини ғуж йиғиб, тикка кўтарилди. Ҳайвоннинг чўп-устухон белидан сирпаниб тушмаслик учун Гарри оёқ-қўлини ишга солиб, бор кучи билан отга ёпишди, кўзини чирт юмиб, юзини отнинг ипак ёлига босиб олди. Жонивор иккаласи дарахт шохлари ҳосил қилган ўрмон гүмбазини ёриб ўтиб, қондай қип-қизил уфқ томон елдай учиб кетди.

Гарри ҳали бу қадар тез учмаган. Тестраль «Хогварц» қасри устидан бирон маротаба бўлсин, қанот қоқмай, учиб ўтди. Совуқ шамол боланинг юзи, иккала лунжини савалаб, кўз очгани деярли имкон бермади. Гарри бошини буриб, ҳамроҳларига қаради. Ўртоқлари арғумоқлар томонидан шиддатла ёриб борилаётган ҳаво оқими таъсиридан сақланиш учун тестраллар белига ётиб, қапишиб олишган.

Мактаб ва Хогсмёд ҳудуди узра ўқдай учиб ўтилгач пастда тоғ-у, даралар кўринди. Қош қорайиб, ҳар жой, ҳар жойда қишлоқ чироқлари ёна бошлади. Тепаликлар орасидаги илонизи йўл бўйлаб якка автомобиль ўрмалаб кетмоқда.

- Жа ғалати бўлар экан! - орқа томондан эшитилди Роннинг қичқириғи.

Чиндан ҳам, оти кўзига кўринмаётган кишига худди ўзи учиб кетаётгандай туюлса керак, хаёлдан ўтказди Гарри.

Кеч кириб, юлдузлар, оч бинафша тус олган осмонда кумуш нуқталар каби кўриниш берди. Кўп ўтмай, учувчи-сайёҳлар маглар шаҳарларидаги чироқларга қараб, қанчалик тез-у, қандай баландликда парвоз қилишаётганларини идрок этиб боришди. Тестралнинг бўйнига маҳкам ёпишиб олган Гарри жониворни янада тез учишга хаёлан қистамоқда. Кўриш ҳолати рўй берган фурсатдан эътиборан қанча вақт ўтди? Сириус Вольдемортнинг қийноқларига яна қанча бардош бера олиши мумкин? Гарри бир нарсани аниқ ҳис этмоқда, у ҳам бўлса, чўқинтирган отаси ҳали Вольдемортнинг айтганини қилмаган ва ҳозирча тирик. Акс ҳолда Гарри Вольдемортнинг қувонгани ёки ғазабга тўлиб-тошганини ҳис этган, чандиғи, худди мистер Уэслига ҳамла қилинган тунда оғригани каби, чидаб бўлмас даражада оғриган бўлар эди.

Қоронғилик тобора қалинлашмоқда, совуқдан юзи қотиб, сирпаниб кетмаслик учун тестраль танасини ҳаракатсиз, маҳкам қисиб олган оёқлари увушиб қолган болаларнинг парвози эса давом этмоқда... Шамол шовқинидан Гаррининг қулоғини битиб қолди, оғиз бўшлиғи қуриб, музлаб қолди... Парвоз қанча давом этди, ҳозир қаерда учишяпти, тасаввур ҳам қила олмайди. Пўсти қалин қанотини камдан-кам қоқиб, тун қаърига кириб бораётган ҳайвонга умид боғлаб боришдан бошқа чораси йўқ.

Кечиккан бўлишса-чи...

Йўқ, у тирик, у курашмоқда, мен буни ҳис этмоқдаман...

Агар Вольдеморт Сириуснинг иродаси букилмас эканлигини тан олса-чи...

Йўқ, мен буни идрок этган бўлар эдим...

Қорин соҳаси шув этиб кетди: тестраль кутилмаганда пасая бошлаб, Гарри хайвоннинг бўйин томонига сирпанди. Ниҳоят... Қулоғига қичқириқ эшитилган Гарри таваккал қилиб бўлса ҳам, ортга ўгирилиб қаради... ҳеч ким қулаб тушгани йўқ... афтидан, пастлаш жараёни фақат унга эмас ҳамма учун кутилмаган ҳолат бўлган...

Шаҳарнинг тўқ сариқ ёритилган ёрқин майдонлари йириклашиб, бино томлари, машиналарнинг ҳашарот кўзини эслатадиган турнақатор фаралари, уйларнинг тўғрибурчак шаклидаги оч сариқ ёритилган деразалари кўрина бошлади. Улар аллақандай тош йўл томон кескин пастлашди.

Қаттиқ зарбага ҳозирланган Гарри тестралга маҳкам қапишиб олди. Лекин от, худди арвоҳ каби пиёдалар йўлагига енгил қўнди. Гарри отдан тушиб, атрофга назар солди. Ҳеч нарса ўзгаргани йўқ: кўча фонусининг хира малла шуъласи остидан рангсиз кўринаётган ўша чиқиндига тўлган бак ва ўша телефон будкаси.

Рон Гарридан икки қадам нарида қўниб, отдан сирпанганча ерга қулаб тушди.

- Ҳаётда қайта ўтирмайман бу махлуққа, - баёнот қилди у, бир амаллаб оёққа турар экан, имкон қадар тезроқ отдан нари қочишга уриниб.

Бироқ у, кўзига кўринмаётган от сағрисига урилиб, боз йиқилиб кетмаслик учун мувозанатини базўр сақлаб қолди.

- Ҳаётда... ҳеч қачон... бундан-да даҳшатли...

Унинг икки томонида Гермiona билан Жинна қўниб, ерга, Ронга нисбатан анча эпчилроқ сакраб тушишди. Уларнинг қиёфаларида ҳам, оёқ остида қаттиқ ерни ҳис этишгач, енгил тортиш аломати кўринди. Отдан сакраб тушган Невиллнинг аъзойи-бадани дағ-дағ титрамоқда. Луна эса ерга хиром айлаб сакради.

- Энди қай томон юрамиз? - сўради у, Гарридан, худди экскурсияга келган каби, хушмуомала оҳангда.

- Бу томон, - деди, тестралининг белига миннатдор уриб қўйган Гарри, телефон будкасининг ёнига тез бориб, эшигини очганча, - Бўлинг тезроқ! - қичқирди у, иккиланиб турган ўртоқларига қараб.

Рон билан Жинна итоат билан будкага киришди. Гермiona, Невилль, Луна эса бир-бирини олдинга туртиб, изма-из яқин боришди. Гарри сасиган ем қидириб, чиқинди бакларини титкилаётган тестралларга сўнгги бор қараб қўйди-да, Лунанинг кетидан будкага суқилиб кириб, эшикни ёпди.

- Қани, ким телефонга яқинроқ турибди? Қани теринг-чи олти, икки, тўрт, яна тўрт, икки.

Рон қўлини ғалати тарзда букиб, айтилган рақамларни терди. Телефон аппаратининг рақам териш тўгараги паст тириллаганча айланиб, ўз жойига қайтгач, будка ичида аёл кишининг бир маромда гапираётган овози эшитилди.

- Сеҳргарлик вазирлигига хуш келибсиз. Илтимос, фамилияларингиз ва ташриф буюришдан кўзлаган мақсадингизни айтинг.

- Гарри Поттер, Рон Уэсли, Гермiona Грэнжер, - тез санай бошлади Гарри, Жинна Уэсли, Невилль Лонгботтом, Луна Лавгуд... Биз бир кишининг ҳаётини сақлаб қолгани келдик, агар вазирлигингиз бу ишни биздан эртароқ бажармаса!

- Миннатдорман, - ташаккур билдирди аёл овози, - Энди, илтимос, вазирликка ташриф буюрган меҳмонлар учун жорий этилган кўкрак нишонини олиб, коржомангизга қадаб олинг.

Телефон аппаратининг танга қайтариш тарновидан кумушдан тайёрланган тўғри бурчак шаклидаги олти дона кўкрак нишони отилиб чиқди. Гермiona уларни олиб, бирон оғиз сўз айтмай Жиннанинг боши орқали Гаррига узатди. Гарри сиртига: «Гарри Поттер, қутқарув операцияси» сўзлари битилган нишонни қўлига олди.

- Муҳтарам меҳмонлар, - боз янгради аёл овози, - Сиз Атриум бурчагида турган стол ёнига бориб, хавфсизлик хизматининг текширувидан ўтишингиз ва ихтиёрингиздаги сеҳрли таёқчаларни рўйхатдан ўтказишингиз керак бўлади.

- Яхши! - деди чандиғига оғриқ кирган Гарри, бироз аччиқланиб, - Ҳаракат бошлармиз энди, а? Оёқ тагидаги пол титраб, телефон будкаси аста-секин ер остига туша бошлади. Ташландиқ еётган тестраллар аста-секин кўздан ғойиб бўлди. Бир неча сониядан сўнг, тош йўл, уларнинг боши устида туташганча ёпилиб, атрофни зулмат қоплади. Телефон будкаси гумбур-гумбур товуш чиқарганча сеҳргарлик вазирлигининг қаърига пастлаб кетди.

Бироз ўтгач, болаларнинг оёғига тилла тусли ингичка ёруғлик нури тушди. Нур тобора кенгайиб, будка кабинасини тўлиқ ёритди. Тиззасини бироз букиб олган Гарри Атриумда пойлаб турганлар бўлса, дарҳол фош этиш учун сеҳрли таёқчасини шай ҳолатда тутиб, тор жой имкон берганча, деразага диққат билан қараб турибди. Атриумда ҳеч ким йўқ, деворларига силлиқланган ёғоч қопланган вестибюль эса кундуз кунгидай ёрқин ёритилмаган. Иккала томонда қатор жойлашган каминларнинг чўғи ўчган. Лекин товланаётган кўм-кўк шифтда қадама нақшли тилла рамзлар узлуксиз ўзгариб, ҳаракатланмоқда. Гарри буларнинг барига будка ҳали тўла-тўқис тўхташга улгурмай, эътибор қаратди.

- Сеҳргарлик вазирлиги. Оқшомни дилкаш ўтказишингизни тилаймиз, - эшитилди суҳандон аёл овози.

Эшик очилиб, будка ичидан Гарри, унинг кетидан эса Невилль билан Луна отилиб чиқди.

Атриумда жимжитлик қарор топган. Фақат зал марказидаги фавворанинг қоқ ўртасига ўрнатилган олтин ҳайкаллар, хусусан, сеҳргар эркак билан афсунгар аёлнинг қўлидаги сеҳрли таёқчалар учидан, кентавр қўлидаги камон ўқи, гоблиннинг бошидаги шляпа чўққиси ва эльфнинг иккала қулоғидан сув отилиб чиқмоқда.

- Кетдик, - деди Гарри паст овозда.

Олтовлон даҳлиз бўйлаб югуриб кетди. Гарри йўл бошламоқда. Ўтган сафар Гаррининг сеҳрли таёқчаси тарозида тортилган хавфсизлик хизматининг столи ёнида ҳеч ким йўқ.

Хизмат ходимининг жойида йўқлиги Гаррининг кўзига машъум аломат бўлиб кўриниб, кўнглига келган нохуш ҳиссиётлар баттар кучайди. Болалар олтин дарвозадан ўтиб, лифт қаторлари томон йўл олишди. Гарри дуч келган биринчи «пастга» тугмасини босди. Жаранг-журунг, гулдур-гулдур қилган лифт деярли бир зумда пайдо бўлди. Тилла панжаранинг жаранглаб очилиши зал деворларидан акс-садо бўлиб қайтди. Олтовлон кабина ичига отилиб киргач, Гарри «9» тугмасини босди. Панжара қарсиллаб ёпилиб, лифт кабинаси зириллаганча пастга туша бошлади. Мистер Уэсли билан бирга келишганида, ушбу лифтлар бу қадар шовқин солиб ҳаракатланишига Гарри эътибор қаратмаган экан. Лифт тўхтаб, суҳандон аёлнинг хотиржам овози эшитилди: «Сирли сеҳр бўлими». Панжара очилиб, болалар кимсасиз, фақат олови ҳаво оқимидан бироз қўзғалиб кетган машъалалар кўринган йўлакка чиқишди.

Гарри қора эшик томон бурилди. Неча ойдан буён тушида кўриб келади, ушбу эшикни. Мана ниҳоят, уни ўнгида кўриб турибди.

- Бу томон юрамиз, - пичирлади у, ҳаммани ортидан эргаштириб.

Унинг ортидан оғзини очиб, атрофга аланглаётган Луна эргашди.

- Қулоқ солинг, - деди Гарри, эшикка олти футча қолганда, - Кимдир... шу ерда... пойлоқчи бўлиб қолиши керак ва...

- Шунақа дегин? - деди Жинна, қошини танқидий кўтариб, - Сизлар анча ичкарига кириб кетишларинг мумкин-ку, тревога сигналини қандай берамиз?

- Биз сен билан борамиз, Гарри, - баёнот қилди Невилль.

- Масала ҳал, кетдик, - деди Рон, қатъий оҳангда.

Гарри ўзи билан ҳаммани эргаштириб киришни мутлақо истамаяпти, аммо илож қанча, бошқа йўли қолмади. У шартта бурилди-да, эшик томон одимлади... эшик эса худди тушида кўрингани сингари, ланг очилди. Гарри остона ҳатлаб, ичкарига кирди. Қолганлар ҳам, унинг ортидан эргашди.

Олтовлон катта думалоқ залга кириб қолди. Шифт ҳам, пол ҳам, қоп-қора. Қора деворда тенг оралиқ масофада қолдирилган тарзда бир хил, дастаси йўқ эшиклар ўрнатилган. Ҳар икки эшик ўртасида қандил осилган. Мовий тус бериб ёнаётган шамларнинг совуқ шуъласи ялтироқ мрамор полда акс этиб, оёқ остида қорамтир сув бордай тасаввур ҳосил қилмоқда.

- Бирортангиз эшикни ёпиб қўйинг, - ғудуллади Гарри.

Невилль эшикни ёпиши билан, Гарри ўз илтимосидан афсус қилди. Йўлақдан тушган ёруғлик тўсилиши ҳамона, хона қоронғилашиб, фақат девордаги кичик ўлчамли мовий ороллар ва уларнинг полдаги хира аксларигина кўринадиган бўлиб қолди.

Гарри тушида, ушбу хона орқали рўпарадаги эшик томон собитқадамлик-ла, ўтиб, йўлини давом эттирган эди. Ўнгида эса кам деганда ўн иккитача эшикни кўриб турибди. Гарри қай томон юриш масаласида қарор қабул қилар экан, нимадир гумбурлаб, қандиллар ён томон оғиб қолганча, зал девори айлана бошлади.

Гермиона, афтидан пол ҳам айлана бошланишини кутган шекилли, Гаррининг қўлини чўчиб ушлаб олди. Йўқ, пол айланмади. Девор бир неча сония давомида айланар экан, шам ёруғи ҳосил қилган мойий ороллар неон қувурчасига ўхшаб кетадиган энли хира чизиққа айланиб қолди. Гумбур-гумбур қандай бошланган бўлса, худди шу тарзда дафъатан тиниб, ўлик жимжитлик қарор топди. Гаррининг кўз ўнгидан мовий тусли энли чизиқ сақланиб қолганча, ҳеч нарсани кўрмай турди.

- Нима эди у? - чўчиб пичирлади Рон.

- Қаёққа боришимиз кераклигини билдириш учун бўлса керак, - паст овозда фикр билдирди Жинна.

Қиз ҳақ эканлигини, хусусан, улар мана бу ўн иккита эшикнинг қайси биридан ҳозиргина кириб келишгани-ю, энди қайси бирига киришлари кераклигини айтгандан кўра, қоп-қора полда қора чумолини қидириб топиш осон кечишини Гарри дарҳол англади.

- Энди қандай қилиб чиқиб кетамиз? - сўради даҳшатга тушган Невилль.

- Ҳозир бунинг аҳамияти йўқ, - деди Гарри қатъий оҳангда, - Сириусни топайлик, ўшанда ҳал тамиз бу масалани.

У таёқчасини маҳкам сиқиб, кўз ўнгидаги мовий чизиқдан халос бўлиш учун кўзини пирпиратиб олди.

- Энг асосийси, бақириб чақирма уни! - маслаҳат беришга шошилди Гермиона.

Лекин, ушбу маслаҳат ортиқча. Вазият шундоқ ҳам, имкон қадар жим юриш кераклигини тақозо этмоқда.

- Қай томон юрамиз, Гарри? - сўради Рон.

- Мен бил... - гап бошлади Гарри, ютиниб қўйиб, - Тушимда лифддан чиқиб, йўлак охиридаги эшик орқали мана шу қора хона томон келганман. Ичкарига кириб, атроф милтиллаб кўринадиган хонага эшигидан ўтганман. Эшикларнинг ҳаммасини бирма-бир очиб кўриш керак. Ўшанда, қайси хонага кириш кераклигини англаб оламан. Бошладик.

У яқин ўртадаги эшик томон шахдам қадам боса кетди. Қолганлар унинг ортида тўпланиб олган.

Гарри эшикнинг сайқал берилган совуқ юзасига қўл теккизиб, сеҳрли таёқчасини олдинга узатганча, итарди.

Эшик ланг очилди.

Думалоқ залдаги қоронғилиқдан сўнг, тўғрибурчак шаклидаги узун хона шифтидан олтин занжир воситасида осилиб тушган чироқлар кўзни қамаштирадиган даражада нур таратаётган билан Гаррининг тушида кўрингани каби, милтиллаётгани йўқ. Хона марказига ўрнатилган бир нечта стол ва тўқ яшил суюқлик тўлдирилган шиша идишдан ташқари, ҳеч нарса кўринмади. Шиша идиш шу қадар каттаки, олтовлон худди бассейнда чўмилган каби, сузиб юриши мумкин. Суюқлик ичида аллақандай садаф рангли оқ нарсалар эринчоқлик-ла, сузиб юрибди.

- Нима бу? - пичирлаб сўради Рон.

- Билмадим, - деди Гарри.

- Балиқми? - оҳ урди Жинна.

- Аквақурт! - ҳаяжон-ла, хитоб қилди Луна, - Вазирликда боқиб кўпайтирилади, деб айтган эди дадам.

- Йўқ, - эътироз билдирди, овози жуда ғалати эшитилган Гермiona, улкан аквариум ёнига келиб, диққат билан разм солар экан, - Мия.

- Мия?

- Ҳа, мия... Қизиқ, уларни нима қилишар экан, а, бу ерда?

Гарри яқинроқ бориб, чиндан ҳам мия эканлигига шубҳа қилмади. Сирли ялтираётган миялар дам кўриниш бериб, дам суюқлик ичидаги шилимшиқ қоплаган гулкарам орасига кириб кетишмоқда.

- Кетдик бу ердан, - пўнғиллади Гарри, - Керакли хона эмас бу, бошқа эшикни очиб кўришимиз керак.

- Бу ерда ҳам эшик кўп экан, - деди Рон, қўли билан хона ичини айланасига кўрсатиб.

Гаррининг юраги увушиб кетди. Нечта хона бор ўзи бу ерда?

- Тушимда қоронғи хонадан керакли хонага кирган эдим, - деди у, менимча ортга қайтиб, ўша ердан бошлаш керак.

Олтовлон думалоқ зал томон ошиқди. Энди Гаррининг кўз ўнгида неон қувур эмас оқиш мия сузиб юрибди.

- Шошма! - кескин тўхтатди Гермiona, мия сақланаётган хона эшигини ёпмоқчи бўлган Лунани, - Флагрейт! - таёқчасини силтади у.

Эшик сиртида ёришиб турган хоч пайдо бўлди. Эшик шиқиллаб ёпилган эди ҳам-ки, девор боз гумбурлаганча, айлана бошланди. Фақат энди мовий тусли энли чизиқда қизғиш-тилла тусли доғ кўринмоқда. Айланма ҳаракат тўхтаб, доғ, ҳозиргина тарк этилган хона эшигидаги хоч ҳолатида қолди.

- Офарин, - кулиб қўйди Гарри, - Қани мана бу эшикни очиб кўрайлик-чи...

У рўпарасидаги эшикка яқинлашиб, сеҳрли таёқчасини кўтарганча, туртиб очди. Ўртоқлари ҳушёр тортиб, унинг ортига тўпланишди.

Тўғрибурчак шаклидаги тош чуқурни эслатаётган, хира ёритилган хона олдинги хонага нисбатан анча катта экан. Унинг поли йигирма беш футча чуқурликда, атрофи тик пастлаб тушган зинапоя-курсилардан иборат бўлиб, эшик очган болалар Оқил Суд мажлислари ўтказиладиган ўзига хос амфитеатрнинг юқори қисмида пайдо бўлишган. Фақат пастда, одатда, судланувчини занжирбанд қиладиган қора курси эмас тош супа кўтарилган. Супа устига эса ёрилиб, уқалана бошлаган қадимий арка ўрнатилган. Базўр турган ушбу арка нега ҳалигача тўкилиб тамом бўлмагани кишини лол қолдиради... Хонанинг зина-деворида тегмаётган аркага эскириб кетган қора мато тортилиб, маҳкамланган. Хона ҳавоси қилт этмаётган бўлишига қарамай, қора мато, худди биров орқа томонини тегаётган каби ҳилпирамоқда. (Амфитеатр 1 Юнонистон ва қадимги Римда очиқ томошагоҳ ва унинг доиравий ва ярим доиравий, баландлаб борувчи ўринлари; 2 ҳозирги томоша залларида партердан кейинги, баландлаб борувчи ўринлар).

- Ким бор у ерда? - қичқирди Гарри, зинадан бир поғона пастга тушиб.

Ҳеч ким жавоб бермади, лекин мато ҳилпирашини давом этмоқда.

- Эҳтиёт бўл, Гарри! - пичирлади Гермiona.

Гарри курима-курси пастлаб, полга тушди-да, супа томон йўл олди. Унинг қадамлари сукунат ичра баланд эшитилмоқда. Ўткир бурчакли арка полдан қаралганда анча баланд экан. Мато, худди ундан биров ўтиб кетган каби, аста ҳилпирамоқда.

- Сириус? - аста чақирди, аркага яқин келган Гарри.

Боланинг вужуди ғалати, худди парда ортида кимдир борлигига бўлган ишонч қамраб олди.

Қўлидаги таёқчасини маҳкам сиқиб олган Гарри супа бўйлаб аркани айланиб ўтганча, орқа

томонига қаради. У ерда эскириб кетган қора матонинг орқа томони кўринди холос.

- Кетдик бу ердан, - чақирди, ўртадаги зина-курсилардан бирида турган Гермiona, - Керакли хона эмас бу, Гарри, бошқа эшикни очиб кўришимиз керак.

Мия сақлаш хонасида чўчиган қиз ҳозир баттар чўчиб кетгани билиниб турибди, лекин Гаррининг диққат-эътибори айна пайтда аркага қаратилган. Унинг жуда ғалати, ғайриоддий кўркамлиги нимаси биландир болани ўзига жалб этмоқда. Матонинг ҳилпираши Гаррида катта қизиқиш уйғотиб, шартта супага чиқиб, арка орқали ўтиш истагини туғдирмоқда.

- Гарри, кетдик, илтимос, - қатъий оҳангда чақирди Гермiona.

- Кетдик, - рози бўлди Гарри, лекин жойидан қилт этмади.

Унинг қулоғига аллақандай овоз чалинди. Парда ортидан қандайдир пичирлаш, мубҳам пўнғиллаш эшитилмоқда.

- Нима деяпсиз? - баланд овозда сўради Гарри.

Унинг овози залда акс-садо бериб, янгради.

- Ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ, Гарри! - хитоб қилди Гермiona, Гарри томон қадам босиб.

- Анави ерда кимдир пичирляпти, - деди у, Гермionадан нари чекинганча, матога қошини чимириб қараб, - Сен-ми, Рон?

- Мен бу ердаман, дўстим, - овоз берди, арка орқасидан чиққан Рон.

- Орангизда кимдир эшитяпти-ми, пичирлаётган овозларни? - сўради Гарри, талаб оҳангида.

Пичир-пичир ва пўнғиллашлар кучайди. Гарри, гарчи супа устига чиқиш нияти бўлмаган бўлса-да, оёғини супага қўйди.

- Мен эшитяпман, - аста жавоб берди Луна, кўзини ҳилпираётган матодан узмай, - У ерда, ичкарида одамлар бор.

- «Ичкарида» деганинг нимаси бўлди? - вазият тақозосидан кўра дарғазаброқ қичқирганча, полга сакраб тушиб, - У ерда ҳеч қанақанги «Ичкари» йўқ. Бу оддий арка, ичига ҳеч ким сиғмайди.

Гарри, бас қил, қоч у ердан...

Гермiona Гаррининг қўлидан ушлаб, ўзига тортди, лекин Гарри қаршилик кўрсатди.

- Гарри, биз бу ерга Сириусни қутқаргани келганмиз, - ингичка, зўриққан овоз-ла, эслатиб қўйди Гермiona.

- Сириусни, - аста такрорлади Гарри, тинимсиз ҳилпираётган матодан кўзини узмай, - Ҳа...

Ниҳоят, унинг мияси чақиб, хаёлини йиғиб олди. Сириус қўлга олинган, оёқ-қўли боғланган, қийноққа солинмоқда, у эса мана бу ерда аллақандай аркага бақрайиб турибди...

Гарри супадан бир неча қадам нарига чекиниб, нигоҳини пардадан узишга ўзини ўзи мажбур қилди.

- Кетдик, - деди у.

- Мен сенга бу ҳақда кушод... майли, аҳамияти йўқ, кетдик! - ўшқириб берди Гермiona, супани айланиб ўтиб.

Аркининг орқа томонида Невилль билан Жинна сеҳрлаб қўйилган каби, матога бақрайиб туришибди. Гермiona Жиннанинг, Рон эса Невиллнинг қўлидан индамай ушлаб, зинапоя поғоналари бўйлаб, юқорига, чиқиш эшиги томон тортиб кетишди.

- Нима деб ўйлайсан, қанақанги арка у? - сўради Гарри Гермionадан, думалоқ залга чиқишгач.

- Қанақанги арка эканлигини билмайман-у, хавфли эканлигини аниқ биламан, - жавоб берди Гермiona, эшикка хоч белгисини қўйиб.

Девор боз айланиб, тўхтади. Гарри таваккал қилиб, навбатдаги эшикни итарди. Аммо эшик очилмади.

- Нима гап? - сўради Гермiona.

- Қулфлаб қўйилган экан, - деди Гарри, эшикни кучлироқ итариб.

- Нары қочинг! - кескин оҳангда буюрди Гермiona, эшикнинг, одатда, қулф ўрнатиладиган жойига



таёқчасини ўқтаб, - Аллоомора!

Ҳеч нарса содир бўлмади.

- Сириуснинг пичоғи! - эслади Гарри, ички чўнтагидан пичоқ чиқариб.

Ҳамма умид-ла, унинг ҳаракатини кузатиб турибди. Гарри пичоқ тиғини эшик билан кесаки орасига суқиб, тепадан пастга туширди-да, суғуриб чиқариб, елкаси билан эшикни итарди. Эшик қилт этмади. Устига устак, пичоқ тиғи эриб кетди.

- Ундай бўлса, бу эшикни тек қўямиз, - қатъий оҳангда баёнот қилди Гермиона.

- Агар бу, айнан бизга керакли эшик бўлса-чи? - сўради, юзида қўрқув билан қизиқиш уйғунлашган Рон.

- Бўлиши мумкин эмас, - жавоб берди Гермиона, эшикка қизил тусли хоч белгисини қўяр экан, - Гарри ўз тушида йўлида дуч келган барча эшиклардан монесиз ўтган.

Гарри энди фойдасиз бўлиб қолган пичоқни киссасига солиб қўйди.

- Биласизми, у ерда нима бўлиши мумкин? - иштиёқ-ла сўради Луна, девор боз айланар экан.

- Бирон бир вати-қути нарса бўлса керак-да, - пўнғиллади Гермиона.

Невилль асабий хандон отиб қўйди.

Девор тўхтагач, Гарри навбатдаги эшикни умидсиз итариб кўрди.

- Мана у!

Гарри ниҳоятда чиройли, олмослар каби учқунлаб йўлаётган шуълаларни шу заҳоти таниди. Сал ўтиб унинг нигоҳи, кўзни қамаштирадиган жилвага мослашиб, китоб жавонлари орасида осифлик турган, хона бўйлаб ўрнатилган столлар устида турган, катта-кичик, полга ўрнатиладиган, от аравага маҳкамланадиган бир олам соат кўрди. Теварак-атрофни бир дунё миттигина, шахдам қадам босаётган оёқларнинг дукур-дукурига ўхшаш чиқиллаш қамраб олган. Олмос тусли шуъла манбаси хонанинг нариги томонида турган қўнғироқ шаклидаги баланд биллур идиш экан.

- Бу ёққа юрамиз!

Гаррининг юрак уриши тезлашиб кетди. Ана энди улар тўғри йўлдан боришмоқда. Гарри тушида кўргани каби, столлар орасидаги тор йўлдан ёруғлик манбаси – бўйи ўзининг бўйи баробар келадиган, стол устига ўрнатилган, ичидаги уюрма учқун сачратиб бурқираётган биллур идиш томон ташланди.

- Вой, мана бунга қаранг! - хитоб қилди, яқинроқ борган Жинна, идиш ичини кўрсатиб.

Ҳаво оқими миттигина, ялтироқ тухумни юқорига кўтармоқда. Фурсат ўтиб, тухум ёрилди-да, ичидан колибри учиб чиқди. Қушча шифтгача кўтарилди, бироқ шамол уни пастга, идиш ичига тортиб, патларини юлиб ташлаганча, боз тухум пўчоғига киритиб юборди. (Колибри (Trochilidae (VIGORS, 1825)) – майда қушлар оиласига мансуб рангдор митти қуш. Асосан Америкада яшайди, хусусан, Жанубий Аляска ва Лабрадордан Оловли Ерда учратиш мумкин. Дунёда ягона ортга учиш қобилиятига эга қуш).

- Кетдик, йўлимизни давом эттиришимиз керак! - овоз кўтарди Гарри, идиш олдида донг қотганча, тухумдан қушча ёриб чиқишини кутаётган Жиннага.

- Ўзинг ҳам арка олдида кўп туриб қолдинг-ку! - эътироз-ла, гап қайтарди Жинна, эл қатори биллур идиш орқасидаги эшик томон йўл олиб.

- Етиб келдик, - деди, юрак уриши тезлашиб, нафаси тикилиб қолган Гарри, - Бу томон юрамиз...

У ўртоқлари томон юзланди. Ҳамма ҳадиксираган жиддий қиёфа ила сеҳрли таёқчаларини қўлга олди. Гарри эшик томон бурилиб, итарди. Эшик ланг очилди.

Бу ўша, черков залига ўхшаш шифти баланд зал. Ҳамма жойда чанг қоплаган шарлар терилган токчалар ўрнатилган. Шарлар токчалар орасида жойлашган шамдонларнинг шуъласини акс эттирганча, ялтирамоқда. Шамлар, худди думалоқ залдаги шамлар каби, мовий тусли нур таратмоқда. Зал ҳавоси жуда совуқ.

- Тўқсон еттинчи қатор деган эдингми? - пичирлади Гермиона.

- Ҳа, - базўр эшиттириб жавоб берди Гарри, узоққа, қатор охирига қараб.

Қатор охиридаги шамдон остида кумуш тусли бўртма рақам кўринди: эллик тўрт...

- Таёқчаларни ҳозирланг, - аста буюрди Гарри.

Болалар атрофга аланлаганча, зимистон ичра охири кўринмайдиган тоқча қаторлари ёнидан ўта бошлашди. Ҳар бир шар остига сариқ тусли майда ёзув елимланган. Айримларининг ичида қандайдир тушунарсиз, лиққоқ модда ялтираётган бўлса, баъзилари худди куйиб қолган электр чироғи каби қорайиб, хиралашиб қолган.

Саксон тўртинчи қатор... саксон бешинчи... Гарри паст бўлса ҳам, бирон-бир шовқин эшитишга уринмоқда, бироқ... балким Сириуснинг оғзига латта тиқиб юборилгандир, хаёлдан ўтказди Гарри, ёки ҳушсиз ётгандир... ёхуд ўлиб бўлгандир, деди миясида чақирилмаган овоз...

Йўқ, мен ҳис этган бўлар эдим, жавоб берди Гарри, ўзига ўзи. Унинг юраги сапчиб кўтарилиб, бўғзига келиб олганча урмоқда, мен билган бўлар эдим...

- Тўқсон етти! - пичирлаб хитоб қилди Гермиона.

Улар ушбу қаторда тўпланиб, зўр берганча имкон қадар узоқни кўришга уринишди.

- У қатор охирида, - деди, оғзи қуриб қолган Гарри, - Бу ердан кўринмайди.

Олтовлон баланд тоқчалар орасида юриб, қатор охири томон йўл олди. Шиша шарларнинг айримлари хира ялтирамоқда.

- У қаердадир шу ерда бўлиши керак, - пичирлади Гарри, - Ҳозир... оз қолди...

Гарри ҳар бир қадами ила Сириусга яқинлашиб бораётгани, ҳозир бўлмаса, кейинги дақиқада, чўқинтирган отасининг шаклсиз шарпасига дуч келишига ишончи комил бўлиб бормоқда.

- Гарри? - журъатсиз оҳангда чақирди Гермиона.

Лекин оғзи қуриб қолган Гарри жавоб беришни истамаяпти.

- У қаердадир шу ерда бўлиши керак. Ҳозир... оз қолди...

Улар қатор охирига етиб, шамларнинг милтиллаётган хира ёруғлигига чиқишди. Ҳеч ким йўқ. Чанг қоплаган янгроқ жимжитлик.

- Эҳтимол у... - хириллаб пичирлади Гарри, қўшни йўлакка қараб, - Ёки йўқ...

У қўшни йўлакка югуриб ўтиб, зулмат қаърига қаради.

- Гарри? - боз чақирди Гермиона.

- Нима? - ўшқирди Гарри.

- Менимча... Сириус бу ерда йўқ.

Қолганлар сўз айтмади. Гарри уларнинг кўзига қарашга ботина олмаяпти. Кўнгли айний бошлаган Гарри Сириус қаерга йўқ бўлиши мумкинлигини тушунмай қолди. У шу ерда бўлиши керак. Уни айнан шу ерда кўрган...

У залнинг охиригача югуриб, жамики йўлақларга қараб чиқди. Ҳеч ким йўқ. Ҳеч ким йўқ. Гарри ортки йўналишга, ўртоқларининг ёнидан ўтиб, югурди. Сириус ҳам, олишув аломатлари ҳам, кўринмайди.

- Гарри? - қичқирди Рон.

- Нима?

Гарри Ронга қулоқ солишни истамаяпти. Аҳмоқлик қилганига иқрор бўлишни, энди «Хогварц»га қайтиш кераклигини тан олишни ҳам, истамаяпти. Қон миясига келиб урилмоқда. Ушбу залда у ёқ, бу ёқ югуриб юришга тайёр, фақат яхши ёритилган атриумга чиқмаса, дўстларининг юзларидаги ўпка-гина қиёфани кўрмаса бўлди.

- Кўрдинг-ми? - сўради Рон.

- Нимани? - бу гал серғайрат оҳангда сўради Гарри,.

Гарри Сириуснинг шу ерда бўлганини исбот қилувчи бирон-бир аломат Ронга дуч келганига умид боғлаб, тўқсон еттинчи қаторда турган ўртоқларининг ёнига қайтди. Бироқ ҳеч қандай янгилик кўрмади. Рон шарларнинг бирига диққат билан қараб турибди.

- Нимани кўришим керак эди? - сўради Гарри.

- Қара, мана бу ерда сенинг исминг битилган, - деди Рон.

Гарри яқинроқ бориб қаради. Рон кўрсатган шар, қалин чанг босган бўлишига қарамай, ичидан ёришиб турибди. Унга кўп йиллардан буён ҳеч ким тегмаган кўринади.

- Менинг исмим? - сўради, ҳеч нимани тушунмаган Гарри.

У яна бир қадам босиб, яқинлашди. Бўйи Рондан паст бўлгани боис, елимланган ёзувни ўқиш учун бўйинини чўзишга тўғри келди. Сарик тусли қоғоз бўлагига оҳанжамадор дастхат ила тахминан ўн олти йил олдинги сана ва:

С.П.Т. - А.П.У.Б.Д.

Ёвуз Лорд ва Гарри Поттер

ёзуви битилган.

Гарри ғалати ёзувга бақрайиб қолди.

- Нима бу? - ҳадиксираб сўради Рон, - Нима учун?

Рон бошқа шарлар остидаги ёзувларга қараб чиқиб, ҳеч нарсани тушунмай боз сўради:

- Нима учун менинг номим, орамиздаги бошқа болаларнинг номи йўқ?

Гарри қўлини шарга узатган эди ҳам-ки, Гермiona кескин овоз кўтарди:

- Гарри, менимча унга қўл теккизмаслик даркор!

- Сабаб? - сўради Гарри, - Ахир бу менга тааллуқли-ку.

- Керак эмас, Гарри, тегма, - деди, кутилмаганда Невилль.

Гарри Невиллга томон юзланди. Невиллнинг тер босиб, ялтираб қолган юзидан, юракни зик қиладиган ушбу сирлиликка ортиқ бардош бера олмаслигини ўқиб олса бўлади.

- Бу ерда менинг исмим битилган, - эътироз билдирди Гарри.

Вужуди кутилмаганда авбош қатъиятга тўлиб-тошиб кетган Гарри шарнинг қалин чанг қоплаган сиртига қўл теккизди. У муздай совуқ шар ушлашини кутган эди, бироқ адашибди, шар, худди анчадан буён жазирама қуёш остида ётгандай иссиқ. Эҳтимол уни ички ёруғлик иситгандир?

Гарри шарни қўлига олса, аллақандай ғайриоддий, бугунги узундан-узоқ, хавfli саёҳатни оқлайдиган бирон-бир ҳодиса рўй беришини кутди, аниқроғи, шунга умид қилди.

Таассуфки, бундай ҳодиса рўй бермади. Қолганлар ҳам, Гаррининг ёнига ғуж тўпланиб, шарга бақрайиб қолишди. Гарри шарни чангдан тозалади.

Ана шу фурсатда, орқа томондан чўзиқ овоз эшитилди:

- Жуда соз, Поттер. Энди мен томон аста-секин, эҳтиёткорона бурилгин-да, башорат шарини бу ёққа чўз.

## **ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ. ПАРДА ОРТИГА**

Ҳар ёндан, ўнг-у, сўлдан, чекиниш йўллари тўсганча, қора шарпалар яқинлашди. Уларнинг қайтарма қалпоқларидаги кесиклар орқали кўринаётган кўзлари қоронғида ярқирамоқда.

Ёришаётган сеҳрли таёқчалари болаларнинг кўкрак соҳасига ўқталган. Қўрқиб кетган Жинна оҳ уриб юборди.

- Менга узат шарни, Поттер, - такрорлади чўзиқ овоз.

Люциус Малфой кафти юқорига қаратилган қўлини узатди.

Гаррининг юраги орқага тортиб кетди: тузоқ! Болалар қопқонга тушди. Душман сони эса икки баробар кўп.

- Узат, - боз такрорлади Малфой.

- Сириус қани? - қичқирди Гарри.

Ўлимдан мириқувчилардан қайсидир бири кулиб юборди. Гаррининг чап томонида турган қора шарпалардан бири аёл кишининг овози ила ғолибона хитоб қилди:

- Ёвуз Лорд доимо ҳақ гапиради!

- Доимо, - паст овозда маъқуллади Малфой, - Мен кутяпман, Поттер, башоратни бер менга.

- Сириус қаердалигини билишни истайман!

- Сириус қаердалигини билишни истайман! - мазах қилди аёл овози.

Шарпаларнинг таёқчаларидан таралаётган нур Гаррининг кўзини қамаштирмоқда.

- У сизнинг қўлингизда, - дадил баёнот қилди Гарри, тўқсон еттинчи қаторга яқин келишганидан буён кўкрагида кўтарилиб келаётган қўрқув, вужудини қамраб олаётган саросимани енгиб, - У шу ерда, буни аниқ биламан.

- Қўйқинчли туш кўйган митти болакай, кўйганини йост, деб тасаввуй қилибди-да, - масхара қилди аёл, ёш бола овозига ғализ тақлид қилиб.

Гарри Роннинг ҳаракатини сизди.

- Ҳозирча ҳеч нима қилма, - ғудуллади у Ронга, - Ҳали эрта...

Гаррини мазах қилаётган аёл жирканч хандон отиб юборди.

- Эшитдингиз-ми? Болачаларга буйруқ бераётганини эшитдингиз-ми? Улар биз билан жанг қилишмоқчи!

- Беллатрикс, сен Поттерни яхши билмайсан, - деди Малфой, тулкилик қилиб, - У қахрамон саналади. Ёвуз Лорд айнан шу жиҳатидан моҳирона фойдалана билди. Башоратни менга бер, Поттер.

- Аниқ биламан Сириус шу ерда, - базўр гапира олди Гарри, даҳшатдан нафаси тиқилиб, - У сизнинг қўлингизда!

Ўлимдан мириқувчилар хандон отиб юборишди. Завқланаётган аёл ҳаммадан баланд кулмоқда.

- Туш билан ўнг фарқига борадиган ёшга етдинг энди, Поттер, - ҳикмат қилган бўлди Малфой, - Башорат бер дедим сенга, акс ҳолда таёқчаларни ишга солишга мажбур бўламиз.

- Марҳамат, - деди Гарри, таёқчасини ўқтаб.

У таёқчасини кўтариши билан иккала томонида турган Рон, Гермиона, Невилль, Жинна ва Лунанинг таёқчалари ҳам баробар кўтарилди. Гаррини виждон азоби қийнай бошланди: Сириус чиндан ҳам, бу ерда бўлмаса-чи? Дўстлари нобуд бўлади. Уларнинг беҳуда ўлими эса Гаррининг гарданига зил-замбил гуноҳ сифатида юкланади.

Аммо Ўлимдан мириқувчиларнинг бирортаси қарғиш яшинини йўллашга ошиқаётгани йўқ.

- Башоратни берсанг, ҳеч ким жабр кўрмайди, - совуқ оҳангда ваъда қилди Малфой.

Кулиш навбати Гаррига етди.

- Ҳа, албатта! - кесатди у, - Сизларга мана бу, башорат деганингизни берсам, бизни уй-ўйимизга кузатиб қўясиз, а? Жа ишондим-да!

Бола ҳали гапини тугатмай, аёл қулоқни кар қилгудай даражада чинқирди:

- Ассио башо...

- Протего! - қичқирди, бундай хуружга шай турган Гарри, бармоқларининг учида бўлса-да, шарни қўлда сақлаб қолиб.

- Шумтака Поттер ўйнашни билар экан-да! - тиши орасидан вишиллаган аёл, қайтарма қалпоғидаги кесик орқали кўринаётган кўзини ярқиратиб, - Жуда соз... Ундай бўлса...

- МЕН НИМА ДЕГАН ЭДИМ?! - қичқирди Малфой, аёлга юзланиб, - Синиши мумкин...

Қандай иш тутиш кераклиги борасида Гарри талвасалаб фикр юрита бошлади. Ўлимдан мириқувчиларга мана бу чанг босган шар керак. Гаррини эса ушбу шиша бўлаги мутлақо қизиқтирмайди, бироқ у юзага келган оғир аҳволдан дўстларини соғ-саломат олиб чиқмоқчи. Зеро, дўстлар Гаррининг аҳмоқона тилаги рўёбга чиқиши учун, ўз ҳаётини қурбон қилишлари

керак эмас...

Кўкраги кўтарилиб-тушаётган аёл бир қадам олдинга ташлаб, бошидаги қайтарма қалпоқни орқага ташлади. Азкабанда Беллатрикс Лестрангнинг юзи бош суюгидан фарқ қилмай, руҳсиз бўлиб қолган бўлса-да, ҳозир ундан мутаассиблик оловининг тафти сезилмоқда.

- Сени кўндириш керакми? - ғудуллади у, - Яхши... Энг ёшини ушланг, - буюрди Беллатрикс, - Қийноққа солаётганимизни томоша қилсин. Шахсан ўзим шуғулланаман бу иш билан.

Дўстлари Жиннани муҳофаза остига олишганини пайқаган Гарри ҳам, башоратни кўкрагига маҳкам босганча, ён томон қадам ташлаб, Жиннани тўсди.

- Бирортамизга қарата зарба беришингиздан олдин мана бу матоҳни чилпарчин қилишга тўғри келади сизга, - деди у, Беллатриксга мурожаат қилиб, - Башоратдан қуруқ қолган соҳибингиз қилган ишингиздан мамнун бўлишига шубҳа қиламан.

Тилининг учи ила ингичка лабини ялаб қолган аёл қилт этмади.

- Қанақанги башорат ўзи бу, а? - қизиқди Гарри, ўзини эркин тутиб.

У ҳозирча қандай иш тутишни билмай, ўйига келган гапни тилига чиқариб турибди. Қўли билан ёнида дағ-дағ титраётган Невилль турганини сезди, дўстларининг ошиғич нафас олаётганини эшитди. Ўзининг мияси бўм-бўш бўлгани боис, вазиятдан чиқиш йўлини дўстлари ўйлаб топишига умид қилди.

- Қанақанги башорат? - такрорлади юзидаги кулгиси барҳам топган Беллатрикс, - Ҳазиллашяпсанми, Поттер?

- Йўқ, ҳазиллашганим йўқ, - жавоб берди Гарри, Ўлимдан мириқувчилар сафида заиф жой, илож чорасини қидириб, - Вольдемортга нимага керак бўлиб қолди у?

Ўлимдан мириқувчилар вишиллаб юборишди.

- Сен унинг исмини талаффуз этишга журъат эта оласанми? - пичирлади Беллатрикс.

- Ҳа, - тасдиқлади Гарри, ҳар қандай ҳамлани бартараф этишга шай ҳолатда шарни маҳкам тутиб, - Ҳеч қандай қийинчиликсиз, мутлақо хотиржам талаффуз этишим мумкин: Воль...

- Юм ифлос оғзингни! - ўқирди Беллатрикс, - Ношоён лабинг, ҳаром тилинг ила муқаддас исмни таҳқир қилма, жирканч чала зот...

- У ҳам чала зот эканлигидан хабарингиз борми? - сурбетлик қилди Гарри, - Ўша Вольдемортнинг онаси афсунгар аёл, бироқ отаси ғирт магл бўлган... Ёки асилзот сеҳргарман, деб қулоғингизга лағмон осганми?

- СТУПЕФ...

- ЙЎҚ!

Беллатрикс Лестрангнинг таёқчасидан отилиб чиққан қизил яшинни Малфой бартараф этди.

Орқага тисарилган Беллатрикс Гаррининг ёнидаги токчага урилди. Токчага терилган шиша шарлардан икки донаси полга тушиб, чилпарчин бўлди.

Шиша парчалари устида садаф рангли оқиш, тутун каби оқувчан иккита арвоҳ кўтарилиб, гапира кетди. Иккаласи баралла гапираётгани боис, сўзларини қисман илғаб олиш мумкин холос. Бунинг устига, айна вақтда Малфой билан Беллатрикс бир-бирига бақира кетишди.

- ... қуёш турадиган кунни янги... - хабар берди соқолли қария арвоҳи.

- ҲАМЛА ҚИЛИШ МУМКИН ЭМАС! БИЗГА БАШОРАТ КЕРАК!

- ... журъат этди... бетимга қараб туриб... журъат этди, - чириллади Беллатрикс, - ... лаънати чала зот...

- БАШОРАТНИ ҚЎЛГА КИРИТГАНИМИЗГА ҚАДАР САБР ҚИЛИБ ТУР! - наъра тортди Малфой.

- ...ундан кейин ҳеч ким келмайди... - маълум қилди ёш жувон арвоҳи.

Шиша парчалари устида пайдо бўлган арвоҳлар ҳавода тарқалди. Уларнинг собиқ маконларидан, шиша бўлақларини ҳисобга олмаганда, асар қолмади. Бироқ, ушбу шиша парчалари Гаррига керакли ғояни берди. Қолганлар билан қандай ўртоқлашса бўлади?

- Бир-бирингизга итдай акилладингиз-у, сизларга беришим керак бўлган мана бу башоратнинг хусусиятларини тушунтириб бермадингиз, - деди Гарри, вақтдан ютишга уринганча, бирон-бир ўртоғининг эътиборини ўзига жалб этиш учун оёғини ёнга узатиб.
  - Ўйинларингни йиғиштир, Поттер, - амр қилди Малфой.
  - Ўйин эмас бу, - жавоб берди Гарри, онгининг бир қисмини суҳбатни давом эттиришга, иккинчи қисмини узатилган оёғига ажратиб.
- Ниҳоят, унинг оёғи кимнингдир товонига текканини сезиб, қаттиқ босди ва оҳ овозидан Гермиона эканлигини англади.
- Нима дейсан? - пичирлаб сўради қиз.
  - Наҳотки Дамблдор чандиғинг сири мана шу бўлимда сақланаётганини айтмаган бўлса? - истехзоли кўлди Малфой.
  - Ниманинг... сири? - сўради Гарри, ўз режасини муайян вақтга унутиб қўйиб, - Чандиғимнинг нима дахли бор?
  - Нима дейсан? - баландроқ пичирлади Гермиона.
  - Уни қаранг, а? - ғазабнок руҳланиб кетди Малфой.
- Ўлимдан мириқувчилардан қайсидир бири боз хандон отди. Пайтдан фойдаланган Гарри Гермионага пичирлади:
- Токчаларни уриб йиқитинг...
  - Дамблдор айтиб бермади-ми? - такрор сўради Малфой, - Нега эртароқ келмаганинг сабаби ана энди тушунарли, Поттер. Ёвуз Лорд ҳеч тушуниб етмас эди, нега энди сен...
  - ... «Бошладик!» командасини беришим билан...
  - ... ушбу жойни тушингда аниқ кўрсатган бўлса ҳам, дарҳол етиб келмадинг. Ёвуз Лорднинг тахминича, табиатан қизиқувчанлик сифатларингга итоат этиб, ўтмишда бўлиб ўтган ва келгуси рўй берадиган ҳодисаларнинг барча тафсилотларни аниқ билиб олиш учун сен...
  - Шундай тахмин қилган, денг? - паришонхотирлик-ла ғудуллади Гарри.
- Бўйруғи қолган болаларга Гермиона томонидан етказилаётганини Гарри бели билан ҳис этиб турибди. Қандай бўлмасин суҳбатни давом этиш, нима қилиб бўлса ҳам, Ўлимдан мириқувчиларнинг эътиборини чалғитиш лозим.
- Ўзим келиб олишимни истаган эдимиз у? Нима учун?
  - Нима учун? - Малфойнинг овозида ростакам, завқли ҳайрат оҳанги эшитилди, - Чунки Сирли сеҳр бўлимида сақланаётган башоратни, Поттер, ушбу башорат кимга тааллуқли бўлса, ўша кишигина олиб кетиши мумкин холос. Қўлингдаги шарни ўғринча олиб чиқишни буюрган Ёвуз Лорд бунга шахсан ўзи ишонч ҳосил қилди.
  - Менга тааллуқли башоратни ўғирлаш нимага керак бўлиб қолди унга?
  - Фақат сенга эмас, Поттер, иккалангизга тааллуқли, иккалангизга... Нима учун Ёвуз Лорд сени ҳали гўдак ёшингда ўлдиришга урингани билан ҳеч қизиқиб кўрганинг йўқ-ми?
- Гарри Малфойнинг қайтарма қалпоқ кесиги орқали ярқираб кўринаётган пўлат тўсли кўзига ўйчан қараб қолди. Наҳотки мана шу башорат ота-онасининг ўлими-ю, пешонасида яшин зигзаги шаклидаги чандиқ пайдо бўлишига сабаб бўлган? Барча саволларга жавоблар қўлидаги шардами?
- Демак башорат мен ва Вольдемортга тааллуқли, шундайми? - аста сўради у, Люциус Малфойга диққат билан қараганча, сиртидаги чангдан ғадир-будур бўлиб кетган илиқ шарни маҳкам сиқиб, - Нега бўлмасам ўзи келиб олмади? Нима сабабдан мени келишга мажбур қилди?
  - Ўзи? - ақлдан озгандай қулоқни қоматга келтириб чинқирганча хандон отди Беллатрикс Лестранг, - Ёвуз Лорднинг ўзи-я? Унинг ҳаётга қайтганини хушмуомалалик-ла сезмаган вазирликка-я? Қимматли холаваччамни қидиришга беҳуда вақт сарфлаётган авроорлар қўлига ўзини ўзи топшириши учунми?
  - Демак, ҳозир сизлар унга малайлик қиялпсиз, шундайми? - сўради Гарри, - Худди бир вақтлар

башоратни ўғирлаб чиқишга Стуржисни... Бедоуни мажбур қилгандай?

- Жа ақллисан-да, Поттер, фаҳмлабсан... - вишиллади Малфой, - Ваҳоланки, Ёвуз Лорд билади сен аҳмоқ эмас...

- БОШЛАДИК! - бақириб юборди Гарри.

Унинг ортида турган беш кишининг бараварига «РЕДУКТО!» дея бақиргани янгради. Бешта яшин беш томон учиб, токчаларга зарб билан урилди. Атрофда борки нарса портлади. Баландлиги шифтга етган токчалар қаттиқ тебраниб, юзлаб шиша шарлар полга тўкилганча, чилпарчин бўла бошлади. Ҳар ёқдан кўтарилиб, ҳавода сузаётган садаф рангли арвоҳларнинг Худо билади қайси ўтмишлардан баралла чиқаётган овози, синаётган шиша жаранги, қарсиллаб ёрилаётган ёғоч товуши, синиб, тепадан дўлдай тўкилаётган бўлакларнинг гүмбур-гүмбури билан уйғунлашиб кетди...

Токчалар янада кучли тебраниб, бошқа башоратлар тўкилди.

- ҚОЧИНГ! - бақирди Гарри.

У бир қўли билан юқоридан тўкилаётган шарлар-у, синиб тушаётган бўлаклардан бошини ҳимоя қилиб, иккинчи қўли билан Гермионанинг коржомасидан ушлаганча тортиб, югура кетди. Қалин чанг орасидан пайдо бўлган Ўлимдан мириқувчилардан бири иккаласига ташланди, бироқ Гарри тирсагини ишга солиб, ниқоб ортидаги башарага қарата бор кучи билан зарба берди.

Атрофдагилар бақир-чақир қилиб, оғриқдан дод солишмоқда. Токчалар бир-бирининг устига тушиб, гүмбурламоқда. Бундай ёқимсиз товушлар орасида эса турли-туман башоратлар аралаш-қуралаш янграмоқда...

Олдинда ҳеч ким йўқ. Гарри билан Гермионанинг ёнидан бошларини ушлаганча, Рон, Жинна ва Луна ўқдай учиб ўтишди. Гаррининг лунжига нимадир урилиб, жонини оғритди. У бошини силтаб, дўстларининг ортидан югура кетди. Кимнингдир қўли елкасини чангаллаб олган эди ҳам-ки, Гермионанинг «Ступефай!» дея бақиргани эшитилди. Гаррининг елкаси шу заҳоти халос бўлди. Улар тўқсон еттинчи қатор охирига етиб боришди. Гарри ўнг томонга буриб, ҳаракатини янада тезлаштирди. Орқада Невиллни жадаллаштираётган Гермионанинг овози эшитилмоқда. Олдинда залга кириб келишган эшик кўринди. Қия очиқ ҳолатда турган ушбу эшик ортида биллур идиш таратаётган шуъла милтилламоқда. Гарри остонадан сакраб ўтиб, қўлидаги башоратни маҳкам сиқиб олганча, дўстларини кутиб турди. Иккаласи сакраб ўтиши билан эшикни ёпишди...

- Коллопортус! - ҳарсиллади Гермиона.

Эшик ғалати чийиллаб, қулфланиб қолди.

- Қолганлар... қани? - энтикиб сўради, кимсасиз хонага назар солганча, қувиб ўтиб, олдинга чиқиб олишган Рон, Луна ва Жиннани шу ерда учратишни ўйлаган Гарри.

- Бошқа томон югуриб кетишган кўринади! - ҳаяжон-ла пичирлади Гермиона.

- Қулоқ солинг! - пичирлади Невилль.

Эшик ортида бақир-чақир, дупур-дупур бўляпти. Гарри қулоғини эшикка босиб, Малфойнинг буйруқларини эшитди:

- Ноттни қолди шу ерда, қолдир дедим... Башоратни қўлдан чиқариб юборадиган бўлсак, Ёвуз Лордга Ноттнинг яралангани сариқ чақалик аҳамияти бўлмайди! Зексон, қайт орқага, келишиб олишимиз керак! Қидирув жуфтликларига бўлиниб оламиз. Башорат қўлга киритилгунга қадар Поттер билан эҳтиёткорона муомалада бўлинглар! Қолганларни эса вазият тақозо этадиган бўлса, ўлдиришларинг мумкин... Беллатрикс, Родольф, чап томонда, Краббе, Рабастан ўнг томонда қидиринг, Зексон, Долохов олд эшикка, Макнейр ва Эйвери анави томон, Гадвуд бу томон боринг. Мультчибер, мен билан.

- Нима қиламиз? - сўради дағ-дағ титраб, саросимага тушган Гермиона, Гаррига мурожаат қилиб.

- Авваламбор, бизни топиб олишгунга қадар мана бу ерда тўнкадай қотиб турмаслик керак, - жавоб берди Гарри, - Қани, кетдик бу ердан.

Учовлон имкон қадар секин қадам ташлаганча, ичидан дам тухум ёриб чиқаётган, дам яна ўша тухумга кириб кетаётган қушчали биллур идиш ёнидан ўтиб, хонанинг нариги бошига, думалоқ залга олиб чиқадиган эшик томон югурди. Остонага етай деганда Гарри Германионанинг афсуни билан қулфлаб қўйилган эшикка аллақандай йирик, оғир одам ўзини ураётганини эшитиб қолди.

- Нарӣ қоч! - эшитилди дағал овоз, - Аллоомора!

Эшик ланг очилди. Гарри, Германиона ва Невилль ўзларини стол остига уриб, икки нафар яқин келаётган рақиб коржомаларининг этаклари ва тез-тез қадам босаётган оёқлари кўришди.

- Даҳлизга чиқиб кетишган бўлса керак, - деди дағал овоз.

- Столлар остига қараб чиқ, - маслаҳат берди бошқа овоз.

Гарри улардан бирининг тиззаси букилаётганини кўриб, таёқчасини олдинга узатди.

- СТУПЕФАЙ!

Яқин турган Ўлимдан мириқувчи қизил яшин зарбасини еб, белига ағанаганча, ўзининг устига полга ўрнатилган соатлардан бирини ағдариб юборди. Бироқ иккинчи рақиб ўзини нари тортишга улгуриб қолди. Яшинга чап бериб, оёқда тик қолган ушбу кас, яхшироқ нишонга олиш учун стол остидан судралиб чиқаётган Германионанинг чиқишини кутиб, таёқча ўқтаб турди...

- Авада...

Гарри стол остидан отилиб чиқиб, ўзини олдинга, Ўлимдан мириқувчининг тиззасига ташлади.

Рақиб йўллаган Ўлдириш қарғишининг яшини четга учиб кетди. Ёрдамга шошган Невилль устидаги столни онтарганча, курашаётган жуфтлик томон таёқча ўқтаб, бор овози ила ўкирди:

- ЭКСПЕЛЛИАРМУС!

Гарри билан рақибнинг қўлларидан учиб чиққан сеҳрли таёқчалар Башоратлар залининг кириш эшиги томон учиб кетди. Иккаласи оёққа қалқиб туриб, таёқчалари томон югурди. Ўлимдан мириқувчи олдинда, Гарри рақибдан қолишмай, изма-из бормоқда. Иккаласининг кетидан эса ўз ишидан даҳшатга тушган Невилль югурди.

- Нарӣ қоч, Гарри! - қичқирди, афтидан ўз хатосини тузатишга аҳд қилган Невилль.

Гарри нари қочди. Невилль нишонга олиб, ўкирди:

- СТУПЕФАЙ!

Ўлимдан мириқувчининг елкаси узра учиб ўтган қизил яшин тоқчаларига турли шакл ва ўлчамларга эга қум соатлар терилган шиша эшикли жавонга бориб урилди. Жавон полга ағанаб, пачоқ бўлди, соатлар ҳар томон сочилиб кетди... Бироқ бўлақларга бўлиниб кетишга улгурмаган жавон, яна бут бўлиб, худди ҳеч нима қилмаган каби, девор ёнида тикланди, сўнг, яна йиқилди... Полда ётган таёқчасини чангаллаб олган Ўлимдан мириқувчи орқага ўгирилди. Гарри шу заҳоти ўзини стол остига урди. Бошидаги қайтарма қалмоғи ён томон оғиб қолган кас ҳеч нарса кўрмай, ёқани шартта орқасига ташлади-да, қичқирди:

- СТУП...

- СТУПЕФАЙ! - чийиллаб юборди, югурганча етиб келган Германиона.

Қизил яшин Ўлимдан мириқувчининг кўкрак соҳасига, нақ ўртасига бориб урилди. Қўлидан таёқчаси тушиб кетган рақиб бироз тек қотиб турди-да, орқаси билан биллур идиш томон ағанади. Гарри Ўлимдан мириқувчининг идишга урилиб, полга қулаши-ю, шишанинг жаранглаб синишини кутди, бироқ рақибнинг боши биллур идиш девори орқали худди кўпикдан ўтгандай ўтиб, стол устида ётганча қолди.

- Ассио таёқча, - буюрди Германиона.

Гаррининг қоронғи бурчақда ётган таёқчаси ҳавога кўтарилиб, Германионанинг қўлига тушди.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гарри, таёқчасини Германионанинг қўлидан қабул қилиб олиб, - Бўлди, кетдик бу ердан.

- Қаранг! - пичирлади даҳшат тўла кўзини Ўлимдан мириқувчидан узмаган Невилль.

Учаласи сеҳрли таёқчасини ғайритабиий равишда тез кўтариб олди-ю, ҳеч қайси бири ҳеч қандай



амал бажармади. Улар оғзини ланг очганча, жирканч қиёфа ясаб, Ўлимдан мириқувчининг боши бошқа тус олаётган жараёнга бақрайиб қолишди.

Одамнинг сочи тўкилганча, боши тез кичрая бошлади, қора сочи билан соқоли тери қопламасига кириб кетди, лунжи силлиқлашиб, бош суюги доира шаклини касб этганча, шафтоли тукига ўхшаш тук босди...

Кўп ўтмай, бақувват, мушаклари бўртиб чиққан бўйин устида чақалоқ боши кўринди. Даҳшатли манзара. Ўлимдан мириқувчи оёққа туришга беҳуда уринганча, типирчиламоқда. Болалар қоқилган қозиқ сингари серрайиб қолишди. Одам боши эса бу вақтда, боз ўз ҳолатини касб эта бошлади, боши ва юзида тук ўса бошлади.

- Бу Вақт, - ҳаяжон-ла овоз чиқарди Гермiona, - Вақт...

Ўлимдан мириқувчи хушига келганча, хунук бошини силтади-ю, ўрnidан туришга улгурмай, боши яна гўдак бошига айлана бошланди... Қўшни хонада бақир-чақир, қарс-қурс эшитилиб, қичқирик янгради.

- РОН? - бақирди Гарри, даҳшатли томошани бир зумда унутиб, - ЖИННА? ЛУНА?

- Гарри! - чирқираб юборди Гермiona.

Ўлимдан мириқувчи бир амаллаб бошини биллур ичидан тортиб чиқаришга муваффақ бўлди. Чинқираётган чақалоқ ўзининг бақувват муштини ҳар томон силтаб, ўз вақтида эгилиб олишга улгурган Гаррига зарб беришига бир баҳя қолди. Гарри таёқчасини кўтарган эди ҳам-ки, Гермiona уни тўхтатиб қолди.

- Болани хафа қилиш мумкин эмас!

Ҳозир баҳслашиш мавриди эмас. Башоратлар залидан чиқаётган қадам товушини эшитган Гарри кеч бўлгани, шовқин солиш ва бу билан ўз жойини рақибга билдириб қўйиш мумкин эмаслигини тушуниб етди.

- Югурдик! - деди у, Ўлимдан мириқувчини тек қўйиб.

Учовлон хонанинг нариги бошига, думалоқ залга олиб чиқадиган эшик томон боз югурди.

Йўл ярмига етган Гарри қия очик эшик орқали яна икки нафар Ўлимдан мириқувчи югуриб келаётганини кўриб қолди. Учовлон чап томон шартта бурилиб, кичкинагина, қоронғи, ивирсиган хонага кириб олгач, Гарри эшикни ёпди.

- Колло...

Гермiona афсунини охиригача ўқишга улгурмади. Эшик ланг очилиб, хонага ёпирилиб кирган иккала Ўлимдан мириқувчи, музаффарона ўкирди:

- Импедимента!

Оёғи ердан узилган Гарри энсаси билан тош деворга урилиб, кўзидан ўт чиқди, Гермiona китоб жавонининг ортига кириб кетиб, устига оғир фолиантлар тўкилди, Невилль эса стол узра учиб ўтиб, кўзга кўринмай қолди.

- ҚЎЛГА ОЛДИК УЛАРНИ! - бақирди, Гаррига яқин турган Ўлимдан мириқувчи, - УЛАР...

- Силенцио! - бақирди Гермiona.

Юзига ташлаган ниқоби ортида оғзини очганча, бақирнишни давом этаётгани кўриниб турган одамнинг уни ўчиб қолди. Шериги уни четга итариб, таёқчасини кўтарди...

- Петрификус Тоталус! - бақирди Гарри.

Оёқ-қўли танасига қапишиб қолган Ўлимдан мириқувчи бирон-бир ҳаракат бажариш қобилятидан маҳрум бўлиб, Гаррининг оёғи остидаги шолчага тахтадай тикка қулади.

- Баракалла, Гар...

Уни ўчган Ўлимдан мириқувчи сеҳрли таёқчасини силтаб, сапсар тусли олов чиқарганча, Гермionанинг кўкрагига зарб берди. Қиз астагина оҳ уриб, юзи ҳайрон бўлган қиёфа касб этганча полга қулади-да, қилт этмай қолди.

- ГЕРМИОНА!

Гарри қизнинг ёнига тиззалаб ўтирди. Сеҳрли таёқчасини олдинга чиқариб олган Невилль иккаласининг олдига тез ўрмалай бошлади, бироқ унинг боши энди кўринган эди ҳам-ки, Ўлимдан мириқувчи қаттиқ тепган стол юзига урилди. Сеҳрли таёқчаси икки бўлинган Невилль оғриқдан бақириб, кафтини оғиз-бурнига босганча, полга кулча бўлиб ётиб олди. Сеҳрли таёқчасини баланд кўтариб, кескин бурилган Гарри рақиб таёқчасининг учига рўбару бўлди. Бошидаги қайтарма қалпоқни орқага ташлаган Ўлимдан мириқувчини Гарри дарҳол таниди. Гидеон ва Фабиан Преветтларни ваҳшиёна ўлдиргани учун судланган, узун рангпар юзи буришиб кетган Антонин Долохов.

Долохов иржайиб, бўш қўли билан дастлаб башорат шарига, ўзига сўнг Гермионага имо қилди. Ҳаммаси сўзсиз тушунарли: башоратни менга бермас экансан, мана бу қизнинг ҳолатига тушасан...

- Беришим билан, бари-бир ҳаммамизни ўлдирасан! - хитоб қилди Гарри.

У соғлом фикр юрита олмай қолди, бошида қандайдир ингичка овоз ваҳимали чинқирмоқда.

Қўлини Гермионанинг ҳали илиқ елкасига қўйиб олган бўлса-да, қизга қарашга журъат эта олмаяпти. Ишқилиб ўлган бўлмасин, ўлган бўлмасин, агар ўлиб қолган бўлса, гуноҳи гардананда қолиб кетади...

- Гарри, ўтинаман, берма, - дарғазаб оҳангда талаб қилди Невилль, кафтини қўлидан олиб.

Унинг бурни афтидан, мажақ бўлган шекилли, оғзи-ю, жағи қонга беланибди.

Эшик ортида тарақ-туруқ эшитилиб, остонада гўдак юзли, бақувват қўлларини силтаётган Ўлимдан мириқувчи кўринди. Долохов ўгирилиб, эшик томон қаради.

- ПЕТРИФИКУС ТОТАЛУС! - бақирди фурсатдан фойдаланган Гарри.

Қарғишни муҳосара қилишга улгурмаган Долохов шеригининг устига тахтадай ағанади. Ана энди иккаласи ҳам ҳаракатсиз ҳолатга келтирилди. Гўдак юзли рақиб тебранганча, кўздан ғойиб бўлди.

- Гермиона, - қизни силтади Гарри, - Кўзингни оч, Гермиона.

- Нима қилди уни? - сўради, стол остидан ниҳоят судралиб чиқиб, Гермионанинг нариги ёнига тиззалаб ўтирган, тез шишиб бораётган бурнидан қон жилға бўлиб оқаётган Невилль.

- Билмадим...

Невилль Гермионанинг билагини ушлади.

- Юраги уряпти, Гарри, уряпти.

- Тирик, демоқчимисан? - енгил тортидан боши айланиб сўради Гарри.

- Билишимча, шундай.

Иккаласи жим қолди. Гарри атрофга диққат билан қулоқ солди. Қўшни хонага кириб олган гўдак бошли Ўлимдан мириқувчининг минғирлаган йиғисидан бошқа овоз эшитилмади.

- Невилль, биз бўлимдан чиқиш эшигига яқин жойда ўтирибмиз, - пичирлади Гарри, - Думалоқ хона ёнимизда... агар Ўлимдан мириқувчилар пайдо бўлгунга қадар керакли эшикни топа билсак, сен Гермионани лифтга қадар тортиб бора оласан... бирон-бир кишини топиб... хуллас, ҳаммани оёққа турғизасан...

- Сен-чи? Ўзинг нима қилмоқчисан? - сўради, бурнини енги билан артиб, қовоқ солганча, Гаррига қараган Невилль.

- Мен қолганларни қидираман, - жавоб берди Гарри.

- Ундай бўлса, мен сен билан бораман, - қатъий оҳангда баёнот қилди Невилль.

- Бироқ Гермиона...

- Ўзимиз билан оламиз, - қатъий фикр билдирди Невилль, - Ўзим кўтариб оламан уни... анавиларга қарши кураш масаласини сен менга нисбатан дурустроқ уддалаяпсан.

Невилль ўрнидан туриб, Гермионанинг қўлидан ушлади-да, Гаррига қаради. Бироз иккиланиб ўтирган Гарри ҳам ўрнидан туриб, Гермионанинг иккинчи қўлидан ушлади-да, Невиллнинг елкасига ташлаб олишга ёрдамлашиб юборди.

- Шошма, - деди Гарри, Гермионанинг полда ётган таёқчасини олиб, Невиллнинг чўнтагига солиб

қўйди, - Сенга асқатиб қолиши мумкин.

Улар аста чиқиш эшиги томон йўл олишди. Невилль синган таёқчасининг бўлаklarини оёғи билан нари сурди.

- Бувим ўлдиради энди мени, - деди у, манқаланиб, - Дадамнинг таёқчаси эди.

У сўз айтган сари, бурнидан қон отилиб чиқмоқда.

Гарри бошини эшиқдан чиқариб, ташқарига қаради. Ҳеч нарса идрок этмаётган гўдак бошли ўлимдан мириқувчи бақариб, чийиллаб, йўлида дуч келган нарсаларга урилиб, полга ўрнатиладиган соат борми, стол борми, онтариб юрибди. Гаррининг фикрича, вақт чиғирлари сақланаётган ойна эшикли жавон қулаб, сингач, боз бут бўлиб, тикланмоқда...

- У бизни сезмайди, - пичирлади Гарри, - Кетдик... ортда қолиб кетма...

Улар хонадан аста чиқиб, кимсасиздек кўринган қоронғи хона томон йўл олишди. Невилль Германионнинг вазнидан эгилиб кетаётган бўлишига қарамай, тез-тез одимлаб бормоқда. Улар вестибюлга чиқиб, бир неча қадам ташлашлари билан Вақт хонасининг эшиги қарсиллаб ёпилиб, думалоқ хона девори айлана бошланди. Энасига еган зарба ўз таъсирини кўрсатди, шекилли, Гарри тебраниб кетди. У кўзини юмиб, девор тўхташини кутди. Кўзини очгач, Германиона қўйган хочлар йўқолганини кўриб, руҳан эзилиб кетди.

- Нима деб ўйлайсан, қайси эшикни очган маъқул?...

Улар бир қарорга келишга улгурмай, ўнг томондаги эшик ланг очилиб, хонага уч киши кирди.

- Рон! - хитоб қилди Гарри, дўстлари томон отилиб, - Жинна... ишлар жойи...?

- Гарри, - ингичка овозда ҳиринглади икки кўзи ҳар томон қараётган Рон, Гаррининг коржомасини чангаллаб, - Бу ёқда экансан-да... ха-ха-ха... аҳволинг жуда кулгили кўриняпти, Гарри... тўзиб кетибсан...

Роннинг юзи мурдадай оқариб кетган, оғзининг бир чеккасидан қандайдир қорамтир нарса оқмоқда. Тиззаси букилиб кетаётган бўлса ҳам, Гаррининг коржомасини қўйиб юбормаяпти. Натижада Гарри турган жойида ёйдек эгилиб қолди.

- Жинна? - ҳадиксираб чақирди Гарри, - Сенга нима қилди?

Бошини силтаган Жинна деворга сўяниб, сирпанганча, ерга ўтириб қолди. Қиз оғир нафас олиб, тўпиғини уқаламоқда.

- Оёғи синган кўринади, - деди, афтидан, жароҳатланмаган Луна, Жиннанинг устига энгашиб, - Қарс товушини эшитгандай бўлдим. Улар тўрт киши эди. Бизни аллақандай сайёралар сақланаётган хонага қувиб киришди... Жуда ғалати жой... маълум вақт қоронғиликда суздик...

- Гарри, биз Ур-р-а-АНУСни кўрдик! Жуда яқин масофадан! - мақтанди Рон, ингичка овозда ҳиринглашини қўймай, - Етиб борди-ми, сенга, Гарри, Ур-р-а-АНУС! Ха-ха-ха...

Унинг оғзи яқинида қонли пуфак шишиб ёрилди.

- ... улардан бири Жиннанинг оёғидан чангаллаб олди. Мен унга нисбатан Тўсқинлик қарғишини қўллаб, қўлимга кириб қолган Плутонни башарасига қараб отдим, лекин...

Луна умидсиз нигоҳини кўзини очмай, юзаки, энтикиб-энтикиб нафас олаётган Жиннага олиб ўтди.

- Ронга нима қилди? - эшитадиган жавобдан чўчиб сўради Гарри.

Рон унинг коржомасига осилиб олганча, тинимсиз ҳирингламоқда.

- Уни қандай қарғиш қўллашганини билмайман-у, лекин жуда ғалати бўлиб қолди. Бир амаллаб чиқара олдим уни.

Рон Гаррининг коржомасидан тортиб, қулоғини қонаётган оғзига тортди.

- Гарри, - пичирлади у, - Анави қиз кимлигини биласанми? Психуна... Луна-Психуна... ха-ха-ха...

- Бу ердан чиқиб кетишимиз керак, - қатъий қарор қилди Гарри, - Луна, Жиннага ёрдамлашиб юборасанми?

- Ҳа, албатта.

Луна сеҳрли таёқчасини қулоғига қистириб, Жиннанинг белидан қучганча, полдан кўтарди.

- Тўпиқ холос-ку, бу, керак эмас, ўзим! - зарда қилди Жинна, лунанинг қўлини нари туртиб. Лекин оёққа турган қиз ён томон оғиб, боз Лунага суюниб олишга мажбур бўлди. Гарри Роннинг қўлини елкасига ташлаб олди. Бир вақтлар, бундан кўп ой муқаддам худди шу дарзда холаваччаси Дудлини уйга етаклаб боришга тўғри келган эди... Гарри атрофга назар солди. Биринчи уринишда чиқиш эшигини топиш эҳтимоллиги ўн иккидан бир қисмини ташкил этади...

У Ронни қийналиб тортиб кетди. Танланган эшикка деярли етиб келишган фурсатда қарама-қарши томондаги эшик ланг очилиб, хонага Беллатрикс Лестранг бошчилигидаги уч нафар Ўлимдан мириқувчи отилиб кирди.

- Мана улар! - чириллади Лестранг.

Уриб йиқитиш яшинлари чийиллаб ўтди. Гарри эшик ортига ўтиб, Ронни аямай полга ташлади-да, Германионани кўтариб келаётган Невиллга ёрдам бергани чиқди. Улар ичкарига кириб, Беллатрикснинг тумшуги яқин келиши билан, эшикни ёпишга улгуриб қолишди.

- Коллопортус! - ўқирди Гарри.

Эшик титраб, нариги томонига учта тана келиб урилгани эшитилди.

- БАРИ-БИР БИЗДАН ҚОЧИБ ҚУТУЛА ОЛИШМАЙДИ! - янгради эркак кишининг овози, - БОШҚА КИРИШ ЙЎЛЛАРИ БОР!

Гарри ичкарига ўгирилиб қаради. Улар яна Мия сақлаш хонасига кириб қолишибди. Чиндан ҳам, хонага кириш эшиклари жуда кўп. Вестибюлда яна кимларнингдир қадам товуши эшитилди. Афтидан, анави уч нафар Ўлимдан мириқувчиларга бошқалари келиб қўшилган кўринади.

- Луна! Невилль! Ёрдамлашиб юборинг!

Учовлон хона бўйлаб йўл-йўлакай эшик қулфлаганча, тарқалди. Навбатдаги эшик томон югурган Гарри столга урилиб, устидан думбалоқ ошиб тушди.

- Коллопортус!

Қулфланаётган эшиклар ортида тез-тез босиб борилаётган қадам товушлари, кимдир урилаётгани эшитилмоқда. Луна билан Невилль хонанинг бир томонидаги эшикларни сеҳрлаган бўлса, Гарри иккинчи томондаги. Девор охиригача етиб борган Гарри Лунанинг қичқириб юборганини эшитди:

- Коллоп... а-а-а-а!

Гарри ўгирилиб, Лунанинг ҳавога кўтарилиб учганини кўриб қолди. Қиз сеҳрлашга улгурмаган эшикдан беш нафар Ўлимдан мириқувчи ёпирилиб кирди. Луна дастлаб стол устига йиқилди, у ердан эса полга сирпаниб тушди-да, Германиона сингари қилт этмай қолди.

- Поттерни қўлга олинг! - ўқирди Беллатрикс, болага ташланиб.

Гарри чап бериб, хонанинг нариги бошига қараб югурди. Башорат шари унда экан, ҳеч ким зиён етказмайди...

- Ҳой, Гарри! - эшитилди Роннинг овози.

Рон худди маст кишидай тебраниб, Гарри томон йўл олди.

- Қара, Гарри, миялар! Ғалати, а, Гарри? Ха-ха-ха...

- Рон, қоч, бекин, эгил...

Бироқ Рон таёқчасини ичида мия сузиб юрган шиша идишга йўллаб бўлган.

- Чиндан ҳам, Гарри, мия... қара... Ассио мия!

Хонада борки одам турган жойида қотиб қолди. Гарри, Жинна, Невилль ва жамики Ўлимдан мириқувчилар ғайриихтиёрий равишда аквариум томон юзланиб олишган. Тўқ яшил суюқлик ичидан худди учар балиқ сингари, мия отилиб чиқиб, муайян вақт ҳавода муаллақ осилиб турди-да, Рон томон отилди. Ҳавода учаётган мия аллақандай тасвирлар акс эттирилган кино тасмасини эслатган тасмаларни ёзганча, дук сингари айланди...

- Ха-ха-ха... Гарри, қара, - деди Рон, ёрқин тасвир таратаётган мияга бақрайиб, - Келиб ушлаб кўр, жуда ғалати.

- Йўқ, Рон, тегма!

Рон фикрлар пайпаслагичларига қўл теккизса нима бўлишини Гарри билмайди, бироқ бундан яхши иш чиқмаслигига ишончи комил. У Рон томон талпинди-ю, бироқ қўлини икки томон узатган Рон мияни тутиб олди.

Пайпаслагичлар Роннинг тери қопламасига тегиши билан, худди арқон каби ўрала бошлади.

- Гарри, қара нима бўляпти... йўқ... йўқ... бу менга ёқмади... қочинг... нари кетинг... кетинг...

Юпқа тасмалар Роннинг қўлидан кўкрак қафасига етиб келди. Рон тасмаларни чўзиб, уза бошлади, бироқ мия, саккизоёқ каби, Ронни маҳкам тутиб олди.

- Диффиндо! - ўқирди Гарри, Ронни шиддат-ла, ўраб олаётган пайпаслагичларни кесиб ташлашга умид қилиб.

Бироқ афсун кор бермади. Рон ерга йиқилиб, типирчилашни давом эттирди.

- Гарри, бўғилиб қолади ҳозир у! - қичқирди, оёғи синган Жинна, полда ўтирган жойида.

Шу пайт Ўлимдан мириқувчилардан қайсидир бири Уриб йиқитиш қарғишининг яшини билан Жиннанинг юзига қарата зарб берди. Ҳушидан кетган қиз ёнбошига ағанади.

- СТУБЕФАЙ! - ўқирди Невилль, Гермионанинг сеҳрли таёқчасини яқинлашиб келаётган душманга ўқтаб, - СТУБЕФАЙ!

Манқаланиб нотўғри талаффуз этгани учун, унинг қарғиши ҳаракатга келмади.

Ўлимдан мириқувчилардан бири Невиллга қарата уриб йиқитиш яшинини қўллади-ю, яшин нишонга тегмай, икки дюйм наридан учиб ўтди. Гарри билан Невилль беш нафар Ўлимдан мириқувчига қарши кураш олиб бормоқда. Рақиблардан иккитаси аллақандай кумуш тусли ҳаво ўқларини отишди. Нишонга тегмаган ўқлар болаларнинг орқа томонидаги деворга тегиб, чуқур из қолдирди. Башоратни боши устида баланд кўтариб олган Гарри Беллатрикс Лестрангдан нари қоча бошлади. У ягона мақсад, Ўлимдан мириқувчиларни ўз дўстларидан нари олиб кетиш мақсадида хонанинг нариги боши томон югурмоқда. Аёл эса боладан қолишмай, кетидан таъқиб қилиб келмоқда.

Афтидан, ҳийла кор берди. Ўлимдан мириқувчилар стол ва курсиларни ағдариб, Гаррининг ортидан югуришди, бироқ башорат шарига зиён етказмаслик учун қарғиш яшинларини қўллашга журъат этиша олмади. Гарри Ўлимдан мириқувчилар ёпирилиб кирган ягона очиқ эшик томон югурди. Хаёлида ягона ўй – ишқилиб Невилль Ронни ўз ҳолида қолдирмай, миядан халос этиш йўлини топсин. Отилиб кирган хонага бир неча қадам қўйиши ҳамоно, оёғи остидаги пол йўқолиб қолгандай бўлди гўё...

Гарри устига тош арка ўрнатилган супага етгунга қадар, тик пастлаб тушган зинапоя-курсилар устида, ҳар бир поғонасида сапчиганча, думалаб кетди. Зарба шу қадар кучли бўлдики, Гаррининг ўпкасида бор ҳаво чиқиб кетди. Юқорида Гаррини ўраб олишган Ўлимдан мириқувчиларнинг қаҳқаҳаси янгради. Бола атрофга қараб, Мия сақлаш хонасига кирган беш нафар Ўлимдан мириқувчи ва бошқа эшиклардан пайдо бўлган яна беш нафар шериклари курсидан курсига сакраб тушаётганини кўрди. Гарри оёққа турди, тиззаси дағ-дағ титраб, зўрға тутиб турибди. Унинг бир қўлида тасодифан бутун қолган башорат, иккинчи қўлида маҳкам сиқиб олинган таёқча. Бола Ўлимдан мириқувчиларнинг бирортасини ҳам назардан қочирмай, устига арка ўрнатилган супага тақалиб қолгунга қадар орқага тисарилди. Гарри супа устига чиқди.

Ўлимдан мириқувчилар болага диққат билан қараганча, етган жойида тек қотиб қолишди.

Баъзилари ҳансирамоқда, бири эса қонга беланган. Тўлиқ Тана-бинт ҳолатидан халос бўлган Долохов мурдор иржайиб турибди. Унинг таёқчаси Гаррининг юзига ўқталган.

- Поттер, пойга ниҳоясига етди, - деди Люциус Малфой, бошидаги қайтарма қалпоқни орқага тортганча, юзини очиб, - Шундай экан, мўмин бола бўлгин-да, башоратни менга бер.

- Қолган... қолганларни қўйиб юборинг, бераман! - асабий бақирди Гарри.

Ўлимдан мириқувчиларнинг баъзилари кулиб юборишди.

- Сенинг ҳолатингга тушган одамлар савдолашмайдилар, Поттер, - таъкидлаб қўйди Малфой,

мамнунлигидан рангпар юзига қон югуриб, - Кўриб турибсанки, биз ўн кишимиз, сен эса ёлғизсан... ёки Дамблдор санашни ҳам ўргатмади-ми, сенга?

- У ёлғиз эмас! - эшитилди уларнинг ортида овоз, - Ёнида мен ҳам бор!

Гаррининг юраги шувиллаб кетди. Тош зина-курсилар бўйлаб, титраётган қўлига Гермионанинг таёқчасини маҳкам ушлаган Невилль тушиб келмоқда.

- Невилль... керак эмас... қайт ортинга... Роннинг ёнига қайт...

- СТУБЕФАЙ! - манқаланди Невилль, таёқчани навбат билан ҳар бир Ўлимдан мириқувчига ўқтаб, - СТУБЕФАЙ! СТУБЕ...

Бақувват киши Невиллнинг икки қўлини биқинига босганча, орқа томонидан ушлаб олди. Невилль типирчилаб, тепонғичлик қилди, Ўлимдан мириқувчилар эса болани мазах қилиб, устидан кулишди.

- Лонгботтом-ку, бу, шундай эмасми? - жирканч иржайди Люциус Малфой, - Нима ҳар дер эдим, болакай. Бувинг ўз яқинларини бизнинг ишимиз йўлида қурбон қилишга кўникиб қолган... Шундай экан, сенинг ўлиминг уни ларзага келтирмайди.

- Лонгботтом? - қизиқиб қолди Беллатрикс, мурданинг юзидан фарқ қилмайдиган башарасида дўзах оловининг туси кўриниб, - Албатта, албатта, болакай. Ота-онангни шахсан билиш шарафига муяссар бўлганман.

- БИЛАМАН, ЛАЪНАТИ! - ўкириб юборди Невилль, қаттиқ типирчилаб.

Болани ушлаб турган Ўлимдан мириқувчининг кучи етмай қолди, шекилли, бақирди:

- Уриб йиқитувчи билан солсангиз-чи, бирортангиз!

- Йўқ, йўқ, йўқ, - эътироз билдирди, қувончи ичига сиғмаган Беллатрикс.

У дастлаб Гаррига ва боз Невиллга қаради.

- Қани, келинлар, Лонгботтомлар сўлоласининг сўнги вакили... ота-онасига ўхшаб, томи кетиб қолгунга қадар, қанча вақт бардош бера олар экан, кўрамиз... агар Поттер башоратни бизга топширишни истамаса, албатта.

- БЕРМА, ГАРРИ, БЕРМА! - қулоқни қоматга келтирадиган даражада қичқирди Невилль, Ўлимдан мириқувчининг қўлидан халос бўлишга уриниб, - БЕРМА БАШОРАТНИ, ГАРРИ!

Беллатрикс таёқчасини Невиллга ўқтади:

- Крусио!

Невилль чинқириб, оёғини кўкрагига қадар кўтарганча, Ўлимдан мириқувчининг қўлида осилиб қолди. Бундай иш тутилишини кутмаган эркак болани ташлаб юборди. Оғриқдан чинқириб, тўлғанаётган Невилль гупиллаб зинага қулади.

- Бу ҳали ҳолва! Оёқ-қўл чигалини ёзиш учун холос! - деди, таёқчасини юқорига кўтарган Беллатрикс, Гаррига мурожаат қилиб, - Хўш, Поттер, ё башоратни бизга топширасан, ё дўстингнинг жони узилишини томоша қилиб турасан!

Невилль чинқирмай қўйиб, аёлнинг оёғи остида ётганча, пишилламоқда.

Гарри узоқ ўйланиб турмади. У кафтининг тафтидан кучли қизиган башорат шарини олдинга узатди. Шошиб қолган Люциус Малфой Гарри томон сакради.

Кутилмаганда, юқоридаги эшиклардан яна иккиси ланг очилиб, хонага Сириус, Люпин, Хмури, Бомс ва Кинсли югуриб киришди.

Малфой таёқчасини кўтарганча, тез ўгирилди-ю, кеч қолди. Бомс Малфойга қарата уриб йиқитиш яшинини йўллаб бўлди. Яшин нишонга теккан-тегмаганига қизиқишга ҳам уринмаган Гарри супадан сакраб тушиб, яшириниб олди. Ғафлатда қолган Ўлимдан мириқувчилар саросимага тушиб қолишди. Дафъатан пайдо бўлиб келган Қақнус ордени аъзолари эса зина поғонасидан поғонасига тушар экан, яшин кетидан яшин йўллади. Чақноқлар-у, у ёқ, бу ёқ югура бошлаган одамлар орасида Гарри полда эмаклаётган Невиллни кўриб қолди. Полга деярли чўзилиб олиб, қизил яшиндан тасодифан омон қолган Гарри Невилль томон ташланди.

- Қалайсан? - қичқирди Гарри.

Иккаласининг боши устидан яна битта қарғиш яшани учиб ўтди.

- Яхши, - жавоб берди Невилль, ўрнидан туришга уриниб.

- Рон-чи?

- Ўйлашимча, у ҳам ёмон эмас. Чиқиб кетаётганимда мия билан олишишни давом этаётган эди.

Иккаласининг ўртасига қарғиш яшани келиб урилди. Бир неча сония олдин Невиллнинг қўли ётган жой ўйилиб кетди. Болалар оёқ-қўлини чаққон-чаққон ишлатиб, нари эмаклашди. Кутилмаганда кимнингдир бақувват қўли Гаррининг кекирдагидан тутиб, шартта кўтариб олди. Оёғининг учи полга тегиб-тегмаётган бола осилган ҳолатга келиб қолди.

- Менга бер уни, - гумбурлади овоз, Гаррининг қулоғида, - Башоратни бер деяпман сенга...

Ўлимдан мириқувчи Гаррининг бўғзини шундай сиқиб олганки, кўзидан ёш сизиб чиқиб, нафас олмай қолди. Шундай бўлса-да, ўн футча нарида Сириус қайсидир Ўлимдан мириқувчи билан олишяпти. Кинсли эса икктаси билан овора. Ўрта қаторларда турган Бомс Беллатриксга яшин отмоқда. Ҳеч ким, ҳеч ким кўрмаяпти, Гаррининг ҳалок бўлаётганини. Гарри таёқчасини бўғиб олган Ўлимдан мириқувчининг биқинига йўллагани билан, бирор оғиз сўз айта олмагани боис, фойдаси бўлмади. Ўлимдан мириқувчи эса бўш қўлини башорат шарига узатмоқда...

- А-А-А-А!

Оёқ остидан пайдо бўлган Невилль манқалангани боис, қарғиш талаффуз эта олмаслигини билиб, қўлидаги сеҳрли таёқчани Ўлимдан мириқувчининг қайтарма қалпоғидаги кесик орқали кўзига суқиб юборди. Жони оғриган Ўлимдан мириқувчи Гаррини қўйиб юбориб, кўзини ушлаганча, дод солди. Гарри шу заҳоти унга юзланиб, ўкирди:

- СТУПЕФАЙ!

Ўлимдан мириқувчи бели билан полга қулаб, бошидаги қалпоғи сурилиб, юзи очилиб қолди. Бу кас Отбургутни сўйиш учун «Хогварц»га йўлланган, кўзи бир зумда шишиб, қон томирчалари титилиб кетган ўша саллох Макнейр.

- Раҳмат! - деди Гарри Невиллни четга тортиб.

Иккаласининг ёнидан қаттиқ курашаётган, таёқчалари ягона ёришиб турган шуъла сифатида уйғунлашиб кетган Сириус ва унинг рақиби ўтиб кетди. Гарри қандайдир юмалоқ, қаттиқ нарсани босиб олиб, қоқилиб кетди. Дастлаб у, башорат шарини тушириб юбордим, деб чўчиб кетди. Йўқ, бу, Хмурунинг сеҳрли кўзи экан. Кўз нари думалаб кетди.

Боши қонга беланган кўз соҳиби сал нарида ёнбошлаб ётибди. Уни мағлуб қилган, узун, рангпар юзи қувончдан яшнаган Долохов эса Гарри билан Невилль томон одимлаб келмоқда.

- Таранталлегра! - қичқирди у, таёқчасини Невиллга ўқтаб.

Невиллнинг оёғи рақс ҳаракатига тушиб, мувозанатини йўқотганча, боз полга қулади.

- Энди сен, Поттер...

Долохов Гермionaга нисбатан қўллаган амални бажарди-ю, Гарри қичқиришга улгуриб қолди:

- Протего!

Гаррининг юзига ўтмас пичоқ урилгандай бўлди. Зарба кучидан Невиллнинг типирчилаётган оёғи узра ёнбошига йиқилди. Бироқ ҳимоя тилсими ҳар қалай кор қилибди.

Долохов сеҳрли таёқчасини боз кўтарди.

- Ассио башо...

Айнан шу фурсатда пайдо бўлиб келган Сириус Долоховни елкаси билан түртиб юборди. Гарри, бармоқларининг учида бўлса-да, шарни қўлда сақлаб қолиб. Сириус билан Долохов яккама-якка жанг қилишга киришиб кетди. Сеҳрли таёқчалари шамширдек яшнаб, ҳар томон учқун сачратмоқда...

Долохов янги зарба бериш учун таёқчасини ортга тортган эди ҳам-ки, пружинадай отилиб, оёққа турган Гарри ўкириб юборди:

- Петрификус Тоталус!

Оёқ-қўли танасига қапишиб қолган Долохов ҳаракат бажариш қобилиятидан боз маҳрум бўлиб, полга тахтадай тикка қулади.

- Баракалла, ўғлим! - қичқирди Сириус, Гаррининг бошини тез эгиб, бир жуфт уриб йиқитиш яшинидан сақлаб қолганча, - Қани энди иккалангиз, тез жуфтакни ростланг бу ердан.

Икковлон энгашиб, полга қапишиб олди. Яшил яшин Сириусга тегишига бир баҳа қолди. Хонанинг нариги томонидаги Бомс йиқилиб, зина поғоналари бўйлаб қопдай юмалади. Ғалабасидан севиниб кетган Беллатрикс ўзини жанг кечаётган жой ўртасига урди.

- Гарри, башоратни маҳкам ушлаб, Невиллни олгин-да, тез кет бу ердан! - деди Сириус, Беллатриксга қарши чиқиб.

У ёғи нима бўлганини Гарри кўрмади. Қайтарма қалпоғи ечилиб, чўтир башараси очилиб қолган Гадвуд билан олишаётган Кинсли тўсиб қўйди. Боши узра яна аллақандай яшил яшин учиб ўтган Гарри Невилль томон ташланди...

- Оёқда тура оласанми? - қичқирди Гарри, оёқ ҳаракатини идора қила олмай ётган Невиллнинг қулоғига, - Бўйнимдан ушлаб ол...

Гарри бўйнидан ушлаб олган Невиллни зўр бериб ўзига тортди. Невиллнинг ҳар томон сакраётган оёғи итоат қилмаяпти. Кутилмаганда кимдир уларга ташланди. Иккала бола чалқанчасига йиқилди. Невиллнинг оёғи худди белига онтарилган қўнғизнинг панжалари каби ҳавода типирчилаб қолди. Гарри башорат шарини эҳтиёт қилганча, чап қўлини юқорига кўтарди.

- Башоратни, Поттер, башоратни бер менга, - наъра тортди Люциус Малфой, сеҳрли таёқчасини Гаррининг қовурғасига ниқтаб.

- Ҳеч... қачон... тинч... қўйинг... мени... Невилль... ушла!

Гарри шарни Невилль томон юмалатди. Невилль ўзини башорат томон ташлаб, кўкси остига босиб олди. Малфой таёқчасини Невиллга ўқтади, бироқ Гарри ўз таёқчасини унга ниқтаб, қичқирди:

- Импедимента!

Оёғи ердан узилган Малфой ҳавога кўтарилиб, устида Сириус билан Беллатрикс жанг қилаётган супага қапишиб қолди. Гарри оёққа турар экан, Малфой ўз таёқчасини Гарри билан Невиллга ўқтади. Лекин оғиз жуфтлашга улгурмай, Люпиннинг зарбасига дучор бўлди.

- Гарри, қолганларни олгин-да, ҚОЧИНГЛАР БУ ЕРДАН!

Гарри Невиллнинг елка соҳасидаги коржомасидан ушлаб, торта бошлади. Оёғи типирчилаётган Невилль юра олмайди. Гарри ўртоғини бор кучи билан тортиб, зина-курси устига чиқишга муваффақ бўлди...

Аллақаердан учиб келган қарғиш яшини Гаррининг оёғи остига урилиб, зина-курсини мажақ қилиб юборди. Гарри боз қуйи поғонага тушиб қолди. Башорат шарини киссасига солган Невилль иложсиз пастга сүрилиб кетди. Унинг оёғи типирчилагани-типирчиланган.

- Бўлсанг-чи, Невилль, - қичқирди Гарри, Невиллнинг елкасидан бефойда тортиб, - Оёғинг билан ер итаришга уриниб кўр...

Гарри яна куч ишлатди. Невиллнинг коржомаси чап томонидаги чокидан сўтилиб кетиб, шиша шар киссасидан чиқиб кетди. Икковлон шарни ушлаб қолишга улгурмади. Невиллнинг итоат қилмаган оёғи башорат шарини тепиб юборди. Шар ўн футча нари ўнг томон учиб, зинанинг қуйи поғонасига урилганча синди. Даҳшатга тушган болалар шар тушган жойга бақрайиб қолишди. Шиша парчалари устида садаф рангли, кўзлари ниҳоятда йирик оқ арвоқ кўтарилди. Гарри билан Невиллдан ташқари уни ҳеч ким кўргани йўқ. Гарри соҳибқаромат арвоқнинг қимирлаётган оғзига қараб қолди, бироқ хонада кўтарилган шовқин-сурондан арвоқнинг сўзларини эшита олмади. Арвоқ гапини тугатиб, ҳавода тарқаб кетди.

- Кечир мени, Гарри! - бақирди бахти қора Невилль, оёғини типирчилатиб, - Кечир, мен ундай қилмоқчи эмас эдим...



- Энди аҳамияти йўқ! - жавоб берди Гарри, - Ўрнингдан туришга уриниб кўр. Кетдик бу ер...

- Дамблдор! - кутилмаганда бақириб юборди Невилль, Гаррининг елкаси узра қараганча, бақрайиб.

- Нима?

- ДАМБЛДОР!

Гарри орқага ўгирилиб қаради. Иккаласининг тепасида, Мия сақлаш хонасидан чиқиш эшигининг остонасида юзи ғазабдан оқариб кетган, таёқчасини баланд кўтариб олган Дамблдор турибди.

Гаррининг вужудидан электр заряди ўтиб кетгандай бўлди – нажот келди!

Дамблдор, энди қочиш мутлақо истагидан бош тортган Гарри билан Невиллнинг ёнидан тез ўтиб, пастга тушди. Ким келганини кўрган айрим Ўлимдан мириқувчилар қолган шерикларини огоҳ қилиш учун бақира бошлашди. Нариги томондаги аллақандай киши оёғини қўлга олиб, зинапоя поғоналарига мартишкадай тирмашганча, қочишга уринди. Бироқ Дамблдорнинг афсуни кўзга кўринмас арқондай, уни орқага тортди...

Муҳорабанинг янги иштирокчиси келганини пайқаманган фақат битта жуфтлик курашни давом эттирмоқда. Сириус Беллатрикс йўллаган қизил яшинга кулиб чап берганини Гарри кўриб турибди.

- Дурустроқ ҳаракат қилсанг-чи! Уриниб кўр! - қичқирди Сириус, овози залда акс-садо бўлиб эшитилиб.

Иккинчи яшин Сириуснинг нақ кўкрагига урилди.

Табассум ҳали юзидан барҳам топгани йўқ, лекин кўзи оғриқдан катта очилиб кетди.

Нима қилаётганини идрок этмаётган Гарри Невиллни қўйиб, сеҳрли таёқчасини ҳаракат давомида чиқарганча, пастга сакради. Дамблдор ҳам, супа томон юзланди.

Сириуснинг йиқилиш вақти мангу чўзилгандай бўлди. Дастлаб унинг гавдаси ёй бўлиб, хиромон букилди, сўнг, намоёйиши секинлашган тасвир каби, бели билан тош аркага тортилган эски қора матога қулади.

Ақл бовар қилмайдиган бундай узоқ йиқилиш жараёнида Сириуснинг қачонлардир барно, ҳозир эса сўлғин юзи қўрқувли ҳайрат қиёфасини касб этган. Ниҳоят матога йиқилган Сириус кўздан ғойиб бўлди. Парда, худди кучли шамол ҳилпиратгандай бир қўзғалди-да, боз тек қотди.

Гаррининг қулоғига Беллатрикс Лестрангнинг тантанавор қичқириви эшитилди. Аҳмоқ аёл, хаёлдан ўтказди Гарри, Сириус аркадан ўтиб кетди холос, ҳозир парданинг нариги томонидан чиқиб келади!...

Бироқ Сириус кўриниш бермаяпти.

- СИРИУС! - бақирди Гарри, - СИРИУС!

Нафаси кўкрак қафасини оғритиб чиқаётган Гарри зинадан полга сакради. Сириус анави ерда, парда ортида, хаёлдан ўтказди у, ҳозир унга ёрдамлашиб юбораман...

Гарри супага сакраб чиқиши ҳамано, Люпин уни маҳкам ушлаб, тўхтатиб қолди.

- Чораси йўқ, Гарри...

- Чиқаринг уни у ердан. У шунчаки, парда ортига йиқилди холос!

- ... кеч бўлди, Гарри.

- Нимаси кеч, чиқариб олиш керак холос-ку... - бор кучини ғазаб-ла, жазаво билан ишлатиб, типирчилади Гарри.

- Кеч бўлди, Гарри, - деди, маҳкам ушлаб турган Люпин, - Кеч бўлди... у ўлди.

## **ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ. ДАҲШАТГА СОЛИБ КЕЛГАН ЯГОНА ШАХС**

- Ўлгани йўқ!!! - ўқирди Гарри, ўзини тутта олмай.

Бола ишонмай, ишонишни истамай, Люпиннинг чангалидан халос бўлишга уринмоқда. Парда

ортида одам бекиниб олиши мумкинлигини Люпин билмайди. Ўша одамларнинг ўзаро шивирлаб гаплашганини Гаррининг ўзи, аркага биринчи бор яқин борганида эшитган-ку! Сириус у ерга бекиниб олган холос...

- СИРИУС! - бақирди Гарри, - СИРИУС!

- Чиқмайди у, Гарри, - деди Гаррини базўр тутиб турган Люпин овози титроқ эшитилиб, - Чиқмайди, чунки у ўл...

- ЎЛГАНИ ЙЎҚ!!! - бақирди Гарри, - СИРИУС!

Атрофда кимлардир югурмоқда, яшин чақнамоқда, яна кимлардир изтиробда ўзини у ёқ, бу ёқ ташламоқда. Гаррига эса буларнинг бари маънисиз, аҳамиятсиз бўлиб қолди. У ҳозир фақат бир нарсани, у ҳам бўлса, Люпин рўпарасидаги, анави эски латта ортига ўтиб олган Сириусни энди ҳеч қачон у ердан чиқмайди, деган аҳмоқона гапини бас қилишини истайди. Нақадар бемаънилик! Ҳозир Сириус яна жанг қилишга шай ҳолатда, пешонасига тушган узун қора сочини орқага ташлаганча чиқиб келади...

Люпин ниҳоят Гаррини супадан нари тортишга муваффақ бўлди. Кўзини аркадан ўзмаган Гаррининг эса Сириусдан аччиқлана бошлади: нега тезроқ чиқмай, ивирсияпти, нима учун ўзини бу қадар узоқ куттиряпти?

Бироқ ҳозир Люпиннинг қўлидан қутуриб кетгандай халос бўлишга уринаётган бўлса-да, Гарри, онгининг бир қисми ила аста секин ҳақиқатни идрок эта бошлади: Сириус ҳеч қачон ўзини бунчалик узоқ куттирмаган... ҳаётини хавф остига солиб бўлса-да, Гаррини кўришга, айниқса, ёрдам қўлини узатишга доимо тайёр бўлиб келган... Модомики, Сириус Гаррининг илтижоларига қарамай, парда ортидан чиқмаётган экан, демак у чиндан ҳам кўриниш бера олмайди... демакки у, ростдан ҳам...

Бу вақтга келиб Дамблдор, афтидан, кўзга кўринмас арқон воситасида боғланиб, қилт этмай қолган Ўлимдан мириқувчиларнинг деярли барини хона ўртасига тўплаб қўйди. Ўйноққўз Хмури Бомснинг ёнига эмаклаб бориб, қизни жонлантиришга уриниб кўрди. Супанинг нариги томонида, арка ортида яшин чақнаб, қичқириқ ва ҳарсиллашлар эшитилмоқда. Сириуснинг ўрнини эгаллаган Кинсли Беллатрикс билан жанг қилишни давом этмоқда.

- Гарри?

Невилль бир амаллаб, поғонама-поғона пастга думалаб келди. Гарри халос бўлишга уринишини бас қилганига қарамай, Люпин ҳар эҳтимолга қарши, унинг қўлини ушлаб турибди.

- Гарри... ҳамдарддигим, таъзияни қабул қил... - деди оёқ ҳаракатини идора қила олмаётган Невилль, - Анави киши... Сириус Блэк... дўстинг эдими?

Гарри бош ирғиб қўйди.

- Қани, менга қара-чи, - деди аркага тескари ўгирилган Люпин, таёқчасини Невиллнинг оёғига йўллаб, - Фените!

Қарғиш таъсири барҳам топиб, Невиллнинг оёғи тинчланди.

- Қолганларни топиш керак, - деди, ранги бўздай оқариб кетган, ҳар бир сўзини қийналиб гапирётган Люпин, - Невилль, қаерда улар?

- Ҳаммаси ҳў анави хонада, - жавоб берди Невилль, - Ронга мия ҳамла қилди, ўйлайман-ки, у, ўзини ўзи эплаб олган... Гермиона ҳушсиз ётибди, лекин юраги уряпти...

Супа ортида нимадир тарақлагани эшитилди. Дамблдор полга қулаган Кинсли томон тез одимлади. Беллатрикс Лестранг эса чиқиш эшиги томон қочиб, Дамблдор йўллаган яшинни қайтаришга муваффақ бўлди.

- Гарри, йўқ, қайт ортга! - бақириб юборди Люпин.

- У СИРИУСНИ ЎЛДИРДИ! - ўқирди, Люпиннинг қўлидан халос бўлиб олган Гарри, - ЭНДИ МЕН УНИ ЎЛДИРАМАН!

Тош зина-курсиларга тез тирмашиб кўтарила бошлаган Гарри Беллатриксни таъқиб қила кетди.

Кимдир унинг ортидан қичқирмоқда, лекин у ҳеч кимга қулоқ тутаётгани йўқ. Юқорига кўтарилган фурсатда Беллатрикснинг этаги лип этиб, мия сақлаш хонасининг эшиги ортида ғойиб бўлди... Беллатрикснинг елкаси ўзра йўллаган яшини аквариумни ҳавога кўтариб, онтариб юборди. Гаррининг эгни сассиқ суюқлик-ла шалаббо бўлиб, устига ранг-баранг пайпаслагичларини ёзган миялар тўкила бошлади.

- Вингардиум Левиоза! - бақирди Гарри.

Миялар шифтга қадар кўтарилди. Югурган йўлида сирпаниб, қоқилиб бораётган Гарри полда инграб ётган Лунанинг устидан сакраб, ортида «Нима... бўляпти, Гарри?» деганча қолган Жиннанинг, ҳиринглаб ётган Роннинг ва беҳуш Германионнинг ёнидан ўтди. Беллатрикснинг ортидан думалоқ хонага отилиб кириб, қарама-қарши томондаги эшикдан чиққанча, лифт кабиналари томон олиб борадиган йўлакка чиқиб кетаётганини кўрди.

Гарри жувон кетидан югурди, бироқ эшик ёпилиб, Гаррининг атрофида мовий йўлак гир айлана бошлади.

- Чиқиш эшиги қайси бири? - умидсиз қичқириб юборди у, девор ҳаракати тўхтагач, - Қани ташқарига чиқиш эшиги?

Думалоқ хона айнан мана шу саволни кутгандай гўё. Гаррининг орқа томонидаги эшик ланг очилиб, лифт кабиналари томон олиб борадиган, машъалалар воситасида ёритилган йўлак кўринди.

Лифтнинг тақир-туқурини эшитган Гарри югуришни давом этиб, муюлиш ортига тез ўтди-да, бошқа лифт чақириб тугмасига мушт солди. Жаранглаб, гулдураб аста етиб келган лифтнинг панжара эшиги икки томон сурилди. Кабинага сакраб кирган Гарри «Атриум» тугмасини ура кетди.

Панжара эшик ёпилиб, лифт кўтарилди бошлади.

Кабина эшиги ҳали тўлиқ очилмай, сакраб чиққан Гарри атрофга аланглаб, атриумнинг нариги бошида, телефон будкасига етишига оз қолган Беллатриксни кўриб, ортидан югурди. Жувон орта ўгирилиб, қарғиш қўллади. Гарри шу заҳоти Сеҳргар Халқлар Дўстлиги Фаввораси ортига бекиниб олди. Қарғиш яшини боланинг ёнидан учиб ўтиб, олтин дарвозага бориб урилганча, қўнғироқдай жаранглатиб юборди. Афтидан, Беллатрикс қочиш фикридан қайтди, шекилли, қадам товуши эшитилмай қолди. Ҳайкаллар ортига бекинган Гарри жим ўтирди.

- Чиқ бу ёққа, кичкинтой Гарри, чиқ! - ёш бола овозига тақлид қилди Беллатрикс.

Унинг жирканч овози сайқал берилган паркетдан акс-садо бўлиб қайтмоқда.

- Ортимдан бекор югурмаган бўлсанг керак! Фикримча, қадрли холаваччамнинг ўлими учун қасос олишни истасанг керак, а?!

- Ҳа, истайман! - қичқирди Гарри.

Атриумда кўп овозли сирли акс-садо янгради: ИСТАЙМАН! ИСТАЙМАН! ИСТАЙМАН!

- А-а-а... сен уни яхши кўрар эдингми, кичкинтой Поттер?

Вужудини муқаддам ҳис этмаган нафрат қамраб олган Гарри фаввора ортидан сакраб чиқиб, ўкириб юборди:

- Крусио!

Яшин уриб йиқитган Беллатрикс қичқириб юборди-ю, Невиллга ўхшаб тўлғанмади ҳам, бақирмади ҳам, аксинча, кулишни бас қилиб, оёққа қалқиб турди. Гарри шу заҳоти фаввора ортига ўтди. Беллатрикснинг жавобан йўллаган яшини сеҳргар ҳайкалининг бошига бориб урилди. Ҳайкалнинг боши узилиб, фавворадан йигирма футча нарига юмалаб кетди.

- Биринчи маротаба қўллашинг-ми, дейман, а, Оқибати мудҳиш қарғишни, болакай? - қичқирди Беллатрикс, ёш бола овозига тақлид қилишни бас қилиб, - Бунинг учун ҳис-туйғу самимий кечиши, киши жонини оғритиш, унга азоб беришни юракдан ният қилиш... бундай амал ҳақидаги ўйдан завқ олиш керак! Сенинг адолатли ғазабинг эса оз бўлсин, кор қилмади менга... Бу қандай бўлишини, майли, кўрсатиб қўйганим бўлсин сенга. Амалий машғулот ўтказаман...

Гарри фаввора ортидан бир сонияга бош чиқарди.

- Крусио! - бақирди Беллатрикс.

Бола бекинишга базўр улгуриб қолди. Кентавр ҳайкалининг камон ушлаган қўли узилиб, тарақлаганча, сеҳргар боши ёнига учиб тушди.

- Поттер, менга бас кела олмайсан! - қичқирди Беллатрикс.

Гарри эшитилган овозга кўра, жувон ўнг томон, дурустроқ нишонга олиш мақсадида юриб ўтаётганини тушунди. Бола энгашганча, орқага, ҳайкаллар панасида, кентавр оёғи ортига бекиниб, тисарилди, унинг боши уй эльфи ҳайкалининг боши билан бир савияга келиб қолди.

- Мен Ёвуз Лорд хизматкорлари орасида энг содиқ хизматкор бўлиб келганман ва шундай бўлганча қоламан. Ёвуз кучлар сеҳрини ундан ўрганганман. Мен шундай ишлар қила оламан-ки, сен арзимас тирранчанинг тушига ҳам кирмаган...

Жувон фаввора атрофини айланиб юрар экан, Гарри бошсиз қолган сеҳргар ҳайкалига қараб, нурафшон иржайиб турган гоблин ҳайкали ортига ўтиб олишга улгурди.

- Ступефай! - қичқирди у.

- Протего! - қарғишга қарши қарғиш йўллашга ўз вақтида улгурди Беллатрикс.

Гарри йўллаган уриб йиқитиш яшини ўзига қайтди. У тез фаввора ортига бекинди, гоблин ҳайкали эса қулоғидан маҳрум бўлди.

- Поттер, сенга фақат бир бор имкон бераман! - қичқирди Беллатрикс, - Башорат шарини мен томон юмалатсанг, тирик қолдираман!

- Мени ўлдиришдан бошқа чора қолмади сенда! - қичқирди, пешонасига қаттиқ оғриқ кириб, чандиғи чўғдай кўйдир бошлаган, вужудини ўзининг эмас бошқа бировнинг қаҳр-ғазаби қамраб олган Гарри, - Башорат энди йўқ! Ва у бундан хабардор! - давом этди у, ақлдан озиб қолгандай хандон отиб, - Қария Вольдеморт башорат энди йўқлигини яхши билади! Сендан роса домангир бўлиши аниқ!

- Нима? Нима демоқчисан бу гапинг билан? - чинқирди юборди Беллатрикс, овозида илк бор қўрқув оҳанги эшитилиб.

- Невиллни зинапоя поғоналари устида тортиб кетаётганимда синди! Нима деб ўйлайсан, бу масалада Вольдеморт қандай фикр билдиради.

Гаррининг чандиғи ёниб, боши тарс икки бўлинишига оз қолган, кўзидан тинмай ёш келмоқда...

- ЁЛҒОН ГАПИРЯПСАН! - чириллади Беллатрикс, дарғазаб овозида ваҳима сезилиб, - У СЕНДА, ПОТТЕР, МЕНГА БЕР БАШОРАТНИ! Ассио башорат! АССИО БАШОРАТ!

Гарри шунчаки, жувонни қутуртириб юбориш ниятида боз хандон отди. Бош суяги чокларидан ажралиб кетар даражада оғримоқда... У бир қулоқли гоблин ортидан қўлини чиқариб, силтади-да, тез яширди. Ёнидан яшил яшиннинг навбатдаги заряди учиб ўтди.

- Кўрдинг-ми, ҳеч нарса йўқ қўлимда! - қичқирди у, - Башоратни чақириб, беҳуда чиранма. Синди башорат. Уни ҳеч ким эшитмади. Шундай деб айт, соҳибингга!

- Йўқ! - ўқирди жувон, - Ёлғон айтяпсан, алдаяпсан! СОҲИБ! ҚЎЛДАН КЕЛГАНЧА ҲАРАКАТ ҚИЛДИМ, СОҲИБ! ЖАЗОЛАМАНГ МЕНИ, ЎТИНАМАН СОҲИБ...

- Ортиқча чиранма! - қичқирди, оғриқ зўридан кўзини чирт юмиб олган Гарри, - Бари-бир сени эшитмаяпти у!

- Сен шундай деб ўйлайсан-ми, Поттер? - янгради баланд эшитилган муздай овоз.

Гарри кўзини очди.

Вестибюль ўртасида новча бўйли озғин киши турибди. Қайтарма қалпоқ ташланган оппоқ, жонсиз илон башарасида яққол ажраб турган қип-қизил мудҳиш кўзи ярқираб турибди. Лорд Вольдеморт сеҳрли таёқчасини Гаррига ўқтади. Бола худди фалаж бўлиб қолгандай, турган жойида қотиб қолди.

- Демак, менинг башоратимни синдиридинг, шундайми? - тешиб юборгудай қаради, - Йўқ, Белла, у

алдаётгани йўқ... Унинг фойдасиз миясида гапи рост эканлигини кўриб турибман... Ойлаб кўрилган ҳозирлик, машаққатли саъй-ҳаракатлар... садоқатли сафдошларим эса Поттерга режаларимни барбод қилишга боз имкон берибди...

- Соҳиб, мени кечиринг, билганим йўқ эди, анимаг Блэк билан жанг қилаётган эдим! - ҳўнгради Беллатрикс, аста яқинлашиб келган Вольдемоортнинг оёғи остига ташланиб, - Соҳиб, воқиф бўлинг...

- Овозингни ўчир, Белла, - таҳдид қилди Вольдемоорт, - Сен билан кейин ҳисоблашаман. Сеҳргарлик вазирлигига сенинг арзимас важ-баҳоналарингни тинглагани келганим йўқ.

- Лекин соҳиб... у шу ерда... пастда...

Вольдемоорт жувоннинг гапига эътибор қаратмади

- Сенга айтадиган гапим йўқ, Поттер, - вишиллади у, - Анчадан буён жонга тегиб келяпсан. АВАДА КЕДАВРА!

Мияси бўшаб, қаршилиқ кўрсатгани мадори қолмаган Гарри таёқчасини тушириб, бедармон турибди.

Кутилмаганда, бошсиз қолган сеҳргарнинг ҳайкалига жон кириб, супасидан сакради-да, Гарри билан Вольдемоортнинг ўртасига қўлини икки томон узатганча, болани ҳимоя қилиб туриб олди. Ўлдириш қарғишининг яшини ҳайкалнинг кўкрак соҳасига урилиб, нари сапчиб кетди.

- Нима?... - қичқирди Вольдемоорт, - Дамблдор!

Юраги гупиллаб ураётган Гарри атрофга аланглаб, олтин дарвоза бўсағасида турган Дамблдорни кўрди.

Вольдемоорт таёқчасини ўқташи ҳамоно. Дамблдор томон яшил яшин учди. Турган жойида айланган Дамблдор ўз плашининг уюрмаси ичра ғойиб бўлиб, бироздан сўнг, Вольдемоортнинг орқасида кўринди. Фавворадаги ҳайкалларнинг қолганларига ҳам Дамблдорнинг тилсими воситасида жон кирди. Афсунгар аёл ҳайкали Беллатриксга ташланди. Жувон чириллаганча, яшин кетидан яшин йўллашига қарамай, ҳайкал уни полга ётқизиб, маҳкам босиб олди. Гоблин билан уй эльфининг ҳайкаллари тарақ-туруқ қилганча, каминлар томон югурди. Бир қўлидан маҳрум бўлган кентавр ҳайкали эса Вольдемоортга ҳамла қилди. Ёвуз Лорд кўздан ғойиб бўлиб, фавворанинг нариги томонида пайдо бўлди. Бошсиз сеҳргар ҳайкали Гаррини ўз панасига олди. Атрофида кентавр югураётган Дамблдор Вольдемоорт томон одимлади.

- Шу ерда пайдо бўлиб, аҳмоқона иш тутганингни қара-я, Том, - деди Дамблдор хотиржам оҳангда, - Ҳозир аврорлар етиб келишади.

- Улар етиб келишгунга қадар, менинг изим қурийдди. Сенинг жасадинг эса шу ерда чўзилганча қолади! - жирканч овози ила жавоб берди Вольдемоорт, Дамблдор томон Ўлдириш қарғишининг яшинини йўллаб.

Бироқ нишонга аниқ олмагани боис, яшин қўриқлаш хизмати ходимининг столига урилиб, ёндириб юборди.

Дамблдор сеҳрли таёқчасини сал қимирлатиб қўйди, бироқ қарғиш яшини шу қадар кучли учиб ўтдики, шабадасидан Гаррининг сочи, олтин ҳайкал панасида турганига қарамай, тўзғиб кетди. Ушбу яшинни қайтариш учун Вольдемоортга кумуш тушли ялтироқ қалқон яратишга тўғри келди. Қалқон зарбани қайтариб, кимсасиз вестибюлда бонг жаранглашининг ғалати, муздай акс-садоси янгради.

- Мени ўлдириш ниятинг йўқми, Дамблдор? - бақирди Вольдемоорт, қисилган қизил кўзини қалқон устидан чиқариб, - Бундай ишдан ўзингни бир бош баланд санайсан чоғи, а?

Дамблдор даф қилиб бўлмайдиган қисмат сингари, худди бу ёруғ дунёда ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ниятига эришиш йўлида, унга ҳеч нарса халал бериши мумкин бўлмаган киши каби Вольдемоорт томон одимлади.

- Инсонни йўқ қилиб юборишнинг талай усуллари бор эканлигини иккаламиз ҳам яхши биламиз,

Том, - хотиржам жавоб берди у, - Иқрор бўлишим керак-ки, сени шунчаки ҳаётдан маҳрум қилиш мен учун камлик қилади.

- Ўлимдан ёмон нарса йўқ, Дамблдор! - акиллади Вольдеморт.

- Қаттиқ янглишяпсан, Том, - деди Дамблдор, оқсуякларга хос эркин сўхбат тарзида, - Умуман айтганда, бу ёруғ дунёда ўлимдан баттар нарсалар борлигини идрок этиш қобилиятинг йўқлиги, доимо заиф жойинг бўлиб келган...

Дамблдор ҳеч қандай ҳимоясиз Вольдеморт томон одимлаб бораётгани Гаррини даҳшатга солди. Бақириш, огоҳ қилишни истади, бироқ бошсиз қолган қўриқчи болани деворга сиқиб олиб, қилт этишга имкон бермади.

Кумуш тусли қалқон ортидан яшил яшин чақнади. Елиб келган кентавр Дамблдорни ҳимоя қилиб, кўплаб бўлакларга парчаланиб кетди. Бўлаклар ҳали полга етмай туриб, Дамблдор енгилгина силтаб қўйган таёқча учидан оловнинг ингичкагина оқими отилиб чиқиб, Вольдемортни, қалқони билан бирга исканжага олди. Маълум фурсат давомида Дамблдор ғалаба қозонга бўлди гўё, лекин олов оқими илонга айланиб, вишиллаганча, Вольдемортга тескари ўгирилиб, Дамблдор томон ҳаракатланди.

Вольдеморт кўздан ғойиб бўлди, оловли илон эса бошини баланд кўтариб, ҳамла қилишга шайланди...

Дамблдор боши узра нимадир чарақлади ва яқиндагина ҳайкаллар турган супа устида Вольдеморт пайдо бўлди.

- Эҳтиёт бўлинг! - қичқирди Гарри.

Дамблдор томон бир вақтнинг ўзида ҳам яшил яшин учди, ҳам оловли илон ташланди...

Айнан шу фурсатда Дамблдорнинг қаршисида Янгус пайдо бўлиб, оғзини катта очганча, яшил яшинни бутунича ютиб юборди. Қақнуснинг танаси ёниб, полга кул бўлиб тўкилди-да, миттигина, буришган, патсиз жўжа бўлиб қолди. Дамблдор сеҳрли таёқчасини узоқ, чиройли силтаб, тишини танасига деярли санчиб олган илонни юқорига улоқтирди. Шифтга етган оловли илон тўқ тусли тутунга айланди. Фаввора суви баланд кўтарилиб, Вольдемортнинг танасини қамраб олди.

Фаввора супаси устида пайдо бўлган суюқ шиша пилласи ичида ўз қиёфасига эга бўлмаган, бўғиб бораётган қалпоқдан халос бўлиш учун типирчилаётган қорамтир шарпа бир неча сония давомида кўриниб турди. Бироздан сўнг, шарпа ғойиб бўлиб, сув, сайқал берилган паркетда катта кўлмак ҳосил қилганча, шариллаб тўкилди.

- СОҲИБ! - қичқирди Беллатрикс.

Афтидан, муҳораба ниҳоясига етган кўринади, Вольдеморт жуфтакни ростлаб қолди. Гарри ҳайкал олдидан чиқишга уринди-ю, Дамблдор кутилмаганда ўкириб юборди?

- Қимирлама, Гарри!

Унинг оҳангида илк бор қўрқув оҳанги эшитилди. Гарри ҳайрон, вестибюлда, Дамблдор, ўзи, полда чийиллаётган митти Янгус ва афсунгар аёл ҳайкали остида ҳиқиллаб ётган Беллатриксдан ташқари ҳеч ким йўқ-ку, ахир...

Кутилмаганда Гаррининг боши гўё икки бўлиниб кетгандай бўлиб, ҳаётдан кўз юмаётганини ҳис этди: мисли кўрилмаган, бардош бериб бўлмайдиган оғриқ...

Энди у вестибюль девори ёнида, олтин ҳайкал ортида эмас. Болани қизил кўзли даҳшатли махлуқнинг ҳалқаларга айланиб бораётган танаси шу қадар қаттиқ сиқмоқда-ки, ўзининг танаси қайси-ю, махлуқнинг танаси қайси, фарқлай олмай қолди: иккаласининг танаси оғриқ ила боғланиб, уйғунлашиб кетди ва бундай боғлиқликни узиб ташлашнинг энди иложи йўқ...

Махлуқ Гаррининг оғзи воситасида тилга кирди. Ҳолати разм бола лаби қимирлаётганини ҳис этмоқда:

- Ўлдир мени, Дамблдор...

Гаррининг тангаси, ҳар бир ҳужайраси бундай қийноқни бас қилишни ўтинмоқда. Оғриқдан

кўрмай қолган Гарри лаби боз қимирлаганини ҳис этди:

- Модомики, ўлим арзимас нарса экан, Дамблдор, ўлдир болани...

Оғриқ тезроқ тинсин, ўтинди Гарри... ўлдирадиган бўлса, тезроқ ўлдирсин... ўлдир бизни, Дамблдор... бундай азобдан кўра, чиндан ҳам ўлим афзал... Сириус билан учрашишим мумкин...

Боланинг юрагида нимадир кўзғалди, ҳалқалар бўшашиб, оғриқ тинди. Юзи билан ерга қараб кўзойнаксиз ётган Гарри, ёғоч полда эмас муз устида ётгандай дағ-дағ титрамоқда.

Гарри устида одам овозини эшитди, кўпчилик овози... Қизиқ... кўзини очиб, ҳозиргина уни панага олиб ҳимоя қилган, энди эса дарз кетганча, жонсиз чўзилиб ётган бошсиз сеҳргар ҳайкалининг оёғи остида кўзойнагини кўрди. Кўзойнагини тақиб, бошини бироз кўтарган Гарри Дамблдорнинг қирғий бурнига урилиб кетишига оз қолди.

- Тирикмисан?

- Ҳа, - деди, қалтираётган Гарри, - Ҳа, мен... Вольдеморт қани... анави одамлар ким... нима бўляпти...

Атриум одамга тўлган. Сайқал берилган полда деворнинг бир томонида жойлашган, ичидан сеҳргар эркалар-у, афсунгар аёллар пайдо бўлиб чиқаётган каминларнинг яшил олови акс этмоқда. Дамблдорнинг ёрдами билан оёққа турган Гарри уй эльфи билан гоблиннинг ҳайкаллари ҳамроҳлигида яқинлашиб келган Корнелиус Фужни кўрди.

- Ўз кўзим билан кўрдим, мистер Фуж! - ҳайқирди, эгнига бинафша ранг коржома кийиб, сочини от думидай турмаклаб олган киши, вестибюлнинг нариги томонида сочилиб ётган олтин бўлақларига кўлини ўқтаб, - Онт ичиб айтаман, Ўзингиз-Биласиз-Ким аёлни олиб, ҳавода даф бўлди!

- Биламан, Уильямсон, биламан, ўзим кўрдим! - гувранди, эгнидаги йўл-йўл гулли плаши остида пижамаси кўринаётган Фуж, - Мерлин соқоли!... Шу ерда, сеҳргарлик вазирлигида-я... о, муқаддас фалак... ақл бовар қилмайди... чин сўзим... қандай рўй бериши мумкин, а?...

- Агар Сирли сеҳр бўлимига тушсангиз, Корнелиус, Ажал камерасида қочқин ўлимдан мириқувчилардан айримларини топасиз, - деди, афтидан, Гаррининг ҳолатидан ташвишланмай қўйган Дамблдор қаддини ростлаб, - Улар ҳавода даф бўлишга қарши афсун воситасида боғланган бўлиб, ўз қисматини кутишмоқда.

Дамблдор вестибюлга кириб келган одамлар томон одимлади. Уни кўрган баъзи сеҳргарлар таёқча ўқтаган бўлса, айримларининг кўзи чаноғидан чиқиб кетишига сал қолган. Эльф билан гоблин қарсак чалишди, чўчиб кетганидан орқага кескин тисарилган Фуж эса шиппаксиз қолишига бир баҳя етмади.

- Дамблдор! - ҳайрат-ла хитоб қилди Фуж, - Сиз... шу ерда... мен... мен...

Вазир атрофдаги авролар томон аланглаб, «Ҳибсга олинг уни!» деб қичқиришига тайёр эканлиги кўриниб турибди.

- Корнелиус, мен одамларингиз билан жанг қилиш ва ҳеч шубҳа йўқ-ки, одатдагидай, ғалаба қозонишга тайёрман, албатта! - баланд овозда баёнот қилди Дамблдор, - Бироқ бир неча дақиқа олдин ўз кўзингиз билан кўриб, бир йилдан буён чин ҳақиқатни гапириб келганимга тўла-тўқис ишонч ҳосил қилдингиз. Лорд Вольдеморт ҳаётга қайтган. Ўн икки ойдан буён мутлақо бошқа киши пайдан юрдингиз. Соғлом ақлга қулоқ тутиш вақти етди!

- Мен... йўқ... умуман айтганда... қисқаси... - гувранди, атрофга ожиз аланглаб, биров бирон-бир фикр билдиришга ёрдам беришига умид қилган Фуж, - Яхши... Давлиш! Уильямсон! Сирли сеҳр бўлимига кириб, текшириб келинг... Дамблдор, сиз... сиз аниқ баён этиб беришингиз керак... Сеҳргар Халқлар Дўстлиги Фаввораси... Нималар бўлиб ўтди бу ерда? - чийиллаган оҳангда фикрини яқунлади у, полга, сеҳргар эркак, аёл ва кентавр ҳайкалларининг парчаларига даҳшат-ла қараб.

- Гаррини «Хогварц»га қайтарганимдан кейин гаплашамиз бу ҳақда, - деди Дамблдор.

- Гаррини?... Гарри Поттерни-ми?

Фуж кескин бурилиб, Вольдеморт билан Дамблдор ўртасидаги жанг жараёнида ўз панасига олиб, ҳимоя қилган ҳайкал парчаси ёнида турган Гаррига бақрайди.

- У... шу ерда? - сўради, кўзи чаноғидан чиқиб кетишига сал қолган Фуж, - Нима учун... Буни қандай тушуниш кепак?

- Мен бор гапни бафуржа тушунтириб бераман, фақат Гарри ортга, мактабга қайтганидан сўнг, - такрорлади Дамблдор, сеҳргар ҳайкалининг полда ётган бошига яқин борганча, таёқча ўқтаб, - Портус!

Ҳайкал боши дастлаб мовий шуъла таратиб ярқиради ва бир неча сония сакраганча, титраб тек қотди. Бошни қўлига олган Дамблдор Гарри томон одимлади.

- Биласизми, Дамблдор, бунақаси ярамайди! - ўкирди Фуж, - Портшлюс яратишга ижозат берилмаган сизга! Сеҳргарлик вазирининг кўз ўнгида бундай ишлар қилишга ҳақингиз йўқ, сиз... сиз...

Дамблдорнинг кўзойнак орқали қатъият-ла қараб қўйганини кўрган Фуж унини ўчирди.

- Сиз ҳозироқ менинг мактабимдан Долорес Амбрижни даф қилиш тўғрисидаги буйруқ чиқарасиз, - деди Дамблдор, - Аврорлар ёвуз кучлардан ҳимоя фани ўқитувчисини таъқиб қилишини бас қилиши, у ўз ишига қайтиши учун ҳам, буйруқ чиқарасиз. Сизга эса мен, бўлиб ўтган ишларни муҳокама қилиш учун... - Дамблдор киссасидан ўн иккита сайёра тасвирланган соатини чиқариб, диққат билан қаради, - ... ярим соат ажратишим мумкин. Шундан сўнг, мен, ўз тасарруфимдаги мактабга қайтишим керак. ёрдамим керак бўлиб қолса, «Хогварц»дан топишингиз мумкин мени. «Директорга» ёзуви битилган хатлар ўз эгасини топади.

Юзи қизариб, кўзи тангадай бўлиб қолган Фужнинг оғзи ҳам ланг очилиб, оқ сочи тикка бўлди.

- Мен... сиз...

Дамблдор вазирга орқа ўгирилди.

- Портшлюсни ушла, Гарри.

Қаёққа бориш, нима қилиш бефарқ бўлиб қолган Гарри олтин ҳайкал бошига қўл теккизди.

- Ярим соатдан кейин учрашамиз, - мулойим овозда такрорлади Дамблдор, - Бир... икки... уч... Одатдагидай, нимадир Гаррини худди киндигига маҳкамланган ҳалқадан тортиб кетгандай бўлиб, оёғи полдан узилди. Атриум, Фуж, Дамблдор гўм бўлиб, шовқинли ранг-баранг уюрма ичра учиб кетди.

## **ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ. ЙЎҚОТИЛГАН БАШОРАТ**

Гарри оёғи билан ерга урилиб, тиззаси бүкилди, олтин ҳайкал боши титроқ товуш чиқарганча жаранглаб, полга тушди. Бола атрофга аланглаб, Дамблдорнинг хизмат хонасида пайдо бўлганини идрок этди.

Директор йўқлигида муқаддам синган буюмлар ўзидан ўзи асл ҳолатига қайтибди. Бежирим кумуш асбоблар ингичка оёқли столлар устига қайтиб, тинчгина визиллаб, тутун бурқситиб турибди. Собиқ мактаб директорлари ҳам, бошларини ўтирган креслолари ёки портретларининг ҳошияларига суянганча, мизғимоқда. Гарри деразадан ташқарига қаради. Уфқда тонг отаётганидан далолат берувчи хира яшил ёруғлик кўринмоқда.

Гоҳ-гоҳида эшитилаётган хуррак ёки уйқудаги вайсаш билан уйғунлашган жимжитлик Гарри учун чидаб бўлмас даражада кечмоқда. Агар бу ердаги буюмлар оғриқ ва азобдан қичқиришганда, бола ўзини нисбатан енгил ҳис этган бўлар эди гўё. Гарри ҳеч нимани ўйламасликка уриниб, узук-юлуқ нафас олганча, чиройли жиҳозланган сокин хонани айланиб чиқди. Бироқ ўйламасликнинг иложи бўлмади...

Сириуснинг ўлимида фақат ўзи айбдор. Агар Вольдемортнинг найрангига учмаганда, ўша



кўринишнинг чинлигига шубҳа қилганида, Германионнинг таъбири билан айтганда, Вольдеморт, унинг қаҳрамонлик намоён этишга интилиш табиати билан ўйнашига уринаётганини бир дақиқага бўлса ҳам, тахмин қилганида...

Йўқ, бу ҳақда ўйлаш – азобнинг ўзи... қалбида улкан, мудҳиш кемтик ҳосил бўлиб, ичига қарашга юраги бетламай турибди... Сириус эгаллаган, энди эгасиз қолган жойда тубсиз бўшлиқ вужудга келган... Гарри, қалбидаги ушбу чексиз, жимжит вакуум билан ёлғиз ўзи қола олмайди... Орқа томонда кимдир атайин баланд хуррак отиб, лоқайд оҳанг-ла овоз берди:

- А... Гарри Поттер...

Пиний Нигеллий Гаррига қисик, сезгир кўзи ила қараганча, чуқур эснаб, маза қилиб керишиб олди.

- Каллайи саҳарлаб келиб олибсан бу ерга, тинчликми? - сўради Пиний, бироз назар солиб туриб, - Билишимча, ушбу хонага ўзининг қонуний соҳибидан ташқари биров кира олмайди. Дамблдор юборди-ми, дейман, сени бу ерга, а? Фақат менга... - боз эснади у, - Наҳотки бефойда қариндошимга яна ниманидир етказишим керак бўлса?

Гарри сўз айтишга ўзини мажбур қила олмади. Сириус ҳалок бўлганини Пиний Нигеллий билмайди, бироқ бу ҳақда овоз чиқариб, гапириб бўлмайди. Акс ҳолда, Сириуснинг ўлими узил-кесил, мутлақ ва қатъий мазмунга эга бўлиб қолади.

Бошқа портретлар ҳам бирин-кетин уйғона бошлашди. Сўроққа тутилишни истамаган Гарри хонанинг нариги томонига чекиниб, эшик дастасига қўл узатди. Хона қулф, даста итоат қилмади.

- Умид қиламан-ки, ушбу ҳолат Дамблдорнинг тез орада қайтиб келишини англатади, - фикр билдирди, портрети Дамблдорнинг ёзув столи ортида осиклик турган семиз, бўрни қизил сеҳргар, - Шундайми?

Гарри ўгирилиб қаради. Сеҳргар унга савол назарида қараб турибди. Гарри бош ирғиб қўйди-да, орқасидаги эшик дастасини бурашга боз уриниб кўрди. Даста қилт этмади.

- Жуда яхши, - деди қизил бурун сеҳргар, - Усиз кунлар зерикарли ўтмоқда, жуда зерикарли.

У ўзининг тахтга ўхшаш креслосига қулайроқ жойлашиб, Гаррига меҳр ила табассум қилди.

- Дамблдор сен ҳақингда доимо яхши фикр билдиради, - деди сеҳргар мулойим оҳангда, - Бунинг ўзинг ҳам яхши билсанг керак. Рост, сени яхши кўради у.

Айбдорлик ҳисси Гаррининг вужудини кенг қамраб олиб, кўкрак соҳасини оғритиб юбормоқда.

Даҳшатли, ақл бовар қилиши қийин кечса-да, энди у ўз ҳолатига қайта олмайди... ўз танаси ўзига тузоқ бўлиб қолгандай гўё, ҳеч қачон ҳозиргидай бошқа бировга айланиб қолишни истамаган...

Каминда яшил олов гуркуради. Гарри эшикдан нари қочиб, ўз ўқи атрофида тез айланаётган новча бўйли эркак шарпасига ҳадиксираганча, қараб қолди. Айланиш жараёни аста тўхтаб, каминдан Дамблдор чиқиб келди. Портретларда тасвирланган сеҳргар кишилар-у, афсунгар аёллар ўз ўринларида сапчиб, уйғонишди, уларнинг аксарияти суюниб кетиб, қичқириқлар билан Дамблдорни қарши олишди.

- Миннатдорман, - хушмуомала жавоб қайтарди Дамблдор, Гаррига қиё боқмай, эшик томон одимлар экан.

Эшик ёнига етган Дамблдор ички киссасидан миттигина, бадбашара, қип-яланғоч Янгусни чиқариб, катта ёшли қақнус ўтирадиган тилла қўноқ остидаги майин кул сепилган патнис устига авайлаб ётқизиб қўйди.

- Хўш, Гарри, - гап бошлади Дамблдор, ниҳоят болага юзланиб, - Ишончим комилки, дўстларингдан ҳеч қайси бири жиддий жароҳатланмаганини билиш, сенга мамнуният бағишлайди.

Гарри жавоб қайтармоқчи бўлди-ю, товуш чиқара олмади. Дамблдорнинг сўзларида, гарчи директор узоқ вақтдан буюн юзига тик қараётган, нигоҳида койиш, айблаш аломати бўлмай, аксинча, меҳр товланаётган бўлса ҳам, бугун юз берган барча бахтсизликларда, уни айблаётган

оҳангни эшитган бўлди. Гарри Дамблдорнинг кўзига тик қарашга журъат эта олмаяпти.

- Улар Помфри хоним ихтиёрига топширилди, - давом этди Дамблдор, - Фақат Нимфадора Бомс маълум вақт Муқаддас Резги касалхонасида даволанишига тўғри келади. Тузалиб кетади.

Гарри деразадан кўринаётган осмон ёриша борган сари ранги очилиб бораётган гиламга бош ирғиб қўйиш билан чекланди. Бола билан Дамблдор қаерда бўлишгани-ю, нега энди кимлардир жабрланганлигини идрок этишга уринаётган портретлар директорнинг ҳар бир сўзига диққат билан қулоқ тутаётганини Гарри ҳис этиб турибди.

- Кўнглингда нималар кечаётганини биламан, Гарри, - аста маълум қилди Дамблдор.

- Йўқ, билмайсиз! - ўзи кутмаган тарзда ўшқириб юборди Гарри.

Дамблдор қаердан билсин, кўнглимда нималар кечаётганини.

- Кўряпсиз-ми, Дамблдор? - қувлик-ла гапга аралашди Пиний Нигеллий, - Ўқувчини тушуниб этишга ҳеч қачон уринманг. Бундай саъй-ҳаракатингизни улар ҳазм қила олишмайди. Улар фожиали тарзда тушунилмай қолишни, ўзларига ўзлари ачиниб юришни кўпроқ хуш кўрадилар, ўзларининг...

- Бўлди бас қилинг, Пиний, - гапни бўлди Дамблдор.

Гарри директорга тескари ўгирилиб, деразага юзланди. Узоқда квидиш ўйингоҳи кўринмоқда. Кунлардан бир кун Сириус ўша ерда Гаррининг ўйинини томоша қилиш учун юнги узун баҳайбат ит қиёфасида пайдо бўлган эди... Жеймс билан қиёслаб кўрмоқчи бўлган шекилли... Аслида нима сабабдан келганини Гарри сўраб билмаган экан...

- Ҳиссиётларингда уялишга асос бўладиган сабаблар йўқ, - деди орқада турган Дамблдор, - Аксинча, дард ва аламни бу даражада ҳис этиш қобилияти – табиатингда шаклланган энг яхши фазилатларингдан биридир.

Гаррининг ичида ҳосил бўлган даҳшатли бўшлиқ ичида шафқатсиз ғазаб олови гуриллаб ёнмоқда, ушбу оловнинг иссиқ тиллари ич-ичиди қиздириб, Дамблдорга қўл кўтариш, хотиржамлиги, ўрни йўқ сўзлари учун калтаклаш истагини туғдирмоқда.

- Энг яхши фазилатларингдан бири? Шунақа денг? - овози тираб истехзо қилди, кўзини ўйингоҳдан узмаётган, бироқ уни кўрмаётган Гарри, - Сиз тушунмаяпсиз... сиз билмайсиз...

- Нимани билмас эканман? - хотиржам сўради Дамблдор.

Буниси энди ортиқча. Ғазабдан титраётган Гарри ниҳоят Дамблдорга юзланди.

- Мен ўз ҳиссиётларим ҳақида гапирмоқчи эмасман, тушунарлими?

- Гарри, кўнглингда кечаётган алам инсон эканлигингдан далолат беради холос! «Инсон бўлмоқ» бу, хусусан, «оғриқни ҳис эмоқ» демақдир...

- УНДАЙ БЎЛСА, ИНСОН БЎЛИШНИ ХОҲЛАМАЙМАН! - қичқирди Гарри, стол устидаги кумуш асбобни чангаллаб олганча, хонанинг нариги бошига улоқтириб.

Асбоб деворга урилиб, чилпарчин бўлди. Жаҳли чиққан, қўрқиб кетган портретлар ҳайқирди кўтаришди.

- Ё тавба, бунақасини энди кўришим, - хитоб қилди, Армандо Диппетнинг портрети.

- МЕНГА БАРИ-БИР! - жавоб қайтарди Гарри, уларнинг барига қичқирар экан, қўлига кирган ойскопни каминга улоқтириб, - БАС, ЕТАР! БОШҚА ЎЙНАМАЙМАН! БАРИ ТЕЗРОҚ ТУГАШИНИ ИСТАЙМАН! ТУПУРДИМ...

Асбобларни ҳар томон улоқтириб, тугатган Гарри ингичка оёқли столни чангаллаб, тўғри келган томон улоқтирди. Полга тушган столнинг оёғи синиб, бўлаклари ҳар томон учиб кетди.

- Йўқ, сенга бари-бир эмас, - қиёфаси зиғирдай бўлсин, ўзгармаган Дамблдор.

Хотиржам қолган, ҳатто бироз хаёли қочган Дамблдор Гаррини тўхтатишга уринмади ҳам.

- Бари-бир эмаслиги аниқ, давом этди у, - Аксинча, оғриқдан адо бўлиб, ўлиб ҳам қолишинг мумкин.

- МЕН... ЙЎҚ! - томоғини йиртиб юборгудай ўқирди Гарри.

У ҳозир Дамблдорга ҳам ҳамла қилиб, тўғри келган томон кўтариб улоқтиришга, силташ, калтаклаш, уравериб, пинаги бузилмаётган қари башарасини пачақ қилиб ташлашга, ўзи ҳис этиб турган оғриқ азобининг юздан бир қисмини бўлса ҳам, ҳис этишни мажбур қилишга тайёр.

- Тўппа-тўғри, - деди Дамблдор, янада хотиржам оҳангда, - Бари-бир эмаслиги ойдайд равшан, - Энди сенинг нафақат ота-онанг, балки уларнинг ўрнини босган яқин кишинг ҳам йўқ. Шундай экан, сенга бари-бир эмас, албатта.

- МЕН НИМА ҲИС ЭТАЁТГАНИМНИ БИЛМАЙСИЗ! - наъра тортди Гарри, - МАНА БУ ЕРДА ТУРИБ ОЛИБ... ЎЗИНГИЗЧА...

Бироқ... жанжаллашиш, қўлга кирган нарсани пачақ қилишнинг ўзи камлик қилади. Қочиш керак, бош оққан томон қочиш керак, мана бу равшан, мовий кўз бўлмаган, жирканч башараси кўринмайдиган томон тўхтамай қочиш керак... Гарри пошнасида айланганча, тескари ўгирилиб, эшикка ташланди, дастасини чангаллаб, куч-ла айлантирди...

Эшик очилмади. Гарри Дамблдорга боз юзланди.

- Чиқариб юборинг мени, - ўшқирди у, бошдан-оёқ қалтираб.

- Йўқ, - хотиржам оҳангда рад этди Дамблдор.

Бир неча сония давомида иккаласи бир-бирига унсиз қараб турди.

- Чиқариб юборинг, - такрорлади Гарри.

- Йўқ, - боз рад этди Дамблдор.

- Чиқариб юбормас экансиз... ушлаб турар экансиз... чиқариб юбормас экансиз...

- Марҳамат, кўнглиннга сиққанча, хонамнинг тўс-тўполонини чиқариб ташлашинг мумкин, - ижозат берди Дамблдор беташвиш оҳангда, - Журъат этиб айтаман-ки, буюмларим сони етарлидан ортиқ. У ёзув столини айланиб ўтиб, Гаррига диққат билан назар солганча, креслосига ўтирди.

- Чиқариб юборинг мени, - такрорлади Гарри, ифодасиз, деярли Дамблдорнинг оҳангидай овозда.

- Сенга айтиб беришим керак бўлган нарсаларни айтиб бермас эканман. Чиқариб юбормайман.

- Сиз ўйлайсиз-ки... мен оз бўлса ҳам... Э, ТУПУРДИМ ЎША НАРСАЛАРГА! - бақирди Гарри, - Менга айтиб беришингиз керак бўлган нарсаларни эшитишни истамайман!

- Бироқ эшитишингга тўғри келади, - қатъий баёнот қилди Дамблдор, - Анча олдинроқ аччиқланишинг керак эди-ку мендан. Биламан-ки, сен мени астойдил калтаклаш истагида юргансан. Агар калтаклашга эришганингда ҳам... мен бунга лойиқ эдим.

- Нималар деяпсиз?...

- Сириуснинг ўлимида фақат мен айбдорман, деяпман, - аниқ овозда талаффуз этди Дамблдор, - Бошқача айтадиган бўлсам, деярли фақат мен айбдорман. Жавобгарли тўла-тўқис ўз зиммамга оладиган даражада муттаҳам эмасман ҳали. Сириус мард, оқил, серғайрат киши эди. Бундай одамлар, бошқаларга хавф таҳдид солиб турганида бир четда биқиниб ўтира олишмайди. Айни вақтда, сен билан талаб даражасида, очиқ-ойдин, рўйи-рост мулоқот қилганимда, Гарри, ўша кўринишнинг чинлигига ишонмаган, Вольдемортнинг тузоғига тушмаган, Сирли сеҳр бўлимига чорлаш найрангига олдиндан тайёр бўлар эдинг. Сириус ҳам сенга ёрдам беришга тўғри келмас эди. Бўлиб ўтган ушбу иш борасидаги айбдорлик фақат менинг зиммамга юкланиши даркор. Гарри эшик дастасини ҳанузгача ушлаб турган бўлса ҳам, буни идрок этаётгани йўқ. Оғир нафас олар экан, Дамблдорга қараб, сўзларини тингламоқда-ю, нима деётганини тушунмай турибди.

- Ўтир, - илтимос оҳангида таклиф қилди Дамблдор.

Гарри бироз ўйланиб турди-да, кумуш тўсли парчалар, ёғоч тарашалари сочилиб ётган хона бўйлаб аста юрганча, ёзув столи қаршисидаги курсига, Дамблдорга юзланиб ўтирди.

- Агар тўғри тушунган бўлсам, - эшитилди чап томонда Пиний Нигеллийнинг эринчоқ овози, - Менинг қариндошим, Блэклар хонадонинг сўнги вакили асфалософилинга қараб йўл олган, шундайми?

- Ҳа, Пиний, - бош ирғиди Дамблдор.

- Хайрият, - беандиша хитоб қилди Пиний.

Портрет томон қараган Гарри Пинийнинг ўз портретини қатъият-ла тарк этаётганини кўриб қолишга улгурди. Афтидан, Пинҳонийлик майдонида жойлашган уйдаги бошқа портретларга ташриф буюргани кетган бўлиб, расмдан расмга ўтганча, Сириусни чақириб юради...

- Гарри, мен сенга бор гапни айтиб беришим, мендай кекса киши томонидан йўл қўйилган хатоликларни тушунтириб беришим керак, - деди Дамблдор, - Зеро, кўриб турибманки, амалга оширилган ва бажарилмай қолган сенга тааллуқли жамики ишларимда қариб қолганимдан далолат бераётган тамға мавжуд. Ёшлар кексалар томонидан юритилаётган фикр йўналишини идрок этиш қобилиятига эга бўлмайди. Бироқ кексалар ёшлар қандай фикр юритишларини ёддан чиқармасликка мажбурдирлар... мен эса унутиб бораётган кўринаман...

Тонг шафағи ёлқинланмоқда. Узоқ-узоқлардаги тоғ қиёфаларининг ортки томонида тўқ малла ранг ёруғлик ҳошияси, устида эса рангсиз осмон ёйилиб кетгани кўринмоқда.

- Бундан ўн беш йил муқаддам пешонангдаги чандиқни кўриб, маъносини фаҳмлай бошлаган эдим, - давом этди Дамблдор, - Ушбу рамз Вольдеморт иккалангизнинг узлуксиз боғлиқлигини ҳақида нишона эканлигини гумон қила бошладим.

- Бу гапларнинг барини айтгансиз, профессор, - гапни бўлди Гарри, қўрслик қилиб.

Ҳа, беодоблик қиялпман, хаёлдан ўтказди Гарри, майли, энди менга бари-бир-ку.

- Тўғри, - узр оҳангида тасдиқлади Дамблдор, - Тўғри, бироқ тушуняпсан-ми... гапнинг айнан чандиқдан бошланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, сеҳргарлар дунёсига илк бор қадам босишинг ҳамона, ҳақ эканлигим аён бўлди. Чандиқ сени доимо Вольдеморт яқин орада эканлиги ёки кучли ҳис-туйғуларга берилгани ҳақида огоҳлантириб келган.

- Биламан, - деди Гарри, толиққан оҳангда.

- Вольдеморт ўз танасига боз эга бўлиб, куч-қувватини қайта тиклаб олгач эса сенинг қобилиятинг, яъни унинг борлигини ҳис этиш, ҳис-туйғуларини идрок этиш қобилиятинг, майли бошқача кўриниш касб этган бўлса-да, ривож топди.

Гарри ҳатто бош ирғиб қўйишни ҳам лозим деб топмади. Буларнинг бари унга аллақачон маълум.

- Яқинда ташвишга тушиб қолдим, - давом этди Дамблдор, - Агар ўрталарингдаги боғлиқликдан Вольдеморт ҳам воқиф бўлиб қолса-чи, нима бўлади? Ва чиндан ҳам, кунлардан бир кун сен унинг онгига шу қадар чуқур сингиб кирдинг-ки, сенинг борлигини у ҳис этди. Фаҳмлаган бўлсанг керак, мистер Уэслига ҳамла қилинган тунни назарда тутмоқдаман.

- Ҳа, Снегг айтган эди менга, - пўнғиллади Гарри.

- Профессор Снегг, дегин Гарри, - аста тузатиш киритди Дамблдор, - Нега буларнинг барига ўз вақтида ўзим тушунтириш бермаганим, нима учун окклюменция дарсларини ўзим ўтмаганим, нима сабабдан кўпдан буён сен томон қарамаётганим ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисан?

Гарри нигоҳини кўтариб, Дамблдорнинг юзида кучли толиқиш ва чексиз маъюслик қиёфасини кўриб, ҳайрон бўлди.

- Ҳа, - ғудуллади у, - Ўйланганман.

- Кўп вақт ўтмай Вольдеморт ҳам, ўз навбатида, сенинг онгинга сингиб киришга уриниб кўришига шубҳа қилмадим. Бунга шахсан ўзим ғайриихтиёрий равишда туртки бериб қўйишдан қўрқдим.

Ахир иккаламизнинг муносабатларимиз директор билан ўқувчи орасида бўлиши лозим бўлган муносабатлардан ҳам кўра яқинроқ эканлигини фаҳмлаб қолгудай бўлса, айнан сенинг воситачилигинг ила ортимдан жосүслик қилиш имкониятига эга бўлиши мумкинлигини идрок этиб олган бўлар эди. Сенинг вужудингни тўла-тўқис ўз измига бўйсундира олишидан қўрққан эдим.

Бундай ташвишларим асосли эканлигига комил ишонч билдирган эдим, Гарри. Иккаламиз камдан-кам ҳолларда учрашар эканмиз, сенинг кўзингда унинг шарпасини кўрар эдим...

Гарри шу заҳоти Дамблдорнинг кўзига қараган онларда вужудида зарба беришга шай ҳолатдаги илон уйғонганини эслади.

- Таъкидлаб ўтишим жоизки, Вольдеморт, бугун ўзи намоён этгани каби, ўз олдига мени эмас айнан сени жисмонан йўқ қилиш мақсадини қўйган. Яъни, танангга эга бўлиб олган ҳолда, уни ўлдириш учун сендан кечишимни кўзда тутган, сени шахсан ўзим ўз қўлим билан ўлдиришимни ният қилган. Шундай экан, Гарри, сендан узоқлашар эканман, шу тарзда сени ҳимоя қилмоқчи бўлганман холос. Бу эса кекса кишининг навбатдаги хатоси бўлган...

Дамблдор чуқур хўрсинди, лекин унинг сўзлари Гаррининг қалб торларига тегмай, лоқайд эшитиб ўтирибди. Ушбу гапларни бир неча ой муқаддам эшитганида, хурсанд бўлар эди. Энди эса фойдаси йўқ... Вужудида ҳосил бўлган бўшлиқ, Сириусдан жудо бўлгани билан қиёслайдиган бўлса, бу гапларнинг энди сариқ чақага арзийдиган маънисини қолмади.

- Артур Уэслига ҳамла қилинганини кўрганингда вужудингга Вольдеморт жойлашиб олганини ҳис этганинг ҳақида Сириус айтиб берган эди менга. Менинг энг ёмон ҳадикларим рўёбга чиқаётгани, хусусан, Вольдеморт сендан ўз мақсадларига етишиш ниятида фойдаланмоқчи бўлаётганини дарҳол фаҳмладим. Онгингни муҳофаза қилишга уриниб, профессор Снегг томонидан ўтказиладиган окклюменция машғулотларини уюштирдим.

Дамблдор гапиришдан тўхтаб қолди. Гарри эса ёзув столининг сайқал берилган юзаси бўйлаб, кумуш сиёҳдон-у, бинафша ранг пат-қаламга шуъла ёғдирганча аста сурилиб бораётган қуёш нурини томоша қилиб ўтирибди. Портретлар аллақачон уйғониб, Дамблдорнинг сўзларини диққат билан тинглашмоқда. Гарри директорларнинг эгнидаги коржомалар шитирлаётгани, энгил йўталишларни эшитмоқда.

- Кўп ойлardan буён Сирли сеҳр бўлимига олиб кирадиган эшик тушингга кириб келганини профессор Снегг аниқлай билди, - сўзини давом этди Дамблдор, - Вольдеморт ўз танасига эга бўлиб олган илк кунлардан эътиборан, ўша бўлимда сақланаётган башоратни эшитиш илинжида юрган ва бу ҳақда кўп ўйланган. Табиийки, сен ҳам, гарчи сабабини тушунмасанг-да, бу ҳақда ўйлаб юргансан. Шундан сўнг, судлангунга қадар Сирли сеҳр бўлимида ишлаган Гадвуд Вольдемортга, биз шундоқ ҳам биладиган маълумотларни, хусусан, вазирликда сақланаётган башорат шари ниҳоятда ишончли муҳофаза остида эканлиги, шарга, унда баён этилган башоратга дахлдор шахсларгина жабр кўрмай қўл теккизишлари мумкинлигини сўзлаб берганини кўргансан. Демакки, Вольдеморт ё ўзини хавф остига қўйиб, шахсан ўзи кириб бориши керак бўлган вазирликка, ё ўз ўрнига сени юбориши керак бўлган. Окклюменцияни ўзлаштиришнинг шарт эканлиги айна шу фурсатдан эътиборан ниҳоятда жиддий аҳамият касб этган.

- Мен эса ўзлаштирмадим, - пўнғиллади Гарри.

Бола ушбу гапни, қалбини эзиб турган юк вазнини оз бўлса ҳам, энгиллатиш учун атайин талаффуз этди. Ахир иқрор бўлиш юракни қаттиқ исканжага олган дардни бироз бўлса бўлса-да, энгиллатиши керак-ку, ахир.

- Мен шуғулланмадим, ҳаракат қилмадим, гарчи ўша тушларимга барҳам беришим мумкин бўлса ҳам... Гермиона доимо менга таъкидлаб келган эди... Агар шуғулланганимда эди, қаёққа бориш кераклигини кўрсата олмас эди Вольдеморт менга... Сириус ҳам... у...

Сўзлар ташқарига интилмоқда, тушунтириш бериш, ўзини оқлаш зарур...

- Сириус қаерда эканлигини текшириб кўришга уриндим. Амбрижнинг хонасига кириб, камин воситасида Тараққос билан гаплашдим. Эльф Сириуснинг уйда йўқлигини айтди менга!

- Тараққос сени алдаган, - хотиржам маълум қилди Дамблдор, - Сен унинг соҳиби эмассан, демакки ёлғон гапиргани учун у ўзини ўзи жазога тортишни шарт деб ҳам топмаган бўлар эди. Унинг мақсади сени сеҳргарлик вазирлигига йўллаш бўлган.

- У... мени атайин йўллаган?

- Ҳа. Негаки, Тараққос анча вақтдан буён бир вақтнинг ўзида иккита соҳибга хизмат қилган.

- Қандай қилиб? - тушунмади Гарри, - Ахир у кўп йиллардан буён кўчага чиқмай ўтирган-ку?!

- Рождество арафасида Сириус Тараққосга «Йўқол» амрини бериб, қулай имконият туғдирган, -

тушунтириш берди Дамблдор, - Тараққос ушбу сўзни том маънода қабул қилиш, яъни уйни тарк этиш тўғрисидаги буйруқ сифатида эътироф этишга аҳд қилган ва шу тариқа, Блэклар хонадонининг омон қолган ягона вакиласи, ўзи хуш кўрган, Беллатрикснинг опаси, Люциус Малфойнинг рафиқаси Нарциссанинг ҳузурига бош эгиб борган.

- Сиз қаердан биласиз буларни?

Гаррининг юраги кўкрак қафасини ёриб чиқишига уринаётган тарзда уриб, кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Рождество байрамидан кейин Тараққос шубҳали бўлиб қолгани, у чордоқдан топилганини эслади...

- Тараққоснинг ўзи айтиб берди менга кеча, - жавоб берди Дамблдор, - Профессор Снегг сенинг шифрланган хабарингни эшитиб, сенда яна кўриниш юз берганини дарҳол фаҳмлади. Худди сен каби, Сириус билан алоқа боғлашга уриниб кўрди. Таъкидлаб ўтишим жоизки, Қақнус ордени аъзоларининг ихтиёрида Долорес Амбрижнинг хонасидаги каминга нисбатан анча ишончли кор берадиган алоқа воситалари мавжуд. Профессор Снегг Сириусни ўз уйида, тўрт мучаси соппа-соғ ҳолатда топган. Бироқ Долорес Амбриж билан биргаликда кириб кетган ўрмондан қайтмаганиндан хабар топган профессор Снегг Сириус Лорд Вольдеморт томонидан қўлга олинган, деган хаёлдан халос бўлмаганинг борасида ҳадиксираб, бир қатор Орден аъзоларини бу ҳақда хабардор қилди.

Дамблдор яна чуқур хўрсиниб, давом этди:

- Аластор Хмури, Нимфадора Бомс, Кинсли Кандайер ва Рэм Люпин ўша фурсатда Пинҳонийлик майдонидаги қароргоҳда бўлишган. Улар сенга ёрдамга етиб боришга қарор қилишган.

Профессор Снегг Сириус уйда қолиши, мени кутиб, юзага келган ҳолат ҳақида хабар беришини талаб қилган. Ўзи эса сени ўрмонда қидиришни режалаштирган. Бироқ Сириус уйда қолишни истамай, менга хабар етказиш топшириғини Тараққоснинг зиммасига юклаган. Улар вазирлик томон йўл олишгач, кўп ўтмай Пинҳонийлик майдонига мен етиб келганман. Уй эльфи юмалаб кулганча, Сириус қаёққа кетганини менга маълум қилди.

- Юмалаб кулганча? - ифодасиз сўради Гарри.

- Ҳа, - тасдиқлади Дамблдор, - Тушунасанми, Тараққос, умуман айтганда, бизни сота олмас эди. У хотирасига Орденга оид махфий ахборот жойланган Сир сақловчи саналмаган ва қароргоҳ манзили ёки Орденнинг бировга ошкор қилиниши ман этилган режаларини Малфойлар оиласига етказиб бориш имконига эга бўлмаган. Зеро, элатининг ўзига хос сеҳри эльфга соҳибнинг бевосита берган буйруғига итоат қилмасликка йўл қўймайди. Бироқ у, Нарциссага, Сириус томонидан сир сақланиши шарт эмас деб топилган, аммо Вольдеморт учун фавқулодда муҳим бўлиб қолган бир қатор маълумотларни етказган.

- Қандай маълумотларни? - сўради Гарри.

- Сен Сириус учун энг ардоқли киши эканлигинг, - аста маълум қилди Дамблдор, - Сен Сириусни ота сифатида кўрмасанг ҳам, ака, деб билишинга доир маълумотларни. Сириус Қақнус ордени аъзоси эканлигини Вольдеморт яхши билади, сен эса Сириус қаерга бекиниб олганини биласан, бироқ Тараққос маълум қилган маълумотлардан кейин Сириус сен учун ҳар нарсага тайёр эканлигини Вольдеморт тушуниб етган...

- Демак.... кеча мен Тараққосдан Сириус уйда ёки уйда эмаслигини сўраган пайтда... - лаби титраб базўр фикр билдирди Гарри.

- Малфойлар, табиийки, Вольдемортнинг амри ила, эльфга, агар сен, кўриш ҳолати рўй берганидан сўнг, Сириуснинг уйда ёки уйда эмаслигини билиш учун пайдо бўлсанг, ўз соҳибини каминга яқин йўлатмаслик йўлини топишни буюришган. Тараққос бундай йўлни Отбургутга жароҳат етказиб топган. Гиппогрифни даволаш билан банд бўлган Сириус, сен каминда пайдо бўлган фурсатда юқори қаватда ўтирган.

Тез-тез, узук-юлуқ нафас олаётган Гаррининг ўпкасида деярли ҳаво қолмади.

- Тараққос бу ҳақда гапирар экан... юмалаб кулди-ми? - ҳансиради у.
- У дастлаб гапиришни истамеди, - жавоб берди Дамблдор, - Бироқ мен ёмон легалиментор эмасман. Менга ёлғон гапиришаётганини жуда яхши ҳис этаман. Шундай экан, Сирли сеҳр бўлими томон йўлга чиқишдан олдин мен уни... бор гапни айтиб бериш кераклигига ишонтира олдим.
- Гермиона эса, - пичирлади Гарри, қўлини мушт тугиб, - Доимо эльфлар билан хушмуомала бўлишимиз кераклигини таъкидлаб келади.
- Ва тўғри қилади, Гарри, - деди Дамблдор, - Орден қароргоҳини Сириуснинг уйида ташкиллаштиришга аҳд қилганимизда, мен уни Тараққосга ҳурмат билан қараш лозимлиги ҳақида огоҳлантирган эдим. Тараққос бизга хавф туғдириши мумкинлиги ҳақида ҳам огоҳ этган эдим. Бироқ Сириус менинг сўзларимга қулоқ тутмади, Тараққоснинг ҳис-туйғулари инсоннинг ҳис-туйғулари каби кучли бўлиши мумкинлигига бовар қилмади...
- Сириус ҳақида... бундай... оҳангда... гапирманг...
- Гаррининг нафас олиш жараёни узилиб бориб, меъёрий тарзда гапира олмай қолди. Сўнгандай бўлган ғазаб боз ўт олди: Сириусни танқид қилишга йўл қўймайди.
- Тараққос... ёлғон... гапирадиган... ҳайвон... уни...
- Тараққоснинг табиати, Гарри, сеҳргарлар оиласи қандай тарбия берган бўлса, шундай шаклланган, - деди Дамблдор, - Дўстинг Добби қандай муносабатга лойиқ бўлса, Тараққос ҳам шундай муносабатга муносибдир. Тараққосга Сириуснинг, яъни бир умр хизматини қилиб келган оиланинг сўнги аъзоси берган буйруқларини бажариб келишга тўғри келган. Тараққос қандай камчиликларга эга бўлмасин, Сириус элфнинг ҳаёт тарзини енгиллатиш борасида бирор чора кўрмаганини тан олмай бўлмайди...
- СИРИУС ҲАҚИДА БУНДАЙ ОҲАНГДА ГАПИРМАНГ! - ўкириб юборди Гарри, Дамблдорга ташланишга шай ҳолатда оёққа туриб.
- Сириусни шу қадар тушунмаслик мумкин эмас-ку, ахир. У мард бўлган ва айни вақтда кўп жафо кўрган...
- Снегг-чи? - дарғазаб давом этди Гарри, - Уни унутиб қўйдингиз-ми? Сириус Вольдемортнинг қўлига тушиб қолганини маълум қилганимда, ўз жирканч одатига кўра, юзимга қараб, истехзоли кулиб кулганча чиқиб кетди...
- Гарри, ўзинг яхши тушунасан, Долорес Амбрижнинг ҳузурида профессор Снегг ўзини ўзгача тута олмас эди, - ишонтириб айтди Дамблдор, - Бироқ юқорида айтганимдек, у, шифрланган хабаринг мазмунини зудлик билан Орден аъзоларига етказган. Бундан ташқари, ўрмондан қайтмаганингни билгач, қаёққа йўл олганингни айнан профессор Снегг фаҳмлаб етган. сени Сириус қаерга бекиниб олганини айтишга мажбур қилмоқчи бўлган Амбрижга ҳам, Истиғфор келтиришга мажбур қиладиган сохта Иқрор бўлиш дамламасини айнан профессор Снегг берган.
- Гарри буларнинг барига қулоқ тутгани ҳам йўқ. Снеггни айблаш ҳозир унга ҳузур бахш этмоқда. Ўз зиммасидаги айбнинг маълум қисмидан шу тариқа фориғ бўлмоқчи. Бинобарин, Дамблдор бунга эътироф этишга мажбурдир.
- Снегг... Снегг... уйдан чиқмай ўтиришга мажбур бўлган Сириусни хўрлаган... уни қўрқоқ сифатида кўрсатган...
- Аҳмоқона гапларга эътибор қаратмаслик учун Сириус етарлича катта ёшдаги ақлли киши бўлган, - таъкидлаб қўйди Дамблдор.
- Снегг мен билан окклуменция машғулотларини ўтказишдан бош тортиб, хонасидан қувиб солди! - ўкириб юборди Гарри.
- Биламан, - оғир хўрсинди Дамблдор, - Сени ўзим ўқитмаганим, мен йўл қўйган катта хатолардан бири бўлган... гарчи ўша фурсатда, онгингни Вольдемортга мен турган жойда очишдан ортиқ хавф бўлиши мумкин эмаслигига комил ишонч билдирган бўлсам-да...
- Снегг вазиятни оғирлаштирди холос. Машғулотлардан кейин чандиғим баттар оғриган... - деди

Гарри, Роннинг ушбу масалада билдирган мулоҳазаларини эслаб, - Балки у, Вольдемортнинг онгимга сингиб киришини енгиллатмоқчи бўлгандир...

- Снегг Северусга мен тўла-тўқис ишонч билдираман, - гапни шартда кесди Дамблдор, - Бироқ мен бир нарсани, у ҳам бўлса, жароҳат ҳаддан ортиқ чуқур бўлиб, битмай қолиши мумкинлигини унутиб қўйганман. Бу эса қари кишининг яна бир хатоси бўлган. Снегг отанга бўлган гиналарини унутган бўлса керак, деб ўйлаган эдим... Янглишган эканман.

- Бу нима, адолатданми? - қичқирди Гарри, портретларнинг эътирозли қиёфалари-ю, домангир ғудуллашларига эътибор қаратмай, - Снегг отамдан нафратланиб юрса бўлаверади-ю, Сириус анави лаънати Тараққосни ёмон кўришга ҳақи йўқ, шундайми?

- Сириус Тараққосни ёмон кўрмаган, етарлича эътибор қаратмаган холос, - бир маромда тушунтириш берди Дамблдор, - Баъзан лоқайд муносабат, назарга илмаслик – очикдан-очиқ жирканишдан ҳам қаттиқ таҳқирлаши мумкин кишини... Бугун тунда вайрон этилган фавворанинг пойдевори ёлғондан иборат бўлган. Биз сеҳргар одамлар ёнимизда яшайдиган бошқа мавжудотларни жуда узоқ вақт хафа қилиб, ёмон муносабат билдириб келганмиз. Мана энди эса буларнинг ҳосиласини кўрмоқдамиз.

- ДЕМАК, СИЗНИНГЧА СИРИУС, ҚИЛМИШИГА ЯРАША ЖАЗОСИНИ ОЛИБДИ-ДА, А? - жон-жаҳд ила ўқирди Гарри.

- Мен бундай демадим ва ҳеч қачон айтмайман, - аста жавоб берди Дамблдор, - Сириуснинг қаҳри қаттиқ бўлмаган ва умуман эльфларга нисбатан етарлича ижобий муносабат билдириб келган. Фақат у, ўзи нафратланиб келган ота уйининг жонли тимсоли бўлмиш Тараққосни ёмон кўрган холос.

- Ҳа, нафратланган, - титроқ овози ила хитоб қилди ўрнидан турган Гарри, хона бўйлаб юриб. Қуёш атрофни ёритиб юборган. Портретлар кўзига ҳеч нарса кўринмаётган Гаррининг ҳар бир хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб туришибди.

- Сиз уни ўзи нафратланадиган уйга қамаб қўйдингиз ва айнан шу боис ҳам, кеча у, ўша уйни қувонч-ла, тарк этган.

- Мен унинг ҳаётини сақлаб қолмоқчи эдим, - деди Дамблдор.

- Қамалган ҳолатда ўтириш одамга ёқмайди! - дарғазаб юзланди Гарри, - Ўтган ёз фаслида сиз мени ҳам қамаб қўйгансиз...

Дамблдор кўзини чирт юмиб, кафтини юзига босди. Бироқ, ушбу қарияга хос бўлмаган, толиққанлик ёки маъюслик ёхуд шунга ўхшаган бирон нарсани яққол ифода этган бундай ҳаракат Гаррининг кўнглини юмшатмади. Аксинча, Дамблдор ўзининг заифлигини намоён этар экан, Гаррининг эътирози баттар кучайди. Аччиқланиш, қичқиришни истаб турган шундай пайтда ачинарли ҳолатга тушиб олиш ортиқчадир.

Дамблдор қўлини юзидан олиб, ўзининг ғайриоддий кўзойнаги орқали Гаррига қаради.

- Беш йил муқаддам айтиб беришим керак бўлган нарсани айтиш вақти етди, Гарри, - деди у, - Илтимос, ўтир. Мен бор гапни айтиб бераман. Фақат илтимос, сабрли бўл. Гапим ниҳоясига етгач, ўз заҳрингни сочишинг, кўнглингга келган ишни қилишинг мумкин. Сени тўхтатмайман.

Гарри муайян вақт нигоҳи ила чолнинг танасини бурғулаб турди-да, ёзув столининг рўпарасидаги креслога ўзини ташлади.

Дамблдор қуёш чарақлаб кўринаётган деразага биров қараб тургач, Гаррига юзланиб, гап бошлади.

- Беш йил муқаддам сен, Гарри, мен тутган режага мувофиқ, «Хогварц»га тўрт мучанг соғ-саломат ҳолатда етиб келдинг. Хўп, майли, соппа-соғ, демайлик. Зеро сен, кўп заҳмат чеқдинг. Бир вақтлар сени холанг билан амакинг яшайдиган ўша уй остонасида қолдирар эканман, шундай бўлишини билган, сени олдинда ўн йиллик оғир, рўшнолик бўлмайдиган нохуш ҳаёт кутаётганини идрок этган эдим.



У бироз тўхталди. Гарри ҳам индамади.

- Нима учун бундай йўл тутганимни, нима сабабдан сеҳргар оила тарбиясига топширмаганимни сўрашга тўла ҳақлисан. Аксарият сеҳргарлар сени ўз оиласига қабул қилишдан бахтиёр бўлган, сени қадрдон ўғлидай тарбиялашни шараф деб билган бўлар эди. Бундай саволингни кутиб ўтирмай, жавоб бериб қўя қоламан: сенинг ҳаётигини сақлаб қолиш учун шундай йўл тутганман. Сенга нисбатан даҳшатли хавф туғилган, бироқ Гарри Вольдемоорт гум бўлган фурсатдан ҳали бир неча соат ўтмаган, унинг ўз соҳибидай хавfli малайлари ҳали ўз куч-қудратини сақлаб қолиб, вужудида ғазаб, хун олиш истаги қайнаб турган бўлса-да, ўша хавфни биров мен каби тўла-тўқис идрок эта олмаган. Айнан шундай ҳолат, мен қабул қиладиган келгуси ўн йилга оид қарорга таъсир ўтказган. Вольдемоорт бутунлай йўқ бўлиб кетганига ишонганманми, ўшанда? Йўқ. Унинг ўн, йигирма йил, эҳтимол эллик йилдан кейин ҳаётга қайтиб келишини билар эдим. Бунга ишончим комил эди. Негаки, мен унинг табиатини жуда яхши ўрганиб чиққанман ва токи сени ўлдирмас экан, тинчланмаслигини биламан. Сеҳр-жоду соҳасидаги назарий билим ва амалий кўникмалар борасида Вольдемоортга бас келадиган одам йўқлиги менга яхши маълум бўлган. Агар у ўз куч-қувватини яна тиклаб оладиган бўлса, ҳатто энг мураккаб ҳимоя тилсимлари ҳам, уни тўхтатиб қола олмаслигини билар эдим.

Дамблдор яна бироз тўхталди.

- Бироқ менга, унинг заиф томонлари ҳам маълум бўлиб, улар, қабул қиладиган қарорим борасида иккиланмасликка туртки берган. Сен, Вольдемоорт жирканадиган, оқибатда, ўз бахтига қарши етарлича баҳо бера олмаган қадимий тилсим остида яшашинг керак бўлган. Иккаламизга маълумки, онанг сени қутқариб қолиш йўлида ҳалок бўлган ва бу билан сени бугунги кунга қадар ўз кучини сақлаб қолган ҳимоя яратган. Вольдемоорт бундай бўлишини мутлақо кутмаган. Мен қавм-қариндошлик сеҳрига ишонч билдирдим ва сени ягона қариндошинг саналган, онангнинг қадрдон опасига топширдим.

- У мени ёқтирмайди, - гап қистирди Гарри, - Тупурган у, менинг қисматимга.

- Шунга қарамай, қабул қилди у сени, - болани тўхтатди Дамблдор, - Истар-истамас, эътироз ила бўлса ҳам, қабул қилди ва бу билан сенга нисбатан қўллаган тилсимимни узил-кесил мустаҳкамлади. Онанг томонидан келтирилган қурбонлик – қавм-қариндошлик ришталарини, мен сенга бера олган ниҳоятда қудратли ҳимояга айлантирди.

- Мен ҳар қалай...

- Токи сен, томирларида онанг қони оқадиган аёл истиқомат қиладиган жойни ўз уйим, деб айта оласан экан, Вольдемоорт сенга бирон-бир заҳмат етказа олмайди. У Лилиянинг қонини тўқди, бироқ бу қон сенинг ва опасининг томирларида оқмоқда. Қавм-қариндошлик ришталари сенинг паногоҳингдир. У ерда сен йилда бир маротаба бўлсанг ҳам, токи сен уларнинг уйини ўз уйинг деб эътироф этар, ўша ерда бўлар экансан, у сенга қўл теккизишга журъат эта олмайди. Буларнинг барини мен хатда баён этиб, ўша бўсағада, сенинг ёнингда қолдириб кетганман. Сенга ўз уйини ҳавола этар экан, ўн беш йилдан буюн ҳаётигини сақлаб келаётгани холангга яхши маълум.

- Тўхтанг, - деди Гарри, - Шошманг.

Гарри кўзини Дамблдордан ўзмай, креслога қулайроқ жойлашиб олди.

- Демак, Қичқириқномани ўшанда сиз йўллаган экансиз. Ниманидир ёддан чиқармасликни амр этдингиз... Қичқириқномада сизнинг овозингиз янграган эди...

- Сени ўз уйига қабул қилиб, имзолаган деса ҳам бўладиган шартномамизни ёдига солиб қўйишни лозим топдим, - сезилар-сезилмас бош ирғиди Дамблдор, - Дементорларнинг ҳамласи, сенинг тарбиянг билан боғлиқ хавф-хатарларни тез эслайди, деган хаёлга бордим.

- Айнан шундай бўлди ҳам, - тасдиқлади Гарри, - Фақат холам эмас уни эри эслади. У мени уйдан ҳайдаб чиқармоқчи бўлди-ю, Қичқириқномани эшитган холам... мен уйда қолишим кераклигини айтди.

Гарри муайян вақт полга қараб тургач, пўнғиллади:

- Буларнинг нима дахли бор...

- Шу тариқа, беш йил муқаддам, - ўзини эшитмаган кўйга солиб, давом этди Дамблдор, - Мен истаган каби бахтиёр, бақалоқ ҳолатда бўлмаса ҳам, «Хогварц»га соғ-саломат етиб келдинг. Сен ойисининг эркасидай талтайган бола бўлиб келмадинг, йўқ, аксинча, шу қадар оддий бола бўлиб келдинг-ки, одатда, бола деган, агар юзага келган вазият инобатга олинадиган бўлса, бундан-да содда бўлмайди. Ҳамма нарса мен ҳақ йўлни танлаган эканлигимни исбот қилгандек гўё.

Дамблдор яна бироз сукут сақлади.

- Бироқ... биринчи синфда таҳсил кўрган даврингда нималар рўй берганини иккаламиз ҳам яхши эслаймиз. Йўлингда дуч келаётган синовлардан муносиб ўтдинг. Кўп ўтмай, мен кутгандан ҳам қисқа вақт ўтиб, сен Вольдеморт билан юзма-юз келдинг. Бу сафар ҳам сен нафақат омон қолдинг, балки унинг ҳаётга қайтишини ортга сурдинг. Сен ҳар қандай катта ёшли сеҳргар дош бера олмайдиган жангда ғолиб чиқдинг. Сен билан нақадар фахрланганимни... ифода эта олмайман. Шунга қарамай, менинг беқусур режаларимда сенга тааллуқли заиф жойлари бўлиб, ишлар барбод бўлиши мумкинлигини ўшанда тушуниб етганман. Бироқ мен бунга йўл қўймадик комил ишонч билдириб, кўзланган мақсадларга эришиш йўлини қатъият-ла давом эттирдим. Ҳамма нарса фақат ўзимга боғлиқ, бунинг учун эса мендан сабот-матонат талаб этилди. Ана ўшанда, Вольдеморт билан жанг қилиб, ҳолдан тойганча, касалхона каравотида ётганингда мен илк бор синовдан ўтдим.

- Нималар тўғрисида гапираётганингни тушунмаяпман, - деди Гарри.

- Эсингдами, ўшанда иккаламиз нима учун Дамблдор сени чақалоқ ёшингда ўлдирмоқчи бўлгани ҳақида баҳслашган эдик?

Гарри бош ирғиб қўйди.

- Бор гапни ўшанда айтиб беришим керакми-ди?

Дамблдорнинг мовий кўзига қараб ўтирган, юрак уриши тезлашиб кетган Гарри индамади

- Беқусур режаларимда сенга тааллуқли қайси заиф жойлари ҳақида гапираётганимни ҳали англаб етмадинг-ми? Йўқ... Назаримда, йўқ ҳали. Эсингда бўлса, ўша саволингга жавоб бермасликка аҳд қилдим. Бола эндигина ўн бир ёшга тўлди, дедим мен, ўзимга ўзим, ҳақиқатни билиши учун ҳали жуда ёшлиқ қилади. Йўқ, айтмадим! Хавфни ўшанда идрок этишим керак эди. Кунлардан бир кун мудҳиш мазмунга эга жавоб беришим керак бўлган саволни нима учун бу қадар эрта берганингни нима сабабдан мени ташвишга солмаганини билмайман. Ўзимни ўзим дурустроқ тушуниб етишим керак эди: жавобни кечга қолдирганимга, ҳозирча ҳеч нима айтмаса ҳам бўлаверишига ҳаддан ортиқ суюниб кетдим... Сен жуда ёш эдинг, чиндан ҳам, бола эдинг ҳали.

Дамблдор Гаррига қараб, сукут сақлаб турди.

- Иккинчи синфга ўтдинг. Сени яна, ҳар қандай катта ёшли сеҳргар дош бера олмайдиган синовлар қарши олди ва яна, мен кутгандан зиёд намоён эта билдинг ўзингни. Энди сен, нима учун Вольдеморт пешонангга чандиқ қолдирганини сўрамадинг. Тўғри, биз сенин чандиқингни тўғрисида ҳам гапириб ўтиб, энг муҳим масалага ниҳоятда яқин бордик. Нима учун бор гапни айтиб бермадим? Чунки ўн икки ёшнинг ўн бир ёшдан нима фарқи бор, деган хаёлга бордим ва сени қонга беланган, ўларча толиққан, аммо бахтиёр ҳолатда хонамдан чиқариб юбордим. Виждоним қийналган бўлишига қарамай, ушбу азоб тез ўтиб кетди. Сен ҳали жуда ёш ўспирин бўлиб, тантанангни бузгим келмади. Энди тушуниб етдинг-ми, Гарри? Ўша режаларимнинг заиф жойларини англадинг-ми? Мен, ўзим кўра билган, четлаб ўтишим мумкин бўлган, четлаб ўтишим шарт бўлган тузоққа тушиб қолдим.

- Мен, йўқ...

- Мен ҳаддан ортиқ сени яхши кўрганман, - деди Дамблдор, - Сенинг бахтинг, осойишталигинг қолган барча нарсалардан кўра кўпроқ ташвишга солар эди мени. Мудҳиш ҳақиқат ва ўз

режаларимни вақтинча унутишга журъат этдим. Режам барбод бўладиган бўлса, ҳалок бўлиши мумкин бўлган мубҳам одамлар ҳақида эмас фақат сен ҳақингда ўйлаб яшадим. Бошқача қилиб айтадиган бўлсам, Вольдеморт, севги-муҳаббатга қодир бўлмиш биздай аҳмоқлардан кутадигандек, тутдим ўзимни. Бошқача бўлиши мумкинми-ди? Ишонтириб айтишга журъат этаман-ки, сенинг ҳаётингни мендай диққат-эйтибор билан, ўзингга тасаввур қила олишингдан ортиқ, диққат-эйтибор билан кузатиб борган ҳар қандай бошқа киши сени янги синовлардан, дард-у, аламлардан халос этишга қарор қилиши муқаррар эди. Модомики сен, шу ерда ва айна дамда тирик, соппа-соғ ва бахтиёр бўлар экансан, менга нотаниш юзлаб одамлар, қиёфасиз кишилар номаълум келажакда нобуд бўлиб кетиши билан нима ишим бор? Бундай муаммога дуч келишим мумкинлиги ҳақида ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган эдим.

Яна сукут сақлаб қолди Дамблдор.

- Учинчи синфга ўтдинг. Дементорлардан қўрқмасликка ўрганаётганинг, Сириусни қандай қилиб топиб олганингни четда туриб, кузатиб бордим. Чўқинтирган отангга вазирлик ходимларидан қочиб қутулишга қаҳрамонларча ёрдам бера олганингдан сўнг, бор гапни айтиб беришим керакми-ди? Сен ўн уч ёшга тўлган ўспирин эдинг... ўзимни ўзим ўз олдимда оқлаш учун менда важ-баҳона йўқ эди. Эҳтимол чиндан ҳам ёш бўлгандирсан, бироқ фавқулодда йигитча эканлигингни исбот қилиб бердинг. Виждоним қийналди, Гарри. Вақт етганини тушуниб етган эдим... Аммо ўтган йили лабиринтдан чиқиб келганингда... Седрикнинг жон беришини кўрдинг, ўзинг ҳам нобуд бўлишингга оз қолди... гарчи Вольдеморт ҳаётга қайтган шундай хавфли вақтда ҳақиқатни очиқ айтиб беришим кераклигини англаб турган бўлсам-да, яна журъат эта олмадим. Ўз журъатсизлигимни ягона бир баҳона билан оқладим: ўшанда сен шу қадар оғир синовдан ўтиб қайтдинг-ки, ўлганнинг устига тепган қилиб, гарданингга ундан-да вазмин юкни ортишни истамадим.

Гарри кутмоқда, бироқ Дамблдор ҳаддан ортиқ чўзиб юборди.

- Бари-бир ҳеч нимани тушунмадим...

- Вольдеморт сени чақалоқлигингда, дунёга келишингдан олдин қилинган башорат тўғрисида ўлдирмоқчи бўлган. Башорат борлигини билар эди-ю, мазмуни нимадан иборат эканлигини тасаввур ҳам қила олмас эди. Шу боис, ўша башоратга мувофиқ иш тутаетганига комил ишонч-ла сени ўлдириш учун йўл олган. Бироқ бахтига қарши, янглишганини тушуниб етди. Қарғиш яшини сени ўлдирмай, пешонангдан сапчиб, ўзига қайтди. Шундай экан, ўз танасига қайта эга бўлиб олгач, башорат мазмунидан воқиф бўлишга қатъий аҳд қилди. Қатъиятини эса у билан ҳар сафар тўқнаш келиб, омон қолаётганинг кучайтириб юборди. Сени қандай қилиб йўқ қилиш мумкинлигини билишга аҳд қилди. Айнаман мана шу нарса, ҳаётга қайтганидан буён тиришқоқлик-ла қидириб келган қурол саналади.

Қуёш баланд кўтарилиб, атроф чарақламоқда. Годрик Гриффиндорнинг шамшири сақланаётган жавон ойнаси ўз шаффофлигини йўқотиб, оқариб қолгандай кўринмоқда. Ҳар томон улоқтирилган асбобларнинг ёмғир қатралари каби кумуш тусда товланаётган бўлаклари полда сочилиб ётибди. Гаррининг ортида эса митти Янгус ўзининг кул инида аста қурқурамоқда.

- Башорат шари синди, - деди Гарри, ифодасиз оҳангда, - Невиллни зина поғоналари бўйлаб тортиб кетаётган эдим... анави... арка ўрнатилган хонада... унинг коржомаси чокидан йиртилиб, шар киссасидан чиқиб кетди...

- Сирли сеҳр бўлимида сақланган ёзув синган холос, башорат эса муайян шахс номига қайд этилган бўлиб, ўша киши башорат матнини жуда яхши эслайди.

- Ким экан у? - сўради Гарри, саволга қандай жавоб олишини яхши билиб.

- Мен, - жавоб берди Дамблдор, - Ҳодиса ўн олти йил муқаддам, совуқ, рутубатли оқшомда, «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонаси қошидаги меҳмонхонада ижарага олинган хонада рўй берди. Мен у ерга башорат фани ўқитувчилигига даъвогар аёл билан учрашгани борган эдим, гарчи ушбу

фаннинг таълим дастурида қолишини истамаган бўлсам-да. Бунинг устига, ушбу даъвогар машҳур ва истеъдодли соҳибкаромат аёлнинг эвараси бўлиб, одоб юзасидан бўлса ҳам, у билан учрашувга чиқишим керак, деб билдим. Суҳбат давомида даъвогарда соҳибкароматликдан асар ҳам йўқлигини кўриб, ундан ихлосим қолди. Қўлдан келганча хушмуомалалик билан унга рад жавобини бери, хонани тарк этиш учун чиқиш эшиги томон ўгирилдим.

Дамблдор ўрнидан туриб, ёнида Янгуснинг қўноғи ўрнатилган жавонга яқинлашди. Эгилиб, лўкидонни сурди-да, жавон ичидан четларини ўйиб битилган қадимий руналар безаб турган, Гарри отасининг Снегни таҳқирлагин манзарани ўз кўзи билан кўрган тош чиғаноқни чиқарди. Ўз жойига қайтган Дамблдор стол устига дамблхотирани қўйиб, сеҳрли таёқчасининг учини чаккасига теккизди. Бошидан хотирасининг кумуш тусли тўрини чиқариб, чиғаноқ ичига жойлади. Креслосига ўтириб, дамблхотира ичида сузиб юрган хотирасига ўйчан қараб қолди. Сўнг, оғир хўрсинганча, сеҳрли таёқчасининг учини енгилгина теккизиб қўйди.

Чиғаноқ устида қават-қават шолрўмолга ўраниб олган, кўзини ғайритабиий даражага қадар йириклаштириб кўрсатаётган кўзойнак таққан қомат кўтарилиб, оёғи чиғаноқ ичида қолганча, аста-секин айлана бошлади. Бироздан сўнг, Сибилла Трелани ўзининг сирли, охиратдан эшитилаётган каби одатий овози билан эмас, аксинча, Гарри бир вақтлар эшитган дағал, хирилдоқ овозда гапира кетди:

- Ёвуз Лордни енга оладиган одам таваллуд топишига оз қолди... у еттинчи ой хотимасида, Ёвуз Лордга уч бор қарши чиққан кишилар томонидан дунёга келтирилади... Ёвуз Лорд, ушбу чақалоққа ўзига тенг кўрганидан далолат берувчи тамға босади... Бироқ бу шахс Ёвуз Лордга маълум бўлмаган қудратга эга бўлади... зеро, улардан бири, иккинчисининг қўлидан ажал топади, иккаласидан фақат бири жангдан омон чиқади... Ёвуз Лордни енга оладиган шахс еттинчи ой хотимасида таваллуд топади...

Секин айланаётган Трелани аста пастлаб, бурқираётган модда ичида эриб кетди.

Хонада ўлик жимжитлик қарор топди. На профессор Дамблдор, на Гарри ва на портретлар овоз чиқарди. Ҳатто Янгус ҳам жим бўлиб қолди.

- Профессор Дамблдор? - аста чақирди Гарри, кўзини дамблхотирадан узмай, ўй суриб қолган директорни, - Бу... бу дегани... бу нима дегани?

- Бу, тахминан ўн олти йил муқаддам, июль ойининг охирида Лорд Вольдемортни ўлдириш қудратига эга одам туғилган, дегани. Чақалоқ дунёга келгунга қадар эса ота-онаси уч маротаба Вольдемортга қарши чиққанлигини англатади.

Нафас олиши яна қийинлашган Гарри гирдоб домида қолиб кетгандек ҳис этди ўзини.

- Яъни бу... мен, шундайми?

Дамблдор кўзойнаги орқали болага диққат билан қаради.

- Шуниси қизиқ-ки, Гарри, - паст овозда жавоб берди у, - Сибилланинг башорати сенга дахл қилмаслиги ҳам мумкин эди. Ўша йили июль ойининг охирида иккита чақалоқ дунёга келган. Иккаласининг ҳам ота-онаси Қақнус ордени аъзолари бўлишган. У ота-она ҳам, бу ота-она ҳам, Вольдемортнинг қўлидан уч маротаба ажал топишига сал қолган. Чақалоқлардан бири сен бўлсанг, иккинчиси Невилль Лонгботтом бўлган.

- Нега бўлмаса, башорат шарида Невиллнинг эмас, менинг исмим битилган?

- Вольдеморт сенга суиқасд қилганидан сўнг, бир йил ўтгач, расмий ёзув алмаштирилган, - тушунтириш берди Дамблдор, - Башоратлар зали кўриқчисига гап ким тўғрисида кетаётгани аён бўлгандай туюлган. Вольдеморт айнан сени ўлдирмоқчи бўлганига комил ишонч ҳосил қилган, чунки башоратда гап ким тўғрисида кетаётганини аниқ билган.

- Яъни... ўша чақалоқ мен бўлмаслигим ҳам мумкин, шундайми?

- Фикримча, энди шубҳа қилмаса ҳам бўлаверади. Ўша чақалоқ сен бўлгансан, - деди Дамблдор, ҳар бир сўзини оғир талаффуз этиб.

- Ўзингиз айтдингиз-ку... Невилль ҳам июль охирида туғилган, деб... унинг ота-онаси ҳам...

- Башоратнинг иккинчи ярми, яъни Ёвуз Лорд, чақалоққа ўзига тенг кўрганидан далолат берувчи тамға босиши ҳақида унутиб қўяпсан... У шундай қилди ҳам, Гарри, Невиллни эмас сени танлади... Ҳам оқ фотиҳанг, ҳам сабилингга айланган чандиқ кўринишидаги тамға босиб кетди.

- Бироқ у янглишиши, бошқа чақалоққа тамға босиб қўйган бўлиши мумкин! - хитоб қилди Гарри.

- Ўз фикрича, катта хавф туғдириши мумкин бўлган чақалоқни танлади, - деди Дамблдор, - Агар эътибор қаратган бўлсанг, у, асилзот сеҳргарни танламаган. Унинг дунёқарашича, бу ёруғ оламда фақат асилзот сеҳргарларгина яшашга ҳақлидир. Вольдеморт ўзига ўхшаган чала зот сеҳргарни танлаган. Сени ҳали кўрмай, билмай туриб, сенинг қиёфангга ўз аксини тасаввур қилган. Бироқ ўз ниятига эриша олмаган, ўлдириш қўлидан келмай, чандиқ кўринишида тамға боса билган холос ва айна вақтда, сенга қудрат, истиқболни ҳаётият кетган. Сен эса ўз навбатида, унинг чангалидан бир эмас тўрт мартаба омон қолдинг. Бунга эса на сенинг ва на Невиллнинг ота-онаси эриша олган.

- Нега у бундай йўл тутди? - сўради, танаси уюшиб, музлаб қолган Гарри, - Нима учун чақалоқликда ўлдиришга уринди? Невилль иккаламиз ўсиб улғайишимизни кутиб, қайси биримиз кўпроқ хавф солсак, ўшани ўлдирса бўларди.

- Амалий нуқтаи назардан ёндашиб, шундай қилганида, оқилона иш тутган бўлар эди, албатта, - маъқуллади Дамблдор, - Бироқ Вольдеморт башорат ҳақидаги гаплардан тўла-тўқис воқиф эмас эди. Сибилла Трелани «Уч супурги» қаҳвахонаси қошидаги меҳмонхонада тўхтамай, нисбатан арзон бўлгани учун ҳам, «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонаси қошидаги меҳмонхонада тўхтаб ўтган. У ерда эса доимо, агар одоб билан айтиладиган бўлса, жуда ғалати мижозлар ижарага туришади. Бунга ўзинг, дўстларинг ва мен ҳам, ишонч ҳосил қилганмиз. Бу жой хусусий суҳбат қуришга ярамаслигини яхши билганман, албатта. Бироқ учрашиш учун Сибилла Треланининг ҳузурига борар эканман, бировнинг эътиборини ўзига жалб этган сўзларни эшитишни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Менинг, бизнинг ягона бахтимиз, пинҳона қулоқ тутиб турган киши ўз вақтида фош этилиб, башорат баён этилишининг бош қисмда қувиб солинган.

- Демак ўша киши фақат?...

- Башоратнинг бош қисмини - Ёвуз Лордни енга оладиган одам таваллуд топишига оз қолгани, у еттинчи ой хотимасида, Ёвуз Лордга уч бор қарши чиққан кишилар томонидан дунёга келтирилишини эшитишга муваффақ бўлган холос. Демакки, Вольдеморт сени ўлдиришга уринар экан, сенга ўз қудратини топшириб қўйиши, ўзига тенг кўрганидан далолат берувчи тамға босиб қўйишидан, сен унга маълум бўлмаган қудратга эга бўлишингдан беҳабар бўлган...

- Лекин мен бундай қудратга эга эмасман! - эзилиб бақирди Гарри, - Менда бирон-бир, унда бўлмаган хусусият йўқ. Мен, Вольдеморт бугун жанг қилгандай, жанг қила олмайман, одамларни ўз измимга бўйсундира олмайман... қотиллик қодир эмасман...

- Сирли сеҳр бўлимида бир хона бор, - гапни бўлди Дамблдор, - Доимо қулфланган ҳолатда тўтилади. У ерда бир вақтнинг ўзида ҳам мўъжизакор, ҳам ўлимдан, инсон заковати ёки табиий офатдан ҳам даҳшатли муайян куч сақланади. Ўша ерда тадқиқ қилинадиган энг сирли нарса бўлса керак. Ўша хонада сақланадиган ва сен эга бўлган кучга Вольдемортнинг тиши ўтмайди. Айнан ўша куч сени Сириусга ёрдам қўлини узатишга мажбур қилди, айнан ўша куч Вольдемортга сени тўла-тўқис ўз измига солиб олишга йўл қўймади. Сенинг табиатингга Вольдеморт жирканадиган кўп нарсалар бор. Охир-пировардида ўз онгингни муҳосара қила олмаслигинг аҳамиятсиз бўлиб қолди. Зеро, соф қалбинг, пок юрагинг сени сақлаб қолди.

Гарри кўзини чирт юмиб олди. Агар Сириусни қутқаришга ошиқмаганда эди, чўқинтирган отаси бўлмаган бўлар эди... Сириус ҳақида ўйламаслик учун, Гарри, жавобини олдиндан билса-да, сўради:

- Башорат охирида нимадир дейилди... жангдан омон чиқиш тўғрисида...

- ...иккаласидан фақат бири жангдан омон чиқади, - эслатди Дамблдор.  
- Яъни бу дегани... охирида... биримиз иккинчимизни ўлдиришимиз керак... дегани, шундайми? - сўради, ўз сўзларидан ўзи даҳшатга тушган Гарри, умидсизлик гирдобига ғар бўлиб.  
- Ҳа, - бош ирғиди Дамблдор.

Иккаласи узоқ сукут сақлади. Хона деворининг ортида одамлар овози эшитилди. Афтидан, мактаб ўқувчилари нонушта қилгани Катта Зал томон йўл олишган. Қизиқ, овқатланишни хоҳлаётган, ўйин-кулги қилаётган, Сириус Блэк бу ёруғ оламини тарк этганидан беҳабар бўлиб, қайғурмай юрган одамлар ҳам борлигидан Гарри бироз таажжубланди. Ўша арканинг пардаси тортиб юборилганида, Сириус, ўзининг одатий, ит акиллашини эслатадиган кулгиси билан чиқиб келишига онгининг бир қисми билан ҳалигача ишонади... Шунга қарамай, энди Сириус олис олисларга кетиб қолгандай.

- Гарри, мен сенга яна бир нарсани тушунтириб ўтишим керак, - пўнғиллади Дамблдор, иккиланган оҳангда, - Эҳтимол сен, тушунмай ҳайрон бўлгандирсан, сени синфбоши этиб тайинламаганимга, а? Тан олишим керакки... сенинг зимманга шундоқ ҳам, ҳаддан ортиқ катта масъулият юкланган...

Гарри кўзини кўтариб, Дамблдорнинг юзида шашқатор ёш оқаётганини кўрди.

## **ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ. ИККИНЧИ УРУШ ИБТИДОСИ**

### *ИСМИ-ЁДГА-ОЛИНМАСЛИГИ-КЕРАК-КИШИ ҲАЁТГА ҚАЙТДИ*

*Жума куни кечқурун сеҳргарлик вазири Корнелиус Фуж ўзининг қисқа баёнотида Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши ҳаётга қайтиб, ўз жиноий фаолиятини янгитдан бошлаганини тасдиқлади.*

*- Ўзига Лорд... қисқаси, қандай ном қўйиб олганини ҳамма биладиган сеҳргар тирик эканлиги ва орамизга боз қайтиб келганини таассуф-ла тасдиқлашга мажбурман, - деди тинчини йўқотиб, ниҳоятда толиққан вазир, мухбирларимизга мурожаат қилар экан, - Яна шуни ҳам афсус-надомат ила маълум қиламан-ки, бундан буён сеҳргарлик вазирлигига хизмат қилишдан бош тортган дементорлар Азкабанни оммавий равишда тарк этишди. Шундай экар, сеҳргарлар жамиятини огоҳ бўлишга даъват этамиз. Элатимизга, киши ўзини ўзи ва ўз истиқоматгоҳини ҳимоя қила олишига оид бошланғич амаллар тўғрисидаги эслатмалар вазирлик томонидан ошиғич равишда чоп этилмоқда. Ушбу рисола жорий ой давомида барча сеҳргар оилаларга бепул етказилади.*

*«Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳаётга қайтгани ҳақида астойдил тарқатилаётган миш-миш гаплар ҳеч қандай асосга эга бўлмаган, ғирт уйдирмадан бошқа нарса эмас», - дея ўтган чоршанбага қадар ҳаммани ишонтириб келган сеҳргарлик вазирининг бугунги баёноти элатимиз томонидан руҳий ларза ва даҳшат-ла қарши олинди.*

*Вазирлик ўз фикрини бу қадар кескин ўзгартиришига сабаб бўлган ҳодиса тафсилотлари бизга ҳали қоронғи, бироқ Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши ва унинг Ўлимдан мириқувчилар, деган ном олган тарафдорлари чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси сеҳргарлик вазирлиги биносига сингиб киришга муваффақ бўлишганини аниқ биламиз.*

*Мухбирларимиз «Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик мактаби директори лавозимига қайта тикланган, Халқаро сеҳргарлар конфедерациясининг аъзолик ҳуқуқи боз қайтариб берилган, Оқил Суднинг Олий Қозиси сифатида янгитдан тайинланган, сўнгги йил давомида Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг нафақат ўлмагани, балки ўз ҳукмини ўтказишга уриниш мақсадида янги армия тўплаётгани ҳақида такрор ва такрор таъкидлаб келган Альбус Дамблдор билан*

*учрашишга афсуски, ҳозирча муваффақ бўлмадилар. Ваҳоланки, «омон қолган бола»...*

- Ана, бу ёғи энди сен ҳақингда, Гарри, - деди Гермiona, газета ўзра қараб, - Мақоланинг бирор жойига албатта тиқиштириб ўтишларини билар эдим.

Болалар касалхонада. Гарри Рон ётган каравот чеккасида ўтирибди. Каравотнинг оёқ томонида кулча бўлиб, тўпиқ суюги Помфри хоним томонидан бир зумда тузатиб қўйилган Жинна ётган Гермiona яқшанба кунги «Башорат-у, каромат газетаси»нинг бош мақоласини болаларга ўқиб эшиттирмоқда. Иккала каравот ўртасидаги креслога бурни аллақачон ўз шакли ва ўлчамини касб этган Невилль жойлашиб олган. Беморларнинг ҳолидан хабар олгани келган Луна эса ҳеч кимга қулоқ солмай, «Ҳақиқатгўй» журналинини тескари ушлаб олганча, ўқиб ўтирибди.

- Аҳа-а, демак яқин кунларгача томи кетган тирранча саналган Гарри, яна «омон қолган бола»га айланиб қолибди-да, а? - истехзо қилди Рон.

У каравоти ёнидаги жавон устида уюм бўлиб ётган шокобақадан бир сиқим олди-да, Гарри, Жинна ва Невиллга биттадан улоқтириб, ўз конфетининг жилдини тиши билан йиртиб очди. Унинг қўлини мия пайпаслагичлари қолдирган чуқур чандиқлар қамраб олган. Помфри хоним билдирган мулоҳазаларга қараганда, ҳеч нарса, инсон миясига ўрнашиб қолган маслақдек қаттиқ жароҳат етказмас экан. Шундай бўлса ҳам, доктор Убблин яратган хушбўй, фикр-хаёлларни ўзаро битиштириш малҳам дориси мўл суртилганидан бўлса керак, Роннинг қўлидаги чандиқлар тез бита бошлади.

- Ҳа Гарри, улар сени ҳаддан ортиқ мақтаб юборишибди, - деди мақоланинг қолган қисмига тез кўз югуртириб чиққан Гермiona, - «Ҳақиқатнинг сўққа овози... ҳамма савдойи, деб эътироф этганига қарамай, у ўз билганини қўймади ... мазах ва бўҳтонларга чидаб келишга мажбур бўлганча...». Ҳм-м-м... - қош чимирди қиз, - Газета таҳририяти ўша мазах ва бўҳтонларни айнан ўзи тарқатганини осонгина унутиб қўйган кўринади...

Қўли қовурғасига югурган Гермionанинг юзи оғриқдан буришиб кетди. Ичида ўқишга мажбур бўлиб, таъсири кучсизлантирилганига қарамай, Долоховнинг қарғиши кўп ташвиш келтирди. Помфри хонимнинг таъбири ила айтиладиган бўлса, чиндан ҳам «иш узоқ чўзилади»ган кўринади. Ҳар кунни ўн хил суюқ дори ичиб, соғлиги тез тикланаётган Гермiona, касалхонада зерикадиган бўлиб қолди.

- «Ўзингиз-Биласиз-Ким ўз ҳукмини боз ўтказмоқчи», иккинчи-тўртинчи саҳифалар, «Вазирлик биздан сир тутиб келган нарсалар ҳақида икки оғиз сўз», бешинчи саҳифа, «Нега ҳеч ким Альбус Дамблдорга қулоқ тутмади?», олтинчи-саккизинчи саҳифалар, «Гарри Поттер томонидан газетамизга истисно тариқасида берилган интервью», тўққизинчи саҳифа... Ҳа-а, - деди газетани икки букиб, нари улоқтирган Гермiona, - Мавзу топилди уларга. Гаррининг интервьюси эса «Ҳақиқатгўй» журналида муқаддам чоп этилган. Ҳеч ҳам «Башорат-у, каромат»га истисно тариқасида берилган интервью эмас.

- Дадам сотди мақолани, - деди, журнал саҳифасини варақлаган Луна, ўзининг хаёлга ботган одатий оҳангида, - Мўмайгина даромад кўрди. Шундай экан, ёзда буришиқ шохли стеклоп қидириш экспедициясига жўнаймиз.

- Жазб этадиган даражада эшитилмоқда, - деди, муайян вақт ўзи билан ўзи курашган Гермiona. Жиннанинг нигоҳи Гаррининг нигоҳи билан тўқнаш келиб, кулгисини яшириш учун тескари қараб олди.

- Мактабда нималар бўлаётганини айтиб берсангиз-чи, - деди, қаддини тўғрилаб ўтириб олган Гермiona, оғриқдан юзини буриштириб.

- Флитвик ботқоқликни уч сонияга қолмай, йўқ қилди, - маълум қилди Жинна, - Лекин дераза остида бир парчасини қолдириб, арқон воситасида атрофини ўраб қўйишни амр этди...

- Нега? - ҳайрон бўлди Гермiona.

- Айтишича, зўр яратилган эмиш, - елка қисди Жинна.

- Фред билан Жорж шарафига ёдгорлик сифатида қолдирган, - фикр билдирди оғзи тўла Рон, - Улар жўнатди мана буни, - деди у, шокобақа уюмига имо қилиб, - Кулгили моллар дўконининг иши юришиб кетган кўринади, а?

- Демак, Дамблдор қайтиши билан ғам-ташвишлар ҳам барҳам топибди-да, а? - сўради Гермiona, Ронга домангир қараб қўйиб.

- Филч роса бахтиёр бўлса керак? - деди Рон, Дамблдорнинг шокобақа дастаси ичидан чиққан расмини сув тўлдирилган кўзага суяб қўйиб.

- Аксинча, ўларча маънос юрибди, - деди Жинна, овозини пасайтириб, - Айтишича, Амбриж «Хогварц» тарихида бўлган энг зўр директор эмиш...

Олтовлон рўпарадаги каравотда шифтга термилиб ётган Амбриж томон бараварига ўгирилиб қаради. Уни асрликдан Дамблдор халос этибди. Бунга қандай эришганини биров билмайди-ю, ўрмондан тўрт мучаси соғ чиқибди. Амбриж ҳеч кимга ҳеч нима айтиб бергани йўқ. Болаларнинг билишича, мактабга қайтганидан буён чурқ этмаган. Ҳозир ҳам ўзини қандай ҳис этаётгани ноаниқ. Доим батартиб турмаклар юрадиган, ҳозир тўзғиб кетган кул ранг сочи орасидан ҳалигача Ман этилган ўрмон дарахтларининг барглари чиқиб турибди. Қолган қисми, жумладан бақа башараси эса ўзгармас қолган.

- Помфри хонимнинг айтишича, у кучли шок ҳолатида эмиш, - пичирлади Гермiona.

- Ғам босган уни, - эътироз билдирди Жинна.

- Лекин мана бундай қилсанг, ҳали ҳам тирик эканлигини кўрасан, - деди Рон, тилини от туёғи чиқарадиган товушга тақлид қилганча, тақиллатиб.

Амбриж сесканганча, ётган ўрнига ўтириб олиб, ақли ноқисга ўхшаб кўринди.

- Сизга нима қилди, профессор? - баланд овоз чиқарди, ўз хизмат хонасида ўтирган Помфри хоним, эшикдан бош чиқариб.

- Ҳеч нима... ҳеч нима... - жавоб берди Амбриж, бошини боз болишга ташлаб, - Туш кўрдим шекилли...

Пиқиллаб кулиб юборган Гермiona билан Жинна юзларига адел босиб олишди.

- Айтгандай, кентаврлар масаласида, - деди Гермiona, бироз тинчлангач, - Башоратдан ким дарс беряпти ҳозир? Фиренце қолди-ми мактабда?

- Қаёққа ҳам борар эди у, - елка қисди Гарри, - Уни подага қабул қилишмайди энди.

- Трелани иккаласи баравар дарс ўтишса керак, - тахмин қилди Жинна.

- Бас боғлашим мумкинки, Дамблдор Треланидан қутулмаганига ачинмоқда, - пўнғиллади Рон, ўн тўртинчи шокобақани бир ёқли қилиб, - Умуман айтадиган бўлсам, мутлақо бефойда фан. Фиренце ҳам зўр эмас...

- Қандай журъат этяпсан, бундай дегани? - хитоб қилди Гермiona, - Ҳақиқий башорат бўлишини энди биламиз-ку!

Гаррининг юраги дуқиллаб кетди. У ҳали Ронга ҳам, Гермionaга ҳам, умуман бирон бошқа кишига ҳам, башорат мазмунини айтиб бермади. Ҳамма Невиллнинг сўзларига кўра, башорат шари Ажал камерасида, Гарри Невиллни зинапоя поғоналари узра тортиб кетаётганида синганини билади. Гарри ушбу маълумотни рад этгани йўқ. У қотил ёки қурбон бўлишидан хабар топган дўстларининг юзлари қандай қиёфа касб этишини тасаввур қилиб кўрди... Йўқ, бунга ҳали тайёр эмас.

- Сингани чатоқ бўлибди, - бошини силтади Гермiona.

- Нега афсусланасан, - деди Рон, - Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳам беҳабар қолди-ку, башорат мазмунидан... Қаёққа? - сўради у, Гаррининг ўрнидан турганини кўриб.

- Э-м-м... Хагриднинг кулбасига, - жавоб берди Гарри, - Ҳолидан хабар олиб, сизларнинг аҳволингиз ҳақида маълум қилишни ваъда қилган эдим унга.

- Ҳа, ундай бўлса майли, - пўнғиллади Рон, дераза орқали мовий осмонга қараб, - Қани энди биз



ҳам сен билан бора олсак.

- Биздан салом айт! - бақириб қолди Гермiona Гаррининг кетидан, - Митти дўстининг ишлари қалай эканлигини ҳам билиб қайт.

Гарри эшитганини билдириб қўл силтаб қўйди-да, хонани тарк этди.

Якшанба бўлишига қарамай, қасрда жимжитлик қарор топган. Ҳамма ҳовлида, қуёшда тобланиб, мактабда бирон нима ўқиш, такрорлаш керак бўлмайдиган сўнги кунлардан ҳузур қилмоқда.

Гарри кимсасиз йўлақда, деразалар орқали ташқарига қараб сандироқлаб юрибди. Кимдир ўйингоҳ узра учиб, квидиш ўйнамоқда, кимдир йирик кальмар назорати остида кўлда чўмилмоқда.

Гарри танҳо қолишни истаяпти-ми, йўқми, ўзи билмайди. Ўртоқлари орасидан чиқиб кетишга ошиқмоқда, ёлғиз қолиши билан, яна кимдир кўришни истайди. Умуман айтганда, чиндан ҳам Хагриднинг ҳолидан хабар олиб келса, ёмон бўлмас эди. Қайтиб келганидан буён бирга ўтириб, бафуржа суҳбат қуришгани йўқ ҳали...

Мармар зинапоёга етган эди ҳам-ки, слизеринчиларнинг умумий меҳмонхонаси томон олиб борадиган ўнг томондаги эшиқдан чиққан Малфой, Краббе ва Гойлга рўбару келди. Гарри турган жойида тек қотди. Малфой билан унинг қуролбардорлари ҳам тақа-тақ тўхтаб қолишди. Ҳамма жим. Фақат ҳовлидангина бақир-чақир, кулги, тўполон эшитилмоқда.

Малфой атрофга қараб, яқин ўртада бирон-бир ўқитувчи йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, вишиллади:

- Сен мурдасан, Поттер.

- Ие, нега бўлмасам юрибман? - деди Гарри қошини кўтариб.

Гарри Малфойни ҳали бу қадар дарғазаб ҳолатда кўрмаган. Унинг рангпар, чўзинчоқ, ғазабдан буришиб кетган юзига назар солган Гарри мамнун бўлди.

- Дадам билан боғлиқ қилмишинга яраша жазоланасан ҳали, - дарғазаб нафас чиқарди Малфой, - Буни мен тек қўймайман.

- Роса қўрқитиб юбординг-ку, - истехзо қилди Гарри, отанг иккалангни олдида Лорд Вольдеморт, шунчаки, арзимас кас-ку, а?... Ҳа, нима қилди? - сўради у, даҳшатдан буришиб кетган башараларга қараб, - Нега бунчалик қўрқиб кетдинг? Ахир Вольдеморт отангнинг оғайниси бўлади-ку, шундай эмасми?

- Йирик шахс бўлиб қолдим, деб ўйлаяпсан-ми, Поттер? - вишиллади Малфой, ўзининг тан қўриқчилари Краббе ва Гойл билан бирга Гарри томон одимлаб, - Шошмай тур, адабингни бериб қўяман ҳали. Сен менинг дадамни қамоққа ўтқиза олмайсан...

- Ўтқизиб бўлдим, ҳали ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ, - кишини хўрлайдиган оҳангда жавоб қайтарди Гарри.

- Дементорлар Азкабанни тарк этишди, - аста фикр билдирди Малфой, - Дадам билан қолган ошналари ҳадемай озодликка чиқишади...

- Эҳтимол, - рад этмади Гарри, - Бироқ улар қанақанги ифлос каслар эканлигини ҳамма билиб олади...

Малфойнинг қўли сеҳрли таёқчага югурди, бироқ бу масалада Гаррига тенг келиб бўлмайди.

Малфойнинг қўли киссасига етгунга қадар Гарри таёқчасини ўқташга улгурди.

- Поттер!

Қичқириқ вестибюлда жарангдор янгради. Ерости йўлагидан олиб чиқадиган зинапоёда Снегг пайдо бўлди. Уни кўрган Гаррининг вужудида Малфойга бўлган адоватдан-да кучли ғазаб ҳисси қайнаб кетди... Дамблдор Снегг ҳақида нима-ки демасин, Гарри уни ҳеч қачон кечирмайди... ҳеч қачон...

- Нима қиляпсан, Поттер? - одатига кўра совуқ оҳангда сўради Снегг, яқинроқ келиб.

- Малфойга нисбатан қандай қарғиш қўллаб, адабини бериш кераклиги ҳақида ўйлаяпман, сэр, -

Ўшқирди Гарри.

- Йўқот таёқчангни, - узуқ-узуқ овозда буюрди, дағал муомаладан ҳайратланиб, бақрайиб қолган Снегг, - «Гриффиндор»дан ўн балл айри...

Снегг йирик қум соатга қараб, иржайиб қўйди.

- Ҳа, гап бу ёқда экан-да. «Гриффиндор» ихтиёрида айриладиган баллнинг ўзи қолмабди-ку. Ундай бўлса, Поттер...

- Аксинча, балл қўшишга тўғри келади, шундайми?

Қаср остонасида бир қўлига катак гулли саквояж ушлаган, иккинчиси билан ҳассага таянган, умуман айтганда, соппа-соғ кўринган профессор Макгонагалл пайдо бўлди.

- Профессор Макгонагалл! - хитоб қилди Снегг, аёл томон одимлаб, - Жавоб беришибди-да!

- Ҳа, профессор Снегг, - деди профессор Макгонагалл, елка ҳаракати билан эгнидаги сафар ридосини ечиб, - Янги туғилгандай бўлиб қайтдим. Қани, сиз иккалангиз... Краббе... Гойл...

Профессор Макгонагалл иккаласини виқор-ла ёнига имлади. Краббе билан Гойл оёғини судраганча, яқин боришди.

- Ушланг, - деди профессор Макгонагалл саквояжни Краббега, ридосини Гойлга тутқазиб, - Юқорига, хонамга олиб чиқинг.

Краббе билан Гойл ўгирилиб, мрамар зина бўйлаб оғир қадам ташлаганча юқорига кўтарилиб кетишди.

- Жуда соз, - деди профессор Макгонагалл, бўм-бўш қум соатга қараб, - Ўйлайман-ки, Поттер ва унинг дўстлари Ўзингиз-Биласиз-Ким чиндан ҳам ҳаётга қайтганини жаҳон жамиятига исбот қилиб бера олишгани учун, ҳар бири эллик баллдан тақдирланишга муносибдир! Нима дедингиз, профессор Снегг?

- Нима? - ўзини эшитмаган қўйга солди профессор Снегг, - О... назаримда...

- Шундай қилиб, Поттер, икки нафар Уэсли, Лонгботтом ва мисс Грэнжернинг ҳар бирига эллик баллдан, - эълон қилди профессор Макгонагалл.

Қум соатнинг қуйи колбасига бир олам ёқут тўкилди.

- Ҳа-я, эллик балл мисс Лавгудга, - қўшимча қилди профессор Макгонагалл.

«Равенкло»га мансуб қум соатга ҳам яшил ёқут тўкилди.

- Ана энди, профессор Снегг, тўғри тушунган бўлсам, «Гриффиндор»дан ўн балл айирмоқчи бўлиб турган эдингиз, шундайми? Мана, марҳамат...

Ёқутларнинг ўн донаси кўтарилиб, юқори колбага қайтди. Шундай бўлса-да, қуйи колбада ёқутларнинг катта миқдори қолди.

- Хўш, Поттер, Малфой, бундай ғаройиб кунда қаср ичида димиқиб юриш ярамайди, - ғайрат-ла эълон қилди профессор Макгонагалл.

Гарри учун гапни икки маротаба такрорлаш керак эмас. У сеҳрли таёқчасини чўнтагига солди-да, Снегг билан Малфойга қиё ҳам боқмай асосий чиқиш эшиги томон тез одимлади.

Ҳовлига чиққач, Хагриднинг кулбаси томон йўл олди. Қуёш аёвсиз қиздирмоқда. Теварак-атрофдаги майсазорда офтобда товланиб ётганча, суҳбат қурган, «Башорат-у, каромат газетаси»нинг яшанба кунги сонини ўқиётган, конфет кавшаётган ўқувчилар Гаррига қараб-қараб қўйишмоқда. Баъзилар унга нимадир деб қичқиришмоқда, қўл силтамоқда, худди газета таҳририяти каби, уни қаҳрамон, деб эътироф этишаётганини намоён этишмоқда. Гарри ҳеч кимга жавоб қайтармади. Уч кун муқаддам бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида одамлар нимани билишини тасаввур ҳам эта олмайди, бироқ... шу кунга қадар ҳар хил саволлардан қочиб юришга муваффақ бўлиб келди. Ишлар шу ҳолатда қолгани маъқул.

Эшикни тақиллатган Гарри Хагриднинг кулбада йўқлигига амин бўлди. Бироздан сўнг, кулба ортидан Сўйлоқтиш отилиб чиқиб, хурсандлигини изҳор этганча, Гаррини ерга қулатиб юборишига сал қолди. Аниқланишича, Хагрид экинзорда қўзоқли ловия териб юрган экан.

- А, сен-ми, Гарри! - яшнаб кетди давангир, экинзор тўсиғига яқин келган болани кўриб, - Кир, ичкарига кир, момақаймоқ шарбатидан урамиз.

Иккаласи кулбага киришди.

- Хўш, ишлар қалай? - сўради Хагрид, муздай шарбат қўйиб, стол ортидаги курсисига жойлашгач, - Сен... аҳволинг қалай?

Хагриднинг қиёфасидан жисмоний ҳолатни назарда тутмагани билиниб турибди.

- Жойида, - шоша-пиша жавоб қайтарди Гарри, Хагрид назарда тутган нарсалар ҳақида гапиришни мутлақо истамай, - Яхшиси қаерларда бўлганинг ҳақида гапир.

- Тоғда бекиниб юрдим, - Форда, худди Сириус каби, у...

Гапи оғзида қолган Хагриднинг дами ичига тушиб, йўталганча, Гаррига қараб қўйди.

- Мана, қайтиб келдим, - гапини тугатди у, ўзини ноқулай ҳис этиб.

- Илгаригига қараганда дурустроқ кўринасан, - таъкидлаб қўйди Гарри, гапни атайин бошқа томон буриб.

- Нима?... А... ҳа, - деди Хагрид, ўзининг йирик қўли билан юзини пайпаслаб, - Гурпнинг хулқи анча яхши бўлиб қолди, анча яхши. Қайтганимни кўриб шундай хурсанд бўлдики, шундай хурсанд бўлдики, қўяверасан. У яхши бола, чин сўзим... менимча унга дугона топиб бериш керак...

Одатий ҳаётда Гарри Хагридни бундай хавфли фикридан қайтаришга уринган бўлар эди. Ўрмонда яна битта гигант, аниқроғи урғочи ва эҳтимол, янада баттар ёввойи, хатти-ҳаракатини тийиб бўлмайдиган гигант яшашидан яхши иш чиқмаслиги аниқ. Лекин негадир Гаррининг баҳслашишга кучи йўқ. У боз танҳо қолишни, ташрифини тезроқ якунига етказишни истади ва бир неча бор ҳўплаб, стаканни бўшатди.

- Энди ҳамма сен ҳақ гапни айтиб келганингни билади, - мулойим оҳангда фикр билдирди Хагрид, болага диққат билан назар солиб, - Шуниси яхши-да, а?

Гарри елка қисиб қўйди.

- Биласанми... - деди Хагрид, стол узра бола томон энгашиб, - Мен Сириусни сендан кўра, яхши биламан... У ўзи орзу қилгандай, жанг майдонида ҳалок бўлди...

- Умуман айтганда, у ўлишни истамаган эди! - хитоб қилди Гарри, баджаҳл оҳангда.

Хагрид пахмоқ бошини ирғиди.

- Истамаган, албатта, - маъқуллади у, - Бари-бир, Гарри... Қолганлар жанг қилаётганида уйда хотиржам ўтирадиганлардан эмас эди у. Агар сенга ёрдамга етиб бора олмаслигини билса, адоий-тамом бўлар эди...

Гарри ўрнидан қалқиб турди.

- Мен Рон билан Гермионанинг ҳолидан хабар олиб келишим керак, - тез айтишдай маълум қилди у.

- А, - хафа бўлди Хагрид, - Ундай бўлса... майли... кўришгунча... бўш вақт топсанг...

- Ҳа... яхши...

Гарри эшик томон отилиб, ланг очди-да, ташқарига сакраб чиқди. Хагрид дурустроқ хайрлашишга ҳам улгурмай қолди. Ҳамма унга яна нималардир деб ҳайқирмоқда... Гарри кўзини чирт юмиб олди-да, очган маҳалда ҳовлида ҳеч ким қолмаслигини истади...

Атиги бир неча кун муқаддам сеҳргарлар жамияти Вольдемортнинг ҳаётга қайтгани ҳақидаги сўзларига ишониши, савдойи ва ёлғончи эмаслигига бовар қилиши учун Гарри кўп нарсасини беришга тайёр эди. Энди эса...

У қўл бўйлаб юриб, буталар орқасига бекиниб олди-да, соҳилга ўтириб, сувнинг силлиқ юзасига термилганча, узоқ ўйга толди...

Эҳтимол у, Дамблдор билан ўтган суҳбатдан сўнг, жамики жаҳондан фарқ қилишини ҳаддан ортиқ ҳис этаётгани учун ҳам, ёлғиз қолишни истар? Атрофида худди кўринмас тўсиқ бордай туюлмоқда. Унинг гарданида қандайдир тамға бор, доимо бўлиб келган-у, илгари бу қадар идрок этмаган...

Шундай бўлса ҳам, мана бу ерда, соҳилда, қалби изтироб, битмас-туганмас жароҳат-ла қийналиб ўтирар экан, қўрқувни ҳис этмай қолмади. Қуёш ярқирамоқда, атрофда кулги-қаҳқаҳа янграмоқда, гарчи Гарри ўзини аллақандай ўзга дунёга мансублигини ҳис этаётган бўлса-да, келгуси ҳаёти қотиллик билан боғлиқ эканлигига ишониши қийин кечмоқда...

У сувга термилиб, чўқинтирган отаси ҳақида, бир вақтлар Сириус ҳў нариги соҳилда, дементорларни ўзидан нари қувишга уриниб йиқилгани ҳақида ўйламасликка уриниб, узоқ ўтирди...

Қуёш ботиб, совқотгандагина Гарри ўрнидан туриб, юзини артганча, қаср томон одимлади.

\*\*\*

Ўқув йили ниҳоясига етишига уч кун қолганда Рон билан Гермиона касалхонадан чиқишди. Гермиона доим Сириус ҳақида гап очишга уринар, лекин Рон, ҳар сафар тилини чиқиллатиб, қизнинг оғзини юмиб борар эди. Ушбу мавзуга оид суҳбатга тайёр ёки тайёр эмаслигини эса Гаррининг ўзи ҳали тўлиқ идрок этгани йўқ. Ҳамма нарса кайфиятига боғлиқ равишда ўзгариб бормоқда. У бир нарсага ишончи комил, у ҳам бўлса, бўлиб ўтган шунча бахтсизликларга қарамай, Одамовилар хиёбонида «Хогварц»ни соғиниб яшайди. Нима сабабдан ёзни ўша ерда ўтказишини билса-да, Гарри ўз қариндошларининг ўйига бўлган муносабатини ўзгартира олмайди. Аксинча, у ерга қайтишини ўйласа, кўнгли беҳузур бўлиб кетяпти.

Профессор Амбриж семестр якунига етишига бир кун қолганида «Хогварц»ни тарк этди. Ўзининг сафарга чиқаётганини кенг эълон қилмаслик учун, у, тушлик вақтида касалхонадан писиб чиқди-ю, бахтга қарши Дрюзгга рўбару бўлди. Сўнги имкониятдан фойдаланиш ҳамда Фред ва Жоржнинг амрини бажаришга аҳд қилган полтергейст профессор Амбрижнинг думбасига дам қўлидаги ҳасса, дам бўрга тўлдириб олган пайпоқ билан уриб, узоқ таъқиб қилиб борди. Мактаб ўқувчилари профессорнинг қочиб кетаётганини томоша қилиш учун вестибюлга ошиқди. Коллеж мудирлари бунга тўсқинлик қилишга уринишди-ю, у қадар ғайрат кўрсатишмагани учун бўлса керак, фойдаси бўлмади. Бироз муҳам ёзғириш билдирган профессор Макгонагалл жойига қайтиб, Дрюзг ҳассасини тортиб олгани боис, шахсан ўзи қичқирганча, қадамини тезлатиш учун Амбрижнинг кетидан югура олмаганидан афсус қилаётганини етарлича баланд пичирлаб маълум қилди. Сўнги оқшом. Ҳамма ўз буюмларини жойлаб бўлиб, хайрлашув зиёфатига отланган. Гарри эса ҳали нарсаларини йиғиштиришга киришгани ҳам йўқ.

- Эртага йиғиштирасан! - қичқирди Рон, ётоқхонанинг чиқиш эшиги ёнида туриб, - Кетдик, очимдан ўляпман.

- Боравер... етиб оламан.

Рон хонадан чиқиб, эшикни ёпиб қўйди. Бироқ Гарри жойидан қўзғалмади. Зиёфатга боришни истамаяпти. Дамблдор ўз нутқида яна уни ва Вольдемортни тилга олиб ўтса керак. Умуман айтганда, ўхшаш нутқни ўтган йили эшитган...

Гарри сандиғидан батартиб тахланган коржомаларини жойлаш учун ғижимланганларини чиқарар экан, сандиқ бурчагида яхши ўралмаган буюмни кўриб қолди. Энгашиб, кроссовка остида ётган буюмни қўлига олиб қаради...

Буни Сириус берган эди, Пинҳонийлик майдонида, Рождество байрами ўтиб, сафарга чиқишдан олдин. «Мени хабардор қилиш усуди, керак бўлиб қолсам, мана шу усулдан фойдалан». Гарри аста каравотига ўтириб, буюм ўрамини очди. Ўрам ичидан квадрат шаклидаги кичкинагина, қадимий, жуда кир кўзгу тушди.

Гарри кўзгунини юзига яқин келтириб, ўз аксини кўрди. Орқасини айлантириб, Сириус битган ёзувни кўрди:

«Бу икки томонлама кўзгу. Иккинчи бўлаги менда. Агар мен билан гаплашишни истасанг, кўзгунини

силаб, исмимни чақирасан. Шунда сен менинг, мен эса сенинг кўзгунда кўринамиз. Ҳар хил жазога тортилганимизда, Жеймс иккаламиз айнан шу усулдан фойдаланиб, гаплашганимиз».

Тўрт йил муқаддам Кўнгилдаги орзулар кўзгусида ота-онасининг аксини кўрганини эслаган Гаррининг юраги така-пука ура кетди. Демак, Сириус билан ҳозирнинг ўзидаёқ гаплашиши мумкин эканда!...

Гарри хонада ҳеч ким йўқлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш учун атрофга қараб чиқди-да, қалтираётган қўлидаги кўзгуни юзининг рўпарасига қадар кўтариб, баланд ва аниқ овозда чақирди:

- Сириус!

Кўзгу юзаси Гаррининг чиқарган нафасидан хиралашиб қолди. У кўзгуни янада яқин келтириб, исмни, хонада акс-садо бўлиб эшитилган тарзда баланд, ҳар бир ҳарфни аниқ талаффуз этиб чақирди:

- Сириус Блэк!

Ҳеч нима рўй бермади. Кўзгуда ҳафсаласи пир бўлганини ўқиб олса бўладиган ўз юзининг аксидан бошқа нарса кўринмади...

Аркага кириб кетган Сириуснинг ёнида кўзгу бўлмаган, аста таъкидлаб ўтди миясидаги овоз, шу боис ҳам, ҳеч нима рўй бермаяпти...

Тарвузи қўлтиғидан тушган Гарри бироз тек ўтиргач, кўзгуни сандиққа ташлаб, икки бўлиб юборди. Узоқ, бахтли, ёрқин дақиқа давомида Сириусни кўриш, у билан гаплашишига ишончи комил бўлган эди...

Умидсизлик боланинг томоғини куйдирмоқда. У шартта ўрнидан турди-да, нарсаларини сандиққа, кўзгу устига тўғри келганча ташлай бошлади ва шу фурсатда миясига, кўзгудан ҳам дурустроқ, анча яхшироқ бир фикр келди... Нега олдин шу ҳақда ўйлаб кўрмаган экан?... Нега шу вақтгача сўраб билмаган экан?...

У ётоқхонадан отилиб чиқиб, деворга урилиб бораётганини ўзи сезмай, айланма зинапоя бўйлаб югурганча умумий ётоқхонага тушди, портрет тўсиб турган туйнукдан чиқиб, орқасидан эшитилган Семиз Холанинг қичқириғига эътибор қаратмай, йўлак бўйлаб югура кетди.

- Ҳадемай зиёфат бошланади, улгурмай қолишинг мумкин!

Аммо Гарри зиёфатга боришни хаёлига ҳам келтиргани йўқ.

Керак бўлмаганда ҳамма ёқда арвоҳ учиб юради, керак бўлганда эса бирортасини ҳам топа олмайсан...

Гарри қаср зиналари-ю, йўлаклари бўйлаб югуриб юрди, на тирик ва на ўлик кўринди. Афтидан ҳамма Катта Залда. Афсун ўқиш фани хонасига етган Гарри чарчаб тўхтади. Зиёфат ниҳоясига етишини кўтишга тўғри келади, шекилли, хаёлдан ўтказди у...

Сўнги умиди пучга чиққан эди ҳам-ки, йўлакнинг нариги бошида шаффоф шарпа кўринди.

- Ҳой! Ник! НИК!

Сэр Николас де Мимси-Порпиньон ўгирилиб, пат тақилган ажиб шляпали, бўйнида базўр осилиб турган бошини девордан чиқарди.

- Хайрли оқшом, - кулиб кўришди арвоҳ, танасининг қолган қисмини девордан суғуриб чиқариб, - Кеч қолаётган ёлғиз ўзим эмас эканда, а?

- Ник, сендан бир нарса сўрасам майлими?

Деярли Бошсиз Ник бармоғини чўзилиши қийин кечадиган ёқаси ортига киритиб, бўйнини охиригача кесиб олишига бир баҳя етмай қолгунга қадар тортди.

- Э-м... шу топда шартми, Гарри? - шошиб қолгани аён кўриниб турган Ник, - Кейинроқ ўтказсак бўлмайди-ми, савол-жавобимизни? Айтайлик, хайрлашиш зиёфатидан кейин, а?

- Йўқ... Ник... илтимос, - ўтинди Гарри, - Менга жуда зарур. Юр, мана бу хонага кирамиз, - деди у,

яқин орадаги хона эшигини очиб.

- Хўп, яхши, - хўрсинди Деярли Бошсиз Ник, тақдирга тан бериб, - Очиғини айтсам, шундай бўлишини кутмаган эдим, дея олмайман.

Гарри одоб билан Никни олдинга ўтказмоқчи бўлди, бироқ арвоҳ хонага девор орқали сингиб кирди.

- Нимани кутган эдинг? - сўради Гарри, эшикни ёпиб.

- Мени қидириб келишингни, - жавоб берди Ник, дераза ёнига сузиб борганча, қоронғи ҳовлига қараб, - Вақти-вақти билан шунақаси бўлиб туради... биров жудолик азобидан қийналса...

- Демак, янглишмабсан. Мана, келдим, - дарҳол иқрор бўлди Гарри, мавзу ўзгариб кетишининг олдини олиб.

Ник индамади.

- Чунки, - гап бошлади, мавзу бироз хижолатли бўлишини кутилмаганда идрок этган Гарри, - Чунки... сен... ўлгансан, лекин ўзинг шу ердасан, тўғрими?

Ник кўзини ҳовлидан ўзмай, хўрсиниб қўйди.

- Тўғрими, ахир? - талаб оҳангида давом эттирди Гарри, - Ўлган бўлишинга қарамай, мен сен билан гаплаша оламан... сен «Хогварц» бўйлаб юра оласан ва ҳоказо, шундайми?

- Ҳа, - базўр эшиттириб, маъқуллади Деярли Бошсиз Ник, - Юра оламан ҳам, гаплаша оламан ҳам, ҳа.

- Демак сен у ёқдан қайтиб келгансан, тўғрими? - қунт ила давом этди Гарри, - Одамлар у ердан қайтиб келиши мумкин, ростми? Арвоҳ ҳолатида. Батамом йўқ бўлиб кетиш шарт эмас.

Шундайми? - бетоқат қўшимча қилди у, арвоҳнинг чурқ этмаганини кўриб.

Ник бироз иккиланиб турди-да, овоз берди:

- Ҳамма ҳам арвоҳ ҳолатида қайтиб кела олмайди.

- Бу гапинг билан нима демоқчисан? - шу заҳоти сўради Гарри.

- Фақат... сеҳргарлар.

- Ҳа-а, - деди Гарри, енгил тортганидан кулиб юборишига оз қолиб, - Ундай бўлса, ишлар жойида! Мен назарда тутган киши сеҳргар. Демак у, қайтиб кела олади, шундайми?

Ник деразага тескари ўгирилиб, болага фожиали нигоҳ-ла қаради.

- У қайтиб келмайди.

- Ким?

- Сириус Блэк, - жавоб берди Ник.

- Бироқ сен қайтиб келгансан-ку! - дарғазаб бақирди Гарри, - Қайтиб келгансан!... Ўлгансан-у... ғойиб бўлмагансан...

- Сеҳргарлар ерда, тирик танаси билан қачонлардир бўлган жойларда хира кўланка каби изғиб юрадиган ўз шакл-шамойилини қолдиришлари мумкин, - алам-ла, жавоб берди арвоҳ, - Аммо камдан-кам сеҳргарлар бундай қисматни танлайдилар.

- Нима учун? - сўради Гарри, - Нима қилган тақдирда ҳам... аҳамияти йўқ... Ёқимсиз бўлса ҳам, Сириус қайтади, мен буни аниқ биламан, у қайтади.

Боланинг ишончи шу қадар комил эдики, садаф рангли оқ, шаффоф ҳолатда бўлишига қарамай, кулиб, шошиб келаётган Сириусни қарши олмоқчи бўлгандай, чиқиш эшиги томон юзланди.

- У қайтиб келмайди, - такрорлади Ник, - Афтидан у... йўлни давом эттириб кетди.

- «Йўлни давом эттириб кетди» деганинг нимаси? - бақирди Гарри, - Қаёққа боради, «Йўлни давом эттириб»? Қани айт-чи менга... умуман айтганда, киши ўлса, нималар рўй беради? Қаёққа бориш керак бўлади унга? Нима сабабдан ҳамма ҳам қайтиб келавермайди? Нима учун «Хогварц»да арвоҳлар кўп эмас? Нима учун?...

- Ушбу саволлар жавобини билмайман, - гапни кесди Ник.

- Ўлгансан-ку, ахир, - толиққан оҳангда гина қилди Гарри, - Сен билмасанг, ким билади?

- Ўшанда мен ўлимдан қўрққанман, - пўнғиллади Ник, - Шу боис, ерда қолишга аҳд қилганман. Баъзан хато қилганим ҳақида ўйланиб қоламан, аслида мен... тушуняпсан-ми, на у ёқдасан, на бу ёқда... аниқроғи, мен на у ёқдаман, на бу ёқда... - маъюс кулиб қўйди у, - Ўлимнинг илоҳий кучи ҳақида ҳеч нима билмайман, Гарри, чунки, ажал ўрнига ҳаётга ўхшаш арзимас йўлни танлаганман. Эшитишимга қараганда, Сирли сеҳр бўлимида илмий фаолият олиб бораётган олимлар, ушбу масалалар устида тадқиқот ишларини олиб боришмоқда...

- Гапирма менга, ўша Сирли сеҳр бўлимини! - дарғазаб бақирди Гарри.

- Ёрдам бера олмаганим учун маъзур санайсан, - деди Ник, мулойим оҳангда, - Мени тўғри тушунасан, деган умиддаман... зиёфат ахир...

Сириусни кўриш ёки у билан гаплашиш умидидан маҳрум бўлган Гарри худди чўқинтирган отасидан иккинчи бор жудо бўлгандай, кимсасиз қаср бўйлаб аста-секин, маъюс одимлаб кетди. Энди унинг кайфияти ҳеч қачон кўтарилмаса керак...

Семиз Хола портрети осилган йўлакка бурилиб, кимдир эълонлар тахтасига аллақандай қоғоз осаётганини кўрди, диққат билан назар солиб, Лунани таниб қолди. Бекиниб оладиган жой йўқ, қиз эса қадам товушини эшитгани аниқ, умуман айтганда, Гаррининг бекинишга мадори ҳам йўқ ҳозир.

- Салом, - мубҳам оҳангда кўришди Луна, тахтадан узоқлашганча, Гаррига юзланиб.

- Нима учун зиёфатга бормадинг? - сўради Гарри.

- Буюмларимни йўқотиб қўйдим, - хотиржам тушунтириш берди Луна, - Менинг нарсаларимни доим ўғирлаб, бекитиб қўйишади. Бугун эса сўнги оқшом, ҳаммасини йиғиб олишим керак. Шу боис, эълон осиб юрибман.

Луна йўқолган буюмлар-у, китоблар рўйхати, келтирилган, охирида эса қайтариб беришларини сўралган ўтинчлари битилган қоғозга имо қилди.

Гаррининг қалбида қандайдир тушунарсиз ҳиссиёт қўзғалгандай бўлди, йўқ, бу, Сириуснинг ўлиmidан кейин вужуди тўлиб-тошган ғазаб ҳам, алам ҳам эмас. Раҳм ҳисси эканлигини бир неча сония ўтиб, тушунди.

- Нега энди буюмларингни бекитиб қўйишади улар? - сўради Гарри, пешонасини тириштириб.

- О... м-м-м... - елка қисди Луна, - Эҳтимол мени ғалати деб, билишгани учун бўлса керак. Улар ҳатто мени Луна-Психуна, деб чақиришади.

Гарри қизга қараб, ичи жуда ачишиб кетди.

- Буюмларингни бекитиш учун сабаб бўла олмайди бу, - қатъий фикр билдирди у, - Агар истасанг, уларни қидириб топиш масаласида ёрдам бераман.

- Йўқ, раҳмат, - табассум қилди Луна, - Ўзидан ўзи топилиб қолади, доимо шундай бўлган. Бугун йиғиштириб олишга умид қилган эдим холос. Сен-чи... Ўзинг нима учун зиёфатга бормадинг?

- Хоҳишим йўқ, - елка қисди Гарри.

- Сени тушунаман, - ғалати қараб қўйди Луна, хира укки кўзи билан, - Ўзим ҳам шу хаёлга борган эдим. Ўлимдан мириқувчилар ўлдирган анави киши сенинг чўқинтирган отангмиди? Жинна менга шундай деди.

Гарри бош ирғиб қўйди. Лунанинг Сириус ҳақида гап очганидан аччиғи чиқмаганига ўзи ҳайрон бўлди. Ўзи каби Луна ҳам тестралларни кўра билишини эслади.

- Сенинг ҳам яқин қариндошларинг орасидан кимдир ўлганми? - сўради у.

- Ҳа, ойим, - осонгина жавоб берди Луна, - У оддий афсунгар аёл бўлмаган. Турли тажрибалар ўтказишни ёқтирган. Фақат, кунлардан бир кун, қўллаган афсунни нотўғри таъсир ўтказди. Тўққиз ёшга эндигина тўлган эдим ўшанда.

- Ҳамдардлгимни қабул қил, - пўнғиллади Гарри.

- Ҳа, жудодик осон кечмади, - деди Луна енгил оҳангда, - Ҳозиргача маъюс тортаман, лекин менинг дадам ҳаёт. Умуман айтганда, ойимни кўраман ҳали.

- Ростданми? - иккиланиб сўради Гарри.

Луна ишонқирамай бош силтади.

- Қўйсанг-чи, Гарри. Ўзинг эшитдинг-ку, уларнинг парда ортидаги овозларини, шундай эмасми?

- Айтмоқчисан-ки...

- Арка ўрнатилган хонада. Улар кўзга кўринмайди холос, лекин овозларини эшитиш мумкин.

Икковлон бир-бирига қараб қолди. Луна бироз кулиб турибди. Нима дейишни, қандай хаёлга боришни Гарри билмай қолди. Луна шундай ғалати нарсаларга ишонар экан, хаёлдан ўтказди Гарри, лекин ўша овозларни ўзим ҳам эшитдим-ку.

- Ёрдамим керак эмаслигига ишончинг комилми? - сўради у, қиздан.

- Йўқ, йўқ, керак эмас, - ишонтирди Луна, - Мен пастга тушиб, пудингдан озроқ еб оламан-да, буюмларим топилишини кутаман. Топилади, ўзи доим шунақа бўлади... Хўп, майли, Гарри, таътилни кўнгилли ўтказишингни тилаб қоламан.

- Ҳа... Раҳмат, сен ҳам дилкаш ўтказ.

Узоқлашиб бораётган Лунанинг ортидан қараб қолган Гарри қалбини босиб турган вазмин юк бироз енгиллашганини ҳис этди.

\*\*\*

«Хогварц-Экспресс»да йўл юриш давомида бир нечта қизиқ ҳодиса рўй берди. Биринчидан, ҳафта давомида Гарри билан танҳо учрашиш учун пайт пойлаб юрган Малфой, Краббе ва Гойл, ҳожатхонадан чиққан Гаррини қўлга туширишди. Учовлон кўзланган мақсадга эришган бўлар эди ҳам, агар аҳмоқлиги туфайли, ўз пистирмасини ДА жамиятининг аъзолари жойлашган купе яқинида уюштирмаганида. Нима бўлаётганини ойна орқали кўриб қолган Эрни Макмиллан, Ханна Аббот, Сьюзан Боунс, Жастин Финч-Флетчи, Энтони Голдштейн ва Терри Бут шу заҳоти ёрдамга чиқишди. Улар Гарри ўргатган кўп сонли қарғиш, тилсим ва афсунлар ижросини якунига етказганида, Малфой ва унинг қуролбардорлари «Хогварц» ўқувчисининг кийимидаги йирик шиллиққуртга айланиб қолишди. Гарри, Эрни ва Жастин уларни юк тоқчасига чиқариб қўйиб, аллақандай қабоҳат томизим ётган ҳолатда қолдиришди.

- Манзилга етиб, поезддан тушган Малфойнинг кепатасини кўрган онасининг юзи касб этадиган қиёфани жуда кўргим келяпти, - деди Эрни, Драконинг типирчилаётганига мамнуният ила қараб. Назорат бригадасидаги қисқа муддатли хизмати давомида «Хуффльпүфф»дан балл айиргани учун Эрни Малфойни ҳеч кечира олмай юрган эди.

- Гойлнинг онаси эса хурсанд бўлиши аниқ, - таъкидлаб қўйди, шовқинни эшитиб, нима бўлганини билиш учун купега бош суққан Рон, - Ўзининг асл қиёфасига нисбатан ҳозирги ҳолати билан анча дуруст кўринади... Айтгандай, Гарри, егулик сотиладиган аравача келди, агар бирон нима олиш ниятинг бўлса...

Гарри кўрсатилган ёрдам учун ҳаммага миннатдорлик билдириб, Рон билан бирга ўз купеси томон йўл олди. Етиб боргач, ҳамма учун қозон шаклидаги кекс ва бир дунё қовоқ печенье харид қилди. Гермiona одатига кўра, «Башорат-у, каромат газетаси»ни мутолаа қилиб кетмоқда, Жинна «Ҳақиқатгўй» журналида келтирилган кроссвордни ечиб, Невилль эса йил давомида сезиларли даражада ўсиб, қўл теккизилганида ғалати ғуриллаш товушини чиқараётган мимбулюс мимблетонияни силаб бормоқда.

Гарри билан Рон йўл давомида сеҳрли шахмат ўйнаб кетишди, Гермiona эса газета мақолаларидан ўқиб эшиттириб борди. Энди таҳририят ўз газетасининг саҳифаларида дементор ҳайдаш усуллари, Ўлимдан мириқувчиларни қўлга олиш мақсадида вазирлик томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги мақолаларни, ҳозиргина деразаси остидан ўтиб кетган Лорд Вольдемортни кўриб қолган газетхонларнинг жазавали хатларини чоп этадиган бўлиб қолган.



- Бу бошланиши холос, - оғир хўрсинди Гермiona, газетани тахлаб, - Оз қолди...

- Қара, Гарри, - пичирлади Рон, эшик ойнасига имо қилиб.

Гарри эшик томон ўгирилиб, ўзининг дугонаси, бошига тўқима қалпоқ ташлаб олган Мариэтта Даблин билан ўтиб кетаётган Чунни кўрди. Гарри билан Чунинг нигоҳлари бир сонияга тўқнаш келиб қолди. Юзи қизариб кетган Чу йўлини давом эттирди. Гарри нигоҳини шахмат тахтасига олиб ўтиб, пиёдасини Роннинг фили катакдан қувиб солаётганини кўриб қолди.

- Орангизда қанақанги ола мушук ўтди ўзи? - аста сўради Рон.

- Ҳеч гап бўлгани йўқ, - етарлича ҳаққонийлик-ла, жавоб берди Гарри.

- Эшитишимга қараганда... у... м-м-м... бошқа йигит билан учрашаётган эмиш, - аста маълум қилди Гермiona.

Бу гап ҳеч қандай таъсир ўтказмаганига Гарри бироз ҳайрон бўлди. Чу ва у билан боғлиқ хотира узоқ ўтмишда қолиб кетган ёки унга мутлақо дахлсиз ўтгандай гўё. Сириуснинг ўлимидан сўнг, унинг онгида кўп нарсаларга нисбатан ўхшаш фикрлар шаклланган. Сириусни сўнги бор атиги бир ҳафта муқаддам кўрган эди, бироқ ушбу ҳафта чексиз чўзилиб, иккита оламга, хусусан, Сириус бор ва Сириус йўқ оламларга бўлиниб кетди.

- Ростини айтсам, дўстим, ўшандан қутулибсан-ми, омадинг юришгани шудир, - қатъий ишонч-ла, баёнот қилди Рон, - У чиройли қиз, албатта, бироқ сенга сал бўлса ҳам, нисбатан хушчақчақроқ қиз керак.

- Балки у, ўша бошқа йигит билан хушчақчақроқдир, ким билади, - елка қисиб қўйди Гарри.

- Ҳа, айтгандай, ким билан учрашиб юрибди у? - сўради Рон, Гермionaга мурожаат қилиб.

- Майкл Корнер билан, - жавоб берди Жинна, Гермionанинг ўрнига.

- Майкл... билан? - синглиси томон тўлиқ бурилиб юзланди Рон, - Бироқ у билан сен учрашиб юрган эдинг-ку?!

- Энди учрашмай қўйдим, - маълум қилди Жинна, - «Гриффиндор»нинг «Равенкло» устидан ғалаба қозонгани ёқмади унга, хафа бўлди, шу боис, унга истеъфо бердим, у эса Чуга бориб, юпанч топди. Жинна паришонлик-ла бурнини пат-қалам учи билан ишқалаб, «Ҳақиқатгўй» журналини тескари ағдарди-да, жавобларни текширишга киришиб кетди.

- Унинг ғирт аҳмоқ эканлигини доимо таъкидлаб келганман, - деди, синглисининг жавобидан мамнун бўлган Рон, ўзининг фарзинини Гаррининг қўрқувдан дағ-дағ титраётган рухи томон туртиб, - Қарорингдан хурсандман. Янаги сафар... дурустроқ йигит топ, - насиҳат қилди у, Гаррига ўғринча қараб қўйиб.

- Топиб бўлдим, Дин Томасни. Хўш, нима деб ўйлайсан, ғирт аҳмоқлар тоифасига кирадими у? - лоқайд оҳангда сўради Жинна.

- НИМА? - шахмат тахтасини онтариб юборганча, бақирди Рон.

Маймоқоёқ шахмат доналарини қува кетди. Юк токчасидаги Хедвиг билан Чўчринстель эса домангир чирқираб қўйишди.

Вокзалга яқинлашган «Хогварц-Экспресс» ҳаракат тезлигини пасайтира бошлади. Поездни тарк этмай ўтириш истагини Гарри ҳали бу қадар кучли ҳис этмаган эди. Қизиқ, агар пастга тушишдан бош тортсам нима бўлар экан, а, хаёлдан ўтказди Гарри, биринчи сентябрга қадар купеда яшаб, «Хогварц»га қайтаман. Бироқ буғ пуркаган поезд перронга етиб тўхтагач, юк токчасидаги Хедвиг қамалган қафасни қўлига олиб, одатдагидай, сандиқ туширишга ҳозирланди.

Вагондан чиқишгач, вокзал нозири Гарри, Рон ва Гермionaга имо қилиб, тўққизинчи ва ўнинчи платформалар орасидаги сеҳрланган тўсиқ орқали ташқарига чиқишлари мумкинлигини кўрсатди.

Маглар дунёсида эса Гарри кутилмаган янгиликка рўбару бўлди: уни вокзалда пайдо бўлишларини мутлақо кутмаган одамлар гуруҳи қарши олди.

Кенг сафар плашига ўраниб, қозон шляпасини сеҳрли кўзи устига тушириб олган мудҳиш қиёфали Ўйноқкўз Хмури узун ҳассасини бўғинлари туртиб чиққан бармоқлари билан маҳкам ушлаб

турибди. Унинг орқасида пушти сақич тусини касб этган сочи чанг қоплаган шифт ойнаси орқали сингиб ўтаётган қуёш нурларида ярқираётган Нимфадора Бомс кўринди. Қиз эгнига «Шайтоннинг сингиллари» ёзуви битилган ёрқин сапсар рангли футболка ва сон-саноксиз ямоқларга эга жинси шим кийиб олган. Бомснинг ёнида юзи рангпар, сочига оқ оралаган, эгнига ейилиб, тешилиб кетган, эски жемпери билан шимини бекитиб турган плаш ташлаб олган Люпин тепинмоқда. Ҳаммадан олдинга эса ўз бисотидаги энг яхши магл кийимини кийган мистер ва миссис Уэслилар ҳамда яп-янги, тангачали матодан тикилган куртка кийган Фред билан Жорж чиқиб олишган.

- Рон, Жинна! - бақирди миссис Уэсли, болалари томон талпиниб, - О, ва... Гарри, қадрдоним, қалайсан?

- Жуда яхши, - алдади маҳкам қучоқлаб олинаётган Гарри, миссис Уэслининг елкаси узра Роннинг эгизаклар эгнидаги кийимга бақрайиб қолганини кўриб.

- Бу нимаси бўлди? - сўради Рон, курткаларга имо қилиб.

- Юқори сифатли аждар териси, укагинам, - жавоб берди Фред, кийимининг занжирсимон ёпқичини сал юритиб қўйиб, - Тижорат гуллаб-яшнамоқда. Шундай экан, ўзимизни ўзимиз бироз сийлашга аҳд қилдик.

Миссис Уэсли Гаррини қўйиб юбориб, Гермiona билан саломлаша бошлади.

- Салом, - кўришди Люпин, халос бўлган Гарри билан.

- Салом, - жавоб берди Гарри, - Сизларни кўраман, деб ўйламаган эдим... Нега келдингиз?

- Холанг билан амакингни ўйига қўйиб юборишдан олдин, улар билан гаплашиб қўйишга аҳд қилдик, - кулиб қўйди Люпин, - Шундай қилсак, зиён қилмайди.

- Қарорингиз яхши эканлигига шубҳа қиламан, - фикр билдирди Гарри.

- Мен эса ҳеч ҳам шубҳа қилмайман, - гурсиллади Хмури, каловланганча, яқинроқ келиб, - Анави учаласи-ми, Гарри?

Хмури бош бармоғини елкаси устидан орқа томонга ўқтади. Афтидан у, боши ва шляпаси орқали сеҳрли кўзи воситасида кимнидир пайқаган кўринади. Гарри бироз чапга оғиб, Хмури кўрсатаётган томон қаради. Кутгандай, учала Дурсль Гаррини кутиб олган кишиларнинг кепатасини кўриб, даҳшатга тушиб турибди.

Гермионанинг ота-онаси билан ҳайрат-ла саломлашиб, уларни қизи билан қолдирган мистер Уэсли яқинлашди.

- А, Гарри! - кўришди у, - Хўш... сўхбатлашамизми? - мурожаат қилди, катталарга қараб.

- Яхши бўлар эди, Артур, - жавоб берди Хмури.

Хмури билан мистер Уэсли вокзал биноси бўйлаб, қоқилган қозикдек серрайиб турган Дурсллар томон биринчи бўлиб йўл олишди.

- Хайрли кун, - хушмуомала оҳангда кўришди мистер Уэсли, Вернон амакиннинг қаршисида кескин тўхтаб, - Ўйлашимча, сиз мени эслайсиз, шундай эмасми? Мен, Артур Уэсли.

Икки йил муқаддам мистер Уэсли Дурсллар уйининг меҳмонхонасини якка ўзи, деярли бутунлай вайрон қилиб юборган эди. Агар Вернон амаки уни эсидан чиқариб юборган бўлса, Гарри жуда таажжубланган бўлар эди. Юзи чиндан ҳам тўқ қизил-қўнғир тус олган амаки мистер Уэслига дарғазаб ўқрайди-ю, афтидан, «рақиблар» сони икки чандон устун келаётгани учун бўлса керак, индамади. Қўрқиб кетган ва танишларидан бирортаси мана бу номақбул кишилар даврасида кўриб қолиши мумкинлигидан хижолат тортаётган Петунья холанинг кўзи атрофга олазarak бўлиб турибди. Дудли эса имкон қадар кичкина, кўринмас бўлиб қолиш учун беҳуда кучаниб турибди.

- Биз Гарри тўғрисида гаплашиб олмақчи эдик, сиз билан, - деди кулишини қўймаган мистер Уэсли.

- Ҳа, - ириллади Хмури, - У билан қандай муомалада бўлиш кераклиги ҳақида.

Мўйлови қаҳр зўридан учқун сачратиб юборгандай кўринган Вернон амаки қозон шляпа кийгани учун ҳам ўзига ўхшатган бўлса керак, фақат Хмури билан гаплашишга аҳд қилган бўлди.

- Менинг уйимда кечадиган муносабатлар зиғирдай бўлсин, сизларга дахл қилишини билмаган эканман...

- Сен билмайдиган нарсалар қоғозга битилса, Дурсль, бир нечта қалин китоб чиқади, - гурсиллади Хмури.

Нимфадоранинг пушти сочи Петунья холанинг эстетик ҳиссиётини қаттиқ ҳақоратлаётган шекилли, кўрмаслик учун кўзини чирт юмиб олди.

- Дахл қиладимми, қилмайди-ми, аҳамияти йўқ, - гапга аралашди Бомс, - Энг муҳими, агар Гаррига нисбатан ёмон муносабат кўрсатилганидан хабар топадиган бўлсак...

- Хабар топишимиз масаласида эса шубҳа қилмасангиз ҳам бўлаверади, - мулойим оҳангда қўшиб қўйди Люпин.

- Ҳа, гарчи сиз болага фелитондан фойдаланишни ман этиб қўйсангиз ҳам, - аниқлик киритди мистер Уэсли.

- Телефондан, - пичирлади Гермиона.

- ... қисқаси, Поттерни хафа қилганингни билиб қолгудай бўлсак, учовинг қилмишингга яраша жазога тортиласан, - фикрни тугаллади Хмури.

Вернон амакининг ғазаби мана бу аҳмоқлар тўдаси олдидаги қўрқув ҳиссидан ошиб, турган жойида шиша бошлади.

- Сиз мени қўрқитмоқчимисиз, сэр? - баланд бақирди у, атрофдаги одамлар эътиборини ўзига жалб қилиб.

- Ҳа, қўрқитяпман, - тасдиқлади Ўйноққўз, афтидан, Вернон амаки кўтарилган масаланинг асосий маъзини тез чақиб олганидан мамнун бўлиб.

- Сизнингча мен, қуён юрак қўрқоққа ўхшайман-ми? - акиллади Вернон амаки.

- Нима десам экан...

Хмури пешонасига тушган қозон шляпасини кўтариб, чаноғида гир айланаётган сеҳрли кўзини кўрсатди. Даҳшатга тушган Вернон амаки кескин орқага тисарилиб, юк ташиш аравасига қаттиқ урилди.

- Жуда ўхшар экансан, Дурсль.

Ўйноққўз Вернон амакига тескари ўгирилиб, Гаррига юзланди.

- Хўш, Поттер... бирон нарса ёқмаса, қичқир. Агар уч кун давомида сендан хабар келмайдиган бўлса, ҳолингдан хабар олгани бирор кишини юборамиз.

Петунья хола инграб юборди. Уйининг остонасида мана бу одамлардан бирортаси пайдо бўлса, қўшнилари нима деган хаёлга боришини аниқ тасаввур қилганини юзидан ўқиб олса бўлади.

- Кўришгунча, Поттер, - хайрлашди Хмури, қийшиқ қўли билан Гаррининг елкасини қисиб қўйиб.

- Омон бўл, - деди Люпин, - Йўқолиб кетма.

- Гарри, имкон бўлиши билан сени олиб кетамиз, - пичирлади миссис Уэсли, болани қучоқлаб.

- Тез орада кўришамиз, дўстим, - ҳаяжон-ла хайрлашди Рон, қўл сиқишиб.

- Жуда тез орада, Гарри, - жиддий оҳангда қўшимча қилди Гермиона, - Ваъда қиламиз.

Гарри бош ирғиб қўйди. Ўзининг ва ота-онасининг дўстлари ёнида бўлиши ҳозир қанчалик муҳим эканлигини изҳор этиш учун сўз топа олмади. Қўлини, хайрлашган бўлиб кўтариб қўйди-да, вокзал биносидан қуёш чарақлаб турган кўчага биринчи бўлиб чиқди. Вернон амаки, Петунья хола ва Дудли, унинг орқасидан шошилишди.

**2012 йил 25 декабрь 01.45.**

